

ШАЙХ
МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ

Шафсири Ҳилол

ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН

ИККИНЧИ НАШР

4 жуз

Аллоҳ таолонинг каломи тафсири борасидаги ушбу камтарона уринишни қиблагоҳим Муҳаммад Юсуф ҳожи ва онажоним Собира хоним Тилакберди қизи раҳматуллоҳи алайҳимоларга бағишлайман. Ҳаққ таолодан уларни мағфират айлаб, жойларини жаннатдан қилишини тилаб дуолар қиламан. Муҳтарам ўқувчилардан ота-онамиз ҳақларига дуолар умидидаман.

Муаллиф.

Ш и о р и м и з:

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ — улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш.

Дийний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.



ҲАЖ СУРАСИ

Мағийнада нозил бўлган. 78 оятдан иборат.

Ушбу сураи карима ҳам, ўзга маданий суралар каби, шариат ҳукмлари ҳақида сўз юритади. Шу билан бирга, унда маккий сура-ларга хос хусусиятлар ҳам яққол кўзга ташланади. Иймон, тавҳид, таҳдид, огоҳлантириш, қайта тирилиш, мукофот ва жазо масалала-ри муолажа қилинади.

Сураи карима Иброҳим алайҳиссалом Байтуллоҳни қуриб бўлиб, ҳажга даъват қилганларининг хабарини бергани учун ҳам «Ҳаж» деб аталган. Аини чоқда, ҳаж ибодатига оид масалалар ҳам баён қилинади.

Бу сурада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккаи Мукаррамадан Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилганларидан ке-йин жорий этилган шаръий ҳукмлар ҳақида сўз кетади. Жумладан, иймон-эътиқодни, дину диёнатни ҳимоя қилиб душманлар билан уру-шиш, Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиқиш каби масалаларга тўхталади.

«Ҳаж» сурасининг аввалида қиёмат қоим бўлишидан олдин рўй берадиган қаттиқ зилзила қалбларни ларзага солиши, ақларни бош-дан учириши, инсоннинг хаёлини паришон қилиши, ҳатто, эмизикли аёллар болаларини ҳам унутиб юборишлари, ҳомиладорлар ҳомиласи-ни ташлаб қўйиши ва бошқа ҳолатлар ажойиб услубда тасвирланади.

Сўнгра, қайта тирилиш, савол-жавоб, жазо ва мукофот ҳақида сўз кетади. Ким яхшилик қилган бўлса, яхшиликка эришиши, ёмон-лик қилган бўлса, ёмонликка етишиши баён этилади.

Шунингдек, сурада қиёмат манзаралари ҳам чизилади. Яхши кишиларнинг жаннати наъиймдаги, ёмон кишиларнинг эса, дўзахи жаҳиймдаги ҳолатлари васф этилади.

Ундан кейин, урушга изн берилишининг ҳикматлари баён қилина-ди. Зулм ва туғён туфайли вайронага айланган шаҳар-қишлоқлар ҳақида сўз боради. Сабр қилганларнинг оқибати гўзал бўлиши уқтирилади.

Суранинг охирида эса, мушрикларнинг бут-санамларга ибодат қилишлари нотўғри экани, улар ҳаммаси тўпланиб, битта пашша

ҳам ярата олмасликлари таъкидланади. Ва ниҳоят, мўминларга нидо йўлланиб, Роббиларига ибодат қилишга, Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиқишга, ақийда йўлида курашишга чақирилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

يَأْتِيهَا النَّاسُ اتِّقُوا رَبَّكُمْ إِن زَلَزَلَتِ السَّاعَةُ شَيْءٌ عَظِيمٌ

1. Эй одамлар! Роббингиздан қўрқинг! Албатта, соат (қиёмат) зилзиласи улкан нарсадир.

Ушбу ояти каримадаги хитоб барча одамларга қаратилгандир. Оятда ҳамма одамларни Аллоҳ таолодан қўрқишга, тақво қилишга чақириқ аксини топгандир. Агар Аллоҳдан қўрқмайдиганлар бўлсалар, билиб қўйсинлар:

«Албатта, соат (қиёмат) зилзиласи улкан нарсадир».

Яъни, қиёмат бошланганидан дарак берувчи зилзила жуда даҳшатли, хавфли ҳодисадир. Ана ўшанда иймонсизлар, Аллоҳга тақво қилмаганлар нима бўлишини кўрадилар.

يَوْمَ تَرُوهَا تَذْهَلُ كُلُّ مُرْضِعَةٍ عَمَّا أَرْضَعَتْ وَتَضَعُ كُلُّ ذَاتِ حَمْلٍ حَمْلَهَا وَتَرَى النَّاسَ سُكَرَىٰ وَمَاهُم بِسُكَرَىٰ وَلَٰكِنَّ عَذَابَ اللَّهِ شَدِيدٌ

2. Уни кўрадиган кунингизда, ҳар бир эмизувчи ўзи эмизаётган нарсасини унутар. Ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини ташлар. Одамларни маст ҳолда кўрарсан. Ҳолбуки, улар маст эмас. Лекин Аллоҳнинг азоби шиддатлидир.

Яъни, Қиёмат зилзиласи рўй берган кунда:

«Ҳар бир эмизувчи ўзи эмизаётган нарсасини унутар».

Маълумки, она ўзи эмизаётган боласига жуда боғлиқ бўлади. Ухлаб қолган онани момақалдироқ уйғота олмаслиги мумкин, лекин боласининг инграши дарҳол уйғотади. Эмизувчи она ҳамма нарсани унутса, унутади, аммо боласини унутмайди. Лекин қиёмат зилзиласи шу қадар даҳшатлики, ҳатто эмизувчи аёл ҳам боласини

унутади. Битта-иккитаси эмас, ҳаммаси, ҳар бир эмизикли аёл эмизадиган боласини унутиб қўяди.

«Ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини ташлар.»

Бу ҳам ўша зилзиланинг даҳшатидан рўй беради. Ҳомиладор ҳомиласини ташлаб қўйиши учун ниҳоятда қаттиқ қўрқиши керак. Ўшаңдоқ қўрқув қиёмат зилзиласидан бўлади. Ўша вақтда:

«Одамларни маст ҳолда кўрарсан. Ҳолбуки, улар маст эмас.»

Бу ҳолат ҳам ўша зилзиланинг ғоятда даҳшатли эканига далолат қилади. Қаттиқ қўрққан одамлар ҳеч нарса ичмасдан туриб ҳам, эс-ҳушларини йўқотиб, худди маст одамларга ўхшаб қолишади. Чунки:

«Аллоҳнинг азоби шиддатлидир».

وَمِنَ النَّاسِ مَن يُجَادِلُ فِي اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَيَتَّبِعُ كُلَّ شَيْطَانٍ مَّرِيدٍ ﴿٢﴾

3. Одамлардан Аллоҳ ҳақида билмасдан тортишганлари ва бебош шайтонга эргашганлари ҳам бор.

Шундай даҳшатларнинг хабари келиб туриб ҳам, Аллоҳ таоло ҳақида тортишиш энг катта гумроҳлик. Унинг борлиги, бирлиги, қудрати ёки сифатлари ҳақида тортишиш энг катта жоҳиллик. Бунинг устига, **«билмасдан»** тортишиш жоҳиллик устига жоҳилликдир. Бундай тортишувга журъат қилган одам бебош шайтонга эргашган бўлади. Шайтонга эргашганларнинг оқибати эса, маълум.

كُنِبَ عَلَيْهِ أَنَّهُ مَن تَوَلَّاهُ فَإِنَّهُ يُضِلُّهُ وَيَهْدِيهِ إِلَىٰ عَذَابِ السَّعِيرِ ﴿٤﴾

4. Унга битилганки, албатта, унга ким дўст бўлса, шубҳасиз, уни адаштирур ва дўзах азобига «ҳидоят» қилур.

Шайтон пешонасига битилган – ёзиб қўйилган тақдир шу. Ундан бирор яхшилик чиқмайди. Шайтонга:

«...ким дўст бўлса, шубҳасиз, уни адаштирур ва дўзах азобига «ҳидоят» қилур».

Шайтон ўз ифвоси ва васвасаси билан ўзига яқин бўлганларни ҳидоят йўлидан адаштиради. Шу адаштириши билан уни дўзахга томон йўллаб қўяди.

Кишиларнинг Аллоҳ ҳақида билмасдан тортишишлари натижа-сида фисқ-фасодлар ҳам келиб чиқади. Жумладан, кейинги оятда ўлгандан кейин қайта тирилишга ишонмайдиганларнинг, у ҳақида шак-шубҳа қиладиганларнинг бузуқ тушунчалари муолажа этилади:

يَأْتِيهَا النَّاسُ إِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِنَ الْبَعْثِ فَإِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ مِنْ عَلَقَةٍ ثُمَّ مِنْ مُضْغَةٍ مُخَلَّقَةٍ وَغَيْرِ مُخَلَّقَةٍ لِّنُبَيِّنَ لَكُمْ وَنُقَرُّ فِي الْأَرْحَامِ مَا نَشَاءُ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى ثُمَّ نُخْرِجُكُمْ طِفْلًا ثُمَّ لِتَبْلُغُوا أَشَدَّكُمْ وَمِنْكُمْ مَّنْ يُتَوَفَّىٰ وَمِنْكُمْ مَّنْ يُرَدُّ إِلَىٰ أَرْذَلِ الْعُمُرِ لِكَيْلَا يَعْلَمَ مِنْ بَعْدِ عِلْمٍ شَيْئًا وَتَرَىٰ الْأَرْضَ هَامِدَةً فَإِذَا أَنْزَلْنَا عَلَيْهَا الْمَاءَ اهْتَزَّتْ وَرَبَتْ وَأَنْبَتَتْ مِنْ كُلِّ زَوْجٍ بَهِيجٍ ﴿٥٠﴾

5. Эй, одамлар! Агар қайта тирилиш ҳақида шубҳа қиладиган бўлсангиз, бас, Биз сизга баён қилишимиз учун сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра алақадан, сўнгра битган-битмаган бир чайнам гўштдан яратдик. Ва бачадонларда хоҳлаган нарсани маълум муддатгача қарор топтирармиз. Кейин сизларни бувак ҳолингизда чиқарармиз. Сўнгра, вояга етишингиз учун (тарбия қилармиз). Сиздан вафот қилиб кетадиганлар ҳам, билганидан кейин ҳеч нарсани билмай қоладиган даражада ночор умрга етадиганлар ҳам бор. Ва ерни қақраган ҳолда кўрарсан. Қачонки, Биз унга сув туширсак, у сесканадир ва кўпчидир. Ҳамда ҳар хил гўзал жуфтларни ўстирадир.

Одамнинг табиати қизиқ. Билмай туриб, ўзини яратган Холиқ ҳақида, Унинг мавжудлиги, битта ёки бир нечта экани, қудрати ва бошқа сифатлари ҳақида тортишаверади. Аммо, ўзининг қандай пайдо бўлганини ўйлаб кўрмайди.

Қайта тирилиш, савол-жавоб, ҳисоб-китоб, жазо-мукофот ҳақида гап кетса, ўйламай-нетмай, дарҳол шубҳа қилишга тушади. Бу ҳақиқатни атрофлича тафаккур этмасдан туриб, инкор этади. Аллоҳга иймон келтирмагани, охиратдан умиди йўқлиги учун, ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор қилади. Агар қайта тирилиш ҳақ бўлса, ўзининг ҳоли вой бўлишини билгани учун ҳам унга кофирлик қилади. Аммо холисона ўйлаб кўрса, бундай қилмаган бўлар эди. Ўзининг аслига бир қараб кўрса, қайта тирилиш ҳеч гап эмаслигини тушуниб етарди.

Бу оятда мазкур масала батафсил муолажа қилинмоқда. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандаларига хитоб қилиб:

«Эй, одамлар! Агар қайта тирилиш ҳақида шубҳа қиладиган бўлсангиз», билиб қўйингки,

«Биз сизларни тупроқдан...» яратдик, демоқда.

Сизнинг отангиз Одамни тупроқдан яратганмиз. Инсонни қуруқ тупроқдан яратган Зот ўлган одамни қайта тирилтира олмайдимиз?! Инсонни йўқдан бор қилган ва унга жон берган Зот энди уни ўлимдан сўнг тирилтириб, ўзи олган жонни қайта кирита олмайдимиз?!

«...сўнгра нутфадан...» яратдик.

Инсон йўқ эди. У отасининг нутфа-спермасидан дунёга келди. Бу манийда минглаб уруғлар бўлади. Улардан фақат биттасигина онанинг тухумига урчийди. Бошқалари беҳуда йўқ бўлиб кетади. Оддий, кўзга кўринмас ушбу заррачалар билан баркамол инсон орасида қанча фарқ бор?! Ана шу заррадан одам яратган Холиқ Аллоҳ ўлган одамни қайта тирилтира олмайдимиз?!

«...сўнгра алақадан...»

Араб тилида «алақа» деб, аслида, зулукка айтилади. Яқингача «алақа»ни «қотган лахта қон» деб айтиб келинган. Аммо, илм ривожланиб, бачадондаги ҳомиланинг турли жараёнларини сувратга олиш имкони туғилди. Шунда Қуръони Каримда «алақа» деб номланган босқичдаги ҳомила бачадонга зулукдек ёпишиб туриши маълум бўлди. Алақанинг суврати ҳақиқий зулук билан солиштирилса, уларни фарқлаб бўлмайди. Ҳомилани ўрганишда дунёда етакчи ҳисобланган америкалик ва канадалик олимлар бу ҳол билан қизиқиб, Қуръони Каримда ҳомила ҳақида келган оятларни ўрганиб чиқдилар. Ва ҳомила хусусидаги энг тўғри илм Қуръон илми эканини таъкидладилар, уни илоҳий китоб деб тан олдилар.

Хўш, ўша зулукка ўхшаш қотган лахта қон билан инсон орасида қанча фарқ бор? Мазкур қонни бирор кишига кўрсатиб, келажақда мана шу сенга ўхшаган одам бўлади, деса, ким ишонади? Лекин Аллоҳ таоло шуни қилади. Ана ўша ишни қилиб, бир парча алақа қондан одам яратган Аллоҳ ўлган одамни қайта тирилтира олмайди-ми?!

«...сўнгра битган-битмаган бир чайнам гўштан...»

Ҳомила ривожланиб, лахта қон шаклидан бир парча чайналган гўшт ҳолига ўтади. Ана ўшанда унга шакл киради. Шакл кирса, битган бўлади. Шакл кирмаса, битмаган бўлади, бачадондан тушиб кетади. Ҳеч ким уни эсламайди ҳам. Энди, ўша бир парча чайналган гўштга ўхшаш нарса билан инсон орасида қанча фарқ борлигини бир ўйлаб кўрайлик? Ўша гўштан инсон яратган Аллоҳ ўлган одамни қайта тирилтира олмайдимиз?!

«Сизга баён қилишимиз учун яратдик.»

Яъни, сизга қудратимиз қанчалик эканини баён қилиш учун сизни яратдик.

«Ва бачадонларда хоҳлаган нарсамизни маълум муддатгача қарор топтирармиз.»

Юқорида васф қилинган босқичлар ўтганидан кейин Аллоҳ таоло хоҳлаганини онанинг бачадонида маълум муддатгача, туғилиш вақти келгунича қолдиради. Хоҳлаганини тушириб юборади. Демак, ҳомила нутфа, алақа ва музга босқичларидан ўтганидан кейин ҳам ҳали одам бўлиши-бўлмаслиги аниқ эмас. Ана ўша босқичлардан ўтказган Аллоҳ унинг бола бўлишини хоҳласа, она бачадонида қолдиради. Хоҳламаса, тушириб юборади. Ана шуларга қодир Зот ўлган одамни қайта тирилтира олмайдими?!

«Кейин сизларни бувак ҳолингизда чиқарармиз.»

Яъни, онангизнинг қорнидан чақалоқ ҳолингизда чиқарамиз.

Туғиш нима эканини уни бошидан ўтказиб кўрганлар билади. Аллоҳнинг инояти бўлмаса, чақалоқнинг она қорнидан ажралиши ўзича рўй беравермайди. Шундай қийин, мураккаб жараёни жорий этган Аллоҳ ўлган одамни қайта тирилтира олмайдими?!

«Сўнгра вояга етишингиз учун (тарбия қилармиз).»

Янги туғилган гўдак қанчалар ожиз эканини ҳамма билади. Фақат Аллоҳнинг иноятигина уни бу дунёда ушлаб қолади. Ҳеч бир жонзотнинг боласи одам боласидек ожиз бўлмайди. Бошқа жонзотлар онасидан туғилганидан кейин бир оз ўтиб, ҳаракатга тушиб, кунини кўриб кетаверади. Аммо одам боласи узоқ муддатли тарбия ва иноятга муҳтож. Янги туғилган гўдак билан вояга етган инсон орасида катта фарқ бор. Бу ишни ҳам Аллоҳ таоло қилади. Ана шундай ишга қодир Аллоҳ ўлган одамни қайта тирилтира олмайдими?!

«Сиздан вафот қилиб кетадиганлар ҳам, билганидан кейин ҳеч нарсани билмай қоладиган даражада ночор умрга етадиганлар ҳам бор.»

Яъни, чақалоқлик даврида, ундан кейинги даврларда вояга етмай ўлиб кетадиганлар ҳам бор. Қариб, мункиллаб, ҳамма нарсани унутиб қўядиган ёшга етадиганлар ҳам бор. Агар одам боласининг ўзига қолса, ҳеч ўлмас эди. Аммо бу иш унинг қўлида эмас. Бошқа бирор зотнинг қўлида ҳам эмас. Фақат ҳар бир нарсага қодир Аллоҳ таолонинг қўлида. У зот кимга умр берса, яшайди, бермаса, ўлади. Ана шу нарсага қодир Зот ўлган одамни қайта тирилтира олмайдими?!

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло ўлганларни тирилтира олишининг исботига бошқа бир мисол ҳам келтиради.

«Ва ерни қақраган ҳолда кўрарсан.»

Қуриб, қақраб ётган ер. Худди ўликка ўхшайди. Унда ҳаётдан асар йўқ.

«Қачонки, Биз унга сув туширсак, у сесканадир ва кўпчидир.»

Ерга сув тушганида, унда жонланиш сезилади. Ҳаёт аломатлари пайдо бўлади.

«Ҳамда ҳар хил гўзал жуфтларни ўстирадир.»

Сув тушмасидан олдин бирорта ўсимликнинг ҳиди ҳам йўқ эди. Аммо сув тушгач, турли-туман гўзал ўсимликлар униб чиқди.

Ўлиб, чириб, тупроққа қўшилиб кетганлар ҳам ҳозирча асарсиз йўқ бўлиб кетганга ўхшайди. Аммо вақт-соати келиб, Аллоҳ таоло қақраб ётган ердан ҳаёт ундирганидек, бир амр билан ҳаммаларини қабрларидан чиқариб олади.

ذٰلِكَ بِاَنَّ اللّٰهَ هُوَ الْحَقُّ وَاِنَّهُ يَخِي الْمَوْتَىٰ وَاِنَّهُ عَلٰى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيْرٌ ﴿٦﴾

6. Бу(ҳолат)лар кўрсатадики, албатта, Аллоҳ ҳақ зотдир ва, албатта, У ўликларни тирилтиради ҳамда У ҳар бир нарсага қодирдир.

Яъни, ўтган оятда зикр қилинган ҳодисалардан очиқ-ойдин кўринадик, шубҳасиз, Аллоҳ таоло ҳақдир, бордир, бирдир. Шуларга қодир бўлган Зотнинг ўликларни тирилтиришига ҳам шубҳа йўқдир. Қисқа қилиб айтганда:

«...У ҳар бир нарсага қодирдир».

Унинг қудрати етмайдиган ҳеч нарса йўқдир.

وَاِنَّ السَّاعَةَ آتِيَةٌ لَا رَيْبَ فِيْهَا وَاَنَّ اللّٰهَ يَبْعَثُ مَنْ فِي الْقُبُوْرِ ﴿٧﴾

7. Ва, албатта, соат (қиёмат) келгувчидир, бунга шубҳа йўқ. Ва, албатта, Аллоҳ қабрлардаги кимсаларни тирилтирур.

Олдинги оятда зикр қилинган ҳолатлар очиқ-ойдин кўрсатадики: **«...албатта, соат (қиёмат) келгувчидир, бунга шубҳа йўқ».**

Қиёмат қоим бўлиши турган гап. Бу борада иккиланишга ўрин йўқ. Тайёргарликни кўриб қўйиш керак.

«Ва, албатта, Аллоҳ қабрлардаги кимсаларни тирилтирур.»

Бунга баъзи одамлар ишонмаса ҳам, барибир бўладиган иш. Ҳозирча ишонмаслар, лекин қабрларидан тирилиб чиққанларида ишонмасдан иложлари қолмайди. Аммо унда кеч бўлади.

Шунча далил-ҳужжатлар бўлиб туриб ҳам:

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يُجَادِلُ فِي اللّٰهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَلَا هُدًى وَلَا كِتَابٍ مُّنِيْرٍ ﴿٨﴾

8. Одамлардан Аллоҳ ҳақида илмсиз (ҳолда), ҳидоятга ёки нурли китобга эга бўлмасдан туриб тортишадиганлари бор.

Яъни, шундай жоҳил одамлар борки, унинг на илми бор, на бир тўғри йўлга бошловчи ҳидояти бор, на нурли китоби бор, аммо Аллоҳ ҳақида тортишаверади.

Одатда, тортишиш учун, аввало, илм бўлиши керак. Аммо у одам илмсиз ҳам тортишаверади.

Тортишмоқчи бўлган одамнинг йўлга бошловчи ҳидояти бўлиши керак. Аммо у одамнинг ҳеч қандай ҳидояти, йўл бошловчиси бўлмаса ҳам, Аллоҳ ҳақида тортишаверади.

Тортишадиган одамнинг йўлини ёритиб турувчи китоби бўлиши керак, у ўша китобга суяниб, асосланиб, тортишиши мумкин. Аммо у одам, китоби бўлмаса ҳам, Аллоҳ ҳақида тортишаверади. Хўш, унинг мақсади нима, нега асоссиз тортишаверади?

ثَانِي عَطْفِهِ لِيُضِلَّ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ لَهُ فِي الدُّنْيَا خِزْيٌ وَنَذِيقُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَذَابَ الْحَرِيقِ ﴿٩﴾

9. Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун, бўйнини булқаб (тортишар). Унга дунёда расволик бор. Қиёмат куни унга куйдириш азобини тоттирамиз.

Демак, у нобакор инсоннинг бўйнини булқаб, такаббурлик қилиб, билимсиз, ҳидоятсиз, нурли китобсиз ҳолда Аллоҳ ҳақида тортишишдан мақсади одамларни Аллоҳнинг йўлидан адаштиришдир. Шу қилгани учун:

«Унга дунёда расволик бор».

Тарихга назар солсак, мутакаббирлик билан одамларни Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун Аллоҳ хусусида тортишганларнинг ҳаммаси бу дунёнинг ўзида расвои олам бўлганлар. Бу ҳақиқатни узоқ тарихимизда ҳам, яқин тарихимизда ҳам, кечаги кунимизда ҳам кўриш мумкин. Бундан кейин ҳам кўрилади. Аммо ундай бетаъинларга бу дунёда расволик ёғилиши билан гуноҳларидан покланиб қолмайдилар. Аллоҳ таоло таъкидлаб:

«Қиёмат куни унга куйдириш азобини тоттирамиз», демоқда.

Ҳақиқий расволик ана ўшанда бўлади. Шу билан бирга, унинг ўзига хитоб қилиб, демоқдаки:

ذَلِكَ بِمَا قَدَّمْتَ يَدَاكَ وَأَنَّ اللَّهَ لَيْسَ بِظَلَمٍ لِلْعَبِيدِ ﴿١٠﴾

10. Бундай бўлиши ўз қўлларинг тақдим қилган нарсалардан-дир. Албатта, Аллоҳ бандаларга зулм қилгувчи эмасдир.

Ўша кофирга, Аллоҳ ҳақида тортишган шахсга, бу дунёда расво бўлишингнинг, охиратда азобга йўлиқшингнинг сабаби ўз қўлларинг билан қилган гуноҳлардир, дейилмоқда.

«Албатта, Аллоҳ бандаларга зулм қилгувчи эмасдир.»

Жумладан, сенга ҳам зулм кўрсатгани йўқ. Қилганинга яраша адолат ила жазоингни бермоқда, холос.

Аллоҳ ҳақида ноўрин тортишадиган, ўлгандан кейин қайта тирилишга шубҳа қиладиган шахслар таърифланиб бўлгач, мунофиқларнинг васфига ўтилади.

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَعْبُدُ اللَّهَ عَلَىٰ حَرْفٍ فَإِنْ أَصَابَهُ خَيْرٌ اطْمَأَنَّ بِهِ ۚ وَإِنْ أَصَابَهُ فِتْنَةٌ أُنْقَلَبَ
عَلَىٰ وَجْهِهِ خَسِرَ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةَ ذَٰلِكَ هُوَ الْخُسْرَانُ الْمُبِينُ ﴿١١﴾

11. Одамлардан Аллоҳга бир томонлама ибодат қиладиганлари ҳам бор. Агар унга яхшилик етса, кўнгли тўлур. Агар унга бало етса, юз ўгириб кетур. У дунёда ҳам, охиратда ҳам зиён кўрур. Ана ўша очиқ-ойдин зиёнدير.

Мунофиқлар Исломга фақат бир тарафни ўйлаб, ундан ўзларига яхшилик – фойда етишини кўзлаб кирадилар. Агар Исломга кирганидан кейин кўзланган фойда ҳосил бўлса, хотиржам юраверади. Аммо кўзланган фойда ҳосил бўлмаса, юз ўгириб, динни тарк этади. Улар бу қилмишлари билан икки дунёда ҳам зиён кўрадилар.

Мунофиқлар субутсизликлари туфайли, аввало бу дунёда катта зиён кўрадилар. Охиратда эса, жаҳаннамнинг энг қаърига тушадилар. Бундан ортиқ зиёнкорлик бўлмаса керак.

Ислом тижорат эмаски, унга фойдани кўзлаб кирилса. Ислом – иймон, эътиқод, Аллоҳга бандалик қилиш, унинг йўлида жонни ҳам, молни ҳам фидо этиш, ҳар хил бало-офатларга бардош бериш, демакдир. Ана ўша синовлардан ўтганлар икки дунё бахтига сазовор бўладилар. Аммо Исломга муайян фойдани кўзлаб кирган, ўша фойдага эришса, хурсанд бўлиб, эришмаса, динни тарк этиб, юз ўгириб кетадиган мунофиқлар икки дунёда зиён кўришлари муқаррар. Аслини олганда, мунофиқ кимса Исломдан, Аллоҳдан юз ўгириб, қаёққа ҳам борарди, кимга ҳам топинарди?

يَدْعُوا مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُمْ وَمَا لَا يَنْفَعُهُمْ ذَٰلِكَ هُوَ الضَّلَالُ الْبَعِيدُ ﴿١٢﴾

12. У, Аллоҳни қўйиб, ўзига зарар ҳам бермайдиган, манфаат ҳам бермайдиган нарсага илтижо қиладир. Шунинг ўзи қаттиқ адашишдир.

يَدْعُو الْمَنْ ضَرَّهُ أَقْرَبُ مِنْ نَفْعِهِ لَيْسَ الْمَوْلَىٰ وَلَيْسَ الْعَشِيرُ ﴿١٢﴾

13. У манфаатидан кўра зарари яқинроқ бўлганга илтижо қила-дир. У қандай ҳам ёмон хожа ва қандай ҳам ёмон дўстдир!

Аллоҳга ибодат қилмаган, унинг амрига итоат этмаган кимса Аллоҳдан бошқа нимагадир ёки кимгадир ибодат қилади. Эҳтимол, у нарса бут, санам бўлар, эҳтимол, ўзининг ҳавойи нафси ёки молу дунё, мансаб бўлар, балки, подшоҳга, бирор тузум ё ҳизбга сиғинар. Лекин ўшалар инсонга ҳақиқий фойда ёки зарар етказа оладими? Аллоҳ томонидан келган зиённи даф қила оладими? Албатта, йўқ! Демак, Аллоҳ таолони, ҳар бир нарсага қодир Зотни қўйиб, ҳеч нарсага қудрати етмас нарсага илтижо қилиш, унга юз тутиш

«Шунинг ўзи қаттиқ адашишдир».

Бундай ишни қилган одам, бундай қаттиқ адашган одам

«...манфаатидан кўра зарари яқинроқ бўлганга илтижо қила-дир».

Ҳа, Худодан бошқа илтижо қилинган ўша нарсалар асло манфаат бермайди. Аммо зарари етиши аниқ. Ҳеч бўлмаганида, унга ибодат қилгани учун қиёматда жавоб беради. Манфаатидан кўра зарари яқин ана шундай нарса:

«Қандай ҳам ёмон хожа ва қандай ҳам ёмон дўстдир!»

Фақат зарар келтирадиган хожа, албатта, ёмон хожа бўлади-да. Фақат зарар келтирадиган дўст, албатта, ёмон дўст бўлади-да.

Кофир ва мунофиқлар таърифланиб бўлингач, мўминлар сифатининг васфига ўтилади:

إِنَّ اللَّهَ يَدْخُلُ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ إِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ ﴿١٣﴾

14. Албатта, иймон келтириб, яхши амалларни қилганларни Аллоҳ остиларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга кирита-дир. Албатта, Аллоҳ Ўзи ирода этган нарсани қиладир.

Куфр йўлини рад этиб, иймон келтирган, иймон келтириб, унда собит турган, яхши амалларни қилган бандалар, албатта, яхшилик-

ларга эришадилар. Бу яхшиликларнинг олий даражаси эса, Аллоҳ таоло уларга ато этадиган

«...остиларидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар»дир.

Бунинг Аллоҳга ҳеч қийин жойи йўқ:

«Албатта, Аллоҳ Ўзи ирода этган нарсани қиладир».

Келаси оятда Аллоҳнинг икки дунёда нусрат беришидан шубҳаланганларнинг ҳоли нима кечиши баён қилинади:

مَنْ كَانَ يَظُنُّ أَنْ لَنْ يَنْصُرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ فَلْيَمِدُّ ذَيْبَهُ إِلَى السَّمَاءِ ثُمَّ لْيَقْطَعْ
فَلْيَنْظُرْ هَلْ يُدْهِبَنَّ كَيْدَهُ مَا يَغِيظُ ﴿١٥﴾

15. Кимки унга бу дунёю охиратда Аллоҳ нусрат беришига шубҳа қилса, бир восита топиб, осмонга осилсин, сўнгра уни кессин. Бас, назар солсин-чи, унинг бу ҳийласи ғам-ғуссани кеткизармикан?!

Ушбу ояти кариманинг маъноси ҳақида тафсир уламолари икки хил фикр айтганлар. Бу икки хиллик ояти каримадаги:

«Кимки унга бу дунёю охиратда Аллоҳ нусрат беришига шубҳа қилса» жумласидаги «унга» сўзининг кимга ишора қилаётгани хусусидаги баҳсдан келиб чиққан. Баъзи уламоларимиз, «унга»дан мақсад шубҳа қилаётган шахснинг ўзи, дейдилар. Шу маъно оятнинг сиёқига ҳам тўғри келади. Олдинги оятда мўминнинг таърифи келтирилган эди, бу оятда эса, кофирнинг ҳолати баён қилинмоқда. Кофир одам Аллоҳ ўзига ёрдам беришига шубҳа қилади. Ундай ҳолда, у ўзига ёрдам топиш учун иложини қилиб, восита топсин-да, осмонга чиқиб, ёрдамни узиб олсин. Ёки ўзини ўзи оссин. Сўнгра бир **«назар солсин-чи, унинг бу ҳийласи ғам-ғуссани кеткизармикан?!»**

Аллоҳга иймони йўқ кишининг ҳоли шундай бўлади. Унинг балоофатдан, ғам-ғуссадан қутулишга чораси йўқ. Аллоҳга иймони бўлмагани учун ундан нусрат келишига ҳам умид қилмайди. Шунинг учун, ё осмонга чиқиб, ёрдам топсин, ё, ундай қила олмаса, ўзини оссин. Бошқа иложи йўқ.

Бошқа уламоларимиз, оятдаги «унга»дан мурод Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдир, дейдилар. Унда, кимки Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ нусрат беришини хоҳламанса, бир восита топиб, унга ёрдам келаётган осмонга чиқиб, ўша ёрдамни узиб-кесиб қўйсин ёки ўзини ўзи оссин. Кейин «назар солсин-чи, унинг бу ҳийласи ғам-ғуссасини кеткизармикан», деган маъно чиқа-

ди. Яъни, кофирлар ҳар қанча уринсалар ҳам, турли чоралар кўрсалар ҳам, барибир, Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ёрдам — нусрат бераверади. Кофирлар ҳеч чидай олмасалар, ўзларини ўзлари оссинлар. Барибир, Аллоҳ аzza ва жалла Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ёрдам — нусрат бераверади.

وَكَذَلِكَ أَنْزَلْنَاهُ آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ وَأَنَّ اللَّهَ يَهْدِيَ مَنْ يُرِيدُ

16. Мана шундай қилиб, Биз у(Қуръон)ни очиқ-ойдин оятлар ҳолида нозил қилдик. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишиларни ҳидоят қиладир.

Аллоҳ таоло Ўзининг абадий мўъжизаси, охирги китоби Қуръонни Каримни очиқ-ойдин оятлар ҳолида тушириб қўйган. Уни кишилар ўқиб-ўрганиб, ҳидоят топишлари учун шундай қилган.

«Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишиларни ҳидоят қиладир.»

Ушбу жумладан бир-бирини тўлдирувчи икки маъно келиб чиқади.

Биринчиси: албатта, Аллоҳ ҳидоятга киришни хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилади. Хоҳламаганларни мажбур қилмайди.

Иккинчи маъно: албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилади. Хоҳламаган кишиларни ҳидоят қилмайди.

Аллоҳ таоло бу дунёдаги барча ишлар каби, ҳидоят ва залолат масаласини ҳам турли сабабларга боғлиқ қилиб қўйган. Ўша сабабларни ишга солганлар ҳидоят топиши мумкин. Мисол учун, Аллоҳ инсонга ақл, тафаккур, қобилият берган, Пайғамбар юборган, илоҳий китоб туширган, ана ўшалардан тўғри фойдаланган инсон ҳидоят топади. Лекин ҳидоятнинг асосий сабабчиси ўша воситалар эмас. Балки Аллоҳ таолодир. Ўша воситалар ишга тушгандан кейин ҳам Аллоҳнинг иродаси бўлмаса, бирон киши ҳидоят топа олмайди. Чунки, бу дунёда ҳар бир нарса Аллоҳнинг иродасига боғлиқ. Шу жумладан, ҳидоят масаласи ҳам.

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَالَّذِينَ هَادُوا وَالصَّابِغِينَ وَالنَّصْرَىٰ وَالْمَجُوسَ وَالَّذِينَ أَشْرَكُوا
إِنَّ اللَّهَ يَفْصِلُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ

17. Албатта, Аллоҳ қиёмат куни иймон келтирганлар, яҳудий бўлганлар, собийлар, насоролар, мажусийлар ва ширк келтирганлар орасида Ўзи ажрим қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир.

Бу дунёда ўзини билиб, ҳидоят топишга интилиб, Аллоҳнинг инояти ила мўмин-мусулмон бўлиб ўтганлар қаторида ҳақ йўлдан адашиб, турли эътиқод ва тузумларда яшаб ўтганлар ҳам бор. Ким бўлишидан қатъиназар, албатта, бу дунёдан ўтади. Дунёдалиқ чоғида ҳар ким ўз йўлини тўғри деб даъво қилиши мумкин. Демак, ким тўғри йўлда бўлганини ажрим қилиш охиратга қолади. Ушбу ояти каримада ана ўша охиратга қолган ажрим ким томонидан ва қачон бўлиши айтилмоқда.

«Иймон келтирганлар» — Аллоҳга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга инонган ва улар томонидан амр этилган амалларни адо этиб, яшаб ўтган мусулмон бандалардир.

«Яҳудий бўлганлар» — яҳудий динига эътиқод қилиб, ўша дин талаби асосида яшаган кишилар.

«Собийлар» — юлдузларга ибодат қилиб яшаган маълум бир қавмлар.

«Насоролар» — масийҳийлар. Ийсо алайҳиссаломга иймон келтириб, Инжилга амал қилиб яшаганлар.

«Мажусийлар» — оташпарастлар.

«Ширк келтирганлар» — Аллоҳга ширк келтириб, турли бут ва санамларга ибодат қилувчилар.

Булар ўша пайтдаги, оятлар тушаётган минтақадаги машхур тоифалар эди. Албатта, уларнинг ҳар бири ўзини ҳақ деб билар ва ўзгаларнинг йўлини нотўғри ҳисоблар эди.

Ушбу ояти карима ҳаммага баробар равишда Аллоҳ таоло ораларини қиёмат куни ажрим қилишини эълон этмоқда. Ҳаммасини У зотнинг Ўзи билиб ажрим қилади.

«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир.»

Шу жумладан, мазкур тоифаларнинг эътиқодларига, ибодатларига ва қилмишларига ҳам шоҳиддир.

Одамзот турлича фикрда, эътиқодда, майл ва тасарруфотларда юрвермасдан, бир мулоҳаза қилиб кўрса, улкан ҳақиқатга гувоҳ бўлади. Шунинг учун ҳам, келаси оятда инсон тааммул қилишга даъват этилади:

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يَسْجُدُ لَهُ مِنْ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ وَالنُّجُومُ
وَالْجِبَالُ وَالشَّجَرُ وَالْدَّوَابُّ وَكَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ وَكَثِيرٌ حَقَّ عَلَيْهِ الْعَذَابُ وَمَنْ يُهِنِ اللَّهُ
فَمَا لَهُ مِنْ مُكْرِمٍ إِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ ﴿١٧٨﴾

18. Осмонлардаги кимсалар, ердаги кимсалар, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар, жониворлар ва одамлардан кўплари,

албатта, Аллоҳга сажда қилишини кўрмайсанми? Кўпларига эса, азоб ҳақ бўлди. Кимни Аллоҳ хор қилса, уни икром қилгувчи бўлмас. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган нарсасини қиладир.

Демак, дунёдаги барча мавжудот Аллоҳ таолога сажда қилади. Уларнинг қандай сажда қилишини Аллоҳнинг Ўзи билади.

«Осмонлардаги кимсалар, ердаги кимсалар Аллоҳга сажда қиладиди», деб қўйилса, кифоя эди, бутун борлиқнинг сажда қилиши тушунаврилари эди. Лекин

«қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар, жониворлар», деб баъзи махлуқлар алоҳида қайд этилди, чунки баъзи одамлар ўша махлуқларга — қуёш, ой ва юлдузларга сажда қиладилар.

Оятда ўша нарсаларнинг Аллоҳга сажда қилишини таъкидлашдан мақсад улар худо бўла олмаслигини яна бир бор таъкидлашдир.

Тоғлар, дарахтлар ва жониворлар доимо одамларнинг кўзи ўнгида турадиган нарсалар. Уларнинг Аллоҳга сажда қилишларини таъкидлаш одамларга катта танбеҳдир. Бутун борлиқ, жамийки мавжудот Аллоҳга сажда қилаётгани айтилган бўлса ҳам, одамларга келганда, «кўплари» сажда қилишларига ишора этилмоқда. Ҳа, фақат одам боласигина Аллоҳга исён қилади. Ҳамма нарса Аллоҳга истисносиз сажда қилса ҳам, одам боласидан баъзилари сажда қилмайди.

Шунинг учун ҳам:

«Кўпларига эса, азоб ҳақ бўлди».

Аллоҳга сажда қилмагани учун, кофир бўлгани учун уларга азоб ҳақ бўлди. Аллоҳнинг азобига дучор бўлганлар икки дунёда хордир.

«Кимни Аллоҳ хор қилса, уни икром қилгувчи бўлмас.»

Оламларнинг Робби хорлаб қўйганидан кейин уни ким ҳам азиз қила оларди?!

«Албатта, Аллоҳ хоҳлаган нарсасини қиладир.»

Кофирларни хорлашни хоҳлаганидан кейин хор қилади, албатта.

Ҳанафий мазҳабидан бошқа мазҳаблар эътирофига кўра, «Ҳаж» сурасида икки сажда ояти бор. Ҳанафий мазҳаби бўйича эса, «Ҳаж» сурасининг 77-ояти намозда рукуъ ва сажда қилишга буйруқ бўлгани учун, бу оят алоҳида сажда ояти ҳисобланмайди. Бинобарин, Ҳанафий мазҳаби бўйича, «Ҳаж» сурасида фақат битта сажда ояти бор: 18-оят. Яъни ушбу ояти каримадир. Бошқа сажда оятлари каби бу оятни ҳам ўқиган ёки эшитган киши учун сажда қилиш вожиб бўлади. Оятнинг маъноси ҳам шуни тақозо қилади. Сажда қилиш инсон учун улкан шарафдир. Инсон сажда билан мукаррам бўлган.

Имом Муслим ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачонки одам боласи сажда оятини ўқиса, шайтон четга чиқиб йиғлайди

ва: «Вой шўрим, Одам саждага амр қилинганида, сажда қилди. Энди у жаннатга киради. Менга сажда қилишга амр бўлганида, бош тортдим. Энди дўзахга кираман», дейди», деганлар.

Имом Аҳмад ибн Ханбал Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда, шундай дейилади:

«Мен «Эй, Аллоҳнинг Расули, «Ҳаж» сураси бошқа суралардан иккита сажда билан афзал қилинганми, деб сўрадим. Ул зот солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа, ким икки саждани қилмаса, у сурани ўқимасин», дедилар».

Қиёматда ажримдан кейин қандай ҳолат бўлишини қуйидаги оят баён қилади:

﴿ هَذَا نِ حَصَانِ اَخْصَمُوا فِي رَيْبِهِمْ فَالَّذِينَ كَفَرُوا قَطِعَتْ لَهُمْ ثِيَابٌ مِّنْ نَّارٍ يُّصَبُّ مِنْ فَوْقِ رُءُوسِهِمُ الْحَمِيمُ ﴾

19. Мана бу икки ганим Роббилари ҳақида талашган эдилар. Бас, куфр келтирганларга оловдан кийим бичилди. Бошлари устидан ўта қайноқ сув қуйилар.

Роббилари ҳақида талашганлар ўтган оятда бир неча тоифа деб васф қилинса ҳам, аслида, иккига бўлинади. Мўминлар ва кофирлар. Кофирларнинг номлари, турлари ҳар хил бўлса ҳам, бир миллат — куфр миллати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, қиёматда уларни бир тарафга, мўминларни бир тарафга қўйиб туриб, ҳукм чиқарилади.

«Мана бу икки ганим Роббилари ҳақида талашган эдилар.»

Мана бу икки рақиб — мўминлар гуруҳи билан кофирлар гуруҳи Аллоҳ таоло ҳақида талашиб-тортишган эдилар. Ҳар томон ўзининг гапини маъқуллаган, ораларидаги баҳсни ажрим қилиш қиёматга қолган эди. Энди қиёмат бўлиб, Роббиларининг Ўзи ажрим чиқармоқда.

«Бас, куфр келтирганларга оловдан кийим бичилди.»

Куфр келтирганлар ким бўлса ҳам, қандай ҳолда куфр келтирсалар ҳам, қандай ном билан номлансалар ҳам, барибир дўзахга ҳукм қилиндилар. Уларга дўзах оловидан кийим бичилди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Сўнгра,

«Бошлари устидан ўта қайноқ сув қуйилар.»

Азоб устига азоб бўлади. Оловдан тикилган кийимни кийиб, жаҳаннам оташида куйиб туришларига қарамай, азоб янада шиддатли бўлиши учун бошларидан ўта қайноқ сув қуйилади.

﴿ يُّصْهَرُ بِهِ مَآ فِي بُطُونِهِمْ وَالْجُلُودُ ﴾

20. У билан қоринларидаги нарсалар ва терилари эритилур.

Яъни, ўша бошларидан қуйилган ўта қайноқ сув билан ички аъзолари ва терилари эритилади. Ўша қайноқ сув инсон ёки ҳайвон аъзосига қуйилса, титиб юбориши маълум. Демак, қиёматда кофирлар бошидан қуйиладиган сув шу қадар қайноқ бўладики, уларнинг териларини ва ички аъзоларини эритиб юборади. Бундан ҳам ортиқ азоб бўлиши мумкинми? Аллоҳ Ўзи асрасин.

وَلَهُمْ مَقْعَمٌ مِّنْ حَدِيدٍ

21. Улар учун темир гурзилар бор.

Ўша темир гурзилар билан бошларига тинмай зарб туширилади. Азоб устига азоб берилади.

كُلَّمَا أَرَادُوا أَنْ يَخْرُجُوا مِنْهَا مِنْ غَمٍّ أُعِيدُوا فِيهَا وَذُوقُوا عَذَابَ الْحَرِيقِ

22. Улар ҳар қачон ундаги ғамдан чиқмоқчи бўлсалар, унга қайтарилурлар ва «Ёниш азобини тотинг!» дейилур.

Албатта, кофирлар у азоблардан қочиб чиқмоқчи бўладилар. Ғамдан қутулишга уринадилар. Аммо, ҳар қачон қочиб чиқишга уринганларида, яна дўзахга, унинг азобига қайтариладилар ва уларга қараб:

«Ёниш азобини тотинг!» дейилур.

Бу ҳол улар учун ўлганнинг устига тепган бўлади.

Машҳур тафсирчилардан Ҳасан розияллоҳу анҳу бу ҳолатни қуйидагича васф этган эдилар: «Дўзах олови кофирларни қаттиқ уриб, куйдириб, юқорига олиб чиқади. Энг юқорига чиққанларида дўзахга масъул фаришталар темир гурзилар билан чунонан урадиларки, етмиш йиллик масофа миқдориде жаҳаннам қаърига тушиб кетадилар».

Кофирлар ана шундай азоб-уқубатда турганларида, мўминлар тамоман бошқача ҳолатда бўладилар:

إِنَّ اللَّهَ يُدْخِلُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ يُكَلِّفُ فِيهَا مِنْ أَسَاوِرَ مِنْ ذَهَبٍ وَلُؤْلُؤًا وَلِبَاسُهُمْ فِيهَا حَرِيرٌ

23. Албатта, иймон келтириб, яхши амалларни қилганларни Аллоҳ остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. Улар

у ерда олтин билакузуклар ва инжулар ила безанурлар. У ердаги либослари эса, ипақдандир.

Бошқа ояти карималарда айтилгани каби, бу оятда ҳам жаннатга кириш учун иймон билан бирга яхши амаллар ҳам зарур эканлиги таъкидланмоқда. Иймон ва яхши амаллар соҳиби жаннатий бўлиши айтилмоқда.

Бир-бирига қарама-қарши икки нарсани бир жойда, бир хил савияда васф қилишлик Қуръони Каримга хос хусусиятлардан биридир. Инсон ҳар қанча қобилиятли бўлса ҳам, бу даражада атрофлича васф қила олмайди. Бундан олдинги оятда дўзах аҳлининг ҳолати тасвир этилган эди. Энди эса, бевосита жаннат аҳлининг ҳоли васф қилинмоқда. Бир-бирига тамоман қарама-қарши икки ҳолат. Жаҳаннам ўт-олов ва ўта қайноқ сувдан, жаннат эса остидан сувлар оқиб турган боғлардан иборат. Жаҳаннамда оловнинг азобига қўшимча қилиб, ўта қайноқ сув қўйилса, жаннатда соя-салқин боғлар остидан муздек, зилол, ҳузурбахш сувлар оқиб турибди. Жаҳаннамда азоб устига азоб келса, жаннатда ҳузур устига ҳузур. Дўзахийларга оловдан кийим кийдирилса, жаннатийларга ипақдан кўйлак кийдирилади. Дўзахийлар бошига темир гурзи билан урилса, жаннатийларга олтин ва инжулардан безак тақилган. Жаҳаннам аҳлига қўпол сўзлар айтилган бўлса, жаннат аҳлига мулойим сўзлар айтилади.

وَهْدُوا إِلَى الطَّيِّبِ مِنَ الْقَوْلِ وَهْدُوا إِلَى صِرَاطِ الْحَمِيدِ ﴿٢٤﴾

24. Улар ширин сўзга ҳидоят қилинурлар ва мақталган Зотнинг йўлига ҳидоят қилинурлар.

Жаҳаннам аҳлига «Ёниш азобини тотинг!» деб бошига темир гурзи билан урилиб, дўзах қаърининг етмиш йиллик масофасига учуриб юборилса, жаннат аҳлига ширин сўзлар айтилиб, Аллоҳ таолонинг йўлига ҳидоят қилиб қўйилади.

Келаси оятда кишиларни Аллоҳнинг йўлидан, Масжидул Ҳаромдан тўсадиган кофирларнинг қилмишлари ҳақида сўз кетади:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ وَالْمَسْجِدِ الْحَرَامِ الَّذِي جَعَلْنَاهُ لِلنَّاسِ سِوَاءَ الْعَاكِفِ فِيهِ وَالْبَادِ وَمَن يُرِدْ فِيهِ بِالْحَآءِ يُظَلَمِ نُذُوقُهُ مِن عَذَابِ أَلِيمٍ ﴿٢٥﴾

25. Куфр келтирганлар ва Аллоҳнинг йўлидан ҳамда ерли ва четдан келган одамлар учун баробар қилиб қўйганимиз Масжи-

дул Ҳаромдан тўсганларга ва у ерда ким зулм ила янглиш йўлга бурилишни ирода қилса, унга аламли азобни тоттирурмиз.

Ушбу ояти карималар нозил бўлаётган пайтда Қурайш мушрик-лари худди шу ишни қилар эдилар. Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирмай, кофир ҳолларида юрар эдилар. Бу ҳам етмаганидек, ўзгаларни Аллоҳнинг йўлидан тўсар, Ислом динига киришларига тўсқинлик қилардилар. Мусулмонларга Масжидул Ҳаромга киришга, у ерда ибодат қилишга йўл бермасдилар. Ҳолбуки, Байтуллоҳнинг эгаси Аллоҳ таолонинг Ўзи у ерни ҳамма одамлар учун — ерли аҳоли учун ҳам, мусофирлар учун ҳам бирдек ибодат жойи қилиб қўйган эди. Шу боисдан, Масжидул Ҳаромда ҳамма баробар ибодат қилиш ҳуқуқига эга эди. Аммо Қурайш кофирлари ўзларича Масжидул Ҳаромга эга чиқиб олиб, унга мусулмонларни киритмасдан, йўлларини тўсмоқдалар. Шунинг учун, улар Аллоҳнинг аламли азоби билан азобланишга лойиқдилар.

Масжидул Ҳаром Аллоҳнинг уйи, у ерда ҳеч қандай ёмон ишга рухсат йўқ.

«...у ерда ким зулм ила янглиш йўлга бурилишни ирода қилса, унга аламли азобни тоттирурмиз.»

Яъни, Масжидул Ҳаромда ким ноҳақлик билан тўғри йўлдан чиқиб, янглиш йўлга бурилишни ирода қилса, аламли азобга дучор бўлади.

Ушбу оятда «янглиш йўлга бурилиш» деб таржима қилинган маъно оятда «илҳод» лафзи билан ифодаланган. «Илҳод» сўзидан худосизлик, диндан чиқиш, йўлдан озиш маънолари тушунилади. Ислом дини ман этган амалларни қилиш ҳамма жойда ҳам гуноҳдир. Аммо Масжидул Ҳаром ҳудудда Ислом ман этган ишларни қилиш жуда катта гуноҳ — илҳод ҳисобланади. Бу маъно ҳазрати Умари Одил розияллоҳу анҳунинг куйидаги гапларида ҳам аксини топган. У киши: «Маккада таомни эҳтикор қилманглар (эҳтикор — баҳосини орттириш учун тўплаб олиш). Маккада таомни эҳтикор қилиш илҳоддир», деган эканлар.

Қурайш кофирларининг Масжидул Ҳаромга эга чиқишга ҳақлари йўқлигини баён этиш учун Байтуллоҳнинг тарихини ёритувчи оятлар келтирилмоқда:

وَإِذْ بَوَّأْنَا لِإِبْرَاهِيمَ مَكَاتِ الْبَيْتِ أَنْ لَا تُشْرِكَ بِي شَيْئًا وَطَهَّرَ بَيْتِي
لِلطَّائِفِينَ وَالْقَائِمِينَ وَالرُّكَّعِ السُّجُودِ ﴿٢٦﴾

26. Биз Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб: «Менга ҳеч нарсани шерик қилма, Байтимни тавоф қилгувчилар, (ибо-

датда) қоим тургувчилар ҳамда рукуъ, сужуд қилгувчилар учун поклагин.

وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ ﴿٢٧﴾

27. Одамларни ҳажга чақир, улар сен томон пиёда, узоқ-узоқ йўллардан юриб, озиган уловлар устида келсинлар.

لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ وَيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَّعْلُومَاتٍ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُمْ مِّنْ بَهِيمَةِ الْأَنْعَامِ فَكُلُوا مِنْهَا وَأَطِعُوا الْبَآئِسَ الْفَقِيرَ ﴿٢٨﴾

28. Ва ўзларига бўладиган манфаатларга шоҳид бўлсинлар. Маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (сўйишда) Аллоҳнинг исмини зикр қилсинлар. Бас, улардан енлар ва бечора ва фақирларга ҳам егизинглар.

ثُمَّ لِيَقْضُوا تَفَثَهُمْ وَلِيُوفُوا نُذُورَهُمْ وَلِيَطَّوَفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ ﴿٢٩﴾

29. Сўнгра ўзларидаги кирларни кетказсинлар, назрларига вафо қилсинлар ва «қадимги уй»ни тавоф қилсинлар», деганимизни эсла.

Демак, Қурайш кофирларининг Масжидул Ҳаромга эга чиқиб, мусулмонларни у ерга киришдан ман қилишга ҳеч қандай ҳақлари йўқ.

Аввало, Байтуллоҳни улар қурмаган.

«Биз Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб...»

Ҳатто, Каъбаи Муаззамани қаерга қуришни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи белгилаб берган. Белгилаб берганда ҳам, Ўзининг Пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломга белгилаб берган. Қурайш кофирларига эмас. Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссалом билан Аллоҳ таолонинг амрига мувофиқ кўрсатилган жойга Байтуллоҳни қуриб битирганларидан сўнг, Аллоҳдан қуйидаги фармон келди:

«Менга ҳеч нарсани шерик қилма...»

Яъни, менга дунёдаги ҳеч бир нарсани шерик келтирма. Байтнинг эгасига ширк келтириш мумкин эмас. Унинг шериги йўқ. Аммо Қурайш қабиласи кофирлари Байтнинг атрофида, унга қўшни бўлиб

яшаб туриб, сон-саноксиз бутларни Байтуллоҳнинг эгасига «шерик худолар» билиб, уларга ибодат қилмоқдалар. Ҳатто, Байтуллоҳнинг ичига ҳам уч юз олтмиш бутни киритиб қўйиб, яна қандай қилиб, Масжидул Ҳаромга эга чиқадилар?! Мусулмонларнинг унга кириш йўллари тўсадилар?!

«...Байтимни тавоф қилгувчилар, (ибодатда) қоим тургувчилар ҳамда рукуъ, сужуд қилгувчилар учун поклагин.»

Байтуллоҳнинг эгаси Аллоҳ таоло томонидан унинг қурувчиси Иброҳим алайҳиссаломга айтилаётган бу сифатлар Қурайш кофирларида эмас, мусулмонларда мавжуд. Демак, Байтуллоҳга, Масжидул Ҳаромга Қурайш кофирлари эмас, мусулмонлар ҳақлидирлар.

«Одамларни ҳажга чақир...»

Эй Иброҳим, одамларни ҳаж ибодатига чақир.

Демак, ҳаж фақат Қурайш кофирлари учун эмас. Ҳамма одамлар учундир.

«...улар сен томон пиёда, узоқ-узоқ йўллардан юриб, озиган уловлар устида келсинлар.»

Энг узоқ юртлардан ҳам келсинлар. Пиёда юриб бўлса ҳам, келсинлар. Йўл узоқлигидан, машаққатлилигидан уловлари озиб-ҳориб кетса ҳам, келсинлар.

Байтуллоҳнинг эгаси унинг қурувчисига шундай деб турганидан кейин, Қурайш кофирларининг мусулмонларни ундан тўсишга ҳеч ҳақлари йўқ.

«Ва ўзларига бўладиган манфаатларга шоҳид бўлсинлар.»

Байтуллоҳни ҳаж қилишда ҳар бир ҳожи учун кўплаб дунё ва охират манфаатлари бор. Ҳажда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатлар кўп. Ҳажга келувчилар, аввало, Аллоҳга ибодат қилади, тақвosi зиёда бўлади, қолаверса, бир-бирлари билан танишадилар, ўзарo фикр ва тажриба алмашадилар, фойдали маслаҳатлар оладилар, шунингдек, савдо-сотик, тижорат ҳам қиладилар. Уларнинг бу манфаатлардан баҳраманд бўлишга ҳақлари борлигини Аллоҳнинг Ўзи эълон қилиб қўйган. Энди қандай қилиб Қурайш кофирлари мусулмонларни Масжидул Ҳаромдан, мазкур манфаатлардан тўсадилар?!

«Маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (сўйишда) Аллоҳнинг исмини зикр қилсинлар.»

Ҳаж палласи Аллоҳни зикр қилиш авжига чиқадиган мавсум. Бу мавсумнинг авжи эса, ийд кунлари бўлиб, унда зикр қурбонлик сўйиш жараёнида яна авжланади. Ҳар бир ҳожи Аллоҳ йўлида барча нарсани қурбон қилиш рамзи сифатида, Аллоҳнинг номини зикр этиб туриб, туя, мол, қўй каби чорва ҳайвонларини қурбонлик қилади.

«Бас, улардан енглар ва бечора ва фақирларга ҳам егизинглар.»

Қурбонлик қилувчи ҳожи қурбонлигидан ўзи еса ҳам бўлади, бева-бечора, фақир-фуқароларга егизса ҳам бўлади.

Масжидул Ҳаромнинг эгаси Аллоҳ таолонинг бу амрига қарши мусулмонларни ўша манфаатлардан, қурбонлик қилишдан, Аллоҳнинг номини зикр этишдан тўсишга Қурайш кофирларининг нима ҳаққи бор?

«Сўнгра ўзларидаги кирларни кетказсинлар...»

Қурбонлик қилиб бўлганидан кейин, ҳожига эҳромдан чиқишга рухсат бўлади. Шунда унинг учун эҳром вақтида мумкин бўлмаган соч олдириш ёки қисқартиришга, қўлтиқ остидаги ва бошқа жойлардаги тукларни, тирноқларни олишга изн берилади. Ҳожи бу ишларни бажариб, ювиниб-таранади. Оятда

«...ўзларидаги кирларни кетказсинлар...» дейишдан мақсад шу.

«...ва «қадимги уй»ни тавоф қилсинлар.»

«Қадимги уй»дан мурод Каъбатуллоҳ. Бу тавофни «фарз тавоф», «ифоза тавофи» дейилади. Бу тавофсиз ҳаж ҳаж бўлмайди. Шуни адо этишлик билан ҳаж ибодати ҳам тугайди.

Ушбу ибодатлардан мусулмонларни тўсишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ким уларни тўсса, катта гуноҳ қилган, зулм ила илҳодга юрган бўлади.

Масжидул Ҳаромнинг тарихи ва унда қилинадиган амаллар ана шулардан иборат. Аллоҳ таоло у ернинг ҳурматини сақлашга чақирган. У ерда маълум ишларни ҳаром қилган. Бунга ҳамма амал қилиши керак.

ذَلِكَ وَمَنْ يُعْظِمِ حُرْمَتِ اللَّهِ فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ عِنْدَ رَبِّهِ. وَأُحِلَّتْ لَكُمْ
الْأَنْعَامُ إِلَّا مَا يُتَى عَلَيْكُمْ فَاجْتَنِبُوا الرِّجْسَ مِنَ الْأَوْثَانِ وَاجْتَنِبُوا
قَوْلَ الزُّورِ ﴿٣٠﴾

30. Ана шундай. Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга риоя қилса, бас, бу Робби ҳузурда унинг ўзи учун яхшидир. Ва сизларга (келажақда) тиловат қилинадиганлардан бошқа чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди. Бас, бутлардан иборат нажосатдан йироқ бўлинг ва ёлғон сўздан йироқ бўлинг.

Аллоҳ таолонинг ҳалол-ҳаром деган йўриғига риоя этиш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

«Ана шундай. Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга риоя қилса, бас, бу Робби ҳузурда унинг ўзи учун яхшидир.»

Ким Аллоҳ ҳаром қилган ишларга риоя қилса, унинг ўзига яхши бўлади. Аллоҳ ҳаром деган шундай ишларнинг энг муҳими Масжидул Ҳаромни ҳурмат қилиб, уни ҳаж, зиёрат этишни хоҳлаганларнинг йўлини тўсмасликдир. Бу муқаддас жойни Аллоҳ таоло омонлик, тинчлик, осойишталик маскани этиб қўйган, ана ўшанинг риоясини қилиш керак. У ерда душманлик, тажовузкорлик ва йўлтўсарлик ҳаром қилинган. Буларни Аллоҳ ҳаром қилган. Одамлар ўзларича ҳаром қилиб олган ишларнинг риоясини қилишга ҳеч ким мажбур эмас. Жумладан, мушриклар ўзларига минишни ва ейишни ҳаром деб эълон қилган ҳайвонларни минмай, емай юриш ҳеч кимдан талаб этилмайди. Бу борада ҳозирча шуни билиб қўйиш кифоя:

«Ва сизларга (келажақда) тиловат қилинадиганлардан бошқа чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди.»

Аллоҳ ҳаром қилган ҳайвонлар кейинги оятларда баён этилган. Уларни ўз ўрнида ўрганамиз. Демак, бирор нарсани ҳаром қилиш фақат Аллоҳнинг иши. Фақат Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларнинггина риоясини қилиш керак.

Умуман, ҳаром, нопок ва нажас нарсалардан четда бўлиш лозим. Шунинг учун ҳам, оят сўнгида қуйидаги амр келади:

«Бас, бутлардан иборат нажосатдан йироқ бўлинг...»

Бутлар маънавий нажосатдир. Уларга ким яқинлашса, нажосатга яқинлашган бўлади.

«...ва ёлғон сўздан йироқ бўлинг.»

Ширк келтириш энг катта ёлғондир. Шу билан бирга, ёлғон сўз ҳам ширкка тенглаштирилмоқда.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Фотик ал-Асадий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда айтилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни бомдод намозини ўқиб бўлиб, ўринларидан турдилар ва: «Ёлғон шаҳодат Аллоҳга ширк келтиришга тенглаштирилади», дедилар-да, шу оятни тиловат қилдилар.

حُنْفَاءَ لِلَّهِ غَيْرَ مُشْرِكِينَ بِهِ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَكَأَنَّمَا خَرَّ مِنَ السَّمَاءِ فَتَخَطَفُهُ الطَّيْرُ
أَوْ تَهْوَى بِهِ الرِّيحُ فِي مَكَانٍ سَحِيقٍ ﴿٢١﴾

31. Аллоҳга бўлган иймондан оғманг, унга ширк келтиргувчи бўлманг. Ким Аллоҳга ширк келтирса, бас, у гўёки осмондан қулаб тушгану уни йиртқич қуш олиб қочган ёки уни шамол узоқ ерга учириб кетган кабидир.

Инсон иймонга эришганда, юқори мартабаларга эришган бўлади. Аммо кимки ўша юксак мартабани хоҳламай, Аллоҳга ширк келтирса, худди осмондан қулаб тушган каби бўлади. Осмондан қулаб тушишнинг ўзигина эмас, балки ундан ҳам ёмон бўлади. Ерга тушар-тушмас, уни йиртқич қуш чангалига олиб, одам кўрмайдиган чет жойга олиб қочади. Ёки қаттиқ шамол уни энг хилват жойларга учириб кетади. Мушрикнинг мисоли шу.

ذَلِكَ وَمَنْ يُعْظِمِ شَعْبِيرَ اللَّهِ فَإِنَّهَا مِنْ تَقْوَى الْقُلُوبِ ﴿٢٦﴾

32. Иш бундоқ. Ким Аллоҳнинг нишонларини улуғласа, бас, албатта, бу, қалбларнинг тақвосидандир.

Биз ушбу оят маъносида «нишонлар» деб таржима қилган ибора Қуръони Каримда «шаоир» деб айтилган. Бу «шаъийра» сўзининг жами – кўплиги бўлиб, нишон, белги, аломат маъноларини билдиради. Бу сўз Аллоҳ таолога нисбат берилиб, «шаоируллоҳ – Аллоҳнинг нишонлари», дейилганда эса, Аллоҳнинг дини, Исломнинг кўзга кўринган, шон-шавкати аломати бўлган ибодатлар кўзда тутилади. Ушбу ояти каримада эса, нишонлардан қурбонликка сўйиладиган катта ҳайвонлар кўзда тутилмоқда.

Демак, ҳажда сўйишга аталган ҳайвонларни улуғлаш, авайлаш, эъзозлаш қалб тақвосидан экан. Чунки, ҳаж ибодатидан кўзланган асосий мақсад ҳам тақводир.

لَكُمْ فِيهَا مَنَافِعٌ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى ثُمَّ مَحِلُّهَا إِلَىٰ الْبَيْتِ الْعَتِيقِ ﴿٢٧﴾

33. Сизга у(нишон)ларда маълум вақтгача манфаатлар бордир. Сўнгра уларни (сўйиш) ҳалол макони «қадимги уй» (атрофи)дадир.

Яъни, ўша, қурбонлик учун атаб, олиб чиққан ҳайвонларингиздан маълум муддат манфаатланиб турсангиз, бўлади. Миниш мумкин бўлганини миниб, соғиш мумкин бўлганини соғиб ичиш, шунингдек, юк ортиш ва бошқа мақсадларда фойдаланса, бўлаверади.

Сўнгра, вақти келганида, «қадимги уй» – Байтуллоҳ атрофида, хусусан, Минода қурбонлик учун сўясиз. Ана шундай қурбонликлар барча умматларда қилинган.

وَلِكُلِّ أُمَّةٍ جَعَلْنَا مَنَسَكًا لِّيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُمْ مِّنْ بَهِيمَةِ الْأَنْعَامِ ﴿٢٨﴾

فَالْهَكْمِ لِلَّهِ وَحِدْفَلَهُ أَسْلَمُوا وَيُشِرُّ الْمُخْتَبِينَ ﴿٣٤﴾

34. Ҳар бир умматга, уларга чорва ҳайвонларини ризқ қилиб берган Аллоҳнинг исмини эслашлари учун, қурбонлик қилишни жорий этганмиз. Бас, илоҳларингиз бир илоҳдир. Бас, Унгагина мусулмон бўлинг. Итоатли, мутавозеъларга башорат бер.

الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَالصَّابِرِينَ عَلَى مَا أَصَابَهُمْ وَالْمُقِيمِي الصَّلَاةِ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ ﴿٣٥﴾

35. Улар Аллоҳ зикр қилинган вақтда қалблари титрайдиган ва ўзларига етган мусийбатга сабр қилгувчилар ҳамда намозни тўкис адо этгувчилардир, уларга ризқ қилиб берган нарсамиздан инфоқ қиладилар.

Демак, Аллоҳ таоло ҳамма умматларга қурбонлик қилишни жорий этган. Қурбонлик ҳам катта ибодатлардан саналади. Ҳамма ибодат Аллоҳ учун бўлганидек, қурбонлик ибодати ҳам Аллоҳ учундир. Одамларга чорва ҳайвонларини ризқ қилиб бергани учун улар шукр қилиб, улуғлаб, Аллоҳнинг номини зикр қилсинлар деб, қурбонлик жорий этилган. Шу боис, Аллоҳдан бошқанинг номи айтилиб сўйилган ҳайвон гўшти ҳаром бўлади.

Ҳамма умматларга қурбонлик қилиш буюрилганлиги ҳақидаги хабардан кейин:

«Бас, илоҳларингиз бир илоҳдир», деб Аллоҳнинг ягоналиги эслатилмоқда.

Ҳа, ҳамманинг илоҳи — маъбуди биру бор Аллоҳ таолодир. Ҳамма фақат Унгагина ибодат қилиши керак. Ҳамма Унгагина қурбонлик сўйиши керак.

«Бас, Унгагина мусулмон бўлинг.»

Ҳамма фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина таслим бўлиб, итоат этиши керак. Унгагина иймон келтириб, мусулмон бўлиши керак. Ана ўшандагина икки дунё саодатига эришади.

Қуйидаги жумлаларда васфи келган бандалар башоратга ҳақли бўлади:

«Итоатли, мутавозеъларга башорат бер».

Аллоҳ таолога тоат қилиб, ўзини мутавозе тутган бандаларга башорат бер. Эй Пайғамбар, эй, улуғ шаън соҳиби!

Уларнинг васфлари қуйидагича:

«Улар Аллоҳ зикр қилинган вақтда қалблари титрайдиган...»

Яъни, уларнинг қалблари шунчалик пок, Аллоҳнинг муҳаббатига тўлиққи, уларга тарғиб-ташвиқнинг ҳам кераги йўқ, фақат Аллоҳнинг номи зикр қилинса, бас, қалблари титраб кетади.

«...ва ўзларига етган мусийбатга сабр қилгувчилар...»

Мусийбат етганда жазавага тушмайдилар, сабрсизлик қилмайдилар, балки Аллоҳнинг қазосига рози бўлиб, сабр этадилар.

«...намозни тўкис адо этгувчилардир...»

Намозни тўкис адо этмасдан туриб, башоратдан умидвор бўлиш асло мумкин эмас.

«...уларга ризқ қилиб берган нарсамиздан инфоқ қиладилар.»

Булар молиявий ибодатлари бўлади.

Ҳажда бадан ибодатига қўшилиб, молиявий ибодат ҳам бор. Мисол учун, қурбонлик қилиш.

وَالْبَدَنَ جَعَلْنَاهَا لَكُمْ مِّنْ شَعَائِرِ اللَّهِ لَكُمْ فِيهَا خَيْرٌ ۗ فَاذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهَا صَوَافَّ
فَإِذَا وَجَبَتْ جُنُوبُهَا فَكُلُوا مِنْهَا وَأَطْعَمُوا الْقَانِعَ وَالْمَعْتَرَّ ۚ كَذَلِكَ سَخَّرْنَاهَا لَكُمْ لَعَلَّكُمْ
تَشْكُرُونَ

36. Ва туяларни сиз учун Аллоҳнинг нишонларидан қилдик. Уларда сизга яхшилик бор. Уларга олд оёқларидан бири боғлиқ турган ҳолида Аллоҳнинг номини зикр қилинг. Ёнлари ерга текканида эса, бас, улардан енг ва қаноатли ва тиланган камбағалларни ҳам таомлантиринг. Шундай қилиб, Биз уларни сизга бўйинсундириб қўйдик. Шоядки, шукр қилсангиз.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу ояти каримада қурбонлик қилинадиган ҳайвонларнинг энг каттаси бўлмиш туя ҳақида сўз юритмоқда.

«Ва туяларни сиз учун Аллоҳнинг нишонларидан қилдик.»

Яъни, туяларни Аллоҳнинг динидаги улкан ибодатда қурбон этиладиган ҳайвонлардан қилдик.

«Уларда сизга яхшилик бор.»

Туяларда одамлар учун кўплаб яхшиликлар бор. Керак бўлганида минадилар, юк ортадилар, маркабларга қўшадилар, сутини ичадилар, гўштини ейдилар, терисидан, жунидан фойдаланадилар, сотиб, моддий манфаат кўрадилар. Энг муҳими, уларни қурбонликка сўйиб, Аллоҳга қурбат ҳосил қиладилар.

«Уларга олд оёқларидан бири боғлиқ турган ҳолида Аллоҳнинг номини зикр қилинг.»

Туя тик турган ҳолида, олд оёқларидан бири бўйнига боғлаб турилиб сўйилади. Бу ҳолни араб тилида бир сўз билан «саваффа» дейилди. Демак, туяни қурбонликка сўйиш учун олд оёқларидан бирини боғлаб қўйган чоғда Аллоҳнинг номини зикр қилиб сўйиш керак.

Яъни, «Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар. Аллоҳумма, минна илайка», деб туриб сўйиш керак. Сўйгандан сўнг:

«Ёнлари ерга текканида эса, бас, улардан енг ва қаноатли ва тиланган камбағалларни ҳам таомлантиринг».

Яъни, сўйилган туялар ерга йиқилганларидан сўнг, гўшtidан ўзингиз ҳам тановул қилинг. Иффати тиланишга йўл бермай, қаноат қилиб турган камбағалларга ҳам, қаноат қила олмай, тиланиб юрган камбағалларга ҳам беринг.

«Шундай қилиб, Биз уларни сизга бўйинсундириб қўйдик.»

Улкан жасадди, қувватли бўлса ҳам, сиз ақл ишлатиб, уларни измингизга соласиз, фойдаланасиз.

«Шоядки, шукр қилсангиз.»

Шоядки, шунчалик шароит яратиб берган Аллоҳга мақтовлар айтсангиз, У берган неъматларни ўз ўрнида ва Уни рози қиладиган этиб сарфласангиз.

Қурбонлик қилиш ибодати ҳам, бошқа ибодатлар каби, Аллоҳ учун дейилса-да, аслида, фойдани инсон кўради. Қурбонлик қилинган ҳайвоннинг гўшtidан сўйган одамнинг ўзи ва фақир-фуқаролар манфаатдор бўлади.

لَنْ يَنَالَ اللَّهُ لُحُومَهَا وَلَا دِمَاؤَهَا وَلَكِنَّ يَنَالُهُ النُّقُورَىٰ مِنْكُمْ كَذَلِكَ سَخَّرَهَا لَكُمْ لِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَاكُمْ وَبَشِّرِ الْمُحْسِنِينَ ﴿٣٧﴾

37. Уларнинг гўшtlари ҳам, қонлари ҳам зинҳор Аллоҳга етмас. Лекин Унга сиздан тақво етадир. Шундай қилиб, сизни ҳидоят қилгани эвазига Аллоҳга такбир айтишингиз учун уларни сизга бўйинсундириб қўйди. Яхшилиқ қилгувчиларга башорат бер.

Ҳа, қурбонликка сўйилган ҳайвонларнинг гўшtlарини ҳам, қонларини ҳам Аллоҳ таоло олмайди. У зот уларга муҳтож эмас. Қурбонлик қилишдан мақсад банданинг Аллоҳ амрига итоатини, тақвосини намоён этишдир. Банда ихлос билан қурбонлик қилиб, Аллоҳнинг йўлида ҳайвон сўймоқдами, демак, ўша банданинг Аллоҳ таолога тақвоси бор экан. Аллоҳнинг розилиги учун борини қурбон қилишга тайёр экан. Шу билан бирга, қурбонлик қилиш банда учун Аллоҳни улуғлашга бир фурсатдир.

«Шундай қилиб, сизни ҳидоят қилгани эвазига Аллоҳга такбир айтишингиз учун уларни сизга бўйинсундириб қўйди.»

Банда Аллоҳни қанча улуғласа, шунча оз. Биргина ҳидоятга бошлаб қўйгани учун қанча такбир айтса, оз. Қурбонлик қилиш ҳам, Аллоҳнинг йўлида ҳар қандай қурбонлик беришга тайёр эканини кўрсатиш ҳам ўша ҳидоят учун Аллоҳ таолони улуғлашдир.

Имом Абу Ҳанифа мазҳаблари бўйича, моли закот бериш нисобига етган муқим одамга қурбонлик қилиш вожиб бўлади.

«Яхшилик қилувчиларга башорат бер.»

Яъни, тасаввурни, эътиқодни, амални, ибодатни ўнглаган ва бошқа бурчларни яхши адо этадиганларга хушxabар бер.

Мўмин-мусулмонлар ушбу ибодатларни қилишлари лозим. Лекин мушрик-кофирлар уларга бу имкониятни бермаяптилар. Уларнинг тинчларини бузиб, ҳужум қилмоқдалар. Масжидул Ҳаромдан, Аллоҳнинг йўлидан тўсмоқдалар. Нима қилиш керак? Улар доимо кофирлардан қўрқиб юраверадиларми?

﴿إِنَّ اللَّهَ يُدْفِعُ عَنِ الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ خَوَّانٍ كَفُورٍ﴾

38. Албатта, Аллоҳ иймон келтирганларни мудофаа қилур. Албатта, Аллоҳ барча хоин ва кофирларни хуш кўрмас.

Аллоҳ таоло Ўзига иймон келтирган бандаларини нусратсиз қолдирмайди. Албатта, уларни ҳимоя қилади. Уларга ёрдам беради. Душманлари устидан нусрат ато қилади. Шу билан бир вақтда, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига душман бўлган хоин ва кофирларни ёмон кўради. Ҳар бир мўмин инсон бу ҳақиқатни яхши англаб қўйиши зарур.

﴿أُذِّنُ لِلَّذِينَ يُقْتُلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ﴾

39. Ўзларига қарши уруш очганларга, уларга зулм қилингани учун, (урушга) изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга нусрат беришга қодирдир.

Ушбу ояти карима ҳижратдан кейин нозил бўлгандир. У мусулмонларга кофирларга қарши уруш қилишга изн берувчи биринчи оятдир. Бунгача ҳатто ҳимоя учун кофирларга қарши жанг қилишга ҳам рухсат йўқ эди. Мушриклар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у кишининг саҳобаи киромларига истаганларича азоб, озор беришар, зулм қилишар эди. Саҳобаи киромлардан баъзилари калтакланган, ярадор бўлган ҳолларида келиб, бошларидан ўтган

ноҳақлик ва зулмдан шикоят қилсалар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сабр қилинглар, менга уруш қилиш учун изн берилгани йўқ», дер эдилар.

Ва ниҳоят, ушбу ояти карима нозил бўлди. Бу оятда мусулмонларга уруш қилишга рухсат мазлум бўлганлари, азоб-уқубатга қолганлари учун берилгани очик-ойдин айтилмоқда.

«Ўзларига қарши уруш очганларга, уларга зулм қилингани учун, (урушга) изн берилди.»

Демак, кофирлар аввал мусулмонларга қарши уруш очган. Мусулмонлар ҳужумга ва зулмга учраганлар. Энди улар ўзларини ҳимоя қилмасалар, бўлмайди. Кофирлар уларни йўқ қилиб юборишлари мумкин.

«Албатта, Аллоҳ уларга нусрат беришга қодирдир.»

Мусулмонлар урушга кирсалар, Аллоҳ уларга ёрдам беришга қодирдир.

Аллоҳ таоло бундан олдинги оятда иймон келтирганларни мудофаа қилишини айтган эди. Бу оятда эса, уруш қилишга изн бермоқда. Мўминларни ўзларини ўзлари мудофаа қилишга чақирмоқда. Буни қандай тушунмоқ керак? Аввало, бу ерда ҳеч бир қарама-қаршилиқ йўқ. Аллоҳ таоло мўмин бандаларини мудофаа қилган, қилмоқда ва қилади ҳам. Мўминларни уруш қилишга чақириш эса, Ислом динининг умумий таълимотидан келиб чиққандир. Ислом — ҳаракат, ижтиҳод динидир. Ислом дангасаликка, танбалликка бутунлай қарши. Шунинг учун, Ислом таълимотида, ибодатларида ҳаракат, саъй-кўшиш аввалги эътиборда туради. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани ҳаракат қилганга беради. Ҳатто, иймонли бўлиш учун ҳам ҳаракат қилиш керак. Ақлини, фикрини ишга солиб, ҳидоят йўлини ахтариб, ҳаракат қилмаган одам иймон йўлига кириши амри маҳол. Шунингдек, Аллоҳ ризқи рўзни ҳам ҳаракат қилганга беради. Аллоҳ билан банда орасидаги алоқа бўлмиш намоз, рўза, зикр, закот ва ҳажга ўхшаш ибодатлар асосини ҳам ҳаракат ташкил этади. Намоз ўқиш учун таҳорат олиш, масжидга бориш, намозга жой тайёрлаш керак. Ният қилиб, намозга турганингдан бошлаб ҳамма бўғинларинг ишга тушади. Қиём, рукуъ, сажда ва бошқа ҳолларда ҳаракатга келмаган аъзоинг қолмайди. Бошқа динларга ўхшаб, ўтирган жойида хаёдан ўтказиб қўяверса ҳам бўларди. Аммо Аллоҳ буни хоҳламади, мусулмонларнинг ҳаракатчан бўлишларини хоҳлади.

Шунингдек, рўза ибодати ҳам ҳаракатдан иборат. Саҳарликка туриш, рўзани ният қилиш, таом ва шаробдан тийилиб бўлса-да, фаолиятини давом эттириш. Ифтор қилиш. Йигирма рақъат қўшимча таровеҳ намозини ўқиш. Яна, тунларни бедор ўтказиш — ҳаммаси ҳаракатдан иборат.

Ҳаж ибодати эса, ҳаракатнинг энг улканидир.

Ана ўша асослардан келиб чиқиб, мўминлар мудофааси ҳам жиҳодга боғлиқ қилиб қўйилган. Мўминлар ҳаракат қилиб, ўзларини мудофаа этадилар. Аллоҳ эса, уларга нусрат беради:

«Албатта, Аллоҳ уларга нусрат беришга қодирдир».

Ҳа, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига, улар уруш қилмасалар ҳам, нусрат беришга қодирдир. Аммо У зот бандаларига шу йўл билан ҳам савоб касб қилиш, мартабаларини орттириш имконини очиб беради. Яна бошқа ҳикматлари ҳам кўп.

Мўминларга уруш қилишга изн берилишининг бошқа баъзи сабаблари келаси оятда ҳам баён этилади:

الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ بِغَيْرِ حَقٍّ إِلَّا أَنْ يَقُولُوا رَبَّنَا اللَّهُ وَلَوْلَا دَفْعُ اللَّهِ النَّاسَ بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ لَفَسَدَتِ السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ وَالْجِبَالُ وَبِئْسَ مَا يَكُونُ لِلظَّالِمِينَ عَذَابًا
وَلِيَنْصُرَكَ اللَّهُ مَنِ يَنْصُرُهُ ۗ إِنَّا لِلَّهِ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ

40. Улар ноҳаддан, фақатгина «Роббимиз Аллоҳ» деганлари учун ўз диёрларидан чиқарилгандирлар. Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф қилиб турмаса, узлатгоҳлар, канисалар, ҳавралар ва Аллоҳнинг номи кўплаб зикр қилинадиган масжидлар вайрон қилинган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ Ўзига ёрдам берганларга ёрдам берур. Албатта, Аллоҳ кучли ва ғолибдир.

Аввало, мусулмонларга, хусусан муҳожир мусулмонларга нисбатан зулм ўтказилди.

«Улар ноҳаддан, фақатгина «Роббимиз Аллоҳ» деганлари учун ўз диёрларидан чиқарилгандирлар.»

«Роббимиз Аллоҳ» деганлари учун мушриклар уларни анвои азоб-уқубатларга мубтало этдилар. Баъзиларини ўлдирдилар, бошқаларини калтакладилар, ярадор қилдилар, турли қийинчиликларга солдилар. Охири келиб, мушриклар уларни бутунлай йўқ қилиб юбориш пайида бўлиб қолдилар. Ана шунда, мусулмонлар ўз маҳбуб диёрларини, аҳли аёл, қариндош-уруғ, молу мулкларини ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. Лекин мушриклар уларни ҳижрат қилиб борган жойларида ҳам тек қўймадилар. Ана шундагина уруш қилишга мусулмонларга изн берилди. Изн берилмаса ҳам, бўлмас эди. Ҳаддидан ошган кофирлар ҳар нарса қилишлари мумкин эди.

«Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф қилиб турмаса, узлатгоҳлар, канисалар, ҳавралар ва Аллоҳнинг номи кўплаб зикр қилинадиган масжидлар вайрон қилинган бўлур эди.»

Яъни, Аллоҳ таоло дину диёнат, иймон-эътиқод ҳомийлари бўлмиш мўмин бандалари ила кофир ва мушрикларни даф қилиб турмаса, ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетар эди. Кофир ва мушриклар ҳаддларидан ошиб, динларнинг энг муқаддас ибодатхоналарини ҳам вайрон қилар эдилар. Улар «узлатхоналар»ни, юддузга сиғинадиган собийларнинг арабчада «савмаъа» деб номланган обидаларини, христианлардаги «монастир» деб аталадиган ибодатхоналарни ҳам вайрон қилар эдилар. Насороларнинг канисаларини-да қўймасдилар. Яҳудийларнинг ҳавраларини ҳам, Аллоҳ кўплаб зикр қилинадиган мусулмонларнинг масжидларини ҳам вайрон қилар эдилар.

Дарҳақиқат, тарихга назар солинадиган бўлса, Ислом бўлмаган жойда, мусулмонлар фаолият кўрсатмаган ерда турли ибодатхоналар, уларнинг муқаддаслигига қарамай, ваҳшийларча вайрон қилинганлиги кўрилади. Фақат мусулмонларгина уруш ҳолатида ҳам ибодатхоналарнинг риоясини қилганлар. Аммо Ислом душманлари имкон топди дегунича масжид бузишга ўтишлари ҳаммага маълум.

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ёрдам берганларга ёрдам берур.»

Яъни, Аллоҳ Ўз динига ёрдам берган бандаларига ёрдам берур. Аллоҳнинг динига мусулмонлар ёрдам берадилар. Улар дунёда Аллоҳнинг дини устун бўлиши учун ҳаракат қиладилар. Демак, Аллоҳ ҳам уларга бу ишда ёрдамини беради.

«Албатта, Аллоҳ кучли ва ғолибдир.»

Мусулмон бандаларига ёрдам бериб, ғолиб қилишга қодирдир.

Келаси оятда Аллоҳ таоло мусулмон бандаларнинг васфини давом эттиради:

الَّذِينَ إِن مَّكَّنَّاهُمْ فِي الْأَرْضِ أَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ وَأَمَرُوا بِالْمَعْرُوفِ
وَنَهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ الْأُمُورِ ﴿٥١﴾

41. Уларга ер юзида имкон берсак, намозни тўкис адо этурлар, закотни берурлар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарурлар. Ишларнинг оқибати Аллоҳга оиддир.

Ояти каримадаги «Уларга ер юзида имкон берсак» жумласидан «макон берсак» маъноси ҳам тушунилади. Бунга қўшимча «ер юзида нусрат, ғалаба берсак» маънолари ҳам чиқади. Диёрларидан «Робби-

миз Аллоҳ» деганлари учун чиқарилган мусулмонларга ер юзида макон, нусрат, ғалаба — имкон берсак:

«...намозни тўқис адо этурлар...»

Ҳовлиқиб кетмайдилар, балки Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қиладилар, у билан боғланишни кучайтирадилар.

«...закотни берурлар...»

Ер юзида имкон топганларидан кейин, молу дунёга ўч бўлмайдилар. Балки бахиллик дардидан устун келиб, молиявий ибодатларини ҳам ўз ўрнида адо этадилар. Закотларини бериб, жамиятларидаги бева-бечора, камбағалларга енгиллик яратадилар.

«...яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарурлар.»

Кишиларни динда яхши билинган барча ишларга даъват қиладилар. Ёмон билинган барча ишлардан қайтарадилар.

Шу ишлари Аллоҳга ёрдам беришларидир, шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларга ёрдам, нусрат беради.

«Ишларнинг оқибати Аллоҳга оиддир.»

Аллоҳ хоҳлаган оқибатини келтириб чиқаради. Хоҳласа, мағлубиятни ҳам ғалабага айлантириб юборади.

Бу оятларда нусрат мусулмонларга бўлиши муқаррар эканлиги айтиб ўтилди. Энди келадиган оятларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга таскин бериб, Аллоҳ таолонинг Ўзи ёрдам бериши, У зот аввал ўтган Пайғамбарларга ҳам ёрдам бергани эслатилади:

وَإِنْ يَكْذِبُوا فَقَدْ كَذَّبَتْ قَبْلَهُمْ قَوْمُ نُوحٍ وَعَادٌ وَثَمُودٌ

42. Агар сени ёлғончи қилаётган бўлсалар, бас, булардан олдин Нух қавми, Од ва Самуд ҳам ёлғончи қилган эдилар.

Яъни, эй Муҳаммад! Агар қавминг сени ёлғончи қилаётган бўлса, хафа бўлма, кофирларнинг қадимдан қилиб келадиган амаллари ўзи шу. Сенинг қавмингдан олдин Нух қавми ҳам, Од қавми ҳам, Самуд қавми ҳам Пайғамбарларини ёлғончи қилган эдилар. Шунингдек:

وَقَوْمِ إِبْرَاهِيمَ وَقَوْمِ لُوطٍ

43. Иброҳим қавми, Лут қавми.

وَأَصْحَابِ مَدْيَنَ وَكَذَّبَ مُوسَىٰ فَأَمَلَيْتُ لِلْكَافِرِينَ ثُمَّ أَخَذْتَهُمْ فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرِ

44. Мадян эгалари ҳам. Ва Мусо ҳам ёлғончи қилинди. Мен кофирларга бир оз муҳлат бердим, сўнгра уларни тутдим. Бас, Менинг инкорим қандоқ бўлди?!

Иброҳим қавми ҳам Пайғамбарларини ёлғончига чиқарди. Лут қавми ҳам Пайғамбарларини ёлғончи деб эълон қилди. Мадян эгалари ҳам Пайғамбарлари Шуайб алайҳиссаломни ёлғончи деб билдилар.

Шунингдек, Мусо алайҳиссалом ҳам Фиръавн ва унинг одамлари томонидан ёлғончи қилинди. Демак, кофирларнинг одати ўзи шу. Уларнинг қилмишидан сиқилмаслик керак. Уларнинг оқибати нима бўлганига назар солиш кифоя. Қачонки кофирлар Пайғамбарларини ёлғончига чиқариб, куфр келтириб, тугёнга кетганларида:

«Мен кофирларга бир оз муҳлат бердим...»

Уларни дарҳол азобга тутмадим. Муҳлат бериб қўйиб:

«...сўнгра уларни тутдим.»

Вақти-соати келганида, жинойтлари устида тутдим.

«Бас, Менинг инкорим қандоқ бўлди?!»

Албатта, ўта шиддатли бўлди. Ўта қўрқинчли бўлди. Ўша кофир, жинойтчи, Пайғамбарларини ёлғончига чиқарган қавмларнинг баъзиларини тўфон азоби тутди. Баъзиларини ер ютди, зилзила ва бошқа азобларга дучор бўлдилар.

Ибрат олиш учун улардан қолган асарларга назар солинса, етади.

فَكَأَيُّ مِّنْ قَرْيَةٍ أَهْلَكْنَاهَا وَهِيَ ظَالِمَةٌ فِيهَا خَاوِيَةٌ عَلَىٰ عُرُوشِهَا وَيَبُرُّ
مُعْطَلَةٌ وَقَصْرٍ مَّشِيدٍ

45. Қанчадан-қанча шаҳар-қишлоқларни зулм қилгувчи бўлган ҳолида ҳалок этдик. Бас, улар (ҳозирда) шифтлари қулаган, ташландиқ қудуқ, (ҳувиллаган) юксак қаср (ҳолидадир).

Ўтмишда зулм қилиб, Пайғамбарларни ёлғончига чиқариб, куфр келтирган қанчадан-қанча юртларни вайрон этиб, ҳалок қилганмиз. Бас, ҳозирда улардан қолган асарларни: томи деворлари устига қулаб тушган уйларни, ташландиқ, фойдаланилмай қолган қудуқларни ва ҳувиллаган юксак қасрларни кўринг.

Шифтлари қулаб ётган бу уйларда бир вақтлар ўзига зеб берганлар, молу мулкига ишонганлар, куч-қуввати ила керилган бандалар дабдабаю асъаса билан яшар эдилар. Бу уйларда ҳаёт қайноқ эди. Бу уйлар турли одамларга, зебу зийнатларга тўлиқ эди.

Ҳозирда ташландиқ бўлиб ётган қудуқларнинг атрофи ҳам обод, гавжум эди. Одамлар улардан тинмай сув олиб турар эдилар. Сувга

келганларнинг суҳбати билан у ерлар обод эди. Ҳувиллаб қолган юксак қасрларда эса, ҳокимлар, бой-зодагонлар яшар эдилар. Бу қасрларда кимлар яшамаган. Не-не ишлар бўлмаган, дейсиз. Лекин уларнинг куфри, зулми туфайли ҳамма нарса барбод бўлди. Ўзлари ҳалокатга учради. Юртлари шу қолга тушди. Уларнинг бу ҳолати ҳаммага ибрат бўлиши керак эди. Аммо кофир, мушрикларга ҳайронсан. Улар охирги Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳам ёлғончига чиқаришмоқда. Улар ўтмишда ҳалокатга учраган қавмларнинг хатосини айнан такрорламоқдалар.

أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَتَكُونَ لَهُمْ قُلُوبٌ يَعْقِلُونَ بِهَا أَوْ آذَانٌ يَسْمَعُونَ بِهَا فَإِنَّهَا لَا تَعْمَى الْأَبْصَارُ وَلَكِنْ تَعْمَى الْقُلُوبُ الَّتِي فِي الصُّدُورِ ﴿٤٦﴾

46. Ахир, ер юзида айланиб юрмайдиларми, токи қалблар ила ақл юритсалар, қулоқлари ила эшитсалар. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, сийналардаги қалблар кўр бўлур.

Ўша кофирлар ер юзида айланиб юрганларида, ўтган кофирлардан қолган асарларни кўрар эдилар. Уларни кўриб, тафаккур қилганларида, қалблари таъсирланиб, ақллари кирар эди. Шифти қулаб тушган уйлар, ташландиқ қудуқлар, ҳувиллаб қолган қасрлар уларга ибрат бўларди. Кўрганларидан хулоса чиқариб, ақлларини пешлаб олар эдилар. Ҳа,

«Ахир, ер юзида айланиб юрмайдиларми токи қалблар ила ақл юритсалар, қулоқлари ила эшитсалар».

Шунингдек, кофирлар ер юзида айланиб юрганларида, одамлардан ўтган золим кофир қавмлар нима учун ва қандай қилиб ҳалокатга учраганлари ҳақидаги ривоятларни эшитар, улардан ибрат олар эдилар.

«Зеро, кўзлар кўр бўлмас, сийналардаги қалблар кўр бўлур.»

Кўр қалбларни очиш учун эса, ибрат ола билиш керак. Лекин, эй Муҳаммад, улар ибрат олишнинг тескарисига иш қилмоқдалар.

وَيَسْتَعْجِلُونَكَ بِالْعَذَابِ وَلَنْ يُخْلِفَ اللَّهُ وَعْدَهُ وَإِنَّ يَوْمًا عِنْدَ رَبِّكَ كَأَلْفِ سَنَةٍ مِّمَّا تَعُدُّونَ ﴿٤٧﴾

47. Улар сендан азобнинг тезроқ келишини сўрарлар. Ҳолбуки, Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмас. Дарҳақиқат, Роббинг ҳузуридаги бир кун, сиз санайдиган минг йилдекдир.

Кофирларнинг касби шу. Ўзидан олдин ўтганларнинг ҳалокати-ни, ҳалокатга учраш сабабларини кўриб-билиб туриб ҳам, яна уларнинг хатоларини такрорлайдилар. Уларга, куфр келтирманглар, исён қилманглар, яна, аввал ўтган кофирларга келган азоб сизга ҳам келиб қолмасин, дейилса:

«Улар сендан азобнинг тезроқ келишини сўрарлар».

Бу билан улар Аллоҳ томонидан вақтинча тарк этиб қўйилганларини тушунмай, ғурурга кетадилар. Пайғамбарни масхара қиладилар. Уларга азоб келишини Пайғамбар ўзидан чиқариб айтгани йўқ. У Аллоҳнинг ваъдасини етказган эди, холос.

«Ҳолбуки, Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмас.»

Модомики, кофирларга азоб юборишни ваъда қилдимиз, уларга Аллоҳнинг азоби албатта келади. Шошилмай турсинлар. Азобни қачон юборишни Аллоҳнинг Ўзи билади. Аллоҳ таоло ҳеч шошилмайди.

«Дарҳақиқат, Роббинг ҳузуридаги бир кун, сиз санайдиган минг йилдекдир.»

Шунинг учун ҳам, У зот ҳеч шошилмайди.

وَكَأَيِّن مِّن قَرْيَةٍ أَمَلَيْتُ لَهَا وَهِيَ ظَالِمَةٌ ثُمَّ أَخَذْنَا إِلَيْهَا إِلَى الْمَصِيرِ ﴿٤٨﴾

48. Қанчадан-қанча шаҳар-қишлоқларга зулм қилгувчи бўлган ҳолида ҳам муҳлат бердим. Сўнгра уларни (азобга) тутдим. Қайтиш фақат Менгагинадир.

Дарҳол азоб келмаганига алданиб, кофирлар ғурурга кетмасинлар. Қани, ваъда қилган азобинг тезроқ келмайдими, деб Пайғамбарни масхара қилмасинлар. Менинг одатим ўзи шундай. Исёнлари ва зулмларига қарамай, кофирларга муҳлат бериб, уларни тек қўйиб қўяман.

Ўтмишда ҳам:

«Қанчадан-қанча шаҳар-қишлоқларга зулм қилгувчи бўлган ҳолида ҳам муҳлат бердим».

Уларга азоб юборишга шошилмадим.

«Сўнгра уларни (азобга) тутдим.»

Ана у мушрик-кофирлар ҳам шошилмай тураверсинлар. Вақт-соати келганида, албатта, уларни ҳам азобга тутишим бор. Улар, барибир, Менинг азобимга дучор бўлишади. Чунки:

«Қайтиш фақат Менгагинадир».

Мендан ўзга ҳеч кимга қайтиш йўқ.

Энди Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, одамларга гапнинг очиғини айтиб қўйишга амр этади.

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّمَا أَنَا نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٤٩﴾

49. Сен: «Эй одамлар! Мен сизлар учун фақат бир очиқ огоҳ-лантиргувчиман, холос», деб айт.

Яъни, менинг вазифам фақат огоҳлантириш, холос. Сизларга азоб келтириш ёки бошқа нарса эмас. Мана, ўша огоҳлантиришдан бир парча эшитиб қўйинглар:

فَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٥٠﴾

50. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганларга мағфират ва икромли ризқ бордир.

Иймон келтириб, ортидан яхши амалларни қилган мусулмон бандаларнинг гуноҳларини мағфират қилиш бор. Сўнгра уларни иҳонатсиз икромли ризқдан баҳраманд қилиш бордир. Қуръони Каримда қачонки «икромли ризқ» дейилса, жаннат кўзда тутилади.

وَالَّذِينَ سَعَوْا فِي آيَاتِنَا مُعْجِرِينَ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴿٥١﴾

51. Бизнинг оятларимизни ожиз қолдирмоқчи бўлиб, саъйи-ҳаракат қилганлар, ана ўшалар жаҳийм эгаларидир.

Яъни, оятларимиз кишиларга етиб бормаслиги, уларга таъсир ўтказмаслиги учун ҳаракат қилган кофир бузғунчилар, албатта, дўзахий бўладилар.

Кейинги оятда Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламга ўзларидан олдин ўтган Пайғамбарларда ўрناق борлиги эслатилади:

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ وَلَا نَبِيٍّ إِلَّا إِذَا تَمَنَّى أَلْقَى الشَّيْطَانُ فِي أُمْنِيَّتِهِ فَيَنْسَخُ اللَّهُ مَا يُلْقِي الشَّيْطَانُ ثُمَّ يُحْكِمُ اللَّهُ آيَاتِهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٥٢﴾

52. Биз сендан илгари ҳеч бир Расул ва Набий юбормадикки, у бир нарсани таманний қилганида, шайтон унинг таманнийсига (шубҳа) ташламаган бўлса. Бас, Аллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани кетказур. Сўнгра, Аллоҳ Ўз оятларини мустаҳкам қилур. Аллоҳ ўта билгувчи ва ҳикматли зотдир.

Ушбу ояти каримага алоҳида эътибор қилмоғимиз лозим. Бинобарин, батафсилроқ сўз юритмоқ керак бўлади.

Аввало, ояти каримада «Расул ва Набий» сўзларининг бир жойда келганига эътибор бермоқ лозим. Бу икки атаманинг ҳар бирида ўзига хос маънолар бор. Биз «Расул»ни ҳам, «Набий»ни ҳам «Пайғамбар», деб ўрганиб қолганмиз. Аслида эса, бу икки номда фарқ бор. Шариат урфига кўра, «Расул» ўзига ваҳий келган ва ўша ваҳийни ўзгаларга етказишга масъул бўлган зотдир. «Набий» эса, ўзига ваҳий келган-у, уни бошқаларга етказишга масъул бўлмаган кишидир. Шунга биноан, ҳар бир Расул Набий саналади, аммо ҳеч бир Набий Расул эмас. Бани Исроилда кўпгина Набийлар бўлган, уларнинг барчасига ваҳий келган, аммо ҳаммалари Мусо алайҳиссалом шариатларига даъват қилишган.

Энг аҳамиятлиси шуки, оят маъносини турли томонга буриш имкони бор. Бундан Ислом душманлари фитна чиқарганлар, кўпгина тафсирчи уламолар бундан таъсирланганлар ҳам. Яна бошқалари эса, бу таъсирдан қочмоқчи бўлиб, бошқа томонга бурилганлар.

Ояти каримадаги биринчи жумла:

«Биз сендан илгари ҳеч бир Расул ва Набий юбормадикки, у бир нарсани таманний қилганида, шайтон унинг таманнийсига (шубҳа) ташламаган бўлса».

Бу жумлани «Ҳар бир Пайғамбар шайтон васвасасига учраган» деган маънода тушунганлар бўлган. Уларнинг бундай фикрга келишларига эса, шу ва ундан кейинги икки оятнинг нозил бўлиши ҳақида келтирилган асосиз ва нотўғри ривоятлар сабаб бўлган. Ўша ривоятларда айтилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Нажм» сураси нозил бўлганида, у сурани тиловат қилиб бориб: «Афароайту-мул Лота ва Уззаа ва Манатас Салисал Ухро»ни ўқиганларидан сўнг, шайтон тилларига: «Тилкал ғаронийқул улаа ва инна шафоатухунна латуртажа»ни солган эмиш. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам буни ҳам қўшиб, тиловат қилиб юборган эмишлар. Бундан эса, Қурайш мушриклари ғоятда шод бўлибдилар. Чунки, умумий маъно, «Лот ва Уззони ва бошқа учинчи Манотни (яъни, Қурайш бутларини) кўрмадингизми? Улар олий қушлардир. Уларнинг шафоатлари ражо қилинур», бўлади. Бу, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қурайшликларнинг Лот, Уззо ва Манот номли бутларини Аллоҳнинг олдида шафоат берувчи кичик худолар деб тан олганларини билдиради-ку. Эмишки, ана шунда фаришта Жаброил алайҳиссалом келиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Мен сенга Аллоҳдан олиб келмаган нарсани тиловат қилдинг», дебди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда маҳзун бўлибдилар. У кишига тасалли бериш учун Аллоҳ

таоло юқоридаги оятларни нозил қилибди. Яъни, бўлиб ўтган нарсага қаттиқ хафа бўлма, сендан олдин ўтган ҳар бир Расул ва Набий ҳаётида ҳам бу иш бўлиб ўтган, деган эмиш.

Бу ҳол Пайғамбарлар шаънига, хусусан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам шаънларига мутлақо тўғри келмайдиган ҳолдир. Аввало, бу ривоятлар Ислом душманлари томонидан тўқилиб, ёмон ғараз билан киритилганлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Эъти-модли уламолар мазкур ривоятларнинг ҳеч бири Расули Акрам сол-лаллоҳу алайҳи васалламга тегишли бўлиши асло мумкин эмаслиги-ни исбот қилганлар. Жумладан, Ҳофиз ибн Касир бу ривоятлар-нинг ҳаммасини инкор этганлар. Бошқа олимларимиз ҳам бунга қўшиладилар. Заиф, асоссиз ривоятни Қуръони Карим ояти таф-сирига, хусусан, ақийдага тегишли масалага далил қилиб олиш ҳеч ҳам тўғри келмайдиган иш экани ҳаммага маълум.

Энди ўша мазкур ривоятларнинг маъносига келсак, улар Ислом ақийдасига, Қуръон ва Суннат таълимотларига мутлақо тескаридир. Ислом ақийдаси бўйича, барча Пайғамбарлар маъсумдирлар. Яъни, хато, гуноҳ қилишдан уларни Аллоҳнинг Ўзи сақлагандир. Йўқса, Пайғамбар бўлишлари мумкин эмас. Қуръони Карим ҳамма Пайғамбарларнинг бундай хатолардан поклигини баён қилиб келган. Хусусан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида ҳам бу маъно мустаҳкам равиш-да собитдир. Ул зот ҳаводан гапирмасликлари, фақат Аллоҳдан келган ваҳийнигина нутқ қилишлари таъкидланган. Пайғамбаримиз солла-лоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида ҳам худди шу маъно собитдир.

Юқоридаги заиф ривоятлар эса «Барча Расул ва Набийлар, шу жумладан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам шайтон вас-васасига учраб, Аллоҳдан келган ваҳийга шайтон солган шубҳани аралаштирганлар», деган маънони келтириб чиқармоқда. Бу мут-лақо нотўғри тушунча. Пайғамбарларга шайтон васвасасига учраб, Аллоҳ берган омонат ваҳийга шубҳа аралаштирганлик нисбатини бериш у зотлар учун катта тухматдир.

Луват жиҳатидан қарайдиган бўлсак ҳам, «таманний» сўзи ҳеч бир ҳолда «тиловат» ёки «қироат» маъносида ишлатилмайди. Араб тилининг кўп асрлик тарихида бу иш кўрилган эмас. «Таманний» сўзи араб тилида «олий орзу» (ажнабий тилдаги «идеал») маъноси-ни англатади. Шунинг учун ҳам, ояти карима маъносини таржима қилишда бу сўзни шу ҳолда қолдиришни раво кўрдик.

Маълумки, Пайғамбар алайҳимуссаломлар Аллоҳ таолодан ва-ҳий орқали амрларни қабул қилиб олувчи, уларни кишилар ҳаётига татбиқ қилишга масъул зотлардир. Ул зотлар илоҳий даъватни ки-шилар кўпроқ қабул қилишига, дунёда кофир кимса қолмаслигига,

илоҳий амрлар тўлалигича татбиқ бўлишига қаттиқ уринган шахслардир. Улар бу маънода энг олий орзу эгалари бўлганлигида шубҳа йўқ. Аллоҳнинг ҳикмати эса, бошқа ҳолни, мўминлар билан бирга кофирларнинг ҳам бўлишини, даъват йўлида турли қийинчиликлар дуч келишини тақозо қилиши мумкин. Ҳар доим Пайғамбарлар инсонлик сифатлари ила олий орзуга берилиб, воқелиқдан ранжиганларида, Аллоҳ уларга Ўз ҳикматини эслатиб турган. Кўпгина уламоларимиз, ушбу оятдан худди шу маъноларни тушунмоқ керак, дейдилар. Зотан, «Ҳаж» сурасида шу оятга қадар кофир ва мушрикларнинг кирдикорлари, иймондан қочишлари ҳақида сўз юритилиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга «Мен очиқ-ойдин огоҳлантиргувчиман, холос», дейишлик таъкидланиб келмоқда эди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, олий орзу оғушида бўлиб, ҳамма, иложи борица кўпроқ одам иймонга келишини истар эдилар. Бу ҳолатлари бошқа сураларда ҳам баён қилинган, баъзи вақтларда бу хусусда Аллоҳ томонидан танбеҳ, ҳатто итоблар ҳам келган эди.

Ушбу ояти каримада эса, бу олий орзу бошқа Расул ва Набийларда ҳам бўлганлиги, бу кўпроқ шайтон томонидан нотўғри фикр ёки ҳолатларга олиб бориши мумкинлиги, аммо Аллоҳ доимо Ўзи Пайғамбарларини бундан сақлаб келганлиги айтилмоқда. Ушбу ҳолат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларида бир неча марта кўрилган. Энг машҳури Абдуллоҳ ибн Умму Мактум қиссасидир. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни Валид ибн Муғййра бошлиқ Қурайш киборларини динга даъват қилиб турганларида, икки кўзи ожиз саҳобий Абдуллоҳ ибн Умму Мактум келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, менга Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан ўргатинг», деб баланд овоз ила мурожаат қилиб қолди. Қурайш бошлиқлари, бой-зодагонларининг иймонга келишини қаттиқ орзу қилган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Умму Мактумнинг гапига эътибор бермай, ишларида давом этдилар. Абдуллоҳ ибн Умму Мактум эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нима билан машғул эканликларини кўрмаганидан, яна бир неча бор аввалги гапларини такрорлади. Унинг бу иши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ёқмади, у зот юзларини буриштирдилар. Ана шунда Аллоҳ таоло «Абаса» сурасининг аввалги оятларини нозил қилиб, Пайғамбарини итоб қилди. Шу воқеадан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни кўришлари билан: «Роббим унинг учун мени итоб қилган киши хуш келибди!» деб хурсандчилик билан кутиб олар ва «Нима хизматинг бор?» деб сўрар эдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватни энг тўғри ва кучли йўлда олиб бориш билан бирга, олий орзу оғушида

душман қабила зодагонларига кўпроқ эътибор беришлари мана шу ҳолатни пайдо қилди. Худди шу нарса шайтоннинг даъват ишига шубҳа солишга уриниши бўлиб қолиши мумкин, деб баҳоланмоқда. Аллоҳ таоло Ўзи бу ишга аралашиб, муҳкам оятларини нозил қилиб, энг тўғри ҳукми янада маҳкамламоқда. Шайтон киришга ҳаракат қилиши мумкин бўлган дарчани яна ҳам қаттиқроқ беркитмоқда.

Ана энди Аллоҳ таолонинг:

«Биз сендан илгари ҳеч бир Расул ва Набий юбормадикки, у бир нарсани таманний қилганида, шайтон унинг таманнийсига (шубҳа) ташламаган бўлса», деган гапини ўз маъносида англашимиз мумкин.

Яъни, бошқа ҳамма Расул ва Набийлар ҳам сенга ўхшаб, эй Муҳаммад, таманний – олий орзу ҳолатида бўлганлар. Шайтон эса, уларнинг бу ҳолатидан ўз мақсадида фойдаланиш учун бу олий орзуларга шубҳа солишга уриниб кўрган.

«Бас, Аллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани кетказур.»

Аллоҳ шайтон ташламоқчи бўлган шубҳани кетказиб, ундан ҳеч асар ҳам қолдирмас.

«Сўнгра, Аллоҳ Ўз оятларини мустаҳкам қилур.»

Ҳеч қандай эҳтимол, ҳеч қандай тушунча ёки уринишга йўл қўймайдиган қилиб, маҳкамлаб қўяр.

«Аллоҳ ўта билгувчи ва ҳикматли зотдир.»

Шунинг учун ҳам, ҳар бир нарсани билиб, ҳикмат ила қилади. Олий орзулар оғушида қаттиқ уриниб, натижа чиқмаса, хафа бўлиш керак эмас. Аллоҳ таолонинг бундай қилиши:

لِيَجْعَلَ مَا يُلْقِي الشَّيْطَانُ فِتْنَةً لِلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٌ وَالْقَاسِيَةِ قُلُوبُهُمْ وَإِنَّ الظَّالِمِينَ لَفِي شِقَاقٍ بَعِيدٍ

53. Шайтон ташлайдиган нарсанинг қалбларида касали борларга ва қалблари тошларга фитна бўлиши учундир. Албатта, золимлар (ҳақдан) узоқ тортишувдадирлар.

Ушбу ояти каримадаги

«қалбларида касали борлар» деганда мунофиқлар,

«қалблари тошлар» деганда мушриклар назарда тутилган.

Демак, Пайғамбарларнинг гоҳида олий орзуга берилишлари, шайтон шубҳа ташлаб, ундан фойдаланиб қолишга уриниши, аммо Аллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани маҳв этиб, Ўз оятларини мустаҳкам қилиши мунофиқ ва мушрикларга фитна бўлиши учун экан.

Чунки, ўша мунофиқ ва мушрик золимлар ҳақдан узоқ бўлган ҳолларида Аллоҳ ва Пайғамбар ишига қарши чиқиб, беҳуда тортишиб ётадилар.

Мазкур ишлардан иккинчи бир мақсад:

وَلْيَعْلَمَ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَيُؤْمِنُوا بِهِ فَتُخْبِتَ لَهُ قُلُوبُهُمْ
وَإِنَّ اللَّهَ لَهُدٍ الَّذِينَ آمَنُوا إِلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

54. Илм берилганлар у (Қуръон) Роббингдан келган ҳақ эканини билишлари, унга иймон келтиришлари ва қалблари унга боғланиб, таскин топиши учундир. Албатта, Аллоҳ иймон келтирганларни тўғри йўлга ҳидоят қилгувчидир.

Ояти каримадаги

«илм берилганлар»дан мурод мусулмонлардир. Демак, бу ҳолат Қуръони Каримнинг Аллоҳ таолодан келган ҳақ эканини яна бир бор билишларига, унга бўлган иймонларининг янада қувватланишига, қалблари Қуръони Каримга қаттиқроқ боғланиб, таскин топишига сабаб бўлади. Мисол учун, Абдуллоҳ ибн Умму Мактум қиссасини олайлик. Уламоларимиз ҳозиргача ушбу қиссани Қуръон Аллоҳнинг каломи эканига энг улкан далил қилиб келтирадилар. Чунки, Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари бўлганида, у зот ўзларини ўзлари дўсту душман ичида хижолат қилмас эдилар. Қуръон ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг каломи бўлганидан, Абдуллоҳ ибн Умму Мактумнинг ёнини олиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни итоб қилувчи оятлар тушди, дейдилар. Бундай ҳолатни кўрган оз сонли мусулмонлар Қуръон Аллоҳ томонидан келган ҳақ эканига яна бир бор шоҳид бўлдилар. Унга бўлган иймонлари яна ҳам қувватланди, қалблари Қуръонга яна ҳам қаттиқроқ боғланиб, таскин топди.

«Албатта, Аллоҳ иймон келтирганларни тўғри йўлга ҳидоят қилгувчидир.»

Уларни икки дунё саодати йўлига, Исломи йўлига ҳидоят қилгувчидир. Иймон келтирмаганларга эса, икки дунёнинг бадбахтлик йўли, Исломсиз йўл бўлур. Чунки:

وَلَا يَزَالُ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي مَرِيَةٍ مِّنْهُ حَتَّىٰ تَأْتِيَهُمُ السَّاعَةُ بَغْتَةً أَوْ يَأْتِيَهُمْ
عَذَابٌ يَوْمَ عَقِيمٍ

55. Куфр келтирганлар уларга соат (қиёмат) тўсатдан келгунча ёки қисир Кун азоби келгунча у (Қуръон)дан шубҳада бўлишда давом этадилар.

Ушбу ояти каримада қиёмат тўсатдан қоим бўлишига ишорат қилиш билан бирга у кун «қисир кун» деб таъриф ҳам қилинмоқда. Одатда бирор яхшилик чиқмайдиган нарсани «қисир» дейилади. Қиёмат кунда кофирлар учун ҳеч бир яхшилик чиқмагани учун ҳам уларга нисбатан у кун қисир бўлиши турган гап.

Кофирлар қиёматгача Қуръони Карим Аллоҳдан келган ҳақ эканига шубҳада бўладилар. Шунинг учун, иймон келтирмайдилар. Лекин бу билан фақат ўзларига зиён қиладилар, холос. Чунки:

الْمَلِكُ يَوْمَئِذٍ لِلَّهِ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ فَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فِي
جَنَّةِ النَّعِيمِ ﴿٥٦﴾

56. Ўша кунда ҳукмронлик Аллоҳагина хосдир. У улар орасида ҳукм қилур. Бас, иймон келтирганлар ва яхши амал қилганлар нозу неъмат жаннатларидадирлар.

Ушбу ояти каримада мазкур тўсатдан келадиган ва қисир бўлган кундаги баъзи ҳолатлар васф қилинмоқда.

«Ўша кунда ҳукмронлик Аллоҳагина хосдир.»

Мазкур кунда ҳукм қилиш яккаю ягона Зотга хос бўлади. У кунда барча ҳукми фақатгина Аллоҳ таолонинг Ўзигина қилади.

«У улар орасида ҳукм қилур.»

Яъни, Аллоҳ таоло бандалар орасида Ўз ҳукмини қилур. У зотнинг улар орасидаги ҳукми иймон-эътиқодлари ва қилган амалларига қараб қуйидагича бўлур:

«Бас, иймон келтирганлар ва яхши амал қилганлар нозу неъмат жаннатларидадирлар.»

Аллоҳ таоло қиёмат кунини ораларида ҳукм қиладиганларнинг биринчи тоифаси, бу дунёда мўмин-мусулмон бўлиб, яхши амалларни қилиб ўтганлардир. Аллоҳ таоло уларга нозу неъмат жаннатларини ато қилур.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا فَاُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٥٧﴾

57. Куфр келтирган ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса, бас, ана ўшаларга хорловчи азоб бордир.

Демак, ҳар ким бу дунёда қилганига яраша жазо ёки мукофоти-ни олади.

Келгуси оятларда сўз муҳожирлар ҳақида боради:

وَالَّذِينَ هَاجَرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ قُتِلُوا أَوْ مَاتُوا لَيَرْزُقَنَّهُمُ اللَّهُ رِزْقًا
حَسَنًا وَإِنَّ اللَّهَ لَهُ خَيْرُ الرَّزُقِينَ ﴿٥٨﴾

58. Аллоҳ йўлида ҳижрат қилганлар, сўнгра ўлдирилиб ёки вафот этганларни, албатта, Аллоҳ гўзал ризқ ила ризқлантирур. Албатта, Аллоҳ ризқ бергувчиларнинг энг яхшисидир.

Ҳижрат Аллоҳ йўлида ватандан, қариндош-уруғдан, молу дунёдан, турли қулайликлардан узоқда бўлишдир. Ҳижрат барча Пайғамбарлар, улуғ зотлар бошидан ўтказган ҳолатдир. Исломда эса, Ислом Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг сафдошлари – саҳобаларнинг бир қисми ҳаётидаги катта синовдир. Аллоҳ таоло уларнинг Маккадан Мадийнага қилган ҳижратларидан сўнг Исломга фатҳу футуҳ, шону шавкат берди.

Ҳижрат Аллоҳ йўлидаги буюк фидокорликдир. Шунинг учун ҳам, у Исломда юқори баҳоланади. Муҳожирлар мадҳи Куръони Каримда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида ҳам кўплаб айтилган. Ушбу оятда ҳам Аллоҳ йўлида ҳижрат қилганларнинг мадҳи келмоқда.

«Аллоҳ йўлида ҳижрат қилганлар, сўнгра ўлдирилиб ёки вафот этганларни, албатта, Аллоҳ гўзал ризқ ила ризқлантирур.»

Маълумки, бу оят мўминларга кофирлар билан уруш қилишга изн берилганидан кейин нозил бўлган. Уруш бўлганидан кейин, ўлим ҳам бўлади. Урушда эса, муҳожирлар ҳам қатнашганлар. Кофирларга қарши жиҳодда шаҳид бўлган муҳожирлар гўзал ризққа – жаннатга сазовор бўлишлари турган гап. Аммо оятда урушда ўлмай, ўз ажали билан вафот этган муҳожирларни ҳам Аллоҳ таоло албатта гўзал ризқ билан ризқлантириши ҳақида сўз кетмоқда. Бу эса, ҳижратнинг фазли нақадар улуғ эканини кўрсатади. Ҳижрат қилмоқликнинг ўзи буюк шарафдир.

لِيَدْخُلَنَّهُمْ مَدْخَلًا يُرْضَوْنَ بِهِ وَإِنَّ اللَّهَ لَعَلِيمٌ حَلِيمٌ ﴿٥٩﴾

59. Албатта, У зот уларни ўзлари рози бўладиган жойга киритур. Албатта, Аллоҳ ўта билгувчи ва ҳалиим зотдир.

Яъни, Аллоҳ таоло муҳожирларни ўзлари рози бўладиган жаннатга дохил қилади. У зот кимни қаерга киритишни ўта яхши билгувчи зотдир. Муҳожирларнинг гўзал ризққа сазоворлигини яхши билганидан уларни жаннатга киритади. Ҳалиймлигидан уларни иқоб қилмайди.

Аллоҳ йўлида шаҳид бўлганлар ёки ҳижрат қилганлар учун бериладиган улкан мартабалар ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар ҳам ворид бўлган.

Юқоридаги оятлардан охиратда ҳар кимга қилганига яраша жазо ёки мукофотни Аллоҳнинг Ўзи беришини билиб олдик. Келаси оятда эса, уруш-жанжал пайтида одамлар орасида ўзаро ҳисоб-китоб ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида сўз кетади:

ذٰلِكَ وَمَنْ عَاقَبَ بِمِثْلِ مَا عُوِّقَ بِهِ ثُمَّ بَغِيَ عَلَيْهِ لَيَصِّرَنَّ اللهُ اِيَّاهُ
 اللهُ لَعَفُوًّا غَفُورًا

60. Иш бундоқ. Ким ўзига иқоб қилинганига ўхшаш иқоб қилсаю, сўнгра унга яна зўравонлик қилинса, Аллоҳ, албатта, унга нусрат берур. Албатта, Аллоҳ афвли ва мағфиратли зотдир.

Яъни, биров зулмга учраб, бошқа бир киши томонидан иқобга учраса, қасос олиш тариқасида ўша золимдан ўзига қилинган иқоб даражасида ўч олса-ю, сўнгра унга яна зўравонлик ила тажовуз қилинса, ўша одамга Аллоҳ ёрдам беради. Чунки у зулм қилмаяпти, ҳаддидан ошмаяпти, фақат ўз ҳаққини талаб қияпти, холос. Бошқа томон эса, аввал ноҳақдан тажовузкорлик қилган эди. Тажовузига яраша жавоб келганида, тушуниб ўзини тийиши керак эди. Аммо у яна тажовузкорлик қилди.

«Албатта, Аллоҳ афвли ва мағфиратли зотдир.»

Фақат У зотгина Ўзига нисбатан бандалар ноҳақ зулм қилсалар ҳам, куфру ширк келтирсалар ҳам, уларни афв этади ва гуноҳларини мағфират қилади. Одамлар эса, бир-бирларидан қасос олишга турадилар.

ذٰلِكَ يٰۤاَيُّهَا اللهُ يُوَلِّجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَيُوَلِّجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَاِنَّ اللهَ
 سَمِيعٌ بَصِيرٌ

61. Чунки, Аллоҳ, албатта, кечани кундузга киритур ва кундузни кечага киритур. Албатта, Аллоҳ ўта эшитгувчи ва ўта кўргувчи зотдир.

Доимий равишда кеча кундузга, кундуз кечага кириб туради. Бу жараён, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Буни Аллоҳга куфр келтириб, гердайтиб юрган одамлар ҳам, бошқалари ҳам қила олмайди. Буни фақат Аллоҳ таологина қилади. Аллоҳнинг бу ишини биров тўхтата олмаганидек, У зотнинг мазлумларга нусрат беришини ҳам биров тўхтата олмайди.

«Албатта, Аллоҳ ўта эшитгувчи ва ўта кўргувчи зотдир.»

У ҳар бир нарсани эшитиб, ҳар бир нарсани кўриб, ҳисоб-китобини қилиб туради. Ким золим, ким мазлум эканини ҳам кўриб-билиб туради. Шунинг учун ҳам, мазлумларга золимлар устидан нусрат бермай қўймайди.

ذَٰلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْحَقُّ وَأَبَّ مَائِدَعُونَ مِنْ دُونِهِ هُوَ الْبَاطِلُ وَأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْعَلِيُّ الْكَبِيرُ ﴿٦٢﴾

62. Чунки, Аллоҳнинг Ўзигина ҳақдир, Ундан бошқа топинаётганлари эса, ботилдир. Албатта, Аллоҳ юксак ва буюқдир.

Яъни, мазлумларга албатта нусрат беришлик Аллоҳ таолонинг ҳақлиги ва мушриклар, кофирлар эътиқод қилаётган нарсаларнинг ботиллигидандир. Аллоҳ ҳақ бўлмаса, мазлум мусулмонларга ҳеч ким нусрат бермас эди. Аллоҳдан ўзга сохта худолар ботил бўлмаганида, уларга эътиқод қилаётган мушрик ва кофирлар нусратсиз қолмасдилар.

«Албатта, Аллоҳ юксак ва буюқдир.»

Шунинг учун ҳам, ўзига иймон келтирганларни нусратсиз қўймайди.

Кейинги оятларда эса, Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи жараёнларга эътибор жалб қилинади:

الْم تَرَأْتِ أَنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَتُصْبِحُ الْأَرْضُ مُخْضَرَّةً إِنَّ اللَّهَ لَطِيفٌ خَبِيرٌ ﴿٦٣﴾

63. Аллоҳ осмондан сув туширганида, ернинг ям-яшил бўлишини кўрмадингми?! Албатта, Аллоҳ ўта лутфли ва хабардор зотдир.

Аллоҳ таоло бутун борлиқнинг, жумладан, осмону ернинг ҳам эгасидир. Уларда Ўзи хоҳлаганича тасарруф қилади. Нимани хоҳласа, шунга қудрати етади. Ўз қудрати ила Ўз осмондан хоҳлаган вақтда хоҳлаганича сув туширади. Сўнгра, Ўз қудрати ила ўша сувни манфаатли қилиб, ердан ям-яшил ўсимликларни ўстириб чи-

қаради. Бу эса, Аллоҳ таолонинг ўта лутфли ва ҳар бир нарсадан ўта хабардор бўлганлигидандир.

لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَإِنَّ اللَّهَ لَهُ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ ﴿٦٤﴾

64. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Албатта, Аллоҳ, Унинг Ўзигина беҳожат ва мақталган зотдир.

Яъни, Аллоҳ таоло осмонлару ердаги нарсаларга эга бўлганидан, уларни хоҳлаганича тасарруф қилади. У зотнинг ҳеч бир нарсага ҳожати йўқ. Шундай ҳам мақталган, ҳамду сано эгаси бўлган зотдир. Ўзидан бошқа ёрдамчига унинг ҳожати бўлмаганидек, бировнинг мақтовига ҳам ҳожати йўқдир.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ سَخَّرَ لَكُمْ مَّا فِي الْأَرْضِ وَأَلْفَكَ تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِأَمْرِهِ وَيُمْسِكُ السَّمَاءَ أَنْ تَقَعَ عَلَى الْأَرْضِ إِلَّا بِإِذْنِهِ ۗ إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرُءُوفٌ رَحِيمٌ ﴿٦٥﴾

65. Аллоҳ ердаги нарсаларни, денгизда Ўз изни ила юрадиган кемани сизларга бўйсундириб қўйганини ҳамда осмонни изнисиз ерга тушишдан тутиб туришини кўрмадингизми?! Албатта, Аллоҳ одамларга шафқатли ва меҳрибондир.

Инсоф билан фикр ишлатиб қаралса, Аллоҳ таоло ер юзидаги ҳамма нарсаларни инсон фойдаси учун, унга бўйсунадиган, унга беминнат хизмат қиладиган қилиб қўйган.

«Аллоҳ ердаги нарсаларни, денгизда Ўз изни ила юрадиган кемани сизларга бўйсундириб қўйганини ҳамда осмонни изнисиз ерга тушишдан тутиб туришини кўрмадингизми?!»

Ҳаводан тортиб, тошу тоққача, набототу жамомот, катта-кичик жонзотлар, ҳамма-ҳаммаси инсон учун хизматкор. Унга бўйсунди. Уларнинг эвазига инсондан ҳақ талаб қилинмайди.

Денгизга назар солинг, ушбу оятда сўз денгизда юраётган кема ҳақида айтилаётган бўлса ҳам, бошқа нарсаларга-да ишорат бор. Денгиз ва ундаги ҳамма нарсалар ҳам инсон учундир, беминнат хизматкордир.

Қолаверса, чексиз осмонни олайлик. Инсон боши устида муаллақ турган осмон. Уни ким тутиб турибди? Албатта, Аллоҳ. Шунинг ўзи инсон учун катта меҳрибонлик эмасми?

«Албатта, Аллоҳ одамларга шафқатли ва меҳрибондир.»

Лекин Аллоҳ таолонинг иши юқорида зикр қилинган нарсалар билан чегараланиб қолмайди.

وَهُوَ الَّذِي أَحْيَاكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ إِنَّ الْإِنْسَانَ لَكَفُورٌ ﴿٦٦﴾

66. Сизларни тирилтирган, кейин ўлдирадиган, сўнгра (қайта) тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзидир. Албатта, инсон ўта ношукрдир.

Одам боласи юқоридаги оятларда зикр қилинган, инсонга Аллоҳ томонидан бўйсундирилган нарсаларни, берилган неъматларни бир томонга суриб, ўзига бир қарасин.

Инсонга ҳаёт бериб, уни йўқдан бор қилган ким?!

Албатта, Аллоҳ! Ана шу Зотга шукр қилиб, унга иймон келтириб, унинг ибодатини қилса, бўлмасмиди?!

Бу дунёда яшаб юрган инсонни ўлдирадиган ким?!

Албатта, Аллоҳ! Шундай экан, ўлим келмасидан аввал одам боласи ўзини ўнгласа бўлмасмиди?!

Ўлганларни қиёмат кунини қайта тирилтирадиган, уларни сўроқ-саволга тутадиган, қилганига яраша мукофот ёки жазо берадиган ким?!

Албатта, Аллоҳ! Шундай экан, инсон ўша кунга тайёргарлик кўрса бўлмасмиди?!

Ҳа, эй одамлар!

«Сизларни тирилтирган, кейин ўлдирадиган, сўнгра (қайта) тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзидир.»

Шунинг учун ҳам, сизлар У зотга иймон келтириб, ибодат қилиб, Унинг берган неъматларига шукр қилиб ўтмоғингиз керак. Лекин кўпчилик инсонлар бундоқ қилмайди.

«Албатта, инсон ўта ношукрдир.»

Шунинг учун ҳам, Аллоҳга куфр келтиради. Унга исён қилади. Унинг кўрсатган йўлидан юрмайди.

Энди Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, мушрик ва кофирларнинг талашиб-тортишишларига, турли дийдиёларига қарамасдан, йўлларида собит қадам билан боришга ундайди:

لِكُلِّ أُمَّةٍ جَعَلْنَا مَنْسَكًا هُمْ نَاسِكُوهُ فَلَا يُنْزِعُ عَنْكَ فِي الْأَمْرِ وَاذْعُ إِلَىٰ رَبِّكَ
إِنَّكَ لَعَلَىٰ هُدًى مُّسْتَقِيمٍ ﴿٦٧﴾

67. Биз ҳар бир умматга шариат берганмиз. Улар ўшанга амал қилгувчилардир. Бас, бу ишда ҳаргиз сен ила низо қилмасинлар. Роббингга даъват қил. Албатта, сен мустақийм ҳидоятдасан.

Яъни, сендан илгари ўтган Пайғамбарларнинг умматларига ҳам ўзларига яраша шариат берганмиз. Улар ўзларига берилган ўша шариатга амал қилиб келганлар. Энди келиб, Макка мушриклари сенга «Бу гапни қаердан олдинг», демасинлар. Шариат ҳақида, Аллоҳ таоло Ўзи амр этган йўл ҳақида сен билан тортишмасинлар. Сен ҳеч эътибор бермай:

«Роббингга даъват қил».

Сенинг асосий ишинг шудир. Мушриклар билан тортишиш эмас. Хаёлинг ҳар томонга бурилмасин.

«Албатта, сен мустақийм ҳидоятдасан.»

Улар эса, узоқ адашувдадирлар.

وَإِنْ جَدَلُواكَ فَقُلِ اللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿٣٨﴾

68. Агар улар сен билан тортишсалар: «Аллоҳ нима қилаётганингизни билгувчидир.

اللَّهُ يَحْكُمُ بَيْنَكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِيمَا كُنْتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٣٩﴾

69. Аллоҳ қиёмат куни сиз ихтилоф қилган нарса бўйича орангизда ҳукм қиладир», деб айт.

Яъни, эй Муҳаммад, агар у мушриклар сен билан дин, шариат ҳақида тортишсалар, ҳиқду ҳасад, ёмон ният билан тортишган бўладилар. Шунинг учун, улар билан баҳслашиб юрма, уларнинг қилмишидан хафа ҳам бўлма. Яхшиси, сен уларга қарата:

«Аллоҳ нима қилаётганингизни билгувчидир», деб айт».

Ҳа, Аллоҳ улар нима қилаётганини, ҳатто нима ўйлаётганини ҳам жуда яхши билади. Бу дунёда иймон келтирмай, талашиб ўтаверсинлар. Аммо сен уларга яна бир бор эслатиб қўй:

«Аллоҳ қиёмат куни сиз ихтилоф қилган нарса бўйича орангизда ҳукм қиладир», деб айт».

Ана ўша пайтда, Аллоҳ таоло одамларнинг дин ва шариат ҳақида тортишганлари бўйича ҳукмини чиқарганида, уларнинг кўзлари очилади. Аммо у вақтда очилган кўз фойда бермас.

أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ إِنَّ ذَلِكَ فِي كِتَابٍ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ

يَسِيرٌ ﴿٤٠﴾

70. Аллоҳ, албатта, осмону ердаги нарсани билишини, ана ўша, албатта, китобда эканини ва, албатта, у нарса Аллоҳга осон эканини билмайсанми?!

Ушбу оятдаги савол иқрор қилдириш маъносидадир. Яъни, билар эдинг-ку, дейилмоқда. Ояти каримадаги «китоб»дан мурод «Лавҳул маҳфуз»дир. Демак, ҳукм қилиш Аллоҳ таоло учун ҳеч нарса эмас. Чунки:

«Аллоҳ, албатта, осмону ердаги нарсани...» билгувчи зот.

Яъни, шубҳасиз, Аллоҳ осмонда ҳам, ерда ҳам нима бўлса, билгувчи зотдир. Мушрик ва кофирлар осмону ердан ташқаридаги одамлар эмаски, Аллоҳ уларнинг қилмишларидан хабарсиз қолса. Албатта, У зот уларнинг ҳамма икир-чикирларини жуда яхши биледи, шунга қараб ҳукми ҳам чиқаради.

«...ана ўша, албатта, китобда эканини...»

Аллоҳ билибгина қолмай, китобга ёзиб ҳам қўйган. Бу эса, ҳеч бир нарса эътиборсиз қолмаслигини кўрсатади.

«...ва, албатта, у нарса Аллоҳга осон эканини...»

Яъни, осмонлару ердаги нарсани билиш, уларни китобга ёзиб бориш, кейин шу асосда ҳукм чиқариш Аллоҳ учун жуда ҳам осондир.

Аммо шундай бўлса ҳам:

وَيَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَمْ يَنْزَلْ بِهِ سُلْطَانًا وَمَا لَيْسَ لَهُمْ بِهِ عِلْمٌ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ

تَصْوِيرٍ

71. Улар Аллоҳни қўйиб, У зот у ҳақида бирон ҳужжат туширмаган, ўзларида у ҳақда илм бўлмаган нарсага ибодат қилурлар. Золимларга ҳеч бир нусрат бергувчи йўқдир.

Ҳар бир шариат, ҳар бир тузум, ҳар бир нарса учун Аллоҳ томонидан ҳужжат ва далил тушгандагина у нарса қувватли, салобатли бўлади. Бирор муваффақиятдан умид қилса, бўлади. Унга эргашса, уни жорий қилган Зотнинг айтганини қилса, арзийди. Қани, ўйлаб кўрайлик-чи, мушриклар ибодат қилаётган нарсалар ибодатга сазовор нарсаларми? Йўқ, албатта! Уларга ибодат қилиш ҳақида Аллоҳ таоло бирор ҳужжат-далил туширмаган. Шунингдек, ўша мушрик ва кофирларнинг ўзида мазкур нарсаларга ибодат қилиш зарурлиги тўғрисида бирор ишончли илм ҳам йўқ. Ҳамма қилаётган ишлари гумон, тахмин ва тақлидга асосланган. Шунинг учун ҳам, улар золимлардир. Шунинг учун ҳам, уларга ҳеч бир ёрдамчи йўқдир.

Кофирлар ибодат қилаётган нарсалари ҳақида ҳужжатга, маъбудлари ҳақида илмга эга бўлмасалар ҳам, ҳақ даъватига қулоқ осмай, ўзларини тамоман бошқача тутадилар:

وَإِذَا نُتِلَىٰ عَلَيْهِمْ ءآيَاتُنَا بَيِّنَاتٍ تَعْرِفُ فِي وُجُوهِ الَّذِينَ كَفَرُوا الْمُنْكَرَ
يَكَادُونَ يَسْطُونَ بِالَّذِينَ يَتْلُونَ عَلَيْهِمْ ءآيَاتِنَا قُلْ أَفَأَنْتُمْ كُمْ بِشَرٍّ مِّنْ ذَلِكُمْ
النَّارُ وَعَدَهَا اللَّهُ الَّذِينَ كَفَرُوا وَبَشِّرِ الْمَصِيرُ ﴿٧٢﴾

72. Уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинаётганида, куфр келтирганларнинг юзларида инкорни кўрурсан. Улар ўзларига оятларимизни тиловат қилиб бераётганларга чанг солишларига оз қолурлар. Сен уларга: «Бунингиздан ҳам ёмонроқ нарсанинг хабарини берайми? У дўзахдир. Аллоҳ уни куфр келтирганларга ваъда қилгандир. Ва у нақадар ёмон қайтиш жойидир», дегин.

Одатда, ҳужжатсиз одам ҳужжати бор одамнинг ҳужжатига эътибор бериб, ундан бирор фойда чиқармикин, деб қизиқиши керак. Илми йўқ илми бордан бирор нарса ўрганишга ҳаракат қилиши керак. Аммо,

«Уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинаётганида, куфр келтирганларнинг юзларида инкорни кўрурсан».

Ўзларида ҳеч қандай ҳужжат-далил йўқ бўлишига қарамай, Аллоҳ таолонинг биру борлигига, ибодатга сазовор ягона зот эканлигига очиқ-ойдин ҳужжат ва далил бўлмиш Қуръони Карим оятлари ўқилганида, куфр келтирганларнинг юзларида дарҳол инкор аломатлари пайдо бўлади. Яъни, инкорларини ичларида сақлаб туришга ҳам чидамайдилар. Дарҳол юзага чиқарадилар. Ҳолбуки, улар аввало бу оятларни тинглаб, мағзини чақишга ҳаракат қилсалар, яхши бўлар эди. Яхшилик билан тинглаш ёки баҳс қилиш ўрнига:

«Улар ўзларига оятларимизни тиловат қилиб бераётганларга чанг солишларига оз қолур».

Мантиқий ҳужжатлар билан солиштириб, масалани тинч йўл билан ҳал қилиш кофирларга ёт хусусият. Ожизликларидан дарҳол қўполлик қилишга ўтадилар. Тўғри йўлга даъват қилувчиларга қарши куч ишлатадилар. Ушбу ояти каримада ўша ҳақиқат яна бир бор эслатишмоқда. Кофирлар ўзларига Аллоҳ таолонинг оятларини тиловат қилиб бераётган кишиларга чанг солишларига оз қолиши таъкидланмоқда.

Эй Пайғамбар:

«Сен уларга: «Бунингиздан ҳам ёмонроқ нарсанинг хабарини берайми? У дўзахдир. Аллоҳ уни куфр келтирганларга ваъда қилгандир. Ва у нақадар ёмон қайтиш жойидир», дегин».

Яъни, эй, кофирлар, сизга ўзингиз ёмон кўраётган Қуръонни эшитишдан ҳам ёмонроқ нарсанинг хабарини берайми? У нарса дўзах ўтидир. Аллоҳ уни сизга ўхшаган кофирларга ваъда қилгандир. У дўзах қандай ҳам ёмон қайтиш жойидир.

Сўнгра Аллоҳ таоло барча одамларга қуйидагиларни эълон қилади:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ ضَرْبٌ مِّثْلُ مَا سْتَمِعُوا لَهُ ۚ إِنَّ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَنْ يَخْلُقُوا ذُبَابًا وَلَوْ اجْتَمَعُوا لَهُ ۗ وَإِنْ يَسْلُبْهُمُ الذُّبَابُ شَيْئًا لَا يَسْتَنْقِذُوهُ مِنْهُ ضَعُفَ الطَّالِبِ وَالْمَطْلُوبِ ﴿٧٣﴾

73. Эй одамлар! Бир масал айтилмиш, бас, унга қулоқ солинг! Албатта, сизлар Аллоҳни қўйиб, топинаётган нарсаларингиз, агар барчалари бирлашсалар ҳам, битта пашша ярата олмаслар. Ва агар пашша улардан бирон нарсани тортиб олса, ундан ўшани қутқариб ололмаслар. Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинган ҳам ожиз бўлди.

Эй одамлар, ичингизда баъзилар Аллоҳни қўйиб, турли-туман нарсаларга топиниб, уларни рози қилиш учун ҳаракат қилиб юрибдилар. Ўшаларга эътиқод қилиб, улардан бирор нарса кутиб юрибдилар. Аммо билиб қўйсинларки, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса жуда ҳам заифдир, қўлидан ҳеч нарса келмайди. Буни тушунишингиз қийин бўлса:

«Эй одамлар! Бир масал айтилмиш, бас, унга қулоқ солинг!»

Бу умумий масалдир. Ҳамма учун баробардир.

«Албатта, сизлар Аллоҳни қўйиб топинаётган нарсаларингиз, агар барчалари бирлашсалар ҳам, битта пашша ярата олмаслар.»

Бошқа катта жонзотларни қўйсинлар-у, энг кичик, энг ҳақир, энг аҳамиятсиз кўринган пашшани яратишга уриниб кўрсинлар. Ақалли, битта пашша яратиб берсинлар. Ярата олмаслар. Хўш, энди бир дона пашшани ярата олмаган бутта қандай қилиб топиниш, сиғиниш, айтганини (агар айтолса,) қилиш мумкин? Асло мумкин эмас. Умуман, ақлга, мантиққа тўғри келмайди. Қанчадан-қанча уринишларга қарамасдан, бу ишга ҳеч ким муяссар бўлгани йўқ, бўлмайди ҳам.

Бир дона пашша яратиш-ку қийин экан, унда, осонроғини қилиб кўрсин.

«Агар пашша улардан бирон нарсани тортиб олса, ундан ўшани қутқариб ололмаслар.»

Пашша жуда заиф, жуда ҳақир жон. Аммо, у сабаб бўлиб баъзи бир касаликларни ташиб келтирса, мушриклар ва уларнинг санамлари ҳаммаси тўпланиб, ҳаракат қилса ҳам, ўша касалиқдан зарар кўраётганни ёки ўлаётганни қутқариб қололмайдилар. Буни ҳамма ҳаётда кўрган.

«Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинган ҳам ожиз бўлди.»

Яъни, Аллоҳдан ўзганинг ибодатини талаб қилувчи ҳам, ибодати талаб қилинган нарсалар ҳам ожиздирлар. Бирон нарса қўлларидан келмас.

Аллоҳдан ўзгага топинганлар,

مَا كَذُرُوا اللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِ إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ ﴿٧٤﴾

74. Улар Аллоҳнинг қадрини жойига қўймадилар. Албатта, Аллоҳ кучли ва азиздир.

Яъни, улар ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига эътиқод қилишлари, фақат Унгагина ибодат қилишлари лозим эди. Аммо улар Аллоҳнинг қадрини билмадилар, Унга ширк келтирдилар, Ундан ўзгаларга топиндилар.

«Албатта, Аллоҳ кучли ва азиздир.»

Шунинг учун ҳам, ҳаммадан устун, ҳаммадан ғолибдир. Шунинг учун ҳам:

اللَّهُ يَصْطَفِي مِنَ الْمَلَائِكَةِ رُسُلًا وَمِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ ﴿٧٥﴾

75. Аллоҳ фаришталардан ва одамлардан Пайғамбарлар танлар. Албатта, Аллоҳ ўта эшитгувчи ва кўргувчидир.

Ана шундай сифатга эга бўлган Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам Пайғамбар қилиб танлаб олгандир. Шундай экан, қўлидан ҳеч иш келмайдиган нарсаларга ибодат этиб юрганлар бу зотнинг йўлини тўсиб нима қиладилар?!

«Албатта, Аллоҳ ўта эшитгувчи ва кўргувчидир.»

Ҳамма нарсани, шу жумладан, кофир ва мушрикларнинг гап-сўзларини ҳам эшитиб, қилмишларини кўриб туради. Ва яна:

يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ ﴿٧٦﴾

76. У зот уларнинг олдиларидаги ва ортларидаги нарсани билур. Барча ишлар ёлғиз Аллоҳгагина қайтарилур.

Яъни, Аллоҳ таолонинг илми шомил ва комилдир. Унинг илми-дан ҳеч нарса четда қолмас. Бунинг устига:

«Барча ишлар ёлғиз Аллоҳгагина қайтарилур».

Аллоҳдан бошқага эмас. Шу боис:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ارْكَعُوا وَاسْجُدُوا وَعِبُدُوا رَبَّكُمْ وَأَفْعَلُوا الْخَيْرَ
لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

77. Эй, иймон келтирганлар, рукуъ, сажда қилинлар ва Роббингизга ибодат қилинлар ҳамда яхшилик қилинлар, шоядки, нажот топсангиз.

وَجَاهِدُوا فِي اللَّهِ حَقَّ جِهَادِهِ هُوَ اجْتَبَاكُمْ وَمَا جَعَلَ عَلَيْكُمْ فِي الدِّينِ مِنْ حَرَجٍ
مِّلَّةَ أَبِيكُمْ إِبْرَاهِيمَ هُوَ سَمَّاكُمْ الْمُسْلِمِينَ مِنْ قَبْلُ وَفِي هَذَا لِيَكُونَ الرَّسُولُ شَهِيدًا
عَلَيْكُمْ وَتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ فَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَاعْتَصِمُوا بِاللَّهِ هُوَ
مَوْلَاكُمْ فَنِعْمَ الْمَوْلَىٰ وَنِعْمَ النَّصِيرُ

78. Ва Аллоҳ (йўлида) ҳақ жиҳод қилингиз. У сизларни танлаб олди. Ва сизга бу динда ҳеч танглик қилмади. Бу, отангиз Иброҳимнинг миллати. У сизларни бундан олдин ва бу (Қуръон)да Пайгамбар сизларга гувоҳ бўлиши учун, сизлар эса, одамларга гувоҳлар бўлишингиз учун «муслмонлар» деб номлади. Бас, намозни тўкис адо этинлар, закот беринлар ва Аллоҳга боғланинлар. У сизнинг хожангиздир. Бас, У зот қандай ҳам яхши хожа ва қандай ҳам яхши нусрат бергувчидир.

Суранинг охиридаги ушбу икки оятда Аллоҳ таоло Ислом умматига нидо қилмоқда. Бу нидо муслмонларга энг маҳбуб мурожаат билан

«Эй, иймон келтирганлар», деб бошланмоқда. Бу нидо ўзидан кейин келадиган амрларни алоҳида кўтаринки руҳда адо этишга ундайди. Ундан кейин келаётган амрлар эса, рукуъ, сажда қилмоқликдир.

«Эй, иймон келтирганлар, рукуъ, сажда қилинлар.»

Бу икки амал энг улуғ ибодат бўлмиш намознинг муҳим ва кўзга кўринган амалларидан ҳисобланади. Бу нарса, ўз навбатида, намознинг қанчалик муҳим эканини ҳам кўрсатади.

«...ва Роббингизга ибодат қилинглр...»

Яъни, барча ибодатларни қилинглр. Зотан, Исломда ҳаётнинг ҳар бир соҳасида дин кўрсатмаларига амал қилиш ибодат ҳисобланади. Демак, бу жумлани, «Роббингизнинг айтганини қилиб яшанглр», деб таржима қилсак ҳам бўлади.

«...ҳамда яхшилик қилинглр...»

Яъни, бу дунёда Аллоҳга ибодат этиб, унинг махлуқотларига, хусусан, одамларга яхшилик қилиб яшанглр.

«Ва Аллоҳ (йўлида) ҳақ жиҳод қилинғиз.»

Жиҳоднинг луғавий маъноси бир нарса учун бор имкониятини ишга солишдир. Демак, мусулмон инсон ўз ҳаётида Аллоҳ йўлида бор имконларини ишга солиб, ҳаракат қилиб яшамоғи керак. Душманларга қарши уруш қилиш, ҳавоий нафсга қарши курашиш, адолатсизлик, зулм ва бошқа ёмонликларга қарши туриш ҳам жиҳод саналади. Мусулмонлар ана шундай ишларни қилишга масъулдирлар. Чунки:

«У сизларни танлаб олди».

Аллоҳ таоло сизларни бошқалар ичидан танлаб олди ва ушбу масъулиятларни юклади. Энди эса, ушбу масъулиятларга муносиб бўлишингиз, бу ишончни оқлашингиз керак. Сиз бу масъулиятлар қаршисида тушкунликка тушманг. Чунки Аллоҳ:

«...сизга бу динда ҳеч танглик қилмади».

Бу динда инсонга оғир келадиган, унинг тоқатидан ташқари ҳеч нарса йўқ.

Бу дин башарият тарихида қадимдан Аллоҳ томонидан жорий қилиб келинаётган бир йўл. Бу дин:

«...отанғиз Иброҳимнинг миллати».

Ҳа, бу тавҳид миллати Иброҳим алайҳиссаломдан буён келмоқда. Бу миллатни ўзингизга лозим тутинг.

«У сизларни бундан олдин ва бу(Қуръон)да Пайғамбар сизларга гувоҳ бўлиши учун, сизлар эса, одамларга гувоҳлар бўлишингиз учун «мусулмонлар» деб номлади».

Ҳа, Аллоҳнинг Ўзи бу миллатни «мусулмонлар» деб номлаган. Қуръон келишидан олдин, ўтган самовий китобларда ҳам «мусулмонлар» деб номланган. Қуръонда ҳам «мусулмонлар» деб номланган. Шунинг ўзи бу миллат учун чексиз шон-шарафдир. Бу ишни қилишдан мақсад:

«...Пайғамбар сизларга гувоҳ бўлиши учун...»

Яъни, Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам Исломни умматларига етказиб, йўл-йўриқ кўрсатиб, гуноҳ нимаю савоб нима, тўғри йўл қайсию нотўғриси қайси, ўргатадилар. Қиёмат куни эса, шу ҳақда гувоҳлик берадилар.

«...сизлар эса, одамларга гувоҳлар бўлишингиз учун...»

Яъни, эй мусулмонлар, сизлар қиёматгача бошқаларга Исломи етказиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, гуноҳ нимаю савоб нима, тўғри йўл қайсию нотўғриси қайси, ўргатиб боришингиз учун шундай қилинди. Қиёмат куни эса, бу ҳақда гувоҳлик берасиз.

Бу ишга алоҳида тайёргарлик, сафарбарлик керак. Шунинг учун:

«Бас, намозни тўкис адо этинглар, закот беринглар ва Аллоҳга боғланинглар».

Бусиз мазкур омонатни адо эта олмайсиз.

«У сизнинг хожангиздир.»

Аллоҳ сизнинг хожангиздир. Хожанинг айтганини қилмасдан, мақсадга эришиб бўлмайди.

«Бас, У зот қандай ҳам яхши хожа ва қандай ҳам яхши нусрат бергувчи.»

Шундай хожага муносиб банда бўлганларгина Унинг нусратига сазовор бўлувлар.



МУЪМИНУН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 118 оятдан иборат.

«Муъминун» мўмин сўзининг кўплиги, «мўминлар» маъносини англатади. Номнинг ўзиёқ сурада мўминлар ҳақида айрича сўз кетишини билдириб турибди. Маълумки, Маккада нозил бўлган сураларда ақийда масалалари, тавҳид, Пайғамбарлик, қиёмат, қайта тирилиш, жазо ёки мукофот олиш каби масалалар билан бирга, «Лаа илааҳа Иллаллоҳ» ахлоқиёти, яъни, ушбу шаҳодат калимасини айтиб мўмин бўлган кишиларнинг одоб-ахлоқи қандай бўлиши ҳақида ҳам сўз юритилган. «Муъминун» ана шу борада ўзига хос мавқега эга бир сурадир.

Сура муваффақиятга эришадиган мўминларнинг сифатларини келтириш билан бошланади. Сўнгра инсондаги ва борлиқдаги иймонга чорловчи далиллар эслатилади. Инсоннинг пайдо бўлишидан бошлаб, она қорнидаги ривож, туғилиши, ўсиши ва умрининг охиригача бўлган ҳолати баён қилинади. Кейин эса, умуминсоний ҳаётнинг қиёматгача давом этиш жараёни тилга олинади.

Булардан кейин, борлиқдаги осмонларнинг яратилиши, сувнинг туширилиши, ўсимлик ва меваларнинг ўстирилиши, инсонга бўйсундириб берилган чорва ҳайвонлари ва одамлар учун улов вазифасини бажарувчи кемалар ҳамда ҳайвонлар хусусида гап кетади.

Шу билан бирга, иймон тақозо этадиган ягона ҳақиқат — «Фақат Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилиш»га даъват масаласида ҳам батафсил гапирилади. Худди шу даъватни қилган Пайғамбарлардан Нух, Ҳуд, Мусо ва Ийсо алайҳиссаломларнинг қиссалари келтирилади. Ниҳоят, навбат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб келади. Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар ўлароқ юборганида мушриклар у кишини қанчалик қаршилик билан кутиб олганлари баён қилинади. Кофирларнинг эътирозларига жавоблар берилади.

Кейин эса, охир-оқибатда Пайғамбарлар ва уларга иймон келтирганлар доимо нажотга эришиб келганликлари таъкидланади.

Пайғамбарлар ҳақида баёнотлардан сўнг, одамларнинг улардан кейин ихтилоф қилиб тафриқага тушишлари, дунё ҳаётига алда-

нишлари баён этилади. Аммо шунда ҳам ҳақиқий мўминлар фитнага учмасдан, Аллоҳ таолодан қолмасдан, Унга ихлос билан ибодат қилишлари, доимо У зотдан қўрқиб туришлари сўзланади.

Кейин эса, ғофил бандалар азобга йўлиққанларида қандай ҳолга тушишлари васф қилинади.

«Муъминун» сурасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитобан ўзларини маълум ҳолатларда қандай тутишлари лозимлиги юзасидан кўрсатмалар берилади.

Суранинг охирида эса, Аллоҳ таолони поклаб ёд этилади ҳамда кофирлар ҳеч қачон нажотга эриша олмасликлари таъкидланади. Инсон доимо Аллоҳ таолонинг раҳматини ва мағфиратини тилаб туриши лозимлиги уқтирилади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ

1. Батаҳқиқ, мўминлар нажот топдилар.

Ушбу оят ила Аллоҳ таоло мўминларнинг нажот топишларига очиқ-ойдин, таъкидланган ваъда бермоқда. Аввалида «Батаҳқиқ» — «ҳақиқатан» сўзи билан бошланган жумла шунга далолат қилади. Қолаверса, жумланинг охирида «нажот топдилар» дейилиши нажот бўлиши аниқлигини билдириб, ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди. Аслида, «нажот топадилар» дейилиши керак эди. Аммо «нажот топдилар» дейишлик, албатта, «нажот топадилар» маъносидан ҳам кучлидир.

Бу таъкиддан кейин Аллоҳ ўша нажот топган мўминларнинг сифатларини зикр қилади:

الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خٰشِعُونَ

2. Улар намозларида хушуъ қилувчилардир.

Хушуъ — қўрқув билан сокинликнинг бирга қўшилганидир. Мазкур нажотга эришувчи мўминларнинг сифатларидан бири — намоз ўқиганларида Аллоҳ таоло мақоми ҳузурда қалбларини, вужудлари-

ни, ҳаракату саканотларини кўрқинч ва сокинлик ўраб олишидир. Бу ҳолат эса, фақат намозни олий даражада қойилмақом қилиб адо этадиган мўминлардагина бўлади. Ўша мақомга етган мўмин нажотдан умид этишнинг битта сабабини ўзида мужассам қилган бўлади. Намозни хушуъ билан ўқимайдиган, қалбида, вужудида, ҳаракату саканотида Аллоҳдан ҳайиқиш ва сокинлик ёғилиб турмайдиган одам намоздаги ҳолатини ўйлаб кўрсин, тезда ўзини ўнглаб олсин.

وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ اللَّغْوِ مُعْرِضُونَ ﴿٦٢﴾

3. Улар беҳуда нарсалардан юз ўгиргувчилардир.

Беҳуда сўз, беҳуда иш, беҳуда тафаккур, беҳуда ҳис-туйғу, умуман, беҳуда нарса учун мўмин кишининг қалбида жой йўқдир. Чунки мўмин инсоннинг қалби иймон билан тўла бўлади. Унинг қалби Аллоҳнинг муҳаббати, зикри, фикри ва Аллоҳнинг амрларини тафаккур этиш билан банд бўлади. Мўмин кишининг қалбида бошқа нарсага жой йўқдир. Шунинг учун, у беҳуда нарсаларга умуман тоқат қила олмайди, улардан юз ўгиради.

Ана ўша даражага етган мўмингина нажотдан умид қилса бўлади.

وَالَّذِينَ هُمْ لِلزَّكَاةِ فَاعِلُونَ ﴿٦٣﴾

4. Улар закотни адо қилгувчилардир.

Мўминлар ўз шахслари, ибодатлари ва қалбларинигина эмас, молларини ҳам поклаб юрадилар. Мазкур иш молдан закот чиқариб ҳақдорларга бериш билан бўлади. Зотан, «закот» сўзи ҳам поклаш маъносини билдиради. Мўмин инсон ҳалолдан топган молини поклаш учун закот беради. Аллоҳ таолога молиявий ибодат қилади. Ана ўшандагина нажотга эришишнинг шартларидан бирига амал этган бўлади. Молидан ҳақдорларга закот чиқариб бермаган одам бу мартабани умид қила олмайди.

وَالَّذِينَ هُمْ لِأُزْوَجِهِمْ حَافِظُونَ ﴿٦٤﴾

5. Улар фаржларини сақловчилардир.

إِلَّا عَلَىٰ أَزْوَاجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ﴿٦٥﴾

6. Магар ўз жуфти ҳалоллари ва қўлларида мулк бўлганлардан (сақдамасалар), албатта, улар маломат қилингувчи эмаслар.

Мўмин кишилар ўз қалблари, шахслари, ибодатлари, сўзлари ва ишлари ҳамда молларини покиза тутишлари билан бирга, жинсий ҳаётларини ҳам пок юритадилар. Бу эса, ўз навбатида, инсоннинг руҳи, оиласи ва жамияти поклигига далолат қилади. Мўмин кишилар фақат ўз жуфти ҳалоллари ва мулк бўлиб тушган чўрилари билангина алоқа қиладилар. Бошқа жинсий алоқалар мўминлар учун ҳаромдир. Бу поклик бошқалари қатори ниҳоятда зарур покликдир. Шу туфайли, аввал айтилганидек, инсоннинг руҳи, оиласи ва жамияти покланади. Шу туфайли инсоннинг насли пок бўлади. Зинодан сақланиш мўминларни нажотга элтувчи мазкур асосий сифатлардан биридир. Бусиз ул нажотдан умид қилмаса ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам, келгуси оятда айтиладики:

فَمَنْ ابْتَغَىٰ وَرَاءَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْعَادُونَ

7. Ким ана шундан бошқани талаб қилса, бас, ана ўшалар тажовузкорлардир.

Яъни, кимки жуфти ҳалоли ва чўрисидан бошқа билан жинсий алоқани талаб қилса, тажовузкор бўлади, ҳаддидан ошган бўлади, гуноҳкори азим бўлади.

وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمْتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ

8. Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қилгувчилардир.

Мўминлар якка ҳолларида ҳам, жамоат ҳолларида ҳам омонатларига ва аҳдларига риоя қиладилар. Ўзлари билан Аллоҳнинг орасидаги омонатларга ва аҳдларга риоя этадилар.

Мўмин билан мўмин орасидаги омонатларига ва аҳдларига риоя қиладилар.

Ўзлари билан ўзгалар орасидаги омонатлар ва аҳдларга ҳам риоя қиладилар. Омонатга ва аҳдга риоя қилмаслик мўминликка зиддир. Ушбу сифатни ўзида мужассам қилган мўмингина нажотга эришиш учун зарур сифатлардан бирига эга бўлади.

وَالَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَوَاتِهِمْ يُحَافِظُونَ

9. Улар намозларини муҳофаза қилгувчилардир.

Яъни, улар намозларини ўз вақтида, бекаму кўст адо қилувчилардир.

Мўминларнинг нажотга эришиш сифатларининг аввалида намозни хушуъ билан адо этиш келган эди, энди эса, ўша сифатларнинг охирида намозни муҳофаза қилиш — ўз вақтида, бекаму кўст, фарз, вожиб, суннат ва мустаҳабларини жойига қўйиб бажариш келмоқда.

Бу эса, мўмин киши ҳаётида намоз нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.

Мазкур сифатлар мўминларни алоҳида ажратиб кўрсатиб турувчи сифатлардир. Ўша сифатлар уларни нажотга элтади. Аслида, бу дунёда инсоннинг баркамол саодатга — нажотга эришиши нисбий бўлиб, чин нажот — абадий саодатга инсон охиратда эришади. Шунинг учун, мазкур сифатларга эга бўлган мўминлар ҳам мартабаларининг ҳақиқийсини охиратда оладилар.

أُولَٰئِكَ هُمُ الْوَارِثُونَ ﴿١٠﴾

10. Ана ўшалар ворис бўлгувчилардир.

الَّذِينَ يَرِثُونَ الْفِرْدَوْسَ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿١١﴾

11. Улар Фирдавс (жаннати)ни мерос олурлар, улар унда абадий қолгувчилардир.

Ана ўша, юқорида зикр қилинган сифатларга эга бўлган мўминлар иймонлари ва солиҳ амаллари учун Фирдавс жаннатига ҳақдор бўладилар.

Имом Аҳмад, имом Термизий, имом Насайй Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда ушбулар айтилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий нозил бўлган вақтда у зотнинг юз томонларида асалари овозига ўхшаш овоз чиқар эди. Бир куни шундай бўлди. Бир оз кутдик. Бас, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қиблага юзландилар ва икки қўлларини кўтариб: «Эй бор Худоё! Бизни зиёда қилгин, нуқсонга учратмагин, мукаррам қилгин, хор қилмагин, атолар бергин, маҳрум қилмагин, устун қилгин, остин қилмагин, биздан рози бўлгин, бизни рози қилгин», дедилар. Сўнгра: «Батаҳқиқ, менга ўн оят нозил қилинди. Ким уларни тўлиқ адо этса, жаннатга киради», дедилар-да, «Батаҳқиқ, мўминлар нажот топдилар»дан бошлаб ўн оятни охиригача ўқидилар».

Имом Насайй ривоят қилган ҳадисда Язид ибн Бабнус қуйидагиларни айтадилар: «Биз мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳога:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари қандай бўлган эди?» – дедик. У:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари Қуръон бўлган эди!» деб, «Батаҳқиқ, мўминлар нажот топдилар» оятидан то «Улар намозларини муҳофаза қилурлар» оятигача тиловат қилди ва:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари мана шундай эди», – деди».

Мўминларнинг сифатлари зикридан сўнг келадиган оятларда инсонни иймонга далолат қилувчи нарсалар ҳақида сўз очилади:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ سُلالَةٍ مِنْ طِينٍ ﴿١٦﴾

12. Қасамки, батаҳқиқ, инсонни лой сулоласидан яратдик.

Ушбу оятда инсон яратилишининг бошланғич босқичи ҳақида сўз кетмоқда. «Сулола» сўзи бир нарсдан аста-секин мулойимлик билан суғуриб олинган нарсани англатади. Демак, инсон Аллоҳ таоло томонидан лойдан суғуриб олингандир. Инсоннинг бошланиш нуқтаси лойга бориб тақалади.

ثُمَّ جَعَلْنَاهُ نُطْفَةً فِي قَرَارٍ مَكِينٍ ﴿١٧﴾

13. Сўнгра уни мустаҳкам қароргоҳда нутфа қилдик.

Яъни, инсон жинсининг бошланишини лой сулоласидан қилганимиздан кейин, бу жинснинг аъзолари ота сулбидан нутфа ҳолида чиқиб, мустаҳкам қароргоҳга, яъни она раҳмига – бачадонга ўрнашадиган қилдик.

ثُمَّ خَلَقْنَا النُّطْفَةَ عَلَقَةً فَخَلَقْنَا الْعَلَقَةَ مُضْغَةً فَخَلَقْنَا الْمُضْغَةَ عِظْمًا فَكَسَوْنَا الْعِظْمَ لَحْمًا ثُمَّ أَنْشَأْنَاهُ خَلْقًا آخَرَ فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ ﴿١٨﴾

14. Сўнгра нутфадан алақа яратдик, алақадан чайналган гўшт яратдик, чайналган парча гўшдан суяк яратдик, бас, суякка гўшт қопладик, сўнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик. Бас, яратгувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳ баракотли ва буюқдир.

Эркак кишининг сулбидан аёлнинг бачадонига тушган нутфанинг бир босқичдан иккинчисига ўтишининг Қуръондаги васфи энг тўғри, энг аниқ васф эканлигини ушбу оятлар нозил бўлганидан ўн тўрт аср ўтиб, ҳомила илми бўйича дунёнинг энг кўзга кўринган ғайри мусулмон уламолари тасдиқ қилдилар.

«Сўнгра нутфадан алақа яратдик...»

Яъни, мустаҳкам қароргоҳ бўлмиш бачадонда, унга эркакнинг сулбидан тушган нутфадан алақа яратдик. Яъни, эркакдан тушган уруғлик аёлдаги тухум билан урчигандан сўнг алақага (зулукка) айланадиган қилдик. Эски тафсирларимизда «алақа»ни «лахта қон» деб аташган. Лекин араб тили қомусларининг бирортасида «алақа — лахта қон» дейилмаган. «Алақа» ҳаммага маълум ва машҳур зулук номли қон сўрадиган ҳайвон. Қадимги тафсирчиларимиз нутфа урчиб, ҳомила пайдо бўлган биринчи босқичида лахта қон моддасига ўхшаш бўлгани учун «алақа»ни «лахта қон» деб тушунтирганлар. Ҳамма шуни айтиб, ёзиб ва тушуниб юраверган. Замон ўтиб, илм ривожланиб, турли асбоблар воситасида нутфанинг бачадондаги ҳолини, алақага айланган ҳолини кўриш имконлари очилгандан сўнг Қуръони Каримнинг яна бир мўъжизаси ошкор бўлди. Ўша алақа деб номланган лахта қон зулук шаклида бачадон деворида ёпишиб, ундан озуқа сўриб турар экан. Бу ҳақиқатни англаб етган ҳомила илми олимлари Қуръони Каримнинг илоҳий китоб эканида шубҳа йўқлигига тан бердилар.

«...алақадан чайналган гўшт яратдик...»

Нутфадан алақага айланган зулукка ўхшаш лахта қонни чайналган гўштга ўхшаш нарсага айлантирдик.

«...чайналган парча гўшдан суяк яратдик...»

Инсоннинг суяклари шу тариқа пайдо бўлди. Аллоҳ таолонинг қудратини қарангки, гўшдан суяк ҳосил қилади. Бола онасининг қорнида экан, у суяк юмшоқ бўлади. Туғилганидан кейин қаттиқ жисмга айланади.

«...бас, суякка гўшт қопладик...»

Гўшдан суяк яратиб туриб, яна ўша суякка гўшт қоплаш ҳам ажойиб бир нарса.

«...сўнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик.»

Инсонни гўшту суяқдан иборат ўзга жонзотлар каби қилиб қўймадик. Уни тамоман бошқача, ўзига хос бир жонзот этиб пайдо қилдик. Унинг жисми умуман бошқача, руҳи, ҳис-туйғулари, қувватлари ва бошқа хусусиятлари умуман ўхшаши йўқдир.

«Бас, яратгувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳ баракотли ва буюқдир.»

Аллоҳдан ўзга яратгувчи йўқдир. Инсоннинг яратилиши жараёнини олиб кўрайлик. Бу жараёнларнинг қайси бирида Аллоҳдан

бошқа зотнинг иштироки бор? Ҳатто, бола пайдо бўлишининг бевосита сабабчилари — ота билан она ҳам бу жараённи кутиб туришдан бошқа ҳеч нарсага қодир эмаслар. Биз у қилиб юбордик, биз бу қилиб юбордик, деб мақтанадиган мутахассислар эса, бўлаётган мазкур жараённи ташқаридан туриб кузатадилар, холос.

Ушбу далилларнинг ҳар бири инсонни ҳақиқий иймонга чорламоғи лозим. Лекин инсоннинг қиссаси тўлиқ одам шаклида онадан туғилиши, бу дунёда ҳаёт кечирishi билан тамом бўлиб қолмайди.

ثُمَّ إِنَّكُمْ بَعْدَ ذَلِكَ لَمَيِّتُونَ ﴿١٥﴾

15. Сўнгра, албатта, сизлар бундан кейин ўлгувчилардирсиз.

Яъни, эй инсонлар, юқорида айтилганларни бошингиздан кечиргандан кейин, шак-шубҳа йўқки, ўлувчидирсиз. Ўлим ҳам инсон ҳаётидаги бир босқичдир. У бу дунёнинг вақтинчалик ҳаёти билан у дунёнинг абадийлик ҳаёти ўртасидаги маълум бир босқич, холос. Чунки бу босқичдан:

ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ تُبْعَثُونَ ﴿١٦﴾

16. Сўнгра, албатта, сизлар қиёмат куни қайта тирилтирилурсиз.

Ана шундан сўнг абадий ҳаёт бошланади. Абадий ҳаётнинг қай тарзда кечиши эса, бу дунё ҳаётида иймонли ёки иймонсиз ўтиш, солиҳ ёки гуноҳ амаллар қилишга боғлиқдир. Ким иймон келтириб, солиҳ амаллар қилган бўлса, жаннатлардаги нозу неъматлардан абадий баҳраманда бўлиб, роҳат-фароғатда ўтади. Ким иймонли ҳолда гуноҳ ишларга «шўнғиган» бўлса, жаҳаннамдаги азоб-уқубатлардан «насибаси»ни олмагунча жаннатга киролмайди. Ва ким куфр келтириб, иймонсиз ҳолда вафот этса, ҳар қанча солиҳ амаллар қилган бўлса ҳам, жаҳаннамдаги азоб-уқубатларда абадий қолади.

Инсонни иймон келтиришга ундайдиган далиллар фақат унинг яратилиши, тузилиши, ҳаёти ва мамотидагина эмас, балки атроф жавонибидаги борлиқда ҳам жуда кўпдир.

Эй инсонлар, бу далилларга эътибор билан боқсангиз, дарҳол англаб етасиз.

وَلَقَدْ خَلَقْنَا فَوْقَكُمْ سَبْعَ طَرَائِقَ وَمَا كُنَّا عَنِ الْخَلْقِ غَافِلِينَ ﴿١٧﴾

17. Батаҳқиқ, Биз устингизда етти йўлни яратдик. Биз махлуқотдан ғофил бўлган эмасмиз.

Яъни, эй одамлар, Биз устингизга етти табақа осмонни яратиб қўйганмиз. Шундай жонсиз, мустаҳкам ва чексиз нарсаларда нима бўлаётганини ҳам билиб тураемиз.

«Биз махлуқотдан ғофил бўлган эмасмиз.»

Бу ҳам Аллоҳга иймон келтиришга ёрқин далилдир. Аллоҳ таолодан бошқа ким етти қават осмонни ёки улардаги бирорта заррани яратибди? Аллоҳ таолодан бошқа ким улардаги ҳамма нарсани билиб турибди? Демак, осмонлар ва махлуқотларнинг борлиги Аллоҳ таолонинг борлигига далолатдир. Одамлар бу далилларни кўрганларидан кейин иймон келтиришлари зарур.

وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً بِقَدَرٍ فَأَسْكَنَتْهُ فِي الْأَرْضِ وَإِنَّا عَلَىٰ ذَهَابٍ بِهِ لَقَادِرُونَ ﴿١٧﴾

18. Биз осмондан ўлчов ила сув тушириб, уни ерга жойлаштирдик. Албатта, Биз уни кетказишга ҳам қодирдирмиз.

Осмондан ўлчов ила сув тушириб, уни ерга қарорлаштириш ҳам Аллоҳ таолонинг ишидир. Ким осмондан керакли миқдорда сув тушира олади? Ердаги ҳамма сув осмондан ўлчов билан тушгандир. Ортиқча ҳам эмас, кам ҳам эмас. Шунинг ўзини ибрат назари билан ўйлаган одам иймонга келиши керак.

«Албатта, Биз уни кетказишга ҳам қодирдирмиз.»

Сувни келтирган Зот кетказа олмасмиди? Аллоҳ таоло сувни кетказишига далил сифатида баъзан маълум жойларни сувдан бебахра қилиб қўяди. Ўша ерга қурғоқчилик бўлиб, ҳамма нарса ҳалокатга юз тутаяди. Ана шу қурғоқчилик ҳодисалари ҳам Аллоҳ таолонинг қудратига далолат қилади. Улар ҳам одамларни иймонга чақирадиган ибратли нарсалардир.

فَأَنْشَأْنَا لَكُمْ بِهِ جَنَّاتٍ مِّنْ نَّخِيلٍ وَأَعْنَابٍ لَّكُمْ فِيهَا فَاوَاكِهِ كَثِيرَةٌ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿١٨﴾

19. Ва у (сув) ила сиз учун хурмо ва узум бовлари пайдо қилдик, сизга у(боғ)ларда кўп мевалар бўлиб, улардан ерсизлар.

وَشَجَرَةً تَخْرُجُ مِنْ طُورِ سَيْنَاءَ تَنْبُتُ بِالذَّهْنِ وَصَبِغٍ لِلآكِلِينَ ﴿١٩﴾

20. Ва Тури Сийнодан чиқадиган бир дарахтни (пайдо қилдик-ки), у ёғ ва егувчиларга нонхуриш ила ўсур.

Ушбу икки оятда васфи келган наботот олами ҳам Аллоҳ таолонинг биру борлигига далил ўлароқ таъкидланмоқда. Биз сизлар учун хурмо ва узум боғлари пайдо қилдик.

Гарчи оятда хурмо билан узум мисол келтириляётган бўлса-да, бошқа барча мевалар ҳам шунга ўхшайди. Хурмо, узум сингари мевалар ва уларнинг навлари қаердан пайдо бўлганини инсон бир ўйлаб кўрсин.

«...сизга у(боғ)ларда кўп мевалар бўлиб, улардан ерсизлар.»

Хурмо мевасининг турлари ўзи қанчадан-қанча. Узум тури қанчадан-қанча. Инсон ўша меваларни ейди. Бир-биридан фарқлайди. Ўша хурмо ва узум меваларини ким турли хил қилиб қўйибди? Ким уларнинг шакллари ва рангларини турли қилибди? Ким таъмлари-ни турлича этибди? Буларга эътибор назари билан қараган ҳар бир одам иймонга келмасдан иложи йўқ. Шунингдек, ҳам ёғ, ҳам нонхуриш сифатида ишлатиладиган, кўпроқ Тури Сийнода ўсадиган зайтун ҳам ибратга сазовор дарахт саналади.

وَلَكُمْ فِي الْأَنْعَامِ لَعِبْرَةٌ لِّسَيِّئِكُمْ مِّمَّا فِي بُطُونِهَا وَلَكُمْ فِيهَا مَنَافِعُ كَثِيرَةٌ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿٢١﴾

21. Албатта, сиз учун чорва ҳайвонларида ибрат бордир. Биз сизни уларнинг қоринларидаги нарса ила суворурмиз ва сиз учун уларда кўпгина манфаатлар бор ва улардан ерсизлар.

Бу ояти каримада ҳайвонот олами ҳам Аллоҳ таолонинг биру борлигига далил эканлиги таъкидланмоқда.

«Албатта, сиз учун чорва ҳайвонларида ибрат бордир.»

Чорва ҳайвонларини ким яратди? Уларга ким жон берди? Ким уларни турлича қилиб қўйди? Аллоҳдан бошқа ҳеч ким! Бутун дунё бирлашганда ҳам чорва ҳайвонларининг бирор тукини ярата олмайди.

Энди чорва ҳайвонларининг яратилишидан улардаги баъзи жараёнларга ўтайлик. Аллоҳ таоло:

«Биз сизни уларнинг қоринларидаги нарса ила суворурмиз...»

демоқда.

Ҳайвонларда сут қандай пайдо бўлади? Улар еган озуқанинг бир қисмини сутга айлантириш хусусиятини ким яратган? Қандоқ қилиб ҳайвон еган ем-хашакнинг бир қисми чиқиндига, бир қисми сутга айланади? Ушбу нарсанинг ўзи Аллоҳ таолонинг биру борлигига ёрқин далилдир. Бунга ибрат назари билан қараган одам иймон келтириши лозимдир.

«...ва сиз учун уларда кўпгина манфаатлар бор ва улардан ерсизлар.»

Чорва ҳайвонларидан инсонга хилма-хил манфаатлар келади. Инсон чорва ҳайвонларининг ҳамма нарсасидан, ҳатто чиқиндисидан ҳам фойдаланади. Инсон деярли ҳар кун уларнинг гўшtidан ейди, сутидан ичади. Буларнинг ҳаммаси ҳам ибрат назари билан қараган кишиларни, албатта, иймонга чорлайди.

وَعَلَيْهَا وَعَلَى الْفُلْكِ تُحْمَلُونَ ﴿٦٦﴾

22. Ва уларга ва кемаларга юкланурсиз.

Яъни, сиз чорва ҳайвонлари ва кемалардан улов сифатида фойдаланасиз.

Одамларнинг ўзларидаги ва атрофларидаги мавжуд иймон далиллари хусусида сўз тугаб, энди Пайғамбарлар даъват қилган иймон ва уни одамлар қандай қабул қилиб олганлари ҳақида сўз очилади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ ۖ فَقَالَ لِقَوْمِهِ أَعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُ ۖ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٦٧﴾

23. Батаҳқиқ, Биз Нуҳни қавмига юбордик. Бас, у: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун ундан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқдир. Наҳотки қўрқмасангиз?!» деди.

Қуръони Каримда Нуҳ алайҳиссалом қиссалари кўп келган. Лекин бошқа Пайғамбарларнинг қиссалари каби, ҳар келган жойида суранинг сиёқига қараб турли жиҳатлари, маънолари бўрттириб кўрсатилган. Турли масалаларни таъкидлашга хизмат қилган. Бу оятда иймон масаласи бўрттирилган ва одамларни иймонга даъват этиш учун хизмат қилган.

Нуҳ алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб келганларидан сўнг қавмлари Аллоҳнинг ибодатига чақирдилар ва Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ эканини баён қилдилар. Шу билан бирга:

«Наҳотки, қўрқмасангиз?!» деб, Аллоҳга иймон келтирмай юриш қўрқинчли иш эканлиги билан қавмлари оғоҳлантирдилар. Хўш, қавмлари бу даъватга қандай муносабатда бўлди?

فَقَالَ الْمَلَأُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَوْمِهِ ۖ مَا هَذَا إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُرِيدُ أَنْ يَنْفِضَ عَلَيْكُمْ وَرَوِّعَ شَاءَ اللَّهُ لَأَنْزَلَ مَلَائِكَةً مَّا سَمِعْنَا بِهَذَا فِي آبَائِنَا الْأَوَّلِينَ ﴿٦٨﴾

24. Бас, унинг қавмидан куфр келтирган зодагонлари: «Бу, сизга ўхшаш башар, холос, сиздан афзал бўлиб олмоқчи. Агар

Аллоҳ хоҳласа, фаришталарни туширар эди. Аввалги ота-бобола-римизда буни эшитган эмасмиз.

إِنَّ هُوَ إِلَّا رَجُلٌ بِهِ جِنَّةٌ فَمَا تَرَىٰ صَوَابَهُ حَتَّىٰ حِينٍ

25. У фақат бир жинни одам, холос. Бас, уни бир оз муддат пойлаб туринг», дедилар.

Бирор қавмга янгилик келса, аввало, унга ўша қавмнинг зодагонлари, корчалонлари, катталари муносабат билдирадилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Нуҳ алайҳиссалом қавмларини Аллоҳнинг ибодатига чақирганларида, уларга бу ишнинг аҳамиятини айтганларида, қавмнинг куфр келтирган зодагонлари биринчи бўлиб муносабат билдирдилар. Аммо улар бошқача услуб қўладилар.

Нуҳ алайҳиссаломга жавоб бермадилар. Балки қавмларига қарата нидо қилдилар. Гаплари Аллоҳга ибодат ҳақида бўлмади, ўзларига келган Пайғамбарнинг шахси ҳақида бўлди. Улар қавмларига:

«Бу, сизга ўхшаш башар, холос, сиздан афзал бўлиб олмоқчи», дедилар.

Қавмининг бошлиғи бўлган зодагонлар Пайғамбар нимага даъват қилмоқда, гапининг маъноси ва даъватининг мақсади нима — буларга умуман эътибор бермайдилар. Улар, энг аввало, Пайғамбар шахсида ўзларига рақибни кўрадилар. Пайғамбарман, деб айтаётган бу одам бизга ўхшаб қавмга бошлиқ бўлмоқчи шекилли, деб хаёл қиладилар. Шунинг учун, Пайғамбар шахсига осилишни, уни мансабпарастликда айблашни бошлайдилар. Мана, қавмнинг кофир зодагонлари ҳам Нуҳ алайҳиссаломни жинни деб эълон этдилар ва у кишига, ўзини одамлардан устун қўймоқчи, деган тухматни илдилар.

Улар Нуҳ алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларига ишончсизлик уйғотиш учун одамларга ўзларининг Пайғамбар ҳақидаги ботил сафсаталарини суқиштирдилар:

«Агар Аллоҳ хоҳласа, фаришталарни туширар эди», дедилар.

Яъни, агар Аллоҳ Пайғамбар юборишни хоҳласа, бизга ўхшаган башарни эмас, балки фаришталарни юборар эди, дедилар.

«Аввалги ота-боболаримизда буни эшитган эмасмиз.»

Ҳар бир нарсага ота-боболарини рўкач қилавериш зодагонларнинг ўзларига тобе кишиларни йўлга солишда ишлатадиган услубларидан биридир. Олдида, кўз ўнгида турган нарса ҳақида ўйлаб, фикр юритиб ҳукм чиқармасин-у, ота-бобога тақлид қилиб қўяверсин.

«У фақат бир жинни одам, холос.»

Яъни, Нуҳ бир жинни одам, унга ишонманглар ҳам, эргашманглар ҳам.

«Бас, уни бир оз муддат пойлаб тулинг», дедилар.»

Ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, демоқчилар.

Ана шунда Нуҳ алайҳиссалом Аллоҳ таолога илтижо қилдилар.

قَالَ رَبِّ أَنْصُرْنِي بِمَا كَذَّبُونَ ﴿٢٦﴾

26. У: «Эй Роббим, мени ёлғончи қилганларга қарши менга нусрат бер», деди.

Нуҳ алайҳиссалом ҳақиқий нусрат қаердалигини яхши билганлари учун, дарҳол, Аллоҳга илтижо қилиб, ўзларини ёлғончи сананганларга қарши ёрдам сўрадилар.

فَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِ أَنْ اصْنَعِ الْفُلَ بِأَعْيُنِنَا وَوَحَيْنَا فَإِذَا جَاءَ أَمْرُنَا وَفَارَ التَّنُورُ فَاسْلُكْ فِيهَا مِنْ كُلِّ زَوْجَيْنِ اثْنَيْنِ وَأَهْلَكَ إِلَّا مَنْ سَبَقَ عَلَيْهِ الْقَوْلُ مِنْهُمْ وَلَا تَخَاطَبْنِي فِي الَّذِينَ ظَلَمُوا إِنَّهُمْ مُغْرَقُونَ ﴿٢٧﴾

27. Бас, Биз унга: «Бизнинг кўз ўнгимизда ва ваҳийимиз ила кема яса. Бас, Бизнинг амримиз келиб, таннур фаввора бўлганда, у(кема)га ҳар бир турдан бир жуфтдан ва аҳлингни чиқар, магар кимнинг зиддига олдин сўзимиз ўтган бўлса (чиқарма). Зулм қилганлар ҳақида Менга хитоб қилма. Албатта, улар гарқ қилингувчилардир.

فَإِذَا أَسْتَوَيْتَ أَنْتَ وَمَنْ مَعَكَ عَلَى الْفُلِكِ فَقُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي نَجَّانَا مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿٢٨﴾

28. Бас, сен ўзинг билан бирга бўлганлар ила кемага жойлашиб олгач: «Бизни золим қавмлардан қутқарган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дегин.

وَقُلْ رَبِّ أَنْزِلْنِي مُنْزَلًا مُبَارَكًا وَأَنْتَ خَيْرُ الْمُنْزِلِينَ ﴿٢٩﴾

29. Ва: «Эй Роббим, мени муборак манзилга туширгин, Сен Ўзинг манзилга туширгувчиларнинг энг яхшисисан», дегин», дедик.

Ушбу уч оятда Нуҳ алайҳиссаломнинг нусрат сўраб қилган илтижоларига Аллоҳ таоло томонидан берилган жавоб келмоқда.

«Бизнинг кўз ўнгимизда ва ваҳийимиз ила кема яса.»

Албатта, ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг кўз ўнгида турибди. Аммо Нуҳ алайҳиссаломга бундай дейилиши Аллоҳ таоло у кишининг ишларига алоҳида эътибор беришини билдиради. Ҳаттоки, кемани қандай яшашни ҳам Аллоҳнинг Ўзи ваҳий орқали ўргатиб туради.

«Бас, Бизнинг амримиз келиб, таннур фаввора бўлганида...»

Аллоҳ таоло нажот кемасига чиқиш вақтининг аломатини айтиб қўйди. Қачонки амримиз келиб, таннурдан олов ўрнига сув фаввора бўлиб отилиб чиқа бошлаганда.

«...у(кема)га ҳар бир турдан бир жуфтдан ва аҳлингни чиқар...»

Яъни, ҳар бир жонзот туридан бир жуфтдан, битта эркак, битта урғочи чиқар. Одамлардан эса, сенга аҳл бўлган мўминларни чиқар.

«...магар кимнинг зиддига олдин сўзимиз ўтган бўлса (чиқарма).»

Яъни, ким ҳақида унга қарши ҳукмимиз чиққан бўлса, иймонга келмаган бўлса, у одамни чиқарма. Жумладан, Нуҳ алайҳиссаломнинг оиласидан хотинлари ва битта ўғиллари иймон келтирмаган эди. Бу ерда ана ўшалар ҳақида сўз кетмоқда.

«Зулм қилганлар ҳақида менга хитоб қилма.»

Уларни тўфон ҳалокатидан қутқариб қолишимни сўрама.

«Албатта, улар ғарқ қилингувчилардир.»

Чунки, улар имкон берилган фурсатда ўзларини ўнглаб ола олмадилар. Энди ҳукм чиқиб бўлди. Уни ўзгартирилмайди.

«Бас, сен ўзинг билан бирга бўлганлар ила кемага жойлашиб олгач...»

Яъни, тўфон балосидан қутулиш учун нажот кемасига чиқиб жойлашиб олгач:

«Бизни золим қавмлардан қутқарган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дегин.

Аллоҳ Пайғамбари Нуҳ алайҳиссаломга Ўзи берган неъматга қандай шукр қилишни ўргатмоқда. Бу шукр Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиш билан бўлади. Золим қавмлар Нуҳ алайҳиссаломга ҳам, мўминларга ҳам зулм ўтказар эдилар. Аллоҳ таоло уларнинг барчасини тўфон балосига учратиб ҳалок қилди. Нуҳ алайҳиссалом бошлиқ мўминларни ўша кофирларнинг, золимларнинг зулмидан, ёмонлигидан қутқарди. Энди улар Аллоҳ таолога ўзларини золим қавмлардан қутқаргани учун шукр қилиб, ҳамду санолар айтишлари керак.

Шу билан бирга, келажак ҳаётларида яхшиликлар бўлишини ҳам Аллоҳ таолодан сўрашлари керак:

«Ва: «Эй Роббим, мени муборак манзилга туширгин, Сен Ўзинг манзилга туширгувчиларнинг энг яхшисисан», дегин», дедик».

Ушбу дуо барча мўминларнинг Аллоҳ таолога қиладиган дуола-ридир.

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ وَإِن كُنَّا لَمُبْتَلِينَ ﴿٣٠﴾

30. Албатта, бунда оят-ибратлар бордир. Албатта, Биз синовчи бўлган эдик.

Яъни, шубҳасиз, Нуҳ қиссасида оят-ибратлар бор. Биз Пайғамбар юбориш ила бандаларни синаб кўрдик.

Эндиги оятда бошқа Пайғамбар, бошқа қавмнинг қиссаси келади:

ثُمَّ أَنشَأْنَا مِنْ بَعْدِهِمْ قَرْنًا آخَرِينَ ﴿٣١﴾

31. Сўнгра улардан кейин бошқа авлодларни пайдо қилдик.

Яъни, Нуҳ ва унинг қавмидан кейин бошқа халқларни пайдо қилдик.

فَأَرْسَلْنَا فِيهِمْ رَسُولًا مِنْهُمْ أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَهِ غَيْرُهُ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٣٢﴾

32. Бас, уларнинг ичига ўзларидан бўлган Пайғамбарни: «Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун ундан ўзга илоҳ йўқдир, наҳотки, қўрқмасангиз», деб юбордик.

Эътибор берадиган бўлсак, бу Пайғамбар ҳам Нуҳ алайҳиссаломнинг сўзларини айнан такрорламоқда. Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақирмоқда. Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқлигини таърифламоқда ва Аллоҳга иймон келтирмай юриш қўрқинчли эканини уқтирмоқда.

Хўш, бу Пайғамбарга унинг қавми қандай муносабатда бўлди?

وَقَالَ الْمَلَأُ مِنْ قَوْمِهِ الَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِلِقَاءِ الْآخِرَةِ وَأَتْرَفْنَاهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا
هَذَا إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يَأْكُلُ مِمَّا تَأْكُلُونَ مِنْهُ وَيَشْرَبُ مِمَّا تَشْرَبُونَ ﴿٣٣﴾

33. Унинг қавмидан куфр келтирган, охиратга рўбарў бўлишни ёлғонга чиқарган ва Биз уларни ҳаёти дунёда майишатпараст қилиб қўйган зодагонлари: «Бу, сизга ўхшаган башар, холос. Сиз еган нарсадан ейдир, сиз ичган нарсадан ичадир.

وَلَيْنَ أَطْعَمْتُمْ بَشَرًا مِّثْلَكُمْ إِنَّكُمْ إِذَا لَخَسِرُونَ ﴿٣٤﴾

34. Агар ўзингизга ўхшаган башарга итоат қилсангиз, унда, албатта, сиз зиёнкорлардандирсиз.

أَيَعِدُّكُمْ أَنْتُمْ إِذَا مِتُّمْ وَكُنْتُمْ تُرَابًا وَعِظَامًا أَنْتُمْ تُخْرَجُونَ ﴿٣٥﴾

35. У сизга, ўлсангиз, тупроқ ва суюк бўлсангиз ҳам, албатта, чиқарилгувчи бўлишингизни ваъда қилмоқдами?!

﴿٣٦﴾ هَيَّاتَ هَيَّاتَ لِمَا تُوْعَدُونَ ﴿٣٦﴾

36. Ҳайҳот! Ҳайҳот! Сизга ваъда қилинган нарса нақадар узоқ!

إِنَّ هِيَ إِلَّا حَيَاتُنَا الدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا نَحْنُ بِمَبْعُوثِينَ ﴿٣٧﴾

37. Шу дунёдаги ҳаётимиздан бошқа ҳаёт йўқдир. Ўламыз, тириламиз ва биз қайта тирилгувчи эмасмиз.

إِنَّ هُوَ إِلَّا رَجُلٌ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا وَمَا نَحْنُ لَهُ بِمُؤْمِنِينَ ﴿٣٨﴾

38. У фақат Аллоҳга нисбатан ёлғон уйдирган одам, холос. Биз унга иймон келтиргувчи эмасмиз», дедилар.

Бу қавмнинг жавоби ҳам моҳиятан Нуҳ қавми жавобининг айнан ўзи, фақат иборалари бошқа, холос. Бу сафар ҳам қавм номидан зодагонлари жавоб бермоқда. Бу сафар ҳам Пайғамбар даъватининг моҳиятига қараб, Пайғамбарнинг оддий башар эканини шубҳага асос қилиб олиш ва ҳоказолар содир бўлмоқда.

Бироқ, бу ўринда зодагонларнинг сифатлари бир оз батафсил васф қилинмоқда:

«Унинг қавмидан куфр келтирган, охиратга рўбарў бўлишини ёлғонга чиқарган ва Биз уларни ҳаёти дунёда майишатпараст қилиб қўйган зодагонлари...»

Яъни, улар ўша Пайғамбарнинг қавмидаги куфр келтирган, Пайғамбарга ишонмайдиган,

«...охиратга рўбарў бўлишини ёлғонга чиқарган...», яъни қиёмат қоим бўлишини инкор этадиган кишилардир.

«...ва Биз уларни ҳаёти дунёда маийшатпараст қилиб қўйган...»

Яъни, бу зодагонлар фақат маийшат ҳақида ўйлаб, шу учун ҳаракат қилиб, зебу зийнат, айшу ишратга берилиб кетган. Демак, уларда энг ёмон сифатлар мужассам бўлган экан. Улар бу сифатлари ила динга, иймонга қарши туришлари турган гап. Ана ўшалар Пайғамбар ўз даъватини қавмига етказганидан кейин қуйидагиларни айтдилар:

«Бу, сизга ўхшаган башар, холос.»

Бу одамнинг «Мен Пайғамбар бўлиб келдим» деган гапига ишонманглар. У Пайғамбар эмас, у сизга ўхшаган башар, холос. Унинг сиздан ҳеч қандай фарқи йўқ.

«Сиз еган нарсадан ейдир, сиз ичган нарсадан ичадир.»

Оддий одамлигини шундан билиб олаверинг. Худонинг Пайғамбари бўлса, таом еб, сув ичармиди, бас, шундай экан, асло унинг гапига кирманг.

«Агар ўзингизга ўхшаган башарга итоат қилсангиз, унда, албатта, сиз зиёнкорлардандирсиз.»

Яъни, Пайғамбарликни даъво қилиб турган ушбу ўзингизга ўхшаган оддий одамга иймон келтириб, унга итоат қиладиган бўлсангиз, албатта, зиён тортасиз.

Бошқа гаплари қатори зодагонларнинг бу гапи ҳам уларнинг нақадар аҳмоқ эканликларини кўрсатиб турибди. Аввало, ўша инсон нимага даъват этаётганини суриштирмайдилар ёки билсалар ҳам, билмасликка оладилар. Ахир, у одам «Аллоҳга ибодат қилинг» деди-ку! «Аллоҳга ибодат қилинг» деган одамга итоат этган зиёнкор бўлармиди? Аммо, шу билан бирга, одамлар зодагон мушрикларнинг ўзларига ёки қўллари билан ясаб олган бутларига итоат қилса, яхши бўлармиш!

«У сизга, ўлсангиз, тупроқ ва суяк бўлсангиз ҳам, албатта, чиқарилгувчи бўлишингизни ваъда қилмоқдами?!»

Яъни, ўша Пайғамбар сиз ажалингиз етиб ўлсангиз, чириб тупроқ ва суякка айлансангиз ҳам яна қабрдан тирик чиқарилишингизни ваъда қилмоқдами?

Улар ўзларининг бу инқорий саволлари орқали ўлгандан кейин қайта тирилишни истехзо йўли билан рад этмоқдалар.

«Ҳайҳот! Ҳайҳот! Сизга ваъда қилинган нарса нақадар узоқ!»

Сизга ўша Пайғамбар ваъда қиладиган қайта тирилиш ҳақиқатдан узоқ, бўлиши мумкин эмас нарса.

«Шу дунёдаги ҳаётимиздан бошқа ҳаёт йўқдир.»

Охират ҳаёти бор, деганига ишонманглар. Фақат яшаб турганимиз ушбу ҳаёт бор, холос.

«Ўламингиз, тириламиз...»

Яъни, баъзиларимиз ҳаётимиз тугаса, ўламиз, баъзиларимиз онадан туғилиб, ҳаётга келиб, тириламиз.

«...ва биз қайта тирилгувчи эмасмиз.»

Ўлгандан кейин иш битди. Ҳеч ким яна тирилмайди. Пайғамбарликни даъво қилаётган анави одамнинг гапига ишонманглар, у Пайғамбар эмас.

«У, фақат, Аллоҳга нисбатан ёлғон уйдирган одам, холос.»

У ўзича ёлғон тўқиб, мени Аллоҳ Пайғамбар қилиб юборди, деб юрибди, холос.

«Биз унга иймон келтиргувчи эмасмиз», дедилар.»

Унга иймон келтириб, мўмин бўлмаймиз, унинг айтганларига ишонмаймиз, дедилар. Кофирларнинг бу гапларидан кейин:

قَالَ رَبِّ انصُرْنِي بِمَا كَذَّبُونَ ﴿٣٩﴾

39. У: «Эй Роббим, мени ёлғончи қилганларга қарши менга нусрат бер», деди.

Худди Нуҳ алайҳиссалом Аллоҳ таолодан ёрдам сўраганларидек, бу Пайғамбар алайҳиссалом ҳам Аллоҳ таолодан нусрат сўради.

قَالَ عَمَّا قَلِيلٍ لِّيُصْبِحَنَّ نَادِمِينَ ﴿٤٠﴾

40. У зот: «Озгинадан сўнг улар надомат чекувчи бўлурлар», деди.

Яъни, Аллоҳ таоло у Пайғамбар алайҳиссаломнинг дуоларини қабул қилди. Ўз Пайғамбарига нусрат берадиган бўлди. Ва, сабр қил, озгина вақтдан сўнг у кофирлар пушаймон қилувчи бўладилар, деди.

فَأَخَذَتْهُمُ الصَّيْحَةُ بِالْحَقِّ فَجَعَلْنَاهُمْ غُثَاءً فَبَعْدَ اللَّقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿٤١﴾

41. Бас, уларни ҳақ ила қичқириқ олди. Бас, Биз уларни хасу чўпга айланттирдик. Даф бўлсин золим қавмлар!

Ўз Пайғамбарига нотўғри муносабатда бўлган, уни ёлғончига чиқарган ўша қавмни бир қичқириқ овози келиб ҳалок қилди.

Гарчи қиссанинг бошидан охиригача бу қавмларнинг ва уларга келган Пайғамбар алайҳиссаломнинг номлари зикр этилмаса ҳам, уламоларимиз оятдаги,

«Бас, уларни ҳақ ила қичқириқ олди» жумласидан, бу Од қавми ва, бинобарин, Пайғамбарлари Ҳуд алайҳиссалом эканликларини

тушуниб олганлар. Чунки, Од қавмидан бошқа қавмнинг қичқириқ ила ҳалок бўлгани ҳақида хабар келмаган.

«Бас, Биз уларни хасу чўпга айлантирдик.»

Яъни, улар шунчалар хору зор бўлиб ҳалокатга учрадиларки, хас-чўпчалик ҳам қадрлари қолмади.

«Даф бўлсин золим қавмлар!»

Йўқолсин! Ҳалок бўлсин! Барбод бўлсин золим қавмлар!

Шу билан бу қисса ҳам ниҳоясига етади. Сўнгра, улардан кейин нима бўлгани ҳақида умумий гап кетади:

ثُمَّ أَشْنَا نَا مِنْ بَعْدِهِمْ قُرُونًا آخِرِينَ ﴿٤٢﴾

42. Сўнгра улардан кейин бошқа аср авлодларини пайдо қилдик.

Яъни, қиссаси келтирилган ўша қавмдан кейин бошқа турли қавмларни дунёга келтирдик.

مَا تَسْبِقُ مِنْ أُمَّةٍ أَجْلَهَا وَمَا يَسْتَخِرُونَ ﴿٤٣﴾

43. Ҳеч бир уммат ўз ажалидан олдин ҳам кетмас, орда ҳам қолмас.

Ҳар бир уммат учун белгиланган ажал бор, шунга мувофиқ ҳар бир уммат дунёга келади ва яна ажали етганда дунёдан кетади.

ثُمَّ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا تَتْرًا كُلًّا مَا جَاءَ أُمَّةً رِسْوَلُهَا كَذَّبُوهُ فَاتَّبَعْنَا بَعْضَهُمْ بَعْضًا وَجَعَلْنَاهُمْ أَحَادِيثَ فَبَعْدَ الْقَوْمِ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٤٤﴾

44. Сўнгра Пайғамбарларимизни кетма-кет юбордик. Ҳар қачон бир умматга ўз Пайғамбари келса, уни ёлғончи қилдилар. Бас, Биз ҳам уларни баъзилари ортидан баъзиларини (ҳалокатга) эргаштиравердик ва уларни гапу сўзга айлантирдик. Бас, даф бўлсин иймон келтирмайдиган қавмлар!

Бу оятда Аллоҳ таоло юборган Пайғамбарлар билан уларнинг қавмлари орасида бўлиб ўтган ҳодисалар умумий қоида сифатида зикр қилинмоқда.

«Сўнгра Пайғамбарларимизни кетма-кет юбордик.»

Одамларни ҳидоятга бошлаш учун бирин-кетин Пайғамбарларни юбордик. Орани узмадик. Доимо Пайғамбар юбориб турдик.

Аммо одамлар Пайғамбарлар билан тўғри муомалада бўлмадилар. **«Ҳар қачон бир умматга Пайғамбар келса, уни ёлғончи қилдилар.»**

Қачон, қайси бир умматга Пайғамбар келса, албатта, улар ўзларига келган Пайғамбарни ёлғончи қилдилар.

«...Биз ҳам уларни баъзилари ортидан баъзиларини (ҳалокатга) эргаштиравердик...»

Яъни, умматларга кетма-кет Пайғамбар келаверди, улар Пайғамбарларни ёлғончи қилавердилар, Биз ҳам уларни бирин-кетин ҳалок этавердик.

«...ва уларни гапу сўзга айлантирдик.»

Ортларидан келганлар, фалончилар ундай азобга йўлиққан экан, пистончилар бундай азобга учраган экан, деб гапу сўз қилиб юрадиган этиб қўйдик.

«Бас, даф бўлсин иймон келтирмайдиган қавмлар!»

Йўқолсин! Ҳалок бўлсин! Узоқ бўлсин иймонсизлар!

ثُمَّ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ وَأَخَاهُ هَارُونَ بِآيَاتِنَا وَسُلْطٰنٍ مُّبِينٍ ﴿٤٥﴾

45. Сўнгра Биз Мусо ва биродари Ҳорунни оятларимиз ва очик ҳужжат ила.

إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَئِهِۦ فَاسْتَكْبَرُوا وَكَانُوا قَوْمًا عٰلِينَ ﴿٤٦﴾

46. Фиръавн ва унинг аъёнларига юбордик. Бас, улар мутакаббирлик қилдилар ва ўзини юқори қўйган қавм бўлдилар.

Келаси оятда уларнинг мутакаббирлиги ва ўзларини устун қўйиши нимадан иборатлиги баён қилинади:

فَقَالُوا الْتَوَيْنٰ لِّلْبَشَرِیْنَ مِثْلٰنَا وَقَوْمُهُمْ لَنَا عٰبِدُونَ ﴿٤٧﴾

47. Бас, улар: «Ўзимизга ўхшаган икки башарга иймон келтирамизми?! Ҳолбуки, уларнинг қавми бизга қуллик қилгувчи бўлиб турибди-ку?!» дедилар.

Яъни, қандай қилиб ўзимизга ўхшаган, қўлимизда қул бўлиб турган Бани Исроил қавмининг икки одамига «Пайғамбар» деб иймон келтирамиз, дедилар.

Яна ўша эски гап. Ўзларига ўхшаган инсоннинг Аллоҳ томонидан Пайғамбар этиб юборилишига ишонмаслик.

فَكَذَّبُوهُمَا فَكَانُوا مِنَ الْمُهْلِكِينَ ﴿٤٨﴾

48. Бас, икковларини ёлғончи қилдилар ва ҳалок қилинганлардан бўлдилар.

Ўзларидан олдинги кофир қавмларнинг йўлини тутдилар ва оқибатлари ҳам улар каби бўлди.

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ لَعَلَّهُمْ يَهْتَدُونَ ﴿٤٩﴾

49. Батаҳқиқ, Биз, шоядки, ҳидоят топсалар деб, Мусога Китобни берган эдик.

Яъни, шояд, Фиръавн ва унинг қавми ҳидоят топса деб, Мусога Тавротни берган эдик.

Келгуси оятда Ийсо алайҳиссалом ва оналари Биби Марямга умумий ишора қилинади:

وَجَعَلْنَا ابْنَ مَرْيَمَ وَأُمَّهُ آيَةً وَآوَيْنَاهُمَا إِلَى رَبْوَةٍ ذَاتِ قَرَارٍ وَمَعِينٍ ﴿٥٠﴾

50. Ибн Марямни ва унинг онасини оят-аломат қилдик ва икковларини оқар сувли қароргоҳ тепаликка жойладик.

Яъни, Ийсо ибн Марям алайҳиссаломни ва у кишининг оналари Биби Марямни Аллоҳ таоло Ўз қудратига далолат қилувчи муъжиза – аломат ўлароқ юборди. Ҳамда икковларини Байтул Мақдис еридан оқар суви бор, яшашга қулай бир тепаликка жойлади.

Шу ўринда Аллоҳ таоло ҳамма Пайғамбар алайҳиссаломларга бир хитоб қилади:

يَا أَيُّهَا الرُّسُلُ كُلُّوْا مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَأَعْمَلُوا صَالِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ ﴿٥١﴾

51. Эй Пайғамбарлар! Пок нарсалардан энглр ва солиҳ амаллар қилинглр. Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни ўта билгувчиман.

Оятда барча Пайғамбарларнинг оддий башар эканликларига урғу берилмоқда.

«Эй Пайғамбарлар! Пок нарсалардан энглр...»

Таом емоқ оддий инсонга хос амал. Аллоҳ таоло Пайғамбарларига пок таом емоқни амр қилиши уларнинг оддий башар эканлигига далолатдир.

«...ва солиҳ амаллар қилинглр.»

Солиҳ амал қилиш ҳам оддий инсоннинг вазифасига киради. Демак, Пайғамбарлар оддий башар бўлганлар.

«Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни ўта билгувчиман.»

Ҳисоб-китоб қилиб тураман. Ҳисоб бериш ҳам оддий башарга хос масъулиятдир, яъни, оддий инсоннинг амали ҳисоб-китоб қилинади.

وَإِنَّ هَذِهِ أُمَّتُكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَأَنَا رَبُّكُمْ فَاتَّقُونِ ﴿٥٢﴾

52. Албатта, сизнинг бу умматингиз ягона умматдир. Мен эса, Роббингизман. Бас, Менга тақво қилинг.

Яъни, эй Пайғамбарлар, сизнинг динингиз битта, миллатингиз битта – Ислом. Роббингиз битта – Аллоҳ. Бас, ўша ягона Роббингиз бўлган Аллоҳга тақво қилинг.

Кейинги оятларда барча Пайғамбарлар ўтиб кетганларидан сўнг охирги Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келишларидан олдин одамлар қайси ҳолга тушиб қолганлари васф қилинади ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга улар билан қандай муомалада бўлиш юзасидан тавсиялар берилади:

فَتَقَطَّعُوا أَمْرَهُمْ بَيْنَهُمْ زُبُرًا كُلَّ حِزْبٍ بِمَا لَدَيْهِمْ فَرِحُونَ ﴿٥٣﴾

53. Бас, улар ишларини ўз ораларида пора-пора қилиб бўлиб юбордилар. Ҳар фирқа ўз ҳузурларидаги нарса ила хурсанддилар.

Яъни, Пайғамбар алайҳиссаломлардан кейин қолганлар ишларини – динларини ўз ораларида пора-пора қилиб бўлиб юбордилар. Пайғамбарлар бир динда бўлган, бир динга чақирган эдилар. Аммо улардан кейинги одамлар ягона динни турли фирқаларга бўлиб парчалаб юбордилар. Ҳар гуруҳ ўз дини, мазҳаби, фирқаси билан фахрланиб, бошқаларни ёмон кўриб юрибди.

Эй Пайғамбар!

فَذَرَهُمْ فِي غَمَرَتِهِمْ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿٥٤﴾

54. Бас, сен уларни ғафлатларида бир муддат қўйиб қўй.

Яъни, эй Муҳаммад, Макка мушрикларини ғафлатларида маълум муддат келгунча қўйиб бер.

أَيَحْسَبُونَ أَنَّمَا نُمِدُّهُم بِهِ مِنْ مَّالٍ وَبَنِينَ ﴿٥٥﴾

55. Улар Бизнинг ўзларига молу дунё ва фарзандлар ила мадад бераётганимизни.

نَسَارِعُ لَهُمْ فِي الْخَيْرَاتِ بَلْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٥٦﴾

56. Уларга яхшиликларни тезлатишимиз, деб ҳисоблайдиларми? Йўқ! Улар сезмаслар.

Яъни, кофир ва мушриклар уларни азобламай, балки бу дунё ҳаётларида молу дунё, бола-чақа бериб қўйишимизни уларга яхшиликни тезлатиб беришимиз, уларни неъматлар билан тақдирлашимиз, деб ўйлайдиларми? Йўқ, ундай эмас. Улар нотўғри ўйлайдилар. Бу улар учун синов-имтиҳондир.

Аммо улар сезмайдилар. Ўша молу дунё ва бола-чақанинг ҳисобкитоби борлигини, улар имтиҳон учун эканини, ортидан бало-офат келишини сезмайдилар.

Кофир ва мушриклар шунчалик ғафлатда бўлсалар, мўмин-мусулмонлар ўта ҳушёр ва ҳаракатчандирлар.

إِنَّ الَّذِينَ هُمْ مِنْ خَشْيَةِ رَبِّهِمْ مُشْفِقُونَ ﴿٥٧﴾

57. Албатта, Роббиларидан қўрқиб хавфда турувчилар.

وَالَّذِينَ هُمْ بِآيَاتِ رَبِّهِمْ يُؤْمِنُونَ ﴿٥٨﴾

58. Ва Роббилари оятларига иймон келтирадиганлар.

وَالَّذِينَ هُمْ بِرَبِّهِمْ لَا يُشْرِكُونَ ﴿٥٩﴾

59. Ва Роббиларига ширк келтирмайдиганлар.

وَالَّذِينَ يُؤْتُونَ مَاءً آتَوْا وَقُلُوبُهُمْ وَجِلَةٌ أَنَّهُمْ إِلَىٰ رَبِّهِمْ رَاجِعُونَ ﴿٦٠﴾

60. Ва берадиган нарсаларини албатта Роббиларига қайтгувчи эканликларидан қалблари титраган ҳолда берадиганлар.

أُولَٰئِكَ يُسْرِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَهُمْ لَهَا سَابِقُونَ ﴿٦١﴾

61. Ана ўшалар яхшиликларга шошилурлар ва улар ўша (яхшилик)лар учун мусобақа қилурлар.

Ушбу оятларда мўминларнинг бир неча сифатлари зикр қилинмоқда:

1. Аллоҳдан доимо қўрқиб, хавфсираб туриш. Яъни, доимо тақводорлик даражасида бўлиш.

2. Аллоҳнинг оятларига иймон келтириш. Хоҳ улар Аллоҳнинг китоби самовийсининг оятлари бўлсин, хоҳ борлиқдаги оят-мўъжизалари бўлсин, бари бир.

3. Аллоҳ таолога ширк келтирмаслик. Эътиқодда Унинг шериги борлигини тан олмаслик, амалда Аллоҳдан бошқа учун амал қилмаслик.

4. Закот, садақа берганда қиёмат куни Аллоҳ таолога қайтишни ўйлаб, қалби титраб туриб бериш.

Бу сифатнинг зикри келган оят тафсирида имом Аҳмад қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар. Оиша онамиз Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, «Берадиган нарсаларини албатта Роббиларига қайтгувчи эканликларидан қалблари титраган ҳолда берадиганлар» ўғрилиқ этиб, зино қилиб, ароқ ичиб, кейин Аллоҳдан қўрқадиганларми?» дедилар. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ! Эй, Сиддиқнинг қизи! У намоз ўқийдиган, рўза тутадиган, садақа қиладиган ва шу билан бирга, Аллоҳдан қўрқадиган одам», дедилар.»

Имом Фахриддин Розий раҳматуллоҳи алайҳи тафсирларида ўша сифатлар ҳақида қуйидагиларни ёзган эканлар:

«Билгинки, бу сифатларнинг тартиби ғоят гўзалдир:

Биринчи сифат тақиқланган нарсадан сақланишни вожиб қилувчи қаттиқ қўрқинчга далолат этади.

Иккинчи сифат Аллоҳнинг ваҳдониятини тасдиқлашга далолат қилади.

Учинчи сифат тоатларда риёкорликни тарк этишга далолат қилади.

Тўртинчи сифат олдинги уч сифатни жамлашга далолат қилади. Тоатларини титраб, нуқсонга учрашидан қўрқиб адо этади. Ана шу, сиддиқлар мақомининг чўққисидир. Аллоҳ бизларни ҳам шунга эриштирсин».

Лекин бу дегани, ҳақиқий мўмин бўлиш қийин иш, мўминлик сифатларини ўзида жамлаш учун инсондан одатдан ташқари нарса талаб қилинади экан, дегани эмас. Чунки:

وَلَا نَكْفُفُ نَفْسًا إِلَّا أَوْسَعَهَا وَلَدَيْنَا كِتَابٌ يَنْطِقُ بِالْحَقِّ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٦١﴾

62. Биз ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари таклиф қилмасмиз. Ҳузуримизда китоб бор. У ҳақни сўзлайдир. Уларга зулм қилинмас.

Аллоҳ таоло инсонни яратган зот. У, инсоннинг имкониятларини, тоқати нимага етиш-етмаслигини жуда яхши биладиган зот. Шунинг учун, Аллоҳ таоло инсонга нима нарсаларни таклиф қилиш ва буюришни ҳам Ўзи жуда яхши билади.

«Биз ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари таклиф қилмасмиз.»

Ислом шариатининг барча таклифлари инсон тоқати ва имконияти доирасидадир. Зотан, тоқати етмайдиган ишни буюриб қўйиб, сўнгра ҳисоб-китоб қилиш мантиққа ҳам тўғри келмайди.

«Ҳузуримизда китоб бор. У ҳақни сўзлайдир.»

Аллоҳнинг ҳамма амаллар ёзилиб турадиган китоби бор. У китоб фақат ҳақни сўзлайди. Бандалар нима қилган бўлса, аниқ ўшани айтади. Ошириб ҳам, камайтириб ҳам юбормайди.

«Уларга зулм қилинмас.»

Бандаларга ҳеч зулм қилинмай, амалларига яраша жазо ёки мукофот берилади.

بَلِّ قُلُوبِهِمْ فِي غَمْرَةٍ مِّنْ هَٰذَا ۖ وَهُمْ أَعْمَلٌ مِّنْ دُونِ ذَٰلِكَ ۖ هُمْ لَهَا عَمَلُونَ ﴿٦٢﴾

63. Йўқ! Уларнинг қалблари бундан ғафлатдадир. Уларнинг бундан бошқа амаллари бордир. Улар ўшаларни қилгувчилардир.

Яъни, кофирларнинг қалблари ҳақни сўзловчи китоб борлигидан, уларнинг барча ишлари ёзилиб туришидан ва қиёмат куни амалларига яраша жазо бўлишидан ғафлатдадир.

«Уларнинг бундан бошқа амаллари бордир.»

Турли-туман гуноҳ ишлари бордир.

«Улар ўшаларни қилгувчидирлар.»

حَتَّىٰ إِذَا أَخَذْنَا مُتْرَفِيهِم بِالْعَذَابِ إِذَا هُمْ يَجْعَرُونَ ﴿٦٣﴾

64. Токи уларнинг майишатпарастларини азоб ила тутганимизда, бирдан фарёд солурлар.

Унгача ғафлатда, гуноҳ ишларни қилиб юраверадилар.

Фарёд солганларида Биз уларга:

لَا تَجْعَرُوا الْيَوْمَ إِنَّكُمْ مِنَّا لَانصُرُونَ ﴿٦٤﴾

65. «Энди, бугун фарёд солманг! Албатта, Биз томонимиздан сизга нусрат қилинмас.

قَدْ كَانَتْ آيَاتِي تُلَىٰ عَلَيْكُمْ فَكُنْتُمْ عَلَىٰٰٓ أَعْقَابِكُمْ ۚ نَنْكُصُونَ

66. Батаҳқиқ, Менинг оятларим сизга тиловат қилинар эди. Сиз эса, ортингизга қочар эдингиз.

مُسْتَكْبِرِينَ ۖ بِهِ سَمِرَاتُ هَجْرُونَ

67. У билан кибрланар, тунги суҳбатингизда беҳуда сўзлар айтар эдингиз», деймиз.

Ушбу оятларда азобга дучор бўлиб, ёрдам сўраб фарёд солган кофирларга бўладиган муомала ажойиб услуб ила баён қилинмоқда.

«Энди, бугун фарёд солманг!»

Қиладиганингизни қилиб бўлиб, бошингизга азоб тушганда ёрдам сўраб фарёд соласизми? Сиз нусрат сўраб фарёд кўтараверинг. Аммо билиб қўйингки,

«Албатта, Биз томонимиздан сизга нусрат қилинмас.»

Умидингизни узиб қўяверинг. Чунки, авваллари:

«Батаҳқиқ, Менинг оятларим сизга тиловат қилинар эди. Сиз эса, ортингизга қочар эдингиз.»

Менинг оятларим сизга худди хатарли нарсадек кўринган эди. Ҳолбуки, ўша оятларда сизнинг бахту саодатингиз баён этилган эди. Улардан чўчиб, ортга қочиб, мана энди, азобга гирифтор бўлиб турибсиз.

«У билан кибрланар, тунги суҳбатингизда беҳуда сўзлар айтар эдингиз.»

Уламоларимиз «У билан кибрланар» жумласидаги «У» ҳақида икки хил фикр айтганлар. Баъзилари, «У» деганда «Қуръон» кўзда тутилади, кофирлар Қуръонга иймон келтиришдан кибрланар эдилар, дейишса, бошқалари «У»дан мурод «Байтуллоҳ», чунки кофирлар «Байтуллоҳ бизники», деб у билан фахрланишар эди, дейдилар. Ҳар икки маъно бир-бирини тўлдиради. Икки ҳол ҳам Макка мушрикларига таъна бўлиб келмоқда.

«...тунги суҳбатингизда беҳуда сўзлар айтар эдингиз.»

Мушриклар кечаси Байтуллоҳнинг атрофига ўтириб олиб, Қуръони Карим ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида ифво, бўҳтондан иборат бўлмағур гаплар айтар эдилар. Ана ўша

ишлари ҳам энди уларга айб қилиб қўйилмоқда. Уларнинг азобга гирифтор бўлишларининг сабабларидан бири экани айтилмоқда.

Ажабо, улар нима учун бундай қилдилар?

أَفَلَمْ يَذَّبَرُوا الْقَوْلَ أَمْ جَاءَهُمْ مَا لَمْ يَأْتِ آبَاءَهُمُ الْأَوَّلِينَ ﴿٦٨﴾

68. Наҳотки улар бу сўзни тадаббур қилиб кўрмадилар? Ёки уларга аввалги ота-боболарига келмаган нарса келибдими?

Наҳотки улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга келган ушбу сўзни – Қуръонни тадаббур қилиб кўрмайдилар. Ахир, бу сўздан юз ўгириш умуман мумкин эмас. Уни тадаббур қилган ҳар бир киши ундаги маъноларга, ҳидоятга, ҳикматларга, балоғат ва фасоҳатга маҳлиё бўлиб қолади. Қуръонни ҳеч тадаббур қилмаганларгина ундан юз ўгириши мумкин. Модомики, ўша мушриклар ундан юз ўгирибдиларми, демак улар Қуръонни ҳеч тадаббур қилиб кўрмаганлар.

«Ёки уларга аввалги ота-боболарига келмаган нарса келибдими?»

Одатдан ташқари нарса келгани учун ундан юз ўгирибдиларми? Аввал ҳеч кимга Пайғамбар, ваҳий ёки илоҳий китоб келмаган эканми?

أَمْ لَمْ يَعْرِفُوا رَسُولَهُمْ فَهُمْ لَهُم مِّنْكَرُونَ ﴿٦٩﴾

69. Ёки ўз Пайғамбарларини танимасдан улар унга инкор қилгувчи бўлмоқдаларми?

Ёки Макка мушриклари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кимликларини билмай, у кишини инкор қилмоқдаларми? Ҳолбуки, улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларини ҳам, ота-боболарини ҳам, наслу насабларини ҳам, хулқу атворларини ҳам, сиру асрорларини ҳам жуда яхши билар эдилар.

أَمْ يَقُولُونَ بِهِ جِنَّةٌ بَلْ جَاءَهُم بِالْحَقِّ وَأَكْثَرُهُم لِلْحَقِّ كَرِهُونَ ﴿٧٠﴾

70. Ёки, унда жиннилик бор, дерларми? Йўқ! У уларга ҳақ ила келди. Уларнинг кўплари эса, ҳақни ёмон кўргувчидирлар.

Яъни, ёки мушриклар, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламда жиннилик бор, деб Қуръондан юз ўтирмақдаларми? Унда жиннилик бўлмаганида, юз ўтирмас эдик, демоқчимилар?

«Йўқ!»

Бу баҳоналарнинг бирортаси ҳам ўринли эмас. У баҳоналар мушрикларнинг Қуръондан, Исломдан юз ўгиришларига сабаб бўла олмади. Бу ерда бошқа сабаб бор:

«У уларга ҳақ ила келди».

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга ҳақ дин ила келдилар, ҳақ китоб ила келдилар.

«Уларнинг кўплари эса, ҳақни ёмон кўргувчидирлар.»

Шунинг учун, улар Исломдан юз ўгирмоқдалар. Улар ҳақни ёмон кўрадилар. Чунки, ҳақ уларнинг ҳавойи нафсларига қаршидир.

وَلَوْ أَتَبَعَ الْحَقُّ أَهْوَاءَهُمْ لَفَسَدَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ وَمَنْ فِيهِنَّ بَلْ أَتَيْنَهُمْ
بِذِكْرِهِمْ فَهُمْ عَنْ ذِكْرِهِمْ مُعْرِضُونَ ﴿٧١﴾

71. Агар ҳақ уларнинг ҳавойи нафсларига эргашса, албатта, осмонлару ер ва улардаги кимсалар фасодга учрар эди. Йўқ! Биз уларга ўз шарафларини келтирдик. Улар эса, шарафларидан юз ўгирмоқдалар.

Ҳақ битта, яъни, Аллоҳнинг динидир. Ҳамма ҳаққа эргашмоғи лозим. Аммо кофирлар ҳақни чегараламоқчи бўладилар. Ҳақни ўз хоҳишларига бўйсундиришни истайдилар. Мушриклар ҳақ ўзларининг ҳавойи нафсларига эргашшини хоҳлайдилар. Шунинг учун ҳам: менимча, дин ундоқ бўлиши керак ёки бундоқ бўлиши лозим, пистон нарса билан чегараланиши зарур, дейдилар.

«Агар ҳақ уларнинг ҳавойи нафсларига эргашса, албатта, осмонлару ер ва улардаги кимсалар фасодга учрар эди.»

Чунки, ҳақ битта, одамларнинг ҳавойи нафслари эса, чексиздир. Шунинг учун ҳам, ҳавойи нафс ила ҳақиқатга эришиб бўлмайди. Қачон ҳавойи нафснинг кўйига тушилса, фасодга учралади. Фасодга учрамаслик учун ҳақ одамларнинг ҳавойи нафсига эмас, балки одамларнинг ҳавойи нафслари ҳаққа тобе бўлиши керак. Одамлар динни эмас, дин одамларни чегаралаши лозим. Аллоҳдан келган ҳақ — Ислом одамларни йўлга солиши керак. Аммо одамлар у ҳақдан — Исломдан юз ўгирмоқдалар. Ҳақни — Исломни ҳавойи нафсларига эргаштиришни истайдилар.

«Йўқ!»

Уларнинг бу ишлари нотўғри! Ҳақдан юз ўгиришлари ҳам, ҳақни ҳавойи нафсларига тобе қилмоқчи бўлишлари ҳам нотўғри!

«Биз уларга ўз шарафларини келтирдик.»

Биз келтирган Қуръон – Ислом – ҳақ улар учун шарафдир. Ким ҳаққа эргашса, амал қилса, шон-шарафга эга бўлади.

«Улар эса, шарафларидан юз ўтирмақдалар.»

Уларнинг Аллоҳ таоло динидан юз ўтиришлари ўзларига аталган шон-шарафдан юз ўтиришларидир.

Биз «шараф» деб таржима қилган сўз оятда «зикр» лафзи билан келган. «Зикр» эслаш, ёд қилиш маъносини ҳам англатади. Бу оятда одамлар томонидан зикр қилиб юриладиган даражада мартабага эриштирадиган нарса кўзда тутилганини эътиборга олган уламоларимиз бу оятдаги «зикр»ни «шараф» деб таъвийл қилганлар. Мисол учун, араблар Исломгача инсоният тарихида ҳеч зикр этилмас эди. Исломдан сўнг улар зикрга эришдилар. Бутун дунё уларни зикр қиладиган бўлди. Бу эса, улар учун шарафдир.

Шундай экан, хўш, улар нима учун Исломдан юз ўтирмақдалар?

أَمْ تَسْأَلُهُمْ خَرْجًا فَخَرَجَ رِيكًا خَيْرٌ وَهُوَ خَيْرُ الرِّزْقَيْنِ ﴿٧٢﴾

72. Ёки сен улардан харож сўраясанми?! Бас, Роббингнинг харожи яхшироқдир. У зот энг яхши ризқ бергувчидир.

Яъни, эй Пайғамбар, нима учун улар ҳақдан юз ўтирадилар?! Ёки сен ҳаққа чақирганинг эвазига улардан сарф-харажат, молу дунё сўраясанми? Сенга уларнинг харожининг кераги йўқ.

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг ҳеч бирлари, хусусан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам даъватлари эвазига инсонлардан бирор нарса тамаъ қилмаганларини Аллоҳ яхши билади. Аммо бу ердаги савол кофирларнинг шундай даъволарининг асоссизлигини исботлаш учундир. Зеро:

«Бас, Роббингнинг харожи яхшироқдир».

Сенга даъватинг учун ажрни Роббинг беради. Роббинг берадиган ажр эса, ҳамма ажрлардан яхшидир. Чунки:

«У зот энг яхши ризқ бергувчидир».

Ундан бошқа ризқ берувчи йўқдир.

Улар нима учун ҳақдан юз ўтирадилар? Ёки сен уларни ёмон йўлга чақирмақдамисан?

وَإِنَّكَ لَتَدْعُوهُمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٧٣﴾

73. Албатта, сен уларни тўғри йўлга чақирасан.

Сенинг ишинг тўғри йўлга чақиради.

وَالَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ عَنِ الصِّرَاطِ لَنُكَيِّبُنَّ

74. Албатта, охиратга иймон келтирмайдиганлар бу йўлдан озгувчидирлар.

Кофир ва мушрикларнинг ҳақдан юз ўтиришларининг асосий сабабларидан бири шулдир. Улар охиратга иймон келтирмайдилар. Қиёмат бўлишига, ўлганлар қайта тирилишига, ҳисоб-китоб бўлишига, жазо ва мукофот берилишига ишонмайдилар. Шунинг учун, Ислоннинг тўғри йўлидан юрмай, ундан оғиб, бошқа томон кетадилар.

Ана ўшандай кишилар қалби тош, ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган махлуққа айланиб қоладилар. Яхши неъмат етса ҳам, ибрат олмайдилар. Ёмон мусийбатга учраса ҳам, ўзларига келмайдилар. Саркашликлариди, туғёнларида бардавом бўлаверади.

وَلَوْ رَحِمْنَاهُمْ وَكَشَفْنَا مَا بِهِمْ مِنْ ضُرِّ الْجَوَانِي طَغَيْنَاهُمْ يَعْمَهُونَ

75. Агар уларга раҳим қилиб, уларга етган зарарни кушойиш қилсак ҳам, туғёнларида бардавом бўлиб, адашиб-улоқиб юраверади.

Инсонга етадиган мусийбат, қийинчиликлар турлича бўлади. Баъзи бир мусийбат ва қийинчиликлар кишининг покланиши ва юқори даражаларга етиши йўлида хизмат қилади. Бу хил мусийбатлар одатда аҳли солиҳ, мужоҳид кишиларга етади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадисларида: «Мусулмон кишига ташвиш, ғам, қийинчилик етса, ҳаттоки бир тикон кирса ҳам, Аллоҳ таоло ўшанинг сабабидан хатоларини кечиради», деганлар.

Баъзан мусийбат ва офатлар ҳаддан ошган кишини тўғри йўлга солиш хизматини ўтайди. Ўзини билганлар мусийбат етиши билан дарҳол тавба қилиб, ўзини ўнглайди, тўғри йўлга тушиб олади.

Ўзини билмаганлар эса, ҳаддан ошиб, саркашлик қилади. Ўнглашни ўзига эп кўрмайди. Одатда, бундай тоифалар ризқи мўл-кўл, ҳукми, султони ёйилган одамлар ичида кўпроқ бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши турган қурайшликлар ана ўшандай тоифадан эдилар. Уларнинг кибру ҳавоси оламни тутар эди. Ҳақнинг йўлига тўсиқ бўлган эдилар. Ҳатто, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қарши: «Эй бор Худоё, менга уларнинг устида ўзинг Юсуфнинг (қаҳатчилик) йилларига ўхшаш йиллар билан ёрдам бергин», деб дуои бад қилишга мажбур бўлдилар. Аллоҳ таоло бу дуони қабул қилди. Қурайшни қаҳатчилик ва очарчиликка дучор этди. Улар

ўлимтик гўшгларни, итларни едилар, ҳаттоки, жун билан терини қўшиб қонга булаб, қовуриб едилар. Лекин шунда ҳам иймонга келмадилар. Аллоҳ таоло ана ўшаларга ва уларга ўхшаганларга ишора этиб:

«Агар уларга раҳим қилиб, уларга етган зарарни кушойиш қилсак ҳам, тугёнларида бардавом бўлиб адашиб-улоқиб юраверадилар», дейди.

Ҳа, Қурайш кофирлари ҳам тугёнларида бардавом бўлиб, адашиб-улоқиб, қарийб йигирма йил Исломга, Қуръонга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга душманлик қилиб юрдилар.

وَلَقَدْ أَخَذْنَاهُمْ بِالْعَذَابِ فَمَا اسْتَكَانُوا لِرَبِّهِمْ وَمَا يَنْضَعُونَ

76. Батаҳқиқ, Биз уларни азоб ила тутдик, бас, улар Роббиларига бўйин ҳам эгмадилар, тазарруъ ҳам қилмадилар.

Аллоҳга бўйин эгиш, У зотга тазарру этиш Аллоҳга тавба қилишни билдиради. Аммо тугёнга кетиб, адашиб-улоқиб, ғафлатда юрганларда бу сезги бўлмайди. Улар Роббиларига бўйин ҳам эгмай, тавба-тазарру ҳам қилмай юраверадилар.

حَتَّىٰ إِذَا فَتَحْنَا عَلَيْهِم بَابًا ذَا عَذَابٍ شَدِيدٍ إِذْ هُمْ فِيهِ مُبْسُونَ

77. Токи қачон уларга шиддатли азоб эшигини очганимизда, тўсатдан ноумид бўлгувчилардир.

Яъни, охират азобига дучор бўлганларидагина уларнинг ақллари киради.

Аммо ушбу таҳдид билан бирга таълим-тарбияга, ақлини пешлашга даъват ҳам давом этаверади. Шунинг учун, келгуси оятларда Аллоҳ одамларга берган неъматлар эсга олинади. Уларнинг қандай яратилганликлари, уларга кечаю кундуз, қуёшу ой қандай бўйсундириб қўйилгани ҳамда уларга кўз, қулоқ ва қалблар қандай берилгани зикр қилинади. Сўнгра, уларга мушрикликлари ақлга тўғри келмаслиги ва нотўғри тафаккур оқибати эканини фош этувчи учта савол берилади. Уларни тавҳидга ихлос қилишга даъват этилади.

وَهُوَ الَّذِي أَنشَأَ لَكُمُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَالْأَفْئِدَةَ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ

78. У зот сизга қулоқни, кўзлару қалбларни пайдо қилган зот. Нақадар оз шукр қилурсиз!

Аллоҳ таоло сизга эшитишингиз учун қулоқни, кўришингиз учун кўзларни, идрок этишингиз учун қалбни берган зот. Агар сиз инсоф қилсангиз, ақл ишлатиб, фикр юритсангиз, ўша неъматларнинг шукри учуноқ Аллоҳга иймон келтириб, ибодат қилиб ўтишингиз керак эди. Чунки мазкур нарсаларни ўзингиз пайдо қила олмайсиз, Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зот ҳам уларни сизга яратиб бера билмайди. Аммо сиз ношукрсиз, шунинг учун Аллоҳга ибодат қилмайсиз. Унга ширк келтирасиз.

وَهُوَ الَّذِي ذَرَأَكُمْ فِي الْأَرْضِ وَإِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٧٩﴾

79. У зот сизларни ер юзида яратиб, таратгандир. Ва Унгагина тўпланурсизлар.

Аллоҳ сизларни йўқдан бор қилиб яратган, ер юзида таратган зотдир. Шунинг учун ҳам, унга иймон келтириб, ибодат қилмоғингиз лозим. Ҳамда қиёмат кунида:

«...Унгагина тўпланурсизлар».

Шунда Аллоҳ сизларни саволга тутиб, ҳисоб-китоб қилади ва жазо ёки мукофот беради. Шунинг учун ҳам, унга иймон келтириб, ибодат қилмоғингиз лозим.

وَهُوَ الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ وَلَهُ اخْتَلَفُ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٨٠﴾

80. У зот тирилтирур ва ўлдирур. Кечаю кундузнинг алмашиниши ҳам Унга оид. Наҳотки ақл юритмасангиз?

Ҳар лаҳзада қанчадан-қанча жонзот тирилиб, дунёга келмоқда, ҳар лаҳзада қанчадан-қанча жонзот ўлиб, дунёдан кетмоқда. Уларни тирилтираётган ҳам, ўлдираётган ҳам Аллоҳ. Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зот ҳаёт ва ўлим ишига аралаша олмайди. Жумладан, сизнинг ҳаётингиз ҳам, ўлимингиз ҳам Аллоҳнинг амри ила бўлади. Бинобарин, сиз У зотга иймон келтириб, ибодат қилмоғингиз лозим.

«Кечаю кундузнинг алмашиниши ҳам Унга оид.»

Доимий алмашиниб турадиган кеча билан кундузни олинг. Уларнинг улкан неъмат эканини ўйланг. Агар Аллоҳ уларни яратмаса, алмашиниб турадиган қилиб қўймаса, ҳеч бир зот бу ишни бажара олмаслигини ўйланг. Ана ўшанда Аллоҳга иймон келтириб, ибодат қиласиз.

«Наҳотки ақл юритмасангиз?»

Агар улар ақл юритсалар, шунча далил ва ҳужжатлардан кейин, албатта, Аллоҳга иймон келтирган ва ибодат қилган бўлар эдилар.

بَلْ قَالُوا مِثْلَ مَا قَالِ الْأَوَّلُونَ ﴿٨١﴾

81. Йўқ! Улар аввалгилар айтган нарсага ўхшаш нарсани айтдилар.

Шунчалик ҳужжат-далиллар туриб, улар ақл юритмадилар, иймонга келмадилар. Бунинг ўрнига:

«Улар аввалгилар айтган нарсага ўхшаш нарсани айтдилар».

Ўзларига ўхшаган кофирларнинг сўзларига ўхшаш гапни айтдилар.

قَالُوا أَءِذَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظْمًا إِذْنَا لَمَبْعُوثُونَ ﴿٨٢﴾

82. Улар: «Биз ўлиб, тупроқ ва суяк бўлганимиздан кейин ҳам-а? Биз, албатта, қайта тириштирилувчимизми-а?»

لَقَدْ وَعَدْنَا نَحْنُ وَءَابَاؤُنَا هَذَا مِنْ قَبْلُ إِنْ هَذَا إِلَّا أَسْطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٨٣﴾

83. Батаҳқиқ, бизга ҳам, бундан олдин ота-боболаримизга ҳам бу ваъда қилинган эди. Бу аввалгиларнинг афсонасидан бошқа нарса эмас», дедилар.

Юқоридаги далиллардан кейин уларнинг бу гапни айтишлари жуда ҳам ғариб ва аҳмоқонадир. Улар ўлгандан кейин қайта тирилишларини инкор этибгина қолмасдан, балки бу башоратни масхара ҳам қилдилар. Уни «афсона» деб айтдилар.

Шу ерга келганда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга, мушрикларнинг мантиққа тўғри келмайдиган ишлар қилаётганларини фош этиш учун, қуйидаги уч саволни беришни буюрди.

قُلْ لِمَنِ الْأَرْضُ وَمَنْ فِيهَا إِنْ كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٨٤﴾

84. Сен: «Агар билсангиз, ер ва ундаги кимсалар кимникидир?» деб айт.

Ернинг эгаси ким, ер юзидаги кимсаларнинг эгаси ким, деб сўраулардан.

سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٨٥﴾

85. Улар: «Аллоҳникидир», дерлар. Сен: «Наҳотки эслатма олмасангиз?!» дегин.

Яъни, улар ер ва ундаги кимсалар Аллоҳникидир, уларнинг эгаси Аллоҳдир, деб тан оладилар. Ягона Аллоҳга иймон келтиришдан бош тортиб туриб, Аллоҳ ернинг ва ундаги кимсаларнинг эгаси эканига иқрор бўладилар. Бу ерда мантиқ қани? Ахир, ер ҳам, ундаги кимсалар ҳам Аллоҳники эканини билар экансизлар:

«Наҳотки эслатма олмасангиз?!»

Наҳотки шуни била туриб, Аллоҳга иймон келтирмасангиз? Наҳотки шуни била туриб, Аллоҳнинг китобига, Пайғамбарига иймон келтирмасангиз? Наҳотки, шуни била туриб, Аллоҳнинг динига юрмасангиз, шариатига амал қилмасангиз?

قُلْ مَنْ رَبُّ السَّمَوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ

86. Сен: «Етти осмоннинг Робби ким? Улуғ аршнинг Робби ким?» деб айт.

Эй Пайғамбар, сен ўша мушриклардан «Етти осмоннинг Робби, яратгувчиси, тадбирини қилгувчиси ким?» деб сўра. «Улуғ Аршнинг Робби, яратгувчиси, тадбирини қилгувчиси ким?» деб сўра. Етти осмонни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ярата олмаслигини заррача бўлса-да ақли бор одам билади. Жумладан, ўша мушриклар ҳам биладилар. Етти осмоннинг тадбирини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қила олмаслигини эса ҳеч ким, жумладан, ўша мушриклар ҳам инкор қилмайдилар. Шунингдек, улуғ Аршнинг Робби Аллоҳ эканини ҳам биладилар. Шунинг учун:

سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تَنْقُوتُونَ

87. Улар: «Аллоҳникидир», дерлар. Сен: «Наҳотки қўрқмасангиз?!» деб айт.

Яъни, ўша мушриклар, «Етти осмон ва улуғ арш Аллоҳникидир» деб жавоб берадилар.

Уларнинг бу жавоблари уларнинг қилаётган ишлари ақлга ҳам, мантиққа ҳам, воқеликка ҳам тўғри келмаслигини кўрсатади.

Эй, мушриклар, етти осмон ва улуғ арш Аллоҳники эканини билар экансизлар, нима учун У зотга иймон келтирмайсизлар?

«Наҳотки қўрқмасангиз?!»

Аллоҳнинг шунчалик қудратга эга эканини кўриб билиб туриб, унга куфр келтирасиз-а?! Наҳотки, У зотнинг азобидан қўрқмасангиз?!

Эй Пайғамбар!

قُلْ مَنْ بِيَدِهِ مَلَكُوتُ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ يُجِيرُ وَلَا يُجَارُ عَلَيْهِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ

88. Сен: «Агар билсангиз (айтинг-чи), ҳар бир нарсанинг мулки қўлида бўлган, Ўзи ҳимоя қиладиган ва Ундан ҳимоя қилинмайдиган зот ким?!» деб айт.

Эй мушриклар, агар билсангиз, айтинг-чи, дунёдаги ҳамма нарсанинг тўлиқ мулки қўлида бўлган зот ким? Ҳаммани Ўз ҳимоясига оладиган, бошқа ҳеч ким Ундан ҳимоя қилина олмайдиган зот ким? Яъни, хоҳлаган кишисини Ўз ҳимоясига ола биладиган, бошқалар Ундан ҳимоялана олмайдиган зот ким?

سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ فَأَنَّى تُسْحَرُونَ

89. Улар: «Аллоҳникидир», дерлар. Сен: «Қандоқ ҳам сеҳрланмоқдасиз-а?!» деб айт.

Эй Пайғамбар, сенинг бу саволингга улар: Бу мазкур нарсалар ҳам «Аллоҳникидир», деб жавоб берулар. Шунда сен:

«Қандоқ ҳам сеҳрланмоқдасиз-а?!» деб айт».

Агар ўша нарсалар Аллоҳники эканини билсангиз, нима учун Аллоҳга иймон келтирмаяпсиз?! Кофир ҳолингизда юрибсиз?! Буни фақат сеҳрланган одам қилиши мумкин, холос. Сиз қандоқ ҳам сеҳрлангансиз-а?!

Ушбу саволлар мушрикларга, Аллоҳга ширк келтирадиганларга берилмоқда. Бунда Аллоҳга турли-туман бут-санамларни ширк келтирадиганлар ҳам, аҳли китоб бўла туриб, Аллоҳга баъзи шахсларни ширк келтирадиганлар ҳам баробардирлар. Чунки, уларнинг ҳаммаси Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зот бирор нарсани ярата олмаслигини, бирор нарсага молик бўла олмаслигини билгани ҳолда, Аллоҳнинг ваҳдониятига эмас, ширкка қараб юрадилар. Улар бу ишни ҳужжат, далил йўқлигидан қиладиларми?

بَلْ أَتَيْنَهُم بِالْحَقِّ وَإِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ

90. Йўқ! Биз уларга ҳақни келтирдик. Улар эса ёлғончилардир. «Йўқ!»

Улар истасалар, ҳужжат, далил етарли?

«Биз уларга ҳақни келтирдик.»

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган ҳақ дин, тавҳид дини турибди.

Ана ўша ҳаққа эргашсалар, бўлар эди.

«Улар эса, ёлғончилардир.»

Ёлғонни тўқиб ширк келтирмоқдалар. Аллоҳнинг боласи бор, у билан бирга бошқа илоҳ бор, демоқдалар.

مَا أَخَذَ اللَّهُ مِنْ وَلَدٍ وَمَا كَانَ مَعَهُ مِنْ إِلَهٍ إِذًا لَذَهَبَ كُلُّ إِلَهٍ بِمَا خَلَقَ وَلَعَلَّ
بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا يُصِفُونَ ﴿٩١﴾

91. Аллоҳ ҳеч бир фарзанд тутмаган, У билан бирга ҳеч бир илоҳ бўлмаган. Шундоқ бўлганида, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсаси билан кетиб, баъзилари баъзиларидан устун келар эди. Аллоҳ улар қилаётган васфдан пок бўлди.

Мушрикларнинг эътиқодлари мутлақо нотўғридир.

Ҳеч қачон **«Аллоҳ ҳеч бир фарзанд тутмаган...»**

Унинг ўғли ҳам, қизи ҳам йўқ. Бўлмаган ҳам.

Шунингдек:

«...У билан бирга ҳеч бир илоҳ бўлмаган.»

Аллоҳ таолога илоҳликда шериклик қиладиган ҳеч бир зот умуман бўлмаган. Бу, ақлга ҳам, мантиққа ҳам тўғри келмайди.

«Шундоқ бўлганида, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсаси билан кетиб, баъзилари баъзиларидан устун келар эди.»

Яъни, агар Аллоҳдан бошқа яна илоҳ бўлганида, у ҳам ўзига бирор нарсаларни яратган бўлар эди. Бинобарин, ўша яратган нарсасини тасарруф ҳам қилиши керак бўларди. Оқибатда, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсани ўзича тасарруф қилавериб, дунёнинг низоми бузилар эди. Ҳар бир илоҳ ўзиникини ўтказаман деб уриниши натижасида ораларида низо чиқар, баъзилари баъзиларидан устун келар эди. Дунё низоми бузилар эди. Аллоҳнинг шериги борлиги ҳақидаги ақийданинг нотўғрилигини шундан билиб олса ҳам бўлади. Бу ақийда Аллоҳдек зотга айб, нуқсонни васф қилишдир.

«Аллоҳ улар қилаётган васфдан пок бўлди.»

عَلِمِ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ فَتَعَلَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٩٢﴾

92. У зот ғайбни ва ҳозирни билгувчидир. У зот улар ширк келтираётган нарсадан олийдир.

Аллоҳ таоло ҳамма нарсани — ғайбни ҳам, ҳозирни ҳам билгувчи зотдир. У зот мушриклар ширк келтираётган нарсадан олийдир.

قُلْ رَبِّ اِمَّا تَرِيَّ مَا يُوعَدُونَ ﴿٩٣﴾

93. Сен: «Эй Роббим, агар менга уларга ваъда қилинган нарса-ни кўрсатадиган бўлсанг,

رَبِّ فَلَا تَجْعَلْنِي فِي الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿٩٤﴾

94. Эй Роббим, мени золим қавмлар ичида қилмагин», деб айт.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилган бу амрда Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга келажақда бўлиши мумкин нарсадан паноҳ тилаб дуо қилишни ўргатмоқда.

«Эй Роббим, агар менга, албатта, уларга ваъда қилинган нарса-ни кўрсатадиган бўлсанг...»

Яъни, сен мушрикларга ваъда қилинган азобни уларга тушириб, мен уни кўрадиган бўлсам,

«...Эй Роббим мени золим қавмлар ичида қилмагин».

Яъни, мени ҳам улар билан азобга дучор қилмагин.

Албатта, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам маъсум-дирлар, у киши азобга дучор бўлмасликлари аниқ. Уламоларимиз Аллоҳ таоло оят нозил қилиб у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга бу дуони ўргатишининг иккита ҳикмати борлигини айтганлар.

Биринчиси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тавозуълари ва бандаликларини изҳор қилишдир.

Иккинчиси, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ум-матларига таълимдир.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинаётган хитобни давом эттиради:

وَإِنَّا عَلَىٰ أَنْ نُرِيكَ مَا نَعِدُهُمْ لَقَدِيرُونَ ﴿٩٥﴾

95. Албатта, Биз уларга ваъда қилаётган нарсамизни сенга кўрсатишга қодирмиз.

Яъни, эй Муҳаммад, албатта, Биз мушрикларга ваъда қилаётган азобимизни келтириб, уларни қандоқ азоблашни сенга кўрсатишга қодирмиз. Бу осон иш.

ادْفَعْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ السَّيِّئَةِ نَحْنُ أَعْلَمُ بِمَا يَصِفُونَ ﴿٩٦﴾

96. Сен эса, ёмонликни гўзал нарса ила дафъ қил. Биз нима васф қилаётганларини яхши билгувчимиз.

Эй Пайғамбар, сен уларнинг ёмонликларига яхшилик билан жавоб қайтар. Шунда гўзал бўлади. Улар Бизни қандоқ ёмон сифатлар билан васф қилаётганларини билиб турибмиз. Улар билан Ўзимиз билиб ҳисоб-китоб қилиб оламиз.

Ушбу оятлар Маккада нозил бўлган. Ўша вақтдаги сиёсат шундан иборат эди.

Эй Муҳаммад!

وَقُلْ رَبِّ اَعُوذُ بِكَ مِنْ هَمَزَاتِ الشَّيْطَانِ ﴿١٧﴾

97. Сен: «Эй Роббим, Сендан шайтонларнинг васвасасидан паноҳ сўрайман!»

وَاعُوذُ بِكَ رَبِّ اَنْ يَّحْضُرُونِ ﴿١٨﴾

98. Эй Роббим, Сендан уларнинг менга ҳозир бўлишларидан паноҳ сўрайман», деб айт.

Бу амр ҳам, худди аввалгиси каби, маъсум, шайтон васвасига учишдан Аллоҳ томонидан сақланган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тавозуъ ва бандаликларини изҳор қилиш ҳамда умматларига таълим бериш учундир.

Кейинги оятларда мушрикларнинг оқибати қандай тугаши баён қилинади.

Мушриклар бу дунёдан ўзларининг ақлга ҳам, мантиққа ҳам тўғри келмайдиган эътиқодларига маҳкам ёпишиб ўтаверадилар.

حَتَّىٰ اِذَا جَاءَ اَحَدَهُمُ الْمَوْتُ قَالَ رَبِّ ارْجِعُونِ ﴿١٩﴾

99. Токи улардан бирига ўлим келган чоғда: «Эй Роббим, мени қайтаргин.

لَعَلِّيْ اَعْمَلُ صَالِحًا فِيمَا تَرَكْتُ كَلَّا اِنَّهَا كَلِمَةٌ هُوَ قَائِلُهَا وَمِنْ وَرَائِهِمْ بَرْزَخٌ اِلَى يَوْمِ

يَبْعَثُوْنَ ﴿٢٠﴾

100. Шоядки, тарк қилган нарсамда солиҳ амал қилсам», дер. Йўқ! Албатта, бу (қуруқ) сўз бўлиб, у айтгувчи, холос. Уларнинг ортида қайта тириладиган кунларигача тўсиқ бордир.

Мушрикларнинг ҳар бирига ўлим келганда, ҳақиқатни тушуниб этади, аҳволи чатоқлиги кўзига кўринади, ўтказган умрига афсус-надоматлар қилиб, ўлим талвасасида:

«Эй Роббим, мени қайтаргин. Шоядки, тарк қилган нарсамда солиҳ амал қилсам», дер».

У, Аллоҳдан ўзини дунё ҳаётига яна қайтаришини сўраб ёлворади. Агар қайтса, солиҳ амаллар қилишга ваъда беради.

«Йўқ!»

Энди ортга қайтиш йўқ. Энди вақт ўтди. Мушрикнинг ўлим талвасасида айтаётган гапидир бу.

«Албатта, бу (қуруқ) сўз бўлиб, у айтгувчи, холос.»

Бу эътиборга лойиқ сўз эмас. Унинг айтувчиси ҳам ҳеч нарсага арзимади.

«Уларнинг ортида қайта тириладиган кунларигача тўсиқ бордир.»

Улар бу дунёни тарк этиб ҳаётдан кўз юмдиларми, тамом, орқаларидан тўсиқ пайдо бўлади. Энди, то қиёмат бўлиб, қайта тирилмагунларича, ҳаётга қайта олмайдилар. Улар олдидаги тўсиқ «Барзах» деб аталади. Барзахдаги одам на бу дунёга ва на у дунёга тегишли бўлади. Бу дунёдан ўтиб, у дунёни кутиб турган бўлади. Кофир ва мушриклар бу ерда қиёматгача доимий азобда турадилар.

فَإِذَا نُفِخَ فِي الصُّورِ فَلَا أَنْسَابَ بَيْنَهُمْ يَوْمَئِذٍ وَلَا يَتَسَاءَلُونَ

101. Бас, қачонки сурга пуфланганда, у кунда ораларида на насаб қолур ва на бир-бирларини суриштирурлар.

Яъни, қиёматдан дарак бергувчи сурга пуфланган пайтда ҳар ким ўзи билан овора бўлиб, одамлар орасида наслу насаб алоқалари қолмайди ва ҳамма отаси, онаси, ака-укаси, бола-чақасидан қочадиган бўлиб қолади.

«...ва на бир-бирларини суриштирурлар.»

«Фалончи қаерда қолди? Пистончига нима бўлди?» дейиш ҳам бирининг хаёлига келмай қолади.

فَمَنْ ثَقَلَتْ مَوَازِينُهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

102. Кимнинг мезонлари оғир келса, бас, ана ўшалар ўзлари нажот топгувчилардир.

Бу дунёнинг амаллари охираат тарозусига қўйилганда, кимнинг мезони оғир келса, ўшаларгина нажот топадилар.

وَمَنْ خَفَّتْ مَوَازِينُهُ فَأُولَٰئِكَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنفُسَهُمْ فِي جَهَنَّمَ خَالِدُونَ ﴿١٠٢﴾

103. Кимнинг мезони енгил келса, бас, ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Жаҳаннамда абадий қолгувчи бўлибдилар.

تَلْفَحُ وُجُوهَهُمُ النَّارُ وَهُمْ فِيهَا كَالِحُونَ ﴿١٠٣﴾

104. Юзларини олов куйдирур. Улар унда бадбашара ҳолда бўлулар.

Жаҳаннамда кофирларнинг юзларини олов куйдириб, бадбашара бўлиб қолишларини имом Термизий ривоят қилган ҳадисда қуйидагича васф қилинади:

«Олов устки лабини бошининг ўртасигача, остки лабини киндигача куйдиради».

Сўнгра уларга қуйидаги итоб айтилади:

أَلَمْ تَكُنْ أَيْتِي تُنَادِي عَلَيْكُمْ فَاذْكُرُوا مَا كُذِّبْتُمْ ﴿١٠٤﴾

105. Сизларга оятларим тиловат қилинган эмасмиди?! Бас, сиз уларни ёлғонга чиқарган эмасмидингиз?!

Ана шунда улар ўз айбларига иқрор бўладилар.

قَالُوا رَبَّنَا غَلَبَتْ عَلَيْنَا شِقْوَتُنَا وَكُنَّا قَوْمًا ضَالِّينَ ﴿١٠٥﴾

106. Улар: «Эй Роббимиз, бадбахтлигимиз ўзимиздан устун келиб, залолатга кетган қавм бўлган эканмиз.

رَبَّنَا أَخْرِجْنَا مِنْهَا فَإِنَّا ظَالِمُونَ ﴿١٠٦﴾

107. Эй Роббимиз, бизни бундан чиқаргин, агар яна (эски ҳолимизга) қайтсак, бас, албатта, золимлардан бўлурмиз», дерлар.

Улар ўзларининг бадбахтликларини ҳам, адашганликларини ҳам тан олиш билан бирга, ўлаётган пайтдаги илтижоларини дўзахда туриб ҳам қиладилар. Аллоҳ таолодан ўзларини дўзахдан чиқариб, дунё ҳаётига қайтаришни сўрайдилар. Агар талаблари амалга ошса, аввалги гуноҳларини такрорламасликка ваъда берадилар. Аммо уларнинг бу илтимослари бажо келтириладими?

Аллоҳ уларнинг бу гапларига нима жавоб қилади?

قَالَ اٰخَسُوْا فِيْهَا وَلَا تَكَلِّمُوْنَ ﴿١٠٨﴾

108. У зот : «У(ер)да хор бўлиб қолаверинг ва Менга гапирманг!

إِنَّهُمْ كَانُوا فَرِيقًا مِّنْ عِبَادِي يَقُولُونَ رَبَّنَا إِنَّا أَمَّا فَاغْفِرْ لَنَا وَأَرْحَمْنَا وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّحِيمِينَ ﴿١٠٨﴾

109. Аниққи, Менинг бандаларимдан бир гуруҳи: «Эй Роббимиз, биз иймон келтирдик. Бизни мағфират қилгин. Бизга раҳим қилгин. Сенинг Ўзинг раҳим қилгувчиларнинг яхшисисан», деган эдилар.

فَاتَّخَذْتُمُوهُمْ سِخْرِيًّا حَتَّىٰ أَنْسَوْكُمُ ذِكْرِي وَكُنْتُمْ مِنْهُمْ تَضْحَكُونَ ﴿١٠٩﴾

110. Бас, сиз уларни масхара қилдингиз. Ҳаттоки, у(иш) сизга Менинг зикримни унуттирди. Сиз улардан кулар эдингиз.

إِنِّي جَزَيْتَهُمُ الْيَوْمَ بِمَا صَبَرُوا أَنَّهُمْ هُمُ الْفَآئِزُونَ ﴿١١٠﴾

111. Албатта, Мен бугун уларни сабр қилганлари учун мукофотладим. Албатта, улар ўзлари ютуққа эришгувчилардир.

Ушбу оятларда мушрикларнинг ўзларини дунё ҳаётига қайтариш тўғрисидаги сўровларига Аллоҳ таолонинг жавоби ва нима учун бундай жавоб бўлганининг шарҳи келмоқда.

Аллоҳ уларнинг мазкур сўровларига жавобан:

«У(ер)да хор бўлиб қолаверинг ва менга гапирманг!» деди.

Яъни, жаҳаннамда хор бўлган ҳолингизда қолаверинг. У ердан чиқмайсиз. Ҳамда Менга гапирманг. Турли сўровлар сўраманг.

Бунинг ўзига яраша сабаби бор.

«Аниққи...»

У дунёда

«...Менинг бандаларимдан бир гуруҳи...»

Яъни, мўмин-мусулмон бандаларим:

«Эй Роббимиз, биз иймон келтирдик».

Биз сенга иймон келтириб, мўмин бўлдик. Умидимиз шулки,

«Бизни мағфират қилгин. Бизга раҳим қилгин».

Бизнинг гуноҳларимизни кечгин. Ўз раҳматингга олгин.

«Сенинг Ўзинг раҳим қилгувчиларнинг яхшисисан», деган эдилар.

«Бас, сиз уларни масхара қилдингиз.»

Ўзингиз кофир бўлганингиз етмаганидек, менга иймон келтириб, илтижо қилган бандаларимни масхара ҳам қилдингиз.

«Ҳаттоки, у(иш) сизга Менинг зикримни унуттирди.»

Уларни масхара қилиш билан овора бўлиб Мени унутдингиз.

«Сиз улардан кулар эдингиз.»

Яъни, сиз ўша бандаларимнинг иймонлари, илтижолари, диндорликлари устидан кулар эдингиз. Мана энди, сизларни бугун дўзахга солдим, азобга гирифтор қилиб жазоладим.

«Албатта, Мен бугун уларни сабр қилганлари учун мукофотладим.»

Жаннатга дохил қилдим.

«Албатта, улар ўзлари ютуққа эришгувчилардир.»

Сўнгра сўзида давом этиб:

قَالَ كَمْ لَبِثْتُمْ فِي الْأَرْضِ عَدَدَ سِنِينَ ﴿١١٢﴾

112. У зот: «Ер юзида неча адад йил қолдингиз?» деди.

قَالُوا الْبَيْتَ أَيَّامًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ فَسَلِ الْعَادِينَ ﴿١١٣﴾

113. Улар: «Бир кун ёки куннинг баъзисича қолдик. Ҳисобловчилардан сўра», дедилар.

Улар ноиложликларидан нима деб жавоб беришни ҳам билмай:

«Бир кун қолдикми ёки унинг баъзисича қолдикми, билмаймиз.

Санаб юрганлардан сўра», дейишди.

قَالَ إِن لَّبِثْتُمْ إِلَّا قَلِيلًا لَّوْ أَن تَكُم كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١١٤﴾

114. У зот: «Агар билсангиз, жуда оз қолдингиз, холос», деди.

Энди кўрадиган кунингизга нисбатан жуда оз қолдингиз.

أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ ﴿١١٥﴾

115. Наҳотки, Бизнинг сизни яратишимиз беҳуда бўлган ва сиз Бизга қайтарилмасиз, деб ҳисобласангиз?!

Эй, мушриклар, наҳотки Биз сизни беҳудага яратган бўлсак? Наҳотки, сиз охиратда Бизга қайтарилмасангиз?!

فَتَعَلَى اللَّهِ الْمَلِكُ الْحَقُّ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْكَبِيرِ ﴿١١٦﴾

116. Бас, ҳақ подшоҳ Аллоҳ юксақдир. Ҳеч бир илоҳ йўқ. Магар У – карамли аршнинг Робби бор.

Бошқа оятда улуғ деб васф қилинган арш бу оятда «карамли» деб васф қилинмоқда. Чунки, Аллоҳнинг раҳмати, хайру баракаси у орқали тушади.

وَمَنْ يَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ لَا بُرْهَانَ لَهُ بِهِ فَإِنَّمَا حِسَابُهُ عِنْدَ رَبِّهِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الْكَافِرُونَ ﴿١١٧﴾

117. Ким Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қилса, бу хусусда ҳеч бир далили йўқдир. Бас, унинг ҳисоби фақат Роббининг ҳузурдадир. Албатта, кофирлар нажот топмаслар.

Аллоҳга бошқа илоҳни шерик этганлар, ҳеч бир далил, ҳужжат-сиз ширк келтирган бўладилар. Ундоқ одамлар билан Аллоҳ таоло Ўзи билиб ҳисоб-китоб қилади.

«Албатта, кофирлар нажот топмаслар.»

Суранинг аввалида мўминларнинг албатта нажот топишлари айтилган эди. Суранинг охирида эса, кофирларнинг нажот топмасликлари таъкидланмоқда.

Ва ниҳоят, охирги оятда Аллоҳ таолодан раҳмат ва мағфират сўраш тавсия қилинмоқда.

Эй Пайғамбар!

وَقُلْ رَبِّ اغْفِرْ وَارْحَمْ وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّحِيمِينَ ﴿١١٨﴾

118. Сен: «Эй Роббим, мағфират қил, раҳим қил. Ўзинг раҳим қилгувчиларнинг яхшисисан», деб айт.

Омийн! Ё арҳамар роҳимийн.



НУР СУРАСИ

Мадийнада нозил бўлган. 64 оятдан иборат.

«Нур» сўзининг маъноси маълум ва машҳурдир. Ушбу сураи кариманинг номи «**Аллоҳ осмонлару ернинг нуридир**» оятидан олингандир.

«Нур» Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан биридир. Нур моддий ва маънавий бўлади, шу билан бирга, у Аллоҳдандир. Зотан, ҳар бир нарсанинг вужудга келиши Аллоҳга боғлиқ. Бутун борлиқ Аллоҳ бор қилса, бор бўлади, бор қилмаса, бўлмайди. Кундузи қуёшдан нур таралиши ҳам Аллоҳдан, кечанинг ой нури билан ёруғ бўлиши ҳам Аллоҳдан. Аллоҳнинг Нур эканлиги сурани ўрганиш жараёнида кенгроқ шарҳланади.

Бу сураи карима Мадийнада нозил бўлган. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Мадийнаи Мунавварада ҳижрий сананинг олтинчи йилида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларидаги мусулмон лашкарлар Бани Мусталақ ғазотидан қайтиб келаётганларида нозил бўлган. Ўша пайтда ёш Ислоом давлати энди қадини тиклаб, бирин-кетин душманларни енгиб, олға қадам босиб бормоқда эди. Мусулмонлар Бадр урушида мушрикларни, Ҳандақ урушида мушрик-яхудий-мунофиқларнинг қўшма кучларини мағлубиятга учратган эдилар. Ўн минг кишилик лашкари ила қақшатқич мағлубиятга учраган душман гуруҳлари мусулмонларга қарши турли услубларни қўллашга ўтдилар. Чунки, улар мусулмонларни бундан бу ёғи фақат қурол кучи ва лашкар билан енгиб бўлмаслигини тушуниб қолган эдилар.

Ҳақиқатда мусулмонлар қурол жиҳатидан жуда кучсиз эдилар. Сон жиҳатидан эса, душманнинг ўндан бирига ҳам тенг келмасдилар. Шунингдек, иқтисодий томондан ҳам мусулмонлар жуда ночор аҳволда эдилар. Лекин мусулмонларнинг бирдан-бир устунликлари бор эди. У ҳам бўлса, иймонлари туфайли эришган маънавий устунлик эди.

Иймон туфайли мусулмонларнинг қалблари пок, ахлоқлари гўзал эди. Иймон туфайли покланган шахслардан пок жамият тузилган эди. Иймон туфайли мусулмонларнинг бирлиги, ички интизоми

мустаҳкам эди. Шунинг учун ҳам, улар ўзларидан кўра сон, иқтисод, куч-қувват жиҳатларидан бир неча ўн марта кўп бўлган душман устидан бирин-кетин ғалаба қозона бошладилар.

Ниҳоят, душман тараф ҳам бу сирни тушуниб етди. Мусулмонларни заифлаштириш учун уларга маънавий зарба беришни режалаштирди. Бунинг учун душман маънавий жиҳатдан кучли бўлишга урингани йўқ. Балки мусулмонларнинг маънавиятини ўзлариникига ўхшатиб бузишга қасд қилди. Бу режани амалга ошириш учун мунофиқларни танлашди. Чунки, мунофиқлар сиртдан ўзларини мусулмон кўрсатиб, мусулмонлар ичига кириб олган эдилар. Бузғунчилик қилиш улар учун жуда ҳам осон эди.

Бу қабиҳ режани амалга ошириш бешинчи ҳижрий сананинг Зулқаъда ойида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнаб бинти Жаҳш онамизга уйланганларида бошланди. Мунофиқлар, «Муҳаммад ўзининг ўғли Зайд ибн Ҳорисанинг хотинини яхши кўриб қолиб, уни талоқ қилдириб, ўзи уйланиб олди», деган ифво ва бўҳтонни тарқатишди. Бу ишда уларга яҳудий ва мушриклар яқиндан ёрдам бердилар. Орада катта фитна чиқди.

Бу борадаги иккинчи ва энг даҳшатли фитнани мунофиқлар Бани Мусталақ ғазотидан кейин уюштиришди.

Бани Мусталақ қавми Бани Ҳузофа қабиласидан бўлиб, Жидда билан Робиф ўртасидаги Мурайсий деган жойда яшар эди. Олтинчи ҳижрий сананинг Шаъбон ойида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бани мусталақликлар мусулмонларга қарши уруш очиш учун куч тўплаётганининг хабари келди. Фитнани ўз ўчоғида ўчириш учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг устларига лашкар тортиб бордилар. Мусулмонлар орасида мунофиқлар ва уларнинг бошлиқлари Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ҳам бор эди. Ушбу сафарда айнан Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг ўзи иккита катта фитнани бошлади.

Йўлда сув бўйига етганларида Жаҳжоҳ ибн Масъуд ва Синон ибн Вабар ал-Жуҳанийлар сув талашиб қолдилар. Ал-Жуҳаний ўз қавмини, яъни, ансорийларни, Жаҳжоҳ ҳам ўз қавмини – муҳожирларни ёрдамга чақирди. Орада ғала-ғовур бошланди. Мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай фурсатдан фойдаланиб, фитна кўзғади. У: «Ҳали шу даражага етишдимми? Юртимизга келиб жойлашишди, кўпайишди, итингни семиртирсанг, ўзингни қопади, дегани шу экан-да, Аллоҳга қасамки, агар Мадийнага қайтсак, иззатли ундан хорни чиқаради», — деди. Кейин атрофига одамларни тўплаб: — «Бунга ўзингиз сабабчисиз. Уларга юртингиздан жой ажратдингиз. Могу дунёингизни тақсимлаб бердингиз. Аллоҳга қасамки, агар уларга бирор нарса бермай қўйсангиз, бошқа ёққа кўчиб кетадилар», — деб, ансо-

рий мусулмонларни муҳожир мусулмонларга қарши гиж-гижлай бошлади. Бу гап Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб борганида, фитнани бостириш учун дарҳол йўлга чиқишни буюрдилар. Чунки, ҳаракатда бўлган одамлар гап-сўзни тез унутар эди.

Йўлда Абдуллоҳ ибн Убай мусулмонларнинг бирлигини бузадиган фитнадан ҳам каттароқ фитнани қўзғади. Қазои ҳожат учун лашкар қароргоҳидан узоқлашган Оиша онамиз бўйниларидаги тақинчоқларини тушириб қўйдилар. Уни излаш билан овора бўлиб, одамларнинг жўнаб кетганидан ҳам беҳабар қолдилар. Қароргоҳга қайтиб келсалар, ҳамма кетиб бўлган. У киши нима қилишларини билмай, бир жойда қимирламай ўтирадилар. Охири ўша жойда қўзлари илинади. Кейин кимнингдир овозидан уйғониб кетадилар. Саҳобалардан биттаси экан. У киши Оиша онамизни туяга миндириб, йўлга тушади. Икковлари қўшинга етиб олишганида, Абдуллоҳ ибн Убай бошлиқ мунофиқлар Оиша онамиз шаънларига бўҳтон уюштирадилар. Фитна катталашиб кетади. Охири, ушбу сура нозил бўлиб, ҳамма нарса ўз ўрнига тушади.

Ислом душманлари мусулмонлар бирлигига футур етказмоқ ва уларнинг ахлоқий-маънавий ҳаётларини бузмоқ учун ҳаракат қилдилар. Бу икки масала ниҳоятда нозик масала эди. Айниқса, иккинчи масалада хусусан Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсларига, у зотнинг энг яқин соҳиблари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ва у кишининг қизлари, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳаралари Оиша онамиз шахсларига катта бўҳтон бор эди.

«Нур» сураси ана шундай масалаларни муолажа этиш учун нозил қилинди.

Мадийнада нозил бўлган бошқа суралар каби, «Нур» сурасида ҳам шариат аҳкомларининг қатъийлиги, одоб-ахлоққа эътибор берилган ҳолда Ислом жамияти қуриш ва уни ривожлантириш масалалари алоҳида таъкидланади.

«Нур» сурасида мўмин-мусулмонларнинг шахсий ва ўзаро муомалалардаги одоблари, бошқаларнинг турар жойларига изн сўраб кириш, қўзини номаҳрамлардан тийиш, зинодан сақланиш, номаҳрамларнинг бир-бирлари билан аралашмаслиги каби масалалар хусусида ҳам сўз кетади. Шунингдек, мусулмон оила учун зарур бўлган иффат, поклик, шариатда мустақийм бўлиш ҳақида гапирилади. Ички низолар ва ахлоқий бузуқликлардан қайтарилади.

Бу сурада шариатда жорий қилинган баъзи жазолар ҳам зикр этилади. Зинокорлик, бировни зинода айблаш каби жиноятларнинг жазоси баён қилинади.

Ушбу сурада оила масаласига кўпроқ эътибор берилгани учун ҳам ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Куфа аҳлига ёзган мактубларида «Аёлларингизга «Нур» сурасини ўргатинглар», деганлар.

Суранинг аввалида унда нималар борлиги ҳақида қисқача хабар берилади. Кейин эса, зино нима, унинг жазоси нимадан иборат, деган саволларга жавоб қилинади, зинокор билан мусулмонлар жамоаси ўртасида ҳеч қандай алоқа бўлиши мумкин эмаслиги баён этилади.

Сўнгра, бировни зинода айблашнинг жазоси қандай бўлиши, бундан эру хотин мустасно экани, шунинг учун уларга «мулоъана» деб номланган чора қўлланиши сўзланади.

Сўнгра эса, ифк – бўҳтон ҳодисаси ва унга алоқадор масалалар келади.

Зино ва унга оид масалалар баён қилиниб бўлгач, бу жинойтнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриш лозимлиги ҳақида сўз кетади. Уй-жойлардаги одоб қандай бўлиши керак, изн сўраб кириш қандай йўлга қўйилиши лозим, кўзни номаҳрамлардан тийиш, зийнатни номаҳрамларга кўрсатмаслик, турмуш қурмаганларни уйлаб қўйиш, аёл-қизларни фоҳиша ишга ундашдан қайтариш, каби масалалар муолажа қилинади.

Кейин эса, сурада зикр этилган одоблар Аллоҳнинг нури билан боғлиқ эканлиги айтилиб, пок оилаларнинг васфи келтирилади. Шунингдек, кофирларнинг амаллари сароб эканлиги баён қилинади. Аллоҳ таолонинг нури бутун борлиқни ва ундаги нарсаларни қоплаб олгани ҳақида сўз кетади.

Шундан сўнг, мунофиқлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат этиш, у зотнинг ҳукми билан иш юритиш одобларига хилоф қилганлари, мўмин-мусулмонларнинг эса, бу хусусда ихлос ила амал қилишлари баён этилади. Бу ихлослари учун уларни ер юзида халифа қилишга, динларига имкон яратишга ва кофирлар устидан нусрат беришга ваъда қилинади.

Суранинг охирларига келиб, оила, қариндош-уруғ ва ёру биродарлар орасидаги борди-келдилар, зиёфат чоғларида ўзни қандай тутиш кераклиги, мусулмон жамоасининг раҳнамоси бўлмиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кўрсатиладиган ҳурмат ва одоблар баён қилинади.

Ва ниҳоят, Аллоҳ таоло осмонлару ернинг молики эканлиги, одамларнинг воқелигини билиб туриши, барчанинг охир-оқибат Аллоҳга қайтиши, ҳисоб-китоб бўлиши яна бир бор эслатиб қўйилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

سُورَةٌ أَنْزَلْنَاهَا وَفَرَضْنَاهَا وَأَنْزَلْنَا فِيهَا آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ

1. (Бу бир) сурадир. Биз уни нозил қилдик. Биз уни фарз қилдик. Биз унда очиқ-ойдин оятларни нозил қилдик. Шоядқи, эсласангиз.

«Сура» сўзи қўрғон маъносидаги арабча «сур» сўзидан олинган бўлиб, Қуръон оятларининг маълум бошланиш ва тугашга эга бўлган, қўрғон каби ажратилган тўпига айтилади.

Аллоҳ таоло ушбу суранинг бошида алоҳида таъкидлаб:

«(Бу бир) сурадир. Биз уни нозил қилдик», демоқда.

Яъни, ушбу сурани Биз ўзимиз нозил қилдик. Биздан ўзга ҳеч ким туширгани йўқ. Шунинг учун унга алоҳида эътибор билан қаранглар, демоқда.

«Биз уни фарз қилдик.»

Яъни, ушбу сурадаги ҳукмларга, кўрсатмаларга амал қилишни бандаларга Биз фарз қилдик. Бу суннат ҳам эмас, оддий бир тавсия ҳам эмас, балки фарздир. Фарз эса, банда қилиши мажбурий бўлган амрдир.

«Биз унда очиқ-ойдин оятларни нозил қилдик.»

Биз ўша сурада очиқ-ойдин оятларни туширдик, уларнинг ҳаммаси равшан, ҳеч бир ноаниқлик йўқ.

«Шоядқи, эсласангиз».

Тушуниб етсангиз ва тўлиқ амал қилсангиз.

Эътиборни жалб қилувчи ушбу муқаддимадан сўнг, асосий мавзуга ўтилади:

الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِائَةَ جَلْدَةٍ وَلَا تَأْخُذْكُمْ بِهِمَا رَأْفَةٌ فِي دِينِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلِيَشْهَدَ عَذَابُهُمَا طَائِفَةٌ مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ

2. Зинокор аёл ва зинокор эркак, икковларидан ҳар бирини юз даррадан уринг. Агар сиз Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган бўлсангиз, сизларни уларга нисбатан Аллоҳнинг динида шафқат тутмасин. Ва уларнинг азобига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар.

Ушбу оятда зикр қилинган юз дарра уриш жазоси оила қурмаганлар учун тайин этилгандир. Яъни, никоҳда бўлмай, эр-хотинлик ҳаётини таниб олмаган кишилар зино қилсалар, ушбу оятнинг ҳукмига биноан уларга юз даррадан урилади.

«Зино» шариатда қуйидагича таърифланади: «Зино – эр кишининг ўз никоҳида бўлмаган аёл билан жинсий алоқа қилишидир». Худди шу маънода зино барча жамиятларда ахлоқий жиҳатдан разилат, диний жиҳатдан гуноҳ, ижтимоий жиҳатдан номуссизлик саналади. Бу умумий қоидадан фақат инсонийлигини йўқотган жамиятларгина четга чиққанлар. Чунки, соф инсоний табиат ҳеч қачон зинони яхшилик сифатида қабул қила олмайди. Зеро, инсониятнинг боқий қолиши, камол топиши учун эркак билан аёлнинг ўртасидаги алоқа доимий ва мустаҳкам аҳду вафо, жамият томонидан кафолатланган аҳду паймон асосида бўлиши керак. Шундай бўлмаса, наслу насаб поклиги ҳам, ота-болалик туйғуси ҳам, оила ҳам, жамият ҳам қолмайди. Инсоният таназзулга юз тутади. Зино поклик ва олиймақомликни йўққа чиқарадиган амалдир. Шунинг учун ҳам, ҳамма халқлар, ҳамма динлар, ҳамма жамиятлар зинони қоралаганлар.

Шу билан бирга, айрим халқлар, динлар, қонунлар зино жазога лойиқми, йўқми, деган масалада ихтилоф қилганлар. Инсоний табиати бузилмаган жамиятлар зинони, ҳеч иккиланмай, «жазога лойиқ иш» деб баҳолаб келганлар. Табиати бузуқ, маънавий покликдан кўра шаҳватга кўпроқ интиладиган жамиятларда эса, зинони иккига бўлишади.

Биринчиси: оддий зино, яъни, эрсиз аёл билан жинсий алоқада бўлиш. Бу зинога эътиборсиз қарашган. Жуда борса, жарима солиш билан чекланганлар.

Иккинчиси: эри бор хотин билан жинсий алоқа қилиш. Бу хилдаги зинони «турмуш ўртоғига хиёнат қилиш» деб аташади. «Хиёнат» қилганларга турли жазолар тайин ҳам этилган. Масалан, қадимги мисрликлар эркакни таёқ билан қаттиқ калтаклашган, хотиннинг бурнини кесишган.

Ҳиндлар зинокор аёлни итларга егизишган, эркакни қиздирилган темир сўрига ётқизиб туриб, атрофидан олов ёқишган.

Рим қонунлари бўйича қадимда зинокорларнинг мол-мулки мусодара этилган, кейинроқ ўлим жазосига ҳукм қилинган, сўнгра умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилган ва ҳоказолар.

Яҳудийларда зинокор ўлимга ҳукм этилган.

Масийҳийларда эса, «оддий» зинога жазо йўқ. Яъни, оилали бўлмаган одам зино қилса, жазо берилмаган. Аммо, оилали киши зино қилса, турмуш ўртоғига хиёнат қилгани учун жазоланган. Агар зинокор эр устидан хотин маҳкамага арз қилса, хоҳласалар, уларни ажратиб қўйиш-

ган. Аммо, эр маҳкамага арз қилиб, ўзига хиёнат қилган хотинидан ажрашиши ва хотини билан зино қилган эрқақдан жарима олиши мумкин. Энг қизиғи шуки, зино хусусида маҳкамага арз қилиб ажрашган эр ҳам, хотин ҳам кейин янги турмуш қуриши мумкин эмас.

Ҳозирги кунда зинога оид барча қонунлар масийҳийликдаги мана шу қоидага асосланган. Зино қораланса ҳам, у жиноят ҳисобланмайди, жазо белгиланмайди. Чунки, мантиқсиз фалсафага биноан, икки тарафнинг розилиги билан бўлган зино жиноят ҳисобланмас экан. Фақат, зўрлаш, розилигини олмасдан туриб, куч ишлатиб зино қилишгина жиноят ҳисобланар эмиш.

Бугунги кунда зино кенг тарқалиб, унинг касофати ҳаммаёқни босиб кетгани ҳам шундан.

Исломда эса, мазкур қонун-қоидаларнинг акси ўлароқ, зино улкан жиноят ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бу жиноят оила кўрган кишилар томонидан содир этилса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига биноан, тошбўрон қилиб ўлдирилади. Бу жазолар турмуш ўртоғига хиёнат қилгани ёки бировнинг номусини поймол этгани учун эмас, балки ҳалол йўл билан қондириши мумкин бўлган шахватини ҳаром йўл билан қондиргани учун берилади.

Агар одамларга шахватларини тартибсиз равишда, хоҳлаган йўл билан қондираверишларига ижозат берилса, тезда инсоният ва унинг маданияти, маънавияти ҳалокатга учрайди. Агар инсон оилавий ҳаётнинг масъулияти, оғирликлари ва машаққатларини бўйнига олмасдан, фақат шахватини қондиришга ҳаракат қиладиган бўлса, ундан ҳеч қачон бола тарбиялашда, оила ва жамиятда бирор фойдали ишни кутиб бўлмайди. Бундай кишилар бир лаҳзалик шахватини қондириш учун ҳамма нарсани қурбон қилишга тайёрдирлар. Шунинг учун ҳам, улар ҳар қандай оғир жазога лойиқ.

Исломда жиноятлар икки хил – банданинг ҳаққига ёки Худонинг ҳаққига қилинган жиноят, деб эътибор қилинади, лекин зино ҳам банданинг ҳаққига, ҳам Худонинг ҳаққига жиноят ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятнинг давомида зинокорларга нисбатан мурасисиз бўлишга чорлайди.

«Агар сиз Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган бўлсангиз, сизларни уларга нисбатан Аллоҳнинг динида шафқат тутмасин. Ва уларнинг азобига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар.»

Зинокорларга нисбатан жазони тўлиғича жорий этишга Аллоҳ таоло Ўзига ва қиёмат кунига бўлган иймонни шарт қилиб қўймоқда. Яъни, агар Аллоҳга ва охират кунига иймонингиз бўлса, зинокорларга тайин қилинган жазони жорий этасиз ва уларга шафқат қилмайсиз, жазосиз қўймайсиз, деганидир. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак,

оятда «сизларни уларга нисбатан Аллоҳнинг динида шафқат тутмасин», дейилмоқда. Мусулмонларга қилинаётган мурожаатда зинокорларга жазони жорий этишлик «Аллоҳнинг дини» деб айтилмоқда. Ҳа, Аллоҳнинг дини, баъзи нобакорлар айтганидек, «ҳар бир кишининг қалбидаги туйғу» эмас. Аксинча, шариат чегарасидан чиққанларни жазога тортиш ҳам намоз, рўза, закот ва ҳаж каби ибодатлардек Аллоҳнинг динидир. Жумладан, зинокорларга шариатда белгиланган жазони ижро этиш – оиласиз зинокорларга юз дарра уриш, оила кўрганларини эса, тошбўрон қилиб ўлдириш ҳам Аллоҳнинг динидир. Бу гаплар қандайдир бир банданинг фикри ёки чиқарган фармони эмас, Аллоҳ таолонинг Қуръонда айтган очиқ-ойдин амридир.

«Уларнинг азобига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар.»

Чунки, бу ҳол бошқаларга ҳам ибрат бўлади. Агар зинокорга дарра урилса, унинг ўзи ҳам, жазолашга гувоҳ бўлганлар ҳам ибрат олиб, бу ишга асло яқин келмайдилар. Агар зинокор тошбўрон қилинса, гувоҳлар ибрат олади, бошқаларга айтиб берадилар ва эшитганлар ҳам ибрат оладилар.

Шу билан бирга, зинокорларни жазолаш халқ тафтиши остида бўлади. Йўқса, ҳукмдорлар «Қамоқхона ичида дарра урдик ёки тошбўрон қилдик», деб ёлғон ахборот бериб, айбдорларни жазоламай қўйишлари ҳам мумкин.

Ислом душманлари бу ҳукмларни ўта шафқатсиз, инсонни ва унинг ҳурриятини хорловчи чоралар, деб баҳолайдилар ва тухмат тошларини отадилар. Аввало, улар ўзлари зинога берилган, шаҳватини ҳамма нарсадан устун қўядиган одамлардир. Қолаверса, улар ҳамма нарсани ўз қаричлари билан ўлчайдилар. Исломнинг зинога бўлган муносабатини фақат тошбўрондан иборат деб тасаввур қиладилар. Лекин Ислом мусулмон жамиятида зино содир бўлмаслиги учун барча чораларни кўргани, шаҳватни ҳалол йўл билан қондиришнинг ҳамма йўллари ошонлаштириб қўйгани, зинокорга нисбатан жазони қандай ҳолатларда жорий қилиши каби кўплаб масалалар ҳақида умуман ҳеч нарса билмайдилар. Ислом душманлари ўз шароитлари ва тошбўронни кўз олдиларига келтирадилар, холос. Уларнинг орасидан зино қилмаган одамни топиш қийин. Шунинг учун ҳам, улар Ислом жорий қилинса, ҳамма тошбўрон остида ўлиб кетиши керак, деб ўйлайдилар.

Лекин аслида шундайми? Йўқ, Ислом инсон ҳурриятини поймол қилмайди. Аксинча, қадрлайди. Шунингдек, бузғунчиликни «ҳуррият» деб эмас, ўз номи билан «бузғунчилик» деб атайти. Зино барча халқлар, динлар, тузумларда бузғунчилик сифатида баҳоланиши олдин ҳам айтиб ўтилди. Қадимдан ҳамма бузғунчилик деб келаётган ишни ҳуррият деб аташ мумкинми?! Инсон шахсига, соғ-

лифига, ахлоқ-одобига, оиласига, наслига, жамиятига битмас-туганмас зарар келтирадиган нарсани ҳуррият деб атаб бўладими?!

Ислом зинога қарши муросасиз чораларни кўриб қўйган. Бунда, энг аввало, инсонларни ёшлиқдан Аллоҳдан қўрқиш, қиёмат куни масъулиятини ҳис этиш, ҳалол-пок яшаш руҳида тарбиялайди. Қолаверса, зино ҳаром иш, катта жиноят эканига урғу бериб, ҳар бир одам фарзандини ундан узоқда бўлишга даъват қилади.

Ислом эркак ва аёлларга шаҳватларини қондиришнинг ҳалол йўли бўлган никоҳни қаттиқ тарғиб қилади ва унинг рўпарасидаги ҳар қандай тўсиқларни олиб ташлайди, осонлик билан никоҳли бўлиш йўллари тийёрлайди. Ҳаттоки, қул ва чўриларнинг ҳам никоҳсиз юрмасликларига алоҳида эътибор беради.

Шу билан бирга, Ислом зинога олиб борадиган барча йўллари беркитади. Мисол учун, аёлларни очиқ-сочиқ ҳолда юриб, жамоли ва қомаги билан эркакларнинг шаҳватини қўзғатмасликка буюради. Номаҳрам эркак ва аёлларнинг аралаш-қуралаш бўлиб юришларини ман қилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Агар бир номаҳрам эркак ва хотин ёлғиз қолсалар, учинчилари шайтон бўлади», деганлар. Яъни, уларни йўлдан уриб, зинога бошлаши мумкин. Шунингдек, Исломда эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам номаҳрамларга шаҳват назари ила қарашлари ҳаром қилинган. Бинобарин, фаҳш гап-сўзлар, ҳикоялар ва қиссалар ҳам ман этилгандир.

Шунча омилларни босиб ўтиб, яна зинога юришни ўзига эп кўрган инсоннинг инсонлиги қоладими? Унинг боридан йўғи яхши эмасми?! Бундай одамлар инсоният танасига тушган қорасон касалига ўхшайди. Улар аста-секин танани ҳалокатга олиб боришлари аниқ-ку! Бутун танани ҳалок қилгандан кўра, қорасон касали теккан аъзонинг ўзини кесиб ташлаган маъқул эмасми?

Албатта, ана шундай қилган маъқулдир.

Ислом дини келган вақтда жоҳилият жамиятида зино кенг тарқалган эди. Унинг турли кўринишлари бор эди. Ҳаттоки, бузук аёллар уйларига байроқ тикиб қўйиб, зинокорларни жалб қилишгача бориб етган эдилар. Ислом бошқа иллатлар каби бу иллатни ҳам аста-секинлик билан муолажа қилди. Аввал зинонинг ёмон амал экани тушунтирилди. Кейин «Нисо» сурасидаги **«Аёлларингиздан фоҳиша ишни қилганларига ўзингиздан тўрт кишини шоҳид қилинг. Бас, агар шоҳидлик берсалар, уларни ўлгунларича ёки Аллоҳ бир йўл қилгунча уйларда ушлаб туринг»**, оятига биноан аёлларни уйга қамаб қўйиш жорий қилинди. Эркакларга нисбатан эса, **«Сизлардан у (зино)ни қилган иккисига озор беринг»** оятига биноан таъзир бериладиган бўлди.

Нихоят, олтинчи ҳижрий санада биз ўрганаётган ушбу оятлар нозил бўлиб, ҳамма нарса ўз ўрнига қўйилди. Аввал айтиб ўтилганидек, бу оятда белгиланган жазолар тўлақонли, тўғри никоҳда бўлмаганлар учун қўлланилади. Шариатда бундай жазоларни «ҳадд» дейилади.

Оила қурган, никоҳда бўлган эркак ва аёллар араб тилида «муҳсан» деб аталади, улардан зино қилганларни тошбўрон қилиш жазоси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари билан собит бўлган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўпгина ҳадисларида никоҳда бўлиб, оилавий турмуш қурган кишилар томонидан зино собит бўлса, уларни тошбўрон қилишга ҳукм чиқарганлари, ҳукмнинг ижросида ўзлари ҳам иштирок этганлари айтиб ўтилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин саҳобалар ва мусулмонларнинг барча авлодлари бу ҳукмга оғишмай амал қилиб келганлар. Бу ҳақдаги ҳадислар ва қиссалар ўрни билан зикр қилинади.

Энди фикҳ олимларимиз шаръий қонун бўйича зинони қандай тушунтиришларини ўрганайлик. Ҳанафий мазҳаби олимлари зинони қуйидагича таърифлайдилар: «Бир эр киши аёл кишини шаръий ақдсиз, эгалик ҳаққисиз ва бу икки нарсанинг шубҳаси бўлмай туриб, олд томонидан яқинлик қилиши зинодир».

Бу таърифга биноан, орқа томондан яқинлашса, зино бўлмайди. У ишни қилган одамга жазо берилади-ю, аммо тошбўронга тутилмайди. Шунингдек, шаръий ақд — никоҳнинг шубҳаси билан, мисол учун, нотўғри никоҳ ила яқинлик қилса ҳам, тошбўрондан бошқа жазога тортилади. «Эгалик ҳаққи» эса, эски вақтлардаги чўри тутишга тегишли. Хожа чўрисидан хотин ўрнида фойдаланишга ҳаққи бор. Аммо эгалик ҳаққи шубҳаси билан, яъни, кимдир ўғлининг чўрисини ўзиники деб ўйлаб яқинлик қилган бўлса, нотўғри ҳисобланади, лекин шубҳа борлиги учун, тошбўрон қилинмайди.

Шаръий қонунга биноан юз дарра уриш ёки тошбўрон қилиш жазоси кимларга нисбатан қўлланилади? Бир одамнинг бегона аёл билан турганини, ўтирганини ёки ётганини эшитибоқ олиб бориб уларга дарра урила бериладими ёки уларни тошбўрон қилинадими? Йўқ, албатта. Шаръий жиҳатдан зино жинояти собит бўлиши учун бир қанча шартлар бор. Жумладан, жиноят қилганликда айбланаётган шахсда маълум бир сифатлар кўрилиши ҳам керак.

Мусулмон, балоғатга етган, ақли ва ҳур кишилар зино қилсагина, жазога тортилади. Мусулмон бўлмаганларнинг исломий жазога тортилиши Ҳанафий мазҳаб уламолари наздида мумкин эмас. Шунингдек, балоғатга етмаганлар ҳам жазоланмайдилар. Ақли йўқ, жинни кишилар ҳам. Ҳур бўлмаган қул кишилар ҳам.

Булар дарра уриш ҳақидаги шартлар. Тошбўрон қилиш учун эса, юқоридаги шартлардан ташқари, зинокор одам тўғри никоҳ ила уйланган ва эр-хотин сифатида ҳаёт кечирган бўлиши керак. Никоҳ ўқитган-у, бирга яшамай, ажрашиб кетган бўлса ҳам, тошбўрон қилинмайди.

Демак, ҳаром йўл билан содир этилган жинсий яқинлик шаръий-қонуний таърифга тўғри келгандагина зино ҳисобланиб, уни содир этган шахс уйланмаган бўлса, юз дарра уриш, уйланган бўлса, тошбўрон жазосига тортилади. Шу ўринда, жинсий жиноят қилган-у, аммо таърифга мос келмайдиган бўлса, нима қилинади, деган савол туғилади.

Бундай ҳолатларда таъзир берилади. Яъни, ҳар бир замоннинг мусулмон ҳокими шароитга, мавжуд ҳолатга қараб, таъзирли жазо белгилайди. Агар дарра уриш билан таъзир бермоқчи бўлса, ўн даррадан оз бўлиши керак. Чунки, имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўн даррадан кўп урилмайди. Магар Аллоҳнинг ҳадди (белгилаган жазоси) бўлсагина урилади», деганлар. Таъзир банда томонидан белгиланадиган жазо бўлгани учун ўн даррадан ошмаслиги керак.

Шунингдек, зинога белгиланган жазо бу жиноятни ихтиёрий равишда содир этган шахсга нисбатан қўлланилади. Зўрланган аёлга жазо берилмайди. Ислонда, умуман, мажбур қилиш орқали содир этилган жиноятлар узрли ҳисобланади.

Имом Термизий Воил ибн Ҳажардан қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида бир аёл намозга келаётганида, бир эркак йўлини тўсиб, уни зўрлади. Хотин дод солди. Эркак қочиб кетди. Бир гуруҳ муҳожирлар етиб келишган эди, аёл, анави одам мени ундай қилди, бундай қилди, деб айтиб берди. Эркакни тутиб келтиришди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлга: «Сен кетавер, Аллоҳ сени мағфират қилди», дедилар. Уни зўрлаган эркакни эса, тошбўрон қилишга буюрдилар».

Бошқа жазо чоралари қатори, зинокорларни жазолаш ҳам Ислон давлати томонидан жорий қилинади. Бунинг учун эса, зино жинояти юқорида зикр этилган шартларни мужассам қилган шахслар томонидан собит бўлиши керак. Зино эса, зинокорнинг иқрор бўлиши ёки тўртта мусулмон одил эркак шахсларнинг гувоҳлик бериши билан собит бўлади. Зинокорнинг иқрори – зино қилганини очиқ-ойдин ибора билан айтмоғидир. Яна, у ўзига ҳаром бўлган аёл билан билиб туриб жинсий алоқа қилганини эътироф этиши керак. Унга биров таъсир ўтказмаган, мажбур қилмаган, ақлу ҳуши жойида бўлиши керак. Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳу ва бошқа баъзи уламолар зинокорнинг иқрори тўрт марта бўлиши керак, дейдилар. Зинокор олдин иқрор бўлиб туриб, кейин иқроридан қайтса ҳам, унга жазо қўлланмайди.

Бу масалада энг машҳур ҳодиса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлиб ўтган Моъиз ибн Молик ал-Асламий ҳодисасидир. Бу ҳодиса барча ҳадис, тафсир ва тарих китобларимизда келтирилгандир. Ҳодисанинг қисқача тафсилоти қуйидагича:

«Моъиз ал-Асламий Ҳуззол ибн Нуъайм исмли киши қарамовидаги етим йигит эди. Ўша жойдаги бир чўри қиз билан зино қилиб қўйди. Ҳуззол уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бориб, қилган ишини ўзи айтиб беришга буюрди. Шояд бунинг учун истиғфор айтсалар, деб ўйлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда ўтирган эдилар, Моъиз олдиларига келди ва:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, таъкидлаб айтаманки, мен зино қилдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан юзларини ўтирдилар ва:

«Шўринг курсин! Ортингга қайт! Аллоҳга истиғфор айтиб, тавба қил», дедилар. У эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рўбарўларига ўтиб:

«Таъкидлаб айтаманки, мен зино қилдим», деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан яна юзларини ўтириб олдилар. У эса, яна рўбарўларига ўтиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мени покланг! Мен зино қилдим», деди. Унга Абу Бакр Сиддиқ:

«Агар тўртинчи бор иқрор бўлсанг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сени, албатта, тошбўрон қиладилар», деди. Аммо у ўз гапида туриб олди:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, шубҳасиз, мен зино қилдим, мени поклаб қўйинг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Эҳтимол ўшандирсан, кучоқлагандирсан ёки қарагандирсан?» — дедилар. У:

«Йўқ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У билан бирга ётдингми?» — деб сўрадилар. У:

«Ҳа», деди. Ул зот:

«Унга яқинлик қилдингми?» — дедилар. У:

«Ҳа», деб жавоб қайтарди. Ул зот:

«Уни ўзингга жамладингми?» — деб сўрадилар. У яна:

«Ҳа», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фақат жинсий яқинликка ишлатиладиган иборани қўладилар. Бошқа ҳеч ерда, ҳеч қачон бу иборани ишлатмаган эдилар. Чунки, бировнинг ўлимига ҳукм чиқариш осон эмас эди. У эса, ўша саволга ҳам:

«Ҳа», деб жавоб берди. Ул зот:

«Сурма чўпи сурмадонга кирганга ўхшаб-а?» — дедилар. У:

«Ҳа», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан:

«Зинони биласанми ўзинг?» — деб сўрадилар. У:

«Ҳа, биламан, мен унга ҳаром алоқа қилдим, эркак ўз хотини билан қилса ҳалол бўладиган алоқани қилдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Никоҳда бўлганмисан?» — дедилар. У:

«Ҳа», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларидаги саҳобалардан:

«Бу ўзи жинни эмасми?» — деб сўрадилар. Улар унинг мажнун эмаслиги ҳақида хабар бердилар. Сўнгра:

«Ароқ ичганинг йўқми?» — деб сўрадилар. Шунда бир одам туриб бориб, унинг оғзини ҳидлаб кўрди. Ундан ароқ ҳиди ҳам келмади. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳуззолга:

«Агар бунни беркитганингда ўзингга яхши бўлар эди», дедилар. Сўнгра тошбўрон қилишга амр этдилар. Мадийнанинг ташқарисида тошбўрон қилинди. У тошбўроннинг аламини тотганда бақира бошлади:

«Эй қавм, мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қайтариб олиб боринглар! Мени қавмим ҳалок қилди, алдашди, мени Расулуллоҳ қатл қилмасликларини айтишган эди!» — деди. Лекин одамлар уни то ўлгунича тошбўрон қилдилар. Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга у тошбўрон алаמידан додлаб, ўлимдан қочгани зикр қилинганида, у зот:

«Кўйиб юборсангиз, Аллоҳга тавба қилса, тавбаси қабул бўлармиди», дедилар».

Иккинчи қисса «Ғомидийа қиссаси» номи билан машҳур бўлган қиссадир.

«Ғомидийа қабиласидан бир аёл келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мени покланг!» — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Шўринг қурсин! Ортингга қайт! Аллоҳга истиғфор айтиб, тавба қил!» — дедилар. У:

«Моъиз ибн Моликни қайтарганга ўхшаб мени ҳам қайтармоқчимисиз?! Зинодан ҳомиладор бўлган аёлни-я?» — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сен-а?!» — дедилар. У:

«Ҳа!» — деди. У зинодан ҳомиладор бўлгани учун Моъизга ўхшатиб узоқ саволга тутмадилар-да:

«Туққунингча бориб тур», дедилар. Туққандан сўнг, аёл боласини кўтариб яна келди. Яна ўзининг тошбўрон этилишини талаб қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Боравер, болангни эмиз, сутдан ажратгунингча юриб тур», дедилар. Боласини сутдан ажратгандан сўнг, яна келди. Боласининг қўлига бир бурда нон бериб қўйган эди. У:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мана, уни сутдан ажратдим. Ўзи овқат-ланадиган бўлди. Энди мени покланг!» — деди. Ул зот болани бошқа бир одамга топширдилар ва аёлни тошбўрон қилишга амр қилдилар. Кўкрагигача чуқурга кўмиб, сўнгра тошбўрон қилинди».

Бу ҳодисалар кўрсатиб турибдики, ҳақиқий мусулмон киши, баъзида ожизлик қилиб, гуноҳ содир этса ҳам, ўзига келганда, гуноҳини ювиш учун ҳар нарсага, ҳатто ўлимга ҳам рози бўлади. Чунки, жиноятчига шаръий жазо берилса, гуноҳи ювилади. Ўша ғомидиййалик аёлни тошбўрон қилинаётганида қони сачраб, кимгадир тегади ва ўша одам аёлни сўқади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша одамга:

«Уни сўкма, у бир тавба қилдики, агар унинг тавбасини ер юзидаги барча одамларга бўлиб берса, етади», деганлар.

Имом Абу Довуд Бурайда ал-Асламий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда: «Биз, Расулуллоҳнинг саҳобалари ғомидиййалик аёл билан Моъиз ибн Молик эътирофларидан қайтганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ортидан куткиламас эдилар, деб юрардик», дейилган.

Дарҳақиқат, шунга ўхшаш ҳодисалар ҳам бўлган.

Имом Муслим, имом Абу Довуд, имом Термизий ва имом Насайий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен шаҳарнинг четида бир аёл билан бирга бўлдим, у билан жинсий алоқа қилмадим-у, бошқасини қилдим. Мана, мен турибман, нима қилсангиз, майли», деди. Умар розияллоҳу анҳу унга:

«Аллоҳ сени беркитибди, сен ҳам ўзингни беркитганинда эди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у одамга ҳеч нарса демадилар. У ўрнидан туриб жўнаб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ортидан бир кишини юбордилар. У бориб, ҳалиги одамни чақирди-да, унга:

«Наҳорнинг икки тарафида ва кечанинг бир қисмида намозни тўкис адо эт. Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказур. Бу, эсловчилар учун эслатмадир», оятини ўқиб берди. У ердаги одамлардан бири:

«Эй, Аллоҳнинг Пайғамбари, бу унинг ўзига хосми?» — деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ! Барча одамларга», дедилар.

Имом Бухорий Анас розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар зикр этилади:

«Бир одам келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга (зино жазосига) лойиқ иш қилдим. Уни менга жорий қилинг», деди. Ул зот ундан у нима эканини сўрамадилар. Намоз вақти бўлди. Ҳалиги одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни ўқиб бўлганларидан сўнг, ҳалиги одам ўрнидан туриб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга лойиқ иш қилдим, менга Аллоҳнинг ҳукмини жорий этинг», деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биз билан намоз ўқидингми?» – дедилар. У:

«Ҳа», деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Батаҳқиқ, Аллоҳ сенинг гуноҳингни мағфират қилди», дедилар.

Ушбу ҳадисларда зинокор ўзининг жиноятига иқрор бўлганда, ундан, шеригинг ким эди, деб сўралмаганига эътибор қилиш керак. Хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, зино қилганини ўзи эътироф этиб келганида, сўраб-суриштириб, уларга жазо берилмоқда, аммо зинони ким билан қилдинг, деб сўралгани йўқ. Бу ҳол зинокорни излаб топишга, текширишга амр қилинмаганини кўрсатади.

Агар, мабодо, зинокор шеригини айтса ҳам, уни дарҳол олиб келиб, жазога тортавермайдилар, балки ундан ҳам сўраб-суриштирилади. Агар иқрор бўлса, жазога тортилади. Иқрор бўлмаса, қўйиб юборилади.

Имом Аҳмад ва имом Абу Довуд Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳодиса шу масалани акс эттирган:

«Бир одам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, зино қилганини ва аёлнинг номини айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одам юбориб, аёлни чақиртириб келдилар ва ундан эркак айтган иш ҳақида сўрадилар. Аёл инкор қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эркакни жазога тортидилар ва аёлни қўйиб юбордилар».

Зино собит бўлишининг иккинчи йўли тўртта одил мусулмон, ҳур эркак кишининг бир жойда, бир хилда гувоҳлик бериши билан бўлади.

Гувоҳлар гувоҳлик берганидан сўнг, уларнинг шахслари текшириб кўрилади. Агар улар одил бўлмасалар, яъни, шариат ишларида камчиликка йўл қўйган, ёлғон гапирган, аввалги берган гувоҳлиги ёлғон чиққан бўлса, гувоҳликлари қабул қилинмайди.

Шунингдек, гувоҳлар эркак билан аёл ўша ишни қилиб турганларини бирдек аниқ кўрган бўлишлари керак. Зино бўлган жой, вақт ҳақидаги гаплари ҳам бир хил чиқиши лозим. Бўлмаса, зино собит бўлмайди.

Шу билан бирга, эри йўқ аёл ҳомиладор бўлиб қолса ҳам, зино қилган деб ҳисобланмайди. Унга дарра урилмайди, тошбўрон ҳам

қилинмайди. Модомики, ўзи иқрор бўлмаса ёки гувоҳлик ила исбот қилинмаса, уни зинокор дейишга изн йўқ. Гарчи эрсиз аёлнинг ҳомиладор бўлишининг ўзи кучли далил бўлса ҳам, лекин мингдан бир эҳтимол билан унинг бачадониға нутфа зинодан эмас, бошқа сабабдан тушиб қолганлиги гумони устун қўйилади.

Бу хил масалаларда шариятнинг умумий қоидалари шундай.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳаддларни (шаръий жазоларни) шубҳали бўлса, қайтаринглар», деганлар.

Имом Термизий ривоят қилган бошқа бир ҳадисда эса: «Иложи борича мусулмонлардан ҳаддларни қайтаринглар. Бирор йўли топилса, қўйиб юборинглар. Албатта, имом (ҳоким)нинг адашиб афв қилиши адашиб жазо беришидан кўра яхшироқдир», деганлар.

Ўтган ҳодисаларни ўрганиш жараёнида зинокорни тошбўрон қилиш ҳақида тасаввур ҳосил бўлди. Кўпчилик бўлиб, эркак кишини ўртача тошлар билан тошбўрон қиладилар, аёл кишини эса, аввал кўкрагигача чуқурга кўмиб туриб, сўнгра тошбўрон қиладилар.

Энди дарра уришга келсак, аввало, дарра теридан ясалган бўлиши керак. Қолаверса, ўта қаттиқ ҳам, ўта юмшоқ ҳам бўлмаслиги лозим. Ургада алам-оғриқ берсин-у, аммо урилаётган шахснинг аъзосига зарар етказмасин. Зотан, дарра уришдан мақсад уни жазолашдир, ўлдириш ёки майиб қилиш эмас. Шунингдек, дарра тугилган ё учлари ажратилиб, аламини зиёда қиладиган бўлмаслиги керак. Урувчи одам ўртача зарба бериши лозим. Жуда қаттиқ ҳам эмас, жуда секин ҳам эмас. Шунингдек, бир жойга такрор-такрор урмайди, балки тарқатиб, ёйиб уради. Юзга, аврат жойга уриш мумкин эмас, бошга ҳам.

Эркак жиноятчини тик турғазиб, аёлни ўтқазиб, дарра урилади. Эркак кишининг қалин кийимлари ечилади. Аёл кишининг қалин кийимлари ечилмайди. Дарра жуда иссиқ ёки жуда совуқ пайтда урилмайди. Шунингдек, жиноятчи боғланиб ёки чўзилтириб қўйилмайди. Баъзи фуқаҳолар юз даррани йигирма даррадан бўлиб-бўлиб, беш кунда урса ҳам бўлади, деганлар. Ҳазрати Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳи) элик даррадан икки кун урса, етарли, деганлар.

Дарра уриш жоҳил, қўпол кишиларга топширилмайди. Балки аҳли илм, шарият ҳукмларини яхши биладиган одамларга топширилади.

Агар жиноятчи бемор бўлса, тузалгунча кутиб турилади. Агар у тузалмайдиган касал бўлса ёки ўта қари одам бўлса, юзта гавронни бир боғ қилиб, бир марта урилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида шундай қилинган. Ҳомиладор ёки эмизикли аёлларни жазолаш боласини туғиб, кўкракдан ажратгунча ортга сурилишини юқорида кўриб ўтдик.

Агар зино гувоҳлик бериш билан исботланиб, жиноятчи тошбўрон қилинадиган бўлса, биринчи тошни гувоҳлар отадилар. Гу-

воҳсиз, фақат иқроор билан собит бўлган бўлса, биринчи тошни ҳукм чиқарган қози отади.

Шариат бўйича, жиноятчиларни жазолаш шундай. Энди шариат душманлари жиноятчиларни қандай жазолаяптилар, ўзлари биладилар.

Тошбўрон қилиб ўлдирилган зинокор барча мусулмонлар каби ювилиб, кафанланиб, жанозаси ўқилиб, мусулмонлар қабристонига кўмилади. Мазкур Моъиз ибн Молик ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши гап айтганлар, жанозасини ўқиганлар ва: «Моъиз ибн Молик учун истиғфор айтинглари, у бир умматга тақсимласа етадиган тавба қилди», деганлар.

Ўзининг маҳрамлари билан зино қилган одамни ҳукумат қаттиқ таъқиб қилади. Имом Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳу: «Бундай кишиларга зинокорнинг жазоси берилади. Агар маҳрамини никоҳлаб олган бўлса, аламли азоб-ла азобланади», деганлар.

Кези келганда, зинодан бошқа жинсий жиноятлар ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўз айтайлик.

Эркак киши билан эркак кишининг жинсий алоқада бўлиши «ли-вота» дейилади. Бу иш энг ёмон гуноҳлардан эканлиги Қуръони Каримда бир неча бор тақдорланган. Лут алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб борган қавм бу амалга ўч бўлган, Аллоҳ таоло уларни ҳалок қилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу жиноятга қаттиқ қарши турганлар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу амални қилган одам ким бўлишидан қатъиназар, уйланганми-уйланмаганми, иккисини ҳам ўлдиришга буюрганлар. Саҳобаи киромлар эса, бу жинояткорларни қандай ўлдириш тўғрисида турли ижтиҳодлар қилганлар. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу уларни қилич билан чопиб ўлдириб, жасадини куйдириб юборишни айтганлар. Ҳазрати Умар ва ҳазрати Усмон (розияллоҳу анҳумо) эса, эски бинонинг тагига ётқизиб туриб, устидан деворни йиқитиб ўлдириш керак, деганлар. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу, юртидаги энг баланд жойдан бошини ерга қилиб ташлаб, кейин тошбўронга тутиш керак, деганлар. Мазҳаб имомлари ҳам шунга ўхшаш фикрлар ила ижтиҳод қилганлар. Имом Абу Ҳанифа «Ҳар замоннинг ҳокими шароитга қараб, бошқалар ҳам ибрат оладиган қилиб жазолайди», деганлар. Баччабозликни одат қилган одамни ўлдириш шартлигини ҳам алоҳида таъкидлайдилар.

Яна айтиб қўйиш лозим бўлган гаплардан бири шуки, эр киши ўз хотинининг орқасига яқинлик қилиши ҳам ҳаромдир.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким аёл кишига ортидан келса, лаънатидир», деганлар.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда эса, Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳайзли аёлга ёки аёл кишининг орқасидан яқинлик қилган ва фолбинга бориб, унга ишонган одам Муҳаммадга нозил этилган нарсага куфр келтирган бўлади», деганлар.

Шунингдек, ҳайвонларга яқинлик қилган одамлар ҳам катта гуноҳкор ва жинойтчи ҳисобланадилар. Баъзи уламолар уларни ҳам зинокор ҳисоблайдилар ва зинонинг жазосига тортилиши зарурлигини таъкидлайдилар.

Аммо Ҳанафий мазҳаби уламолари бу жинойтни қилган одамга ҳоким, қози ёки бошқа масъул кишилар ўзлари билиб таъзир берадилар, деганлар.

Кейинги оятда зино нақадар ёмон амал эканлиги яна ҳам зиёда равишда баён қилинади:

الزَّانِي لَا يَنْكِحُ الْإِزَانِيَةَ أَوْ مُشْرِكَةً وَالزَّانِيَةُ لَا يَنْكِحُهَا إِلَّا زَانٍ أَوْ مُشْرِكٌ وَحُرْمٌ ذَلِكَ عَلَى



3. Зинокор эркак фақат зинокор ёки мушрика аёлга никоҳланур. Зинокор аёлга фақат зинокор ёки мушрик эркак никоҳланур. Бу, мўминларга ҳаром қилинмишдир.

Ушбу ояти кариманинг маъносини англаб етиш учун, аввало, унинг нозил бўлиш сабабини ўрганиб чиқайлик.

Имом Абу Довуд, имом Термизий ва имом Насаий ривоят қилган ҳадисда бу ҳақда қуйидагилар айтилади:

«Марсад ибн Абу Марсад деган киши асирларни (заифлиги туфайли ҳижрат қила олмай, мушриклар қўлига тушиб қолган мусулмонларни) Маккадан Мадийнага олиб келар эди. Маккада Аноқ исмли бузуқ аёл ҳам бор эди. У аёл унга ўйнашлик қиларди. Марсад Маккада бир одамга уни (яъни, ўша одамни) олиб кетиш ҳақида ваъда берган эди. Марсаднинг ўзи бундай ҳикоя қилади: «Ойдин кечада Макка деворларидан бирининг остига келиб турдим. Аноқ келди. Девор остидаги шарпани кўрди. Яқинимга келиб, мени таниди ва:

«Марсадмисан?» — деди. Мен:

«Марсадман», дедим. У:

«Хуш келибсан! Марҳабо, кел, бу кечани бизникида ўтказ», деди. Мен унга:

«Эй Аноқ, Аллоҳ зинони ҳаром қилди», дедим. У эса:

«Эй чодирдагилар! Манави одам асирларингизни олиб кетмоқда!» — деб бақирди. Саккиз киши чиқиб, қувиб қолишди. Мен тоққа

қочдим ва ўша ердаги ғорга беркиниб олдим. Улар келиб, устимда тўхтадилар. Ҳатто, бошимдан сийиб ҳам юборишди. Лекин Аллоҳ уларнинг кўзини кўр қилди, мени кўрмадилар. Сўнгра қайтиб кетдилар. Мен ҳам қайтиб бориб, одамимни топиб, олиб кетдим. Жуда ҳам офир экан. Бир изхир дарахтининг остигача кўтариб бордим-да, қўл-оёғини ечдим. Сўнгра уни Мадийнага олиб бордим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Аноқни никоҳлаб олайми?» деб икки марта айтдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жим бўлиб қолдилар. Менга ҳеч нарса демадилар. Сўнгра:

«Зинокор эркак фақат зинокор ёки мушрика аёлга никоҳланур. Зинокор аёлга фақат зинокор ёки мушрик эркак никоҳланур. Бу, мўминларга ҳаром қилинмишдир» ояти нозил бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Марсад, зинокор эркак фақат зинокор ёки мушрика аёлга никоҳланади, уни никоҳингга олма», дедилар».

Кўриниб турибдики, мўмин эркак ва аёлларга зинокор эркак ва аёллар билан никоҳ алоқаси боғлаш мумкин эмас. Зония аёлга фақат ўзига ўхшаган зинокор ёки мўмин бўлмаган мушрик эркак тенгдир. Шунингдек, зинокор эркакка ўзига ўхшаган зония ёки мўмина бўлмаган мушрика аёл тенгдир. Зинокорга никоҳланиш мўминларга ҳаром қилингандир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида зинокор зино қилаётган пайтида мўминлиги қолмаслигини айтганлар. Биз ўрганаётган ояти каримага биноан, мўминлар ўзларини зинокорлардан, улар билан никоҳда бўлишдан сақлашлари лозим. Чунки, никоҳ муқаддас боғланишдир, зинокорлар унга лойиқ эмаслар. Уларни мусулмонлар никоҳга муносиб билиб, иззат қилишлари нотўғри. Улар ўзларига ўхшаган нопоклар билан алоқада бўлаверсинлар. Аммо бундан зинокор мусулмон аёл мушрик эркак билан турмуш қурса, бўлар экан, деган гап келиб чиқмайди. Мақсад зинонинг нақадар ёмон иш эканини кўрсатишдир.

Дарҳақиқат, зино инсонни ҳайвонга айлантирадиган амалдир. Зинокорлар хоҳишини жиловлай олмаган ҳайвондан фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам, мусулмон жамиятда зино қаттиқ қораланади. Зинокорлар ҳамма тарафдан қадрсизлантириладилар. Мўминларни улар билан никоҳ алоқасида бўлишдан қайтариш ҳам шу мақсадда қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, зинокор ё Ислом жамияти жисмидан умуман олиб ташланади ёки қадрсизлантирилиб, тўлақонли аъзо бўлиш имконидан маҳрум этилади. Кўпчиликнинг гувоҳлигида шарманда қилиниб, дарра урилади. Гувоҳлиги қабул қилинмайдиган бўлади, мўминлар билан никоҳда бўлишдан ман этилади ва ҳоказо.

Зино шунчалик гуноҳ бўлгач, бировни зинода айблаш ҳам оғир гуноҳ ҳисобланади. Ким бировни зинода айбласа, исбот қилиб бериши талаб этилади, исбот қила олмаса, ўзи тухматчи сифатида жазога тортилади.

Келгуси оятда айнан шу масалада сўз юритилади:

وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً وَلَا تَقْبَلُوا لَهُمْ شَهَادَةً أَبَدًا وَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ ﴿٦٨﴾

4. Покиза аёлларга (бўхтон) тоши отиб, сўнгра тўртта гувоҳ келтира олмаганларни саксон дарра уринглар ва уларнинг гувоҳлигини абадий қабул қилманглар. Ана ўшалар фосиқлардир.

إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ وَأَصْلَحُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٦٩﴾

5. Магар бундан кейин тавба қилиб, ўзини ислоҳ қилганлар (мустаснодир). Зеро, Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳимлидир.

Жамиятда ўзига яраша тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, ҳар бир одамнинг қадр-қиймати, ор-номуси ҳимояланган бўлиши керак. Оғзига кучи етмаган вайсақилар ҳар турли гап-сўзлар тарқатиб, одамларнинг обрўйини тўкаверишига йўл қўймастик керак. Айниқса, зинога оид гаплар бировнинг обрўйини тўкиш билан бирга, жамиятда нопок, фаҳш кайфиятни туғдиради. Бўлмағур кишиларнинг уят гаплар тарқатиши, хусусан, ёшлар тарбиясининг бузилишига сабаб бўлади. Ана шунақа вайсақиларнинг тили тийиб қўйилмаса, улар бирга ўнни қўшиб, турли гапларни тарқатаверадилар ва шахсларга ҳам, жамиятга ҳам катта зарар етказадилар. Шунинг учун, шариат ҳукми бўйича, бировни зинода айблаган одамдан бу айбловнинг ростлигига тўртта гувоҳ келтиришлик талаб қилинади. Агар тўртта гувоҳ келтира олмаса, кўпчилик ичида бўхтон қилганликда айбланиб, саксон дарра урилади. Бунинг устига, у Ислом жамиятида ишончсиз кишига айланиб, гувоҳлиги қабул қилинмай қўяди. Бу эса, ўзини билган киши учун одамгарчиликдан чиқиш билан баробардир.

Қуръони Карим бўхтончини «фосиқ», яъни «Аллоҳнинг амридан чиққан одам» деб васф қилмоқда, бу ҳам жуда ёмон сифатдир. Энди бундай одам фақат ихлос билан тавба қилгандагина ва ўзини бутунлай тузатгандагина фосиқликдан чиқиши мумкин. Шунда унинг гувоҳлиги яна қабул қилинадиган бўлади. Демак, фақат тавба қилиши кифоя эмас.

Балки, шу билан бирга, ўзини ўнглаганини жамият аъзоларига амалда кўрсатиши ҳам зарур. Бунинг учун покиза одамни қаерда, кимларнинг олдида, қандай қилиб зинода айблаган бўлса, ўша ерда, ўша одамларнинг олдида, ўшандай қилиб поклайди ва ўзини қоралайди. Сўнгра тавба қилади. Жамият уни бир йил давомида қузатади. Шу муддат ичида ҳақиқатан ўзини тузатиб, шариатга хилоф ишларни қилмаса, ундан фосиқ номи олинади ва гувоҳлиги қабул қилинадиган бўлади.

Шунинг учун, зинони ўз кўзи билан кўрганлар сони тўрт кишига етмаса, жим юришлари лозим. Агар гувоҳлар тўрт кишига етса, бу хабарни одамлар ичида гапириб юрмасдан, ҳукуматга етказиш ва зинокорни жазога тортиш чорасини кўришлари керак. Ана шунда улар тўғри йўл тутган бўладилар.

Ояти каримада:

«Покиза аёлларга (бўхтон) тоши отиб, сўнгра тўртта гувоҳ келтира олмаганларни саксон дарра уринглар», дейилмоқда.

Одатда, аёлларни зинода айблаш кўпроқ бўлгани учун улар зикр қилинмоқда, лекин эркакларни зинода айблаганлардан ҳам тўртта гувоҳ келтириш талаб қилинади, келтира олмасалар, жазога тортиладилар.

Оятда **«тош отиб»** дейилмоқда, яъни, ёмон сўз айтиш тош отишга ўхшатишмоқда, бу ҳам бировни зинода айблаш нақадар ёмон иш эканини кўрсатади.

Сўнгра, айбловчи гапининг ростлигини тасдиқлаш учун тўртта гувоҳ келтириши шарт эканлиги таъкидланмоқда. Шариат ҳукми бўйича, тўртта гувоҳ келтириш фақат зинодагина талаб қилинади. Бошқа ишларда битта ёки иккита гувоҳ кифоя қилади. Бошқа ҳолатларда бўлгани каби, бунда ҳам гувоҳлар текшириб кўрилади, одил бўлмоқлари, шариат ишларига хилоф қилмаган бўлишлари шarti қўйилади.

Бировни зинода айблашни шаръий истилоҳда «қазф» дейилади. Демак, бу оятда гап қазф ҳақида кетмоқда. Бошқа хусусда эмас.

Мисол учун, ўғрилиқ, ароқхўрлик ёки шариат ҳаром қилган бошқа ишлар содир этишда айблов тушадиган бўлса, айбловчи ўз гапини тасдиқлаб бера олмаса, ҳукумат унга нисбатан ўзи билиб жазо қўллайди. Аммо зинода айблаш бўлганда, ушбу оятнинг ҳукмига амал қилиш шарт. Ояти каримадан эркак киши аёл кишини зинода айблаб, унга бўхтон тоши отса, қазф содир бўлади, деган маъно чиқмоқда. Лекин, аслида эса, эркак киши эркак кишини, аёл киши аёл кишини ёки аёл киши эркак кишини қазф қилса ҳам, барибир жазога тортиладилар.

Ояти каримада кўрсатилган жазони қўллаш учун бўхтон қилувчи покиза шахсга нисбатан зино қилганлик айбини қўйган бўлиши шарт. Агар фисқу фужури, зинокорлиги билан танилган одамни айбласа,

унга нисбатан бу жазо қўлланмайди. Балки ўша вақтнинг ҳукумати шароитни ҳисобга олиб, оятдагидан кўра енгилроқ жазо беради. Бир одам бошқасини зинода айблаб, сўнгра тўртта гувоҳ келтира олмаса, дарҳол уни ушлаб, саксон дарра урилавермайди. Балки, бошқа жиноятлардаги, жумладан, зино содир бўлгандаги каби, олдин жиноятчининг, жабрланувчининг шахси ва қилинган жиноят яхшилаб ўрганилади. Шу уч тоифада – жиноят, жиноятчи ва жабрланувчида керакли шартлар топилгандагина жиноятчига жазо берилади.

Жазо жорий этилиши учун жиноятчида қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

1. Жиноятчи балофатга етган бўлиши керак. Агар балофатга етмаган шахс бировни зинода айблаб, бўҳтон қилса, унга нисбатан ушбу оятда зикр қилинган жазо чораси қўлланилмайди. Унга нисбатан ўша давр ҳукумати томонидан таъзир берилади. Албатта, муносиб равишда.

2. Жиноятчи ақлли бўлиши керак. Агар жинни бировни зинода айбласа, унга нисбатан мазкур жазо чораси қўлланилмайди. Шунингдек, бирор нарсанинг таъсирида ҳуши жойида бўлмаган одам бировни зинода айбласа ҳам, узрли ҳисобланади. Лекин ақду ҳуши жойида йўқлиги шариат ҳаром қилган нарсаларнинг истеъмоли туфайли бўлса, унга узр йўқ. Масалан, ароқ ичиб маст бўлган одам бировни зинода айбласа-да, кейин «Мастликда билмай айтиб қўйибман» деса, узри қабул қилинмайди.

3. Жиноятчи ўз ихтиёри билан зинода айблаган бўлиши керак. Агар биров уни мажбур қилган бўлса, ушбу оятда зикр этилган жазога тортилмайди.

4. Жиноятчи жабрланувчининг отаси ёки бобоси бўлмаслиги керак. Оятда зикр этилган жазони қўллаш учун бўҳтон қилинган кишида қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

1. Жабрланувчи оқил бўлиши керак. Агар жинни одамни биров зинода айбласа, унга нисбатан мазкур жазо жорий қилинмайди. Чунки, жинни одамнинг зиноси собит бўлганда ҳам, жазога тортилмайди.

2. Жабрланувчи балофатга етган бўлиши керак. Агар биров кичкина болани зинода айбласа, унга нисбатан оятда зикр этилган жазо жорий қилинмайди. Чунки, кичкина бола шариат ишларига таклиф қилинган эмас, агар, фаразан, зиноси собит бўлса ҳам, жазога тортилмайди ва кишилар ўртасида обрўйи тўкилмайди.

3. Жабрланувчи мусулмон бўлиши шарт. Агар биров мусулмонмас одамни зинода айбласа ёки мусулмон одамни мусулмон бўлишидан олдин зино қилган деса, унга нисбатан мазкур жазо қўлланилмайди.

4. Жабрланувчи ҳур бўлиши керак. Агар бир одам қул ёки чўрини зинода айбласа, унга нисбатан ушбу оятда зикр қилинган жазо қўл-

ланилмайди. Чунки, қул ва чўриларнинг ихтиёрлари ўзларида эмас. Қолаверса, уларга Қуръонда ҳурлар жазосининг ярми тайин қилинган.

5. Жабрланувчи покиза бўлиши, зино ва унинг шубҳасидан узоқда бўлиши лозим. Яъни, умрида зино қилганлиги ҳеч собит бўлмаган ёки шубҳа ҳам туғилмаган бўлиши керак. Шунингдек, зино бўлмаса ҳам, иффатига футур етказадиган турли бўлмағур ишларни қилмаган, иффатини сақлаб юрган одам бўлиши керак.

Демак, мазкур ҳолатларга қараб, жиноятчига нисбатан оятда зикр қилинган жазо қўлланилади ёки таъзир берилади. Таъзир бериш эса, ўша вақтнинг ҳукумати томонидан муносиб равишда белгиланади.

Жиноятчи ва жабрланган тарафларда ҳамма шартлар мавжуд бўлиши билан бирга, жиноятда, яъни, зинода айбланда ҳам маълум бир шартлар кўриниши керак. Агар бу ишда ҳам камчилик бўлса, оятда зикр қилинган жазо чораси татбиқ этилмайди.

Авалло, жиноятчи, яъни, бўҳтончи жабрланувчини, яъни, бўҳтонга учраган шахсни «зино» лафзи билан очиқ-ойдин бўҳтон қилган ва бу ишга гувоҳлар мавжуд бўлиши лозим. Мисол учун, «эй зинокор», «сен зинокорсан» ёки «зинодан бўлган боласан» каби сўзларни одамлар олдида айтган бўлсагина, ҳақд – шаръий жазо қўллашга лойиқ жиноят қилган ҳисобланади.

Агар киноя билан айтган бўлса, мисол учун, «сен фожирсан», «сен фосиқсан», «сен ифлоссан» каби сўзларни ишлатган бўлса, унинг эътиборига боғлиқ бўлади. Зинони эътиборда тутиб айтган бўлса, унга ҳақд қоим қилинади – жазо берилади. Бошқа маънода айтган бўлса, бошқача чора кўрилади.

Шунингдек, бировни баччабозликда айбласа ҳам, зинода айбланган билан баробар бўлади.

Бўҳтончига қарши чора кўришни талаб қилишга фақат жабрланувчи ёки насаби бир, у билан бирга ор-номусга қоладиган шахсина ҳақлидир.

Маҳкамага арз этган одам ҳузурида жиноятчи, яъни, бўҳтон қилган одам тухматга қолган одамнинг фалончи билан зино қилаётганини аниқ кўрганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи тўрт кишини олиб келиши керак. У гувоҳлар зинога гувоҳлик беришда зикр этилган шартларга эга бўлишлари ва ўшандай равишда барча қоидақонунларга риоя қилган ҳолда гувоҳлик беришлари керак. Агар бу иш амалга ошмаса, бўҳтончига саксон дарра урилади.

Иш маҳкамага етиб боргандан кейин кечиб юборишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шикоятчи ҳам, маҳкама ҳам кечиб юбора олмайди, келишиб, босди-босди қилиб ҳам бўлмайди. Баъзи бир тўлов туфайли рози қилиш ҳам бўлмайди. Маҳкамага етган ишда тавба ҳам, истиффор айтиш ҳам, бошқа чоралар ҳам фойда бермайди. Маҳкамага

етмасдан олдин кечирилса, бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳадд (шаръий жазо)ларда ўзаро афв қилинглар, менга етгандан кейин ҳаддни қоим қилиш вожиб бўлиб қолади», деганлар.

Уламоларимиз табиий бир савол пайдо бўлиши мумкинлигини ҳам эътиборга олганлар. Ўша савол қуйидагича:

Бир одам бировнинг зино қилаётганини аниқ кўрса-ю, лекин тўрт кишини гувоҳ келтира олмаса, бу унинг ёлғончи эканига далил эмас-ку, нима учун уни саксон дарра уриб, одамлар ичида шарманда қилиб, гувоҳлигини қабул этмай, «фосиқ» деб эълон этиш керак?

Бу саволга уламоларимиз қуйидагича жавоб берадилар:

Агар бир киши кимнингдир зино қилаётганини кўрса, етарли далили бўлмай туриб, уни одамлар ўртасида тарқатиши хатодир. Бу иши худди бир одам ифлос нарсанинг устида ўтирган-у, ўша ифлос нарсани бошқа томонга тарқатган каби бўлади. Бундай ҳолатда ўша ифлос нарсани етарли ҳужжат-далил билан бир йўла йўқотиш керак. Яъни, давлатга мурожаат қилиб, ҳужжат-далил билан исботлаб, жазосини бериш керак ёки ўз жойида ҳеч ёққа ёйилмай қолиб кетишини таъминлаш керак. Лекин бефойда равишда у ифлос шахсларнинг тегирмонига сув қуймаслик керак. Шунинг учун ҳам, ҳужжат-далилсиз бировни зинода айблаган киши ўзи ростгўй бўлса ҳам, амали фисқ ҳисобланади.

Мазкур ҳолат умумийдир. Лекин бошқача ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Мисол учун: эр ўз хотинини зино устида ушлаб олса, унда қандай бўлади? Бу ҳолат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ҳам бўлган.

Бу ҳақда имом Аҳмад ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Покиза аёлларга (бўхтон) тоши отиб, сўнгра тўртта гувоҳ келтира олмаганларни саксон дарра уринглар ва уларнинг гувоҳлигини абадий қабул қилманглар» ояти нозил бўлганида, ансорийларнинг раҳбари Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, шундай нозил бўлдимми?!» — деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй, ансорийлар жамоаси, раҳбарингизнинг нима деяётганини эшитяпсизларми?!» — дедилар. Улар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, уни маломат қилманг. У жуда ҳам рашкчи. Аллоҳга қасамки, фақат бокира қизларга уйланган. У талоқ қилган аёлга биздан ҳеч ким унинг рашкидан кўрқиб уйлана олмайди», дейишди. Саъд:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, мен, албатта, унинг ҳақ эканини, Аллоҳдан эканини жуда яхши биламан. Лекин менинг ажаб-

ланган жойим шундаки, агар мен бир ифлос аёлни эркак сонлари орасига олиб турганини кўрсам, уни ҳаяжонга солмай, қимирлатмай, бориб тўртта гувоҳ топиб келишим керакми?! Аллоҳга қасамки, мен уларни олиб келгунимча у ишини битириб бўлади-ку?» – деди.

Кўп ўтмасдан Ҳилол ибн Умаййа келди. У кечаси уйига келса, аёли бир эркак билан экан. У ҳодисани икки кўзи билан кўриб, икки қулоғи билан эшитибди. Ҳеч нарса қилмабди. Тонг отиши билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен кечаси ўз аҳлим олдига келиб, унинг олдида бир эркакни кўрдим. Ҳодисани икки кўзим билан кўриб, икки қулоғим билан эшитдим», деди. У келтирган хабар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёқмади, жуда оғир ботди. Ансорийлар Ҳилолнинг атрофига тўпланиб:

«Саъд ибн Убода гапирган гапнинг балосига қолдик, энди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иложсиз Ҳилол ибн Умаййага дарра урадилар, одамлар ичида шарманда этиб, гувоҳлиги ўтмайдиган қиладилар», деб хавотирланишди. Ҳилол эса:

«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таолонинг ўзи бир йўл кўрсатишини умид қиламан», деди. Сўнгра у:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, кўриб турибманки, мен олиб келган нарса сизга оғир ботди. Аллоҳ билади, мен ростгўйдирман», деди. Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга дарра уришни ирода қилиб турганларида, бирдан, Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий тушириб қолди. У кишига ваҳий келаётганини юзлари оқарганидан билиб олишар эди. Ана шунда ушбу оятлар нозил бўлди:

وَالَّذِينَ يَرْمُونَ أَزْوَاجَهُمْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُمْ شُهَدَاءُ إِلَّا أَنفُسُهُمْ فَشَهَادَةُ أَحَدِهِمْ أَرْبَعُ شَهَادَاتٍ بِاللَّهِ إِنَّهُ

لَمِنَ الصَّادِقِينَ

6. Ўз жуфтларига (бўхтон) тоши отиб, фақат ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаганлар эса, бас, улардан ҳар бирининг гувоҳлиги Аллоҳнинг номи ила тўрт марта, албатта, у ростгўйлардан эканлиги ҳақида шохидлик беришдир.

وَالْخَمْسَةَ أَنْ لَعْنَتَ اللَّهِ عَلَيْهِ إِنْ كَانَ مِنَ الْكَاذِبِينَ

7. Бешинчисида эса, агар ёлғончилардан бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлишини (айтишлиқдир).

وَيَذُرُوهَا الْعَذَابَ أَنْ تَشْهَدَ أَرْبَعَ شَهَدَاتٍ بِاللَّهِ إِنَّهُ لَمِنَ الْكٰذِبِينَ ﴿٨﴾

8. Ва у(аёл)дан азобни қайтарадиган нарса Аллоҳнинг номи ила тўрт марта, албатта, у(эр) ёлғончилардандир, деб шоҳидлик беришидир.

وَالْخَمْسَةَ أَنْ غَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهَا إِنْ كَانَ مِنَ الصّٰلِحِينَ ﴿٩﴾

9. Бешинчисида эса, агар у(эр) ростгўйлардан бўлса, ўзи(аёл)га Аллоҳнинг ғазаби бўлишини (айтишлиқдир).

وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ وَأَنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ حَكِيمٌ ﴿١٠﴾

10. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида... Албатта, Аллоҳ тавбаларни кўплаб қабул қилгувчи ва ўта ҳикматли зот бўлмаганида эди...

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ваҳийни қабул қилиб, аввалги ҳолатларига келдилар ва:

«Хурсанд бўл, эй Ҳилол, батаҳқиқ, Аллоҳ сенга кушойиш ва қутулиш берди», дея марҳамат қилдилар. Ҳилол:

«Роббим азза ва жаладан худди шуни умид қилаётган эдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аёлга одам юборинглар», деб айтдилар. Аёлга одам юборилди. У келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икковларига оятларни ўқиб бердилар, иккаласига ҳам насихат қилдилар, охиратнинг азоби бу дунёнинг азобидан шиддатли эканини эслатдилар. Ҳилол:

«Аллоҳга қасамки, эй, Аллоҳнинг Расули, мен у ҳақда рост гапни айтдим», деди. Аёл:

«Ёлғон гапиряпти», деб жавоб қайтарди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икковларини бир-бирларига лаънат айтгизинглар», дедилар. Ҳилолга:

«Сен шоҳидлик бер», дейилди. У ўзи, албатта, ростгўйлардан эканлиги тўғрисида тўрт марта Аллоҳнинг номи ила шоҳидлик берди. Бешинчисига келганда, унга:

«Эй Ҳилол, Аллоҳдан қўрқ! Албатта, бу дунёнинг азоби охиратнинг азобидан енгилдир. Албатта, мана шу сафаргиси сенга азобни вожиб қилгувчидир», дейилди. У:

«Аллоҳга қасамки, менга бу (аёл) сабабли дарра урилмаганидек, Аллоҳ мени азобламайди ҳам», деди ва бешинчисида, агар ёлғончилардан бўлса, ўзига Аллоҳнинг лаънати бўлиши ҳақида шоҳидлик берди. Сўнгра аёлга:

«Аллоҳнинг номи ила, у, албатта, ёлғончилардандир, деб гувоҳлик бер», дейилди. Бешинчисига келганда, унга:

«Аллоҳдан қўрқ! Албатта, бу дунёнинг азоби охиратнинг азобидан енгилдир. Албатта, мана шу сафаргиси сенга азобни вожиб қилгувчидир», деб эслатилди. У бир муддат дудуқланиб қолди, эътироф қилмоқчи ҳам бўлди. Сўнгра, Аллоҳга қасамки, қавмимни шарманда қилмайман, деб бешинчи шаҳодатни, яъни, агар у (эри) ростгўйлардан бўлса, ўзига Аллоҳнинг ғазаби бўлиши ҳақида гувоҳлик берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икковларини ажратдилар. Аёлнинг боласи туғилгандан кейин ота номи билан аталмаслиги, уни зинодан бўлган демаслик, ким шундай деса, унга ҳадд урилиши, эр аёлга уй-жой бермаслиги, таом бериши ҳам вожиб эмаслиги ҳақида ҳукм чиқардилар. Чунки, уларнинг ажрашувлари талоқ ёки вафот туфайли эмас эди. Сўнгра у зот:

«Аёл қизғиш сочли, думбаси кичик, болдири ингичка бола туғса, Ҳилолдан бўлади. Агар қорамтир, жингалак соч, бўлик, икки болдири йўғон ва думбалари катта бола туғса, аёл билан туҳмат қилинаётган шахсдан бўлади», дедилар. Бас, аёл қорамтир рангли, жингалак сочли, бўлик, икки болдири йўғон ва думбалари катта бола туғди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар қасамлар бўлмаганида, мен билан у аёл ўртасида бир иш бўлар эди», дедилар».

Бўлиб ўтган ҳодиса шундан иборат. Ушбу қисса ва у сабабли нозил бўлган ояти карималардан шариятда «мулоъана», яъни бир-бирини лаънатлаш ҳукми ва унинг қандай, қачон, кимларга жорий қилиш шартлари олинган. Баъзи бир қўшимчалар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик вақтларида бўлиб ўтган бошқа ҳодисалардан ўзлаштирилган.

Бу ерда эътибор берадиган жиҳатлардан бири шуки, аввал кишиларни зинода айблаганларга нисбатан жорий қилинадиган жазо ҳақида оят тушиб, кейин савол пайдо бўлди, орада бир ҳодиса юз бериб, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга арз этилди, у зот бир муддат жим қолиб, ҳамма қаттиқ ҳаяжонга тушганидан кейингина эру хотинлар мазкур ҳукмдан истисно эканликлари, улар ўртасида зинода айблаш содир бўлса, бир-бирларини лаънатлашлари ҳақидаги оятлар нозил бўлди.

Ушбу оятлар ҳам бир йўла аввалгилари билан қўшиб нозил этилса бўлмасмиди? Албатта, бўларди? Лекин Аллоҳ таоло Қуръони Каримни бўлак-бўлак қилиб нозил этишининг ҳикматларидан бири худди шу

жойда намоён бўлади. Қуръон фақат назарий эмас, балки, биринчи навбатда, амалий дастурдир. Уни ўқиб, ёд олиб, ўрганиб, тушуниб кўйишнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки унда яшаш керак, ҳар бир оятини ҳаётга татбиқ қилиш керак. Қуръони Каримнинг йигирма уч йил давомида нозил бўлиши ҳам шундандир. Қиёмат кунигача икки дунё бахтсаодатига эришиш дастури бўлмиш бу илоҳий мўъжиза йигирма уч йил давомида нозил бўлган, йигирма уч йил давомида ёд олинган, ўрганилган ва ҳаётга татбиқ қилинган. Унинг татбиқи ҳаётга йўғрилган. Бировни зинода айблаб, сўнгра тўрт гувоҳ олиб келолмаган шахсга саксон дарра уриш, унинг гувоҳлигини абадий қабул этмаслик ва фосиқ деб эълон қилиш ҳақидаги оят тушганидан кейин Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу томонидан савол берилиши ўша пайтдаги барча мусулмонлар ҳаётида ажойиб бир ҳолатни юзага келтирди. Ўта рашкчи бўлган бу улўф саҳобий розияллоҳу анҳу ҳар бир кишининг миясига келадиган саволни журъат қилиб айтишларининг ўзи ҳикматдан ҳоли эмас. Бу ҳикматни эса, фақат Аллоҳ таологина билади. Чунки, Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳунинг саволлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам, Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳунинг қавмига ҳам ёқмади. Шунинг учун, улар Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга узр айтдилар. Аммо бу саволнинг айнан шундай берилишига Аллоҳнинг иродаси кетган эди. Кўп ўтмай, саволда сўралган ҳолат ҳаётда рўй берди. Ҳилол ибн Умаййа розияллоҳу анҳунинг бошига шу савдо тушди. У Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, ҳодисани арз қилди. Мавжуд ҳукм бўйича, унга саксон дарра уриш керак эди. Чунки, хотинини биров билан зино қилганликда айблаган, лекин гапининг ростлигини тасдиқловчи гувоҳлари йўқ эди. Бутун Ислом жамияти шу масаланинг дарди билан яшай бошлади. Ҳамманинг оғзида Ҳилол ибн Умаййа ҳодисаси бўлиб қолди. Ҳамма, энди нима бўлади, деган саволга жавоб қидира бошлади. Баъзилар, энди Ҳилол розияллоҳу анҳуга дарра урилади, дерди. Чунончи, бошқа ривоятларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга: «Ҳужжат келтир, бўлмаса, елканга дарра тушади», деган гаплари айтилган. Зоҳирий ҳукм шу эди. Аммо мантиқ бошқа нарсани тақозо этарди. Чунки, бегона бировнинг зино қилганини кўриб-билиб туриб, етарли шохид бўлмагани учун индамай юриш мумкин, аммо ўз хотинини зино устида ушлаб олиб, гувоҳим йўқ, деб индамай кетиш амри маҳол. Бошқа ривоятларда келгани каби, жим юрса, захар ютгандек бўлиб жим юрар, жим юрмаса, елкасига дарра урилар эди. Шунинг учун ҳам, Ҳилол ибн Умаййа розияллоҳу анҳу ишонч билан, Аллоҳга қасамки, Аллоҳ менга кушойиш беради, деди.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло унга кушойиш берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий келди. Ҳамма нафас ютмай, нима бўли-

шини кутиб туриб қолганида, ҳозир ўрганаётган оятларимиз нозил бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳилолга хушxabар бердилар. Шу билан бирга, ўша ернинг ўзида эндигина нозил бўлган оятларни ҳаётга татбиқ қилиш бошланди. Энди ўйлаб кўрайлик, тушуниш ва амал қилиш учун оятларнинг ушбу тарзда нозил бўлиши яхшими ёки аввалдан ҳукми қабул қилиб олиб, бу нарса воқелиқда қачон бўлар экан, деб ўйлаб юришми? Албатта, Аллоҳ таоло Қуръони Каримни ҳаётга татбиқ қилиш учун қўллаган услуб қулай ва осондир. Шунинг учун, саҳобаи киромлардан содир бўлган, Моъиз ибн Молик, ғомидиййалик аёл ва Ҳилол ибн Умаййаларникига ўхшаш баъзи бир ҳодисаларнинг асл моҳияти якка шахслар ҳаётида содир бўлган гуноҳларни кўрсатиш эмас, балки Қуръони Каримни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича кўргазмали таълимлар бериш эди. Инсоният тарихидаги энг пок, энг тақволи, энг ихлосли, энг иймонли авлод бўлмиш саҳобаи киромлар авлодининг баъзи бир аъзолари томонидан содир этилган бундай хатолар ҳикматдан холи эмас. Аввало, у ҳодисалар банда қай даражага етганда ҳам барибир банда эканини билдирса, иккинчидан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари давомида Қуръонни турмушга тўла татбиқ этиб, намуна сифатида кўрсатишга хизмат қилган.

Энди мазкур ояти карималарни батафсил ўрганишга киришайлик.

«Ўз жуфтларига (бўхтон) тоши отиб, фақат ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаганлар эса, бас, улардан ҳар бирининг гувоҳлиги Аллоҳнинг номи ила тўрт марта, албатта, у ростгўйлардан эканлиги ҳақида шоҳидлик беришдир.»

Ояти каримада эр хотинини зинода айблаши ҳақида сўз кетмоқда. Ҳаётда ҳам шунақа ҳодиса содир бўлган. Ҳилол ибн Умаййа розияллоҳу анҳу хотинининг бегона эркак билан зино қилганини арз этган. Лекин бу нарса, шикоятга фақат эр ҳақли, дегани эмас, балки аёлнинг ҳам арз қилишга ҳаққи бор.

Оятдаги «(бўхтон) тоши отиб», деган жумлани ёлғон ва уйдирма билан айблаш, деб тушунмаслик керак. Араб тилида умуман бировни айблаш «туҳмат», «бўхтон» ўзагидан олинган сўзлар билан ифода этилади. Бегона одамнинг зино қилаётганини кўрдим, деган одам жуда катта даъво қилган бўлади. Чунки, бу даъвога ишониладиган бўлса, бир одамни кўпчилик ичида шарманчасини чиқариб, юз дарра уриш ва бутунлай бадном этиш, ёки тошбўрон қилиб ўлдириб юбориш керак бўлади. Шунинг учун ҳам, бегона одамни зинода айблаган кишидан ўта ишончли далил, тўртта одил гувоҳ келтириш талаб қилинади. Агар у ўша далилни келтирса, зинокорга жазо берилади. Агар у далилни келтира олмаса, туҳматчи сифатида ўзига жазо берилади. Чунки, шундай қилинмаса, одамларнинг бир-бирини зинода айблашлари осон

бўлиб қолади. Аммо эр хотинини ёки хотин эрини зинода айбласалар, бу ишнинг ор-номуси икковларига ҳам тегади. Шунинг учун, бу ҳолатда фақат ночор қолгандагина айблаш мумкин. Айблов фақат бир кишининг, яъни, эр ёки хотиннинг гувоҳлиги билан қабул қилинадиган бўлса, умумий қоида бузилади. Зино фақат тўрт кишининг гувоҳлиги билангина исбот бўлади. Бунинг устига, чиқариладиган ҳукм жуда ҳам оғир. Бировни тошбўрон қилиб, ўлдиришга ҳукм чиқиши керак. Шунинг учун ҳам, бу масалада истисно тариқасида бошқача ҳукм жорий қилинди. Икки тарафнинг розилиги билан жазо охиратга қолдирилади. Яъни, икки томон ҳам ўзининг ҳақ эканлигини, хусуматчи ноҳақ эканини айтиб, агар аксинча бўлса, ўзига Аллоҳнинг лаънати ёки ғазаби ёғилишини сўраб, Аллоҳнинг номи ила қасам ичади.

Зино масаласида арз этилганда, қози эру хотиннинг гапини одамлар олдида эшитади. Уларга ваъз-насихат қилади. Дунёнинг азобидан қўрқиб, ўзини охиратнинг азобига дучор қилиш яхши эмаслигини тушунтиради. Сўнгра эр-хотин ўртасида бир-бирини лаънатлаш — мулоъана бошланади.

Аввал эр «Аллоҳнинг номи ила қасамки, мен ўз хотиним фалончини зинода айблашимда ростгўйлардандирман», деб тўрт марта айтади.

«Бешинчисида эса, агар ёлғончилардан бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлишини (айтишлиқдир).»

Яъни, эр тўрт марта қасам ичиб, юқоридаги гапларни айтганидан сўнг, бешинчисида: «Аллоҳнинг номи ила қасам ичиб айтаманки, агар мен ўз хотиним фалончини зинода айблашимда ёлғончилардан бўлсам, менга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», дейди.

Эрининг шундай қасам ичиши билан хотинга оилали одам зино қилганда бериладиган жазо — тошбўрон вожиб бўлади.

«Ва у(аёл)дан азобни қайтарадиган нарса Аллоҳнинг номи ила тўрт марта, албатта, у(эр) ёлғончилардандир, деб шохидлик беришидир.»

Яъни, аёл кўпчилик олдида, қози ҳузурида тўрт марта «Аллоҳнинг номи ила қасамки, менинг эрим фалончи мени зинода айблашида ёлғончилардандир», деб айтади.

«Бешинчисида эса, агар у(эр) ростгўйлардан бўлса, ўзи(аёл)га Аллоҳнинг ғазаби бўлишини (айтишлиқдир).»

Яъни, аёл бешинчи мартасида «Аллоҳнинг номи ила қасамки, агар эрим фалончи мени зинода айблашида ростгўйлардан бўлса, менга Аллоҳнинг ғазаби бўлсин», деб айтади.

Шу билан мулоъана тамом бўлади. Қози эр билан хотиннинг ажрашганларини эълон қилади.

Албатта, аввалги умумий ва шиддатли ҳукмдан кейинги ҳукм билан эру хотинларнинг истисно қилиниши Аллоҳ таоло томонидан

бандаларга бўлган улуг бир меҳрибонлиқдир. Агар кейинги ҳукм жорий қилинмаганда инсонларга жуда қийин бўларди. Шунинг учун ҳам, оятларнинг охирида:

«Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида... Албатта, Аллоҳ тавбаларни кўплаб қабул қилгувчи ва ўта ҳикматли зот бўлмаганида эди...» дейилмоқда.

Яъни, сизга жуда қийин бўлар эди.

Уламоларимиз мулоъана ҳақида яна бир қанча қоидаларни зикр қилганлар. Жумладан:

1. Эру хотин ўртасидаги мулоъана фақат маҳкамада бўлади.
2. Мулоъана фақат очиқ-ойдин равишда зинода айблангандагина бўлади. Киноя ва ишора билан бўлса, мулоъана қилинмайди.
3. Агар эр хотинини зинода айблаб туриб, ўзини лаънатлашга келганда бош тортса, қамаб қўйилади ва ундан ё мулоъанада қатнашиш, ёки ўзининг ёлғончи эканини эътироф этиш талаб қилинади. Аёлга нисбатан ҳам худди шундай чора қўлланилади.

4. Эр мулоъанада ўзидан талаб қилинган қасамни ичиб бўлганидан кейин хотин мулоъанада иштирок этиши, ёки зино қилганини тан олиши керак.

5. Эр боланинг ўзидан эмаслигини даъво қилса ҳам, мулоъана вожиб бўлади.

Мулоъанадан кейин вужудга келадиган ҳукмлар қуйидагилардан иборат:

1. Мулоъанадан кейин эрга ҳам, хотинга ҳам ҳеч қандай жазо кўрилмайди.

2. Уларнинг ораси абадийликка ажратилади.

3. Эр боланинг насабини инкор қилса, бола аёлга нисбат берилади. Эрга мансуб деб билинмагач, бола ундан мерос олмайди. Балки, онасининг номи билан чақирилади ва ундан мерос олади.

4. Агар мулоъана вақтида аёлнинг зино қилгани билинса ҳам, модомики у мулоъанада қатнашдими, уни зония, боласини валади зино, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ким бу гапни айтса, туҳматчи сифатида жазога тортилади.

5. Ҳар қандай ҳолатда ҳам аёл маҳрини олади.

6. Мулоъанадан кейин аёлга нафақа, турар жой бериш эркакнинг бўйнига вожиб бўлмайди.

Бир одамни зинода айблаш нақадар ёмон иш эканлиги, туҳматчига қанчалик оғир ҳукмлар жорий қилиниши баён этилди. Энди, ҳаётда содир этилган шунақа воқеалардан яна бири мисол тариқасида келтирилади. Аввалги оятларнинг нозил бўлишига ҳаётий воқеалар сабаб бўлгани каби, қуйидаги ояти карималарнинг нозил

бўлишига ҳам шунга ўхшаш воқеалар сабаб бўлган. Тўғрироғи, улардан кўра минг марта хатарлироқ, нозикроқ воқеалар сабаб бўлган. Бу сафар диққат марказида оддий саҳобалардан бири ва унинг оиласи эмас, балки оламларнинг сарвари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг суюкли завжаи мутаҳҳаралари, мўминларнинг онаси, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин дўстларининг қизи Оишаи Сиддиқа турар эдилар. Ислом душманлари ақлий тортишувларда, жанг майдонларида мусулмонлардан устун кела олишларига кўзлари етмаганидан кейин, мусулмонларнинг энг кучли нуқтасини заифлаштириш учун, очиқдан-очиқ иғво, бўҳтон, туҳмат ва уйдирма қилишга ўтдилар.

Гапни бошқа ёққа буриб, ҳақиқатдан четга чиқиш, ёлғондан уйдирма тўқиш, бўҳтон ва иғво қилиш араб тилида «ифк» дейилади. Мунофиқлар Оиша онамизга нисбатан ифк уюштирдилар. Уларнинг ифкига баъзи содда мусулмонлар ҳам қўшилдилар. Орада катта фитна чиқди. Оиша онамизни зино қилганликда айблай бошладилар. У кишига нисбатан ифк – иғво, бўҳтон, туҳмат ва уйдирма уюштирилди. Бу ҳодиса «Ифк ҳодисаси» номи билан машҳурдир. Бу ҳодисанинг тафсилоти барча ишончли масдарларда Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ўзларидан ривоят қилинган. У киши бундай ҳикоя қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга чиқишни ирода қилсалар, хотинлари орасида қуръа ташлар эдилар. Кимга қуръа чиқса, уни ўзлари билан бирга олиб кетар эдилар. Ғазотлардан бирида у зот орамизда қуръа ташладилар. Менга тушди. У киши билан сафарга чиқдим. У вақтда ҳижоб фарз бўлган эди. Мени ҳавдажда (ичига одам тушадиган қилиб тўқилган сават) кўтариб юришар эди. Мен унинг ичига тушиб олар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ғазотларидан фориг бўлгунларича юрдик, сўнгра ортга қайтдик. Мадийнага яқинлашганимизда, кечаси жўнаш ҳақида жар чақирилди. Жўнаш ҳақидаги хабарни етказганларида ўрнимдан туриб, аскарлардан узоқлашдим. Қазои ҳожатдан қайтаётиб, кўксимни ушладим, қарасам, мунчоғим тушиб қолибди. Ортимга қайтиб, уни излай бошладим. Ўша ерда ушланиб қолдим. Мени олиб юрадиган кишилар келиб, ҳавдажимни туямга ортишибди. Улар мени ҳавдаж ичида деб ўйлашибди. Ўша вақтда аёллар енгил бўлишар эди, гўшглари оз эди. Жуда оз таом ер эдик. Одамлар ҳавдажни кўтаришганда, унинг енгиллигига эътибор беришмабди. У вақтда ёшим ҳам кичик эди. Улар туяни жойидан қўзғатиб, жўнаб кетаверибдилар. Мунчоқни топдим. Улар турган жойга келдим. Аскарлар кетиб бўлган экан. Улардан бирор киши қолмабди. Ўша ерда қимирламай туришга қарор қилдим. Улар менинг қолиб кетганимни билиб қайтиб келишади, деб ўйладим. Ўтирган жойимда

кўзим уйқуга илинибди. Сафвон ибн ал-Муъаттал ас-Силмий аскарлардан ортда қолган ва дам олиб, кечроқ жўнашни кўзлаган экан. (Имом Бухорий ривоятларида, аскарларнинг ортидан унутиб қолдирилган нарсаларни йиғиштириб олиб кетишга вазифадор эди, дейилган.) Бас, у мен турган жойга келибди. Ухлаётган одамнинг қорасини кўрибди. Олдимга келиб, мени танибди. Мени таниб, истиржоъ айтганидан (овоз чиқариб: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун!» деганидан) уйғониб кетдим. Дарров жилбобим ила юзимни тўсдим. Аллоҳга қасамки, у менга бирор сўз айтмади. Мен унинг истиржоъидан бошқа ҳеч бир сўзини эшитмадим. У пастга тушиб, туясини чўқтирди. Туянинг олдинги оёқларини жуда пастлатди. Мен туяга миндим. У уловини етаклаб йўлга тушди. Шундай қилиб, аскарларга етиб олдик. Улар кеча охирида тўхтаб, манзилга тушган эканлар.

Менинг тўғримда ким ҳалокатга учраса, учради. Гуноҳнинг каттасини кўтарган Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул бўлди. Мадийнага етиб келдик. Мен у ерда бир ой касал бўлиб ётиб қолдим. Одамлар «Ифк аҳли»нинг гап-сўзларини авж олдиришар, мен эса, ҳеч нарса ни сезмас эдим. Касаллик пайтимда мени шубҳага солган нарса шу эдики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, одатда, касал бўлган чоғларимда бошқача лутф кўрсатар эдилар. Энди бўлса, «Анавунингизнинг ҳоли қандай?» дер эдилар-у, қайтиб чиқиб кетардилар. Мана шу ҳолат мени шубҳага солар эди. Тузалгунимча ҳам ёмонликни сезмабман. Бир куни Умму Мистоҳ билан қазои ҳожат қиладиган жойга чиқдим. Ундай жойларга фақат кечаси чиқар эдик. У вақтларда таҳоратхоналар қилган эмасдик. Арабларнинг эски одалари бўйича, деворларнинг остида қазои ҳожат қилар эдик. Шундай қилиб, мен Умму Мистоҳ билан (у Абу Раҳм ибн Муттолиб ибн Абду Манофнинг қизи, онаси Сахр ибн Омирнинг қизи, Абу Бакр Сиддиқнинг холалари) чиқиб, ҳожатдан қайтиб келаётганимизда Умму Мистоҳ кийимини босиб олиб, қоқилиб кетди ва:

«Мистоҳ ҳалок бўлди!» — деди. Мен унга:

«Жуда ёмон гап айтдинг! Бадрда иштирок этган одамни ҳам сўкасанми?!» — дедим. У:

«Эй азизам, унинг нима деганини эшитганинг йўқми?!» — деди. Мен:

«У нима деди?» — деб сўрадим. У менга ифк аҳлининг гаплари ҳақида хабар берди. Касалимга касал қўшилди. Уйга қайтганимда олдимга Расулуллоҳ кириб:

«Анавунингизнинг ҳоли қандай?» — дедилар. Мен:

«Изн берсангиз, ота-онамнинг олдига борсам», дедим. Ўшанда улардан хабарнинг ҳақиқатини билмоқчи эдим. Менга у зот изн бердилар. Ота-онамнинг олдиларига бордим. Онамга:

«Эй онажон, одамлар нималар дейишмоқда?» – дедим. У киши айтди:

«Эй қизгинам, ўзингни ортиқча қийнама, Аллоҳга қасамки, ҳар бир кўзга яқин аёлни эри яхши кўрса-ю, кундошлари кўп бўлса, шунақа гапни кўпайтириб юборишади». Мен:

«Субҳаналлоҳ! Одамлар шу гапларни гапиришдими-я?!» – дедим. Кечаси билан йиғлаб чиқдим. Тонг отгунча кўз ёшим тўхтамади, кўзимга уйқу ҳам келмади. Кундузи ҳам йиғлай бердим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ваҳий келавермаганидан кейин Али ибн Абу Толиб ва Усома ибн Зайдларни чақириб, аҳлидан ажраш ҳақида маслаҳат қилдилар. Усома Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга у зотнинг аҳлида ҳеч қандай айб кўрмагани ва уларга нисбатан ўзида муҳаббат борлиги ҳақида сўзлади. Усома:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, улар сизнинг аҳлингиз, Аллоҳга қасамки, улар ҳақида фақат яхшиликни биламиз, холос», деди. Али ибн Абу Толиб бўлса:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ сизни сиқиб қўйгани йўқ. Ундан бошқа аёллар ҳам кўп. Жориядан сўранг, айтиб беради», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Барийрани чақириб, ундан:

«Эй Барийра, унда шубҳага соладиган бирор нарса пайқадингми?» – деб сўрадилар. У:

«Йўқ! Сизни Пайғамбар қилиб юборган Зот номи ила қасамки, мен унда кўрган битта айб бор, у ҳам бўлса, ёши кичиклигида ҳамирнинг олдида ухлаб қолиб, қўйга егизиб қўярди, холос», деди. Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бориб, ўша куни Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг узр сўрашини талаб қилдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда туриб:

«Менга аҳлим хусусида озор етказган одамдан ким узр олиб беради? Аллоҳга қасамки, мен ўз аҳлимдан яхшиликдан бошқа нарса кўрмадим. Батаҳқиқ, менга фақат яхшилик қилиб юрган одамни гап қилишди. У менинг аҳлим ҳузурига фақат мен билан кирар эди», дедилар. Шунда Усайд ибн Ҳузайр розияллоҳу анҳу ўрnidан туриб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, мен ундан узр олиб бераман. Агар у Авсдан бўлса, бўйнини узамиз. Агар у биродарларимиз ҳазражийлардан бўлса, нима амр қилсангиз, ўша амрингизни бажарамиз», деди. Ҳазражликларнинг бошлиғи Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу ўрnidан туриб:

«Ёлғон гапирдинг! Аллоҳга қасамки, уни ўлдирмайсан ва унга қодир ҳам эмассан», деди. Бу гапни эшитгандан кейин Усайд ибн Ҳузайр розияллоҳу анҳу Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳуга бундай жавоб қайтарди:

«Сен ёлғон гапирдинг! Аллоҳга қасамки, албатта, уни ўлдирамиз. Сен мунофиқсан! Мунофиқларни ҳимоя қилмоқдасан!» Икки қабила — Авс ва Ҳазраж аччиқланиб, бир-бирлари билан урушиб кетай дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, минбарда туриб, уларни ҳовурларидан туширар эдилар. Ҳаммалари жим бўлгандан кейингина минбардан тушдилар. Ўша кунни ҳам йиғлаб ўтказдим. Кўзимдан ёш тинмади, уйқум яна келмади. Сўнгра кечаси билан ҳам йиғлаб чиқдим. Кўзимдан ёш қуйилаверди, уйқум ҳам келмади. Ота-онам олдимда эдилар. Икки кечаю бир кундуз йиғладим. Йиғлайвериб, жигарим ёрилиб кетса керак, деб ўйлаган эдим.

Ота-онам олдида йиғлаб турган чоғимда ансорлардан бир аёл киришга изн сўради. Унга изн бердим. У ҳам ўтириб, менга қўшилиб йиғлай бошлади. Биз шу ҳолатда турганимиз устига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кириб келдилар. Ўтирдилар. Менинг ҳақимда гап-сўзлар айтилгандан бери ёнимга ўтирмаган эдилар. У кишига бир ой менинг ишим ҳақида ваҳий келмай туриб қолди. Ўтирганларидан кейин ташаҳҳуд айтдилар ва ундан сўнг:

«Менга сенинг ҳақингда шу-шулар етди. Агар сен беайб бўлсанг, Аллоҳ таоло, албатта, сени оқлайди. Агар гуноҳга яқинлашган бўлсанг, Аллоҳга истиғфор айт, унга тавба қил. Чунки, банда гуноҳини эътироф этиб, тавба қилса, Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул этади», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гапларини тамом қилишлари билан кўзёшим таппа-тақ тўхтади. Отамга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган гаплари учун жавоб беринг», дедим. У киши:

«Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нима дейишимни ҳам билмайман», дедилар. Кейин онамга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларига жавоб беринг», дедим. Онам:

«Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нима дейишимни ҳам билмайман», дедилар. Мен ҳали ёш эдим, Қуръондан ҳам кўп ўқимасдим, ўзим гап бошладим:

«Аллоҳга қасамки, билишимча, менинг ҳақимда одамларнинг гапларини эшитдинглар. У гаплар кўксингизда жойлашиб қолди. Унга ишондингизлар ҳам. Агар мен сизларга, мен беайбман, десам, бунга ишонмайсизлар. Агар мен бир ишни эътироф қилсам, Аллоҳ билиб турибдики, мен беайбман, сиз буни тасдиқ этасиз. Аллоҳга қасамки, мен билан сиз ҳозир худди Юсуфнинг отасига ўхшаймиз, у айтган гапларни эсланг:

«(Менинг ишим) гўзал сабр қилишдир. Сизлар васф қилаётган нарсада эса, Аллоҳнинг Ўзи ёрдам сўралгувчидир», дедим. Сўнгра бориб жойимга ётиб олдим. Ҳолбуки, ўша пайтда Аллоҳга қасамки,

ўзимнинг беайб эканимни, албатта, Аллоҳ мени оқлашини, билар эдим. Лекин Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таоло менинг ҳақимда тиловат этиладиган ваҳий туширишини гумон ҳам қилмаган эдим. Ўзимча, менинг ишим Аллоҳ таоло тиловат қиладиган нарсага арзимайдиган иш, деб ўйлардим. Лекин, ўзимча, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир туш кўрсалар-у, ўшанда Аллоҳ мени оқласа, дердим. Аллоҳга қасамки, у зот жойларидан қимирламай, аҳли байтдан бирортаси ташқарига чиқмай туриб, Аллоҳ Пайғамбарига ваҳий нозил қилди. Ул зот ваҳий келганда тушадиган ҳолатга тушдилар. Сўнгра кулиб, оддий ҳолатларига қайтдилар. Ул зотнинг биринчи айтган гаплари менга:

«Эй Оиша! Аллоҳга ҳамд айт! У сени оқлади!» — дейишлик бўлди.

Шунда онам менга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўрнингдан тур!» — дедилар. Мен:

«Аллоҳга қасамки, мен у кишига ўрнимдан турмайман. Аллоҳдан ўзгага ҳамд ҳам айтмайман. Менинг оқловимни нозил қилган зот Удир», дедим. Аллоҳ таоло ушбу ўн оятни нозил қилди.

إِنَّ الَّذِينَ جَاءُوا بِالْإِفْكِ عُصْبَةٌ مِّنْكُمْ لَا تَحْسَبُوهُ شَرًّا لَّكُم بَلْ هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ لِكُلِّ امْرِئٍ مِّنْهُمْ مَا أَكْتَسَبَ مِنَ الْإِثْمِ وَالَّذِي تَوَلَّى كِبْرًا مِنْهُمْ لَهُ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١١﴾

11. Албатта, ифкни келтирганлар ўзингиздан бўлган бир усба (тўда)дир. Уни ўзингизга ёмонлик деб ҳисобламанг. Аксинча, у сиз учун яхшиликдир. Улардан ҳар бир киши учун ўзи қилган касбнинг гуноҳи бордир. Улардан (гуноҳнинг) каттасини кўтарган кимсага буюк азоб бордир.

لَوْلَا إِذْ سَمِعْتُمُوهُ ظَنَّ الْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بِأَنفُسِهِمْ خَيْرًا وَقَالُوا هَذَا إِفْكٌ مُّبِينٌ ﴿١٢﴾

12. У(ифк)ни эшитган вақтингизда мўминлар ва мўминалар ўзлари ҳақида яхши гумонга бориб: «Бу очик-ойдин ифк-ку!» десалар бўлмасмиди?!

لَوْلَا جَاءُوا عَلَيْهِ بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَإِذْ لَمْ يَأْتُوا بِالشَّهَادَةِ فَأُولَئِكَ عِنْدَ اللَّهِ هُمُ الْكٰذِبُونَ ﴿١٣﴾

13. У(ифкчи)лар ўша(ифк)га тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Бас, гувоҳларни келтира олмаган чоғда ана ўшалар ўзлари Аллоҳнинг ҳузурида ёлгончидирлар.

وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ لَمَسَّكُمْ فِي مَا أَفَضْتُمْ فِيهِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٤﴾

14. Агар дунёю охиратда сизларга Аллоҳнинг фазли, марҳамати бўлмаганида, ўзингиз ичига шўнғиган нарса учун сизни, албатта, буюк азоб тутар эди.

إِذْ تَلَقَّوْنَهُ بِالسِّنِّتِ كُمْ وَتَقُولُونَ بِأَفْوَاهِكُمْ مَا لَيْسَ لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ وَتَحْسَبُونَهُ هَيِّنًا وَهُوَ عِنْدَ اللَّهِ عَظِيمٌ ﴿١٥﴾

15. Ўшанда сиз у(ифк)ни тилларингиз ила илиб олар, оғзингиз ила ўзингиз билмаган нарсани гапирар эдингиз ва у (ифк)ни ўзингизга енгил санардингиз. Ҳолбуки, у Аллоҳнинг наздида буюқдир.

وَلَوْلَا إِذْ سَمِعْتُمُوهُ قُلْتُمْ مَا يَكُونُ لَنَا أَنْ نَتَكَلَّمَ بِهَذَا سُبْحَانَكَ هَذَا بُهْتَنٌ عَظِيمٌ ﴿١٦﴾

16. Уни эшитган чоғингизда: «Бизга буни гапирмоғимиз тўғри келмас. Ўзинг поксан! Бу катта бўҳтондир!» десангиз бўлмасмиди?!

يَعِظُكُمُ اللَّهُ أَنْ تَعُودُوا لِمِثْلِهِ أَبَدًا إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١٧﴾

17. Агар мўмин бўлсангиз, ҳаргиз у(ифк)га ўхшаш нарсага қайтмаслигингизни Аллоҳ сизга ваъз-насиҳат қилур.

وَيَبِّئُكُمُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِ وَاللَّهُ عَلَيْهِ حَكِيمٌ ﴿١٨﴾

18. Аллоҳ сизга оятларни баён қилур. Ва Аллоҳ ўта билгувчи, ўта ҳикматли зотдир.

إِنَّ الَّذِينَ يُحِبُّونَ أَنْ تَشِيعَ الْفَاحِشَةُ فِي الَّذِينَ ءَامَنُوا لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿١٩﴾

19. Албатта, иймон келтирганлар ичида фоҳиша тарқалишини яхши кўрадиганларга бу дунёю охиратда аламли азоб бордир. Аллоҳ биладир, сизлар билмассизлар.

وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ وَأَنَّ اللَّهَ رءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٠﴾

**20. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли, марҳамати бўлмаганида...
Ва, албатта, Аллоҳ ўта шафқатли ва раҳимли бўлмаганида...**

﴿٢٠﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّبِعُوا خُطُوبَ الشَّيْطَانِ وَمَنْ يَتَّبِعْ خُطُوبَ الشَّيْطَانِ فَإِنَّهُ يَأْمُرُ بِالْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ مَا زَكَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ أَبَدًا وَلَكِنَّ اللَّهَ يُزَكِّي مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢١﴾

**21. Эй, иймон келтирганлар! Шайтоннинг изидан эргашманг.
Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта, у фоҳиша ва мун-
карга буюрадир. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати
бўлмаганида, абадул-абад ичингиздан бирор киши поклана олмас
эди. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини поклар. Аллоҳ ўта эшит-
гувчи, ўта билгувчи зотдир.**

Оиша онамиз гапларида давом этиб, яна қуйидагиларни айтадилар:
«Аллоҳ таоло мени оқлаш учун ушбу оятларни нозил қилганида
Абу Бакр (у киши қариндош бўлгани ва фақирлиги учун Мистох
ибн Асосага нафақа бериб турардилар): «Аллоҳга қасамки, Оиша
ҳақида қилган гапи учун Мистохга абадий ҳеч нарса бермайман»,
дедилар. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди:

وَلَا يَأْتِلْ أَوْلُوا الْفَضْلِ مِنْكُمْ وَالسَّعَةِ أَنْ يُؤْتُوا أُولَى الْقُرْبَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَالْمُهَاجِرِينَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلْيَعْفُوا وَلْيَصْفَحُوا أَلَا تُحِبُّونَ أَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٢٢﴾

**22. Сизлардан фазл ва бойлик эгаси бўлганлар қариндошлар-
га, мискинларга ва Аллоҳнинг йўлида муҳожир бўлганларга (на-
фақа) бермасликка қасам ичмасинлар, бас, афв этсинлар, ўтиб
юборсинлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилишини хуш кўрмай-
сизларми?! Аллоҳ ўта мағфиратли, ўта раҳимли зотдир.**

Абу Бакр розияллоҳу анҳу дарҳол: «Ҳа! Аллоҳга қасамки, албат-
та, Аллоҳ мени мағфират қилишини хуш кўраман», дедилар ва Мис-
тоҳга бериб юрган нафақаларини қайтадан жорий қилдилар. Сўнгра:
«Аллоҳга қасамки, бу нафақани ундан ҳеч узмайман», дедилар».

Оиша розияллоҳу анҳо яна буларни айтадилар:

«Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг ишим ҳақида Зайнаб бинти Жаҳшдан ҳам сўраган эканлар. Ул зот:

«Эй Зайнаб, нима билгансан, нима кўргансан?» — деб сўрабдилар. Зайнаб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, унинг ҳақида фақат яхшиликни билман», дебди. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари ичида фақат угина мен билан шуҳрат талашар эди. Аммо тақводорлиги туфайли Аллоҳ таоло уни сақлади. Аммо синглиси Ҳамна ифк эгалари билан бирга ҳалок бўлди».

Тарихда «Ифк ҳодисаси» номи ила машҳур бўлган ҳодисанинг тафсилоти мана шулардан иборат. Бу ҳодисадан дунё ларзага тушган. Ифк — гапни бошқа томонга буриш, ифво, бўҳтон, тухмат уйдириш ана шундай ёмон нарса. Мунофиқларнинг тўқиган ифки туфайли нималар бўлмайди дейсиз! Ифк ҳар қандай шахсни ҳам, ҳар қандай жамиятни ҳам катта ташвишга солади. Ифк катта-кичикни ажратиб ўтирмайди, кимга нисбатан уюштирилса, ўшани ташвишга солади. Хаёлини паришон қилади. Дунёдаги энг пок аёллардан бири, энг вафоли ёстикдошлардан биттаси, мўминларнинг онаси, Сарвари Оламнинг суюкли жуфти ҳалоллари, Сиддиқнинг қизи сиддиқа Оиша онамиз ифкка учраб, гапсўз бўлдилар, ўзларининг покликларини очиқ-равшан билиб турганларига қарамай, бу бўҳтондан юрак-бағрилари тилка-пора бўлди. Икки кечаю бир кундуз тинмай йиғладилар, агар Расули Акрам келиб, гап бошламасалар, Аллоҳ билади, яна қанча йиғлар эдилар.

Бу ифк Абу Бакр Сиддиқдек саҳобийни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин дўстларини ҳам паришон қилди. Жигаргўшалари Оиша онамиз йиғлаб келганларида нима қилишни билмай қолдилар. Ҳолбуки, у киши ҳаммага маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб юрган одам эдилар. Оиша онамиз у кишига мурожаат қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларига жавоб беришни сўраганларида, нима дейишимни билмайман, дедилар.

Ҳа, ифк — ифво, бўҳтон, тухмат ана шундай ёмон нарса, ҳар қандай одамни нима дейишини билмайдиган ҳолга солиб қўяди.

Абу Бакр Сиддиқнинг жуфти ҳалоллари, Оиша онамизнинг волидаи меҳрибонлари Умму Руммоннинг ҳолатига қаранг! Дард, аламда ёнаётган жигаргўшасини овутиш учун нима дейишини билмай, кундоши кўп хотин шундай бўлади, дедилар. Ҳолбуки, кундошлар Оиша онамизнинг покликларига Аллоҳнинг номи билан қасам ичиб, гувоҳлик бермоқдалар. Қизини ҳимоя қилишга шунчалик уринаётган одам қизлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларига жавоб қайтаринг, десалар, нима дейишимни билмайман, деганини қаранг!

Ифк — ифво, тухмат, бўҳтонга учраган иккинчи тарафни — Сафвон ибн ал-Муъаттални олайлик. Аллоҳнинг йўлида жиҳод билан

умрини ўтказган, Расули Акрамнинг энг ихлосли, фидойи саҳобаларидан бири. Ана ўшандай тоза, пок, тақводор одам ўзининг Пайғамбарни, йўлбошчиси, устози, шафоатчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суюкли хотинлари билан зино қилганликда тухматга учраб турса!.. Умрида аёл кишининг елкасига қўл теккизмаган одам шундай катта бўҳтонга дучор бўлса!.. Шунинг учун ҳам, чидай олмамай, ифкка қўшилганлардан бири Ҳассон ибн Собит розияллоҳу анҳунинг бошига қилич билан уриб, ўлдириб қўйишига сал қолган.

Ҳазрати Али ибн Абу Толибни, Усома ибн Зайдни, Умму Мистоҳни, Оиша онамизнинг ёнларига кириб қўшилиб йиғлаган ансорий аёлни, Барийрани, Зайнаб бинти Жаҳш онамизни ва бошқаларни қаранг. Қанчалик ташвиш, қанчалик куюниш. Ҳа, Оиша онамизга қарши уйдирилган ифк бутун бир умматни тенгсиз ташвишга солган эди.

Ташвиш чекаётган умматнинг бошида унинг Пайғамбари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам турар эдилар. Чунки, бу ифк аслида Оишаи Сиддиқага эмас, Сафвон розияллоҳу анҳуга ҳам эмас, Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, Сарвари Оламга, Роҳматан лил Оламийнга, Саййидул Мурсалийнга, Хотамун набийинга... қарши қаратилган эди. Ислому душманлари у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилалари орқали шахсларини ёмонотлик қилиб, Ислому динини қораламоқчи, унга футур етказмоқчи бўлдилар. У зоти бобаракот соллаллоҳу алайҳи васаллам ниҳоятда қийин бир ҳолга тушдилар. Гап ҳаммаёққа ёйилиб кетган. Уни рад қилиш учун жуда ҳам кучли далил керак. Лекин қани ўша далил? Бунинг устига, баъзи мусулмонлар, ҳатто Ҳассон ибн Собит, Мистоҳ ибн Асоса каби кўзга кўринган одамлар ҳам ифкка қўшилиб боришмоқда. Аллоҳ таоло томонидан оламларга раҳмат қилиб юборилган зот бўҳтонга учраб, нима қилишларини билмай турибдилар. Ҳали Усома ибн Зайддан, ҳали Али ибн Абу Толибдан, ҳали Барийра исмли асли чўри бўлган аёлдан, ҳали хотинлари Зайнаб бинти Жаҳшдан маслаҳат сўрамоқдалар. Масжидда минбардан туриб, одамлардан ўз аҳлларида учраган мусийбатда ёрдам сўрамоқдалар. Қайнаталари, қайнаналари ҳузурларида энг суюкли хотинлари Оиша онамизга, ростини айт, гуноҳинг бўлса, тавба қил, Аллоҳ тавба қилгани кечиради, деб турибдилар. Бошқа вақтда келиб турган ваҳий ҳам, мана, бир ой бўлибдики, тушмай қўйди.

Аммо бу нарсалар ҳаммаси инсоний ўлчовлар ичидаги ҳолатлардир. Бу ишларнинг ҳеч бири ҳикматдан холи эмас эди. Фақат, ҳодиса шу қадар қутилмаган ва шу қадар таҳликали ва шу қадар оламшумул эдики, ҳамма ўзини йўқотиб қўйди.

Ниҳоят, барча ишни ҳикмат ила қиладиган Аллоҳ таолонинг Ўзи аралашиб, ҳаммасини ўз жойига келтирди. Юқорида зикр этилган

ўн оятда Оиша онамизни оқлади. Ҳамма, ҳатто Оиша онамизнинг ўзлари ҳам, менга оқлов тушди, дедилар. Лекин оятларда Оиша онамизнинг исмлари ҳам, сифатлари ҳам ёки бирорта белги ҳам зикр қилинмаган. Фақат, шунга ўхшаш ҳолатларда қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида умумий қоидалар баён қилинмоқда. Чунки гап, аввал айтилганидек, Оиша онамизнинг шахслари устида эмас, Ислом билан Ислом душманлари орасидаги кураш ҳақида кетмоқда.

Келинг, ушбу оятларни батафсилроқ ўрганиб чиқайлик, бу нарса яна ҳам ойдинлашади.

«Албатта, ифкни келтирганлар ўзингиздан бўлган бир усба (тўда)дир. Уни ўзингизга ёмонлик деб ҳисобламанг. Аксинча, у сиз учун яхшиликдир. Улардан ҳар бир киши учун ўзи қилган касбнинг гуноҳи бордир. Улардан (гуноҳнинг) каттасини кўтарган кимсага буюк азоб бордир.»

Аввал ҳам таъкидлаб айтилганидек, гапни бошқа ёққа буриб, уни ҳақиқатдан четга суриш, ёлғон, ифво, бўҳтон ва туҳмат уйдирришга «ифк» дейилади. Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада мўминлар жамоасига хитоб этиб, ўша ўзларига чексиз озор етказётган ифкни уйдирганлар уларнинг ўзларидан чиққан бир усба – тўда одамлар эканини маълум қилмоқда. (Араб тилида адади ўнтадан қирқтагача бўлган одамлар тўдаси «усба» дейилади.)

«Албатта, ифкни келтирганлар ўзингиздан бўлган бир усба (тўда)дир.»

Демак, мўминлар ифқдан азоб чекиб, қийналиб юрибдилар-у, аммо уни келтириб чиқарганлар ўзларининг одамлари. Мана шу аччиқ ҳақиқатга эътибор бериш керак.

Нима учун ифк мўминларнинг ўз ичларидан чиқди? Бу аччиқ савол ўшандан буён асрлар давомида қайта-қайта юзага чиқмоқда. Мўминлар буни алоҳида эътибор билан ўйлаб, муолажа қилишлари керак.

«Уни ўзингизга ёмонлик деб ҳисобламанг.»

Сиртдан қараганда, ифк мўминлар учун, уларнинг Пайғамбарлари соллаллоҳу алайҳи васаллам учун, у зотнинг аҳди-оиласи учун, дину диёнат учун мунофиқлар томонидан уйдирилган бир ёмонликдир. Шунинг учун ҳам, ҳаммалари хафа бўлдилар, изтироб чекдилар, ташвишга тушдилар. Аммо Аллоҳ таоло:

«Аксинча, у сиз учун яхшиликдир», демоқда.

Мунофиқлар ушбу ифкни тўқиш билан барибир мақсадларига етолмадилар. Улар мусулмонларга, уларнинг динларига, Пайғамбарлари шахсига, ахлоқ-одобларига зарар етказиш орқали уларнинг қувватини кетказмоқчи эдилар. Аксинча, ифк ҳодисаси туфайли мусулмонлар яхшиликларга эришиб, мунофиқлар шарманда бўлдилар.

Мазкур оғир дамларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларида, у зотнинг аҳли байтлари ва асҳобларида сабр-матонат, қалбнинг поклиги, адолат, ўзаро ҳамкорлик, тартиб-интизомнинг олий намуналари намоён бўлди. Уларнинг юксак ахлоқий сифатлари яна бир бор синовдан ўтди. Ҳақиқий мўминлардан фақат уч кишигина бу ифвога қўшилиб қолдилар: Ҳассон ибн Собит, Мистоҳ ибн Асоса ва Ҳамна бинти Жаҳш (Аллоҳ улардан рози бўлсин). Бу уч кишига бўлган муносабатларда ҳам мусулмонларнинг фазилатлари намоён бўлди. Қариндоши Мистоҳга нафақа бериб турган Абу Бакр Сиддиқ ифқдан кейин ундан нафақани узишни ирода қилган эдилар, бу ишга Аллоҳнинг Ўзи аралашди, нафақани узмаслик, балки юракни кенг қилиб, айбдорни афв этиш лозимлигини баён этди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу дарҳол бу амрга бош эгиб, Мистоҳни афв қилдилар, нафақа беришни давом эттирдилар. Авваллари биров орқали юборадиган бўлсалар, энди ўзлари олиб бориб берадиган бўлдилар. Оиша онамиз бўлсалар, Ҳассон ибн Собит розияллоҳу анҳуни ўта ҳурмат қиладиган бўлдилар. У кишига доимо яхшилиқ қилар, тавозуъ ила муомалада бўлар, ҳузурларига кирсалар, ёстиқ қўйиб берар эдилар. Баъзи кишилар, ахир, бу одам сизга қарши ифкка қўшилган эди-ку, деганларида, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилган эди, деб жавоб берганлар. Оиша онамиз яна бир марта: «Мен Ҳассоннинг шеърдан яхшироқ шеър эшитмадим, қачон унинг шеърдан мисол келтирсам, унга жаннатдан жой берилишини сўрайман», деганлар.

Бу даражадаги юксак исломий ахлоқларнинг намоён бўлишига ҳам ифк ҳодисаси сабаб бўлди.

Уламоларимиз мусулмонлар оммасининг қалблари нақадар пок эканлигига намуна сифатида ифк воқеаси рўй берганда Абу Аййуб ал-Ансорий ва у кишининг хотинлари (розияллоҳу анҳумо) орасида бўлиб ўтган қуйидаги суҳбатни келтирадилар.

Абу Аййуб ал-Ансорий Умму Аййубга:

«Оиша ҳақида нима дейилаётганини кўряпсанми?» – деб сўрабдилар. Шунда Умму Аййуб розияллоҳу анҳо:

«Агар сен Сафвоннинг ўрнида бўлганимда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳурматлари ҳақида ёмон гумон қилган бўлармидинг?» – дебди. Абу Аййуб ал-Ансорий розияллоҳу анҳу:

«Йўқ!» – деб жавоб қайтарибдилар. Шунда Умму Аййуб розияллоҳу анҳо:

«Оишанинг ўрнида бўлганимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мен ҳам хиёнат қилмас эдим. Бас, Оиша мендан яхши, Сафвон сендан яхши», дебдилар.

Шу билан бирга, ушбу ҳодиса туфайли мусулмонларнинг ижтимоий ҳаётларида келажақда рўй беражак кўплаб ноқулайликларни бартараф этадиган қонун-қоидалар жорий қилинди.

Ушбу ҳодисанинг бошқа бир ҳикмати шуки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғайбни билмасликлари, Аллоҳ таоло нимага буюрса, шуни адо этишлари яна бир бор тасдиқланди.

«Улардан ҳар бир киши учун ўзи қилган касбнинг гуноҳи бордир.»

Яъни, ифкда қатнашган ҳар бир кишининг касб қилган амали, бўҳтонига яраша гуноҳи бордир. Демак, улар жазосиз қолмайдилар.

«Улардан (гуноҳнинг) каттасини кўтарган кимсага буюк азоб бордир.»

Яъни, бу гуноҳ ишнинг каттасини ўзига олиб, ифкка бош бўлган одамга – Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулга буюк азоб бордир.

У, албатта, қиёмат куни бу азобга дучор бўлади.

«У(ифк)ни эшитган вақтингизда мўминлар ва мўминалар ўзлари ҳақида яхши гумонга бориб: «Бу очиқ-ойдин ифк-ку!» десалар бўлмасмиди?!»

Ушбу оятда мусулмонлар оммасининг ифк ҳодисаси воқе бўлганда ўзларини салбий тутганлари танқид қилинмоқда. Гап тарқаб, бўҳтон авж олиб бораверди, мусулмонлар бунинг уйдирма эканини билиб туриб, инкор этмадилар, ифвогарларнинг оғзига урмадилар, уларни тинчитиб қўймадилар. Улар бўҳтонни кучайтиравердилар, булар жимгина юравердилар. Аслида эса, ифкни эшитган вақтда мўминлар ва мўминалар яхши гумон қилишлари керак эди. Яъни, улар ўзларини туҳматга қолганлар ўрнига қўйиб кўришлари, йўқ, бу иш бўлиши мумкин эмас, мен уларнинг ўрнида бўлсам, бундай қилмас эдим, дейишлари керак эди. Улар диндошлари ҳақида яхши гумон қилиб, туҳматга ишонмай, бу ёлғон гап, мусулмон одам бундай қилмайди, дейишлари керак эди. Мўминлар оммаси ифкни эшитган вақтда:

«Бу очиқ-ойдин ифк-ку!» десалар бўлмасмиди?!»

Ифкчиларнинг юзига шу гапни айтишлари керак эди!

Шу йўл билан динларини, Пайғамбарларини, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳларини ҳимоя қилишлари керак эди.

«У(ифкчи)лар ўша(ифк)га тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Бас, гувоҳларни келтира олмаган чоғда ана ўшалар ўзлари Аллоҳнинг ҳузурда ёлғончидирлар.»

Бу ояти каримада ифк ҳодисаси рўй берганда мусулмонлар оммаси томонидан йўл қўйилган катта бир нуқсон кўрсатилмоқда. Абдуллоҳ ибн Убай бошчилигидаги мунофиқлар томонидан Оиша онамизга ифк уюштирилганда, улардан гувоҳ келтиришларини та-

лаб қилмадилар, ушбу жумлада мўминлар томонидан йўл қўйилган ана шу хато эслатилмоқда.

Ўшанда мунчоқларини излаш билан овора бўлиб аскардан қолиб кетган Оиша онамизни туясига миндириб етказиб келган Сафвон ибн ал-Муъаттал розияллоҳу анҳу туяни етаклаб, одамлар олдидан ўтди. Уларнинг орасида Абдуллоҳ ибн Убай ҳам бор эди. Абдуллоҳ ибн Убай:

«Бу аёл ким?!» — деб сўради. Одамлар:

«Оиша», дейишди. У:

«Аллоҳга қасамки, буни у тек қўймаган, у ҳам буни тек қўймаган. Мана, Пайғамбарингизнинг аёли тунни биров билан ўтказибди. Энди бўлса, у эркак туясини етаклаб келмоқда», деди. Шундан ифк бошланди. Гап кўпайди. Лекин ҳеч ким, на Абдуллоҳ ибн Убайдан ва на унга қўшилганлардан: «Қилаётган бу тухматингга гувоҳинг борми? Бу гапни қаердан олиб гапиряпсан?» демади.

Аслида эса, бировни зинода айблаётган одам бу ишнинг бўлаётганини кўрган тўртта гувоҳ келтириши керак эди.

«Бас, гувоҳларни келтира олмаган чоғда ана ўшалар ўзлари Аллоҳнинг ҳузурда ёлғончидирлар.»

Ёлғончиларнинг оғзига уриб, динлари, Пайғамбарлари ва у зот солаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳллари химоя қилмаганлари мусулмонлардан содир этилган хато эди. Чунки, бундай пайтда, яъни, жуфти ҳалоллари тухматга учраб турганида Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари химоя қилсалар, гап яна ҳам кўпайиши мумкин эди. Бўлиб ўтган ҳодиса жуда аччиқ эди. Мўминларнинг бепарволиги билан, баъзиларининг эса, бўҳтонга бевосита қўшилишлари билан оғир вазият вужудга келди. Қуйидаги оятда Аллоҳ таоло шуни мўминларга эслатиб:

«Агар дунёю охиратда сизларга Аллоҳнинг фазли, марҳамати бўлмаганида, ўзингиз ичига шўнғиган нарса учун сизни, албатта, буюк азоб тутар эди», демоқда.

Ифкка қўшилиб, мусулмонлар катта бир азобга лойиқ иш қилган эдилар. Бу азобни Аллоҳ таоло уларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бериши мумкин эди. Лекин Аллоҳ таоло уларни ҳам бу дунёда, ҳам охиратда азобламасликка ваъда бериб, катта фазлу марҳамат кўрсатди.

Кейинги оятда ўша ҳолатнинг қандай юзага келгани васф қилинади:

«Ўшанда сиз у(ифк)ни тилларингиз ила илиб олар, оғзингиз ила ўзингиз билмаган нарсани гапирар эдингиз ва у(ифк)ни ўзингизча энгил санардингиз. Ҳолбуки, у Аллоҳнинг наздида буюқдир».

Ушбу Қуръоний васф олдида барча сўз усталари тиз чўкиб таъзим қилсалар арзийди. Бўлиб ўтган ҳодисани қисқа иборалар билан, энг керакли сўзларни ишлатиб қилинган бу баёнда олам-олам маъно бор.

«Ўшанда...» яъни, мунофиқлар томонидан ифк тарқатилганда.
«...сиз у(ифк)ни тилларингиз ила илиб олар...» эдингиз.

Яъни, ифк масаласида фақат тилингизни ишлатардингиз. Ақлингизни ишлатиб, тадаббур қилмас эдингиз. Ифкни тилларингиз билан илиб олардингиз. Яъни, жуда тезлик билан қабул қилар эдингиз.

«...оғзингиз ила ўзингиз билмаган нарсани гапирар эдингиз...»

Гап ўзи аслида оғизда гапирилишига қарамай, яна «оғзингиз ила» дейишлик ҳам гапнинг моҳиятига аҳамият бермай, оғзига келганини гапираверишга ишорадир. Одамлар, айниқса, ифк ҳодисасига ўхшаш ҳолатларда ўйламай-нетмай, тилларига эрк бериб, оғизларига келганини гапираверишни одат қилиб оладилар. Эътибор бермай гапираверадилар-у, аммо гаплари оламни ларзага солаётганидан беҳабар бўладилар.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятнинг давомида:

«...ва у(ифк)ни ўзингизча енгил санардингиз. Ҳолбуки, у Аллоҳнинг наздида буюқдир», демоқда.

Яъни, сиз тилингиз ила илиб олиб, илмингиз, ишончли далилингиз бўлмай туриб, оғзингиз ила гапирган гапингиз – ифк Аллоҳнинг ўлчовида жуда оғир гуноҳ эди. Шунинг учун ҳам, ифкни эшитган чофингизда ўзингизни бошқача тутмоғингиз лозим эди.

«Уни эшитган чофингизда: «Бизга бунга гапирмоғимиз тўғри келмас. Ўзинг поксан! Бу катта бўҳтондир!» десангиз бўлмасмиди?!»

Бундай пайтда ҳар бир мўминдан тутиш талаб қилинадиган йўл шу. Мўмин-мусулмонларга қарши тўқилган миш-миш, ифку бўҳтонни эшитиб, унга қўшилиш ёки индамай қараб туриш мутлақо тўғри келмайди. Ҳар бир мўмин дарҳол:

«Бизга бунга гапирмоғимиз тўғри келмас», дейиши лозим. Биз мўмин-мусулмонмиз, ифво, бўҳтон ва туҳмат гапларни гапиришни динимиз ҳаром қилган, дейиши керак.

«Ўзинг поксан! Бу катта бўҳтондир!» десангиз бўлмасмиди?! Бизни ҳам бу ифкка ўхшаш гуноҳлардан пок қилгин, десангиз бўлмасмиди?! Ана ўшанда жуда яхши иш қилган бўлар эдингиз. Сиз бўлса, бундай қилмадингиз. Мўминлик бунақа эмас!

«Агар мўмин бўлсангиз, ҳаргиз у(ифк)га ўхшаш нарсага қайтмаслигингизни Аллоҳ сизга ваъз-насиҳат қилур.»

Бўлар иш бўлиб ўтди. Аммо энди бунга ўхшаш ишни ҳеч такрорламанг. Аллоҳнинг сизга ваъз-насиҳат қилиб айтадиган гапи шу.

Бу муҳим гапнинг **«Агар мўмин бўлсангиз...»** деган шартдан кейин айтилиши ҳам муайян ҳикматга эга.

Шундай қилиб:

«Аллоҳ сизга оятларни баён қилур».

Мана, сизга «Ифк ҳодисаси» ҳақидаги сиру асрорларни ҳам баён қилиб берди. Чунки:

«...Аллоҳ ўта билгувчи, ўта ҳикматли зотдир».

У зот ҳар бир нарсани билиб туради, ҳар бир ишни ҳикмат билан қилади.

Кейинги оятларда ифк ҳодисасига тааллуқли баъзи бир ҳукмлар ва улардан олинадиган ибратлар ҳамда натижалар ҳақида сўз кетади:

«Албатта, иймон келтирганлар ичида фоҳиша тарқалишини яхши кўрадиганларга бу дунёю охирада аламли азоб бордир. Аллоҳ биладир, сизлар билмассизлар».

Кишилар орасида фоҳиша, уят, одобсиз гапларни тарқатиш нақадар катта гуноҳ эканини ушбу оятдан билиб олса бўлади. Ифк ҳодисасида миш-миш гап кўпайди, зино ҳақида ҳам миш-миш тарқатилди. Бу иш оятда фоҳишани ёйиш билан баробар қўйилмоқда. Ҳукм умумий ҳолда айтилмоқда. Демак, фаҳш ишлар ҳақида миш-миш тарқатиш ўша ишнинг ўзига баробар экан, фоҳиша гапларни гапириш, унга тааллуқли бошқа воситаларни тарқатиш, тарфибот қилиш, сабабчи бўлиш, ҳамма-ҳаммаси аламли азобга лойиқ улкан гуноҳ экани турган гап. Ислом фоҳиша ишни ман қилар экан, унга олиб борадиган барча сабабларни ҳам ман этади. Зино ҳаром, уни қилган одам гуноҳкор, у гуноҳкор жазога тортилар экан, демак, зинога тааллуқли, унга олиб борадиган ҳамма воситалар ҳам ман этилади. Зино, жинсий алоқа тўғрисида турли гапларни тарқатиш кишиларнинг одоб-ахлоқини бузади, ўша ишга чорлайди, жамиятни одобсизлар, ахлоқсизлар жамиятига айлантиради. Шунинг учун ҳам, бузуқ гапларни гапириш ман қилинади. Агар ҳужжат-далили бўлса, жиддиятни кўзласа, керакли жойга бориб гапириб, гувоҳ келтириб, зинокорларни жазолашни йўлга қўйишда хизматларини адо этсин, шунда мусулмонлар жамиятини поклашга ҳиссасини қўшган бўлади. Аммо, бекордан-бекорга, кишиларда шаҳватни қўзғатадиган, беодоб хаёлларни уйғотадиган гапларни сўзлама-син, бемаза ишларни қилмасин. Йўқса, аламли азобга дучор бўлади.

«Аллоҳ биладир, сизлар билмассизлар.»

Шунинг учун, гапни чўзмай, Аллоҳнинг айтганини дарҳол бажо келтиринг.

«Агар сизларга Аллоҳнинг фазли, марҳамати бўлмаганида... Ва, албатта, Аллоҳ ўта шафқатли ва раҳимли бўлмаганида...» қилган қилмишларингиз учун азоб-укубатга дучор бўлишингиз турган гап эди.

Ифк ҳодисасида бўлгани каби, миш-мишларга берилиб, тўғри келган гапни тиллар билан илиб олиб, оғизлар билан гапиравериш шайтоннинг изидан эргашиш экани, унга эргашишнинг оқибати ёмон бўлиши ва яна Аллоҳнинг фазли билангина мўминларга яхшилик етиши келгуси оятда баён қилинади:

«Эй, иймон келтирганлар! Шайтоннинг изидан эргашманг. Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта, у(шайтон) фоҳиша ва

мункар(ёмон иш)га буюрадир. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида, абадул-абад ичингиздан бирор киши поклана олмас эди. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини поклар. Аллоҳ ўта эшитгувчи, ўта билгувчи зотдир».

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Ўзининг мўмин бандаларига улар энг яхши кўрган хитоб билан мурожаат қилмоқда:

«Эй, иймон келтирганлар!»

Мўминларга ўзларининг иймон сифатлари билан хитоб қилиниши жуда ҳам ёқимлидир. Кўпинча, Аллоҳ таоло мўминларни бирон қийин ишга чорламоқчи бўлса, шундай хитоб қилади. Аммо бу оятда тамоман бошқача ҳолат. Уларнинг мўминликларини зикр эта туриб:

«Шайтоннинг изидан эргашманг», демоқда.

Яъни, ифк ҳодисасида ўз тасарруфингиз ила шайтоннинг изидан эргашдингиз. Мўмин бўлиб туриб, шайтоннинг измига юриш қандоқ бўлди?! Шу гапнинг ўзи ҳар бир мўмин учун жуда ҳам оғир гап. Чунки, мўмин одамнинг шайтоннинг изидан юриши жуда катта мусийбат. Мўмин одамнинг Роҳманнинг йўлидан юрмаслиги жуда катта мусийбат. Чунки:

«Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта, у (шайтон) фоҳиша ва мункар(ёмон иш)га буюрадир».

Шайтоннинг табиати шу. Шайтоннинг ичган қасами шу. Ифк ҳодисаси ҳам шунинг ёрқин мисоли. Бу ҳодисада ҳам шайтон ўзига эргашганларни фаҳшга, мункар ишга буюрди. Оқибатда, ким унга эргашган бўлса, гуноҳкор бўлди.

«Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида, абадул-абад ичингиздан бирор киши поклана олмас эди.»

Покиза одамларни зинода айблаб, тухматнинг гуноҳига ботиб, шу гуноҳ билан булғаниб, охиратга жазога мустаҳиқ бўлиб борар эди.

«Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини поклар.»

Аллоҳ таоло поклашга лойиқ одамни поклайди.

Чунки:

«Аллоҳ ўта эшитгувчи, ўта билгувчи зотдир».

Ҳамма нарсани эшитиб, ҳамма нарсани билиб туради. Ана шунинг учун ҳам, кимни поклашни Ўзи яхши билади. Аллоҳ таоло Ўзи билиб, ҳақиқий мўминларни ифк ҳодисаси гуноҳларидан поклади. Поклашга сазовор кишиларни поклади. Мусулмонлар жамоасини ҳидоятга солди, ифк ҳодисасидан ўзларини ўнглаб олишга имкон берди. Ифкка билмасдан қўшилиб қолган ҳақиқий мўминлар — Ҳас-сон ибн Собит, Мистоҳ ибн Асоса ва Ҳамна бинти Жаҳшларни (розийаллоҳу анҳум) эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қазф (зинода айблаш)нинг ҳаддини қоим қилиш билан оқлади-

лар. Уларнинг ҳар бирига саксон дарра урилди. Бу эса, ўз навбатида, уларни поклаш эди. Улар учун бу бахт-саодат эди. Бу ҳол уларни Аллоҳ таоло поклашга лойиқ яхши одамлар деб топганидан эди. Чунки, поклашга сазовор эмасларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дарра уришни буюрмадилар. Ҳатто, фитнанинг боши Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ва унинг энг яқин шериги Зайд ибн Рифоъаларга ҳам дарра урдирмадилар. Бу мунофиқлар исломий, гуноҳдан покловчи жазога сазовор одамлар эмас эди. Улар охиратга гуноҳларини бутун ҳолда кўтариб боришлари керак эди.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларини Ўз фазли-карами ила кечириб, уларни поклаганлиги ҳақидаги хабардан кейин, келгуси оятда мўминлар ҳам бир-бирларини кечиришлари лозимлиги уқтирилади.

«Сизлардан фазл ва бойлик эгаси бўлганлар қариндошларга, мискинларга ва Аллоҳнинг йўлида муҳожир бўлганларга (нафақа) бермасликка қасам ичмасинлар, бас, афв этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилишини хуш кўрмайсизларми?! Аллоҳ ўта мағфиратли, ўта раҳимли зотдир.»

Аввал айтиб ўтилганидек, юқоридаги оятларда Оиша онамизнинг покликлари собит бўлганидан кейин, Ҳазрати Абу Бакр қариндошларидан бирига – фақир, Бадр уруши иштирокчиси, муҳожир Мистох ибн Асоса розияллоҳу анҳуга, Оиша онамизга тухмат қилгани учун, нафақа бермасликка қасам ичган эдилар. Аллоҳ бу оятни нозил қилиб, у кишининг қилаётган ушбу иши тўғри эмаслигини баён этди.

Нима бўлганда ҳам, мўмин одамга нафақа беришдек яхши амални қилмасликка қасам ичиш мусулмон кишига муносиб эмас.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан бошқа саҳобалар ҳам ифк ҳодисасига қўшилганларга нафақа бермасликка қасам ичган эканлар. Ушбу ояти карима нозил бўлганидан кейин барчалари ўша кишиларга нафақа беришни қайтадан бошлаган эканлар.

Аллоҳ таоло мўминларни бир-бирларини афв этиб, кечириб юборишга чақириш билан бирга:

«Аллоҳ сизларни мағфират қилишини хуш кўрмайсизларми?!» деб биродарини кечирган мўмин мағфират қилинишини эълон этмоқда. Шунинг учун ҳам, Ҳазрати Абу Бакр оят нозил бўлиши билан дарҳол: «Аллоҳга қасамки, албатта, Аллоҳ мени мағфират қилишини хуш кўраман», дедилар ва Мистох розияллоҳу анҳуга нафақа беришни давом эттирдилар.

Шу билан бирга, мўминлар ҳам бир-бирларининг гуноҳларини кечириб юбордилар. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишда бош бўлдилар. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо эса, ўзларига

бўхтон қилган Ҳассон ибн Собит розияллоҳу анҳуга қандоқ яхши муомалада бўлганларини юқорида эслатиб ўтдик. Ана шундай шаклда Ислом жамияти доимо покланиб бормоғи лозим.

Вақтида ўзини ўнглаб, тавба қилган кишиларни Аллоҳ таоло мағфират этиб, жабрланган мўминларга ҳам уларни кечиришни буюради. Аммо тавба қилмасдан, нобакорлигида давом этиб, покиза кишиларни нопок ишларда айблаб юрганларга мағфират йўқ, бу дунёда азоб-уқубатдан қутулиб кетсалар ҳам, у дунёда албатта жазоларини оладилар.

إِنَّ الَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ الْغَافِلَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ لَعُنُوا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ

23. Албатта, покиза, ғофила ва мўмина аёлларга (бўхтон) тоши отганлар, бу дунёю охиратда лаънатланурлар. Уларга катта азоб бордур.

Бузуқ ишлардан пок, фоҳишалиқдан умуман беҳабар аёлларни ва мўминаларни зинода айблаб, уларга бўхтон тоши отадиганлар жуда ёмон одамлардир. Улар ҳам бу дунёда, ҳам у дунёда лаънатга учрайдилар.

Охиратда эса, уларга катта азоб бордир.

يَوْمَ تَشْهَدُ عَلَيْهِمْ أَلْسِنَتُهُمْ وَأَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

24. У кунда тиллари, қўллари ва оёқлари қилиб юрган амаллари ҳақида уларга қарши гувоҳлик берур.

Улар бу дунёда покиза, ғофила, мўминаларга ёлғондан гувоҳлик берган бўлсалар, қиёмат кунда уларга ўз тиллари, қўллари ва оёқлари рост гувоҳлик беради. Нима гапирганларини, нима иш қилганларини очиқ-ойдин, ҳеч рад этиб бўлмайдиган даражада айтиб беради.

يَوْمَ يَدْعِيهِمُ اللَّهُ دِينَهُمُ الْحَقِّ وَيَعْلَمُونَ أَنَّ اللَّهَ هُوَ الْحَقُّ الْمُبِينُ

25. Ўша кунда Аллоҳ уларнинг ҳақ жазоларини тўлиқ берур ва улар Аллоҳнинг Ўзи очиқ ҳақ эканини билурлар.

Қиёмат кунда Аллоҳ таоло уларга тегишли жазони ҳақ — адолат ила тўла беради. Ана ўшанда бу дунёда улар ишонмай юрган Парвардигорлари:

«...Аллоҳнинг Ўзи очиқ ҳақ эканини билурлар».

Имом Бухорий, имом Муслим ва имом ибн Абу Ҳотим Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расули Акрам солаллоху алайҳи васаллам:

«Етти ҳалок қилувчи гуноҳдан четда бўлинглар», дедилар. Одамлар: «Улар нималар, эй, Аллоҳнинг Расули?» — деб сўрадилар. Ул зот солаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳга ширк келтириш; сеҳр; Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш; рибохўрлик қилиш; етимнинг молини ейиш; урушда орқага қочиш; покиза, ғофила, мўмина аёлларга туҳмат тошини отиш», дедилар.

Ҳофиз Абул Қосим ат-Тобароний Ҳузайфа розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ солаллоху алайҳи васаллам: «Покиза аёлга бўҳтон тоши отиш юз йиллик амални бузади», деган эканлар.

Ифк ҳодисаси ҳақидаги оятларни Аллоҳ таоло қуйидаги оят билан якунлайди.

الْخَيْثَاتُ اللَّخِيثِينَ وَالْخَيْثُونَ لِلْخَيْثَاتِ وَالطَّيِّبَاتُ لِلطَّيِّبِينَ وَالطَّيِّبُونَ لِلطَّيِّبَاتِ
 وَأُولَئِكَ مَبْرُؤُونَ مِمَّا قُولُونَ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ

26. Нопок хотинлар нопок эркаклар учундир. Нопок эркаклар нопок хотинлар учундир. Покиза аёллар покиза эркаклар учундир. Покиза эркаклар покиза аёллар учундир. Ана ўшалар у(бўҳтончи)лар айтаётган нарсалардан поклангандирлар. Уларга мағфират ва гўзал ризқ бордир.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло исломий жамият ҳаётидаги муҳим бир асосни баён қилмоқда. У ҳам бўлса, нопок қалблар ўзларига ўхшаган нопоклар билан топишиши, ўз навбатида, пок қалблар ўзи-дек покиза қалблар билан топишиб бирлашишидир. Асли нопок инсондан доимо нопоклик содир бўлади. У ўзига ўхшаган нопокларни ёқтиради, улар билан топишади, доим бирга бўлади. Лекин пок кишиларга қўшила олмайди. Шунингдек, пок одам ҳам доимо поклик билан яшайди. Пок кишиларни қидиради, топади, бирга бўлади. Эру хотин бўлишда ҳам шу. Пок хотинга пок эр, нопок хотинга нопок. Агар нопок билан пок бирлашиб қолса, бу ҳамдамлик узоққа бормайди. Чунки, пок билан нопокнинг бирга бўлишлари амри маҳол. Шундай экан, Аллоҳ пок қилиб яратган, Пайғамбарликка танлаган зот — Муҳаммад солаллоху алайҳи васаллам Оишаи Сиддиқани ҳамма аёлларидан яхши кўришлари у аёлнинг ниҳоятда поклиги сабабидан эмасми?! Оиша онамизда заррача нопоклик бўлганида, у муҳтарама

зотни Аллоҳнинг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам шунчалар яхши кўришлари мумкин эдими?!

Ана ўша пок эр ва аёллар бўҳтончилар уларга қўяётган айблардан покдирлар.

«Уларга мағфират ва гўзал ризқ бордир.»

Уларга бу дунёда мағфират—гуноҳларини кечиш ва у дунёда гўзал ризқ—жаннат бордир.

Шу билан ифк ҳодисаси — мусулмонлар жамоасини катта мусийбатга солган ҳодиса ҳақидаги оятлар ниҳоясига етди. Бу ҳодиса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам оиласининг поклигини ва бу оилани Аллоҳнинг Ўзи сақлашини исбот этди.

«Нур» сурасининг бошидан то шу еригача жамиятда содир бўлиши мумкин бўлган бузғунчиликлар, зино, зинода айблаш, беайб одамлар ҳақида бузуқи миш-мишлар тарқатиш хусусида, уларнинг жазоси, оқибати ҳақида сўз кетди. Эндиги оятларда эса, ўша бузғунчиликларнинг олдини олиш, уларнинг Ислом жамиятида юз беришига йўл қўймаслик чоралари баён этилади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَتَّىٰ تَسْتَأْذِنُوا وَتُسَلِّمُوا عَلَٰئِهَا ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ تُذَكَّرُونَ ﴿٢٧﴾

27. Эй, иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча, кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шоядки, эсласангиз.

Жоҳилият даври арабларида кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, уларнинг шахсий, оилавий сир-асрорларини эҳтиром қилиш маданияти йўқ эди. Бировнинг уйига, «Эрталабки салом!», «Кечки салом!», деб тўғри кириб боришаварди. Уйда аёллар борлиги, уй эгаларининг турли ҳолда бўлишлари мумкинлиги ҳеч мулоҳаза қилинмасди. Бу эса, ўтакетган беодоблик бўлиб, турли ёмонликларга, гап-сўзларга сабаб бўладиган ҳолат эди. Шунинг учун ҳам, Исломда ушбу ояти карима билан ҳар бир кимсанинг шахсий ҳурмати, уйнинг дахлсизлиги ҳаққи собит этилди. Исломда биров яшаб турган жойга бошқа шахснинг, ким бўлишидан қатъиназар, ўша жой соҳибининг изнисиз киришга ҳаққи йўқ.

«Эй, иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча, кирманг.»

Ушбу ояти каримага биноан, бировнинг уйига кирмоқчи бўлган одам уй эгасининг изни билангина ва у ердагиларга салом бериб кирмоғи лозим.

Шундай қилсалар, мўминларнинг ўзлари учун яхшидир.

«Ана шундай қилмовингиз сиз учун яхшидир, шоядки, эсласангиз.»

Ушбу оятга амал қилинса, бировнинг хонадонига изн сўраб, салом бериб кирилсагина, турли ноқулай ҳолатларнинг олди олинади. Изн сўрамай кирган одам уй эгаларининг ноқулай ҳолда турганларини кўриб қолса, гуноҳ бўлади. Икки томон ҳам ҳижолатга тушади. Балки, хусумат, уруш-жанжал чиқиши ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда уйда аёл киши ёлғиз бўлиши, устига бегона эркак кириб, орада ифво, бўҳтон, фитна чиқиши мумкин. Ёки, аксинча, ёлғиз эркак олдига бегона аёл киши кириб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлардан доимо узоқ бўлиш керак.

Ислолда бировнинг уйига рухсатсиз киришгина эмас, балки назар солиш ҳам, ҳатто, мактубини изнсиз ўқиш ҳам тақиқланади.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир қавмнинг ҳовлисига уларнинг изнсиз қараса, бас, улар унинг кўзини ўйиб олсалар, хун тўламайдилар», деганлар.

Имом Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган бошқа ҳадисда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким биродарининг мактубига унинг изнсиз назар солса, худди дўзах оташига назар солгандек бўлади», деганлар.

Ушбу икки ҳадиси шарифдан Ислолда шахснинг дахлсизлиги ниҳоятда юқори даражада ҳимоя қилиниши кўриниб турибди. Бировнинг уйига рухсатсиз кириб бориш у ёқда турсин, рухсатсиз қараш, кўз ташлаш ҳам мумкин эмас. Чунки, ичкарига кўз ташлаган одам уй эгасини, унинг аҳли-аёлини ҳар хил ҳолатда кўриши, бошқалардан сир тутган нарсаларидан воқиф бўлиб қолиши мумкин. Яна бошқа кўпгина ноқулай ҳолатлар вужудга келиши эҳтимоли бор.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бировнинг ҳовлисига рухсатсиз назар солган одамнинг кўзини ўйиб олган уй эгаси хун бермаслиги ҳақидаги гаплари эса, бировнинг ҳовлисига изнсиз қараган одам катта жиноят қилганидан дарак беради. Одатда, бировнинг кўзига зарар етказган одамдан қасос олинади. Яъни, унинг ҳам кўзига зарар етказилади ёки хун ундирилади. Фақат, ўзини ҳимоя этиб тажовузкорнинг кўзини ўйиб олган одам хун тўламаслиги мумкин. Бировнинг ҳовлисига изнсиз қараган хиёнаткор кўз ҳам тажовузкор кимса кабидир.

Шунингдек, бировнинг мактубини ўғирлаб олиш ёки зўрлик қилиб ўқишга интилиш у ёқда турсин, изнсиз назар солиш ҳам

мумкин эмас. Ким бировнинг мактубига изнсиз назар солса, дўзах оташига назар солгандек бўлиши оддий гап эмас.

Уламоларимиз назар солишга оид ҳукми эшитишга, қулоқ солишга ҳам қиёс қилганлар. Яъни, бировнинг ҳовлисига, мактубига изнсиз назар солиш қанчалик ҳаром бўлса, ўша ҳовли ва уйдаги овозларга, гап-сўзларга яширинча қулоқ солиш ҳам шунчалик ҳаромдир.

Бировнинг ҳузурига киришга изн сўрашнинг ҳам ўзига яраша одоблари бордир. Мусулмон кишилар ушбу исломий одобларга амал қилмоқлари лозимдир. Аввало, изн сўраётган одам ҳовлига, уй ичига назар солмасдан, бошқа томонга қараб туриб изн сўраши керак.

Имом Абу Довуд Ҳузайл ибн Шарҳабийлдан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар зикр қилинади:

«Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшикларига қараб туриб изн сўрай бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга, сен ундоқ ёки бундоқ тур, изн сўраш назардан сақланиш учун жорий қилингандир, дедилар».

Яъни, бировнинг уйига назар тушмаслиги учун изн сўраш жорий қилинган, ичкарига қараб туриб изн сўрашнинг нима кераги бор.

Шунинг учун ҳам, изн сўрамоқчи бўлган кишилар эшикка юзма-юз ҳолатда эмас, балки ўнг ёки чап тарафлари билан турмоқлари лозим.

Имом Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар зикр этилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қавмнинг эшиги олдига келсалар, эшикка юз тикиб турмас эдилар. Балки, ўнг ёки чап томонлари билан турар ва «Ассалому алайкум, Ассалому алайкум», дер эдилар».

Имом Абу Довуд Амр ибн Маъд ас-Сақафийдан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилган:

«Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун изн сўрамоқчи бўлиб:

«Кираверайми? Кираверайми?!» — деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Равза исми хизматчи аёлга:

«Анавининг олдига чиқиб, ўргатгин, у изн сўрашни билмас экан, унга айтки, «Ассалому алайкум, кираверайми, десин», дедилар».

Одоб бўйича, изн сўрайдиган одам исмини аниқ айтиб, очик изн сўраши ва салом бериб кириши лозим.

Имом Абу Довуд Жобир розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда у киши отасининг қарзи хусусида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борганлари ҳақида шундай дейдилар:

«Эшикни қоқдим. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бу ким?!» — дедилар. Мен:

«Менман!» — дедим. Ул зот норози оҳангда:

«Мен, мен...» дедилар».

Қалда ибн Ҳанбал исмли киши келиб, салом бермасдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирганда, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Орқангга қайт! Ассалому алайкум, дегин», дедилар.

Имом Абу Довуд қилган ривоятда айтилишича, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келсалар: «Ассалому алайка, ё Расулаллоҳ, Умар кира-версинми?» — дер эдилар.

Изн сўровчи уч марта сўраши, ундан оширмаслиги лозим.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сиздан бирор киши изн сўраса, уч марта сўрасин, изн берилмаса, ортига қайтсин», деганлар.

Чунки, уй эгалари бировни қабул қила олмайдиган ҳолатда бўлишлари ёки айнан изн сўраётган шахсни қабул қилиш имконлари йўқ бўлиши мумкин.

Изн деганда уй эгасининг ёки у томондан вакил қилинган шахснинг изни кўзда тутилади. Уйга эга бўлмаган ёки уй эгаси томонидан вакил қилинмаган одамнинг изни ҳисобга ўтмайди.

Изн сўровчи тихирлик қилмаслиги, одоб билан уч мартагача изн сўраши, жавоб бўлмаса, қайтиб кетмоғи лозим.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Қайс ибн Саъд ибн Убайда қуйидагиларни зикр қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг уйимизга зиёрат қилиб келдилар ва:

«Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи», дедилар. Шунда Саъд секингина жавоб қайтарди. Қайс унга:

«Нима, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга изн бермай-сизми?!» — деди. Саъд:

«Жим тур! Бизга кўпроқ салом берсинлар!» — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна:

«Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи», дедилар. Саъд яна секингина жавоб қайтарди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна:

«Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи», дедилар. Сўнгра у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтиб кета бошладилар. Шунда Саъд ортларидан бориб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен саломингизни эшитиб, секингина жавоб берган эдим. Сизнинг саломингиз бизга кўп бўлишини орзу қилувдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у билан бирга қайтиб келдилар».

Агар изн сўровчи уйда бировни топа олмаса, қайтиб кетади. Шунингдек, ичкарига киришга рухсат берилмаса ҳам, қайтиб кетади.

فَإِنْ لَّمْ تَجِدُوا فِيهَا أَحَدًا فَلَا تَدْخُلُوهَا حَتَّىٰ يُؤْذَنَ لَكُمْ وَإِنْ قِيلَ لَكُمْ ارجِعُوا فَارجِعُوا
هُوَ أَزْكَىٰ لَكُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ

28. Бас, агар у(уй)ларда бирортани топмасангиз, то сизга изн берилмагунча, уларга кирманг. Агар сизга, қайтинг, дейилса, бас, қайтинг, ўша сиз учун покдир. Аллоҳ нима амал қилаётганингизни ўта билгувчидир.

Ояти каримадаги

«**Бас, агар у(уй)ларда бирортани топмасангиз, то сизга изн берилмагунча, уларга кирманг**», деган биринчи жумладан икки хил маъно чиқади.

Биринчиси, сиз чақирганингизда биров жавоб бермаса, уларга кирманг, яъни, уйда одам борлиги билиниб турса ҳам, жавоб берма-яптими, то изн бермагунча, уйга кирманг, дегани.

Иккинчи маъно, уйнинг эгаси ёки у вакил қилган одам йўқ бўлса, ўшалар биров орқали бўлса ҳам, изн бермагунча, кирманг, дегани.

Мисол учун, уй эгаси ташқарида бирор иш билан машғул, унга хабар борганда, меҳмон кириб ўтириб турсин, ҳозир бораман, деса, изн берган бўлади.

Агар уйда умуман одам бўлмаса, шубҳасиз, кириш мумкин эмас.

«**Агар сизга, қайтинг, дейилса, бас, қайтинг, ўша сиз учун покдир.**»

Яъни, сиз киришга изн сўраган пайтингизда ичкаридан, қайтинг, деган жавоб бўлса, қайтинг, ўша қайтишингиз сиз учун пок ишдир.

Шу билан бирга, қайтувчи кўнглига олмаслиги, хафа бўлмаслиги, уй эгалари мени ҳурматсиз қилди, деган хаёлга бормаслиги керак. Чунки, ҳар бир одам хоҳлаганини уйига киритиш ёки киритмаслик ҳаққиға эга. Бирор иш билан машғул бўлиши мумкин. Яна, уй эгасининг ўзигагина маълум бошқа сабаблар бўлиши мумкин. Ушбу ояти каримага биноан, изн берилмагандан кейин эшик олдида турмасдан, қайтиб кетиш зарур.

«**Аллоҳ нима амал қилаётганингизни ўта билгувчидир.**»

Жумладан, изн сўраш, бировнинг ҳовли-жойига изнсиз назар солиш ва шунга ўхшаш ишларда ҳам қандай йўл тутаётганингизни Аллоҳнинг Ўзи яхши билади ва кези келганда ҳисоб-китоб қилади. Гарчи уй эгасига изн сўраб келган одамга «қайтинг» дейиш ҳуқуқи берилган бўлса ҳам, мусулмонлар меҳмондўстликлари, мусофир-

парварликлари, бир-бирларини ва ўзгаларни жуда ҳурмат қилишлари туфайли бу рухсатдан фойдаланмаганлар. Яъни, уйларига келиб, киришга изн сўраганларга, қайтинг, деб айтмаганлар. Саҳобаи киромлардан баъзилари, ушбу оятга амал қилиш учун жуда кўп уриндик, бировнинг уйига чақириб борганимизда, қайтинг, деган жавоб бўлса-ю, ортимизга дарҳол қайтиб, ояти каримага амал қилиш шарафига муяссар бўлсак, дердик, аммо иложи топилмади. Қаерга борсак, киринг, деган жавоб олдик, деганлар.

لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ مَسْكُونَةٍ فِيهَا مَتَعٌ لَكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا تُبْدُونَ
وَمَا تَكْتُمُونَ

29. Маскан бўлмаган, сиз учун фойда бор уйларга (изнсиз) киришингизда гуноҳ йўқдир. Аллоҳ нимани ошкор қилаётганингизни ва нимани яширин қилаётганингизни биладир.

Ояти каримадаги

«**Маскан бўлмаган, сиз учун фойда бор уйлар**»дан мурод меҳмонхона, карвонсарой, чойхона, дўконлар каби кўпчиликка аталган жойлардир. Ундай жойлар турли одамларнинг кириши учун тайёрлаб қўйилган. Аввал ичига кирмаса, иш битириб ҳам бўлмайди. Албатта, меҳмонхона ёки шунга ўхшаш жойларда маълум хонани ижарага олгандан кейин, ўша ижарачидан изн сўрамай, у хонага кириб бўлмайди.

Ушбу ояти каримадаги таълимотлардан кўриниб турибдики, Қуръони Карим исломий ҳаёт тарзини ўргатувчи илоҳий китобдир. У ижтимоий ҳаётдаги мазкур масалаларга ўхшаш жузъий бўлиб кўринган одохлақларни ҳам баён қилиб беради. Бировнинг турар жойига фақат изн сўраб, рухсат берилгандан кейингина кириш мумкинлигини жорий қилиш билан ҳар бир инсонга катта бир инсоний ҳақ ато этилгандир. Инсон ўзини энг эркин, энг тинч, энг хотиржам сезадиган жой унинг уйидир. Инсон ўз уйида бемалол бўла олмаса, ҳаёт ташвишларидан қаерда фориг бўлиб, қаерда ҳордиқ чиқаради? Шунинг учун ҳам, Ислом дини инсонларни етарли даражада дахлсизлик билан таъминлаган. Ҳеч ким бировнинг турар жойига изнсиз киришга ҳақли эмас.

Албатта, фавқулодда ҳолатлар бундан мустасно. Мисол учун, бирор уйга ўт кетганида ёки уй эгалари, уларнинг молу мулки хавфхатар остида қолганида, ёрдам бериш учун изнсиз кирилади.

Изн сўраб киришнинг энг катта фойдалари фоҳиша ишларнинг олди олинишида, бехосдан авратларга кўз тушишидан, номахрамлар хилватда бирга қолишидан, турли шубҳалар, ношаръий ҳолат-

лар юзага келишидан сақланишда кўринади. Булар суранинг сиё-қига мос эканлиги оддин ҳам айтиб ўтилди.

Зино ва зинода айбланинг оддини олиш учун жорий қилинган изн сўраб кириш ҳақидаги оятлардан кейин энди яна ўша мақсадни амалга ошириш учун ниҳоятда зарур бўлган омиллар зикр этилади.

قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ذَلِكَ أَزْكَى لَهُمْ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ
بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٣٠﴾

30. Сен мўминларга айт, кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар. Ана шу улар учун покдир. Албатта, Аллоҳ нима ҳунар қилаётганларидан хабардордир.

Ушбу ояти каримада зинога сабаб бўлувчи энг бош омил — номаҳрам аёлларга эркакларнинг шаҳват назари билан қарашлари ман қилинмоқда. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, мўмин эркакларни номаҳрам аёлларга назар солишдан тийилишга ва фаржларни зинодан сақлашга буюришни амр этмоқда.

Бу дегани, эркак киши аёлнинг қорасини ҳам кўрмасин, дегани эмас. Балки, ҳожатдан ташқари қарамасин, деганидир. Мисол учун, бир номаҳрам аёлга назари тушиши билан бошқа томонга кўзини бурсин, унга қараб туравермасин, қараши шаҳват назарига айланиб кетмасин, деганидир. Чунки, аёл кишига бир муддат давомий қараш эркак одамда шаҳвоний туйғуни кўзғатади. Шаҳват билан қараш зинога олиб бориши ҳам мумкин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай қарашларни «кўз зиноси» деб атаганлар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Одам боласига зинодан бўлган насибаси ёзилгандир. Икки кўзнинг зиноси назар солишдир. Тилнинг зиноси гапиришдир. Икки қулоқнинг зиноси эшитишдир. Икки қўлнинг зиноси ушлашдир. Икки оёқнинг зиноси юриб боришдир. Нафс орзу ва иштаҳа қилади, фарж эса, уни ё тасдиқлайди, ё ёлғонга чиқаради».

Мусулмон эркак номаҳрам аёлга қайта-қайта қарамаслиги лозим.

Имом Термизий Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Али, назарга назарни эргаштирма! Биринчиси фойда бўлса, иккинчиси сенга зарардир», деганлар.

Дарҳақиқат, биринчи назарда зарур мақсад ҳосил бўлади. Аммо кетма-кет қараш, аввал айтилганидек, шаҳват кўзғатади.

Шунингдек, бехосдан назар тушиши ҳам гуноҳ эмас.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ал-Бажарий розияллоҳу анху: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бехосдан тушган назар ҳақида сўраган эдим, кўзимни бошқа томонга буришни амр қилдилар», деганлар.

Исломда эркаклар номаҳрам аёлларга шаҳват назари билан қарашдан қайтарилибгина қолмай, балки бу амрга риоя этганлари учун ажру савоб ва маънавий мукофотлар ҳам ваъда қилинади.

Имом Тобарий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси қудсийда: «Албатта, (номаҳрамга) назар қилиш иблиснинг заҳарланган ўқларидан биридир. Ким Мендан кўрқиб, у (назар)ни тарк қилса, бадалига бир иймон бераманки, унинг ҳаловатини ўз қалбида топади», дейилган.

Имом Аҳмад Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қайси бир мусулмон бир аёлнинг гўзалликларига назари тушса-ю, сўнгра кўзини олиб қочса, албатта, Аллоҳ уни шундай ибодатга алмаштирадики, унинг ҳаловатини топади», деганлар.

Эркакларни номаҳрам аёлларга назар солишдан қайтарувчи ушбу оятни нотўғри талқин қилиб, Аллоҳ эркакларни аёлларга шаҳват назари билан қарашдан қайтарган, аёллар ўзларини авайлаб, шаръий кийимда юришга амр қилинмаган, дейиш мутлақо нотўғридир. Чунки, аёлларнинг ҳижобда юришлари лозимлиги ҳақида бошқа оятларда ҳукм бор.

Номаҳрам аёлларга назар солмаслик ҳақидаги амрдан бир неча ҳолатлар истисно қилинган. Масалан, бир одам уйланмоқчи бўлса, у аёлга назар солиши нафақат мумкин, балки мустаҳабдир.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анху қуйидагиларни айтадилар: «Уйланмоқчи бўлиб, бир аёлга совчи қўйган эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Уни кўрдингми?» — деб сўрадилар. Мен: «Йўқ», дедим. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен уни кўргин, бу, албатта, ораларингизда яқинлик ҳосил қилади», дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ансорийлардан бир аёлга уйланмоқчи бўлган кишига: «Сен уни кўргин, ансорийларнинг кўзларида бир нарса бўлади», деганлар.

Имом Аҳмад Абу Ҳумайддан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биронтангиз бир аёлга уйланмоқчи бўлса, унга назар солмоғида гуноҳ йўқдир, чунки у уйланмоқ ниятида назар солади», деганлар.

Шунингдек, жиноятчини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказётган шахслар ҳам шу мажбурият юзасидан аёл кишининг юзига қараса, бўлади.

Қози хусумат билан ёки гувоҳлик учун келган аёлга ҳукм чиқариш мақсадида вазифа юзасидан қараса, мумкин. Табиб ҳам тиббий мақсадларда қараса, жоиз. Албатта, бу ҳолатларда синчиклаб қараш ҳақида сўз кетмоқда.

Ояти каримадаги **«ва фаржларини сақласинлар»** ибораси фақат фаржни зинодан сақлашни эмас, бошқа ҳаром нарсалардан ҳам, жумладан, бошқаларнинг назари тушишидан сақлашни ҳам ўз ичига олади. Аввало, бировнинг авратига қарашдан кўзни тийиш керак. Фақат эркакларнинг хотинларнинг аврат жойларига қараш тақиқланаётгани йўқ, балки эркак эркак кишининг авратига, аёл аёл кишининг авратига қараш ҳам ман этилмоқда.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эр киши эр кишининг авратига назар солмайди, аёл киши аёл кишининг авратига назар солмайди», деганлар.

Имом Абу Довуд ҳазрати Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига: «Тирикнинг ҳам, ўликнинг ҳам сонига назар солма», деганлар.

Шу ўринда ўз-ўзидан, эркак кишининг қайси жойлари аврат ҳисобланади, деган савол келиб чиқади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эркак кишининг аврати киндигидан тиззасигача эканини айтганлар. Мусулмон эркак киши авратини бошқаларга кўрсатмаслиги лозимдир.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда саҳобалардан Журҳад ал-Асламий: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан ўтирган эдилар, сонимнинг очиқ турганини кўриб: «Сон аврат эканини билмайсанми?!» — дедилар», деб айтганлар.

Шунингдек, киши ўзи ёлғиз қолганида ҳам яланғоч бўлиб юриши яхши эмас.

Имом Термизий Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини ривоят қилади: «Яланғоч бўлишдан сақланинглар, чунки фақат қазои ҳожат ва аҳлига яқинлашиш пайтидагина ажраладиган зотлар сизлар билан доимо биргадирлар».

Яъни, фаришталар доим сизлар билан бирга, улардан уялинг, деганлар.

Имом ибн Можа ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар зикр этилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўз хотининг ва чўрингдан бошқасидан авратингни беркит», дедилар. Бир сўровчи: «Эй, Аллоҳнинг Расули, агар бир киши ўзи холи бўлса-чи?» — деб

сўради. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таборака ва таоло ундан ҳаё қилмоққа ҳақлироқдир», дедилар.»

Бу эркакларга тегишли масалалар. Аёлларга тегишли масалалар эса, қуйидаги оятда келади. Эй Муҳаммад!

وَقُلْ لِلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَارِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ أَوْ آبَائِهِنَّ أَوْ آبَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ أَبْنَاءِهِنَّ أَوْ أَبْنَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي أَخَوَاتِهِنَّ أَوْ نِسَائِهِنَّ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُنَّ أَوِ التَّابِعِينَ غَيْرِ أُولِي الْإِرْبَةِ مِنَ الرِّجَالِ أَوِ الطِّفْلِ الَّذِينَ لَمْ يَظْهَرُوا عَلَىٰ عَوْرَاتِ النِّسَاءِ وَلَا يَضْرِبْنَ بِأَرْجُلِهِنَّ لِيُعْلَمَ مَا يُخْفِينَ مِنْ زِينَتِهِنَّ وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهُ الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

31. Сен мўминаларга айт: «Кўзларини тийсинлар, фаржларини сақласинлар ва зийнатларини кўрсатмасинлар, магар зоҳир бўлган зийнатлар бўлса (майли). Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар. Зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларининг оталарига ё ўғилларига ё эрларининг ўғилларига ё ака-укаларига ё ака-укаларининг ўғилларига ё опа-сингилларининг ўғилларига ё аёлларига ё ўз қўлларида мулк бўлганларга ё (аёлларга) беҳожат эркак хизматчиларга ё аёллар авратининг фарқига бормаган ёш болаларга (бўлса майли). Махфий зийнатларини билдириш учун оёқларини (ерга) урмасинлар. Аллоҳга барчангиз тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки, нажот топсангизлар.»

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, мўмина аёлларга кийим кийиш ва аврат беркитиш борасида ўзларини қандай тутишлари лозимлигини баён қилиб беришни буюрмоқда.

«Сен мўминаларга айт: «Кўзларини тийсинлар...»

Мусулмон эркаклар каби, муслима аёллар ҳам номахрамларга шаҳват назари билан қарамасликлари лозимлиги ушбу оятдан тушунилади. Агар беҳосдан назарлари тушса, кўзларини бошқа томонга буришлари керак. Чунки, аёлларнинг эркакларга давомли назар солишлари ҳам ўртада фитна, ҳаром ишлар, зино келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, аёл киши бошқа аёлнинг авратига назар солиши ҳам ман этилади. Аёлнинг аёлга нисбатан аврати киндигидан тиззасигачадир.

Уламоларимиз Қуръони Карим оятларини ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини чуқур ўрганиб чиқиб, аёлларнинг эркакларга назар солишида енгил йўл тутилганини таъкидлашган.

Аёллар бир жойда ўтириб олиб, номаҳрам эркакка ноўрин қарамоқликлари ҳаром. Аммо, кўча-кўйдаги ёки ҳаром бўлмаган ўйинлар ўйнаётган эркакларга узоқдан қарасалар, майли.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда зикр қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ийд куни хабашийларнинг масжиддаги ўйинларига қараб турганларида Оиша онамиз ҳам у зотнинг орқаларидан туриб томоша қилганлар. Ул зот Оиша онамизни улардан тўсиб турганлар. Оиша онамиз ўзларига малол келгандагина қайтиб кетганлар.

Шу билан бирга, ўша пайтда аёлларнинг масжид, бозор ва бошқа жойларга боришига рухсат берилган. Сафарларга чиққанлар. Табиийки, бу ҳолатларда эркакларни кўрадилар.

«...фаржларини сақласинлар...»

Бу ибора эркаклардаги каби аёлларда ҳам икки маънони ифода этади: аёллар фаржларини ҳаром иш, зинодан сақласинлар ҳамда бировнинг назари тушишидан сақласинлар.

Аёл кишининг номаҳрам эркакларга нисбатан аврати юзи ва икки кафтидан бошқа бутун баданидир. Маълумки, муслима аёлга баданини номаҳрам эркаклардан тўсиб юриш Аллоҳ томонидан буюрилгандир. Мўмина-муслима аёл ўз шарафини сақлаш учун Аллоҳнинг амрига итоат этиб, авратини номаҳрам эркаклардан беркитмоғи керак. Бунинг учун эса, юзи ва икки кафтидан бошқа бутун танасини тўсиб турадиган кийим киймоғи лозим. Шунингдек, кийим юпқа, баданга ёпишган ва тор бўлмаслиги ҳам зарур. Умуман, аёлларнинг либоси номаҳрам эркакларнинг эътиборини жалб қилмайдиган даражада бўлиши керак.

Имом Абу Довуд Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда у зотнинг олдиларига опалари Асмаъ бинти Абу Бакр юпқа кийим билан кирганларида, у ерда ўтирган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юзларини ўтириб олганлар ва: «Эй Асмаъ, аёл киши ҳайз кўрадиган бўлганидан кейин ундан мана бу ва мана бундан бошқа жойи кўринмаслиги керак», деб икки кафтлари ва юзларига ишора қилганлари айтилган.

Ибн Жарир Тобарий ўз тафсириларида Оиша онамиздан келтирган ривоятда у киши айтадиларки: «Олдимга она бир акам Абдуллоҳ ибн Туфайлнинг қизи зийнатланган ҳолда кирган эди. Расулуллоҳ

келиб қолдилар ва юзларини ўгирдилар. Мен: «Эй, Аллоҳнинг Расули, бу она бир акамнинг қизи, ёш қиз», дедим. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аёл киши балоғатга етгандан кейин ундан юзи ва мана бу жойларидан бошқа жойи кўриниши ҳалол эмас», деб ўз билакларини тутумлаб кўрсатдилар. Ушлаган жойлари билан кафтлари орасида яна бир тутумча жой қолди».

Ҳанафий мазҳаби уламолари аёл кишига юз ва кафтларини очиб юришга изн берар эканлар, юз ва қўлни зийнатламасдан, табиий ҳолда тутишни шарт қилиб қўядилар.

«...ва зийнатларини кўрсатмасинлар...»

«Зийнат» деганда чиройли кийимлар, тақинчоқлар ва аёллар ўзларини чиройли кўрсатиш учун ишлатадиган турли воситалар кўзда тутилади.

Исломда аёл кишига зебу зийнат ҳалол қилинган. Чунки, чиройли бўлишга уриниш ҳар бир аёлнинг табиатида бор. Аллоҳ уларни шундай қилиб яратган. Ҳар бир аёл чиройли кўрингиси келади. Замон ўтиши билан зийнат ўзгариши мумкин, аммо аёл кишининг зийнатга бўлган рағбати ўзгармайди. Ислом аёл кишидаги ушбу рағбатни эътиборга олади. Аёл кишига зийнатланишга рухсат беради. Шу маънода эркакларга ҳаром қилинган тилла, кумуш ва шойи ипаклар аёллар учун ҳалолдир. Лекин Исломда ушбу зебу зийнатнинг таъсир доираси тартибга солинган. Аёлларнинг зебу зийнатлари номаҳрам – бегона эркакларнинг кўзини ўйнатишга, шаҳвоний ҳисларини кўзғашга, фитна чиқишига ва зинога йўл очилишига сабаб бўлмаслиги керак. Бунинг учун аёл киши ушбу оятга амал қилиб, зийнاتини номаҳрамлардан беркитмоғи лозим.

«...магар зоҳир бўлган зийнатлар бўлса (майли).»

Яъни, беркитишнинг имкони бўлмай қолганда гуноҳ эмас. Ми-сол учун, беихтиёр шамол турибми ёки бошқа сабабданми, зийнати зоҳир бўлиб кўриниб қолса, гуноҳ ҳисобланмайди.

«Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар.»

Яъни, бошларига ўраган рўмоллари фақат сочларини эмас, балки томоқлари, кўксилари ва кўкракларини ҳам тўсиб турсин. Токи, уларнинг жамоли бегона кўзларга мўлжал бўлмасин, турли фитналар келтириб чиқармасин.

Ушбу амру фармонларни ҳақиқий мўмина аёллар улкан итоат билан кутиб олганлар. Чунки, уларнинг қалблари илоҳий нур ила мунаввар эди. Уларнинг нафслари зийнатларини кўз-кўз қилишни истаса ҳам, ўзлари Аллоҳнинг фармонига сўзсиз бўйсунганлар. Жоҳилият даврида аёллар иффат ва шарм-ҳаё билан кийинишни билмас эдилар. Чиройларини кўз-кўз қилишда мусобақалашар эдилар. Соч ўримларини, бўйинларини, томоқларини, қулоқларидаги тақинчоқ-

ларини, ҳатто кўксиларини очиб юрар эдилар. Ушбу ояти карима нозил бўлганидан кейин мўмина аёллар тамоман бошқа ҳолатга кирдилар. Буни Оиша онамиз ҳам жуда яхши англатиб қўйганлар.

Имом Бухорий қилган ривоятда Оиша онамиз қуйидагиларни айтадилар: «Биринчи муҳожир аёлларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. Аллоҳ «Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар» оятини нозил қилиши билан, дарҳол, жилбоб-тўнларини йиртиб, рўмол қилиб ўрадилар».

Имом Абу Довуд қилган ривоятда эса, Софийя бинти Шайбар розияллоҳу анҳо қуйидагиларни айтадилар: «Биз Оишанинг олдида ўтириб Қурайш аёллари ва уларнинг фазилатларини зикр қилдик. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо: «Албатта, Қурайш аёлларининг фазли бор. Аммо мен, Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг китобини тақсимлашда ва нозил бўлган нарсага иймон келтириш борасида ансорий аёллардан афзалини кўрмадим. Сураи «Нур»даги «Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар» ояти нозил бўлганда, эрлари улар учун Аллоҳ нозил этган нарсани тиловат қилиб бердилар. Эркаклар ўз хотини, қизи, синглиси ва ҳар бир аёл қариндошига тиловат қилдилар. Бирорта ҳам аёл қолмай, ҳаммаси, дарҳол, тўнини олиб, бошига ёпди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан (намозда) худди бошларида қарға тургандек (қора ёпинчиқ билан) турар эдилар».

Шундай қилиб, Исломда гўзалликдан завқланиш ҳалол ва тўғри йўлга қўйилди. Аёлларнинг чиройи ва зебу зийнатлари бегона эркакларнинг ҳирсларини қўзғовчи эмас, балки ўзларининг жуфти ҳалолларига ҳалол завқ берадиган бўлди.

Шунингдек, аёлларга шаҳват билан қарамайдиган эркаклардан беркиниш шарт эмаслиги ҳам айтиб қўйилди.

«Зийнатларини кўрсатмасинлар...»

Мўмина аёллар қасддан ёки бепарволик билан зийнатларини кўрсатиб юриши мутлақо мумкин эмас.

«...магар...»

қуйидагиларга кўрсатсалар, майли:

1. «Эрларига...»

Муслима аёлнинг зийнатларини кўришга энг ҳақли одам унинг эридир. Шунингдек, эр аёл танасининг ҳамма жойини кўришга ҳақлидир.

2. «...ё оталарига...»

Мўмина-муслима аёлга унинг отаси энг бош маҳрам бўлади. Шунинг учун, унга зийнاتини кўрсатса, ҳалол. Ота ва ундан кейин зикр қилинадиган маҳрамлари учун аёлнинг никоҳи ҳаромдир, улар унга уйланишни, умуман шаҳват билан қарашни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шунинг учун, мўмина аёл ушбу маҳрамларга зийнاتини кўрсатса, бўлади. Юзини, қўлини, оёғини ва уй ичида очиб

юришга мажбур бўладиган баъзи аъзоларини, жумладан, хамир қилаётганда билагини, уй супураётганда болдирини кўрсатсалар, гуноҳи йўқ. Эҳтиёж юзасидан рухсат берилган.

«Оталар» дейилганда катта ота, бобо ва боболарининг оталари ҳам кўзда тутилади.

3. «...ё эрларининг оталарига...»

Яъни, қайин оталарига. Бунга қайин отанинг оталари ва катта қайин оталарнинг оталари ҳам киради. Улар ҳам ота ўрнида. Улар ҳам келинларига маҳрам, ўртадаги муносабатда уйланиш ёки шаҳват назари деган нарсаларнинг бўлиши мумкин эмас.

4. «...ё ўғилларига...»

Бунга ўз ўғиллари, ўғилларидан ва қизларидан бўлган ўғил набира, эвара ва чеваралар киради. Буларнинг ҳаммаси ҳам аёл киши учун маҳрам, улар орасида оила қуриш ёки шаҳват билан қараш умуман мумкин бўлмаган иш, шунинг учун ҳам муслима аёлга уларга зийнاتини кўрсатишга рухсат берилган.

5. «...ё эрларининг ўғилларига...»

Яъни, эрларининг бошқа хотиндан бўлган ўғиллари. Булар ҳам мўмина-муслима аёл учун маҳрам саналади. Ораларида никоҳ бўлиши мутлақо мумкин эмас. Чунки, ўртада она-болалик алоқаси бор. Шунинг учун, зебу зийнат ва чирой ўртада шаҳватни уйғотмайди.

6. «...ё ака-укаларига...»

Бунда туғишган ака-укалар, ота бир ака-укалар ва она бир ака-укалар ҳаммаси баробардирлар. Уларнинг барчаси маҳрам ҳисобланадилар, сингилларининг зийнатини кўрсалар, майли.

7. «...ё ака-укаларининг ўғилларига...»

Бунда ҳам туғишган, ота бир ва она бир ака-укаларнинг ўғиллари кўзда тутилган. Аёл ака-укаларнинг фарзандларига амма бўлади. Ўртада маҳрамлик бор, уйланиш ёки шаҳват билан қараш умуман бўлиши мумкин эмас. Бошқа маҳрамлар қатори, булар ҳам ҳаёт тақозоси ила доимо бир-бирлари билан кўришиб, аралашиб туришга эҳтиёжлари бор. Шунинг учун ҳам, жиянларига аммаларининг зийнатларига қарашларига рухсат берилган.

8. «...ё опа-сингилларининг ўғилларига...»

Бу ҳолатда ҳам туғишган, ота бир ёки она бир опа-сингилларининг ўғиллари кўзда тутилган. Аёл улар учун хола бўлади. Ўртада маҳрамлик бор. Шунинг учун, мўмина аёл зийнатларини уларга кўрсатса, бўлади.

Аммо мўмина-муслима аёлнинг эркак маҳрамлари бу билан тугамайди. Оятда зикри келмаган маҳрамлар ҳам бор. Мисол учун, амакилар, тоғалар ва куёвлар. Шунингдек, эмиқдошлик орқали маҳрам бўлганлар бор. Улар ҳақида ояти каримада бирор нарса дейилмаган

бўлса ҳам, ҳадисларда келган ҳукмлардан қиёс қилиб, мўмина-муслима аёл уларга зийнاتини кўрсатса, гуноҳ йўқ, деб фатво берилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиз розияллоҳу анҳога эмиқдошлик орқали амакиси ва тоғаси бўлган эркаклардан қочиб, ҳижоб олишга рухсат бермаганлар. Шундай экан, насаб орқали бўлган амаки ва тоғаларга, албатта, зийнатини кўрсатишга рухсат бор.

Ҳадис илми соҳасидаги энг мўътабар олти китобда ва имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад»ларида Оиша онамиздан ривоят қилинишича, Абул Қуъайсининг укаси Афлаҳ келиб, у кишининг ҳузурларига киришга изн сўраган. У Оиша онамизга эмиқдошлик орқали амаки эди. Оиша онамиз бу ҳақда шундай дейдилар: «Мен унга изн беришдан бош тортдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келганларида қилган ишим хусусида у зотга хабар бердим. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам менга у (Афлаҳ)га изн беришимга амр қилдилар».

Имом Абу Довуд қилган ривоятда бу хусус яна ҳам равшанроқ баён этилган:

«Оиша онамиз қуйидагиларни айтадилар: «Ҳузуримга Афлаҳ келган эди, ундан яшириндим. У:

«Амакинг бўлсам ҳам, мендан қочасанми?!» — деди. Мен:

«Қаердан менга амаки бўласан?!» — дедим. У жавоб берди:

«Сени менинг акамнинг хотини эмизган», деди. Мен:

«Мени эмизса, аёл киши эмизган, эркак киши эмас», дедим. Сўнг олдимга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кирдилар, мен бўлган гапни айтиб бердим. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, у амакинг бўлади, ҳузурингга кираверсин», дедилар».

Юқорида зикр қилинган маҳрамларнинг ҳаммаси абадий маҳрам ҳисобланадилар. Яъни, уларнинг мазкур мўмина аёлга уйланишлари абадий ҳаром қилингандир. Аммо маҳрамлиги вақтинчалик шахслар ҳам бўлади. Мисол учун, опа-сингилларининг эрлари вақтинчалик маҳрам саналади, яъни, опа билан никоҳда турган эркакка унинг синглисига уйланиши ҳаром саналади. Опа билан ажрашгандан кейингина сингилни никоҳига олиш ҳалол бўлади.

Уларга нисбатан қандай муомалада бўлиш керак? Бу ҳукм шариатда чегаралаб қўйилмаган. Уламоларимизнинг айтишларича, буни чегаралашнинг имкони ҳам йўқ. Чунки, бундай қариндошлик алоқалари турлича бўлади. Шунинг учун, ҳукми ҳам турлича. Бунда қариндошлик нисбати, ёш, ҳолатлар, бир жойда яшайдиларми ёки айричами ва бошқа омиллар ҳам эътиборга олинади.

Мисол учун, Оиша онамизнинг опалари Асмаъ бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайнсингиллари бўлади ва у зотдан қочмаганлар. Уйларига бемалол

кириб юрганлар. Ҳолбуки, икковлари орасидаги никоҳнинг ҳаромлиги вақтинчалик бўлган.

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амалларининг қизлари Умму Ҳониъ розияллоҳу анҳо ҳам у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан қочмаганлар. Ҳолбуки, икковларининг ораларида никоҳ дуруст бўлган.

Шу билан бирга, Зайнаб бинти Жаҳш онамиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида Фазл ибн Аббосдан қочганлар. Ҳолбуки, Зайнаб бинти Жаҳш онамиз Фазл ибн Аббоснинг аммаларининг қизи бўлган. Шунга ўхшаш ҳолатларни ўрганган уламоларимиз, юқорида айтилганидек, бундай ишларда шароитга қараб ҳукм чиқарилади, деганлар.

Шунингдек, қариндошлигида шубҳа бўлган эркаклардан ҳам мўмина аёллар ўзларини ҳижобда тутганлари яхши, дейилади.

Энди, маҳрам ҳисобланмаса ҳам, мўмина аёл зийнاتини кўрсатиши мумкин бўлган шахсларнинг зикри келади.

9. «...ё аёлларига...»

Яъни, мўмина аёллар аёлларга зийнатларини кўрсатсалар, бўлади. Уламоларимиз бу ҳақда турли фикрларни айтганлар. Баъзилари, «аёллар»дан мурод ҳамма хотинлар, деганлар. Баъзилари мусулмон аёлларни назарда тутганлар, бошқа бирлари эса, ўзларига тегишли хотинлар, деб айтганлар. Чунки, фосиқа, фожира аёллар муслима аёлнинг авратини, зийнатини кўрса, унга яқинлашса, фиқҳу фуҷурга бошлаши, фитна чиқариши мумкин, дейишган.

10. «...ё ўз қўлларида мулк бўлганларга...»

Бу иборадан қул ва чўриларига зийнатларини кўрсатсалар, бўлаверади, деган маъно чиқади.

Аммо уламоларимиз бу ҳақда ҳам икки хил фикр айтишган. Биринчи тоифа уламоларимиз, бундан мурод фақат чўрилар, қуллар эмас, чунки қул ҳам номаҳрам эркак, шахвати бор, озод бўлгандан кейин ўз аёл хўжайинига уйланиши мумкин, дейдилар. Ундай бўлса, аввал «аёлларига» деб туриб, кейин «чўриларига» дейишнинг нима ҳожати бор? Чўри ҳам аёл-ку, деган эътирозга, аввал ҳур аёллар зикр қилинди, кейин чўриларга мумкин эмас экан-да, деган гумон уйғонмасин учун улар ҳам санаб ўтилди, дейдилар.

Иккинчи тоифа эса, «ё ўз қўлларида мулк бўлганларга» жумласидан мурод муслима аёлнинг мулки бўлган қул ва чўрилардир, бунда нафақат чўри, балки қул ҳам кўзда тутилган, дейдилар ва ўз гапларига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан далил келтирадилар.

Имом Абу Довуд Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда айтилишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қул

олиб келиб, Фотима розияллоҳу анҳога совға қиладилар. Фотима розияллоҳу анҳонинг эса, биттагина кийими бўлиб, бошини беркитса, оёғи очилиб қолар, оёғини беркитса, боши очилиб қолар эди. У кишининг қийналиб қолганини кўрган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Майли, сенга ҳеч гап йўқ. Булар сенинг отанг ва ғуломинг», дедилар.

Имом Термизий ва бошқа имомлар Умму Салама онамиздан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аёлларига: «Агар сизлардан бирортангизнинг мукотаби (баҳосини тўлаб, озод бўлишга келишган қули) бўлса ва у (ўз баҳосини) адо этишга имкони бўлса, ундан ҳижоблансин», деганлар. Яъни, бу одамнинг озодлиги жуда яқинлашиб қолди. Энди у қул бўлмайди, шунинг учун, ундан қочиш лозим, деганларидир.

11. «...ё (аёлларга) беҳожат эркак хизматчиларга...»

Булар табиий, жисмоний жиҳатдан эркакликлари ўлган кимсалар бўлиб, қорин тўйғазиш учун одамларнинг хизматини қилиб юрадилар. Уларда умуман шаҳват, аёлларга қизиқиш деган нарсанинг ўзи бўлмайди. Муслима аёл ана шундай одамларга ҳам зийнати кўрсатса, бўлади.

12. «...ё аёллар авратининг фарқига бормаган ёш болаларга (бўлса майли)...»

Чунки, кичкина болалар аврат нима, шаҳват нима, билмайдилар.

Кўриш орқали фитна содир бўлмаслиги, зинога элтиш эҳтимоли уйғонмаслиги учун уларнинг йўли тўсилгандан кейин, энди, эшитиш орқали фитна туғдирадиган йўлларни ҳам тўсиб, мўмина аёлларга:

«Махфий зийнатларини билдириш учун оёқларини (ерга) урмасинлар», дейилмоқда.

Жоҳилият даврида аёллар оёқларига ҳам турли тақинчоқлар, қўнғироқлар тақиб олишар экан. Кейин эса, эркакларнинг эътиборини жалб этиш учун оёқларини ерга қаттиқ-қаттиқ уриб юриб, ҳалиги тақинчоқларнинг овозини чиқаришар экан. Бу эса, ўз навбатида, эркакларнинг шаҳватини қўзғаган, аёлнинг ортидан тушиб хиралик қилишига ва охир-оқибат зинога олиб бориши мумкин бўлган.

Шунинг учун, махфий зийнатларни ошкор этиш мақсадида ўша зийнатларнинг овозини қасдан чиқаришга ҳаракат қилиш ҳам Исломда тақиқланди.

Руҳшунос олимларнинг таъкидлашларича, баъзи одамларда аёлларнинг чиройини кўриб, шаҳвати қўзимаса ҳам, улардаги зийнатларнинг овозидан ҳирслари уйғонар экан. Ҳолбуки, Қуръони Карим бу ҳақиқатни бир минг тўрт юз йил муқаддам эътиборга олган.

Ушбу ояти каримадан олинган қоидага биноан, мўмина-муслима аёлларга бегона эркакларнинг шаҳватини қўзғатиб, фитнага са-

баб бўлмасликлари учун, нафақат ҳирсни қўзғатадиган овоз бериш, балки шунга восита бўлиб қоладиган бошқа нарсалар ҳам жоиз эмас. Шунинг учун ҳам, мўмина-муслима аёлларнинг кўчага хушбўй атирлардан сепиб чиқишлари ман қилинган.

Имом Насайй бундай ривоят келтиради: «Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўзларига йўлиққан бир аёлдан хушбўй ҳидни сезиб қолиб: «Эй, Жабборнинг бандаси, масжиддан келдингми?!» – дедилар. У аёл: «Ҳа», деб жавоб қайтарди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу:

«Мен ўз ҳабибим Абул Қосим солаллоҳу алайҳи васалламдан: «Аллоҳ таоло ушбу масжидга хушбўй атир сепиб келган аёлнинг намозини то у аёл жунублиқдан кейин ғул қилгандек ғул қилма-гунича қабул қилмайди», деганларини эшитганман», дедилар».

Имом Термизий Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир кўз зинокордир. Қайси бир аёл атир сепиб олиб, бир мажлис аҳди олдидан ўтса, бундоқдир, бундоқдир», деб оғир нарсани айтганлар.

Шунингдек, Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг ширали овоз билан эркаклар эътиборини тортишини ҳам ман қилганлар.

«Аллоҳга барчангиз тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки, нажот топсангизлар.»

Яъни, ушбу баён қилинган ҳолатларда сиздан хато ўтган бўлса, Аллоҳга тавба қилинг ва бу хатоларни бошқа такрорламанг. Шундагина нажот топишингиз мумкин.

Ўрни келганда, ушбу ҳукмларга боғлиқ бошқа масалаларни ҳам эслаб ўтиш лозим.

Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам мўмина-муслима аёлларнинг бегона эркак билан, ҳатто эркак қариндоши билан ҳам ёлғиз қолишини ман қилганлар. Фақат ёнида маҳрами бўлсагина, бошқалар билан бир жойда турса бўлади.

Имом Термизий Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам: «Эри ғойиб аёлларнинг олдида кирманглар. Чунки, шайтон ҳар бирингизнинг қонингизда юради», деганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда эса, Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, маҳрами йўқ аёл билан холи қолмасин, аксинчада, учинчилари шайтон бўлади», деганлар.

Агар номаҳрам эркак ва аёл бирга қолсалар, ҳеч бўлмаганда, бошқаларда шубҳа туғилади, турли гап-сўзлар кўпаяди. Бу эса, ифк ҳодисаси каби мусийбатларга олиб келади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам бу масалада жуда ҳушёр бўлганлар.

Имом Абу Довуд келтирган ривоятда қуйидагилар баён қилинган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда эътикоф ўтирганларида завжаи мутаҳҳаралари Софийя онамиз кечаси у зотни зиёрат қилгани келдилар. Суҳбатлари тугаб, у киши қайтиб кетаётганларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини кузатиб эшик олдига бордилар. Икковлари гаплашиб турганларида ансорийлардан икки киши ўтиб қолдилар. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўришлари билан тез юриб кета бошладилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икковларига:

«Шошманглар! Бу аёл Софийя бинти Ҳуйайдир», дедилар. Улар: «Субҳаналлоҳ! Эй, Аллоҳнинг Расули!» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, шайтон одамларнинг қон томирларида юради. Икковингизнинг қалбингизга бирор ёмонлик солмасин, деб қўрқдим», дедилар.

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эркакнинг қўли номаҳрам аёлнинг ҳеч бир жойига тегмаслиги лозимлигини қаттиқ тайинлаганлар. Ўзлари байъат олган вақтларида ҳам аёлларнинг қўлларида тутмаганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мўмина-муслима аёлнинг ёлғиз ўзи ёки номаҳрам эркак билан сафар қилишини қаттиқ ман этганлар.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадиларки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилаётиб:

«Бир эркак бир аёл киши билан ҳаргиз холи қолмасин, агар аёлнинг маҳрами бўлса, майли. Аёл киши сафарга зинҳор маҳрамсиз чиқмасин», дедилар. Шунда бир киши ўрнидан туриб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менинг аёлим ҳажга чиқди, мен эса фалон жойда бўладиган ғазотга ёзилдим», деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Сен бориб аёлинг билан бирга ҳаж қил!» — дедилар.

Ушбу ҳадисдан кўриниб турибдики, аёл кишини ҳатто ҳажга ҳам ёлғиз юбориб бўлмас экан. Ҳатто, Аллоҳнинг, дину диёнатнинг йўлида қилинадиган жиҳодни қўйиб бўлса ҳам, аёлнинг маҳрами у билан бирга ҳажга бориши таъкидланмоқда. Чунки, сафар машаққат ва хавфдан холи эмас. Мўмина аёлларни машаққат ва хавфда ёлғиз қолдиришга унинг маҳрамларининг эркаклик фурурлари ҳам йўл бермаслиги керак. Йўлда аёлнинг хизматини қилиб, қийинчиликлардан, хавф-хатар ва турли кўнгилсизликлардан ҳимоя этиб бориши керак.

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам номаҳ-рам эркак-аёлларнинг бир-бирига аралашиб юришини жуда қаттиқ ман қилганлар.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абу Усайд ал-Ансорий айтидики, «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам масжид ташқарисида туриб, йўлда эркаклар билан аёллар аралашиб кетганини кўрдилар ва аёлларга: «Сизлар орқада қолинглар, сизлар йўлнинг ўртасидан эмас, чеккасидан юринглар!» — дедилар. Аёллар девор тагидан юра бошладилар. Улар деворга жуда яқин юрганларидан кийимлари унга тегиб кетар эди».

Жамоат бўлиб намоз ўқиш, жума намозини адо этиш нақадар аҳамиятли эканини ҳар бир мусулмон яхши билади. Жума фарз. Жамоат намозини эса, баъзилар вожиб, баъзилар суннати муаккада, дейдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида: «Хоҳлар эдимки, бировни одамларга жамоат намозини ўқиб беришга бунориб қўйиб, ўзим бориб жамоат намозига келмаганларнинг уйига ўт қўйиб юборсам», деганлар. Бу ва бундан ҳам шиддатлироқ маънони англатувчи ҳадислар жуда кўп. Жума намозини узрсиз қолдирган одамнинг гуноҳи ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Лекин эркак-аёл аралашиб юриши яхши эмаслиги эътиборга олиниб, аёл кишига жумага бормасликка рухсат берилган.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жамоат билан жума ўқиш ҳар бир мусулмон учун ҳаққу вожибдир. Фақат тўрт кишигагина: қулга, аёл кишига, ёш болага ва касал одамга (вожиб эмас)», деганлар.

Жамоат намозига аёлларнинг қатнашмасликлари афзал эканини очиқ-ойдин айтганлар.

Имом Аҳмад ва бошқа муҳаддислар ривоят қилган ҳадисда Умму Ҳумайд ас-Соғидий исмли саҳобия аёл келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен сиз билан бирга намоз ўқишни яхши кўраман», дебдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мен сенинг мен билан намоз ўқишни яхши кўришингни биламан. Сенинг уйингдаги намозинг ҳужрангдаги намозингдан яхшироқдир. Ҳужрангдаги намозинг ҳовлингдаги намозингдан яхшироқдир, ҳовлингдаги намозинг қавминг масжидидаги намозингдан яхшироқдир, қавмингнинг масжидидаги намозинг менинг масжидимдаги намозингдан яхшироқдир», деб жавоб берганлар.

Тўғри, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга масжидга келиб намоз ўқишга рухсат берганлар. Лекин бу шартли рухсатдир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Хотинларингизни масжиддан ман қилманглар. Уйлари улар учун яхшироқдир», деганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларни мўътадил равишда зийнатланиб, лозим топилган жойларда атир-упалар билан хушбўйлашиб юришга тарғиб қилганлар. Аммо шу билан бирга, зебу зийнат орқасидан қувиб, ҳаддан ошишдан, шариатга хилоф иш қилишдан қаттиқ қайтарганлар. Ана шундай ман қилинган ишлар қаторига аёл кишининг сочига бошқа сочни улаш ва улатиш, ясама хол қўйиш ва қўйдириш, қошни ингичка қилиб териш ва тердириш, тишларининг орасини сунъий равишда очиш ва очтириш, юзининг рангини бутунлай ўзгартириш учун турли воситалар билан ювиш ва ювдириш каби амаллар ҳам киради.

Мўмина-муслима аёлларга бу ишларни қилишлари ҳам, бошқаларга бажартиришлари ҳам мутлақо мумкин эмас.

Буларнинг барчаси жамиятда беҳаёлик, шаҳвоний бузуқлик, фоҳиша гап-сўзлар, жинсий ахлоқсизлик ва зино тарқалишининг олдини оладиган чоралардир. Ушбу илоҳий тадбирларга бандалар чин ихлос билан амал қилган тақдирдагина жамият мазкур ифлосликлар ва ижтимоий касалликлардан пок бўлади.

Энди келадиган оятда эса, жинсий бузуқлик, фаҳш ва зинонинг олдини оладиган энг асосий омиллардан бири зикр этилади:

وَأَنْكِحُوا الْأَيْمَىٰ مِنْكُمْ وَالصَّالِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ ۚ إِن يَكُونُوا فُقَرَاءَ يُغْنِهِمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٣٢﴾

32. Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг. Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлдан бой қилур. Аллоҳ (фазли) кенг, ўта билгувчи зотдир.

Ушбу оятда биз «никоҳсиз бўлган» деб таржима қилган ибора арабчада «аййим» дейилади. Бу сўздан кўпчилик тул эркак ва бева хотинни тушунади. Аслида эса, бу нотўғри тушунчадир. «Аййим» хотини йўқ эркак ва эри йўқ аёлни билдиради. Аввал оила қурганми, қурмаганми, фарқи йўқ.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мусулмонлар жамоасига хитоб қилиб:

«Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг», деб буюрмоқда. Бинобарин, мусулмон жамияти аъзолари ўз ораларида никоҳсиз кишиларни қолдирмасликка ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Ҳаттоки қул ва чўриларнинг, агар хожалари уларда аҳли солиҳлик сифатини топса, уйли-

жойли бўлишларига ёрдам бермоқлари лозим. Шунинг учун ҳам, ҳозиргача мусулмонлар орасида балоғатга етган ёшларни тезроқ уйлаш, бирор сабаб билан оиласиз қолган эру хотинларни никоҳди бўлишга ундаш жуда кучли. Мазкур ишлар ушбу ояти каримага ҳамда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Никоҳ менинг суннатимдир, ким менинг суннатимга рағбат қилмаса, менадан эмас», деган ва бошқа кўпгина шунга ўхшаш ҳадисларига амал қилганимиз туфайли бажарилади. Никоҳ орқали эру хотиннинг боғланиши жинсий майлни қондиришнинг энг табиий ва ҳалол йўлидир. Шунинг учун, Исломда ҳалол никоҳ орқали оила қуриб яшашга қаттиқ тарғиб қилинади. Оила қуриш йўлидаги тўсиқлар олинади ва барча керакли омиллар юзага келтирилади.

Баъзи одамлар турли баҳоналар қилиб, уйланиш, оилали бўлишни орқага сурадилар. Ушбу баҳоналарнинг энг каттаси камбағаллик бўлади. Шунинг учун ҳам, оятнинг давомида бунга ўхшаш баҳоналар билан никоҳни орқага суриш яхши эмаслиги таъкидланмоқда:

«Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилур».

Яъни, фақирликни баҳона қилиб, никоҳдан қочмасинлар. Балки, никоҳга рағбат қилсинлар. Аллоҳ Ўзи билиб, керак бўлса, бой қилиб қўяди. Дарҳақиқат, кўпчилик одамларнинг оила қурганидан кейин жиддийлашиб, рўзғор учун астойдил ҳаракат қилиб, иқтисодий ҳолати яхшиланиб кетгани кузатилган.

«Аллоҳ (фазли) кенг, ўта билгувчи зотдир.»

Ўз фазлидан хоҳлаган бандасини бой қилиб қўяди. Аммо Ўзи билиб қилади. Нима қилишини эса, ўта билувчилик сифати ила Ўзи яхши билади.

Ҳамма, имконини топиб никоҳланиб, ҳалол-пок ҳолда оилавий ҳаёт кечирса, аини мурод. Аммо баъзи кишилар ўзларида қанчалик рағбат бўлса ҳам турли сабабларга кўра никоҳланиш имконини топа олмай қолишлари мумкин. Улар нима қиладилар? Мана шу саволга келгуси ояти карима жавоб беради.

وَلَيْسَتَعْفِيفِ الَّذِينَ لَا يَجِدُونَ نِكَاحًا حَتَّىٰ يُغْنِيَهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَالَّذِينَ يَبْتِغُونَ الْكِنَابَ
مِمَّا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ فَكَاتِبُوهُمْ إِنْ عَلِمْتُمْ فِيهِمْ خَيْرًا وَءَاتُوهُمْ مِّن مَّالِ اللَّهِ الَّذِي آتَاكُمْ
وَلَا تُكْرَهُوا فَنِيَّتِكُمْ عَلَى الْبِغَاءِ إِنْ أَرَدْتُمْ تَحْصِنًا لَّيَبْتَغُوا عَرَضَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَمَن يُكْرِهْنَنَّ فَإِنَّ اللَّهَ
مِن بَعْدِ إِكْرَاهِنَّ غَفُورٌ رَّحِيمٌ

33. Никоҳ(имкон)ни топа олмаганлар, то Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилгунича, ифбатларини сақласинлар. Қўлларингиз

да мулк бўлганлардан (озодлик) васиқасини истайдиганлари бўлса, бас, уларда яхшилик борлигини билсангиз, улар ила васиқа ёзинг ва Аллоҳнинг сизга берган молидан уларга беринг. Ҳаёти дунёнинг ўткинчи матоҳини истаб, покликни ирода қилган (чўри) қизларингизни фоҳишалikka мажбур қилманг. Ким уларни мажбур қилган бўлса, бас, албатта, Аллоҳ улар мажбур қилганларидан кейин ўта мағфиратли ва раҳимли зотдир.

Ушбу оятда каримада учта муҳим масала – никоҳга қодир бўлмаганлар нима қилишлиги, озод бўлишни истаб, ўз хожаси билан шартнома тузган, маълум маблағ эвазига озод бўлишга ҳаракат қилаётган қулу чўрилар тақдири ва фоҳишабозликка, яъни, баъзи аёлларни зинога мажбурлаб пул топишга уриниш масалалари муолажа этилмоқда.

Аввалги оятда мусулмон жамиятида никоҳсиз кишилар қолмаслиги, ҳатто қул ва чўриларнинг ҳам никоҳда бўлишларига эришиш учун ҳаракат қилмоқ лозимлиги, фақирлик – камбағаллик ва шунга ўхшаш камчиликларни баҳона қилиб, никоҳдан қочиш дуруст эмаслиги баён қилинган эди.

Ушбу оятда эса, уриниш ва ҳаракатлар билан ҳам никоҳли бўлиш имконини топа олмаганлар нима қилишлари лозимлиги баён этилмоқда.

«Никоҳ(имкон)ни топа олмаганлар, то Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилгунича, иффатларини сақласинлар.»

Никоҳга имкон топа олмаяпман, деб ҳаром йўлга юриб кетмасинлар.

Ҳалолга имкон топа олмаганлар учун ҳаромдан иффатларини сақлашнинг энг яхши йўлини эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатиб берганлар.

Имом Бухорий ва имом Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй, ёшлар жамоаси, сиздан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин, чунки у (уйланиш) кўзнинг тийилиши ва фаржнинг поклигидир. Ким қодир бўлмаса, унга рўза лозим, чунки у (рўза) анинг учун бичилишдир», деганлар.

Яъни, рўза тутиб юрса, шаҳвати кўзиши камаяди, иффатини сақлаш осонлашади, деганларидир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам никоҳга қодир бўла олмаганларни Аллоҳ таоло Ўз фазлидан бой қилиб қўйишининг йўллари билан бирини ҳам кўрсатиб берганлар.

Имом Термизий ва бошқа муҳаддислар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч кишига Аллоҳ учун ёрдам бермоқлик ҳақдир. Иффатни ирода қилиб никоҳни хоҳлаганга, шартномасини адо этишни истаган мукотабга ва Аллоҳнинг йўлида ғазот қилувчига», деганлар.

Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишни истаган мужоҳид ғозийга пул-мол ва бошқа нарсалар ила ёрдам бериш қанчалик савоб иш экани ҳаммага маълум. Уйланиб иффатини сақламоқчи бўлган шахсга ёрдам бериш ҳам шунчалик савобли иш экани ушбу ҳадисдан очиқ-ойдин англашилиб турибди.

Хожаси билан шартнома тузиб, озод бўлиш учун васиқадаги маблағни топиб беришга уринаётган қулга ёрдам қилиш ҳам мужоҳид ғозийга ёрдам кўрсатиш билан тенг экан.

Қулларга оид ҳукмлар оятнинг давомида баён қилинади.

«Қўлларингизда мулк бўлганлардан (озодлик) васиқасини истайдиганлари бўлса, бас, уларда яхшилик борлигини билсангиз, улар ила васиқа ёзинг ва Аллоҳнинг сизга берган молидан уларга беринг.»

Ислом дини келганда дунёда қулчилик авжига чиққан эди. Ислом қулчиликка қарши биринчи бўлиб бош кўтарди. Инсонлар озод бўлишлари учун у барча чораларни кўрди. Турли йўллар билан мусулмонларни қул озод қилишга даъват этди. Ким бир қулни озод этса, дўзахдан паноҳ топишини эълон қилди. Каффорат учун, гуноҳни ювиш учун қул озод этишни, ўзида бўлмаса, сотиб олиб озод этишни шарт қилиб қўйди. Яна бошқа кўпгина чораларни кўрди. Ўша чоралардан бири ушбу оятда зикр қилинаётган «мукотаба» номли амалдир. «Мукотаба» сўзи луғатда «икки томонлама ёзиш» деган маънони англатади. Шаръий истилоҳда эса, қул ёки чўрининг маълум бир маблағ ёки хизмат эвазига озодикка эришиш ҳақида ўз хожаси билан тузган шартномага айтилади. Бу ҳам қулчиликка қарши курашишнинг бир йўли, қул ва чўрилар озодикка эришишлари учун яратилган бир шароитдир. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга Қуръони Карим орқали хитоб қилиб, агар уларнинг қул ва чўриларидан қайсиси озодикка чиқиш учун шартнома тузишни истаса, улар билан ўша шартномани тузишга амр этмоқда.

«Бас, уларда яхшилик борлигини билсангиз...» дегани ўша «мукотаба» қилишни истаган қул ёки чўриларингизга шу ишда яхшилик бўлишини, улар аҳли солиҳ эканини, озод бўлганларидан кейин ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам наф етишини билсангиз, деганидир.

Демак, хожа қули билан маълум миқдор мол топиб ёки бирон ишни қилиб бериш эвазига унинг озод этилиши ҳақида шартнома тузиб, ёзиб қўяди. Шуни «мукотаба» дейилади. Шундан сўнг икки томон ҳам шартномага амал қилиши лозим бўлади. Қул пулни топиб бериши учун ҳеч ким унинг йўлига тўсиқ бўлмаслиги лозим. У шунда озодикка эришади. Хожа эса, шартнома асосида қулга шароит яратиб бериши керак. Қул келишилган молни ёки хизматни адо этиши билан озод бўлади, хожанинг унда ҳаққи қолмайди.

Агар хожалар Аллоҳ таолонинг ушбу оятдаги

«ва Аллоҳнинг сизга берган молидан уларга беринг» деган амрига бўйсуниб, келишилган маблағдан бир қисмини кечиб юборсалар, яна ҳам яхши бўлади. Уламоларимиз, бу амр ҳам хожаларга, ҳам мусулмонлар оммасига қаратилган, шартномада келишилган маблағни топиш учун мукотаба қилган қулга ҳам хожаси, ҳам бошқа мусулмонлар молиявий ёрдам беришлари керак, дейдилар.

Маълумки, закотнинг ҳақдорларидан бири ҳам айнан шу қуллардир. Яъни, закотдан маълум бир қисмини қул озод қилиш учун сарфлаш Қуръони Каримда тайин этилгандир.

Ислом қул озод этишни энг улкан ибодат ва Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишнинг энг самарали воситаси даражасига кўтарди.

Имом Байҳақий ал-Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Бир аъробий (сахролик араб) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Менга мени жаннатга киритадиган амални ўргатинг», деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Батаҳқиқ, қисқа гап билан масалани рўй-рост қўйдинг. Аҳолини озод қил, (қул) бўйнидан (кишанни) еч», дедилар. У:

«Иккови бир иш эмасми?» — деб сўради. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ, аҳолини озод қилиш — ёлғиз ўзинг озод қилишинг, (қул) бўйнидан (кишан) ечишинг эса, баҳосини тўлашга ёрдам беришинг. Шунингдек, туя ёки қўйнинг сутидан фойдаланиш учун бировга берадиган бўлсанг, сутти кўп вақтида бер. Сенга зулм қилган қариндошингга яхшилик кўрсат. Агар қодир бўлмасанг, тилингни яхши гапдан бошқасидан тий», дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифдан кўриниб турибдики, кишини жаннатга киритадиган ишларнинг бошида қул озод қилиш ёки қулнинг озод бўлишига молиявий ёрдам бериш турибди.

Шунингдек, Ислом ҳукуматига ҳам байтул молдан қул озод қилиш учун ҳисса ажратиш тавсия этилган.

Уламоларимизнинг тасдиқларига кўра, қадимда қуллар уч тоифа бўлганлар:

1. Урушда асир тушиб қул бўлганлар.
2. Ҳур бўлса ҳам, куч билан қул қилиб олинганлар.
3. Ота-боболаридан буён қул бўлиб келаётганлар.

Ислом дини келган пайтда дунёдаги ижтимоий ва иқтисодий низомларнинг барчасида қулчилик асосий омиллардан бири ҳисобланар, ҳамма бу нарсани оддий бир ҳолат деб билар эди.

Ислом одамлар ўрганиб қолган ароқхўрлик, зино, рибохўрлик сингари ижтимоий касалликларни даражама-даража даволаб йўқот-

ганидек, қулчилик муносабатларини ҳам аста-секин муолажа қилди. Чунки, бунга ўхшаш масалаларда шошма-шошарлик фойда бермаслиги аниқ. Ислом қулчиликка қарши режали равишда тадрижий кураш бошлади. Олдин, инсонларга бир-бирларини қул қилишлари яхши эмаслиги тушунтирилди. Сўнгра эса, қул озод қилиш савоб иш эканлиги, охиратда нажотга, гуноҳларнинг ювилишига сабаб бўлиши оят ва ҳадислар орқали баён этилди. Сўнгра, закот, каффورات каби ибодатларга қул озод қилиш киритилди. Энг аҳамиятлиси, бу ишлар қуруқ гап бўлиб қолмади. Балки, амалда қарор топди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари олтмиш учта қул озод қилганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутаҳҳараларидан бири Оиша онамиз розияллоҳу анҳо олтмиш етгита қул озод этганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аббос ибн Абдулмуттолиб етмишта, саҳобаларидан Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳу юзта, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу мингта, Зул Кулоъ ал-Ҳумайрий розияллоҳу анҳу саккиз мингта, Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳу ўттиз мингта қулни озод қилганлар. Ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Усмон (Аллоҳ улардан рози бўлсин) томонидан озод қилинган қулларнинг кўплигидан тарихчиларимиз уларнинг сонини аниқлай олмаганлар.

Бу амал мусулмонлар орасида кенг тарқалди. Эски қулларни озод қилиш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Ислом ҳур одамларни қул қилишни тақиқлади.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси қудсийда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги сўзлари келтирилган:

«Аллоҳ таоло дейди: «Мен қиёмат кунида уч хил одамнинг хусуматчиси бўламан. Мен кимнинг хусуматчиси бўлсам, уни енгаман. Бир одамнингки, номим ила бир нарса берилса-ю, у хиёнат қилса; бир одамки, ҳур инсонни сотиб, баҳосини еса; ва яна бир одамки, мардикор олиб, уни ишлатиб, ҳақини бермаса».

Ушбу ҳукмдан истисно тариқасида урушда қўлга тушган асирларнигина қул қилишга изн берилди. Бу эса, ўша вақтдаги жорий ҳолат бўйича берилган изн эди.

Оятнинг давомида яна бир даҳшатли ижтимоий касаллик — танфурушлик, хусусан, қул бўлган аёлларни танфурушликка зўрлаш орқали бойлик орттириш иллоти муолажа қилинади.

«Ҳаёти дунёнинг ўткинчи матоҳини истаб, покликни ирода қилган (чўри) қизларингизни фоҳишаликка мажбур қилманг.»

Оятда «қизларингизни» дейилган. Бундан мурод «чўриларингизни» демақдир. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Қўлингиз

остида бўлган биродарларингизни қулим ёки чўрим деманглар, балки ғуломим ва қизим денглар» деган маънода ҳадис ҳам ривоят қилинган. Бу ҳам қулчиликка қарши олиб борилган ҳаракатнинг бир туридир. Чунки, ўша пайтда баъзи одамлар чўриларни танфурушлик қилиб, пул-мол топиб келишга мажбур этишар эди. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ Ибн Убай ўша одамлардан бири эди. Ушбу ояти кариманинг нозил бўлишига ҳам ўша мунофиқнинг чўриларидан бири – Муоза исмли жориянинг арз қилиб келиши сабаб бўлган.

Машхур тафсирчи Суддий бу ҳақда қуйидагиларни айтадилар: «Ушбу оят мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ҳақида нозил бўлгандир. Унинг Муоза исмли жорияси бор эди. Уйига меҳмон келса, меҳмондан бирор нарса ундириш мақсадида жориясини унга қўшиб берар эди. Жория Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг олдига келиб, бу ҳақда шикоят қилди. Бас, Абу Бакр розияллоҳу анҳу бу ишни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам унга жорияни ўз ҳузурда олиб қолишни амр қилдилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Убай: «Муҳаммаддан менга ким ёрдам беради. Жорияларимизга ҳам эга чиқмоқда!» деб бақириб-чақира бошлади. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди».

Бошқа ривоятларда Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг бошқа жориялари ҳам борлиги, уларни танфурушликка мажбур этгани зикр қилинган.

Оятдаги

«Ҳаёти дунёнинг ўткинчи матоҳини истаб...» деган жумлада, агар ҳаёти дунёнинг ўткинчи матоҳини истамаса, чўри қизларини фоҳиша ишга мажбур қилса, бўлаверар экан-да, деган фикрга умуман йўл йўқ. Зеро, Аллоҳ фахш ишларнинг ҳар қандай кўринишини буткул ман этган. Бу ерда эса, хусусан, хожа ўзининг чўри қизларини пул орттириш учун танфурушликка мажбур қилиши ҳаромлиги ҳақида сўз кетмоқда.

Шунингдек,

«покликни ирода қилган (чўри) қизларингизни...» жумласидан, нопокликни ирода қилган чўри қизларни танфурушликка мажбур қилса, бўлаверар экан, деган фикр келиб чиқмайди. Маълумки, қиз ўз ихтиёри билан танфурушлик қилса, гуноҳи ўзига бўлади. Лекин бу ўринда агар чўри қиз фоҳишаликни ихтиёр қилмаса-ю, хожаси уни мажбур этса, бу гуноҳ – жиноят учун қонун олдида жавоб бериш хожанинг бўйнига тушиши ҳақида гап кетмоқда.

Араб ўлкаларида ушбу ояти карималар нозил бўлган пайтда танфурушлик, фоҳишабозлик икки хил бўлган.

Биринчиси – никоҳ кўринишидаги танфурушлик.

Шу ишни хоҳлаган аёл бир уйни ўзига маскан қилиб олар ва унинг олдига маълум одамлар кириб-чиқиб юрар эди. Улар аёлга

нафақа бериб, шахватларини қондиришарди. Агар аёл туғиб қолса, ўша эркакларнинг ҳаммасини тўплатиб келар ва уларга, орамиздаги гапдан ўзингиз хабардорсиз, мана мен туғдим, бу сенинг боланг, эй фалончи, деб эркаклардан бирининг номини айтар эди. Шу билан, бола ўша эркакники бўлиб қолар эди.

Иккинчиси эса, умумий танфурушлик эди.

Бу ҳам, ўз навбатида, иккига бўлинади. Бири, хожалар чўри қизларга ҳар ойда катта бир маблағ топиб келишни буюрар эдилар. Улар эса, бу маблағни танфурушлик қилиб топардилар.

Иккинчиси, одамлар ёш қизларни махсус уйларга жойлаштириб, устига байроқ илиб қўяр эдилар. У ерга ким хоҳласа, кириб, пулини тўлаб, зино қилиб чиқар эди. Кўп одамларнинг шунақа уйлари бор эди. Мунофиқларнинг бошлиғи, Оиша онамизга бўҳтон тоши отишга журъат этган Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг ҳам олти нафар ёш, чиройли чўрилари бўлиб, у уларни зинога мажбур қилар, дунёнинг матоҳига кўпроқ эришишни истарди. Ўша олти чўридан бири Муозанинг арз қилиб боргани ва бошқа ҳодисалар юқорида келтирилди.

Ислом дини бу фоҳиша ишларнинг барчасини ҳаром қилди. Ушбу оят нозил бўлганидан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам чўрилар зиносидан топиладиган молни ҳаром деб эълон қилдилар. Баъзи бир ҳадисларда чўриларнинг касб қилган амали ҳалоллиги аниқ бўлмаса, топгани ҳаром бўлиши айтилган. Яъни, ҳалол касбдан топганлиги аниқ бўлгандагина қабул этилади, бўлмаса, йўқ.

«Ким уларни мажбур қилган бўлса, бас, албатта, Аллоҳ улар мажбур қилганларидан кейин ўта мағфиратли ва раҳимли зотдир.»

Чўрилар ўз ихтиёрлари билан эмас, хожаларининг мажбурлаши оқибатида зино қилганлари учун, Аллоҳ уларга раҳим этиб, гуноҳларини кечиради.

وَلَقَدْ أَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ آيَاتٍ مُّبِينَاتٍ وَمَثَلًا مِّنَ الَّذِينَ خَلَوْا مِن قَبْلِكُمْ وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٣٤﴾

34. Батаҳқиқ, Биз сизларга очиқ-ойдин оятларни, сиздан олдин ўтганлардан мисолни ва тақводорлар учун ваъзни нозил қилдик.

Қуръони Карим оятлари очиқ-ойдин, уларнинг ҳеч тушунарсиз ёки ноаниқ қолган жойи йўқ. Ким хоҳласа, уларни ўрганиб, татбиқ қилиб, нажот топади.

Қуръони Каримда, ибрат олиш учун, ўтганларнинг мисоллари ҳам келтирилган. Иймонда юрганлар нажот топиб, куфрни ихтиёр қилганлар ҳалок бўлишига тарихдан далиллар келтирилган.

Қуръони Каримда тақводор зотлар учун етарлича мавъиза ҳам бор.

Сурада кўп ҳукмлар баён қилинди. Улардан жуда кўп масалаларга ечим топиш билан бирга, мунофиқлар жуда хатарли шахслар эканликларини ҳам англаб олди. Улар Ислом жамиятининг ичида турли фитналар қўзғаб юрганлари учун ҳам кофир ва мушриклардан кўра анча хатарли эканлиги маълум. Улар сиртдан ўзларини мусулмон қилиб кўрсатиб, баъзи мухлис мусулмонларни ҳам йўлдан уриш имконига эга бўлиб оладилар. Улар Қуръон, Ислом нуридан баҳраманд бўлолмаган одамлар. Уламоларимизнинг таъкидлашларича, қуйидаги уч мақсад эътибори билан кейинги оятлар ўша мунофиқларга қаратилгандир:

1. Уларга яна бир бор эслатма бериш. Шоядқи, эслатма бу сафар фойда бериб қолса.

2. Нифоқ билан иймоннинг, мунофиқ билан мўминнинг фарқини очиқ-ойдин қилиб қўйиш.

3. Аллоҳ таолонинг оятлари ҳақиқий мўмин-мусулмонлар учун ҳидоят эканини, номи мусулмон-у, ўзи Исломдан узоқ бўлганлар учун эмаслигини таъкидлаб қўйиш.

﴿اللَّهُ نُورُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ مِثْلُ نُورِهِ ۚ كَمِشْكُوتٍ فِيهَا مِصْبَاحٌ الْمِصْبَاحُ فِي زُجَاجَةٍ الزُّجَاجَةُ كَأَنَّهَا كَوْكَبٌ دُرِّيٌّ يُوقَدُ مِنْ شَجَرَةٍ مُبْرَكَةٍ زَيْتُونَةٍ لَا شَرْقِيَّةٍ وَلَا غَرْبِيَّةٍ يَكَادُ زَيْتُهَا يُضِيءُ وَلَوْ لَمْ تَمْسَسْهُ نَارٌ نُورٌ عَلَى نُورٍ يَهْدِي اللَّهُ لِنُورِهِ ۚ مَنْ يَشَاءُ وَيَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْثَلَ لِلنَّاسِ ۗ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

35. Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир. Унинг нурининг мисоли худди бир токча, унинг ичига чироқ қўйилган, чироқ эса, шиша ичида, шиша эса, гўё дурдан бўлган бир юлдуз бўлиб, шарқий ҳам, ғарбий ҳам бўлмаган муборак зайтун дарахтидан ёқилади. Унинг мойи ўзига олов тегмаса ҳам, ёритиб юборай дейди. (Бу) нур устига нуридир. Аллоҳ хоҳлаган одамни Ўз нурига ҳидоят қилур. Аллоҳ одамларга мисолларни келтирур. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчидир.

Суранинг номи ушбу ояти каримадан олинган. Бу ояти карима «Нур ояти» деб ҳам номланади.

Тафсирчиларимиз, файласуфларимиз бу ояти карима ҳақида кўп баҳс юритганлар. Ҳатто, Ҳужжатул Ислом имом Ғаззолий «Нур ояти»-ни тафсир қилиб, «Мишкотул анвор» номли бир китоб ҳам ёзганлар.

Оятда Аллоҳ таоло Ўз зоти олийсини «Нур» деб атамоқда. Лекин бу нур сиз билан бизнинг тушунчамиздаги моддий, кўзга таъсир ўткази-

диган, олимлар тахминича, бир сонияда 186000 мил тезликда ҳаракат қиладиган ёруғлик нури эмас. Аллоҳ таолонинг ҳеч бир сифати сиз билан бизнинг тасаввуримизга тўғри келмайди. У ўхшаши йўқ зотдир. Буни ҳамма уламоларимиз бир овоздан таъкидлаганлар. Аммо оятнинг тафсирига келганда фикрлар турлича бўлган.

«Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир.»

Бу жумлани баъзи уламоларимиз, «Аллоҳ осмонлар ва ерни мунаввар қилгувчидир», деб тушунтирганлар. Бошқа бирлари эса, «Аллоҳ осмонлару ерни вужудга келтиргувчидир», деганлар. Яна бошқалари, Аллоҳ таоло осмонлар ва ерни, яъни борлиқни ўз нуридан яратгандир, деган маънода тафсир қилганлар. Яна бир тоифаси, Аллоҳ таоло борлиқни билдиргувчидир, деганлар.

Бу тушунчаларнинг ҳаммаси араб тилида «нур» сўзи ифода этадиган маънолардан олингандир.

«Нур» сўзи, аслида, ўзи зоҳир бўлиб, ўзгаларни ҳам зоҳир этувчи вужудга нисбатан ишлатилади. Мисол учун, қоронғуликда ёруғлик зоҳир бўлиб, аввал ўзи кўринади ва шунинг баробарида атрофни ҳам ёритади, яъни, кўрсатади.

Шу сабабдан, қуёш, ой, юдузлардан тараладиган, сонияда 186000 мил ҳаракат қилиб, кўзга, миядаги кўриш марказига таъсир ўтказадиган ёруғлик ҳам нур дейилади. Шунингдек, илмга нисбатан ҳам «нур» сўзи ишлатилади. Яна, иймон ҳам нур дейилади; Қуръонни эса, Аллоҳ таолонинг ўзи нур деб атаган; кўзнинг кўриш қобилиятини-да нур дейишади; фарзандга нисбатан ҳам, «кўзимнинг нури» деган иборани ишлатишади. Қисқаси, «нур» сўзи жуда кўп маъноларда қўлланган.

Шунга ўхшаш луғавий маънолар эътиборидан келиб чиқиб, оятдаги жумланинг тафсири турлича бўлган. Ўша тафсирлардан баъзилари юқорида келтирилди.

Аллоҳ таоло осмонлар ва ернинг нури эканлиги инсоний тасаввурга сифиши қийин, шунинг учун инсон идрокига мос мисол билан тушунтирилмоқда:

«Унинг нурининг мисоли худди бир токча, унинг ичига чироқ қўйилган, чироқ эса, шиша ичида, шиша эса, гўё дурдан бўлган бир юдуз бўлиб, шарқий ҳам, ғарбий ҳам бўлмаган муборак зайтун дарахтидан ёқиладир».

Ўша вақтда ёруғлик ҳосил қилиш учун ишлатиладиган шиша чироқ инсонлар онгида энг тараққий этган восита бўлган. Нур яхши таралиши учун, аввало, деворда ўйма токча бўлиши керак.

«Унинг нурининг мисоли худди бир токча...»

Токчада турган чироқнинг нури беҳуда тарқалмасдан, бир тарафга таралади, шамол тегиб, ўчиб қолавермайди ҳамда липиллаб

тутамайди. Аммо фақат пилик ёнган билан ёруғлик бўлмайди. Агар пиликнинг устига шиша ўрнатилса, у ўчиб ҳам қолмайди, нури ҳам атрофга равшан таралади.

«унинг ичига чироқ қўйилган, чироқ эса, шиша ичида...»

Энди, шиша билан шишанинг ҳам фарқи бор. Шиша қанчалик шаффоф бўлса, чироқнинг нури шунчалик равшан ёритади. Ушбу оятда мисол келтирилади чироқнинг шишаси гўё дурдан бўлган бир юдуз экан.

«шиша эса, гўё дурдан бўлган бир юдуз бўлиб...»

Дур мусаффолик, юдуз эса, ёруғлик тимсоли. Икки тимсол бир бўлиб, ўша чироқнинг шишасида акс топмоқда. Бу эса, мисли йўқ даражада ёруғлик берадиган чироқ деганидир.

Энди, бу чироқ ёниши учун ёқилғи — мой керак. Аммо мой яхши бўлмоғи лозим, йўқса, чироқ равшан нур таратолмайди. Оятнинг давомида васф қилинаётган чироқнинг ёғи қанақа эканлиги баён этилмоқда:

«...шарқий ҳам, ғарбий ҳам бўлмаган муборак зайтун дарахтидан ёқиладир».

Яъни, чироқнинг ёғи муборак зайтун дарахтидан олинган. Ўша вақтдаги энг яхши чироқ ёғи зайтун ёғи бўлган. Аммо ҳамма зайтуннинг ҳам ёғи бир хил бўлавермайди. Қуёш тегмай, сояда ўсган зайтундан умуман яхши ёғ чиқмайди. Қуёш фақат шарқ томонидан тушадиган зайтуннинг ёғи ҳам, шунингдек, фақат ғарб томонидан тушадиган зайтун дарахтининг ёғи ҳам унча яхши бўлмайди. Энг яхшиси шарқий ҳам, ғарбий ҳам бўлмай, эртадан кечгача қуёшда тобланиб, қуёш нурини тўла эмиб ўсган зайтуннинг ёғидир. Бунинг устига, зайтун муборак дарахтдир.

«Унинг мойи ўзига олов тегмаса ҳам, ёритиб юборай дейдир.»

Яъни, яхши жойда ўсган муборак дарахтнинг — зайтуннинг ёғи бўлгани учун, чироққа қуйиб, пиликка олиб ёқмаса ҳам, ўзидан-ўзи зиё таратиб юборай деб турибди.

Хуллас, токча нур учун тайёрланган, чироқнинг ўзи нур, устига кийдириладиган шиша нури юдуз каби дурдек равшан, ёғи ҳам нур сочай деб турибди. Буларнинг ҳаммаси

«нур устига нурдир». Ҳа, Аллоҳнинг нури ана шундай ёрқиндир. Аммо:

«Аллоҳ хоҳлаган одамни Ўз нурига ҳидоят қилур».

Ҳаммани ҳам ҳидоят қилавермайди. Кўзи кўр одам қуёшнинг, ойнинг, юдузнинг, ҳатто олдида турган чироқнинг нурини кўрмаганидек, қалб кўзи кўр одам ҳам Аллоҳнинг нурига — иймонга, дину диёнатга, Қуръонга, Исломга ҳидоят топмайди. Шундай қилиб:

«Аллоҳ одамларга мисолларни келтирур».

Одамларга қандай мисол тўғри келишини У зотнинг Ўзи билади.
Чунки:

«Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчидир».

Аллоҳнинг мазкур нурли чироғи қаерда?

فِي بُيُوتٍ أَذِنَ اللَّهُ أَنْ تُرْفَعَ وَيُذْكَرَ فِيهَا أَسْمَاءُ بَسِيحٌ لَهُ فِيهَا بِالْغُدُوِّ وَالْآصَالِ

36. (У) бир уйлардаки, Аллоҳ уларнинг кўтарилишига ва уларда Ўз исми зикр қилинишига изн бергандир. Уларда Унга эртаю кеч тасбиҳ айтувчилар;

رِجَالٌ لَا تُلْهِهِمْ تِجَارَةٌ وَلَا بَيْعٌ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ يَخَافُونَ يَوْمًا تَتَقَلَّبُ فِيهِ الْقُلُوبُ وَالْأَبْصَارُ

37. Бир кишиларки, уларни тижорат ҳам, олди-сотди ҳам Аллоҳнинг зикридан, намозни тўқис адо этишдан ва закот беришдан машғул қила олмас. Улар қалблар ва кўзлар изтиробга тушадиган кундан қўрқарлар.

Демак, Аллоҳнинг нури, нурли чироқ, иймон нури

«(У) бир уйлардаки, Аллоҳ уларнинг кўтарилишига...» изн берган.

Яъни, моддий ва маънавий жиҳатдан юқори даражада бўлишига Аллоҳ таолонинг Ўзи амр қилган. Бу уйларни баланд қилиб қуришга изн берган.

«...ва уларда Ўз исмининг зикр қилинишига изн бергандир.»

Яъни, ўша баланд қилиб қурилган уйларнинг даражасини янада баландлатиш учун уларда Ўзининг исмини зикр этишни буюрган. Шу маъноларни эътиборга олиб, уламоларимизнинг кўплари, бу уйлардан мурод масжидлардир, дейдилар. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббосдан: «Масжидлар Аллоҳнинг ердаги уйлари дир», деган гап ҳам нақл қилинган. Ушбу оятнинг тафсирида Ҳофиз ибн Касир масжид қуришга тарғиб қилувчи, масжид одобларини ўргатувчи ҳадислар билан бир қаторда масжидга зеб беришдан қайтарувчи ҳадисларни ҳам келтирганлар.

Имом Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен масжидларни безашга амр қилинмаганман», деганлар.

Имом Аҳмад ва яна бир қанча муҳаддислар Анас розияллоҳу анҳудан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Одамлар

масжидлар ила мақтанадиган бўлмагунларича қиёмат қоим бўлмайди», деганларини ривоят қилганлар.

Демак, масжидларнинг ҳақиқий ободлиги уларда Аллоҳга ибодат қилиш билан бўлади. Шунинг учун ҳам, оятнинг давомида ва кейинги оятда айнан шу нарса зикр қилинмоқда.

«Уларда Унга эртаю кеч бир кишилар тасбиҳ айтурларки...»

Яъни, у уйларда Аллоҳга шундай кишилар эртаю кеч тасбиҳ айтурлар — Аллоҳни поклаб ёд этурларки,

«уларни тижорат ҳам, олди-сотди ҳам Аллоҳнинг зикридан, намозни тўкис адо этишдан ва закот беришдан машғул қила олмас».

Бу ерда Аллоҳнинг нуруни идрок этишга ва унинг файзидан баҳраманд бўлишга ҳаққи кишиларнинг сифатлари келтирилмоқда. Аллоҳ таоло неъматини, нуруни кўринганга ато қилавермайди, албатта. Балки, маълум сифатларга эга бўлган зотларгагина ато этади. Ана ўша инсонларнинг сифатларидан бири Аллоҳ таолони эртаю кеч поклаб ёд этиш — тасбиҳ айтиш бўлса, яна бир сифати тижоратга ҳам, олди-сотдига ҳам машғул бўлмасдан, Аллоҳни зикр этишларидир. Яъни, иш вақтида ҳам Аллоҳни унутмайдилар. Тижорат ва олди-сотди билан машғул бўлиб, намозни, хусусан жамоат намозини қолдирмайдилар. Менинг ўзим тижорат қилиб, зўрға топдим-ку, деб закот беришдан ҳам қочмайдилар. Чунки:

«Улар қалблар ва кўзлар изтиробга тушадиган кундан қўрқарлар».

Яъни, қиёмат кунидан қўрқадилар. У кунда тижорат билан, олди-сотди билан машғул бўлиб, Аллоҳнинг зикрини, намозни тўкис адо этишни, закот беришни унутганларнинг қалблари ва кўзлари қўрқинчдан изтиробга тушади.

Аммо юқорида айтилган сифатга эга бўлганларнинг иймон ва амаллари ҳамда ўша кундан қўрқишлари:

لِيَجْزِيَهُمُ اللَّهُ أَحْسَنَ مَا عَمِلُوا وَيَزِيدَهُم مِّن فَضْلِهِ ۗ وَاللَّهُ يَرْزُقُ مَن يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ

38. Аллоҳ уларни қилган амалларининг энг гўзали ила мукофотлаши ва фазли карамидан зиёда қилиб бериши учундир. Аллоҳ хоҳлаган кишига беҳисоб ризқ берур.

Мазкур сифатлар соҳиблари Аллоҳнинг нурига сазовор бўладилар ва қиёматда ушбу оятда зикр қилинган мукофотларга эришадилар.

Шу билан бирга, у нурдан маҳрум бўлганлар ҳам бор. Уларнинг ҳоли тамоман бошқача. Келаси оятда ўшаларнинг аҳволи васф қилинади:

وَالَّذِينَ كَفَرُوا أَعْمَالَهُمْ كَسْرَابٍ بِقِيَعَةٍ يَحْسَبُهُ الظَّمْثَانُ مَاءً حَتَّىٰ إِذَا جَاءَهُ لَمْ يَجِدْهُ
شَيْئًا وَوَجَدَ اللَّهُ عِنْدَهُ فَوْقَهُ حِسَابَهُ وَاللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ ﴿٢٥﴾

39. Куфр келтирганларнинг амаллари саҳродаги саробга ўхшар. Чанқоқ одам уни сув деб ҳисоблар. Қачонки, унинг олдига келса, ҳеч нарсани топмас. Ва у олдида Аллоҳни топур. Бас, У зот унинг ҳисобини тўлиқ қилур. Аллоҳ ўта тез ҳисоб қилгувчидир.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолонинг нуридан маҳрум бўлган кофир ва мунофиқларнинг ҳоли ажойиб услуб ила васф этилмоқда. Ўзлари чанқоқ одамга, амаллари эса, саҳродаги саробга ўхшатишмоқда.

«Куфр келтирганларнинг амаллари саҳродаги саробга ўхшар.»

Саҳродаги ташна одамга узоқдаги сароб сув бўлиб кўринади. Ана, сув топдим, маза қилиб ичаман энди, деб хориб-толиб, қоқилиб-суришиб етиб борса, ҳеч нарса йўқ бўлади.

«Чанқоқ одам уни сув деб ҳисоблар. Қачонки, унинг олдига келса, ҳеч нарсани топмас.»

Худди шунингдек, кофир ва мунофиқлар ҳам бу дунёда ўзларича, у қилдим-бу қилдим, деб амалларини санаб, яхши-яхши умидлар билан охират томон кетаверадилар. Қиёмат қоим бўлиб, «манзил»га етганларида эса, ҳеч нарса топмайдилар. Чунки, куфр ва нифоқ ҳар қандай ва ҳар қанча амални йўққа чиқаради, саробга айлантиради.

«Ва у олдида Аллоҳни топур. Бас, У зот унинг ҳисобини тўлиқ қилур.»

Кофирлар «Қилган амалимизнинг савобини топамиз», деб борган жойларида Аллоҳни топадилар ва Аллоҳ уларни бекаму кўст ҳисоб-китоб қилади. Зотан:

«Аллоҳ ўта тез ҳисоб қилгувчидир».

Келгуси оятда эса, куфр келтирганларнинг амаллари бошқача-роқ васф билан баён қилинади.

Уларнинг амаллари:

أَوْ كَظُلْمَتٍ فِي بَحْرِ لُجِّيٍّ يَغْشَاهُ مَوْجٌ مِّنْ فَوْقِهِ مَوْجٌ مِّنْ فَوْقِهِ سَحَابٌ ظَلَمَتْ
بَعْضَهَا فَوْقَ بَعْضٍ إِذَا أَخْرَجَ يَكْدُمُ لَمْ يَكْدِرْهَا وَمَنْ لَمْ يَجْعَلِ اللَّهُ لَهُ نُورًا فَمَا لَهُ مِن نُّورٍ ﴿٢٦﴾

40. Ёки худди қаърсиз денгиздаги зулматларга ўхшар. Унинг устидан мавж қоплагандир, у(мавж)нинг ҳам устидан мавж ва уни эса, булут (қоплагандир). Бир-бирининг устидаги зулматлар-

дир. У қўлини чиқарса, кўра олмас. Кимгаки Аллоҳ нур бермаса, унинг учун нур бўлмас.

Ушбу ояти каримада ҳам Аллоҳнинг нуридан маҳрум бўлган кофир ва мунофиқларнинг ҳолати ажойиб услуб ила васф қилинмоқда. Кофир ва мунофиқлар ўз амаллари билан:

«...худди қаърсиз денгиздаги зулматларга ўхшар».

Яъни, тубсиз денгиз остидаги қоронғу зулматда қолган одамга ўхшайди. У қоронғулик фақат денгизнинг тубсизлигидан эмас, балки яна:

«Унинг устидан мавж қопагандир».

Яъни, денгизни катта тўлқин қопаб олгандир. Бу тўлқин эса, зулмат устига зулматдир. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўша қопа-қора тўлқиннинг –

«У(мавж)нинг ҳам устидан мавж» қопагандир.

Аммо ҳали ҳам зулмат битгани йўқ. Тўлқин устидаги тўлқинни – **«уни эса, булут (қопагандир)».**

Демак, ҳаммасининг устидан қопа-қора булут қопаб турибди. Шундай қилиб, булар:

«Бир-бирининг устидаги зулматлардир».

Бу зулматлар остида қолган кофир ва мунофиқ қандай қилиб Аллоҳнинг нурини кўрсин. Ҳолбуки:

«У қўлини чиқарса, кўра олмас».

У ўз қўлини кўра олмагандан кейин, Аллоҳнинг нурини кўра олмаслиги турган гап.

«Кимгаки Аллоҳ нур бермаса, унинг учун нур бўлмас.»

Чунки, Аллоҳнинг нуридан бошқа нур йўқдир. Шунинг учун, Аллоҳнинг нуридан маҳрум бўлган кофир ва мунофиқлар қат-қат зулматлар остида қолган киши кабидирлар. Ҳолбуки, улардан бошқа барча мавжудот бу зулматлардан йироқда нурга кўмилиб, Аллоҳга ибодат қилиб, тасбиҳ айтмоқдалар:

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يَسْخِرُ لَهُ مِنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالطَّيْرِ صَفَّتٍ كُلِّ قَدْ عَلِمَ صَلَاتَهُ
وَتَسْبِيحَهُ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِمَا يَفْعَلُونَ ﴿٤١﴾

41. Аллоҳга осмонлар ва ердаги бор жонзот ва саф тортган ҳолидаги қушлар тасбиҳ айтишини ҳам кўрмайсанми?! Ҳар бири ўз дуоси ва тасбиҳини, батаҳқиқ, билмишдир. Аллоҳ нима амал қилишларини ўта билгувчидир.

Ушбу ояти каримада инсонга ўзининг атрофидаги борлиққа, бошқа жонзотларга эътибор билан қарашга даъват бор. Агар инсон қалб кўзини очиб, атрофига эътибор билан назар ташласа, борлиқдаги ҳамма

наrsa, барча жонзотлар Аллоҳга тасбиҳ айтаётганини кўради. Жумладан, осмонда саф тортиб учиб бораётган қушларнинг қанот қоқиши ҳам Аллоҳга тасбиҳ айтишидир. Борлиқдаги барча жонзотнинг:

«Ҳар бири ўз дуоси ва тасбиҳини, батаҳқиқ, билмишдир».

Фақат инсонгина билмайди. Кофир инсонлар Аллоҳга дуо қилиш ва тасбиҳ айтишдан бошқа ишлар билан машғулдирлар. Ҳолбуки:

«Аллоҳ нима амал қилишларини ўта билгувчидир».

Кофир ва мунофиқлар билиб қўйсинларки:

وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَإِلَى اللَّهِ الْمَصِيرُ ﴿٤٢﴾

42. Осмонлар ва ернинг мулки Аллоҳникидир ва қайтиш ҳам фақат Аллоҳгадир.

Шунинг учун, Аллоҳдан ўзгага юзланиш нотўғридир. Унинг паноҳидан бошқа паноҳ йўқдир. У зотдан қочиб бўлмас. У зотнинг ҳисоб-китобидан, жазо-иқобидан ҳам қутулиб бўлмас.

Аллоҳнинг биру борлигини, иймону итоатга сазоворлигини келаси оятдаги зикрдан ҳам билиб олса бўлади:

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يُزْجِي سَحَابًا ثُمَّ يُؤَلِّفُ بَيْنَهُ ثُمَّ يَجْعَلُهُ رُكَّامًا فَتَرَى الْوَدَّافَ يَخْرُجُ مِنْ خَلَلِهِ وَيُنَزِّلُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ جِبَالٍ فِيهَا مِنْ بَرَدٍ فَيُصِيبُ بِهِ مَنْ يَشَاءُ وَيَصْرِفُهُ عَنِ مَنْ يَشَاءُ يَكَادُ سُنَّابِرُ قِهِ يَذْهَبُ بِالْأَبْصَرِ ﴿٤٣﴾

43. Аллоҳ булутларни ҳайдашини, сўнгра бирга тўплашини, сўнгра уйиб қўйишини кўрмайсанми?! Бас, унинг орасидан ёмғир чиқаётганини кўурсан. У зот осмондан, ундаги тоғлардан дўл тушириб, у билан Ўзи хоҳлаган кишиларга мусийбат етказур ва уни Ўзи хоҳлаган кишилардан буриб юборур. Унинг чақмоғининг ярқираши кўзларни кетказгудек бўлур.

Албатта, ушбу оятда васф қилинган ҳодисалар ўзидан-ўзи бўлмайди. Одамларнинг ўзи ҳам бунга қодир эмаслар. Ҳеч бир зотнинг қўлидан келмайди бу иш. Фақат Аллоҳ таологина қила олади. Ушбу ҳодисалар инсонни Аллоҳга иймон келтиришга, унга ибодат қилиб яшашга ундайди. Шунингдек:

يَقْلِبُ اللَّهُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لِّأُولِي الْأَبْصَرِ ﴿٤٤﴾

44. Аллоҳ кеча ва кундузни айлангириб турур. Албатта, бунда кўзи борлар учун ибрат бордир.

Кечаю кундузнинг айланиб-алмашиб туриши ҳам Аллоҳнинг биру борлигига ёрқин далилдир. Бу ишни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қила олмайди.

«Албатта, бунда кўзи борлар учун ибрат бордир.»

Кимнинг қалб кўзи очик бўлса, буни кўриб, ибрат олади ва Аллоҳга иймон келтириб, ибодат қилади.

وَاللَّهُ خَلَقَ كُلَّ دَابَّةٍ مِّن مَّاءٍ فَمِنْهُمْ مَّن يَمْشِي عَلَىٰ بَطْنِهِ ۖ وَمِنْهُمْ مَّن يَمْشِي عَلَىٰ رِجْلَيْنِ وَمِنْهُمْ مَّن يَمْشِي عَلَىٰ أَرْبَعٍ يَخْلُقُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ ۚ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٥٠﴾

45. Аллоҳ ҳамма жониворни сувдан яратди. Бас, улардан баъзилари қорни билан юрадир, баъзилари икки оёқ билан юрадир ва баъзилари тўрт (оёқ) билан. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

Ўтган оятларда булутларнинг ҳайдалиши, улардан ёмғир ёғиши, тоғ каби юксакларидан дўл тушиб, кимларгадир мусийбат етказиши, кимларнидир четлаб ўтиши, чақмоқ чақиши ва кечаю кундузнинг алмашиниши каби, Аллоҳнинг биру борлигига, чексиз қудратига далилат қилувчи табиат ҳодисаларига диққат қаратилгандан сўнг, энди кишиларнинг эътибори ер юзидаги жониворларга тортилмоқда:

«Аллоҳ ҳамма жониворни сувдан яратди».

Бу Қуръоний ҳақиқат. Бошқалар нима дейишининг аҳамияти йўқ. Чунки ҳамма, ким бўлишидан қатъиназар, тахмин билан гапирди. Аллоҳ эса, доимо ҳақни сўзлайди. Қуръонда «Аллоҳ ҳамма жониворларни сувдан яратди», дейилганми, демак шундай. Аллоҳдан бошқа барча бирлашиб, сув ва ундан бошқа ҳамма воситаю ашёларни ишга солганда ҳам, бирорта жониворни ярата олмаган, ярата олмайди ҳам. Энг арзимас саналганларини ҳам Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай зот ярата олмаган. Дунёдаги саноғига етиб бўлмайдиган жонзотларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг биру борлигига ёрқин далилдир. Бунинг устига, уларнинг турли-туманлигини айтмайсизми?

«Бас, улардан баъзилари қорни билан юрадир...»

Уларни қорни билан юрадиган қилиб яратган зот – Аллоҳ. У зотдан бошқа ким бунақа жонзотни ярата олади?!

«...баъзилари икки оёқ билан юрадир ва баъзилари тўрт (оёқ) билан.»

Уларни ҳам Аллоҳ шу қобилият билан яратган. У зотдан бошқа ким икки ёки тўрт оёқ билан юрадиган жониворларни ярата олади?!

«Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратур.»

Унинг хоҳишини чеклайдиган зот йўқ. Хоҳлаган шаклда, хоҳлаган сифатда, хоҳлаган сийратда яратаверади.

«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.»

Унинг қудрати чексиздир.

Шунинг учун ҳам, у зотга иймон келтириб, ибодат қилмоқ шарт. Лекин баъзи одамлар шунча ҳикматларни кўриб-билиб туриб, мунофиқлик қиладилар.

لَقَدْ أَنْزَلْنَا آيَاتٍ مُّبِينَاتٍ وَاللَّهُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٤٦﴾

46. Батаҳқиқ, Биз очиқ-ойдин баён қилгувчи оятларни туширдик. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсани тўғри йўлга ҳидоят қиладир.

Аллоҳ нозил этган оятлар ҳамма нарсани очиқ-ойдин баён қилиб беради. Улар Аллоҳнинг нуруни ҳам, куфрнинг зулматини ҳам, яхши-ёмонни ҳам, пок-нопокни ҳам, ҳамма-ҳамма нарсани баён қилиб беради.

«Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсани тўғри йўлга ҳидоят қиладир.»

Аллоҳнинг хоҳишининг чеки йўқдир. Аллоҳнинг Ўзи ҳидоятни хоҳлаб, унга интилган одамга ҳидоят нуруни ато этмоқни жорий этиб қўйган. Ким иймон учун ҳаракат қилса, Аллоҳ уни ноумид қўймайди. Аммо баъзи одамлар бошқача йўл тутадилар.

وَيَقُولُونَ آمَنَّا بِاللَّهِ وَبِالرَّسُولِ وَأَطَعْنَا ثُمَّ تَوَلَّىٰ فِرْقٌ مِّنْهُمْ مِّنْ بَعْدِ ذَلِكَ وَمَا أُولَٰئِكَ بِالْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٧﴾

47. Улар: «Аллоҳга ва Пайғамбарга иймон келтирдик ва итоат қилдик», дерлар. Сўнгра улардан бир гуруҳи юз ўгириб кетурлар. Ана ўшалар мўмин эмаслар.

Улар бир гуруҳ мунофиқлардир. Улар тиллари билан:

«Аллоҳга ва Пайғамбарга иймон келтирдик ва итоат қилдик», дейдилар.

Лекин иймонга амални қўшмайдилар. Иймонли эканликлари ҳақида сафсата сотсалар ҳам, ҳаётда иймон тақозоси ила амал қилмай, Ислом шариатига юришни истамай, бошқа қонун-қоидалар асосида яшашга уринадилар. Оғизларида мўминлик даъвосини қилсалар ҳам, Аллоҳга ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга иймонлари борлигини айтсалар ҳам, уларга итоат этишлари ҳақида


оғиз кўпиртириб сўзласалар ҳам, сўзларига заррача амал қилмай-дилар. Уларга, айниқса, «Нур» сураси ўқилганда юраклари сиқилиб кетади. Чунки, бу сура уларга зинони, очиқ-сочиқликни, ахлоқий бузуқлик бўлмиш ҳавойи нафснинг хоҳишларини ман қилиб, одоб-ахлоқ доирасида ҳалол-пок яшашни таклиф этади.

«Сўнгра улардан бир гуруҳи юз ўгириб кетурлар.»

Тиллари билан айтган гапларига амал қилиш керак бўлганда юз ўгириб, бошқа томонга қараб кетадилар.

«Ана ўшалар мўмин эмаслар.»

Иймон тақозо этган амалларни бажармаган одам қандай қилиб мўмин бўла олади?! Ислом дини ундайлардан воз кечади. Оғзида гапириб, амал қилмайдиган одам ҳеч қачон мўмин-мусулмон бўла олмайди. Ундай одамлар оғизларида мўмин-мусулмонлик даъвосини қилсалар ҳам, Аллоҳ ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукми бўйича иш юритишдан бош тортадилар.



48. Уларни қачонки Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига ораларида ҳукм чиқариш учун чорланса, баногоҳ, улардан бир гуруҳи юз ўгиргувчилардир.

Улар ораларида Аллоҳнинг амри ила, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ила ҳукм юритилишини зинҳор хоҳламайдилар. Улар оғизлари билан иймон ва Ислом даъвосини қилсалар ҳам, Аллоҳ таолонинг ва Унинг Пайғамбарининг ҳукми асосида эмас, бошқа ҳукм остида яшаш ва иш юритишни истайдилар. Шундай экан, улар қандоқ қилиб мўмин-мусулмон бўла олсинлар?!

Ана ўшаларга зеҳн солиб қаралса, кўплари Аллоҳ фарз қилган амалларни қилмайдилар, масжидга қадам ҳам босмайдилар, оғизларида эса, мўмин-мусулмонлик даъвосини қилаверадилар. Бунинг устига, бир бўлиб олиб, Исломга қарши иш юритадилар. Оғизларида иймонлари, мусулмон эканликлари ҳақида гапирадилар-у, Ислом ҳукми юзага чиқмаслиги учун барча чораларни қўллаб турадилар.

Ундай одамларни чорлаб, модомики сиз мўмин-мусулмон экансиз, келинг, орамизда Аллоҳнинг ва Унинг Пайғамбарининг ҳукми юритилсин, дейилса:

«...баногоҳ, улардан бир гуруҳи юз ўгиргувчилардир.»

Улар ер юзида Аллоҳнинг қонунлари ҳукм суришини хоҳламайдилар. Улар ер юзида Аллоҳнинг Пайғамбари суннатига амал қилинишини ҳам хоҳламайдилар. Яна қандай қилиб мўмин-мусулмон бўлсинлар?!

Аммо Аллоҳнинг ва Пайғамбарининг ҳукмига чорланганларида юз ўгириб кетган бўлишларига қарамасдан:

وَإِنْ يَكُنْ لَهُمُ الْحَقُّ يَأْتُوا إِلَيْهِ مُذْعِنِينَ ﴿٤٩﴾

49. Агар ҳақ улар (тарафда) бўлса, у(Пайғамбар)га бўйин эгиб келурлар.

Ислом ҳукми ҳақ бўлгани учун ундан қочиб юрган эдилар. Ҳаққа бўйсунидан бош тортиб, Ислом ҳукми юзага чиқишига қарши бўлаётган эдилар. Лекин Ислом ҳукмида ўзларига фойдали жойи бўлса, унга амал қилишга доим тайёрлар.

Мунофиқ аёл Ислом ҳукми асосида яшашни истамайди, аммо Ислом муслима аёлларга берган имтиёзлардан фойдаланишни хоҳлайди. Мунофиқ эркак Ислом талаб қилган мажбуриятларни бажаришни хоҳламайди, аммо Ислом мусулмон эрларга берган имтиёзлардан фойдаланишга тайёр туради. Мунофиқ кимса Ислом ҳукумати жорий қилган қонун-қоидаларга бўйсунидан бош тартади, аммо мусулмонларга бериладиган имтиёзларга у ҳам даъвогар бўлади. Мунофиқ ҳоким Ислом бўйича ҳукм юритмайди, динга қарши ишларни бажаради, аммо ўзини Аллоҳнинг ер юзидаги сояси деб даъво қилади, фуқароларга «ҳокимнинг амри вожиб» бўлишини талаб этади.

Гапнинг хулосасини айтганда, мунофиқлар оғизларида иймон, Ислом даъвосини қиладилар, аммо иймон ва Ислом бўйича иш кўришга келганда, юз ўгириб кетадилар. Улар иймон қўйган мажбуриятларни адо этишни мутлақо истамайдилар. Айни чоқда, мўмин-мусулмонларга иймон ва Ислом берадиган имтиёзлардан тўла фойдаланишни хоҳлайдилар.

Улар нима учун бундай йўл тутадилар?!

أَفِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ أَمْ ارْتَابُوا أَمْ يَخَافُونَ أَنْ يَحِيفَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَرَسُولَهُ بَلْ أُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٥٠﴾

50. Уларнинг қалбларида мараз борми?! Ёки шубҳа қилдиларми?! Ёхуд Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари уларга зулм қилишидан қўрқадиларми?! Йўқ! Уларнинг ўзлари золимлардир.

Оғзи билан Иймон, Ислом даъвосини қилиб туриб, амалга келганда юз ўгириб кетувчиларда уч ҳолатдан бири бўлади, йўқса, бунчалар паст кетмас эдилар. Ана ўша уч ҳолат бу оятда учта савол ила билдирилмоқда:

Биринчиси:

«Уларнинг қалбларида мараз борми?!»

Тили билан мўмин-мусулмонлик даъвосида туриб, воқелиқда унга амал қилмаслик учун, аввало, қалбда мараз — тузалмас дард бўлиши керак. Чунки, қалби соғлом одам тили билан айтган гапнинг хилофини қила олмайди. Мен мўмин-мусулмонман, деб туриб, ўзи кофир ва фосиқнинг ишини қилишга соғлом қалб йўл бермайди.

Иккинчиси:

«Ёки шубҳа қилдиларми?!»

Уларнинг воқелиқда мўмин-мусулмонликка амал қилмаётганига яна бир сабаб, Иймон ва Ислоннинг нур эканига, Аллоҳнинг ҳукми ҳақлигига шубҳа-гумонда эканликлари бўлса керак. Агар Иймон ва Ислоннинг нур эканига ҳамда Аллоҳнинг ҳукми ҳақ эканига шубҳаланмаса, уларга амал қилиши лозим бўлар эди.

Учинчиси:

«Ёхуд Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари уларга зулм қилишидан қўрқадиларми?!»

Уларнинг воқелиқда мўмин-мусулмонликка амал қилмасликларига яна бир сабаб, Иймон ва Ислон тақозоси бўйича иш юритилса, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга зулм ўтказди, деган қўрқинч ҳам бўлиши мумкин. Агар шундай қўрқинч бўлмаса, Аллоҳнинг ҳукмига, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатига амал қилишлари лозим эди.

«Йўқ!»

Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари ҳеч кимга зулм қилмайди. Чунки, Аллоҳнинг адолати мутлақдир. У зот ҳамманинг Роббидир. У барчага баробардир. Шунинг учун, Аллоҳ таолодан заррача зулм содир бўлиши мумкин эмас. Аллоҳнинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлсалар, У зотнинг ишончли элчисидирлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам заррача зулм содир бўлиши мумкин эмас. Чунки, зулм деган нарса у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг табиатларида йўқ. Аллоҳ таоло у кишини маъсум қилган. Агар бошқаларга заррача зулм қиладиган бўлганларида, Аллоҳ таоло у кишини Ўзига элчиликка танлаб олмас эди.

«Уларнинг ўзлари золимлардир.»

Ҳа, демак, гап бу ёқда экан: Аллоҳнинг ҳукмига юрмаганларнинг ўзлари золимдирлар. Чунки, Аллоҳнинг ҳукмига юрмасликнинг ўзи энг катта зулм. Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари зулм қилади, деган гумонда бўлишнинг ўзи катта зулмдир. Аслида, Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа барча ҳукм айни зулмдир.

Аллоҳнинг ҳукмига юришдан бош тортаётганлар кимнинг ҳукмига юради? Албатта, ўзига ўхшаган махлуқнинг ҳукмига юради.

Аллоҳдан бошқанинг ҳукми эса, ким бўлишидан қатъиназар, мутлақ одил бўла олмайди.

Аллоҳнинг ҳукмига юришдан бош тортаётганлар якка ҳокимнинг ҳукмига юришни хоҳлашлари мумкин. Аввало, ўша якка ҳокимнинг одамларга ҳукмини ўтказишга нима ҳаққи бор?! Қолаверса, инсон ҳукм чиқаришда энг аввал ўзининг ва ўзига яқинларнинг манфаатини ўйлаши турган гап. Воқелик шуни тасдиқлайди. Дунёда ўз манфаатини ўйламаган ҳеч бир якка ҳоким ўтгани йўқ. Шундай экан, бу бошқаларга нисбатан зулм эмасми?!

Аллоҳнинг ҳукмига юришдан бош тортаётганлар бирор фирқанинг ҳукмига юришни хоҳлашлари мумкин. Аммо бу ҳам айни зулмдир. Нима учун одамлар қандайдир бир фирқанинг ҳукми асосида яшашлари керак? Ахир, ҳаммалари бир хил одамлар-ку! Ундан сўнг, ҳар қандай фирқа ҳукмини юритаётганда, аввало, ўз аъзоларининг манфаатини олдинга қўйиши турган гап. Бу эса, зулмнинг ўзгинасидир. Дунёда ўз аъзолари манфаатини кўзламаган ҳеч қандай фирқа бўлмаган, бўлмайди ҳам. Шундай экан, фирқага аъзо бўлмаганларга нисбатан бу ҳол айни зулм эмасми?!

Аллоҳнинг ҳукмига юришдан бош тортаётганлар ҳозиргача қурилмаган ва барпо этилиши мумкин ҳам бўлмаган «халқ ҳокимияти» асосида яшашни хоҳлашлари мумкин. Фаразан, шундай бўлди ҳам, дейлик, лекин дунёда ўзининг манфаатларини ўзгалардан устун қўймайдиган бирор халқ борми? Йўқ. Демак, бу ҳолатда ҳам адолат бўлиши мумкин эмас. Демак, бу ҳам зулмдир.

Шунингдек, Аллоҳнинг ҳукми бўйича яшашни истамаётганлар маълум бир давлат ёки маълум бир давлатлар уюшмаси ҳукми асосида яшашни хоҳлашлари мумкин. Аммо бу ҳолатда ҳам ва таклиф қилиниши мумкин бўлган бошқа барча ҳолатларда ҳам ҳақиқий адолат асло юзага чиқмайди.

Ҳа, Аллоҳнинг ҳукмидан бошқанинг ҳукми зулмдир. Аллоҳнинг ҳукмига юришни хоҳламаганлар золимлардир. Аллоҳдан бошқанинг ҳукмини хоҳловчилар мўмин эмас.

Ҳақиқий мўмин-мусулмонларнинг Аллоҳ таоло ва Унинг Пайгамбари ҳукмига нисбатан муносабатлари тамоман бошқача бўлади.

إِنَّمَا كَانَ قَوْلَ الْمُؤْمِنِينَ إِذَا دُعُوا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ أَنْ يَقُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا
وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٦٥﴾

51. Албатта, мўминларнинг Аллоҳга ва Унинг Пайгамбарига ораларида ҳукм чиқариш учун чорланганларидаги гаплари: «Эшит-

дик ва итоат қилдик», демоқларидир. Ана ўшаларнинг ўзларигина нажот топгувчилардир.

Ҳақиқий мўмин Аллоҳнинг ҳукмига чорланганида, дарҳол: «Амрни эшитдик, итоат қилдик», дейди. Ҳақиқий мўмин Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукмига чорланганида ҳам, дарҳол: «Амрни эшитдик, итоат қилдик», дейди.

«Албатта, мўминларнинг Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига ораларида ҳукм чиқариш учун чорланганларидаги гаплари: «Эшитдик ва итоат қилдик», демоқларидир.»

Аллоҳнинг ва Унинг Пайғамбарининг ҳукмига сўзсиз бўйин эгмоқ иймоннинг белгисидир. Аллоҳнинг ва Унинг Пайғамбари солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукмига сўзсиз бўйин эгганларгина ҳақиқий мўминлардир.

«Ана ўшаларнинг ўзларигина нажот топгувчилардир.»

وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَخْشَ اللَّهَ وَيَتَّقْهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَائِزُونَ ﴿٥٢﴾

52. Ким Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат этса ҳамда Аллоҳдан қўрқиб, Унга тақво қилса, бас, ана ўшаларгина ютуққа эришгувчилардир.

Шундай экан, ким дунёю охиратда ютуққа эришмоқчи бўлса, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат этсин. Аллоҳнинг Қуръонига ва Пайғамбарининг суннатига амал қилсин.

Ким дунёю охиратда ютуққа эришмоқчи бўлса, Аллоҳдан қўрқиб яшасин, Аллоҳга тақво қилиб яшасин.

Аллоҳнинг ва Пайғамбарининг ҳукмига мунофиқлар билан ҳақиқий мўминларнинг муносабати баён қилиб бўлинганидан сўнг, энди яна мунофиқлар ҳақидаги гап келган жойидан давом эттирилади:

﴿٥٣﴾ وَأَقْسَمُوا بِاللَّهِ جَهْدَ أَيْمَانِهِمْ لَئِن أَمَرْتَهُمْ لَيَخْرُجْنَ قُلْ لَا نَفْسٌ مِّنْهُمْ مَّعْرُوفَةٌ إِنَّ اللَّهَ خَيْرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿٥٣﴾

53. Улар агар амр қилсанг, албатта, (жиҳодга) чиқишлари ҳақида Аллоҳ номи билан жон-жаҳдлари ила қасам ичарлар. Сен: «Қасам ичманглр! (Бу жиҳод) маълум тоатдир! Албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганларингиздан хабардордир», деб айт.

Оғзида мўмин-мусулмонликни даъво қилиб, лекин Иймон, Исом тақозоси ила иш тутмайдиган мунофиқлар гапларини тасдиқ-

лаш мақсадида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга, агар сиз амр этсангиз, биз, албатта, жиҳодга чиқиб, уруш қиламиз, деб лоф урар, Аллоҳ номига жон-жаҳдлари билан қасам ичар эдилар.

«Улар агар амр қилсанг, албатта, (жиҳодга) чиқишлари ҳақида Аллоҳ номи билан жон-жаҳдлари ила қасам ичарлар.»

Улар нифоқларини яширишга қанчалик уринсалар ҳам, Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билиб туради-ку. Шунинг учун ҳам, У зоти таборака ва таоло Пайғамбарига бу ҳақда хабар бериб мунофиқларга нима дейишларини ўргатмоқда:

«Сен: «Қасам ичманглар! (Бу жиҳод) маълум тоатдир! Албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганларингиздан хабардордир», деб айт».

Ҳа, бўладиган гап шу:

«Қасам ичманглар!»

Нега қасам ичасизлар! Жиҳодга чиқиш янгилик эмас.

«(Бу жиҳод) маълум тоатдир!»

Жиҳод қадимдан Аллоҳ таолога тоат-ибодат сифатида маълум ва машҳур бўлиб келаётган амалдир. Сизлар жон-жаҳдларингиз билан қасам ичиб, лоф урмасангиз ҳам:

«Албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганларингиздан хабардордир».

Ҳақиқий жиҳодга чиқувчи ким-у, жиҳодга чиқиш ҳақида лоф уриб, мунофиқлик қилувчи ким эканини яхши билади.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мунофиқларга айтишлари лозим гапларнинг қолганини ўргатмоқда:

قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ فَإِن تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا عَلَيْهِ مَا حُمِّلَ وَعَلَيْكُمْ مَا حَمَلْتُمْ وَإِن تَطِيعُوا تَهْتَدُوا وَمَعَ الرَّسُولِ إِلاَّ الْبَلْعُ الْمُبِينُ ﴿٥٤﴾

54. Сен: «Аллоҳга итоат қилинглар, Пайғамбарга итоат қилинглар. Бас, агар юз ўгириб кетсангиз, у(Пайғамбар)га ўзига юклатилган нарса, сизга ўзингизга юклатилган нарса. Агар унга итоат қилсангиз, ҳидоят топурсиз. Пайғамбарнинг зиммасида очиқ-ойдин етказишдан бошқа нарса йўқ», деб айт.

Яъни, эй одамлар:

«Аллоҳга итоат қилинглар!»

Аллоҳга итоат этиш — Унинг Қуръонига амал қилишдир. Демак, Қуръонга амал қилинглар.

«Пайғамбарга итоат қилинглар!»

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат этиш — у зотнинг суннатларига амал қилишдир. Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилинганлар. Аллоҳга ҳам, Пайғамбарга ҳам итоат қилмасдан,

«Бас, агар юз ўгириб кетсангиз...» ўзингизга қийин бўлади. Чунки: **«...у(Пайғамбар)га ўзига юклатилган нарса...»**

У ҳам бўлса, Пайғамбарликни сизларга етказиш. Бу ишни у аъло даражада адо этди. Энди у ўз мукофотини олади.

«...сизга ўзингизга юклатилган нарса.»

Яъни, сизга Пайғамбар етказган нарсага итоат қилиш. Сиз буни адо этмасангиз, жазо оласиз.

«Агар унга итоат қилсангиз, ҳидоят топурсиз.»

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам фақат ҳидоятга бошлайди. Аммо итоат қилмасангиз, унга ҳеч бир зарар етмайди. Чунки:

«Пайғамбарнинг зиммасида очиқ-ойдин етказишдан бошқа нарса йўқ».

Шунинг учун, сизнинг юз ўгириб кетишингиз унга ҳеч қандай зарар келтирмайди. Балки ўзингиз зарар кўрасиз.

Энди келадиган оятда эса, иймон тақозоси ила амал қиладиган кишиларга — ҳақиқий мўминларга бериладиган мукофотлар ҳақида сўз юритилади:

وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا
 اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ
 خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ
 الْفَاسِقُونَ

55. Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди. Менгагина ибодат қилурлар ва Менга ҳеч нарсани ширк келтирмаслар. Шундан кейин ҳам ким куфр келтирса, бас, ана ўшалар, ўзлари фосиқлардир.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларидан иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларига кўп башоратлар ваъда қилмоқда. Ўша ваъдалар қуйидагилардир:

«Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек, халифа қилишни...»

Олдинги ўтган умматлардан қайси бири Аллоҳ таолога иймон келтирган ва бу иймони ҳақиқий бўлиб, бутун вужудини қамраб олган ҳамда ўша ҳақиқий иймонлари тақозоси ила солиҳ амаллар қилиб ҳаёт кечирган бўлса, Аллоҳ таоло уларни ер юзига Ўзининг халифаси этиб тайинлаб қўйган эди. Ер юзида ҳукми юритилиши учун уларни Ўзига ўринбосар қилиб қўйган эди. Энди ўшалар каби ер юзида халифа бўлиш имконияти фақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларида бордир. Уларнинг мазкур халифаликка эришишлари учун асосий шарт – иймон келтириб, амали солиҳ қилишдир. Ислом уммати қачон ушбу шартни бажарганида, Аллоҳ таоло ваъдасининг устидан чиққан.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари пайтида улар Арабистон Ярим ороли, Баҳрайн, Яман ва бошқа жойларда халифа бўлиб, Аллоҳнинг амрини юрита бошладилар.

Ул зотдан сўнг эса, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ даврларида Ислом давлати чегаралари Форс, Шом ва Мисрнинг бир қанча ерлари қадар кенгайди.

Иккинчи халифа Умари Одилнинг вақтларида Ислом мазкур юртларнинг ҳамма жойларига тарқалди. Ўша пайтдаги дунёнинг энг катта икки империяси – Рим ва Форс империялари инқирозга учрадилар. Уларнинг ўрнини Ислом давлати эгаллади.

Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг даврига келиб эса, Ислом давлати ҳудудлари ер юзининг машриқидан мағрибигача кенгайди.

Бу улкан футуҳотларнинг асосий сабаби мусулмонларнинг пок иймоню солиҳ амаллари бўлди. Мусулмонлар ўша шартни бажарганлари учун, Аллоҳ уларга имкон бериб, ер юзида халифа қилиб қўйди. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло мусулмонларга иймонлари ва амали солиҳлари учун бошқа нарсаларни ҳам, жумладан:

«...улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни...» ваъда қилди.

Мазкур даврда, яъни, Расули Акрам ва хулафои рошидинлар даврида мусулмонлар ҳақиқий иймон соҳиблари бўлиб, амали солиҳда бардавом бўлганлар ва Аллоҳ таоло улар учун Ўзи рози бўлган динни – Ислом динини ер юзида мустаҳкамлади. Ҳамма Исломга тобе бўлди. Ислом ҳукми асосида, Ислом адолати остида яшай бошладилар.

Бунинг устига, Аллоҳ таоло иймонлари ва солиҳ амаллари учун:
«...уларнинг хавф-хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди».

Ушбу оят ҳақида ар-Робийъ ибн Анас Абул Олиядан қуйидагиларни ривоят қиладилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари Маккада ўн йилдан кўпроқ вақт Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилишга ва Унга ширк келтирмасликка махфий равишда, қўрққан ҳолларида даъват этдилар. Уларга уруш қилиш буюрилмади. Балки Мадийнага ҳижрат қилишга амр қилиндилар. Бас, у ерга келдилар ва Аллоҳ таоло уларга уруш қилишни амр этди. Ўшанда ҳам хавф-хатар остида эдилар. Кечасио кундузи қурол билан юрардилар. Бунга ҳам Аллоҳ хоҳлаганича сабр қилдилар. Бир куни саҳобалардан бири:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, биз энди абадий шундай хавфда ўтамизми? Бизга силоҳимизни қўядиган кун келмайдими?» — деб сўради. Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Фақат озгина сабр қиласизлар, холос, сўнгра сизлардан ҳар бирингиз тўп-тўп одамлар ичида ўтирса ҳам, ёнида бир парча темир бўлмайдиган кунлар келади», дедилар. Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди. Бас, Аллоҳ Пайғамбарини Арабистон Ярим оролига зоҳир қилди. Ҳаммалари омонликка кирдилар, қуролни қўйдилар. Сўнгра Аллоҳ Пайғамбарини Ўзига олди. Ундан кейин Абу Бакр, Умар ва Усмонларнинг даврларида ҳам омонликда бўлдилар. Ундан кейин бўлган ишлар бўлди. Уларга Аллоҳ яна хавфни қайтарди. Бас, улар шартни йўқотиб, ҳолни ўзгартирдилар, ўзлари ҳам ўзгаришга дучор бўлдилар».

«Менгагина ибодат қилурлар ва Менга ҳеч нарсани ширк келтирмаслар.»

Ана ўшанда Мен уларни ер юзига халифа қилиб, динларини мустаҳкам этиб, хавфлари ўрнига омонликни бераман.

«Шундан кейин ҳам ким куфр келтирса, бас, ана ўшалар, ўзлари фосиқлардир.»

Шунча нарсани кўриб-билиб туриб куфр келтирган одам фосиқ бўлмаса, ким фосиқ бўлсин?!

Ислом тарихига диққат билан назар ташлар эканмиз, ушбу ояти карима мўъжизаси олдида бош эгамиз. Мусулмон уммати иймониغا қанчалик содиқ бўлса, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига қанчалик сидқидилдан ибодат этса, динга қанчалик кўп амал қилса, ер юзини обод қилишда шунчалик пешқадам бўлган, Ислом дини шунчалик мустаҳкам турган, омонликлари шунчалик ишончли бўлган. Аксинча, мусулмонларнинг иймони қанчалик заиф, Аллоҳга ибодатда қанчалик суст ва динга амал қилишлари қанчалик оз бўлган бўлса, ер юзини обод этиш борасида шунчалик ортда қолганлар, динлари шунчалик ғариб бўлган ва кўпдан-кўп хавф-хатарларга йўлиққанлар. Ўн тўртинчи ҳижрий асрнинг охири ва ўн бешинчи ҳижрий асрнинг бошларида бу ҳолат мисли кўрилмаган даражага етди. Мусулмонлар ҳеч қачон бу қадар заифлашмаган эдилар. Улар Аллоҳ

таоло берган ваъдага қайта эришишлари учун, ер юзига халифалик қилиб, уни обод этиш масъулиятини қайтадан қўлларига олишлари учун, динлари мустаҳкам ва ўзлари омонликда бўлишлари учун, иймонлари бақувват, амали солиҳлари бардавом ва Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилишлари қутилганидек бўлмоғи лозим.

Бунинг учун эса, қуйидаги оятда зикр қилинган амрни тўлатўкис адо этиш керак:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٥٦﴾

56. Намозни тўкис адо этинглар, закот беринглар ва Пайғамбарга итоат қилинглр. Шоядқи, раҳим қилинсангиз.

Чунки, намоз бандани доимо Аллоҳ таоло билан боғлаб, ўз соҳибининг қалбини тўғрилаб туради. Намоз мўмин кишининг иймони бақувват бўлишига, амали солиҳлар қилишига ва фақат Аллоҳнинг Ўзига ибодат этиб, У зотга ҳеч кимни ширк келтирмаслигига восита бўлади. Аммо намозни тўкис адо этмасдан туриб иймон, амали солиҳ ва Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилиш ҳақида гапириш мумкин эмас. Демак, ер юзига халифа бўлиш, Ислом динини мустаҳкамлаш ва омонликка эришиш ҳақида хаёл қилмаса ҳам бўлади.

Шунингдек, закотни адо этиш ҳам кишида бахиллик ҳиссини йўқотиб, жамиятда ички бир покланишни олиб келади, ўзаро тушуниш ва ҳурматни кучайтиради, яна бошқа кўпгина яхшиликларга сабаб бўлади. Закотни рисоладагидек адо этмасдан туриб, мусулмонлар ҳеч бир муваффақият ҳақида ўйламасалар ҳам бўлади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш эса, барча каттаю кичик муваффақиятларнинг гаровидир, бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат этиш у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликлариди шахсларига эргашиб билан бўлган бўлса, вафотларидан кейин суннатларига амал қилиш билан бўлади. Бу хусусда уламоларимиз ибратли бир воқеани мисол қилиб келтирадилар. Мужоҳид мусулмонлар жиҳодлардан бирида қўлларидан келган барча имкониятларни ишга солишларига қарамасдан, рақибларидан устун бўла олмабдилар. Бунинг сабаби ҳақида чуқур ўйлашибди. Ҳамиша осонлик билан эришиб келган ғалабага энди эриша олмай турганлари нимадан эканлиги, ҳозирги рақибдан бир неча бор кучлиларини ҳам осонлик билан енгган кишилар нима учун буларни енга олмаётганлари ҳақида фикр юритишибди. Охири, айб ўзимизда бўлса керак, деган фикрга келишибди. Ўйлаб кўришса, дарҳақиқат, ўша пайт Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан бирига амал қилмай қў-

йишган эканлар. Дарҳол, бу камчиликни бартараф этиб, барча мужоҳидлар ўша тарк этилган суннатга амал қилишни йўлга қўйибдилар ва рақиб устидан ғолиб келибдилар.

Шундай экан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилмай туриб, муваффақият ҳақида ўйлашнинг ўзи кулгилidir.

Демак, мусулмонлар ўзларига раҳим қилинишини хоҳласалар, намозни тўқис адо этсинлар, закотни берсинлар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бўйинсунсинлар.

Келгуси оятда мўмин-мусулмонлар пешвоси Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этилади:

Эй Муҳаммад!

لَا تَحْسَبَنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا مُعْجِزِينَ فِي الْأَرْضِ وَمَا وَهَمُومُ النَّارُ وَلَيْسَ الْمَصِيرُ ﴿٥٧﴾

57. Сен куфр келтирганларни ер юзида қочиб қутула олгувчилардир, деб ҳисоблама! Уларнинг жойи дўзахдир. У нақадар ёмон борар жойдир!

Кофирларнинг бу дунёдаги ҳолатлари бошқача ҳаёлга олиб келмасин. Улар қайси даражага эришмасинлар, нималарга қодир бўлмасинлар, барибир қочиб қутула олмайдилар. Бир кун келиб, куфрлари жазосини тортадилар. Охир-оқибат, албатта дўзахга тушадилар. Ўша жойнинг азобига гирифтор бўладилар.

Ислом дини инсон ҳаётини мукамал тарзда тартибга солувчи дин бўлиб, у инсонга барча нарсани — Аллоҳга қандай ибодат қилишдан тортиб, каттаю кичик мавжудотларга муносабати қанақа бўлишигача кўрсатиб беради. Ушбу «Нур» сураси бунинг ёрқин мисоли эканини кўриб турибмиз. Зеро, бу сурада инсоннинг ер юзида халифа бўлиши, Ислом динини мустаҳкамлаши кераклиги баён қилинганидан сўнг, энди, уй ичидаги баъзи муомалалар, хизматчилар ва кичик ёшдаги болаларнинг хонадон соҳиблари ҳузурига киришга изн сўраши борасида нималар қилишлари лозимлиги ва шунга ўхшаш бошқа масалаларга ҳам тўхтаб ўтилади:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِيَسْتَعِذَّ نَكْمُ الَّذِينَ مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ وَالَّذِينَ لَمْ يَبْلُغُوا الْحُلُمَ مِنْكُمْ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ مِّن قَبْلِ صَلَاةِ الْفَجْرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُمْ مِّنَ الظَّهِيرَةِ وَمِن بَعْدِ صَلَاةِ الْعِشَاءِ ثَلَاثُ عَوْرَاتٍ لَّكُمْ لَيْسَ عَلَيْكُمْ وَلَا عَلَيْهِمْ جُنَاحٌ بَعْدَهُنَّ طَوَفَاتٌ عَلَيْكُمْ بَعْضُكُمْ عَلَى بَعْضٍ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ الْآيَاتِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٥٨﴾

58. Эй, иймон келтирганлар! Қўлингизда мулк бўлганлар ва ўзингиздан балоғатга етмаганлар сиздан уч вақтда изн сўрасинлар: бомдод намозидан олдин, пешинда кийимларингизни ечадиган пайтингизда ва хуфтон намозидан сўнг. (Ушбу) уч вақт сиз учун авратдир. Улардан кейин сизга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқ. Улар сизнинг атрофингизда, бир-бирингизга айланиб турувчидирсиз. Аллоҳ сизларга оятларни ана шундай баён қилур. Аллоҳ ўта билгувчи, ўта ҳикматли зотдир.

Олдинги оятларда бировнинг уйига кириш учун албатта изн сўраш лозимлиги айтилган эди. Ушбу ояти каримада эса, уй ичидагилар ҳам бир-бирларининг олдига кириш учун изн сўраши кераклиги ҳақида гап юритилмоқда.

Аввалда қул ва чўрилар, ҳозирда уй хизматчилари, одатда, хонадон ичида аралашиб юрадилар. Шунингдек, кичик ёшдаги болалар ҳам. Қўплар бу ҳолатларга писандсизлик билан қарайдилар. Аслида эса, бу қул, бу чўри ёки бу ўзимизнинг хизматчимиз-ку, ёхуд, бу ўзимизнинг балоғатга етмаган кичик боламиз-ку, демасдан, ҳушёр бўлиш керак. Қул ва хизматчилардан ҳам авратни эҳтиёт қилган маъқул. Болаларнинг эса, одоб-ахлоқ доирасида тарбия топишларига аҳамият бериш керак. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло бу ишга алоҳида эътибор қаратиб, Қуръони Каримда оятлар тушириб, унинг ҳукмини баён қилмоқда.

«Эй, иймон келтирганлар! Қўлингизда мулк бўлганлар ва ўзингиздан балоғатга етмаганлар сиздан уч вақтда изн сўрасинлар.»

Яъни, қул ва чўриларингиз ҳамда балоғатга етмаган кичик ёшдаги болаларингиз сиз турган хос жойга киришдан олдин уч вақтда изн сўрасинлар. Ўша вақтларнинг биринчиси:

«...бомдод намозидан олдин...»

Чунки, бу вақтда одам ҳали ўрнида ётган бўлади. Агар улар изн сўрамай кирсалар, ноқулай ҳолат юзага келиши мумкин.

Иккинчиси:

«...пешинда кийимларингизни ечадиган пайтингизда...»

Айниқса, Қуръон нозил бўлган иссиқ ўлкаларда пешин вақтида ечиниб, салқинлаб, дам олмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Бу пайтда ҳам изнсиз кириш ноқулай ва гуноҳ ишга сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур вақтларнинг учинчиси:

«...хуфтон намозидан сўнг.»

Бу вақтда ҳам кишилар ечиниб, дам олаётган бўлади.

«(Ушбу) уч вақт сиз учун авратдир.»

Яъни, авратлар очиладиган вақтдир. Шунинг учун, қул ва чўрилар ҳам, балоғатга етмаган ёш болалар ҳам изн сўраб кирсинлар.

«Улардан кейин сизга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқ.»

Яъни, ўша вақтлардан бошқа пайт қул-чўриларингиз ва балоғатга етмаган ёш болаларингиз изн сўрамай кирсалар, ҳеч бирингизга гуноҳ йўқ. Чунки:

«Улар сизнинг атрофингизда, бир-бирингизга айланиб турувчидирсиз».

Одатда, хизматчилар ва ёш болаларнинг кириб чиқишлари кўп бўлади. Уларга ҳар киришда изн сўраш жорий қилинса, қийинчилик туғилади. Шунинг учун, мазкур аврат вақтларидан бошқасида изн сўрамай киришларига рухсат берилди.

«Аллоҳ сизларга оятларни ана шундай баён қилур. Аллоҳ ўта билгувчи, ўта ҳикматли зотдир.»

Унинг ҳар бир ояти, ҳар бир ҳукми илмга, ҳикматга асослангандир.

Балоғатга етган болаларнинг изн сўраш ҳукми келгуси оятда баён қилинади:

وَإِذَا بَلَغَ الْأَطْفَالُ مِنْكُمُ الْحُلُمَ فَلْيَسْتَأْذِنُوا كَمَا اسْتَأْذَنَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ
كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٥٩﴾

59. Қачон сизнинг ёш болаларингиз балоғатга етсалар, улардан олдингилар изн сўраганидек, изн сўрасинлар. Аллоҳ Ўз оятларини сизга ана шундай баён қилур. Аллоҳ ўта билгувчи, ўта ҳикматли зотдир.

Балоғатга етган ўғил-қизлар улардан олдин изн сўраб юрган катта кишилар каби, ота-оналари ва бошқалар ҳузурига изнсиз киришлари мумкин эмас.

Ривоятларда келишича, саҳобаи киромлардан бири ушбу оят нозил бўлганидан кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга мурожаат қилиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менинг онам қариб қолган, мен унинг хизматини қилиб тураман, ҳар кирганимда рухсат сўрашим керакми?» деганида Расули Акрам соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Нима, бўлмаса, онангни кийимсиз ҳолда кўрмоқчимисан?!» — деганлар.

Айнан шу мулоҳаза туфайли, балоғатга етган болалар бир оила аъзолари бўлсалар ҳам, бир-бирларининг ҳузурларига киришдан олдин изн сўрашлари жорий қилинган.

Энди келадиган оятда эса, ўта қари аёллар бу ҳукмдан мустасно қилинадилар:

وَالْفَوَاعِدُ مِنَ النِّسَاءِ الَّتِي لَا يَرْجُونَ نِكَاحًا فَلَيْسَ عَلَيْهِنَّ جُنَاحٌ أَنْ يَضَعْنَ
ثِيَابَهُنَّ غَيْرَ مُتَبَرِّجَاتٍ بِزِينَةٍ وَأَنْ يَسْتَغْفِرْنَ خَيْرٌ لَّهُنَّ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٦٠﴾

60. Аёллардан (кексайиб) ўтириб қолганлари, никоҳни умид қилмайдиганларига зийнатларини кўз-кўз қилмаган ҳолда кийимларини қўйишларида гуноҳ йўқдир. Иффат талабида бўлсалар, ўзлари учун яхшидир. Аллоҳ ўта эшитгувчи, ўта билгувчи зотдир.

Ушбу оятдаги «кийимлари»дан мурод устдан кийиладиган ридодир.

Аёл киши ўта қариб, никоҳдан умуман умидсиз бўлиб қолганда ўта ўраниб-чираниб юрмаслигига рухсат бор. Лекин, шундай бўлса ҳам, иффатларини сақлаганлари ўзлари учун яхшидир. Аммо воқелиқда қари аёлларнинг ўраниб-чирманиб, ёшларнинг эса, очилиб-сочилиб юргани кўрилади. Бу ҳам, шариатга бўйинсунмасликнинг бир кўринишидир.

Кейинги оятда қариндош-уруғлар ва дўст-биродарлар орасидаги алоқаларни тартибга солиш масаласи давом этади.

لَيْسَ عَلَى الْأَعْمَى حَرَجٌ وَلَا عَلَى الْأَعْرَجِ حَرَجٌ وَلَا عَلَى الْمَرِيضِ حَرَجٌ وَلَا عَلَى
أَنْفُسِكُمْ أَنْ تَأْكُلُوا مِنْ بُيُوتِكُمْ أَوْ بُيُوتِ آبَائِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أُمَّهَاتِكُمْ أَوْ
بُيُوتِ إِخْوَانِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أَخَوَاتِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أَعْمَامِكُمْ أَوْ بُيُوتِ
عَمَّاتِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أَخْوَالِكُمْ أَوْ بُيُوتِ خَالَاتِكُمْ أَوْ مَا مَلَكَتُمْ أَيْمَانُهُمْ
أَوْ صَدِيقِكُمْ لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَأْكُلُوا جَمِيعًا أَوْ أَشْتَاتًا فَإِذَا
دَخَلْتُمْ بُيُوتًا فَسَلِّمُوا عَلَى أَنْفُسِكُمْ تَحِيَّةً مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ مُبْرَكَةٌ طَيِّبَةٌ كَذَلِكَ
يَبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٦١﴾

61. Кўзи ожизга гуноҳ-танглик йўқдир. Ва, чўлоққа гуноҳ-танглик йўқдир. Ва, беморга гуноҳ-танглик йўқдир. Ва, Сизнинг ўзингизга ҳам ўз уйингиздан, ё оталарингизнинг уйларидан, ё оналарингизнинг уйларидан, ё ака-укаларингизнинг уйларидан, ё опасингилларингизнинг уйларидан, ё амакиларингизнинг уйларидан, ё аммаларингизнинг уйларидан, ё тоғаларингизнинг уйларидан, ё холаларингизнинг уйларидан, ё сиз калитига молик бўлган ёки

дўстингиз (уйидан) емоқлигингизда (танглик) йўқдир. Сизларга жамланган ёки тарқоқ ҳолда емоқликда ҳам гуноҳ – танглик йўқдир. Уйларга кирган чоғингизда ўзларингизга Аллоҳдан бўлган покиза ва муборақ табрик ила салом беринглар. Аллоҳ сизларга оятларни ана шундай баён қилур. Шоядки, ақл юритсангиз.

Ушбу ояти кариманинг аввалида кўзи ожиз, чўлоқ ва бемор кишиларга нимада гуноҳ бўлмаслиги, танглик йўқлиги баён қилингани ҳақида муфассир уламоларимиз ихтилоф қилишган. Бир гуруҳлари, уларнинг жиҳодга чиқмай қолишларида гуноҳ ва танглик йўқ, дейдилар. Бошқалари, узрли кишиларнинг жиҳодга чиқмай қолишлари гуноҳ эмаслиги, бунда уларга ҳеч қандай танглик йўқлиги «Фатҳ» ва «Бароат» («Тавба») сураларида баён этилган, бу ерда эса, сўз жиҳод ҳақида эмас, балки айнан таом емоқ ҳақида кетмоқда, шунинг учун ҳам, мазкур жумлани «таом ейишда уларга гуноҳ ва танглик йўқ» деб тушунмоқ керак, дейдилар ва бу фикрларини тасдиқловчи ривоятларни келтирадилар. Иккинчи тоифа муфассирларнинг фикрлари кучлироқдир.

«Кўзи ожизга гуноҳ–танглик йўқдир. Ва, чўлоққа гуноҳ – танглик йўқдир. Ва, беморга гуноҳ–танглик йўқдир.»

Қуръони Карим таълимотлари кишилар онгида улкан инқилоб ясади. Улар ҳар бир нарсада ўта аниқлик билан иш тутиб, ҳалол-ҳаром, жоиз-ножоиз деган масалаларда ўта ҳассос бўлиб қолган эдилар.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло: «Эй, иймон келтирганлар! Молларингизни ўзаро ботил йўл билан еманглар» оятини нозил қилганидан сўнг, мусулмонлар «Аллоҳ таоло бизни молларимизни ўзаро ботил йўл билан ейишдан қайтарди, таом энг афзал мол ҳисобланади, бировнинг уйига чақирилса, бориб бўлмас экан, ўзи очиқ кўнгил билан бермаса, таомини еб бўлмас экан», деб тортиниб қолдилар. Шунингдек, кўзи ожиз, чўлоқ ва бемор кишилар билан бирга таом есақ, заифликлари туфайли биз улардан кўп еб қўйиб, гуноҳ орттириб олмайлик, деб у заиф кишилар билан бирга таом емоқдан ҳам ўзларини тийиб қолдилар. Авваллари баъзи кишилар уйларида таом бўлмаса, ҳожатманд кишиларни, жумладан, кўзи ожиз, чўлоқ ва беморларни қариндош-уруғлари ва ёру дўстлари уйига олиб борар эдилар. Энди эса, бундан ҳам тортиниб қолдилар. Оятда мазкур ишлар қилинса, гуноҳ, танглик йўқлиги баён қилинди.

Ояти каримада:

«Сизнинг ўзингизга ҳам ўз уйингиздан емоқлигингизда (танглик) йўқ», дейилмоқда. Бундан одам ўз уйида ҳам изн сўраб ейиши керакми, деган савол туғилмайди. Балки қариндош-уруғ ва ёру дўстларнинг уйида таом емоқ ҳам худди ўз уйидан таом емоқ билан баробар экани билдириляпти.

«...ё оталарингизнинг уйларидан, ё оналарингизнинг уйларидан, ё ака-укаларингизнинг уйларидан, ё опа-сингилларингизнинг уйларидан, ё амакиларингизнинг уйларидан, ё аммаларингизнинг уйларидан, ё тоғаларингизнинг уйларидан, ё холаларингизнинг уйларидан» емоқлигингизда (гуноҳ — танглик) йўқдир.

Демак, оятда зикр қилинган тоифадаги кишиларнинг дастурхонидан алоҳида изнсиз, таклифсиз ҳам таом еса, бўлаверади.

Уламоларимиз оятда ўфиллар зикр қилинмаганини отанинг уйи — боласининг уйи эканлиги эътиборидандир, деганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бир кишига: «Сен ҳам, молу мулкинг ҳам отангникидир», деганлар.

Оятда зикр қилинган қариндошлардан ташқари:

«Сиз калитга молик бўлган ёки дўстингиз (уйидан) емоқлигингизда (танглик) йўқдир», дейилмоқда.

«Калитга молик бўлиш» уй эгасининг калитни ишониб топшириб қўйишидир. Ана шундай кишилар инсоф билан, қоринлари тўйгунча есалар, бўлаверади.

Оиша онамиздан Имом аз-Зухрий қилган ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан жиҳодга жўнаб кетаётган мусулмонлар уйлари калитларини ўзлари билган кишиларга топшириб, ҳожатингиз тушганда емоқни сизга ҳалол қилдик, деб кетар эканлар. Аммо калитни олиб қолганлар, бу гап қуруқ манзират учун айтилган бўлса керак, деб ўзларини тийишаркан. Ушбу оят билан уларга Аллоҳ ҳам изн берган.

«Дўст» деганда, ишончли дўст, биродари унинг уйидан изнсиз таом еса, хурсанд бўладиган дўст кўзда тутилгандир.

Шунингдек, ояти каримада:

«Сизларга жамланган ёки тарқоқ ҳолда емоқликда ҳам гуноҳ — танглик йўқдир», дейилмоқда.

Чунки, қадимги араблар тўпланиб таом ейишни ёмон кўрар эдилар. Кинона қабиласи эса, таомни ёлғиз емоқни гуноҳ ҳисоблар эди. Шунингдек, ансорийларда ҳам меҳмони бор одам меҳмонсиз таом емас эди. Ушбу оятда Аллоҳ таоло ҳар ким ўз хоҳишича еявериши мумкинлигини баён қилди. Яъни, якка ёки жам бўлиб еганда гуноҳ йўқлигини билдирди.

Шу билан бирга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида жам бўлиб таом емоқлик фазилат экани айтилган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Биз таом еймиз-у, қорнимиз тўймайди», деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эҳтимол, якка-якка бўлиб ерсизлар. Таомни жам бўлиб ва Аллоҳнинг исмини зикр қилиб энглар, ўшанда баракали бўлади», дедилар».

Имом ибн Можа ҳазрати Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жам бўлиб энглар, тарқоқ бўлманглар, жамоатда баракот бордир», деганлар.

Кейин, таом ейиш учун ёки бошқа ҳолатларда уйга кириш одоби баён қилинмоқда.

«Уйларга кирган чоғингизда ўзларингизга Аллоҳдан бўлган покиза ва муборак табрик ила салом беринглар.»

Жумладаги «ўзларингизга» сўзини бир-бирингизга ва ўзингизга ўзингиз деб тушунмоқ лозим. Чунки, бунинг баёнида келган ривоятларда, биров бир уйга кирганда ўша ерда бор кишиларга салом беради, агар у ерда ҳеч ким бўлмаса, «Ассалому алайна ва ала ибодиллоҳис-солиҳийн», деб ўзига ва солиҳларга салом беради, дейилган.

«Аллоҳ сизларга оятларни ана шундай баён қилур. Шоядки, ақл юритсангиз.»

Ҳа, Аллоҳ ҳар бир катгаю кичик нарсани мана шундай баён қилиб қўйган. Бандалар учун, фақат, бунга амал қилиб, саодатга эришмоқлик қолган, холос. Аммо буни, фақат, ақл юритганларгина англаб етадилар.

Мўминларнинг оиладаги, қариндош-уруғлар ва ёру биродарлар билан бўладиган муносабатлари баён қилиб бўлинганидан кейин, энди, уларнинг Расули Акрам билан бўладиган муомалалари ҳақида сўз кетади:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِذَا كَانُوا مَعَهُ عَلَىٰ أَمْرٍ جَامِعٍ لَمْ يَذْهَبُوا حَتَّىٰ يَسْتَأْذِنُوهُ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَأْذِنُونَكَ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ۖ فَإِذَا أَسْتَأْذِنُوكَ لِبَعْضِ شَأْنِهِمْ فَأَذَنَ لِمَن شَاءَ مِنْهُمْ وَاسْتَغْفَرَ لَهُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٦٢﴾

62. Албатта, мўминлар Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган кишилардир. Улар у(Пайғамбар) билан бирга жамловчи (муҳим) ишда бўлсалар, ундан изн сўрамасдан туриб кетиб қолмаслар. Албатта, сендан изн сўрайдиганлар, ана ўшалар Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирадиганлардир. Улар баъзи ишлари учун сендан изн сўрасалар, улардан кимга хоҳласанг, изн бер ва улар учун Аллоҳга истиғфор айт. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли, ўта раҳимли зотдир.

Ушбу оятда ҳам Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни юксак одобга иршод этмоқда. Аввал бир жойга киришдан олдин изн сўрашга

амр қилган бўлса, энди, одамлар жамланган жойдан кетишдан олдин ҳам изн сўраш лозимлигини таъкидламоқда.

«Албатта, мўминлар Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган кишилардир. Улар у (Пайғамбар) билан бирга жамловчи (муҳим) ишда бўлсалар, ундан изн сўрамасдан туриб кетиб қолмаслар.»

Хусусан, иш устида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлсалар ва у иш мусулмонлар оммасига тегишли муҳим иш бўлса, алоҳида эътибор бериш лозим саналади. Бундай ишларга «жамоатчилик ишлари» ҳам дейилади.

Ибн Исҳоқ ривоят қилишларича, ушбу оятлар нозил бўлишига Хандақ урушига тайёргарлик кўриш пайтидаги ҳодисалар сабаб бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам турли гуруҳларнинг бирлашиб, бостириб келаётганини эшитганларидан сўнг мусулмонларни тўплаб, Салмони Форсий маслаҳатлари билан Мадийнаи Мунаввара атрофига хандақ қазишни бошладилар. Бундай ўта қалтис пайтда ҳамма зўр ихлос билан ишлади. Аммо бу ишда мунофиқлар дангасалик қилдилар. Улар аста-секин беркиниб, уйларига қочиб кета бошладилар. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан яширинча, бир оғиз изн сўрамасдан жўнаб қолдилар.

Аммо ихлосли мўмин-мусулмонлар бирор ишлари чиқиб қолса, албатта, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга узрларини айтиб, изн сўрар эдилар. Ишларини битириб бўлгандан кейин эса, дарҳол, иш жойларига қайтиб келар эдилар.

«Албатта, сендан изн сўрайдиганлар, ана ўшалар Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирадиганлардир. Улар баъзи ишлари учун сендан изн сўрасалар, улардан кимга хоҳласанг, изн бер ва улар учун Аллоҳга истиғфор айт.»

Мўмин-мусулмонлар бошқа ҳолатларда ҳам худди шундай қилар эдилар. Ҳатто жума хутбаси ўқиладиганда ҳам Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан ишорат билан ташқарига чиқиб келишга изн сўрар эдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ишора билан изн берар эдилар.

Ислом жамиятида доимо шундай бўлиши керак. Жамоат ишларидан фақат бошлиқнинг изни билангина кетиш мумкин. Ҳожатини раво қилганидан кейин эса, дарҳол қайтиб, яна ишини давом эттириш лозим.

«Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли, ўта раҳимли зотдир.»

Келаси ояти каримада ҳам Пайғамбар алайҳиссалом билан бўладиган муносабатлар ҳақида баҳс юритилади.

لَا تَجْعَلُوا دُعَاءَ الرَّسُولِ بَيْنَكُمْ كَدُعَاءِ بَعْضِكُمْ بَعْضًا قَدْ يَعْلَمُ اللَّهُ الَّذِينَ

يَتَسَلَّلُونَ مِنْكُمْ لِوَاذًا فَلِيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ
عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٣﴾

63. Пайғамбарнинг орангиздаги даъватини бир-бирингизнинг даъватингизга ўхшатманг. Батаҳқиқ, Аллоҳ сизлардан паналаб, аста-аста суғурилиб чиқиб кетадиганларни яхши билур. Унинг ишига хилоф қиладиганлар ўзларига фитна етиши ёки аламли азоб етишидан ҳазир бўлсинлар.

Ушбу ояти кариманинг биринчи жумласи ҳақида уламолар уч хил фикр айтганлар. Учала фикр ҳам бир-бирини тўлдириб келади.

Эй мўминлар,

«Пайғамбарнинг орангиздаги даъватини бир-бирингизнинг даъватингизга ўхшатманг».

Биринчи фикрга биноан, Пайғамбарни чақиришда, бир-бирингизни чақиришингиздаги лафзларни қўлламанг, дегани.

Чунки, ўша вақтда баъзи одамлар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Муҳаммад! Эй, Абул Қосим» деб худди ўз тенгқурини чақиргандек муомала қилар эдилар. Бу оятдан кейин эса, «Эй, Аллоҳнинг Расули! Эй, Аллоҳнинг Набийи!» деб мурожаат қиладиган бўлдилар.

Иккинчи фикрга кўра, Пайғамбарнинг чақиригини, буйруғини бошқаларнинг чақириғи каби оддий қабул қилманг, балки алоҳида аҳамият ва эътибор билан қабул қилинг, деганидир.

Учинчи фикрга кўра эса, Пайғамбарнинг дуосини, бошқаларнинг дуосига ўхшатманг, деганидир. Ул зотнинг дуоси, албатта, қабул бўлиши муқаррардир.

«Батаҳқиқ, Аллоҳ сизлардан паналаб, аста-аста суғурилиб чиқиб кетадиганларни яхши билур.»

Мўмин-мусулмонларга ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кўринмасликка ҳаракат қилиб, паналаб чиққанлари билан, Аллоҳ таоло уларнинг ҳамма ишларини кўриб-билиб туради.

«Унинг ишига хилоф қиладиганлар ўзларига фитна етиши ёки аламли азоб етишидан ҳазир бўлсинлар.»

Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишларига хилоф қилганларга, албатта, фитна-синов ёки аламли азоб етиши турган гапдир. Ҳамма иш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларига мувофиқ бўлиши лозим. Бунга хилоф бўлган иш эса, мардуддир.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бизнинг амримиз бўлмаган ишни қилган одамнинг иши мардуддир», деганлар.

أَلَا إِنَّ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ قَدْ يَعْلَمُ مَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ وَيَوْمَ يُرْجَعُونَ إِلَيْهِ
فَيُنَبِّئُهُمْ بِمَا عَمِلُوا وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٦٤﴾

64. Огоҳ бўлинглар! Албатта, осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. У зот сизнинг қай ҳолатда эканингизни яхши билур. Унинг Ўзига қайтариладиган кунда эса, қилган амаллари ҳақида уларга хабар берур. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчи зотдир.

Яъни, эй одамлар, огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг ва Унинг Пайғамбарининг амридан чиқманг. Агар чиқадиған бўлсангиз:

«Албатта, осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир».

Ҳамма нарсанинг эгаси бўлган Зот ҳамма нарсани кўриб-билиб туради. Шу жумладан, сиз қилаётган ишларни ҳам ошқорию маҳфийини кўриб-билиб туради. Ҳа:

«У зот сизнинг қай ҳолатда эканингизни яхши билур».

Ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиб боради ва:

«Унинг Ўзига қайтариладиган кунда эса...»

Яъни, одамлар Аллоҳнинг Ўзига қайтариладиган қиёмат кунда:

«...қилган амаллари ҳақида уларга хабар берур».

Нима иш қилган бўлсалар, кўрсатиб туриб, ўшанга яраша мукофот ёки жазо беради.

«Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчи зотдир.»

У зотнинг билмаган нарсаси йўқ. Шунинг учун, ҳар бир банда вақт борида ўзини ўнглаб, иймон ва ихлос ила Аллоҳга қуллик қилиб яшамоғи лозим.



ФУРҚОН СУРАСИ

Мақкада нозил бўлган. 77 оятдан иборат.

Сураи каримага унинг биринчи оятида келган «Фурқон» сўзи ном қилиб олинган. «Фурқон» сўзи луғатда ажратувчи, фарқловчи маъносини англатади. Шунингдек, у Қуръони Карим исмларидан бири саналади. Чунки, Қуръон ҳақ билан ботилни, ҳидоят билан залолатни, тўғри билан нотўғрини фарқловчи, ажратувчидир.

Маълумки, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбарликларининг илк даврида — Ислом даъватининг бошида кофир ва мушрикларнинг қаттиқ тазйиқига учраганлар, кўплаб озор чекканлар, турли ифвою бўхтонлар эшитганлар. Ул зотнинг ўзларига, у кишига нозил бўлаётган Қуръонга, Ислом динига, қолаверса, Аллоҳ таолога нисбатан ҳам беҳисоб камситувчи гаплар, ҳар хил масхараомуз таклифлар айтилган. Табиийки, бундай ҳолатлар ҳадеб такрорланаверганидан кейин жонга тегиши мумкин, шунинг учун Аллоҳ таоло доимо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли бериб, уларга эътибор бермасликка чақириб келган.

Ушбу «Фурқон» сурасида аввалдан охиригача Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мушриклар билан бўлаётган қарама-қаршиликларида у зотни қўллаш, у зотга тасалли бериш, қалбларини тинчлантириш каби жиҳатларга аҳамият берилади.

«Фурқон» сураси бандасига Қуръони Каримни нозил қилган Аллоҳ таолога ҳамдлар айтиш, уни улуғлаш билан бошланади. У зот осмонлару ердаги нарсаларнинг эгаси эканлиги, боласи ҳам, шериги ҳам йўқлиги, ҳар бир нарсани ўлчов билан яратганлиги таъкидланади. Шунга ҳам қарамасдан, мушриклар Аллоҳни қўйиб ўзларига сохта худодар тутгани эслатилади. Мушрикларнинг Қуръони Каримга таъна тошлари отиб, унга нисбатан турли бўлмағур гаплар айтгани билдирилади ва ўша гаплардан мисоллар келтирилади. Улар Қуръонни гоҳида «ўтганларнинг афсоналари», дейдилар, гоҳида, «бошқалар ёрдамида Муҳаммад ўзи тўқиб олган нарса», дейдиларлар. Бошқа бир гал эса, «Қуръон сеҳрдир», дейдилар. Аллоҳ таоло

уларнинг бу мантиқсиз даъволарига бирма-бир ишончли ва қониқарли раддиялар беради.

Аллоҳ таолонинг Қуръон ҳақида мушрикларнинг гап-сўзларини оят қилиб туширишининг ўзи катта гап. Бу ҳол У зотнинг ҳар бир нарсадан хабардор эканини билдириши билан бирга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам учун ва у кишига эргашган оз сонли мусулмонлар учун катта маънавий мадад ҳамдир.

Кейин мушрикларнинг Пайғамбарлик ҳақидаги дийдиёлари келтирилади. Улар «Пайғамбар башардан эмас, малақдан бўлиши керак» ёки бўлмаса, «Пайғамбар бой-бадавлат, казо-казолардан бўлиши керак» каби гапларни айтишар эди. Аллоҳ таоло уларнинг бу даъволарига ҳам раддиялар беради.

Сўнгра қиёмат ва унинг манзаралари эслатилиб, кофир ва мушриклар қўрқитилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эса, тасами берилади, олдинги ўтган барча Пайғамбарлар ҳам у киши соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшаш одамлар бўлгани айтилади.

Мушрикларнинг мантиқсиз гапларини муолажа қила бориб, уларнинг «Бизга фаришталар туширилса ёки, Роббимизни кўрсак эдик», деган гаплари ҳам баҳс этилади. Унда фаришталар тушадиган кун қиёмат куни бўлиши баён қилинади. Шунингдек, мушрикларнинг: «Қуръон бир жумла шаклида, тўп ҳолатда тушса эди», деган гаплари ҳам муҳокама этилади. Яна қиёмат кўринишлари, унда бўладиган ҳодисалар баён қилинади. Ўтган умматлар ва уларнинг оқибатлари нима бўлгани, хусусан, Мусо, Нух, Од, Самуд, Лут қавмлари тилга олинади.

«Фурқон» сурасида борлиқдаги табиий жараёнлар, инсоннинг сувдан яратилиши каби, Аллоҳ таолонинг қудрати чексиз эканига далолат қилувчи оятлар ҳам келтирилган. Аммо булардан ўрناق олмаган одамларнинг Аллоҳ таолога ширк келтиришлари эслатиб ўтилган.

Сураи кариманинг охирида Роҳман сифатли Аллоҳнинг ҳақиқий бандаларининг сифатлари санаб ўтилган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

تَبَارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَى عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا

1. Оламларга огоҳлантирувчи бўлсин учун бандасига Фурқонни нозил қилган Зот баракотли, улуғдир.

Чиндан ҳам, Аллоҳ таоло баракотли ва улуғ зотдир.

Ана шу битмас-туганмас баракотлилиги ва улуғлиги аломати ўла-роқ, У бу дунёдаги кишиларга, барча оламларга бандаси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни огоҳлантирувчи этиб юборди ва у зотга ҳақдан ботилни фарқловчи Фурқонни – Қуръонни нозил қилди.

Аслида, инсонни соф табиат ила яратган, унга ҳис қилиш аъзолари ва ақл берган Аллоҳ бандаларга Ўзини таниш ва Ўзига ибодат қилиш амрини беришга ҳақли эди. Аммо, улуғлигидан, ундай қилмади. Бандаларига лутфу марҳамат кўрсатди. Баракоти намунаси қилиб турли Пайғамбарларни юборди, китоблар нозил этди. Ана ўша Пайғамбарлар ва китоблар силсиласининг сўнгги халқаси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Қуръони Карим бўлди. Шунинг учун ҳам, улар маълум вақт ва маълум мақом учун эмас, балки барча оламлар учун бўлди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам барча оламлар учун қиёматгача Пайғамбар, Қуръони Карим эса, то қиёматгача илоҳий дастур бўлди.

Уламоларимиз ушбу оятдаги «бандасига» сўзига алоҳида эътибор берганлар. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни энг олий мақомларда бандалик сифати билан ёдга олган. Жумладан, Исро ва Меърожда, Аллоҳга муножот этиш пайтида, китоб нозил қилишда ва ушбу оятда. Демак, башарнинг энг олий мақоми Аллоҳга бандалик экан. Аллоҳга бандалик башар учун энг улкан бахт, энг олий мақом ҳамда битмас-туганмас неъмат экан. Аксинча, Аллоҳга бандаликни ҳис этмаслик катта бахтсизлик бўлиб, инсонни ҳайвонлик даражасига тушириб қўяди. Бу ҳақда ушбу суранинг ўзида кейинроқ сўз кетади.

Оятда Аллоҳ таолонинг бандасига Фурқонни нозил қилишидан мақсади:

«Оламларга огоҳлантирувчи бўлсин учун» экани таъкидланмоқда. Бу оят Маккада, Ислом даъватининг аввалида, оз сонли мусулмонлар иймонлари ва жонларини қутқаришдан бошқани ўйламай турган, ғалаба ёки фатҳу футуҳларнинг дараги ҳам йўқ пайтида нозил бўлган. Лекин шу билан бирга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оламларга огоҳлантирувчи эканликларини ишонч билан баралла эълон қилмоқда. Бундай гап фақат илоҳий баёнда бўлиши мумкин, холос. Бошқа ҳеч ким мазкур эълонни қила олмайди.

Кейинги оятда бандасига Фурқонни нозил қилган Зотнинг васфи давом этади:

الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُنْ لَهُ شَرِيكٌ فِي الْمُلْكِ وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ نَقْدِيرًا

2. У осмонлару ернинг мулки Унга хос бўлган, Ўзига фарзанд тутмаган, мулкида шериги бўлмаган, ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир.

Бу оятда Аллоҳ таоло тўрт буюк сифат билан сифатланмоқда:

Биринчиси:

«Осмонлару ернинг мулки Унга хос бўлган...»

Яъни, осмонлару ер ва улардаги барча нарсалар Аллоҳнинг хос мулкидир. Уларда Унинг ягона Ўзигина тасарруф этади. Уларда нимани хоҳласа, шуни қилади.

Иккинчиси:

«Ўзига фарзанд тутмаган...»

Бу ҳам баркамоллик, эҳтиёжсизлик сифати. Чунки, фарзандга муҳтожлик, унинг ёрдамидан ёки номини ўчирмай қолишидан умидвор бўлиш ожиз бандаларга хос. Аллоҳ таоло эса, Ўз зоти ила боқийдир. У ҳеч нарсага ҳожати йўқ зотдир.

Учинчиси:

«Мулкида шериги бўлмаган...»

Танҳо Ўзи барча нарсанинг моликидир. Ҳар бир нарсада Ўзи танҳо. Жумладан, молик бўлишда ҳам. Ҳеч бир нарсада Унга ҳеч ким шерик бўла олмайди.

Тўртинчиси:

«Ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир».

Яъни, нарсаларни шундай яратибгина қўймай, аниқ ўлчов билан ўлчаб, шаклини, ҳажмини, замони ва макони, бошқа нарсалар билан бўладиган муносабат ва алоқаларини ҳам очиқ-ойдин, аниқ қилиб яратган.

Худди шу охирги сифат ҳақида турли илмий кашфиётлардан кейин фикр-мулоҳазалар, маълумотлар кўпайди. Авваллари бу оятни ўқиган ёки эшитган одам, Аллоҳ ҳамма нарсани ўлчов билан яратган экан, деган содда тушунча билан кифояланиб қолган. Ҳозирда эса, ўша аниқ ўлчов ила яратиш нима ва қандай эканлиги хусусида аниқ илмий маълумотлар пайдо бўлди. Мазкур маълумотлар турли йўллар билан одамларга етказилмоқда. Аммо кўпчилик дунёдаги нарсаларнинг яратилишидаги бу мўъжизавий дақиқликларга эътиборсизлик билан қарайди. Аслида, биттасигагина ибрат кўзи билан қараган заррача ақли бор одам иймонга келиши керак.

Мисол учун, ҳавони олайлик. Уламоларнинг айтишича, ҳавонинг йигирма бир фоизини кислород ташкил қилар экан. Нима учун ундан ортиқ ёки кам эмас? Ким бу аниқ ўлчов ила ҳавони ўлчаб яратди? Агар мазкур ўлчов бузилса, нима бўлади? Олимларнинг таъкидлашларича, агар ҳавода кислороднинг миқдори йигирма бир фоиздан кўпайиб кетса, ердаги жуда кўп нарса куйиб кетар экан.

Еру осмон, тоғу тош, уммону қитъаларни бир ёққа қўйиб, ҳашарот ёки микроблар каби энг кичик нарсаларни олсак ҳам, уларнинг инсон ақли лол қоладиган даражада аниқ ўлчов билан яратилганини кўрамиз. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг холиқлиги, тадбиркорлиги ва улуғлиги белгисидир. Одамлар ўша нарсаларни кўрганларида, уларни аниқ ўлчов ила яратган Зотга иймон келтиришлари, фақат Унгагина ибодат қилишлари лозим. Аммо кўпчилик бундай қилмайди. Шунинг учун ҳам:

وَاتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ آلِهَةً لَا يَخْلُقُونَ شَيْئًا وَهُمْ يُخْلَقُونَ وَلَا يَمْلِكُونَ لِأَنْفُسِهِمْ
ضَرًّا وَلَا نَفْعًا وَلَا يَمْلِكُونَ مَوْتًا وَلَا حَيَاةً وَلَا نُشُورًا ﴿٢٠٦﴾

3. У Зотдан бошқа, ҳеч нарса ярата олмайдиган, ўзлари яратилмайдиган, ўзлари учун зарарга ҳам, нафга ҳам эга бўлмайдиган, ўлимга ҳам, ҳаётга ҳам, қайта тирилишга ҳам молик бўлмайдиган «худо»лар тутдилар.

Ҳа, одамлар орасидаги фаросатсизлар, ақлини ишлатмайдиганлар, инсон номига ор келтирадиганлар баркамол сифатлар соҳиби, ибодатга сазовор ягона зот бўлмиш Аллоҳни қўйиб, турли бўлмағур нарсаларни «худо»лар қилиб олдилар. Уларнинг фаросатсизлиги ва ақл ишлатмаслигини бут-санамларга, турли табиий кучларга, ҳайвон ёки шахсларга, тузум ёки фирқаларга сажда қилаётганидан билиб олса бўлади. Ўша сохта худоларнинг васфига бир эътибор берайлик-а! Улар:

«ҳеч нарса ярата олмайдиган...»

Ким ва нима бўлишидан қатъиназар, Аллоҳдан ўзга «худо» деб аталганлар ҳаммаси тўпланиб, бор имкониятларини ишга солган тақдирда ҳам ҳеч нарса ярата олмайдилар. «Ҳаж» сурасида таъкидлаб айтилганидек, «... агар барчалари бирлашсалар ҳам, битта пашша ярата олмаслар». Қандай қилиб улар худо бўлишлари мумкин?! Улар бирор нарса яратишлари у ёқда турсин,

«ўзлари яратилмайдиган»дирлар. Худо ўрнига қўйилаётган, Унга итоатда, ибодатда шерик қилинаётган нарсаларнинг – сохта худолару бут-санамларнинг моддаси Аллоҳ томонидан, шакли одамлар то-

монидан яратилган. Яъни, ёғоч, тош ва шунга ўхшаш нарсалардан одамлар ўзлари йўниб, чопиб, тарашлаб бир шаклга келтириб олганлар. Бу нарса қандай қилиб худо бўла олади?

Агар ўша сохта худо одам бўлса, одамлар унинг шахсига сиғинаётган бўлса, у ҳам Аллоҳ томонидан яратилган. Ота-онадан туғилган. У қандай қилиб худо бўла олади?

«...ўзлари учун зарарга ҳам, нафга ҳам эга бўлмайдиган...»

Бошқаларга фойда ёки зарар етказиш у ёқда турсин, ҳатто ўзларига ҳам на фойда ва на зарар етказа олмайдиган нарса ва шахслар қандай қилиб худо бўла оладилар? Бутга чўқинаётганларнинг бут «худо»лари ўзларига фойда ёки зарар етказа оладими? Устига пашша ўтирса, ҳайдай олмайди-ку, қандай қилиб худо бўлади? Молга сиғинаётганларнинг «худо»сини бировлар билмай сўйиб қўйса, худомизни сўйиб қўйибсан, деб қирпичоқ бўлиб, қирғин-барот уруш қиладилар-у, аммо бировнинг қўлида сўйилиб кетган сигир уларга қандай қилиб худо бўла олишини ўйлаб кўрмайдилар. Бошқаларини ҳам шунга таққосласа бўлади.

«...ўлимга ҳам, ҳаётга ҳам, қайта тирилишга ҳам молик бўлмайдиган...»

Ўша сохта худолар бирор тирик нарсанинг жонини олишга қодир эмаслар, бирор нарсага ҳаёт ҳам бера олмайдилар ва бирорта ўликни қайта тирилтира олмайдилар. Хўш, булар қандай қилиб, худо бўла оладилар? Шуларни худо деб эътиқод қилаётганларнинг фаросати ёки ақли бор дея оламизми? Уларни инсон деган шарафли номга лойиқ дея оламизми?!

Энг қизиғи, ўзлари ана шундай ҳолда бўла туриб, тавҳид динига, унинг Пайғамбарига ва китобига тош отадилар, улар ҳақида турли бўлмағур гаплар тўқийдилар:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِن هَذَا إِلَّا آفَاكُ أَفْتَرْتَهُ وَآعَانَهُ عَلَيْهِ قَوْمٌ آخَرُونَ فَقَدْ جَاءُوا ظُلْمًا وَزُورًا ﴿١٠١﴾

4. Куфр келтирганлар: «Бу (Қуръон) уйдирмадан бошқа нарса эмас. Уни ўзи уйдириб олди ва бунда унга бошқа қавмлар кўмак бердилар», дедилар. Бас, шубҳасиз, зулм ва ёлғон гувоҳлик келтирдилар.

Макка мушрикларининг, Қуръон Муҳаммад томонидан тўқиб — уйдириб олинган нарсадир, деган маънодаги бу гапларининг ўзи тўхмат эканини ҳамма яхши билади. Уларнинг ўзлари, хусусан,

бошлиқлари Қуръон башарий калом эмаслигини такрор-такрор тасдиқлар эдилар. Шу билан бирга, кўпчиликка, Қуръон Муҳаммаднинг уйдирмаси, деб ифво тарқатар эдилар.

Энди мушриклар уйдирмасининг иккинчи:

«бунда унга бошқа қавмлар кўмак бердилар», деган қисмига назар ташлайлик. Бу билан мушриклар, Муҳаммадга Қуръонни уйдиришда бошқа қавмлар ёрдам берган, дейишмоқчи. Ўша пайтда «бошқа қавмлар» кимлар, деб сўралганда, мушриклар: «Аҳли китоблар», деб жавоб беришган. Демак, мушрикларнинг даъвосича, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига янги дин яратиш мақсадида бир китоб ёзишга қарор қилганлар. Бу ишни ишончлироқ чиқариш мақсадида эски илоҳий китобларга ўхшатишга ҳаракат қилиб, аҳли китоблардан ёрдам олганлар. Яъни, яҳудий ва насоролардан. Хўш, яҳудий ва насоролар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ўз кирдикорларини фош қилишда, жиноятларини ошкора этишда, бузуқ эътиқодларининг шармандалигини баён қилишда ёрдам берибдиларми? Қуръонда яҳудий ва насороларнинг ҳар бобдаги хатолари баён этилган-ку!

Демак, мушрикларнинг бу даъволари мутлақо нотўғри. Улар бу даъво билан:

«Бас, шубҳасиз, зулм ва ёлғон гувоҳлик келтирдилар».

Уларнинг бу гапларида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан зулм бор, Қуръони Каримга нисбатан зулм бор, ҳақиқатга нисбатан зулм бор. Аллоҳ таолога нисбатан зулм бор. Уларнинг бу гувоҳлиги ёлғон гувоҳлиқдир.

Кофирлар Қуръони Карим ҳақида ушбу уйдирма ва бўҳтон ила кифояланиб қолмадилар.

وَقَالُوا أَأَسْطِيرُ الْأَوَّلِينَ أَكْتَبَهَا فَهِيَ تُمَلَّى عَلَيْهِ بُكْرَةً وَأَصِيلًا

5. Улар: «Бу аввалгиларнинг афсонасидир. Уларни ёздириб олган. Ҳолбуки, улар унга эртаю кеч имло қилинур», дедилар.

Кофирларнинг Қуръони Карим ҳақида бир ундай, бир бундай дейишларининг ўзи ҳам даъволарининг асосли эмаслигига далилдир. Уларга асоснинг кераги ҳам йўқ, бир оз ўзларининг бузуқ ақллари ва фосид мантиқларига илашадиган жойи бўлса, бас, ўшани гап деб гапираверадилар. Ўтган умматлар ҳақида Қуръондаги қиссалардан хабардор бўлганларидан кейин:

«Улар: «Бу аввалгиларнинг афсонасидир», дедилар.

Қуръон аввалгиларнинг афсонаси бўлса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бу афсоналарни қаердан олибдилар?

«Уларни ёздириб олган», дейдилар.

Аввалги мушриклар ҳар қанча жоҳил бўлсалар ҳам, ҳозиргиларга қараганда бир оз инсофли бўлган экан. Улар ҳозирги мушрикларга ўхшаб, «ёзиб олган», демасдан, «ёздириб олган», демоқдалар. Чунки, улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўқиши ва ёзишни билмасликларини яхши биладилар. Шунинг учун, афсоналарни бошқаларга ёздириб олган, дедилар. Яна:

«Ҳолбуки, улар унга эртаю кеч имло қилинур», дедилар».

Яъни, ўша афсоналар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эртаю кеч айтиб турилади, демоқдалар.

Кофир-мушрикларнинг бу уйдирмасига қандай жавоб беришни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг Ўзи ўргатади:

قُلْ أَنْزَلَهُ الَّذِي يَعْلَمُ السِّرَّ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ إِنَّهُ كَانَ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٦٠﴾

6. Сен: «Уни осмонлару ердаги сирни биладиган Зот нозил қилди. Албатта, У мағфиратли ва раҳимли Зотдир», дегин.

Қуръонни ҳамма нарсани билгувчи зот—Аллоҳ нозил қилгандир. Ҳамма нарсани билгувчи Зот ўтган умматларнинг тарихини ҳам жуда яхши билади. Ўтганларнинг афсоналарини бировдан ёздириб олишга ҳожат йўқ. Балки, бу афсоналар ёлғон, бидъат ва хурофотларга тўлиқдир. Қуръони Каримда эса, ўтган умматларнинг қиссалари энг рост ва тўғри равишда келтирилади. Кишиларни улардан ўрнак олишга чақирилади. Вақт ўтиб, илм ривожланиши билан бу ҳақиқат яна ҳам равшанлашиб бормоқда.

Мушриклар фақат Қуръони Карим ҳақида эмас, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида ҳам турли уйдирмалар тўқидилар.

وَقَالُوا مَا لِهَذَا الرَّسُولِ يَأْكُلُ الطَّعَامَ وَيَمشِي فِي الْأَسْوَاقِ لَوْلَا أَنْزَلَ إِلَيْهِ مَلَكٌ فَيَكُونَ مَعَهُ نَذِيرًا ﴿٦١﴾

7. Улар: «Бу не Пайғамбарки, таом еб, бозорда юрадир?! Унга бир фаришта туширилса эди, у билан огоҳлантиргувчи бўлар эди.

أَوْ يُلقَى إِلَيْهِ كَذَبٌ أَوْ تَكُونُ لَهُ جَنَّةٌ يَأْكُلُ مِنْهَا وَقَالَ الظَّالِمُونَ إِنْ تَتَّبِعُونَ إِلَّا رَجُلًا مَسْحُورًا ﴿٦٢﴾

8. Ёки унга ҳазина ташланса ёхуд унинг боғи бўлсаю ундан еса», дедилар. Золимлар: «Сизлар фақат сеҳрланган кишига эргашяпсизлар, холос», дедилар.

Қадимдан одамларга ўзларига ўхшаган оддий инсоннинг Пайғамбар бўлиши ғалати туюлиб келган. Уларнинг тасаввурларида Пайғамбар қандайдир бошқа хусусиятларга эга бўлиши керак.

«Улар, «Бу не Пайғамбарки, таом еб, бозорда юрадир?!» дедилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бошқа Пайғамбарлар каби оддий одамдир. Ул зот ҳам таом ер, бозорга бориб савдо-сотик қилар ва бошқа тирикчилик ишларини бажарар эдилар. Мушриклар бу ишларни камчилик, Пайғамбарга тўғри келмайдиган иш деб баҳолардилар. Уларнинг фикрича, Пайғамбар овқат емаслиги, бозорда юрмаслиги ва инсонга оид бошқа ишларни қилмаслиги керак.

«Унга бир фаришта туширилса эди, у билан огоҳлантиргувчи бўлар эди.»

Чунки, кофирларнинг фикрича, одамдан кўра фаришта Пайғамбар бўлишга лойиқроқдир.

Лекин улар Аллоҳ таоло одамни яратибоқ фаришталарни унга сажда қилишга буюрганини унутадилар. Яъни, Аллоҳ ҳузурида одам фаришталардан устун эканини эсдан чиқарадилар.

Одамларга йўлбошчи бўлиш учун, уларга ўрнатилган бўлиш учун ўзларига ўхшаш одамдан Пайғамбар бўлиши улкан ҳикматга молик эканини улар қаердан билсинлар? Мушриклар ўзларича:

«Ёки унга ҳазина ташланса ёхуд унинг боғи бўлсаю ундан еса», дедилар.

Уларнинг фикрича, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ризқларини топиш учун бозорда юришлари Пайғамбарлик мартабасига тўғри келмайди. У кишига ҳамма нарса осмондан тайёр ҳолда тушган бўлиши керак.

Аммо осмонлару ернинг сирини билгувчи Аллоҳ Ўз ҳикмати ила охирзамон Пайғамбарининг хазинаси ҳам, боғу роғлари ҳам бўлишини хоҳламади. Ҳаммага ўрнатилган бўлишлари учун у зотнинг камбағал бўлишини ирода қилди. Бойлик, турли молу мулк билан машғул бўлишларини истамади. Зотан, Аллоҳга боғланган киши учун бу нарсаларнинг ҳеч қизиги йўқ.

Мушриклар мазкур уйдирма, ёлғон ва бўҳтонлари ҳам етмаганидек, мусулмонларни йўлдан урмоқчи бўлиб, турли гаплар билан уларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишдан қайтаришга ҳаракат қилдилар:

«Золимлар: «Сизлар фақат сеҳрланган кишига эргашяпсизлар, холос», дедилар».

Золим мушриклар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни сеҳрланган киши дейиш билан энг катта зулмлардан бирини қилдилар.

Аллоҳ таоло мушрикларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақидаги бўҳтонларига нисбатан битта раддия қилди:

أَنْظِرْ كَيْفَ ضَرَبُوا لَكَ الْأَمْثَالَ فَضَلُّوا أَفَلَا يَسْتَطِيعُونَ سَبِيلًا

9. Сенга қандай мисоллар келтирганига назар сол! Бас, улар йўлдан оздилар. Энди йўл топишга қодир эмаслар.

Эй Муҳаммад! Мушриклар сенга қандай мисоллар келтирганларига қара. Бир «уйдирмачи» десалар, бошқа пайтда «афсоначи», ундан сўнг эса, «сеҳргар» дедилар. Аммо уларнинг бу гаплари ҳаммаси адашувдир.

«Бас, улар йўлдан оздилар.»

Йўлдан озмасалар, бундай қилмас эдилар.

«Энди йўл топишга қодир эмаслар.»

Кейинги оятда эса, мушриклар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзларича талаб қилаётган ишлар ҳақиқат ўлчовида нақадар вазнсиз экани баён қилинади:

تَبَارَكَ الَّذِي إِنْ شَاءَ جَعَلَ لَكَ خَيْرًا مِّنْ ذَلِكَ جَنَّتِ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ وَجَعَلَ لَكَ قُصُورًا

10. Агар хоҳласа, сенга ўшандан яхшироғини—остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларни ва қасрларни қилиб берадиган Зот баракотли ва улуғ бўлди.

Аллоҳ хоҳласа, бу нарсаларни истаган лаҳзада Пайғамбарига ато этиши ҳеч гап эмас. Лекин мақсад боғу роғ ва қасрлар эмас. Мақсад ҳамма нарсанинг холиқи Аллоҳ таолонинг розилигига эришишдир.

Мушриклар фақат Қуръони Карим ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида турли уйдирма ва бўҳтонларни тарқатиш билан кифояланиб қолмасдан қиёмат куни ҳақида ҳам ҳар хил бўҳтонларни айтишган.

بَلْ كَذَّبُوا بِالسَّاعَةِ وَأَعْتَدْنَا لِمَنْ كَذَّبَ بِالسَّاعَةِ سَعِيرًا

11. Йўқ! Улар соатни (қиёматни) ҳам ёлғонга чиқардилар. Ва Биз соатни (қиёматни) ёлғонга чиқарганларга дўзахни тайёрлаб қўйдик.

Кофир-мушриклар залолатларида шу даражага етдиларки, ҳатто «Улар соатни (қиёматни) ҳам ёлғонга чиқардилар».

Қиёмат бўлмайди, дедилар. Қиёмат бўлади, деяётганларнинг гапи ёлғон, дедилар. Ҳолбуки,

«Биз соатни (қиёматни) ёлғонга чиқарганларга дўзахни тайёрлаб қўйдик».

Дўзах уларни кутиб турибди. Ушбу мушриклар тўппа-тўғри ўша тайёр дўзахга равона бўладилар.

إِذَا رَأَتْهُمْ مِّن مَّكَانٍ بَعِيدٍ سَمِعُوا لَهَا تَغِيظًا وَزَفِيرًا ﴿١٢﴾

12. Вақтики у уларни узоқ жойдан кўрганида, унинг ғазабнок қайнашини ва бўкиришини эшитурлар.

Қиёмат соатини ёлғонга чиқарганларга Аллоҳ таоло томонидан тайёрлаб қўйилган дўзах шу даражада даҳшатлики, у кофирларни узоқдан кўриши билан ғзаби тўлиб-тошиб, қайнаб бўкира бошлайди. Мазкур кофирлар эса, ўша узоқ масофадан туриб, унинг ғзабнок қайнашини ва бўкиришини эшитадилар. Ана ўшанда уларнинг ҳолига вой бўлади. Жаҳаннамдан узоқдаги ҳоллари шу.

Энди жаҳаннамга ташланганларидан кейин қандай ҳолда бўлишлари васф қилинади:

وَإِذَا أَلْقَا مِنْهَا مَكَانًا ضِيقًا مُّقْرَّنِينَ دَعَوْا هُنَالِكَ ثُبُورًا ﴿١٣﴾

13. Унинг тор жойига кишанланган ҳолларида ташланганларида эса, ўша жойда (ўзларига) ҳалокат тиларлар.

Жаҳаннамнинг номини эшитишнинг ўзи азоб, унга тушиш ҳақидаги хабарни эшитиш ундан ҳам азоб, унга томон кетаётиб, унинг ғзабнок қайнашини ва бўкиришини эшитиш баттар азоб, унга ташланиш энг катта азоб. Аммо унинг тор жойига ташланиш эса, жаҳаннам ичидаги азобларнинг энг даҳшатлиси ҳисобланади. У чоғдаги азоб шу даражага етадики, кофирлар:

«...ўша жойда (ўзларига) ҳалокат тиларлар».

Яъни, дод-вой қилиб, эй, ҳалокат, эй, йўқ бўлиш, кел, мени ол, мени бу ҳолдан қутқар, деб бақирадилар. Лекин бу нолалари уларга фойда берармикан? Йўқ, албатта. Ана шундай ҳолатда дод-вой қилиб турганларида, уларга қарата қуйидаги хитоб қилинади:

لَا تَدْعُوا الْيَوْمَ ثُبُورًا وَاحِدًا وَادْعُوا ثُبُورًا كَثِيرًا ﴿١٤﴾

14. «Бугунги кунда бир ҳалокатни эмас, кўп ҳалокатни тиланглар!»

Бир марта ҳалок бўлиб қутулиб кета олмайсизлар. Ҳали кўп ҳалок бўласизлар. Ўзингизча, ҳалок бўлсак, бу азоблардан қутулармиз, деб ўйламанглар.

Келгуси оятда ушбу даҳшатли ҳолатни мўмин-мусулмон, тақводор бандаларга тайёрлаб қўйилган нарсаларга солиштириб кўриш таклиф қилинади:

قُلْ أَذَلِكَ خَيْرٌ أَمْ جَنَّةُ الْخُلْدِ الَّتِي وُعِدَ الْمُتَّقُونَ ۗ كَانَتْ لَهُمْ جَزَاءً وَمَصِيرًا ﴿١٤﴾

15. «Бу яхшими ёки тақводорларга тайёрлаб қўйилган мангулик жаннати яхшими?» У (жаннат) улар учун мукофот ва қайтиш жойидир.

Қани, солиштириб кўрилсин-чи?! Юқоридаги оятларда васф қилинган дўзах ва ундаги даҳшатли азоблар яхшими ёки мангулик жаннати яхшими? Нозу неъматларга тўла жаннатларда абадий қолиш яхшими?

Мушрик ва кофиру осийларга даҳшатли азобларга тўла дўзахни тайёрлаб қўйган Аллоҳ мўмин-мусулмон ва тақводор бандаларига мангулик жаннатини ҳам тайёрлаб қўйган.

«У (жаннат) улар учун мукофот ва қайтиш жойидир.»

Жаннат уларнинг иймонлари, яхши амаллари ва тақволари учун мукофотдир, жаннат уларнинг охир-оқибат қарор топадиган қайтиш жойидир.

Тақводор мўмин бандалар жаннатда роҳат-фароғат ила абадий ҳаёт кечирадилар.

لَهُمْ فِيهَا مَا يَشَاءُونَ خَالِدِينَ ۗ كَانَ عَلَىٰ رَبِّكَ وَعْدًا مَسْئُولًا ﴿١٥﴾

16. Уларга у ерда хоҳлаган нарсалари бор, абадий ҳолда қолурлар. Бу, Роббинг зиммасидаги масъулиятли ваъдадир.

Жаннатда тақводор мўминларга истаган нарсалари бор. Жаннатда нималар борлигини санаб адоғига етиб бўлмайди. Шунинг учун, осонгина, истаган нарсалари бор, деб қўйилди. Зотан, инсон учун бахт-саодатга етишишнинг тўлиғи истаган нарсасига эришишдир. Инсон ўшандай бахтга фақат жаннатда эришади. Эришганда ҳам, маълум муддатга эмас, мангуликка эришади. Чунки, вақтинчалик бахт-саодат тўлиқ саналмайди. Бу гаплар шунчаки эмас.

«Бу, Роббинг зиммасидаги масъулиятли ваъдадир.»

Роббинг эса, ваъдасига ҳеч хилоф этгувчи зот эмас. Масъулиятга ваъдага хилоф қилмаслиги эса, турган гап. Шундай экан, жаннатга олиб борувчи иймон ва тақво йўлида ҳеч иккиланмай юравериш керак.

Эндиги келадиган оятларда мушрик ва кофирлар ёлғонга чиқарган қиёмат куни бўлиб ўтадиган ҳодисалардан ўша мушрикларга тегишли баъзи кўринишлар келтирилади:

وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ وَمَا يَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ فِيَقُولُ ءَأَنْتُمْ أَضَلَلْتُمْ عِبَادِي هَٰؤُلَاءِ أَمْ هُمْ ضَلُّوا السَّبِيلَ ﴿١٧﴾

17. У (мушрик)ларни ва Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарсаларини тўплаган кунда, У зот: «Анави бандаларимни сизлар адаштирдингизми ёки улар ўзлари йўлдан оздиларми?!» дейдир.

Мушриклар ёлғонга чиқарсалар ҳам, истамасалар ҳам, қиёмат соати келиши аниқ. Бошқалар қатори у кунда мушриклар ҳам қайта тирилиши турган гап. Аллоҳ таоло қиёмат кунда нафақат мушрикларни, балки улар Аллоҳга шерик қилган сохта худоларини ҳам бир жойга тўплайди. Ана ўшанда мушрикларнинг «худо»ларидан — бутсанамлар, табиатдаги нарсалар, ҳайвонлар, фаришталар, жин ва одамлардан Аллоҳ таоло:

«Анави бандаларимни сизлар адаштирдингизми ёки улар ўзлари йўлдан оздиларми?!» деб сўрайди.

Қандай ҳам хижолатли ҳолат. Мушриклар ёлғонга чиқарган қиёмат ҳақ бўлиб чиқди. Мана, қиёмат қўпиб, улар афсус-надомат ила тўпланиб турибдилар. Нафақат ўзлари, балки улар нажоткоримиз деб эътиқод қилган «худо»лари ҳам Роббул оламийн ҳузурда тўпланиб, айбдорлик ила бўйин эгиб туришибди. Аллоҳ таоло уларни сўроққа тутмоқда. Қани энди жавоб берсинлар. Бу дунёда мушрик бўлиб, Аллоҳдан ўзга нарсаларга ибодат этиб, ўшаларнинг «айтгани»ни қилиб, ўшаларнинг «розилиги»ни тилаб ўтган манави бандаларнинг мушрик бўлишлари сабаби нима? Уларни ўша «худо»лари адаштирдими? Ёки ўзлари йўлдан оғдиларми?

Аллоҳ таолонинг бу саволига сохта худолар бир овоздан қуйидаги жавобни берадилар:

قَالُوا سُبْحَانَكَ مَا كَانَ يَنْبَغِي لَنَا أَنْ نَتَّخِذَ مِنْ دُونِكَ مِنْ أَوْلِيَاءَ وَلَكِنْ مَتَّعْتَهُمْ وَءَابَاءَهُمْ حَتَّىٰ نَسُوا الذِّكْرَ وَكَانُوا قَوْمًا بُورًا ﴿١٨﴾

18. Улар: «Эй пок Парвардигор, Сендан ўзгани дўст тутмоқ биз учун ярашмас. Лекин Сен уларни ва ота-боболарини (шунчалик) ҳузурлантирдингки, ҳатто улар зикрингни унутдилар ва ҳалокат қавми бўлиб қолдилар», дерлар.

Мушриклар бу дунёда ишониб яшаган ва уларга ибодат қилган «худо»лари уларга қарши гапира бошладилар. «Худо»лари уларнинг сўнги умидларини ҳам пучга чиқардилар. Чунки, мушриклар бу дунёда: «Ҳеч бўлмаса бут-санамларимиз у дунёда катта худонинг олдида бизга шафоатчилик қилишар», деб юрар эдилар. Энди эса, «худо»лари уларга шафоатчилик эмас, қораловчилик вазифасини ўтамоқдалар.

Улар Аллоҳ таолога мурожаат қилиб:

«Эй пок Парвардигор...» Эй, мушрикларнинг ширкидан пок бўлган Парвардигор! Эй, шериги бўлишдек нуқсондан пок бўлган Парвардигор, деб гап бошламоқдалар.

«...Сендан ўзгани дўст тутмоқ биз учун ярашмас.»

Бизнинг бировга худо бўлишимиз у ёқда турсин, сени қўйиб бошқани ўзимизга дўст қилиб олишимиз — худо қилиб олишимиз ҳам мутлақо тўғри келмайдиган иш. Анави бандаларингни биз адаштирганимиз йўқ.

«Лекин Сен уларни ва ота-боболарини (шунчалик) ҳузурлантирдингки, ҳатто улар зикрингни унутдилар ва ҳалокат қавми бўлиб қолдилар.»

Розиклик сифатинг ила ўша мушрикларга ва уларнинг ота-боболарига турли неъматларни кетма-кет бериб, ҳузур-ҳаловат бахш этдинг. Улар узоқ муддатли бу ҳузур-ҳаловатдан сўнг тўқликка шўхлик қилдилар. Охир-оқибатда шу даражага етдиларки, ҳатто сенинг ўзингни ҳам унутдилар. Ўзларига бошқа худолар тутдилар. Ва, ниҳоят, ҳалокат қавми бўлдилар.

Сохта худоларнинг бу гувоҳликларидан кейин Аллоҳ таоло жиноятчи мушрикларга қарата қуйидаги хитобни қилади:

فَقَدْ كَذَّبْتُمْ بِمَا تَقُولُونَ فَمَا تَسْتَطِيعُونَ صَرْفًا وَلَا نَصْرًا وَمَنْ يَظْلِم
مِّنْكُمْ نَذِقْهُ عَذَابًا كَبِيرًا ﴿١٨﴾

19. Батаҳқиқ, улар сизларни айтаётган нарсангизда ёлғончига чиқардилар. Энди (азобни) буришга ҳам, ёрдам олишга ҳам қодир бўлмассиз. Сиздан ким зулм қилган бўлса, унга азобни тортирамиз.

Яъни, эй, мушриклар, «худо»ларингиз сизни ёлғончига чиқардилар. Улар сиз айтганингиздек худо эмас эканлар. Энди сизга қилмишингизга яраша азоб берилади.

«Энди (азобни) буришга ҳам, ёрдам олишга ҳам қодир бўлмас-сиз.»

Ўзингизга келадиган азобни бошқа томонга буриб юбора олмай-сиз. Бошқа томондан ўзингизга ёрдам олишга ҳам иложингиз йўқ.

«Сиздан ким зулм қилган бўлса, унга азобни торттирамиз.»

Зотан, ширк энг катта зулмдир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳга ширк келтирган кимса энг катта азобга сазовордир.

Ушбу нарсалар баён этиб бўлингандан кейин Расули Акрам солаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиниб, у зотга тасалли берилади:

وَمَا أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِنَ الْمُرْسَلِينَ إِلَّا إِنَّهُمْ لَيَأْكُلُونَ الطَّعَامَ وَيَمْشُونَ
 فِي الْأَسْوَاقِ وَجَعَلْنَا بَعْضَكُمْ لِبَعْضٍ فِتْنَةً أَتَصْبِرُونَ ۗ وَكَانَ رَبُّكَ بَصِيرًا ﴿٦٣﴾

20. Биз сендан олдин юборган Пайғамбарларимиз ҳам, албатта, таом ер ва бозорларда юрар эдилар. Баъзиларингизни баъзиларингизга синов қилдик. Сабр қиласизлармикин?! Роббинг кўргувчи бўлган зотдир.

Эй, ҳабибим Муҳаммад, сен мушрикларнинг қилаётган бўҳтонларидан хафа бўлма. Уларнинг гаплари эътиборсиз. Жумладан, «Бу қандай Пайғамбарки, таом ер ва бозорларда юрар», деган гаплари ҳам беҳуда.

«Биз сендан олдин юборган Пайғамбарларимиз ҳам, албатта, таом ер ва бозорларда юрар эдилар.»

Сенга ўхшаган таом еб, бозорларда юрадиган оддий башарни Пайғамбар қилишимиз янгилик ёки ажабланадиган иш эмас. Қадимдан жорий қилинган иш. Бу ишга қарши чиққанлар сенга эмас, Аллоҳнинг жорий одатига қарши чиққан бўладилар. Биз шундай қилиб:

«Баъзиларингизни баъзиларингизга синов қилдик».

Оддий башардан Пайғамбар юбориб одамларни синовга учратдик, баъзилари синовдан ўта олмай, оддий башар ҳам Пайғамбар бўладими, деб йўлдан адашди. Уларнинг бу тасарруфлари эса, иймонлилар учун синов бўлди. Қани,

«Сабр қиласизлармикин?!»

Мушрикларнинг инкорига чидаб, илоҳий даъват оддий башар воситаси ила тарқалишига сабр қила олармикансизлар?

«Роббинг кўргувчи бўлган зотдир.»

Роббинг ҳар бир нарсанинг зоҳиринигина эмас, ҳақиқатини ҳам кўрувчи бўлган зотдир. Шунинг учун, Ўзи билиб ҳикмат ила тасарруф қилади. Бандаларнинг иши Аллоҳнинг тасарруфини муҳокама қилиш эмас, балки амрларини бажо келтиришдир.

Келгуси оятда кофирларнинг яна бир бошқа эътирозлари ва унинг жавоби ҳақида сўз кетади:

﴿ وَقَالَ الَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَاءَنَا لَوْلَا أُنزِلَ عَلَيْنَا الْمَلَكُ أَوْ نُرَى رَبَّنَا لَقَدِ اسْتَكْبَرُوا فِي أَنْفُسِهِمْ وَعَتَوْا عُتُوًا كَبِيرًا ﴾

21. Бизга учрашдан умидсиз бўлганлар, бизга фаришталар туширилса, ёки, Роббимизни кўрсак эди, дерлар. Батаҳқиқ, улар ўзларидан кетдилар ва катта туғён-ла туғён қилдилар.

Қиёмат кўпиб, унда Аллоҳга рўбарў келишга ишонмаганлар:

«...бизга фаришталар туширилса, ёки, Роббимизни кўрсак эди, дерлар».

Яъни, бизга ўзимизга ўхшаган одамдан Пайғамбар юборилмасю, Пайғамбарлик вазифасини ўташ учун осмондан фаришта туширилса, дейдилар. Бу билан улар, ўзларича, Аллоҳ таолонинг ишларига аралашмоқдалар. Ўзларича, Пайғамбар танлашнинг «афзал» йўлини таклиф қилмоқдалар. Бу таклифлари ўтакетган аҳмоқона бўлиши билан бирга, катта туғён ҳамдир. Айниқса:

«ёки Роббимизни кўрсак», дейишлари ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳол.

Улар сурбетларча йўл тутиб, ўз куфрларини оқламоқдалар. Агар бизга оддий башардан Пайғамбар келмай, осмондан фаришта тушганида ёки Аллоҳни кўзимиз билан кўрганимизда, иймон келтиришимиз мумкин эди, демоқчилар.

Эй, ҳеч нарсага арзимайдиган, ҳаром сувдан пайдо бўлган пасткаш! Сен ким бўлибсанки, Аллоҳнинг қилган ишини муҳокама қиласан! Сен ким бўлибсанки, Буюк Аллоҳнинг Ўзини кўрмоқчи бўласан. Сенинг ифлос кўзинг уни кўра олармиди?! Сен ундай Зотни кўриш қудратига эга эмассан! Ёки кўришга сазоворман деб ўйлайсанми?!

«Батаҳқиқ, улар ўзларидан кетдилар ва катта туғён-ла туғён қилдилар.»

Зотан, ўзларидан кетмасалар, шу гапларни айтармидилар?! Катта туғён-ла туғёнга кетмасалар, Аллоҳнинг Ўзини кўрайлик, дермидилар?! Ёки, бизга фаришталар тушсин, дермидилар. Шошилмай турсинлар, бир куни фаришталарни кўрадилар ҳам!

﴿ يَوْمَ يَرَوْنَ الْمَلَائِكَةَ لَا بُشْرَىٰ يَوْمَئِذٍ لِلْمُجْرِمِينَ وَيَقُولُونَ حَجْرًا مَّحْجُورًا ﴾

22. Улар фаришталарни кўрадиган кунда, ҳа, ўша кунда жиноятчиларга хушхабар бўлмас. Ва (фаришталар): «Ҳаром, ҳаром», дерлар.

Ҳа, кофирлар фаришталарни қиёмат кунида кўрадилар. Уларга ўхшаган жиноятчиларга у кунда ҳеч бир хушхабар бўлмас. Бу дунёда кўришни хоҳлаган-у, кўрилмаган, аммо қиёмат куни кўзларига кўришиб турган фаришталар уларга:

«**Ҳаром, ҳаром**», дейдилар.

Яъни, эй, кофир-мушриклар, сизларга хушхабар ҳаром, жаннат ҳаром, мағфират ҳаром, меҳр-шафқат ҳаром, осойишталик ҳаром... дейдилар.

وَقَدْ مَنَّآ إِلَىٰ مَا عَمِلُوا مِنۡ عَمَلٍۭ فَجَعَلْنَاهُ هَبَاءً مَّنثُورًا ﴿٢٢﴾

23. Ва қилган амалига келиб, уларни тўзон каби сочиб юборамиз.

Кофирларнинг бу дунёда қилган баъзи бир яхши амалларидан умидлари бўлиши мумкин. Аммо иймон бўлмаганидан кейин, у ишлар ҳеч фойда бера олмайди. Қиёмат куни Аллоҳ таоло у амалларни ҳам тўзон каби сочиб юборади.

Кофирлар ана шундай таҳликали бир ҳолда турганларида мўминларнинг аҳволи умуман бошқача бўлади:

أَصْحَابُ الْجَنَّةِ يَوْمَئِذٍ خَيْرٌ مُّسْتَقْرَرًا وَأَحْسَنُ مَقِيلًا ﴿٢٣﴾

24. Ўша кунда жаннат эгаларининг қароргоҳлари ва оромгоҳлари ғоят яхшидир.

Дўзах эгаларига ўхшаб аянчли ҳолда қолмаслар.

وَيَوْمَ تَشَقَّقُ السَّمَاءُ بِالْغَمَمِ وَنُزِلَ الْمَلَكَةُ تَنْزِيلًا ﴿٢٤﴾

25. У кунда булутли осмон ёрилиб, фаришталар бўлак-бўлак туширилурлар.

Қиёмат куни, шунчалик катта ва мустаҳкам бўлишига қарамай, осмон ёрилади. Фаришталар тўп-тўп бўлиб тушиб, ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришга шай турадилар.

الْمَلِكُ يَوْمَئِذٍ الْحَقُّ لِلرَّحْمَنِ وَكَانَ يَوْمًا عَلَىٰ الْكَافِرِينَ عَسِيرًا ﴿٢٥﴾

26. У кунда ҳукмронлик Роҳманга ҳақ бўлур. У кун кофирлар учун кўп қийин кун бўлур.

Қиёмат куни ҳукмронлик Роҳман сифатига эга Аллоҳ таолога ҳақ бўлади. Ҳеч ким аралаша олмайди. Аллоҳ таолонинг Ўзигина ҳукмларини чиқаради. Ана ўшанда кофирларга кўп қийин бўлади.

وَيَوْمَ يَعِضُ الظَّالِمُ عَلَى يَدَيْهِ يَقُولُ يَلَيْتَنِي اُتَّخَذْتُ مَعَ الرَّسُولِ سَيْلًا

27. У кунда золим икки қўлини тишлаб: «Эй воҳ!!! Пайғамбар ила бир йўлни тутганимда эди!» дер.

Қиёмат кундаги ҳолатларни кўрган золим – мушрик афсус-надомат ила бармоғини тишлаб қолади. Битта ёки иккита бармоғини эмас, икки қўлининг ҳамма бармоқларини тишлаб қолади. Ва надомат ила: **«Эй воҳ!!! Пайғамбар ила бир йўлни тутганимда эди!» дер.**

يَوَلِّتَنِي لَيْتَنِي لِمَ اتَّخَذْتُ لَنَا خِيَلًا

28. «Эй воҳ!!! Кошки фалончини дўст тутмасам эди», дер. Бу дунёда Пайғамбарни қўйиб, бошқага эргашгани нотўғри бўлганини ўша пайтда тушуниб етади. Аммо энди кеч, ҳайит ўтди. Энди, кофир ўз «дўсти»дан шикоят қила бошлайди:

لَقَدْ أَضَلَّنِي عَنِ الذِّكْرِ بَعْدَ إِذْ جَاءَنِي وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِلْإِنْسَانِ خَذُولًا

29. «Батаҳқиқ, менга зикр (Қуръон) келгандан сўнг у (дўст) мени адаштирди. Шайтон инсонни ёрдамсиз ташлаб кетгувчидир».

Кофирнинг «дўсти»дан шикояти шуки, у «дўст» кофирни унга зикр – эслатма, яъни, Қуръон келганидан кейин уни йўлдан адаштирибди. Демак, «дўсти»га ишониб пўстига сомон тиқиладиган бўлибди. Аввал, Пайғамбарга эргашмай, бошқа йўлдан кетганига афсус қилган эди. Энди, «дўсти»нинг гапига кириб, Қуръонга эмас, бошқа нарсага эргашиб адашганини афсус ва надомат ила эсламоқда.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқага эргашганларнинг барчасининг ҳоли шу бўлади. Қуръон йўлидан бошқа йўлга юрган, Қуръондан бошқа дастурга амал қилганларнинг барчасининг ҳоли шу бўлади. Қиёмат куни уларнинг ҳаммасининг бу дунёдаги «дўст»лари ёрдамсиз ташлаб кетади. Чунки:

«Шайтон инсонни ёрдамсиз ташлаб кетгувчидир».

Кофирларнинг ёрдамчисиз, хору зор бўлган ҳоларида қиёмат шармандалигини тортиб турганларини васф қилувчи ушбу оятлар-

дан кейин, яна воқеликка қайтилади. Кофирларнинг эътирозлари, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шикоятлари ва у зотга тасалли бериш оятлари келади:

وَقَالَ الرَّسُولُ يَا رَبِّ إِنَّ قَوْمِي اتَّخَذُوا هَذَا الْقُرْآنَ مَهْجُورًا ﴿٣٠﴾

30. Ва Пайғамбар: «Эй Роббим, албатта, менинг қавмим ушбу Қуръонни тарк этдилар», деди.

Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Роббиларига шикоят қилиб, эй Роббим, менинг қавмим — Қурайш ушбу Қуръонни тарк этди, дедилар.

Дарҳақиқат, бу қавм Аллоҳ таоло томонидан икки дунё саодатига эришиш дастури қилиб юборилган Қуръонни қабул қилмадилар. Унга қулоқ осмадилар. Уни ўқиб ўрганмадилар. Унга иймон келтирмадилар. Унга амал қилмадилар. Уни тарк этдилар.

Аслида, Аллоҳ таоло уларнинг қилмишларини жуда яхши билди. Аммо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу гапларни ўзларининг дардларини тўкиб солиш учун, Аллоҳнинг амрини тўла бажарганликларини билдириш учун айтмоқдалар.

Пайғамбаридан бу шикоятни эшитганидан сўнг Аллоҳ таоло у зотга тасалли бериб, қуйидагиларни айтади:

وَكَذَلِكَ جَعَلْنَا لِكُلِّ نَبِيٍّ عَدُوًّا مِّنَ الْمُجْرِمِينَ وَكَفَىٰ بِرَبِّكَ هَادِيًا وَنَصِيرًا ﴿٣١﴾

31. Ана шундай. Ҳар Пайғамбар учун жиноятчилардан душман қилганмиз. Ҳидоят ва ёрдамчиликда Роббинг Ўзи кифоя қилур.

Ҳа, қадимдан ишлар шундай бўлиб келган. Қачон, қаерга Пайғамбар юборилган бўлса, ўша ерда уларга қарши жиноятчилар ҳам фаолият кўрсатиб келганлар. Бу ҳол ҳикматсиз эмас. Агар Ислом йўли осон, бехатар йўл бўлса, бу йўлда қийинчиликлар, турли тўсиқлар бўлмаса эди, ҳар ким ўзини бу йўлга урган бўларди. Унда ҳақиқий мўмин билан мунофиқнинг фарқини билиб бўлмасди. Ана шу ва шунга ўхшаш кўпгина ҳикматларга биноан, Ислом йўли синовларга тўлиқ қилиб қўйилган. Аллоҳ Ўзи севган бандаларини шундай қилиб ҳидоятга бошлайди ва синовларга чидаганларга ёрдам беради.

«Ҳидоят ва ёрдамчиликда Роббинг Ўзи кифоя қилур.»

Кейинги оятда кофирларнинг яна бир шубҳаси, яна бир эътирози ҳақида сўз кетади:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ الْقُرْآنُ جُمْلَةً وَاحِدَةً كَذَلِكَ لِنُثَبِّتَ بِهِ فُؤَادَكَ
وَرَتَّلْنَاهُ تَرْتِيلًا ﴿٢٢﴾

32. Куфр келтирганлар: «Унга Қуръон бир йўла нозил қилинса эди», дедилар. Биз сенинг қалбингни у билан собит қилиш учун шундай қилдик ва уни дона-дона қилиб ўқидик.

Маълумки, Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва-салламга Қуръони Каримни бўлиб-бўлиб нозил қилар эди. Бир оят, икки оят ёки шароитга қараб ундан кўпроқ оят ҳам нозил бўлган. Кофирларга бу ҳам ёқмади.

«Куфр келтирганлар: «Унга Қуръон бир йўла нозил қилинса эди», дедилар.»

Бу талаблари уларнинг жоҳиллиги аломатидир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримни бежиз бўлак-бўлак қилиб туширмаган. Бунда кўп илоҳий ҳикматлар бор. Мазкур ҳикматлар ҳақида кўп гапирилган. Ушбу ояти каримада эса, улардан биттаси келтирилмоқда:

«Биз сенинг қалбингни у билан собит қилиш учун шундай қилдик ва уни дона-дона қилиб ўқидик».

Яъни, эй Муҳаммад, Биз сенинг қалбингни Қуръон билан собит қилиш, қувватлаш учун уни бўлак-бўлак ҳолда нозил этдик ва гўзал равишда дона-дона қилиб ўқиб бердик. Қуръон бирданига тушмасдан, бўлак-бўлак бўлиб тушар, ҳар ваҳий келганида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалблари қувватланар, кучларига куч, ғайратларига ғайрат қўшилар эди.

Кофирлар буни қаёқдан билсинлар. Ўзларича гапираверадилар-да.

وَلَا يَأْتُونَكَ بِمَثَلٍ إِلَّا جِئْنَاكَ بِالْحَقِّ وَأَحْسَنَ تَفْسِيرًا ﴿٢٣﴾

33. Улар сенга бирор масал келтирсалар, Биз, албатта, сенга ҳақни ва гўзал шарҳини келтирурмиз.

Яъни, эй Муҳаммад, агар кофирлар сенга бирор масал ёки савол келтирсалар, Биз, албатта, уларнинг саволига ҳақ жавоб берамиз ва унинг гўзал шарҳини ҳам келтирамиз.

Шунинг учун, уларнинг савол беришидан, эътироз қилишидан ҳеч ҳижолат бўлмаслик керак. Улар асосиз равишда ботил – ноҳақ гапларни гапирадилар. Уларнинг бу ботиллари Аллоҳ таоло келтирган ҳақ олдида ҳеч дош бера олмайди. Кофирлар учун бу дунёдаги тортишувларда мағлуб бўлиш мағлубиятнинг бошланиши, холос. Уларнинг асосий мағлубияти охирадда бўлади.

الَّذِينَ يُحْشَرُونَ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ إِلَىٰ جَهَنَّمَ أُولَٰئِكَ شَرٌّ مَّكَانًا وَأَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٣٤﴾

34. Жаҳаннам томон юз тубан ҳолларида судраладиганлар, ана ўшалар, маконлари энг ёмон, йўллари энг адашган кимсалардир.

Бу оятда кофирларга огоҳлантириш, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга эса, тасалли бордир. Яъни, эй кофирлар, огоҳ бўлинглар, иймон йўлига киринглар, бўлмаса, қиёматда жаҳаннам томон юз тубан судраласизлар, дейилмоқда.

Шу билан бирга, эй ҳабибим, сен кофирларнинг қилмишларидан, гап-сўзларидан хафа бўлма, улар ҳозир бундай қилаётганлари билан, қиёматда жаҳаннам томон юз тубан судраладилар, уларнинг жойи энг ёмон жой бўлади, йўллари энг адашган йўл бўлади, деган маъно ҳам бор.

Энди эса, ўтган умматлардан куфр ила кун кечирганларининг, Пайғамбарларни тан олмаганларининг оқибати нима бўлгани баён қилинади:

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَىٰ الْكِتَابَ وَجَعَلْنَا مَعَهُ أَخَاهُ هَارُونَ وَزِيرًا ﴿٣٥﴾

35. Батаҳқиқ, Биз Мусога китобни бердик ва унга акаси Ҳорунни вазир қилдик.

Яъни, Биз Мусо Пайғамбарга Таврот китобини бердик ва акаси Ҳорунни унга ёрдамчи – вазир қилдик.

فَقُلْنَا أَذْهَبًا إِلَى الْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا فَادْمَرْنَاهُمْ تَدْمِيرًا ﴿٣٦﴾

36. Бас: «Иккингиз Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмга боринг», дедик. Сўнг уларни ер билан яксон қилдик.

Яъни, эй Мусо, эй Ҳорун, сиз икковингиз Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарган Фиръавн ва унинг қавмига боринг, уларни Аллоҳнинг йўлига даъват қилинг, дедик. Улар бордилар, даъват қилдилар, аммо қавм иймонга келмади.

«Сўнг уларни ер билан яксон қилдик.»

Ҳозирги кофирлар ана ўшалардан ўрناق олсинлар.

وَقَوْمٌ نُّوحٍ لَّمَّا كَذَّبُوا الرُّسُلَ أَغْرَقْنَاهُمْ وَجَعَلْنَاهُمْ لِلنَّاسِ آيَةً وَأَعْتَدْنَا لِلظَّالِمِينَ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٣٧﴾

37. Ва Нуҳ қавми Пайғамбарларни ёлғонга чиқарганларида фарқ этдик ва уларни одамларга ибрат қилдик. Ҳамда Биз золимларга аламли азоблар тайёрлаб қўйдик.

Ҳозирги кофирлар булардан ҳам ўрناق олсинлар. Уламоларимиз ушбу оятдаги «**Ва Нуҳ қавми Пайғамбарларни ёлғонга чиқарганларида фарқ этдик**» жумласидаги «Пайғамбарларни» сўзига алоҳида эътибор берадилар. Агар қавм битта Пайғамбарни — Нуҳ алайҳиссаломни ёлғонга чиқарсалар ҳам, Аллоҳ таоло уларни жамийки Пайғамбарларни ёлғонга чиқаришда айбламоқда. Чунки, Аллоҳнинг бир Пайғамбарини ёлғонга чиқариш ҳамма Пайғамбарларини ёлғонга чиқаришга тенгдир.

وَعَادًا وَثَمُودًا وَأَصْحَابَ الرَّسِّ وَقُرُونًا بَيْنَ ذَلِكَ كَثِيرًا

38. Од, Самуд ва қудуқ эгаларини ҳамда бу орадаги асрларни эсла.

Ушбу оятда зикр қилинган Од, Самуд қавмлари маълум ва машҳур, уларнинг қиссалари ўтган сура ва оятларда ҳам кўплаб келган.

«**Қудуқ эгалари**» ким эканлиги ҳақида тафсирчи уламоларимиз ижтиҳодлари ила бир неча фикр айтганлар.

Биз «қудуқ» деб таржима қилган сўз ояти каримада «расс» ибораси ила ифодаланган бўлиб, ичи маҳкамланмаган, нураб турган қудуққа айтилади. Ривоятларда келишича, ўша жиноятчи қавм қудуқ атрофида ўтирганларида, у қулаб, ҳаммалари ичига тушиб ҳалок бўлган эканлар. Баъзи тафсирчиларимиз, бу қавм Солиҳ алайҳиссалом қавми, десалар, бошқалари Шуайб алайҳиссалом қавмидир, дейдилар. Ибн Жарир Тобарий эса, улар Уҳдуд эгаларидир, деган эканлар. Улар ҳақида «Буруж» сурасида сўз юритилган.

Шунингдек, турли асрларда яшаган бошқа қавмлар ҳам Пайғамбарларини ёлғонга чиқарганлари учун Аллоҳ томонидан ҳалок этилганлар.

Ҳозирги кофирлар шу воқеаларни эслаб, ўрناق олишлари зарур.

وَكُلًّا ضَرَبْنَاهُ إِلَى الْأَمْثَلِ وَكُلًّا تَبَّرْنَا تَتْبِيرًا

39. Улардан ҳар бирига мисоллар келтирдик. Ва уларни қириб битирдик.

Яъни, ўша ўтмиш асрлардаги барча жиноятчи қавмларнинг ҳар бирига ўрناق бўлсин учун мисоллар келтирдик. Улар ибрат олмадилар, ўзларини ўнгламадилар. Шундан сўнг:

«...уларни қириб битирдик».

Энди ҳозирги кофирларга мисоллар келтирилмоқда, улар ибрат олсинлар, бўлмаса, ўтганларнинг бошига тушган бало-офатлар буларнинг бошига ҳам тушиши мумкин, деб ишора қилинмоқда.

وَلَقَدْ أَنْوَأَعَى الْقَرْيَةَ الَّتِي آمَطَرْتَ مَطَرَ السَّوْءِ أَفَلَمْ يَكُونُوا يَرَوْنَهَا بَلْ كَانُوا لَا يَرْجُونَ نُشُورًا

40. Батаҳқиқ, улар ёмонлик ёмғири ёғдирилган шаҳарга келган эдилар. Уни кўрмаган эдиларми?! Йўқ! Улар қайта тирилишдан умидсиз эдилар.

Ушбу ояти каримадаги «ёмонлик ёмғири ёғдирилган шаҳар»дан мурод Лут алайҳиссалом қавми яшаган шаҳардир. Маълумки, бу шаҳарни Аллоҳ таоло тош ёғдириб ҳалок қилгандир. Оятдаги «Улар»дан мурод эса, Макка кофирлари. Улар Шомга қилган сафарларида Лут алайҳиссалом қавми шаҳри харобалари ёнидан ўтар эдилар. Агар уларда инсоф бўлганида, заррача тафаккур бўлганида, кўрганларидан ибрат олардилар. Лут алайҳиссалом қавмининг хатосини такрорлаб, ўзларига келган Пайғамбарга қарши чиқмасдилар. Шунинг учун ҳам, оятда:

«Батаҳқиқ, улар ёмонлик ёмғири ёғдирилган шаҳарга келган эдилар», деб у шаҳарга борганларини таъкидлаш билан бирга,

«Уни кўрмаган эдиларми?!» деб инкорий савол ҳам берилмоқда. Албатта, улар у шаҳарни ўз кўзлари билан кўрган эдилар. Аммо қалб кўзлари кўрмаган эди. Зоҳирий кўзлари кўргани билан, ибрат олишмаган эди. Ҳозирги кунги саёҳатчиларга ўхшаб, ўтганларнинг асарларини кўриб қўйиб, ҳа, шундай бўлган экан, дея яна эски ҳолатларида давом этган эдилар. Улар нима учун шундай қилдилар? Ёки мазкур харобалардан ибрат олиб бўлмасмиди?

«Йўқ! Улар қайта тирилишдан умидсиз эдилар.»

Ҳамма бало шунда. Қиёматдан ва ундаги қайта тирилишдан умиди йўқ, унга ишонмайдиган одамнинг қалби ишдан чиқади, у ибратли нарсаларни кўрганда ҳам ибрат олмайдиган даражага етиб қолади. Шунинг учун ҳам, яъни, қалблари ишдан чиққан бўлганлари учун ҳам:

وَإِذَا رَأَوْكَ إِذَا هُزُوا هَذَا الَّذِي بَعَثَ اللَّهُ رَسُولًا

41. Улар сени кўрган вақтларида масхарага олурлар: «Аллоҳ Пайғамбар қилиб юборган шуми?!»

إِنْ كَادَ لَيُضِلَّنَا عَنْ آءِ الْهَيْتِنَا لَوْلَا أَنْ صَبَرْنَا عَلَيْهَا وَسَوْفَ يَعْلَمُونَ حَيْثُ
يُرُونَ الْعَذَابَ مَنْ أَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٤٤﴾

42. Агар сабр қилмаганимизда, албатта, у бизни, сал бўлмаса, худоларимиздан оздирарди-я!» деб. Яқинда – азобни кўрган чоғларида – ким йўлдан озганроқ эканини билурлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмлари орасида ҳурмат-эътибор қозонган шахс эдилар. У киши насл-насаб жиҳатидан ҳам, ақл-заковат жиҳатидан ҳам, одоб-ахлоқ жиҳатидан ҳам, инсоний муомала жиҳатидан ҳам катта обрў-эътиборга эга эдилар. Ул зотни халқ «Амин» – ишончли киши, деб атарди. Қаъбани қайта қуришдаги улуғ ишнинг энг муҳим босқичи — Ҳажарул Асвадни ўрнига қўйишни ҳам у кишига ишониб топширишган эди. Одамларда у кишига нисбатан ҳеч қандай норозилик ёки паст назар билан қараш йўқ эди. Бу ҳолат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлгунларигача давом этди. Пайғамбар бўлганларидан кейин одамлар бирданига ўзгариб қолдилар. У кишини гоҳ жинни десалар, гоҳ «сеҳрланган» дедилар. Яна шунга ўхшаш таҳқирловчи сифатлар билан васф қилдилар. Ушбу ояти каримада ҳам уларнинг ана шундай муомалаларидан бири келтирилмоқда:

«Улар сени кўрган вақтларида масхарага олурлар: «Аллоҳ Пайғамбар қилиб юборган шуми?! Агар сабр қилмаганимизда, албатта, у бизни, сал бўлмаса, худоларимиздан оздирарди-я!» деб».

Яъни, кофирлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳар кўрганларида масхара қиладилар. Масхара қилганларида ҳам, энг қабиҳ услубда, сурбетларча масхара қиладилар.

«Аллоҳ Пайғамбар қилиб юборган шуми?!»

Бу гап, албатта, ҳаммининг кўнгилдан ёки оғзидан бир хилда чиққан бўлиши шарт эмас. Аввало, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирганлар оз бўлса-да бор эди. Қолаверса, кўпчилик «Амин» деб ном олган қавмдошлари ҳақидаги бўҳтонларга мутлақо ишонмасди. Аммо ўша вақтдаги жоҳилий жамиятнинг сиёсати шу бўлган. Ўша ернинг сиёсатини юритувчилари ишлаб чиққан сиёсий мафкура мана шундан иборат эди. Жамият бошида турганлар бу гапларни оғизларини тўлдириб сайрар эдилар. Уларнинг гумашталари бирга ўрни қўшиб сайрашдан толмас эдилар. Қолганлар эса, ўзлари ишонмасалар ҳам, улардан кўрққанларидан қўшилишар эди. Аммо, кечагина мақтаб юрган одамни нимага бугун масхара қилиб қолдингиз, деб биров айтолмасди. Шу билан

бирга, улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган нарса уларга қаттиқ таъсир қилганини ҳам тан олар эдилар.

«Агар сабр қилмаганимизда, албатта, у бизни, сал бўлмаса, худоларимиздан оздирарди-я!»

Демак, уларнинг эътиқодларига футур етган. Лекин бошлиқлари ишлаб чиққан, оқни қора, қорани оқ дейдиган сиёсат уларни иймон келтириш ўрнига, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни масхара қилишга олиб келган. Агар улар оқни қора, қорани оқ демаганларида, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам даъват қилган ҳидоят йўлини, худоларимиздан оздириш, дермидилар?! Ҳа, улар ўзларича ҳидоятни «йўлдан оздириш», деб баҳоломоқдалар. Аммо:

«Яқинда–азобни кўрган чоғларида–ким йўлдан озганроқ эканини билурлар».

Лекин у вақтда фурсат ўтган бўлади. Билишлари фойда бермайди. Мушрикларнинг кирдикорлари ҳикоя қилиб бўлингандан кейин, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли бериш бошланади:

أَرَأَيْتَ مَنِ اتَّخَذَ إِلَهَهُ هَوْنَهُ أَفَأَنْتَ تَكُونُ عَلَيْهِ وَكِيلًا ﴿٤٣﴾

43. Ҳавойи нафсини ўзига худо қилиб олганини кўрдингми?! Энди сен унга вакил бўласанми?!

Ана энди мушрику кофирларнинг дину диёнатга, Пайғамбарга ва Қуръонга нисбатан тескари муносабатда бўлаётганларининг, оқни қора, қорани оқ дейдиган терс сиёсат юргазаётганларининг сабаби аён бўлди. Улар илму маърифат, ақлу мантиқ, тафаккуру тадаббур юзасидан эмас, ҳавойи нафсга берилиш юзасидан ҳукм чиқараётган эканлар. Улар ақлларига эмас, шаҳватларига эргашаётган эканлар. Улар ҳавойи нафсларига банда бўлиб, ўша ҳавойи нафсининг айтганини қилаётган эканлар. Ҳавойи нафсини ўзига худо қилиб олган пасткашдан бундан бошқа нимани ҳам кутиб бўлар эди?

«Энди сен унга вакил бўласанми?!»

Йўқ, албатта. Пайғамбарнинг вазифаси ҳавойи нафсини ўзига худо қилиб олганларга вакил бўлиш эмас, балки Аллоҳдан келган амрларни кишиларга етказишдир.

أَمْ تَحْسَبُ أَنَّ أَكْثَرَهُمْ يَسْمَعُونَ أَوْ يَعْقِلُونَ إِنْ هُمْ إِلَّا كَالْأَنْعَامِ بَلْ هُمْ أَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٤٤﴾

44. Ёки сен уларнинг кўплари тинглай олурлар ё англай олурлар, деб ҳисоблайсанми? Аслида, уларнинг ҳайвонлардан фарқи йўқ. Балки яна ҳам йўлдан озганроқдирлар.

Ушбу ояти каримада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли ва ҳавойи нафсларини худо қилиб олган кофирларни ерга уриш бор.

Эй Пайғамбар, сен кофирларнинг сени масхара қилаётганларидан, иймонга келмаётганларидан хафа бўлма,

«Ёки сен уларнинг кўплари тинглай олурлар ё англай олурлар, деб ҳисоблайсанми?»

Ҳа, уларнинг кўплари ҳақ сўзларни ибрат, ваъз-насиҳат оладиган даражада тинглай олмайдилар. Иймонга бўлган даъватни англай олмайдилар. Чунки:

«Аслида, уларнинг ҳайвонлардан фарқи йўқ».

Ҳайвонлар ҳам сўзларни эшитадилар-у, ибрат олмайдилар ва англай олмайдилар. Ҳавойи нафсини худо қилиб олган кофирлар ҳам шунга ўхшайди. Шунингдек улар:

«Балки яна ҳам йўлдан озганроқдирлар».

Чунки, уй ҳайвонлари ўзларига қараган кишига боғланиб вафодорлик қилади. Ўзларига ёмонлик этганлар билан яхшилик қилганларни ажратади. Ўзларига фойдали нарсаларни кутиб, зарарли нарсалардан қочади. Еган-ичган нарсасининг фарқига боради. Ўзлари ўрганган йўлдан адашмайди. Ўзларига юклатилган вазифани тўлиқ бажаради. Аммо кофирлар-чи? Кофирлар ўз Роббиларини тан олмайдилар. Аллоҳ уларга берган неъматларга ношукрлик қиладилар. Ўзларига фойдали нарсани қўйиб, зарарли нарсага уринадилар. Ер юзидаги ҳамма нарсаларга ёмонлик қиладилар. Демак, улар ҳайвондан ҳам баттардирлар.

Эндиги келадиган оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эътиборларини борлиқдаги ажойиботларга тортади. Бу эса, ўз навбатида, Аллоҳ таолонинг қудратига қойил қолишни кучайтириб, бу дунё сиқилишларини унуттиради:

أَلَمْ تَرَ إِلَىٰ رَبِّكَ كَيْفَ مَدَّ الظِّلَّ وَلَوْ شَاءَ لَجَعَلَهُ سَاكِنَاتٍ مَّا جَعَلْنَا الشَّمْسُ عَلَيْهِ دَلِيلًا

45. Роббингнинг сояни қандай ёйиб қўйганини кўрмадингми? Агар хоҳласа, уни жилмас қиларди. Сўнгра қуёшни Биз унга далил қилдик.

Сояни доимо кўриб юрамиз, аммо унга унчалик эътибор бермаймиз. Эътибор берсак, бу нарса Аллоҳнинг қудратига далил эканини тушунамиз. Соя қандай пайдо бўлади? Қандай қилиб ёйилади? Қандай қилиб қисқаради? Нима учун ёйилиб-қисқариб туради, яъни ҳаракатланади? Бу нарсаларга эътибор бериш керак бўлганидан Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

«Роббингнинг сояни қандай ёйиб қўйганини кўрмадингми?» демоқда.

Ҳа, Аллоҳ таоло қуёш мажмуасидаги сайёраларни ҳозирги ҳолида яратмаганида, ораларидаги масофаларни ҳозиргидек мосламаганида, ерни ўз ўқи атрофида айланадиган қилмаганида, ҳеч бир нарсанинг сояси ёйилмас эди. Эҳтимол, соя деган нарсга умуман бўлмас эди.

«Агар хоҳласа, уни жилмас қиларди.»

Ҳа, агар Аллоҳ хоҳласа, сояни жилмас қилиб, бир хилда, яъни, узаймай ҳам, қисқармай ҳам турадиган қилиб қўяр эди. Мисол учун, ерни айланмайдиган қилиб қўйса, соя жилмай тураверар эди.

Демак, биз эътибор бермайдиган, биз учун эътиборсиз даражада оддий туюлган ҳолат – соянинг ёйилиши ҳодисаси ортида ҳам Аллоҳнинг улкан қудрати турибди.

Бу ҳақиқатни оятнинг давомидаги:

«Сўнгра қуёшни Биз унга далил қилдик» жумласидан ҳам тушуниб оламиз.

Дарҳақиқат, қуёш бўлмаса, соя қаердан бўлади? Қуёш эса, ўзидан-ўзи пайдо бўлган нарсга эмас.

ثُمَّ قَبَضْنَاهُ إِلَيْنَا قَبْضًا يَسِيرًا ﴿٤٦﴾

46. Сўнгра Биз уни Ўзимизга аста-секин тортиб олдик.

Яъни, сояни ёйиб қўйганимиздан кейин, биз уни аста-секин қисқартирдик. Бу ҳам Аллоҳнинг қудратига далил. Бўлмаса, бу ишни ким қила оларди!

وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ اللَّيْلَ لِبَاسًا وَالنَّوْمَ سُبَاتًا وَجَعَلَ النَّهَارَ نُشُورًا ﴿٤٧﴾

47. У сиз учун кечани либос, уйқуни истироҳат қилган ва кундузни тирилиш (замони) қилган Зотдир.

Яъни, Аллоҳ таоло сиз учун кечани либос қилган зотдир. Либос танани тўсганидек, кеча ҳам ўзи етган жойдаги ҳамма нарсаларни зулумоти ила тўсиб, кўринмайдиган қилиб қўяди.

«...уйқуни истироҳат қилган...»

Ҳар бир жонзот, шу жумладан, инсон учун ҳам уйқу энг муҳим роҳатдир. Уйқу бўлмаса, роҳат бўлмайди. Олимларнинг таъкидлашлари, инсон овқатсиз оч юришга узоқ муддат, тажрибага кўра, 40-50 кун чидар экан. Аммо уйқусизликка чидай олмас экан. Шунинг учун ҳам, кечаси, шунингдек, инсон умрининг учдан биридан кўпроғи уйқу

билан ўтадиган қилинган. Хўш, кечани либос, уйқуни роҳат қилган ким? Аллоҳ! Бу нарса Аллоҳнинг чексиз қудратига далил эмасми?

«Ва кундузни тирилиш (замони) қилган Зотдир.»

Кечаси ухлаб роҳат олганлар кундузи тирилиб ризқини топиб ейди, керакли ишларини қилади. Буни ҳам Аллоҳ таоло Ўз қудрати ила қилган. Бошқа ҳеч ким қила олмайди.

وَهُوَ الَّذِي أَرْسَلَ الرِّيحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً طَهُورًا ﴿٤٨﴾

48. У Ўз раҳмати олдидан шамолларни хушхабар қилиб юборган Зотдир. Ва осмондан пок сув туширдик.

لِنُحْيِيَ بِهِ بَلَدَةً مَيِّتًا وَنُسْقِيَهُ مِمَّا خَلَقْنَا أَنْعَامًا وَأَنَاسِيَّ كَثِيرًا ﴿٤٩﴾

49. У ила ўлик юртни тирилтиришимиз ва ўзимиз яратган кўплаб чорва ҳайвонлари ҳамда инсонларни суғоришимиз учун.

Оқар суви йўқ саҳровий юртларнинг одамлари ушбу ояти кариманинг маъносини ҳаммадан кўра яхши тушунсалар керак. Бир томчи ҳам оқар сув йўқ. Қуёш оламни оловдай қизитади. Ҳаммаёқ қақраган. Ҳамма чанқаган. Ана шу пайтда шамол эсиб қолса, ҳамма хушнуд бўлади. Чунки, бу шамол ёмғирнинг даракчиси. Ёмғирнинг эмас, Аллоҳ раҳматининг хушхабарчиси. Бир томчи сувга зор бўлиб турган бу диёр учун, дарҳақиқат, Аллоҳ юборган шамол Унинг раҳматининг хушхабари бўлади. Аллоҳ ёғдирадиган ёмғир ўша диёр аҳли учун Унинг раҳматидир.

Ёмғир ёғиши билан ўша юрт тирилади. Аввало, қақраб ётган ер ўлиқдан тирикка айланади. Сўнгра, қуриб бораётган дарахтлар ва ўсимликларга жон киради. Дунё бутунлай бошқача кўриниб қолади. Айниқса, ҳайвонлар ўзларига келиб, ташналиклари қониб, ҳаракатга тушиб қоладилар. Албатта, ҳаммадан кўра инсон яйрайди, Аллоҳнинг раҳматидан ғоятда шод бўлади. Чунки, ёмғир ёғиши унинг ризқи мўл бўлишига, айти пайтда танасининг бу дунёда бир оз бўлса-да роҳат олишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, у, Аллоҳ осмондан туширган пок сувдан ғоят шодланади. Айниқса, Макка аҳолиси бундай нарсдан жуда ҳам шод бўлар эдилар.

Аммо, Аллоҳ ўша пок сув туширган осмондан пок сўз туширганида хурсанд бўлмадилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло келаси оятда шундай дейди:

وَلَقَدْ صَرَّفْنَا فِيهِم مِّنْ بَيْنِهِمْ لِيَاذُكُمْ وَيُنَازِقَكُمْ أَعْمَارًا ﴿٥٠﴾

50. Батаҳқиқ, Биз у(Қуръон)ни эслатма олишлари учун ораларида турлича тасарруф қилиб кўрдик. Одамларнинг кўплари куфрдан бошқа нарсадан бош тортдилар.

Аввало, шуни айтиб ўтиш лозимки, тафсирчи уламоларимиз ушбу оятдаги:

«Биз у(Қуръон)ни эслатма олишлари учун ораларида турлича тасарруф қилиб кўрдик» жумласидаги «уни» лафзи нимани билдириши ҳақида ҳар хил фикр айтганлар. Баъзилар, «уни» ёмғир ёки шамолни билдиради, дейдилар. Бошқалар эса, «уни» деганда Қуръон назарда тутилган, дейдилар. Биз ҳам ушбу иккинчи гуруҳга қўшилдик. Чунки, сўзнинг кетиш сиёқи шуни тақозо қилади. Кейинги оятда ҳар бир шаҳарга огоҳлантирувчи юборилганлиги айтилса, ундан кейингисидан «у» билан жиҳод қилиш ҳақида амр келади. Бунинг ўзи ҳам «уни»дан мурод Қуръон эканини кўрсатади.

Айни чоқда, бу ўринда ажойиб ўхшатма ҳам бор. Аллоҳ осмондан пок сув туширади. Аллоҳ осмондан пок сўз (Қуръон) туширади. Аллоҳ осмондан туширган пок суви ила ўлик диёрларни тирилтиради, чанқоқ ҳайвон ва одамларни суғоради. Аллоҳ осмондан туширган пок сўзи билан маънавий ўлик халқларни тирилтиради, руҳий чанқоқларни, ташналарни руҳий-маънавий таълимотлар ила суғоради.

Нима учун одамлар беш кунлик ҳаётларининг бир қисмига тегишли сувдан хурсанд бўладилар-у, икки дунёларининг саодатини таъминловчи илоҳий калом — Қуръон тушишидан хурсанд бўлмайдилар?! Токи уларни қониктириш учун Аллоҳ уни турлича тасарруф қилиши керак.

«Батаҳқиқ, Биз у(Қуръон)ни эслатма олишлари учун ораларида турлича тасарруф қилиб кўрдик.»

Яъни, Қуръонни уларга турли услублар ила тақдим қилдик. Лекин улар бундан ўзларига эслатма олмадилар.

«Одамларнинг кўплари куфрдан бошқа нарсадан бош тортдилар.»

Фақат куфрни ихтиёр қилдилар. Бошқа нарсага кўнмадилар. Шундай бўлганидан ҳам Пайғамбарнинг вазифаси янада қийинлашади, масъулияти яна ҳам ортади.

وَلَوْ شِئْنَا لَبَعَثْنَا فِي كُلِّ قَرْيَةٍ نَذِيرًا ﴿٥٠﴾

51. Агар хоҳласак, ҳар шаҳарга битта огоҳлантирувчи юборар эдик.

Шунда иш осонлашар, огоҳлантирувчи кўпайиб, ишни ўзаро бўлиб олиб ва биргалашиб ҳаракат қилишар эди. Лекин Аллоҳ таоло

буни хоҳламади, охирги Пайғамбарлик бир шахсга — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хос бўлишини, бу даъват тарқоқ бўлмаслигини хоҳлади. Ҳамда у зотга қуйидаги хитобни қилди:

فَلَا تَطْعَمُ الْكَافِرِينَ وَجَاهِدْهُمْ بِهِ جِهَادًا كَبِيرًا

52. Кофирларга итоат этма! Уларга қарши у(Қуръон) билан катта жиҳод қил!

Эй Пайғамбар, нима десалар ҳам, нима қилсалар ҳам, кофирларнинг гапига кирма, уларга итоат этма. Уларга қарши Қуръон билан катта жиҳод қил. Ғалаба қиласан.

Дарҳақиқат, Қуръони Карим куфрга ва кофирларга қарши курашнинг асосий қуролидир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари вақтида иймонга келганлар, асосан, Қуръондан таъсирланиб иймон келтирганлар. Ҳатто иймонга келмаганлари ҳам Қуръон жиҳодидан қаттиқ таъсирланар эдилар. Қурайш бошлиқлари кечаси бир-бирларидан беркиниб бориб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тиловатларига қулоқ осганлари, ундан қаттиқ таъсирланганлари, бир-бирларини билиб қолиб, бировга айтмасликка, қайтиб Қуръон эшитмасликка ваъдалашганлари, шундай бўлса ҳам, кейинги кечаси қайтиб бориб, яна Қуръон тинглаганлари ҳақидаги ривоятлар маълум ва машҳур.

Кейинги даврларда ҳам Ислом динини қабул қилганлардан «Нима учун бу динни қабул қилдингиз?» деб сўралганда, кўплари, «Қуръондан таъсирландим», деб жавоб берганлар.

Тараққий этган давлатларда турли кишиларда пайдо бўладиган руҳий таъсирланишни ўлчаш бўйича ўтказилган тажрибаларда Қуръони Каримни эшитганда, ҳатто иймонсиз, араб тилини билмайдиган кишилар ҳам қаттиқ таъсирланишини замонавий асбоблар қайд этди.

Қуръонни эшитиш, ўқиш, маъносини англаш имкони бўла туриб, унга иймон келтирмаслик учун, унга амал қилмаслик учун қандайдир бошқа махлуқ бўлиш керак, холос.

Яна борлиқдаги ажойиботларга, бу сафар денгизларга ва улардаги нарсаларга, Аллоҳнинг чексиз қудратига далолат қилувчи аломатларга қайтилади:

﴿وَهُوَ الَّذِي مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ هَذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ وَهَذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ وَجَعَلَ بَيْنَهُمَا بَرْزَخًا وَحِجْرًا

مَّحْجُورًا ﴿٥٢﴾

53. У икки денгизни–буниси чучук-ширин, униси шўр-аччиқ қилиб оқизиб қўйган ва ораларига кўринмас тўсиқ ҳамда очилмас сарҳад қилган Зотдир.

Ушбу ояти каримада кўпларимиз эътибор бермайдиган бир илмий ҳақиқат ҳақида сўз кетмоқда. У ҳам бўлса, чучук сувлар билан шўр сувларнинг арлашмаслиги. Аллоҳ таоло ер куррасида сувни кўпайтириб қўйган. Улар ичида эса, шўр сувни кўпайтириб қўйган. Барча уммонлар ва денгизлар шўрдир. Дарёларни чучук қилиб қўйган. Дарёлар оқиб бориб сувини денгизларга, уммонларга қуяди. Аммо бу билан денгиз суви чучук бўлиб қолмайди, дарё суви шўр бўлиб қолмайди. Зотан, дарёларнинг суви ҳам денгиз ва уммонлардан бугланиб кўтарилган сувдан иборат. Ушбу ҳолат Аллоҳнинг қудрати чексизлигининг далолати эмасми?

Кўпгина илмий нашрларнинг ёзишларича, дарё ва денгизларнинг қўшилиш жойларида илмий текшириш ўтказган ажнабий олимлар, хусусан, Жак Ив Кусто ушбу ҳақиқатнинг бундан 1400 йил аввал Қуръонда зикр этилганини билганларидан сўнг қойил қолишган. Улар ушбу ҳодисадан Қуръони Каримнинг ҳақиқий илоҳий китоб эканлигини англаб етганлар ва иймон келтириб, мусулмон бўлганлар.

Юқорида эслатилган денгиз, дарё, ёмғир сувларида турли ажойиботлар бўлса, энди зикр қилинадиган одамнинг нутфасидаги сувда ундан ҳам катта ажойиботлар бор:

وَهُوَ الَّذِي خَلَقَ مِنَ الْمَاءِ بَشَرًا فَجَعَلَهُ نَسَبًا وَصِهْرًا وَكَانَ رَبُّكَ قَدِيرًا

54. У, сувдан башар яратган ва уни насл-насаб, қуда-анда қилиб қўйган Зотдир. Роббинг қодир бўлган Зотдир.

Араб тилига хос бўлган хусусиятлар боис, тафсирчи уламоларимиз ояти каримадаги «насл-насаб»га «ўғил», «қуда-анда»га «қиз» деб маъно берганлар. Чунки, бир уруғ ёки оиланинг насаби сақланишига ўғил бола сабаб бўлса, бошқалар билан қуда бўлишига қиз бола сабаб бўлар экан. Шунда:

«У, сувдан башар яратган ва уни насл-насаб, қуда-анда қилиб қўйган Зотдир» жумласининг маъноси, Аллоҳ нутфадан одам яратган ва ўша одамни эркак ва аёл қилиб қўйган зотдир, дегани бўлади.

Аслида, аёл кишига ўтган эркак сувидаги ўн минглаб уруғликдан биттасигина бачадондаги тухумга илашиб, ундан бола пайдо бўлади. Ана ўша кўзга кўринмас кичик нарса Аллоҳнинг иродаси ила мурраккаб инсонга айланганида ўғил ёки қизга ажралади. Миллиардлаб эркак-аёлнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, бир-бирига

ўшамас томонлари бор. Кўзга кўринмас ўша уруғликка шу хусу-сиятларни жойлаган Аллоҳнинг қудратига қойил қолмай бўлади-ми?! Бунга Аллоҳдан ўзга ким қодир бўлади? Ҳеч ким.

«Роббинг қодир бўлган Зотдир.»

Эй Пайғамбар, сенинг Роббинг ҳар бир нарсани, шу жумладан, арзимаган сувдан мураккаб инсонни ҳам яратишга қодир Зотдир.

Лекин ўша арзимаган сувдан Аллоҳ қудрати ила яралган инсонларнинг кўплари ўзларининг холиқларини танимайдилар.

وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُهُمْ وَلَا يَضُرُّهُمْ وَكَانَ الْكَافِرُ عَلَىٰ رَبِّهِ ظَهِيرًا ﴿٥٥﴾

55. Улар Аллоҳдан ўзга, уларга наф ҳам, зарар ҳам етказмайдиган, нарсаларга ибодат қиладилар. Ва кофир Роббига қарши ёрдамчи бўлгандир.

Кофирлар Аллоҳни қўйиб турли нарсаларга топинадилар, уларнинг йўлларида юрадилар. Ҳолбуки, ибодат қилаётган ўша нарсалари уларга фойда ҳам, зарар ҳам бера олмайди.

«Ва кофир Роббига қарши ёрдамчи бўлгандир.»

Ҳар бир кофир Аллоҳга қарши нима иш бўлса, ўшанда қатнашиши билан Роббига қарши ёрдамчи бўлади.

Аллоҳнинг Пайғамбарига қарши чиқиш Аллоҳга қарши чиқишдир. Аллоҳнинг Қуръонига қарши чиқиш Аллоҳга қарши чиқишдир. Аллоҳнинг динига қарши чиқиш Аллоҳга қарши чиқишдир.

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا مُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿٥٦﴾

56. Биз сени фақат хушxabарчи ва огоҳлантиргувчи этиб юборганмиз, холос.

Яъни, эй Пайғамбар, сенинг вазифанг иймон келтирганларга хушxabарни, кофир, мушрик ва мунофиқларга огоҳлантиришни етказиш, холос.

قُلْ مَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِلَّا مِن شَاءِ أَن يَتَّخِذَ إِلَىٰ رَبِّهِ سَبِيلًا ﴿٥٧﴾

57. Сен: «Мен сизлардан бунинг учун ажр сўрамайман, фақат, ким хоҳласа, Робби томон йўл олишини (сўрайман)», деб айт.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва у зотга эргашган Ислом даъватчиларининг ушбу илоҳий динга кишиларни чақириш-

дан кўзлаган бирон-бир шахсий манфаатлари йўқ. Улар қилган даъватларига ажр-ҳақ сўрамайдилар. Исломда эътиқод — динга кириш ёки унинг аъзолари сафида бўлиш учун тўланадиган бадал ёки солиғу мажбуриятлар йўқ.

«...фақат, ким хоҳласа, Робби томон йўл олишини (сўрайман)», деб айт.»

Фақат шу керак, холос. Хоҳлаган киши Аллоҳга томон йўл олсин. Унга иймон келтирсин, ибодат қилсин.

Бошқалар эса, унинг йўлини тўсмасин.

وَتَوَكَّلْ عَلَى الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ وَسَبِّحْ بِحَمْدِهِ وَكَفَى بِهِ بِذُنُوبِ عِبَادِهِ خَبِيرًا

58. Ва барҳаёт, ўлмайдиган Зотга таваккал қил ҳамда Уни ҳамду сано ила поклаб ёд эт. Бандаларининг гуноҳларидан ўта хабардор бўлишда Унинг Ўзи кифоядир.

Доимо барҳаёт ва ҳеч ўлмайдиган зот ягона Аллоҳнинг Ўзидир. Банда фақат ўша Зотга таваккал қилиши, суяниши лозим. Ана ўша энг ишончли суянишдир. Чунки, Аллоҳдан ўзга ҳар бир нарса ўлади, йўқ бўлади. Аллоҳдан ўзгага суянган эса, бақосиз нарсага суянган бўлади. Бу билан иш битмайди. Шунингдек, берган неъматлари учун ҳамду сано айтишга лойиқ зот ҳам Аллоҳ таолонинг ягона Ўзидир. Чунки, ундан бошқа неъмат берувчи йўқдир. Унга ношукр бўлиб, бошқаларга ҳамд айтганлар катта хато қиладилар. Шунинг учун ҳам, мўмин банда Аллоҳ таолони доимо барча нуқсонлардан поклаб ёд этмоғи лозим. Бу ишни қилмайдиган кофирлар катта хато этадилар. Уларнинг амали ўзлари учундир. Охир-оқибатда гуноҳлари учун Аллоҳнинг ҳузурида жавоб беришлари турган гап. Чунки:

«Бандаларининг гуноҳларидан ўта хабардор бўлишда Унинг Ўзи кифоядир.»

Кейинги оятда банда суяниши лозим бўлган Аллоҳнинг сифатларини келтириш давом этади:

الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ الرَّحْمَنُ
فَسَأَلْ بِهِ خَبِيرًا

59. У осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни олти кунда яратган, сўнгра аршни эгаллаган зотдир. У Роҳмандир. Бас, ўша ўта Хабардордан сўра.

Осмонлару ернинг олти кунда яратилиши ва Аллоҳ таолонинг арш-ни эгаллаши ҳақидаги оятлар авваллари ҳам келган, жумладан, «Аъроф» сурасининг етмиш тўртинчи оятида ва унинг тафсирида ўтган.

Ушбу маънолар эътиқод бобида ўта нозик ва ҳассос эканлиги эътиборидан уламоларимиз жуда ҳам эҳтиёткорлик билан баён қилишга ҳаракат қиладилар.

«Олти кун» масаласига келганда, баъзи уламолар: бу дунёнинг кунларига ўхшаш кунлар, Аллоҳ «бўл» деса бўлиб қолар эди-ю, лекин бандаларга шошилмай пухта иш қилишни ўргатиш мақсадида шундай қилди, дейдилар.

Бошқалари эса: «олти кун» қандай кунлар эканини Аллоҳнинг Ўзи билади. Бизнинг кунларимиз осмонлару ер яратиб бўлингандан кейин, қуёш мажмуасидаги сайёралар низоми яратилгандан кейин вужудга келган тушунчалар, дейдилар.

«Сўнгра» калимаси одатда «кейин» маъносидаги тартибни ифода қилади, бу оятдаги «сўнгра» эса, мартабани билдиради.

Ушбу маъноларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг буюклигини, қудратининг чексизлигини, ҳар бир нарса устидан ҳоким эканлигини билдиради. Шу билан бирга:

«У Роҳмандир».

Улкан ва доимий раҳмат эгасидир. Агар бирор нарсани сўрамоқчи бўлсанг,

«Бас, ўша ўта Хабардордан сўра».

Аммо, минг афсуски, шундай бўлишига қарамасдан, кўпчилик одамлар Роҳманга ибодатда бўлиш чақириғига бепарволик билан қарайдилар.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ اسْجُدُوا لِلرَّحْمَنِ قَالُوا وَمَا الرَّحْمَنُ أَنَسْجُدُ لِمَا تَأْمُرُنَا وَزَادَهُمْ نُفُورًا ﴿١٦﴾

60. Қачонки уларга: «Роҳманга сажда қилинглар!» дейилса, улар: «Роҳман нима? Сен буюрган нарсага сажда қилаверамизми?» дерлар. Бу уларнинг узоқлашишини зиёда қилур.

Кофирларнинг ўзларини бундай тутишлари ниҳоятда ҳаддан ошишганини кўрсатмоқда. Уларни раҳим ва шафқат эгаси бўлмиш, мўмингаю кофирга ҳаёт, ризқу рўз, турли неъматлар берувчи Роҳман сифатли Аллоҳга сажда қилишга чақирилса, бурунларини осмон баробар кўтариб гердаймоқдалар. Ҳатто:

«Роҳман ким?» дейишни ҳам ўзларига эп кўрмай,

«Роҳман нима?» демоқдалар. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Сен буюрган нарсага сажда қилаверамизми?» дерлар».

Бу ҳам ҳаддан ошишнинг тасдиғи. Лекин улар бу ишлари билан ўзларига ёмон қиладилар, холос.

«Бу уларнинг узоқлашишини зиёда қилур.»

Бу гап-сўз, ишлар уларни иймондан, диндан янада узоқлаштиради. Ушбу оят Қуръони Каримдаги сажда оятларидан биридир.

Келаси оятда кофирларнинг беодобликларига раддия сифатида Аллоҳ таолони улуғлаб ёд этилади:

نَبَارَكَ الَّذِي جَعَلَ فِي السَّمَاءِ بُرُوجًا وَجَعَلَ فِيهَا سِرَاجًا وَقَمَرًا مُنِيرًا ﴿٦١﴾

61. Осмонда буржлар қилган ва унда чироқ ва нур сочгувчи ой қилган Зот баракотли(буюк) бўлди.

Осмондаги юдузларнинг буржларини Аллоҳ яратмаса, ким ярата олар эди? Осмондаги чироқ – қуёшни Аллоҳ қилмаса, ким қила олар эди? Осмондаги нур сочиб турувчи ойни Аллоҳ яратмаса, ким ярата олар эди? Ана ўша нарсаларни яратган Зот баракотли ва буюк бўлмаса, ким баракотли ва буюк бўла оларди?

وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ خِلْفَةً لِّمَنۢ أَرَادَ أَن يَذَّكَّرَ أَوْ أَرَادَ شُكُورًا ﴿٦٢﴾

62. У ибрат олмоқни ирода қилган ва шукр қилмоқни ирода қилган киши учун кеча-кундузни бирин-кетин қилган Зотдир.

Аллоҳ таоло кеча билан кундузни бири кетиб-бири келадиган қилиб қўймаса, ким буни қила олар эди? Ким ибрат олмоқчи бўлса, шундан ибрат олсин. Ким Аллоҳ берган неъматга шукр қилмоқчи бўлса, шунга шукр қилсин.

Бундан Роҳманнинг бандалари ибрат олади, бунга Роҳманнинг бандалари шукр қилади. Роҳманнинг бандаларининг сифатлари эса қуйидагича:

وَعِبَادُ الرَّحْمَنِ الَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى الْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ الْجَاهِلُونَ قَالُوا سَلَامًا ﴿٦٣﴾

63. Роҳманнинг бандалари ер юзида тавозуъ ила юрадиган ва жоҳиллар хитоб қилганида, «салом», дейдиганлардир.

Роҳман васфли Аллоҳ таолонинг суюкли бандаси бўлиш учун инсон бир неча сифатларга эга бўлиши лозим экан. Ўша сифатлар ушбу ояти каримадан бошлаб суранинг охиригача санаб ўтилади.

Биринчи сифат:

«ер юзида тавозуъ ила юрадиган...»

Роҳманнинг суюкли бандаси бўлиш шарафига эришган инсон ер юзида камтарлик, соддалик ва мулоимлик билан юради. Унда такаб-бурлик, манманлик, ваҳшату даҳшат, турли сохта кўринишлардан асар ҳам бўлмайди. Шу билан бирга, бўшанглик, иродасизлик, беҳуда қисилиб-қимтиниш, ўзини пастга уришлик ҳам бўлмайди.

Роҳманнинг энг суюкли бандаси, Ҳабибур-Роҳман Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юришлари бунинг татбиғидир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан гўзалроқ ҳеч нарсани кўрмадик. Гўё қуёш у зотнинг юзларида юргандек эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тезроқ юрадиган бирор одамни ҳам кўрмадик. Худди ер у киши томон ўралиб келаётганга ўхшарди. Биз чарчаб қолардик, у киши бўлса, чарчамасдилар».

Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳудан ривоят қилинган ҳадисда эса: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам худди тепалиқдан тушиб келаётган одамдек ғоз юрар эдилар», дейилган.

Оятнинг давомида Роҳманнинг суюкли бандаларининг ер юзида юриб кетаётганларидаги баъзи муаммолари ҳам зикр этилган.

«...жоҳиллар хитоб қилганида, «салом», дейдиганлардир.»

Жоҳиллар доимо Роҳманнинг суюкли бандаларига гап отиб, турли машмашалар чиқаришга ҳаракат қиладилар. Аммо Роҳманнинг суюкли бандаларининг улар билан ади-бади айтиб ўтиришга вақтлари йўқ. Бефойда гап-сўзни ўзларига ортиқча биладилар. Шунинг учун, жоҳиллардан қўрқадиган жойлари бўлмаса ҳам, уларнинг хитобига «салом» (омон бўл) деб жавоб айтадилар. Ёки ўзларига саломатлик келтирадиган бирор гап-сўз айтиб қўйиб, парво ҳам қилмай кетаверадилар.

Иккинчи сифат: кечаларни ибодат билан ўтказиш.

وَالَّذِينَ يَبِيتُونَ لِرَبِّهِمْ سُجَّدًا وَقِيَامًا ﴿٦٤﴾

64. Улар тунларни Роббиларига сажда қилиб, бедор ўтказадилар.

Арабларда кечани бедор бўлиб, ибодат билан ўтказишга «қиёмул-лайл» – кечани тик турган ҳолда ўтказиш, дейилади. Кечаси туриб намоз ўқиш, Аллоҳга сажда қилиш улуғ ибодатдир. Ҳар бир инсон учун ўта зарур амалдир. Айниқса, кечанинг учдан бири қолганида бедор бўлиб, нафл намоз ўқиш улкан савоб ва чексиз хайр-баракага сабаб бўладиган ишдир. Ҳар бир мўмин банданинг кечаси таҳажжуд намоз ўқишга одатланиши зарурлиги Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида қайта-қайта таъкидланган. Кечаси кам деганда саккиз рақъат нафл намоз ўқиш яхши ишлигини уламоларимиз қаттиқ таъкидлаганлар.

Учинчи сифат: Доимо жаҳаннам азобидан қўрқиб, тақво ила юриш.

وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا اصْرِفْ عَنَّا عَذَابَ جَهَنَّمَ إِنَّ عَذَابَهَا كَانَ غَرَامًا ﴿٦٥﴾

65. Улар: «Эй Роббимиз, Ўзинг биздан жаҳаннам азобини бургин, албатта, жаҳаннам азоби доимийдир.

إِنَّهَا سَاءَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا ﴿٦٦﴾

66. Албатта, у энг ёмон қароргоҳ ва турар жойдир», дейдиганлардир.

Мўминлар иймонларига, амалларига, кечаси бедор бўлиб намоз ўқиб сажда қилишларига ишониб қолмайдилар. Роҳманнинг суякли бандалари доимо, ҳар лаҳзада Унга ёлвориб жаҳаннам азобидан сақлашни сўраб илтижо қилиб турадилар. Чунки улар:

«...албатта, жаҳаннам азоби доимийдир. Албатта, у энг ёмон қароргоҳ ва турар жойдир», дейдиганлардир».

Улар жаҳаннам нима эканини жуда яхши тушунадиган ва бутун вужудлари билан чуқур ҳис этадиган кишилардир. Бу ҳислари уларни доимо ўша жаҳаннам азобига дучор этадиган ишларни қилмасликка ва доимо Аллоҳга ёлвориб жаҳаннам азобини узоқ қилишни илтижо ила сўраб туришга ундайди.

Бу маънони Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари ва суннатларида ҳам яққол кўрамыз. Ул зоти бобаракот доимо бу нарсдан Аллоҳнинг Ўзидан паноҳ сўрардилар. Ҳадиси шарифлардан бирида эса, мўминларга шом намозидан кейин «Аллоҳумма ажирна минан-нар», яъни, эй бор Худоё, мени жаҳаннам оташидан асрагин, деб етти марта айтишни ўргатганлар.

Тўртинчи сифат: Мол-пул сарфлашда ўртача бўлиш.

وَالَّذِينَ إِذَا أَنفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا ﴿٦٧﴾

67. Улар инфоқ қилганларида исроф ҳам ва хасислик ҳам қилмаслар. У иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар.

Араб тилида «инфоқ» — «нафақа» иборалари мол-пул сарфлаш маъносини англатади. Бизда бировга садақа қилиш, эҳсон қилиш маъносида ишлатиш одат тусига кириб қолганлиги оятни нотўғри

тушунишга, хайр-эҳсон, садақа қилганда мўътадил бўлиши керак-у, бошқа вақтларда нима қилса, ўзи билади, деган хаёлга олиб келмаслиги лозим.

Мусулмон киши мол-пул сарфлашда доимо мўътадил бўлиши керак. Ҳеч қачон молу дунёни исроф ҳам қилмаслиги керак ва ҳаддан ташқари хасис бўлиб, зарур жойга ва керакли миқдорда сарфлашдан бош тортмаслиги ҳам керак.

Ислолда шахсий мулкчиликка кенг йўл очиб қўйилган. Шу билан бирга, кишиларга шахсий мулкни ҳавойи нафсига биноан тасарруф қилишга ҳам йўл қўйилмайди. Аввало, бу мулкни гуноҳ ишларга, ҳаром-харишга ишлатиш ман қилинган.

Шунингдек, молу мулкни беҳуда сарфлашга «исроф» номини бериб, мусулмонларни исрофдан қайтарилган. Молу мулкни беҳуда, ноўрин сарфлайдиган одамни «сафийҳ» — эси паст, дейилади. Ким сафийҳ бўлса, маҳкаманинг ҳукми ила унинг молу мулки тўхтатиб қўйилади. Керакли бўлганида, маълум миқдори берилади, қолгани сақлаб турилади.

Бу билан баробар, ўта хасис одамга қарши чора ҳам кўрилади. Бола-чақасидан, нафақасидагилардан қисиб, уларга ҳақлари даражасида сарф қилмаса, маҳкама ҳақларини олиб беради.

Исрофгарчилик ва хасисликни танқид этиб қораловчи кўплаб ҳадислар келган.

وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ
وَلَا يَزْنُونَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ يَلْقَ أَثَامًا

68. Улар Аллоҳ билан бирга бирор илоҳга илтижо қилмаслар. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақдан ўлдирмаслар. Зино қилмаслар. Ким ана шуни қилса, уқубатга дучор бўлур.

Бешинчи сифат: Муваҳҳидлик — тавҳидчилик — ягона Аллоҳнинг ўзигагина сиғиниш, ундан бошқага илтижо қилмаслик сифатидир. Бу энг улуғ сифатдир. Бошқа олий сифатлар шундан келиб чиқади. Бу сифатсиз бошқа сифатларнинг фойдаси йўқдир. Зотан, муваҳҳидлик сифати йўқ инсонда бошқа яхши сифатлар ҳам бўлмайди.

«Улар Аллоҳ билан бирга бирор илоҳга илтижо қилмаслар.»

Яъни, Аллоҳга ширк келтирмаслар. Зотан, Аллоҳга ширк келтириш улкан зулмдир. Бу ишни қилган одамнинг Роҳманга бандалиги қолмайди. Ягона Аллоҳнинг Ўзига илтижо қилганларгина Роҳманнинг суюкли бандалари бўла оладилар.

Олтинчи сифат: Бировни ноҳақдан ўлдирмаслик.

Роҳманнинг суюкли бандалари:

«Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақдан ўлдирмаслар».

Инсон ҳаёти, ким бўлишидан қатъиназар, катта қийматга эга. Ислом ноҳақдан бир одамни ўлдиришни бутун инсониятни ўлдиришга тенглайди. Исломда ҳар бир инсон ўз жони омондалигига чуқур ишонган ҳолда яшамоғи керак. Бировни ноҳақдан ўлдирадиган одам Роҳманнинг суюкли бандаси бўла олмайди. Аллоҳ ҳаром қилган нарсани қилиб туриб, яна қандай қилиб унга суюкли банда бўлиши мумкин?!

Еттинчи сифат: Зино қилмаслик.

Роҳманнинг суюкли бандалари:

«Зино қилмаслар».

Зинода ҳам моддий, ҳам маънавий равишда одам ўлдириш руҳи бор. Зинокорлар бола кўришдан қочадилар. Улар, айниқса, зинодан бола бўлиб қолмаслигига уринадилар. Бу эса, ўзига хос одам ўлдиришдир. Яъни, Аллоҳ фарзанд бериш учун ато этган имкониятни йўққа чиқарадилар.

Маънавий жиҳатдан одам ўлдиришга келсак, зино кишиларда руҳни ўлдирувчи пасткашлиқдир. Ундан келиб чиқадиган оқибатлар зинокорларни ҳам, уларнинг қариндошлари, яқин кишиларини ҳам маънавий жиҳатдан қатл қилади. Албатта, бу ҳол ҳалол-ҳаромнинг фарқига борган, инсонлик қадрини тушуниб етган жамиятларда бўлади. Бу ишни қилган одамнинг эса, Аллоҳнинг суюкли бандаси бўлишини ўйлаб кўриш ҳам мумкин эмас. Фақат Аллоҳнинг суюкли бандаси бўлишликдан умидворларгина зино қилмайдилар. Ҳамда орзуларига етадилар.

«Ким ана шуни қилса, уқубатга дучор бўлур.»

Яъни, Аллоҳга ширк келтирса, ноҳақдан одам ўлдирса ва зино қилса, гуноҳнинг уқубатига дучор бўлади.

يُضَعَفُ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَيَخْلُدُ فِيهِ مُهَانًا ﴿٦٩﴾

69. Қиёмат куни унинг азоби бир неча баробар кўпайтирилур ва у (азоб)да хор бўлиб абадий қолур.

Яъни, юқорида айтиб ўтилган гуноҳларни қилган шахсларнинг азоблари қиёмат куни бир неча марта кўпайтирилади ва улар ўша азобда абадий хор бўлган ҳолларида қоладилар.

إِلَّا مَنْ تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ ۗ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٧٠﴾

70. Магар ким тавба қилса, иймон келтириб, солиҳ амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур. Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли бўлган зотдир.

Юқоридаги оятдан, мазкур гуноҳларни қилганлар тамоман умидни узар эканлар-да, деган маъно чиқиб қолмаслиги учун ушбу оятда тавба эшиги доимо очиклиги баён қилинмоқда. Ўша уқубатдан мустасно бўладиганлар ҳам бор экан. Ундай одамлар қаторига:

«Ким тавба қилса, иймон келтириб, солиҳ амал қилса», ўша киради.

Яъни, қилган гуноҳидан тамомийла қайтса, иккинчи бор қилмаса, иймон келтириб, мўмин бўлса ва иймон тақозосига кўра солиҳ амал этса, мазкур азобга дучор бўладиганлардан мустасно бўлади. Вақтида қилган хатосини англаб тавба этган, иймон келтириб, солиҳ амал қилган бандаларни Аллоҳ таоло муносиб тақдирлайди.

«Бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур.»

Аллоҳнинг файзини, марҳаматини қаранг! Яратган бандаси нон-кўрлик қилса, унга ширк келтиришдек улкан зулми амалга оширса, унинг амрига исён қилиб одам ўлдирса ёки зино қилса-ю, сўнгра тавба этиб, иймон келтириб, солиҳ амал қилса, унинг гуноҳларини савобга алмаштириб қўйса! Бундан ҳам ортиқ мағфиратлилик, бундан ҳам ортиқ раҳимлилик бўладими?!

«Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли бўлган зотдир.»

Бўлмаса, тавба этиб, иймон келтириб, солиҳ амал қилганларнинг ёмонликларини яхшиликка алмаштирмас эди.

Имом Тобароний ривоят қилган ҳадисда айтилишича, «Абу Фарва Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Айтинг-чи, бир одам ҳамма гуноҳларни қилган бўлса, каттау кичигини қўймаган бўлса, тавба қилса бўладими?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Исломга кирдингми?!» дедилар. У:

«Ҳа!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Яхшиликларни қилавер. Ёмонликларни тарк эт. Аллоҳ сенга ҳаммасини яхшилик қилиб беради», дедилар. У:

«Аддамчиликлариму фожирликларимни ҳамми?!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа!» дедилар.

У такбир айтиб («Аллоҳу Акбар!!!» деб) қайтиб кетди. Кўздан кўринмай қолгунча такбири эшитилиб турди».

Лекин бундай ҳолга эришиш учун тавба ҳақиқий бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам, бу ҳақиқат келаси оятда яна бир бор таъкидланмоқда:

وَمَنْ تَابَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَإِنَّهُ يَنْبُؤُ إِلَى اللَّهِ مَتَابًا ﴿٧١﴾

71. Ким тавба қилиб, солиҳ амал қилса, у, албатта, Аллоҳга (ҳақиқий) қайтиш ила қайтар.

Тавба қилиш гуноҳга афсус-надомат чекиш билан бошланади. Сўнгра ўша гуноҳни қайтармасликка дилда қаттиқ аҳд қилинади. Кейин бу аҳд дилда тасдиқланади. Тавбанинг ҳақиқий ёки сохта эканлиги унинг эълонидан кейинги амалдан билинади. Агар эълондан кейинги амал солиҳ — яхши бўлса, тавба ҳақиқий, ёмон бўлса, тавба сохта бўлади. Чунки, гуноҳ ҳам фақат ният эмас, балки қилинган амалдир. Шунинг учун, тавба ҳам амалсиз бўлмайди.

Кейинги оятдан яна Роҳманнинг суюкли бандаларининг сифатларини васф қилиш давом этади:

وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا كِرَامًا ﴿٧٢﴾

72. Улар ёлғон гувоҳлик бермайдиганлардир ва беҳуда нарса-лар олдидан ўтсалар, ҳурматларини сақлаган ҳолда ўтарлар.

Роҳманнинг суюкли бандалари учун саккизинчи сифат: Ёлғон гувоҳлик бермаслик.

«Улар ёлғон гувоҳлик бермайдиганлардир.»

Ёлғон гувоҳлик бериш улкан гуноҳ эканлиги бошқа оятларда ҳам кўп таъкидланган. Шунингдек, ҳадиси шарифларда қаттиқ қораланган. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи ҳолларда ёлғон гувоҳлик беришни Аллоҳга ширк келтириш билан бир жойда зикр қилганлар.

Бировнинг зиддига ёки фойдасига ёлғон гувоҳлик бериш улкан гуноҳдир. Бундай одам ҳеч қачон Аллоҳнинг суюкли бандаси бўла олмайди.

Тўққизинчи сифат: Беҳуда гап-сўз ва амаллар қаршисида ўз обрўйини сақлай билиш.

«...беҳуда нарсалар олдидан ўтсалар, ҳурматларини сақлаган ҳолда ўтарлар.»

Мусулмон одам ўзини беҳуда, фойдасиз гап-сўз ва ишларга овора қилмайди. Ундай гап-сўз ёки ишларда қатнашмайди, мабодо, бошқалар томонидан бу нарса содир этиладиган бўлса, унинг олдидан ҳурматини сақлаб, обрў ва олийжаноблик ила ўтиб кетади.

Ўнинчи сифат: Ақл ишлатиб, онг ила диндорлик қилиш.

وَالَّذِينَ إِذْ ذُكِّرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ لَمْ يُخِرُّوا عَلَيْهَا صُمًّا وَعُمْيَانًا ﴿٧٣﴾

73. Уларга Роббиларининг оятлари эслатилганда, у(оят)ларга гунг ва кўрлардек ташланмаслар.

Ушбу оятда Роҳманнинг суюкли бандалари ўзлари англамаган нарсага бутпараст мушрикларга ўхшаб ёпишиб олмасликлари таъкидланмоқда. Мушриклар сохта худоларига худди кўр ва карқулоқдек, билиб-билмай, кўриб-кўрмай, эшитиб-эшитмай ёпишиб оладилар. Агар улар «худо»ларининг нима эканлигини билганларида, кўрганларида ва эшитганларида, ҳеч қачон уларга ибодат қилмас эдилар.

Мусулмонлар эса, Роббилари каломи бўлмиш Куръони Карим оятлари уларга эслатилганда, яхшилаб эшитадилар, англаб тушунадилар ва амал қилишга ўтадилар.

وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا قُرَّةَ أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا ﴿٧٤﴾

74. Улар: «Эй Роббимиз, Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз қувонадиган нарса ҳадя эт ҳамда бизларни тақводорларга йўлбошчи эт», дейдиганлардир.

Ўн биринчи сифат: Доимо аҳли аёллари ва фарзандлари ҳам Ислому йўлида юришининг пайида бўлиш ҳамда тақводорларнинг пешвоси бўлишга уриниш.

Роҳманнинг суюкли бандалари доимо жуфти ҳалолларидан ҳам, бола-чақаларидан ҳам кўзларини қувончга тўлдирадиган нарсаларни кўришни Аллоҳ таолодан сўраш билан бирга, бунга ҳаракат ҳам қилишади. Ўз шахсларининг эса, тақвода бошқаларга ўрнак бўлиши учун тиришадилар.

أُولَئِكَ يُجْزَوْنَ الْغُرْفَةَ بِمَا صَبَرُوا وَيُلَقَّوْنَ فِيهَا تَحِيَّةً وَسَلَامًا ﴿٧٥﴾

75. Ана ўшалар сабр қилганлари учун «ғурфа» ила мукофотланурлар ва унда табрик ва салом билан қаршиланурлар.

Яъни, ана шу сифатларни ўзида ҳосил этиш ва сақлаб туришда сабр қилганлари учун Роҳманнинг севган бандалари «ғурфа» ила мукофотландилар.

Араб тилида олий мақом хос хонани «ғурфа» дейилади. Тафсирчи уламоларимиздан баъзилари ушбу оятдаги «ғурфа» сўзига, «олий даража», «жаннат», «жаннатдаги алоҳида хона» маъноларини беришган. Аслида, ҳаммасини қўшиб, жаннатдаги олий мақом хос хона, десак мақсадга мувофиқ бўлса керак. Роҳманнинг суюкли бандалари:

«...унда табрик ва салом билан қаршиланурлар».

Яъни, юксак ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинадилар. Фаришталар уларни салом бериб қарши оладилар.

خَالِدِينَ فِيهَا حَسَنَاتٍ مُّسْتَقَرًّا وَمُقَامًا

76. Улар ўшанда абадий қолурлар. У қандай ҳам гўзал қароргоҳ ва манзилдир.

Яъни, Роҳманнинг суюкли бандалари ўша ғурфада абадий қоладилар. Уларнинг ғурфа билан мукофотланишлари вақтинчалик эмас. У энг гўзал турар жой ва энг гўзал маскандир.

Суранинг охирида яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиниб, Аллоҳ учун одамлар ҳеч гап эмаслиги, аммо уларнинг илтижоларининг эътибори борлигини эълон этиш топширилади:

قُلْ مَا يَعْبُؤُاِبِكُمْ رَبِّي لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ فَقَدْ كَذَّبْتُمْ فَسَوْفَ يَكُونُ لِزَامًا

77. Сен: «Агар дуо-илтижоларингиз бўлмаса, Роббим сизларга ҳеч қиймат бермас. Бас, батаҳқиқ, сиз ёлғонга чиқардингиз. Энди сизларга (азоб) лозим бўлур», деб айт.

Яъни, эй Муҳаммад, одамларга «Агар ичингиздаги оз сонли мўминларнинг дуоси бўлмаганида, Аллоҳ таолонинг сизга парвоси ҳам бўлмас эди. Чунки, Аллоҳнинг динини, Пайғамбарини ва Қуръонини ёлғонга чиқариб бўлдингиз. Шу қилганларингиз учун сизларга азоб лозим бўлади», деб айт.



ШУАРО СУРАСИ

Мақкада нозил бўлган. 227 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи унинг охирида келган шуаро (шорлар) ҳақидаги оятдан олинган.

Авваллари ҳам кўп таъкидланганидек, Ислом даъвати ўзининг дастлабки босқичида мушриклар томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Улар Аллоҳ таолонинг бирлигини ва Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбар эканликларини мутлақо тан олгилари келмас эди. Асрлар давомида ваҳийдан беҳабар, охиратга ишонмай, бир ҳовуч аҳди китобларга истехзоли қараган жоҳилият аҳди Исломни қабул қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни қанчалик чин дилдан динга даъват қилсалар, мушриклар шунчалик у кишини ёлғончига чиқаришга, у зотга озор бериш ва ёмонликлар қилишга интилди. Мушрикларнинг душманлиги кундан-кунга кучайиб, Исломга кирган оз сонли мусулмонларнинг шикоятлари ҳам кун сари ортиб борарди. Бу даврдаги бирдан-бир тасалли – умиднинг ўчмас чироғи бўлмиш Қуръон оятларининг тушиб туришида эди. Бу оятлар энг асосий масалага – эътиқод мавзуига жуда катта эътибор берар, кишиларнинг сонига эмас, сифатига қараб мусулмонликларини шакллантириб борар эди. Ўша даврларда Исломни қабул қилганлар жуда оз бўлди. Аммо оз бўлса ҳам, жуда соз бўлди. Ўша қийинчилик даврида ўз динини қўрқмасдан, чўғни тутгандек маҳкам ушлаган кишиларнинг ҳар бири кейинчалик оламга машҳур мусулмонлар бўлиб етишдилар.

«Шуаро» сураси ўша ўта қийин паллада нозил бўлгани учун ўша давр руҳини ҳам ўзида акс эттиради. Ўша даврда жуда муҳим бўлган ақийда масаласи бу суранинг ҳам бош мавзудир. Хусусан, сурадан Аллоҳ таолонинг тавҳиди, охиратдан қўрқиш, Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлаётган ваҳийга ишониш, Пайғамбарни ёлғончига чиқаришдан қўрқитиш каби масалалар кенг ўрин олган. Сурада мушрикларнинг озорлари, ёмон муомалалари ва уйдирмаларини келтириш билан бирга, Пайғамбар алайҳиссаломга

тасалли ҳам бор. Бунинг учун кўпроқ ўтган умматларнинг қиссалари ўзига хос услуб билан баён қилинган.

«Шуаро» сурасининг аввалида Қуръони Карим ҳақида, мушрикларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга муносабатлари ҳамда у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа мўъжиза келтиришни талаб этишлари тўғрисида сўз кетади.

Кейин Аллоҳ таоло томонидан инсониятни ҳидоятга бошлаш учун юборилган бир гуруҳ Пайғамбарлар қиссалари зикр этилади. Бу қиссалар силсиласи туғёнга кетган Фиръавн ва унинг қавмига юборилган Мусо алайҳиссалом қиссалари билан бошланади. Кетидан Иброҳим алайҳиссалом қиссалари эсга олинади. Бу икки қиссадан кейин тақводору бетавфиқ, саодатманду бадбахтларнинг ораларини фарқловчи оятлар келади.

Сўнгра Нух, Ҳуд, Солиҳ, Лут ва Шуайб алайҳиссаломларнинг қиссалари келтирилади. Пайғамбарларни ёлғончига чиқарганларнинг оқибати ёмон бўлиши эслатилади. Яна Қуръони Каримнинг шаъни улуғланади.

Суранинг охирида эса, мушрикларнинг «Қуръонни шайтонлар олиб тушади», деган бўҳтонларига раддия берилади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ



1. То. Сийн. Мийм.

تِلْكَ آيَاتُ الْكِتَابِ الْمُبِينِ

2. Булар очиқ китобнинг оятларидир.

Яъни, биринчи оятда келган алифбо ҳарфларидан ташкил топган сўзлар очиқ-равшан китоб — Қуръоннинг оятларидир.

لَعَلَّكَ بِنِعْمَتِ رَبِّكَ تَكُونُ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ

3. Эҳтимол, (улар) мўмин бўлмаганлари учун сен ўзингни ҳалок қилмоқчидирсан?!

Яъни, эй Муҳаммад, эҳтимол, анави кофирлар мўмин бўлмаганлари учун уларга ачиниб, куюниб, ўзингни қийнамоқчи, ҳалок қилмоқчидирсан?!

Албатта, бунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли бор. Аввало, Аллоҳ таоло у кишига кофирларнинг иймонга келмаганлари учун ич-ичларидан афсус-надомат чекиб, ўзларини қийнаётганларини билиб турганидан хабар бермоқда. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам учун эса, Роббиларининг бу ҳолатдан хабар беришидан кўра каттароқ тасалли йўқ. Айни пайтда, бу хабар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларнинг муомалаларидан қанчалик қийин аҳволга тушаётганларини ҳам билдиради. Чунки, ўзини ҳалок этиш фикри Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдек зотга ўзидан-ўзи келавермайди.

إِنْ نَشَأْ نُزِّلْ عَلَيْهِم مِّنَ السَّمَاءِ آيَةٌ فَظَلَّتْ أَعْنَاقُهُمْ لَهَا خَاضِعِينَ ﴿٦٤﴾

4. Агар хоҳласак, уларга осмондан оят-мўъжиза нозил қиламиз. Бас, уларнинг бўйинлари унга эгилиб қоладир.

Агар юборган Пайғамбаримизга, туширган китобимизга мушриклар иймон келтирмасалар, бўйин эгмасалар, уларни қабул этмасалар, «...хоҳласак, уларга осмондан оят-мўъжиза нозил қиламиз».

Моддий, ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган бир мўъжиза туширамизки, «Бас, уларнинг бўйинлари унга эгилиб қоладир».

Бўйинлари эгилишдан бошқа илож қолмайди. Лекин Аллоҳ таоло бундай қилмади. Одамларни мажбурлаб бўйинини эгишни хоҳламади. Сўнгги, оламшумул динининг мажбурлаш дини бўлишини ҳеч истамади. Асосий мўъжиза сифатида моддий, мажбурий мўъжизани ихтиёр этмади. Ислоннинг асосий мўъжизаси ўлароқ маънавий мўъжизани – Қуръони Каримни ихтиёр қилди. Одамлар бирор моддий нарсадан қўрққанларидан эмас, ўқиб-ўрганиб илм ҳосил қилганларидан, маънавий-руҳий озуқа топганларидан Ислонга киришларини ирода этди. Оқибатда Қуръони Карим қиёматгача битмас-туганмас илоҳий мўъжиза бўлиб қолди.

Кофирларнинг шундай мўъжизани инкор қилаётгани янгилик эмас. Қадимдан:

وَمَا يَأْتِيهِمْ مِّنْ ذِكْرٍ مِّنَ الرَّحْمَنِ مُحَدَّثٍ إِلَّا كَانُوا عَنْهُ مُعْرِضِينَ ﴿٦٥﴾

5. Уларга Роҳмандан янги эслатма келибдики, албатта, ундан юз ўғиргувчи бўлганлар.

Кофирларга қачон янги ўғит, илоҳий ваҳий келса, ҳар доим ундан юз ўғирганлар. Ана ўша одатга биноан, улар Қуръондан ҳам юз ўғирдилар.

فَقَدْ كَذَّبُوا فَسَيَاتِهِمْ أَنْبَتُوا مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٦﴾

6. Бас, батаҳқиқ, ёлғонга чиқардилар. Яқинда уларга ўзлари истеҳзо қилган нарсанинг хабари келажақдир.

Яъни, кофирлар Пайғамбарни, Қуръонни ва охират азобини ёлғонга чиқардилар. Уларга иймон келтирмадилар. Балки истеҳзо билан қарадилар.

«Яқинда уларга ўзлари истеҳзо қилган нарсанинг хабари келажақдир.»

Унинг азобини тортажаклар.

Кофирлар моддий мўъжиза келтиришни талаб қилишди. Ҳолбуки, ундай мўъжизалар ҳар қадамда бор.

أَوَلَمْ يَرَوْا إِلَى الْأَرْضِ كَمَا أَنْبَأْنَا فِيهَا مِنْ كُلِّ زَوْجٍ كَرِيمٍ ﴿٧﴾

7. Улар ерга қарамайдиларми?! Биз унда карамли жуфтлардан қанчаларини ундириб қўйибмиз.

Ҳа, ҳар бир инсон оёғи остидаги ерга эътибор ила назар солса, ақлини ишлатиб кўрса, уни иймонга ундовчи кўздан-кўп мўъжизаларни кўради. Биргина ўсимликларни олиб кўрсин. Ушбу оятда таъкидланаётганидек, Аллоҳ таоло ер юзида турли-туман, ажойиб ўсимликларни ундириб қўйибди. Уларнинг шакли, ранги, хусусиятлари — ҳамма-ҳаммаси ўзига яраша бир олам. Ёки бўлмаса, оятда зикр қилинганидек, ўсимликнинг униб-ўсиш жараёнини олайлик. Бу ҳам, ўйлаб кўрилса, улкан мўъжиза-ку. Энг тажрибали деҳқон ёки боғбон ҳам уруғ сочиб ёки кўчат ўтқазиб, керакли амалларни бажаради, холос. Унинг униши ва ўсишига аралаша олмайди. Аллоҳдан марҳамат кутади. Аллоҳ берса, бўлади. Бўлмаса, йўқ. Балки, шунинг учундир, зиротчилар, деҳқонлар орасида Аллоҳга бўлган ишонч кучлироқ бўлиши кўп кузатилган. Ерга назар солган, ўсимликларни яқиндан ўрганган одам Аллоҳ таолонинг биру борлигига, қудратига тан беради.

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٨﴾

8. Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмастар.

وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ

9. Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир.

Аллоҳ таолонинг «азиз» сифатида ғолиб, қодир ва кучли маънолари бор. Демак, Аллоҳ таоло барча ишларда ғолибдир. Ҳамма нарсасига, жумладан, кофирларни азоблашга ҳам қодирдир. Турли мўъжизалар келтириш қудратига ҳам, куч-қувватига ҳам эга.

Ушбу икки охирги оят «Шуаро» сурасида саккиз марта такрорланган. Биринчиси шу жойда келган бўлса, қолганлари ўтган умматларнинг ҳолларини баён қилувчи оятлар сўнгида келган.

Кейинги оятларда юқорида зикр этилган ҳақиқатлар инсоният тарихида қандай тажрибадан ўтганлиги баён қилинади. Бунинг учун баъзи аввалги Пайғамбарлар ва уларнинг қавмларининг қиссалари келтирилади. Бу қиссалар турли услуб ва шаклда бошқа сураларда ҳам келган. Ўша сураларни ўрганиш давомида кўриб чиқилган. Аммо «Шуаро» сурасида мазкур қиссалар суранинг сиёқига ва руҳига мослаб хиёл ўзгача келтирилади. Қиссалар силсиласи Мусо алайҳиссалом қиссалари билан бошланади.

وَإِذْ نَادَى رَبُّكَ مُوسَىٰ أَنْ أُنْتِ الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ

10. Роббинг Мусога: «У золим қавмга боргин.

قَوْمٍ فَرَعَوْنَ آلَٰئِنَّا قَوْمٌ

11. Фиръавн қавмига. (Биздан) қўрқмайдиларми?!» деб нидо қилганини эсла.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юбораётиб, унга шундай нидо қилди:

«У золим қавмга боргин. Фиръавн қавмига. (Биздан) қўрқмайдиларми?!»

Оятда Фиръавн қавми «золим» деб аталмоқда. Дарҳақиқат, Аллоҳга куфр келтириш энг улкан маънавий зулмдир. Фиръавн қавми золим эди. Шу билан бирга, улар Мусо алайҳиссаломнинг қавмига — Бани Исроилга зулм ўтказар эди. Бу ишларни Аллоҳдан қўрқмаганларидан қилар эдилар. Аллоҳ таоло Пайғамбари Мусо алайҳисса-

ломга ўша қавмнинг золимлигини, аслида улар Аллоҳдан қўрқишлари лозимлигини эслатиб қўймоқда.

Аллоҳнинг амрини эшитган Мусо алайҳиссалом:

قَالَ رَبِّ إِنِّي أَخَافُ أَنْ يُكَذِّبُونِ

12. У: «Эй Роббим, улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқарман.

وَيَضِيقُ صَدْرِي وَلَا يَنْطَلِقُ لِسَانِي فَأَرْسِلْ إِلَىٰ هَرُونَ

13. Ва дилим сиқилишидан ҳамда тилим бурро бўлмай қолишидан. Бас, Ҳорунни элчи қил.

وَهُمْ عَلَىٰ ذَنْبٍ فَأَخَافُ أَنْ يَقْتُلُونِ

14. Менинг зиммамда улар наздида гуноҳ бор. Бас, мени ўлдиришларидан хавфдаман», деди.

Маъсулиятнинг улканлигини сезган ва уни чуқур ҳис этган Мусо алайҳиссалом иш бошлашдан олдин Аллоҳ таолодан қўшимча ёрдам сўрайдилар. Биродарлари Ҳоруннинг ҳам Пайғамбар этиб юборилишини тилайдилар. Лекин ёрдам сўрашдан олдин, ўзларини шунга мажбурлаётган омиларни бир-бир айтиб ўтадилар.

«Эй Роббим, улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқарман. Ва дилим сиқилишидан ҳамда тилим бурро бўлмай қолишидан.»

Мусо алайҳиссалом кофирлар у кишини ёлғончига чиқаришларидан эмас, балки тухматдан юраклари сиқилиб, тилларига гап келмай қолишидан қўрқаётган эдилар. Зотан, кофирлар ўзини ёлғончи қилишидан қўрққан одам Пайғамбар бўлиши мулоҳазали нарса. Бошқа оятлардан маълумки, Мусо алайҳиссаломнинг тиллари бир оз дудуқ эди. Кофирлар у кишини ёлғончи қилишлари турган гап эди. Ана шундай пайтда дил сиқилиши бўлади. Дил сиқилганда эса, тилида дудуқлиги бор одамнинг равон гапириши яна ҳам қийинлашиб қолади. Оқибатда кофирлар олдида динга, даъватга зарар етиши мумкин. Демак, Мусо алайҳиссалом ўз шахсларини эмас, балки илоҳий даъват эртасини ўйлаб мулоҳаза юритмоқдалар. Мабодо, ана шундай ҳолат юзага келиб, гапларим равон чиқмаса, бурро тил билан даъват этадиган одам ёнимда бўлсин, деб:

«Бас, Ҳорунни ҳам элчи қил», демоқдалар.

Унинг тили бурро, гапни равон сўзлайди. Илоҳий даъват ғамида Мусо алайҳиссаломнинг яна бир ташвишлари бор эди, уни ҳам айтдилар.

«Менинг зиммамда улар наздида гуноҳ бор. Бас, мени ўлдиришларидан хавфдаман», деди.»

Яъни, Фиръавн қавми мени гуноҳқор ҳисоблайди.

Чунки, Мусо алайҳиссаломнинг бани исроиллик билан уришаётган бир қибтийни ўлдириб қўйганлари, сўнгра Мисрни ташлаб қочиб чиқиб кетишга мажбур бўлганлари маълум ва машҳурдир. Энди ундан қасос олиш пайида юрган қавм олдига Пайғамбар бўлиб борсалар, ўлдириб қўйишлари мумкин. У ҳолда илоҳий даъват иши нима бўлади? Шунинг учун, Ҳорун ҳам Пайғамбар бўлиб борса, мабодо, Мусо алайҳиссаломни ўлдирсалар ҳам, даъват иши тўхтамайди. Демак, Мусо алайҳиссалом бутун вужудлари билан даъватнинг бардавомлиги ва муваффақияти учун қайғурмоқдалар.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломнинг сўраганларини берди. Ҳорун алайҳиссаломни у кишига қўшиб Пайғамбар этиб юборди. Шунингдек, Фиръавн қавми Мусо алайҳиссаломни ўлдиришлари мумкинлиги ҳақидаги эҳтимолни ҳам йўқ қилди:

قَالَ كَلَّا فَاذْهَبَا بِآيَاتِنَا إِنَّا مَعَكُمْ مُسْتَمِعُونَ ﴿١٥﴾

15. У зот: «Йўқ! Бас, иккинги Бизнинг оят-мўъжизаларимиз ила боринглр. Албатта, Биз иккинги билан эшитгувчимиз.

فَأْتِيَافِرْعَوْنَ فَقُولَا إِنَّا رَسُولُ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٦﴾

16. Бас, Фиръавнга боринглр ва унга: «Биз Роббул оламиннинг Пайғамбарларимиз.

أَنْ أَرْسَلَ مَعَنَا بِنِي إِسْرَائِيلَ ﴿١٧﴾

17. Бани Исроилни биз билан қўйиб юбор», деб айтинглр, деди.

Аллоҳ:

«Йўқ!» — яъни, улар сени ўлдиролмаслар, деди.

«Бас, иккинги Бизнинг оят-мўъжизаларимиз ила боринглр.»

Икки ака-ука Пайғамбар бўлиб, Бизнинг мўъжизаларимиз ила қуролланиб, Фиръавн ва унинг қавми олдига боринглар.

«Албатта, Биз иккинги билан эшитгувчимиз.»

Яъни, доимо сизлар билан биргамиз, ҳамма нарсани эшитиб тура-
рамиз. Сизлар ҳеч ҳадиксирамай, бориб даъватни бошлайверинглар.

«Бас, Фиръавнга боринглар.»

Ҳамма гап ўшанда. Худолик даъво қилган ҳам ўша. Одамларни ўзига бўйсундириб олган ҳам ўша. Бани Исроилга турли азоб-уқубат бераётган ҳам ўша. Шунинг учун, аввало, ўшанинг олдига боринглар:

«...ва унга: «Биз Роббул олабийнинг Пайғамбарларимиз, Бани Исроилни биз билан қўйиб юбор», деб айтинглар.»

Кўриниб турибдики, Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар зиммаси-
даги асосий вазифа – Бани Исроилни Фиръавн зулмидан қутқариб
олиш ва уни тавҳид ақийдаси асосида қайта тарбиялаш бўлган.

Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар Аллоҳ таолонинг буйруғини ба-
жардилар. Фиръавннинг олдига бориб, лозим гапларни айтдилар. Ке-
чагина ўзларининг орасида тарбияланган, унинг қавмидан бир киши-
ни ўлдириб қўйиб қочиб кетган Мусодан бу гапларни эшитган Фиръ-
авн масхараомуз ҳолатда ўтмишни эслаб, унга миннат қила бошлади:

قَالَ الْمَرْئِيُّ يَا لَيْدَاءُ وَلَيْسَتْ فِينَا مِنْ عُمَرِكَ سِنِينَ ﴿١٨﴾

18. У (Фиръавн): «Биз сени гўдаклигингдан ўз ичимизда тарбия қилмадикми?! Умрингнинг бир неча йилини бизнинг ичимизда ўтказмадингми?!»

وَفَعَلْتَ فَعَلَتِكَ الَّتِي فَعَلْتَ وَأَنْتَ مِنَ الْكَافِرِينَ ﴿١٩﴾

**19. Ва нонкўрлардан бўлиб, қиладиган ишингни қилиб қўйма-
дингми?!» деди.**

Фиръавннинг миннатларидан асосий мақсади – Мусо алайҳис-
салом олиб келган динни инкор қилиш эди. У Мусо алайҳиссалом-
нинг Пайғамбарликларини, Аллоҳнинг элчиси сифатидаги муомала-
ларини кўтара олмай, ўзига ўхшаганларнинг йўлини тутди. Мусо
алайҳиссаломга «ўтказиб қўйган» ва ўзича у зотнинг камчиликлари
деб ўйлаган ишларини юзига солди.

«Биз сени гўдаклигингдан ўз ичимизда тарбия қилмадикми?!»

Қўлимизда катта бўла туриб, энди, бизга, динимизга ва мулки-
мизга қарши чиқасанми? Янги дин келтирдим, деб даъво қиласанми?

«Умрингнинг бир неча йилини бизнинг ичимизда ўтказмадингми?!»

Ўша йилларда бундай гапларни айтмай, жимгина юрар эдинг-ку. Сенда бирор аломати ҳам йўқ эди. Бунинг устига, сени дарёда оқиб келаётганигда топиб олиб, ювиб-тараб, парваришлаб ўстирганимиз учун раҳмат айтиш ўрнига,

«Нонкўрлардан бўлиб, қиладиган ишингни қилиб қўймадингми?!»

Яъни, бизнинг қавмимиздан бир кишини ўлдириб қўймадингми?!

Фиръавннинг бу даъволари қаршисида Мусо алайҳиссаломнинг тиллари тутилиб қолмади. Аллоҳ таолонинг ёрдами ила Фиръавнга бурролик билан қуйидаги жавобни бердилар:

قَالَ فَعَلْنَاهَا إِذْ أَوْأْنَا مِنَ الضَّالِّينَ ﴿٦٠﴾

20. У (Мусо): «Ўша ишни қилган бўлсам, билмасдан қилганман.»

فَفَرَرْتُ مِنْكُمْ لَمَّا خِفْتُكُمْ فَوَهَبَ لِي رَبِّي حُكْمًا وَجَعَلَنِي مِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿٦١﴾

21. Бас, сизлардан хавфсираб қочиб кетдим. Кейин Аллоҳ менга ҳикмат берди ва мени Пайғамбарлардан қилди.

وَتِلْكَ نِعْمَةٌ تَمُنُّهَا عَلَيَّ أَنْ عَبَّدتَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ ﴿٦٢﴾

22. Ўша менга қилаётган миннатиңг Бани Исроилни қул қилиб олганиңгандир», деди.

Мусо алайҳиссалом қибтийни ўлдиришлари сабабини баён қилиш билан жавоб бошладилар.

«Ўша ишни қилган бўлсам, билмасдан қилганман.»

Яъни, сениңг қабиладошингни қасдан ўлдирганим йўқ. У вақтда кўп нарсаларни билмас эдим. Ўша қибтий мениңг бир қабиладошим – бани исроиллик билан уришаётган экан. Қабиладошим мендан ёрдам сўради, мен унга ёрдам бераман деб қибтийни бир урсам, ўлиб қолди. Шундан кейин хатони тушундим ва:

«сизлардан хавфсираб қочиб кетдим».

Чунки, сизлар мени ўлдириш пайига тушиб қолган эдингиз.

«Кейин Аллоҳ менга ҳикмат берди.»

Ўзим топиб олганим ёки қуруқ даъво қилаётганим йўқ.

«...ва мени Пайғамбарлардан қилди.»

Бу оддий ҳолат. Чунки, мендан олдин ҳам кўплаб Пайғамбарлар ўтган. Мен улардан бириман, холос.

Энди, мени гўдаклигимдан тарбия қилганларинг, ичларингда бир неча йиллар олиб юрганларингга келсак,

«Ўша менга қилаётган миннатинг Бани Исроилни қул қилиб олганингандир».

Сен Бани Исроилни қул қилиб олган эдинг. Уларнинг янги туғилган қизларини қолдириб, ўғил болаларини ўлдираар эдинг. Бундан қўрққан онам мени дарёга оқизди. Сизлар мени тутиб олиб боқдингиз, тарбия қилдингиз. Оиламдан жудо бўлиб ўсдим. Энди эса, менга буни миннат қилмоқдасан. Ўзингча, яхшилик қилганман, деб ўйлаётган бўлсанг керак-да?!

Мусо алайҳиссаломнинг бу сўзларини эшитган Фиръавн гапни бошқа томонга бурди. Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларнинг: «Биз Роббул олабийннинг Пайғамбарларимиз», деганларига ишора қилиб:

قَالَ فِرْعَوْنُ وَمَا رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴿٦٢﴾

23. Фиръавн: «Роббул олабийн нима?» деди.

Фиръавн Мусо алайҳиссаломга энг пасткашона савол ила: «Ўша, сени Пайғамбар қилиб юборган, Роббул олабийн, деб номлаётган нарсанг нима ўзи?» демоқда.

Бу ерда у бадбахтнинг «Ўша Роббул олабийн ким?» демай, **«Роббул олабийн нима?»** дейиши ҳам эътиборга сазовордир.

Мусо алайҳиссалом эса, қисқа, аммо Роббул олабийнни тўлиқ васф қилиб, жавоб бердилар.

قَالَ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا إِنَّ كُنْتُمْ مُوقِنِينَ ﴿٦٣﴾

24. У (Мусо): «Агар англамоқчи бўлсангиз, У, осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг Роббидир», деди.

Яъни, борлиқдаги барча нарсанинг тарбиячиси, розиқи ва тадбирчиси Аллоҳдир.

Бу гапларни эшитиб турганларга таъсир қилишидан чўчиганидан:

قَالَ لِمَنْ حَوْلَهُ: أَلَا تَسْتَعِينُونَ ﴿٦٤﴾

25. У (Фиръавн) атрофидаги кишиларга: «Эшитмаяпсизларми?!» деди.

Қаранг, бу нималар деяпти ўзи.

Мусо алайҳиссалом эса, Роббул олабийннинг сифатларини айтишда давом этдилар:

قَالَ رَبُّكُمْ وَرَبُّ آبَائِكُمُ الْأَوَّلِينَ ﴿٢٥﴾

26. У: «Сизнинг Роббингиз ва аввалги ота-боболарингизнинг Роббидир», деди.

Худолик даъвогари, тугёнкор Фиръавнга унинг одамлари олдида қўрқмасдан бу гапларнинг айтилиши уни тавозиндан чиқариб юборди ва:

قَالَ إِنَّ رَسُولَكُمْ الَّذِي أُرْسِلَ إِلَيْكُمْ لَمَجْنُونٌ ﴿٢٦﴾

27. У : «Албатта, сизга юборилган Пайғамбарингиз жиннидир», деди.

Барча тугёнкорлар каби, Фиръавн ҳам ҳақ йўл даъватчиси шахсига тухмат ёғдириб, одамларнинг ихлосини ундан қайтаришга уринди, Мусо алайҳиссаломни мажнун — жинни деб эълон қилди.

Мусо алайҳиссалом эса, бунга парво ҳам қилмай, даъватларида давом этдилар.

قَالَ رَبُّ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَمَا بَيْنَهُمَا إِنَّ كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٢٧﴾

28. У: «У зот, агар ақл юритсангиз, машриқу мағрибнинг ва улар ўртасидаги нарсаларнинг Роббидир», деди.

Яъни, қуёшнинг ботиши ва чиқишини амалга оширувчи ҳам, улар орасидаги масофаю нарсаларнинг ҳам Робби Аллоҳдир.

Мусо алайҳиссаломни ақл ва мантиқ ила енга олмаслигини сезган Фиръавн тугёнкорларнинг одатига биноан дўқ-пўписага ўтди:

قَالَ لَئِنِ اتَّخَذَتِ الْهَآغَيْرِي لِأَجْعَلَنَّكَ مِنَ الْمَسْجُونِينَ ﴿٢٨﴾

29. У : «Агар мендан бошқани илоҳ қилиб олсанг, албатта, мен сени зиндонбандлардан қилурман», деди.

Аввалига сир бой бермай, турли гапларни айлантириб турган Фиръавннинг иситмаси дардини ошкор қилди. Унинг Мусо алайҳиссаломдан ва у кишининг даъватидан, ҳақ сўзларидан кўрқишининг асосий сабаби, ҳукми қўлдан чиқаришлик эди. Фиръавн Мусо алайҳиссаломнинг айтганлари рўёбга чиқиб, ҳамма унга эргашиб кетса, мен бир четда қоламан, деган хавфда эди. Унинг аввалги гаплари ҳаммаси мунофиқликдан иборат эди.

Мусо алайҳиссалом нима деяётганларини жуда яхши билар эдилар. Тепаларида Роббул олабийн турганини чуқур ҳис этардилар. Шунинг учун ҳам, қамаб қўйиш ҳақидаги таҳдид у зотга заррача таъсир қилмади. У киши Фиръавнни тўғри йўлга солишга яна бир бор уриндилар.

قَالَ أَوْلَوْ حَسْبُكَ بِشَىْءٍ مُّبِينٍ ﴿٣٠﴾

30. У : «Агар мен сенга очиқ-ойдин нарса келтирсам ҳам-а?» деди.

Яъни, агар мен сенга ўзимнинг ҳақ Пайғамбар эканимга, сўзларим ҳақ эканига очиқ-ойдин ҳужжат ва далил келтирсам ҳам, мени зиндонбандлардан қиласанми?

Кўпчиликнинг олдида Мусо алайҳиссаломни мажнун деб эълон этган Фиръавн ҳужжат тўғрисида гап кетганда, одамлар шубҳа қилмасин деб, эҳтимол келтира олмас, деган умид билан ҳужжат келтиришларига рози бўлди.

قَالَ فَاتِّبِعْهُ إِنَّ كُنْتَ مِنَ الصّٰدِقِیْنَ ﴿٣١﴾

31. У : «Агар ростгўйлардан бўлсанг, келтир уни!» деди.

Яъни, агар қилаётган даъвоингда ростгўйлардан бўлсанг, ўша очиқ-ойдин ҳужжатингни олиб кел-чи, кўрайин, деди.

Шунда Мусо алайҳиссалом Аллоҳ берган мўъжизаларни кўрсатишга киришдилар.

فَأَلْقَى عَصَاهُ فَإِذَا هِيَ ثُعْبَانٌ مُّبِينٌ ﴿٣٢﴾

32. Бас, у (Мусо) асосини ташлади. Баногоҳ у аниқ аждарга айланди.

وَنَزَعُ يَدَهُ فَإِذَا هِيَ بَيْضَاءُ لِلنّٰظِرِیْنَ ﴿٣٣﴾

33. Ва қўлини чиқарди. Баногоҳ у назар қилгувчиларга оппоқ кўринди.

Оят матнидаги иборалар асонинг чиндан ҳам аждарга айланганини, қўл эса, чиндан ҳам кўрган одам ҳавас қиладиган даражада оппоқ бўлганини ифода этади. Бу икки нарса Мусо алайҳиссаломнинг ҳақиқий Пайгамбар эканликларини тасдиқловчи мўъжизалар эди. Ўша пайтда Мисрда сеҳргарлик авж олган бўлиб, уста сеҳргарлар одамларга турли сеҳр кўрсатар эдилар. Мусо алайҳиссаломнинг кўрсатган нарсалари сеҳр эмас, илоҳий мўъжиза, ҳақиқат эди.

Мусо алайҳиссалом келтирган мўъжизани кўриб Фиръавн ташвишга тушди. Ҳозиргина Мусо алайҳиссаломни мажнун деб турганини ҳам унутиб, бошқача баҳо беришга ўтди:

قَالَ لِلْمَلَآئِكَةِ إِنِّ هَذَا سِحْرٌ عَلِيمٌ ﴿٢٤﴾

34. У (Фиръавн) атрофидаги аъёнларига: «Албатта, бу ўта билимдон сеҳргардир.

Илоҳий даъватга қарши чиққан тугёнкорлар ниятларини амалга оширишда доимо атрофидаги аъёнларни ишга соладилар. Тоғутнинг ишорасига, кўз боқишига, бир оғиз сўзига маҳтал аъёнлар унинг фикрини олдиндан уқиб олишга, буйруқни унинг хоҳлаганидан ҳам ўтказиброқ адо этишга шай турадилар. Саллани олиб кел, десалар, каллани олиб келадилар. Мусо алайҳиссаломни жинни деб кўпчиликка эълон қилган Фиръавн мўъжизаларни кўргандан кейин аъёнларига у кишини «ўта билимдон сеҳргар» деб таърифлади. Уларнинг жамиятида сеҳргарлар ҳурмат-эътиборли бўлишларига қармай, аъёнларини у кишидан қўрқитишга уриниб:

يُرِيدُ أَنْ يُخْرِجَكُمْ مِنْ أَرْضِكُمْ بِسِحْرِهِ فَمَاذَا تَأْمُرُونَ ﴿٢٥﴾

35. У ўз сеҳри билан сизларни ерингиздан чиқармоқчи, нима дейсизлар?» деди.

Бу ҳам Худонинг динига қарши чиққан, Аллоҳнинг йўлидаги даъватчиларни ўзига душман билган тугёнкорларнинг доимий гапларидан бири. Атрофидаги гумашталарига ва содда халққа даъватчини хавfli қилиб кўрсатади ҳамда уларни ундан қўрқитади. У сизларни ерларингиздан ҳайдаб чиқариб, мансаб, имтиёз ва имкониятларингизни тортиб олмоқчи, деб уларнинг кўнглига ваҳима солади. Гоҳида, ушбу ояти каримада келганидек, қўрқита туриб:

«**Нима дейсизлар?**» деб атрофидагиларни ўйлантириб ҳам қўяди. Зотан, туғёнкор уларнинг ўзига ёрдамчи бўлишларини яхши билади. Улар, агар маслаҳат берсалар ҳам, тоғутнинг хоҳишидан бошқа гапни айтишмайди.

Аммо Фиръавн:

«**Нима дейсизлар?**» дейиш билан гумашталарини ўз садоқатларини кўрсатишга ундашни кўзлаган эди.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Фиръавн Мусо алайҳиссаломни сеҳргар деганини гумашталар илиб олдилар ва «хўжайин»нинг ўткир сеҳргарлари борлигини билганларидан, шояд, Мусо мағлуб бўлса, деб сеҳр мусобақаси ўтказишни таклиф қилдилар.

قَالُوا أَرْجَاهُ وَأَخَاهُ وَأَبْعَثْ فِي الْمَدَائِنِ حَاشِرِينَ ﴿٣٦﴾

36. Улар: «Уни ва акасини қўйиб тургин-да, шаҳарларга тўпловчиларни юбор.

يَا تُوْكَ بِكُلِّ سَحَّارٍ عَلِيمٍ ﴿٣٧﴾

37. Сенга барча ўта билимдон сеҳргарларни олиб келсинлар», дедилар.

Бу таклиф Фиръавнга маъқул тушди. Зотан, у атрофидагилардан айнан шу жавобни кутган эди. Бошқа сура ва оятлардан биланмизки, Мусо алайҳиссалом билан сеҳргарларнинг мусобақалашадиган жойи, вақти ва бошқа шартлари келишиб олинади. Фиръавн шаҳарларга одамларини юбориб, сеҳргарларни тўплатиб келади.

فَجُمِعَ السَّحَرَةُ لِمِيقَاتِ يَوْمٍ مَّعْلُومٍ ﴿٣٨﴾

38. Бас, сеҳргарлар маълум куни келишилган вақтда жамландилар.

Келишилган вақтлари «Зийнат куни» деб аталмиш байрам кунлари, чошгоҳ пайти эди.

وَقِيلَ لِلنَّاسِ هَلْ أَنْتُمْ مُجْتَمِعُونَ ﴿٣٩﴾

39. Ва одамларга: «Сизлар тўпланиб бўлдингизми?

لَعَلَّنَا نَتَّبِعُ السَّحَرَةَ إِن كَانُوا هُمُ الْغَالِبِينَ ﴿٤٠﴾

40. Ажаб эрмас, устун келсалар, сеҳргарларга эргашсак», дейилди.

Турли муносабатлар ила одамларни тўплаш, ўша оммавий йиғинлар билан уларни чалғитиш ва ўзига маҳдиё этиш ҳам туғёнкор ҳокимларнинг одати. Сеҳргарлар билан Мусо алайҳиссалом тортишуви фурсатини ғанимат билиб роса одам йиғдилар. Уларни ўзига қаратиш учун:

«Сизлар тўпланиб бўлдингизми?» дейилди.

Сўнгра, ташвиқот учун, мусобақада сеҳргарлар ғолиб чиқиши кераклиги ҳам айтиб ўтилди.

«Ажаб эрмас, устун келсалар, сеҳргарларга эргашсак», дейилди.»

Бироқ Мусо алайҳиссаломнинг ғолиб келишлари эҳтимоли эътиборга ҳам олинмади.

Туғёнкор тузумнинг сиёсати доимо шундай, яъни, доимо ўзини ғолиб, ўзгани мағлуб кўрсатади.

Ҳамма нарса муборазани бошлашга тайёр турибди. Аммо шу жойда туғёнкор тузумнинг яна бир қусури очилди. Сеҳргарлар ҳамманинг олдида Фиръвандан кўрсатадиган амаллари учун ҳақ сўрадилар. Чунки, улар асосли мафкура, ишончли асос, бақоли тузум учун эмас, балки бир туғёнкорнинг хоҳиши учун иш қилмоқчилар. Шунинг учун ҳам, туғёнкордан ҳақ сўрадилар.

فَلَمَّا جَاءَ السَّحَرَةَ قَالُوا لِفِرْعَوْنَ أَئِن لَّنَا أَجْرًا إِن كُنَّا نَحْنُ الْغَالِبِينَ ﴿٤١﴾

41. Сеҳргарлар келган чоғларида Фиръавнга: «Агар биз ғолиб келгувчи бўлсак, бизга, албатта, ҳақ бериладими?» дедилар.

Ҳа, туғёнкор ҳокимлар ёллаган гумашталар фақат фойдаларини кўзлаб иш қиладилар. Ҳар бир ишларидан бирор нарса ундириб олишга уринадилар.

Сеҳргар гумашталаридан бу саволни эшитган Фиръавн хурсандлик билан жавоб берди:

قَالَ نَعَمْ وَإِنَّكُمْ إِذًا لَّ مِنَ الْمُقَرَّبِينَ ﴿٤٢﴾

42. У : «Ҳа! У ҳолда сиз, албатта, энг яқинларимдан бўласиз», деди.

Хоҳишини амалга оширганларга, унга холис хизмат қилганларга ҳақ бериш туғёнкорга ҳузур бағишлайди. Лекин туғёнкорнинг фикрича, гумашталар учун энг олий мукофот уларни ўзига яқин қилиб олишдир. Чунки, туғёнкор ҳаммани ҳам ўзига яқин олавермайди. Фақат синовдан ўтиб, ишончини тўла оқлаганларнигина ўзига яқинлаштиради. Бу эса, гумашталар учун айрича улкан мукофот бўлади. Фиръавн Мусо алайҳиссаломга қарши ҳал қилувчи жангга кириш олдида турган сеҳргарларга ўша энг олий мукофотни ваъда қилди.

Туғёнкор билан унинг гумашталари орасидаги савдо тутаганидан сўнг:

قَالَ لَهُم مُوسَى الْقَوْمَ مَا أَنْتُمْ مُلْقُونَ ﴿٤٣﴾

43. Мусо уларга: «Сиз ташлайдиган нарсангизни ташланг», деди.

Роббул олабийн ёрдамидан кўнгиллари тўқ бўлган Мусо алайҳиссаломнинг бу гапларидан сеҳргарлардан ва уларнинг сеҳрларидан заррача тап тортмаётганлари билиниб турибди.

فَالْقَوْمَ جِبَاهَهُمْ وَعِصِيَهُمْ وَقَالُوا بَعْزَةُ فِرْعَوْنَ إِنَّا لَنَحْنُ الْغَالِبُونَ ﴿٤٤﴾

44. Бас, улар арқонлари ва асоларини ташладилар ва «Фиръавннинг иззати билан қасамки, албатта, биз ғолиблармиз», дедилар.

Сеҳргарлар бу қасамлари билан яна ҳам Фиръавнга яқинроқ бўлишни кўзладилар.

فَأَلْقَى مُوسَى عَصَاهُ فَإِذَا هِيَ تَلْقَفُ مَا يَأْفِكُونَ ﴿٤٥﴾

45. Сўнгра Мусо асосини ташлаган эди, бирдан у уларнинг уйдирмаларини юта бошлади.

Сеҳргарлар арқон ва асоларини ташлаганида, улар одамларнинг кўзига илонга ўхшаб ҳаракатланиб кўринган, аммо илонга айланмаган, сеҳргарларнинг найранги туфайлигина кишилар кўзига шундай кўринган эди, холос. Мусо алайҳиссалом асоларини ташлаганларида эса, у ҳақиқий аждарга айланиб, Фиръавн сеҳргарларининг асо ва арқонларини юта бошлади.

فَأَلْقَى السَّحْرَةَ سَجْدِينَ ﴿٤٦﴾

46. Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида йиқилдилар.

قَالُوا يَا رَبِّ الْعَالَمِينَ

47. Улар: «Роббул олабийнга иймон келтирдик.

رَبِّ مُوسَىٰ وَهَارُونَ

48. Мусо ва Ҳоруннинг Роббига», дедилар.

Сеҳр моҳиятини яхши билган сеҳргарлар Мусо алайҳиссалом сеҳргар эмас, Аллоҳнинг Пайғамбари эканликларини у зотнинг асо-лари ерга тушиб, аждарҳога айланиши билан дарҳол англаб етдилар. Бу мўъжизани кўришлари билан иймонга келдилар. Ўзларини ерга отиб, сажда қилдилар ва:

«Роббул олабийнга иймон келтирдик. Мусо ва Ҳоруннинг Роббига», дедилар».

Бу ҳол Фиръавн ва унинг аъёнлари учун катта мусийбат эди. Чунки, сеҳргарлик ўша пайтда Мисрда энг обрўли иш бўлиб, уни фақат ибодатхоналарни бошқариб турувчи коҳинларгина қилар эди. Ҳам диний арбоблик, ҳам сеҳргарлик эътибори ила халқ орасида уларнинг обрўлари катта эди. Халқнинг эргашувчанлигидан тугён-кор ҳокимлар жуда қаттиқ қўрқардилар. Шунинг учун, доимо уларни «ўзиники» қилиб олишга ёки йўқотиб юборишга интилардилар.

Сеҳргарларнинг дарҳол иймонга келишидан Фиръавннинг аччиғи чиқди ва уларни йўқ қилиб юборишини эълон этди.

قَالَ آمَنْتُمْ لَهُ قَبْلَ أَنْ أَدْعَاكُمْ إِنَّهُ لَكَبِيرِكُمْ الَّذِي عَلَّمَكُمُ السِّحْرَ فَلَسَوْفَ تَعْلَمُونَ
لَا قِطْعَانَ أَيْدِيكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ مِّنْ خَلْفٍ وَلَا صُلْبَتَكُمْ أَجْمَعِينَ

49. У : «Мен сизга изн бермасимдан олдин унга иймон келтирдингиз! Албатта, у сизга сеҳр ўргатган каттангиздир! Энди тезда биласиз, мен, албатта, қўл-оёғингизни қарама-қарши томонидан кесажақман ва барчангизни осажақман», деди.

Халқнинг бўйнига миниб олган тугёнкор подшоҳ ўзини ҳамма нарсага ҳақли ҳисоблайди. Хоҳласа, беради, хоҳласа, уради, ман қилади, қамайди, отади, чопади ва ҳоказо. Каттаю кичик ҳар бир иш ўзининг изни билан бўлиши керак, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам, Фиръавн ўз ихтиёри билан Аллоҳга иймон келтирган сеҳргарларга:

«Мен сизга изн бермасимдан олдин унга иймон келтирдингиз!» деб бақирмоқда.

Демак, Аллоҳга иймон келтиришни истаган бечора халқ аввал ундан изн сўраши, сўнгра иймон келтириши лозим экан.

Энди Фиръавннинг Аллоҳга иймон келтирган сеҳргарларга айб қўйишига назар солайлик.

«Албатта, у сизга сеҳр ўргатган каттангиздир!»

Яъни, Мусо сизнинг устозингиздир.

Аслида, сеҳргарлар илоҳий мўъжизани ўз кўзлари билан кўргач, Фиръавнга қўшилиб заллатда юрганликларини тўла тушунган, ҳақиқатни англаб етиб, иймонга келган эдилар. Аммо Фиръавн уларни жиноятчи деб эълон қилмоқда. Устозлари билан келишиб олиб, ҳокимни шарманда қилиб, қўлидан ҳукми тортиб олишга уринишда айбламоқда. Бу гапларни халқ оммаси олдида айтаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақ йўлга, Аллоҳнинг йўлига юрган кишиларни халойиққа жиноятчи қилиб кўрсатмоқда. Айни чоқда, ўзига қарши бўлган ҳар қандай одам шафқатсизларча жазоланишини эълон этиб, халқни кўрқитмоқда.

«Энди тезда биласиз, мен, албатта, қўл-оёғингизни қарама-қарши томонидан кесаҷакман ва барчангизни осаҷакман», деди.»

Туғёнкор подшоҳнинг одати шу. Одамлар ҳақиқатни англаб, туғёнкорнинг иши қалбаки эканини тушуниб қолса, улар ўзига қанчалик яқин бўлса ҳам, қанчалик хизмат қилса ҳам, туғёнкор золим ҳоким уларни йўқ қилиш пайдан бўлади. Мана, Фиръавн ҳам ўзининг садоқатли хизматкорларига, ҳозиргина ундан катта-катта ваъдалар олган сеҳргарларга Аллоҳга иймон келтирганлари учун қўл-оёқларини қарама-қарши томонидан кесиб, дорга осишини эълон қилиб турибди. Лекин ҳақиқатни англаб етган, қалби иймон нури ила ёришган инсон бундай дўқ-пўписадан кўрқмайди. Иймонга келган сеҳргарлар ҳам бу таҳдидларга парво қилмай, Фиръавнга ҳақиқий мўмин айтадиган жавобни айтдилар.

قَالُوا لَا ضَيْرَ إِنَّا إِلَىٰ رَبِّنَا مُنْقَلِبُونَ ﴿٥٠﴾

50. Улар: «Зарари йўқ. Албатта, биз Роббимизга қайтгувчимиз.»

إِنَّا نَطْمَعُ أَنْ يَغْفِرَ لَنَا رَبُّنَا خَطِيئَاتِنَا إِنَّ كُنَّا مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٥١﴾

51. Мўминларнинг аввалгиси бўлганимиз учун Роббимиз хато-ларимизни кечиришидан умид қиламиз», дедилар.

Яъни, эй, Фиръавн, сен қўл-оёқларимизни қарама-қарши томонидан кесасанми, осасанми ёки бошқа ишларни қиласанми, хоҳлаганингни қилавер. Бунинг бизга

«Зарари йўқ».

Нима қилсанг ҳам, энди сенга қайтиш йўқ.

«Албатта, биз Роббимизга қайтгувчимиз.»

Асл ҳақиқатни энди тўла тушуниб етдик. Энди биз сенинг мукофотларингга ҳам, бизни ўзингга яқинлардан қилиб олишингга ҳам заррача қизиқмаймиз. Биз:

«Мўминларнинг аввалгиси бўлганимиз учун Роббимиз хатола-римизни кечиршидан умид қиламиз», дедилар».

Қалби ҳақиқий иймон ила нурафшон инсон ана шундай юксак даражага етади. Фақат Аллоҳнинг розилигини кўзлаб қолади. Хатолари мағфират бўлиши йўлини излаб қолади. Унга дунёнинг энг машҳур подшоҳларига яқин бўлиш ҳам қизиқ эмас. Дунёдаги энг қонхўр подшоҳ таҳдиди ҳам қўрқинчли эмас. Ҳақиқий иймон кишини шунчалик ўзгартириб юборади. Ҳозиргача Фиръавнга топиниб келган, ҳозиргина ундан мукофот кутиб, унинг иззати билан қасам ичган сеҳргарлар иймонга келишлари билан туғёнкор подшоҳдан заррача қўрқмай қўйдилар. Иймонлари йўлида ўлимга ҳам тайёр эканликларини баралла айтиб турибдилар.

Ана шундай, иймон доимо куфр ва туғённинг устидан ғолиб чиқади. Сеҳргарлар билан Мусо алайҳиссалом орасидаги мубораза ҳам иймоннинг куфр ва туғён устидан ғалабаси намоишига айланиб кетди.

Аммо куфр ва туғён ўзидаги моддий имкониятлар ҳамда куч-қувватни иймонга қарши ишлатаверади. Фикрий, ақлий, мантиқий ва илмий баҳсларда мағлуб бўлган Фиръавн юзидаги пардани шармандаларча сидириб ташлаб, иймон аҳлини жисмонан йўқ қилишга ўтди.

Шунда Аллоҳ таолонинг ўзи Мусо алайҳиссаломга йўл кўрсатди.

﴿ وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ أَن أَسْرِ بِعِبَادِيٰ إِنَّكَ مُتَّبَعُونَ ﴿٥٢﴾ ﴾

52. Ва Мусога: «Бандаларим билан кечаси йўлга чиқ. Албатта, таъқиб этилурсиз», деб ваҳий юбордик.

Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларни Пайғамбар қилиб юбораётганида, иккинги бораверинг, мен сизлар билан биргаман, деган эди. Шунинг учун ҳам, қиссанинг бошидан охиригача ушбу ҳолат ва ҳаловат алоҳида сезилиб туради. Мана, Фиръавн Мусо алай-ҳиссалом ва Бани Исроилни тамоман йўқ қилиб ташлаш учун

тайёргарлик кўриб, аскар тўплаётганида, Аллоҳнинг ўзи Мусо алай-ҳиссаломга зарур йўлни кўрсатди.

«Бандаларим билан кечаси йўлга чиқ.»

Яъни, тунда Бани Исроил қавмини олиб йўлга чиқ. Чунки, кўпчилик билан кундузи йўлга чиқсанг, душман дарҳол сезиб қолади. Кечаси эса, ҳамма уйқуда бўлади, тун зулматида ҳамроҳларингни биров кўрмайди. Шундай бўлса ҳам,

«Албатта, таъқиб этилувсиз».

Яъни, душман изингиздан тушади. Ортингиздан қувиб боради. Эҳтиёт бўлинг.

فَأَرْسَلَ فِرْعَوْنَ فِي الْمَدَائِنِ حَاشِرِينَ ﴿٥٣﴾

53. Бас, Фиръавн шаҳарларга тўпловчилар юборди:

Яъни, Фиръавн шаҳарларга аскар тўплаш учун одам юборди. Шу билан бирга, шаҳарларга кетган вакиллар Мусо алайҳиссаломга эргашган мўминларга қарши ташвиқот ишлари ҳам олиб борар эдилар. Жумладан, улар қуйидагиларни айтардилар:

إِنَّ هَؤُلَاءِ لَشِرْذِمَةٌ قَلِيلُونَ ﴿٥٤﴾

54. «Шубҳасиз, анавилар озгина тоифадирлар.

Тугёнкор подшоҳларнинг тарғибот усули шундан иборатки, улар доимо рақибларини иложи борича оз, ўзларининг тарафдорларини кўп қилиб кўрсатишга уринади. Тарихчиларнинг айтишича, ўша пайтда Мусо алайҳиссалом билан бирга бўлган бани исроилликлар сони олти юз минг экан. Бу адад ўша вақт мезони билан ўлчанганда жуда катта ададдир. Шунинг учун ҳам, Фиръавн шаҳарларга одам юбориб, оммавий сафарбарлик эълон қилмоқда ва, айтиш чоқда, худди ўша вакиллар орқали мўминларга қарши ташвиқот ўтказмоқда. Одатда, тугёнкор ҳукмдорлар иймонли кишиларга қарши ташвиқот юритишда, уйдирмалар тўқишда ҳар бир сўзга эътибор берадилар, ўзаро маслаҳатлашиб, кейин сафсатани бошлайдилар. Фиръавннинг одамлари мўминлар ҳақида нима деяётганларига бир назар солиб кўрайлик.

«Анавилар...»

Номлари ҳам айтилмайди, «Аллоҳга иймон келтирганлар» ҳам дейилмайди, «Мусога эргашганлар» ҳам дейилмайди. Шунингдек, «биздан юз ўтирганлар» ҳам дейилмайди. «Анавилар», дейилади, холос.


«Озгина тоифадирлар.»

Лекин «озгина»нинг қанчалигини айтмайдилар. Олти юз минг, десалар, сир фош бўлиб қолишидан қўрқадилар. Улар ўзларича ишни жуда пухта қилдик деб ўйлайдилар. Аслида эса, ишни равсо қилаётганларини билмайдилар. Ўзлари: «Анавилар озгина тоифадирлар» деганларида, халқ «Ундай бўлса, нега оммавий сафарбарлик эълон қилиб, одам тўплаб юрибсизлар?» деб қолишини ўйламайдилар. Ўйласа ҳам, менга нима, буйруқни бажаряпман-да, деб айтаверадилар. Вакиллар халқ ичида ташвиқотни давом эттирадилар.



55. Албатта, улар бизни ғазаблантиргувчилардир.

Лекин оз бўлсалар ҳам, аччиғимизни чиқарадилар, холос.




56. Албатта, биз ҳаммамиз ҳушёрмиз», деб.


Яъни, ҳаммамиз ҳушёр турамыз, анавиларга ўхшаганларга хоҳлаганларини қилишга йўл қўймаймиз.

Улар шундай қилиб, хўжайинларини ҳам, халқни ҳам, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам алдаб юраверадилар. Вақти-соати етиб, Аллоҳнинг балосига йўлиққанларида, ҳамма гаплари, барча ташвиқотлари пуч эканлиги аён бўлади.

Фиръавн ва унинг қавмининг оқибати ҳам шундай бўлди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло келаси оятларда хабар бериб, бундай дейди:



57. Бас, Биз уларни чиқардик, боғ-роғлар ва булоқлардан.



58. Хазиналар ва муҳтарам маскандан.

Яъни, Фиръавн ва унинг қавмини сўлим боғ-роғларидан ва сув ичаётган булоқларидан, ишлатиб турган хазиналаридан ва ҳашаматли масканларидан чиқардик. Ҳаммасини ҳалок қилдик.

كَذَلِكَ وَأَوْرَثْنَاهَا بَنِي إِسْرَائِيلَ ﴿٥٩﴾

59. Ана шундай. Ўша (нарс)ларни Бани Исроилга мерос қилиб бердик.

Яъни, ўша боғ-роғлар, булоқлар, хазиналар ва гўзал маскан Фиръавн ва унинг қавмидан кейин Бани Исроилга мерос бўлиб қолди.

Ниҳоят, Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн ҳамда унинг қавми орасида бўлиб ўтган воқеаларнинг охирига келамиз. Бу кўринишни Аллоҳ таоло қуйидаги оятларда тасвирлайди:

فَاتَّبِعُوهُمْ مُشْرِقِينَ ﴿٦٠﴾

60. Бас, уларни қуёш чиқиш пайтида қувиб етдилар.

Яъни, Фиръавн ва унинг лашкарлари Мусо алайҳиссалом ва у кишига эргашганларни қуёш чиқиш пайтида қувиб етдилар.

فَلَمَّا تَرَآءَ الْجَمْعَانَ قَالَ أَصْحَابُ مُوسَىٰ إِنَّا لَمَدْرُكُونَ ﴿٦١﴾

61. Икки жамоат бир-бирларини кўрган чоғида, Мусонинг одамлари: «Энди қўлга тушдик», дедилар.

Узоқдан Фиръавннинг одамларини кўришлари билан Мусо алайҳиссалом билан кетаётган бани исроилликларнинг қалбларига ғулғула тушди. Ортларидан катта сонли аскар бостириб келмоқда, олдиларида денгиз турибди, қутулиб кетишга кўзлари етмай, тамом, энди қўлга тушдик, дедилар. Оддий инсон ўлчовига асосланиса, бу тўғри тахмин эди. Одатда, бундай пайтларда қочиб қутулиб бўлмайди. Аммо Мусо алайҳиссалом бошқа фикрда эдилар. У киши Роббул оламийн ўзлари билан биргалигини бир лаҳза ҳам ёдларидан чиқармадилар. Аллоҳ таолонинг ёрдамидан ноумид бўлмадилар. Бу хотиржамликлари бир неча бор синовдан ўтган хотиржамлик эди. Шунинг учун, Фиръавн аскарларининг бостириб келишини ҳам, денгиз йўлни тўсиб қўйишини ҳам, Бани Исроилнинг ваҳима кўтаришини ҳам у зот алайҳиссалом парволарига келтирмадилар. Бемалол, хотиржам гапирдилар.

قَالَ كَلَّا إِنَّ مَعِيَ رَبِّي سَيَهْدِينِ ﴿٦٢﴾

62. У (Мусо): «Йўқ! Албатта, Роббим мен билан, У менга тўғри йўлни кўрсатур», деди.

Энг таҳликали, энг умидсиз чоғларда ҳам ўзини йўқотмаслик, умидсизланмаслик мўмин кишига хос хусусиятдир. Чунки, ҳақиқий мўмин одам Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини, ўзига ёлборган бандасини қаровсиз ташлаб қўймаслигини яхши билади. Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссалом айтганларидек бўлиб чиқди. Аллоҳ таолонинг Ўзи у кишини тўғри йўлга бошлади. Буни Аллоҳ таоло қуйидагича баён қилди:

فَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ أَنْ أَضْرِبْ بِعَصَاكَ الْبَحْرَ فَانفَلَقَ فَكَانَ كُلُّ فِرْقٍ كَالطَّوْدِ الْعَظِيمِ ﴿٦٣﴾

63. Бас, Биз Мусога: «Асоинг билан денгизни ур», деб ваҳий қилдик. Бас, у (денгиз) бўлиниб, ҳар бўлаги улкан тоғдек бўлди.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Ўзи мўъжиза қилиб берган асо билан денгизни уришга амр этди. Мусо алайҳиссалом асо билан денгизни урдилар. Денгиз иккига бўлинди. Икки бўлак ҳам улкан тоғдек бўлиб туриб қолди. Мусо алайҳиссалом ва Бани Исроил учун Қизил денгиздан ўтиб кетишга йўл очилди.

وَأَزَلْفَنَّا ثَمَّ الْآخِرِينَ ﴿٦٤﴾

64. Ва кейин бошқаларни ҳам яқинлаштирдик.

Яъни, денгиз бўлингандан кейин бошқаларни, яъни, Фиръавн ва унинг аскарларини ҳам денгизга яқинлаштирдик.

Бу нарса уларнинг денгизда фарқ бўлишлари учун қилинди.

وَأَنْجَيْنَا مُوسَىٰ وَمَنْ مَعَهُ أَجْمَعِينَ ﴿٦٥﴾

65. Мусо ва унга эргашганларга, ҳаммаларига нажот бердик.

Улар денгизда очилган йўлдан нариги қирғоққа ўтиб олдилар.

ثُمَّ أَغْرَقْنَا الْآخِرِينَ ﴿٦٦﴾

66. Сўнгра бошқаларни фарқ қилдик.

Сўнгра, Бани Исроил изидан қувиб келаётган Фиръавн ва унинг аскарлари денгиз бағрига тўлиқ тушиб бўлганларидан кейин, улкан тоғдек ҳайбат-ла тўхтаб турган денгиз яна ҳаракатга келиб, ҳаммаларини фарқ этиб, ҳалок қилди.

إِنَّ فِي ذَلِكَ لآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿٦٧﴾

67. Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.

وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿٦٨﴾

68. Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир.

Бу икки оят тафсири юқорида келди. Шунингдек, сурадаги ушбу икки оят саккиз марта такрорланиши ҳам айtilган эди.

Энди Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссалари келади.

وَأَتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ إِبْرَاهِيمَ ﴿٦٩﴾

69. Ва уларга Иброҳимнинг хабарини тиловат қилиб бер.

Яъни, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, Макка аҳлига Пайғамбаримиз Иброҳим алайҳиссаломнинг хабарини ўқиб бер.

إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ مَا تَعْبُدُونَ ﴿٧٠﴾

70. Ўшанда у отаси ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқдасизлар?» деган эди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг оталари ҳам, қавмлари ҳам нотўғри йўлдан бориб, буту санамларга ибодат қилар эдилар. Иброҳим алайҳиссалом буни яхши билар эдилар. Шунинг учун, у кишининг:

«**Нимага ибодат қилмоқдасизлар?**» деган саволлари, аслида, инкор этиш учун берилди. Иброҳим алайҳиссаломнинг саволларига жавоб қуйидагича бўлди:

قَالُوا نَعْبُدُ أَصْنَامًا مَّا فَنَظَلُّ لَهَا عَاقِبِينَ ﴿٧١﴾

71. Улар: «Санамларга ибодат қилмоқдамиз. Ва уларга ихлос ила ибодат қилишда бардавом бўлурмиз», дедилар.

Тош ёки бошқа нарсдан инсон юзига ўхшатиб ишланган бутга «санам» дейилади.

Иброҳим алайҳиссаломнинг саволларига у кишининг қавмлари:

«Санамларга ибодат қилмоқдамиз», деб жавоб беришларидан, уларнинг ўзлари худога эмас, санамларга сиғинаётганларини тан олганлари билиниб турибди. Шу билан бирга, улар залолатдан қайтиш ниятлари йўқлигини фахр-ла эълон қилмоқдалар.

«Ва уларга ихлос ила ибодат қилишда бардавом бўлурмиз.»

Улар, Иброҳим алайҳиссалом санамларга ибодат қилишни тарк этишни таклиф қилиб қолиши мумкин, дея олдиндан жавобни айтиб қўймоқдалар. Ақл ишлатмай, бир нарсага муккасидан кетишнинг оқибати доимо шундай бўлади.

Бу оятларда айниқса Макка мушрикларига қарши катта зарба бор. Улар ўзларини Иброҳим алайҳиссаломнинг меросхўрлари, у зот қурган Каъбатуллоҳнинг мутасаддилари ҳисоблаб, бошқалар олдида фахрланиб юрар эдилар. Ҳақиқат эса, бутунлай бошқача бўлиб чиқмоқда. Иброҳим алайҳиссалом ҳеч қачон бут-санамларга сиғинган эмаслар, балки уларга қарши курашиб ўтганлар. Макка мушриклари эса, бут-санамларга ибодат қиладилар. Улар, ҳатто, Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг амри билан қурган Каъбатуллоҳнинг атрофини бут-санамлар билан тўлғазиб юборганлари етмаганидек, ичига ҳам уч юз олтмишта бутни олиб кириб қўйганлар. Аллоҳ таолонинг охирги Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тавҳидга чақирсалар, бутун вужудлари билан қарши чиқиб турибдилар. Қандай қилиб, Иброҳим алайҳиссаломнинг энг яқин атбоъларимиз, деб даъво қила оладилар? Ҳеч бўлмаса, ушбу оятлардан ибрат олсинлар.

Иброҳим алайҳиссалом қавмларидан санамларга ибодат қилишда бардавомлик қарорини эшитгач, уларга қуйидаги саволни бердилар:

قَالَ هَلْ يَسْمَعُونَكُمْ إِذْ تَدْعُونَ

72. У : «Илтижо қилганингизда улар сизни эшитадиларми?»

أَوْ يَنْفَعُونَكُمْ أَوْ يَضُرُّونَ

73. Ёхуд наф ёки зарар етказа оладиларми?» деди.

«Худо» дегани ҳеч бўлмаганда, ўзига илтижо қилаётган одамнинг сўзини эшитиши керак. Сизнинг санамларингиз:

«Илтижо қилганингизда улар сизни эшитадиларми?»

Қолаверса, «Худо» деган зот ўзига топинганларга фойда, инкор қилганларга зарар етказиши ҳам керак, ахир. Унинг фойдасидан

умидвор бўлиб, зарар етказишидан эҳтиёт бўлиб, унга ибодат қилса, ярашади. Хўш, сизнинг санамларингиз:

«...наф ёки зарар етказа оладиларми?»

Улар Иброҳим алайҳиссаломнинг бу ҳаққоний саволларига тўғридан-тўғри жавоб бермадилар. Чунки, жавоб беришса, ўзлари шарманда бўлишлари аниқ. Санамлари уларнинг илтижосини эшитмаслиги ҳаммага маълум. Ўзлари тош ёки ёғочдан йўниб ясаб олган ҳайкаллари нимани ҳам эшитарди? Шунингдек, у санамлар мушрикларга ҳам, ўзларига ҳам фойда-зарар етказа олмайдилар. Жонсиз нарса қандай қилиб фойда ёки зарар етказсин?

Мушриклар санамларга ибодатлари сабабини пардали қилиб баён этдилар:

قَالُوا بَلْ وَجَدْنَا آٰبَاءَنَا كَذٰلِكَ يَفْعَلُوْنَ ﴿٧٤﴾

74. Улар: «Йўқ, биз ота-боболаримизнинг шундай қилаётганларини кўрдик», дедилар.

Яъни: йўқ, санамлар бизнинг илтижоларимизни эшитмайдилар, бизга фойда ҳам, зарар ҳам етказмайдилар. Аммо ота-боболаримизнинг санамларга шундай ибодат қилаётганларини кўрдик ва биз ҳам уларга ўхшатиб ибодат этмоқдамиз, дедилар.

Бунинг отини кўр-кўрона тақлид дейилади. Ўз ақлини ишлатмай, бировга тақлид қилавериш оқилона тасарруфли одамнинг иши эмас.

Иброҳим алайҳиссалом мушриклардан бу жавобни эшитгач, уларга ўйиб-ўйиб оладиган гапларни айтдилар:

قَالَ اَفَرءَيْتُمْ مَّا كُنتُمْ تَعْبُدُوْنَ ﴿٧٥﴾

75. У : «Нимага ибодат қилаётганингизни билдингизми?!

اَنْتُمْ وَاٰبَاؤَكُمْ الْاَقْدَمُونَ ﴿٧٦﴾

76. Сиз ва қадимги оталарингиз?!

Яъни, нимага ибодат қилаётганингизни ҳеч ўйлаб кўрдингизми, ўзи?

فَاِنَّهُمْ عَدُوٌّ لِّيْ اِلَّا رَبُّ الْعٰلَمِيْنَ ﴿٧٧﴾

77. Албатта, Роббул олабийндан бошқа уларнинг барчаси менга душмандир», деди.

Иброҳим алайҳиссалом санамлар ҳеч бир ишга қодир эмаслигини мушрикларга билдириб қўйиш учун улар ўзларига душман эканлигини кўпчилик олдида ошкора эълон этдилар.

Сўнгра уларга Роббул олабийн бўлган Аллоҳ таолони васф қилишга ўтдилар:

الَّذِي خَلَقَنِي فَهُوَ يَهْدِينِ ﴿٧٨﴾

78. У мени яратган Зотдир. Бас, мени ҳидоят қиладиган ҳам Унинг Ўзи.

Мени йўқдан бор қилган зот ўша Роббул олабийндир. Энди мени тўғри йўлга ҳам Ўша зотнинг Ўзи бошлайди.

وَالَّذِي هُوَ يُطْعِمُنِي وَيَسْقِينِ ﴿٧٩﴾

79. Ва мени таомлантирадиган ва суғорадиган ҳам, Унинг Ўзи.

Менинг ризқимни Унинг Ўзи беради. Ўша Роббул олабийннинг Ўзи мени едириб, ичиради.

وَإِذَا مَرَضْتُ فَبُهِدْتُ فَهُوَ يَشْفِينِ ﴿٨٠﴾

80. Бемор бўлганимда менга шифо берадиган ҳам Унинг Ўзи.

Тафсирчи уламоларимиз шу ўринда Иброҳим алайҳиссалом улкан одоб намунасини кўрсатганларини эслатиб ўтадилар. Ул зот бемор бўлишни ўзларига, шифо беришни Аллоҳ таолога нисбат бердилар. Зотан, банданинг беморлиги ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси ила бўлади.

وَالَّذِي يُمِيتُنِي ثُمَّ يُحْيِينِ ﴿٨١﴾

81. Мени ўлдирадиган, сўнгра тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзи.

Бу дунёда жонимни олиб ўлдирадиган ҳам, у дунёда қайта тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзидир.

وَالَّذِي أَطْمَعُ أَنْ يَغْفِرَ لِي خَطِيئَتِي يَوْمَ الدِّينِ ﴿٨٢﴾

82. Ва менинг хатоимни қиёмат куни мағфират қилишидан умидвор бўлганим ҳам Унинг Ўзи.

Чунки, у кунда Роббул оламийдан ўзга ҳукмдор бўлмайди. Фақат Унинг Ўзигина ҳукм чиқаради. Бандаларни мағфират қилиш ҳам фақат унинг ихтиёрида бўлади.

Демак, мушриklarнинг илтижони эшита олмайдиган, фойда ёки зарар келтира олмайдиган санамларидан фарқли ўлароқ, Роббул оламиий ҳамма нарсага қодирдир. У одамларни ва бошқа нарсаларни йўқдан бор қилиб яратади, ҳидоятга солади, таомлантиради, сув беради, даволайди, ўлдиради, қайта тирилтиради, қиёмат куни мағфират қилади.

Шунинг учун, санамлардан воз кечиб, Роббул оламиийга ибодат қилиш керак. Фақат Унинг Ўзига илтижо этиш лозим.

Бу ишда Иброҳим алайҳиссалом ўрнак кўрсатдилар. Ул зот мушриklarга Аллоҳ таолонинг сифатларини айтиб бўлганларидан кейин Роббиларига дуо қила бошладилар:


 رَبِّ هَبْ لِي حُكْمًا وَالْحَقْنَ بِالصَّالِحِينَ

83. Эй Роббим, менга ҳикмат ҳадя эт ва мени солиҳларга қўшгин.

Эй Роббим, менга ҳикмат – илм бергин, у билан тўғрини нотўғридан, яхшини ёмондан, фойдани зарардан ажратадиган бўлай.

«...ва мени солиҳларга қўшгин.»

Иброҳим алайҳиссалом улуғ Пайғамбар бўла туриб, Аллоҳдан ўзларини аҳли солиҳларга қўшишини сўрашлари улкан камтаринлик намунаси. Айни чоқда, у зот аҳли солиҳларнинг мартабасини ҳам кўтармоқдалар.


 وَأَجْعَلْ لِي لِسَانَ صِدْقٍ فِي الْآخِرِينَ

84. Ва менга кейин келгувчилар ичида содиқ мақтовлар бўладиган қилгин.

Яъни, ўтиб кетганимдан кейин ҳам одамлар мени қиёматгача яхшилик билан эслаб юрадиган қилгин.


 وَأَجْعَلْنِي مِنْ وَرَثَةِ جَنَّةِ النَّعِيمِ

85. Ва мени наъийм жаннати ворисларидан қилгин.

Яъни, мени неъматли жаннатга киритгин.

وَأَغْفِرْ لِأَيِّ إِنَّهُ كَانَ مِنَ الضَّالِّينَ ﴿٨٦﴾

86. Ва отамни мағфират қил. Албатта, у адашганлардан бўлди.

Иброҳим алайҳиссалом ўзларининг кофир оталари ҳақиқа, отанинг Аллоҳга душманлиги аён бўлмасидан олдин, дуо этиб мағфират сўраганлар.

وَلَا تُخْزِي يَوْمَ يُبْعَثُونَ ﴿٨٧﴾

87. Ва қайта тирилтириладиган кунда мени шарманда қилмагин.

Қиёмат кунда шарманда қилмагин.

يَوْمَ لَا يَنْفَعُ مَالٌ وَلَا بَنُونَ ﴿٨٨﴾

88. У кунда на мол манфаат берар ва на болалар.

Ҳа, у кунда иймон ва солиҳ амалдан бошқа ҳеч нарса фойда бермайди.

إِلَّا مَنْ أَتَى اللَّهَ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ ﴿٨٩﴾

89. Магар, ким Аллоҳ ҳузурига тоза қалб ила келса, (манфаат топар).

Келаси оятда ўша куннинг кўринишларидан баъзилари келтирилади.

وَأُزْلِفَتِ الْجَنَّةُ لِلْمُتَّقِينَ ﴿٩٠﴾

90. Ва жаннат тақводорларга яқинлаштирилди.

Яъни, жаннат бу дунёда иймону амали солиҳ билан, Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиб ўтган тақводорлар кўзларига кўрсатиб қўйилди.

وَبُرُزَتِ الْجَحِيمُ لِلْغَاوِينَ ﴿٩١﴾

91. Жаҳийм ивога учганларга зоҳир қилинди.

Дўзах шайтоннинг ифвосига учиб йўлдан озганларга кўндаланг қилиб қўйилди.

وَقِيلَ لَهُمْ آتِنَا مَا كُنْتُمْ تَعْبُدُونَ ﴿٩٢﴾

92. Ва уларга: «Ибодат қилиб юрган нарсаларингиз қани?!

مِنْ دُونِ اللَّهِ هَلْ يَنْصُرُونَكُمۡ أَوْ يَنْصُرُونَ ﴿٩٣﴾

93. Аллоҳдан ўзга. Улар сизга ёрдам бера олурларми ёки ўзларини қутқара олурларми?!» дейилди.

Яъни, у дунёда Аллоҳдан ўзга нарсаларга ибодат қилиб юрар эдингиз, ўшалар қани? Қаерда энди? Мана, қиёмат бўлди. Энди улар ёрдамга келиб, сизни қиёмат азобидан қутқара биладиларми?! Сизларни қутқариш тугул, қани, ўзларини қутқара оладиларми?

Албатта, улар бу саволларга жавоб бера билмайдилар.

فَكَبِّبُوا فِيهَا لَهُمُ وَالْغَاوُونَ ﴿٩٤﴾

94. Бас, улар, ифвога учганлар унга юзтубан ташландилар.

وَجَنُودِ إِبْلِيسَ أَجْمَعُونَ ﴿٩٥﴾

95. Ва иблиснинг аскарлари ҳаммалари биргаликда.

Яъни, жаҳаннамга ўша санамлар, шайтон ифвосига учиб уларга ибодат қилган мушриклар ва иблиснинг аскарлари, унга эргашганлар ҳамма-ҳаммаси оловга ташланган ўтиндек устма-уст тахлаб ташландилар.

Бундан ҳам баттарроқ хорлик бўлмаса керак.

Жаҳаннага юзтубан қилиб биргаликда ташланганларидан кейингина мазкур ифвога учганлар ва иблис аскарларининг кўзлари очилади. Ҳақиқатни англаб етганларидан сўнг,

قَالُوا هُمْ فِيهَا يَخْتَصِمُونَ ﴿٩٦﴾

96. Улар унинг ичида бир-бирлари ила хусумат қилар эканлар, дедилар:

Улар дўзахнинг ичида туриб бир-бирлари билан хусумат қилиш-ни бошладилар ва қуйидаги олти оятда келадиган сўзларни айтдилар:

تَاللّٰهِ اِنْ كُنَّا لَفِي ضَلٰلٍ مُّبِيْنٍ ﴿٩٧﴾

97. «Аллоҳга қасамки, албатта, биз очиқ-ойдин адашувда эканмиз.

У дунёда иймон келтирмай юрганимиз гафлат экан. Аллоҳга қасамки, биз беш кунлик ёруғ дунёдалик чоғимизда очиқ-ойдин залолатда бўлган эканмиз. Аммо буни билмай юрган эканмиз.

اِذْ نَسُوْكُمْ رَبِّ الْعٰلَمِيْنَ ﴿٩٨﴾

98. Чунки, сизларни Роббул олабийнга тенглаштираддик.

Эй, санамлар, Эй, иблиснинг аскарлари, сизларни оламлар эгаси Аллоҳ таолога шерик қилиб тенглаштирибмиз-а?!

وَمَا اَضَلَّنَا اِلَّا الْمُجْرِمُوْنَ ﴿٩٩﴾

99. Бизни фақат жинойтчилар йўлдан оздирдилар.

Биз ўзимизча йўлдан озганимиз йўқ, бизни ифвогарлар, ўзимиз йўлбошчи қилиб олган раҳбарлар – жинойтчилар йўлдан оздирдилар.

فَمَا لَنَا مِنْ شٰفِعِيْنَ ﴿١٠٠﴾

100. Мана энди биз учун шафоатчилар ҳам йўқ.

وَلَا صٰدِقٍ حَمِيْمٍ ﴿١٠١﴾

101. Бирон қадрдон дўст ҳам йўқ.

Биз у дунёда ишонганларнинг ўзларининг ишлари чатоқ бўлиб турибди. Бизга дўст бўлади, у дунёда шафоатчи бўлади, деб ўйлаганларимиз энди ўзимизга душман ва зиддимизга гувоҳ бўлиб турибдилар.

فَلَوْ اَنَّ لَنَا كَرَّةً فَنَكُوْنُ مِنَ الْمُؤْمِنِيْنَ ﴿١٠٢﴾

102. Қани энди ортга қайтсагу мўминлардан бўлсак.»

Яъни, кошки эди, ёруғ дунёга қайтсак, яна қайтадан у ерда яшаш имконига эга бўлсак, албатта, мўминлардан бўлар эдик.

Дўзахнинг азобини кўргандан кейин бундай орзу қилишнинг нима фойдаси бор?!

Мушрикларнинг афсус-надоматга тўла сўзлари баёнидан сўнг бундай қиссалардан кўпларнинг ибрат олмаслигини ҳамда Аллоҳнинг азизу меҳрибонлигини таъкидловчи икки оят такрор келади:

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُّؤْمِنِينَ

103. Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.

وَإِنَّ رَبَّكَ هُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ

104. Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир.

Энди эса, Нуҳ алайҳиссаломнинг қиссаларини баён этувчи оятлар келади:

كَذَّبَتْ قَوْمُ نُوحٍ الْمُرْسَلِينَ

105. Нуҳ қавми Пайғамбарларни ёлғончи қилди.

Гарчи бу қавм биргина Нуҳ алайҳиссаломни ёлғончи қилган бўлса ҳам, оятда жамийки Пайғамбарларни ёлғончи қилдилар, дейилмоқда. Чунки, Аллоҳнинг Пайғамбарлари бир оила аъзоларига ўхшайди, улардан биттасини инкор этган барчасига куфр келтирган билан баробар бўлади.

إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ نُوحٌ أَلَا نُنْقِوْنَ

106. Ўшанда уларга биродарлари Нуҳ деди: «Қўрқмайсизми?!

Яъни, эй қавмим, нимага буту санамларга ибодат қилмоқдасиз? Аллоҳ таолодан қўрқмайсизми?!

إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ

107. Албатта, мен сизларга ишончли Пайғамбарман.

Таъкидланган гап шулки, мен сизларга Аллоҳ таоло томонидан юборилган ишончли Пайғамбарман. Мен ҳеч қачон хиёнат қилмайман, алдамайман, ёлғон гапирмайман, Аллоҳдан келган амрни сизга омонат ила етказаман.

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا

108. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.

Яъни, сизлар бу дунёда Аллоҳга тақво қилиб: У зотнинг амрларини бажо этиб, наҳйиларидан қайтиб ҳаёт кечиринг. Аллоҳнинг ҳақ Пайғамбари бўлганим учун, У зотнинг амр ва наҳйиларини сизларга етказиб турганим учун, менга итоат қилинг.

وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ

109. Мен сизлардан бунинг учун ҳақ – ажр сўрамайман. Менинг ажрим фақатгина Роббул олабийннинг зиммасидадир.

Яъни, мен динга қилган даъватим учун сизлардан ҳақ сўрамайман. Бу динга кирсак, молу мулкимизни сарфлашимиз лозим бўлар, деган мулоҳазага ҳам борманг. Менга Аллоҳ таоло берадиган ажр етади.

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا

110. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар».

Ҳар бир шариатда Аллоҳдан қўрқиш ва Пайғамбарга итоат қилиш асос бўлгани учун ушбу амр яна такрорланди.

Нуҳ алайҳиссаломнинг барча Пайғамбарларга хос содда ва таъсирчан даъватларини эшитган қавм, барча кофирларга хос мантиқсиз, аҳмоқона жавобни бердилар:

قَالُوا أَنْتُمْ مِنْ لَكَ وَاتَّبَعَكَ الْأَرْدَلُونَ

111. Улар: «Сенга пасткашлар эргашиб турган ҳолда, биз сенга иймон келтирармидик?!» дедилар.

Яъни, қандай қилиб сенга иймон келтирайлик, ҳолбуки, сенга камбағал ялангоёқлар эргашиб юрибди-ку?!

Одатда, илоҳий даъватларни аввало камбағаллар қабул этиб, иймон келтирадилар. Чунки, дунё уларни машғул қилиб қўймайди. Шунингдек, мансаб, молу дунёларидан айрилиб қолишдан ҳам қўрқмайдилар. Янги динга кириш орқали қадр-қийматларини топишни ўйлайдилар. Улар илоҳий таълимотлар адолат ўрнатиши, зулмни кўтариши ва ҳаммага бир хил муносабатда бўлишдан умид қиладилар.

Илоҳий даъват бойваччаларга ёқмайди. Улар ҳар нарсани ўз қаричлари билан ўлчайдилар. Аллоҳнинг динида ҳам уларга махсус имтиёзлар берилишини талаб қиладилар. Улар ортидан камбағаллар эргашган Пайғамбарларга иймон келтиришдан бош тортадилар.

Нух алайҳиссаломнинг қавмлари ҳам худди шу ишни қилди. Ул зотга камбағаллар эргашгани учун иймон келтирмасликларини айтдилар. Бунга жавобан Нух алайҳиссалом уларга илоҳий таълимот ҳамда Пайғамбарнинг вазифасини баён қилиб бердилар.

قَالَ وَمَا عَلِمِي بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١١٢﴾

112. У деди: «Менинг улар нима қилаётганлари ҳақида илмим йўқ.»

Яъни, мен одамларнинг нима иш қилишларини, мартабаларини, ижтимоий ҳолатларини суриштириб ўтирмайман. Мен барчани баробар динга чақиравераман. Майда-чуйдани суриштириш менинг ишим эмас.

إِنْ حَسَابُهُمْ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّي لَوْ تَشْعُرُونَ ﴿١١٣﴾

113. Агар сезсангиз, уларнинг ҳисоби фақат Аллоҳнинг зиммасидадир.

Фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина одамларнинг сир-асрорларини, ниятларини, қилаётган ишларини ва бошқа икир-чикирларини тўлиқ билади, шунинг асосида ҳисоб-китоб қилади.

وَمَا أَنَا بِطَارِدِ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١١٤﴾

114. Ва мен мўминларни ҳайдаб юборгувчи эмасман.

Менинг учун мўмин бўлса, бас. Бойми, камбағалми, кучлими, кучsizми — фарқи йўқ.

إِن أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿١١٥﴾

115. Мен фақат очиқ-ойдин огоҳлантиргувчиман, холос».

Менинг вазифам одамлар ҳақида маълумот тўплаш эмас, балки уларни огоҳлантириш ҳамда динга даъват қилишдир.

Нуҳ алайҳиссаломдан бу гапларни эшитган кофир қавм ақлий тортишувда енгилиб, ўз одатларича, дўқ қилишга ўтдилар:

قَالُوا لَئِن لَّمْ تَنْتَهَ يَنْوُحْ لَتَكُونَنَّ مِنَ الْمَرْجُومِينَ ﴿١١٦﴾

116. Улар: «Эй Нуҳ, агар тўхтамасанг, албатта, тошбўрон қилинганлардан бўласан», дедилар.

Яъни, эй Нуҳ, динингга даъват қилишдан тўхтамасанг, тошбўронга учрайсан, дедилар.

قَالَ رَبِّ إِنَّ قَوْمِي كَذَّبُونِ ﴿١١٧﴾

117. У : «Эй Роббим, шубҳасиз, қавмим мени ёлғончи қилдилар.

فَأَفْنَحْ بَنِيَّ وَبَيْنَهُمْ فَتْحًا وَنَجِّنِي وَمَنْ مَعِيَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١١٨﴾

118. Бас, Ўзинг мен билан уларнинг орамизни яхшилаб очгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўминларга нажот бергин», деди.

Мазкур тортишувлар ва уларнинг сўнгидаги дўқ-пўписадан кейин Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмининг ўтакетган саркашлигини ҳамда залолатга маҳкам ёпишиб олганини, уларга ваъз-насиҳат таъсир қилмаслигини яна бир бор англаб етдилар. Шунинг учун ҳам, илтижо ила Аллоҳ таолога нидо айлаб:

«Эй Роббим, шубҳасиз, қавмим мени ёлғончи қилди. Бас, Ўзинг мен билан уларнинг орамизни яхшилаб очгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўминларга нажот бергин», деб дуо қилдилар.

Нуҳ алайҳиссалом, аввало, ҳолатни баён қилдилар.

«Эй Роббим, шубҳасиз, қавмим мени ёлғончи қилди», дедилар.

Эй Роббим, мен Сенинг амрларингни етказганимда, ўз қавмим мени ёлғончи қилди. У нобакор қавмнинг ҳидоятга юришидан умид узилди.

Кейин эса, Нуҳ алайҳиссалом Аллоҳ таолодан ўша нобакор қавм билан ўз ораларини очиқ қилиб қўйишни сўрадилар:

«Бас, Ўзинг мен билан уларнинг орамизни яхшилаб очгин...»

Улар билан орамизда ҳеч қандай алоқа қолмайдиган қилгин.

Ва ниҳоят, Нуҳ алайҳиссалом ўзларига ва у зотга эргашган мўминларга нажот сўрадилар:

«...ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўминларга нажот бергин», деб дуо қилдилар.

Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломнинг бу дуоларини қабул қилди.

Бу ҳақда келаси оятларда хабар беради:

فَأَنجَيْنَاهُ وَمَنْ مَعَهُ فِي الْفُلِّ الْمَشْحُونِ ﴿١١٩﴾

119. Бас, Биз унга ва у билан бирга бўлганларга тўлган кемада нажот бердик.

Яъни, Биз Нуҳ ва у билан бирга бўлган мўминларга одамлар ва ҳайвонлар ила тўлатилган кемада нажот бердик. Нажот кемасига ҳар бир турли ҳайвонлардан бир жуфт ва Нуҳ алайҳиссаломга эргашган оз сонли мўминлар чиқарилдилар. Дунёни Аллоҳнинг амри ила тўфон босганда ана ўша кемадагиларгагина Аллоҳнинг ўзи нажот берди.

ثُمَّ أَغْرَقْنَا بَعْدُ الْبَاقِينَ ﴿١٢٠﴾

120. Сўнгра, қолганларни ғарқ қилдик.

Қолганларнинг ҳаммасини тўфон сувига ғарқ этиб ҳалок қилдик.

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿١٢١﴾

121. Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.

وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿١٢٢﴾

122. Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир.

Энди келадиган оятларда Аллоҳ таоло Ҳуд алайҳиссаломнинг қиссаларини баён қилади:

كَذَّبَتْ عَادَ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٢٢﴾

123. Од қавми Пайғамбарларни ёлғончи қилди.

Бу қавм Яманнинг Ҳазарамавт томонидаги қумтепаликларда яшаб ўтган. Қиссалари олдинги сураларда ҳам бир неча бор келди.

Од қавми ўз Пайғамбари Ҳуд алайҳиссаломни ёлғончи қилган бўлса ҳам, барча Пайғамбарларни ёлғончи қилган ўрнида кўрил-моқдалар.

إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ هُودٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٢٤﴾

124. Ўшанда уларга биродарлари Ҳуд деди: « Қўрқмайсизлар-ми?!»

إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٢٥﴾

125. Албатта, мен сизларга ишончли Пайғамбарман.

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا ﴿١٢٦﴾

126. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.

وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٢٧﴾

127. Мен сизлардан бунинг учун ҳақ – ажр сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина Роббул олаимийн зиммасидадир.

Ҳуд алайҳиссаломнинг ўз қавмларига қарата айтган гаплари шу жойгача Нуҳ алайҳиссаломнинг гапларининг айнан ўзи. Чунки, уларни юборган Роббилари бир, олиб келган таълимотлари бир, улар қилаётган даъват бир. Ҳар иккаласи ҳам Аллоҳга иймон келтириб, унга тақво қилишга ва Пайғамбарга итоат этишга чақирмоқда.

Кейинги оятларда Ҳуд алайҳиссаломнинг Од қавмига оид масалалар муолажаси ҳақида айтган гаплари келади:

أَتَّبِعُونَ كُلَّ رِيعٍ أَيَّةَ تَغْيُثُونَ ﴿١٢٨﴾

128. Ҳар тепаликка бир белги бўладиган бино қуриб, беҳуда ўйин қилаверасизми?

وَتَتَّخِذُونَ مَصَانِعَ لَعَلَّكُمْ تَخْلُدُونَ ﴿١٢٨﴾

129. Ва худди мангу туражақдек «маснаълар» тутасиз.

Ушбу оятдаги «маснаълар» сўзи ҳозирги араб тилида завод-фабрикалар маъносида ишлатилмоқда. Қадимда, албатта, ҳозиргидек иншоотлар бўлмаган. Шунинг учун ҳам, қадимги тафсирилримизда бу сўзга баланд қасрлар, сув омборлари, баланд қўрғонлар маъноси берилган. Асрдош тафсирчиларимиз эса, Од қавми улкан қасрлар қуриш, тоғларни ўйиб ишлаш ва бошқа фахр учун кўтарадиган биноларида фойдаланадиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарадиган ишхоналарга эга эди, «масонеълар»дан мурод ўшалар, дейдилар. Биринчи оятда қурилишларга доир очиқ-ойдин маъно бор. Шунинг учун, ушбу иккинчи тафсир асослироқ бўлиб чиқади.

Од қавми жисмоний жиҳатдан етук, баланд қоматли, жуда бақувват ва соғлом одамлар бўлганлар. Шунингдек, ақлий жиҳатдан ҳам улар ўткир зеҳнли, теран ақли бўлиб, ҳамма уларга ҳавас қилган. Аммо улар мазкур неъматларни тўғри йўлда ишлатмадилар. Фурурга кетиб, ҳовлиқдилар ва: «Биздан кучлироқ ким бор?!» деб мақтандилар. Беш кунлик дунё матоҳига берилдилар. Улар ҳашамат, фахр ва бир-бирларидан ўзиш учун бекордан-бекорга улкан қасрлар, турли керакли-кераксиз иншоотлар бино қилдилар. Шундай ишларга берилиб кетиб, Аллоҳни унутдилар ва турли ёмонликларга қўл урдилар. Жумладан, моддий куч-қувватлари ила бошқаларга зулм ўтказдилар. Ҳуд алайҳиссалом сўзлари давомида ана шунга ҳам ишорат қилмоқдалар:

وَإِذَا بَطَشْتُمْ بَطَشْتُمْ جَبَّارِينَ ﴿١٣٠﴾

130. Тутганингизда ўта жабрчи бўлиб тутдингиз.

Яъни, бошқа одамларни ушлаган пайтларингизда уларга нисбатан ўта жабр ўтказдингиз. Зулм қилдингиз.

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا ﴿١٣١﴾

131. Бас, Аллоҳдан қўрқинг ва менга итоат қилинг.

وَاتَّقُوا الَّذِي أَمَدَّكُمْ بِمَا تَعْلَمُونَ ﴿١٣٢﴾

132. Сизга ўзингиз билган нарса ила мадад берган Зотдан қўрқинг.

Аллоҳ сизга нималар ила мадад берганини ўзингиз яхши била-сиз, улар олдингизда турибди. Ўша зотдан қўрқинг, Унга тақво қилинг. Агар Аллоҳ сизга нима ила мадад берганини унутган бўлсангиз, эсингизга солай.

أَمَدَّكُمْ بِأَنْعَامٍ وَبَنِينَ ﴿١٣٣﴾

133. У сизларга чорва ҳайвонлари ва фарзандлар ила мадад берди.

وَحَتَّتِ وَعْيُونٍ ﴿١٣٤﴾

134. Боғ-роғлар ва булоқлар ила.

Ушбу ояти каримада Ҳуд алайҳиссалом ўз қавмларига Аллоҳ таоло уларнинг ўзларига алоҳида берган неъматларидан тўрттасини зикр қилмоқдалар:

- 1) «чорва ҳайвонлари»;
- 2) «фарзандлар»;
- 3) «боғ-роғлар»;
- 4) «булоқлар».

إِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٣٥﴾

135. Мен, албатта, сизга улув куннинг азоби келишидан қўрқаман».

Ҳуд алайҳиссаломнинг тошни ҳам эритиб юборадиган бу сўзларига Од қавми қуйидагича жавоб берди.

قَالُوا سَوَاءٌ عَلَيْنَا أَوَعَضْتَ أَمْ لَمْ تَكُنْ مِنَ الْوَاعِظِينَ ﴿١٣٦﴾

136. Улар: «Биз учун ваъз қилсанг ҳам ёки ваъз қилгувчилардан бўлмасанг ҳам, бари бир.

Яъни, эй Ҳуд, сен бизга ваъз-насиҳат қиласанми, қилмайсанми, бари бир, биз иймонга келмаймиз, сенга эргашмаймиз.

إِنَّ هَذَا إِلَّا خُلُقُ الْأَوَّلِينَ ﴿١٣٧﴾

137. Бу эскиларнинг одати, холос.

Сенга ўхшаб турли-туман гапларни айтавериш эскиларнинг одати, холос. Уларга ишониб бўлмайди. Шунингдек, сен айтаётганга ўхшаб,

وَمَا نَحْنُ بِمُعَذِّبِينَ ﴿١٣٨﴾

138. Биз азоблангувчи эмасмиз», дедилар.

Яъни, бизга қанча гапирсанг ҳам, барибир, ҳеч қачон сен айтган йўлдан юрмаймиз. Қадимдан шундай бўлиб келган. Бу қилмишимиз учун, сен айтаётганингдек, азобланмаймиз ҳам, дедилар.

فَكَذَّبُوهُ فَأَهْلَكَنَّهُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١٣٩﴾

139. Улар у(Ҳуд)ни ёлғончи қилдилар. Бас, Биз уларни ҳалок қилдик. Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.

وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿١٤٠﴾

140. Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир.

Албатта, ҳар бир инсон, жамоа, қавм, эл-юрт ва миллат бу қиссалардан ибрат, эслатма олиши зарур. Ўтган салафи солиҳларимиз бу ишни ўрнига қўйганлар.

Бу ҳақда Ибн Абу Ҳотим Абдуллоҳ ибн Утбадан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Абу Дардо розияллоҳу анҳу мусулмонлар иморатларга зеб бериб, дов-дарахт кесишга тушиб қолганларини кўрганда, масжидга кириб: «Эй, аҳли Дамашқ!» деб бақирдилар. Одамлар унинг атрофида тўпланишди. Шунда Абу Дардо розияллоҳу анҳу Аллоҳга ҳамду сано айтгандан кейин: «Ҳаё қилмайсизларми?! Уялмайсизларми?! Емайдиган нарсаларингизни тўпламоқдасизлар! Ўзингиз яшамайдиган бинолар қурмоқдасизлар! Ўзингиз билмаган нарсаларни умид қилмоқдасизлар! Сиздан олдинги асрларда ўтганлардан тўплаб

жойлаштирадиганлар, пишиқ қилиб қурадиганлар умидни узун э-
диганлар бўлган эди! Бас, умидлари ғурурга айланди. Тўплаганлари
балога, масканлари қабрга айланди. Ҳой, огоҳ бўлинглар! Од қавми
от-уловга, Адан билан Умон орасига молик бўлган эдилар. Ким мен-
дан Однинг меросини икки дирҳамга сотиб олади?!» деган эканлар.

Албатта, улкан саҳобий Абу Дардо розияллоҳу анҳу даврларида-
ги ҳойи ҳавасга берилиш билан ҳозиргиси орасида ер билан осмон-
чалик фарқ борлигини ва бугун Абу Дардо розияллоҳу анҳуга ўхшаш
даъватчилар мутлақо йўқлигини эътиборга олсак, дунё қандай ха-
тар олдида турганини тушуниб етамиз.

Хусусан, Фарбдаги моддапараст давлатларнинг бугунги аҳволи
Од қавми ҳолига айнан ўхшашлиги хатар яна ҳам кучли эканини
кўрсатади.

Эндиги оятларда эса, Солиҳ алайҳиссалом қиссалари келади:

كَذَّبَتْ ثَمُودُ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٤١﴾

141. Самуд (қавми) Пайғамбарларни ёлғончи қилди.

Самуд қавми Шом ва Ҳижоз орасидаги Ҳижр деган жойда яшаб
ўтгандир. Уларнинг қиссалари олдинги сураларда ҳам бир неча бор
эсланган эди.

إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ صَالِحٌ أَالآنْتَقُونَ ﴿١٤٢﴾

142. Ўшанда уларга биродарлари Солиҳ деди: «Қўрқмайсиз- ларми?!»

إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٤٣﴾

143. Албатта, мен сизларга ишончли Пайғамбарман.

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا ﴿١٤٤﴾

144. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.

وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٤٥﴾

145. Мен сизлардан бунинг учун ҳақ – ажр сўрамайман. Менинг ажрим фақатгина Роббул оламининг зиммасидадир.

Солиҳ алайҳиссаломнинг Самуд қавмига айтаётган бу гаплари ўтган бошқа Пайғамбарларнинг гапларига айнан ўхшайди. Энди Самуд қавмига хос гаплар бошланади:

﴿١٤٦﴾ أَتُزَكُّونَ فِي مَا هَلُّهُنَّ أَءَامِنِينَ

146. Сиз бу жойдаги нарсаларда омон ҳолда тарк қилина-сизми?!

﴿١٤٧﴾ فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ

147. Боғ-роғларда, булоқларда?!

﴿١٤٨﴾ وَزُرُوعٍ وَنَخْلٍ طَلَعَتْهَا هَضِيمٌ

148. Экинзорлару майин хурмозор ичларида-я?!

Аллоҳнинг Пайғамбари Солиҳ алайҳиссаломнинг ўз қавмларига айтаётган ушбу гапларидан, ул қавм ҳам моддапарастликка, молу дунё ва айшу ишратга берилган қавм бўлгани кўриниб турибди.

﴿١٤٩﴾ وَتَنْحِتُونَ مِنَ الْجِبَالِ بُيُوتًا فَرِهِينَ

149. Ва тоғлардан манманлик-ла уйлар йўнаверасизми?!

Самуд қавми ҳозирги аҳли дунёларга – моддапарастларга ўхшаб ўзларидаги мавжуд дунё матоҳлари ила манманлик қилишни хуш кўрар эдилар. Уларнинг манманлик қилишларининг кўзга кўринган соҳаси тоғ ёнбағирларидаги тошларни йўниб уй қилиш эди. Улар тоғнинг тошларини йўниб ич томонига кириб уйлар, қасрлар қилишар эдилар. Ана ўша уйлари ҳозиргача сақланиб қолган. Арабистон ярим ороли шимолида саёҳатчилар томоша қиладилар. Солиҳ алайҳиссалом ўз қавмларига ўша, манманлик учун тошдан уй йўнишларини ҳам танқид маъносида эслатмоқдалар.

﴿١٥٠﴾ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا

150. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.

Эй қавмим, сиз манманлик ва моддапарастлик ҳамда беҳуда айшу ишратни тарк қилиб, Аллоҳ таолога тақво қилинглар ва менга итоат қилинглар.

وَلَا تُطِيعُوا أَمْرَ الْمُسْرِفِينَ ﴿١٥٠﴾

151. Ва ер юзида исрофчиларнинг ишига итоат қилманглар.

الَّذِينَ يَفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ وَلَا يُصْلِحُونَ ﴿١٥١﴾

152. Ер юзида бузғунчилик қиладиган, ислоҳ этмайдиганларнинг».

Солиҳ алайҳиссаломнинг куюниб айтган бу гапларига жиноятчи Самуд қавми қуйидаги жавобни берди:

قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مِنَ الْمُسَحَّرِينَ ﴿١٥٢﴾

153. Улар: «Сен, албатта, сеҳрланганлардандирсан.

مَا أَنْتَ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا فَأْتِ بِآيَةٍ إِنْ كُنْتَ مِنَ الصَّادِقِينَ ﴿١٥٣﴾

154. Сен бизга ўхшаган башардан бошқа ҳеч нарса эмассан. Агар ростгўйлардан бўлсанг, мўъжиза келтир», дедилар.

Самуд қавми уларга Аллоҳнинг гапини етказган Пайғамбарлари Солиҳ алайҳиссаломга, сен алғов-далғов гапирмоқдасан, кўриниб турибдики сен аниқ сеҳрлангансан, деб туҳмат қилдилар.

«Улар: «Сен, албатта, сеҳрланганлардандирсан.»

Кофирлар наздида, Аллоҳнинг йўлига чақирувчилар доимо мажнун ёки сеҳрланган бўлиб кўринади.

«Сен бизга ўхшаган башардан бошқа ҳеч нарса эмассан.»

Уларнинг фикрича, башар Пайғамбар бўлиши мумкин эмас.

«Агар ростгўйлардан бўлсанг, мўъжиза келтир.»

Агар Пайғамбарлик даъвоинг рост бўлса, уни тасдиқлаш учун мўъжиза келтир, дейишди.

Самуд қавмининг бу талабига биноан, Аллоҳ таоло Солиҳ алайҳиссаломга мўъжиза берди.

Энди Солиҳ алайҳиссалом Самуд қавмига ўша мўъжизани эълон қилмоқдалар:

قَالَ هَذِهِ نَاقَةٌ لَهَا شِرْبٌ وَلَكُمْ شِرْبٌ يَوْمَ مَعْلُومٍ ﴿١٥٥﴾

155. У : «Мана бу туя. Унга (бир кун) сув ичиш ва сизга маълум бир кун сув ичиш.

وَلَا تَمْسُوها إِسْوَاءَ فَيَأْخُذْكُمْ عَذَابٌ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٥٦﴾

156. Ва унга ёмонлик етказманглар, унда, сизни улуф куннинг азоби тутадир», деди.

Бошқа оятларда баён этилганидек, Аллоҳ таоло томонидан мазкур туянинг тошдан чиқарилишининг ўзи мўъжиза бўлган эди.

Аллоҳнинг Пайғамбари Солиҳ алайҳиссалом Самуд қавмига ўша мўъжиза туяни кўрсатиб:

«Мана бу туя. Унга (бир кун) сув ичиш ва сизга маълум бир кун сув ичиш», демоқдалар.

Энди ўша мўъжиза туянинг Самуд қавми ичида туриш шарти қўйилди. Ўша юртдаги булоқдан бир кун туя, бир кун Самуд қавми сув ичади.

Шу билан бирга, яна бир шарт бор.

«Ва унга ёмонлик етказманглар, унда, сизни улуф куннинг азоби тутадир.»

Қавм туяга мутлақо зарар етказмаслиги керак. Агар бу шартни бузиб туяга зарар етказадиган бўлсалар, уларга азоб етиши турган гап.

Аммо жинояткор қавм шартга амал қилмади.

فَعَقَرُوها فَأَصْبَحُوا نَدِيمِينَ ﴿١٥٧﴾

157. Бас, у(туя)ни сўйдилару надомат чекувчига айландилар.

Самуд қавми туғёнга кетиб, туяни сўйдилар. Кейин эса, надомат чека бошладилар. Аммо вақт ўтган, энди унинг фойдаси йўқ.

فَأَخَذَهُمُ الْعَذَابُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١٥٨﴾

158. Бас, уларни азоб тутди. Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.

وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿١٥٩﴾

159. Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир.

Ҳа, Самуд қавми қиссасида кўпгина белгилар бор. Айниқса, азобга учраган ўша қавмга ўхшаб модда кетидан қуваётган, турли ҳойи ҳавасларга берилган бугунги одамлар улардан ибрат олиши жуда ҳам зарур.

Эндиги оятларда Лут алайҳиссалом қиссалари келади:

كَذَّبَتْ قَوْمُ لُوطٍ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٦٠﴾

160. Лут қавми Пайғамбарларни ёлғончи қилди.

Улар Ўлик денгиз яқинидаги шаҳар-қишлоқларда яшаганлар. Лут қавмининг қиссаси ўтган сураларда батафсил ўрганилган. Ҳозир эса, биз ўрганаётган «Шуаро» сураси сиёқига мос равишда келтирилмоқда.

إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ لُوطُ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٦١﴾

161. Ўшанда уларга биродарлари Лут деди: « Қўрқмайсизларми?!

إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٦٢﴾

162. Албатта, мен сизларга ишончли Пайғамбарман.

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا ﴿١٦٣﴾

163. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.

وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٦٤﴾

164. Мен сизлардан бунинг учун ҳақ – ажр сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина Роббул олаимийн зиммасидадир.

Шу ерда ҳамма Пайғамбарларнинг даъватига ўхшаш гаплар ту-габ, Лут алайҳиссалом қавмига хос гаплар бошланади:

آتَاتُونَ الذُّكْرَانَ مِنَ الْعُلَمَاءِ

165. Оламлар ичидан эркакларга борасизми?!

Яъни, эркаклар билан жинсий алоқа қиласизларми?! Бу ифлос ишни Лут қавмигача дунёда ҳеч ким қилмаганини олдин ҳам айтиб ўтилган эди. Лут алайҳиссаломнинг «оламлар ичидан» дейишларидан ҳам шу маъно ўз ифодасини топиб турибди.

وَتَذَرُونَ مَا خَلَقَ لَكُمْ رَبُّكُمْ مِنْ أَرْوَاحِكُمْ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ عَادُونَ

166. Ва Роббингиз сиз учун яратган жуфти ҳалолларингизни тарк қиласизми?! Йўқ!!! Сиз ҳаддан ошган қавмсиз.

Яъни, Роббингиз жинсий алоқа учун яратиб қўйган жуфти ҳалол аёлларингизни қўйиб, ўзингизга ўхшаш эр кишилар билан жинсий алоқа қиласизларми-а?!

«Йўқ!!! Сиз ҳаддан ошган қавмсиз.»

Сиз инсонлик чегарасидан чиққан қавмсиз. Агар сизда инсонгарчиликдан озгина бўлса, бу номаъқул ишни зинҳор қилмас эдингиз.

Лут алайҳиссаломнинг бу гапларига нобакор қавм аввалгидан ҳам шиддатлироқ жавоб бердилар. Очикроғи, уларнинг жавоби таҳдидга айланди.

قَالُوا لَيْنَ لَمْ تَنْتَه يَلُوطُ لَتَكُونَ مِنَ الْمُخْرَجِينَ

167. Улар: «Эй Лут, агар тўхтамасанг, албатта, ҳайдаб чиқарилганлардан бўласан!» дедилар.

Жинояткор қавм ўзини инсонлик шаънига тўғри келмайдиган ифлосликдан қайтарган Пайғамбарига дўқ урди. Ул зотга таҳдид қилиб, юртдан ҳайдаб чиқаришлари мумкинлигини айтди. Кофир, жиноятчи қавмга илоҳий даъватни етказувчиларга нисбатан доимо шундай муомалада бўлингани ўтган оятларда ҳам айтиб ўтилди.

Аммо Лут алайҳиссалом уларнинг дўқларидан қўрқмадилар.

قَالَ إِنِّي لِعَمَلِكُمْ مِنَ الْقَالِينَ

168. У : «Албатта, мен бу ишингизни ўта ёмон кўргувчиларданман.

رَبِّ نَجْنِي وَأَهْلِي مِمَّا يَعْمَلُونَ ﴿١٦٩﴾

169. Эй Роббим, менга ва аҳлимга қилаётган нарсаларидан нажот бергин!» деди.

Лут алайҳиссалом ҳам жиноятчи қавмдан жирканаётганликларини айтдилар ва, айна пайтда, Аллоҳдан уларнинг қилаётган кирдикорларидан нажот сўрадилар.

Аллоҳ таоло у зотнинг дуоларини қабул қилди.

فَجِئِنَاهُ وَأَهْلَهُ أَجْمَعِينَ ﴿١٧٠﴾

170. Бас, унга ва аҳлига, ҳаммаларига нажот бердик.

Яъни, Лутга ва унга аҳл бўлган оила аъзолари, мўмин-мусулмонларнинг ҳаммаларига жинояткор қавмга юборилган азобдан нажот бердик.

إِلَّا عَجُوزًا فِي الْغَابِرِينَ ﴿١٧١﴾

171. Магар (азобда) қолгувчилардан бўлган бир кампирга (нажот бермадик).

Бу кампир Лут алайҳиссаломнинг ўз хотинлари эди. У аёл Лут алайҳиссаломга Пайғамбар сифатида иймон келтирмаган эди.

ثُمَّ دَمَرْنَا الْأَخْرِينَ ﴿١٧٢﴾

172. Сўнгра қолганларини ер билан яксон қилдик.

Яъни, мазкур нажот топганлардан бошқа ҳаммаларини оммавий ҳалокатга дучор қилдик.

وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِمْ مَطْرًا فَسَاءً مَطْرُ الْمُنْذَرِينَ ﴿١٧٣﴾

173. Ва уларнинг устига бир ёмғир ёғдирдикки, бас, огоҳлантирилганларнинг ёмғири қандоқ ҳам ёмон бўлди.

Аллоҳ таоло уларнинг устига тошдан ёмғир ёғдириб, битта ҳам қўймай ҳалок этди.

Шунинг учун ҳам, Ҳанафий мазҳабидаги баъзи фақиҳлар: Лут алайҳиссалом қавми кирдикорини қилган баччавозларни тошбўрон қилиб ўлдириш керак, дейдилар.

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١٧٤﴾

174. Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.

وَإِنَّ رَبَّكَ لَهوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿١٧٥﴾

175. Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир.

Ҳа, Лут алайҳиссалом қавми қиссасида жуда катта оят ва белги бор. Инсонлар улардан ибрат олишлари, Аллоҳ ҳаром қилган ишларга яқинлашмасликлари, инсон табиатига зид нарсадан лаззат олишга уринмасликлари керак.

Энди Шуайб алайҳиссалом қиссалари келади:

كَذَّبَ أَصْحَابُ كَيْكَةِ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٧٦﴾

176. Қалин дарахтзор эгалари Пайғамбарларни ёлғончи қилдилар.

Араб тилида қалин дарахтзор — дарахтлари бир-бирига киришиб кетган ўрмон «айка» дейилади. Бу оятда зикри келаётган «**қалин дарахтзор**» Мадян ўлкасидир. Бу ўлка Ҳижоз билан Фаластин ўртасида, Ақаба кўрфазида жойлашган. У ерда дарахтлар қалин бўлиб, шохлари бир-бирига киришиб ўсади. Шунга кўра, «айка» номи билан ҳам аталади. Ўша ернинг қавмига Аллоҳ таоло Шуайб алайҳиссаломни Пайғамбар этиб юборди. Бу киши Мусо алайҳиссаломдан олдин келган Пайғамбар эдилар. Шуайб алайҳиссалом қиссасини бошқа ўринларда, жумладан, «Ҳижр» сураси тафсирида ҳам ўрганганмиз.

«Қалин дарахтзор эгалари Пайғамбарларни ёлғончи қилдилар.»

Аллоҳ юборган Пайғамбари Шуайб алайҳиссаломни ёлғончига чиқарган Айка халқини ҳамма Пайғамбарларни ёлғончи қилганликда айбламоқда. Чунки, аввал ҳам бир неча бор таъкидланганидек, Аллоҳнинг биргина Пайғамбарини рад этиш барча Пайғамбарларни инкор қилишга баробардир.

إِذْ قَالَ لَهُمْ شُعَيْبٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٧٧﴾

177. Ўшанда уларга Шуайб деди: «Қўрқмайсизларми?!

إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٧٨﴾

178. Албатта, мен сизларга ишончли Пайғамбарман.

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا ﴿١٧٩﴾

179. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглр.

وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٨٠﴾

180. Мен сизлардан бунинг учун ҳақ – ажр сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина Роббул олаимийн зиммасидадир.

Шуайб алайҳиссалом шу ергача бошқа Пайғамбар алайҳимуссаломлар ўз қавмларига айтган гапларни такрорладилар. Энди эса, Айка аҳолисига хос бўлган гапларни айтишни бошлайдилар.

﴿١٨١﴾ أَوْفُوا بِالْكَيْلِ وَلَا تَكُونُوا مِنَ الْمُخْسِرِينَ ﴿١٨١﴾

181. Бас, ўлчовни тўлиқ ўлчанглр ва камайтиргувчилардан бўлманглр.

Мадян халқи ичида олди-сотди пайтида ўлчовда алдаб, бировнинг ҳақини уриб қолиш авж олган эди. Уларнинг диёри савдо карвонлари ўтадиган асосий марказ бўлиб, у ерда савдо-сотик ривожланганди. Жинойткор қавм нафақат тарози ёки бошқа ўлчовларда, балки ҳар қандай муомалада кишиларнинг ҳақини уриб қолишда устаси фаранг эди. Нима қилиб бўлса ҳам, осонлик, алдаш ёки қўполлик йўли билан бировнинг молини ўзиники қилиб олишга уринар эдилар. Шунинг учун ҳам, Шуайб алайҳиссалом уларни бу муомалада адолат билан иш кўришга чақирмоқдалар.

﴿١٨٢﴾ وَزِنُوا بِالْقِسْطَاسِ الْمُسْتَقِيمِ ﴿١٨٢﴾

182. Ва тўғри тарози ила тортинг.

Демак, улар тарозини ҳам нотўғри ишлатганлар. Шуайб алай-ҳиссаломнинг аввал ўлчовни, кейин тарозини зикр қилишларидан, жиноятчи қавмнинг тарозидан уриб қолиши алоҳида аҳамият бериладиган иш эканлиги кўриниб турибди.

وَلَا تَبْخَسُوا النَّاسَ أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تَعْتُوا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿١٨٢﴾

183. Одамларнинг нарсаларини камайтириб берманг. Ер юзида турли бузғунчиликлар қилманг.

Яъни, одамларнинг нарсаларини бераётганда турли ҳийлалар билан уларнинг мол-мулки ва ҳақ-ҳуқуқидан уриб қолманг. Ҳамда бошқа турли-туман бузғунчиликларни қилманг.

وَاتَّقُوا الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالْجِبِلَّ الْأُولِينَ ﴿١٨٣﴾

184. Сизни ва аввалги насларни яратган Зотдан қўрқинг».

Ҳа, фақат Аллоҳдан қўрққандагина турли йўллар билан бошқаларнинг ҳақини ейишдан тийилиш мумкин. Мадян аҳолиси бировларнинг ҳақини ейишда турли услубларни қўллашган экан. Ўлчовдан ва тарозидан уриб қолишдан бошлаб, алдамчилик, қаллоблик, олиб қочиш, куч ишлатиб тортиб олиш каби иқтисодий жиноятларнинг ҳаммасини қилар эдилар. Албатта, бундай жиноятларга Аллоҳдан қўрқмайдиغانлар қўл уради.

Лекин Шуайб алайҳиссаломнинг насиҳатлари бу қавмга таъсир қилмади. Ул зотдан фойда олиш ўрнига, туҳмат қила бошладилар.

قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مِنَ الْمُسَحَّرِينَ ﴿١٨٤﴾

185. Улар: «Албатта, сен сеҳрланганлардансан.

وَمَا أَنْتَ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا وَإِن نَّظُنُّكَ لَمِنَ الْكَاذِبِينَ ﴿١٨٥﴾

186. Ва сен бизга ўхшаган башардан бошқа нарса эмассан. Биз сени, албатта, ёлғончилардан, деб биламиз.

فَأَسْقِطْ عَلَيْنَا كِسْفًا مِّنَ السَّمَاءِ إِن كُنْتَ مِنَ الصَّادِقِينَ ﴿١٨٦﴾

187. Агар ростгўйлардан бўлсанг, устимиздан осмоннинг бир бўлагини ташлавор», дедилар.

Ҳаром йўл билан, бели оғримай мол-дунё топганлар қутуриб кетадилар. Унча-мунча нарсани писанд қилмай, доимо осмондан келадилар. Худди шу ҳолни Шуайб алайҳиссаломнинг қавмлари Мада-ян аҳолисида кўриб турибмиз. Улар ўзларини ҳалокатдан қутқариш учун келган Аллоҳнинг Пайғамбари юзига қараб:

«Албатта, сен сеҳрланганлардансан», демоқдалар.

Яъни, сеҳр таъсирида ақл-ҳушинг йўқолиб, кирди-чиқди бўлиб қолган. Ҳозирги айтаётган гапларинг ҳам телба одамнинг гапига ўхшайди, демоқчилар. Ҳа, ҳаромхўрга ҳалоллик ҳақидаги гап жин-ниликка ўхшаб туюлади.

«Ва сен бизга ўхшаган башардан бошқа нарса эмассан.»

Уларнинг фикрича, ҳамма башар ўзларига ўхшаган ўғри, мут-таҳам бўлиши керак. Ҳалоллик, поклик ҳақида фақат фаришта га-пириши керак.

«Биз сени, албатта, ёлғончилардан, деб биламиз.»

Бировнинг ҳақини емаслик ва Аллоҳдан кўрқишга чақириш улар учун ёлғончиликдан иборат.

Улар ҳаромдан топган пуллари кучи билан ўзлари яшаётган ҳаромхўр жамиятда узатилган жойига қўллари етавериб, қутуриб кетишган. Ҳеч нарсадан кўрқмайдиган бўлиб қолишган. Шунинг учун ҳам, ҳеч тап тортмасдан Шуайб алайҳиссаломга:

«Агар ростгўйлардан бўлсанг, устимиздан осмоннинг бир бўла-гини ташлавор», дедилар».

Уларнинг бу гапларига Шуайб алайҳиссалом ўзига яраша жавоб бердилар.

قَالَ رَبِّيَ أَعْلَمُ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٨٨﴾

188. У : «Роббим қилаётган ишингизни ўта яхши билгувчидир», деди.

Ҳаммасини Аллоҳнинг Ўзи билиб турибди, Унинг Ўзи билиб тасарруф қилади.

فَكَذَّبُوهُ فَأَخَذَهُمْ عَذَابُ يَوْمِ الظُّلَّةِ إِنَّهُ كَانَ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٨٩﴾

189. Бас, улар у(Шуайб)ни ёлғончи қилдилар. Бас, уларни «со-ябон» куни азоби тутди. Албатта, у улуғ куннинг азоби эди.

«Соябон» куни дегани, уларнинг азобга дучор бўлишининг асосий воситасига ишорадир. Аллоҳ таоло Айка халқини азобга дучор этишни ирода қилганида ҳавони ўта иситиб юборди. Ҳаммаёқ қаттиқ исиб, нафас олиб бўлмайдиган даражага етди. Шунда пастлаб келатган булут пайдо бўлди. Булут уларга соябон бўлиб кўринди. Ҳаммалари ўзларини булут соясига урдилар. Жиноятчи қавмнинг ҳаммаси булут соясига кириб бўлгандан сўнг, бирдан чақмоқ чақиб, булутдан ўт-олов чиқиб уларни ҳалок этди.

Бу уларнинг манманлик ила ўз Пайғамбарлари Шуайб алайҳиссаломга: **«Агар ростгўйлардан бўлсанг, устимиздан осмоннинг бир бўлагини ташлавор»**, деганларига яраша жазо эди. Уларнинг устидан осмоннинг бир бўлаги эмас, бир парчагина булутнинг ичидан бало туширилди. Шу билан барчалари ҳалок бўлдилар.

إِنَّ فِي ذَلِكَ لآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُّؤْمِنِينَ

190. Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.

وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ

191. Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир.

Ҳа, Шуайб алайҳиссалом ва Айка соҳиблари қиссасида ажойиб ибрат бор. Айниқса, иқтисодий жиноятчилар ҳаддан ташқари кўпайган ҳозирги жоҳилият аҳли бундан ибрат олиши керак.

Шу билан ўтган Пайғамбарлар ва уларнинг қавмларининг қиссалари тугайди. Сурада Мусо, Иброҳим, Нух, Ҳуд, Солиҳ, Лут, Шуайб алайҳиссаломларнинг қавмлари билан бўлиб ўтган қиссалари ўзига хос услубда баён этилди. Бу қиссаларни ўрганиш давомида Аллоҳ юборган Пайғамбарлар силсиласи ўз даври одамларини бир хил даъват этганларини мулоҳаза қилдик. Қавмлар ичидан жиноятчи бўлганлари эса, Пайғамбар алайҳиссаломларга қарши туришда бир хил мавқифда бўлдилар. Шунингдек, оқибат ҳам бир хил бўлиб чиқди. Пайғамбарлар ва уларга эргашган мўминлар нажот топдилар. Кофир бўлганлар, жиноят қилганлар ҳалокатга учрадилар. Уларнинг ҳалокатининг сабаби ҳам Аллоҳдан қўрқмаслик ва Пайғамбарга итоат этмаслик эди.

Шу билан бирга, уларнинг бош жиноятдан, яъни, Аллоҳдан қўрқмаслик ва Пайғамбарга итоат қилмасликдан бошқа жиноятлари турлича бўлиб, улар ҳар бир қавмнинг ўзига хосдир.

Мусо алайҳиссаломга қарши чиққан қавмда шахсга сифиниш, сиёсий, ирқий зулм ва истибдод устун эди.

Иброҳим алайҳиссаломга қарши чиққан қавмда мушриклик, Аллоҳни қўйиб бошқа турли нарсаларга, хусусан бут-санамларга топиниш кучли эди.

Нуҳ алайҳиссаломга қарши чиққан қавмда, ушбу сурада кўрсатилишича, бева-бечора, камбағалларни одам ўрнида кўрмаслик, инсон қимматини молу дунё билан ўлчаш устун эди.

Ҳуд алайҳиссаломга қарши чиққан қавмда эса, дабдаба учун турли қасрлар, бинолар, иншоотлар қуриш, саноатчилик ишлари қилиб, улар билан фахрланиш, моддий устунлигини бошқаларга жабр ўтказишга ишлатиш жинояти кучли эди.

Солиҳ алайҳиссаломга қарши чиққан қавмда боғ-роғлар, булоқлар, экинзорлар, хурмозорлар каби хўжалик ишлари билан фахрланиш, уларга ўта берилиш устун эди.

Лут алайҳиссаломга қарши чиққан қавмда эса, ҳаром лаззатлардан ҳузурланиш кучли эди.

Шуайб алайҳиссаломга қарши чиққан қавмда турли ҳаром-ҳариш йўллар билан мол-дунё топиш жинояти устун эди.

Бу жиноятлари уларни охир-оқибатда ҳалокатга олиб келди. Аллоҳ таоло ибрат олишлари учун аҳли Маккага ва бутун инсониятга ўтган умматларнинг қиссаларини тиловат қилиб беришни Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга амр этди. Чунки, бу оятлар нозил бўлаётган пайтда Макка аҳлида мазкур жиноятларнинг ҳаммаси мавжуд эди.

Ушбу қиссалардан керакли ўғит ва ибрат олиш жуда ҳам зарур эди. Шунинг учун ҳам, ҳар қиссадан сўнг:

«Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар», «Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир» оятлари қайта-қайта такрорланди. Ўйлаб кўрадиган бўлсак, инсоният бутунги кунда ушбу қиссалардан ибрат олишга жуда ҳам мухтож. Бутунги кунда инсоният жамиятида ўша қиссаларда тилга олинган жиноятлар жуда кенг тарқалган. Бу эса, инсониятнинг бир эмас, бир неча бор ҳалокатга учраши учун етарлидир.

«Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.»

«Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир.»

Қиссалар тугаб яна суранинг аввалидаги мавзу, яъни, Қуръони Карим ҳақидаги гапга қайтилади.

192. Албатта, у (Қуръон) Роббул олабийннинг туширганидир.
Қуръонни Роббул олабийндан ўзга ҳеч ким туширмагандир.

نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ ﴿١٩٢﴾

193. Уни Рухул Амийн олиб тушди.

عَلَى قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنذِرِينَ ﴿١٩٣﴾

194. Сенинг қалбинга, огоҳлантиргувчилардан бўлишинг учун.

بِلِسَانٍ عَرَبِيٍّ مُبِينٍ ﴿١٩٤﴾

195. Очиқ-ойдин араб тилида.

Ушбу ояти каримадаги «**Рухул Амийн**»дан мурод, Қуръони Каримнинг бошқа жойларидаги каби, Жаброил фаришта алайҳиссалом; «**огоҳлантиргувчилардан**» дегани эса, «Пайғамбарлардан» деган маънони билдиради.

Бинобарин, ушбу уч оятнинг маъноси қуйидагича бўлади: Эй Муҳаммад, Қуръонни Жаброил сенинг қалбинга Пайғамбарлардан бўлишинг учун равшан араб тилида олиб тушди.

Ушбу васфлардан келиб чиқиб, Қуръон илмлари бўйича мутахассис олимлар Қуръони Каримни Аллоҳнинг Жаброил орқали Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига туширган мўъжиза каломидир, деб таърифлайдилар. Шунга биноан, Аллоҳнинг каломидан бошқа нарса Қуръон бўлмайди. Жаброил алайҳиссалом Аллоҳнинг каломини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига олиб тушса ва унда мўъжиза бўлса, Қуръон ҳисобланади. Агар Аллоҳнинг каломини Жаброил алайҳиссалом Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига олиб келса-ю, мўъжизалиги бўлмаса, ҳадиси қудсий саналади. Шунингдек, оятда Қуръон «**очиқ-ойдин араб тилида**» эканлиги ҳам таъкидланмоқда. Қуръони Карим бошқа тилга ўтирилса, Қуръонлиги қолмайди. Унинг бирор сўзини бошқа бир арабча сўз билан алмаштирилса ҳам, Қуръонлиги қолмайди. Шундай бўлгандан кейин, «ўзбекча Қуръон», «тожикча Қуръон» ёки шу каби ибораларни қўллаш мутлақо нотўғридир. Уларга «Қуръони Карим маъноларининг ўзбекча ёки тожикча таржимаси» дейилади.

Кейинги оятларда ҳам Қуръони Каримнинг васфи давом этади:

وَإِنَّهُ لَفِي زُبُرِ الْأَوَّلِينَ ﴿١١٦﴾

196. Албатта, у (Қуръон) аввалгиларнинг китобларида ҳам бордир.

Яъни, Қуръоннинг зикри, унинг эгаси бўладиган Пайғамбарнинг зикри аввалги умматларнинг илоҳий китобларида ҳам бордир.

أَوَلَمْ يَكُنْ لَهُمْ آيَةٌ أَنْ يَعْلَمَهُ عُلَمَاءُ بَنِي إِسْرَائِيلَ ﴿١١٧﴾

197. Уни Бани Исроил уламоларининг билишлари улар учун далил эмасми?!

Макка мушриклари аҳли китобларнинг уламоларига, хусусан, Бани Исроил олимларига кўп нарсаларни биладиган шахслар деб қарашар, баъзида уларнинг айтган гапларини ўзлари учун ҳужжат, далил сифатида қабул қилишар эди. Аммо Абдуллоҳ ибн Саломга ўхшаш Бани Исроил уламолари Қуръони Карим ва Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг зикрлари уларнинг китобларида борлигини айтсалар ҳам, мушриклар қабул қилмадилар. Ушбу оятда уларнинг ана шу гумроҳликлари инкор этилмоқда.

وَلَوْ نَزَّلْنَاهُ عَلَىٰ بَعْضِ الْأَعْجَمِينَ ﴿١١٨﴾

198. Агар Биз уни баъзи ажамийларга нозил қилсак.

فَقَرَأَهُ عَلَيْهِمْ مَا كَانُوا بِهِ مُؤْمِنِينَ ﴿١١٩﴾

199. Бас, у уларга уни ўқиб берса ҳам, унга мўмин бўлмас эдилар.

Яъни, уларнинг асли чатоқ. Эй ҳабибим, гап сенда ёки сенга тушган Қуръонда эмас. Хафа бўлма. Асосий гап мушрикларнинг асли чатоқлигида. Уларда Қуръонга иймон келтириш нияти умуман йўқ.

Агар Биз Қуръонни сендан бошқага, араб бўлмаган бир одамга туширганимизда ҳам, улар иймонга келмас эдилар.

كَذَلِكَ سَلَكْنَاهُ فِي قُلُوبِ الْمُجْرِمِينَ ﴿١٢٠﴾

200. Биз у(Қуръон)ни жинойтчилар қалбларига ана шундай йўлладик.

Яъни, Биз Қуръонни мушриклар қалбига ана шундай тарзда йўлладик. Улар уни эшитадилар, маъноларини тушунадилар, фасоҳат, балоғат борасидаги нозик нуқталарини фарқлаб биладилар, аммо иймон келтирмай юравадилар.

لَا يُؤْمِنُونَ بِهِ حَتَّىٰ يَرَوُا الْعَذَابَ الْأَلِيمَ ﴿٢٠٠﴾

201. Улар унга то аламли азобни кўрмагунларича иймон келтирмаслар.

Аламли азобни кўрганларида, улар ҳам иймон келтирадилар, аммо кеч бўлади.

فِي آتِيهِمْ بَعْتَةٌ وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٢٠١﴾

202. Бас, уларга у(азоб) тўсатдан келур. Улар сезмай қолурлар.

Улар ҳаёти дунёга маст бўлиб, ғафлат босиб, бепарво юравадилар. Аллоҳнинг азоби эса тўсатдан келади. Бир томондан ғофиллик, иккинчи томондан азобнинг тўсатдан келиши сабабидан улар ўзларига етган мусийбатни сезмай қоладилар.

فَيَقُولُوا هَلْ نَحْنُ مُنظَرُونَ ﴿٢٠٢﴾

203. Шунда улар: «Бизга муҳлат берилармикан?!» дейдилар.

Уларга қаёқдан муҳлат берилсин. Энди вақт ўтди. Уларга азоб келганидан сўнг, бизга муҳлат берилармикан, иймонга келиб, солиҳ амал қилиб олсак, дейдилар. Аммо бу дунёда юрганларида, истехзо билан, ўша азоб қачон келади, келадиган бўлса тезроқ келмайдими, демоқдалар.

أَفِعْدَا إِنَّا يَسْتَعْجِلُونَ ﴿٢٠٣﴾

204. Бизнинг азобимизнинг тезроқ келишини истайдиларми-я?!

Йўқ! Улар азобга йўлиқишни мутлақо истамайдилар. Лекин бир кун келиб ўша азобга дучор бўлишларига ишонмаганлари учун ўзларини бошқача тутадилар, холос.

Эй Пайғамбарим!

أَفْرَيْتَ إِنْ مَتَّعْنَاهُمْ سِنِينَ

205. Айтгин-чи, агар Биз уларни йилларча ҳузурлантирсак-да.

ثُمَّ جَاءَهُمْ مَا كَانُوا يُوعَدُونَ

206. Сўнгра уларга ваъда қилинган нарса келса.

مَا أَغْنَىٰ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَمْتَعُونَ

207. Ўша ҳузурланиб юрган нарсалари нимага асқотур?!

Охири вой бўлган ҳузурнинг нима кераги бор? Афсуски, одамлар буни тушуниб етмайдилар. Беш кунлик дунёнинг ўткинчи ҳузур-ҳаловатини деб у дунёнинг абадий азоб-уқубатини сотиб оладилар. Бу дунёдаги бутун ҳузур-ҳаловатни у дунёнинг бир лаҳзалик азоб-уқубати босиб кетади.

«Айтгин-чи, агар Биз уларни йилларча ҳузурлантирсак-да...»

Борингики, улар умр бўйи нима ҳузур бўлса, ўшанга кўмилиб ўтган бўлса...

«...сўнгра уларга ваъда қилинган нарса келса...»

Яъни, қиёматдаги дўзах азоби келса.

«...ўша ҳузурланиб юрган нарсалари нимага асқотур?!»

Жаҳаннамнинг заррача азобини улардан қайтара оладими? Бундай бўлиши тугул, ўша азобни кўрганларидаёқ ҳузур-ҳаловатнинг ҳаммаси ёдларидан чиқиб кетади.

Ушбу ояти карима тафсирида Ҳофиз ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи қуйидаги саҳиҳ ҳадисни келтирадилар:

«Қофир олиб келиниб жаҳаннам оловига киритиб чиқарилади-да, сўнгра унга:

«Ҳеч яхшилик кўрганмисан? Ҳеч неъмат кўрганмисан?» дейилади. У эса:

«Эй Роббим, Аллоҳга қасамки, кўрмаганман», дейди.

Кейин дунёда энг қийинчилик тортиб ўтган одам келтирилиб жаннатга бир тушириб олинади-да, сўнгра унга:

«Ҳеч қийинчилик кўрганмисан?» дейилади. У эса:

«Эй Роббим, Аллоҳга қасамки, кўрганим йўқ», дейди.

Бандалар шунчалик гумроҳлик қилсалар ҳам, Аллоҳ таоло одилона тасарруфда бардавом бўлавериши келаси оятларда баён этилади:

وَمَا أَهْلَكْنَا مِنْ قَرْيَةٍ إِلَّا لَهَا مُنْذِرُونَ ﴿٢٠٨﴾

208. Биз бирон шаҳар-қишлоқни ҳалок қилган бўлсак, албатта, унинг огоҳлантиргувчилари бўлган.

Яъни, олдин огоҳлантиргувчи — Пайғамбарлар юбормай туриб, бирон шаҳар ёки қишлоқни ҳалок қилганимиз йўқ. Аслида, бандаларнинг исёнкорлиги ҳалок қилиш учун етарли эди. Аммо, яна ҳам аниқроқ бўлсин учун, Аллоҳ таоло исёнкорларга Пайғамбар юбориб уларни огоҳлантиришни топширади. Огоҳлантириш ҳам фойда бермаганидан кейингина улар ҳалок қилинади. Уларни бундай ҳалокатга учратиш:

ذِكْرَىٰ وَمَا كُنَّا ظَالِمِينَ ﴿٢٠٩﴾

209. Эслатма бўлиши учундир. Биз зулм қилгувчи бўлмагандик.

Яъни, ўша осийларни ҳалок қилишимиз бошқаларга эслатма бўлиши керак. Токи бошқалар ҳам улардан ўрнак-ибрат олиб, уларнинг исёнларини такрорламасинлар.

Бу ишда адолат бор. Амалига яраша жазо бериш зулм эмас.

Кейинги оятда яна Қуръон мавзуига қайтилади. Мушрику кофирларнинг бу илоҳий китобга нисбатан қилган баъзи туҳматларига раддия берилади:

وَمَا نَنْزَلَتْ بِهِ الشَّيَاطِينَ ﴿٢١٠﴾

210. У(Қуръон)ни шайтонлар олиб тушганлари йўқ.

Мушриклар даъво қилаётганларидек, Қуръонни шайтонлар олиб тушганлари йўқ. Уларнинг бу гаплари бўҳтондан иборат.

وَمَا يَنْبَغِي لَهُمْ وَمَا يَسْتَطِيعُونَ ﴿٢١١﴾

211. Бунга уларнинг имконлари йўқ ва унга қодир ҳам эмаслар.

Шайтонларнинг табиати ёмонлик асосига қурилган. Улар фақат ёмонлик этиш имконига эга, улар фақат ёмонлик қилишга қодир, холос. Қуръон эса, бошдан-оёқ яхшилик, ҳикмат, илм-маърифат ва илоҳий таълимотлар билан тўла. Демак, Қуръонни шайтонлар олиб тушди, деган гапнинг асоси йўқ. Қолаверса, шайтонлар осмон ха-

барларидан баъзисини эшитиш имконидан маҳрум қилинганлар. Бу ҳақда келгуси оятда шундай дейилади:

إِنَّهُمْ عَنِ السَّمْعِ لَمَعَزُولُونَ ﴿٢١٢﴾

212. Албатта, улар эшитишдан четлатилгандирлар.

Яъни, жин-шайтонлар само хабарларини эшитишдан четлатилгандирлар. Улар баъзи хабарларни эшитиш учун осмонга яқинлашсалар, олов отилиб қувлайдиган этиб қўйилган. Қандай қилиб улар Қуръондек покиза нарсани Аллоҳдек улуғ зот ҳузуридан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдек зотнинг қалбларига олиб тушиши мумкин?! Сўнгра Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб бошланади:

فَلَا تَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ فَتَكُونَ مِنَ الْمُعَذَّبِينَ ﴿٢١٣﴾

213. Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қилма. Йўқса, азобланганлардан бўласан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳга ширк келтиришлари мутлақо мумкин эмас. Аммо бу оятда ширкнинг нақадар улкан гуноҳ эканлигини англатиш учун фаразан шу маъно келтирилган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдек зот ширк келтириб, азобдан қутула билмаса, бошқаларнинг ҳоли нима бўлишини билиб олиш қийин эмас.

وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ ﴿٢١٤﴾

214. Ва яқин қариндошларингни огоҳлантир.

Ушбу ояти карима нозил бўлганидан кейин Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тепалигига чиқиб: «Ё сабоҳоҳ!» деб қичқирдилар. Одамлар у кишининг ҳузурларига тўпланди. Кимдир ўзи келди. Кимдир одамани юборди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қараб:

«Эй, Бани Абдулмуттолиб! Эй Бани Феҳр! Эй, Бани Луаъй! Айтинглари-чи, агар мен сизга тоғнинг ортида отлиқлар сизларни горат қилишга шай бўлиб турибди, десам, ишонасизларми?!» дедилар. Улар: «Ҳа, ишонамиз!» дедилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мен сизларга шиддатли азобдан олдин келган огоҳлан-тиргувчиман», дедилар.

Шундай қилиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига нозил бўлган оятга мувофиқ яқин қаришдошларини огоҳлантира бошладилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам фақат бу билан кифояланиб қолмай, энг яқин шахсларни ҳам огоҳлантирдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади:

«Ушбу оят нозил бўлганидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қурайшликларни ҳам умумий, ҳам хусусий равишда даъват қилдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй, қурайшликлар, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринглар! Эй, Бани Каъб жамоаси, ўзингизни дўзах ўтидан қутқазинг! Эй, Фоти-ма Муҳаммад қизи, ўзингни дўзах ўтидан қутқар! Аллоҳга қасамки, мен сизлардан Аллоҳнинг бирор нарсасини қайтаришга молик эмасман», дедилар».

وَأَخْفِضْ جَنَاحَكَ لِمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ

215. Ва сенга эргашган мўминларга қанотингни пастлат.

Яъни, улар билан юмшоқ муомалада бўл, уларга меҳрибонлик кўрсат, тавозуъли бўл. Дарҳақиқат, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларга шундай муомалада бўлганлар.

فَإِنْ عَصَوْكَ فَقُلْ إِنِّي بَرِيءٌ مِّمَّا تَعْمَلُونَ

216. Бас, агар улар сенга исён қилсалар: «Мен сиз қилаётган амаллардан безорман», дегин.

Огоҳлантирилганларидан кейин одамлар иккига бўлинади. Баъзилари у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиб эргашадилар, уларга аввалги оят тақозоси ила қанотларини пастлатадилар. Баъзилари эса, бўйин эгмай, исён қиладилар. Ушбу оят тақозоси ила улардан безорликларини, улар билан алоқалари йўқлигини айтадилар.

وَتَوَكَّلْ عَلَى الْعَزِيزِ الرَّحِيمِ

217. Ва азиз ва меҳрибон Зотга таваккал қил:

Ҳаммадан ғолиб, устун ва бандаларига меҳрибон бўлган Аллоҳ таолога суян.

الَّذِي يَرِيكَ حِينَ تَقُومُ ﴿١١٧﴾ وَتَقَلُّبِكَ فِي السَّجِدِينَ ﴿١١٨﴾

218. Сени қоим бўлганингда кўрадиган.

219. Ва сажда қилгувчилар ичида ҳаракатланишингни (кўрадиган) Зотга.

Яъни, ёлғизлигингни ҳам, намозда қоим бўлганингни, шунингдек, мўминлар ичида турли ишларга бош бўлиб юрганингни ҳам кўриб турадиган зотга — Аллоҳга таваккал қил.

إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿١٢٠﴾

220. Албатта, Унинг Ўзи ўта эшитгувчи ва ўта билгувчи зотдир.

Эй Пайғамбарим, кўнглинг тўқ бўлсин, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани эшитиб, ҳар бир нарсани кўриб турибди, деган маъно бор бу оятда.

هَلْ أَنْبَأْتُكُمْ عَلَىٰ مَنْ تَنْزَلُ الشَّيَاطِينُ ﴿١٢١﴾

221. Сизларга шайтонлар кимга тушишини айтиб берайми?

Шайтонлар Пайғамбарга Қуръон оятларини олиб тушадилар деган гапга ҳеч ишонманглар.

تَنْزَلُ عَلَىٰ كُلِّ آفَاكٍ أَثِيمٍ ﴿١٢٢﴾

222. Улар ўта уйдирмачи ва ўта гуноҳкорларга тушурлар.

Шайтонлар уялмай ёлғон гапирадиган, гуноҳлардан тап тортмайдиган шахсларга тушади. Ундай кишилар воқелиқда мавжуд эди. Араб мушрикларининг буту санамларининг мутасаддилари бўлмиш коҳинлар бунга мисол бўлади. Улар фолбинлик этар, шунингдек, ўзларига жинлар хабар келтиришини даъво қилар эдилар. Жинлар келтирган бир ёлғон уйдирмага ўрни қўшиб одамларга етказардилар. Шунинг учун, улар оятда «ўта уйдирмачи, ёлғончи» деб сифатланмоқда. Айни чоқда, ўша коҳинлар ўз манфаатлари йўлида ҳеч қандай гуноҳдан қайтмас эдилар. Шунинг учун ҳам, улар оятда «ўта гуноҳкорлар» деб васф қилинмоқда.

يَلْقَوْنَ السَّمْعَ وَأَكْثُرُهُمْ كَذِبُونَ ﴿١٢٣﴾

223. Улар (шайтонларга) **қулоқ осарлар. Ва уларнинг кўплари ёлғончилардир.**

Яъни, ўша ўта уйдирмачи ва ўта гуноҳкорлар шайтонларга қулоқ осадилар. Уларнинг кўпи ёлғончилардир.

وَالشُّعْرَاءُ يَتَّبِعُهُمُ الْغَاوُونَ ﴿٢٢٣﴾ أَلَمْ تَرَ أَنَّهُمْ فِي كُلِّ وَادٍ يَهِيمُونَ ﴿٢٢٤﴾ وَأَنَّهُمْ يَقُولُونَ مَا لَا يَفْعَلُونَ ﴿٢٢٥﴾

224. Ва шоирларга гумроҳлар эргашур.

225. Уларнинг ҳар водийда дайдишини.

226. Ва ўзлари қилмайдиган ишларни айтишини кўрмадингми?

Бу оятлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни шоир, Қуръони Каримни шеър деганларга жавобдир. Инсоният тарихига назар солинса, ҳеч бир шоир Пайғамбар бўлиб кишиларни ҳидоятга бошламаган. Шоирларга биров эргашмайди. Эргашса ҳам, гумроҳ, йўлдан озганлар эргашади. Ундан кейин, шоирларнинг собит шахсиятлари, ўз ҳаёт тарзлари ва шеър айтиш ишларида ҳеч субутлари йўқ. Шунинг учун ҳам:

«Уларнинг ҳар водийда дайдишини» кўрмадингми? — дейилмоқда.

Шоирлар бир кун бун айтса, эртасига бошқасини айтиб тураверишади. Улар ким бир оз нарса берса, ўшани мақташади. Кимдан ҳеч бир манфаат чиқмаса, уни ҳажв қилишади. Бировни аввал мақтаб, кейин ёмонлаб, сўнгра яна қайта мақташлари ҳам мумкин. Шунингдек, фисқу фужур, турли бемаза васфлар, маддоҳликлар ва ўзини англаган одам табиатига мутлақо тўғри келмайдиган гап-сўз ва ишлар шоирлардан содир бўлади. Ичкилик ичмасдан, фосиқлик этмасдан шоирлик қилганлар жуда кам. Бунинг устига, шоирлар

«қилмайдиган ишларни айтишлари» билан ажралиб турадилар. Шоир ўз шеърида ажойиб маъноларни, ҳикматли сўз ва насиҳатларни айтиши мумкин, аммо ўзи унга мутлақо амал қилмайди. Бундай одам қандай қилиб ўзгаларни ҳидоятга бошлаши мумкин?

Келгуси оятда мазкур васфлардан мустасно бўлган шоирлар ҳам борлиги таъкидланади:

إِلَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَذَكَرُوا اللَّهَ كَثِيرًا وَانصَرُوا مِنْ بَعْدِ مَا ظَلَمُوا ﴿٢٢٦﴾ وَسَيَعْلَمُ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَيَّ مَنقَلَبٍ يَنْقَلِبُونَ ﴿٢٢٧﴾

227. Магар, иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганлар, Аллоҳни кўп зикр этганлар ва мазлум бўлганларидан кейин нусрат қозонганлар (ундай эмаслар). **Зулм қилганлар эса, тезда қайси ағдарилиш жойига ағдарилишларини билурлар.**

Ҳамма шоир ҳам ҳар водийда дайдийдиган, беамал гапирадиган бўлавермас экан. Агар шоир иймонли бўлса, яхши амаллар бажа-риб, Аллоҳни кўп эсга олса, ўзини хор қилмай, ҳаққини таниган, золимлар устидан ғолиб келадиган бўлса, яхши, Аллоҳнинг розили-гини топган шоир бўлиши мумкин.

Шеър фақат фисқу фужур, қандайдир казо-казоларнинг мақ-тови, базму жамшидларнинг васфи, қандайдир маъшуқанинг мад-ҳи, оҳ-воҳ ва дийдиёлар эмас. Аксинча, шеър эзгулик, иймон, Ислом хизматчиси бўлиши зарур. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва-салам: «Албатта, шеърдан ҳикматлиси бордир», деганлар. Шеър орқа-ли ҳикматли, иймоний, исломий ва инсоний тушунчаларни киши-ларга етказиш ўзига хос устунликка эгадир. Бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларини мисол қилиб олиш мумкин. Ўша саодат даврида юқоридаги оятда васфлари келган иймонли шоирларнинг биринчи авлоди яшаб ўтган.

Улуғ саҳобий Ҳассон ибн Собит уларнинг етакчиси эдилар. У киши билан бирга Каъб ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Абдуллоҳ ибн Забъарий ва бошқалар бор эди. Аллоҳ таоло уларнинг барчаси-дан рози бўлсин.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдурроҳман ибн Каъбдан, у киши ўз оталаридан қуйидаги ривоятни келтиради. У киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Аллоҳ таоло шоирлар ҳақида ҳукмини нозил этиб қўйдими?!» деганида, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мўмин киши қиличи ва тили билан жиҳод қилади. Менинг жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, сизнинг уларга отади-ган ўқингиз камон ўқидан ҳам ўткирроқдир», деган эканлар.

Чунончи, ўрни келганда, мўмин-мусулмон шоирнинг шеъри ҳар қандай қуролнинг ўқидан ўткирроқ бўлиши мумкин. Асрлар даво-мида турли мусулмон халқлардан етук иймонли шоирлар ҳам чиқиб тургани барчани қувонтиради.

Динга, диёнатга қарши золимлар эса:

«...тезда қайси ағдарилиш жойига ағдарилишини билурлар».



НАМЛ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 93 оятдан иборат.

Сураи каримада «намл» (чумоли) ҳақида ҳам сўз кетгани учун шу ном билан аталган.

Бир тарафдан, бу нарса – Қуръони Каримдек илоҳий дастур бўлмиш китобдаги бутун бошли бир суранинг «Чумоли сураси», деб номланиши – ҳайвонот оламига эътиборни тортишдир. Ҳайвонот ҳам ўзига яраша бир олам бўлиб, улар ҳам инсонларга ўхшаш умматлар экани, уларга эътибор бериш, уларни ўрганиш зарурлиги сура ичидаги оятлардан фаҳмлаб олинади. Айниқса, Ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом қиссаларида бу нарса алоҳида бўртиб туради.

Уламоларимизнинг таъкидлашларича, «Намл» сураси «Шуаро» сурасининг орқасидан нозил бўлган. Демак, икки сура бир-бирига яқин шароитда тушган. Шунинг учун ҳам, уларнинг услубларида ўхшашлик, бир-бирига яқинлик бўлиши турган гап.

Бошқа маккий суралар каби, «Намл» сурасининг ҳам асосий мавзуи ақийда масаласидир. Сурада Аллоҳга ва охиратга иймон келтириш, фақат Яратганнинг Ўзигагина ибодат қилиш, у дунёда мукофот ёки жазога йўлиқишини назарда тутиб амал қилиш, ваҳийга ишониш, ғайбни фақат Аллоҳ билишига таслим бўлиш, Аллоҳнинг яратувчи, ризқ берувчи эканига иймон келтириб, Унга шукр қилиш каби масалалар ёритилади.

Орада ушбу масалаларни чуқурроқ ёритиш учун ўтган умматларнинг қиссалари ҳам келтирилади. Уларда, асосан, мўминларнинг оқибати нима бўлгану кофирларники нима бўлганига алоҳида эътибор берилади.

Аввало, Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн қиссаси келади. Довуд алайҳиссалом ҳам бир эслаб ўтилади, сўнгра Сулаймон алайҳиссалом ва Сабаъ маликаси қиссалари батафсил ёритилади.

Кейин Солиҳ алайҳиссалом ва Самуд қавми қиссаси келади. Охирида Лут алайҳиссалом ва у кишининг қавмларига тўхталади. Албатта, бу қиссалар суранинг сиёқига хос равишда, янги қирралари кўрсатилган ҳолда ҳикоя қилинади.

Сўнгра Аллоҳ таолонинг биру борлигига далил ва ҳужжатлар, яратган махлуқотларидаги ажойиб хислатлар саналади. Қиёмат куни ва ундаги баъзи даҳшатли, қўрқинчли манзаралар баён қилинади.

Суранинг охирида Аллоҳга ибодат қилишга, мусулмон бўлишга, Қуръон ҳидоятида юришга, Аллоҳнинг кўрсатган оят-белгиларидан ибрат олишга чақирилади.

Ўтган «Шуаро» сурасида Аллоҳ таолонинг «Роббул олабийн» (Оламларнинг Тарбиячиси) деган сифати алоҳида бўрттириб кўрсатилган, кўпгина оятлари айнан ўша сифат атрофида фикр юритган эди. «Намл» сурасида эса, Аллоҳ таолонинг «олимлиқ» сифатига — ҳамма нарсани билишига ва бу билишининг турли кўринишларда зоҳир бўлишига эътибор тортилади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

طَسَّ تِلْكَ آيَاتُ الْقُرْآنِ وَكِتَابٍ مُّبِينٍ ﴿١﴾

1. То. Сийн. Ушбулар Қуръон—очиқ китоб оятларидир.

Суранинг аввалидаги алифбо ҳарфлари ҳақида ўтган сураларда кўп гапирилди.

Ушбу оятлар очиқ-ойдин китоб бўлмиш Қуръоннинг оятларидир. Қуръонда ҳамма нарса очиқ-ойдин баён қилинган. Унинг оятларини ўрганаман деган одам бемалол ўрганади.

Шу билан бирга, бу оятлар:

هُدًى وَبُشْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿٢﴾

2. Мўминлар учун ҳидоят ва хушхабардир.

Мўминлар бу оятларни ўқиб, ҳидоят топадилар. Улар Қуръони Карим оятларини ўқиб иймонли кишиларга бериладиган олий мақом ва мукофотларнинг хушхабарини топадилар.

Демак, Қуръондан ҳақиқий манфаат олиш учун, ундаги ҳидоятдан баҳраманд бўлиш учун мўмин ўқувчи керак. Бу очиқ-ойдин Китоб қалби очиқларнинг китобидир. Қалби ғафлат, куфр, ширк ва нифоқ моғори остида қолганлар бу китобни ўқиб, фойда топишлари қийин. Қуръонни ўқиганда, унинг маъноларини тушунганда, ўзида ҳидоят,

башорат сезгисини ҳис қилаётганлар хурсанд бўлаверсинлар, уларга Қуръон таъсир қилмоқда, қалбларида иймон бор экан. Аммо, Қуръон ўқиганда, унинг маъноларидан таъсирланмаганлар ўзларининг ким эканликларини билиб олсинлар. Ҳа, Қуръон ва унинг оятлари мўминлар учун ҳидоят ва яхши кунлардан башоратдир.

Кейинги оятда ўша мўминларнинг васфи келади:

الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ بِالْآخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ ﴿٣﴾

3. Улар намозни тўқис адо этадиган, закотни берадиган ва охиратга қаттиқ ишонадиганлардир.

Демак, бенамозлар ёки намозни чала ўқийдиганлар Қуръони Каримдан ҳидоят ҳам, башорат—хушxabар ҳам ола билмайдилар. Шунингдек, закотни бермайдиганлар ҳам, охиратга қаттиқ ишонмайдиганлар ҳам бу неъматдан бебахрадилар.

إِنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ زَيَّنَّا لَهُمْ أَعْمَالَهُمْ فَهُمْ يَعْمَهُونَ ﴿٤﴾

4. Албатта, охиратга иймон келтирмайдиганларга Биз амалларини зийнатлаб кўрсатдик. Бас, улар адашиб-улоқиб юраверадилар.

Инсонни бу дунёнинг зебу зийнати ва лаззатларига берилишдан сақлаб турадиган нарса охиратга бўлган иймондир. Охиратга, ундаги ҳисоб-китобга, бу дунёда иймон билан ҳалол-пок яшаб, ибодат қилиб ўтганларга жаннат насиб этишига, куфрда, ҳаром-харишда юриб, гуноҳ устида ўтганларга жаҳаннам азоби бўлишига қаттиқ ишонган одам ҳеч қачон бу дунёнинг зебу зийнатларига алданмайди. Балки, охиратдаги абадий ҳаёт неъматларидан умидвор бўлиб, бевафо дунёнинг ўткинчи лаззатларидан воз кечади.

Охиратга иймони йўқ эса, ушбу беш кунлик дунёни ўзи учун берилган бирдан-бир имконият, деб билади. Ва шу имкониятдан фойдаланиб қолиш мақсадида ўзини ҳойи ҳавасга, ўткинчи лаззатларга уради. Нафсининг домига тушади. Нафси эса, доимо зиёда бўлишни хоҳлайди. Шу боис ҳам, қилаётган ишлари ўзига чиройли кўринади ва ўзи билмаган ҳолда адашиб-улоқиб юраверади. Оқибат эса, маълум.

أُولَٰئِكَ الَّذِينَ لَهُمْ سُوءُ الْعَذَابِ وَهُمْ فِي الْآخِرَةِ هُمُ الْآخَسُونَ ﴿٥﴾

5. Ана ўшаларга ёмон азоб бордир ва улар охиратда энг кўп зиён кўргувчилардир.

Охиратга ишонмай, бу дунёнинг лаззатлари изидан қувиб яшаганларга икки дунёда ҳам ёмон азоб бордир. Бу дунёда охиратдан умиди йўқлиги учун молу дунё, айшу ишрат, шаҳвату лаззат кетидан тушиб, ўзини ўтга-чўққа уриб, расво бўлади. Ҳаромдан топган молу дунёси учун ўлдирилиши, қамалиши ва бошқа балоларга учраши мумкин. Шунингдек, тинчлик-хотиржамликни йўқотиши, оқибатда турли касалликларга чалиниши каби ҳар хил мусийбатлар қадамида учраб туради. Охиратда эса, қанақа азобларга дучор бўлишини Аллоҳнинг Ўзи билади. Аммо шуниси аниқки:

«...улар охиратда энг кўп зиён кўргувчилардир».

Келаси оятда Қуръони Каримнинг асл масдари кўрсатилади:

وَإِنَّكَ لَنُلَقِّيَ الْفُرْعَانَ مِن لَّدُنْ حَكِيمٍ عَلِيمٍ ﴿٦١﴾

6. Албатта, сенга бу Қуръон ўта ҳикматли ва ўта илми Зот томонидан берилур.

Бу Қуръонни сенга йўллаётган Зот ўта ҳикматли зотдир. У ҳар бир ишни ҳикмат ила қилади. Ҳикматсиз иши йўқдир. Жумладан, Қуръонни сенга бериши ҳам улкан ҳикматдир. Бунинг устига, Қуръоннинг ўзи ҳам ҳикматга тўладир.

У зот ўта илми бўлгани учун ҳар бир ишни илм ила қилади. У зотнинг илмга асосланмаган иши йўқдир. Жумладан, Қуръонни сенга тушириши ҳам илми билан боғлиқдир. Бунинг устига, Қуръоннинг ўзи ҳам илмларга тўладир.

Ўша ишончли масдардан — ҳикмат ва илм соҳиби бўлган Аллоҳдан бандаларга ибрат бўлсин учун қуйидаги қиссалар ҳам Қуръон оятлари ўлароқ нозил этилди:

إِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِأَهْلِهِ إِنِّي آنَسْتُ نَارًا سَاءَتِ كُومٌ مِّنْهَا بَخْرٌ أَوْ آتِيكُمْ بِسَحَابٍ مِّمَّنْ لَّعَلَّكُمْ تَصْطَلُونَ ﴿٦٢﴾

7. Мусо ўз аҳлига: «Аниқки, мен бир олов кўрдим. Тезда мен сизларга ундан бирор хабар ёки исинишингиз учун бир тутам чўв келтирурман», деганини эсла.

Ушбу ояти каримада васф этилган ҳолат Тур тоғига яқин жойда, Мусо алайҳиссалом оилалари билан Мадяндан Мисрга қайтиб келаётганларида рўй берган. Оятдаги васфдан ҳам билиниб турибдики, улар совуқ тунда саҳрода адашиб қолганлар. Узоқдан ўша диёр

аҳолиси йўловчиларга йўл кўрсатсин ёки зиёфат борлигига белги бўлсин деб ёқиб қўядиган гулханлардан бири Мусо алайҳиссаломга кўринган, у киши бошлиқ сифатида оиланинг ғамини қилганлар. Уларни дам олдириб қўйиб, ўзлари гулхан кўринган жойга бориб, бирор хабар ёки совуқда олов ёқиб исиниш учун ўша гулхандан бирор чўғ келтиришларини айтмоқдалар.

«Мусо ўз аҳлига: «Аниқки, мен бир олов кўрдим. Тезда мен сизларга ундан бирор хабар ёки исинишингиз учун бир тутам чўғ келтирурман», деди.

Ана шу мақсадлар билан Мусо алайҳиссалом зулматли кечада гулхан кўринган томонга қараб кетдилар.

فَلَمَّا جَاءَهَا نُورٌ أَنْ بُورِكَ مِنَ الْنَّارِ وَمِنْ حَوْلِهَا وَسَبَّحَنَ اللَّهُ رَبَّ الْعَالَمِينَ

8. У (олов)га келганида, олов олдидаги ва атрофидаги шахсларга барака берилди ва «Оламларнинг Робби–Аллоҳ покдир», деб нидо қилинди.

Мазкур мақсадлар ила Мусо алайҳиссалом оловга яқинлашиб қолганларида, бирдан ғойибдан қуйидаги нидо келди:

«Олов олдидаги ва атрофидаги шахсларга барака берилди».

Ушбу жумлада келган,

«Олов олдидаги» – Мусо алайҳиссалом,

«атрофидагилар» – эса, фаришталардир. Бундан ўша олов одамлар ёқиб қўйган оддий гулхан эмас, Мусо алайҳиссаломга Пайғамбар бўлганларини билдириш учун у кишини хилват жойга чақиришга қўлланган чора бўлиб, фаришталар томонидан ёқилган бошқача бир хусусиятли гулхан экан. Демак, Мусо алайҳиссаломга ҳам, ўша ердаги фаришталарга ҳам барака берилибди, улар муборак бўлибдилар.

Бу ишларни ҳикмат ва илм ила амалга оширган зот:

«Оламларнинг Робби–Аллоҳ покдир».

У зот турли нуқсону камчиликлардан покдир.

Нидо яна давом этади:

يَمُوسَىٰ إِنَّهُ أَنَا اللَّهُ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

9. «Эй Мусо! Албатта, бу – Менман! Азизу ҳакийм Аллоҳман! Яъни, эй Мусо, нидо қилаётган, шак-шубҳасиз, Менман. Азиз – ҳаммадан ғолиб ва кучли, ўта ҳикматли Аллоҳман.

وَأَلْقَ عَصَاكَ فَلَمَّا رَأَاهَا تَهْتَزُّ كَأَنَّهَا جَانٌّ وَلَّى مُدْبِرًا وَلَمْ يُعَقِّبْ يَمُوسَى لَا تَخَفْ إِنِّي لَا يَخَافُ

لَدَى الْمُرْسَلُونَ ﴿١٠﴾

10. Ва асоингни ташла!» Бас, қачонки, Мусо у(асо)нинг илондек қимирлаётганини кўрганида, ортига қарамай қочди. «Эй Мусо! Қўрқма! Зеро, Менинг ҳузуримда Пайғамбарлар қўрқмаслар!»

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга нидо қилаётган зот ўзи эканини баён қилиб бўлганидан кейин:

«Ва асоингни ташла!» деб амр этди. Мусо алайҳиссалом қўлларидаги асони ерга ташладилар. Асо илонга айланиб, ҳаракатлана бошлади.

«Бас, қачонки Мусо у(асо)нинг илондек қимирлаётганини кўрганида, ортига қарамай қочди.»

Мусо алайҳиссалом зулматли кечада, совуқ саҳрода, хилват жойда тўсатдан бўлган бу воқеадан қаттиқ қўрқиб кетдилар ва ўзларини илондан олиб қочдилар. Шунда Аллоҳ таоло у кишига:

«Эй Мусо! Қўрқма! Зеро, Менинг ҳузуримда Пайғамбарлар қўрқмаслар!», деди.

Шу билан Мусо алайҳиссалом ҳам ўша Пайғамбарлардан бири эканликлари очиқ эълон қилинди.

Пайғамбарлар пайғамбарлик амрини Роббиларидан қабул қилиш чоғида, яъни, У зотнинг ҳузурини турганларида, ҳеч қўрқмаслар. Сен ҳам Пайғамбар бўлдинг, Менинг ҳузуримда пайғамбарлик амрини қабул қилмоқдасан, зинҳор қўрқма.

إِلَّا مَنْ ظَلَمَ ثُمَّ بَدَّلْ حَسَنًا بَعْدَ سُوءٍ فَإِنِّي غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١١﴾

11. Лекин ким зулм қилсаю сўнгра ёмонлик кетидан унга яхшилиқни бадал қилса, бас, Мен, албатта, мағфиратли ва меҳрибондирман.

Лекин Пайғамбарлардан бошқа кишилардан ким зулм қилса, Мендан қўрқсин. Ким мендан қўрқиб, ёмонлик кетидан бир яхшилиқ қилса, Мен унинг ёмонлигини кечираман. Чунки, мен сермағфират ва бандаларга меҳрибон зотман.

Бу гаплардан кейин Мусо алайҳиссалом ўзларига келдилар, у кишидаги қўрқинч кетиб, хотиржам бўлдилар. Аллоҳ таоло у кишига берадиган мўъжизаларини бирин-кетин кўрсатиб, тажрибадан ўтказиб, ишонч ҳосил қилиб олиш имконини давом эттирди, у зот алайҳиссаломга яна бир пайғамбарлик мўъжизасини кўрсатди:

وَأَدْخِلْ يَدَكَ فِي جَيْبِكَ فَخَرُجْ بَيْضًا مِّنْ غَيْرِ سَوْءٍ فِي تَسْعِ آيَاتٍ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَقَوْمِهِ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا

قَوْمًا فَاسِقِينَ ﴿١٢﴾

12. Қўлингни ёқаннинг ичига суқ, ҳеч қандай ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқур. Фиръавн ва унинг қавмига қаратилган тўққиз мўъжиза орасида (бу бордир). Албатта, улар бузғунчи қавм бўлдилар.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга қўлларини ёқалари ичидан қўлтиқларига суқишни амр этди. Бошқа оятларда тўғридан-тўғри «қўлтиғингга суқ», дейилган. Аммо бу оятда қўлтиққа ёқа орқали суқилишига амр қилинмоқда. Оятда келган «жайб» ёки «жийб» сўзи чўнтак маъносида ишлатилиши ҳам бор. Лекин у асл маъно эмас. Асл маъно «ёқа»дир. Жаброил алайҳиссалом ҳам Биби Марямнинг жийбидан, яъни, ёқасидан пуфлаганлар, чўнтагидан эмас. Мусо алайҳиссалом ҳодисасида эса, қўлни чўнтак орқали қўлтиққа тиқиб бўлмайди.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга қўлларини ёқаларидан суқишни амр этиш билан бирга, кейин нима бўлишининг ҳам хабарини берди. У қўл:

«...ҳеч қандай ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқур».

Қўлни қўлтиққа бир суқиб чиқарса, оппоқ бўлиб қолиши, оппоқ бўлганда ҳам, ҳеч қандай ёмонликсиз, кўрган одам ҳайрон қоларли даражада чиройли оқ бўлиши илоҳий мўъжиза эди. Ўша даврда Мисрда, Мусо алайҳиссалом Пайғамбар қилиб юборилаётган юртда сеҳр жуда кучайган эди.

Сеҳргарлар одамларнинг кўзига бир нарсани турли шаклларга солиб кўрсатар ёки шунга ўхшаш кўплаб фирибгарликлар қилар эдилар. Аллоҳ таоло уларнинг сеҳрини синдириш, кишиларни сеҳргарларга эмас, Пайғамбарларга эргашиб зарурлигига ишонтириш ҳамда Мусо алайҳиссалом Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбар эканликларини исботлаш мақсадида у зот алайҳиссаломга мўъжизалар берди.

Биринчи мўъжиза асо эди. Уни амалда ишлатиб кўрсатилди.

Иккинчи мўъжиза қўл эди, уни ҳам кўрсатди. Шунингдек, бу мўъжиза:

«Фиръавн ва унинг қавмига қаратилган тўққиз мўъжиза орасида» борлиги айтилмоқда. «Аъроф» ва «Исро» сураларида ҳам бу мўъжизаларнинг баёни келган.

Мазкур тўққиз мўъжиза қуйидагилардан иборат:

1. Асо.
2. Қўл.
3. Очарчилик.
4. Мева-чева ва жонларнинг нуқсонга учраши.

5. Тўфон.
6. Чигиртка.
7. Бит.
8. Бақалар.
9. Қон.

Оятнинг охирида Фиръавн ва унинг қавми ҳақида:

«Албатта, улар бузғунчи қавм бўлдилар», деб хабар берилмоқда.

Улар ушбу мўъжизаларни кўриб, ибрат олишлари, бузғунчиликдан қайтишлари керак эди. Аммо:

فَلَمَّا جَاءَتْهُمْ آيَاتُنَا مُبْصِرَةً قَالُوا هَذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿١٢﴾

13. Бас, қачонки уларга оят-мўъжизаларимиз кўз очгувчи бўлиб келганида, «Бу очиқ-ойдин сеҳрдир», дедилар.

Аллоҳнинг оятларини кўриб, ҳар бир инсоннинг кўзи очилиши керак. Бу мўъжизаларни кўриб, ҳамма тўғри йўлни топиши лозим.

«Бас, қачонки уларга оят-мўъжизаларимиз кўз очгувчи бўлиб келганида...»

Мўъжизалар бузғунчи Фиръавн қавмига ҳам кўзларини очгувчи бўлиб келди, аммо уларнинг кўзлари очилмади.

Ҳа, қалб кўзлари кўрлигича қолди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳнинг мўъжизаларини:

«Бу очиқ-ойдин сеҳрдир», дедилар.

وَحَدِّثُوا بِهَا وَأَسْتَيْقِنَتْهَا أَنْفُسُهُمْ ظُلْمًا وَعُلُوًّا فَانظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُفْسِدِينَ ﴿١٤﴾

14. Ва ўзлари аниқ билиб туриб, зулм ва кибр туфайли у(мўъ-жиза)ларни инкор этдилар. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлишига назар сол.

Демак, Фиръавн ва унинг қавмининг бу илоҳий мўъжизаларни инкор этишлари уларни билмасликдан эмас. Улар бу мўъжизаларнинг нималигини жуда яхши билганлар. Аммо билиб туриб, зулм юзасидан, иймонни менсимасдан, кибр қилган ҳолларида инкор этдилар. Бу инкорнинг оқибати нима билан тугаши маълум ва машҳурдир.

«Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлишига назар сол.»

Фиръавн ва унинг қавмининг оқибати нима бўлгани ҳаммага маълум. Бошқа сура ва оятларда такрор-такрор келган.

Эндиги оятларда Довуд ва Сулаймон алайҳимуссаломларга илм берилганлиги, Сулаймон алайҳиссалом Довуд алайҳиссаломга ворис бўлганлари баён этилади, кейин у зотнинг қиссалари келтирилади:

وَلَقَدْ آتَيْنَا دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ عِلْمًا وَقَالَ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي فَضَّلَنَا عَلَى كَثِيرٍ مِّنْ عِبَادِهِ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٥﴾

15. Батаҳқиқ, Биз Довуд ва Сулаймонга илм бердик. Икковлари: «Бизни кўпгина мўмин бандаларидан афзал қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дедилар.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ҳам Довуд алайҳиссаломга, ҳам Сулаймон алайҳиссаломга илм неъматини ато этган эди. Довуд алайҳиссаломга Забурни тиловат қилиш илмини ҳам берган эди. У киши алайҳиссалом Забурни тиловат қилганларида тоғу тошлар ҳам, осмондаги қушлар ҳам жим туриб тингларди. Бу ҳақда бошқа сураларда айтиб ўтилган.

Сулаймон алайҳиссаломга берилган илм ҳақида эса, ушбу сурада батафсил сўз юритилади.

Албатта, Аллоҳ берган бундай улуғ неъматларга Довуд алайҳиссалом ва Сулаймон алайҳиссалом шукр қилдилар.

«Икковлари: «Бизни кўпгина мўмин бандаларидан афзал қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дедилар.»

Пайғамбарлик, илм, ҳикмат неъматлари билан неъматланганлар Аллоҳга ҳар қанча шукр қилиб ҳамд айтсалар, оз.

وَوَرِثَ سُلَيْمَانُ دَاوُدَ وَقَالَ يَا أَيُّهَا النَّاسُ عَلِمْنَا مَنَاطِقَ الطَّيْرِ وَأُوتِينَا مِنْ كُلِّ شَيْءٍ إِنَّ هَذَا لَهُوَ الْفَضْلُ الْمُبِينُ ﴿١٦﴾

16. Ва Сулаймон Довудга ворис бўлди. У : «Эй одамлар, бизга қуш тили ўргатилди ва ҳар бир нарсадан берилди. Бу, албатта, очиқ-ойдин фазлдир», деди.

Ушбу оятдаги ворислик, отанинг вафотидан кейин ундан қолган молу мулкка бўладиган оддий ворислик эмас, илмга ворисликдир. Чунки, Довуд алайҳиссаломнинг Сулаймон алайҳиссаломдан бошқа фарзандлари ҳам кўп эди. Улар молу дунё масаласидаги меросда тенг ҳуқуқли эдилар. Аммо илм маъносидаги меросга фақат Сулаймон алайҳиссалом ворис бўлдилар. Шунинг учун ҳам:

«Ва Сулаймон Довудга ворис бўлди» жумласидан кейин Сулаймон алайҳиссаломнинг:

«Эй одамлар, бизга қуш тили ўргатилди», деган сўзлари келмоқда. Сулаймон алайҳиссалом ўзларига Аллоҳ томонидан қушларнинг тилини англаш илми берилганлигини барча одамларга эълон қилмоқдалар. Бу эълон фахр ва риёкорлик учун эмас, балки Аллоҳнинг неъматини эслаш маъносидадир.

«...ва ҳар бир нарсадан (насиба) берилди.»

Бу нарса Аллоҳ таолонинг катта неъматидир. Катта неъмат бўлганда ҳам, ҳаммага ҳам берилавермайдиган неъмат.

«Бу, албатта, очиқ-ойдин фазлдир», деди.»

Ҳа, бу нарсалар Аллоҳ таоло томонидан берилган фазлдир. Ўз-ўзидан келадиган нарса эмас.

وَحِشْرٍ لِّسَلِيمَانَ جُنُودَهُ مِنَ الْجِنِّ وَالْإِنْسِ وَالطَّيْرِ فَهُمْ يوزَعُونَ ﴿٧٧﴾

17. Сулаймонга жин, инс ва қушлардан бўлган аскарлари тўпла-ниб, тизилган ҳолда турдилар.

Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга жинлардан ҳам, инсонлардан ҳам, қушлардан ҳам аскар берди. Албатта, у кишига дунёдаги ҳамма одамлар эмас, балки ўзлари яшаб турган ердаги маълум бир кишилар аскар бўлган. Шунингдек, жинлар ва қушлардан ҳам маълум миқдори у кишига аскарлик қилган. Ушбу оятда ўша аскарларнинг Сулаймон алайҳиссалом ҳузурларида саф тортиб, тизилиб турганлари васф қилинмоқда. Демак, муҳим бир сафар олдидан шундай тизилганлар ва йўлга тушганлар.

حَتَّىٰ إِذَا تَوَاعَىٰ وَادِ النَّعْمِ قَالَتْ نَمْلَةٌ يَا أَيُّهَا النَّمْلُ ادْخُلُوا مَسْكِنَكُمْ لَا يَحْطِمَنَّكُمْ

سَلِيمَانَ وَجُنُودَهُ وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٧٨﴾

18. Токи улар чумолилар водийсига келганларида, бир чумоли: «Эй, чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг аскарлари сизларни билмасдан эзиб юбормасинлар», деди.

Ушбу биз тафсирини ўрганаётган сураи шарифанинг «Намл» — «Чумолилар», деган исми айнан ушбу ояти каримадан олингандир.

Чумолилар ҳам асариларга ўхшаш ажойиб интизомга эга. Ҳалиҳануз уларнинг жамоат бўлиб яшашлари сири англаб эмас. Бу оятда улар бир-бирларини хавф-хатардан огоҳ этишлари айтилмоқда.

Сулаймон алайҳиссалом ўзларининг жин, инс ва қушлардан иборат аскарлари билан юриб бораётган эдилар.

«Токи улар чумолилар водийсига келганларида...»

Яъни, чумолилар яшайдиган жойга етганларида:

«Бир чумоли: «Эй, чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг аскарлари сизларни билмасдан эзиб юбормасинлар», деди.»

Одатда, тўп-тўп аскарлар саф бўлиб ўтганларида унча-бунча нарсага эътибор бермай, дуч келган нарсани оёқости қилиб кетаверадилар. Ўша чумоли, эҳтимол, чумолилар водийсининг хавф-хатардан огоҳлантиргувчи масъули бўлгандир. Шу сабабли, у уларга уйларига кириб туришни маслаҳат берди. Унинг бу гапларини Сулаймон алайҳиссалом ҳам эшитдилар.

فَنَبَسَمَ ضَاحِكًا مِّن قَوْلِهَا وَقَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِي أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَىٰ
وَالِدِيَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ وَأَدِّخِلْنِي بِرَحْمَتِكَ فِي عِبَادِكَ الصَّالِحِينَ ﴿١٩﴾

19. Бас, у унинг сўзидан табассум қилди ва: «Роббим, мени Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр этишимга ва Сен рози бўладиган солиҳ амаллар қилишимга муяссар этгин. Ўз раҳматинг ила мени солиҳ бандаларингга қўшгин», деди.

Сулаймон алайҳиссалом чумолининг сўзларини эшитиб жилмайдилар. Дарҳақиқат, кичик бир жонзот шунчалик закий ва ҳушёр бўлиши, бошқалари бу бошлиққа итоат қилиши ажойиб ҳолат эди. Шу билан бирга, чумолиларнинг гапларини эшитиш, тушуниш яна ҳам ажойиб ва кишини шодлантирадиган иш. Аллоҳнинг неъматини эди бу. Шунинг учун ҳам, Сулаймон алайҳиссалом дарҳол шукр келтирдилар:

«Роббим, мени Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр этишимга ва Сен рози бўладиган солиҳ амаллар қилишимга муяссар этгин».

Неъмат бергувчига шукр қилиш ҳам катта неъматдир. Чунки, шукр ила неъмат бардавом бўлади. Сулаймон алайҳиссалом нафақат ўзларига, балки ота-оналарига берилган неъматларга ҳам шукр қилиш учун Аллоҳнинг Ўзидан ёрдам сўрамоқдалар. Чунки, неъматнинг йўғига чидашдан кўра, бориға шукр қилиш қийинроқдир. Буни ҳам Аллоҳ, Ўз иноятига олганларгина адо этишлари мумкин.

Шунингдек, Аллоҳ рози бўладиган солиҳ амаллар қилишга муяссар бўлиш ҳам катта фазлдир. Унга ҳам Аллоҳга сидқидилдан шукр қила оладиганларгина муяссар бўладилар.

«Ўз раҳматинг ила мени солиҳ бандаларингга қўшгин», деди.»

Сулаймон алайҳиссаломдек улкан Пайғамбарнинг Аллоҳ таолодан солиҳ бандаларига қўшишини тилаб дуо қилишлари, бир томондан, у зотнинг камтарликларини кўрсатса, иккинчи тарафдан, солиҳ бандаларнинг мақомлари қанчалик юксак эканини билдиради.

Ундан кейин яна аскарлар саф тортдилар. Сулаймон алайҳиссалом уларни бирин-кетин кўздан кечира бошладилар.

وَتَفَقَّدَ الطَّيْرَ فَقَالَ مَا لِيَ لَا أَرَى الْهَدَىٰ هَدَاهُمَ كَانَ مِنَ الْغَائِبِينَ ﴿٢٠﴾

20. Ва қушларни текширди-да: «Нега Ҳудҳудни кўрмаётирман ёки ғойиблардан бўлдим?» деди.

Сулаймон алайҳиссалом лашкарни текшириб келиб, қушлар бўлимига етганларида, сафда Ҳудҳуд (Пўпишак) йўқлигини мулоҳаза қилдилар. Демак, бошлиқ Сулаймон алайҳиссаломга ўхшаб, ўз қарамоғидаги атбўларни доимо назорат қилиб туриши керак. Сулаймон алайҳиссалом Ҳудҳуднинг йўқлигини пайқаганларидан сўнг, бошқа лашкарбошиларга ўхшаб бақириб-чақирмадилар, сўкмадилар. Юксак одоб билан:

«Нега Ҳудҳудни кўрмаётирман ёки ғойиблардан бўлдим?» дедилар.

Нима гап ўзи? Ё у сафда турган бўлса ҳам, мен кўрмаяпманми? Ёки аслида Ҳудҳуд сафда йўқми? Бошлиқнинг саволини ҳамма аскарлар эшитди. Ҳудҳуд рухсатсиз ғойиб бўлгани барчага ошкор бўлди. Энди суриштириш керак, унинг узри борми? Агар узри бўлмаса, бу тартиббузарни қаттиқ жазолаш лозим, токи бошқа аскарларга ўрнак бўлсин.

Шунинг учун, Сулаймон алайҳиссалом қаттиқ оҳангда сўзладилар:

لَأُعَذِّبَنَّهُ عَذَابًا شَدِيدًا أَوْ لَأَذْبَحَنَّهُ أَوْ لِيَأْتِيَنِّي بِسُلْطَانٍ مُّبِينٍ ﴿٢١﴾

21. Албатта, уни шиддатли азоб-ла азобларман ёки сўйиб юборурман ёхуд менга, албатта, очиқ-ойдин ҳужжат келтиражак.

Бу қилгани учун Ҳудҳудга, албатта, шиддатли азоб бераман. Бир йўла сўйиб юборишим ҳам мумкин. Ё бўлмаса, узрини тасдиқловчи очиқ-ойдин ҳужжат келтириши шарт.

فَمَكَثَ غَيْرَ بَعِيدٍ فَقَالَ أَحَطْتُ بِمَا لَمْ حِطُّ بِهِ وَجِئْتُكَ مِنْ سَبَإٍ بِنَاءٍ يَقِينٍ ﴿٢٢﴾

22. Кўп ўтмасдан у келиб: «Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим.

Шу гаплардан кейин кўп ўтмасдан Ҳудҳуд етиб елди. Албатта, Сулаймон алайҳиссаломнинг аччиқланиб турганларини билган Ҳудҳуд у кишини ҳовурларидан туширадиган гап қилишга уринди. Тафтишдан ва таҳдид гаплардан кўп ўтмай етиб келгани учун, ўзини оқлашга уринди. Сулаймон алайҳиссаломнинг эътиборларини тортадиган гап бошлади:

«Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим», деди».

Сабаъ Арабистон ярим оролининг жанубида, Яманда жойлашган бир мамлакат эди. Ҳудҳуд ана ўша мамлакатдан ўта муҳим бир хабар келтирганини айтди. Ҳам Пайғамбар, ҳам подшоҳ, ҳам инсу жин ва қушлардан иборат лашкарга бош бўла туриб, Сулаймон алайҳиссалом билмаган бир хабар. Сўнгра у тўхтамай, ўз сўзида давом этди:

إِنِّي وَجَدْتُ أُمَّرَأَةً تَمَلِكُهُمْ وَأُوتِيَتْ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ وَلَهَا عَرْشٌ عَظِيمٌ ﴿٢٣﴾

23. Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим. У уларнинг маликаси экан. Унга ҳар нарса берилган экан. Ҳамда унинг улув тахти бор экан.

Ўша Сабаъ юртида мен бир аёлни кўрдим. У аёл халққа подшоҳ экан. Аёлга ҳар нарса берилган экан. Ҳамда ўша маликанинг катта тахти бор экан.

وَجَدْتُهُا وَقَوْمَهَا يَسْجُدُونَ لِلشَّمْسِ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَزَيْنَ لَهُمُ الشَّيْطَانُ أَعْمَالَهُمْ فَصَدَّهُمْ
عَنِ السَّبِيلِ فَهُمْ لَا يَهْتَدُونَ ﴿٢٤﴾

24. Мен у(аёл)нинг ва қавмининг Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда қилаётганларини ва шайтон уларга амалларини зийнатлаб, йўлдан тўсаётганини кўрдим. Бас, улар ҳидоят топмаслар.

Гап шу ерга келганда, энг муҳим хабар чиқди. Ўша Сабаъ мамлакатига подшоҳ бўлган аёл ва унинг қавми Аллоҳга эмас, қуёшга сажда қилаётган экан. Бу нотўғри йўл. Аллоҳнинг Пайғамбари Сулаймон алайҳиссалом уларнинг бу хатоларини тузатишлари зарур. Шайтон лаънати улар қилаётган гуноҳ амалларни ўзларига чиройли кўрсатиб қўйибди. Агар шу ҳоларида юраверсалар, ҳидоят топмайдилар.

أَلَّا يَسْجُدُوا لِلَّهِ الَّذِي يُخْرِجُ الْخَبْءَ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَيَعْلَمُ مَا تُخْفُونَ وَمَا تُعْلِنُونَ ﴿٢٥﴾

25. Осмонлару ердаги сирларни ошкор қиладиган, махфий ва ошкор қилган нарсаларингизни биладиган Аллоҳга сажда қилмайдиларми?!

Сабаъликлар англаб етмаган ҳақиқатни Ҳудҳуднинг билиши ҳайвонлар нақадар иймонли эканларини кўрсатади. Агар одамлар Сулаймон алайҳиссалом каби уларнинг сўзларини тушунганларида ҳар доим улардан панд-насихат эшитиб турармидилар?

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ ﴿٢٦﴾

26. Аллоҳ–Ундан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ зотдир. У улуғ аршнинг Роббидир», деди.

Нима учун Сабаъ маликаси ва унинг қавми қуёшга сажда қилдилар? Ахир, Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ-ку! Улуғ аршнинг Робби фақат Аллоҳнинг ўзи-ку!

Шу гаплар билан Ҳудҳуд ўта муҳим хабарни айтиб бўлди. Сулаймон алайҳиссалом нима қилсинлар? Ҳудҳуднинг бу гапларига ишонсинларми ёки йўқми? Айбини беркитиш учун Ҳудҳуд бу гапларни ўзидан тўқимадимикан? Лекин бунчалик катта гапни ўзидан тўқиши ҳам қийин. Йўқ, Сулаймон алайҳиссалом нима қилишларини Аллоҳ у кишига берган илм асосида яхши биладилар. Ул зот ана шу илмга биноан тасарруф қилдилар.

﴿٢٧﴾ قَالَ سَنْظُرُ أَصَدَقْتَ أَمْ كُنْتَ مِنَ الْكَاذِبِينَ ﴿٢٧﴾

27. У :«Кўрамиз, рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми?

Сулаймон алайҳиссалом Ҳудҳудга: сенинг гапинг асосида дарҳол бир ҳукм чиқаришга ошиқмаймиз, келтирган хабаринг ростми ёки ёлғон эканини текшириб кўрамиз, дедилар.

Сўнгра бир хат ёзиб, муҳр босиб, Ҳудҳудга бердилар ва:

أَذْهَبَ بِكِتَابِي هَذَا فَأَلْقَاهُ إِلَيْهِمْ ثُمَّ تَوَلَّى عَنْهُمْ فَانظُرْ مَاذَا يَرْجِعُونَ ﴿٢٨﴾

28. Бу мактубимни олиб бориб, уларга ташла, сўнгра четга чиқиб назар сол-чи, нима қайтарурлар», деди.

Бу тадбир Сулаймон алайҳиссаломнинг ўтқир илми Пайғамбар ва тадбиркор подшоҳ эканликларини кўрсатиб турибди. Ҳозир у зот бир йўла икки ишни қилмоқдалар: Ҳудҳуднинг ўзидан фойдаланиб, ҳам унинг ростгўй ёки ёлғончилигини синаб кўрмоқдалар, ҳам Сабаъ мамлакатига мактуб юбормоқдалар. Лекин У киши мактубда нима ёзилганини бировга билдирмадилар.

﴿٢٩﴾ قَالَتْ يَا أَيُّهَا الْمَلَأُؤِنَّ الْقِيَّ إِلَىٰ كَيْفِ كَرِيمٍ ﴿٢٩﴾

29. У (Малика): «Эй, аъёнлар! Менга кароматли бир мактуб ташланди.

Оятда Ҳудҳуд мактубни олиб йўлга чиққани, Сабаъ мамлакатига етиб келиб, саройга яқин жойга мактубни ташлаб қўйиб, ўзи четга чиқиб тургани ва у мактуб маликанинг қўлига қандай тушгани айтиб ўтирилмади. Малика мактубни олиб, у ҳақда аъёнларига хабар бераётган жойидан гап давом эттирилди.

Малика аъёнларига мактуб ҳақида хабар бериши унинг ўз одамлари билан маслаҳатлашиб иш кўришига далолат қилади. Шу билан бирга, малика ўзи сезган белгилар асосида мактубнинг кароматли эканини айтмоқда.

Малика сўзида давом этди:

إِنَّهُ مِنْ سُلَيْمَانَ وَإِنَّهُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿٣٠﴾ أَلَّا تَعْلَمُونَ أَعْلَىٰ وَأَتُونِي مُسْلِمِينَ ﴿٣١﴾

30. Албатта, у Сулаймондандир, албатта, унда: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

31. Менга қарши бош кўтармай, таслим бўлган ҳолингизда келинг», дейилмишдир», деди.

Малика мактуб юборган шахс Сулаймон алайҳиссалом эканини, бу мактуб-талабнома

«**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм**» билан бошланганини ва Пайгамбарга қарши бош кўтармай, мусулмон бўлиб, ҳузурига боришлари талаб қилинганини аъёнларига айтди.

Сўнгра яна гапини давом эттирди:

قَالَتْ يَا أَيُّهَا الْمَلَأُؤْفَتُونِي فِي أَمْرِي مَا كُنْتُ قَاطِعَةً أَمْرًا حَتَّىٰ تَشْهَدُونِ ﴿٣٢﴾

32. У (Малика): «Эй, аъёнлар! Менга бу ишимда фатво(маслаҳат) беринглар. Сизлар шоҳид бўлмагунингизча, мен бир ишга қатъий қарор қилмасман», деди.

Малика оқилона йўл тутмоқда. Олдин мактуб билан яхшилаб таништириб, кейин аъёнларига, атрофидаги давлат арбобларига маслаҳат солмоқда. Сиз менга бу ишда, мактуб масаласида маслаҳат беринг, демоқда.

قَالُوا نَحْنُ أَوْلُو الْقُوَّةِ وَأَوْلُوا بِأَسْ شَدِيدِ وَالْأَمْرُ إِلَيْكِ فَانظُرِي مَاذَا تَأْمُرِينَ ﴿٣٣﴾

33. Улар : «Биз куч-қувват эгаларимиз ва шиддатли азму шижоат эгаларимиз. Иш ўзинга ҳавола. Нима амр қилишингни ўйлаб кўр», дедилар.

Аъёнлар фикр айтишдан қочиб, амрни бажаришга тайёр турганларини билдирдилар. Бизда куч-қувват, азму шижоат етарли, нима буйруқ берсанг, адо этишга тайёрмиз, энди бу ёғини ўзинг ўйлаб, бир қарорга келавер, дейишди. Ана шундан кейин малика қарорини айтди.

قَالَتَ إِنَّ الْمُلُوكَ إِذَا دَخَلُوا قَرْيَةً أَفْسَدُوهَا وَجَعَلُوا أَعْرَاجَ أَهْلِهَا آذِلَّةً وَكَذَلِكَ يَفْعَلُونَ
وَإِنِّي مُرْسِلَةٌ إِلَيْهِمْ بِهَدِيَّةٍ فَنَاظِرَةٌ بِمَ يَرْجِعُ الْمُرْسَلُونَ ﴿٣٥﴾

34. У: «Албатта, подшоҳлар бирор шаҳар-қишлоққа кирсалар, уни вайрон қилурлар ва унинг азиз аҳлларини хор қилурлар. Ана шундай қилурлар.

35. Мен уларга бир ҳадя юборурман, кўрай-чи, элчилар нима билан қайтар эканлар», деди.

Аъёнлар жангга тайёр эканликларини билдирсалар ҳам, малика урушишни ихтиёр қилмади.

Сулаймон алайҳиссаломнинг мактубларидаги сўзларни текшириб кўрмоқни истади. Сулаймон алайҳиссалом подшоҳми ёки Пайғамбарми эканини билмоқчи бўлди. Агар Сулаймон подшоҳ бўлса, ўшанга яраша иш кўриш керак. Чунки:

«Албатта, подшоҳлар бирор шаҳар-қишлоққа кирсалар, уни вайрон қилурлар».

Уларда ўзга юртларни босиб олиб, ўзига тобе халқларни кўпайтириш рағбати устун бўлади. Бунинг учун ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Эга бўлиш учун шаҳар-қишлоқларни вайрон ҳам қилаверадилар.

«...ва унинг азиз аҳлларини хор қилурлар.»

Одатда, подшоҳлар ўзлари вайрон қилган шаҳар-қишлоқлардаги азиз, обрў-эътиборли кишиларни хор этадилар. Чунки, улар босқинчи подшоҳга қарши курашга раҳбарлик қилишлари мумкин.

«Ана шундай қилурлар.»

Юқорида зикр этилган амаллар подшоҳларга хос ишдир.

«Мен уларга бир ҳадя юборурман.»

Одатда, ҳадя қалбни юмшатади. Ёмон ниятларни қайтаради.

«...кўрай-чи, элчилар нима билан қайтар эканлар», деди.»

Агар ҳадяни қабул этса, мол-дунё учун интилган ва динни унга восита қилган бўлади. Ҳадяни қабул этмаса, молу дунё учун эмас, дину диёнат учун ҳаракат қилаётган бўлади. Ана шунга қараб та-сарруф қиламиз.

فَلَمَّا جَاءَ سُلَيْمَنُ قَالَ أَتِمُّدُونَنِي بِمَالٍ فَمَا آتَيْنَهُ اللَّهُ خَيْرٌ مِّمَّا آتَيْتُكُمْ بَلْ أَنْتُمْ بِهَدْيَتِكُمْ

نَفْرُحُونَ ﴿٣٦﴾ أَرْجِعْ إِلَيْهِمْ فَلَنَأْتِيَنَّهُمْ بِجُنُودٍ لَا قِبَلَ لَهُمْ بِهَا وَلَنُخْرِجَنَّهُمْ مِنْهَا أَذِلَّةً وَهُمْ صَاغِرُونَ ﴿٣٧﴾

36. Қачонки, (элчиси) Сулаймонга келганида, у: «Сизлар менга мол-дунё ила мадад бермоқчимисиз?! Бас, Аллоҳ менга берган нарса сизга берган нарсадан яхшидир. Аммо сизлар ҳадяларингиз билан қувонурсиз.

37. (Эй элчи!) Сен уларга қайтиб бор. Бас, албатта, биз улар бас кела олмайдиган қўшин ила борурмиз ва у ердан уларни хору зор ҳолларида чиқарурмиз», деди.

Сабаъ маликасининг элчиси ҳадяни олиб келиб, Сулаймон алай-ҳиссаломга тутди. Бу иш у зотга ёқмади. Аллоҳнинг йўлига қилган даъватларини қабул қилиш ўрнига молу дунё билан кўнгилларини олишга уринаётганлардан аччиқлари чиқди. Элчига қараб:

«Сизлар менга мол-дунё ила мадад бермоқчимисиз?!» дедилар.

Сизларни иймон-Исломга чақирган одамнинг кўнглини молу дунё билан олмоқчимисизлар?! Менга шуни раво кўрдингизми?!

«Бас, Аллоҳ менга берган нарса сизга берган нарсадан яхшидир.»

Сизга Аллоҳ мол-дунё берган бўлса, менга мол-дунёни ҳам, ундан минг марта яхши пайғамбарликни, илми ҳам берган. Мен сизларнинг иймонга келишингизни, Исломга киришингизни талаб қилдим. Ҳадя юборишингизни эмас.

«Аммо сизлар ҳадяларингиз билан қувонурсиз.»

Ушбу ҳадяларингиз билан иш битирмоқчи бўласиз. Сизнинг фикрингиздаги ҳаётнинг ўлчови шу.

«(Эй элчи!) Сен уларга қайтиб бор.»

Сен менга ҳадя юборганларнинг олдига қайтиб бор ва уларга айтиб қўй, агар мусулмон бўлиб келмасалар:

«Бас, албатта, биз улар бас кела олмайдиган қўшин ила борурмиз ва у ердан уларни хору зор ҳолларида чиқарурмиз», деди.»

Элчи қайтиб бориб, бўлган воқеани айтди.

Сўнгра Сулаймон алайҳиссалом Сабаъ маликаси одамлари билан келаётганидан хабардор бўлдилар ва аскарларини тўплаб, сўз бошладилар:

قَالَ يَا أَيُّهَا الْمَلَأُ الْأَيْكُمُ يَا بَنِي بَعْرَ شَاقِبَلٍ أَنْ يَأْتُونِي مُسْلِمِينَ ﴿٣٨﴾

38. У (Сулаймон): «Эй аъёнлар! Улар менга таслим бўлиб келишларидан олдин қайсингиз ҳузуримга у(малика)нинг тахтини келтира олади?» деди.

Сабаъ маликаси одамлари билан йўлга чиқибди. Улар бу ёққа келишмоқда. Сизлардан қайси бирингиз улар менга таслим бўлиб, етиб келишларидан аввал ҳузуримга маликанинг тахтини етказиб кела олади?

قَالَ عَفْرَيْتُ مِنَ الْجِنَّ أَنَا أَنَا أَيْنِكَ بِهِ قَبْلَ أَنْ تَقُومَ مِنْ مَقَامِكَ وَإِنِّي عَلَيْهِ لَقَوِيٍّ أَمِينٌ ﴿٤٠﴾

39. Жинлардан бўлган Ифрит: «Мен уни сенга мақомингдан тургунингча келтирурман. Албатта, бунга қувватим ва ишончим бор», деди.

Араб тилида ёмонликда учига чиққан ва қувватли жин-шайтон «ифрит» дейилади. Бу сўз шайтонга ўхшаш одамга ҳам ишлатилади. Сулаймон алайҳиссаломнинг мазкур гапларидан кейин у кишининг аскарларидан бўлган Ифрит:

«Мен уни сенга мақомингдан тургунингча келтирурман. Албатта, бунга қувватим ва ишончим бор», деди.

Афтидан, унинг бу гапи Сулаймон алайҳиссаломга ёқмади. Шунда:

قَالَ الَّذِي عِنْدَهُ عِلْمٌ مِنَ الْكِتَابِ أَنَا آتِيكَ بِهِ قَبْلَ أَنْ يَرْتَدَّ إِلَيْكَ طَرْفُكَ فَلَمَّا رَأَاهُ مُسْتَقِرًّا عِنْدَهُ قَالَ هَذَا مِنْ فَضْلِ رَبِّي لِيَبْلُوَنِي أَأَشْكُرُ أَمْ أَكْفُرُ وَمَنْ شَكَرَ فَإِنَّمَا يَشْكُرُ لِنَفْسِهِ وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ رَبِّي غَنِيٌّ كَرِيمٌ ﴿٤١﴾

40. Китобдан илми бор шахс: «Мен уни сенга кўзингни очиб юмгунингча келтирурман», деди. Қачонки (Сулаймон) у(тахт)нинг ўз ҳузурда қарор топганини кўргач: «Бу Роббимнинг фазлидандир. Мен шукр қиламанми ёки куфрони неъмат қиламанми, синаш учундир. Ким шукр келтирса, ўзи учунгина шукр қилур. Ким куфрони неъмат қилса, бас, Роббим беҳожат ва карамли зотдир», деди.

Уламоларимиз ушбу ояти каримада зикр қилинган: «**китобдан илми бор шахс**»нинг кимлиги ҳақида кўпгина фикрлар айтганлар. Жумладан, у Тавротни, Исмул Аъзамни биладиган шахс эди, оти Осиф ибн Бархиё эди, Лавҳул Маҳфуздан хабари бор эди, деган гапларни айтишган. Лекин Қуръони Карим ёки Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари бирор нарса айтмаганларидан кейин, бошқа бирор ишончли илмий далил бўлмагач, Қуръон ибораси билан кифояланиб, Аллоҳ ўша шахсни «**китобдан илми бор**», деб айтибди, у ёғини Ўзи билади, дейишимиз тўғридир.

Баъзи бир уламолар, «китобдан илми бор шахс» Сулаймон алайҳиссаломнинг ўзлари, деганлар. Агар шундай бўлганида, оятда зикр қилинар эди. Зикр қилинмабдими, демак, у бошқа шахс.

Хулласи калом, Ифритдан кейин «китобдан илми бор шахс» Сулаймон алайҳиссаломга:

«Мен у(тахт)ни сенга кўзингни очиб юмгунингча келтирурман», деди.

Мен Ифритга ўхшаб гапни чўзиб ўтирмайман.

Демак, Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга қўлидан шунчалик ишлар келадиган махлуқларни ҳам аскар қилиб қўйган экан.

Дарҳақиқат, ўшандай бўлди ҳам. Маликанинг тахти келтирилди.

«Қачонки (Сулаймон) у(тахт)нинг ўз ҳузурда қарор топганини кўргач: «Бу Роббимнинг фазлидандир» деди.»

Бир зумда рўй берган бу ҳодиса Сулаймон алайҳиссаломни шошириб қўймади. Ўша фаройиб ишни амалга оширган илми шахс ўз аскарлари эканидан у зот ғурурланиб кетмадилар. Ҳузурларида Сабаъ маликасининг тахти турганини кўриб, тугёнга бормадилар. Дарҳол дилларига, тилларига:

«Бу Роббимнинг фазлидандир», деган фикр, сўз келди. Ва бу гаплари билан, Аллоҳнинг фазли бўлмаса, бунақа иш рўй бериши мумкин эмаслигини жуда яхши билишларини айтяптилар. Шунингдек, Аллоҳ таоло бундай фазлни беҳикмат бермаслигини эсладилар.

«Мен шукр қиламанми ёки куфрони неъмат қиламанми, синаш учундир», дедилар.

Ҳа, Аллоҳ таоло баъзи бандаларига фазлидан бирон неъмат берадиган бўлса, унда синов ҳам бўлади. Қани, банда бу неъматта шукр қилдими ё ношукр бўладими? Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, бундай неъматларга шукр ёки куфрони неъмат қилишнинг Аллоҳга ҳеч қандай фойда-зарари йўқдир. Нима бўлса, банданинг ўзига бўлади.

«Ким шукр келтирса, ўзи учунгина шукр қилур. Ким куфрони неъмат қилса, бас, Роббим беҳожат ва карамли зотдир.»

Шукр қилган савоб олади. Аллоҳ унга берадиган неъматларини янада зиёда қилади. Куфрони неъмат қилган одам эса, гуноҳкор бўлади ва Аллоҳ унга берадиган неъматларини узиб қўяди. Бандасининг шукр қилишига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ, у карамли зотдир. У неъматларини Ўз карами ила беради, шукр учун эмас.

Сабаъ маликаси яқинлашиб келаётганда, Сулаймон алайҳиссалом яна бир чора кўришга қарор қилдилар.

قَالَ نَكِرُوا لَهَا عَرَشَهَا نَنْظُرَ أَهْتَدِي أَمْ تَكُونُ مِنَ الَّذِينَ لَا يَهْتَدُونَ ﴿١٠٠﴾

41. У (Сулаймон): «Унинг тахтини танимайдиган қилиб қўйинг. Кўрайлик-чи, у(малика) уни танирми ёки танимайдиганлардан бўлурми?» деди.

Сулаймон алайҳиссалом бу ишни Сабаъ маликасининг ақл-заковати ва фаҳм-фаросатини синаб кўриш учун қилдилар.

Унинг тахти ўзгартириб қўйилди.

فَلَمَّا جَاءَتْ قِيلَ أَهْكَذَا عَرْشُكِ قَالَتْ كَأَنَّهُ هُوَ وَأُوتِينَا الْعِلْمَ مِنْ قَبْلِهَا وَكُنَّا مُسْلِمِينَ ﴿٤٢﴾

42. Қачонки у келганида: «Сенинг тахтинг шундайми?» дейилди. У: «Худди ўшанинг ўзи», деди. «Бизга бундан илгари илм берилган эди ва мусулмон бўлган эдик».

Сабаъ маликаси тахтни кўриб, ўзиникига ўхшатди. Меники, деса, Сабаъда қолган тахт ўзидан олдин қандай қилиб бу ерда пайдо бўлади? Меники эмас, деса, ўзиникидан ҳеч фарқи йўқ. Шунинг учун: «Худди ўшанинг ўзи», деб, икки томонга бурса ҳам бўлаверадиган жавоб қилди. Бу, маликанинг заковатини кўрсатади.

Ояти каримадаги:

«Бизга бундан илгари илм берилган эди ва мусулмон бўлган эдик», деган жумлани баъзи тафсирчиларимиз Сабаъ маликасига нисбат берсалар, бошқалари Сулаймон алайҳиссаломга тегишли, дейишади.

وَصَدَّهَا مَا كَانَتْ تَعْبُدُ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنَّهَا كَانَتْ مِنْ قَوْمٍ كَافِرِينَ ﴿٤٣﴾

43. Ва у(малика)ни Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарса тўсди. Албатта, у кофир қавмлардан бўлган эди.

Яъни, ўша Сабаъ маликасини Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унгагина ибодат қилишдан Аллоҳдан ўзга сиғиниб юрган нарсаси тўсиб қўйган эди.

«Албатта, у кофир қавмлардан бўлган эди.»

Шунинг учун ҳам, иймонга келмай юарди.

قِيلَ لَهَا ادْخُلِي الصَّرْحَ فَلَمَّا رَأَتْهُ حَسِبَتْهُ لُجَّةً وَكَشَفَتْ عَنْ سَاقِيهَا قَالَ إِنَّهُ صَرْحٌ مُّمَرَّدٌ مِّن قَوَارِيرَ قَالَتْ رَبِّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي وَأَسْلَمْتُ مَعَ سُلَيْمَانَ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٤٤﴾

44. У(малика)га: «Саройга кир», дейилди. Қачонки уни кўрганида, сув деб ўйлаб, пойчаларини очди. У(Сулаймон): «Албатта, бу биллурдан силлиқ қилиб ясалган саройдир», деди. У(малика): «Эй

Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилиб юрган эканман, Сулаймон ила оламларнинг Робби–Аллоҳга мусулмон бўлдим!» деди.

Сулаймон алайҳиссалом Сабаъ маликасига мўъжиза кетидан мўъжиза кўрсатишда давом этдилар. Бу сафар ажойиб саройни кўрсатиб:

«У(малика)га: «Саройга кир», дейилди».

Маликанинг қаршисида сув устига қурилган ғаройиб бир сарой турар эди. Малика таклифни қабул этиб, саройга кирмоқчи бўлди.

«Қачонки уни кўрганида сув деб ўйлаб, пойчаларини очди.»

Малика саройни кўрган чоғида унинг майдонини сув деб ўйлаб, кийими ҳўл бўлмасин учун этаklarини кўтариб, оёқларини очди.

Маликанинг бу ҳолини кўрган Сулаймон алайҳиссалом унга изоҳ бериб:

«Албатта, бу биллурдан силлиқ қилиб ясалган саройдир», деди».

Яъни, сарой олдидаги майдон ҳам биллурдан ясалган, жуда силлиқ, уни сув деб ўйлаб, кийимингни кўтарма.

Ана шунда малика рўй бераётган ҳодисалар оддий эмаслигига, балки Аллоҳ юборган Пайғамбарнинг мўъжизалари эканига ишонч ҳосил қилди. Аллоҳ таолонинг қудратига тан берди ва:

«Эй Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилиб юрган эканман», деди.

Сенга иймон келтирмай, зулмкор бўлган эканман. Хатоимни тушундим.

«Сулаймон ила оламларнинг Робби–Аллоҳга мусулмон бўлдим!» деди.»

Бир юртнинг тахтига эга бўлиб, қўлида ҳукми, аскарлари, чексиз молу мулки бўла туриб, кибру ҳавога кетмай, ақл-заковатини ишлатиб, ҳақиқатни тан олиб, Аллоҳга иймон келтириб, ҳаққа таслим бўлган бу аёлдан – Сабаъ мамлакатининг маликасидан ҳамма ибрат олиши керак.

Энди Солиҳ алайҳиссалом ва Самуд қавмининг ҳикояси келади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا إِلَىٰ ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَالِحًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ فَإِذَا هُمْ فَرِيقَانِ يَخْتَصِمُونَ ﴿٥٥﴾

45. Батаҳқиқ, Самуд қавмига, Аллоҳга ибодат қилинг, деб биродарлари Солиҳни юбордик. Бас, баногоҳ, улар икки гуруҳ бўлиб тортиша бошладилар.

Аллоҳ таоло қачон, қаерга, кимга Пайғамбар юборган бўлса, фақат бир шиор билан -

«Аллоҳга ибодат қилинг!» – шиори билан юборган.

Ҳамма Пайғамбарларнинг, ҳамма шариатларнинг бош шиори –

«Аллоҳга ибодат қилинг» – бўлган.

Албатта, бу шиорни ҳозирда кўпчилик нотўғри тушунади, аслида, у шиор, дунёда фақат Аллоҳнинг кўрсатмаси бўйича ва Унинг дастури асосида яшаш, маъносидаги ибодатни англатади. Солиҳ алайҳиссалом ҳам ана ўша шиор билан қавмлари Самудга Пайғамбар бўлиб келган эдилар.

«Батаҳқиқ, Самуд қавмига, Аллоҳга ибодат қилинг, деб биродарлари Солиҳни юбордик.»

Аммо у зот келганларида Самуд қавми у зотдан мазкур доимий, илоҳий шиорни эшитганларида, лаббай, деб жавоб бериш ўрнига:

«Бас, баногоҳ, улар икки гуруҳ бўлиб тортиша бошладилар.»

Бир гуруҳи мўминлар, иккинчи гуруҳи кофирлар. Улар ўзаро тортишиб, жанжал қила бошладилар. Кофирлар кўпчиликни ташкил қилар эди. Улар мўминларга ёмонлик қилганлари етмаганидек, Солиҳ алайҳиссаломга ҳам озор бердилар. Ҳатто, ҳаддиларидан ошиб, сен бизга ваъда қилаётганинг азобни, қўлингдан келса, тезроқ келтир, деб қистай бошладилар. Шунда:

قَالَ يٰقَوْمِ لِمَ تَسْتَعْجِلُونَ بِالسَّيِّئَةِ قَبْلَ الْحَسَنَةِ لَوْلَا تَسْتَغْفِرُونَ اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ

46. У (Солиҳ): «Эй қавмим, нима учун яхшиликдан олдин ёмонликка ошиқасиз?! Аллоҳдан мағфират сўрасангиз-чи?! Шояд раҳим қилинсангиз», деди.

Эй қавмим, нима учун ҳидоят эмас, азобнинг тезроқ келишини сўрайсиз? Ўзингизга азоб сўраш ўрнига, Аллоҳдан гуноҳларингизни кечиришини тиласангиз бўлмайдими?

Ана ўшанда, шояд гуноҳингиз кечирилиб, Аллоҳнинг раҳматига эришсангиз, дедилар.

Аммо жиноятчи қавмда Пайғамбар насихатига амал қилиш, Аллоҳга истиффор айтиб, раҳматини сўраш нияти йўқ эди.

قَالُوا أَطِئْنَا بَكًا وَبِمَن مَّعَكَ قَالَ طِئْ بِكُمْ عِنْدَ اللَّهِ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ نَفَقُونَ

47. Улар: «Сендан ва сен билан бўлганлардан шумландик», дедилар. У: «Шумланишингиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Балки сизлар синалаётган қавмсиз», деди.

Биз «шумланиш» деб таржима қилган маъно ояти карима матнида «тоир», «тоййар» каби иборалар билан келган. Бу ибора «қуш»,

«қуш учириш» маъноларини беради. Ўша пайтлар мушриклар бирор иш қилмоқчи бўлсалар, ундан олдин фол очиш мақсадида қуш учириб кўрар эдилар. Агар қуш ўнг томонидан учса, хурсанд бўлар ва ўша ишни бошлар эдилар. Агар қуш чап томонига учса, шумқадамлик деб ўйлар, хафа бўлар, шумланар ва у ишни қилмас эдилар. Кейин бориб-бориб бу ибора қуш учирмаса ҳам, бирор нарсанинг шумқадамлигини англатиш учун ишлатиладиган бўлиб кетган.

Самуд қавми ҳам ўзларига «Аллоҳга ибодат қилинг» шиорини олиб келган, уларни Аллоҳга истиффор айтишга, ундан раҳматини сўрашга чақирган Пайғамбарлари Солиҳ алайҳиссаломдан шумланганларини айтишди.

«Улар: «Сендан ва сен билан бўлганлардан шумландик», дедилар.»

Яъни, эй Солиҳ, биз сендан ва сенга иймон келтириб, бирга юрганлардан шумландик.

Ўзи шум бўлганидан кейин иши шумланиш бўларкан-да. Солиҳ алайҳиссалом ва мўминлар нима қилишибдики, бу бадбахтлар улардан шумлансалар. Солиҳ алайҳиссалом Пайғамбар бўлсалар ҳам, бировга ёмонлик ёки яхшилик келтира олмайдилар. Бу ишларнинг эгаси бор. Шунинг учун ҳам, Солиҳ алайҳиссалом Самуд қавмига бу ҳақиқатни англатмоқчи бўлди:

«У: «Шумланишингиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Балки, сизлар синалаётган қавмсиз», деди.»

Сиз бирор нарсадан шумланаётган бўлсангиз, ўша шумланишингизнинг сабаби Аллоҳнинг ҳузуридадир. Бундай ишларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг иродаси билан бўлади. Менинг ҳам, мен билан бирга бўлган мўминларнинг ҳам бунга дахли йўқ. Сизга келаётган нарсалар, балки, синов учундир. Яхшилик етганда шукр қиласизларми, йўқми, ёмонлик келганда сабр қиласизларми, йўқми, синаб кўрилади, дедилар.

وَكَانَ فِي الْمَدِينَةِ تِسْعَةُ رَهْطٍ يُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ وَلَا يُصْلِحُونَ

48. У шаҳарда тўққиз нафарли гуруҳ бор бўлиб, ер юзида бузғунчилик қилишар, ислоҳ қилмас эдилар.

Яъни, Солиҳ алайҳиссаломнинг шаҳарлари бўлмиш Ҳижр шаҳрида тўққиз кишидан иборат бир гуруҳ бўлиб, ўша гуруҳ аъзолари бузғунчилик, фасод ишлар билан шуғулланишарди, яхшиликка, ислоҳ қилишга қўл уришмасди.

Ана ўша тўққиз кишилик бузғунчи гуруҳ аъзолари ислоҳга чақираётган Солиҳ алайҳиссаломдан энг кўп дарғазаб бўлдилар. Ўз жиноятла-

ри билан шаҳар аҳолисини қўрқитиб олган мазкур уюшган жиноятчилар ўзларининг барча ҳамкасбларига ўхшаб шаҳарнинг каттаю кичик ҳар бир ишига аралшиб турар эдилар. Солиҳ алайҳиссаломнинг гаплари чиққанидан сўнг улар ишни ўзларича муолажа қилишга ўтдилар.

قَالُوا تَقَاسَمُوا بِاللَّهِ لَنُبَيِّتَنَّهُ وَأَهْلَهُ ثُمَّ لَنَقُولَنَّ لِوَلِيِّهِ مَا شَهِدْنَا مَهْلِكَ أَهْلِهِ وَإِنَّا لَصَادِقُونَ

49. Улар: «Аллоҳнинг номига қасам ичинглар! Албатта, у (Солиҳ)ни ва унинг аҳлини тунда ўлдирамиз, сўнгра валийсига, биз унинг аҳлининг ҳалокатига гувоҳ эмасмиз, албатта, биз ростгўйлармиз, деймиз», дедилар.

Ҳамма замондаги бузғунчи, зўравон, жиноятчи, иймонсиз гуруҳларнинг услуби шу — ўзларининг йўлига қарши бўлган, кишиларни фиқс-фасоддан қайтараётган, халқ-халойиққа бузғунчилик, қаллоблик, ҳаром-хариш нималигини англашиб, уларнинг кўзини очаётган шахсга суиқасдлар уюштирилади; кечаси хоинларча бекиниб келиб, ўлдириб ёки бошқа бирор зарар етказиб кетилади; кейин мазлумнинг тарафдорларига: билмадик, ким қилди экан бу ишни, дея без бўлиб тураверилади.

Солиҳ алайҳиссаломнинг илоҳий даъвати ёқмаган кофир-бузғунчи, тўққиз кишилик жиноятчи гуруҳдагилар ҳам худди шу услубни қўллаш ҳақида маслаҳат қилишди. Энг қизиғи, Аллоҳга иймони йўқ, Аллоҳнинг динига қарши чиқаётган, Аллоҳнинг Пайғамбари ва Унинг аҳлини ўлдиришга аҳдлашаётганлар нима қияптилар, эътибор беринг-а:

«Улар: «Аллоҳнинг номига қасам ичинглар!» демоқдалар.

Ҳа, бир-бирларини Аллоҳнинг номи билан қасам ичиб туриб, ўша мудҳиш ишни амалга оширишга чорламоқдалар. Аллоҳга куфр келтириб, унга қарши жиҳод қилаётганлар унинг йўлида хизмат қилаётганларни, унга иймон келтирганларни ўлдириш пайида бўлиб туриб, яна нега Аллоҳнинг номи билан қасам ичадилар?!

Ҳа, бу алдамчилик бузғунчиларнинг қонига сингган хислатдир. Улар шу йўл билан Аллоҳни ҳам, одамларни ҳам, ўзларини ҳам алдамоччи бўладилар. Лекин бу алдовга ўзларидан бошқа ҳеч ким ишонмайди. Бу тоифадаги бузғунчилар Аллоҳнинг номи билан қасам ичаверадилар, Аллоҳ, дин, шариат ҳақида, уларга ихлос қилиш зарурлиги хусусида лоф ураверадилар. Шу билан бирга, Солиҳ алайҳиссаломни ва у кишига уммат бўлганларни кечаси ўлдиришнинг режасини ҳам тузаверадилар. Яна, бу режани амалга оширишда бирортаси айниб қолмасин учун, Аллоҳнинг номи билан қасам ҳам ичадилар.

Бузғунчи, дин душманларининг иккинчи бир ғаройиб хусусия-

ти оятдаги:

«Албатта, у(Солих)ни ва унинг аҳлини тунда ўлдираамиз», деган гапларидан билинади. Дин ва диёнат учун хизмат қилаётган кишиларни, диндорларни очиқдан-очиқ ўлдиришга уларнинг юраги бетламайди. Кечаси хоинларча келиб, бировга билдирмасдан ўлдириб кетадилар. Чунки, қанчалик кофир, золим, бузғунчи бўлмасинлар, Аллоҳ йўлида юрган одамни шу йўлда юргани учунгина ошкора ўлдиришга ёки бирор зарар етказишга журъат эта олмайдилар. Шунинг учун, бирор зарар етказмоқчи бўлсалар, бошқа сабабларни тўқийдилар, ўлдирмоқчи бўлсалар, кечаси ўлдирадилар.

Бузғунчи, дин душманларининг учинчи бир ғаройиб хусусияти:

«Сўнгра валийсига, биз унинг аҳлининг ҳалокатига гувоҳ эмасмиз, албатта, биз ростгўйлармиз, деймиз», деган гапларида кўринади.

Ундоқ нобакорлар қилар ишни қилиб қўйиб, ёлғонни кўпиртириб, мен ростгўйман, деб қасам ичиб тураверадилар. Бунга Аллоҳни ҳам, одамларни ҳам ишонтираамиз, деб ўйлайдилар. Аммо ҳеч ким ҳеч қачон ишонмайди. Улар фақат ўзларини алдайдилар, холос. Улар, ўзларича, одамларни боладик, деб хурсанд бўлиб юрадилар. Аммо охир-оқибат ўзлари бопланиб қолганларини билмай қоладилар.

 وَمَكْرُؤًا مَّكْرًا وَمَكْرًا مَّا كَرَاهُوا هُمْ لَا يَشْعُرُونَ

50. Улар макр қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолда бир «макр» қилдик.

Яъни, кофир-бузғунчилар ўзларича маслаҳатлашиб, макр-ҳийла ишлатиб, устомонлик қилмоқчи бўлдилар. Биз уларнинг макрининг жазосини бердик.

Ақийда бўйича, Аллоҳ таолога макр-ҳийлани нисбат бериб бўлмайди. «Намл» сурасидаги ушбу оят ва шунга ўхшаш бошқа оятларда араб тилининг балоғат-фасоҳат қоидаларидан «мушокала» қоидаси ишлатилгандир. Яъни, лафзларнинг шакли бир хил-у, маъноси бошқа-бошқа бўлади. Оятларда «макр» сўзи бузғунчиларга нисбатан асл маъносида, Аллоҳ таолога нисбатан эса, макрнинг жазосини бериш маъносида ишлатилади.

Ҳа, дин душманлари, бузғунчилар макр-ҳийла қилиб, Аллоҳнинг номи билан қасам ичиши, ўзини диндор қилиб кўрсатиши, аҳли иймонга турли найранглар ишлатиб, мусийбат етказиши мумкин. Ўзида бор куч-қувват, имконият ва ҳийла-найранглардан қувониши мумкин. Лекин ҳаммасини Аллоҳ таоло кўриб-билиб, ҳисоб-китоб қилиб туради-ку?! Аллоҳ таоло ўша бузғунчиларни ўзларига сездирмай, аҳволини расво қилиб қўйиши мумкин-ку?! Ҳозирча

ўша бузғунчиларнинг сўзини ўтадиган, ишини битадиган қилиб қўйиши ҳам сездирмай олишнинг бир йўли-ку?! Мана шуларни унутган бузғунчилар охир-оқибат ҳақиқий ҳалокатга учрайдилар.

فَانظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُكْرِمِينَ ۝۵۱

51. Назар сол! Уларнинг макри оқибати нима бўлди?! Биз, албатта, уларни ва қавмларини, ҳаммаларини ер билан яксон қилдик.

Ҳа, динга қарши бўлган, бузғунчилик қилган, иймон аҳлига зулм ўтказган одамлар қанчалик кучли бўлмасин, қанчалик макру ҳийла-ларга ўрганган бўлмасин, барибир, охир-оқибатда ҳалокатга учрашлари муқаррар.

فَتِلْكَ بُيُوتُهُمْ خَاوِيَةٌ بِمَا ظَلَمُوا ۝۵۲

52. Ана, зулмлари сабабли уйлари ҳувиллаб ётибди! Албатта, бунда биладиган қавмлар учун ибрат бордир.

Зулмнинг оқибати шундай бўлиши турган гап. Бир кун келиб, золимлар ҳалокатга учрайди. Уларнинг ҳашаматли қасрлари, уйлари, турар жойлари вайронага айланиб, ҳувиллаб қолади. Буни ҳар жойда, ҳар диёрда кўриб юрибмиз. Ана ўша золимларнинг аянчли қисматида улардан кейин келганлар учун, агар улар биладиган қавм бўлсалар, ибрат, ваъз-насиҳат ва эслатма бордир. Аммо билмайдиган, жоҳил қавмлар бўлса, яна айнан ўша ҳалокатга учраган золимларнинг хатосини такрорлайверадилар ва оқибатда ўша золимларга ўхшаб ҳалокатга йўлиқаверадилар.

وَأَنْجَيْنَا الَّذِينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ ۝۵۳

53. Ва иймон келтириб, тақво қилиб юрганларга нажот бердик.

Аввалги ўтган мўмин ва тақводорларга нажот берганимиздек, Солиҳ қавмининг ҳам мўмин ва тақводорларига нажот бердик. Улардан кейин келадиган мўмин ва тақводорларга ҳам нажот берамиз.

Эндиги оятлар Лут қавмининг қиссасига тўхталади:

وَلَوْ طَآءَ إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ ۝۵۴

لَتَأْتُونَ الرِّجَالَ شَهْوَةً مِّنْ دُونِ النِّسَاءِ ۗ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ جَاهِلُونَ ﴿٥٤﴾

54. Ва Лутни ҳам (Пайғамбар қилиб юбордик). Ўшанда у ўз қавмига: «Сиз кўриб-билиб туриб, фоҳиша иш қиласизми?!»

55. Сиз, албатта, аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қиласизми?! Йўқ! Сиз жоҳиллик қилаётган қавмдирсиз!» деди.

Солиҳ алайҳиссалом қиссасида бўлгани каби, Лут алайҳиссалом қиссаларидан ҳам ушбу суранинг сиёқига мос парча келтирилмоқда. Лут алайҳиссалом қавмлари билан фақат уларнинг баччабозлиги ҳақида тортишганликлари зикр этилмоқда, холос. Аллоҳ таоло Лут алайҳиссаломни ҳам қавмларига Пайғамбар қилиб юборганида, у зот қавмга қараб:

«Сиз кўриб-билиб туриб, фоҳиша иш қиласизми?!» дедилар.

У жиноятчи қавмнинг «фоҳиша иши» баччабозлик – эркак кишиларнинг бир-бири билан жинсий алоқа қилиши эди. Бу ишлари на ҳайвоний, на инсоний табиатга тўғри келмайдиган иш эди. Аллоҳ таоло дунёдаги ҳамма жонзотларни, нарсаларни, ҳайвонларни бири-бирига боғлиқ, бир-бирига мос, бир-биридан манфаат оладиган қилиб яратган. Шу жумладан, инсонларда жинсий алоқа масаласини эркак ва аёлга боғлаб қўйган. Ҳақиқий жинсий алоқа, лаззат, ундан келадиган самара – фарзанд ана ўша табиий алоқа орқали вужудга келди. Баччабозлик эса, унга тамоман тескаридир. Шунинг учун ҳам, бу ишга фақат инсонийлик табиатидан чиққанларгина мубтало бўладилар. Улар амаллари инсоний табиатга хилоф эканини яхши биладилар. Аммо кўриб-билиб туриб, яна қилаверадилар. Лут алайҳиссаломнинг ўз қавмига қарата қилган хитобларида ана шу маънолар бор. Ул зот алайҳиссалом сўзларининг давомида «фоҳиша иш» нимадан иборат эканини очиқ айтмоқдадир:

«Сиз аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қиласизми?!»

Мана шу гапнинг ўзи уларнинг ким эканини аниқ баён қилмоқда, бошқа ҳеч қандай изоҳга ҳожат йўқ. Эркак кишининг аёлга шаҳвоний яқинлик қилиши ҳаммага маълум ва табиий нарса, аммо эркак билан эркак шаҳвоний яқинлик қилиши ақлга сифмайдиган иш. Ҳатто ваҳший ҳайвонлар ҳам бундай қилмайди. Фақат одам шаклида юрган, лекин табиийликдан четга чиққан махлуқларгина бунақа тубанликка боради.

«Йўқ! Сиз жоҳиллик қилаётган қавмдирсиз!»

Шундай бўлмаганида, бу ишни қилмас эдингиз.

Лут алайҳиссаломнинг бу айбловларига қавми қандай жавоб берди?

﴿فَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِ إِلَّا أَنْ قَالُوا أَخْرِجُوهُمْ أَلْ لُوطِ مِنْ قَرِيَّتِكُمْ إِنَّهُمْ أَنَاسٌ يَنْطَهُرُونَ﴾

56. Унинг қавмининг жавоби: «Лут аҳлини юртингиздан қувиб чиқаринг, чунки улар покиза бўлишни хоҳлаган кишилардир», дейишдан бошқа нарса бўлмади.

Ифлосликка ботиб қолган бу қавм покликни масхара қилиб, покиза одамларни камситиш йўлига ўтди. Уларни дунёда ҳеч ким қилмаган ифлосликдан қайтариб, покланишга, инсон номига доғ туширмасликка чорлаган Аллоҳнинг Пайғамбари Лут алайҳиссаломни ва у кишига эргашган мўминларни айнан покликлари учун юртларидан ҳайдаб чиқармоқчилар.

﴿فَأَنجَيْنَاهُ وَأَهْلَهُ إِلَّا أُمَّرَأَتَهُ قَدَرْنَا مِنَ الْغَابِرِينَ﴾

57. Бас, Биз унга ва хотинидан бошқа аҳлига нажот бердик. У(хотин)нинг азобда қолгувчилар ичида бўлишини тақдир қилдик.

Одатдагидек, Пайғамбар бошлиқ мўминлар нажот топдилар. Қофирлар эса, азобда қолдилар. Ҳатто, золимлардан бирини Пайғамбарга хотин экани ҳам қутқариб қола олмади. Чунки, динда ўлчам наслу насабга, яқин қариндошликка боғлиқ эмас. Ҳамма амалига яраша олади.

﴿وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِمْ مَطَرًا فَسَاءَ مَطَرُ الْمُنْذَرِينَ﴾

58. Ва уларнинг устларига бир ёмғир ёғдирдикки, бас, огоҳлантирилганларнинг азоби қандай ҳам ёмон бўлди.

Ва жинойтчи Лут қавмининг устидан тош ёғдирдик. Ҳаммалари ҳалок бўлдилар. Огоҳлантиришларга қарамай, жинойтда бардавом бўлганларнинг оқибати шундай бўлади.

«...бас, огоҳлантирилганларнинг азоби қандай ҳам ёмон бўлди.»

Шу билан ўтган Пайғамбарлар ва уларнинг умматлари ҳақидаги қиссалар тамом бўлади. Мусо, Довуд, Сулаймон, Солиҳ ва Лут алайҳимуссаломларнинг қиссаларидан кейин, яна суранинг аввалидаги мавзуга қайтилади. Яна ақийда масаласига, Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи жараёнларга эътибор тортилади, турли масалалар муолажа этилади. Аввало, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинади:

قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ وَسَلَامٌ عَلَىٰ عِبَادِهِ الَّذِينَ اصْطَفَىٰ ۗ اللَّهُ خَيْرٌ مَّا يَشْرِكُونَ ﴿٥٩﴾

59. Сен: «Аллоҳга ҳамд бўлсин ва У танлаб олган бандаларига салом бўлсин. Аллоҳ яхшими ёки улар ширк келтираётган нарсаларми?» дегин.

Аллоҳ таоло ушбу оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳар бир гапни бошлашдан олдин айтиш лозим бўлган муборак сўзларни ўргатмоқда:

«Алҳамду лиллаҳ» – «Аллоҳга ҳамд бўлсин», деб айтишни буюрмоқда.

Демак, каломнинг боши шу сўзлар бўлиши керак. Сўнгра, Аллоҳ танлаб олган бандаларга, танлаб олиб, Пайғамбар қилиб жўнатган бандаларга саловот ва салом айтишни буюрмоқда.

«...ва У танлаб олган бандаларига салом бўлсин», дегин.

Кейин хоҳлаган гап гапирилаверади.

Оятда асосий эътибор қуйидаги саволга қаратилган:

«Аллоҳ яхшими ёки улар ширк келтираётган нарсаларми?»

Очиқ-ойдин савол. Бир томонда, баркамол сифатлари билан Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло. Иккинчи томонда, мушриклар унга шерик қилаётган тош, ёғоч, лойдан ясалган жонсиз бут-санамлар, турли ҳайвонлар, одамлар, жинлар, фаришталар ва бошқалар. Қайси бири яхши? Бу саволга жавоб кутиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳамма нарса шундоқ ҳам маълум. Шу сабабли, бевосита иккинчи саволга ўтиляпти:

أَمْ مِنْ خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَأَنْزَلَ لَكُمْ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَنْبَتْنَا بِهِ حَدَائِقَ ذَاتَ بَهْجَةٍ مَّا كَانَ لَكُمْ أَنْ تُنبِتُوا شَجَرَهَا ۗ أَلَيْسَ اللَّهُ بِعَلِيمٍ قَوْمٍ يُعَدِّلُونَ ﴿٦٠﴾

60. Ёки осмонлару ерни яратган, сизларга осмондан сув туширган Зотми? Бас, Биз у(сув) билан гўзал боғлар ўстирдик. Сиз ўзингиз унинг дарахтини ўстира олмас эдингиз. Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! Йўқ, улар ўзлари тенглаштирадиган қавмдирлар.

Қани айтинглар-чи, ўша турли-туман сохта худоларингиз яхшими

«Ёки осмонлару ерни яратган, сизларга осмондан сув туширган Зотми?»

Қайси бири яхши? Ҳеч нарсани, ҳатто битта пашшани ҳам ярата олмайдиган сохта худолар қаёқдаю осмонлару ерни яратган қодир Аллоҳ қаёқда!

Сизга ҳеч нарсани ризқ ёки неъмат қилиб бера олмайдиган сохта худолар яхшими ёки осмондан сизга сув тушириб, бутун ризқу рўзингизга сабаб қилган Зот яхшими?

«Бас, Биз у (сув) билан гўзал боғлар ўстирдик.»

Ҳа, Ўзимиз осмондан туширган сув билан Ўзимиз гўзал боғларни ўстирдик. Сиз унинг мевасидан ейсиз. Ҳайвонларингизга-да берасиз. Гўзаллигидан завқланасиз. Соясида истироҳат қиласиз. Яна қанчадан қанча манфаатлар оласиз. Хўш, бу гўзал боғларни сизга ўша сохта худоларингиз ўстириб бердимиз? Ёки ўзингиз ўстириб олдингизми?

«Сиз ўзингиз унинг дарахтини ўстира олмас эдингиз.»

Набототлар қандай ўсади, улғаяди, гулга киради, мева қилади, ҳеч ким ҳозиргача билмайди. Инсоннинг иши баъзи бир хизматларини қилиш, холос. Бошқа вақтда набототларда юз бераётган жараёнлар нималигини билмасдан, унга аралаша олмай, қараб туришдан бошқа иш қўлидан келмайди. Ўсимликларнинг ўсиш жараёни ҳақида тасаввурга эга бўлмаган инсон қандай қилиб уни ўстира олар эди?! Буларнинг ҳаммасини фақат Аллоҳ таолонинг якка Ўзи қилади, холос. Шундай бўлса ҳам, Аллоҳга ширк келтирасизми?

«Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?!»

Аллоҳга тенг кела оладиган бирор зот бўлиши мумкинми?!

«Йўқ, улар ўзлари тенглаштирадиган қавмдирлар.»

Йўқ! Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Аммо мушрикларнинг ўзлари Аллоҳга бошқани тенглаштирадиган қавмдирлар. Улар қадимдан шунақа касалга чалинганлар.

أَمْ جَعَلَ الْأَرْضَ قَرَارًا وَجَعَلَ خِلَالَهَا أَنْهَارًا وَجَعَلَ لَهَا رَوَاسِيًا وَجَعَلَ بَيْنَ
الْبَحْرَيْنِ حَاجِزًا أَلَمْ يَعْزِمْ لَهُ مَعَهُ اللَّهُ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٦١﴾

61. Ёки ерни қароргоҳ этган, унинг узра анҳорлар қилган, унга тоғлар қилган ва икки денгиз ўртасида тўсиқ қилган Зотми?! Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! Йўқ, уларнинг кўплари билмаслар.

Эй, мушриклар, қани айтинг-чи, сизнинг ўша турли-туман, қўлидан ҳеч иш келмайдиган сохта худоларингиз яхшими

«Ёки ерни қароргоҳ этган» Зотми?

Ўзимиз яшаб турган ерни қарайлик. Ундаги саноқсиз мўъжизаларни санаб ўтирмайлик-да, биргина хусусиятини, унинг «қароргоҳ»лигини олиб кўрайлик. Аллоҳга куфр келтираётган инсонга ҳам қароргоҳ бўлиб турганига эътибор берайлик. Ер инсон учун қароргоҳ. Ерда инсон ҳаёт кечириши учун ҳамма нарса муҳайё. Буларни

ким қилган? Сохта худоларми ёки инсоннинг ўзими? Ер билан қуёш орасидаги масофа озгина узайса, ер музлаб қолиши ёки, аксинча, оралиқ масофа озгина камайса, ер куйиб кетиши илмий ҳақиқатдир. Хўш, ерни бундай аниқ ўлчов билан қуёшдан маълум даражадаги узоқликка ким қўйдию ким уни ушлаб турибди?

Нафас олишни ҳам бир ўйлаб кўрайлик. Инсон нафас олиши учун ҳавони ким етказиб бермоқда? Агар инсон озгина баландликка кўтарилса, нафас олиши қийинлашади. Фазога учаётган кемалар махсус идишларда ҳаво олиб кетаётгани шундан. Ўша ерда инсон оғирлигини ҳам йўқотиб, муаллақ учиб юради. Аксинча, инсон ер қаърига тушиб борса ҳам, нафас ололмай қийналади. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ ернинг биз яшаб турган қатламини инсонга ва бошқа сонсиз-саноқсиз махлуқотларга қароргоҳ қилиб қўйган зот Аллоҳ эканини, Ундан ўзга ҳеч ким бу ишларни қила олмаслигини англаб етишимизга кифоя бўлиши керак.

Аллоҳ таоло ерни фақат қароргоҳ этибгина қолмай, яна

«унинг узра анҳорлар қилган» ҳамдир.

Дарё ва анҳорлар ернинг ҳаёт томири. Қаерда дарё бўлса, қаерда анҳор оқса, ўша ерда ҳаёт бор. Ўша ерда ободончилик, экин-тикин ва бошқа нарсалар бўлади. Ер юзида қанчадан-қанча дарё ва анҳорлар бор. Уларни ким вужудга келтирган? Уларни ким қазиб, ким сувини оқизиб қўйган? Сохта худоларми? Ёки инсоннинг ўзими? Агар улар ҳаммалари тўпланиб, ҳамма имкониятларини ишга солиб, жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилсалар, бир ҳўплам сувни йўқдан ярата олармикинлар? Албатта, ярата олмайдилар. Шундай бўлганидан кейин, Аллоҳга иймон келтириб, Унинг ягона ибодатга сазовор зот эканини тан олишса бўлмайdimи?

Аллоҳ ер юзида фақат анҳорларни оқизиб қўйган эмас, балки

«унга тоғлар қилган» зот ҳамдир.

Ер юзидаги улуғвор, собит тоғларни ким пайдо қилган? Сохта худоларми ёки одамларнинг ўзими? Дарё ва анҳорларнинг суви ҳам ўша тоғлардан келади. Шу билан бирга, бошқа оятларда айтилганидек, тоғлар қозик бўлиб, ернинг мувозанатини ушлаб туради. Уларда инсон учун яна қанчадан-қанча манфаатлар бор. Буларнинг ҳаммасини яратган Аллоҳнинг қудратига тан бермасдан юрганларга ҳайронсан.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло

«икки денгиз ўртасида тўсиқ қилган» зотдир.

Икки денгиз — денгиз ва дарёдир. Аллоҳ улар ўртасига табиий тўсиқ тортиб қўйибди. Бирининг суви иккинчисига қуйилади, аммо аралшиб кетмайди: дарёнинг чучук суви шўр, денгизнинг шўр суви чучук бўлиб қолмайди. Чунки, Аллоҳ уларнинг ўртасига табиий тўсиқ тортиб қўйган.

Буни Аллоҳдан бошқа ким қила олади? Сохта худоларми ёки кофир ва мушрикларми? Йўқ! Ҳеч ким қила олмайди. Қила оладиганлар бўлса, айтсинлар!

«Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?!»

Қани, мушриклар жавоб берсинлар!

«Йўқ, уларнинг кўплари билмаслар.»

Уларда илм деган нарсанинг асари ҳам йўқ. Бўлмаса, Аллоҳга турли нарсаларни ширк келтириб юрармидилар!

أَمَّنْ يُحِبُّ الْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ وَيَجْعَلُكُمْ خَلَائِفَ الْأَرْضِ أَأَنْتُمْ
مَعَ اللَّهِ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ ﴿٦٢﴾

62. Ёки музтар(ночор) одам дуо қилганда ижобат этиб, унинг мушкулени осон қилган ҳамда сизни ер юзида халифа қилган Зот яхшими?! Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми? Қанчалик оз эслайсизлар-а?!

Эй, мушриклар, қани айтинг-чи, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган сохта худоларингиз яхшими

«Ёки музтар(ночор) одам дуо қилганда ижобат этиб, унинг мушкулени осон қилган» зотми?

Роҳат-фароғат вақтида Аллоҳни хаёлига келтирмайдиганлар ҳам, Аллоҳни умуман инкор этадиганлар ҳам, худолик даъвосини қиладиганлар ҳам ноцор қолган вақтларида, ҳеч илож топа олмай, ҳамма таянчлардан умидлари узилган пайтда Аллоҳга ёлборадилар. Ҳаёти қил устида қолганда, аҳволи оғирлашиб, ҳеч бир илож тополмай турган вақтда Аллоҳдан ёрдам сўрайдилар. Бу ҳолат ҳар бир инсоннинг ҳаётида бўлади. Инсон бу дунёда ўзини боғлаган нарсалардан узилганида Аллоҳга юзланади, Унга боғланади. Мана шу ҳолатнинг ўзи Аллоҳнинг борлигига, ягона илоҳлигига далилдир. Чунки, Аллоҳдан ўзга сохта худолари унинг дуосини эшитмайди, ижобат ҳам қила олмайди. Фақат биргина зот дуони эшитиб, ижобат қилишга қодир. У ҳам бўлса, Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Музтар бўлган пайтда бошқа ҳамма нарсани қўйиб, ягона Аллоҳга илтижо қилиш инсон табиатига жуда хосдир.

Аллоҳ таоло ноцор инсоннинг дуосини эшитиб, уни истижобат қилиш билангина кифояланиб қолмайди, балки фазли ила инсонни Ўзининг ер юзидаги халифаси – ўринбосари этиб сайлаб қўйгандир. Шунинг учун ҳам, саволнинг давомида:

«ҳамда сизни ер юзида халифа қилган Зот яхшими?!» дейилмоқда.

Дарҳақиқат, инсонни ер юзида хўжайин қилиб қўйган ким ўзи? Инсонга ер юзидаги ҳамма мавжудотни беминнат хизматкор қилиб

қўйган ким ўзи? Инсонга ер юзидаги барча нарсалардан фойдаланиш қобилиятини берган зот ким ўзи? Умуман, инсонни йўқдан бор қилган ким ўзи? Ўша сохта худоларми ёки Аллоҳ таоломи? Албатта, Аллоҳ таоло. Шундай экан:

«Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?»

Шунинг учун мушриклар Аллоҳга ширк келтиришяптими?

Йўқ, Аллоҳдан бошқа илоҳ бўлиши мумкин эмас. Аммо буни мушриклар эсламайдилар. Шунинг учун ҳам, оят охирида уларга:

«Қанчалик оз эслайсизлар-а?!» дейилмоқда.

أَمْ يَهْدِيكُمْ فِي ظُلْمَتٍ أَلْبَرٍ وَالْبَحْرِ وَمَنْ يُرْسِلُ الرِّيحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ ۗ أَلَمْ يَأْتِ اللَّهُ مَعَ اللَّهِ تَعَالَى اللَّهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ

63. Ёки сизларни қуруқлик ва денгиз зулматларида тўғри йўлга соладиган ҳамда Ўз раҳмати олдидан шамолларни хушxabар қилиб юборадиган Зотми?! Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан олийдир.

Эй, мушриклар, қани айтинг-чи, сизнинг қўлидан ҳеч нарса келмайдиган ўша турли-туман сохта худоларингиз яхшими

«Ёки сизларни қуруқлик ва денгиз зулматларида тўғри йўлга соладиган» зотми?!

Одамлар доимо қуруқлик ва денгизда сафар қилиб келади. Кўзланган манзилларга етиш учун турли йўллардан юришади. Иложини қилиб, ўша жойни топиб боришади. Хўш, ўша сафарларда йўл топиш қобилиятини инсонга ким берди? Йўлни аниқлашда ёрдам берадиган ақл, кўз, қулоқни-чи? Турли белгиларга, юлдузларга, асбобларга қараб йўл топишни унга ким ўргатди? Сохта худоларми? Ёки Аллоҳ таоломи? Албатта, Аллоҳ таоло. Шундай бўлса, яна:

«Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?!»

Йўқ, албатта. Аммо мушриклар жоҳиллик қилиб, Аллоҳга ширк келтирадилар.

«Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан олийдир.»

У зот Унга бирор шерик бўлиш айбидан покдир.

أَمْ يَبْدُوُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَمَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ ۗ أَلَمْ يَأْتِ اللَّهُ قُلُوبَهُمْ بِرُحْمَةٍ ۗ إِنَّكُمْ كُنْتُمْ سَادِقِينَ

64. Ёки аввал бошдан яратадиган, сўнгра яна қайтадан яратадиган ва сизларни осмонлару ердан ризқлантирадиган Зот яхшими? Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! «Агар ростгўй бўлсангиз ҳужжатингизни келтиринг», дегин.

Эй, мушриклар, қани айтинглар-чи, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган сизнинг турли-туман сохта худоларингиз яхшими

«Ёки аввал бошдан яратадиган, сўнгра яна қайтадан яратадиган» зотми?

Аслида, йўқ инсонни бор қилиб, аввал бошда яратган ким? Бут-санамларми, жин ва фаришталарми, мушриклар худо деб юрган бошқа махлуқларми? Инсонни охиратда қайтадан яратадиган ҳам фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи.

Эй, мушриклар, қани айтинглар-чи, сизнинг турли-туман, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган сохта худоларингиз яхшими ёки:

«Сизларни осмонлару ердан ризқлантирадиган Зот яхшими?»

Аллоҳ инсонни йўқдан бор қилиб яратди, энди унга ризқ берадиган ким? Инсон осмонлару ердан сонсиз-саноқсиз неъматлар билан ризқланмоқда. Ана ўша ризқлар туфайли инсон ҳаёт кечиришга имкон топмоқда. Бу ризқларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Қани, эй, мушриклар, ўша ризқларнинг қайси бирини «худо»ларингиз берган, айтинглар. Биз нафас олаётган ҳавони бердимиз? Сувними? Нимани берди ўзи? Йўқ, ҳеч нарсани бергани йўқ. Инсон зотини осмонлару ердан беҳисоб неъматлар билан ризқлантираётган зот Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Шундай экан, яна:

«Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?!»

Албатта, йўқ. Эй, мушриклар, агар, Аллоҳ билан бирга яна бошқа илоҳ ҳам бор, дейдиган бўлсангиз ва бу гапингизда

«ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг», дегин».

Пайғамбаримиз алайҳиссаломга Аллоҳ ўргатаётган бу талаб тавҳид аҳлининг ширк аҳлларига қўядиган доимий талабидир. Мушриклар ҳеч қачон бу талабни қондира олмайдилар. Чунки, уларнинг, Аллоҳнинг шериги бор, деган гаплари ғирт ёлғон, агар рост бўлганида, ҳужжатларини келтирар эдилар.

Ширк амаллари, яъни, кўпхудолик, тўғрироғи, Аллоҳ таолонинг шериги бор, деб эътиқод қилиш баъзи йўлдан адашган тоифаларда учрайдиган ҳолатдир. Аслида, ҳамма самовий динлар ягона Аллоҳга ибодат қилишга, тавҳидга чақиргандир.

Ушбу сураи каримада ваҳдоният асосларини мустаҳкамлаш, ширкнинг асоссизлигини исботлаш учун юқоридаги беш савол берилди. Бу беш саволга мушриклар ҳеч қачон жавоб топиб бера олмаганлар, бера олмайдилар ҳам. Чунки, мушриклик асоссиз эътиқоддир.

Ваҳдониятни исбот қилиш ва ширкнинг асоссиз эканини кўрсатиш учун келтирилган оятлардан сўнг, яна Аллоҳ таолонинг Ўзига хос сифатларидан бири — ғайбни билиши ва ғайб илмидан бўлган охират ҳақидаги хабарлар келади:

قُلْ لَا يَعْلَمُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ الْغَيْبَ إِلَّا اللَّهُ وَمَا يَشْعُرُونَ أَيَّانَ يُبْعَثُونَ ﴿٦٥﴾

65. Сен: «Осмонлару ерда Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ғайбни билмас», деб айт. Улар қачон қайта тирилтирилишларини ҳам сезмаслар.

Ғайбни билиш фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига хосдир. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким — на инсон, на фаришталар, на жинлар ғайбни билмайди. Бу эса, Аллоҳ таолонинг мутлақ илм эгаси эканини англатиш билан бирга, махлуқотлар учун у буюк Зотнинг лутфи ҳамдир. Ўйлаб кўрайлик, инсон ўз тақдирини, бир кун, бир ҳафта, бир ой, бир йилдан кейин ёки умрининг охиригача нималар бўлишини аниқ билса, унинг учун ўша кун, ҳафта, ой, йил ва умрнинг қизиги қолдими? Албатта, йўқ. Бу мулоҳаза фақат биргина ғайб ҳақида. Яна қанчадан-қанча ғайб ишлари бор, уларни ҳам мулоҳаза қилсак, шунга ўхшаш ҳикматлар келиб чиқаверади.

«Улар қачон қайта тирилтирилишларини ҳам сезмаслар.»

Инсоннинг қачон қайта тирилиши ҳам ғайб илмидир. Уни ҳам осмонлару ерда Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Инсонларнинг ўзлари қачон қайта тирилишларини ҳатто сезмайдилар. Бу масала ҳам майли, ундан каттароғини ҳам сезмайдилар. Ёки билармикинлар?

بَلِ أَدْرَأَكْ عِلْمُهُمْ فِي الْآخِرَةِ بَلْ هُمْ فِي شَكٍّ مِنْهَا بَلْ هُمْ مِنْهَا عَمُونَ ﴿٦٦﴾

66. Балки илмлари охиратни идрок қилгандир? Йўқ, улар ундан шак-шубҳададирлар. Йўқ, улар ундан кўрдирлар.

Кофирлар охират илмидан хабардормикин? Йўқ, била олмайдилар. Улар охират нима эканини билиш у ёқда турсин, охиратнинг бўлиш-бўлмаслигига аниқ ишонмайдилар. Ҳаттоки, у хусусдаги масалада кўрдирлар, ҳеч нарсани кўрмаслар. Шунинг учун ҳам:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَإِذَا كُنَّا تُرَابًا وَآبَاءًا وَآبَاءُنَا أَيْنَا الْمُرْجُوعُونَ ﴿٦٧﴾ لَقَدْ وَعَدْنَا هَذَا لَنَا نَحْنُ وَآبَاؤُنَا مِنْ قَبْلُ إِنْ هَذَا إِلَّا أَسْطِيرُ الْأُولِينَ ﴿٦٨﴾

67. Куфр келтирганлар: «Биз ва ота-боболаримиз тупроқ бўлганимиздан кейин, яна чиқариламизми?!»

68. Батаҳқиқ, бу бизга-да, ота-боболаримизга-да олдин ҳам ваъда қилинган эди. Бу, аввалгиларнинг афсонасидан бошқа ҳеч нарса эмас», дедилар.

Кофирларда Аллоҳга ва Унинг баркамол сифатларига ишонмаслик оқибатида ўрнашиб қолган нотўғри хаёллардан бири қайта тирилиш масаласида кўринади. Улар, ўлганимиздан кейин кўмилиб, эту устихонимиз чириб, тупроққа қўшилиб кетганидан кейин, қандай қилиб яна қайтадан тирилишимиз мумкин? Биздан олдин ўлиб, чириб, умуман асари қолмаган ота-боболаримиз қандай қилиб яна қайтадан чиқарилишлари мумкин, деб ҳайратланадилар. Лекин, дунёга келмасимдан олдин мендан асар ҳам йўқ эди, ота-боболаримнинг ҳам дунёга келмасларидан олдин ҳеч қандай асари бўлмаган, аммо шундай бўлса-да, мен ҳам, ота-боболарим ҳам дунёга келдик, яшаб ўтдик. Мени ва ота-боболаримни йўқ жойдан бор қилган ана ўша Зот бор тупроққа аралашиб кетганимиздан кейин қайта чиқариб олишга албатта қодирдир, деб ўйламайди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Қуръони Карим уларга, бир кун келиб қайта тириллажаксизлар, десалар:

«Куфр келтирганлар: «Биз ва ота-боболаримиз тупроқ бўлганимиздан кейин, яна чиқариламизми?!» деб сўрайверадилар.

Уларнинг бу саволи ҳақиқатни англаш учун берилган эмас. Уларнинг бу саволи ҳақиқатни инкор этиш учун берилган саволдир. Улар ўзларининг бу саволлари билан нафақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, балки ҳамма Пайғамбарларнинг қайта тирилиш ҳақидаги хабарларини инкор қиладилар.

Кофирлар гапининг давомига эътибор берайлик:

«Батаҳқиқ, бу бизга-да, ота-боболаримизга-да олдин ҳам ваъда қилинган эди».

Яъни, ўлгандан кейин қайта тирилиш бизга ҳам, ота-боболаримизга ҳам Муҳаммаддан олдин ҳам ваъда қилинган эди. Ундан бошқа ўзини Пайғамбар деб атаганлар ҳам бу гапни айтган.

«Бу, аввалгиларнинг афсонасидан бошқа ҳеч нарса эмас», дедилар.»

Ўлгандан кейин қайта тирилиб чиқиш ҳақидаги Муҳаммаднинг гаплари аввал ўтганларнинг афсонасидан бошқа нарса эмас, дейдилар. Улар бу билан қиёматга оид ақийдани эътибордан четда қолдиришга ҳаракат қиладилар. Уларнинг бу ишлари катта жинойтдир.

Уларнинг бу улкан жинойтларига қарши Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидаги гапни айтишни амр қилди:

قُلْ سِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُجْرِمِينَ ﴿٦٩﴾

69. Сен: «Ер юзида сайр қилинлар ва жинойтчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинлар», деб айт.

Улар ер юзининг қаерига борсалар, охиратни, қайта тирилишни ўзларига ўхшаб инкор этган жинойтчиларнинг ҳалокат асарларини кўрадилар. Ҳа, бундай жинойтчиларнинг оқибати ҳар доим ҳалокат, шармандалик бўлиб келган. Шунинг учун ҳам:

وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُنْ فِي ضَيْقٍ مِّمَّا يَمْكُرُونَ ﴿٧٠﴾

70. Сен улар ҳақида гам чекма ва қилаётган макрларидан ҳам сиқилма.

Улар охиратга, қайта тирилишга ишонмасалар, ўзларига ёмон бўлади. Сен улар ўзларини бадбахтликка ураётганларидан хафа бўлма. Улар қилаётган турли макрлардан юрагинг сиқилмасин ҳам.

وَيَقُولُونَ مَتَى هَذَا الْوَعْدِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٧١﴾

71. Улар: «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлади?» дерлар.

Ўша кофирлар ҳар қачон қиёмат билан, қайта тирилиш ва ўтганларнинг ҳалокати билан огоҳлантирилганларида, ўша сиз ваъда қилаётган қиёмат қачон бўлади, қайта тирилиш қачон бўлади, ҳалокат, азоб қачон келади, деб истехзо билан сўрашади.

قُلْ عَسَى أَنْ يَكُونَ رَدِفَ لَكُمْ بَعْضُ الَّذِي تَسْتَعْجِلُونَ ﴿٧٢﴾

72. Сен: «Сиз келишига ошиқаётган нарсанинг баъзиси ортингизга мингашиб олган бўлса, ажаб эмас», деб айт.

Яъни, ўша ваъдалар шундоққина ортингизда турибди, аммо сиз сезмаяпсиз, холос.

Дарҳақиқат, ғайбни ким билади? Эҳтимол, беш дақиқадан сўнгра азоб, қиёмат ёки қайта тирилиш рўй берар, эҳтимол, ундан кўпроқ ёки озроқ вақт қолгандир. Ким билади буни?! Аллоҳ таоло бу ишларни хоҳлаган лаҳзасида содир этишга қодир. Аммо:

وَإِنَّ رَبَّكَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٧٣﴾

73. Албатта, Роббинг одамларга нисбатан фазлу марҳамат соҳибидир. Лекин уларнинг кўплари шукр қилмаслар.

Яъни, Аллоҳ Ўз бандаларига фазлу карам ва марҳамат кўрсатиб, уларни куфру исёнлари учун азобламасдан, уларга умр, муҳлат ва бошқа неъматларини бериб турибди.

«Лекин уларнинг кўплари шукр қилмаслар.»

Аллоҳ уларга берган фазлу марҳаматга ношукр бўладилар. Шукрнинг ўрнига, қачон қиёмат содир бўлади, деб масхара ва истехзо этадилар.

وَإِنَّ رَبَّكَ لَيَعْلَمُ مَا تُكِنُّ صُدُورُهُمْ وَمَا يُعْلِنُونَ ﴿٧٤﴾

74. Ва, албатта, Роббинг уларнинг диллари беркитган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам билур.

Ҳамма ғайбларни билгувчи Аллоҳ уларнинг кўнгилларидаги ғайбни — беркитиб юрган ниятларини ҳам билади. Ошкора қилиб юрган нарсаларини билиши эса, ўз-ўзидан маълум. Аммо фазл эгаси бўлгани учун, муҳлат бериб, тек қўйиб қўйган.

وَمَا مِنْ غَائِبَةٍ فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُّبِينٍ ﴿٧٥﴾

75. Осмону ерда ҳеч бир ғайб нарса йўқ, илло у очиқ-ойдин китобда бордир.

Яъни, нафақат одамларнинг қалбларида яширган сирлари, балки осмон ва ердаги ҳар бир сир ҳам Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги очиқ-ойдин китобда — Лавҳул Маҳфузда бордир.

Ана шундай мутлақ илм соҳиби бўлган Аллоҳ Ўз илми ила Қуръонни туширгандир. Ундаги хабарлар ҳаммаси Аллоҳнинг илмидандир. Унда одамлар ихтилоф қилаётган нарса ҳақида ҳукм бўлса, ўша ҳукм ҳақдир. Чунки, у ҳукм Аллоҳнинг ҳукмидир.

إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ يَفُصُّ عَلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَكْثَرَ الَّذِي هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿٧٦﴾

76. Албатта, ушбу Қуръон Бани Исроилга улар ихтилоф қилаётган нарсаларнинг кўпини айтиб берадир.

Бани Исроил ихтилоф қилган ва қилаётган масалалар анча-мунча. Бани Исроил Таврот ҳақида, унинг шариати, Пайғамбарлар, Йисо алайҳиссалом ҳақларида ва яна бошқа кўпгина масалалар устида ихтилофлар қилганлар ва қилмоқдалар. Қуръони Карим улар ихтилоф қилган ва қилаётган масалаларни ҳақ йўл билан ҳал этиб берди.

وَإِنَّهُ لَهْدَىٰ وَرَحْمَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٧٧﴾

77. Албатта, у (Қуръон) мўминлар учун ҳидоят ва раҳматдир.

Ҳа, Аллоҳ Қуръони Карим билан иймонли кишиларни энг тўғри йўлга ҳидоят қилади. Қинғир йўлдан тўғри йўлга йўллайди. Ихтилофли йўлдан ихтилофсиз йўлга бошлайди. Унинг билан ҳидоятланган мўминлар икки дунёнинг саодатига эришадилар.

إِنَّ رَبَّكَ يَقْضِي بَيْنَهُمْ بِحُكْمِهِ ۚ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْعَلِيمُ ﴿٧٨﴾

78. Албатта, Роббинг улар ўртасида Ўз ҳукми ила ажрим чиқаради. У азиз ва билгувчидир.

Яъни, Роббинг бани исроилликлар орасида Ўз ҳукми ила ким ҳақ, ким ноҳақ эканини ажрим қилади. У зотнинг ҳукм чиқаришга ҳаққи ва имкони чексиздир. Чунки:

«У азиз ва билгувчидир».

Аллоҳ ўта ғолиб ва ўта билгувчи зотдир.

Сен эса, эй Пайғамбар, уларнинг ихтилофлари билан ишинг бўлмасин.

فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّكَ عَلَى الْحَقِّ الْمُبِينِ ﴿٧٩﴾

79. Бас, сен Аллоҳга таваккал қил. Албатта, сен очиқ-ойдин ҳақдадирсан.

Сен ўз ишингда фақат Аллоҳга суян. Сен олиб бораётган иш ҳақ ишдир. Албатта, сен ҳақлиги очиқ-ойдин кўриниб турган ҳақнинг устидадирсан.

إِنَّكَ لَا تَسْمَعُ الْمَوْتَىٰ وَلَا تَسْمَعُ الصَّمَّةَ الدُّعَاءَ إِذَا وَلَّوْا مُدْبِرِينَ ﴿٨٠﴾

80. Албатта, сен ўликларга эшиттира олмайсан, ортга қараб қочаётган карларга ҳам чақириқни эшиттира олмайсан.

Бу оятларда ҳам Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли бераётгани кўриниб турибди. Аллоҳ таоло ҳабиби Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

«Албатта, сен ўликларга эшиттира олмайсан», демоқда.

Яъни, Ислом даъватига қарши чиққанларни «ўликлар» деб васф қилмоқда. Дарҳақиқат, Исломдек очиқ-ойдин, икки дунё саодатига сабаб бўлувчи, осон, пок йўлга юрмаганлар «ўлиқдан» бошқа вужуд эмаслар. Ана ўша «ўликлар»га Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам эшиттира олмайдилар. Уларни фақат Аллоҳ таологина «тирилтириши» мумкин. Аллоҳ таоло эса, уларга ўхшаган саркашларни ҳидоятга солмаслигини очиқ-ойдин айтиб қўйган.

«Ортга қараб қочаётган карларга ҳам чақириқни эшиттира олмайсан.»

Аллоҳ таоло бу жумлада Ислом даъватидан юз ўтирган кофирларни бир нарсаларни эшитиб қолмаслик учун ортга қараб қочаётган карларга ўхшатмоқда. Ўзи ҳеч нарсани эшитмайдиган кар, шунинг устига, яна эшитиб қолмай деб, эшитиш эҳтимоли бор жойдан узоқроққа қочади. Бу васф кофирларнинг Ислом даъватидан йироқда бўлиш учун нақадар ҳаракат қилишларини билдиради. Уларнинг иймонга келмаганликлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламда ёки Ислом даъватида камчилик борлигини эмас, балки кофирларнинг қалбларида тузалмас мараз мавжудлигини кўрсатади.

وَمَا أَنْتَ بِهَدَى الْعُمَىٰ عَنْ ضَلَالَتِهِمْ ۗ إِنَّ تَسْمِعُ إِلَّا مَنْ يُؤْمِنُ بِآيَاتِنَا فَهُمْ مُسْلِمُونَ ﴿٨١﴾

81. Сен кўрларни залолатдан ҳидоятга солгувчи эмассан. Сен фақат мусулмон бўлган ҳолларида оятларимизга иймон келтирадиганларгагина эшиттира олурсан.

Кофирлар ўлик, кар бўлиш билан бирга, кўр ҳамдирлар. Сен, эй Пайғамбар, у кўрларни адашиб юрган йўлларида қайтариб, тўғри йўлга ҳидоят қила олмассан.

«Сен фақат мусулмон бўлган ҳолларида оятларимизга иймон келтирадиганларгагина эшиттира олурсан.»

Қалблари илоҳий оятларни қабул қилиб олишга тайёр, бутун борлиқлари билан Аллоҳга таслим бўлган, ўзлари тирик, қулоқлари динг, кўзлари ўткир кишиларгагина даъватингни эшиттира оласан. Ана ўшаларга катта эътибор бер. Кофирлар билан ҳисоб-китоб қилиш вақти келади.

﴿وَإِذَا وَقَعَ الْقَوْلُ عَلَيْهِمْ أَخْرَجْنَا لَهُمْ دَابَّةً مِّنَ الْأَرْضِ تُكَلِّمُهُمْ أَنَّ النَّاسَ كَانُوا بِآيَاتِنَا

لَا يُوقِنُونَ﴾

82. Қачонки уларнинг бошига сўз(ланган азоб) тушганида, Биз улар учун ердан бир жонивор чиқарамиз. У уларга, албатта, одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлганларини айтиб беради.

Бу ҳодиса қиёматнинг аломатларидан биридир. Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада кофирлар бошига ваъда қилинган сўз — қиёмат азоби тушиш чоғида ердан бир ҳайвон чиқариши ҳақида хабар бермоқда. Демак, бу ишнинг бўлиши муқаррарлигида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Саҳиҳ ҳадиси шарифларда бу ҳайвон қиёматнинг аломатларидан бири эканлиги, тавба қилса, фойда бермайдиган вақт бўлиб қолганда чиқиши ҳақида хабарлар келган.

Ҳофиз ибн Касир: «Бу жонивор охири замонда, одамлар фасодга берилганда, Аллоҳнинг амрини тарк қилганларида ва ҳақ динни ўзгартирганларида чиқади», деганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Ҳузайфа ибн Усайд ал-Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда ҳам Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўнта белгини кўрмагунингизча қиёмат қоим бўлмайди», деб туриб, ердан жонивор чиқишини ҳам айтганлар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис ёд олиб, ҳеч ёдимдан чиқармадим. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман:

«Қиёматнинг биринчи аломатларидан қуёшнинг мағрибдан чиқиши ва одамларга жониворнинг чиқишидир, буниси чошгоҳ пайтида бўлади. Қайси бири олдин чиқса, кейингиси дарров шеригининг орқасидан чиқади».

Шу билан бирга, муҳаққиқ тафсирчи уламоларимиз ушбу жонивор ҳақида кераксиз ва асосиз гаплар кўпайиб кетганини, улар тафсир китобларимизга ҳам кириб қолганини, ишончли манбаларга суянмаган гаплар бўлгани учун, уларга эътибор бермаслик лозимлигини таъкидлайдилар. Қуръони Каримда ва саҳиҳ ҳадисларда келган хабарлар билан кифояланиш энг яхши иш. Қолгани эса, фақат Аллоҳ биладиган ғайб илмдир.

«Қачонки уларнинг бошига сўз(ланган азоб) тушганида, Биз улар учун ердан бир жонивор чиқарамиз.»

Бу «жонивор» оятда «добба» деб айтилган. «Добба» — «ер юзида аста юрувчи» деганидир. Қорни билан судралиб юрадими, икки, тўрт

ёки сонсиз-саноқсиз оёқлари билан юрадим, фарқи йўқ. Диний адабиётимизда ҳам бу жонивор «доббатул арз» номи билан машҳур бўлган.

Демак, қиёмат яқинлашганда ўша жонивор чиқади ва:

«У уларга, албатта, одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлганларини айтиб берадир».

«Доббатул арз»ни одамларга гапиртиришдан мақсад уларнинг илоҳий оятларга иймон келтирмайдиган бўлганликларини билдириш экан.

Қандай қилиб айтишини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Имо-ишора билан тушунтирадим, ҳамма инсонлар тушунадиган тилда гапирадими ёки инсонлар унинг тилини тушунадиган бўлиб қоладиларми, биров бу ҳақда бир нарса билмайди. Биз эса, ушбу «Намл» сурасида ҳайвонларнинг одамлар билан муомала қилиши, гаплашиши кетма-кет келганига эътиборни қаратмоқчимиз, холос: Сулаймон алайҳиссалом ўзларига мантиқуттайр илмини бергани учун Аллоҳга шукр қилишлари, чумолининг гапириши, Ҳудҳуднинг қиссаси ва, ниҳоят, «доббатул арз»нинг одамларга сўзлаши зикр этилди.

Қиёматнинг улкан аломатларидан бири бўлган ушбу ҳодисадан кейин бевосита қиёмат васфига ўтилади:

وَيَوْمَ نَحْشُرُ مِنْ كُلِّ أُمَّةٍ فَوْجًا مِمَّنْ يُكَذِّبُ بِآيَاتِنَا فَهُمْ يُوزَعُونَ ﴿٨٣﴾

83. Биз ҳар умматнинг оятларимизни ёлғонга чиқарганларидан бир гуруҳини тўплаган кунда улар жамланиб-тизилиб туришар.

Маҳшар кунида Аллоҳ таоло ҳар бир умматдан Ўзининг оятларига ишонмаган, уларни ёлғонга чиқарганларидан бир гуруҳини тўплаб, маҳшаргоҳга келтирар экан. Ана ўшанда у кофирлар тўп-тўп бўлиб, тизилган ҳолларида, энди нима бўлишини кутиб турар эканлар.

حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوكَ وَقَالْ أَكْذَبْتُمْ بآيَاتِنَا وَلَمْ يُحِطُوا بِهَا عَلِمْنَا مَاذَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٨٤﴾

84. Токи улар келиб бўлгач, У зот: «Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқардингизми?! Уларни пухта англамай туриб-а? Йўқса, нима қилган эдингиз?» дер.

Васф қилинаётган ҳолат ниҳоятда нозик. Қиёмат қоим бўлган. Маҳшаргоҳ. Ҳамма тўпланган. Ҳар бир миллатдан Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарганлар алоҳида-алоҳида гуруҳларга тизилиб, нима бўлишини кутиб турибдилар. Ана шундай пайтда Аллоҳ таолонинг Ўзи уларга айбномани эълон қилади:

«Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқардингизми?!»

Улар Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарганлари аниқ, аммо уларни айблаш учун, ҳижолат қилиш, хорлаш, кўпчиликнинг олдида шармандасини чиқариш, айбини бўйнига қўйиб, иқрор қилдириш учун савол берилмоқда.

«Уларни пухта англамай туриб-а?»

Бизнинг оятларимизни ҳали тушунмай туриб ёлғонга чиқардингизми?

Ҳа, Аллоҳнинг оятларини пухта англаб етганлар уларни ёлғон дея олмайди, балки уларга иймон келтиради. Фақат, Аллоҳнинг оятларини яхши англаб етмаганларгина уларни ёлғонга чиқарадилар. Ўтмиш ҳам, ҳозир ҳам шуни кўрсатади.

Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқаришга журъат этган, Қуръон оятларига тил теккизган худосизлар уларни англаб етмаган бўлади. Кўпчилик ҳолларда эса, бирорта ҳам арабча сўз билмайдиган одамлар бўлади. Улар Қуръонда йўқ нарсани Қуръондан деб гапирдилар, ўзлари тўқиб олган гапларни «оят» деб номлаб, танқид қиладилар. Қиёмат куни уларнинг ҳаммаси ушбу оятда васф қилинаётганидек сўроққа тутиладилар, иншоаллоҳ.

Аллоҳ таоло уларга бераётган саволининг охирида:

«Йўқса, нима қилган эдингиз?» дер»

Улар жим қоладилар. Гуноҳларига иқрор бўладилар. Бошқа иложлари ҳам йўқ.

وَوَقَعَ الْقَوْلُ عَلَيْهِمْ بِمَا ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ لَآ يَنْطِقُونَ ﴿٨٥﴾

85. Ва уларга зулм қилганлари сабабли сўз(ланган азоб) тушар. Бас, улар сўзлай олмаслар.

Ана ўшанда уларнинг бошига бу дунёда Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарганларга ваъда қилинган – сўзланган азоб тушади. Бу азоб улар зулм қилганлари, иймон келтирмай, кофир бўлганлари ва Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарганлари учун муносиб жазодир.

«Бас, улар сўзлай олмаслар.»

Ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлганидан кейин нимани ҳам сўзлар эдилар. Ёруғ дунёда кўзларини каттароқ очганларида бундай бўлмас эди.

الْمُرِيرُوا أَنَا جَعَلْنَا اللَّيْلَ لَيْسَ كُنُوفِيهِ وَالنَّهَارَ مُبْصِرًا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٨٦﴾

86. Биз сокинлик топишлари учун кечани, кўришлари учун кундузни қилганимизни кўрмадиларми?! Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун ибратлар бордир.

Ўша кофирлар ҳар қадамда учраб турган сонсиз-саноқсиз ибратли ҳодисаларга диққат қилмасалар ҳам, биргина кеча ва кундузга, уларнинг алмашиб туришига, кеча сокинлик, кундуз кўришлик учун манфаатли эканига эътибор берганларида эди, ўзлари учун яхши бўларди. Улар бу ҳодисаларнинг ўз-ўзидан рўй бермаслигини, Аллоҳдан бошқа биров жорий этолмаслигини аниқ англаган бўлардилар. Қиёматда шарманда бўлмас эдилар.

«Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун ибратлар бордир.»

Аллоҳ таоло сукунат учун кечани, басорат(кўриш) учун кундузни пайдо қилиб қўйишида кўпдан-кўп ибратлар бор.

Кейинги оятларда мазкур сукунат ва басорат, тинч ҳаёт кечириш бир кун келиб бузилиши ва ўша кунда юз берадиган ҳодисалар ҳақида сўз кетади:

وَيَوْمَ يَنْفَخُ فِي الصُّورِ فَفَزِعَ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ شَاءَ اللَّهُ وَكُلٌّ أَتَوْهُ
دَاخِرِينَ ﴿٨٧﴾

87. Сур чалиниб, Аллоҳ хоҳлаганидан бошқа осмонлардаги кимсалар ва ердаги кимсалар даҳшатга тушган кунда ҳамма У(зот)-га бўйин эгиб келурлар.

Сур чалингани қиёмат бошланганининг дарагидир. Сур чалинганда борлиқдаги барча одамлар даҳшатга тушади. Магар, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган баъзи кимсаларгина қўрқмаслар. Ана ўша кунда ҳамма Аллоҳ таолонинг ҳузурига бўйин эккан ҳолда келади.

Ҳамда ўша кунда:

وَتَرَى الْجِبَالَ تَحْسَبُهَا جَاوِدَةً وَهِيَ ثَمَرٌ مِّمَّا السَّحَابُ صَنَعَ اللَّهُ الَّذِي أَنْقَضَ كُلَّ شَيْءٍ إِنَّهُ
خَيْرٌ بِمَا تَفْعَلُونَ ﴿٨٨﴾

88. Тоғларни кўриб, қимирламай турибди деб ҳисоблайсан. Ҳолбуки, улар булутнинг ўтишидек ўтурлар. Бу ҳар бир нарсани пухта қиладиган Аллоҳнинг санъатидир. Албатта, У нима қиляётганингиздан хабардордир.

Қиёмат куни шундай даҳшатлики, кўзимизга энг салобатли, виқорли, мустаҳкам бўлиб кўринадиган улуғвор тоғлар ҳам жойидан кўчиб, титилиб, булутдай сузиб юради. Уларни кўрган одам, жойида турибди, деб ўйлайди, аслида эса, улар булутдек сузиб кетаётган бўлади.

Уларнинг бу ҳолати ҳам:

«ҳар бир нарсани пухта қиладиган Аллоҳнинг санъатидир».

Қиёматда бўладиган ўзгаришлар, жумладан, тоғларнинг булутлар каби сузиб юриши ҳам Унинг ишидир.

«У нима қилаётганингиздан хабардордир.»

Қиёмат куни амалингизга қараб, мукофот ёки жазо беради.

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ خَيْرٌ مِّمَّا وَهُمْ مِّنْ فِرْعَ يَوْمِئِذٍ آمِنُونَ ﴿٨٩﴾

89. Ким яхшилик қилса, унга ундан кўра яхшироқ (мукофот) бўлур. Ҳамда улар ўша куннинг даҳшатидан омондадирлар.

Ким бу дунёда яхшилик қилган бўлса, унга қилган яхшилигидан яхшироқ мукофот берилади. Бошқа бир оятда айтилишича, ўн ҳисса орттириб берилади. Ҳамда ўша яхшилик эгалари қиёмат кунининг даҳшатидан омонда бўладилар.

Шунинг ўзи ҳам катта бахтдир.

وَمَنْ جَاءَ بِالسَّيِّئَةِ فَكُبَّتْ وُجُوهُهُمْ فِي النَّارِ هَلْ تُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٩٠﴾

90. Ким ёмонлик қилса, бас, юзтубан дўзахга ташланурлар ва (уларга): «Сизларга фақат қилган амалларингиз жазоси берилмоқда, холос», (дейилур).

Ёмонлик қилганларга, кофирларга, гуноҳкорларга фақат амалларига яраша жазо берилади. Ундан зиёда қилинмайди. Уларни юзтубан ҳолда дўзахга судраб киритилади.

Ва ниҳоят, сураи карима Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларидан айтилган қуйидаги оятлар билан яқунланади:

إِنَّمَا أُمِرْتُ أَنْ أَعْبُدَ رَبَّ هَذِهِ الْبَلَدَةِ الَّذِي حَرَّمَهَا وَلَهُ كُلُّ شَيْءٍ وَأُمِرْتُ أَنْ أَكُونَ مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿٩١﴾

91. Мен ушбу шаҳарнинг Роббига, уни ҳарам қилган Зотга ибодат қилишга амр этилдим, холос. Ҳамма нарса Уникидир. Ва мусулмонлардан бўлишга амр этилдим.

Бошқа гап йўқ. Менга амр қилинган нарса битта. У ҳам бўлса, ушбу Макка шаҳарининг Роббига, уни ҳарамга айлантирган зотга — Аллоҳгагина ибодат қилишдир.

У ҳамма нарсага эга бўлган зотдир.

«Ва мусулмонлардан бўлишга амр этилдим.»

وَأَنْ تَلُوا الْقُرْآنَ أَنْ فَمَنْ أَهْتَدَىٰ فَأَتَمَّ هَتْدَىٰ لِنَفْسِهِ ۗ وَمَنْ ضَلَّ فَقُلْ إِنَّمَا أَنَا مِنَ الْمُنذِرِينَ ﴿٩٢﴾

92. Ва Қуръонни тиловат қилишга (амр этилдим). Ким ҳидоят топса, фақат ўзи учун ҳидоят топадир. Ким залолатга кетса, унга: «Мен огоҳлантиргувчиларданман, холос», дегин.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга ибодат қилишга, ҳаётларини Аллоҳнинг таълимоти остида ўтказишга амр этилганлари билан бир қаторда, инсониятга дастур бўлмиш Қуръонни тиловат қилишга ҳам буюрилгандирлар. Қуръони Карим Аллоҳ таълимотларининг тўпламидир. Ким бу дунёда Аллоҳга ибодат қилиб яшайман деса, Қуръонни ўзига дастуруламал тутиб яшамоғи лозим. Ана шундагина у ҳидоят топади.

«Ким ҳидоят топса, фақат ўзи учун ҳидоят топадир.»

Унинг ҳидоят топгани Аллоҳга, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга, Ислом даъватчиларига ёки бошқаларга фойда эмас.

Шунингдек, залолатга кетганлар ҳам ўзларига ўзлари қиладилар.

«Ким залолатга кетса, унга: «Мен огоҳлантиргувчиларданман, холос», дегин.»

Менинг бошқа вазифам йўқ, дегин.

وَقُلْ الْحَمْدُ لِلَّهِ سَيُرِيكُمْ آيَاتِهِ ۖ فَاعْرِفُونَهَا وَمَا رَبُّكَ بِغَفْلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٩٣﴾

93. Сен: «Аллоҳга ҳамд бўлсин! У сизларга Ўз оят-мўъжизаларини кўрсатур. Сиз уларни кўриб, танийсиз», деб айт. Роббинг қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.

Барча мақтовлар Аллоҳ таолога бўлсин.

«У сизларга Ўз оят-мўъжизаларини кўрсатур.»

Дарҳақиқат, қанчадан-қанча мўъжизаларни кўрсатди ва кўрсатмоқда ҳам.

«Сиз уларни кўриб, танийсиз.»

Тан оласиз, қойил қоласиз.

«Роббинг қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.»

Шунинг учун, фақат Унгагина ёқадиган амалларни қилиш керак.



ҚОСОС СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 88 оятдан иборат.

Бу сураи каримада Мусо алайҳиссалом қиссалари батафсил келгани учун унга «Қосос» («Қисса») номи берилган. «Қосос» сураси мусулмонлар Маккада ғоят оғир кунларни бошларидан кечираётган бир пайтда нозил бўлган. Шу сабабли ўзидан аввал келган «Шуаро» ва «Намл» сураларига ўхшаб кетади. Ушбу уч сураи карима Қуръони Каримда қандай жойлаштирилган бўлса, шу тартибда бирин-кетин нозил этилган.

Имом Олусий ўзининг «Руҳул маъоний» номли тафсирларида келтиришича, Абдуллоҳ ибн Аббос ва Жобир ибн Зайд розияллоху анҳулар: «Аввал «Шуаро» сураси тушди, сўнгра «Намл», ундан кейин «Қосос» сураси нозил бўлди», деган эканлар.

Аввалги икки сура каби бунда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга ва мўмин-мусулмонларга тасалли берилади, улар иймон-Ислом йўлида сабрга чақирилади. Мушрик ва кофирларнинг жавр-ситамлари ўткинчилиги, охир-оқибат куфр ва унинг аҳли мағлуб бўлиши, иймон ва унинг аҳли ғолиб келиши таъкидланади.

Сураи карима мўминлар устидаги қийин ва оғир шароит вақтинча эканини, уларнинг келажаклари порлоқ, зулмининг оқибати албатта зулмат бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Шу билан бирга, сабрнинг таги сариқ олтинлиги, мусулмонлар сабрлари туфайли ҳозирги заифҳоллик ва ночорликдан қутулиб, яқин орада оёқ-қўлларидаги кишанларни парчалаб, қайта ҳурриятга чиқишлари уқтирилади.

Бунга тарихий мисол ўлароқ Мусо алайҳиссалом ва у кишининг қавмлари билан Фиръавн ва унинг қавми орасида бўлиб ўтган қисса муфассал ҳамда ўзига хос услуб билан келтирилади. Бошқа сураларда батафсил сўзланган ҳодисалар бу ерда қисқача эслатилса, бошқа сураларда қисқача сўзланган воқеалар тўлиқ ёритилади.

Аввалги икки сурада зикр қилинмаган қуйидаги тўрт жиҳат «Қосос» сурасида кенг баён этилган.

1. Мусо алайҳиссаломнинг туғилишлари; туғилишлари билан бошларига тушган мусийбатлар; оналари у кишини сандиққа солиб сувга оқизиши; сандиқ оқиб бориб Фиръавн қасрига кириши.

2. Мусо алайҳиссаломнинг Фиръавн қасридаги ҳаётлари; бировни эммай қўйганлари учун оналари Фираъвн ва унинг аҳлига ўзини болага бегона қилиб кўрсатиб эмизгани.

3. Вояга етган йигит Мусо алайҳиссаломнинг ўз қавмларидан бўлган одамга ёрдам бермоқчи бўлиб бир қибтийни уриб ўлдириб қўйишлари; бу хатога тавба қилишлари; сўнгра бир одам у кишига, Фиръавн одамлари сени ўлдиришни маслаҳат қилишмоқда, деган хабарни етказиши; шундан кейин Мисрни ташлаб чиқиб кетишлари.

4. Мусо алайҳиссаломнинг Мадяндаги ҳаётлари; уйланишлари ва қўй боқишлари; сўнгра эса, бошқа сураларда ҳам келган воқеалар — Мадядан қайтишлари; Тур тоғидаги ҳодисалар; Мисрга Пайғамбар бўлиб боришлари; у ерда бўлиб ўтган воқеалар охиригача келтирилади.

Сурада Қорун қиссаси ҳам зикр этилган. У мол-дунёга берилган ва ҳар бир нарсани модда билан ўлчовчи кофирдир. Бу қиссада иймон мантиғи билан тугён мантиғи солиштирилиб кўрилади.

Суранинг сўнгида эса, барча Пайғамбарларга хос саодат йўли бўлмиш иймон йўлига иршод қилинади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ



1. То. Сийн. Мийм.

Ушбу ҳарфларга ўхшаш ҳарфлардан иборат оятлар ҳақида бошқа сураларда кўп гапирилди.

تِلْكَ آيَاتُ الْكِتَابِ الْمُبِينِ

2. Ушбулар очиқ-ойдин китоб оятларидир.

Бу оятлар очиқ-ойдин китоб — Қуръон оятларидир. Ҳа, бу китоб очиқ-ойдин китобдир. Унинг ҳеч қандай мужмал, тушунар-

сиз жойи йўқ. Фақат, уни ўрганмоқчи бўлганларда иймон, ихлос бўлса, бас.

Эй Пайғамбар!

تَلَّوْا عَلَيْكَ مِنْ نَبَأِ مُوسَىٰ وَفِرْعَوْنَ بِالْحَقِّ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٢٠٠﴾

3. Иймон келтирадиган қавм учун сенга Мусо ва Фиръавннинг хабаридан ҳақ ила тиловат қилиб берамиз.

Бу ояти каримадаги «сенга» деган хитоб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилгандир.

«Иймон келтирган қавм учун» дегани «мўминлар учун» деганидир. Оятда мўминлар ҳамда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам учун катта тасалли ва хурсандчилик бор.

Тасаввур қилиб кўрайлик. Мушрик-кофирларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва оз сонли, заифҳол мўминларга зулмлари ҳаддан ошган. Уларнинг кўча-кўйда юришлари қийин бўлиб қолган. Макканинг ҳар бир нуқтасида уларга қарши азобуқубат, истеҳзо, жавр-ситама тайёр. Уларнинг кўзларига дунё тор бўлиб кўринмоқда. Ҳеч бир жойдан нажот дараги йўқ.

Шундай пайтда очиқ-ойдин китоб бўлмиш муқаддас Қуръондан янги оят тушади. Оятда Аллоҳ таоло уларга тасалли берувчи қиссани, Мусо ва Фиръавн хабарини тиловат қилиб беришини айтади. Албатта, бундай илоҳий иноятдан мўминларнинг бошлари осмонга етади. Аллоҳнинг ўзи уларга Қуръон оятларини тиловат қилиб бермоқда. Ахир, улар ўша Зотнинг розилиги учун шунчалик қийинчиликларга дучор бўлишаётган эди-да. Демак, Аллоҳ таоло доимо улар билан бирга экан. Уларни тарк этмаган экан. Балки мўминларнинг сабр-матонатини тақдирлаб, уларга оятларни ўзи тиловат қилмоқда. Мўминларнинг ҳозирча заифҳол бўлиб туришларининг бошқа ҳикмати ҳам бўлса керак?

إِنَّ فِرْعَوْنَ عَلَا فِي الْأَرْضِ وَجَعَلَ أَهْلَهَا شِيَعًا يَسْتَضِعُّ طَائِفَةً مِّنْهُمْ يُذَبِّحُ أَبْنَاءَهُمْ وَيَسْتَحْيِي نِسَاءَهُمْ إِنَّهُ كَانَ مِنَ الْمُفْسِدِينَ ﴿٢٠١﴾

4. Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетди. У ўша(ер)нинг аҳолисини бўлиб ташлади. Улардан бир тоифасини эзар, ўғилларини сўйиб, қизларини тирик қолдирарди. Албатта, у бузғунчилардан бўлган эди.

Фиръавн Миср подшоҳи. Мусо алайҳиссалом даврларида Рамсис II фиръавн бўлганини кўпчилик таъкидлайди. Фиръавн тугёнкор, золим ва худолик даъвосини қилган подшоҳдир. Қуръони Каримда Фиръавн худонинг йўлидан чиққан фуқароларни ўз хоҳишига бўйсундиришга ҳаракат этган, кишиларга ўзини Робб сифатида кўрсатган, ўзига бўйинсунмай, унинг айтганини қилмаган, унга қул бўлишни хоҳламаган одамларга чексиз зулм ўтказган ягона ҳокими мутлақ, мустабид подшоҳ ўлароқ тавсифланади.

Шунинг учун, мусулмонлар орасида, исломий адабиётларда Аллоҳнинг йўлида юрмай, унинг дастурига амал қилмай, кишиларга зулм ўтказган, мустабид, ҳокими мутлақ бўлган ва ўзига сифинишни жорий этган шахслар «Фиръавн» деб аталади.

Ушбу ояти каримадаги:

«Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетди», дегани Фиръавн бутун ер юзига ҳоким бўлган экан, деган маънони эмас, балки Миср ерида **«баланд кетди»** — такаббурлик қилди, тугёнга кетди, ҳаддан ошди, каби маъноларни беради.

«У ўша(ер)нинг аҳолисини бўлиб ташлади.»

Ўзи ҳоким бўлган ер аҳолисини бўлиб ташлаш ҳар бир фиръавннинг одати. Чунки, фиръавнлар фақат ўзини, ўз ҳаловатини, ўз тахтини ўйлайди. Тахтдан ажраб қолмаслик учун ҳар қандай пасткашликка боради. Аҳолини парчалаш эса, фиръавнларга айнан тахтни мустаҳкамлаш, шахсий роҳатини таъминлаш учун керак. Чунки, фиръавнлар аҳолини бўлиб ташлаб, бир-бирига қарши қилиб қўйса, улар бир-бирлари билан овора бўлиб, фиръавнлар билан ишлари бўлмайди. Фиръавнлар аҳолини турли тоифаларга ажратиб, уларни бир-бирига қарши этиб қўяди. Тоифалар орасида ҳам низо чиқариб, уларни ҳам бир-бирига қарши қўяди. Ўзига қайси тараф яхшироқ топинса, ўшани қувватлаб, бошқаларнинг томошасини кўриб, ҳукм сураверади.

Мусо алайҳиссалом даврларидаги Миср фиръавни ҳам шу йўлдан бориб, Миср аҳолисини бўлиб ташлаган эди.

«Улардан бир тоифасини эзар, ўғилларини сўйиб, қизларини тирик қолдирарди.»

Фиръавн эзган тоифа Бани Исроил эди. Бани Исроил Юсуф алайҳиссалом даврларида асл ватанидан Мисрга ҳижрат қилган эди. «Юсуф» сурасида ўрганганимиздек, акалари Юсуф алайҳиссаломни қудуққа ташлаб кетганидан сўнг карвондаги йўловчилар у кишини топиб олиб, Миср азизининг вазирига сотишди. Бориб-бориб Юсуф алайҳиссалом бош вазирлик мартабасига кўтарилдилар ва ота-оналари бошлиқ бутун қавмини Мисрга чақирдилар. Замон ўтиши билан улар шу жойда

ўрнашиб, ўзларидан кўпайишиб, катта сонли халққа айландилар. Қавмларидан кўплаб Пайғамбарлар чиққани, қадимдан самовий динлар билан алоқада бўлиб, Пайғамбарлар келтирган ақийда ва динга эгалити туфайли, Мисрнинг бутпарастлик динини ҳеч қабул этмас, айниқса, Фиръавн шахсига сиғинишни мутлақо истамас эдилар. Ўзини Худо ўрнига қўйган Фиръавн уларни айнан шу сабабли эзарди.

Шу билан бирга, илоҳий таълимот, илоҳий тузум ва илоҳий адолатдан хабари бор Бани Исроил қавмида Фиръавн ўз шахси, ҳукми ва худолик даъвосига қарши катта хавф-хатарни кўрарди. Бани Исроилнинг ҳақиқатдан хабардорлигининг ўзиёқ Фиръавн учун катта ташвиш туғдирарди. Фиръавнга қолса, қани энди Бани Исроил ўзи билган ҳақиқатга амал қилмаса ва ўша ҳақиқатни ерли аҳолига ҳам ўргатмаса. Шу мақсадда Фиръавн дастлаб уларнинг орасига тафриқа солди — ораларини бўлиб ташлади. Бани Исроилни эзиш сиёсатини олиб борди, ўзига сиғингани учун ерли аҳолини юқори қўйди. Сўнгра Бани Исроилни заифлаштириш йўлини ўйлаб топди. Ўғилларини сўйиш ва қизларини тирик қолдириш сиёсатини қўллади. Шу йўл билан аста-секин Бани Исроилни ер юзидан умуман йўқотишни режалаштирди. Эркаклар йўқ бўлиб кетаверса, одам сони камаяди, аёлларни хоҳлаган қўйга солиш осон бўлади.

Бунинг учун баҳона ҳам топилди. Ривоятларда келишича, Фиръавн атрофидаги гумашта сеҳргар-фолбинлар подшоҳга, сенинг мулкиннинг заволи Бани Исроилдан келажақда туғиладиган бир ўғил боладир, деган хабарни етказишди. Фиръавн мулкининг заволига чидай олмайди. Шунинг учун, тахтига бўлган хавфни жонига бўлган хавфдан ортиқ кўради. Гарчи ўзи худолик даъво қилса ҳам, тахтига хавф солгани учун она қорнидаги ҳомиладан ҳам кўрқади. Фиръавннинг гумашталари унинг бу заиф жойини яхши билишади. Шунинг учун, Фиръавнга ёқмаган тоифанинг ҳомиладаги боласини ҳам унга ашаддий душман, тахтига кўз олайтирган қилиб кўрсатишга уринадилар. Васвасага тушган Фиръавн наздида, келажақда Бани Исроилдан туғиладиган ҳар бир ўғил бола Фиръавн мулкининг заволи бўлиши мумкин. Шу боис, улар дарҳол ўлдирилсин, деган фармон чиқарди. Шу соатдан бошлаб, ҳар бир бани исроиллик ҳомиладор ёнида доя қўшилиб юрадиган бўлди. Аёл туғиши билан доя қарар, ўғил бола бўлса, хабар берар ва жаллодлар болани ўлдиришар эди. Шундай қилиб, Фиръавн ўзининг мисли кўрилмаган шафқатсиз сиёсатини юргизди.

«Албатта, у бузғунчилардан бўлган эди.»

Фиръавннинг ер юзида катта кетиши у ернинг аҳолисини бўлиб ташлаб, шахсига сиғинганларни ўзига яқин олиши, бошқаларни эса, эзишни ирода этиши эди.

وَرِيدٌ أَنْ تَمَنَّ عَلَى الَّذِينَ اسْتَضَعُوا فِي الْأَرْضِ وَتَجْعَلَهُمْ أَيْمَةً وَتَجْعَلَهُمُ
الْوَارِثِينَ ﴿١٠﴾ وَتُمْكِنَ لَهُمْ فِي الْأَرْضِ وَنُرِيَ فِرْعَوْنَ وَهَامَانَ وَجُنُودَهُمَا مِنْهُمَا مَآكِنَ
يَحْذَرُونَ ﴿١١﴾

5. Биз эса, ер юзида эзилганларга беминнат неъмат беришни, уларни пешво қилишни, уларни ворислар қилишни ва ер юзида уларга имконлар беришни;

6. Фиръавн, Ҳомон ва икковининг аскарларига улар (Бани Исроил)дан қўрққан нарсаларини кўрсатишни истаймиз.

Фиръавн хоҳлаган ишини ирода қилаверсин, унинг истаги ҳеч қачон амалга ошмайди. Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фақат Аллоҳ таолонинг истагани бўлади. Аллоҳ таоло нималарни истайди?

«Биз эса, ер юзида эзилганларга беминнат неъмат беришни...» истаймиз.

Ҳа, Фиръавн зулмидан ер юзида эзилиб, унинг истибдоди остида азоб чекиб яшаган, оғир кунларни бошидан кечирган, ўғиллари сўйилиб, қизлари тирик қолдирилганларга Аллоҳ таоло беминнат неъмат беришни истайди. Ўшал неъматнинг сон-саногини айтмайди. Миқдорини ҳам Унинг Ўзи билади.

«...уларни пешво қилишни...» истаймиз.

Эзилганлар ҳозир хору зор бўлиб юрган бўлсалар ҳам, келажакда уларнинг пешво, яхши ишларга бош-қош ва бошқаларни изига эргаштирадиган инсонлар бўлишини хоҳлаймиз.

«...ва уларни ворислар қилишни...» истаймиз.

Улар Фиръавн ва унинг одамларига у ҳалок бўлганидан кейин ер юзида ворис бўлиб қоладилар.

«...ва ер юзида уларга имконлар беришни...» хоҳлаймиз.

Ҳозир эзилаётганларга кейинчалик ер юзида енгиллик яратиб, куч-қувват, молу мулк ва бошқа имкониятлар берамиз.

«...Фиръавн, Ҳомон ва икковининг аскарларига улар (Бани Исроил)дан қўрққан нарсаларини кўрсатишни истаймиз.»

Ҳомон – Фиръавннинг вазири. У ҳар доим Фиръавн қиладиган ёмонликларга бошу қош бўлиб келган.

Фиръавн, Ҳомон ва икковининг аскарлари Бани Исроилдан нима учун қўрқар эдилар? Аниқки, мулкларига завола етишидан қўрқар эдилар. Аллоҳ таоло улар қўрққан нарсани айнан Бани Исроил орқали кўрсатишни ваъда қилмоқда.

Бу гап ўтган замондаги золимлар азоби ва озорларидан алам чекаётган мусулмонлар қалбига тасалли беради. Уларнинг қалбла-

рига умид бағишлайди. Чунки, Аллоҳ доимо эзилган мўминларга ёрдам бериб келган.

Ушбу муқаддимадан кейин бевосита Мусо алайҳиссалом қиссалари бошланади:

وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ أُمِّ مُوسَىٰ أَنْ أَرْضِعِيهِ فَاذًا خَفَّتْ عَلَيْهِ فَكَأَلَيْهِ فِي الْيَمِّ وَلَا تَخَافِي وَلَا تَحْزَنِي إِنَّا رَادُّوهُ إِلَيْكَ وَجَاعِلُوهُ مِنَ الْمُرْسَلِينَ

7. Ва Мусонинг онасига: «Уни эмизавер. Бас, (унга ёмонлик етишидан) қўрққан чоғингда уни дарёга ташла, қўрқма, хафа бўлма, Биз, албатта, уни сенга қайтаргувчимиз ва Пайғамбарлардан қилгувчимиз», деб ваҳий қилдик.

Уламоларимиз ушбу оятдаги «**ваҳий**»нинг илҳом маъносида келганини таъкидлаганлар. Чунки, Мусо алайҳиссаломнинг оналари Пайғамбар бўлмаганлар, демак, у кишига ваҳий келмаслиги ҳам аниқ. Қолаверса, араб тилида, жумладан, Қуръони Каримда «ваҳий» сўзи Пайғамбарларга келган махсус хабардан бошқа маънода ҳам ишлатилади. Масалан, асаларига ваҳий қилдик, деган маъно ҳам бор.

Мусо алайҳиссалом ниҳоятда хатарли бир вақтда дунёга келганидан, оналари нима қиларини билмай қолди. Фиръавннинг айғоқчилари янги туғилган гўдак ўғиллигини сезиб қолишса, уни онасидан тортиб олиб ўлдиришлари мумкин. Нима қилиш керак? Бирор чораси борми? Инсоннинг қўлида ҳеч қандай чора йўқ. Шунда Аллоҳ таолонинг Ўзи аралашди.

«Ва Мусонинг онасига: «Уни эмизавер. Бас, (унга ёмонлик етишидан) қўрққан чоғингда уни дарёга ташла...» деб билдирди.

Барибир ўлиб кетади, деб болани ташлаб қўйма, уни эмизавер, ноумид бўлма. Агар уни Фиръавн одамлари ўлдиради, деб қўрқсанг, болани сандиққа солиб дарёга ташла.

«...қўрқма, хафа бўлма...»

Боламга нима бўлар экан, деб қўрқма. Жигаргўшамдан айрилиб қоляпман, деб хафа бўлма.

«...Биз, албатта, уни сенга қайтаргувчимиз ва Пайғамбарлардан қилгувчимиз, деб ваҳий қилдик.»

Яъни, Биз болангни тезда ўзингга қайтарамиз ва уни ўзинг эмизасан. Келажакда эса, уни Пайғамбарлардан қиламиз.

Араб тилшунос олимлари бу ояти каримани Қуръони Каримнинг юксак даражадаги балоғат ва фасоҳатига мисол сифатида келтирадilar. Аллоҳ таоло биргина оятда:

иккита буйруқ – «эмизавер» ва «дарёга ташла»,
 иккита қайтариш – «қўрқма», «хафа бўлма»,
 иккита башорат – «уни сенга қайтарамиз» ва «Пайғамбарлар-
 дан қилгувчимиз» жуфтликларини ишлатгандир.

Мусо алайҳиссаломнинг оналари кўнгилларига Аллоҳ таоло ил-
 ҳом этган буйруқни бажардилар. Гўдакни сандиққа солиб, дарёга
 оқизиб юбордилар.

فَالنَّقْطَةُ أَلْ فِرْعَوْنَ لِيَكُونَ لَهُمْ عَدُوًّا وَحَزَنًا إِنَّ فِرْعَوْنَ وَهَمَانَ
 وَجُنُودَهُمَا كَانُوا خَاطِئِينَ ﴿٦٠﴾

8. Бас, Фиръавн оиласи уни ўзларига душман ва ғам-ғусса бўлиши учун тутиб олдилар. Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва икковларининг аскарлари хатокорлардан бўлган эдилар.

Ичига гўдак Мусо солинган сандиқ дарёдан оқиб бориб Фиръ-
 авн қасридаги боққа кирди.

**«Бас, Фиръавн оиласи уни ўзларига душман ва ғам-ғусса бўли-
 ши учун тутиб олдилар.»**

Келажақда Мусо улғайиб, Фиръавн оиласига душман ва ғам-ғусса бўлишини Аллоҳ таоло ирода қилган эди. Фиръавн душман ва ғам-ғуссадан қутулишнинг барча чорасини кўрса-да, Аллоҳ Ўз иродаси ила душман ва ғам-ғуссани уларнинг ичларига солиб қўйди. Мусо ҳеч нарсага қодир бўлмаган, ҳатто, ўзига керак ғизони ҳам тановул қила олмайдиган гўдак ҳолида душманнинг қоқ ўртасига келиб тушди.

**«Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва икковларининг аскарлари ха-
 токорлардан бўлган эдилар.»**

Улар хато ишни била туриб қилар эдилар. Бундай одамлар ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Шунинг учун ҳам, Бани Исроилнинг янги туғилган ўғил болаларини ўлдиришдан ҳам қайтмадилар. Бундай одамлар ҳузурларига дарёда оқиб келган ўғил болани дарҳол ўлдиришлари турган гап эди. Шундай қилмоқчи бўлдилар ҳам. Аммо:

وَقَالَتِ امْرَأَتِ فِرْعَوْنَ قُرْتُ عَيْنِي لِي وَلَكَ لَا تَقْتُلُوهُ عَسَىٰ أَنْ يَنْفَعَنَا أَوْ نَتَّخِذَهُ وَلَدًا
 وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٦١﴾

9. Фиръавннинг хотини: «(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, у бизга фойда берса ёки уни бола қилиб олсак», деди. Ҳолбуки, улар сезмасдилар.

Одатда ҳеч қачон юшмамайдиган Фиръавни Аллоҳ таоло энг нозик жойидан олди. Унинг хотинини ишга солди. Ўша хотиннинг қалбига гўдакнинг муҳаббатини жойлади. Фиръавннинг хотини:

«(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир», деди.

Жуда ҳам истараси иссиқ, мурғак гўдак экан, кўрган одамнинг кўзи қувонади, биз ҳам уни кўриб қувониб юрайлик, деди.

«Уни ўлдирманглар», деди.

Тирик қолсин. Боқиб, тарбия қилиб ўстирсак,

«Шоядки, у бизга фойда берса ёки уни бола қилиб олсак», деди».

Боқиб ўстирганимиздан кейин у бизга фойда бериши мумкин, эҳтимол, яхшироқ бўлса, ўзимизга бола қилиб олармиз, деди.

«Ҳолбуки, улар сезмасдилар.»

Улар Мусонинг келажакда ўзларига душман ва ғам-ғусса бўлишини (хотиндан бошқасига) сезмайдиган ҳолатда эдилар. Фиръавн хотинининг гапи билан гўдак Мусони ўлдирмай, боқиб олишга қарор қилдилар.

Дарёга боласини оқизиб юборган:

وَأَصْبَحَ فُؤَادُ أُمِّ مُوسَىٰ فَرَجًا ۚ إِن كَادَتْ لَتُبْدِي بِهِ لَوْلَا أَن رَّبَّنَا عَلَيَّ قَلْبَهَا
لَتَكُونُ مِنَ الْمُنْكَرِينَ ﴿١٠﴾

10. Мусонинг онасининг қалби бўшаб қолди. Мўминлардан бўлиши учун қалбини мустаҳкам боғламаганимизда, уни билдириб қўйишига сал қолди.

Она учун дунёда янги туққан боласидан ажрашдек мусийбат йўқ. Мусо алайҳиссаломнинг оналари бошига ҳам ана шу ташвиш тушди. Лекин Аллоҳ таоло у кишининг қалбига сабр солди. Акс ҳолда, боласига меҳри кўзиб, у менинг болам, деб билдириб қўйиши мумкин эди. Аллоҳ таоло у аёл Ўзига иймон келтириб, бало-офатларга ва синовларга чидайдиган мўминалардан бўлиши учун унга ўша фазилатни ато этди. Мусо алайҳиссаломнинг онаси сабр-тоқатли бўлди. Айни чоқда, Аллоҳнинг марҳаматидан умидвор бўлиб, мўминлик сифати ила жигаргўшасига қайта етишиш чорасини ахтара бошлади.

وَقَالَتْ لِأُخْتِهِ قُصِّيهٖ فَبَصَّرَتْ بِهٖ ۗ عَنْ جُنُبٍ وَهَمٍّ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١١﴾

11. У(она) у(Мусо)нинг опасига: «Издан бор», деди. Бас, уни бир четдан кўрди. Ҳолбуки, улар сезмасдилар.

Мусо алайҳиссаломнинг оналари у кишининг опасига, қизим, укангнинг изидан бор, дедилар. Қиз аста паналаб бориб, сандиқнинг Фиръавн боғига оқиб кирганини, улар сандиқдан болани чиқариб олишганини ва бошқа ҳодисаларни кўрди. Фиръавн аҳли эса бу ишларни сезмадилар.

وَحَرَّمْنَا عَلَيْهِ الْمَرَاضِعَ مِنْ قَبْلُ فَقَالَتْ هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ يَتِيمٍ يَكْفُلُونَهُ لَكُمْ وَهُمْ لَهُ نَصِيبٌ

12. Ва бундан олдин унга эмизгувчиларни ҳаром қилган эдик. Бас, (опаси): «Мен сизларга уни сиз учун кафилликка оладиган ва унга насиҳатгўй бўлгувчи аҳли байтни айтиб берайми?» деди.

Аллоҳнинг ҳикматли тадбири олдида ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Аввал Фиръавн оиласи аъзолари қалбига Мусо алайҳиссаломнинг муҳаббатини солиб, гўдакни ўлдирмасдан, боқиб олиш учун қарор қилдирди. Энди улар мурғак Мусони эмизиш учун сутли аёл қидира бошладилар. Мусонинг опаси Фиръавн қасрига яқинлашганида, улар Мусога эмизувчи аёл топа олмай хуноб эдилар.

«Ва бундан олдин унга эмизгувчиларни ҳаром қилган эдик.»

Қанча эмизувчи аёлни келтирсалар ҳам, Мусо алайҳиссалом уларни эммадилар. Бу ҳол ҳам Аллоҳ таолонинг ҳикматли тадбири эди. Бундан хабар топган Мусонинг опаси Фиръавн оиласининг ҳеч нарсани сезмаганлигидан фойдаланиб:

«Мен сизларга уни сиз учун кафилликка оладиган ва унга насиҳатгўй бўлгувчи аҳли байтни айтиб берайми?» деди».

Сизларга уни эмизиб, боқиб, катта қилиб берадиган оилани кўрсатиб берайми, деди.

Бу таклифга аҳли Фиръавн жон деб рози бўлдилар.

فَرَدَّدْنَاهُ إِلَىٰ آمِّهِ كَيْ تَفَرَّقَ عَيْنُهَا وَلَا تَحْزَنَ وَلِتَعْلَمَ أَنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ

13. Бас, Биз уни онасига кўзи қувончга тўлиши, хафа бўлмаслиги ва, албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун қайтардик. Лекин кўплари буни билмаслар.

Аллоҳ таоло Ўзининг ҳикматли тадбири ила Мусо алайҳиссаломни оналарига қайтариб берди. Оятда таъкидланишича, бундан қуйидаги учта мақсад кўзланган эди:

1. Бас, Биз уни онасига кўзи қувончга тўлиши...»

Мусо алайҳиссалом ила оналарининг кўзлари қувониши. Ўзи туққан фарзандини бундай ҳодисалардан кейин яна қайта тирик ҳолда кўрган ҳар қандай онанинг кўзи қувонади.

2. «...хафа бўлмаслиги...»

Онанинг ўғли Мусо алайҳиссалом фироқи ила хафа бўлмаслиги. Ҳар қандай она ҳам жигаргўшаси фироқидан хафа бўлиши мумкин эди.

3. «...албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун қайтардик».

Мусо алайҳиссаломнинг оналари Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билишлари. Чунки, аввал Аллоҳ таоло у аёлга, Биз уни сенга қайтаргувчимиз, деб ваъда берган эди. Ана ўша ваъдасини ҳақ ила амалга оширди. Ҳа, Аллоҳ таоло нимани ваъда қилса, уни албатта бажаради.

«Лекин кўплари буни билмаслар.»

Лекин кофирлар, мушриклар, мунофиқлар ва иймони заиф кўпгина одамлар бу ҳақиқатни билмайдилар.

Шундай қилиб, Мусо алайҳиссалом оилаларидан айрилмаган ҳолда Фиръавннинг қасрида тарбия топа бошладилар.

وَلَمَّا بَلَغَ أَشُدَّهُ وَاسْتَوَىٰ ءَايَاتُهُ حُكْمًا وَعِلْمًا وَكَذَٰلِكَ نُجِزِي الْمُحْسِنِينَ

14. Қачонки у вояга етиб, мукамал бўлганида, унга ҳикмат ва илми бердик. Биз яхши амал қилгувчиларни шундай мукофотлармиз.

Биз «вояга етиб» деб таржима қилган «балаға ашудда» иборасини араблар жисмоний жиҳатдан вояга етиш, «мукамал бўлганида» деб ўтирган «иставо» сўзини ақлий жиҳатдан камолга етиш, деб тушунадилар.

Ҳазрати Ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Вояга етиш ўн саккиздан ўттиз ёшгача, мукамал бўлиш ўттиздан қирққача», деган эканлар.

Ана шу маъноларни эътиборга олиб, баъзи тафсирчи уламоларимиз, Мусо алайҳиссалом ушбу оятда васф қилинган пайти ўттиз ёшлар атрофида бўлганлар, деб тахмин қилишади.

«Қачонки у вояга етиб, мукамал бўлганида, унга ҳикмат ва илми бердик.»

Мусо алайҳиссалом жисмоний, ахлоқий ва руҳоний томондан ана шундай мукамал ҳолга етганларида, Аллоҳ таоло у кишига ҳикмат ва илм берди. Ана шу марҳамат зикридан кейин эса, Аллоҳ таолонинг:

«Биз яхши амал қилгувчиларни шундай мукофотлармиз», деганидан Мусо алайҳиссалом аввал ҳам яхши амаллар қилганликлари келиб чиқади.

وَدَخَلَ الْمَدِينَةَ عَلَىٰ حِينٍ غَفْلَةٍ مِّنْ أَهْلِهَا فَوَجَدَ فِيهَا رَجُلَيْنِ يَقْتَتِلَانِ هَذَا مِنْ شِيعَةِ هَذَا
وَهَذَا مِنْ عَدُوِّهِ فَاسْتَعَاذَ الَّذِي مِنْ شِيعَتِهِ عَلَى الَّذِي مِنْ عَدُوِّهِ فَوَكَرَهُ مُوسَىٰ فَقَضَىٰ عَلَيْهِ قَالَ
هَذَا مِنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ عَدُوٌّ مُّضِلٌّ مُّبِينٌ ﴿١٥﴾

15. Ва у шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатдалик пайтда кирди. Унда уришаётган икки кишини кўрди. Буниси ўз гуруҳидан, униси эса, душманларидан эди. Бас, ўз гуруҳидан бўлган душман бўлганга қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо уни бир мушт уриб ўлдириб қўйди. У(Мусо): «Бу шайтоннинг ишидир. Албатта, у очиқ-ойдин душман ва йўлдан оздиргувчидир», деди.

Кунлардан бир куни сафардан қайтган Мусо алайҳиссалом:

«Шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатдалик пайтда кирди».

Шаҳардан мурод пойтахтдир. Шаҳар аҳолиси ғафлатда бўладиган пайт эса, туш вақтидир. Иссиқ юртларда, жумладан, Мисрда ҳам туш пайти шаҳар ва қишлоқ аҳолиси кундузги уйқуда бўладилар. Аҳолиси ғафлат уйқусида ётган пайтда шаҳарга кириб келган Мусо алайҳиссалом:

«Унда уришаётган икки кишини кўрди. Буниси ўз гуруҳидан, униси эса, душманларидан эди».

Мусо алайҳиссалом бири ўз қавми — Бани Исроилдан, иккинчиси душман — Фиръавн қавмидан бўлган икки кишининг уришаётганини кўрдилар.

«Бас, ўз гуруҳидан бўлгани душман бўлганга қарши ундан ёрдам сўради.»

Бани исроиллик киши Мусо алайҳиссаломдан қибтийга қарши ёрдам сўради. Шундан кўришиб турибдики, Мусо алайҳиссалом қавмлари ичидаги ночорларга ҳар доим ёрдам бериб юрганлар. Шунинг учун ҳам, ҳалиги бани исроиллик у зотни кўриши билан дарҳол ёрдам сўради. Мусо алайҳиссалом рози бўлдилар. Қибтийга яқин бордилар ва:

«Шунда Мусо уни бир мушт уриб ўлдириб қўйди».

Бу ҳол Мусо алайҳиссалом ёш ва жуда бақувват бўлганларини кўрсатади. Катта одамни бир мушт билан ўлдириб қўйиш осон эмас.

Мусо алайҳиссалом қибтийни умуман ўлдирмоқчи эмас эдилар. Унинг ўлиб қолганини кўриб қаттиқ афсусландилар.

«У(Мусо): «Бу шайтоннинг ишидир. Албатта, у очиқ-ойдин душман ва йўлдан оздиргувчидир», деди.»

Мусо алайҳиссалом бу кўнгилсиз ишни шайтонга нисбат бердилар ва шайтон инсон учун очиқ-ойдин душман ҳамда йўлдан оздирувчи эканини таъкидладилар. Айни чоқда:

قَالَ رَبِّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي فَاغْفِرْ لِي فَغَفَرَ لَهُ إِنَّكَ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴿٦٧﴾

16. У: «Эй Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилдим. Бас, мени мағфират қил», деди. Шунда У зот уни мағфират қилди. Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилгувчи, меҳрибондир.

Мусо алайҳиссалом бехосдан бировнинг ўлимига сабаб бўлишларини ўзларига ўзлари зулм қилганлик деб баҳоладилар ва Аллоҳ таолога илтижо этиб:

«Эй Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилдим. Бас, мени мағфират қил», деди.

Банда хатосига иқрор бўлиб, Аллоҳдан чин қалбдан мағфират сўраса, Аллоҳ уни дарҳол кечиради. Мусо алайҳиссалом ҳам мағфират сўрадилар.

«Шунда У зот уни мағфират қилди. Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилгувчи, меҳрибондир.»

Ундан ўзга ҳеч кимнинг бандаларни мағфират қилишга ҳаққи йўқ.

قَالَ رَبِّ بِمَا أَنْعَمْتَ عَلَيَّ فَلَنْ أَكُونَ ظَهِيرًا لِلْمُجْرِمِينَ ﴿٦٨﴾

17. У: «Эй Роббим, менга берган неъматинг ҳаққи-ҳурмати, ҳаргиз, жиноятчиларга ёрдамчи бўлмасман», деди.

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг мағфиратини ўзларига неъмат деб билдилар. Шунга ва Аллоҳ берган куч-қувват, ақл-заковат каби бошқа неъматларга шукр этиб, уларни фақат яхшиликка ишлатишга аҳду паймон қилдилар.

Ўзини билган одамга сал кўнгилсиз воқеа ҳам катта мусийбат бўлиб кўринади ва ҳаётида катта ўзгаришга сабаб бўлади.

فَأَصْبَحَ فِي الْمَدِينَةِ خَائِفًا يَتَرَقَّبُ فَإِذَا الَّذِي اُسْتَنْصَرَهُ بِالْأَمْسِ يَسْتَصْرِخُهُ قَالَ لَهُ مُوسَى إِنَّكَ لَغَوِيٌّ مُبِينٌ ﴿٦٩﴾

18. Бас, у эрталаб шаҳарда қўрққан ҳолида, аланглаб кетаётган эди, бирдан, кеча ундан ёрдам сўраган яна ёрдам сўраб қичқириб қолди. Мусо унга: «Албатта, сен очик-ойдин гумроҳсан», деди.

Кўнгилсиз воқеа бўлган куннинг эртасига Мусо алайҳиссалом қилмишларининг оқибатини ўйлаб:

«эрталаб шаҳарда қўрққан ҳолида, аланглаб кетаётган эди...»

Мусо алайҳиссалом тавба қилиб, тавбалари қабул бўлган, энди ундай ишларни такрорламасликка аҳд этган бўлсалар ҳам, барибир, одамлардан, аниқроғи, Фиръавн ва унинг қавмидан бу ҳодисага акс-садо келишидан хавфлари бор эди. Шунинг учун ҳам, эртаси эрталаб, бирор хабар тарқалмадимикан, деб қўрққан ҳолларида, атрофга аланглаб, ҳар бир нарсадан ҳадиксираб борар эдилар...

«...бирдан, кеча ундан ёрдам сўраган яна ёрдам сўраб қичқириб қолди».

Кеча қибтий билан уришаётиб Мусо алайҳиссаломни ёрдамга чақирган бани исроиллик бугун яна бошқа бир қибтий билан уришаётган экан, у Мусо алайҳиссаломдан яна ёрдам сўраб қичқириб қолди. Кечаги воқеадан таъсирланиб, унинг оқибати нима бўлар экан, деб ҳадиксираб бораётган Мусо алайҳиссалом бу ҳолни кўриб ва чақириқни эшитиб, уришқоқ қавмдошларидан хафа бўлдилар ва:

«Мусо унга: «Албатта, сен очик-ойдин гумроҳсан», деди».

Сенинг ҳадеб жанжал чиқараверишининг ўзи гумроҳлигингдандир, бундай ишлар нафақат сенга, балки умуман қавмимизга яхшилик келтирмайди, кеча бўлар иш бўлган эди, энди буниси нима, демоқчи эдилар. Шундай бўлса-да, мазлум халқининг мазлум вакилига зolimларга қарши яна бир бор ёрдам бермоқчи бўлдилар ва:

فَلَمَّا أَنْ أَرَادَ أَنْ يَبْطِشَ بِالَّذِي هُوَ عَدُوٌّ لَهُمَا قَالَ يَا مُوسَى أَتُرِيدُ أَنْ تَقْتُلَنِي كَمَا قَتَلْتَ
نَفْسًا يَا لَأَمْسٍ إِنْ تُرِيدُ إِلَّا أَنْ تَكُونَ جَبَّارًا فِي الْأَرْضِ وَمَا تُرِيدُ أَنْ تَكُونَ مِنَ الْمُصْلِحِينَ ﴿١٩﴾

19. Қачонки икковларига душман бўлганни тутмоқчи бўлган эди, у: «Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби, мени ўлдирмоқчимисан?! Сен ер юзида фақат жаббор бўлишни истарсан ва ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамассан», деди.

Ҳа, ортиқча зулм одамларга қаттиқ таъсир ўтказди. Бепарво, ҳимматсиз кишилар, умуман, одамгарчиликдан чиқиб кетади. Ҳасос ва ҳимматли кишиларнинг эса, асаби таранглашади. Золим, мустабид ҳоким шахсига сиғинишга асосланган жамиятда турли маънавий ўлчовлар ҳам тескарисига айланиб қолади.

Мусо алайҳиссалом кечаги ишдан қаттиқ афсусланиб, бунга ўхшаш ишларни бошқа қилмасликка аҳд этган, кечаги иш оқибатидан хавфсираб, қабиладошларини «Албатта, сен очиқ-ойдин гумроҳсан», деб айблаб турган бўлсалар ҳам, ҳассос ва ҳимматли инсонликлари, зулмга қарши вужудлари қаҳру ғазабга тўлалиги сабабли, чидаб тура олмадилар. Золимга қарши чиқишдан ўзларини яна тўхтата билмадилар.

«Қачонки икковларига душман бўлганни тутмоқчи бўлган эди...»

Яъни, ўзига ва бани исроилликка душман бўлган қибтийни тутмоқчи бўлган вақтларида ўша қибтий:

«Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби мени ўлдирмоқчимисан?!» деб қолди.

Демак, унинг кечаги воқеадан хабари бор. Ўз-ўзидан, у қандай қилиб хабар топди, деган савол пайдо бўлади. Бунга тахминий иловалар кўп. Балки, ўша қибтий билан уришаётган бани исроиллик айтгандир. Эҳтимол, иккови орасидаги уриш кечаги уриш сабабли чиққандир. Чунки, мазлум кишилар золимларга озгина зарар етказса ҳам, бениҳоят хурсанд бўлиб кетадилар. Ҳеч ким билмасин, деб хабарни бир-бирларига айтаверадилар. Агар душман билан тортишиб қолсалар, уларга ҳам навбат келиб қолганини, кеча фалон жойда, фалон воқеа бўлганини ҳам айтиб берадилар. Бу сўзамоллар ўзларининг бу гапларидан бошқа мазлумларга фойда борми, йўқми эканига эътибор бермайдилар. Модомики, золимга оз бўлса ҳам зарар етибдими, гапириш керак, деб ўйлайдилар. Ана шу эътибордан бани исроиллик билан уришиб турган қибтий ўзини ушламоқчи бўлган Мусо алайҳиссаломнинг кечаги ишларидан хабардор бўлиши ҳеч гап эмас. Золимга мазлумнинг ўзига қарши чиқиши суиқасд бўлиб кўринади. Қибтий Мусо алайҳиссаломни суиқасдда айблади ва кеча ноҳосдан бўлган ишни юзларига солди. Лекин бу билан кифояланмади. У кишини айблашда давом этди:

«Сен ер юзида фақат жаббор бўлишни истайсан ва ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истайман», деди».

Зулм, ситам ва истибдод кучайган, шахсга сиғиниш авж олган юртда маънавий қадриятлар мезони ўзгариб қолишини қибтийнинг шу гапидан кўрса бўлади. Унинг фикрича, бутун бошли бир халқни қул қилиб олган, уларни эзиб, ўғил болаларини сўйиб, қизларини тирик қолдириб, оғир ишларда ишлатаётган Фиръавн одил ва меҳрибон зот, уни жаббор ва бузғунчи дейиш гуноҳи азим, аммо қулликка қарши бош кўтарган, мазлум қабиладошини ўлимдан қутқариш учун ҳаракат қилиб, билмасдан, ноҳос бир золимни ўлдириб

қўйган Мусо алайҳиссалом «жаббор» ва «ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамай»диган одам эмишлар.

Том маънода фиръавнлар ҳукмрон бўлган жамиятда ана шундай вазият вужудга келади. Фиръавнлар ва унинг гумашталари қилган зулм, истибдод айна адолат, халқ манфаати йўлида кўрилган чора бўлиб, унга ҳамду сано ва мақтовлар айтилаверади-ю, аммо бирор-та мазлум ўз ҳаққини талаб қилиб қолса, уни дунёдаги энг катта жиноятчи, ҳаддидан ошган золим, исёнкор, ношукр, деб айбланади.

Бу сафар Мусо алайҳиссаломга нисбатан ҳам худди шундай муносабатда бўлинди.

Баъзи муфассирларимиз, мазкур итоб гапларни қибтий эмас, бани исроиллик айтган, деганлар. Мусо, сен ўзинг гумроҳ экансан, деб унга қараб юрганларида, мени ўлдиргани келяпти, деб қўрқиб кетганидан айтган, дейдилар. Лекин кўпчилик уламолар аввалги фикрни қувватлашади.

Шу билан бу ҳодиса ҳам тугаб, ҳамма тарқалиб кетди.

وَجَاءَ رَجُلٌ مِّنْ أَقْصَا الْمَدِينَةِ يَسْعَىٰ قَالَ يَا مُوسَىٰ إِنَّ الْمَلَأَ يَأْتَمِرُونَ بِكَ لِيَقْتُلُوكَ
فَأَخْرَجَ إِنِّي لَكَ مِنَ النَّاصِحِينَ

20. Ва шаҳарнинг нариги четидан бир киши шошиб келиб: «Эй Мусо, аниқки, аъёнлар сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар. Бас, чиқиб кет! Албатта, мен сенга насиҳат қилгувчиларданман», деди.

Шаҳар четидан шошиб келган бу киши Фиръавн қавмидан бўлиб, иймонга келган-у, аммо иймонини яшириб юрган одам эканлиги бошқа сурадаги оятда айтилган. Ўша одам:

«Эй Мусо, аниқки, аъёнлар сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар», деб хабар етказади.

Фиръавн тузумида Мусо алайҳиссаломга ўхшаб зулмга қарши бош кўтарган бир одамнинг чиқиб қолиши ҳам катта таҳдид бўлиб кўринади. Фиръавннинг атрофидаги гумашталар, аъёнлар зулмга қарши чиққан ўша исёнкорни дарҳол йўқ қилиш учун тил бириктира бошлайдилар. Умуман, фиръавнлар тузумида ҳам оз бўлса-да, иймонли кишилар топилади. Аммо улар тузумдан қўрққанларидан иймонларини беркитиб юрадилар. Улар тузум ичида юргани учун унинг сирларидан хабардор бўлишлари турган гап. Баъзи сирлардан хабар топганларида, айниқса, иймон аҳлига қарши аъёнларнинг тил бириктирганини билганларида, иймонлари тақозоси билан, бу

ҳақда иймонлиларга яширин хабар беришни, уларга йўл-йўриқ кўрсатишни, насиҳат қилишни бурчлари деб биладилар.

Фиръавн қавмидан бўлган мазкур мўмин киши ҳам худди шундай қилди. Фиръавн аъёнлари Мусо алайҳиссаломни ўлдириш учун тил бириктираётганларидан хабар топиши билан шаҳар четидан шошилиб келиб Мусо алайҳиссаломга ўша хабарни етказди ва у кишига йўл кўрсатиб:

«Бас, чиқиб кет!» деди.

Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссалом чиқиб кетмасалар, бўлмас эди. Худодик даъво қилаётган подшоҳ Фиръавн ва унинг аъёнлари, аскарлари ҳамда қавми – ҳамма-ҳаммасига қарши ёлғиз ўзлари туришлари имконсиз нарса эди. У кишининг у ерда қолишлари ўзларига зулм бўлар, шу билан бирга, Фиръавнга қарши кураш истиқболини беркитиб қўяр эди. Шунинг учун, мўмин кишининг насиҳати тўғри эди. У буни тасдиқлаш ниятида:

«Албатта, мен сенга насиҳат қилгувчиларданман», деди».

Ҳалиги кишидан бу хабарни эшитган Мусо алайҳиссалом,

فَجَرَحَ مِنْهَا خَافِيًا تَرَقُّبًا قَالَ رَبِّ نَجِّنِي مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ

21. Бас, хавфсираб, аланлаган ҳолда у ердан: «Эй Роббим, менга золим қавмлардан нажот бергин», деб чиқди.

Ҳа, Мусо алайҳиссалом золим қавмларнинг зулмидан қочиб, туғилган ерлари, ота-она, қариндош-уруғлари – ҳамма-ҳаммасини ташлаб, ёлғиз бошларини олиб, ҳижрат қилишга мажбур бўлдилар. Кечагина Фиръавннинг эркатойи бўлган, айтгани айтган, дегани деган, ҳамма унинг бир оғиз сўзига интизор бўлиб турган зот бугун юртидан, халқи ичидан қўрқиб-хавфсираб, биров кўриб қолмаяптимиқан, деб атрофга аланглаб, номаълум томонга, номаълум халқ ичига кетмоқда эди. Бу ҳолат у кишининг ҳақиқат учун курашгани, зулмга қарши бош кўтаргани туфайли, Фиръавн шахсига эмас, Аллоҳ таолога сиғингани сабабли юз берди.

Аллоҳга иймон келтирган одам доимо Аллоҳга топинади, доимо ёлғиз Аллоҳдангина ёрдам сўрайди.

Мусо алайҳиссалом ҳам шундай қилдилар.

«Эй Роббим, менга золим қавмлардан нажот бергин», деб чиқди.»

Ҳа, мўминларга Аллоҳ таолонинг ўзи нажот беради. Уларни золим қавмлар зулмидан Аллоҳ таолонинг Ўзи қутқазади. Шунингдек, уларни тўғри йўлга ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи бошлайди. Шунинг учун ҳам, Мусо алайҳиссалом:

وَلَمَّا تَوَجَّهَ تِلْقَاءَ مَدْيَنَ قَالَ عَسَىٰ رَبِّي أَن يَهْدِيَنِي سَوَاءَ السَّبِيلِ ﴿١٦﴾

22. Қачонки Мадян томон юзланганида: «Шоядки, Роббим мени тўғри йўлга ҳидоят қилса», деди.

Мусо алайҳиссалом ёлғиз ўзлари чексиз саҳрода нотаниш жойлар томон, бу машаққатли сафарга умуман тайёргарлик кўрмасдан кетмоқда эдилар. Иймонини беркитган мўмин кишининг кутилмаган ташвишли хабаридан сўнг, дарҳол йўлга тушишга мажбур бўлган эдилар. У киши ўзлари билмаган ҳолда Мадян номли жойга қараб бормоқда ва йўл-йўлакай Аллоҳдан умидларини узмай:

«Шоядки, Роббим мени тўғри йўлга ҳидоят қилса», деб илтижо этмоқда эдилар.

У киши алайҳиссалом ана шундоқ илтижо ила юриб кетдилар.

وَلَمَّا وَرَدَ مَاءَ مَدْيَنَ وَجَدَ عَلَيْهِ أُمَّةً مِّنَ النَّاسِ يَسْقُونَ وَوَجَدَ مِنْ دُونِهِمْ
أُمَّرَاتَيْنِ تَذُودَانِ قَالَ مَا خَطْبُكُمَا قَالَتَا لَا نَسْقِي إِلَّا نَسْقَىٰ حَتَّىٰ يُصَدِرَ الرِّعَاءَ وَأَبُونَا شَيْخٌ
كَبِيرٌ ﴿١٧﴾

23. Қачонки Мадян сувига етиб келгач, бир тўп одамларнинг ҳайвонларини суғораётганини кўрди ва улардан бошқа (қўйларини сувдан) қайтараётган икки аёлни кўрди. У: «Сизларга не бўлди?» деди. Улар: «Чўпонлар қайтмагунларича суғора олмай-миз, отамиз қари чол», дедилар.

Мусо алайҳиссалом узоқ йўл юриб, хориб-чарчаб Мадян сувига етиб бордилар. Албатта, чўл жойларда сув қудуқда бўлади. Мусо алайҳиссалом Мадян қудуғидан бир тўп одамлар ҳайвонларини суғораётганларини, шунингдек, бир четда икки аёлнинг сувга интилаётган ҳайвонларини қайтариб турганини ҳам кўрдилар. Ҳимматли ва ҳассос эркакларга хос табиатлари жўш урган Мусо алайҳиссалом бу ҳолни сингдира олмадилар. Аслида, эркаклар аёлларни ҳурмат қилишлари, аввал уларнинг ҳайвонларини суғориб беришлари керак эди. Аммо бу ерда иш тескарича бўлмоқда. Эркаклар талашиб-тортишиб ҳайвонларини суғормоқдалар, нозик, кучсиз аёллар тортишиб, сувга ўзини ураётган ҳайвонларини қайтариб ҳалак бўлмоқдалар. Доимо ҳақиқат учун курашиб келган, ҳақсизликка чидамайдиган Мусо алайҳиссалом бу сафар ҳам томошабин бўлиб тура олмадилар. У киши икки аёлга савол бериб:

«Сизларга не бўлди?» деди».

Сизларга нима бўлдики, аёл бошингиз билан ҳайвонларни суғоргани келибсиз? Сизларга нима бўлдики, сувга ўзини ураётган ҳайвонларингизни қайтармоқдасиз?

Шунда аёллар мўминаларга хос иффат ва одоб билан жавоб бердилар. Ҳайвонларини сувдан қайтариш ва бу ерга келишга мажбур бўлиш сабабларини айтдилар.

«Улар: «Чўпонлар қайтмагунларича суғора олмаймиз, отамиз қари чол», дедилар.»

Кучли-қувватли эркак чўпонлар билан талашиб-тортишишга одобимиз йўл қўймайди, кучимиз ҳам етмайди. Шунинг учун, улар суғориб бўлгунча бир четда, ҳайвонларимизни сувдан қайтариб туришга мажбурмиз. Аслида, бизнинг бу ерга келишимиз тўғри эмас, аммо отамиз қари чол, ҳайвонларни суғора олмайди.

Шунда Мусо алайҳиссалом одобли, қадрини билган эркак сифатида иш тутдилар.

فَسَقَى لَهُمَاءً تَوَلَّى إِلَى الظِّلِّ فَقَالَ رَبِّ إِنِّي لِمَا أَنْزَلْتَ إِلَيَّ مِنْ خَيْرٍ فَقِيرٌ ﴿٢٤﴾

24. Бас, икковларига (ҳайвонларини) суғориб берди. Сўнгра сояга қайтди ва «Эй Роббим, албатта, менга туширажагинг ҳар бир яхшиликка муҳтожман», деди.

Мусо алайҳиссалом ҳалиги икки аёлнинг ҳайвонларини суғориб бердилар. Буни ўзларининг эркак кишилик бурчлари, деб билдилар.

«Сўнгра сояга қайтди...»

Демак, кун иссиқ экан. Аввал ҳам сояда ўтирган эдилар. Лекин қийналаётган икки аёлни кўриб, ғоятда чарчаган, ҳориб-толган, очиққан бўлсалар ҳам, туриб уларга ёрдам бердилар. Қайтиб бориб яна соядан жой олдилар. Яна ёлғиз қолдилар. Яна муҳожирлик ғурбатини ҳис этдилар. Ёлғизнинг ёри худо, деб яна Роббул оламийнга илтижо қилиб:

«Эй Роббим, албатта, менга туширажагинг ҳар бир яхшиликка муҳтожман», дедилар.

Чунки, у кишининг ҳеч кими ва ҳеч нарсаси йўқ эди. Ёлғиз ўзлари. Ёнларида ҳамроҳ ҳам, егани бир бурда нон ҳам, ётгани жой ҳам йўқ. Буларнинг бўлишидан дарак ҳам йўқ. Фақатгина Аллоҳ бор! Шунинг учун, Аллоҳнинг Ўзига ёлбордилар. Нима яхшилик туширсанг, ўшанга муҳтожман, Сендан бошқа умидим йўқ, дедилар. Ҳамма нарсани кўриб тургувчи Аллоҳ Мусо алайҳиссаломнинг бу ҳолларини ҳам кўрди. Ҳамма нарсани эшитиб тургувчи Аллоҳ

Мусо алайҳиссаломнинг бу илтижоларни ҳам эшитди. Барча мушқуларни осон қилгувчи Аллоҳ Мусо алайҳиссаломнинг мушқуларини ҳам осон қилди.

فَجَاءَتْهُ إِحْدَاهُمَا تَمْشِي عَلَىٰ أَسْتَحْيَاءٍ قَالَتْ إِنَّ أَبِي يَدْعُوكَ لِيَجْزِيَكَ أَجْرَ مَا
سَقَيْتَ لَنَا فَلَمَّا جَاءَهُ وَقَصَّ عَلَيْهِ الْقَصَصَ قَالَ لَا تَخَفْ نَجَوْتَ مِنَ الْقَوْمِ
الظَّالِمِينَ

25. Бас, икковларидан бири ҳаё билан юриб келиб: «Отам сенга бизларга суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда», деди. Қачонки унга келганида ва қиссани айтиб берганида, у: «Қўрқма, золим қавмлардан нажот топдинг», деди.

Ўйга толиб ёлғиз ўтирган Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига ҳалиги икки аёлнинг бири уялибгина келиб:

«Отам сенга бизларга суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда», деди».

Албатта, ҳайвонларни осонлик билан суғориб уйга одатдагидан эрта қайтган қизлар билан қари оталари орасида суҳбат бўлиб ўтган. Қизлар отасига ҳайвонларини суғориб берган ғариб йигит ҳақида, унинг мардлиги, шижоатлилиги, яна, ўзи ёлғиз сояда ўтириб қолганлиги ҳақида сўзлаб беришган. Ўшанда оталари қизлардан бирини ўша ғариб йигитни чақириб келиш учун юборади. Мусо алайҳиссалом бу чақириқни қабул қилиб, чолнинг олдига борадилар.

«Қачонки унга келганида ва қиссани айтиб берганида, у: «Қўрқма, золим қавмлардан нажот топдинг», деди.»

Мусо алайҳиссалом уй эгасига бошларидан ўтган қиссани гапириб бердилар. Кўпни кўрган тажрибали чол у кишининг кўнглини кўтариб, қўрқма, энди қутулиб кетдинг, деган маънони айтди.

قَالَتْ إِحْدَاهُمَا يَا أَبَتِ اسْتَجِرْهُ إِنَّ خَيْرَ مَنِ اسْتَجَرْتَ الْقَوِيُّ الْأَمِينُ

26. Икки(қиз)дан бири: «Эй отажон, уни ишга ёллаб ол. Чунки, ишга ёлланадиган энг яхши кимса кучли ва ишончли кимсадир», деди.

Мўйсафид чолнинг оиласида тарбия топган қизлар билимдон, ақлли, доно, сермулоҳаза ва иффатли бўлиб ўсганлари кўриниб турибди. Оталари қариб қолгани, уйда бошқа эркак киши йўқлиги-

дан қизлар ҳайвонларни ўзлари боқишга, суғоришга, эркакларга арлашишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳол жуда ҳам ноқулай. Ёш, бақувват ва ғариб бир йигитнинг пайдо бўлиб қолиши уларнинг оиласидаги чўпонлик муаммосини ҳал қилишга қулай фурсат эди. Шунинг учун, қизлардан бири отасига таклиф киритиб:

«Эй отажон, уни ишга ёллаб ол», деди.

Яъни, отасига Мусо алайҳиссаломни чўпонликка ёллаб олишни таклиф қилди. Кейин нима учун Мусо алайҳиссаломнинг номзодини кўрсатганини шарҳлаб:

«Чунки, ишга ёлланадиган энг яхши кимса кучли ва ишончли кимсадир», деди.

Бу гапдан ҳам қиз олий савияли одоб соҳибаси экани кўриниб турибди. Гапни Мусо алайҳиссаломга эмас, учинчи шахсга қаратиб, ишга ёлланадиган энг яхши одам қандай бўлиши кераклиги ҳақида гапирмоқда. Зотан, ҳайвонларини суғориш ва оталарининг амри билан Мусо алайҳиссаломни чақириб келиш пайтида, у кишининг кучли ва ишончли одам эканини сезишган эди.

Шундай оқила ва фозила қизларни тарбиялаган отанинг жуда маданиятли ва одобли киши бўлиши турган гап. Қизининг таклифи маъқул келганидан кейин бу ҳақда Мусо алайҳиссаломга мурожаат қилиб:

قَالَ إِنِّي أُرِيدُ أَنْ أُنكِحَكَ إِحْدَى ابْنَتَيَّ هَاتَيْنِ عَلَى أَنْ تَأْجُرَنِي ثَمَنِي حَبِيبٍ فَإِنْ
 أَتَمَمْتَ عَشْرًا فَمِنْ عِنْدِكَ وَمَا أُرِيدُ أَنْ أَشُقَّ عَلَيْكَ سَتَجِدُنِي إِنْ شَاءَ اللَّهُ مِنَ
 الصَّالِحِينَ

27. У: «Менга саккиз йил ишлаб беришинг шарти билан, шу икки қизимдан бирини сенга никоҳлаб бермоқчиман, агар ўн йилни тамомласанг, бу сенинг ишинг. Мен эса сенга машаққат қилишни истамасман. Иншоаллоҳ, менинг солиҳ кишилардан эканимни кўрасан», деди.

Бу гаплардаги одоб, соддалик, очиқлик киши қалбини қувончга тўлдиради. Қизларининг бирида ғариб йигитга нисбатан рағбат борлигини сезган ота масалани жўнгина ҳал қилди. Мусо алайҳиссаломга мен сенга яхшилик қилай, ҳеч киминг йўқ, бечора мусофир экансан, мардикор бўлиб қўйларимни боқиб юр, бир кунингни кўрарсан, демади. Балки ишга таклиф қилишнинг ажойиб услубини қўлади.

«У: «Менга саккиз йил ишлаб беришинг шарти билан, шу икки қизимдан бирини сенга никоҳлаб бермоқчиман...» деди. Айни чоқда,

Мусо алайҳиссаломдек йигитни куёв қилиб олиш имконини ҳам қўлдан чиқармади.

«...агар ўн йилни тамомласанг, бу сенинг ишинг.»

Бизга фазлу карам кўрсатган бўласан.

«Мен эса сенга машаққат қилишни истамасман.»

Ҳамма нарса содда, оддий ва осон бўлишини истайман.

«Иншоаллоҳ, менинг солиҳ кишилардан эканимни кўрасан», деди.

Яъни, мен айтган гапимда тураман, нолойиқ хатти-ҳаракат қилмайман, деди.

Тафсирчи уламоларимиз бу доно, улуғ ёшдаги киши ким эканлиги ҳақида ҳар хил фикрлар айтганлар. Фикрларнинг турлича бўлишига асосий сабаб у одамнинг кимлиги Қуръони Каримда ҳам, саҳиҳ ҳадисларда ҳам очиқ-ойдин айтилмаганидир.

Мўътабар тафсирчиларимиздан Ҳофиз ибн Касир тафсирларида ўзларидан олдинги уламоларнинг кўплари, бу улуғ ёшли киши Пайғамбар Шуайб алайҳиссалом деса, бошқалари, у киши эмас, деганларини, баъзилари, у киши Шуайб алайҳиссаломнинг укасининг ўғли эди, деса, учинчи бирлари, Шуайб қавмидан бир мўмин киши эди, деганларини айтадилар.

Сўнгра, ўша киши Шуайб алайҳиссалом эди ва у киши эмас эди, деганларнинг ҳужжат ва далилларини келтирадилар.

Ҳофиз ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳидан кейин ўтган тафсирчилар бу масалада асосан икки гуруҳга бўлинадилар: бир қисмлари ўша кишини Шуайб алайҳиссалом эмас эди, десалар, қолганлари, Шуайб алайҳиссалом эди, дейдилар.

Мусо алайҳиссаломга қайната бўлган шахсни Шуайб алайҳиссалом дейдиган уламолар у кишининг Мадянлик эканлигига, ҳикмат билан тасарруф қилганига ва баъзи ривоятларда ўша одам Шуайб алайҳиссаломга нисбат берилганига суянадилар.

Муҳолифлар эса, аввало, мазкур шахсни Шуайб алайҳиссалом деб атаган ривоятлар кучсиз эканини, уларга суяниб бўлмаслигини айтадилар. Кейин эса, Қуръонда тилга олинмагани у одамнинг Шуайб алайҳиссалом эмаслигини кўрсатади, чунки у кишидек катта Пайғамбар номининг тилга олинмаслиги мумкин эмас эди, дейдилар. Энг асосийси, тарихда, Қуръонда собит бўлишича, Шуайб алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломдан жуда аввал, Лут алайҳиссаломга яқин даврда яшаганлар. У киши Иброҳим алайҳиссалом даврларида, яъни, Мусо алайҳиссаломдан тўрт юз йил олдин ўтганлар. Шуайб алайҳиссалом қариган чоғларида қавмлари ҳалокатидан сўнг, фақат муҳлис мўмин кишилар билан қолганлар, улар ҳеч қачон Пайғамбарла-

рини қаровсиз қўйиб, ўз ҳайвонларини унинг қизларига навбат бермай суғоришлари мумкин эмас, каби далилларни келтирадилар.

Нима бўлганида ҳам, Мусо алайҳиссалом доно мўйсафиддан юқоридаги таклифни қабул қилдилар.

قَالَ ذَلِكَ بَيْنِي وَبَيْنَكَ أَيَّمَا الْأَجَلِينَ قَضَيْتُ فَلَا عُدْوَانَ عَلَيَّ وَاللَّهُ عَلَىٰ مَا نَقُولُ
وَكَيْلٌ ﴿٢٨﴾

28. У(Мусо): «Бу мен билан сенинг орамиздадир. Икки муддатдан қай бирини адо қилсам ҳам, менга тажовуз қилинмас. Айтаётган нарсамизга Аллоҳ вакилдир», деди.

Яъни, сен айтган таклиф иккимиз орамиздаги шартномадир. Икки муддатдан - саккиз ёки ўн йилдан қайси бирини адо қилсам, мен ўзим биламан. Айтган гапимизга, тузган шартномамизга Аллоҳ шохиддир, дедилар.

Ана шундай қилиб, Мусо алайҳиссалом ўз давридаги энг катта давлат саройи амиридан энг катта чўлларнинг чўпонига айландилар. Энг забардаст подшоҳнинг кўз қувончи, боқиб олган ўғлидан, энг заиф, ўрнидан қимирлаши қийин мўйсафиднинг мардикорига айландилар.

Аммо буюк кишиларни бу мансаб ва меҳнатлар баландга ҳам кўтара олмайди, пастга ҳам тушира олмайди. Бундай ҳолатлар уларнинг кимлигини синайди, улардаги мардлик, мурувват, сабр-матонат ва бошқа етуклик сифатларини яна бир бор намойиш қилади. Ҳеч шубҳа йўқки, Мусо алайҳиссаломнинг ҳаётларидаги бу муҳожирлик, ғариблик, ёлланма ишчилик босқичи ўзига хос тааммул, тафаккур даври, ўтган ҳодисаларни қайта баҳолаб чиқиш, кейинги давр ҳаётлари учун режа тузиш ва келажақда елкага тушажак оғирликларни кўтаришга тайёргарлик босқичи бўлган эди.

﴿فَلَمَّا قَضَىٰ مُوسَى الْأَجَلَ وَسَارَ بِأَهْلِهِ ۚ آنَسَ مِنْ جَانِبِ الطُّورِ نَارًا قَالَ لِأَهْلِهِ
امْكُثُوا إِنِّي آنَسْتُ نَارًا لَعَلِّي آتِيكُم مِّنْهَا بِخَبَرٍ أَوْ جَذْوَةٍ مِّنَ النَّارِ لَعَلَّكُمْ
تَصْطَلُونَ﴾ ﴿٢٩﴾

29. Мусо муддатни тугатиб, аҳли билан йўлга тушиб кетаётиб, Тур томонда узоқдан оловни кўриб қолди. У аҳлига: «Туриб туринглар, аниқки, мен узоқдан оловни кўрдим. Балки, у ердан

сизга бирор хабар ёки исинишингиз учун бир тутам чўғ олиб келарман», деди.

Мусо алайҳиссалом қайнатаси билан келишган муддатни ўтаб, аҳли аёлларини олиб Мисрга қайтиш учун йўлга чиқдилар. Йўлда, Сийно ярим оролидаги Тур тоғига яқинлашганда, тоғ томонда узоқдан бир олов ёниб турганини кўрдилар.

Шунда аҳли аёлларига, сизлар шу ерда:

«Туриб турунглр, аниқки, мен узоқдан оловни кўрдим. Балки, у ердан сизга бирор хабар ёки исинишингиз учун бир тутам чўғ олиб келарман», деди».

Ва ўша олов кўринган томонга кетдилар.

فَلَمَّا أَتَاهَا نُودِيَ مِنْ شَاطِئِ الْوَادِ الْأَيْمَنِ فِي الْبُقْعَةِ الْمُبْرَكَةِ مِنَ الشَّجَرَةِ أَنْ
يَمُوسَىٰ إِنَّ فِي أَنَا اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴿٢٠﴾ وَأَنْ أَلْقِ عَصَاكَ فَلَمَّا رَآهَا تَهْتَزُّ كَأَنَّهَا جَانٌّ
وَلَّىٰ مُدْبِرًا وَلَم يُعَقِّبْ يَمُوسَىٰ أَقْبَلَ وَلَا تَخَفْ إِنَّكَ مِنَ الْأَمِينِ ﴿٢١﴾

30. Бас, қачонки унинг олдига етиб келганида, водийнинг ўнг томонидан, муборак жойдан, дарахтдан унга: «Эй Мусо, албатта, Мен, Ўзим оламларнинг Робби Аллоҳдирман.

31. Ва асоингни ташла», деб нидо қилинди. Қачонки унинг катта илон каби қимирлаётганини кўргач, қарамасдан ортга қочди. «Эй Мусо, бери кел, қўрқма, албатта, сен омонликдагилардансан.

Мусо алайҳиссалом оловнинг ёнига етиб борсалар, кутилмаганда,

«водийнинг ўнг томонидан, муборак жойдан, дарахтдан» у кишига нидо келди. Нидо жуда ажойиб эди.

«Эй Мусо, албатта, Мен, Ўзим оламларнинг Робби Аллоҳдирман», деб нидо қилинди.

Бу ҳол, ҳақиқатан ажойиб эди. Бепоён саҳродаги тоғнинг ўнг томонида, муборак бир жойда Аллоҳ таоло фариштани ҳам ўртага қўймай, Мусо алайҳиссаломга бевосита Ўзи нидо қилмоқда. Бу жой ҳақиқатан ҳам муборак бир жой эди. Бу пайт, шубҳасиз, муборак бир пайт эди. Бу нидо, ҳақиқатан ҳам муборак бир нидо эди.

Мусо алайҳиссалом кутилмаган нидони дарҳол ўзларига сингдириб олишлари қийин эди. Яна нидо давом этиб, энди:

«Асоингни ташла», деб хитоб қилинди.

Мусо алайҳиссаломнинг қўлларида асолари бор эди. Бу буйруқни эшитгач, асони ерга ташладилар.

«Қачонки унинг катта илон каби қимирлаётганини кўргач, қарамасдан ортга қочди.»

Буниси яна ҳам кутилмаган ҳол. Қўлларидаги қаттиқ таёқдан ясалган, узоқ муддатдан буён ўзлари кўтариб юрган асо бирдан катта илон бўлиб ҳаракатга келди. Шиддат билан жавлон уриб, атрофда юра бошлади. Илонни, айниқса, катта илонни кўришга тайёр турган одам ҳам уни кўрганда сесканади, ўзини олиб қочади. Энди кутилмаганда, қўлидаги таниш асоси бирдан катта илонга айланиб жавлон ура бошлаган пайтда Мусо алайҳиссалом қандай ҳолга тушганларини тасаввур қилиш қийин эмас. У киши:

«қарамасдан ортга қочди».

У киши асодан пайдо бўлган илоннинг олдига бориб, унга қараб моҳиятини аниқлашга уринмадилар, балки сесканиб ортга қочдилар. Шунда нидо яна давом этди:

«Эй Мусо, бери кел, қўрқма, албатта, сен омонликдагилардансан».

Қочма, бери кел, бу илондан қўрқма, у сенга ёмонлик етказмайди. Албатта, сен турли хавф-хатардан омонда бўлган одамлардансан, дейилди.

Сўнгра яна нидо давом этди:

أَسَلِكُ يَدَكَ فِي جَيْبِكَ تَخْرُجُ بَيْضَاءَ مِنْ غَيْرِ سَوْءٍ وَأَضْمَمَ إِلَيْكَ جَنَاحَكَ مِنَ الرَّهْبِ
فَذَلِكَ بُرْهَانٌ مِنْ رَبِّكَ إِلَى فِرْعَوْنَ وَمَلَئِهِ إِنَّهُمْ كَانُوا قَوْمًا فَاسِقِينَ ﴿٣٢﴾

32. Қўлингни ёқангдан (қўлтиғингга) суқ, бирон нуқсонсиз оппоқ бўлиб чиқур ва қўрқувдан қанот(қўл)ингни ўзингга тортиб ол. Бас, шу иккиси Роббингдан Фиръавн ва унинг одамларига икки ҳужжатдир. Албатта, улар фосиқ қавм бўлдилар», (дейилди).

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга асони илонга айлантириб кўрса-тиб, бу тажрибадан ҳосил бўлган қўрқувни муолажа қилганидан сўнг яна бошқа тажрибага ўтди.

«Қўлингни ёқангдан (қўлтиғингга) суқ, бирон нуқсонсиз оппоқ бўлиб чиқур», деди.

Аллоҳ таоло учун имконсиз ишнинг ўзи йўқ. Асони ташла, деган эди-ю, нима бўлишини айтмаган эди. Энди эса, қўлингни қўлтиғингга суқ, дейиш билан бирга нима бўлишини ҳам айтмоқда. Айни чоқда, аввалги ҳолатга ўхшаб қўрқув пайдо бўлса, чорасини ҳам ўргатиб:

«ва қўрқувдан қанот(қўл)ингни ўзинга тортиб ол», демоқда.

Бу жумлада инсоннинг қўллари қушнинг қанотига ўхшатишмоқда. Қуш бирор нарсадан қўрқса, қанотини танасига қаттиқ сиқиб олиб ўзини босади. Шунингдек, инсон ҳам қўрққан пайтида қўлини кўксига босса, қўрқув кетади. Кўкракка босилган қўл, тирлаб ураётган юракни тинчитади. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ана шунини айтмоқда ва нидосининг давомида:

«Бас, шу иккиси Роббингдан Фиръавн ва унинг одамларига икки ҳужжатдир», демоқда.

Яъни, асо ва қўл иккиси сенинг Роббинг Аллоҳ таолодан Фиръавн ва унинг одамларига сенинг ҳақ Пайғамбар эканингни тасдиқловчи икки мўъжиза-ҳужжатдир.

«Албатта, улар фосиқ қавм бўлдилар.»

Улар ер юзида кўплаб бузғунчиликлар қилдилар. Энди уларни Пайғамбар юбориб огоҳлантириш вақти келди. Демак, Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссаломнинг оналарига берган иккинчи, яъни: «ва Биз уни Пайғамбарлардан қилурмиз», деган ваъдаси амалга ошди.

Мусо алайҳиссалом елкаларига оғир масъулият юклатилаётганини ҳис этдилар. Шу билан бирга, ўтган ҳодисаларни ва келажақда бўладиган эҳтимолларни ҳам ҳисоб-китоб қилдилар. Бу ҳақдаги мулоҳазаларини Роббул олабийнга тўкиб солдилар.

قَالَ رَبِّ إِنِّي قَتَلْتُ مِنْهُمْ نَفْسًا فَأَخَافُ أَنْ يَقْتُلُونِ ﴿٢٢﴾ وَأَخِي هَارُونُ هُوَ أَفْصَحُ مِنِّي لِسًا إِنَّا فَارِسْنَا مَعِيَ رِدْءًا يُصَدِّقُنِي إِنِّي أَخَافُ أَنْ يُكَذِّبُونِ ﴿٢٣﴾

33. У: «Эй Роббим, мен улардан бир жонни ўлдирганман, улар мени ўлдиришларидан қўрқаман.

34. Биродарим Ҳорун мендан кўра тили бурророқ, уни ҳам мен билан юбор, мени тасдиқлайдир. Зеро, улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман», деди.

Мусо алайҳиссаломнинг ушбу мулоҳазалари ўз шахси ҳақида ўйлаш, ўзини эҳтиёт қилиш, ўлимдан ёки ёлғончи бўлишдан хавфсираш эмас эди. Бундай бўлганида Аллоҳ у кишини пайғамбарликка танламаган бўларди. Мусо алайҳиссаломнинг бу мулоҳазалари дину диёнат, даъватнинг тақдири ҳақида қайғуришдир. У киши бошидан кечирган шахс сифатида яхши билар эдиларки, энг аввало, даъватнинг, дину диёнатнинг ташвишини қилиш керак. Чунки, у кишига берилган даъват эндигина биринчи одимларини отмоқда. Агар у кишидан бошқа одам хабардор бўлмай туриб, Мусо алайҳиссалом

ҳалок бўлиб кетсалар, нима бўлади? Мусо алайҳиссалом даъват йўлида ўлишга тайёрлар, аммо даъват ўлмасин.

Мазкур мулоҳазаларни айтишларига сабаб ҳам шу.

«У: «Эй Роббим, мен улардан бир жонни ўлдирганман, улар мени ўлдиришларидан қўрқурман», дедилар.

Мен улардан бани исроиллик билан уришаётган қибтийни билмасдан, нохосдан ўлдириб қўйганман. Фиръавн аъёнлари мени ўлдириш учун тил бириктираётганларида қочиб кетганман. Энди яна кириб борсам, уларнинг эски адовати қўзиб мени ўлдириб қўйсалар, диний даъват иши нима бўлади, деб қўрқаман.

«Биродарим Ҳорун мендан кўра тили бурророқ, уни ҳам мен билан юбор, мени тасдиқлайдир.»

Менинг тилимда бир оз дудуқлик бор, оғам Ҳорун эса, тили бурро одам. Кофирлар билан тортишувларда иш беради. Уни ҳам мен билан бирга Пайғамбар қилиб юбор. У ҳам мен билан бирга Пайғамбар бўлиб, мени тасдиқласин.

«Зеро, улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман», деди.»
Шунда:

قَالَ سَنَشُدُّ عَضُدَكَ بِأَخِيكَ وَنَجْعَلُ لَكَ مُلْكًا مِثْلَ مَا لَكَ يَا أَيُّهَا الْمُرْتَدُّ
وَمَنْ أَتْبَعَكُمْ الْغَالِبُونَ ﴿٣٥﴾

35. У зот: «Биз сени оғанг билан қувватлаймиз ва икковингизга бир салтанат берурмизки, улар сизга етиша олмаслар. Бизнинг оятларимиз ила иккингиз ва сизга эргашганлар ғолибдирсиз», деди.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга сўраганларидан ҳам ошириб берди. Мусо алайҳиссалом оғалари Ҳорун алайҳиссаломни ҳам ёрдамчи Пайғамбар қилиб юборишини сўраган эдилар. Аллоҳ таоло:

«Биз сени оғанг билан қувватлаймиз», деди ва Ҳорунни Пайғамбар этиб, Мусо алайҳиссаломга сўраганларини ато қилди.

«Ва икковингизга бир салтанат берурмизки, улар сизга етиша олмаслар», дейиш билан эса, ортиқча куч-қувват берганини, Фиръавн ва унинг одамлари уларга бирон зиён етказа олмасликларини ҳам таъкидлади.

Сўнгра Аллоҳ охир-оқибат натижа нима бўлишини ҳам айтиб қўйди:

«Бизнинг оятларимиз ила иккингиз ва сизга эргашганлар ғолибдирсиз», деди.»

Шундай қилиб, бировнинг мардикор чўпони бўлиб юрган Мусо алайҳиссалом улул азм (улуғ) Пайғамбарга айландилар. Улкан бир халқни озод қилиш, катта бир динни татбиқ этишга киришдилар.

Демак, Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар ҳамда уларга эргашганлар голиб бўлишлари турган гап. Фалабага эришиш учун Аллоҳнинг оятлари билан ҳаракат қилинса, бас. Шундай ҳаракат бўлди ҳам.

فَلَمَّا جَاءَهُمْ مُوسَى بِآيَاتِنَا بَيِّنَاتٍ قَالُوا مَا هَذَا إِلَّا سِحْرٌ مُّفْتَرَى وَمَا سَمِعْنَا بِهَذَا فِي آبَائِنَا الْأَوَّلِينَ ﴿٣٦﴾

36. Бас, қачонки Мусо уларга очиқ-ойдин оятларимиз ила келганида, улар: «Бу уйдирма сеҳрдан бошқа нарса эмас. Аввалги ота-боболаримиздан ҳам бу ҳақда эшитмаган эдик», дедилар.

Мусо алайҳиссалом Фиръавн ва унинг қавмига келиб, Аллоҳнинг оят-мўъжизаларини кўрсатганларида, улар иймон келтириб у кишига эргашиб ўрнига:

«Бу уйдирма сеҳрдан бошқа нарса эмас», дедилар.

Кўзларига кўриниб турган мўъжизани кўзбўямачилик, сеҳрдан ўзга нарса эмас, у уйдирмадир, дедилар. Аллоҳнинг Пайғамбарига қарши, Аллоҳнинг мўъжизаларига қарши бундай гапни айтишга бирор далил-ҳужжатлари бормиди? Албатта, йўқ эди. Агар далил ва ҳужжатлари бўлганида, айтар эдилар. Шунинг учун ҳам, улар:

«Аввалги ота-боболаримиздан ҳам бу ҳақда эшитмаган эдик», дедилар.

Ота-боболаридан эшитмаганлари учун Аллоҳнинг Пайғамбарини ёлғончи қилиб, мўъжизасани сеҳр дейишлари тўғрими?! Уларнинг ота-боболари ким эди ўзи? Дунёнинг охиригача бўладиган нарсаларни кўрсатиб кетишганми?!

Уларнинг бу туҳматларига Мусо алайҳиссалом етарли жавоб бердилар.

وَقَالَ مُوسَى رَبِّي أَعْلَمُ بِمَنْ جَاءَ بِالْهُدَىٰ مِنْ عِنْدِهِ ۖ وَمَنْ تَكُونُ لَهُ عَاقِبَةُ الدَّارِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الظَّالِمُونَ ﴿٣٧﴾

37. Ва Мусо: «Роббим Ўз ҳузуридан ким ҳидоят келтирганини ҳам, охират диёри оқибати кимга бўлишини ҳам яхши билгувчи зотдир. Албатта, золимлар нажот топмаслар», деди.

Яъни, кимни ҳидоят ила Пайғамбар қилиб юбориш Аллоҳ таолонинг иши. Менинг Пайғамбарлигимни сиз тан олмасангиз ҳам, Аллоҳнинг Ўзи яхши билади. Сизнинг инкорингиз билан иш ўзгариб қолмайди.

Шунингдек, Аллоҳ таоло хайрли оқибат ва нажотни Пайғамбарлар ва уларга эргашган мўминларга беради.

«Албатта, золимлар нажот топмаслар», деди.»

Албатта, куфр келтириб, Аллоҳнинг Пайғамбарини инкор этиб, Аллоҳнинг оят-мўъжизаларини сеҳр деб зулм қилганлар нажот топмаслар, дедилар.

Шу ерга келганда гапга Фиръавн аралашади.

وَقَالَ فِرْعَوْنُ يَا أَيُّهَا الْمَلَأُ مَا عَلِمْتُ لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرِي فَأَوْقِدْ لِي يَهْمَنَ عَلَى
الطِّينِ فَاجْعَلْ لِي صَرْحًا لَعَلِّي أَطَّلِعُ إِلَى إِلَهِ مُوسَى وَإِنِّي لِأَظُنُّهُ مِنَ الْكَاذِبِينَ ﴿٦٨﴾

38. Ва Фиръавн: «Эй, аъёнлар, мен сизларга ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмасман. Бас, эй, Ҳомон, лойга ўт ёқиб, мен учун бир баланд қаср қур, шоядки (унга чиқиб) Мусонинг илоҳини кўрсам. Албатта, мен уни ёлғончилардан деб ўйламоқдаман», деди.

Мусо алайҳиссаломнинг Пайғамбар бўлиб келиб, Фиръавн шахсига сиғинаётган одамларни Аллоҳга ибодат қилишга, Унинг кўрсатмалари бўйича яшашга чақирришлари Фиръавнни ташвишга солди. У шошинч равишда ўзининг худолик даъвосини такрорлади.

«Ва Фиръавн: «Эй, аъёнлар, мен сизларга ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмасман», деди.

Яъни, дунёда сизларнинг ибодатингизга мендан бошқа сазовор зот йўқ, деди. Сўнгра ўта беодобларча, Мусо алайҳиссалом васф қилаётган Аллоҳ таолонинг йўқлигини ўзича исботламоқчи бўлиб, истехзо ва масхара йўли билан вазирага:

«Бас, эй, Ҳомон, лойга ўт ёқиб, мен учун бир баланд қаср қур, шоядки (унга чиқиб) Мусонинг илоҳини кўрсам», деб хитоб қилди.

Худолик даъвосида бўлган аҳмоқ фиръавнлар ўйламай, оғзига нима келса гапираверади. Вазирага нимани хоҳласа, буюраверади. Ҳомон лойга ўт ёқиб фишт пишириб, ўта баланд қаср қураармиш, Фиръавн унга чиқиб, осмонда Аллоҳни кўрар эмиш. Аллоҳ осмонда сенинг чиқшингга қараб турадиган зотмиди?! Сенга ўхшаган ифлос Аллоҳнинг даргоҳига бора олармиди?! Осмон сенга ўхшаш бандалар учун Аллоҳ таоло томонидан яратилган бир нарса-ку, нима учун Аллоҳни осмон билан чегаралаб қўймоқчисан?! Ушбу саволлар ҳам ўзини худо санаётган Фиръавннинг нақадар эси паст эканини тушунишга ёрдам

беради. Ўша эси паст махлуқ ўзининг аҳмоқона гапи билан Аллоҳ юборган Пайғамбар Мусо алайҳиссаломни ёлғончига чиқармоқда:

«Албатта, мен уни ёлғончилардан деб ўйламоқдаман», деди».

Қиссанинг бошқа сураларда келган машҳур парчаси бу ерда зикр қилинмайди. Чунки «Қосос» сурасининг сиёқи шуни тақозо этади. Қуръон қиссаларининг ажойиблиги ҳам шунда. Ҳатто, сиртдан айнан такрорга ўхшаб кўринган жойларда ҳам, баъзи сўз ва қарорларда ўзгаришлар бўлади. Буларнинг ҳаммаси беҳикмат эмас.

«Қосос» сурасида тушириб қолдирилган парча Мусо алайҳиссалом билан сеҳргарлар орасидаги мубораза бўлиб, ўтган суралардан унинг тафсилотларини билиб олганмиз. Бу сураи шарифада эса, кейинги оятлардан қиссанинг охирига ўтиб кетилади:

وَأَسْتَكْبِرُ هُوَ وَجُنُودُهُ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَظَنُوا أَنَّهُمْ إِلَيْنَا لَا يُرْجَعُونَ

39. У (Фиръавн) ва унинг аскарлари ер юзида ноҳақдан такаббурлик қилдилар ҳамда ўзларини Бизга қайтарилмаслар деб гумон қилдилар.

Фиръавн жуда катта мутакаббир эди. У нафақат кофир, балки худодлик даъвосини қилган, одамларга «Мен сизларга ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмасман» дейишга журъат этган нобакор эди. Унинг аскарлари эса, ўша нобакорга ва унинг ноҳақ йўлига хизмат қилдилар. Улар бўлмаса, Фиръавн ўзининг ноҳақ такаббури, зулм ва истибдодини ўтказа олмас эди. Шу билан бирга, Фиръавн ва унинг аскарлари:

«ўзларини Бизга қайтарилмаслар, деб гумон қилдилар».

Ҳамма бало шундаки, улар қиёматга, вақти-соати келиб Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб боришларига, қилмишларига жавоб беришларига ишонмас эдилар.

Лекин дунёнинг иши улар ўйлаганидек эмас, Аллоҳ хоҳлаганидек бўлади.

فَأَخَذْنَاهُ وَجُنُودَهُ فَنَبَذْنَاهُمْ فِي الْيَمِّ فَأَنْظَرُ كَيْفَ كَانَتْ عَاقِبَةُ الظَّالِمِينَ

40. Бас, Биз уни ва унинг аскарларини тутдик ва денгизга отдик. Энди золимларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар сол.

Охир-оқибат Аллоҳ таоло Фиръавнни ҳам, унинг аскарларини ҳам азоблаб, Қизил денгизга фарқ қилди. Ушбу ҳол ояти каримада

«Бас, Биз уни ва унинг аскарларини тутдик ва денгизга отдик», деб васф қилинмоқда.

Яъни, худди бир тош ёки кесакни эътиборсизлик билан сувга отишга ўхшатишмоқда.

«Энди золимларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар сол.»

Улар сувга фарқ бўлиб, хору зор ҳолида ўлдилар.

Биз уларнинг азобини шу билан тугатиб қўймадик.

وَجَعَلْنَاهُمْ آيَةً يُدْعَوْنَ إِلَى التَّكْوِينِ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا يُنصَرُونَ ﴿٤١﴾

41. Ва уларни дўзахга чақирадиган пешволар қилдик. Қиёмат куни эса, уларга ёрдам берилмас.

Улар чақирадиган жойни қаранг? Дўзахга-я! Уларнинг пешволигини қаранг? Дўзахга чақириш бўйича пешво! Фиръавн ва унинг аскарлари бошқа нимага ҳам даъват қиларди, бошқа қанақа ишга ҳам пешво бўларди?!

«Қиёмат куни эса, уларга ёрдам берилмас.»

Ахир, бу дунёдан зулмга ботиб, тақаббурлик қилиб, дўзахга даъват бўйича пешволик билан ўтган бўлсалар, уларга қандай қилиб ёрдам берилиши мумкин?

وَاتَّبَعْنَاهُمْ فِي هَذِهِ الدُّنْيَا لَعْنَةً وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ هُمْ مِنَ الْمَقْبُوحِينَ ﴿٤٢﴾

42. Ва бу дунёда уларга лаънатни эргаштириб қўйдик. Қиёмат куни эса, улар (раҳматдан) йироқ қилинганлардандирлар.

Бу дунёда ҳамма қиёматгача ортидан уларни лаънатлайди. Ким уларнинг қилмишларини эшитса, албатта лаънат ўқийди.

Охиратда эса, бу қабих кимсалар, барчанинг нафратига учраган бу малъунлар яна ҳам ночор ҳолга тушадилар. Чунки:

«Қиёмат куни эса, улар (раҳматдан) йироқ қилинганлардандирлар.»

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ مِنْ بَعْدِ مَا أَهْلَكْنَا الْقُرُونَ الْأُولَىٰ بَصَائِرَ لِلنَّاسِ وَهُدًى وَرَحْمَةً لَّعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٤٣﴾

43. Батаҳқиқ, Биз аввалги асрларни ҳалок қилганимиздан сўнг Мусога одамлар учун нур, ҳидоят ва раҳмат қилиб китобни бердик. Шоядки, улар эсласалар.

Кофирларни ҳалок қилгандан сўнг Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Тавротни берди. Одамларга Тавротни ёруғликка олиб чиқувчи нур, тўғрига йўл бошловчи ҳидоят қилиб, Ўз томонидан раҳмат этиб берди.

Хуллас, ҳар ким қилмишига яраша жазо ва мукофотини олди.

Шу билан Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари тамом бўлди.

Энди шу қисса хулосаси бўйича Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб бошланади:

Эй Муҳаммад!

وَمَا كُنْتَ بِجَانِبِ الْغَرْبِيِّ إِذْ قَضَيْنَا إِلَىٰ مُوسَى الْأَمْرَ وَمَا كُنْتَ مِنَ الشَّاهِدِينَ ﴿٤٤﴾

44. Биз Мусога ишни ҳукм қилган пайтимизда сен ғарбий томонда эмас эдинг ва гувоҳлардан ҳам бўлмагансан.

Яъни, Биз Мусога Пайғамбарликни, Таврот ва унинг ҳукмини берган пайтимизда Тур тоғининг ғарбий томонида йўқ эдинг. Бу ишга гувоҳлардан ҳам бўлмагансан.

Қуръон нозил бўлгунича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақда ҳеч нарса билмаганларидан бир овиз сўз гапирмаган эдилар. Акс ҳолда, душманлар дарҳол юзларига солар эди. Шундай бўлишига қарамай, Қуръонда Мусо алайҳиссаломнинг қиссаси батафсил келиши, ҳатто, яҳудий ва насороларнинг бу борадаги хатоларини тўғрилаши, Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоб эканига ёрқин далилдир.

وَلَكِنَّا أَنشَأْنَا قُرُونًا فَتَطَاوَلَ عَلَيْهِمُ الْعُمُرُ وَمَا كُنْتَ ثَاوِيًّا فِي أَهْلِ مَدْيَنَ تَتْلُو عَلَيْهِمْ آيَاتِنَا وَلَكِنَّا كُنَّا مُرْسِلِينَ ﴿٤٥﴾

45. Лекин Биз бир неча асрларни пайдо қилдик, бас, уларнинг умри чўзилди. Сен Мадянда туриб, уларга оятларимизни тиловат қилиб берганинг йўқ. Аммо Биз Пайғамбар юборгувчи бўлдик.

Мусо алайҳиссаломнинг даврларидан кейин бир неча асрлар, қанчадан-қанча авлодлар ўтиб кетди. Бу орада Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари унутилди ёки бузилди.

«Сен Мадянда туриб, уларга оятларимизни тиловат қилиб берганинг йўқ.»

Аммо ҳозир Маккада туриб, Мадян хабарларини қавмингга тиловат қилиб бермоқдасан. Бироқ қавминг бунга ишонмаяпти. Мад-

ян қаёқдаю Макка қаёқда. Сен тиловат қилаётган Мадяндаги ҳодисалар қачон ўтгану ҳозир қайси замон. У ердаги ва у вақтдаги ишлар унутилиб кетган, ҳеч ким билмайди.

«Аммо Биз Пайғамбар юборувчи бўлдик.»

Ана ўша юборган Пайғамбаримиз сенсан. Сенга мазкур хабарларни Қуръон оятлари орқали туширдик. Фақат сен, Пайғамбар бўлганинг учун, бу ишлардан энг тўғри хабарларни одамларга етказмоқдасан. Шунинг ўзи ҳам сенинг ҳақ Пайғамбар эканингга далилдир.

وَمَا كُنْتَ بِجَانِبِ الطُّورِ إِذْ نَادَيْنَا وَلَٰكِن رَّحْمَةً مِّن رَّبِّكَ لِتُنذِرَ قَوْمًا مَّا أَتَتْهُمْ
مِّن نَّذِيرٍ مِّن قَبْلِكَ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٤٦﴾

46. Биз нидо қилган чоғимизда Турнинг ёнида йўқ эдинг. Лекин Роббингдан раҳмат сифатида сендан олдин огоҳлантирувчи келмаган қавмни огоҳлантириш учун (қиссаларни сенга билдирдик). Шоядки, эсласалар.

Яъни, биз Мусога Тур тоғининг ёнида нидо қилганимизда сен у ерда йўқ эдинг. Аммо Биз у ерда бўлиб ўтган қиссани сенга билдирдик. Бу иш сендан олдин огоҳлантирувчи – Пайғамбар келмаган қавмни огоҳлантиришинг учун Роббингнинг сенга берган раҳматидир.

«Шоядки, эсласалар.»

Шоядки, ушбу қиссалар таъсирида улар эслашлари лозим бўлган нарсаларни эсга олсалар.

وَلَوْلَا أَن تُصِيبَهُمْ مُّصِيبَةٌ بِمَا قَدَّمْت أَيْدِيهِمْ فَيَقُولُوا رَبَّنَا لَوْلَا أَرْسَلْتَ إِلَيْنَا
رَسُولًا فَتَتَّبِعَ آيَاتِنَا وَنَكُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٧﴾

47. Агар уларга қилмишлари туфайли мусийбат етганида: «Эй Роббимиз, бизга Пайғамбар юборганингда эди, оятларингга эргашар эдик ва мўминлардан бўлар эдик», демасалар эди.

Ҳа, Аллоҳ таоло Пайғамбар юбориши инсоният учун улкан раҳматдир. Бу раҳмат бўлмаганида инсоният катта муаммо қаршисида қолган бўлур эди. Шу билан бирга, агар уларга Пайғамбар келмаса, бошларига мусийбат тушган чоғида норози бўлиб:

«Эй Роббимиз, бизга Пайғамбар юборганингда эди, оятларингга эргашар эдик ва мўминлардан бўлар эдик», дейишлари турган гап эди.

Аммо Пайғамбар ҳужжат ва далиллар билан келганида, унга ишонмадилар, уни ёлғончига чиқаришди.

فَلَمَّا جَاءَهُمُ الْحَقُّ مِنْ عِنْدِنَا قَالُوا لَوْلَا أَوْتِيَتْهُمُ آيَةٌ كَمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ أَوْ لَمَّا يَكْفُرُوا
بِمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ مِنْ قَبْلُ قَالُوا سِحْرَانِ تَظَاهَرَا وَقَالُوا إِنَّا بِكُمْ لَكَافِرُونَ ﴿٤٨﴾

48. Қачонки уларга бизнинг ҳузуримиздан ҳақ келганида, улар: «Унга ҳам Мусога берилган нарса берилса эди», дедилар. Улар илгари Мусога берилган нарсага куфр келтирмаган эдиларми?! Улар: «Икки сеҳр ўртага чиқди, бир-бирига ёрдам бермоқда, биз ҳар бирига куфр келтиргувчимиз», дедилар.

Яъни, кишиларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ Пайғамбар – Муҳаммад алайҳиссалом юборилганида, унга иймон келтирмадилар, балки турли-туман баҳоналар тўқий бошладилар. Жумладан, улар:

«Унга ҳам Мусога берилган нарса берилса эди», дедилар.

Яъни, Муҳаммадга ҳам Мусога берилган мўъжизалар берилса эди, дедилар. Улар бу гаплари билан, агар Муҳаммадга ҳам Мусога берилган мўъжизалар берилганида, биз унга иймон келтирар эдик, демоқчи бўладилар. Лекин уларнинг бу гаплари ўринлими? Улар Мусонинг Пайғамбарлигига ва унга берилган мўъжизага ишонганмидилар? Йўқ, ишонмаган эдилар. Қуръони Карим бу ҳақиқатни ҳам алоҳида таъкидлайди.

«Улар илгари Мусога берилган нарсага куфр келтирмаган эдиларми?!»

Ҳа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан илгари улар Мусо алайҳиссаломга тушган нарсага ҳам куфр келтирган эдилар. Энди бўлса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирмасликларига Мусо алайҳиссаломга берилган нарсага ўхшаш нарса у кишига берилмаганини сабаб қилиб кўрсатиб турибдилар.

«Улар: «Икки сеҳр ўртага чиқди, бир-бирига ёрдам бермоқда, биз ҳар бирига куфр келтиргувчимиз», дедилар.»

Улар «икки сеҳр» деб Таврот билан Қуръонни назарда тутишяпти. Яъни, Таврот ҳам, Қуръон ҳам сеҳрдир, улар бирга ўртага чиқиб, бир-бирига ёрдам бермоқда, биз ҳар иккисига ҳам куфр келтирувчилармиз, дейишяпти.

Демак, улар умуман ҳақ йўлга юриш ниятида эмаслар. Шу ҳақиқатни кофирларнинг юзига солиш учун Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қўйидагиларни айтишни амр қилди:

Эй Пайғамбарим!

قُلْ فَأَتُوا بِكِتَابٍ مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ هُوَ أَهْدَىٰ مِنْهُمَا أَتَّبِعُهُ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٤٩﴾

49. Сен: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Аллоҳнинг ҳузуридаги у иккисидан кўра тўғрироқ бир китоб келтиринг, мен унга эргашаман», дегин.

Сизларга Таврот ҳам, Қуръон ҳам ёқмаса, улардан кўра яхшироқ китобингиз бўлса, олиб келинг, бошқалар ҳам эргашсин ва мен ҳам ўша китобга эргашай.

Одатда, бирор нарсани танқид қилган, ёқтирмаган, камчилигини айтган одам, унинг ўрнига ўшанга нисбатан яхшироқ бошқа нарсани келтиради. Қани, Таврот ҳам, Қуръон ҳам сеҳрдир, деган ўша кофирларнинг ўзлари бу икки илоҳий китобдан кўра тўғрироқ, ҳидоятлироқ китоб олиб келсинлар-чи? Улар бу таклифга жавоб бера олармиди?

فَإِن لَّمْ يَسْتَجِيبُوا لَكَ فَاعْلَمْ أَنَّمَا يَتَّبِعُونَ أَهْوَاءَهُمْ وَمِنْ أَضَلِّ مِمَّنِ اتَّبَعَ هَوَاهُ بِغَيْرِ هُدًى مِّنَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٥٠﴾

50. Агар сенга жавоб бера олмасалар, бас, билгинки, улар фақат ҳавойи нафсларига эргашмоқдалар, холос. Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавойи нафсига эргашгандан кўра ҳам гумроҳроқ кимса борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.

Аллоҳнинг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юқоридаги таклифларига кофирлар жавоб бера оладиларми? Улар Таврот ва Қуръондан кўра тўғрироқ китоб олиб кела билдиларми? Агар шу иш қўлларидан келса, бошқалар ҳам унга иймон келтириши керак бўлади. Лекин ҳозирча олиб кела олганлари йўқ. Унда нима қилиш керак? Кофирларнинг Қуръони Каримга, Ислом динига бўлаётган муносабатларини қандай баҳолаш лозим? Ана шу саволларнинг жавоби ушбу оятда келмоқда:

«Агар сенга жавоб бера олмасалар, бас, билгинки, улар фақат ҳавойи нафсларига эргашмоқдалар, холос».


Улар ҳавойи нафсларига эргашмаганларида, бундай қилмасдилар: ё ўзлари энг тўғри китобни олиб келишлари, ёки Қуръонга эргашилари керак эди. Улар Қуръонга эргашмадилар. Шунингдек, бошқа яхшироқ китоб ҳам олиб кела билмадилар. Демак, улар ҳавойи нафслари ихтиёридаги кимсалардир. Ҳавойи нафсига эргашганлар ким ўзи?

«Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавойи нафсига эргашгандан кўра ҳам гумроҳроқ кимса борми?!»

Албатта, йўқ. Қуръонга эргашмаган ҳар бир кимса ҳавойи нафси йўлида юрган бўлади. Ҳавойи нафси ихтиёридаги ҳар бир кимса дунёдаги энг гумроҳ кимсадир. Агар бунга эътироз бўлса, Қуръондан кўра тўғрироқ китобни келтирсин!

«Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.»


Қуръон хабари ва унинг таълимотларини била туриб унга эргашмаган одамлар энг катта золимлардир. Бундай золимларни эса, Аллоҳ таоло ҳидоят қилмайди.



51. Батаҳқиқ, Биз уларга гапни етказиб қўйдик. Шоядки, эсласалар.

Ҳақ гап — Қуръон уларга етгани аниқ. Энди эслашлари, ибрат олишлари қолди, холос.

Келаси оятларда Қуръонга иймон келтирган кишилар бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилади:



52. У(Қуръон)дан олдин китоб берилганлар унга иймон келтирурлар.

Яъни, Қуръон келишидан олдин илоҳий китоб — Таврот ва Инжил берилган кишилар Қуръонга ҳам иймон келтирадилар.

Бу ояти карима тушган пайтда яҳудийлардан ҳам, масийҳийлардан ҳам иймон келтириб, мўмин-мусулмон бўлган кишилар бор эди. Оятда ана шунга ишора қилинмоқда. Улар Таврот ва Инжилни яхши тушунган, инсоф билан иш тутган кишилар бўлиб, ўз муқаддас китобларидаги башоратларни мулоҳаза қилганларидан сўнг Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоб эканини тан олиб, иймонга келган эдилар. Агар бу иш воқелиқда бўлмаганида, кофирлар ушбу оятга дарҳол эътироз билдирган бўлардилар.

Муҳаммад ибн Исҳоқнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратлари ҳақидаги китобида қуйидагилар келтирилади:

«Сўнгра Маккада турганларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига йигирматача насоролар келишди. У кишининг хабарларини Ҳабашистондан эшитишган эди. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни масжидда топишди. У киши

билан ўтириб гаплашишди. Савол беришди. Қурайш одамлари эса, Каъба атрофида ўз суҳбатхоналарида эдилар. Ул насоролар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан хоҳлаган нарсаларини сўраб бўлганларидан кейин, у зот уларни Аллоҳга даъват қилдилар, уларга Қуръон тиловат қилиб бердилар. Улар Қуръон тинглаганларида кўзларидан дув-дув ёш тўқдилар. Сўнгра Аллоҳнинг даъватига истижобат этиб, унга иймон келтириб, тасдиқ қилдилар. Улар Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васалламда ўз китобларида васф қилинган сифатларни кўрдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидан қайтиб кетаётганларида бир гуруҳ қурайшликлар билан Абу Жаҳл ибн Ҳишом уларнинг йўларини тўсиб чиқиб:

«Аллоҳ додингларни берсин! Ўз динингиз аҳли сизни бу томон юборса, энди уларга бу одамнинг хабарини олиб борасизларми?! Унинг олдида озгина ўтириб динингизни тарк этиб, уни тасдиқладингизми?! Сиздан кўра аҳмоқроқ гуруҳ кўрмаган эдик!» дедилар. Шунда улар қурайшликларга:

«Сизга саломлар бўлсин. Биз сизларга ўхшаб жоҳиллик қилмаймиз. Бизга ўзимиз, сизга ўзингиз ихтиёр қилган нарса бўлсин. Биз ўзимизга яхшилик топа олмай қилганимиз йўқ», дедилар».

Илгари китоб берилганларнинг бу шаклда иймон келтирганлари Қуръоннинг ҳақ китоб эканига яна бир далилдир. Улар, Қуръон ўқилса, ўзларини мушрикларга ўхшаб тутмайдилар, балки тамоман бошқача тутадилар.

وَإِذَا يُنذَرْنَ عَلَيْهِمْ فَأَلْوَاءَ أَمَنَابِهِ ۚ إِنَّهُ الْحَقُّ مِن رَّبِّنَا ۗ إِنَّا كُنَّا مِن قَبْلِهِ مُسْلِمِينَ ﴿٥٣﴾

53. Уларга тиловат қилинган чоқда: «Биз унга иймон келтирдик. Албатта, у Роббимиздан келган ҳақдир. Албатта, биз бундан олдин ҳам мусулмон эдик», дедилар.

Яъни, аҳли китоб бўлган яҳудий ва насороларга Қуръон тиловат қилинганда уларнинг инсофиллари дарҳол иймон келтириб, Қуръонни тасдиқлаганлар:

«Биз унга иймон келтирдик».

Яъни, биз Қуръонга иймон келтирдик.

«Албатта, у Роббимиздан келган ҳақдир.»

Яъни, Қуръонни Аллоҳ таоло ҳақ китоб қилиб юборганига ҳеч шак-шубҳа йўқдир.

«Албатта, биз бундан олдин ҳам мусулмон эдик», дедилар.»

Яъни, Қуръон келишидан олдин ҳам мусулмон эдик. Чунки, Аллоҳдан келган ҳар бир динга ишонган кимса мусулмон ҳисобланади. Ушбу аҳли китоблар ҳам Аллоҳни бир деб билганлар. Унинг китоблари ва

Пайғамбарларига ишонганлар ҳамда китобларида васфи келган охир-замон Пайғамбари – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келишларини орзиқиб кутганлар. Энди у зотга иймон келтирдилар.

أُولَئِكَ يُؤْتُونَ أَجْرَهُمْ مَرَّتَيْنِ بِمَا صَبَرُوا وَيَدْرُءُونَ بِالْحَسَنَةِ السَّيِّئَةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ



54. Ана ўшаларга сабр қилганлари учун ажрлари икки марта берилган. Улар яхшилик ила ёмонликни даф қилурлар ва уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан нафақа қилурлар.

Аҳли китоблардан кимки иймон келтириб, мусулмон бўлса, икки ҳисса ажр олади. Аллоҳнинг аввалги китоби ва аввалги Пайғамбарига иймон келтиргани учун бир ажр ва сўнгги китоби Қуръонга ва сўнгги Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтиргани учун яна бир ажр.

Имом Бухорий Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтганлар: «Уч тоифа одамларга ажрлари икки марта берилади. Аҳли китобдан бўлган одам ўз Пайғамбарига иймон келтирса, сўнгра менга иймон келтирса; бир қул Аллоҳнинг ҳаққини ҳам, хожасининг ҳаққини ҳам адо қилса; бир кишининг чўриси бўлсаю уни яхшилаб тарбия қилиб, сўнгра озод қилиб унга уйланса».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Қосим ибн Абу Амома: «Фатҳ куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минган улов ёнида боратуриб, ғоят гўзал, ширин гапларини эшитдим. Гаплари орасида: «Икки китоб аҳлидан ким мусулмон бўлса, унга икки марта ажр берилур. Бизга бўлган имтиёзлар унга-да бўлур. Бизга юклатилган масъулиятлар унга ҳам юклатилур», дедилар», деб айтганлар.

Ҳа, ояти карима уларга ажр икки ҳисса берилиши сабабини ҳам айтиб ўтмоқда:

«Ана ўшаларга сабр қилганлари учун ажрлари икки марта берилган».

Улар Исломни сабр билан кутдилар. Бошқаларга ўхшаб адашиб кетганлари йўқ. Аввал ўз динларида тўғри юришга интилдилар. Кейин эса, Исломга ўтиш машаққатларига сабр қилдилар. Шунинг учун ҳам, уларга ажрлари икки марта берилади.

«Улар яхшилик ила ёмонликни даф қилурлар...»

Бу ҳам сабрдир. Ўзларининг собиқ диндошлари, кофирлар уларга ёмонликлар қиладилар, уларни масхара этадилар. Аммо бу аброр кишилар кофирларнинг ёмонликларини ҳам яхшилик билан қайтарадилар.

«...ва уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан нафақа қилурлар.»

Уларнинг бошқа сифатлари қуйидаги оятда васф этилади:

وَإِذَا سَمِعُوا اللَّغْوَ أَعْرَضُوا عَنْهُ وَقَالُوا لَنَا أَعْمَلُنَا وَلَكُمْ أَعْمَلُكُمْ سَلِّمٌ عَلَيْكُمْ لَا نَبْغِي
الْجَاهِلِينَ

55. Қачонки беҳуда нарса эшитсалар, ундан юз ўгириб: «Бизга ўз амалларимиз, сизга ўз амалларингиз, омон бўлинглар, биз жоҳилларни истамасмиз», дедилар.

Беҳуда, ноўрин гап-сўз нафақат вақтни, балки ақл-заковатни, соф инсоний ҳис-туйғуни ҳам зое қилади. Шунинг учун ҳам, мусулмонлар фойдасиз ишлар билан машғул бўлмайдилар. Ундан юз ўгириб кетадилар. Беҳуда нарсалар билан машғул бўлиб, мартабаларини пастлатмайдилар. Мабодо, бошқалар уларга беҳуда сўз айтиб, йўлларидан тўсиб чиқсалар, уларга тенг бўлиб ўтирмайдилар, улардан ўзларини олиб қочадилар ва одоб билан:

«Бизга ўз амалларимиз, сизга ўз амалларингиз», дейдилар.

Одоб билан айтилган бу гап остида улкан ҳақиқат ётади. Биз мусулмонлармиз, бизнинг беҳуда гап-сўзларга вақтимиз ҳам, хоҳишимиз ҳам йўқ. Биз бутун дунёнинг саодати учун улкан ишларни амалга оширишимиз лозим. Ўша ишларимиз биз учун етарли. Сиз кимлигимизни ўзингиз яхши биласиз. Беҳуда гап-сўз, бекорчи ишлар қилмоқчи бўлсангиз, бизни тинч қўйинг-да, ўзингиз бемалол қилаверинг.

«Омон бўлинглар, биз жоҳилларни истамасмиз», дедилар.»

Биз жоҳилларга қўшилмаймиз. Улар билан тортишиб беҳуда овора ҳам бўлмаймиз, дедилар.

Бундай олий сифатларга эга бўлган бир гуруҳ аҳли китобнинг иймонга келиши учун уриш-жанжал, талашиб-тортишиш, турли ҳужжат-далил ёки мўъжизалар кўрсатиш керак бўлмади. Улар Расули Акрам соллалоху алайҳи васалламдан Қуръон тиловати тинглашлари биланоқ кўзларидан дув-дув ёш тўкиб иймонга келдилар.

Ҳа, Аллоҳ таоло Ўзининг охириги Пайғамбари Муҳаммад соллалоху алайҳи васалламга қиёмат кунигача собит қолажак мўъжиза қилиб Қуръони Каримни берган эди. Қуръон барча мўъжизалардан устундир. Ким Қуръони Каримни тадаббур қилиб кўрса, чуқур тушунишга уринса, дарҳол иймонга келади. Шунинг учун ҳам, уни инсоф билан, тадаббур қилиб эшитган аҳли китоблар дарҳол иймонга келдилар. Ана шундай ажойиб кишиларнинг осонлик билан иймонга

келишларига қарши ўлароқ ўз қавмларининг иймондан бош тортиши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни қаттиқ ташвишга солар эди. Иймонга келишларини орзу қилган кишиларининг иймонга келмаслиги у кишига оғир ботарди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам иймонга келишини жуда-жуда истаган кишилардан бири амакилари Абу Толиб эди. Бу инсон у киши соллаллоҳу алайҳи васалламни болаликлариданоқ ҳимояларига олиб, болаларидан ҳам устун кўриб боқиб-тарбиялаб ўстирган, доимо ҳимоя қилиб келган, Пайғамбар бўлганларидан кейин мушрикларнинг тазйиқларига асосий қалқон бўлган, бу йўлда кўпгина азиятлар чеккан одам эди. Абу Толибнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган яхшиликлари тарихда маълум ва машҳурдир. Лекин, шу билан бирга, унинг Исломга кирмагани ҳам маълум ва машҳурдир.

Имом Муслим ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда қуйидагилар айтади: «Абу Толибга ўлим ҳозир бўлганида, унинг олдига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб: «Эй амаки, «Лаа илааҳа Иллаллоҳу»ни айтгин, у билан сенга қиёматда гувоҳлик берай», дедилар. У эса: «Агар қурайшликлар мени айблаб, уни ўлим қўрқинчигина бу ишга олиб келди, дейишлари бўлмаганида, сенинг хурсандчилигинг учун айтар эдим, у гапни фақат сенинг хурсандчилигинг учун айтар эдим», деди. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги ояти каримани нозил қилди.

إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَٰكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ

56. Албатта, сен ўзинг севган кишингни ҳидоят қила олмассан. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани ҳидоят қиладир. У ҳидоятга юрувчиларни яхши билгувчи Зотдир.

Демак, одамларни ҳидоят қилиш фақат Аллоҳ таолонинг измидадир. Аллоҳдан бошқа ҳеч кимнинг, ҳатто охирзамон Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам бу ишга қурблари етмайди. Агар у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор кишини ҳидоят қилиш имконига эга бўлганларида, амакилари Абу Толибни ҳидоят қилган бўлар эдилар. Аммо бунинг имкони бўлмади. Абу Толиб ҳидоятга муяссар бўлмай дунёдан ўтди. Бунга Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам қаттиқ афсус чекдилар. Аллоҳ таоло эса, бу ҳақда Пайғамбарига ушбу оятдаги баёнотни берди:

«Албатта, сен ўзинг севган кишингни ҳидоят қила олмассан».

Сенинг ишинг Аллоҳнинг даъватини бандаларга етказиш, холос. Ҳидоят қилиш сенинг ҳаққинг ҳам, вазифанг ҳам эмас. Шунинг

учун, ҳидоятга кириши орзу қилинган баъзи кишиларнинг ҳидоят топмаганларидан хафа бўлма.

«Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани ҳидоят қиладир.»

Ҳидоят қилиш фақат Аллоҳнинг иши. Чунки:

«У ҳидоятга юрувчиларни яхши билгувчи Зотдир».

Ўша илми асосида кишиларни Ўзи билиб ҳидоятга бошлайди.

Ҳидоятга юришдан бош тортишларини Аллоҳ таоло билган кишилар эса, турли баҳоналар тўқиб, ҳидоятга юрмай тураверадилар. Бунинг мисолини баъзи қурайшликлар тутган мавқифда кўрамиз:

وَقَالُوا إِن نَّبَعِ الْهُدَىٰ مَعَكَ نُنْخِطُفَ مِنْ أَرْضِنَا أَوْ لَمْ نُمَكِّنْ لَهُمْ حَرَمًا ءَامِنًا يُحِجُّ
إِلَيْهِ ثَمَرَاتُ كُلِّ شَيْءٍ رِّزْقًا مِّن لَّدُنَّا وَلَكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٥٧﴾

57. Улар: «Агар сен билан ҳидоятга эргашсак, ўз еримиздан юлиб олинамиз», дедилар. Биз уларга омонлик ҳарамини макон қилиб бермадикми?! У ерга ҳар нарсанинг мевалари Бизнинг даргоҳимиздан ризқ ўлароқ йиғилади-ку! Аммо кўплари билмаслар.

Ушбу оятда бутунлай Ислом йўлида юришдан ўзини олиб қочганларнинг баҳонаси келтирилиб, муноқаша қилинмоқда. Исломнинг дастлабки босқичида кофирлар айтган баҳонани исломий амалдан қочганлар ҳозиргача такрорлаб келадилар.

«Улар: «Агар сен билан ҳидоятга эргашсак, ўз еримиздан юлиб олинамиз», дедилар.»

Яъни, агар биз Исломга амал қиладиган бўлсак, ҳозирги имкониятларимиздан айрилиб қоламиз, одамлар бизни тинч қўймайдилар, дейдилар. Қурайшликлардан бири бу ҳақда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга: «Биз сен айтаётган нарса ҳақ эканини яхши биламиз, лекин сенинг динингга эргашсак, араблар бизни Макка еридан чиқариб юборишидан қўрқамиз», деган экан.

Оятда ўша гап умумлаштириб келтирилмоқда. Улар ҳидоят ни-мада эканини яхши биладилар. Аммо беш кунлик дунёнинг ҳойи-ҳаваси деб унга юрмайдилар. Еримдан, уй-жойимдан, мансабимдан, молу мулкимдан ва яна аллақандай бошқа матоҳларимдан айрилиб қоламан, деб қўрқадилар.

Лекин динга амал қилган қайси бир одам ёмонлик кўрибди? Қайси жамият Исломни ҳаётига тўла тадбиқ этиб мусийбат чекибди? Қайси миллат мусулмонлиги гуллаб-яшнаган пайтида хору зор бўлибди? Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ, ҳар бир юрт ўз тарихини, Ислом

тарихини яхшилаб ўрганиб чиқса, бахт-саодат фақат Ислом туфайли келганини билиб олади. Аллоҳ таоло ана шунга ишора этиб оятда:

«Биз уларга омонлик ҳарамини макон қилиб бермадикми?!» демоқда.

Аллоҳ таоло Маккаи Мукаррамани ҳарам қилиб қўйди. У ерда уруш қилиш, ҳатто, қурол кўтариб юриш мумкин эмас. Мушриклар нимадан қўрқадилар ўзи? Ҳарамнинг ҳудудида туриб: ҳидоятга эргашсак, еримиздан ҳайдалишимиздан қўрқамиз, дейдиларми? Шунингдек, Ислом ҳукми жорий бўлган ҳар бир жойда тинчлик-омонлик ҳукм сурган, одамлар узоқ жойларга сафар қилганларида ҳайвонлари ҳам омонда бўлган. Энди эса, Исломга амал қилсак, у бўлишидан қўрқамиз, унга амал этсак, бу бўлишидан қўрқамиз, дейдиларми?

«У ерга ҳар нарсаинг мевалари Бизнинг даргоҳимиздан ризқ ўлароқ йиғилади-ку!»

Ҳеч нарса унмайдиган Маккага дунёдаги ҳамма ризқ тўлиб-тошиб турадиган қилиб қўйилган-ку! Нимага энди аҳли Макка: ҳидоятга эргашсак, у бўлади, бу бўлади, деб баҳона қиладилар?

Шунингдек, Ислом шариати тўлиқ амалда бўлган мусулмонлар диёрида закот оладиган (муҳтож) одам топилмай қолиб, уламолар нима қилишни билмай бошлари қотган. Бу дегани, мусулмон юртда яшаётган кишилар ҳаммаси закот берадиган даражада бой бўлишган, деганидир. Энди нимага, Исломга амал қилинса, у бўлади, бу бўлади, деб одамлар қўрқитилади? Чунки, бу ҳақиқатларни билган билади, холос.

«Аммо кўплари билмаслар.»

Ана ўша билмаганлар ишни расво қилиб келмоқдалар. Хўш, Исломдан ҳадиксираб: унга амал этсак, хавф-хатарда қоламиз, майишати бузилади, деган одамларнинг оқибатлари нима бўлган эди?

وَكَمْ أَهْلَكْنَا مِنْ قَرِيْبٍ بَطَرْتِمْعِيشَتَهَا فَنَلَكْ مَسْكَنُهُمْ لَمْ تَسْكَنْ مِنْ بَعْدِهِمْ
إِلَّا قَلِيْلًا وَكُنَّا نَحْنُ الْوَارِثِيْنَ

58. Биз майишатлари ҳаддан ошган қанчадан-қанча юртларни ҳалок қилдик. Бас, анавилар уларнинг масканлари, улардан кейин маскан қилинмади, илло, озгинаси, холос. Ва Биз Ўзимиз ворис бўлиб қолдик.

Одамлар бу дунё майишати деб ҳидоятга эргашшидан бош тортмоқдалар. Майишатга берилганлар нима бўлди? Улар бу дунёда фа-

қат майишат деб яшадилар. Ундан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлама-дилар ҳам. Охири нима бўлди? Бир назар солайлик-чи?!

«Биз майишатлари ҳаддан ошган қанчадан-қанча юртларни ҳалок қилдик.»

Дунёдан кимлар ўтмади дейсиз. Не-не қавмлар, не-не подшоҳлар ўтди. Уларнинг ичида ҳозиргиларга ўхшаб қорнига, фаржига, ҳавойи нафсига ва майишатга банд бўлганлар кўп эди. Аммо уларнинг қанчадан-қанчасини Аллоҳ таоло динга амал қилмаганлари, майишатга берилганлари учун ҳалок қилди.

Уларнинг ҳалокати асарлари ҳали ҳам ҳар жойда сақланиб қолган.

«Бас, анавилар уларнинг масканлари, улардан кейин маскан қилинмади, илло, озгинаси, холос.»

Ана, кўринглар, уларнинг яшаб ўтган масканлари, сарой-қасрлари, уй-жойларидан нима қолди? Вайроналар, холос. Улар ҳалок бўлганидан сўнг бошқалар у жойларни маскан тутмади. Илло, бир қисмигина маскан қилинган бўлиши мумкин.

«Ва Биз Ўзимиз ворис бўлиб қолдик.»

Биздан бошқа ҳеч ким уларга ворис бўла олмади. Уларнинг дунё майишатига берилиб, диндан қочиб, унга амал қилмай тўплаган нарсалари ҳамма-ҳаммасига ҳалокатидан кейин ўзимиз ворис бўлдик.

Энди ўйлаб кўрайлик. Дунёнинг бирор бурчагида Аллоҳдан келган ҳидоятга эргашиб ҳалокатга учраган қавм ҳақида хабар, қисса ёки вайроналар изи борми? Дунёнинг бирор жойида Исломига амал қилиб ёмонликка учраган эл, элат борми? Дунёнинг бирор нуқта-сида Исломига амал қилиб, вайрон бўлган, унга ҳеч ким кирмай қўйган маскан борми? Йўқ, албатта! Хўш, нега одамлар, Исломига амал қилсак, у бўлади, бу бўлади, деб қўрқадилар, бир-бирларини қўрқитадилар?!

Баъзиларда, майишатда ҳаддан ошганларнинг ҳаммаси ҳам ҳалокатга учрайверган эмас-ку, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга қуйидаги оятда жавоб берилади:

وَمَا كَانَ رَبُّكَ مُهْلِكَ الْقُرَىٰ حَتَّىٰ يَبْعَثَ فِي أُمَمٍ سُوْلًا يَلْتَوُا عَلَيْهِمْ ءَايَاتِنَا وَمَا كُنَّا مُهْلِكِي الْقُرَىٰ إِلَّا وَأَهْلُهَا ظَالِمُونَ ﴿٥٩﴾

59. Роббинг шаҳар-қишлоқларни то улар орасига уларга оятларимизни тиловат қиладиган Пайғамбар юбормасдан туриб ҳалок қилувчи бўлмаган. Биз шаҳар-қишлоқларни фақат аҳли золим бўлган ҳолдагина ҳалок қилгувчи бўлганмиз.

Аллоҳ таолонинг одати шуки, инсонларга жон, ақл-идрок бериб қўйса ҳам, яна Пайғамбар орқали огоҳлантирмасдан туриб уларни ҳалок қилмайди. Пайғамбарни қачон ва қаерга юборишни Ўзи билади. Мана, Макка аҳлига ҳам Пайғамбар келмаган эди. Энди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни юборди. У кишини фақат Макка аҳлига эмас, балки барча макон ва замонларга огоҳлантиргувчи Пайғамбар қилиб юборди.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло аҳли золим бўлган шаҳар-қишлоқ ва юртларни ҳалок қилишини ҳам таъкидлаб айтмоқда. Зулм нақадар ёмон амал эканини шундан ҳам билиб олсак бўлади.

Одамлар бу дунё маийшатини, бу дунё матоҳини деб ҳидоятга эргашмайдилар. Ислом йўлида юриш, унга амал қилишдан бош тортадилар. Агар ҳидоятга эргашсак, еримиздан юлиниб олиншимиздан қўрқамиз, дейдилар. Лекин дунё маийшати шунга арзийдими, ўзи?!

وَمَا أُوتِيتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَمَتَّعُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَرِيثَتَهَا وَمَا عِنْدَ اللَّهِ خَيْرٌ وَأَبْقَى أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٦٠﴾

60. Ва сизга берилган нарсалар бу дунёнинг матоҳи ва зийнати, холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийдир. Ақл ишлатмайсизларми?

Сизга бу дунёда берилган моддий фаровонлик ва омонлик ҳам, руҳий хотиржамлик ва бошқа матоҳлар ҳам — ҳамма-ҳаммаси ўткинчидир. Улар бу дунёнинг ортиқча зебу зийнати дир. Сиз уларга ўч бўласиз, шулар учун Аллоҳнинг динини тарк этасиз. Ҳолбуки:

«Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийдир».

Беш кунлик дунё ҳирсига кўнги қўймай, Аллоҳнинг йўлида юрган инсонлар учун унинг ҳузурида дунё маийшатига берилган одамлар эришадиган нарсадан кўра яхшироқ ва боқий неъматлар бор. Иймонлилар икки дунёда ҳам саодатманд бўладилар.

«Ақл ишлатмайсизларми?»

Демак, иймонли ва иймонсизлар орасидаги фарқни билиш учун ақл ишлатиш керак. Ақли бор одам бу фарқни дарҳол тушунади ва Ислом йўлида юради. Ақлсизлар бу фарқни тушуна олмайди. Шунинг учун, ўзларига фойдали амални қўйиб, зарарли йўлни танлайди.

أَفَمَنْ وَعَدْنَاهُ وَعَدًّا حَسَنًا فَهُوَ لَاقِيهِ كَمَنْ مَنَعْنَاهُ مَتَاعَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا ثُمَّ هُوَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنَ الْمُحْضَرِينَ ﴿٦١﴾

61. Биз унга гўзал ваъда қилган, кейин ўшанга эришувчи киши, бу ҳаёти дунё матоҳини берганимиздан сўнгра қиёмат куни (азобга) ҳозир қилинганлардан бўлган киши каби бўлармиди?!

Бу ояти каримада мўмин билан кофир бир-бирларига солиштириб кўрсатилмоқда. Бир томонда мўмин киши.

«Биз унга гўзал ваъда қилган, кейин ўшанга эришувчи киши...»

Унга Аллоҳ таоло мўминлиги учун бу дунёда гўзал яшашни, у дунёда гўзал жаннатга эга бўлишни ваъда қилган.

Иккинчи томонда кофир киши.

«...бу ҳаёти дунё матоҳини берганимиздан сўнгра қиёмат куни (азобга) ҳозир қилинганлардан бўлган киши...»

Аллоҳ таоло унга ҳаёти дунёнинг озгина матоҳини берган. Кейин у дунёда азоблаш учун тайёрлаб қўяди. Хўш, шу икки кишини ўзаро тенг дея оламизми? Албатта, йўқ!


 وَيَوْمَ يناديهم فيقول أين شركاءي الذين كنتم تزعمون

62. У зот уларни чақирган кунида: «Сиз даъво қилган Менинг «шерик»ларим қани?!» дер.

Ана ўша мушрик азобга ҳозирланган, Аллоҳ уларни тўплаш учун чақирган куни Аллоҳ таоло мушриклардан:

«Сиз даъво қилган Менинг «шерик»ларим қани?!» деб сўрайди.

Лекин улар жавоб бера олмайдилар. Жавоб ўрнига, уларни эргаштириб юрган бошлиқларининг ўзлари юзага чиқади.

قَالَ الَّذِينَ حَقَّ عَلَيْهِمُ الْقَوْلُ رَبَّنَا هَؤُلَاءِ الَّذِينَ أَغْوَيْنَا أَغْوَيْنَاهُمْ كَمَا غَوَيْنَا تَبَرَّأْنَا إِلَيْكَ مَا كَانُوا إِيَّانَا يَعْبُدُونَ
 

63. Устиларига сўз(ланган азоб) тушиши ҳақ бўлганлар: «Эй Роббимиз, анави йўлдан оздирганларимизни ўзимиз йўлдан озганимиздек оздирганмиз. Сенга ўзимизни оқладик. Улар бизга ибодат қилган эмаслар», дерлар.

Бу дунёда одамларга раҳбар бўлиб, уларни йўлдан уриб, Аллоҳга ширк келтиришга бошлаган бошлиқлар қиёмат азоби ҳақлигини билиб, ўзларини оқлашга ўтадилар. Улар:

«Эй Роббимиз, анави йўлдан оздирганларимизни ўзимиз йўлдан озганимиздек оздирганмиз», дейдилар.

Яъни, анави бизга эргашиб, тўғри йўлдан озиб, сенга ширк келтирганларни, ўз ихтиёримиз билан васвасага учиб йўлдан озганимиздек, ўз ихтиёрларига кўра васваса қилиб йўлдан оздирдик. Биз уларни ҳеч мажбур қилганимиз йўқ. Айб уларнинг ўзида. Биз сенинг ҳузурингда ўзимизни оқлаймиз.

«Улар бизга ибодат қилган эмаслар», дерлар.»

Улар бизга эмас, турли бут-санамларга ибодат қилганлар.

Бу сўзлар айтиб бўлинганидан кейин яна олдинги гапга қайтилади:

وَقِيلَ ادْعُوا شُرَكَاءَكُمْ فَدَعَوْهُمُ فَلَمْ يَسْتَجِيبُوا لَهُمْ وَرَأَوُا الْعَذَابَ لَوْ أَنَّهُمْ كَانُوا يَهْتَدُونَ ﴿٦٤﴾

64. Ва: «Менинг «шерик»ларимни чақиринглар», дейилур. Улар чақирурлар. Бас, (сохта худолари) уларга жавоб бермаслар. Ва, азобни кўрурлар. Кошки, ҳидоят топган бўлганларида эди!

Аллоҳ таоло мушрикларга яна қайтадан:

«Менинг «шерик»ларимни чақиринглар», дейди.

Қани, у дунёда ибодат қилиб юрган «худо»ларини энди чақирсинлар, уларга ёрдам беришсин. Ҳозир ёрдам беришмаса, қачон ёрдам беришади?

«Улар чақирурлар.»

Мушриклар Аллоҳга шерик қилган сохта худоларини чақирадилар.

«Бас, (сохта худолари) уларга жавоб бермаслар.»

Қандай қилиб жавоб берсин? Бу дунёда жавоб бера олмаган сохта худолар у дунёда жавоб бера билармиди? Демак, мушрикларнинг умидлари узилди. Ана шунда улар **«азобни кўрурлар».**

Мушриклар ўзлари учун тайёрлаб қўйилган азобни кўрадилар.

«Кошки, ҳидоят топган бўлганларида эди!»

Бу ҳолатлар бошларига тушмас эди. Аммо иш ҳали тугамайди. Қиёмат куни улардан сўраладиган бошқа саволлар ҳам бор.

وَيَوْمَ يناديهم فيقول ماذا أجبتم المرسلين ﴿٦٥﴾

65. У кунда У зот уларга нидо қилиб: «Пайғамбарларга нима деб жавоб бердингиз?» дер.

Аллоҳ мушрикларга Пайғамбарлар юбориб, ширкни ташлаб тавҳидга ўтишга, сохта худоларни қўйиб, ягона Аллоҳга ибодат қилишга амр қилган эди. Пайғамбарлар бу амрни уларга етказган эди. Хўш, улар бу чақириққа нима деб жавоб бердилар?

فَعِمَّتْ عَلَيْهِمُ الْأَنْبَاءُ يَوْمَئِذٍ فَهُمْ لَا يَتَسَاءَلُونَ ﴿٦٦﴾

66. Ана ўша кунда хабарлар улардан махфий бўлур ва улар бир-бирларидан сўрай олмаслар ҳам.

Улар қиёмат кунда ҳамма нарсадан беҳабар бўладилар. Ҳеч нарса билмайдилар. Уларнинг тили жавобга айланмайди. Ҳатто, бир-бирларидан ҳам бирор гапни сўрай олмайдилар. Улар гунг-соқов бўлиб жим тураверадилар.

فَأَمَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَعَسَىٰ أَنْ يَكُونَ مِنَ الْمُفْلِحِينَ ﴿٦٧﴾

67. Аммо тавба қилган, иймон келтириб, солиҳ амалларни қилган киши, шоядки, нажот топгувчилардан бўлса.

Демак, ҳар бир инсон ўзига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватлари етиши билан дарҳол тавба қилиб, мусулмон бўлиб, солиҳ амалларни қилишга ўтиши керак. Ўзига берилган фурсатдан фойдаланиб қолиши лозим.

Одамлар ўзларича ҳар хил баҳоналар топиб, Исломдан қочаверадилар. Аслида, бу дунё ишлари уларнинг ихтиёрида эмас. Тинчлик-омонлик ҳам, фаровонлик ва тўкин-сочинлик ҳам одамларнинг хоҳиши билан бўлмайди.

وَرَبُّكَ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ وَيَخْتَارُ مَا كَانَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ سُبْحَانَ اللَّهِ وَتَعَالَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٦٨﴾

68. Ва Роббинг хоҳлаганини яратиб, хоҳлаганини ихтиёр қилур. Уларда ихтиёр ҳаққи йўқдир. Улар ширк келтираётган нарсалардан Аллоҳ пок ва юксакдир.

Бу дунёда фақат Аллоҳ таолонинг хоҳлагани бўлади. Аллоҳ хоҳлаганини яратади, истаганини ихтиёр қилади. Бандалар эса, Аллоҳнинг ихтиёр қилганини кўришади.

«Уларда ихтиёр ҳаққи йўқдир.»

Агар бандага ихтиёр берилса, бу дунёда нималар бўлмас эди, дейсиз. Шунинг учун ҳам, бу дунёда кечадиган ишлар одамлар ихтиёрига боғлиқ қилинмаган.

«Улар ширк келтираётган нарсалардан Аллоҳ пок ва юксакдир.»

Бандалар Аллоҳ таолога турли нарсаларни шерик қиладилар. Лекин Аллоҳ таолонинг ундай шериклари йўқ. Аллоҳ таоло мушриклар келтираётган шерикларнинг ҳаммасидан юксақдир.

وَرُبُّكَ يَعْلَمُ مَا تَكُنُّ صُدُورُهُمْ وَمَا يُعَلِنُونَ

69. Ва Роббинг уларнинг қалблари яшираётган нарсаларни ҳам, ошкор қилаётган нарсаларни ҳам билур.

Роббингдан ҳеч нарса махфий қолмайди. У ҳамма нарсани, ҳатто, қалбларида яширган сирларни ҳам билади. Охиратда эса, ўша билганига қараб жазо ёки мукофотларини беради.

وَهُوَ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ لَهُ الْحَمْدُ فِي الْأُولَى وَالْآخِرَةِ وَلَهُ الْحُكْمُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ

70. У Аллоҳ Ундан бошқа ибодатга сазовор илоҳ йўқ зотдир. Бу дунёда ва охиратда барча ҳамд Унгадир. Ҳукм ҳам Унинг Ўзигадир ва Унгагина қайтарилурсизлар.

Бу дунёю у дунёда ибодатга сазовор зот фақат Аллоҳнинг Ўзигидир. Шунинг учун, Аллоҳдан бошқага ибодат этган, Ундан ўзганинг йўлидан юрган одам катта хато қилади.

«Бу дунёда ва охиратда барча ҳамд Унгадир.»

Икки дунёда ҳам ҳамду сано ва мақтовга фақат Аллоҳнинг Ўзи ҳақли бўлади. Бинобарин, Ундан ўзгага ҳамду сано айтган ҳам катта хато қилади.

«Ҳукм ҳам Унинг Ўзигадир.»

Ҳар икки дунё ҳукми Аллоҳнинг измидадир. Демак, Аллоҳнинг ҳукмидан ўзга ҳукмга юрганлар катта хато қиладилар. Қиёмат куни эса:

«Унгагина қайтарилурсизлар».

Ундан бошқага қайтарилмассизлар. У ўшанда ҳаммани қилмишига яраша жазолайди. Демак, банда вақтини бой бермай, ўзини ўнглаб олиши керак.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, ғофил инсонларнинг эътиборини Аллоҳ таолонинг ҳақиқатан ҳам ибодатга, ҳамду саного сазовор ягона зот эканига, ҳукм ва қиёмат эгаси эканига далил бўлувчи нарсаларга тортишни амр этади:

Эй Муҳаммад!

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ جَعَلَ اللَّهُ عَلَيْكُمُ اللَّيْلَ سَرْمَدًا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَنْ إِلَهٌ غَيْرُ اللَّهِ يَأْتِيكُم بِضِيَاءٍ أَفَلَا تَسْمَعُونَ ﴿٧٦﴾

71. Сен уларга: «Айтинг-чи, агар Аллоҳ кечани қиёмат кунига-ча доимий қилиб қўйса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ сизга ёруғлик келтира олур? Эшитмайсизларми?!» деб айт.

Кеча маълум ва машҳур палладир. Уни Аллоҳ келтиради. Аммо кечани Аллоҳ қиёмат кунигача абадий кетмайдиган қилиб қўйса, ўрнига ёруғлик олиб келадиган бирор зот борми? Албатта, йўқ! Бўлса, ҳозир-гача чиқар эди. Демак, кечани ўз вақтида кетказиб, ўрнига нурни олиб келадиганининг ўзи учуноқ Аллоҳ таолога ҳар қанча ибодат қилинса, ҳар қанча ҳамду сано айтилса, арзийди. Эй ғофиллар! Бу гапларни:

«Эшитмайсизларми?!»

Эй Муҳаммад!

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ جَعَلَ اللَّهُ عَلَيْكُمُ النَّهَارَ سَرْمَدًا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَنْ إِلَهٌ غَيْرُ اللَّهِ يَأْتِيكُم بِلَيْلٍ تَسْكُنُونَ فِيهَا أَفَلَا تُبْصِرُونَ ﴿٧٧﴾

72. Сен уларга: «Айтинг-чи, агар Аллоҳ кундузни қиёмат кунига-ча доимий қилиб қўйса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ сизларга ором оладиганингиз кечани келтира олади?! Кўрмайсизларми?!» деб айт.

Кундуз ҳам маълум ва машҳур палла. Уни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким келтира олмайди. Аммо кундузни Аллоҳ қиёмат кунигача абадий кетмайдиган қилиб қўйса, ўрнига одамлар ором оладиган кечани келтира оладиган бирор зот борми?! Албатта, йўқ! Бўлса, ҳозир-гача чиқар эди. Демак, кундузни ўз вақтида кетказиб, ўрнига одамлар ором оладиган кечани олиб келадиганининг ўзи учуноқ Аллоҳ таолога ҳар қанча ибодат қилинса, ҳар қанча ҳамду сано айтилса, арзийди. Эй ғофиллар! Бу нарсаларни:

«Кўрмайсизларми?!»

وَمِنْ رَحْمَتِهِ جَعَلَ لَكُمُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ لِتَسْكُنُوا فِيهِ لَتُبْنِعُوا مِنْ فَضْلِهِ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٧٨﴾

73. У зот Ўз раҳмати ила сизларга кеча ва кундузни ором олишингиз ва Ўз фазлидан талаб қилишингиз учун пайдо қилди. Шоядки, шукр келтирсангиз.

Яъни, Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ила кечани одамлар ором топишлари учун, кундузни эса, Аллоҳнинг фазли талабида меҳнат, иш, ҳаракат қилишлари учун яратгандир.

«Шоядки, шукр келтирсангиз.»

Дарҳақиқат, бу икки нарса Аллоҳ томонидан одамларга берилган улуғ неъматдир. Одамлар бу неъматлар учун беадад шукрлар айтса, арзийди. Аммо кўпчилик, Аллоҳга шукр қилиш ўрнига, унга куфр-ширк келтирмоқдалар.

Аммо мушрикларни ҳисоб-китоб қилиш куни келади.


 وَيَوْمَ يُنَادِيهِمْ فَيَقُولُ أَيْنَ شُرَكَاءِ الَّذِينَ كُنتُمْ تَزْعُمُونَ

74. У кунда У зот уларга нидо қилиб: «Сизлар даъво қилган «шерик»ларим қани?» дер.

Бу ояти карима шу маънода аввалги ўтган оятларни таъкидлаш учун келмоқда. Яъни, мушриклардан қиёмат кунида Аллоҳ таоло:

«Сизлар даъво қилган «шерик»ларим қани?» деб сўраши таъкидланмоқда. Яна ўша кунда:

وَنَزَعْنَا مِنْ كُلِّ أُمَّةٍ شَهِيدًا فَقُلْنَا هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ فَعَلِمُوا أَنَّ الْحَقَّ لِلَّهِ وَضَلَّ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَفْتَرُونَ

75. Ва ҳар бир умматдан бир шоҳид чиқариб: «Ҳужжатларингизни келтиринг!» дегаймиз. Бас, улар ҳақ Аллоҳга эканини билурлар ва ўзлари уйдириб юрган нарсалари ғойиб бўлур.

Қиёмат кунида Аллоҳ таоло ҳар умматнинг Пайғамбарини гувоҳ сифатида чиқариб олиб, умматларга, Менинг «шеригим» борлиги ҳақида қилган даъволарингизга ҳужжатларингизни келтиринг, дейди. Шу вақтда одамлар:

«...ҳақ Аллоҳга эканини билурлар...»

Ҳақиқат бутунлай Аллоҳ таолога оид эканини тушуниб етадилар.

«...ва ўзлари уйдириб юрган нарсалари ғойиб бўлур.»

Яъни, ўзлари ўйлаб топган сохта худолари ғойиб бўлиб қолади. Ана ўшанда шармандалари чиқади.

Дунёдаги кўпгина бало-офатлар сабабчиси бўлган сиёсий истибдод ҳақидаги қисса ва унга тегишли оятлар тамом бўлганидан кейин, энди, тугёнга кетган иқтисодий бузғунчилик, иқтисодий ис-

тибдод ҳақидаги қисса ва унга тегишли оятлар келади. Ислом сиёсий истибдод ва зўрвонликка қарши бўлганидек, иқтисодий истибдод ва зўравонликни ҳам қоралайди.

Молу дунёни яхши ёки ёмон деб сифатлаш мумкин эмас. Аввало, уни ишлатиш йўлига қараш лозим бўлади. Бу ҳолатни қароқчининг қўлидаги қуролнинг хизмати билан аскарнинг қўлидаги қуролнинг хизматига қиёслаш мумкин: бири қароқчилик учун, иккинчиси ватан ҳимояси йўлида ишлатилади.

Кейинги оятлар мажмуаси катта миқдордаги молу дунё эгаси бўлмиш Қорун исмли шахснинг қиссаси билан бошланади:

﴿إِنَّ قَرُونَ كَانَ مِنْ قَوْمِ مُوسَىٰ فَبَغَىٰ عَلَيْهِمْ ۗ وَءَاتَيْنَاهُ مِنَ الْكُنُوزِ مَا إِنَّ مَفَاتِحَهُ لَتَنُوءُ بِالْعُصْبَةِ أُولِي الْقُوَّةِ إِذْ قَالَ لَهُ قَوْمُهُ لَا تَفْرَحْ ۗ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْفَرِحِينَ ﴿٧٦﴾﴾

76. Албатта, Қорун Мусо қавмидан бўлиб, уларга такаббурлик қилди. Биз унга калитлари бир гуруҳ қувватлиларга ҳам оғирлик қиладиган хазиналарни берган эдик. Ўшанда қавми унга: «Ҳовлиқма, албатта, Аллоҳ ҳовлиққанларни суймас.

Қуръони Карим Қоруннинг таржимаи ҳоли билан машғул бўлмайди. Унинг қачон ўтгани ҳақида ҳам хабар бермайди. Балки Қорун қиссасидан одамларга асрлар оша ибрат бўладиган жойини келтиради. Шунинг ўзи кифоя.

«Албатта, Қорун Мусо қавмидан бўлиб, уларга такаббурлик қилди.»

Демак, Қорун Мусо алайҳиссаломнинг қавмларидан, яъни, Бани Исроил қавмидан бўлиб, қавмига такаббурлик қилган. Қоруннинг такаббурлиги сабабини кейинги жумладан биламиз.

«Биз унга калитлари бир гуруҳ қувватлиларга ҳам оғирлик қиладиган хазиналарни берган эдик.»

Қорун катта бойликка учиб, қавмига такаббурлик қилди. Молу мулки шу даражада кўп эдики, хазиналарининг калитларини кўтариш бир тўда кучли одамларга ҳам оғирлик қилар эди. Ўша вақтда шунчалик молга эгалик уни ҳовлиқтириб юборади. Шу сабабли, ўз қавмига такаббурлик қилади.

«Ўшанда қавми унга: «Ҳовлиқма, албатта, Аллоҳ ҳовлиққанларни суймас», дедилар.

Молу мулкка берилиб, ҳовлиқиб кетиш яхшиликка олиб келмайди. Молу дунёга берилган киши одамларни, яхшиликни, ҳатто Аллоҳни ҳам ёдидан чиқаради. Унинг бутун вужуди, фикри-зикри

мол билан машғул бўлиб қолади. Ҳамма нарсани молу мулк билан ўлчайдиган ҳолга келади. Бундай кишиларни эса, албатта, Аллоҳ суймайди.

Қавм Қорунга насиҳат қилишда давом этди:

وَابْتَغِ فِيمَا آتَاكَ اللَّهُ الدَّارَ الْآخِرَةَ وَلَا تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا وَأَحْسِنَ
 كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ وَلَا تَبْغِ الْفُسَادَ فِي الْأَرْضِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ

77. Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузғунчиликни излама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни суймас», дедилар.

Аллоҳ таоло берган молу дунёга қандай муносабатда бўлиш кераклиги ушбу ояти каримада ўз аксини топган. Мусулмон банд қўлига молу дунё тушганда ўзини худди шу оятга мос тутмоғи лозим.

«Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин...»

Мусулмон одам, аввало, Аллоҳ берган молу дунё билан охиратни излашга интилади. Яъни, молу мулкани шариатда кўрсатилган, охиратда фойда берадиган жойларга сарфлайди. Ҳаром-хариш, гуноҳ, фисқу фужур ва беҳуда ишларга сарф этмайди. Чунки, беҳуда ишларга сарфланган молу дунё бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фойда бермайди. Аксинча, икки дунёда ҳам зиён келтиради. Лекин мусулмон одам охиратни ўйлаб, бу дунёсини тарк қилиб, унутиб ҳам юбормайди.

«...бу дунёдаги насибангни ҳам унутма.»

Бу дунёда ҳам яхши яшаб, Аллоҳ берган молу дунёдан ҳалол йўл билан, такаббурлик қилмай фойдаланади. Чунки, Аллоҳ таоло ҳалол-пок ризқларни бандалар фойда, ҳузур ва лаззат олишлари, сўнгра уларни берган Зотга шукр қилишлари учун яратган. Ана шунда тавозуъли, ширин ва бахтли-саодатли ҳолга эришилади.

«Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил.»

Ҳалол-пок молу дунё Аллоҳнинг бандасига берган ҳадяси ва яхшилигидир. Ўша илоҳий неъматдан баҳраманда бўлган ҳар бир банд бошқа одамларга ҳам яхшилик қилиши керак. Турли сабабларга кўра ноқулай иқтисодий ҳолатга тушиб қолган биродарларига ёрдам бериши, бева-бечора, фақир-мискинларнинг ҳолидан хабар олиши, мусулмонлар манфаати йўлида хайру эҳсонлар қилиши шу жумладаги ишлар қаторига киради.

«Ер юзида бузғунчиликни излама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни суймас.»

Молу дунёга қувониб, унга ишониб, бузғунчиликка — фасод ишларга берилиш ҳеч тўғри келмайди. Аллоҳ бузғунчиларни хуш кўрмайди. Шунинг учун, улар икки дунёда хору зор бўладилар.

Аммо молу дунё қўлига тушган одамларда диндорлик, тақво бўлма-са, ҳовлиқиб кетадилар, дарров бузғунчилик қилишга киришадилар. Қорун ҳам ўшандай нафси бузуқ, насихат кор қилмайдиган, молу дунё қутуртирган одамлардан эди.

У ўз қавмининг насихатларини қулоққа олмади.

قَالَ إِنَّمَا أُوتِيتُهُ عَلَىٰ عِلْمٍ عِنْدِي أَوَلَمْ يَعْلَم أَنَّ اللَّهَ قَدْ أَهْلَكَ مِن قَبْلِهِ مِنَ الْقُرُونِ مَنْ هُوَ أَشَدُّ مِنْهُ قُوَّةً وَأَكْثَرُ جَمْعًا وَلَا يُسْئَلُ عَنْ ذُنُوبِهِمُ الْمُجْرِمُونَ

78. У (Қорун): «Менга у фақат ўзимдаги илм туфайлигина берилгандир», деди. Аллоҳ ундан олдинги асрларда ундан кўра қувватлироқ, ундан кўра кўпроқ (мол) тўплаганларни(ҳам) албатта ҳалок этганини у билмасмиди?! Гуноҳкорлардан гуноҳлари ҳақида сўраб ўтирилмас.

Дунёдаги кўплаб молу дунё соҳиблари каби, Қорун ҳам бойлигига ўз назари билан қарар эди. Бу молу мулк менга илмим туфайли берилди, мен ўзимдаги қобилиятни, илмни ишга солиб мол топдим, энди қандай қилиб сарфлашни ҳам ўзим биламан, деб ўйлар эди. Мусулмон бўлмаган бойларнинг барчалари доимо худди шундай ўйладилар. Шунинг учун ҳам, улар туғенга кетадилар, бошқалар устидан такаб-бурлик қиладилар. Ер юзида бузғунчилик содир этадилар.

Ислом хусусий мулкчиликка кенг йўл очиб беради, кишилардаги мол-мулк топиш рағбатини қўллаб-қувватлайди. Аммо мол-мулк доимо ҳалол-пок йўл билан топилишини таъкидлайди ва текширади. Шунингдек, топилган мол-мулкни ҳалол-пок йўлда сарфлаш зарурлигини ҳам қаттиқ тайинлайди. Мол-мулк эгасини туғендан, такаб-бурликдан ва ер юзида бузғунчилик қилишдан қайтаради.

Қиссада тилга олинган Қорун ер юзида бузғунчилик қиладиган мулкдор бойлардан эди.

«У (Қорун): «Менга у фақат ўзимдаги илм туфайлигина берилгандир», деди.»

Яъни, менга мол-дунё фақат илмим туфайли келди. Уни мен топдим. Сизларнинг менга молни қандай сарфлашим ҳақида мас-лаҳат беришингиз нимаси? Нима қилишни ўзим биламан.

Унинг бу ғурури танқид қилиниб, унга ўзини сал босиб олиш, ўтган бойлар аҳволига бир назар солиш кераклиги эслатилди.

«Аллоҳ ундан олдинги асрларда ундан кўра қувватлироқ, ундан кўра кўпроқ (мол) тўплаганларни(ҳам) албатта ҳалок этганини у билмасмиди?!»

У, ўзича, молу дунё билан хоҳлаган ишни қиламан, деб ўйлаётган бўлса керак. Йўқ, Аллоҳнинг иродаси билан Унинг азоби келганда, давлати қанча кўп бўлмасин, ҳеч кимни молу дунёси ҳалокатдан тўсиб қола олмайди. Қорундан олдинги асрларда ўтган турли бойларни Аллоҳ таоло ҳалок қилган. Ўша бойлар Қорундан кўра кўпроқ молу мулк тўплаган эдилар. Аммо тугёнга кетиб, такаббурлик қилганлари учун ҳалокатга учрадилар. Уларни ҳалок қилган Аллоҳ Қорунни ҳам йўқотиши ҳеч гап эмас.

«Гуноҳкорлардан гуноҳлари ҳақида сўраб ўтирилмас.»

Ҳа, Қорунга ўхшаганларни сўраб-суриштириб ўтирмай, ҳалок қилиб юборилаверади.

فَخَرَجَ عَلَى قَوْمِهِ فِي زِينَتِهِ ۗ قَالَ الَّذِينَ يُرِيدُونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا يَا لَيْتَ لَنَا مِثْلَ مَا أُوتِيَ قَارُونُ إِنَّهُ لَذُو حَظٍّ عَظِيمٍ ﴿٧٩﴾

79. Бас, у (Қорун) қавми ҳузурига зебу зийнати ила чиқди. Ҳаёти дунёни хоҳлайдиганлар: «Қани энди бизга ҳам Қорунга берилган нарсадан бўлса эди. Ҳақиқатан, у улuf насиба эгасидир», дедилар.

Ўз қавмининг инсофли, билимли одамларининг насиҳатига қулоқ осмаган, мол-дунёси такаббур ва тугёнга кетказган Қорун бойлиги билан фахрланишда давом этди:

«Бас, у (Қорун) қавми ҳузурига зебу зийнати ила чиқди.»

Қорунга ўхшаган бойларнинг умумий одати шу. Такаббурликка берилиб, молу дунёси билан фахрланувчи бой доимо инсонлар орасига зебу зийнати билан чиқишга ҳаракат қилади. Улар одамлардан ўз кийимлари, маркаблари, юришлари, хизматкорларининг кўри-нишлари ва бошқа нарсалари билан ажралиб туришни истайдилар. Бундай бойлар нима қилиб бўлса ҳам, одамларни ўз зебу зийнатлари билан қойил қолдиришга ҳаракат қиладилар. Қисман мақсадларига эришадилар ҳам. Баъзи бир кишилар уларга ҳавас қилишади, кўнгилларидан ҳар хил фикрларни ўтказишади, турли гапларни айтишади. Қорун қавми ичига зебу зийнати ила чиққанида ҳам шундай бўлди.

«Ҳаёти дунёни хоҳлайдиганлар: «Қани энди бизга ҳам Қорунга берилган нарсадан бўлса эди. Ҳақиқатан, у улуғ насиба эгасидир», дедилар.»

Молу дунёсига ишониб мутакаббирлик билан ғурурга кетган, дунёда бузғунчилик қилишга уринган ношукр одамга фақат бу дунё ҳаётини ўйлайдиган кишиларгина ҳавас қилиши мумкин. Ушбу дунёнинг беш кунлик матоҳига эришишдан бошқа мақсади йўқларгина ўша тугёнкор, бузғунчи кимсага ўхшаган бўлишни орзу қилиши мумкин. Ана ўшаларгина ғурурга кетган мазкур мутакаббирни «улуғ насиба эгаси» дейиши мумкин.

Аммо ўзини таниган билим эгалари умуман бошқача фикрда бўладилар.

وَقَالَ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ وَيَلِكُمْ ثَوَابُ اللَّهِ خَيْرٌ لِمَنْ ءَامَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا وَلَا يُلْقَاهَا إِلَّا الصَّابِرُونَ

80. Илм берилганлар эса: «Вой бўлсин сизларга! Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар учун Аллоҳнинг савоби яхшидир. Унга фақат сабр қилганларгина эришурлар», дедилар.

Доимо, ҳамма жамиятларда модда тугёнидан устун тура оладиган, унинг ҳойи-ҳавасига учмайдиган, моддий бойликнинг ҳаётдаги ўрнини тўғри баҳолай оладиган кишилар ҳам бўлади. Улар бу маърифларида ўзларига берилган тўғри илмга асосланадилар. Улар молу дунё фитнасига учмайдилар. Бойу бадавлат бузғунчиларнинг зебу зийнатларига ҳавас қилмайдилар. Аксинча, зебу зийнатга берилганларга насиҳат қилиб юрадилар.

«Илм берилганлар эса: «Вой бўлсин сизларга! Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар учун Аллоҳнинг савоби яхшидир.»

Бу дунёда ҳойи-ҳавасга, зебу зийнатга сабаб бўладиган молу мулкдан кўра, Аллоҳ таоло иймон ва амали солиҳ учун берадиган савоб яхши эканини одамларга эслатиб турадилар. Кишиларни иймонга, амали солиҳга чақирадилар. Аллоҳнинг савобига эришиш учун сабр-чидам зарурлигини ҳам айтадилар.

«Унга фақат сабр қилганларгина эришурлар», дедилар.»

Ҳа, Аллоҳнинг савобига эришиш учун сабр-бардош керак. Иймонли бўлиш қийинчиликларига ва солиҳ амаллар йўлидаги тўсиқларга ҳамда бу дунё зебу зийнатларидан ўзини тийиш йўлидаги машаққатларга сабр қилиш керак. Молу дунё фитнасига учмаслик лозим. Ана ўшандагина Аллоҳ таолонинг савобига эришилади.

Қорун қавмида ҳам илми кишилар бор эди. Улар ўз вазифаларини адо этдилар. Аввал Қорунга, сўнгра унга ҳавас қилаётган кишиларга насихат қилдилар. Бир томонда, молу дунё билан ғурурланишнинг, тугёнга кетишнинг чўққисига чиқиб олган Қорун. Иккинчи томонда, унинг қавмидан бўлган, ҳаёти дунёни хоҳлайдиганлар. Улар, қани энди бизда ҳам Қорунга берилган молу мулк бўлса эди, деб ҳавас қилиб турибди. Учинчи томонда эса, илм берилганлар. Улар, Аллоҳнинг савоби яхшироқ, демоқдалар. Энди хотима, ажрим қилувчи ҳолат ҳам керак. Шундай бўлди ҳам:

فَحَسَفْنَا بِهِءِ وَيَدَارِهِ الْأَرْضَ فَمَا كَانَ لَهُ مِنْ فِئَةٍ يَنْصُرُونَهُ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَمَا كَانَ مِنَ الْمُتَصِّرِينَ

81. Бас, Биз уни ва унинг ҳовли-жойини ерга юттирдик. Унга Аллоҳ(азоби)дан ёрдам берадиган гуруҳ ҳам бўлмади, унинг ўзи нусратга эришгувчилардан ҳам бўлмади.

Ҳаммаси оддийгина тугади. Қорунни ҳам, ҳовли-жойини ҳам ер ютди-қўйди. Қорун ҳам, унинг бойликлари ҳам, кибру ҳавоси ҳам йўқ бўлди-кетди. Қорунга Аллоҳнинг азоби келганида унга ёрдам берувчи топилмади. Унинг ўзи ҳам илми ила, молу дунёси ила ўзини қутқариб қола олмади.

وَأَصْبَحَ الَّذِينَ تَمَتُّوا مَكَانَهُ بِالْأَمْسِ يَقُولُونَ وَيَكَابُ اللَّهُ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِءِ وَيَقْدِرُ لَوْ لَا أَنْ مِّنَ اللَّهِ عَلَيْنَا لَخَسَفَ بِنَا وَيَكَانَهُ لَا يَفْلِحُ الْكَافِرُونَ

82. Ва кечагина унинг маконини орзу қилаётганлар: «Вожаб, Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаганларига ризқини кенг ёки тор қиладиганга ўхшайдир. Агар Аллоҳ бизга лутф қилмаганида, бизни ҳам ерга юттирар эди. Вожаб, кофирлар нажот топмайдиганга ўхшайди-ку!» дейишга ўтдилар.

Ҳаёти дунёга берилган ғофилларнинг кўзи шунга ўхшаш фалокатлар вақтида очилиши мумкин. Қорунни ва унинг ҳовли-жойини ер ютганидан кейингина унга ҳавас қилаётган одамларнинг, ҳаёти дунё ихлосмандларининг кўзи очилди. Ва кечагина унинг маконини орзу қилаётганлар:

«Вожаб, Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаганларига ризқини кенг ёки тор қиладиганга ўхшайдир», дейишга ўтдилар.

Аллоҳ таоло одамларнинг шахсига қараб эмас, ўзи билган ҳикматга биноан, бировга кўп, бировга оз ризқ беришини тушуниб етдилар. Қорунга ҳам молу дунё унинг илми туфайли эмас, Аллоҳнинг хоҳиши ва ҳикмати ила берилганини англадилар. Молу дунё кишининг фазли, мартабаси бўла олмаслигини билдилар.

«Агар Аллоҳ бизга лутф қилмаганида, бизни ҳам ерга юттирар эди.»

Кечагина молу дунё талабида юришган эди, бугун молу дунёдан маҳрум бўлганликларини Аллоҳнинг лутфи деб тушунадиган бўлиб қолдилар.

«Вожаб, кофирлар нажот топмайдиганга ўхшайди-ку!» дейишга ўтдилар.»

Демак, нажот топмасликнинг асосий сабаби кофирликдир, фақирлик эмас.

Шундай қилиб, сиёсий истибдод билан бўлган курашдаги каби, иқтисодий истибдод билан курашда ҳам иймон тарафи ютиб чиқди.

Энди қиссага хотима ясалади:

تِلْكَ الدَّارُ الْآخِرَةُ نَجْعَلُهَا لِلَّذِينَ لَا يُرِيدُونَ عُلُوًّا فِي الْأَرْضِ وَلَا فُسَادًا ۖ وَالْعَاقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ ﴿٨٣﴾

83. Биз ўша охират диёрини ер юзида такаббурлик ва бузғунчиликни истамайдиганлар учун қилурмиз. Оқибат тақводорларникидир.

Ўша, илмилар айтган охират диёрини ер юзида Қорун каби такаббурлик ва бузғунчилик қилмаганлар, уларнинг ер юзида бўлишини истамайдиганларга берамиз. Ким тақводор бўлса, оқибат яхши бўлади.

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ خَيْرٌ مِنْهَا ۖ وَمَنْ جَاءَ بِالسَّيِّئَةِ فَلَا يُجْزَى الَّذِينَ عَمِلُوا السَّيِّئَاتِ إِلَّا مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٨٤﴾

84. Ким бир яхшилик келтирса, унга ундан кўра хайрлироқ (мукофот) бор. Ким бир ёмонлик келтирса, ёмонлик қилганлар фақат қилганларига яраша жазоланурлар.

Яъни, яхшиликнинг савоби кўпайтириб берилади. Ёмонлик эса, ўз ҳолича жазога тортилади. У кўпайтирилмайди.

Шу билан қиссалар ҳам, уларга қилинган таълиқлар ҳам тамом бўлди. Сураи кариманинг сўнгида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз сол-

лаллоҳу алайҳи васалламга тасалли ва ваъдалар беради. Ул зот умр-лараридаги энг машаққатли кунларни кечираётган бир даврда тушган бу оятлар дардларига малҳам бўлгани аниқ. Ушбу келажак оятлар кофир ва мушрикларнинг зулми ҳаддан ошганда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам севган юртлари Маккаи Мукаррамадан Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилиб кетаётганларида, Маккадан чиқаверишдаги Жухфа номли жойга етганларида нозил бўлгандир.

Эй Муҳаммад!

إِنَّ الَّذِي فَرَضَ عَلَيْكَ الْقُرْآنَ لَرَأْدُكَ إِلَىٰ مَعَادٍ قُلْ رَبِّي أَعْلَمُ مَنْ جَاءَ بِالْهُدَىٰ وَمَنْ هُوَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٨٥﴾

85. Сенга Қуръонни фарз қилган Зот, албатта, сени қайтар жойга қайтаргувчидир. Сен: «Роббим ҳидоят келтирган шахсни ҳам ва очиқ-ойдин гумроҳликдаги шахсни ҳам яхши билгувчидир», деб айт.

Эй Пайғамбарим, сен она юртингдан ҳижрат қилиб кетишга мажбур бўлаётганингдан ўкинма. Сенга Қуръон тиловати ва унга амал қилишни фарз қилган зот – Аллоҳ, албатта, сени қайтар жойга – Маккага яна қайтаргувчидир. Мусо алайҳиссаломнинг ҳам ўз юртидан чиқиб кетишга мажбур бўлганини эсла. У ҳам бир куни юртига яна қайтиб борганини, золимлар устидан ғолиб келганини эсла. Сен ҳам бугун чиқиб кетмоқдасан, аммо сенга Қуръонни фарз қилган Зот сени бир кун яна ўз юртингга қайтаражак, сени душманлар устидан ғолиб қилажак. Ушбу ҳақиқатларни яхши тушуниб олгин ва:

«Роббим ҳидоят келтирган шахсни ҳам ва очиқ-ойдин гумроҳликдаги шахсни ҳам яхши билгувчидир», деб айтгин-да, кетавергин.

Сен йўлингда кетавер, бу ёғини Қуръонни фарз қилган Зотга қўйиб қўй.

وَمَا كُنْتُمْ تَرْجَوْنَ أَنْ يُلْقَىٰ إِلَيْكُمُ الْكِتَابُ إِلَّا رَحْمَةً مِّنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُونَنَّ ظَاهِرًا لِّلْكَافِرِينَ ﴿٨٦﴾

86. Сен ўзинга китоб туширилишидан умидвор ҳам эмас эдинг. Илло, Роббинг раҳмати бўлиб (тушди). Бас, ҳаргиз кофирларга ёрдамчи бўлма.

Сени Қуръон ҳақида айблашмоқда. Аслида, сен ўзингга илоҳий китоб тушишини ўйлаб ҳам кўрмаган эдинг. Унга эга бўлиш учун уринмаган ҳам эдинг. Аммо Аллоҳ, Ўз раҳматидан сенга Қуръонни туширди. Бу иш сенинг хоҳишинг билан эмас, балки Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлди. Кофирлар эса, бунга қарши чиқмоқдалар. Сен уларга ҳеч қачон ёрдамчи бўлмагин.

وَلَا يَصُدُّكَ عَنْ آيَاتِ اللَّهِ بَعْدَ إِذْ أَنْزَلَتْ إِلَيْكَ وَأَدْعُ إِلَىٰ رَبِّكَ وَلَا تَكُونَنَّ مِنَ
 الْمُشْرِكِينَ ﴿٧٧﴾ وَلَا تَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُ
 لَهُ الْحُكْمُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٧٨﴾

87. Ва сени улар сенга туширилган Аллоҳнинг оятларидан ҳаргиз тўсмасинлар. Роббингга даъват қил. Асло мушриклардан бўлма.

88. Аллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳга илтижо қилма. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Ундан ўзга ҳар бир нарса ҳалок бўлгувчидир. Ҳукм Унинг Ўзигагинадир ва фақат Унгагина қайтарилур-сиз.

Аллоҳнинг оятлари сенга туширилганидан кейин мушриклар сени улардан тўсмасинлар. Сен уларнинг гап-сўзларига, хоҳиш-истакларига қараб ўтирма. Аллоҳнинг оятларига амал қилишда давом эта-вер.

«Роббингга даъват қил.»

Бутун дунёни Роббингга, Роббингнинг йўлига чақир.

«Асло мушриклардан бўлма.»

Чунки, ширк жуда катта зулмдир.

«Аллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳга илтижо қилма.»

Фақат Аллоҳнинг Ўзигагина илтижо-ибодат қил. Чунки:

«Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ.»

Фақат Аллоҳгина ибодатга сазовор зотдир.

«Ундан ўзга ҳар бир нарса ҳалок бўлгувчидир.»

Фақат Аллоҳгина боқий қолади.

«Ҳукм Унинг ўзигагинадир...»

Ундан ўзга ҳеч ким ҳукм қила олмас.

«...ва фақат Унгагина қайтарилурсиз.»

Ундан ўзга ҳеч кимга қайтарилмассиз.

Шунинг учун, Аллоҳнинг биру борлигига иймон келтириб, Унинг динига тўлиқ амал қилиб яшамоғимиз лозим.



АНКАБУТ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 69 оятдан иборат.

Араб тилида «анкабут» сўзи «ўргимчак» маъносини ифода қилади. Сураи кариманинг бундай номланишига сабаб унда ўргимчак мисол қилиб келтирилгандир. Сураи кариманинг қирқ биринчи оятида Аллоҳ таоло: **«Аллоҳни қўйиб, ўзга дўстлар тутганларнинг мисоли ўзига уй тутган ўргимчакка ўхшайди. Ҳолбуки, энг заиф уй ўргимчакнинг уясидир. Кошки, билсалар эди»**, дейди.

Бошқа маккий суралар каби ушбу сурада ҳам иймон, ақийда, мўмин билан кофир, ширк билан куфр орасидаги фарқ каби мавзулар муолажа қилинади.

«Анкабут» сураси ўздан олдин келган маккий суралар силсиласининг узвий, ажралмас бир қисмидир. Маълумки, Қуръони Карим инсониятга ҳидоят маёғи ўлароқ, йигирма уч йил давомида нозил этилган. Шунинг ўн уч йили Маккаи Мукаррамада ўтган. Ана ўша узоқ ва машаққатли ўн уч йил Ислом ақийдасининг шаклланиши, мусулмонларнинг турли синовлардан ўтиши йиллари бўлган. Бу даврда янги динни қабул қилган кишилар турли қийноқларга, бало-синовларга дучор бўлганлар. Аллоҳ таоло иймон фақат оғизда сўзланадиган гап эмас, балки амал, сабр-бардош ва матонатдан иборат эканини уларга воқеликда кўрсатган. Ҳар бир марғуб (исталган) нарсага етишиш осон эмас. Ўша марғуб нарсанинг салмоғига қараб, унга етишиш йўлидаги синов ҳам катталашиб бораверади. Иймон, Ислом йўли – икки дунё саодатига, жаннатга ва Аллоҳнинг розилигига эриштирувчи йўл осон йўл эмас. Чунки, бу дунёда ундан-да олийроқ мақом йўқ. Бу йўлдаги синовлар ҳам унинг ўзига яраша олий мақом бўлиши турган гап.

«Анкабут» сураси ана шу ҳақиқатни мўмин-мусулмонларга ўзига хос услуб билан тушунтиради. Бундан олдинги суралар тафсирида айтганимиздек, Ислом даъвати ва мусулмонлар учун энг таҳликали кунларда нозил бўлган ушбу суралар мўминларга тасалли вазифасини ҳам ўтаган. Ўша пайтларда кофир ва мушрикларнинг мусулмонларга қарши зулм ва зўравонликлари беҳад кучайган эди. Муш-

риклар мусулмонларга қарши қўлларидан келган барча ёмонликларни қилишарди. Айниқса, ҳимоясиз, бечораҳол мусулмонларни шафқатсизлик билан қийноқларга солишар, ҳушларидан кетгунларича калтаклашар, баъзан ўлдириб қўя қолишар эди. Мушрикларнинг бу қилмишлари сийрат ва тарих китобларида батафсил келтирилган. Ана шундай пайтларда қийноқ жонидан ўтган мусулмонлар чора ахтариб, ҳабиблари, Пайғамбарлари Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилар эдилар. Биргина мисол келтирамиз:

Имом Бухорий Ҳаббоб ибн ал-Арт розияллоҳу анҳунинг шундай деганларини ривоят қиладилар: «Мен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига борсам, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъба соясида, ридолари устида ёнбошлаб ўтирган эканлар. Ўша пайтда мушриклардан кўп шиддатли (азоблар) тортган эдим. Мен:

«Аллоҳга бир дуо қилсангиз-чи?!» дедим. Шунда у киши туриб ўтирдилар. Юзлари қизариб кетган эди. Сўнгра:

«Сиздан олдин ўтганларнинг гўшти ва пайлари темир тароқ билан суягидан ажратиб олинса ҳам, бу иш уни ўз динидан қайтара олмас эди. Бошининг ўртасига, фарқ очадиган жойига арра қўйиб, арралаб, иккига бўлиб юборилса ҳам, ўз динидан қайтмас эди. Аллоҳ, албатта, бу ишни охирига етказажак. Уловли киши Санъодан Ҳазрамавтгача Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмай борадиган кунлар ҳам келажак. Лекин сизлар шошилмоқдасизлар, холос», дедилар».

Шунингдек, Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом доим саҳобаларини сабрга чақирар, сабр ила жаннатга эришиш мумкинлигини баён қилар эдилар.

Қуръони Каримнинг оятлари эса, ҳам мўмин-мусулмонларга, ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига тасалли бўлиб туриб турар эди. «Анкабут» сураси ҳам худди шу маънодаги – иймон, Ислому, Аллоҳ розилиги йўлидаги синовларга, турли машаққатларга сабр қилишга ундовчи оятларга бой.

Иймон келтирган одамлар синовга дучор қилинмасдан қолмасликлари суранинг бошидаёқ очиқ-ойдин таъкидлаб айтилади. Кейин эса, иймон фақат оғиз билан айтиладиган гап эмаслиги, ким иймон калимасини келтириб, кейин бошига синов тушганида ортга чекинса, катта хато қилиши ҳақида сўз боради. Улар Исломдан қайтиб, муртад бўлиб, бу дунёнинг арзимаган қийинчилигидан қутулганлари билан, охиратда чексиз азоблар гирдобида қолишлари таъкидланади.

Шу билан бирга, дин йўлида қийинчилик, азоб-уқубатга дучор бўлиш янгилик эмаслиги, балки аввал ўтган барча Пайғамбарлар ва уларга эргашган мўминлар ҳам синовга дучор бўлганлари эслатилиб, Нух, Иброҳим, Лут, Шуайб алайҳимуссаломларнинг қиссалари келтирилади.

Сўнгра қадимда туғёнга кетиб, ўзбошимчалик қилган Од ва Самуд қавмлари, Қорун ва Ҳомон каби кимсаларнинг ҳоли нима бўлгани эслатилади.

Ва ниҳоят, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликлари ҳақ эканлиги баён қилинади. Яъни, у зот Пайғамбарлар силсиласидаги охириги халқа эканлиги, ҳеч бир янги даъво билан чиқмаганлари, балки Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбарларнинг биттаси эканликлари турли далиллар билан баён қилинади. Бу билан, ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашса, аввалги Пайғамбарларга эргашган умматларга ўхшаб нажот топишига, ким у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга душманлик қилса, эргашмаса, аввалги кофирларга ўхшаб ҳалокатга учрашига ҳам ишора этилади.

Сура бало-офат ва синов-имтиҳонларга сабр этганларга, Аллоҳ йўлида жиҳод қилганларга бериладиган мукофотлар ҳақидаги сўзлар билан тугайди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الْمَرْءُ أَحْسِبَ النَّاسَ أَنْ يَتْرُكُوا أَنْ يَقُولُوا أَمْنَا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ

1. Алиф. Лаам. Мийм.

2. Одамлар «иймон келтирдик» дейишлари ила имтиҳон қилинмай тарк этилишларини ўйладиларми?

Яъни, одамлар иймонни «оғиз билангина айтиб қўйиладиган қуруқ гап» деб ўйладиларми? Улар, ўзларича, иймон келтирдик, деб қўйсақ, иш битди, мўмин бўлдик, унинг савоби ҳам бу дунёда, ҳам у дунёда ўз-ўзидан келаверади, деб ўйладиларми? Иймон сўзидан кейин ҳеч қандай имтиҳон-синов бўлмайди, деб ўйладиларми?

Қадимда ҳам, ҳозирда ҳам кўплар иймон ҳақида худди шундай нотўғри тасавурда бўлганлар. Уларнинг фикрича, Аллоҳга иймон келтирдим, деганидан кейин ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлавериши керак.

Аслида, ундай эмас. Аллоҳ таоло ҳамма нарсанинг яхшисини ёмонидан, ҳақиқийсини сохтасидан ажратиш учун бу дунёда синов-имтиҳон қоидасини жорий қилиб қўйган. Маъданларнинг асли

ҳам ўтга солиниб, тобланганида намоён бўлади. Йўқса, ҳамма маъдан ҳам сиртидан маъдан бўлиб кўриниб тураверади. Ўтда синалганда эса, ҳақиқийси бошқаларидан ажраб чиқади.

Иймон калимасини оғизда айтиш осон. Ҳар ким ҳам, иймон келтирдим, деб айтавериши мумкин. Аммо тил билан айтилган калима дилдан чиққанми ёки йўқми, буни аниқлаш учун баъда синов-имтиҳондан ўтиши керак. Бу эса, қадимдан жорий бўлиб келаётган одат.

وَلَقَدْ فَتَنَّا الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلَيَعْلَمَنَّ اللَّهُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَلَيَعْلَمَنَّ الْكٰذِبِينَ ﴿١٠٦﴾

3. Ва, батаҳқиқ, Биз улардан олдингиларни ҳам имтиҳондан ўтказганмиз. Бас, Аллоҳ, албатта, содиқ бўлганларни ҳам билажак, ёлғончиларни ҳам билажак.

Яъни, Биз иймон учун имтиҳон-синовларга дучор бўлаётган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматидан олдинги мўминларнинг ҳам бошларига худди шундай синовларни солганмиз.

«Бас, Аллоҳ, албатта, содиқ бўлганларни ҳам билажак, ёлғончиларни ҳам билажак.»

Яъни, Аллоҳ таоло, албатта, мазкур синов ва имтиҳон орқали иймонида содиқ турганларни юзага чиқаради, шунингдек, мўминлик даъвосида юрган ёлғончиларни ҳам танитиб қўяди.

Агар имтиҳон-синов бўлмаса, ҳамма сиртдан иймон даъвосини қилиб юраверади, унинг сўзининг ҳақиқати, қалбида нима борлиги ҳеч кимга билинмайди. Аллоҳ таоло бандаларининг сир-асрорларидан хабардор зот, синов орқали бу сир-асрорларни юзага чиқариб, бандаларнинг ҳам бундан хабардор бўлишини жорий қилган.

Иймондек улуғ неъмат ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Балки, бу улуғ неъматга лойиқ топилганларгина эришадилар, синовдан, имтиҳондан ўтганларгина муяссар бўладилар.

Иймон йўлидаги имтиҳонлар турлича бўлади. Бу имтиҳонларнинг энг кўп тарқалган тури иймон йўлида бало-офатларга дучор бўлишдир. Бунда мўмин киши иймони туфайлигина кофир ва мунофиқларнинг озор ва қийноқларига йўлиқади. Азоб-уқубатда қолади. Бу хилдаги синов ҳар бир Пайғамбар умматидан аксарисининг бошига тушган. Мўминлар кофир ва мунофиқларнинг турли-туман жисмоний ва маънавий қийноқларига учраганлар. Кофирлар уларни масхара қилишар, турли гап-сўзлар билан камситишар, жазолашар эди. Худди шундай синовга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирган мусулмонлар ҳам дучор бўлдилар ва дучор бўлмоқдалар. Ушбу ояти карималар нозил этилаётган пайтларда

саҳобаи киромлардан Билол ибн Рабоҳ, Аммор ибн Ясир, у кишининг ота-онаси, Аййаш ибн Абу Робиъа, Валид ибн Валид, Салама ибн Ҳишом ва бошқалар турли қийноқлар исканжасида эдилар.

Мўмин-мусулмонлар ҳозирги кунларда ҳам шунақа синовларга қайта-қайта учраб туришибди. Бундай пайтда сабр қилиш билан кишининг иймони сайқал топади.

Иймон йўлида кўп учрайдиган синов турларидан яна бири дунё матоҳи синовидир. Иймон-Исломи йўлига юрган одам бу дунёнинг матоҳидан маҳрум қилиб синалади. Исломига кириб, иймон келтирган банда молу дунёдан, мансабдан, турли ҳойи-ҳаваслардан ажратиб имтиҳон қилинади. Қўпол қилиб айтганда, мўмин одам амал поғоналаридан кўтарила олмайди, молу дунёга, турли имтиёзларга эга бўлолмайди, чунки жоҳилий жамият ҳалол йўл билан бир нарсага эришишга йўл қўймайди. Бу ҳол аввалги Пайғамбарлар даврида ҳам бўлган, ушбу оятлар тушаётган пайтда ҳам бўлган, ҳозирда ҳам бор.

Иймон йўлидаги синов ва имтиҳонларнинг тури кўп. Улардан баъзи бирлари яна сура давомида келади.

Энг муҳими шуки, кишилар қадимдан иймон йўлида синов-имтиҳонга дучор бўлиб келишмоқда. Шу билан бирга, кимнинг иймони салобатли бўлса, синови ҳам шунга яраша қилинади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом:

«Одамларнинг энг шиддатли синовга дучор бўладиганлари Пайғамбарлардир. Сўнгра аҳли солиҳлардир. Сўнгра шунга ўхшаб кетаверади. Киши диндорлиги ҳажмига қараб синалади. Агар динида салобатли бўлса, унга синов ҳам зиёда қилинади», деганлар.

Охир-оқибатда имтиҳон-синовлардан яхши ўтиб, иймонини сақлаб қола олган бандалар нажот топадилар.

Мўмин-мусулмонларга ёмонлик қилганлар эса, икки дунёда хору зор бўладилар.

أَمْ حَسِبَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ السَّيِّئَاتِ أَنْ يَسْبِقُونَا سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿١٠١﴾

4. Ёки ёмонликларни қиладиганлар биздан қочиб қутулишни ўйлайдиларми? Қилган ҳукмлари қандай ҳам ёмон-а?!

Иймон келтирмай, кофир бўлиб, мўминларга қарши турли мусийбатлар етказётганлар нимани ўйлаб бундай қиладилар?

«Ёки ёмонликларни қиладиганлар биздан қочиб қутулишни ўйлайдиларми?»

Ёмонлик қилаверай-чи, кейин бир йўлини топиб, Аллоҳнинг азобидан қутулиб қоларман, деган ҳисоблари борми? Агар улар ўзларича шундай ҳукм қилаётган бўлсалар:

«Қилган ҳукмлари қандай ҳам ёмон-а?!»

Аллоҳдан қочиб қутулиб бўладими?! У зот, албатта, ҳар бир гуноҳқорга қилмишига яраша жазо беради, бу гап аниқ. Ундан ҳеч ким қочиб қутула олмайди.

مَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ اللَّهِ فَإِنَّ أَجَلَ اللَّهِ لَآتٍ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

5. Ким Аллоҳга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, албатта, Аллоҳ белгилаган вақт келгувчидир. У ўта эшитгувчи ва ўта билгувчидир.

Ана ўшанда ҳар ким қилганига яраша мукофот ёки жазо олади. Шунинг учун ҳам:

«Ким Аллоҳга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса...» кўнглини тўқ тутаверсин.

«...албатта, Аллоҳ белгилаган вақт келгувчидир.»

Келмасдан қолмайди. Албатта, келади. Ана ўшанда Аллоҳ берган ваъдалар ҳам албатта амалга ошади. Ҳар ким бу дунёда қилганига яраша мукофот ё жазо олади. Чунки, буни ваъда қилган зот Аллоҳдир.

«У ўта эшитгувчи ва ўта билгувчидир.»

У Ўзининг ушбу сифатлари ила бандалардан содир бўлган ҳар бир нарсани эшитиб, билиб туради ва ўша эшитгани, билгани асо-сида ҳисоб-китоб қилади.

وَمَنْ جَاهَدَ فَإِنَّمَا يُجَاهِدُ لِنَفْسِهِ إِنَّ اللَّهَ لَغَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ

6. Ким жиҳод қилса, бас, албатта, ўз фойдаси учун жиҳод қилур. Албатта, Аллоҳ барча оламлардан беҳожатдир.

Илгари ҳам айтиб ўтилганидек, «жиҳод» сўзи бир нарсага эришиш учун бор имконни ишга солиб тиришиш маъносини ифода-лайди. Демак, иймон йўлида ким жиҳод қилса, бор имконини ишга солиб тиришса, ўзи учун тиришган бўлади. Чунки, Аллоҳга бундан ҳеч бир манфаат келмайди. Аллоҳ беҳожат зотдир, бандаларнинг иймон йўлида қиладиган жиҳодларидан ҳам беҳожатдир. Уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари фақат ўзлари учундир.

Сўнгги икки ояти карима инсониятга Ислом динининг энг юк-сак ғояси ва энг юксак вазифасини танитмоқда. Энг юксак ғоя —

Аллоҳга рўбарў бўлишдир. Энг юксак вазифа эса, Аллоҳ белгилаган ажал вақти келгунича, Ислому йўлида жиҳод қилишдир.

Уларнинг қилган жиҳодлари ҳеч зое кетмас.

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُكَفِّرَنَّ عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَحْسَنَ الَّذِي كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٧﴾

7. Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларнинг ёмонликларини албатта ўчирурмиз ва уларни қилган амалларининг энг яхшиси ила мукофотлармиз.

Яъни, мўмин-мусулмонлар кўнгиллари тўқ бўлиб, иймонларида собит тураверсинлар. Улар, иймонлари, иймон йўлидаги синовларга бардош берганлари, яхши амалларни қилганлари учун албатта юқори даражаларга эришадилар. Икки томонлама эришадилар. Аввало:

«Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларнинг ёмонликларини албатта ўчирурмиз».

Бандалик ила қилган гуноҳлари бўлса, иймонлари ва қилган яхши амаллари туфайли Аллоҳ таоло уларни ўчиради. Гуноҳлари учун жазога тортилмайдилар.

Иккинчидан:

«...уларни қилган амалларининг энг яхшиси ила мукофотлармиз».

Яъни, мукофот берилганида ҳам, оддий ёки ўртача эмас, энг яхши амалларининг мукофоти берилади.

Шундай экан, мўминлар иймон йўлидаги жиҳодларида собит-қадам бўлсинлар, иймон йўлидаги синов ва имтиҳонларга, бало-офатларга сабр қилсинлар.

Иймон йўлидаги синовларнинг бир тури ақраболар туфайли бошга солиниши мумкин. Иймон, Ислому йўлига юриш қариндош-уруғлар билан бўладиган алоқаларга, уларнинг манфаатларига зид келиб, у ёки бу йўлдан бирини танлаш масаласи кўндаланг бўлиб қолиши мумкин. Бундай пайтда нима қилиш керак?

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حُسْنًا وَإِنْ جَاهَدَاكَ لِتُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا إِلَىٰ مَرْجِعِكُمْ فَأُنْتَبَهُمَا بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٨﴾

8. Ва инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик. Агар улар сенинг ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришинг учун

жиҳод қилсалар, бас, уларга итоат қилма. Қайтишларингиз Менгагинадир. Бас, сизларга қилган нарсаларингиз хабарини берурман.

Ота-она ҳар бир инсон учун жуда мўътабар, эъзозли кишилардир. Ислом дини, ота-она ким бўлишидан қатъиназар, уларни ҳурмат-эҳтиром қилишга буюради. Дунёда ота-онанинг ҳурматини Исломчалик юқори қўйган таълимот, тузум йўқдир. Бу ҳақда кўплаб оятлар бор. Жумладан, ушбу ояти кариманинг аввалида ҳам:

«Ва инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик», дейилмоқда.

Ота-она мўмин бўлсалар ҳам, кофир бўлсалар ҳам, ким бўлишларидан қатъиназар, уларга яхшилик қилиш мусулмон фарзанднинг бурчидир. Уларнинг амрини бажариш ҳам фарзандлик вазифаси ҳисобланади.

Аммо иймон масаласида, дин аҳкомлари масаласида бу қоида амалдан тўхтайд.

«Агар улар сенинг ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришинг учун жиҳод қилсалар, бас, уларга итоат қилма.»

Холиққа маъсият бўладиган ишларда махлуққа итоат қилинмайди.

«Қайтишларингиз Менгагинадир.»

Қиёмат куни Менга қайтурсизлар. Бошқага эмас. Шунинг учун, гуноҳ бўладиган ишларда ҳеч кимга итоат қилинмайди.

«Бас, сизларга қилган нарсаларингиз хабарини берурман.»

Бас, бу дунёда ким нима амал қилган бўлса, охирада ҳаммасининг хабарини берурман. Ана ўшани ҳисобга олиб яшаш керак.

Аллоҳга ширк келтириб, унга осий бўлиб қолиш эҳтимоли бор ишларда инсон учун энг ҳақли кишилар – ота-онанинг амри, истак-хоҳиши ҳам инобатга олинмайди. Шундай экан, бошқа қариндошларнинг амрлари, истак-хоҳишлари умуман ўтмайди.

Уламоларимиз ушбу ояти карима Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ҳақида нозил бўлганини таъкидлашади. У киши Макка ёшлари ичида онасини ҳурмат қилиш билан ном чиқарган эдилар. Бошқа ёшларга онани эҳтиром этишда Саъд розияллоҳу анҳу мисол қилиб кўрсатилар эди. Иймонга келганларидан сўнг Саъд ушбу нозик нуқтада синовга учрадилар.

Имом Термизий бу ҳақда қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Ушбу оят Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ва унинг онаси Ҳамна бинти Абу Суфён ҳақида нозил бўлган. У онасига яхшилик қилувчи эди. Онаси унга:

«Бу янги дининг нима ўзи? Аллоҳга қасамки, аввалги ҳолингга қайтмагунингча, ўлсам ҳам овқат ҳам емайман, ичимлик ҳам ич-

майман. Кейин умрбод шу билан ор-номусга қолиб кетасан. Сени, эй, онасини ўлдирган, деб чақиришади», деди. Сўнгра аёл бир кечаю бир кундуз таом емай, ичимлик ичмай ётди. Сўнгра Саъд розияллоҳу анҳу унинг олдига келиб:

«Эй онагинам, агар сенинг юзта жонинг бўлса-ю, битта-биттадан чиқиб турса ҳам, мен динимдан қайтмайман. Агар хоҳласанг, еб-ич, хоҳламасанг, еб-ичма», деди. Саъднинг динидан қайтишидан ноумид бўлган онаси еб-ичди. Ана шунда Аллоҳ таоло юқоридаги оятни нозил қилди».

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُدْخِلَنَّهُمْ فِي الصَّالِحِينَ ﴿٩﴾

9. Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларни солиҳлар қаторига қўшурмиз.

Шундай қилиб, иймон масаласи ҳар қандай қариндошчилик муносабатларидан устун экани собит бўлди.

Ҳақиқий мўмин-мусулмонлар иймон йўлида турли азоб-уқубатларга, синов-имтиҳонларга сабр қилиб, собитқадам бўлиб турган пайтларида, бошқа бир тоифа одамлар бу масалада тамоман бошқача йўл тутадилар:

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَقُولُ آمَنَّا بِاللَّهِ فَإِذَا أُوذِيَ فِي اللَّهِ جَعَلَ فِتْنَةَ النَّاسِ كَعَذَابِ اللَّهِ وَلَئِن جَاءَ نَصْرٌ مِّن رَّبِّكَ لَيَقُولُنَّ إِنَّا كُنَّا مَعَكُمْ أَوْ لَيْسَ اللَّهُ بِأَعْلَمَ بِمَا فِي صُدُورِ الْعَالَمِينَ ﴿١٠﴾

10. Ва одамлардан, Аллоҳга иймон келтирдик, дейдиган, сўнгра Аллоҳнинг йўлида озорланса, одамларнинг фитнасини Аллоҳнинг азобидек қабул қиладиганлари ҳам бор. Агар Роббинг томонидан нусрат келса, улар, албатта, биз сиз билан бирга эдик, дерлар. Аллоҳ оламларнинг кўксиларидаги нарсаларни ўта билгувчи Зот эмасми?!

Кўпчиликка қўшилиб, қизиқиб, осонлик, енгиллик пайтида Аллоҳга иймон келтириб ва буни бошқаларга пеш қилиб, кўкрагига уриб, ўзини дин йўлида жонфидо қилиб кўрсатадиганлар кўп бўлади. Бу ҳолат доимо такрорланиб келган. Айниқса, ёв қочганда ботир кўпайганидек, ўзининг иймонли эканини пеш қиладиганлар ҳам кенглик пайтларида жуда урчийди. Ушбу ояти каримада худди ана шундай кишилар ҳақида сўз кетмоқда.

«Ва одамлардан, Аллоҳга иймон келтирдик, дейдиган, сўнгра Аллоҳнинг йўлида озорланса, одамларнинг фитнасини Аллоҳнинг азобидек қабул қиладиганлари ҳам бор.»

Бундай одамлар, иймон калимасини айтсак бўлди, ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлаверади, ҳеч қандай ёмонлик етмайди, деб тасаввур қиладилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳнинг йўлида озгина қийналсалар, кофир ва мунофиқлардан уларга озор етса, сабр этолмай қоладилар. Одамларнинг фитнасини Аллоҳнинг азоби деб биладилар. Чидай олмай, турли ҳолатларга тушадилар ва иймондан қайтадилар.

«Агар Роббинг томонидан нусрат келса, улар, албатта, биз сиз билан бирга эдик, дерлар.»

Мунофиқлар иймон калимасини оғизда айтиб, кутиб турадилар. Агар Аллоҳ таоло мусулмонларга нусрат берса, улар ҳам ўзларини галабага шерик санаб:

«...биз сиз билан бирга эдик», дейдилар.

Демак, улар шу мақсад билангина иймон калимасини айтганлар. Бу дунё матоҳи умидида, мусулмонларга келадиган яхшиликларга шерик бўлиш мақсадида ўзларини мўмин деб эълон қилганлар. Лекин, оятнинг аввалида айтилганидек, синовга дуч келсалар, шумликлар фаш бўлади. Улар ўзларича жуда ҳам устомонлик қиладиганга ўхшайдилар. Лекин ўта ақлсизлик қиладиганлари хаёлларига ҳам келмайди. Ахир, устомонлик билан Аллоҳ таолони алдаб бўлармиди?!

«Аллоҳ оламларнинг кўксиларидаги нарсаларни ўта билгувчи Зот эмасми?!»

Ахир, Аллоҳ таоло нафақат бир гуруҳ мунофиқларнинг, балки бутун оламлардаги одамларнинг қалбида нима борлигини билиб тургувчи зот-ку?! Ҳолбуки, уларнинг мунофиқликлари оддий одамга ҳам очиқ-равшан кўриниб турибди.

وَلْيَعْلَمَنَّ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَلْيَعْلَمَنَّ الْمُنَافِقِينَ ﴿١١﴾

11. Албатта, Аллоҳ иймон келтирганларни ҳам яхши билур, мунофиқларни ҳам яхши билур.

Шунинг учун, иймон келтирган ҳақиқий мўминлар хотиржам бўлиб, иймонларида собит турсинлар. Мунофиқлар эса, тавба қилиб, тўғри йўлга ўтсинлар.

Иймон йўлидаги синовлардан яна бири мўминларни тўғри йўлдан уриш учун кофир ва мунофиқлар томонидан уюштириладиган турли-туман ифволардир. Қуйидаги оятда ана ўшандай ифволардан бир намуна келтирилади:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّبِعُوا سَبِيلَنَا وَلْنَحْمِلْ خَطَايَكُمْ وَمَا هُمْ

يَحْمِلِينَ مِنْ خَطَايَاهُمْ مِنْ شَيْءٍ إِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ ﴿١٢﴾

12. Ва куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Бизнинг йўлимизга эргашинглар, хатоларингизни биз кўтарайлик», дерлар. Ҳолбуки, улар аларнинг хатоларидан ҳеч бир нарсани кўтарувчи эмаслар. Албатта, улар ёлғончилардир.

Кофирлар доимо ифволари билан мўминларни тўғри йўлдан уриб, ўз йўриғларига солиш пайида бўладилар. Албатта, мўминлар уларнинг йўриғи хато эканини, гуноҳ бўлишини айтиб, бош тортадилар. Ана шунда кофирлар ифвонинг чўққисига чиқиб, яна ҳам қаттиқ-роқ ташвиқот қилишга ўтадилар.

«Ва куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Бизнинг йўлимизга эргашинглар, хатоларингизни биз кўтарайлик», дерлар.»

Яъни, кофирлар мўминларга: сизлар бизнинг йўлимизга эргашаверинглар, агар шу йўл хато бўлиб, унга гуноҳ бериладиган бўлса, ўша хато ва гуноҳни сиз эмас, биз кўтарамиз, дейдилар. Бунга ўхшаш гапни аввалги кофирлар ҳам айтганлар, ҳозирги кофирлар ҳам айтадилар. Лекин бу гапларида мантиқ борми ўзи? Улар бошқа кишиларнинг хатоларини кўтариш имконига эгамилар?

«Ҳолбуки, улар аларнинг хатоларидан ҳеч бир нарсани кўтарувчи эмаслар.»

Ҳа, кофирлар мўминларнинг ҳамма хатоларини тугул, лоақал бирортасини ҳам кўтаришга қодир эмаслар. Улар бировнинг хатосини кўтариш ўрнига, ўз хатоларини эплаб турсинлар. Кофирларга бировнинг хатосини кўтаришни ким қўйибди.

«Албатта, улар ёлғончилардир.»

Кофирлар мўминларни йўлдан уриб, орқаларидан эргаштириш учун ҳар қандай ёлғондан қайтмайдилар. Албатта, улар бу қилмишлари учун жавоб беришлари турган гап.

وَلِيَحْمِلُوا أَثْقَالَهُمْ وَأَتْقَالًا مَعَ أَثْقَالِهِمْ وَلِيَسْئَلَنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَمَّا كَانُوا يَفْتَرُونَ ﴿١٣﴾

13. Албатта, улар ўз юklarини ҳам, у юклар билан бирга бошқа юкларни ҳам кўтарурлар. Албатта, қиёмат кунида уйдириб юрган нарсалари ҳақида сўралурлар.

Ушбу оятдаги «юк»дан мурод гуноҳдир. Албатта, кофирлар гуноҳлари юкини кўтарадилар. Шу билан бирга, ўз ифволари билан йўлдан урган одамларнинг гуноҳларини ҳам кўтарадилар. Аммо бу

нарса уларнинг ифвосига учганларнинг гуноҳини енгиллатмайди, улар ҳам қилмишларига яраша жазоларини тортадилар.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким адашувга даъват қилса, унга эргашганларнинг гуноҳи қадар гуноҳ, заррача камаймаган ҳолда, унга ҳам бўлур», деганлар.

«Албатта, қиёмат кунда уйдириб юрган нарсалари ҳақида сўралурлар.»

Ҳар ким қилмишига яраша жавоб беради.

Келгуси оятларда инсоният тарихида иймон йўлида дуч келинган синовлардан намуналар келтирилади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ فَلَبِثَ فِيهِمْ أَلْفَ سَنَةٍ إِلَّا خَمْسِينَ عَامًا فَأَخَذَهُمُ الطُّوفَانُ وَهُمْ ظَالِمُونَ ﴿١٤﴾

14. Ва, батаҳқиқ, Биз Нуҳни қавмига Пайғамбар этиб юбордик. Бас, у улар ичида эллик йили кам минг йил турди. Сўнгра уларни золим бўлган ҳолларида тўфон олди.

Нуҳ алайҳиссалом қавмларини тўққиз юз эллик йил давомида иймонга даъват қилдилар. Ул зотнинг Пайғамбар бўлгунча ҳам, тўфон балосидан кейин ҳам яшаганлари эътиборга олинса, умрлари бундан ҳам узоқ кечгани ойдинлашади.

Бу ҳақда имом Жалолиддин Суютий ўзларининг «Ад-Дуррул Мансур фит-тафсири бил маъсур» китобларида ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломни қирқ ёшлигида Пайғамбар қилиб юборди. У ўз қавмини эллик йили кам минг йил Аллоҳга даъват қилди. Тўфондан кейин олтмиш йил яшади, ҳатто, одамлар кўпайиб, кенг дунёни тор қилдилар».

Бир одамнинг минг йилдан ортиқ ҳаёт кечиргани кўпларга ғалати туюлиши мумкин. Лекин бу нарса инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Қуръони Каримда келган хабарни инкор қилган одам кофир бўлади. Айни чоқда, бу ҳол ақл тарозусида тортса бўладиган оддий бир иш. Қадимда кишиларнинг умрлари узун бўлгани ҳаммага маълум. Бунинг устига, оз сонли жонзотларнинг умри узун, адади кўпларники қисқа бўлиши ҳам тажрибада кўрилган. Нуҳ алайҳиссалом инсоният тўфон туфайли қирилиб кетган бир даврда яшаганликлари эътиборга олинса, мазкур умрузоқлик оддий бир ҳол экани билинади.

Нух алайҳиссалом даврларидаги синов-имтиҳон Аллоҳ йўлига бировнинг қадам босмай туриб қолишидир.

Аллоҳнинг Пайғамбари Нух алайҳиссалом турли йўллар билан тўққиз юз элик йил даъват қилсалар ҳам, озгина одамдан бошқа ҳеч ким иймонга келмади. Бундай ҳолда кўплар синовга дош бера олмай, қайтиб кетиши мумкин. Аммо ҳақиқий иймон соҳиблари бутун дунё абадий кофир бўлиб ўтса ҳам, ўз иймонларидан қайтмайдилар. Нух алайҳиссаломнинг даврларида ҳам шундай бўлди. Нух алайҳиссалом ва у зотга иймон келтирганлар иймонларида собит қолдилар. Кофирларни эса, шунча йиллар ўтса ҳам, ҳеч ким азобдан қутқариб қола олмади:

«...уларни зolim бўлган ҳолларида тўфон олди».

Тўфон балоси уларни битта қўймай ҳалок қилди. Нух алайҳиссалом ва у кишига иймон келтирганлар нажот топдилар.

فَأَنجَيْنَاهُ وَأَصْحَابَ السَّفِينَةِ وَجَعَلْنَاهَا آيَةً لِلْعَالَمِينَ

15. Бас, Биз у(Нух)га ва кема соҳибларига нажот бердик ва у(кема)ни оламларга оят-белги қилдик.

Аллоҳ таоло иймон йўлидаги узоқ муддатли синовдан муваффақиятли ўтганлари туфайли Нух алайҳиссаломни ва у кишига иймон келтириб, нажот кемасига чиқиш бахтига муяссар бўлган мўмин бандаларни тўфон балосидан қутқарди.

Нажот кемасини эса, барча оламлар учун оят-белги, ибрат қилди. Иймон келтирганлар доимо нажот топишига ўша кема далолат бўлиб қолди. Барча халқларда бало-офатлардан қутулиш тимсоли сифатида ўша кема зикр қилинадиган бўлди.

Кейинги оятларда Иброҳим алайҳиссалом қиссаси келтирилади:

وَإِذْ هَمَّ إِذْقَالَ لِقَوْمِهِ أَعْبُدُوا اللَّهَ وَاتَّقُوهُ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ

16. Ва Иброҳимни (юбордик). Ўшанда у ўз қавмига: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва Унга тақво қилинглар. Бундай қилишингиз, агар билсангиз, сиз учун яхшидир.

Аллоҳ таоло ушбу оятда Иброҳим алайҳиссаломни ҳам Пайғамбар этиб юборганини айтиб, сўнгра у зот қавмларини қандай даъват этганларини қўйидагича васф қиляпти:

«Ўшанда у ўз қавмига: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва Унга тақво қилинглар...»

Яъни, Иброҳим алайҳиссалом қавмларига илоҳий даъватни жуда содда қилиб тушунтирдилар. Аллоҳга ибодат қилинглари, бошқага эмас, Аллоҳдан қўрқинглари, бошқадан эмас, дедилар. Демак, қиладиган ҳар бир ишингиз Аллоҳнинг розилигини топиш учун бўлсин. Ҳар лаҳзада Аллоҳга тақво қилиб турунг. Ана шунда мақсадга эришасиз.

«Бундай қилишингиз, агар билсангиз, сиз учун яхшидир.»

Яъни, Аллоҳга ибодат ва Унга тақво қилишингиз ўзингиз учун яхшидир, Аллоҳ учун, Пайғамбар учун ёки бошқа биров учун эмас.

Иброҳим алайҳиссалом сўзларида давом этиб, яна шуларни таъкидладилар:

إِنَّمَا تَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ أَوْثَانًا وَتَخْلُقُونَ إِفْكًا إِنَّ الَّذِينَ تَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ لَا يَمْلِكُونَ لَكُمْ رِزْقًا فَابْتَغُوا عِنْدَ اللَّهِ الرِّزْقَ وَاعْبُدُوهُ وَاشْكُرُوا لِلَّهِ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿١٧﴾

17. Албатта, сизлар Аллоҳни қўйиб, бутларга ибодат қилмоқдасиз ва уйдирмалар тўқимоқдасиз, холос. Албатта, Аллоҳдан ўзга ибодат қиладиган нарсаларингиз сизга ризқ беришга молик эмаслар. Ризқни Аллоҳнинг ҳузуридан истанглари. Унга ибодат ва шукр қилинглари. Унгагина қайтарилурсиз.

Иброҳим алайҳиссалом қавмларига уларнинг қиладиган амаллари нотўғри эканини баён этиб:

«Албатта, сизлар Аллоҳни қўйиб, бутларга ибодат қилмоқдасиз ва уйдирмалар тўқимоқдасиз, холос», дедилар.

Яъни, сизларнинг қиладиган ишингизда иккита хато бор: биринчиси, Аллоҳни қўйиб, бутларга ибодат қилиш бўлса, иккинчиси, уйдирма тўқиш.

«Бутлар» деб таржима қилинган сўз оятда «авсан» деб келган. Унинг бирлиги «васан» бўлиб, ёғочдан йўниб ишланган ҳайкалга айтилади. Инсоннинг ўз қўли билан ёғочдан йўниб ишлаган жонсиз ҳайкалга ибодат қилиши ўтакетган ақлсизликдан бошқа нарса эмас. Аммо бутпарастлар ушбу амалларини оқлаш учун турли ёлғонларни уйдириб, ўзларича фалсафа ижод қиладилар. Иброҳим алайҳиссалом уларнинг ибодати ҳам, уйдирмаси ҳам асоссиз эканини баён этиш билан бирга:

«Аллоҳдан ўзга ибодат қиладиган нарсаларингиз сизга ризқ беришга молик эмаслар», деб сохта худолари бу жиҳатдан ҳам ожиз эканини тушунтирмоқдалар.

Жонсиз нарса, ўзлари ёғочдан ўйиб ишлаган ҳайкал қандай қилиб уларга ризқ берсин?! Ўзига ибодат этаётганларга ризқ беролмайди-

ган «худо» қандай қилиб худо бўла олади?! Ҳа, ризқни фақат Аллоҳ таологина бера олади.

«Ризқни Аллоҳнинг ҳузуридан истанглар.»

Фақат Унинг Ўзигина сизларга ризқ бера олади. Шунинг учун ҳам, фақат Унинг Ўзигина ибодатга сазовордир.

«Унга ибодат ва шукр қилинглр.»

Аллоҳ таолонинг ризқ берувчилигининг ўзиёқ Унга ибодат ва шукр қилишни тақозо этади. Иккинчи томондан, қиёматда:

«Унгагина қайтарилурсиз».

Ҳисоб-китобни Унинг Ўзигина қилур. Шунинг учун ҳам, ёлғиз Унинг Ўзигагина ибодат қилиш даркор.

Ҳар бир одам ушбу ҳақиқатни яхшилаб ўйлаб кўриши лозим. Иброҳим алайҳиссалом ҳам ушбу гапларни қавмларига айтиб бўлгач, ортидан уларни огоҳлантириб қўйдилар:

وَإِنْ تَكْذِبُوا فَقَدْ كَذَّبَ أُمَمٌ مِّن قَبْلِكُمْ وَمَا عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلْغُ الْمُبِينُ ﴿١٨﴾

18. Агар сизлар ёлғончи қилсангиз, бас, сиздан олдинги умматлар ҳам ёлғончи қилганлар. Пайғамбар зиммасида очиқ-ойдин етказишдан бошқа нарса йўқ», деди.

Яъни, эй қавмим, агар сизлар мени ёлғончи дейдиган бўлсангиз, ажабланарли жойи йўқ бунинг, чунки сиздан олдин ўтган қавмлар ҳам Пайғамбарларини ёлғончи қилиб келганлар. Бу оддий бир ҳол. Сиз Пайғамбарингизни ёлғончига чиқаришингиз билан катта бир янгилик яратган бўлмайсиз, ўзингиздан олдинги кофир қавмларнинг амалини такрорлаган бўласиз, холос. Менга сизнинг куфрингиз тўсиқ бўла олмайди. Чунки, мен Аллоҳнинг Пайғамбариман, Пайғамбар зиммасида эса, Аллоҳнинг амрини одамларга очиқ-ойдин етказишдан бошқа вазифа йўқ.

Келгуси оятда ҳар бир кофирга хитоб қилинади:

أَوَلَمْ يَرَوْا كَيْفَ يُبْدِئُ اللَّهُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ ۚ إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴿١٩﴾

19. Аллоҳ махлуқни аввал бошдан қандай яратишини, сўнгра уни яна қайтаришини кўрмайдиларми?! Албатта, бу Аллоҳ учун осондир.

Ҳар лаҳзада Аллоҳ таоло турли мавжудотларни йўқдан бор қилаётгани кўрилади. Дунёда пайдо бўлаётган ҳар бир янги нарсани Аллоҳ таоло яратаётгани аниқ. Буни тушуниб етмоқ лозим.

Ўша янги пайдо бўлаётган махлуқотлардан, мавжудотлардан энг кичигини, энг соддасини, энг оддийини ҳам одамзот ярата олмайди. Барча инсонлар тўпланиб уринсалар ҳам, бу ишнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Бу ҳам тажрибадан ўтган ҳақиқат. Инсон энди шу ҳақиқатни тан олиши лозимки, ана ўша барча махлуқотларни йўқдан бор қилган Зотга уларни қиёматда яна қайта тирилтириш жуда ҳам осон. Чунки, йўқдан бор қилган Зотга борни қайтариш ҳеч гап эмас.

«Албатта, бу Аллоҳ учун осондир.»

Бу ҳақиқатни ҳам ҳар бир инсон англаб етмоғи лозим. Агар англаб етмаган бўлсанглар:

قُلْ سِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ بَدَأَ الْخَلْقَ ثُمَّ اللَّهُ يُنشِئُ النَّشْأَةَ الْآخِرَةَ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٠﴾

20. Сен: «Ер юзида сайр этиб юринглар ва махлуқотларни У зот аввал бошдан қандай яратганига назар солинглар. Сўнгра Аллоҳ охират ҳаётини пайдо қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир», деб айт.

Сайр мулоҳазали одамга катта манфаатлар келтиради. Инсон ер юзида кезиб юраркан, атрофига ибрат билан назар солса, кўплаб ажойиботларни кўради. Жумладан, инсон ўзи яшаб турган жойда кўзига ўрнашиб қолган манзараларни тарк этиб, ер юзини бир кезиб чиқса, зеҳни чархланиб, янгиланиб, Аллоҳ махлуқотларни аввал бошда қандай яратишини ҳам осонлик билан англаб олади. Ҳа, ибрат назарини ишга солган инсонлар бу ҳақиқатни дарҳол пайқайдилар. Буни пайқаган одам Аллоҳ таоло охиратда, қиёмат кунида махлуқотларни яна қайта пайдо қилишига ҳеч шубҳаланмайдиган бўлади. Чунки:

«Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир».

Ўша, ҳар бир нарсага қодир Зот:

يُعَذِّبُ مَنْ يَشَاءُ وَيَرْحَمُ مَنْ يَشَاءُ وَإِلَيْهِ تُقْلَبُونَ ﴿٢١﴾

21. Кимни хоҳласа, азоблайдир, кимни хоҳласа, раҳим қиладир. Унгагина қайтарилурсизлар.

Аллоҳнинг хоҳлаган нарсаси бўлади. Унинг хоҳишини биров қайтара олмайди. Ҳамма Аллоҳга қайтиб боради. Аллоҳдан ўзгага эмас.

وَمَا أَنْتُمْ بِمُعْجِزِينَ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ وَمَا لَكُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ مِن وَلِيٍّ وَلَا

نَصِيرٍ ﴿٢٢﴾

22. Сиз на ер юзида ва на кўкда У зотни ожиз қолдиргувчи эмассиз. Сизга Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам бўлмас.

Яъни, эй бандалар, сиз ер юзида ҳам, кўкда ҳам Аллоҳни ожиз қолдириб, қочиб қутула олмайсиз. Унга қайтиб боришингиз, қилмишингизга яраша жазоингизни олишингиз турган гап. Шунингдек:

«Сизга Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам бўлмас».

Ана шундоқ қийин бир ҳолатда

وَالَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ اللَّهِ وَلِقَائِهِ أُولَٰئِكَ يَكْفُرُونَ بِرَحْمَتِي وَأُولَٰئِكَ لَهُمْ

عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٢٣﴾

23. Аллоҳнинг оятларига ва Унга рўбарў бўлишга куфр келтирганлар, ана ўшалар Менинг раҳматимдан ноумид бўлдилар. Ана ўшаларнинг ўзларига аламли азоб бор.

Ҳа, икки дунёда фақат кофиргина Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлади. Чунки, у ўзининг кофирлиги туфайли, Аллоҳ билан бўлган алоқасини узади. Аллоҳнинг оятларига куфр келтириш билан саодатга етакловчи манбалардан ҳам алоқасини узади. Аллоҳга қиёмат кунида рўбарў бўлишга куфр келтиргани учун, ёмонлиқдан қайтарувчи, яхшиликка ундовчи омилдан-да маҳрум бўлади. Оқибатда Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиш нуқтасигача бориб етади.

«Ана ўшаларнинг ўзларига аламли азоб бор.»

Аллоҳнинг раҳматидан ноумид кофирдан бошқа яна кимга аламли азоб бўлиши мумкин?!

Хўш, Иброҳим алайҳиссаломнинг юқоридаги даъватларига қавмлари қандай жавоб берди?

فَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِ إِلَّا أَنْ قَالُوا اقْتُلُوهُ أَوْ حَرِّقُوهُ فَأَنجَاهُ اللَّهُ مِنَ النَّارِ إِنَّ

فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٢٤﴾

24. Унинг қавмининг жавоби: «Уни ўлдиришлар ёки ўтда ёқинглар!» дейишларидан бошқа нарса бўлмади. Бас, Аллоҳ уни ўтдан

қутқарди. Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун оят-белгилар бордир.

Иброҳим алайҳиссаломдан илоҳий даъватни эшитган қавм, лаб-бай, деб жавоб бериш ўрнига, Пайғамбарларини ўтда ёқиб ўлдиришга қарор қилдилар. Ул зотни тутиб келиб, катта гулхан ичига отдилар.

«Бас, Аллоҳ уни ўтдан қутқарди.»

Аллоҳ таоло ўтга: «Иброҳим учун совуқ ва саломатлик бўл!» деб амр этди. Ичига тушган нарсани ёндириш, куйдириш хусусиятига эга бўлган ўт-олов Аллоҳнинг амрига итоатан Иброҳим алайҳиссаломни куйдирмади, салқин ва саломатлик жойи бўлиб кутиб олди.

«Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун оят-белгилар бордир.»

Аллоҳнинг дини йўлида, иймон йўлида турли синовларга сабр қилган бандаларга Аллоҳ таолонинг Ўзи нажот бериши муқаррар эканини шундан ҳам билиб олса бўлади. Агар Аллоҳ хоҳласа, бандасини улкан олов ичида ҳам заррача зарар етказмай, саломат сақлаб қолиши мумкин экан. Демак, иймон йўлида юриш осон эмас. Иймон учун, дин-диёнат учун азоб-уқубат тортиш Пайғамбарлардан, жумладан, Иброҳим алайҳиссаломдан қолган шарафли мерос эканини ҳам англамоқ лозим. Ҳа, бу ҳодисада кўплаб оят-белгилар бор.

Кейинги оятда Иброҳим алайҳиссалом ўтдан қутулиб чиққанларидан сўнг қавмларига айтган гаплари келтирилади:

وَقَالَ إِنَّمَا اتَّخَذْتُمْ مِّن دُونِ اللَّهِ أَوْثَانًا مَّوَدَّةَ بَيْنِكُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا ثُمَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكْفُرُ بَعْضُكُم بِبَعْضٍ وَيَلْعَنُ بَعْضُكُم بَعْضًا وَمَأْوَاكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُم مِّن نَّاصِرِينَ ﴿٢٥﴾

25. У: «Сизлар, албатта, ҳаёти дунёдаги ўзаро дўстлигингиз учун Аллоҳни қўйиб, бутларни тутдингиз. Сўнгра, қиёмат кунида баъзингиз баъзингизга куфр келтиурсиз ва баъзингиз баъзингизни лаънатларсиз. Ва жойингиз дўзахдир. Ҳамда сизга нусрат бергувчилар бўлмас.

Мушриклар нима учун Аллоҳ таолони қўйиб бутларни, ёғочдан ўйиб ишланган ҳайкалларни илоҳ тутадилар? Улар ҳақиқатан ҳам ибодатга сазовор бўлгани учун шундай қиладиларми? Асл эътиқодлари шуми ўзи? Ёки бирор ҳужжат-далиллари борми? Албатта, йўқ. Ёғочдан ўйилган жонсиз ҳайкаллар ҳақиқий илоҳ эканига ҳеч қандай далил-ҳужжат йўқ. Мушрикларнинг ўзи ҳам буни яхши биладилар. Уларнинг ушбу

жонсиз ҳайкалларга топинишларининг бошқа сабаби бор. Бу сабаб ушбу оятда зикр қилинмоқда. Унда Иброҳим алайҳиссалом тилларидан:

«Сизлар, албатта, ҳаёти дунёдаги ўзаро дўстлигингиз учун Аллоҳни қўйиб, бутларни тутдингиз», дейилмоқда.

Демак, ўзаро дўстлик, муҳаббат, мулозамат кўрсатиш, бир-бирларига мувофиқ эканликларини билдириш учун Аллоҳни қўйиб, бутларга юзланганлар. Қадимдан бутларга ибодат қилиб келинган, ўрганиб қолинган, агар бошқага юзлансак, шерикларимиз биздан хафа бўлишади, деб ўзларича бир-бирларининг риояларини қилиб, гап-сўз кўпаймасин учунгина сиғинадилар. Лекин бу ишларни ҳаёти дунё учун қиладилар. Охиратда ҳамма нарса ошкор бўлганида бир-бирининг риоясини қилишга, бир-бирига хушомад этишга ўрин қолмайди.

«Сўнгра қиёмат кунида баъзингиз баъзингизга куфр келтирурсиз ва баъзингиз баъзингизни лаънатларсиз.»

Қиёмат куни азоб кўз олдингизда намоён бўлганида бир-бирингизни инкор қила бошлайсиз, бир-бирингизни лаънатлашга тура-сиз. Аммо энди кеч бўлади.

Энди сизнинг:

«Жойингиз дўзахдир. Ҳамда сизга нусрат бергувчилар бўлмас».

Қилмишингизга яраша жазоингизни тортаверасиз.

﴿ فَأَمَّن لَّهُ لُوطٌ وَقَالَ إِنِّي مُهَاجِرٌ إِلَىٰ رَبِّي إِنَّهُ هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾

26. Бас, унга Лут иймон келтирди ва: «Албатта, мен Роббимга ҳижрат қилгувчиман. Албатта, У азиз ва ҳакиймдир», деди.

Яъни, Иброҳим алайҳиссаломга Лут иймон келтирди. Лут алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга жиян бўлар эди. Лут алайҳиссалом амакилари Иброҳим алайҳиссаломга иймон келтирган биринчи одам бўлдилар. Шунингдек, Иброҳим алайҳиссаломга хотинлари Биби Сора ҳам иймон келтирган эдилар.

Тафсирчи уламоларимиз оятдаги

«Албатта, мен Роббимга ҳижрат қилгувчиман» жумласини ким айтгани тўғрисида икки хил фикр билдирганлар. Баъзилари, бу гапни Лут алайҳиссалом айтган, десалар, қўплари, Иброҳим алайҳиссалом айтган, дейдилар. Нима бўлганда ҳам, Аллоҳга ҳижрат қилиш, дунёдаги барча нарсани ташлаб, Аллоҳ таолога томон интилиш туйғуси Иброҳим алайҳиссаломда ҳам, Лут алайҳиссаломда ҳам кучли бўлган. Аллоҳ таолонинг азиз — ғолиб, барчадан устун эканлигига ва ҳар нарсани ҳикмат билан қилишига ишончлари ҳам юқори даражада бўлган.

Ҳамма нарсадан кечиб, фақат Аллоҳни деганлари учун ҳам Аллоҳ таоло уларга барча яхшиликларни кутганларидан зиёда қилиб берган.

وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَجَعَلْنَا فِي ذُرِّيَّتِهِ النُّبُوَّةَ وَالْكِتَابَ وَعَآئِنَهُ أَجْرُهُ فِي
الدُّنْيَا وَإِنَّا فِي الْآخِرَةِ لَمِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٧٦﴾

27. Биз унга Исҳоқни ва Яъқубни бахш этдик ва Пайғамбарлик ҳамда китобни унинг зурриётида бўладиган қилдик. Унга бу дунёда ажрини бердик. Албатта, у охиратда солиҳлардан бўлгай.

Яъни, биз Иброҳимга ўғил қилиб Исҳоқни, набира қилиб Яъқубни ҳада этдик. Ортидан зурриётини узилмайдиган қилиб қўйдик. Шу билан бирга, унинг сулоласига Пайғамбарлик ва илоҳий китобни хос қилиб қўйдик.

Дарҳақиқат, барча Пайғамбарлар Иброҳим алайҳиссаломнинг зурриётларидир. Шунинг учун ҳам, Иброҳим алайҳиссалом «Абул Анбиё» («Пайғамбарларнинг отаси») деб аталадилар. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни ихлосларига яраша, Аллоҳ йўлида тортган машаққатларига мос равишда мукофотлади. У кишига авлодлар сулоласини берди ҳамда Пайғамбарлик мартабасини ва илоҳий китоб тушишини уларга хос қилди. Шу билан бирга:

«Унга бу дунёда ажрини бердик».

Яъни, уни тақдирлаш фақат зурриёти орқали бўлмади. Балки унга шу дунёнинг ўзида ажри берилди. Энг муҳими:

«Албатта, у охиратда солиҳлардан бўлгай».

Ҳамма ҳавас қилса, арзигулик мукофот! Аллоҳ йўлидаги, иймон, дину диёнат йўлидаги синовларга сабр қилиш ана шундай улуғ натижалар беради.

Шундай сабр намуналаридан бирини қуйидаги оятларда ҳикоя қилинажак Лут алайҳиссалом қиссаларида ҳам кўраимиз:

وَلَوْطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ إِنَّكُمْ لَأْتُونَ الْفَاحِشَةَ مَا سَبَقَكُمْ بِهَا مِنْ
أَحَدٍ مِنَ الْعَالَمِينَ ﴿٧٨﴾

28. Ва Лутни (ҳам юбордик). Ўшанда у ўз қавмига: «Албатта, сиз ўзингиздан олдин ўтган оламлардан ҳеч ким қилмаган фоҳиша ишни қилмоқдасиз.

Яъни, биз Лутни ҳам Пайғамбар қилиб юбордик. Ўшанда у қавмига улар дунёда ҳеч ким содир этмаган фоҳиша ишни қилишаётганини айтди.

Бу фоҳиша иш нима экани ҳаммага маълум. Бу қавм жинсий бузуқликка берилган эди. Ушбу оятда мазкур бузуқликни Лут қавмидан олдин инсоният тарихида ҳеч ким қилмагани ҳам таъкидланмоқда. Кейинги оятда Лут алайҳиссалом мазкур фоҳиша ишни очиқ баён этадилар:

أَيُّكُمْ لَمَّا تَوَاتَرَ الرِّجَالُ وَتَقَطَّعُونَ السَّبِيلَ وَتَأْتُونَ فِي نَادِيكُمْ الْمُنْكَرَ
فَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِ إِلَّا أَنْ قَالُوا أَأَنْتَ بَعْدَ اللَّهِ إِنْ كُنْتَ مِنَ الصَّادِقِينَ ﴿١٦﴾

29. Сизлар эркакларга яқинлик қилиб, йўлни кесасизми ва йиғинларингизда мункар иш қилурмисиз?!» деди. Унинг қавмининг жавоби: «Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга Аллоҳнинг азобини келтир», дейишдан бошқа бўлмади.

Лут алайҳиссалом қавмга уларнинг хатолари нақадар катта эканини англатишда давом этиб:

«Сизлар эркакларга яқинлик қилиб, йўлни кесасизми ва йиғинларингизда мункар иш қилурмисиз?!» деди.

Лут қавмининг қилган фаҳш амали эр кишининг эр кишига шаҳват ила жинсий яқинлик қилишидан иборат эди. Пайғамбар Лут алайҳиссалом бу ерда ўша амални эслатмоқдалар. Оятдаги «йўлни кесасизми» ибораси бошқа маънодан олингандир. Аслида, «йўл кесиш» маъноси қароқчилик қилиш, одамларнинг йўлини тўсиб, озор бериш, молу мулкларини тортиб олиш маъноларини ифодалашда ишлатилади. Бу ерда эса, кишиларнинг йўлини тўсиб, фоҳиша ишга мажбур қилганларини англатиш учун ишлатилмоқда. Лут қавми бу ишга ўта мубтало бўлганидан, йўловчиларни тўсиб, зўрлаш даражасига бориб етган эдилар.

«...ва йиғинларингизда мункар иш қилурмисиз?!»

Лут қавми бу ишга муккаларидан кетганликларидан тўп-тўп бўлиб олиб, очиқчасига қилишар эди. Улар на ўзларидан, на бошқалардан уялишарди. Бу ишлари оддий фаҳш эмас, балки ўтакетган ёвузлик, инсонийлик доирасидан чиқиб кетишдир. Бундай даражага етган одамлар дарҳол тавба қилиб, ўзларини ўнгламасалар, оқибати ёмон бўлиши аниқ кўриниб қолган эди. Шунинг учун ҳам, Лут алайҳиссалом қавмларини юқоридаги гаплар билан бу йўлдан қайтишга даъват қилдилар. Хўш, қавм бу даъватга қандай жавоб берди?

«Унинг қавмининг жавоби: «Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга Аллоҳнинг азобини келтир», дейишдан бошқа бўлмади.»

Табиати бузилиб, ҳирсга берилган бу фоҳиша қавмга ўзларидан чиққан Пайғамбар Лут алайҳиссаломнинг даъвати заррача ҳам таъсир қилмади. Балки, туғёнга кетган қавм ўз Пайғамбарига истехзо билан, агар гапинг рост бўлса, бизга Аллоҳнинг азобини келтир, дейишди. Бу ҳол Лут алайҳиссалом учун катта синов эди. Шаҳвоний лаззатга берилган қавмнинг иймон ва дину диёнат билан ҳам, Аллоҳнинг амри ва Пайғамбарнинг даъвати билан ҳам ҳеч қандай иши йўқ эди. Улар қилаётган гуноҳлари учун азоб келишидан ҳам қўрқмай қўйган эдилар. Ана ўшанда Лут алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолога ёлворибдан бошқа чоралари қолмади.

قَالَ رَبِّ انصُرْنِي عَلَى الْقَوْمِ الْمُفْسِدِينَ ﴿٣٠﴾

30. У: «Эй Роббим, менга бузғунчи қавмларга қарши Ўзинг нусрат бер», деди.

Бу бузғунчи қавмга ҳеч қандай насиҳат, даъват фойда бермади. Энди, уларга қарши Аллоҳнинг Ўзи нусрат бермаса, бошқа илож йўқ эди.

Аллоҳ Лут алайҳиссаломнинг бу дуоларини қабул этди. Фоҳиша қавми ҳалок қилиш учун фаришталарни юборди. Ўша фаришталарга йўл-йўлакай Иброҳим алайҳиссаломга фарзанд кўришлари ҳақидаги башорат-хушхабарни етказиш ҳам топширилган эди. Шу мақсад ила улар аввал Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига келдилар.

وَلَمَّا جَاءَتْ رُسُلُنَا إِبْرَاهِيمَ بِالْبَشْرَى قَالُوا إِنَّا مُهْلِكُوا أَهْلَ هَذِهِ الْقَرْيَةِ إِنَّ أَهْلَهَا كَانُوا ظَالِمِينَ ﴿٣١﴾

31. Бизнинг элчиларимиз Иброҳимга хушхабарни келтиришганида: «Албатта, биз ушбу шаҳар аҳлини ҳалок қилгувчидирмиз. Албатта, унинг аҳли зулм қилгувчилардан бўлдилар», дедилар.

Иброҳим алайҳиссалом билан фаришталар орасида бўлиб ўтган суҳбат тафсилоти бошқа сураларда келган. Бу ерда эса, сиёққа мос жиҳатларигина келтирилади. Лут алайҳиссалом Аллоҳдан нусрат сўраб, дуо қилган эдилар. Ул зотнинг дуосини Аллоҳ таоло ижобат қилганини ушбу оятдан билмоқдамиз.

Фаришталар Иброҳим алайҳиссаломга:

«Албатта, биз ушбу шаҳар аҳлини ҳалок қилгувчидирмиз», дедилар.

Яъни, Лут қавми истиқомат қиладиган Садум шаҳрини ҳалок этамиз. Бунинг сабаби унинг аҳли зулм қилувчи бўлганларидир.

«Албатта, унинг аҳли зулм қилгувчилардан бўлдилар», дедилар.»

Ҳа, Аллоҳ йўллаган Пайғамбарнинг гапига кирмай, гуноҳ қилишда бардавом бўлишдан ҳам катта зулм борми ўзи?!

Жияни Лут яшаб турган шаҳарнинг ҳалок этилиши ҳақидаги хабарни эшитган Иброҳим алайҳиссалом дарҳол савол бердилар.

قَالَ إِنَّ فِيهَا لُوطًا قَالُوا نَحْنُ أَعْلَمُ بِمَنْ فِيهَا لَنَنْجِيَنَّهُ وَأَهْلَهُ إِلَّا أُمَّرَأَتَهُ
كَانَتْ مِنَ الْغَابِرِينَ

32. У: «Унда Лут бор-ку?!» деди. Улар: «Биз унда ким борлигини яхши билурмиз. Биз, албатта, унга ва унинг аҳлига нажот берурмиз. Магар, унинг хотини ҳалок бўлгувчилардан бўлгандир», дедилар.

Иброҳим алайҳиссалом бутунлай ҳалокатга учраши лозим бўлган шаҳарда Лут алайҳиссалом борлигини эслатиб, сизларга барибир-ми, ҳалок қилаверасизларми, деган маънода фаришталардан:

«Унда Лут бор-ку?!» деди.

Бу гапда савол аралаш эътироз бор эди. Фаришталар буни тўла тушунган ҳолда қониқарли жавоб бердилар:

«Улар: «Биз унда ким борлигини яхши билурмиз. Биз, албатта, унга ва унинг аҳлига нажот берурмиз», дедилар.

Яъни, ўша Садум шаҳрида ким борлигини яхши биламиз. Жумладан, Лут борлигини ҳам яхши биламиз. Эй Иброҳим, сен уни ўйлаб, безовта бўлма, биз, албатта, унга, яъни, Лутга ва унинг аҳлига, яъни, унга иймон келтирганларга ҳалокатдан нажот берамиз.

«Магар, унинг хотини ҳалок бўлгувчилардан бўлгандир», дедилар.»

Чунки, у хотин жинойтчи қавмнинг ёнини оларди, уларнинг жинойтларини инкор этмасди.

Иброҳим алайҳиссалом билан бўлган суҳбатдан сўнг фаришталар Лут алайҳиссалом томон жўнаб кетдилар.

وَلَمَّا أَنْ جَاءَتْ رُسُلُنَا لُوطًا سِمْءًا بِهِمْ وَضَاقَ بِهِمْ ذَرْعًا وَقَالُوا لَا تَخَفْ وَلَا تَحْزَنْ إِنَّا مُنْجِيُكَ وَأَهْلِكَ إِلَّا أُمَّرَأَتَكَ كَانَتْ مِنَ الْغَابِرِينَ

33. Элчиларимиз Лутга келишганида, у улар сабабли маҳзун бўлди ва келишларидан юраги сиқилди. Улар: «Сен хавфсирама ва маҳзун ҳам бўлма, албатта, биз сени ва аҳлингни қутқаргувчилармиз. Магар, хотининг ҳалок бўлгувчилардан бўлгандир.

Лут алайҳиссаломнинг Аллоҳ юборган фаришталарни кўриб хафа бўлишларига сабаб бор эди. Аввало, элчи-фаришталар навқирон, ҳуснли йигитлар қиёфасида келган эдилар. Қолаверса, Лут алайҳиссалом уларнинг элчи-фаришталар эканидан ҳали-ҳануз хабар топмаган эдилар. Бундай ёш ва чиройли меҳмон йигитларга жиноятчи қавм тажовуз қилиб, мезбон Лут алайҳиссаломни шарманда этишлари мумкин эди. Шу сабабли Лут алайҳиссалом уларни кўриб маҳзун бўлдилар ва юраклари сиқилди.

Бу ҳолни сезган фаришталар у зотга тасалли бериб:

«Сен хавфсирама ва маҳзун ҳам бўлма», дедилар.

Улар Лут алайҳиссаломни хотиржам этиб, нима иш қилишларини айтдилар.

«...албатта, биз сени ва аҳлингни қутқаргувчилармиз», дедилар.

Яъни, шаҳар аҳолисининг ҳаммасини ҳалок қиламиз, аммо сени ва сенинг аҳлингни ҳалокатдан қутқарамиз.

«Магар, хотининг ҳалок бўлгувчилардан бўлгандир», дедилар».

Яъни, у сенинг хотининг бўлса ҳам, ҳалок қиламиз.

Сўнгра фаришталар сўзларида давом этиб дедилар:

إِنَّمَنْزَلُونَا عَلَىٰ أَهْلِ هَذِهِ الْقَرْيَةِ رِجْزًا مِّنَ السَّمَاءِ بِمَا كَانُوا يَفْسُقُونَ ﴿٣٤﴾

34. Албатта, биз ушбу шаҳар аҳолиси бошига фосиқлик қилганлари туфайли, осмондан азоб туширгувчимиз», дедилар.

Аллоҳ таоло бу қавмни қилмишига яраша жазолади. Жаброил алайҳиссаломга буюриб, уларнинг юртини чаппасига тўнтартириб қўйди. Қавмнинг ҳар бирининг устидан ифлосланган тошлар ёғдирди.

Бу ҳолат барчага ибрат бўлмоғи лозим:

وَلَقَدْ تَرَكْنَا مِنْهَا آيَةً بَيِّنَةً لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿٣٥﴾

35. Батаҳқиқ, Биз ундан ақл юритгувчи қавмлар учун очиқ-ойдин оят-белгилар қолдирганмиз.

Лут қавмидан, улар яшаб ўтган диёрдан уларнинг жиноятлари оқибати нима билан тутаганини эслатиб турувчи нишоналар қолдирилгандир. Бу нишоналар ўша қавм ҳақидаги қисса, оят ва эсда-

ликлар бўлиши мумкин. Шунингдек, улар яшаб ўтган юртнинг қолдиқлари ҳам бўлиши мумкин. Ўлик денгиз ҳудудида Садум шаҳрининг қолдиқлари топилган, ҳозирда кўпчилик бориб кўрмоқда.

Энди, Шуайб алайҳиссаломнинг қиссалари келади:

وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا فَقَالَ يٰقَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ وَارْجُوا الْيَوْمَ الْآخِرَ وَلَا تَعْتَوْا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿٣٦﴾

36. Ва Мадянга биродарлари Шуайбни (юбордик). Бас, у: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг, охират кунидан умидвор бўлинг ва ер юзида бузғунчилик ила ҳаракат қилиб юрманг», деди.

«Мадян» Шуайб алайҳиссалом қавмидаги сувнинг номи бўлиб, кейинчалик юртлари ҳам шу ном билан аталиб қолган. Мадянликлар, аслида, араб бўлганлар. Уларнинг диёри Ақоба кўрфазидан Тури Сийногача чўзилган. Шуайб алайҳиссалом эса, Иброҳим алайҳиссаломнинг зурриётларидан чиққан араблардандирлар.

Вақти-соати келиб, Аллоҳ таоло Шуайб алайҳиссаломни ўз қавмларига Пайғамбар қилиб юборди. У киши қавмларини иймонга даъват этиб:

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг, охират кунидан умидвор бўлинг ва ер юзида бузғунчилик ила ҳаракат қилиб юрманг», деди».

Бу сўзлар Аллоҳнинг барча Пайғамбарлари келтирган даъват манбаи бир эканини кўрсатади. Уларнинг ҳаммалари қавмларини Аллоҳга ибодат қилишга ва охират кунидан умидвор бўлишга ундаганлар. Шунингдек, ер юзида бузғунчилик қилишдан қайтарганлар. Мана, ўша Пайғамбарлардан бири бўлмиш Шуайб алайҳиссалом ҳам қавмларига айни шу даъватлар ила хитоб қияптилар. Лекин қавм у кишининг даъватини қабул этмади.

فَكَذَّبُوهُ فَأَخَذَتْهُمُ الرَّجْفَةُ فَأَصْبَحُوا فِي دَارِهِمْ جِثْمِينَ ﴿٣٧﴾

37. Бас, уни ёлғончига чиқардилар. Шунда уларни бир силкиниш тутди ва диёрларида чўккалаб қолдилар.

Мадян аҳлининг қай тарзда ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабар тафсилоти бошқа сураларда ўтди. Аввал уларга қаттиқ ва даҳшатли овоз келиб, қалбларини ёриб юборди. Кейин кучли зилзила бўлиб, уларни тутдек тўкиб қўйди. Ҳаммалари турган жойларида чўккалаб

қолиб, ҳалок бўлдилар. Бу ҳалокат уларнинг қилган жинойтлари ва иймон йўлига юрмаганликларининг жазоси эди.

Бундан кейин Од ва Самуд қавмларининг ҳам ҳалок этилгани ҳақидаги хабар келади:

وَعَادًا وَثَمُودًا وَقَدْ بَيَّنَّا لَكُم مِّن مَّسْكَنِهِمْ وَاَزْوَاجَهُمْ
الشَّيْطَانُ أَعْمَلَهُمْ فَصَدَّهُمْ عَنِ السَّبِيلِ وَكَانُوا مُسْتَبْصِرِينَ ﴿٢٥﴾

38. Ва Од ва Самудни (ҳам ҳалок этдик). Батаҳқиқ, бу сизга уларнинг масканларидан аён бўлиб турибди. Шайтон уларга амалларини зийнатлаб кўрсатиб, уларни йўлдан тўсди. Ҳолбуки, улар кўриб-билиб тургувчи эдилар.

Маълумки, Од қабиласи Арабистон ярим оролининг жанубида Ҳазарамавтта яқин жойда яшаган. Уларни Аллоҳ таоло жинойтлари ва иймон йўлига юрмаганлари учун ўт-олов шамоли билан ҳалок этган.

Самуд қавми эса, Арабистон ярим оролининг шимол тарафидаги Водий ал-Қурога яқин жойларда яшаган. Аллоҳ таоло уларни қаттиқ қичқириқ юбориб ҳалок этган. Ҳам Од, ҳам Самуд қавмининг масканлари ушбу ҳалокатлардан эсдалик бўлиб қолган. Араблар ўтган-кетганларида ўша асарларни кўриб турар эдилар. Табиийки, бундан ибрат олишлари, мазкур қабилалар қилган хатони такрорламасликлари керак эди. Аммо бундай бўлмади. Шунинг учун ҳам, Қуръони Карим ушбу оятлар ила ўтган қавмларнинг ҳалокатини ёдларига солиб қўймоқда. Хўш, Од ва Самуд қабилаларининг ҳалок бўлишига сабаб нима эди?

«Шайтон уларга амалларини зийнатлаб кўрсатиб, уларни йўлдан тўсди.»

Демак, улар фикрлари, қилаётган амаллари билан ғурурга кетганлар. Биз тўғри йўлдамиз, қилаётган ишларимиз ҳақ, ундан бошқача бўлиши мумкин эмас, деган хаёлга борганлар. Ўз фикрлари, тузган қонун-қоидалари, қилаётган ишларига маҳдиё бўлиб, Аллоҳнинг йўлидан юрмасдан, ҳақни танишдан бош тортдилар. Шайтон уларга амалларини чиройли кўрсатиб, Аллоҳнинг ҳақ йўлидан тўсиб қўйди.

«Ҳолбуки, улар кўриб-билиб тургувчи эдилар.»

Уларда ақл-идрок бор эди. Ўша ақл-идрокларини ишга солиб, Аллоҳнинг йўли ҳақ эканини англаб етишлари мумкин эди. Аммо, хаёллари ва амаллари ила ғурурланиш уларни ҳалокат жари томон етаклади ва ҳалок бўлдилар. Барча замонлар Од ва Самуд қавмларидан ўрнак олсинлар. Хаёлларига келган йўлга эмас, Аллоҳнинг ҳақ

йўлига юрсинлар, акс ҳолда, худди Од ва Самудга ўхшаб, ҳалокатга дучор бўладилар.

Аллоҳ таолонинг йўлига юрмай, ҳалокатга учраган қавмларнинг хабаридан кейин такаббурлик ила ҳақдан бош тортган шахсларнинг баъзилари ҳақида сўз юритилади:

وَقَرُّوْا وَفِرْعَوْنَ وَهَمَانَ وَلَقَدْ جَاءَهُمْ مُوسَىٰ بِالْبَيِّنَاتِ فَاسْتَكْبَرُوا فِي الْأَرْضِ وَمَا كَانُوا سَابِقِينَ

39. Қорун, Фиръавн ва Ҳомонларни (ҳам ҳалок қилдик). **Батаҳқиқ, Мусо уларга очиқ-ойдин ҳужжатлар келтирди. Бас, улар ер юзида мутакаббирлик қилдилар ва қочиб қутулгувчи бўлмадилар.**

Ушбу ояти каримада номлари зикр этилган Қорун, Фиръавн ва Ҳомонлар молу мулклари, мансаблари билан тугёнга кетган, ер юзида ўзларини катта олиб, Аллоҳнинг йўлига юрмаган, бошқаларга зулм қилган шахслардир. Улар ер юзида кўфру тугён ила бузғунчилик қилиб, кишиларга зулм ўтказиб, Аллоҳни ва Унинг йўлини тан олмай, ҳокимият ва молу мулк воситасида одамларни ўзларига қул қилишга интилувчи подшоҳ ва мулкдорларнинг вакиллари дир. Улар бу дунёда ҳалокатга учрадилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло ушбу оятда хабар бериб:

«Қорун, Фиръавн ва Ҳомонларни (ҳам ҳалок қилдик)», демоқда.

Хўш, Аллоҳ таоло нима учун уларни ҳалок қилди? Бирор сабаби борми? Ёки ҳукмдор ва мулк эгаси бўлганлари учунгина ҳалок қилдими? Йўқ, фақат ҳукм ёки молу мулк эгаси бўлишлик ҳалокатга олиб келавермайди. Ҳукмдор бўла туриб ҳам, Аллоҳга яқин ва суюкли банда бўлиш мумкин. Молу дунёга соҳиблик қила туриб ҳам, Аллоҳга яқин ва суюкли банда бўлиш мумкин. Гап бошқа томонда.

«Батаҳқиқ, Мусо уларга очиқ-ойдин ҳужжатлар келтирди.»

Аллоҳнинг Пайғамбари Мусо алайҳиссалом Фиръавн, Ҳомон ва Қорунларга Аллоҳнинг ягоналигига, барча Унга ибодат қилиши лозимлигига очиқ-ойдин ҳужжатлар келтирди. Ана шунда улар иймон келтириб, Аллоҳнинг йўлида юришлари керак эди. Аммо улар бундай қилмадилар.

«Бас, улар ер юзида мутакаббирлик қилдилар.»

Илоҳий кўрсатмаларга бўйсунидан бош тортдилар. Ўзларига берилган салтанатни, молу дунёни илоҳий динга қарши қўладилар. Кишиларни ўз хоҳишларига бўйсундиришга ҳаракат қилдилар. Ўзларини юқори тутдилар. Аммо уларнинг ўйлагани бўлмади.

«...ва қочиб қутулгувчи бўлмадилар.»

Аллоҳнинг азобига дучор бўлдилар. Қочиб қаёққа ҳам борар эдилар.

Энди, улардан кейин келадиган ҳукмдорлар ва молу дунё соҳиблари ибрат олсинлар, уларнинг хатоларини такрорламасинлар. Аллоҳнинг Пайғамбарларининг гапига кириб, илоҳий йўлга юрсинлар, ер юзида мутакаббирлик қилмасинлар, бандалик бурчини адо этсинлар.

Чунки, ҳукм, молу мулк, куч-қувват ва бошқа имкониятлар Аллоҳнинг азобидан сақлаб қололмайди. Аллоҳнинг йўлига юрмаганлар барибир ҳалокатга учрайдилар.

فَكَلَّا أَخَذْنَا بِذُنُوبِهِمْ فَمِنْهُمْ مَّنْ أَرْسَلْنَا عَلَيْهِ حَاصِبًا وَمِنْهُمْ مَّنْ أَخَذَتْهُ الصَّيْحَةُ
وَمِنْهُمْ مَّنْ خَسَفْنَا بِهِ الْأَرْضَ وَمِنْهُمْ مَّنْ أَغْرَقْنَا وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُظْلِمَهُمْ
وَلَكِنْ كَانُوا أَنْفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ

40. Улардан ҳар бирини гуноҳи туфайли тутдик. Бас, улардан баъзилари устига тош ёғдирдик, баъзиларини қичқириқ ушлади, баъзиларини ерга юттирдик ва баъзиларини ғарқ қилдик. Аллоҳ уларга зулм этгувчи бўлмади, лекин улар ўзларига зулм этдилар.

Куфр ва туғён туфайли иймон ва илоҳий таълимотлардан четланганларнинг ҳаммаси, хоҳ жамоатлар бўлсин, хоҳ якка шахслар, қилган гуноҳлари туфайли Аллоҳ таолонинг иқобига йўлиқдилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло:

«Улардан ҳар бирини гуноҳи туфайли тутдик», деб хабар бермоқда.

Сўнгра, ўша гуноҳкорларга юборилган азоблардан намуналар келтирмоқда.

«Бас, улардан баъзилари устига тош ёғдирдик.»

Од қавмига шундай азоб юборилган. Қаттиқ оловли шамол эсиб, тошларни учириб келиб, уларни ҳалок қилган.

«Баъзиларини қичқириқ ушлади.»

Самуд қавмига даҳшатли қичқириқ овози келган, ундан қўрқиб, юраклари ёрилиб, тутдек тўкилганлар.

«Баъзиларини ерга юттирдик.»

Мисол учун, Қорунни ҳовлиси, уй-жойлари, бойликлари билан қўшиб, ер ютиб кетган.

«...ва баъзиларини ғарқ қилдик.»

Фиръавн ва унинг лашкарлари сувга ғарқ бўлганлар.

Булар баъзи мисоллар, холос. Лекин дунё тарихига назар солинадиган бўлса, ҳар бир гуноҳкор, кофир, мунофиқ, туғёнга кетган, Аллоҳнинг айтганига юрмаган қавм ёки шахслар шу дунёнинг ўзидаёқ у ёки бу ҳалокатга дучор бўлганлар. Қиёмат куни эса, уларнинг энг буюк жазога тортилишлари ҳам турган гап. Уларнинг бундай оқибатларга йўлиқишларига ўзлари сабабчидирлар.

«Аллоҳ уларга зулм этгувчи бўлмади, лекин улар ўзларига зулм этдилар.»

Бу ишларда Аллоҳ заррача зулм қилгани йўқ. У зот кофир ва мунофиқларни ҳам, туғёнга кетиб, ҳаддидан ошганларни ҳам йўқдан бор қилди. Уларга ҳаёт, ризқу рўз, ақл-идрок ва бошқа барча керакли нарсаларни ато этди. Шу неъматлар учун ҳам улар бир умр Аллоҳга шукр қилишлари, ибодат этишлари лозим эди. Аммо Аллоҳ у неъматлари билан чекланмай, яна уларга Пайғамбар юборди, ўз таълимотларини жорий қилиб, икки дунё саодатига эришиш йўлини кўрсатди. Кофир ва мунофиқлар эса, мутакаббирлик қилиб, Парвардигорларини танишдан, Унинг ҳақ йўлига юришдан бош тортдилар. Баъзилари ўзларини Аллоҳнинг ўрнига қўйиб, кишиларни ўз фикрига, тузумига юришга мажбур қилдилар, ҳавойи нафсларининг хоҳишлари ила ҳаёт кечиришга ўтдилар. Бу билан эса, ўзларига ўзлари зулм қилдилар. Оқибатда, икки дунёнинг азоб-уқубатига гирифтор бўлдилар.

Келгуси оятда Аллоҳ таолонинг йўлидан бошқа йўлга юрганларнинг мисоли келтирилади:

مَثَلُ الَّذِينَ أَخَذُوا مِنَ دُونِ اللَّهِ أَوْلِيَاءَ كَمَثَلِ الْعَنكَبُوتِ اتَّخَذَتْ
يَتًا وَإِنَّ أَوْهَنَ الْبُيُوتِ لَبَيْتُ الْعَنكَبُوتِ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿٤١﴾

41. Аллоҳни қўйиб, ўзга дўстлар тутганларнинг мисоли ўзига уй тутган ўргимчакка ўхшайдир. Ҳолбуки, энг заиф уй ўргимчакнинг уясидир. Кошки, билсалар эди.

Илоҳий таълимотларни қўйиб, ўзгача йўл танлаган, тузум қурган, қонун-қоидалар ўйлаб чиққан қавмларнинг ва уларнинг йўриғига юрганларнинг ҳоли ушбу ояти каримада жонли мисол билан кўрсатиб берилмоқда.

«Аллоҳни қўйиб, ўзга дўстлар тутганларнинг мисоли ўзига уй тутган ўргимчакка ўхшайдир.»

Ўргимчак уйи қандай бўлишини ҳамма билади. Ўша заиф толардан тўқилган тўр ҳам «уй» деб номланади. Лекин номигагина уй.

«Ҳолбуки, энг заиф уй ўргимчакнинг уясидир.»

Ҳеч нарсага дош бера олмайди. Ҳеч нарсага арзимаиди.

«Кошки, билсалар эди.»

Аллоҳдан ўзганинг йўлини тутганлар, унинг уйдан ўзга уйда яшашни ихтиёр қилганлар, кошки, ўзларининг ўргимчак уясида яшашни ихтиёр қилаётганларини билсалар эди. Уларнинг тузган тузумлари худди ўргимчак уясига ўхшаб ўта нимжон эканини билсалар эди. Такаббурликлари туфайли, Аллоҳ қуриб берган улуғвор қасрни инкор этиб, ўргимчак уясида яшашни ихтиёр қилаётганларини билсалар эди. Бу ҳақиқатни биладиларми, билмайдиларми — уларга фарқи йўқ. Аммо:

إِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ مِنْ شَيْءٍ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٤٢﴾

42. Албатта, Аллоҳ улар Ўзидан бошқа нима нарсага дуо қилаётганларини яхши биладир. Ва У азиз ва ҳакийм зотдир.

Ҳа, Аллоҳ таоло ҳар бир одамнинг кимга, нимага илтижо қилаётганини, сиғинаётганини, қайси кўрсатмага биноан иш юритаётганини яхши билади. Аллоҳдан бошқанинг йўлига юрган одам, у қандай йўл бўлишидан қатъиназар, ўргимчак уясидек энг нимжон, энг бефойда, энг нотўғри йўлга юрган бўлади.

«Ва У азиз ва ҳакийм зотдир.»

Ҳа, Аллоҳ таолонинг Ўзигина азиз, барчанинг устидан ғолиб зотдир. Ҳа, Аллоҳ таолонинг Ўзигина ҳакийм, ҳар бир ишни ҳикмат билан қилгувчи, жумладан, кишилар ҳаётида керак бўладиган таълимотларни ҳам ҳикмат ила жорий этгучи зотдир.

وَتِلْكَ الْأَمْثَلُ نَضْرِبُهَا لِلنَّاسِ وَمَا يَعْقِلُهَا إِلَّا الْعَالِمُونَ ﴿٤٣﴾

43. Ушбу мисолларни Биз одамлар учун келтирурмиз. Лекин уларга олимлардан ўзгаларнинг ақллари етмас.

Ҳа, Аллоҳ таоло келтираётган мисолларни ақли кишиларгина тўла тушуниб етадилар. Ундан ўзларига ибрат оладилар. Ақлсизлар эса, бу мисолларни тушуниш ўрнига Макка мушриклари каби: «Муҳаммаднинг Робби пашша ва ўргимчакни гапириб юрибди», деб масхара қилдилар. Аслида, ушбу мисолларни келтирган зот —

خَلَقَ اللَّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٤﴾

44. Аллоҳ осмонлар ва ерни ҳақ ила яратгандир. Албатта, бунда мўминлар учун оят-белги бордир.

Ўша пашша ва ўргимчакни мисол келтираётган зот ҳам Аллоҳ таоло, осмонлару ерни ҳақ ила яратган зот ҳам Аллоҳ таолодир. Унисини ҳам, бунисини ҳам иймон ила тадаббур қилган инсон ўзи учун кўп оят-белгилар топади.

Кейинги оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли берилиб, кофирларнинг мавқифларига – ўзларини тутишларига парво қилмасдан, Аллоҳнинг айтганларини собитқадамлик билан адо этаверишга чорланади:

أَتْلُ مَا أُوحِيَ إِلَيْكَ مِنَ الْكِتَابِ وَأَقِمِ الصَّلَاةَ إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَى عَنِ
الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَلَذِكْرُ اللَّهِ أَكْبَرُ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَصْنَعُونَ ﴿٥٣﴾

45. Сенга китобдан ваҳий қилинган нарсани тиловат қил ва намозни тўкис адо эт, албатта, намоз фоҳиша ва мункар ишлардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри буюк ишдир. Аллоҳ нима қилсангиз, билур.

Эй Пайғамбар:

«Сенга китобдан ваҳий қилинган нарсани тиловат қил».

Қуръонни тиловат қилиб, кишиларга етказиш Ислом даъватининг асосий омилидир. Ушбу илоҳий китоб маъноларини кишиларга етказиш, унинг таълимотларига амал қилишга чақириш даъватчининг асосий иши бўлмоғи лозим.

«...ва намозни тўкис адо эт.»

Биз «намозни тўкис адо эт» деб таржима қилган жумлани тўғридан-тўғри, сўзма-сўз ўзбекчага ағдарадиган бўлсак, «намозни тик турғиз» бўлиб чиқади. Демак, намозни ўқиш билан намозни тик турғизиш, яъни, тўкис адо этиш орасида фарқ бор. Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга, намоз ўқи, деб эмас, намозни тўкис адо эт, деб хитоб қилмоқда. Ҳа, тўкис адо қилинганда:

«Албатта, намоз фоҳиша ва мункар ишлардан қайтарур».

Мана шу нуқтадан кимнинг намози ҳақиқий, кимники сохта эканини билиб оламиз. Намозни ҳамма ҳам ўқийверади, лекин намозхон фоҳиша ва мункар ишлардан қайтмаса, унинг ўқиган намози ҳақиқий бўлмайди. Қачонки намозхон намозни тўкис адо қилса, фоҳиша ва мункар ишлардан қайтади.

Имом ибн Жарир Тобарий Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким

бир намоз ўқиса-ю, намози уни фоҳиша ва мункар ишлардан қайтармаса, у кишининг ўз намози ила Аллоҳдан узоқ бўлиши зиёда бўлади, холос», деганлар.

Чунки, намоз Аллоҳнинг зикридир.

«Албатта, Аллоҳнинг зикри буюк ишдир.»

Дунёда Аллоҳни зикр этишдан буюкроқ амал йўқдир. Ушбу буюк ишни тарк этган одам ҳар қандай жазога лойиқдир. Бундай буюк ишни тўқис адо этмаган одам Аллоҳдан узоқлашмай, ким узоқлашсин?!

«Аллоҳ нима қилсангиз, билур.»

Жумладан, намозни тўла-тўқис адо этсангиз ҳам, билур, чала-ноқис ўқисангиз ҳам, билур. Ундан ҳеч бир иш махфий бўлиб қолмас.

Ушбу ишда ҳам иймон синови, ҳақиқий мўминни мунофиқдан ажратиш омили яққол кўриниб турибди. Ҳақиқий мўмин синовларга бардош бериб, намозини тўқис адо қилади. Мунофиқ эса, намозда номига ўтириб-туради, холос.

Иймон аҳли китоблар билан бўлган алоқада ҳам синалади. Бу масалада алоҳида ёндашув, эҳтиёткорлик керак бўлади. Чунки, аҳли китобларда мусулмонларга ўхшаш белгилар учрайди. Улар ҳам Аллоҳга, Пайғамбарга, илоҳий китобга, қиёмат кунига ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларга иймон келтиришларини даъво қиладилар. Улар ҳам Аллоҳга ибодат қилишларини айтадилар. Албатта, улар билан бўладиган алоқа ўзига хос тайёргарликни тақозо этади. Энди келажак оятларда Аллоҳ таоло мусулмонларга аҳли китоблар билан қандай муомала қилишни ўргатади:

﴿وَلَا تَجِدُوا أَهْلَ الْكِتَابِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ وَقُولُوا آمَنَّا بِالَّذِي أُنزِلَ إِلَيْنَا وَأُنزِلَ إِلَيْكُمْ وَإِلَهُنَا وَإِلَهُكُمْ وَوَحْدُنَا لَهُمُ الْمُسْلِمُونَ﴾

46. Сизлар аҳли китобларнинг зулм қилганларидан бошқалари билан фақат яхши услубда мужодала этинглар ва уларга: «Биз ўзимизга нозил қилинган ва сизга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик, бизнинг илоҳимиз ва сизнинг илоҳингиз бирдир ва биз Унга бўйсунгувчимиз», денглар.

Ушбу оятда зулм қилмаган аҳли китоблар билан яхши, гўзал услубда баҳслашишга амр этилмоқда. Аввало, зулм қилган аҳли китоблар ким эканини ажратиш олайлик. Аҳли китобларнинг зулм қилганлари хоҳ яҳудий, хоҳ насроний бўлсин, ўзларига келган илоҳий таълимотларни бузиб, Аллоҳга ширк келтирган, соф ақийдани ўзгар-

тирганлардир. Демак, улар билан яхши услубда баҳслашишга ўрин йўқ, чунки улар зolimлардир.

Аmmo ўзларига келган илоҳий таълимотларни бузмай, қандай бўлса, ўшандай эътиқод ва амал билан келаётганларга нисбатан яхши услуб ила муомала қилинади.

«...ва уларга: «Биз ўзимизга нозил қилинган ва сизга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик...» дейилади.

Ҳа, мусулмонлар, аввало, Аллоҳ таоло томонидан ўзларига нозил қилинган Қуръонга иймон келтирадилар. Шу билан бирга, ўзларидан олдин аҳли китобларга Аллоҳ нозил этган Забур, Таврот ва Инжил каби илоҳий китобларга ҳам иймон келтирадилар. Чунки, Қуръони Карим шунга амр этган. Чунки, Аллоҳ таолонинг Ўзи шунга буюрган.

Ҳамма самовий китобларни Аллоҳ таоло нозил қилган. Уларнинг барчасига баробар иймон келтириш ҳар бир мусулмон иймонининг ажралмас қисмидир. Агар бир инсон Қуръонга ва бошқа китобларга иймон келтира туриб, бирортасини инкор этса, мўмин-мусулмон ҳисобланмайди.

«...бизнинг илоҳимиз ва сизнинг илоҳингиз бирдир...»

Дарҳақиқат, аҳли забурга Забурни нозил қилган зот ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи. Яҳудийларга Тавротни нозил қилган зот ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи. Насороларга Инжилни нозил қилган зот ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи. Мусулмонларга Қуръонни нозил қилган зот ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи. Хуллас, барча илоҳий китобларни нозил қилган Зот бир. Демак, уларнинг барчаларининг илоҳлари бирдир.

«...ва биз Унга бўйсунувчимиз», денглар.»

Яъни, биз ўша ягона Илоҳга таслим бўлган мусулмонлармиз. Аслида, қайси илоҳий китобга, қайси Пайғамбарга иймон келтирса ҳам, Аллоҳга таслим бўлган банда мусулмон бўлади. Агарки, Китоби ўзгартирилмаган, эътиқоди бузилмаган бўлса. Демак, уларнинг ораларида уриш-жанжал, талашиб-тортишишга ўрин йўқ.

Чунки, Аллоҳ таоло қадимдан бирин-кетин китоблар нозил қилиб, инсониятни тарбиялаб келмоқда. Бир китобни нозил этиб, у билан маълум муддат кишиларни тарбиялаб, у китобга қўйилган — юклатилган вазифа адо қилинган, ўрнига бошқа янги китоб тушириб, олдингисини амалдан қолдириб келди.

وَكَذَلِكَ أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ فَالَّذِينَ ءَأْتَيْنَهُمُ الْكِتَابَ يُؤْمِنُونَ بِهِ وَمِنْ هَؤُلَاءِ مَنْ يُؤْمِنُ بِهِ وَمَا يَجْحَدُ بِآيَاتِنَا إِلَّا الْكَافِرُونَ

47. Ана шундай қилиб, сенга ҳам китоб нозил қилдик. Бас, Биз китоб берган кимсалар унга иймон келтирурлар. Анавилардан ҳам унга иймон келтирадиганлари бор. Бизнинг оятларимизни фақат кофирларгина инкор этурлар.

Ушбу оят Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилгандир. Аллоҳ таоло у зотга:

«Ана шундай қилиб, сенга ҳам китоб нозил қилдик», демоқда.

Яъни, аввалдан бирин-кетин китоб нозил қилиб келганимиздек, сенга ҳам Қуръонни нозил этдик. Сен Биз юборган Пайғамбарлар силсиласининг давомисан. Қуръон Биз нозил қилган китоблар силсиласининг давоми.

«Бас, Биз китоб берган кимсалар унга иймон келтирурлар.»

Яъни, олдин китоб берилган аҳли китоблар Қуръонга иймон келтирурлар. Бу уларнинг бурчи. Ўзларининг китобида ҳам шунга буюрилганлар. Қуръон келганидан кейин бошқа китоблар амалдан қолади. Ҳамма Қуръонга иймон келтириши, эргашиши лозим бўлади.

«Анавилардан ҳам унга иймон келтирадиганлари бор.»

«Анавилардан» мурод араб мушрикларидир.

«Бизнинг оятларимизни фақат кофирларгина инкор этурлар.»

Демак, Қуръон оятларини ким инкор этса, ким уларга иймон келтирмаса, ўша кофирдир. Хоҳ у аҳли китобдан бўлсин, хоҳ мушриклардан бўлсин, хоҳ бошқа тоифадан бўлсин.

Баъзи бир устомон аҳли китоблар ҳозирда аввалги оят маъноси билан содда мусулмонларнинг бошини айлантирмоқдалар. Мана, Қуръонда сизлар билан бизни тенг дейилган, Илоҳимиз бир, фарқи йўқ, келинлар, Инжил ўқинлар, черковга киришлар, деб йўлдан урмоқдалар. Кейинги оят эса, айтилмай қолиб кетмоқда. Мусулмонлар Қуръондан узоқлашганда ана шундай мусийбатлар келиб чиқади. Ислом келди, бошқа барча динлар ботил бўлди. Қуръон келди, бошқа барча китоблар насх бўлди. Ушбу ҳақиқатни ҳамма яхши билмоғи даркор.

Кейинги оятда Қуръон ҳақиқий илоҳий китоб эканига ақлий далил келтирилади:

Эй Пайғамбар!

وَمَا كُنْتُمْ تَتْلُوا مِنْ قَبْلِهِ مِنْ كِتَابٍ وَلَا تَخُطُّهُ يَمِينِكُمْ إِذَا لَارْتَابَ الْمُبْطِلُونَ

48. Ундан олдин ҳеч бир китобни тиловат қилмас эдинг ва қўлинг билан хат ёзмас эдинг. Агар шундай бўлганида, ботил аҳллари шубҳага тушган бўлур эдилар.

Яъни, эй Муҳаммад, сен Қуръондан олдин бирор китобни тиловат қилмас эдинг. Чунки, ўқишни — тиловат қилишни билмас эдинг. Буни ҳамма яхши билади. Сен уларнинг ичида ўсгансан. Сенинг ҳаётингнинг ҳар бир лаҳзасини улар яхши биладилар. Шунингдек:

«...қўлинг билан хат ёзмас эдинг».

Чунки, ёзишни ҳам ўрганмаган эдинг. Буни ҳам ҳамма яхши билади. Ўқиш ва ёзишни ўрганмаган одам Қуръондек мўъжиза китобни қирқ ёшдан кейин бирдан тиловат қилиб, кишиларга етказа бошлаши бунинг оддий иш эмаслигига ёрқин далилдир. Чунки, Қуръондаги таълимотлар, ундаги маълумотлар инсон тўқиб айтадиган жўн гаплар эмас. У китоб ўқиш ва ёзишни билмаган инсон томонидан тиловат қилиниши эса, унинг илоҳий эканига ҳеч шубҳа қолдирмайди. Ҳа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўқиш ва ёзишни ўрганмаганлари у киши учун ҳам зийнат, ҳам мўъжизадир.

«Агар шундай бўлганида...»

Яъни, ўқиш ва ёзишни ўрганган бўлганларида:

«...ботил аҳллари шубҳага тушган бўлур эдилар».

Бу ўқиш-ёзишни билади, бирор китобдан ўқигандир, бирор устоздан ёзиб олгандир, деб Қуръоннинг илоҳий китоб эканлиги ҳақида шубҳага тушган бўлар эдилар.

Қуръон инсон томонидан яратилиши мумкинми?

بَلْ هُوَ آيَاتٌ يَبَيِّنُ فِي صُدُورِ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ وَمَا يَحْكُدُ بَيْنَنَا إِلَّا الظَّالِمُونَ

49. Йўқ! У(Қуръон) илм берилганлар кўксигадаги очиқ-ойдин оятлардир. Бизнинг оятларимизни фақат золимларгина инкор қилур.

Қуръон инсон томонидан тўқиб ёзилган китоб бўлиши мумкинми?

«Йўқ!»

Қуръон инсон томонидан тўқиб ёзилган китоб бўлиши мумкин эмас.

Қуръон илм берилганларнинг — мўмин-муслмонларнинг қалбларига жо бўлган очиқ-ойдин оятлардир. Ҳа, бу китобнинг оятлари очиқ-ойдин илоҳий оятлар эканини англаб етиш учун илм берилган шахс бўлиш керак. Илм берилмаган жоҳиллар буни англаб етишлари қийин.

«Бизнинг оятларимизни фақат золимларгина инкор қилур.»

Илоҳий ҳақиқатдан чекиниб, ботилга эргашганлар золим бўлмай, ким золим бўлсин. Фақат золим бўлганларгина, оқни қора, қорани оқ дейдиганларгина Қуръон оятларини – Аллоҳ таолонинг сўзларини инкор қилиши мумкин.

Бу улкан ҳақиқат қаршисида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга душман бўлган кофирлар ҳам лол эдилар. Улар шунинг учун ҳам бошқа томондан эътироз билдиришга ўтдилар.

وَقَالُوا لَوْلَا أُنزِلَ عَلَيْهِ آيَاتٌ مِّن رَّبِّهِ قُلْ إِنَّمَا الْآيَاتُ عِنْدَ اللَّهِ وَإِنَّمَا أَنَا نَذِيرٌ



50. Ва улар: «Унга Роббидан мўъжизалар нозил қилинса эди», дедилар. Сен: «Мўъжизалар ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Мен эса, фақат очиқ-ойдин огоҳлантиргувчиман, холос», дегин.

Кофирлар хаёлига нима келса, гапираверади. Улар Муҳаммадга Роббидан оят-мўъжизалар тушса эди, демоқдалар. Ҳа,

«Ва улар: «Унга Роббидан мўъжизалар нозил қилинса эди», дедилар».


Аммо мўъжиза кўрсатиш Муҳаммад алайҳиссалоту вассаломнинг ишлари эмас.

Эй Пайғамбар!

«Сен: «Мўъжизалар ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Мен эса, фақат очиқ-ойдин огоҳлантиргувчиман, холос», дегин.»

Ҳа, мўъжизалар фақат Аллоҳ таолонинг ҳузуридан келади. Уларнинг тасарруфини ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи қилади. Қачон керак бўлса, ўшанда туширади. Кимга керак бўлса, ўшанга туширади. Қанча керак бўлса, шунча туширади. Пайғамбар эса, очиқ-ойдин огоҳлантирувчи, холос. Унга Робби кишиларни огоҳлантиришни топширган, у шу топшириқни бажаради, холос. Аслида, уларга мўъжизалар нозил қилинишининг ҳожати ҳам йўқ.

أَوَلَمْ يَكْفِهِمْ أَنَّا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ يُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُ فِي ذَٰلِكَ لَرَحْمَةٍ



51. Уларга Бизнинг сенга ўзлари учун тиловат қилинаётган ушбу китобни нозил этганимиз кифоя қилмасми?! Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун раҳмат ва эслатма бордир.

Нима учун улар мўъжиза тушишини талаб қилишади? Ҳолбуки, қаршиларида мўъжизаларнинг мўъжизаси, абадий, боқий мўъжиза — Қуръон турибди-ку! Бундан ортиқ яна қандай мўъжиза керак?! «Уларга Бизнинг сенга ўзлари учун тиловат қилинаётган ушбу китобни нозил этганимиз кифоя қилмасми?!»

Кифоя қилиши керак. Ахир, Қуръоннинг ҳар бир ояти ўзига хос мўъжиза-ку. Қуръон туфайли улар Аллоҳ таоло билан бевосита алоқада бўладилар-ку!

«Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун раҳмат ва эслатма бордир.»

Ҳа, Қуръони Каримдаги раҳматдан баҳраманд бўлиш учун кишида иймон бўлиши керак.

Ҳа, Қуръони Каримдаги барча ваъз-насиҳатлардан эслатма олиш учун кишида иймон бўлиши керак. Иймонсизлар олдларида улкан мўъжиза турса ҳам, «унга Роббидан мўъжизалар тушса эди», деб юраверадилар.

Эй Муҳаммад, ундай кишиларга:

قُلْ كَفَىٰ بِاللَّهِ بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ شَهِيدًا ۗ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ ۗ
وَالَّذِينَ ءَامَنُوا بِالْبَاطِلِ وَكَفَرُوا بِاللَّهِ اُولٰٓئِكَ هُمُ الْخٰسِرُونَ ﴿٥٢﴾

52. Сен: «Мен билан сизнинг орамизда гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир. У осмонлару ердаги нарсани билур. Ботилга иймон келтириб, Аллоҳга куфр келтирганлар, ана ўшалар ўзлари зиён кўргувчилардир», деб айт.

Эй Муҳаммад, кофирлар билан тортишиб ўтирма, уларга инкор қилиб бўлмайдиган гувоҳ келтир. Улар билан ораларингизда мени гувоҳ қил. Уларга:

«Мен билан сизнинг орамизда гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир», деб айт.

Кимнинг қанақа эканига Аллоҳнинг Ўзи гувоҳлик беради. Менинг У зот томонидан Пайғамбар этиб юборилганимга ҳам, менга Қуръон нозил этилганига ҳам Аллоҳнинг Ўзи гувоҳлик беради. Сизнинг кофир — аҳли ботил эканингизга ҳам Аллоҳнинг Ўзи гувоҳлик беради. Чунки:

«У осмонлару ердаги нарсани билур».

Осмонлару ерда У билмайдиган нарса йўқ. Шу жумладан, менинг кимлигимни ҳам, сизнинг кимлигингизни ҳам яхши билади. Эй кофирлар, билиб қўйингки:

«Ботилга иймон келтириб, Аллоҳга куфр келтирганлар, ана ўшалар ўзлари зиён кўргувчилардир».

Бошқалар эмас. Улар ҳар тарафлама зиён кўрадилар. Аввало, бу дунёда зиён кўрадилар. Қолаверса, у дунёда ҳам зиён кўрадилар. Шунингдек, ҳаммага ҳам маълум ва машҳурдирки, ботилга эргашиб, Аллоҳга куфр келтириш ҳеч қачон, ҳеч кимга заррача фойда келтирмаган.

وَسْتَغْلِبُونَكَ بِالْعَذَابِ وَلَوْلَا أَجَلٌ مُّسَمًّى لَّجَاءَ هُرَّ الْعَذَابِ وَلِيَأْتِنِيهِمْ بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٥٣﴾

53. Улар сендан азобни тезлаштиришни талаб қилурлар. Агар белгиланган ажал бўлмаганида, уларга, албатта, азоб келган бўлур эди. Албатта, уларга у тўсатдан, улар сезмаган ҳолда келур.

Эй Муҳаммад, кофирлар сендан ўзларига ваъда қилинаётган азобни тезроқ келтиришни талаб этмоқдалар. Улар бу билан Пайғамбар соллалоху алайҳи васалламни ожиз қолдирмоқчи, мот қилмоқчи бўлдилар. Шу билан бирга, кўринадики, азобнинг келмай туришида ҳикматлар борлигини англамаяптилар. Аллоҳ таоло беҳикмат иш қилмайди. Кофирларга ваъда қилган азобни тезлатмаганлигида ҳам бир қанча ҳикматлар бор.

Гоҳида, бу ҳикмат кофирларни вақтинча тек қўйиб, куфр ва тувёнга муккаларидан кетган пайтларида олишида зоҳир бўлади.

Гоҳида, бунда мўминларни синаш – имтиҳон қилиш ҳикмати бўлади. Бу синовдан ўтсалар, иймонлари яна ҳам мустаҳкам бўлади. Бундай синовларга дош бера олмайдиганлар эса, ўз-ўзидан сафдан чиқадилар.

Гоҳида, азобнинг келмай туришида кофир ва мушриклардан баъзиларининг иймонга келишига ёки улардан мўмин фарзандлар туғилишига муҳлат бериш ҳикмати бўлади. Шу ва шунга ўхшаш ҳикматларни кофирлар англаб етмайдилар ва:

«Улар сендан азобни тезлаштиришни талаб қилурлар».

Улар талаб қилмасалар ҳам, азоб келади.

«Агар белгиланган ажал бўлмаганида, уларга, албатта, азоб келган бўлур эди.»

Лекин Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг, шу жумладан, кофирларга келадиган азобнинг ажали – муддатини ҳам аввалдан белгилаб қўйгандир. Ўша муддат етганида, азоб ҳам келади. Азобнинг талаб қилинган заҳоти келмаслиги, унинг умуман келмаслигидан дарак эмас.

«Албатта, уларга у тўсатдан, улар сезмаган ҳолда келур».

Қандай келганини билмай, ғафлатда қоладилар.

يَسْتَعْجِلُونَكَ بِالْعَذَابِ وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَمُحِيطَةٌ بِالْكَافِرِينَ ﴿٥٤﴾

54. Улар сендан азобни тезлаштиришни талаб қилурлар. Ҳолбуки, жаҳаннам, ҳеч шубҳасиз, кофирларни ўраб тургувчидир.

Кофирларнинг ҳолати қизиқ. Улар Пайғамбарлардан азобни тезлаштиришни талаб қиладилар. Лекин ўзларини азоб тўла жаҳаннам қуршаб турганини билмайдилар. Кофирликнинг ўзи азоб. Кофир одам жаҳаннам азобига гирифтор бўлишига заррача шубҳа йўқ. Яна улар азобни тезлатишни ҳам талаб қиладилар. Улар шошилмасалар ҳам, ба-рибир, азобга гирифтор бўлишлари аниқ. Шубҳасиз, бир кун келадики:

يَوْمَ يَغْشَاهُمْ الْعَذَابُ مِنْ فَوْقِهِمْ وَمِنْ تَحْتِ أَرْجُلِهِمْ وَيَقُولُ ذُقُوا مَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ

55. У кунда азоб уларни устларидан ва оёқлари остидан ўраб олур ва У зот: «Қилиб юрган амалларингиз(жазоси)ни тотинг!» деб айтур.

Кофирлар интизор бўлаётган азоб қиёмат куни келади.

«У кунда азоб уларни устларидан ва оёқлари остидан ўраб олур.»

Ҳамма томонларидан ёпирилиб келади. Азоб келмаган томон қолмайди. Ана шунда уларга:

«У зот: «Қилиб юрган амалларингиз(жазоси)ни тотинг!» деб айтур».

Бу жазо бўлишида ҳеч шубҳа йўқ, муҳаққақ жазодир. Кофирлар шошилмай тураверсинлар. Улар куфрлари учун, мўмин-мусулмон бандаларга озор, азоб ва иқоб берганлари боис, Аллоҳ томонидан жазоланишлари турган гап.

Кофирларнинг чексиз озор, азоб, қийноқларига сабр қилиб, иймонларида собит турган мўмин-мусулмонларга эса, Аллоҳ таоло бундай хитоб қилади:

يَعْبَادِيَ الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّ أَرْضِي وَاسِعَةٌ فَإِنِّي فَاعْبُدُونِ

56. Эй, иймон келтирган бандаларим, албатта, Менинг ерим кенгдир. Бас, Менгагина ибодат қилинглр.

Аллоҳ таоло иймон учун, дину диёнат учун азоб-уқубат тортаётган мўмин-мусулмонларга суюкли, уларни тақдирловчи бир нидо қилмоқда:

«Эй, иймон келтирган бандаларим...» демоқда.

Уларни «иймон келтирганлар» деб аташининг ўзи улкан саодат. «Бандаларим», деб ўзига нисбат беришида эса, яна ҳам катта тақдирлаш бор.

«...албатта, Менинг ерим кенгдир.»

Бунда ҳам мўмин-мусулмонларнинг кўнглини кўтариш, уларга далда бериш бор.

Сиз Менинг бандамсиз, ер Менинг ерим. Кофирлар бирор жойда иймонингиз учун, дину диёнатингиз учун сизга тинчлик бермаётган бўлса, қийноқ-қистовга олаётган бўлса, Менинг ерим кенг, бошқа томонида яшаб, истиқомат қилишингиз мумкин.

«Бас, Менгагина ибодат қилинглар.»

Қаерда яшашингиз аҳамиятли эмас, фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга имкон бўлса бўлди, ўша ер маҳбубдир.

Бу оятда Макка мушрикларидан азоб чекаётган мўминларга Маккани ташлаб, ҳижрат қилишга даъват бор эди. Биринчи муҳожирларнинг ҳижратларидан кейин кофирлар яна ҳижрат қилмоқчи бўлган мусулмонларнинг йўлларини тўсиб, уларни ўлдириш пайида бўла бошладилар. Ҳижрат сабабли вужудга келадиган она ватан, аҳли аёл, ёру дўст соғинчи устига жоннинг хавф-хатар остида қолиши ҳам қўшилди. Ана ўша сабаб юзасидан Аллоҳ таоло қуйидагиларни айтди:

كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ ثُمَّ إِلَيْنَا تُرْجَعُونَ ﴿٥٧﴾

57. Ҳар бир жон ўлимни тотажақдир. Сўнгра Бизгагина қайтариурсиз.

Ўлим ҳақ. Ҳар бир банданинг бошида ўлим бор. Ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Лекин ўлим билан ўлимнинг фарқи бордир. Иймонли ҳолда ўлиш бошқа, кофир ҳолда ўлиш бошқа. Синовга чидай олмай, муртад бўлиб ўлиш бошқа. Мунофиқлик қилиб ўлиш бошқа. Аллоҳнинг динига, мўмин-мусулмонларга ёмонлик қилиб юриб ўлиш бошқа. Аллоҳнинг дини учун, иймон йўлида ҳаракат қилиб, ҳижратда ўлиш тамоман бошқа. Ўлиш барибир бўлганидан кейин, кофирларнинг таҳдидидан қўрқмай, ҳижрат қилаверинглар.

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُبَوِّئَنَّهُم مِّنَ الْجَنَّةِ غُرَفًا تَجْرَى مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ
وَالَّذِينَ صَبَرُوا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٥٨﴾

58. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганларни жаннатдан остидан анҳорлар оқиб турган олиймақом жойларга жойлаштирурмиз. У ерда абадий қолурлар. Амал қилгувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши!

59. Улар сабр қилган ва Роббиларигагина таваккул қиладиган зотлардир.

Демак, ҳақиқий иймон келтирган, яъни, оғзида иймон калимасини айтиш билангина кифояланиб қолмай, яхши амалларни ҳам қилган бандаларга Аллоҳ таоло жаннатдан олиймақом жойларни ато этар экан. Ўша жойлар олиймақом бўлиши билан бирга, остидан анҳорлар оқиб турар экан. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар у ерда вақтинчалик эмас, абадий роҳатда қолар эканлар.

Улар бу улуғ неъматга иймон ва дину диёнат йўлидаги машаққатларга, азоб-уқубатларга ва синовларга бардош берганлари учун, ҳамма ишда фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина таваккул қилганлари – суянганлари учун эришадилар. Яхши амаллар соҳибларини ана шундай яхши ажрларга эриштиради. Яхши амалларни қилувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши!

Албатта, Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилишда жонга бўладиган хавфу хатардан, ватан, аҳли аёл, ақраболар фироғидан бошқа мушкулотлар ҳам бор. Мисол учун, ризқи рўз масаласи. Ҳижратга тайёргарлик кўраётган киши хаёлидан бу масала ҳам ўтиши мумкин. Аллоҳ таоло келгуси оятда ризқи рўз масаласини ҳам баён қилади:

وَكَايْنٍ مِّنْ دَابَّةٍ لَا تَحْمِلُ رِزْقَهَا اللَّهُ يَرْزُقُهَا وَإِيَّاكُمْ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

60. Ўз ризқини кўтара олмайдиган қанчадан-қанча жонзотлар бор. Уларга ҳам, сизларга ҳам Аллоҳ ризқ берадир. Ва У ўта эшитгувчи ва ўта билгувчи зотдир.

Дарҳақиқат, ўйлаб кўрадиган бўлсак, кўшгина жонзотлар ризқга муҳтож бўлганида, уни тановул қилишдан бошқа нарсани билмайди. Ризқ топиш учун ҳаракат ҳам қилмайди. Ризқни ўзи билан кўтариб ҳам юрмайди. Ўзига ризқ жамғармайди ҳам. Фақат ризқ керак бўлганида, уни тановул қилади, холос. Аммо, ризқ топилмасдан, бирортаси очқаб ўлиб ҳам қолмайди. Ризқини териб еб юраверади. Фақат инсонгина ризқ тўплашни одат қилган. Илоҳий таълимотлардан узоқ бўлган баъзи бир одамлар ҳаётни ризқ-рўз учун курашишдан иборат, деб ўйлайдилар. Улар, ўзларича, ризқни ўзимиз топмоқдамиз, деб гумон қиладилар. Аслида эса:

«Уларга ҳам, сизларга ҳам Аллоҳ ризқ берадир».

Яъни, ризқини кўтара олмайдиган ўша жонзотларга ҳам, инсонларга ҳам ризқни Аллоҳ таоло беради. Шунинг учун, ризқи рўзни баҳона қилиб, иймон йўлидаги курашдан чекиниш, ҳижратдан қолиш мумкин эмас. Ризқи рўзнинг хотирини қилмасдан, қўрқмасдан ҳиж-

ратга кетавериш керак. Ризқ берувчи Аллоҳнинг Ўзи. Ўзини деб ҳижрат қилган бандаларини ризқсиз ташлаб қўймайди.

«Ва У ўта эшитгувчи ва ўта билгувчи зотдир.»

Аллоҳ уларнинг нима деяётганларини яхши эшитиб, билиб туради.

Энди келадиган оятларда мушрикларнинг тасаввурларидаги қарама-қаршиликлар баён қилинади.

وَلَيْنَسَأَلْتَهُم مِّنْ خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ لِيَقُولَنَّ اللَّهُ فَاَنَّى يُؤْفِكُونَ ﴿٦١﴾

61. Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган ва қуёшнию ойни ўз измига қаратган ким?» деб сўрасанг: «Аллоҳ», дерлар. Бас, унда қаёққа бурилмоқдалар?!

Мушриклардан «Осмонлару ерни ким яратган?» деб сўралганида, Аллоҳ яратган, деб жавоб берар эдилар. Шунингдек, қуёш ва ойни ўз измига солиб қўйган ким, деб сўралганида ҳам, Аллоҳ, деб жавоб берардилар. Аммо, айна чоқда, Аллоҳга эмас, бут ва санамларига ибодат қилишарди. Бу ишлари ўта мантиқсизлик эди. Осмонлару ерни яратган ҳам, қуёш ва ойни Ўз измига қаратган ҳам Аллоҳ эканини билиб турса-ю, ўша зотга ибодат қилмай, бошқа томонга бурилиб кетса. Шунинг учун ҳам, ояти кариманинг охирида ажабланиш ила:

«Бас, унда қаёққа бурилмоқдалар?!» деб сўралмоқда.

Дарҳақиқат, улар Аллоҳни қўйиб, қаёққа буриладилар?

اللَّهُ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَن يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٦٢﴾

62. Аллоҳ Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, ризқини кенг қилиб қўядир ва хоҳлаганиникини тор қиладир. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчи зотдир.

Дунёда ҳаммага ризқ берувчи ягона розиқ Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Аллоҳ Ўзи хоҳлаганига кенг ризқ беради ва хоҳлаганига тор ризқ беради. Унинг ишига бошқа ҳеч ким аралаша олмайди.

«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчи зотдир.»

Кимнинг ризқини кенг қилишни, кимнинг ризқини тор қилишни жуда яхши билади.

وَلَيْنَسَأَلْتَهُم مِّنْ نَّذَلٍ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ مِنْ بَعْدِ مَوْتِهَا لِيَقُولَنَّ اللَّهُ قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿٦٣﴾

63. Агар улардан: «Осмондан сув тушириб, у билан ўлган ерни тирилтирган ким?!» деб сўрасанг, албатта, улар: «Аллоҳ», дерлар. Сен: «Аллоҳга ҳамд бўлсин!» деб айт. Йўқ! Уларнинг кўплари ақл юритмаслар.

Мушриклардан «Осмондан сув тушириб, ўша сув билан ўлиб ётган ерни ким тирилтиради?» деб сўралса, Аллоҳ, дея жавоб берардилар. Лекин ўзлари Аллоҳга эмас, бут-санамларига ибодат қилардилар. Аллоҳ таоло ушбу оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мазкур саволни яна бир бор такрорлашни тавсия қилмоқда. Шу билан бирга:

«Албатта, улар: «Аллоҳ», дерлар», деб уларнинг жавобини ҳам айтиб қўймоқда. Сўнгра эса, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга:

«Аллоҳга ҳамд бўлсин!» (Алҳамдулиллаҳ) деб айтишни ҳам таълим бермоқда. Аллоҳнинг холиқ ва розиқ эканини мушриклар ўз тиллари билан эътироф этганлари учун Аллоҳга ҳамд айтиш таъкидланмоқда. Яъни, мушрикларга ўз тиллари билан ўзларига қарши далил айттирган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

«Йўқ! Уларнинг кўплари ақл юритмаслар.»

Ақл юритганларида, ўз тиллари билан тан олган ҳақиқатга хилоф қилмасдилар, бут ва санамларга эмас, Аллоҳга сиғинардилар.

وَمَا هَذِهِ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا لَهُوٌّ وَلَعَبٌ وَإِلَى الدَّارِ الْآخِرَةِ لَهِيَ الْحَيَوَانُ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿٦٤﴾

64. Бу дунё ҳаёти фақат ўйин-кулгидан иборатдир. Агар билсалар, охират диёри, ана ўша ҳақиқий ҳаётдир.

Агар одамлар охиратни унутиб, фақат бу дунё учун яшайдиган бўлсалар, ҳаёт бекорчи ўйин-кулгидан бошқа нарса бўлмай қолади. Аслида, бу дунё ўткинчи бўлса-да, охират учун тайёргарлик босқини ўташи керак.

«Агар билсалар, охират диёри, ана ўша ҳақиқий ҳаётдир.»

Чунки, у ўткинчи эмас, абадийдир. У ҳаётга лиммо-лимдир. Лекин мушрик ва кофирлар бу ҳақиқатни англамай, охиратни қўйиб, ҳаёти дунёга ўзларини урадилар. Уларнинг бундай нотўғри йўллари дунё ҳақидаги нотўғри тасаввурларидан келиб чиқади.

فَإِذَا رَكِبُوا فِي الْفُلِكِ دَعَوْا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ فَلَمَّا نَجَّاهُمْ إِلَى الْبَرِّ إِذَا هُمْ يُشْرِكُونَ ﴿٦٥﴾

65. Улар қачон кемага минсалар, Аллоҳга, Унинг динига ихлос қилган ҳолларида дуо қилурлар. Нажот бериб, уларни қуруқликка чиқарса, баногоҳ ширк келтирурлар.

Ушбу оятда ҳам кофир ва мушрикларнинг қарама-қарши ҳолатлари баён қилинмоқда.

«Улар қачон кемага минсалар, Аллоҳга, Унинг динига ихлос қилган ҳолларида дуо қилурлар.»

Кемага минганларида, қўрқувда қоладилар. Чунки, денгиз ўрта-сида сузиб кетаётган кема ҳар лаҳзада ҳалокатга учраши мумкин. Шунинг учун ҳам, кофир ва мушриклар кемага минган чоғларида жонлари кўзларига кўриниб, Аллоҳдан омонлик тилаб, дуо қила бошлайдилар. Бошқа бирор зотдан паноҳ сўраш ёдларига ҳам келмайди.

«Нажот бериб, уларни қуруқликка чиқарса, баногоҳ ширк келтирурлар.»

Аллоҳ таоло денгизда учраши мумкин бўлган ҳалокатдан нажот бериб, уларни қуруқликка эсон-омон чиқарса, қарабсанки, Аллоҳга яна ширк келтириб турибдилар. Ҳозиргина денгизда турганларида Аллоҳга ёлбориб, Ундан ёрдам сўраганлари эсларидан чиқиб кетган. Шундай қилиб, улар Аллоҳ берган неъматга куфр келтирмоқдалар.

يَكْفُرُوا بِمَا آتَيْنَاهُمْ وَلِيَسْتَمِعُوا فَسُوفَ يَعْلَمُونَ ﴿٦٥﴾

66. Улар Биз берган нарсага куфр келтираверсинлар ва ҳузур қилаверсинлар! Бас, тезда билурлар.

Аллоҳ таолонинг айтганига юрмаганларидан кейин, нима хоҳдасалар, қилаверсинлар. Аллоҳ берган неъматларга куфр келтириб, Унга ширк келтираверсинлар. Бу дунё матоҳларидан ҳузурланаверсинлар. Бунинг оқибати нима бўлишини тезда билиб оладилар.

أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّا جَعَلْنَا حَرَمًا آمِنًا وَيُخِطَفُ النَّاسُ مِنْ حَوْلِهِمْ أَفَبَالْبَاطِلِ يُؤْمِنُونَ
وَبِنِعْمَةِ اللَّهِ يَكْفُرُونَ ﴿٦٦﴾

67. Биз уларга Ҳарамни омонлик жойи қилиб қўйганимизни билмабмидилар?! Ҳолбуки, уларнинг атрофида одамлар талон-тарожга учрамоқдалар. Улар ботилга иймон келтириб, Аллоҳнинг неъматига куфр келтирурларми?!

Макка аҳли Ҳарамни Шарифнинг ҳурмати сабабидан омонликда яшар эдилар. Ҳеч ким уларга тегмас, ҳатто ёмон қарамас, балки

Ҳарами Шарифнинг ҳурмати туфайли уларни ҳам улуғлар, эҳтиром қилар эдилар. Ҳарамнинг чегарасидан ташқаридагиларни эса, хоҳлаганлар ўлдирар, хоҳлаганлар олиб кетиб, қул қилар ёки молу дунёсини тортиб олар эди.

Аллоҳ таолонинг ана шундай улуғ неъматига сазовор эканларига қарамасдан, Макка аҳли иймонга келмади. Бу ҳам етмаганидек, Исламга қарши энг ашаддий душманга айланди. Шунинг учун ҳам, оят охирида уларнинг бу ҳолларидан ажабланиб:

«Улар ботилга иймон келтириб, Аллоҳнинг неъматига куфр келтирурларми?!» деб сўралмоқда.

Улар бу билан-да кифояланиб қолмай, Аллоҳга ширк ҳам келтирардилар. Яъни, Аллоҳнинг неъматларига куфр келтирардилар. Аллоҳдан келган ҳақ динни инкор қилардилар.

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِالْحَقِّ لَمَّا جَاءَهُ ۗ أَلَيْسَ فِي جَهَنَّمَ مَثْوًى لِّلْكَافِرِينَ ﴿٦٨﴾

68. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки ўзига келган ҳақни ёлғонга чиқарган кимсадан ҳам золимоқ одам борми?! Кофирларга жаҳаннамда турар жой йўқмиди?!

Албатта, дунёдаги энг золим одам, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиб, Унга ширк келтиргувчи ва ўзига келган ҳақни ёлғонга чиқаргувчи одамдир.

Кофирларнинг турар жойи албатта жаҳаннамдир.

Кетма-кет синовларга дуч келаётган мўминларга суранинг охирида яна бир бор тасалли берилади:

وَالَّذِينَ جَاهَدُوا فِينَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبُلَنَا ۗ وَإِنَّ اللَّهَ لَمَعَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٦٩﴾

69. Бизнинг (йўлимизда) жиҳод қилганларни Ўз йўлларимизга ҳидоят этурмиз. Албатта, Аллоҳ чиройли амал қилгувчилар биландир.

Аллоҳнинг йўлида бор имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилганларни Аллоҳ таолонинг Ўзи тўғри йўлга бошлаб туради. Яхши амалларни қилганларни ёлғиз қўймай, улар билан Ўзи бирга бўлади. Бу ҳақиқатни мўминлар бир лаҳза ҳам унутмасликлари керак.



РУМ СУРАСИ

Маккага нозил бўлган. 60 оятдан иборат.

Бу сураи кариманинг бошида Румнинг ғалабаси ҳақида башорат келади. Сура «Рум» деб номланишининг боиси шундан. Рум машҳур давлат ва катта императорликнинг номи бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида «Рим» шаклида қўлланилади.

Мусулмонлар билан мушриклар орасидаги зиддият ҳаётнинг турли жабҳасида кенг тарқалган эди. Душманликка одаланиб қолган мушриклар мусулмонларга озор бериш учун ҳар бир фурсатдан фойдаланардилар. Ўша вақтнинг икки етакчи давлати бўлмиш Рум ва Форс императорликлари орасида ўзаро тортишув, уруш-жанжал тинмай давом этарди. Уларнинг бу тортишувларини араблар ҳам кузатиб турар ва ўзларича тарафдорлик ҳам қилар эдилар. Румликлар аҳли китоб бўлганлиги туфайли мусулмонлар уларга тараф бўлишди. Мажусий форсликларга эса, динлари ўхшаш бўлган мушриклар тарафдорлик қилишди.

Ўша пайтдаги урушларнинг бирида Форс ғолиб келди. Бундан мушриклар чексиз хурсанд бўлдилар ва яқинда биз ҳам мусулмонларни албатта енгажакмиз, деб гапира бошладилар. Аҳли китоб бўлмиш румликларнинг мағлубияти мусулмонларни қаттиқ хафа қилди.

Шунда Аллоҳ таоло «Рум» сурасининг аввалги оятларини индириб, румликлар саноқли йиллар ичида ғалабага эришажаклари ва бундан мўминлар хурсанд бўлишлари ҳақида башорат берди. Бу башорат Қуръон мўъжизаларидан эди.

Сура давомида иймон ва куфр орасидаги кураш мавзуи ривожланиб боради. Қадимдан ҳақ ва ботил ўртасидаги курашда иймон томони ғолиб келаётгани, бундан кейин ҳам шундай бўлиши ҳақида хабарлар берилади. Бу ишда Аллоҳнинг ягоналигига, Пайғамбарликка, ўлгандан кейин қайта тирилишга ва ҳар кимга жазо ёки мукофот берилишига иймон келтириш муҳим ўрин тутиши уқтирилади.

Иймон ва куфр аҳли орасидаги курашда иймон аҳлининг ғалабаси аниқлиги билан бирга, улар охиратда ҳам нажотга, улкан ютуққа эришишлари алоҳида таъкидланади. Шунингдек, бу дунёда мағлуб

бўлган куфр аҳли у дунёда ҳам ёмон оқибатга дучор бўлиб, дўзах азобини тортишлари муқаррар эканлиги баён қилинади.

«Рум» сурасида Аллоҳнинг ваҳдониятига ва чексиз қудратига далолат қилувчи борлиқдаги мавжудотлар ва ғайбий далиллар ҳақида ҳам сўз юритилади. Аллоҳ таолога ибодат қилувчилар билан бут-санамларга сифинувчилар орасидаги фарқ мисоллар билан тушунтирилади.

Сураи кариманинг сўнгида илоҳий оятлар ва огоҳлантиришлардан ибрат олмаётган Қурайш кофирлари ҳақида сўз юритилиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мўминларга тасалли берилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбарликларининг бешинчи йили (613 милодий) Рум ва Форс императорликлари орасида жуда катта қонли уруш рўй берди. Ўша пайтда Форсга Хусрав II, Румга Ҳеракл подшоҳлик қиларди. Бу икки давлатнинг ўзига яраша ерлари, аскарый куч-қувватлари бор эди. Ўша даврда Фаластин, Сурия, Миср, Ироқнинг бир қисми ва Кичик Осиё Румга тобе эди. Мазкур урушда форсликлар Румга икки томондан ҳужум қилдилар. Дажла ва Фурот дарёлари бўйлаб Сурия ерларига, Озарбойжон ва Арманистон тарафдан Кичик Осиёга бостириб кирдилар. Форс лашкарлари Рум кучларини икки жабҳада ҳам енгиб, денгизгача таъқиб этиб бордилар. Улар Суриядаги насороларнинг барча муқаддас шаҳарларини эгалладилар. 614 милодий йилида бутун Фаластинни, жумладан, Қуддусни ҳам қўлга олдилар. Уруш давомида барча канисалар йиқитилди, диний бинолар хароб этилди. Форсликлар йигирма олти минг яҳудийни ва олтимиш мингдан зиёд христианни қиличдан ўтказдилар. Форс подшоҳи саройига ўлдирилган одамлардан ўттиз мингининг калласи келтирилди.

Уруш ҳаракатлари Мисрга ҳам етиб борди. 616 милодий йилида форсликлар Нил водийсини ишғол этдилар. Сўнгра Искандарияга юриш қилдилар. Бошқа томондан эса, бутун Кичик Осиёни қўлга киритиб, ўша пайтдаги Рум пойтахти Кустантаняга (Константинополга), унинг олдидаги бўғозга етиб келдилар. Форсликлар қаерни босиб олсалар, у ерда оташпарастлик ибодатхонаси қураб ва шу йўл билан христианлик ўрнига оташпарастликни жорий қилар эдилар. Бу катта мағлубиятдан сўнг Рум императорлигига қарашли бир қанча вилоят ва ўлкаларда марказий давлатга қарши исён кўтарилди. Африқо ва Оврупадаги бир қанча ўлкалар, ҳатто пойтахтга қўшни баъзи ўлкалар ҳам империя қарамоғидан чиққанларини эълон қилди. Қисқаси, шарқий Рум императорлиги парчаланди. Лашкар тарқалиб кетди. Хазийна бўшаб қолди. Император Ҳеракл пойтахтни тарк этиб, Қартажага қочди. Фалабадан сархуш бўлган форсликлар бирқанча шартларни қўйдилар. Император форсликларга, жумладан, минг юк тилло, минг юк кумуш, минг юк ипак, минг от, мингта

аёл бериши шарт эди. Рум императорлиги бу талабларнинг ҳаммасини сўзсиз қабул қилди. Ўзаро шартнома имзоланди.

Румликларнинг вакиллари тўловларни тўлашга розилиklarини билдириш учун Хусравнинг олдига кирганларида, у:

«Бу етарли эмас, Император Ҳеракл ўзи занжирбанд ҳолда келиб, хочга осилган худосини қўйиб, оташга ва қуёшга топинишини истайман», деди.

Мана шунақа ишлар бўлиб ўтди.

Хуллас, румликларнинг мағлубиятини эшитган Макка мушриклари чексиз қувондилар ва мусулмонларга: «Сиз ва румликлар аҳли китобсизлар, биз ва форсликлар аҳли китоб эмасмиз, бизнинг шерикларимиз сизнинг шерикларингизни енгди, энди биз ҳам сизларни енгамиз», дедилар.

Ана шунда Аллоҳ таоло «Рум» сурасининг аввалги оятларини нозил қилди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الْمَلِكِ غَلَبَتِ الرُّومُ فِي آذُنِ الْأَرْضِ وَهُمْ مِنْ بَعْدِ غَلَبِهِمْ سَيَغْلِبُونَ فِي بَعْضِ سِنِينَ لِلَّهِ الْأَمْرُ مِنْ قَبْلُ وَمِنْ بَعْدِ وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ الْمُؤْمِنُونَ بِنَصْرِ اللَّهِ يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ

1. Алиф. Лаам. Мийм.
2. Рум мағлуб бўлди.
3. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда ғолиб бўлажақлар.
4. Саноқли йилларда. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллоҳдандир. Ўша кунда мўминлар шодланурлар.
5. Аллоҳнинг нусратидан. У хоҳлаганига нусрат берур. Ва У азиру роҳиймдир.

Яъни, Рум Форсдан енгилди. Бу ҳодиса арабларга яқин ерда бўлди. Рум ва Форс ерлари Арабистон ярим оролига бевосита чегарадошдир. Ва румликлар бу мағлубиятларидан кейин тезда, саноқли йиллар ичида қайтадан ғолиб бўлажақлар. Румликлар ғолиб бўладиган кунда мўмин-

лар Аллоҳнинг нусратидан шодланадилар. Аллоҳ хоҳлаганига нусрат беради. Ва У зот азиз (барчадан ғолиб) ва раҳим-шафқатлидир.

Форс ва Рум давлатлари орасидаги қирғинбарот уруш натижаларидан кейин бундай гапларни Аллоҳ таоло айтмаса, одам боласи журъат қилиб айта олмас эди. Ҳар қандай одамга, шунчалар қақшатқич зарбага учраган, тилка-пора бўлиб кетган Рум давлати қандай қилиб бир неча йил ичида қудратли Форс давлатини енга олади, деган фикр келиши турган гап эди. Шундай бўлди ҳам. Мушриклар Қуръоний хабарни масхара қилиб кула бошлашди. Улар манзарани ўз қаричлари билан ўлчашар, аммо Аллоҳ таолонинг ўлчови бошқа экани хаёлларига келмасди.

Ушбу ҳодиса ҳақида бир қанча ривоятлар келган. Шулардан бири улуғ муфассир ва тарихчи имом ибн Жарир Тобарийнинг Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятларидир:

«Мушриклар форсликларнинг румликлардан устун бўлишини орзу қилар эдилар. Мусулмонлар эса, румликларнинг форслардан устун бўлишини орзу қилар эдилар. Чунки, улар аҳли китоб эдилар. Уларнинг динлари ўзаро яқин эди.

«Алиф. Лаам. Мийм. Рум мағлуб бўлди. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда волиб бўлажаклар. Саноқли йилларда» оятлари нозил бўлганида, мушриклар:

«Эй, Абу Бакр! Сенинг оғайнинг, Рум саноқли йилларда Форсдан устун бўлади, демоқда-я?!» дейишди. Абу Бакр:

«Тўғри айтади», дедилар. Улар:

«Биз билан гаров ўйнайсанми?» дейишди. Етти йил муддатга тўрттадан туяга гаров ўйнадилар. Етти йил ўтди. Ҳеч нарса бўлмади. Бундан мушриклар шодланишди. Мусулмонлар маҳзун бўлишди. Абу Бакр бўлиб ўтган гапни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизнингча, «бизъу» (саноқли йиллар) қанча?» деб сўрадилар. Абу Бакр:

«Ўндан оз», деб жавоб қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бор, гаровнинг устига яна зиёда қил ва муддатни икки йилга ошир», дедилар. Икки йил ўтмай туриб отлиқлар келиб, Рум Форс устидан ғолиб келганининг хабарини бердилар. Мўминлар бундан шодланишди!»

(Илова: У вақтларда гаров ҳаром бўлмаган эди. Ояти каримада Рум «бизъа» — саноқли йилларда ғолиб келиши айтилган эди. Демак, ўн йилдан оз муддатда, деганидир. Шунинг учун ҳам, мушриклар етти йил ўтса ҳам бир гап бўлмаганидан хурсанд бўлдилар. Аммо Пайғамбарлари-

миз алайҳиссалом ояти каримада айтилган нарса бўлишига тўла ишончда эдилар. Шунинг учун ҳам, у зот ҳазрати Абу Бакрга гаров қийматини оширишни иршод қилдилар. Аллоҳнинг айтгани содир бўлди.)

Ҳа, мазкур оятларда айтилганидек,

«Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллоҳдандир».

Яъни, румликларнинг мағлубиятга учрашларидан олдин ҳам, ундан кейин ҳам дунёдаги барча ишлар Аллоҳнинг иродасига боғлиқ эди ва шундай бўлиб қолади. Фақат У зотнинг хоҳлагани бўлади. Аллоҳ таоло румликларнинг санокли йилларда ғалаба қозонишини айтган эди. У кун келади. Ва:

«Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусратидан шодланурлар».

Шундай бўлди ҳам. Аллоҳ румликларга ғалаба берди. Мўминлар бундан шодландилар.

«У хоҳлаганига нусрат берур.»

Аллоҳ таоло кимга хоҳласа, шунга нусрат беради. Унинг хоҳишига ҳеч ким тўсиқ бўла олмайди.

«Ва У азизу роҳиймдир.»

Аллоҳ азиз, ҳамманинг устидан ғолиб ва барчага меҳрибондир. Маълумки, Аллоҳ таоло вақти-соати келиб румликларни форсдан, мусулмонларни мушриклардан устун қилди. Бу оятлар тушган пайтда ҳеч бир одам боласи румликлар форсдан, мусулмонлар мушриклардан ғолиб келишини тасаввурига сиғдира олган эмас. Лекин орадан оятда айтилган санокли йиллар — тўққиз йил ўтиб, румликлар форсликлар устидан ғолиб келдилар. Айни вақтда, мусулмонлар Бадр урушида ўзларига нисбатан сон ва қурол жиҳатидан бир неча марта устун бўлган мушриклар устидан инсоният тарихини ўзгартирган ғалабага эришдилар. Ҳамда Аллоҳ ваъда қилган нусратга етишиб, шод бўлдилар.


 وَعَدَ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ وَعَدَهُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ

6. (Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин одамларнинг кўпи буни билмаслар.

Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишисига нусрат бериши ҳақидаги гап Аллоҳнинг ваъдасидир.

«Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас.»

У зот Ўз иродаси билан ваъда қилади ва Ўз иродаси билан ваъдасини амалга оширади. Бунга ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди.

«Лекин одамларнинг кўпи буни билмаслар.»

Ўзларича ниманидир билгандек бўладилар, аммо асл моҳиятни англаб етмайдилар.

يَعْلَمُونَ ظَهْرًا مِّنَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ عَنِ الْآخِرَةِ هُمْ غَافِلُونَ ﴿٧﴾

7. Улар бу дунё ҳаётининг зоҳирини билурлар. Ҳолбуки, улар охиратдан ғофилдирлар.

Одамларнинг кўплари бу беш кунлик дунёнинг зоҳирини, сиртқи тарафини, юзаки тарзда биладилар. Кўзларига кўринган, қўллари билан ушлайдиган ёки бошқа ҳис этиш аъзолари ва асбоблари билан сезадиган нарсаларнигина, уларнинг ҳам бир қисминигина биладилар. Улар, асосан, бу дунёга қизиқадилар.

«Ҳолбуки, улар охиратдан ғофилдирлар.»

Шу сабабли, бу ҳаёти дунёга ўта берилиб кетадилар. Унинг зебзийнатларига, матоҳлари ва шаҳватларига ўзларини урадилар. Бутун ақл-заковот, куч-қудрат ва имкониятларини шу йўлга сарфлайдилар. Дунё ишларида маълум даражада натижага эришсалар-да, охират ишларида энг ғофил, энг қолоқ ва энг нотавон бўлиб қолаверадилар.

Бу тоифа кишилар ҳақида имом Ҳасан ал-Басрий: «Аллоҳга қасамки, уларнинг баъзилари дунё илмида шу даражага етганки, тирноғи билан дирҳамни чертиб кўриб, унинг оғирлигини айтиб беради, ammo намозни эплаб ўқий олмайди», деганлар.

Ҳа, ҳаёти дунёнинг зоҳирига ўта қизиқиш одамни моддапарастлик домига тортиб, маънавий ва руҳий жиҳатдан ўта қашшоқ қилиб қўяди. Агар ушбу илм меъёрида бўлиб, иймон асосига қурилса, охиратдан ғофил қолинмаса, айти муддао бўлар эди.

Бундай даражага эришиш учун эса, инсон Аллоҳ яратган махлуқотлар ҳақида чуқур тафаккур қилиб кўрмоғи лозим:

أَوَلَمْ يَتَفَكَّرُوا فِي أَنفُسِهِمْ مَّا خَلَقَ اللَّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا إِلَّا بِالْحَقِّ وَأَجَلٍ مُّسَمًّى وَإِنَّ كَثِيرًا مِّنَ النَّاسِ بِلِقَائِ رَبِّهِمْ لَكٰفِرُونَ ﴿٨﴾

8. Ахир, улар, ўзларича, Аллоҳ осмонлару ерни ва улар орасидаги нарсаларни фақат ҳақ билан ва маълум муддатга яратганини тафаккур қилиб кўрмасларми?! Ҳақиқатан, одамлардан кўплари Роббиларига рўбарў бўлишни инкор қилгувчилардир.

Инсоннинг ақл ишлатиладиган нарсалар ҳақида ўйлаши «тафаккур» дейилади. Оятда одамларнинг тафаккур юритмасликларидан ажабланиш бор. Ҳар бир инсон осмонлару ер ва улар орасидаги махлуқотлар ҳақида чуқур тафаккур қилмоғи лозим. Бу нарсаларни яратишдан мақсад нима? Уларни ким яратган? Албатта, оятда айтилганидек,

яратувчи Аллоҳ таолодир. Аллоҳ ҳикматсиз бир иш қилмаслиги маълум ва машҳур. Аллоҳ таоло кўзга кўринмас ҳужайраларни ҳам яратиб қўйган. Уларнинг ҳар бирида ўзига яраша ҳикмат бор. Демак:

«...Аллоҳ осмонлару ерни ва улар орасидаги нарсаларни фақат ҳақ билан ва маълум муддатга яратганлигини...» ҳар бир инсон тушуниб етиши лозим.

«Ҳақиқатан, одамлардан кўплари Роббиларига рўбарў бўлишни инкор қилгувчилардир.»

Шу сабабли, бошларига мусийбатлар келтирадиган ишларга ўзларини урадилар.

أَوَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ كَانُوا أَشَدَّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَأَثَارُوا الْأَرْضَ وَعَمَرُوهَا أَكْثَرَ مِمَّا عَمَرُوهَا وَجَاءَتْهُمْ رُسُلُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَمَا كَانُوا لِيُظْلَمَهُمْ وَلَكِنْ كَانُوا أَنْفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿١٠١﴾

9. Ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмасларми?! Уларнинг булардан қувватлари кўпроқ эди ва ерга ишлов бериб, уни булар обод қилгандан кўра кўпроқ обод қилган эдилар. Ва уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин(оят)лар билан келдилар. Аллоҳ уларга зулм қилмас эди, лекин улар ўзларига зулм қилардилар.

Роббиларига рўбарў бўлишни инкор қилаётган кофиру мушриклар:

«Ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмасларми?!»

Ана шунда ўтмишдаги кофир ва мушриклар нима оқибатга дучор бўлганларини яққол кўрар эдилар. Ҳолбуки, ўша олдингилар ҳозиргилардан яхшироқ ҳолатда эдилар.

«Уларнинг булардан қувватлари кўпроқ эди...»

Қадимда ўтган кофирлар ҳозирги кофирлардан кўра кўпроқ куч-қувватга эга эдилар. Аммо оқибатлари ёмон бўлди. Уларга нисбатан заиф бўлган ҳозирги кофирларнинг оқибати нима бўлар эди?

«...ва ерга ишлов бериб, уни булар обод қилгандан кўра кўпроқ обод қилган эдилар.»

Аввалги кофирлар ободончилик масаласида ҳам ҳозирги кофирлардан устун эдилар. Улар ерга кўпроқ ишлов берганлар. Дехқончиликни жуда ҳам ривожлантирганлар. Шунингдек, ердан турли маъданларни чиқариш ва бошқа ободончилик ишларини тараққий эттирганлар. Ушбу оятлар нозил бўлаётган давр кофирларидан кўра кўпроқ обод қилганлар. Шундай вазиятда:

«...уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин(оят)лар билан келдилар».

Уларни Аллоҳнинг ибодатига, тавҳид ақийдасига даъват қилдилар. Агар улар Пайғамбарлар даъватига лаббай деб жавоб берганларида, иймонга келганларида:

«Аллоҳ уларга зулм қилмас эди...»

Ҳаммалари бахту саодатга эришар эдилар. Улар, аксинча, кофир бўлдилар ва:

«...улар ўзларига зулм қилардилар».

ثُمَّ كَانَ عَقِبَهُ الَّذِينَ اسْتَوُوا السَّوَاءِ اَنْ كَذَّبُوا بِآيَاتِ اللّٰهِ وَكَانُوا بِهَا يَسْتَهْزِءُونَ

10. Сўнгра ёмонлик қилганларнинг оқибати Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарганлари ва уларни истеҳзо қилганлари учун ёмон бўлди.

Аллоҳнинг Пайғамбарлари келтирган оятларини ёлғонга чиқариш ва уларни мазах қилиш энг ёмон одатдир. Бундай қилганларнинг оқибати ёмон бўлиши турган гап. Ёмонлик охираат кунида бўлади. Қиёматнинг келишига эса, ҳеч шубҳа йўқ.

اللّٰهُ يَبْدؤُا الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُمْ ثُمَّ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ

11. Аллоҳ махлуқотни йўқдан бор қилур, сўнгра уни яна қайтадан вужудга келтирур, сўнгра Унга қайтарилурсиз.

Яъни, Аллоҳ таоло барча махлуқотларни йўқ жойдан бор қилиб яратади. Ўлганларидан кейин қиёмат кунида уларни яна қайтадан тирилтириб вужудга келтиради. Тирилтирилганингиздан:

«...сўнгра Унга қайтарилурсиз».

Яъни, Аллоҳнинг Ўзига қайтариласиз. У зот Ўзи билиб ҳисоб-китоб қилади.

وَيَوْمَ نَقُومُ السَّاعَةَ يُبْلِسُ الْمُجْرِمُونَ

12. Қиёмат қоим бўлган кунда жиноятчилар ноумид бўлурлар.

Улар бу дунёдан ғофил бўлиб, қиёматга ишонмасдан, кофир ҳолларида ўтган эдилар. Энди эса, албатта, ноумид бўладилар. Чунки, кофирликлари сабабли қиёматга ҳеч қандай тайёргарлик кўрмаган эдилар.

Сўнгра, уларнинг қиёматда ноумид бўлишларининг яна бир сабаби зикр қилинади:

وَلَمْ يَكُنْ لَهُمْ مِّنْ شُرَكَائِهِمْ شُفَعَاءٌ وَكَانُوا إِشْرَاكِيَهُمْ كَافِرِينَ ﴿١٣﴾

13. Уларга (Аллоҳга келтирган) шерикларидан шафоатчилар бўлмади ва улар шерикларига куфр келтиргувчи бўлдилар.

Бу дунёдан мушрик ҳолида ўтганлар турли нарсаларни Аллоҳ таолога шерик этиб, уларга ибодат қилишган ва охиратда уларнинг шафоатидан умидвор бўлишган эди. Энди эса, қиёмат қоим бўлганда, «шафоатчилари» улардан воз кечдилар. Шундай экан, ушбу мушриклар ноумид бўлмай, ким ноумид бўлсин?!

وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ يُومِّدِيَنفَرَقُونَ ﴿١٤﴾

14. Қиёмат қоим бўлган куни, ўша куни (гуруҳларга) бўлинурлар.

Одамлар қиёмат куни бир қанча гуруҳларга ажраладилар. Аввало, жаннатий ва дўзахийлар гуруҳига, сўнгра мазкур икки гуруҳдан ҳар бири яна бир қанча гуруҳларга бўлинади. Жаннатийлар ҳаммалари бир хил даражада бўлмайдилар. Бу дунёдаги иймонлари қуввати ва қилган амаллари салмоғига қараб турли даражаларга соҳиб бўладилар. Баъзи гуруҳлар жаннатнинг энг тўридан жой олсалар, баъзилари ўртачароқ, яна бошқалари бундоқроқ ҳолатда бўладилар.

Шунингдек, дўзахийларнинг бадбахтлик даражалари ҳам ҳар хил бўлади. Мунофиқлар дўзахнинг энг қаъридан жой олсалар, кофирлар яна бошқа жойдан, мушриклар ўзларига хос ердан жой оладилар. Ана ўша даражаларга қараб улар гуруҳ-гуруҳларга бўлинадилар.

فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَهُمْ فِي رَوْضَةٍ يُحْبَرُونَ ﴿١٥﴾

15. Бас, иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар, улар жаннатда шодланурлар.

Қиёмат кунидаги одамларнинг бўлинган катта гуруҳларининг биринчиси

«иймон келтириб яхши амал қилганлар» гуруҳи бўлиб, **«улар жаннатда шодланурлар»**.

Ана ўша саодатманд гуруҳдан бўлиш учун фақат иймоннинг ўзи, яъни, оғиз билан айтилган қуруқ гап кифоя қилмаслиги, албатта яхши амаллар ҳам бўлиши зарурлигига эътибор бермоқ керак.

Кейинги ояти каримада иккинчи гуруҳ ҳақида сўз кетади.

وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَلِقَاءِ الْآخِرَةِ فَأُولَٰئِكَ فِي الْعَذَابِ مُحْضَرُونَ ﴿١٦﴾

16. Куфр келтириб, Бизнинг оятларимизни ва охират мулоқоти-ни ёлғонга чиқарганлар, ана ўшалар, азобга ҳозир қилинурлар.

Демак, қиёмат кундаги одамларнинг бўлинган иккинчи катта гуруҳи

«Куфр келтириб, Бизнинг оятларимизни ва охират мулоқоти-ни ёлғонга чиқарганлар»

бўлади. Улар бу дунёда иймонсиз бўлиб, кофирлик ила, Аллоҳ таолонинг оятларига ишонмай уларни ёлғонга чиқариш ила, охират кунига ишонмай, ўша кунда Аллоҳ таолога йўлиқиб, ҳисоб-китоб беришни ёлғонга чиқариб юрганлари учун,

«ана ўшалар, азобга ҳозир қилинурлар».

Қиёмат куни васфидан сўнг энди келадиган ояти карималарда бу дунёнинг кўринишлари ва ажойиботлари, сиру асрорлари ва турли мўъжизалари баён қилинади:

فَسُبْحَانَ اللَّهِ حِينَ تُمْسُونَ وَحِينَ تُصْبِحُونَ ﴿١٧﴾

17. Бас, тунга киришингизда ҳам, тонгга киришингизда ҳам Аллоҳни поклаб ёд этинг.

Аллоҳни поклаб ёд этишни арабчада «тасбиҳ» дейилади. Тасбиҳ, энг аввало, дилда бўлиб, сўнгра тилга кўчади. «Субҳаналлоҳ» деб такрорлаш тасбиҳ айтиш ҳисобланади. Тилда айтиш дилдаги тасбиҳнинг тасдиғи бўлади. Ўз навбатида, тилда айтилган тасбиҳ амалга кўчиши керак.

Уламоларимиз оятдаги тунга киришда тасбиҳ айтиш ҳақидаги амрни шом ва хуфтон намозига таъвийл қилганлар. Яъни, шом ва хуфтон намозларини ўқиб, Аллоҳни поклаб ёд этинглар деганидир, деб айтганлар.

Шунингдек, тонгга киришда тасбиҳ айтишдан мурод бомдод на-мозини ўқишдир.

وَلَهُ الْحَمْدُ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَعَشِيًّا وَحِينَ تُظْهِرُونَ ﴿١٨﴾

18. Осмонлару ердаги ҳамду сано Уникидир. Оқшомда ва пешинда ҳам (поклаб ёд этинг).

Дунёда барча ҳамду сано, мақтов Аллоҳнинг Ўзига хосдир. Сиз-лар Унга оқшом ва пешин пайтларида ҳам тасбиҳ айтингиз. Яъни, пешин ва аср намозларини қоим қилинглр.

يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَيُحْيِي الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَكَذَلِكَ نُخْرِجُكُمْ

19. У ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур ва ерни ўлимидан кейин тирилтирур. Шунга ўхшаш, сиз ҳам чиқарилурсиз.

Ушбу оятда борлиқда ҳар доим такрорланиб турадиган ҳолат ажойиб услубда баён қилинмоқда. Бу дунёда доимий равишда ўликдан тирик, тирикдан ўлик чиқиб туради. Ҳар бир сонияда қандайдир ўсимлик қурийди, бошқаси уруғдан чиқади. Кимдир ўлади, кимдир туғилади. Бу нарса ерда ҳам, кўкда ҳам, сувда ҳам бўлиб туради. Сон-сановига етиб бўлмайдиган ушбу жараёнларнинг ҳар бирини Аллоҳ таоло амалга оширади.

Ҳа,

«У ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур...»

Ундан бошқа ҳеч ким бу жараёнларнинг бирортасини бошқара билмайди. Шунингдек, Аллоҳ:

«...ерни ўлимидан кейин тирилтирур».

Сувсиз қақраб ётган ернинг ўликдан ҳеч қандай фарқи йўқ. Унда ҳаётнинг заррача асари бўлмайди. Аммо, Аллоҳ таоло амри билан ёмғир ёғиб ўтганидан кейин, дарҳол, ернинг тирилгани билинади. Ҳали ўсимликлари ўсмай туриб ҳам, ер чуқур нафас олиб, қимирлаб, ўзига келаётганини пайқаш қийин эмас. Ҳа, ўлиб ётган ерни Аллоҳ таоло тирилтиради. Ундан бошқа ҳеч ким бу ишни қила олмайди.

«Шунга ўхшаш, сиз ҳам чиқарилурсиз.»

Яъни, ўлиб ётган ер ёмғирдан кейин тирилгани каби, сиз ҳам ўлганингиздан кейин қайта тирилтирилиб, қабрингиздан чиқарилурсиз. Бу иш ўлиб ётган ерни ёмғир ила тирилтирган Аллоҳ учун жуда ҳам осондир. Шундай экан, ўша кунга ҳозирдан тайёргарлик кўраверинг.

Ҳа, атрофга ибрат кўзи билан қараган киши Аллоҳ таолонинг қудратига, яғналигига, ибодатга сазоворлиги, тадбиркорлиги ва бошқа баркамол сифатларига далолат қилувчи жуда кўп оят-белгиларни кўради.

وَمِنَ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَكُمْ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ إِذَا أَنْتُمْ بَشَرٌ تَنْتَشِرُونَ

20. Сизни тупроқдан яратгани ва сўнгра сизлар башарга айланиб тарқалишингиз Унинг оят-белгиларидандир.

Ер юзида башариятнинг тарқалиб юришининг ўзи Аллоҳнинг биру борлигига, баркамол сифатлар соҳиби эканига ёрқин далилдир. Инсондек мураккаб ва ажойиботларга тўла мавжудотни Аллоҳдан ўзга ким яратади?

Аслида, инсонни Аллоҳ таоло тупроқдан яратган. У зот ўзининг ўликни тирилтирувчи сифати ила ўлик тупроқдан тирик ва мураккаб инсонни яратган.

Ҳа, инсон деб аталмиш бу улкан мўъжизанинг асли жонсиз тупроқ эди. Аллоҳ таоло чексиз қудрати ила уни ўша тупроқдан яратди. Унга жон ва бошқа нарсаларни берди. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким инсонга на жон ва на бошқа бирор аъзо, ҳатто тирноқ ёки бирор тук ато қила олмайди. Шунинг ўзи Аллоҳ таолонинг ягоналигига, ҳар бир нарсага қодирлигига очиқ-ойдин далил-ҳужжат, оят-белги эмасми?!

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٦﴾

21. Ва сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда севги ва марҳаматни солиб қўйгани (ҳам) Унинг оят-белгиларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир.

Инсонни эркак-аёлга ажратиб, жуфт яратишининг ўзи Аллоҳнинг биру борлиги, баркамол сифатлар соҳиби эканининг ёрқин далилидир. Доимо кўраверилгач, унга эътибор берилмайди, аммо эътибор ила тафаккур қилиб кўрилса, инсоннинг эркак ва аёллик ҳолати улкан мўъжизадир.

Аллоҳ таоло инсоннинг ўзидан унга жуфт яратиб беришни «**сокинлик топишингиз учун**» демоқда. Дарҳақиқат, эркак фақат аёлдангина сокинлик, ором, осойишталик ва тинчлик топади. Шунингдек, аёл ўзига керак сокинликни эркакдан топади.

«...ва ораларингизда севги ва марҳаматни солиб қўйгани...»

Аллоҳ таолонинг Ўзи эр билан хотиннинг орасига севги, меҳр-муҳаббат, раҳим-шафқат солмаса, улар бир-бирларининг баъзи камчиликларини, қийинчиликларни кўтара олармидилар? Чидаб, бирга яшармидилар?

Эркакнинг танасини, аъзоларини, руҳиятини, ҳаттоки энг кичик ҳужайраларигача ўзига хос қилиб яратган ким? Аёлнинг танасини, аъзоларини, руҳиятини, ҳаттоки кичик ҳужайраларигача ўзига хос қилиб яратган ким? Ҳа, уларни бир-бирига сокинлик, меҳр-муҳаббатли бўладиган, ўзаро келишиб дунёни обод қиладиган этиб яратган зот қудратли Аллоҳ таолодир.

«Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир.»

وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَأَخْتِلَافَ السِّنِّكُمْ وَالْوَنُكْمِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّلْعَالَمِينَ ﴿٦٦﴾

22. Ва Унинг оят-белгиларидан осмонлару ернинг яратилиши ва тилларингиз ва рангларингизнинг турлича бўлишидир. Албатта, бунда олимлар учун оят-белгилар бордир.

Инсон боласи осмон остида ва ер устида яшайди-ю, бу маконларнинг улканлиги, мураккаблиги, мўъжизаларга бой эканига эътибор бермайди. Эътибор берса ҳам, маълум қисмини, маълум бир мақсад билан ўрганади. Аслида, осмонлару ерга чуқур тафаккур ила назар солган, ибрат кўзи билан қараган одам Аллоҳ таолонинг биру борлигига, баркамол сифатлар соҳиби эканига дарҳол ишониб етади. Шунчалик улкан нарсалар ва унинг ичидаги сонсиз-саноқсиз нозик жойлар ўз-ўзидан яралмаганига ишонч ҳосил қилади.

«...ва тилларингиз ва рангларингизнинг турлича бўлишидир.»

Шунингдек, инсон боласи ўзига ўхшаган одамлар билан кўришади, гаплашади, лекин илоҳий қудрат туфайли уларнинг тиллари ва ранглари турлича яратилганига эътибор бермайди. Аслини олганда, булар ҳам улкан мўъжизалардир.

«Албатта, бунда олимлар учун оят-белгилар бордир.»

وَمِنْ آيَاتِهِ مَنَامُكُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَابْتِغَاؤُكُمْ مِّنْ فَضْلِهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَسْمَعُونَ ﴿٦٧﴾

23. Ва Унинг оят-белгиларидан кечаси ва кундузи ухлашингиз ҳамда Унинг фазлидан талаб қилишингиздир. Албатта, бунда эшитадиган қавм учун оят-белгилар бордир.

Инсон уйқуни эътиборсиз ўтказиб юборади. Уйқу ўз ҳолича олиб қаралганда, катта бир мўъжизадир. Уйқуни олимлар турли йўллар билан ўрганиб, кўплаб сирларни кашф қилдилар. Аммо ҳаммасини кашф қила олмадилар.

«Ва Унинг оят-белгиларидан кечаси ва кундузи ухлашингиз...»

Уйқу Аллоҳ таоло томонидан бандага берилган улуғ неъмат. Одам боласининг уйқуга эҳтиёжи жуда каттадир. Буни билиш, англаб етиш учун бирор кун уйқусиз юришнинг ўзи етади. Олимлар таъкидлашларича, инсон очлик ва яна бошқа муҳтожликларга узоқ муддат бардош бериши мумкин, аммо уйқусизликка чидай олмас

экан. Уйқу инсон учун, унинг ҳаёти учун жуда ҳам зарур омилдир. Унинг сир-асрорлари жуда ҳам кўп. Хуллас, «уйқу» деб аталмиш бу неъмат ҳам Аллоҳнинг биру борлигига ёрқин оят-белгидир.

«Унинг фазлидан талаб қилишингиздир.»

Шунингдек, инсон уйқудан туриб ҳаракатга тушади ва Аллоҳнинг фазлу карамидан ризқи рўз талаб қилишга киришади. Инсоннинг юриш-туриши, ҳаёт учун ҳаракат қилиши, ўзига, оиласига керакли нарсаларни топишга уриниши ҳам Аллоҳнинг биру борлигига, баркамол сифатлар соҳиби эканлигига ёрқин оят-белгидир.

Уйқу ва ҳаракатнинг эшитишга бевосита алоқаси борлиги учун ҳам оят охирида:

«Албатта, бунда эшитадиган қавм учун оят-белгилар бордир», дейилмоқда.

وَمِنْ آيَاتِهِ يُرِيكُمْ الْبَرْقَ خَوْفًا وَطَمَعًا وَيُنزِلُ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَيُحْيِي بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿٢٤﴾

24. Ва Унинг оятларидан сизга қўрқув ва умид учун чақмоқни кўрсатур ва осмондан сувни нозил қилади-да, у билан ерни ўлгандан кейин тирилтирур. Албатта, бунда ақл юритадиган қавм учун оят-белгилар бордир.

Чақмоқдан ҳамма қўрқади. Йилнинг маълум мавсумида юз берадиган бу ҳодиса доимо инсон қалбига таъсирини ўтказади. Лекин чақмоқдан умид қилиш ҳақида ўйлаган одам кам бўлса керак. Баъзи уламоларимиз ушбу оятга чақмоқдан қўрқиш, унинг ортидан келадиган ёмғирдан умид қилиш, маъносини берганлар. Олимлар кашф қилишларича, чақмоқ чаққанда ҳавони куйдириши натижасида ўсимликлар учун ўта фойдали ўғит – азот пайдо бўлар экан. Ана ўша модда ёмғир ила ерга тушиб ўсимликларнинг ўсишига, ҳосил беришига омил бўлар экан. Демак, хавф ва умид чақмоққа боғлиқ экан.

«...ва осмондан сувни нозил қилади-да, у билан ерни ўлгандан кейин тирилтирур.»

Буни кераклигича фаҳмлаб етиш учун қурғоқчилик бўлган юртларни кўриш керак. Аллоҳ таоло ёмғир ёғдирмай қўйган юртларда ер ўлиб, ўсимликлар, булоқ ва қудуқлар қуриб, ҳайвонлар ва одамлар қирилиб, ҳамма томондан ҳалокатга кетиш асарлари кўрилади. Шундай жойга Аллоҳ таоло ёмғир ёғдирган пайтдаги ҳолатни ҳам бир кузатиш керак. Ана шунда Аллоҳнинг қудратига қойил қолинади.

Чақмоқ, ёмғир ва унга тегишли ҳодисалар фақат Аллоҳ қила оладиган ишлар, холос. У зотдан бошқа ҳеч ким бунга қодир эмас.

«Албатта, бунда ақл юритадиган қавм учун оят-белгилар бордир.»

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ تَقُومَ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ بِأَمْرِهِ ثُمَّ إِذْ دَعَاكُمْ دَعْوَةً مِّنَ الْأَرْضِ إِذْ أَنْتُمْ مَخْرُجُونَ ﴿٢٥﴾

25. Унинг оят-белгиларидан, осмонлару ер Унинг амри ила туришидир. Сўнгра сизларни бир бор чақирса, ердан ҳаммангиз бирдан чиқарсизлар.

Бу ояти каримада қисқагина сўзлар билан улкан ҳақиқат ифодаланмоқда. Осмонлару ерни ким тутиб турибди? Нима учун улар жойидан қўзғалиб кетмаяпти? Ўзаро тортишиш кучи ушлаб турибдими? Хўп, ўша ўзаро тортишиш кучини ким пайдо қилган? Ёки бошқа яна бирор баҳона топилармикан? Топилса-топилар, аммо ҳаммаси Аллоҳга бориб тақалиши турган гап. Демак, осмонлару ернинг қоим туришининг ўзи Аллоҳнинг биру борлигига, баркамол сифатлар соҳиби эканига оят-белгидир.

Ана шундай улкан жисмлар ва чексиз коинотни тасарруфида ушлаб турган Зот:

«Сўнгра сизларни бир бор чақирса, ердан ҳаммангиз бирдан чиқарсизлар».

Яъни, сўнгра вақти-соати келиб қиёмат қоим бўлганида, Аллоҳ таоло сизларни бир марта чақирса, бас, кўмилиб ётган ерингиздан ҳаммангиз бирдан чиқасизлар. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Ўша кунга ҳозирдан тайёргарлик кўраверинглар.

وَلَهُ مَن فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ كُلُّ لَهٍ قَنِينٌ ﴿٢٦﴾

26. Осмонлару ердаги кимсалар Унга хосдир. Барчалари Унга итоат қилгувчидирлар.

Яъни, осмонлару ердаги барча махлуқотлар У зотникидир, уларнинг холиқи ва молики Аллоҳнинг Ўзидир. Уларнинг барчалари Аллоҳ жорий қилган қонун-қоидага мослашиб яшайдилар. Аллоҳ таолонинг иродаси ва хоҳишидан четга чиқа олмайдилар.

وَهُوَ الَّذِي يَبْدَأُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَهُوَ أَهْوَنُ عَلَيْهِ وَلَهُ الْمَثَلُ الْأَعْلَىٰ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٢٧﴾

27. У махлуқотни йўқдан бор қилур, сўнгра уни яна қайтадан вужудга келтирур, бу Унга жуда осондир. Осмонлару ердаги энг олий васф Униқидир. У азиз ва ҳақийм зотдир.

Аллоҳ таоло барча махлуқотларни йўқдан бор қилиб яратган зотдир. Қиёмат кунида уларни қайтадан тирилтирувчи ҳам Унинг Ўзидир. Йўқдан бор қилувчи учун борни қайтадан вужудга келтириш қийин эмасдир.

«Осмонлару ердаги энг олий васф Униқидир.»

Аллоҳ осмонлару ерда Ўзининг олий ва баркамол сифатларига эга. Унинг сифатларига биров шерик бўла олмайди, яқин ҳам кела олмайди. У ўхшаши йўқ зотдир. Унинг Ўзи барча сифатларида яккаю ёлғиздир.

«У азиз ва ҳақийм зотдир.»

Аллоҳ барчадан ғолиб – устин ва ҳар бир нарсани ҳикмат билан қилувчи зотдир.

ضَرَبَ لَكُمْ مَثَلًا مِّنْ أَنْفُسِكُمْ هَلْ لَكُمْ مِّنْ مَّا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ مِّنْ شُرَكَاءَ فِي مَآ رَزَقَكُمْ فَأَنْتُمْ فِيهِ سَوَاءٌ تَخَافُونَهُمْ كَخِيفَتِكُمْ أَنْفُسَكُمْ كَذَلِكَ نَفِصَلُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ

28. У сизга ўзингиздан мисол келтирди. Сизларнинг қўлингиздаги(қулларингиз)дан Биз сизга ризқ қилиб берган нарсада шерикларингиз бор-у, сизлар у(ризқ)да тенг бўлиб, улар(ҳақи)да ҳам ўз(ҳақ)ингизда қўрққанингиздек қўрқасизми?! Ақл юритадиган қавмлар учун оятларни ана шундай муфассал қилиб борурмиз.

Бу ояти каримадаги мисол Аллоҳ таолога ширк келтириб, фаришталар, жинлар, одамлар ҳайвонлар, буту санамлар ёки баъзи табиатдаги нарсаларни худо санаётган мушриклар учун келтирилган. Аллоҳ таоло мушрикларга хабар бериб:

«У сизга ўзингиздан мисол келтирди», дейди.

Яъни, эй мушриклар, Аллоҳ таоло сизга бошқа нарсалардан эмас, ўзингиздан мисол келтирди.

«Сизларнинг қўлингиздаги(қулларингиз)дан Биз сизга ризқ қилиб берган нарсада шерикларингиз бор-у...»

Биз ризқ қилиб берган неъматга қулингиз ҳам сизга шерик бўлишини хоҳайсизми? Йўқ. У қулни мазкур молу мулкингизнинг бир қисми ҳисоблайсиз. Унинг мол-мулкингиздан чиқиб кетишини ҳам хоҳламайсиз. Аллоҳ берган ризққа ўз қулингиз шерик бўлишини хоҳламас экансиз, қандай қилиб Аллоҳга Унинг Ўзи яратган махлуқотларини шерикликка раво кўрасиз?

Шерик бўлиш осон бўлибдими? Буни тушуниш учун мисолнинг давомини кўрайлик.

«...сизлар у(ризқ)да тенг бўлиб, улар(ҳақи)да ҳам ўз(ҳақ)ингизда қўрққанингиздек қўрқасизми?!»

Яъни, Аллоҳ берган ризққа қулингиз сиз билан баробар эга бўлиши мумкинми? Сиз ўз ҳаққингиз зое бўлишидан қўрққанингиз каби, унинг ҳаққи зое кетишидан ҳам қўрқишингиз мумкинми? Ҳеч мумкин эмас.

Шундай экан, нима учун Аллоҳ таолога Унинг Ўзи яратган махлуқотларни шерик қиласиз?

«Ақл юритадиган қавмлар учун оятларни ана шундай муфассал қилиб борурмиз.»

Ушбу тафсилотларни тўғри тушунган одамлар Аллоҳга ширк келтиришнинг асосий сабабини англаб оладилар.

بَلِ اتَّبَعَ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَهْوَاءَهُمْ بِغَيْرِ عِلْمٍ فَمَنْ يَهْدِي مَنْ أَضَلَّ اللَّهُ وَمَا لَهُمْ مِّنْ نَّاصِرِينَ

29. Йўқ!!! Зулм қилганлар илмсиз равишда ҳавойи нафсларига эргашдилар, холос. Аллоҳ залолатга солган кимсани ким ҳидоятга сола оларди?! Ва уларга нусрат бергувчилар бўлмас.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани аввалги ояти каримадаги мушрикларнинг васфида келган маънони рад қилиш билан бошлаб:

«Йўқ!!!» демоқда ва ундан сўнг мушрикларнинг хатосини баён қилишга киришмоқда.

Мушрикликнинг асосий сабаби шулки:

«Зулм қилганлар илмсиз равишда ҳавойи нафсларига эргашдилар, холос».

Агар илми ишлатиб, ҳавойи нафсга эргашмаганларида Аллоҳга ширк келтирмас эдилар. Лекин улар «илмсиз равишда ҳавойи нафсларига эргашдилар». Натижада мушрик бўлиб, улкан зулм содир этдилар. Ҳавойи нафсларига эргашиб, зулм қилганлари учун Аллоҳ уларни залолатга гирифтор этди.

«Аллоҳ залолатга солган кимсани ким ҳидоятга сола оларди?!»

Ҳеч ким сола олмайди. Албатта, ундоқ кимса бу дунёдан адашган ҳолида ўтади.

«Ва уларга нусрат бергувчилар бўлмас.»

Аллоҳнинг қаҳрига учраган кимсага ким ҳам нусрат берувчи бўла оларди?

Шу ўринда Аллоҳ таоло ҳавойи нафсига эргашганларни қўйиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилади:

Эй Пайғамбар!

فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا فِطْرَتَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ
ذَٰلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾

30. Бас, сен ҳаққа мойил бўлиб, динга юз тут. Бу, Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар.

Биз «ҳаққа мойил бўлиб» деб ўзбекчага ўтирган ибора ояти каримада биргина «ҳанийфан» сўзи билан ифода этилган. Араб тилида «ҳаниф» сўзи ёмонликдан яхшиликка, ботилдан ҳаққа юзланиш маъносида ишлатилади. Шунинг учун, бу оятнинг мазмуни, «барча ёмонликлардан юз ўтириб, ҳақ динга юз тут», бўлади. Яъни, бошқа ҳамма динлар, эътиқод ва тузумларни қўйиб, Исломга ихлос ила юзлан, демақдир. Мушрик, кофир ва бошқалар ҳавойи нафсга эргашиб, ўзлариникини маъқуллайверади, уларнинг барини эътиборсиз қолдириб, ҳақ динга юзлан, деган маъно чиқади.

«Бу, Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир.»

Яъни, турли-туман динларга эмас, Исломга юзланиш табиати инсонларнинг асл табиатидир. Аллоҳ уларни ана шу асл табиати ила яратган.

Аллоҳ одамларнинг асл табиатларига Исломни, ягона Аллоҳга иймон келтиришни жойлаган. Аллоҳга ширк келтириш эса, инсоннинг асл табиатига зид бўлиб, илмсизлик ва ҳавойи нафсга эргашиш оқибатида пайдо бўлади.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳар бир фарзанд асл табиат ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий, насроний ёки мажусий қилади», деганлар.

Бу дин асл табиатидан узоқлашган одамларни асл табиатига қайтаради.

«Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас.»

Яъни, асл табиатни ўзгартиришга уриниш ноўрин чираниш бўлади.

«Ушбу тўғри диндир.»

Ислом энг тўғри диндир. Ундан бошқа динга эътиқод этган киши нотўғри йўлда юрган бўлади.

«Лекин одамларнинг кўпи билмаслар.»

Шунинг учун ҳам, илмсиз равишда ҳавоий нафсларига эргашиб, турли-туман динларга кирадилар.

Ушбу оятдаги хитоб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилган бўлса ҳам, барча мўминлар кўзда тутилгандир. Шу сабабли, кейинги оятда хитоб умумлашади.

﴿مُنِينَ إِلَيْهِ وَاتَّقُوهُ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَلَا تَكُونُوا مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

31. (Ҳар бир нарсада) Унга қайтгувчи бўлароқ, Унга тақво қилинг, намозни тўкис адо этинг ва мушриклардан бўлманг.

Яъни, Аллоҳнинг динига юз тутганингизда, ҳар бир нарсада Аллоҳга қайтгувчи бўлинг. Ҳар бир амални фақат Унинг амрига мос қилинг.

«...Унга тақво қилинг...»

Тақво ҳам Аллоҳга қайтишликнинг бир тури.

«...намозни тўкис адо этинг...»

Бу ҳам ихлос билан Аллоҳга қайтишнинг бир кўринишидир.

«...ва мушриклардан бўлманг.»

Кейинги оятда ўша мушрикларнинг васфи келади:

﴿مِنَ الَّذِينَ فَرَّقُوا دِينَهُمْ وَكَانُوا شِعَابًا كُلَّ حِزْبٍ بِمَا لَدَيْهِمْ فَرِحُونَ﴾

32. Динларида тафриқага тушган, гуруҳ-гуруҳ бўлиб олиб, ҳар бир фирқа ўз олдидаги нарсадан шод бўлганлардан (бўлманг).

Гарчи ширк, мушрикликнинг бир маъноси Аллоҳга шерик келтириш бўлса-да, дунёда мушрикликдан кўп нарса бўлмаса керак. Чунки, мушриклар динларида фирқаланиб кетган. Бир гуруҳи Аллоҳга бут-санамни шерик қилса, иккинчиси фаришталарни, учинчиси Аллоҳ Ўзи юборган Пайғамбарни, тўртинчиси қуёш, ой, юлдуз, бешинчиси бирор ҳайвонни, олтинчиси қабр тошларни, еттинчиси жинларни, саккизинчиси ота-бобосини, тўққизинчиси подшоҳини, ўнинчиси тоғу тош, дов-дарахтни ва яна алақандай нарсаларни Аллоҳга шерик келтирадилар.

Улар ҳам ўз навбатида яна алоҳида фирқаларга ажралади. Аллоҳ таоло мусулмонларни шулар каби тафриқага тушмасликка, **«ҳар бир фирқа ўз олдидаги нарсадан шод бўлганлардан»** бўлмасликка амр қилмоқда.

Келгуси оятларда, ушбу энг тўғри динга — Исломга кирмаганларнинг ҳоллари қандай ўзгариб, субутсиз бўлиши баён қилинади:

وَإِذَا مَسَّ النَّاسَ ضُرٌّ دَعَوْا رَبَّهُمْ مُنِيبِينَ إِلَيْهِ ثُمَّ إِذَا آذَاهُمْ مِنْهُ رَحْمَةً إِذَا فَرِيقٌ مِنْهُمْ بِرَبِّهِمْ يُشْرِكُونَ

33. Қачон одамларга зарар етса, Роббиларининг Ўзигагина қайтиб, дуо қилурлар. Сўнгра У уларга Ўзидан раҳмат тоттирганда, кўрибсанки, улардан баъзи гуруҳлари Роббиларига ширк келтирурлар.

Собит иймон эгаси бўлмаган одамнинг ҳоли аниқ шундай бўлади. Бу тоифа одамлар шароитга қараб ўзгариб турадилар. Уларда субут бўлмайди.

«Қачон одамларга зарар етса, Роббиларининг Ўзигагина қайтиб, дуо қилурлар.»

Бошига оғир кулфат тушса, ҳар қандай кофир ҳам Аллоҳга илтижо қилади. Бу ҳол қайта-қайта тажрибадан ўтган ҳақиқатдир. Ҳар қандай одамнинг ҳам иши юришмаганда, Аллоҳ эсига тушиб қолади. Худойи атаб, мушкули кушод бўлишини сўраб илтижо этади. Шунингдек, бутун бошли халқ, эл-юртлар ҳаётида ҳам бу ҳолат яққол сезилади. Турли табиий офатлар, урушлар ёки бошқа қийинчиликларга дучор бўлган халқлар ва давлатлар динга қайтиб, худога ёлвориб қолиши ҳаммага маълум ва машҳур. Ҳатто, умр бўйи пешонаси сажда кўрмаган подшоҳлар ҳам ўзларини художўй қилиб кўрсатишга уриниб қолишади. Бу ўзича яхши нарса. Зарарга дучор бўлганда ўзини ўнглаб, тавба қилиб, художўй бўлиб кетишликнинг ёмон жойи йўқ. Аммо афсусланарлиси шундаки:

«Сўнгра, У уларга Ўзидан раҳмат тоттирганда, кўрибсанки, улардан баъзи гуруҳлари Роббиларига ширк келтирурлар».

Собит ақийдага эга бўлмаган бундай одамлар бошларидан мусийбат кўтарилса, аввалги ҳолатлари ёдларидан чиқади. Яна Аллоҳга ширк келтириб, куфр ва нифоқ йўлига ўтадилар.

لِيَكْفُرُوا بِمَا آءَانَيْنَهُمْ فَمَا تَعَوَّفُوا فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ

34. Биз уларга берган нарсага куфр келтираверсинлар! Бас, ҳузурланаверинг! Яқинда биласизлар!

Бу оятдаги амрлар таҳдидни англатади. Яъни, Аллоҳ Ўз неъматини уларнинг бошига тушган зарарни кўтарса, Унга шукр этиб, янада кўпроқ ибодат қилиш ўрнига, ширк келтиришлари ўта нонкўрлик ва куфрони неъматдир. Ана шунга ишоратан оятда ачитиб:

«Биз уларга берган нарсага куфр келтираверсинлар!» дейилмоқда.

Оят давомида таҳдид яна ҳам кучайтирилиб, уларга бевосита хитоб қилинади:

«Бас, ҳузурланаверинг!»

Яъни, ҳавойи нафсингизга эргашиб, бу дунё матоҳи ила ҳузурланаверинглар!

«Яқинда биласизлар!»

Қилаётган ишингиз қандай оқибатларга олиб келишини.

Бу одамлар нима учун бошларига мусийбат тушганда, Аллоҳга ёлвориб, Аллоҳдан раҳмат тотганларида, Унга ширк келтирадилар?

أَمْ أَنْزَلْنَا عَلَيْهِمْ سُلْطَانًا فَهَوْا يَتَكَلَّمُ بِمَا كَانُوا بِهِ يُشْرِكُونَ ﴿٣٥﴾

35. Ёки Биз уларга ҳужжат туширганмиз-у, у (ҳужжат) Унга ширк келтирган нарсалари (жоизлиги) ҳақида сўзларми?!

Ёки мушрикларнинг қўлида Биз томонимиздан туширилган бирон ҳужжат борми?! Ўша ҳужжат Аллоҳ таолога ширк келтиришга изн берадими?! Шунинг учун улар ширк келтирмақдаларми?!

وَإِذَا أَذَقْنَا النَّاسَ رَحْمَةً فَرِحُوا بِهَا وَإِنْ تُصِيبُهُمْ سَيِّئَةٌ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ إِذَا هُمْ يَقْنَطُونَ ﴿٣٦﴾

36. Ва қачон одамларга раҳматни тоттирсак, ундан шод бўлурлар. Агар уларга ўз қўллари тақдим қилган нарса туфайли ёмонлик етса, дарҳол умидсизликка тушурлар.

Бу ҳам субутсиз инсонларнинг ҳолатларидан бир кўринишдир. Аллоҳ таолога иймон воситасида мустаҳкам боғланмаган одамларда бундай ҳолат бўлиши турган гап.

«Ва қачон одамларга раҳматни тоттирсак, ундан шод бўлурлар.»

Ўзларига Аллоҳ томонидан бир яхшилик етса, ўта қувониб, ҳовлиқиб кетадилар. Бурунлари осмонга кўтарилиб, босар-тусарларини билмай қоладилар. Бундай яхши ҳолат ўзлари учун синов эканини ўйламайдилар. Шукр айтадими ёки ношукрлик қиладими — шуни синаш учун берилган бўлиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Балки, манманликка, риекорликка ва мақтанишга ўтадилар. Худди шу одамларнинг ўзи:

«Агар уларга ўз қўллари тақдим қилган нарса туфайли ёмонлик етса, дарҳол умидсизликка тушурлар».

Улар, аввало, ўзларига етган ёмонлик «ўз қўллари тақдим қилган нарса», яъни гуноҳ туфайли келганини англаб етмайдилар. Уни ўзларига нисбатан ўта адолатсизлик сифатида қабул қилиб, ортиқча маҳзун бўлиб, дод-вой соладилар. Бу мусийбат ўзларига бир насихат, танбеҳ ёки гуноҳларига каффорот бўлиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Шунингдек, бу ҳам синов бўлиши мумкин-

лиги хаёлларига ҳам келмайди. Бутунлай умидсизликка тушмасдан, сабр қилиб, чин ихлос билан Аллоҳга ёлворсалар, мушкуллари кушод бўлиши мумкинлигини эсламайдилар.

Бундай одамларнинг калтафаҳмлиги, узоқни кўра олмаслиги собит ақийда соҳиби эмасликларини билдиради. Бўлмаса:

أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّ اللَّهَ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٢٧﴾

37. Улар Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишисига ризқни кенг ёки тор қилишини билмасларми? Албатта, бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-белгилар бордир.

Ахир, бу дунёда ҳар бир нарса Аллоҳ таолонинг иродаси ва хоҳиши билан бўлади-ку?! Аллоҳ таоло хоҳлаган кишисининг ризқини кўп, хоҳлаган кишисининг ризқини оз қилиши ҳам маълум ва машҳурдир!

«Албатта, бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-белгилар бордир.»

Иймонсизлар бу ҳолни тушуниб етишлари қийин. Дунёдаги ҳамма иш Аллоҳ таолонинг хоҳиши ила бўлганидан кейин, ризқ берадиган Унинг Ўзи бўлганидан кейин, молу дунёни кўпайтириш ва қандай сарфлаш йўлини ҳам Унинг Ўзи кўрсатиб беради. Келаси оятларда ана шу ҳақда сўз юритилади:

فَآتِ ذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ ذَٰلِكَ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ يُرِيدُونَ وَجْهَ اللَّهِ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٢٨﴾

38. Бас, қариндошга, мискинга ва йўлда қолганга ҳаққини бер. Ана шу, Аллоҳнинг юзини ирода қилганлар учун хайрлидир. Ва ана ўшалар нажот топгувчилардир.

Ризқ бериш Аллоҳ таолонинг қўлида бўлгач, ризқнинг камайиб қолишидан қўрқмай, қариндош-уруғларга, мискинлар ва сафари туфайли муҳтожликка тушиб, йўлда қолганларга ҳақларини бер. Хайр-садақа қил. Сенинг қўлингдаги ризқи рўзда уларнинг ҳам ҳақлари борлигини унутма.

«Ана шу, Аллоҳнинг юзини ирода қилганлар учун хайрлидир.»

Қўлидаги молдан қариндош-уруғга, мискинларга ва йўлда қолганларга эҳсон қилиш Аллоҳнинг розилигини кўзлаган кишилар учун энг хайрли ишдир.

«Ва ана ўшалар нажот топгувчилардир.»

Лекин:

وَمَا آتَيْتُمْ مِنْ رَبِّا لَيْرَبُوا فِيْ اَمْوَالِ النَّاسِ فَلَا يَرْبُوا عِنْدَ اللّٰهِ وَمَا آتَيْتُمْ مِنْ زَكٰوٰةٍ تَرْيَدُوْنَ وَجْهَ اللّٰهِ فَاُولٰٓئِكَ هُمُ الْمُضْعِفُوْنَ ﴿٢٩﴾

39. Одамлар моллари ичида зиёда бўлсин деб рибо учун берган молингиз Аллоҳ ҳузурида зиёда бўлмас. Аллоҳнинг юзини кўзлаб берган закотингиз эса, бас, ана ўшалар бир неча баробар қилиб олгувчилардир.

«Рибо» ўзбек тилида «судхўрлик» деб юритилади. Рибо бир одам иккинчисига маълум муддатга маълум миқдор пулни устига фоиз қўйиб қайтариш шарти ила беришидир. Бунда пул эгаси ҳеч қандай меҳнатсиз, фақат пул бериб тургани учунгина текин фойда кўради. Пул олувчи эса, фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъиназар, белгиланган муддатда келишилган фоизни қўшиб пулни эгасига қайтариши лозим. Бу нарса Исломда ҳаром қилинган. Рибо орқали одамлар пуллари ни зиёда қилишни истайдилар. Аммо Қуръони Карим бу ҳақда бошқача ҳукм айтмоқда:

«Одамлар моллари ичида зиёда бўлсин деб рибо учун берган молингиз Аллоҳ ҳузурида зиёда бўлмас».

Аллоҳ таоло рибони ҳаром қилган, ҳаром нарса қанча кўп бўлса ҳам, зиёда бўлмайди. Шунингдек, рибода савоб ҳам йўқ, Балки гуноҳ бор.

«Аллоҳнинг юзини кўзлаб берган закотингиз эса...»

«Закот» сўзи ўзбек тилида «покиза» ва «зиёда» маъноларини англатади. Дарҳақиқат, закоти берилган мол покизаланеди ва Аллоҳ берган барака ила зиёда ҳам бўлади. Ўша закот берган одамлар:

«...бас, ана ўшалар бир неча баробар қилиб олгувчилардир».

Шунинг учун, рибо йўлига эмас, закот йўлига юриш керак.

Кейинги оятда ризқи рўз масаласи эътиқод ва ширк масаласига боғлаб муолажа қилинади:

اللّٰهُ الَّذِيْ خَلَقَكُمْ ثُمَّ رَزَقَكُمْ ثُمَّ يُمِيْتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيْكُمْ هَلْ مِنْ شُرَكَائِكُمْ مَّنْ يَّفْعَلُ مِنْ ذٰلِكُمْ مِّنْ شَيْءٍ سُبْحٰنَهُ وَتَعَالٰى عَمَّا يَشْرِكُوْنَ ﴿٣٠﴾

40. Сизларни халқ қилган, сўнгра ризқлантирган, кейин ўлдирадиган ва яна тирилтирадиган зот Аллоҳдир. Сизнинг (Аллоҳга келтирган) шерикларингиздан ким ана шуларингиздан бирортасини қила оладир?! У зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва олий бўлди.

Дарҳақиқат, Аллоҳга ширк келтираётган мушрикларнинг ўзларини йўқдан бор қилиб яратган ким? Аллоҳ! Улар Аллоҳга шерик

деб эътиқод қилаётган сохта худолари уларни ярата оладиларми? Йўқ! Уларга ризқ берган ким? Аллоҳ! Сохта худолари уларга ризқ бера оладими? Йўқ! Уларнинг жонини олиб, ўлдирадиган ким? Аллоҳ! Сохта худолари бировнинг жонини ола биладими? Йўқ! Уларни қиёматда қайта тирилтирадиган ким? Аллоҳ! Сохта худолари бирор кишини қайта тирилтира оладими? Йўқ!

Шундай экан, нима учун ёлғиз Аллоҳга ибодат қилмай, Унга ширк келтирадилар?

«У зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва олий бўлди.»

Жоҳил ва ҳавойи нафсига эргашган одамларнинг бузуқ эътиқоди ва нотўғри тасавури ила зотан муназзаҳ Аллоҳда нолайиқ сифат пайдо бўлмайди ёки Аллоҳ таолонинг олий мақоми пасайиб қолмайди.

Аксинча, бузуқ ақийда ва нотўғри тасаввурлар ўз эгаларига зарар қилади, ер юзида турли бузғунчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ لِيُذِيقَهُمْ بَعْضَ الَّذِي عَمِلُوا
لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٤١﴾

41. Қилган амалларининг баъзисини тоттириш учун, одамлар қўллари касб қилган нарсалар туфайли қуруқликдаю денгизда фасод зоҳир бўлди. Шоядки, улар қайтсалар.

Одамлардаги бузуқ эътиқод ва тасаввурлардан фисқу фасод келиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, қуруқликдаю денгизда бузғунчилик устун келишига сабаб бўлади. Одамлар қилган гуноҳлар ва фисқу фасод ўзларининг бошларига бало-офат келтиради. Бу мусийбатлар уларга танбеҳ бўлиши, залолатдан ҳидоятга, нотўғри йўлдан тўғрисига қайтишларига сабаб бўлиши керак.

Ҳа, одамлар бошларига тушаётган бало-офатлардан ибрат олсинлар, вақтида Аллоҳ таолога қайтсинлар.

Яна бошқа томондан ибрат олишлари учун, эй Пайғамбар, уларга:

قُلْ سِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِنْ قَبْلُ كَانُوا أَكْثَرَهُمْ مُشْرِكِينَ ﴿٤٢﴾

42. Сен: «Ер юзида сайр қилинлар. Олдин ўтганларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинлар. Уларнинг кўплари мушрик бўлган эдилар», деб айт.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, мушрикларни ўзларидан олдин ўтган мушрикларнинг ёмон оқибатидан ибрат олишга чақиритишни буюрмоқда.

Дарҳақиқат, инсон ер юзида кезиб, ўтмишдан қолган асарлар, вайроналарни кўрса, уларнинг тарихини ўрганса, мушрикликнинг оқибатлари ёмон бўлганининг гувоҳи бўлади. Бундан ибрат олиб, ўша мушрик ҳолида ўтганлар учраган ёмон оқибатга дучор бўлмаслик учун уларнинг хатосини такрорламаслик керак.

Ундай бўлса:

فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ الْقَيِّمِ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا مَرَدَّ لَهُ مِنَ اللَّهِ يَوْمَئِذٍ يُصَدَّعُونَ ﴿٤٣﴾

43. Бас, Аллоҳ томонидан рад қилинмайдиган кун келмасдан аввал тўғри динга юз тут. Ўша кунда (одамлар) бўлак- бўлак бўлурлар.

Эй Пайғамбар! Аллоҳ томонидан ҳеч ким қайтара олмайдиган кун — Қиёмат қоим бўлмай туриб Исломга юзлан. Қиёмат кунида одамлар турли гуруҳга бўлинадилар.

مَنْ كَفَرَ فَعَلَيْهِ كُفْرُهُ وَمَنْ عَمِلَ صَالِحًا فَلَا نَفْسَ لَهُ يَمْهَدُونَ ﴿٤٤﴾

44. Ким куфр келтирса, унинг куфри ўзига зарар. Кимлар яхши амаллар қилган бўлса, ўзлари учун (замин) тайёрлар.

Яъни, ҳар ким ўзи учун қилади. Кофир куфрининг жазосини олади. Мўмин бўлиб яхши амалларни қилганлар охират мукофотига замин тайёрлайдилар. Бундай бўлиши:

لِيَجْزِيَ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ مِنْ فَضْلِهِ ۗ إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْكَافِرِينَ ﴿٤٥﴾

45. У зот иймон келтирган ва яхши амалларни қилганларни Ўз фазли ила мукофотлаши учундир. Албатта, У кофирларни севмас.

Банда ҳар қанча яхши амал қилган чоғида ҳам, Аллоҳнинг шукрини жойига келтира олмайди ва жаннатга ҳақдор бўла билмайди. Унга бу мақомни Аллоҳ таоло Ўз фазли-марҳамати ила ато қилади. Ҳа,

«У зот иймон келтирган ва яхши амалларни қилганларни Ўз фазли ила мукофотлаши учундир».

Чунки, У мўмин бўлиб яхши амаллар этган бандаларни севади. **«Албатта, У кофирларни севмас.»**

Кейинги оятларда Аллоҳ таолонинг фазли-марҳаматига боғлиқ баъзи оят-белгилар ҳақида сўз кетади:

وَمَنْ ءَايَنَهُ أَنْ يُرْسَلَ الرِّيحَ مُبَشِّرَاتٍ وَلِيذِيقَكُمْ مِنْ رَحْمَتِهِ ۗ وَلِتَجْرِيَ الْفُلُكُ بِأَمْرِهِ

وَلْتَبْتَغُوا مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَلِعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٤٧﴾

46. Ва Унинг оят-белгиларидан сизга Ўз раҳматидан тоттириш учун, Ўз амри ила кемаларни юрдириш учун ва Унинг фазлидан (ризқ) талаб қилишингиз учун шамолларни хушхабарчи қилиб юборишидир. Шоядки, шукр қилсангиз.

Ушбу ояти каримада яхшилик ила эсадиган шамолларнинг Аллоҳ таололонинг оят-белгиларидан эканлиги таъкидланмоқда ва у шамоллар баъзи бир нарсалардан олдин хушхабарчи бўлиб келиши ҳақида сўз юритилмоқда:

«Ва Унинг оят-белгиларидан сизга Ўз раҳматидан тоттириш учун...»

Ушбу жумладаги Аллоҳ таолонинг «Ўз раҳматидан» мурод ёмғирдир. Сув кам жойларда ёмғир ёғиши ўша жойлардаги барча нарсалар учун Аллоҳ таолонинг беқиёс раҳматидир. Ёмғир ёғишини интиқиб кутаётган кишилар ғир этган шамолдан хурсанд бўлишади. Чунки, тажрибада ёмғирдан олдин унинг шамоли келиши аниқланган. Одатда, ёмғирдан олдин эсадиган шамол ёмғирга интизор бўлиб турганлар учун хушхабарчи бўлади. Дарҳақиқат, ўша шамол бандалар Аллоҳнинг раҳматидан тотишлари учун зарур бўлган ёмғирли булутларни олиб келаётган бўлади. Ёмғир ёғади, ҳамма фойдаланади. Ризқи рўз сероб бўлади. Бандалар Аллоҳнинг раҳматидан баҳраманд бўладилар.

«Ўз амри ила кемаларни юрдириш учун ва Унинг фазлидан (ризқ) талаб қилишингиз учун шамолларни хушхабарчи қилиб юборишидир.»

Шунингдек, авваллари тижорат ва касб-кор учун сафарни ихтиёр этган кишилар денгиз сафарига ҳозирланиб, елканли кемаларини тайёрлаб, шамолни кутишган. Улар учун ҳам шамол хушхабарчи бўлган. Аллоҳнинг амри ила юрган кемада сафар қилиб, ҳожатларини чиқаришган, Аллоҳнинг фазлидан ризқи рўз талаб қилишган.

«Шоядки, шукр қилсангиз.»

Шу ишларни жорий этган Аллоҳнинг қудратига тан бериб, унга иймон келтириш ва ибодат қилиш керак эмасми? Унга шукр айтиш керак эмасми? Нима учун одамлар буни тушунмайдилар? Бу ҳолат бутун бўлаётгани йўқ, авваллари ҳам бўлган эди.

Эй Пайғамбарим!

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ رُسُلًا إِلَى قَوْمِهِمْ فَجَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَأَنْقَمْنَا مِنَ الَّذِينَ أَجْرَهُمْ ۗ وَكَانَ

حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٧﴾

47. Батаҳқиқ, Биз сендан олдин ҳам Пайғамбарларни қавмларига юбордик. Бас, улар (қавмларига) очиқ-ойдин ҳужжатлар келтирганлар. Сўнг Биз жинойт қилганлардан интиқом олганмиз. Мўминларга нусрат бериш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган.

Бу ояти каримада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотга эргашган мўмин-мусулмонларга улкан тасалли бор. Уларга қуйидаги маънолар уқтирилмоқда:

Сизлар иймон туфайли, дину диёнат туфайли мушрик ва кофирлардан кўраётган озор, азоб-уқубат ва қаршиликлардан хафа бўлманглар. Кофир ва мушрикларнинг қилмишларидан ажабланманглар. Сиз кўраётган бу ишлар маълум ҳикматларга боғлиқ бўлиб, Аллоҳ томонидан қадимдан жорий қилинган одатдир.

«Батаҳқиқ, Биз сендан олдин ҳам Пайғамбарларни қавмларига юбордик.»

Ўтган замонларда ҳам, ҳозир Муҳаммад алайҳиссаломни юборилганидек, қанчадан-қанча Пайғамбарлар юборилган.

Бас, улар (қавмларига) очиқ-ойдин ҳужжатлар келтирганлар.»

Ана ўша ўтган Пайғамбарлар ҳам қавмларига очиқ-ойдин баёнотлар ва ҳужжатларни етказганлар. Қавмларидан баъзилари иймон келтирганлар, кўплари куфрга кетиб жинойт қилганлар.

«Сўнг Биз жинойт қилганлардан интиқом олганмиз.»

Уларни ҳалок этганмиз. Азоб-уқубатга дучор қилганмиз. Шунингдек, ҳозирда куфр келтириб, жинойт қилиб турганлардан ҳам вақти-соати келиб интиқом оламиз. Сиз сабр қилинг.

«Мўминларга нусрат бериш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган.»

Шунга биноан, доимо мўминларга нусрат бериб келганмиз. Шунингдек, вақти-соати билан сизга ҳам нусрат берамиз. Фақат, сиз сабр қилинг ва мўминлик номига лойиқ бўлинг. Қачон нусрат беришни Бизнинг Ўзимиз биламиз.

اللَّهُ الَّذِي يُرْسِلُ الرِّيحَ فَتُبْرِئُ سَحَابًا فِيْبَسُطُهُ فِي السَّمَاءِ كَيْفَ يَشَاءُ وَيَجْعَلُهُ كِسْفًا
فَتَرَى الْوَدْقَ يَخْرُجُ مِنْ خِلَالِهِ فَإِذَا أَصَابَ بِهِ مِنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ إِذَا هُمْ يَسْتَبْشِرُونَ ﴿٤٨﴾ وَإِنْ
كَانُوا مِنْ قَبْلِ أَنْ يُنْزَلَ عَلَيْهِمْ مِنَ قَبْلِهِ لَمُبْسِلِينَ ﴿٤٩﴾

48. Аллоҳ шундай зотки, шамолларни юбориб, улар ила булутни қўзғатар ва у(булут)ни осмонда Ўзи хоҳлаганича ёяр ва бўлак-бўлак қилар, бас, унинг орасидан ёмғир чиқаётганини кўрасан. Қачон у(ёмғир)ни Ўз бандаларидан хоҳлаган кимсаларга етказса, улар дарҳол шод бўлурлар.

49. Ҳолбуки, устларига (ёмғир) туширилишидан олдин, ҳа, ундан олдин, мутлақо умидсиз эдилар.

Ушбу икки оят Аллоҳ таоло ёмғирни қандай ёғдириши ва ундан одамлар қандай хурсанд бўлишларини васф қилмоқда. Бу, аввало, Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига васф бўлса, айти пайтда Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоб эканига ҳам бир далилдир. Чунки, бу оятларда сифатланган жараёнларни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким қила олмаган, қила олмаяпти ва қила олмайди ҳам. Бу ҳол Аллоҳ таолонинг биру борлигига, чексиз қудрат ва баркамол сифатлар соҳиби эканига ёрқин далилдир.

Иккинчидан, бундан ўн беш аср аввал ўқиш-ёзишни билмаган, табиий илмларни ўрганмаган одам ёмғирга боғлиқ ҳодисаларнинг бунчалик илмий ва аниқ васфини фақат Аллоҳнинг марҳамати ила қила олиши мумкин, холос. Бу оятдаги таърифга ҳозирги замондаги мазкур соҳанинг билимдонлари ҳам тан бериб лол қолмоқдалар. Қуръони Карим илоҳий мўъжиза бўлмаса, бу таъриф қаердан келар эди?

«Аллоҳ шундай зотки, шамолларни юбориб, улар ила булутни қўзғатар...»

Аллоҳ шамолларни юбормаса, ким юборар эди? Аллоҳ Ўзи юборган шамоллар ила булутларни қўзғатмаса, ким қўзғатар эди? Ким булут пайдо қилар эди?

«...ва у(булут)ни осмонда Ўзи хоҳлаганича ёяр ва бўлак-бўлак қилар...»

Баъзи булутларни қалин, айримларини юпқа қилиб ёйган ким? Ёки парча-парча қилиб бўлган ким? Албатта, Аллоҳ таоло.

«...бас, унинг орасидан ёмғир чиқаётганини кўрасан.»

Булутнинг орасидан ёмғирни чиқарган ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи.

«Қачон у(ёмғир)ни Ўз бандаларидан хоҳлаган кимсаларга етказса, улар дарҳол шод бўлурлар.»

Бу шодликни тўла ҳис этиш учун ҳаёти ёмғир сувига интиқ минтақанинг аҳолиси бўлиш керак. Бутун турмуши ва ризқи рўзи осмондан ёмғир ёғишига боғлиқ бўлган одамлар устларидан ёққан ёмғирдан қанчалик шод бўлишларини бошқалар тасаввур этиши қийин.

«Ҳолбуки, устларига (ёмғир) туширилишидан олдин, ҳа, ундан олдин, мутлақо умидсиз эдилар.»

Ерлар қақраб, ўлиб ётган эди. Ўсимликлар қуриб жижғанақ бўлиб қолган эди. Ҳайвонлари сувсизликдан озиб-тўзиб, ўлиб бораётган эди. Тўплаган озуқалари тутаёзган эди. Натижада улар бутунлай умидсиз ҳолга тушиб қолган эдилар. Ана шунда илқис шамол эсиб, булут пайдо бўлди ва ёмғир ёға бошлади. Ҳамма нарсага жон кирди. Энди ерлар сувга тўяди. Ўсимликлар унади. Ризқ мўл бўлади. Ҳайвон-

лар ҳам кўпаяди, семиради. Бу ишлар улар учун Аллоҳнинг раҳматидир. Улар шод бўлмай, ким шод бўлсин!

فَانظُرْ إِلَىٰ آثَرِ رَحْمَتِ اللَّهِ كَيْفَ يُحْيِي الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا إِنَّ ذَٰلِكَ لَمُحِي الْمَوْتِ
وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٥٠﴾

50. Бас, Роббинг раҳмати асарларига назар сол. У ерни ўлиб ётганидан кейин қандай тирилтирур?! Албатта, ана шу Зот ўликларни ҳам тирилтиргувчидир ва У ҳар бир нарсага қодирдир.

Яъни, Парвардигоринг раҳмати бўлмиш ёмғирнинг таъсирига назар сол. Ўлиб ётган ерни тирилтирди. Ўлик ҳолда ётган ерни ёмғир ила тирилтирган Аллоҳ ўлиб ётган одамларни ҳам тирилтириши ҳеч гап эмас.

«У ҳар бир нарсага қодирдир.»

وَلَيْنَ أَرْسَلْنَا رِيحًا فَرَأَوْهُ مُصْفَرًّا لَّظَلُّوا مِنْ بَعْدِهِ يَكْفُرُونَ ﴿٥١﴾

51. Агар Биз бир шамол юбориб, улар (экинларини) сарғайган ҳолда кўрсалар, ундан кейин, албатта, куфрони неъмат қилишга ўтарлар.

Яъни, Аллоҳ таоло раҳмат ўлароқ юборган ёмғир изидан экинлари ўсиб, гуллаб-яшнаб турган пайтда Аллоҳ яна бошқа бир иссиқ шамол эсдириб, экинларини сарғайтириб қўйса, Аллоҳга ва Унинг қазои қадарига ишонмайдиган кишилар ноумид бўлиб, аччиқлари чиқиб, куфрони неъмат қиладилар. Чунки, улар ҳамма нарса Аллоҳнинг тадбири ва хоҳиши билан бўлишини англаб етмайдилар. Ундай кишиларга гап-сўзни тушунтириб ҳам бўлмайди.

Эй Пайғамбарим!

فَإِنَّكَ لَا تَسْمَعُ الْمَوْتَىٰ وَلَا تَسْمَعُ الضُّعَىٰ إِذَا وُلُّوا مُدْبِرِينَ ﴿٥٢﴾

52. Албатта, сен ўликка эшиттира олмассан ва даъватни ортларига бурилиб кетаётган карларга эшиттира олмассан.

Ушбу оятда кофир ва мушриклар ўликка тенглаштирилмоқда. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларини ўликлар эшита олмаганидек, кофиру мушриклар ҳам эшитмайдилар. Тўғриси, эшитсалар ҳам, фойдаси йўқ. Эшитганидан фойда олмасликда ўликлар ҳам, булар ҳам баробар. Шунингдек, кофир ва мушриклар ортга

қараб бурилиб кетаётган карқулоқларга ўхшайди. Ўзи карқулоқ бўлса-да, яна бирон гап эшитиб қолмай, дея ортига қараб қочган шахснинг даъватдан фойда олиши эҳтимолдан узоқдир. Мушрик ва кофирларнинг ҳоли ҳам шунга ўхшайди.

Эй Пайғамбарим!

وَمَا أَنْتَ بِهَدِي الْعَمَىٰ عَنِ ضَلَالِهِمْ ۗ إِنَّ سُمْعَ الْإِمْنِ يُؤْمِنُ بِتَائِنَانَفَهُمْ مُسْلِمُونَ ﴿٥٢﴾

53. Сен кўрларни гумроҳликларидан ҳидоят қилгувчи эмасан. Сен фақат Бизнинг оятларимизга иймон келтирганларгагина эшиттира олурсан. Ана ўшалар мусулмонлардир.

Бу оятда кофир ва мушриклар кўрларга ўхшатишмоқда. Кўрнинг кўзини бошқа киши оча олмаганидек, ўзи тўғри йўлга юришни истамаган кофирларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳидоятга сола олмайдилар.

«Сен фақат Бизнинг оятларимизга иймон келтирганларгагина эшиттира олурсан.»

Ана ўшалар даъватни жон қулоқлари билан эшитадилар. Эшитганларидан фойда оладилар.

«Ана ўшалар мусулмонлардир.»

Кейинги оятларда одамлар ўзларига қарашга ва ибрат олишга даъват қилинадилар:

﴿اللَّهُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ ضَعْفٍ ثُمَّ جَعَلَ مِنْ بَعْدِ ضَعْفٍ قُوَّةً ثُمَّ جَعَلَ مِنْ بَعْدِ قُوَّةٍ ضَعْفًا وَشَيْبَةً يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ وَهُوَ الْعَلِيمُ الْقَدِيرُ﴾ ﴿٥٤﴾

54. Аллоҳ сизни заифликда яратган, сўнгра заифликдан кейин қувватли қилган, сўнгра қувватдан кейин яна заифлик ва қариллик ориз қилган зотдир. У хоҳлаганини яратадир. У ўта илми ва ўта қудратлидир.

Эй одамлар, кибрга кетиб, яратган Холиқингизни инкор қилишдан олдин ўзингизга бир қараб кўйинг.

«Аллоҳ сизни заифликда яратган...»

Ҳамма томонингиз заифликдан иборат. Асли уруғларингиз «нутфа» деб аталмиш бир томчи жирканч сувдир. У жуда ҳам заиф нарса. Аммо Аллоҳ Ўз инояти ила ўша заиф сувдан ҳомила пайдо қилади. Ҳомила ҳам жуда заиф бўлади. Ҳеч нарсага қодир эмас. Аллоҳнинг инояти бўлмаса, бачадонда ётиши, вақти-соати келиб, ундан эсон-омон чиқиши ҳам мумкин эмас. Туғилган чоғида ҳам

инсон боласи энг заиф ҳолатда бўлади. Узоқ йиллар давомида ўзи мустақил равишда бирор иш қила олмайди. Шундай заиф одамни Аллоҳ «сўнгра заифликдан кейин қувватли қилган»дир. Аллоҳдан ўзга ҳеч ким унга бу қувватни бермайди. Вояга етган инсон ҳамма жиҳатдан қувватга эришади. Лекин бу ҳам абадий эмас. Аллоҳ унга:

«...қувватдан кейин яна заифлик ва қарилик ориз қилган зотдир».

Вақти-соати етиб инсон қариб куч-қувватдан кетади. Дунё ана шундай нарса. Ундаги ҳамма нарса ўзгариб туради. Бу ўзгаришларнинг ҳаммасини Аллоҳ таоло бажаради.

«У хоҳлаганини яратадир.»

Ҳа, Аллоҳ таолонинг хоҳлагани бўлади.

«У ўта илми ва ўта қудратлидир.»

Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билгувчи ва ҳамма нарсага қудрати етгувчи зотдир.

وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ يُقْسِمُ الْمُجْرِمُونَ مَا لِبِئْسَ آخِرَ سَاعَةٍ كَذَلِكَ كَانُوا يُؤْفَكُونَ ﴿٥٦﴾

55. Қиёмат қоим бўладиган куни жинойтчилар бир соатдан бошқа турмаганлари ҳақида қасам ичурлар. Улар ана шундай ўгирилар эдилар.

Қиёмат қоим бўлиб ҳамма маҳшарга тўпланганида, жинойтчилар ёруғ дунёда бир соатдан ортиқ турмаганлари ҳақида қасам ичадилар. Агар кўпроқ турганларида, иймон келтиришлари мумкинлигини пеш қилмоқчи бўладилар. Бу дунёда ҳам:

«Улар ана шундай ўгирилар эдилар».

Яъни, субутлари йўқ эди. Бир зумда ростдан ёлғонга, ҳақдан ботилга ўгирилар эдилар. Ўша одатларини охиратда ҳам қилмоқдалар. Уларнинг бу гапларига қарши:

وَقَالَ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ وَالْإِيمَانَ لَقَدْ لَبِثْتُمْ فِي كِتَابِ اللَّهِ إِلَى يَوْمِ الْبَعْثِ فَهَذَا يَوْمُ الْبَعْثِ وَلَكِنَّكُمْ كُنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٥٦﴾

56. Илм ва иймон берилганлар: «Батаҳқиқ, Аллоҳнинг китоби бўйича, қайта тирилиш кунигача турдингиз. Бас, бугун қайта тирилиш кунидир. Лекин сизлар билмас эдингиз», дерлар.

Илми мўмин бандалар жинойтчиларнинг қасам ичиб, ёруғ дунёда бир соатгина турдик, деган ёлғон гапларини тузатиб, ҳақиқатни уларнинг юзига соладилар:

«Батаҳқиқ, Аллоҳнинг китоби бўйича, қайта тирилиш кунига-ча турдингиз».

Яъни, Аллоҳ, Ўз китоби — Лавҳул Маҳфузда тақдир қилганидек, қиёмат кунигача турдингиз.

«Бас, бугун қайта тирилиш кунидир.»

Сиз даҳшатидан қўрқиб ёлғондан қасам ичиб турган бу кун ўша қайта тирилиш куну бўлиб, сиз энди қайта тирилиб турибсиз.

فِيَوْمٍ لَا يَنْفَعُ الَّذِينَ ظَلَمُوا مَعذِرَتُهُمْ وَلَا هُمْ يُسْتَعْتَبُونَ

57. Бас, бугунги кунда зулм қилганларга маъзиратлари манфаат бермас ҳамда улар итобга ҳам қайтарилмаслар.

Энди бўлар иш бўлиб бўлди. Узр айтганлари билан узрлари фойда бермайди. Қилган гуноҳларимиз учун бизни итоб қилинса-ю, сўнгра ёруғ дунёга ортга қайтсак, Аллоҳ рози бўладиган ишларни қилар эдик, деб ёлборсалар ҳам, ортга қайтарилмайдилар.

Бу кун маъзират ёки итоб куну эмас, жазо ва иқоб кунидир.

وَلَقَدْ ضَرَبْنَا لِلنَّاسِ فِي هَذَا الْقُرْآنِ مِنْ كُلِّ مَثَلٍ وَلَئِنْ جِئْتَهُمْ بِآيَةٍ لَيَقُولَنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا إِنْ أَنْتُمْ إِلَّا مُبْطَلُونَ

58. Батаҳқиқ, Биз ушбу Қуръонда одамлар учун турли мисоллар келтирдик. Аниқки, агар сен уларга мўъжиза келтирсанг ҳам, куфр келтирганлар: «Сиз ботилчилардан ўзга эмассиз», дерлар.

Аллоҳ таоло бу ояти каримада маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб, кофирларнинг ҳолини, уларнинг Қуръонга, Пайғамбарликка муносабатларини баён қилмоқда:

«Батаҳқиқ, Биз ушбу Қуръонда одамлар учун турли мисоллар келтирдик».

Кофирлар ўша мисоллардан иймон, ибодат ва бошқа масалаларни тушуниб олишлари осон эди. Аммо улар бу китобнинг оятларига ҳам, мисолларига ҳам, сенга ҳам ишонмадилар.

«Аниқки, агар сен уларга мўъжиза келтирсанг ҳам, куфр келтирганлар: «Сиз ботилчилардан ўзга эмассиз», дерлар».

Яъни, сен ўзингнинг ҳақ Пайғамбар эканингга моддий мўъжиза келтирсанг ҳам, улар ишонмайдилар. Бу ҳам етмаганидек, сенга ва мусулмонларга:

«Сизлар ботилчилардан ўзга эмассиз», дейдилар.

كَذَلِكَ يَطْبَعُ اللَّهُ عَلَى قُلُوبِ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٥٩﴾

59. Аллоҳ билмайдиганларнинг қалбларини ана шундай қилиб муҳрлар.

Уларга ҳақни етказишнинг йўли қолмас.

Эй Пайғамбарим!

فَأَصْبِرْ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ وَلَا يَسْتَخِفُّكَ اللَّهُ الَّذِي لَا يُوقِنُونَ ﴿٦٠﴾

60. Бас, сабр қил. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Собит иймон келтирмаганлар сени энгилтакликка бошламасинлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва мўмин-мусулмонларни дину диёнат йўлидаги қийинчиликлар учун сабр-бардошга даъват қилиш маънолари билан тўлган бу сураи кариманинг охири оятида яна бир бор сабрга чақирилади.

«Бас, сабр қил. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир.»

Сабр ила кўп нарсага эришилади. Аллоҳ мўминларга нусрат, ғалаба ва зафар ваъда қилган. Унинг ваъдаси ҳақдир. Сабр қилсанг, албатта, Аллоҳ ваъда қилган нусратга, ғалаба ва зафарга эришасан. Зинҳор:

«Собит иймон келтирмаганлар сени энгилтакликка бошламасинлар».

Иймонсиз ва иймони заифлар бу масалада кишини йўлдан уришлари мумкин. Улар, қачонгача сабр қиламиз, сабрнинг охири борми, дея безовталаниб, ифволари билан сени энгилтакликка бошламасинлар.



ЛУҚМОН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 34 оятдан иборат.

Суранинг бундай номланиши унда Луқмони Ҳакимнинг қиссаси келгани сабабидандир. Бу маккий сурада ҳам, асосан, ақийда масаласи муолажа қилинади. Хусусан, ваҳдоният, Пайғамбарлик ва қайта тирилиш ҳақида сўз кетади. Ушбу масалаларда мушрикларнинг хато тушунчалари турли йўллар билан кўрсатилади. Айни чоқда, ақийда, иймон, дину диёнат масаласида зарур бўлган одоб-ахлоқ жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Булар, айниқса, ҳазрати Луқмоннинг ўғлига қилган насиҳатларида яққол кўзга ташланади.

Маккий сураларда нафақат «Лаа илааҳа Иллаллоҳ» масаласига, балки шу тавҳид калимасини тили билан айтиб, дили билан тасдиқлаган кишиларнинг ахлоқларига ҳам эътибор қилинади. Яъни, «Лаа илааҳа Иллаллоҳ» шиорининг соҳиби бўлган инсоннинг одоб-ахлоқи ҳам гўзал бўлишига катта аҳамият берилади.

«Луқмон» сураси охириги Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган абадий мўъжиза, ҳикматли китоб Қуръони Каримдан баҳс юритиш билан бошланади. Аввал бошда алифбо ҳарфларидан уchtаси келтирилиб, ушбу Китоб ҳам, ушбу сура ҳам худди мана шу ҳарфлардан таркиб топганига ва, айни пайтда бу Қуръон Аллоҳнинг мўъжизаси эканига ишора қилинади. Яна бошқа баъзи сифатлари ҳам эслатиб ўтилади. Сўнгра Аллоҳ таолонинг ваҳдониятидан баҳс юритилади. Бунда Аллоҳнинг чексиз қудратига далолат қилувчи борлиқдаги мавжудотларга — осмон, ер, қуёш, ой, кеча, кундуз, тоғ, денгиз, дов-дарахт ва бошқаларга эътибор билан назар солишга даъват этилади.

Табиат ҳодисалари ҳақидаги баҳсдан сўнг одамнинг ўзидаги ажойиботлардан сўз очилади. Луқмони Ҳакимнинг ўғлига қилган насиҳатлари келтирилади. Бу насиҳатларнинг асосий марказида ҳам ширк масаласи муолажа қилинади. Луқмони Ҳаким насиҳатларини ўғлини ширкдан қайтариш ва ширкнинг катта зулм эканини баён қилиш билан бошлайди. Иймон-эътиқод, дину диёнат масаласи қон-қарин-

дошлик муносабатларидан устун экани ҳам баён этилади. Шунингдек, бу насихатларда иймон соҳиби йўлиқиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва уларга нисбатан сабр-матонатли бўлиш лозимлиги зикр қилинади.

Кейин эса, ақийда масаласи осмонлару ерга ва улардаги неъматларга нисбатан инсон муносабати нуқтаи назаридан келиб чиқиб муолажа қилинади. Аллоҳ таоло осмонлару ерни инсон учун яратдими, демак, инсон унга шукр қилмоғи лозим. Аллоҳга шукр қилиш эса, Унга иймон келтириб, ибодат этиш билан рўёбга чиқади.

Суранинг охирида кечаю кундузга, қуёшу ойга разм солиб, ибрат кўзи билан боқиб, улардан хулоса чиқариб, Аллоҳ таолонинг чексиз қудрати ва ваҳдониятини англаб олиш зарурлиги эслатилади. Қиёмат куни даҳшатидан огоҳлантирилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ



1. Алиф. Лаам. Мийм.

تِلْكَ آيَاتُ الْكِتَابِ الْحَكِيمِ

2. Ушбулар ҳикматли Китоб оятларидир.

Сизга тиловат қилинаётган ушбу оятлар ҳикматли Китоб бўлмиш Қуръони Каримнинг оятларидир.

Ушбу оятда Аллоҳнинг абадий мўъжизаси бўлмиш Қуръони Карим «ҳикматли» деган сифати билан васф қилинмоқда. Дарҳақиқат, у бошидан охиригача пурҳикматдир. Ким Қуръонга мурожаат қилса, ҳикмат топади. Ундаги ҳикматлардан баҳраманд бўлади. Ким Қуръони Каримдан бебаҳра бўлса, ҳикматдан, улкан ҳикматдан бебаҳра қолади. Сурани Қуръони Каримнинг ҳикматли эканини васф қилиб бошлашнинг ҳам ўзига яраша ҳикмати бор. Унда Луқмони Ҳакимнинг зикри келади. Умуман, суранинг бошидан охиригача ҳикматга алоҳида эътибор берилади.

Эндиги оятларда Қуръони Карим муҳсинларга ҳидоят ва раҳмат эканлиги баён қилинади:

هُدًى وَرَحْمَةً لِّلْمُحْسِنِينَ ﴿٢٠٠﴾ الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ بِالْآخِرَةِ هُمْ وَّاقِفُونَ ﴿٢٠١﴾

3. У муҳсинларга ҳидоят ва раҳматдир.

4. Улар намозни тўқис адо этадиган, закотни берадиган ва охиратга ишонч-ла иймон келтирадиганлардир.

Аслида, Қуръони Карим бутун оламлар учун ҳидоят ва раҳматдир. Бу нарса бошқа оятларда таъкидланган. Аммо ушбу оятда мазкур сифатларга эга бўлган муҳсинларга унинг ҳидоят ва раҳмат эканини айтишдан мурод ана ўша кишиларгина Қуръондан тўла манфаат ола билишларини таъкидлашдир. Муҳсин киши Аллоҳга холис ният ила илтижо этиб, мақсадини ва амалини яхши қилган кишидир.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эҳсон Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек ибодат қилишингдир. Агар Уни сен кўрмагудек бўлсанг, худди У сени кўриб турганидек», деганлар.

Ояти каримада муҳсинларнинг намозни тўқис адо этиши, закот бериши ва охиратга аниқ ишонч ила иймон келтириши эслатишмоқда. Бу сифатлар ҳар бир инсон учун ўта лозимдир. Дарҳақиқат, ушбу сифатлар билан сифатланиб, муҳсин бўлиш даражасига етган кишиларгина Қуръони Каримдан, унинг ҳидоят ва раҳматидан тўлиқ манфаат ола биладилар.

أُولَئِكَ عَلَىٰ هُدًى مِّن رَّبِّهِمْ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٢٠٢﴾

5. Ана ўшалар Роббиларидан бўлган ҳидоятдадирлар. Ана ўшалар ўзлари нажот топгувчилардир.

Намоз ўқиб, закот бериб, охиратга сидқидилдан иймон келтириб, Қуръондан тўлиқ манфаатланганларгина Аллоҳ таолонинг ҳидоятидадирлар.

Намоз ўқиб, закот бериб, охиратга сидқидилдан иймон келтириб, Қуръондан тўлиқ манфаатланганларгина икки дунёда нажот топгувчилардир.

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْتَرِي لَهْوَ الْحَدِيثِ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَيَتَّخِذَهَا هُزُوًا أُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٢٠٣﴾

6. Одамлар орасида (ўзлари) илмсиз равишда Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун ва у (йўл)ни истеҳзо қилиш учун беҳуда сўзни сотиб оладиган кимсалар ҳам бор. Ана ўшаларга, ўзларига хорловчи азоб бор.

Аввалги оятларда зикр қилинган муҳсин бандаларга қарши ўлароқ, нобакор одамлар ҳам бор.

Улар ҳикмат тўла Қуръони Каримни, Аллоҳнинг пурҳикмат сўзларини қабул қилмасдан, уларга бадалсиз тақдим этилаётган икки дунё саодатига элтувчи илоҳий дастурга бўйинсунмасдан, қандайдир беҳуда сўзларни кўтариб юрадилар.

Ҳа, ўша беҳуда сўзлар эгаси бўлиш учун молу мулкни, ҳаётни, зеҳн-заковатни, бутун имкониятларни сарфлайдилар. Улар беҳуда сўзларни бунчалик қиммат баҳога сотиб олишлари нима учун?

Кишиларни

«...илмсиз равишда Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун».

Яна, ўзлари илмсиз бўлганлари ҳолда

«...у (йўл)ни истеҳзо қилиш учун...»

Ҳа, шунинг учун улар беҳуда сўзларни ҳам «сотиб оладилар».

Аллоҳнинг йўлини масхара қилиш учун ифлос сўзларни «сотиб оладилар». Бу йўлни камситиш учун ҳар қандай тутуруқсиз гаплардан ҳам фойдаланмоқчи бўладилар.

«Ана ўшаларга, ўзларига хорловчи азоб бор.»

Кейинги оятда ўша нобакорларнинг бошқа сифатлари ҳам зикр қилинади:

وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِ آيَاتُنَا وَلَّىٰ مُسْتَكْبِرًا كَأَن لَّمْ يَسْمَعْهَا كَأَن فِي أُذُنِهِ قِرَاطٌ فَبِشْرِهِ
بِعَذَابِ الْيَمِينِ

7. Қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса, худди уларни эшитмагандек, худди қулоғида оғирлик бордек, мутакаббирлик билан ортга қараб кетар. Бас, унга аламли азобнинг башоратини бер.

Бор-йўғини сарфлаб беҳуда сўзни сотиб олган нобакорга Аллоҳ таолонинг оятлари тиловат қилинса, мутакаббирлик билан ортга ўгирилиб кетади.

«Қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса, худди уларни эшитмагандек, худди қулоғида оғирлик бордек, мутакаббирлик билан ортга қараб кетар.»

Ўзини худди у оятларни эшитмагандек тутаяди. Худди қулоқлари оғир кардек қилиб кўрсатади. Ундай одам, албатта, азобга лойиқ одамдир.

«Бас, унга аламли азобнинг башоратини бер.»

Аввалги оятда «хорловчи азоб» дейилган эди. Бу оятда «аламли азоб» дейилмоқда. Бу нарса нобакор одамларга турли-туман азоблар берилишидан аломатдир. Беҳуда сўзни сотиб олиб, Аллоҳнинг оятларидан юз ўгирганлар турли-туман азобларга дучор бўлиб турган бир пайтда:

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ جَنَّاتُ النَّعِيمِ ﴿٨﴾ خَلَدِينَ فِيهَا وَعَدَّ اللَّهُ حَقًّا
وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٩﴾

8. Албатта, иймон келтириб, яхши амаллар қилганларга, ўшаларга неъмат жаннатлари бордир.

9. Улар унда абадий қолурлар. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Ва У азиз ва ҳакиймдир.

Эътибор берадиган бўлсак, қачон мукофот, жаннат ва бошқа неъматлар ваъда қилинар экан, иймон билан бирга, яхши амаллар ҳам албатта зикр этилади. Шундан солиҳ амаллар ҳақиқий иймоннинг узвий бир парчаси эканини билиб олсак ҳам бўлади. Ушбу мақомда ҳам ноз-неъмат жаннатларига эришиш учун иймон ва яхши амал лозим эканлиги уқтирилмоқда.

«Албатта, иймон келтириб, яхши амаллар қилганларга, ўшаларга неъмат жаннатлари бордир.»

Жаннатга эришганлар у ерда вақтинчалик эмас, балки абадий қоладилар. Ҳа,

«Улар унда абадий қолурлар».

Бу гап шунчаки гап эмас. Бу — Аллоҳнинг ваъдасидир.

«Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир.»

Албатта, рўёбга чиқади. Рўёбга чиқмай қолмайди. Шунинг учун, инсонлар ҳеч бир иккиланишсиз иймон келтириб, яхши амал қилиши лозим. Аллоҳ ваъдасининг устидан чиқади.

«Ва У азиз ва ҳакиймдир.»

Аллоҳ ҳар бир ишга қодирдир. Аллоҳ ҳар бир ишни ҳикмат билан қилади. Бу ҳақиқатни келгуси оятларда зикр қилинадиган мисоллардан ҳам билиб олиш мумкин:

خَلَقَ السَّمَوَاتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا وَأَلْقَى فِي الْأَرْضِ رَوْسًا أَنْ تَمِيدَ بِكُمْ وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَنْبَتْنَا فِيهَا مِنْ كُلِّ زَوْجٍ كَرِيمٍ ﴿١٠﴾

10. У, сиз кўриб турганингиздек, осмонларни устунсиз яратган, сизларни тебратмаслиги учун ер юзига офир тоғларни ташлаган ва у(ер)да ҳар турли жониворларни таратиб қўйган зотдир. Ва осмондан сув тушириб, у билан у(ер юзи)да турли гўзал ва карамли жуфтларни ўстириб қўйдик.

Ушбу ояти каримада инсон доимо мулоқотда бўладиган, доимо кўриб турадиган, аммо улар Аллоҳнинг қудратига, ҳикматига далил эканига эътибор қилмайдиган мавжудотларга диққат жалб этилмоқда.

«У, сиз кўриб турганингиздек, осмонларни устунсиз яратган...»
(Ушбу жумланинг «У осмонни сиз кўрадиган устунсиз яратган», деган маъноси ҳам бор.)

Дарҳақиқат, инсон доим боши устидаги осмонни кўриб туради. Инсон боши устида кўрадиган ҳамма бинонинг устунни, таянчи бор. Аммо биноларнинг энг улкани, энг бепоёни бўлмиш осмонларнинг устунни йўқ. Ҳажмини идрок этиб бўлмайдиган бу мовий гумбазни бирорта устунсиз кўтариб қўйиш – яратиш фақат чексиз иззат, қудрат ва ҳикмат соҳиби Аллоҳ таолога хосдир. У зот яна:

«...сизларни тебратмаслиги учун ер юзига офир тоғларни ташлаган».

Инсон тоғларни салобат рамзи деб билади. Оятда ер одамларни тебратмаслиги учун тоғлар яратилгани айтилмоқда. Лекин бу маъно ўзига хос услуб билан айтилмоқда: «яратган» дейилмасдан, «ташлаб қўйилган» дейилмоқда. Шу нозик фарқ ҳам Аллоҳнинг чексиз қудратига ишорадир. Дунёдаги энг салобатли, энг виқорли, энг офир бўлиб кўринган тоғларни, худди арзимаган нарса каби, «ташлаб қўйган» деб айтилмоқда. Офир тоғлар ерда мувозанатни сақлаб туришини илм яқинда тушуниб етди. Аллоҳ таоло ўн беш аср муқаддам Ўз китобида айтиб қўйган ҳикматни инсон илми эндигина англади. Бу тоғларни Аллоҳдан бошқа ким яратади?

«...ва у(ер)да ҳар турли жониворларни таратиб қўйган зотдир.»

Ер юзида қанчадан-қанча жониворлар бўлган, ҳозирда ҳам бор. Одам боласи уларнинг баъзиларини билади, холос. Ўша билганларини олиб кўрадиган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бирида Аллоҳ таолонинг қудратига ва ҳикматига ёрқин далиллар топилади. Ушбу ҳақиқатни англаб етган одам иймон келтирмай иложи йўқ. Аллоҳ таолонинг қудратига тан бермай иложи йўқ. Аллоҳ таолонинг ҳикматига тан бермай иложи йўқ.

«Ва осмондан сув тушириб, у билан у(ер юзи)да турли гўзал ва карамли жуфтларни ўстириб қўйдик.»

Инсон доимо кўриб турадиган, доимо эҳтиёжи тушиб турадиган нарсалардан бири сувдир. Аммо ҳар ким ҳам сув ҳақида чуқурроқ фикр юритавермайди. Сув қаердан пайдо бўлган? Ушбу оятда айтили-

шича, у осмондан туширилган. Хоҳ денгиздаги сув бўлсин, хоҳ дарёдаги ё кўлдаги ва ёки булоқдаги, ҳамма-ҳаммаси осмондан тушгандир. Бу ишлар Аллоҳ таолонинг чексиз қудрати ва ҳикмати ила бўлгандир.

Ер юзидаги ўсимликлар ҳам доимо инсон кўз ўнгида ўсиб, ривожланиб туради. Уларнинг турлари, шакллари, ривожланишлари ва бошқа-бошқа хоссалари ҳаммаси Аллоҳ таолонинг чексиз қудрати ва ҳикматига ёрқин далилдир.

Оятда «ўсимликларни ўстириб қўйдик», дейилмасдан, «карамли (гўзал ва фойдали) жуфтларни ўстириб қўйдик», деб айтилмоқда. Бу ерда, аввало, ўсимликлардаги гўзаллик ва фойдага ишора қилиняпти, қолаверса, улар жуфт бўлиши ҳам билдириб қўйиляпти. Аллоҳнинг китобида ўн беш аср илгари зикр этилган бу ҳақиқатга илм яқиндагина етди. Ҳар бир ўсимликда эркак ва урғочи хўжайралар бўлиб, улар бир-бири билан чатишгандагина мева ҳосил бўлиши энди тушуниб етилди. Ўсимликларни бундай қилиб яратишга фақат Аллоҳ қодирдир.

هَذَا خَلْقُ اللَّهِ فَأَرُونِي مَاذَا خَلَقَ الَّذِينَ مِنْ دُونِهِ ۗ بَلِ الظَّالِمُونَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿١١﴾

11. Бу, Аллоҳнинг яратганидир. Қани Менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар. Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар.

Яъни, юқоридаги оятда зикри ўтган мавжудотларни Аллоҳ таоло яратгандир. Худо бўлгани учун шуларни яратган. Сизлар, эй, мушриклар, Аллоҳдан бошқа яна худолар бор, деяпсизми? Агар улар сиз айтганингиздек худо бўлса, қани айтинг-чи, улар нимани йўқдан бор қилиб яратганлар? Улар яратган нарсаларни кўрсатинглар-чи!

«Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар.»

Йўқ, у сохта худолар ҳеч нарсани ярата олмаслар. Аллоҳга ширк келтириш ила катта зулм қилган мушриклар очиқ-ойдин адашувдадирлар.

Кейинги оятларда мушрикларнинг эътиқоди ҳикматдан йироқ экани ҳикмат берилган зот Луқмони Ҳаким тилидан баён қилинади:

وَلَقَدْ آتَيْنَا لُقْمَانَ الْحِكْمَةَ أَنْ اشْكُرْ لِلَّهِ وَمَنْ يَشْكُرْ فَإِنَّمَا يَشْكُرُ لِنَفْسِهِ ۗ وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٌ ﴿١٢﴾

12. Батаҳқиқ, Биз Луқмонга: «Аллоҳга шукр қил. Ким шукр қилса, ўзи учун қиладир. Ким ношукрлик қилса, бас, албатта, Аллоҳ беҳожат ва мақталган зотдир», деб ҳикматни бердик.

«Ҳикмат», аслида, ҳар бир нарсани яхшилаб ўз жойига қўйиш, деган маънони беради. Шу боисдан ҳам, ҳар бир гапни тўғри сўзлаш ва ҳар бир ишни тўғри бажаришга «ҳикмат» дейилади. Аллоҳ таоло ҳазрати Луқмонга ана шундай неъматни ато қилганини ушбу оятда билдирмоқда.

«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга:»

У кишининг исмларига «ҳаким» лақаби қўшилиб зикр қилиниши сабаби ҳам шундан. Баъзи кишилар бу ҳикмат соҳиби бўлган зотни Пайғамбар деб ҳам айтишган. Аммо аксар уламоларимиз, жумладан, кўпгина тафсирчиларимиз, ҳазрати Луқмон Пайғамбар эмас, ҳаким бўлган, дейдилар. Чунки, Пайғамбарларнинг зикри келган Қуръон оятларида бу кишининг исмлари келмаган. Шунингдек, у кишининг Пайғамбар бўлганлари ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳеч бир хабар бермаганлар.

«Аллоҳга шукр қил.»

«Шукр» сўзи луғатда неъмат берувчига мақтов айтмоқ ва неъматни неъмат бергувчи рози бўладиган равишда ишлатмоққа нисбатан ишлатилади. Аллоҳга шукр қилиш — У зотнинг берган неъматларига (неъматларининг ҳадди-ҳисоби йўқ) қурби етганича миннатдорчилик билдириш ва ўша неъматларни Аллоҳ рози бўладиган равишда ишлатишдир. Бунинг учун иймон келтириб, Аллоҳга ибодат қилиб яшаш керак. Шундай қилган одам фойда топади.

«Ким шукр қилса, ўзи учун қиладир.»

Аллоҳга иймон келтирган, Унга ибодат қилган одам фақат ўзи учун фойда олади. Икки дунё саодатига эришади.

«Ким ношукрлик қилса, бас, албатта, Аллоҳ беҳожат ва мақталган зотдир.»

Ношукр бўлган банда фақат ўзига зарар қилади. Чунки, унинг ношукрлигидан Аллоҳга зарар етмайди. Унинг шукрига Аллоҳ таоло муҳтож ҳам эмас. Аллоҳ таоло аслида беҳожат зотдир. Ҳеч бир нарсага, жумладан, бандаларининг шукр қилишига ҳам ҳожати йўқдир. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг ҳамду сано ва мақтовларга ҳам ҳожати йўқ. У Ўзи аслида мақталган зотдир.

وَإِذْ قَالَ لِقَمْنٍ لَّابِنِهِ ۖ وَهُوَ يَعِظُهُ يَبْنِي ۖ لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ ۖ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ ﴿١٣﴾

13. Луқмон ўғлига ваъз-насиҳат қилиб айтганларини эсла: «Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирма. Албатта, ширк катта зулмдир».

Боласига панд-насиҳат қилиш отанинг вазифасидир. Айниқса, иймон-эътиқод, дину диёнат масаласида ота фарзандларига нисбатан улкан масъулият ҳис этмоғи даркор. Аллоҳ томонидан ҳикмат

берилган зот Луқмони Ҳаким ҳам оталик бурчини адо этиб, ўғлига панд-насиҳат қилмоқда:

«Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирма».

Ота боласига қилиши лозим бўлган бош насиҳат мана шу. Чунки, доимо – қадимда ҳам, ҳозирда ҳам бош масала шудир.

Мана, қайсидир замонларда Луқмони Ҳаким ҳам ўғлига шундай насиҳат қилганлиги келтирилмоқда. Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ушбу оятлар нозил бўлаётган пайтда ҳам шундай насиҳат қилинган. Бундан кейин ҳам шундай қилинаверади.

Луқмони Ҳаким ўғлини ширкдан қайтариш билангина кифояланиб қолмади. Балки, ширкнинг нима эканини ҳам баён қилди:

«Албатта, ширк катта зулmdir», деди.

Ҳа, ширкдан каттароқ зулм йўқ. Чунки, ширк яратган Холиқ, ризқ берган Розик, Роббул олабийн бўлган Аллоҳ таолога нисбатан катта жиноятдир.

Дунёдаги ҳар бир инсон яккаю ёлғиз Аллоҳ таолога иймон келтириб, фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилиши лозим эди. Лекин баъзи одамлар айнан шу маънода Аллоҳга нисбатан зулм қилдилар. Унга ширк келтирдилар. Баъзи махлуқотларни Аллоҳга шерик қилдилар.

Ўтган оятнинг давоми ўлароқ кейинги икки оятда ота-она ва фарзанд ўртасидаги алоқа қандай бўлиши кераклиги баён қилинади:

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُ وَهْنًا عَلَىٰ وَهْنٍ وَفِصْلَهِ فِي عَامَيْنِ أَنِ اشْكُرْ
لِي وَلِوَالِدَيْكَ إِلَى الْمَصِيرِ

14. Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик: онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтарди; уни сутдан ажратиш икки йилдир. Менга ва ота-онага шукр қилгин. Ва қайтиш фақат Менгадир.

Қуръони Каримда фарзандларга ота-онани ҳурмат қилиш, уларни эъзозлаш ҳақида қайта-қайта насиҳат берилади. Чунки, ота-онанинг ҳаққини Ислому юқори кўяди. Бу мавзудаги оятлар ўрни билан ўрганилди ва яна ўрганилади. Ушбу оятда эса, ота-онани ҳурмат қилиш ҳар бир фарзанд учун Аллоҳнинг амри эканлиги баён этилмоқда.

«Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик...»

Тавсия, кўпчилик тушунганидек, ихтиёрий иш эмас. Балки, Аллоҳнинг амридир. Ўша амр нимадан иборат эканини айтишдан олдин ота-онани ҳурмат қилишнинг сабаби айтиб ўтилади.

«Онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтарди.»

Яъни, ҳомиладорлик пайтида онаси уни қорнида заифҳол бўлиб кўтаради. Борган сари заифлик устига заифлик ортиб боради. Бу ҳол бола туғилгунича давом этади.

«Уни суддан ажратиш икки йилдадир.»

Яъни, қорнида заифлик устига заифлик билан кўтарган она бо-ласини кейин яна икки йил давомида эмизади.

Уламоларимиз шаръий эмизиш муддати икки йил экани ҳақидаги ҳукми шу жумладан олганлар. Бола икки ёшга етгунича бирор аёлни эмса, сут орқали насаб собит бўлади. Ҳамда ўша эмизишга боғлиқ ҳукм-лар жорий қилинади. Мисол учун, уни эмизган аёл унга эмизукли она, унинг эри ота, болалари ака-ука, опа-сингил бўладилар. Маҳрамлик ва никоҳ масалаларидаги ҳукмлар ҳам шунга мувофиқ кучга киради.

Хуллас, она ҳам ҳомиладорлик даврида, ҳам эмизиш даврида бола туфайли катта қийинчиликларни бошидан ўтказади. Шунинг учун ҳам, фарзандда онанинг ҳаққи отаникидан кўп бўлади.

Оятнинг давомида тавсиянинг нимадан иборат эканлиги айтилади:

«Менга ва ота-онага шукр қилгин.»

Эй, инсон фарзанди, аввало Менга – яратган Роббингга, кейин ота-онангга – сенинг дунёга келишингга сабаб бўлган зотларга шукр қилгин. Бу ишлар сенинг энг олий бурчингдир.

«Ва қайтиш фақат Менгадир.»

Билиб қўй, ана ўша қайтиш бўлганида, бу ҳақда Ўзим ҳисоб-китоб қиламан.

وَإِنْ جَاهَدَاكَ عَلَىٰ أَنْ تُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا وَصَاحِبَهُمَا فِي الدُّنْيَا
مَعْرُوفًا وَاتَّبِعْ سَبِيلَ مَنْ أَنَابَ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ إِلَىٰ مَرْجِعِكُمْ فَأُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٥٦﴾

15. Агар икковлари сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга зўрласалар, бас, уларга итоат этма! Ва дунёда икков-ларига яхшилик қил ҳамда Менга йўналганларнинг йўлига эр-гаш. Сўнгра қайтишингиз фақат Менгадир. Бас, Мен сизга нима амал қилганингиз хабарини берурман.

Ҳа, ота-онанинг фарзандда ҳаққи кўп. Фарзандлари уларни ҳар қанча эъзозласа, уларга ҳар қанча шукр қилса, итоат этса, оз. Аммо Аллоҳ таолонинг ҳаққи ундан ҳам юқори. Чунки, ота-она фарзанд-нинг дунёга келишига, униб-ўсишига сабабчи бўлсалар, Аллоҳ таоло ҳақиқий яратувчи ва ризқ бергувчидир. Шунинг учун, Аллоҳ тао-лонинг ҳаққи ота-онанинг ҳаққидан устундир. Бу оятда ана шу ҳақиқат баён этилмоқда.

«Агар икковлари сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга зўрласалар, бас, уларга итоат этма!»

Агар ота-она ўз қадрини ўзи туширса, ота-оналик бурчини адо этиш, Луқмони Ҳаким каби, боласини ширкдан қайтариш ўрнига, уни номаълум нарсани Аллоҳ таолога ширк келтиришга зўрласалар, нотўғри қиладилар. Унда фарзанд уларга итоат этмайди. Бу масалада ота-онага итоат этилмаганидан кейин, улардан бошқасига итоат этмаслик турган гап. Мўмин-мусулмон кимса нафақат Аллоҳга ширк келтиришда, балки умуман У зотга маъсият ишларда ҳеч кимга итоат этмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Холиққа маъсият бўладиган ишда махлуққа итоат этилмас», деганлар.

Лекин бу дегани, бошқа эътиқодда бўлгани учун ота-онангдан бутунлай воз кеч, дегани эмас.

«Ва дунёда икковларига яхшилик қил...»

Мусулмон фарзанд кофир ота-онасига эътиқод, дину диёнат масаласида итоат этмагани билан, уларга ширин муомалада бўлади, дунёвий эҳтиёжларини қондиради. Ушбу ояти карималар нозил бўлмаган вақтларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Абу Ваққос, Саъд ибн Молик каби ота-онаси мушрик бўлган саҳобийларга ота-оналарини ҳурмат этишни, уларга яхшилик қилишни буюрганлар.

«...ҳамда Менга йўналганларнинг йўлига эргаш.»

Яъни, менинг йўлимни тутган мўмин-мусулмонларнинг изидан юр.

«Сўнгра қайтишингиз фақат Менгадир.»

Мендан бошқага эмас. Қиёматда ҳаммангиз менга қайтасиз.

«Бас, Мен сизга нима амал қилганингиз хабарини берурман.»

Ва ҳар ким қилган яхши амалига яраша мукофот, ношукр бўлганлар нонкўрлигига яраша жазоларини оладилар.

Луқмони Ҳакимнинг ўғлига қилаётган насиҳати орасида келган икки оятли бу «чекинишдан» сўнг гап мавзуси яна у кишининг ўғлига бераётган ўғитларига қайтади:

يَبْنِيْ اِيْمَانًا اِنْ تَكُ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِّنْ خَرْدَلٍ فَتَكُنْ فِيْ صَخْرَةٍ اَوْ فِيْ سَمَوَاتٍ اَوْ فِي الْاَرْضِ يَأْتِ بِهَا اللّٰهُ اِنَّ اللّٰهَ لَطِيْفٌ خَبِيْرٌ ﴿١٦﴾

16. «Эй ўғилчам, албатта, у (амал) агар ачитқининг бир дона уруғича бўлса-ю, у бир қоя тош ичида ёки осмонларда ёхуд ерда бўлса ҳам, Аллоҳ уни келтирур. Албатта, Аллоҳ ўта лутфли ва ўта хабардор зотдир».

Ушбу оятда охиратда Аллоҳ таоло бандаларига қилган амалларининг хабарини бериши қай даражада бўлиши баён этилмоқда. Қиёматда ҳисоб-китоб қанчалик даражада аниқ ва дақиқ бўлиши сифатланмоқда. Бу баён ҳазрати Луқмони Ҳакимнинг ўғлига қилаётган панд-насихати орасида келмоқда.

«Эй ўнилчам, албатта, у (амал) агар ачитқининг бир дона уруғича бўлса-ю, у бир қоя тош ичида ёки осмонларда ёхуд ерда бўлса ҳам, Аллоҳ уни келтирур.»

Ушбу жумлада инсоннинг бу дунёда қилган амали, яхшилиги ёки ёмонлиги, агар ачитқи ўсимлиги уруғининг доничалик бўлса ҳам, эътиборсиз қолдирилмасдан, олиб келиниши таъкидланмоқда. Маълумки, ачитқи уруғи жуда кичкина бир нарсадир. У шунчалар кичикки, ҳатто қўлга олиш ҳам қийин. Аммо қиёмат куни ўша ўта кичик ҳажмдаги ачитқи уруғидек амал катта харсанг қоя ичида йўқолиб кетган ёхуд ер юзининг бирор жойида тушиб қолган бўлса ҳам, Аллоҳ таоло топиб келиб, банданинг ҳисоб-китобига қўшар экан.

«Албатта, Аллоҳ ўта лутфли ва ўта хабардор зотдир.»

У зот ўта лутфли бўлганидан ҳам, энг майда нарсаларни-да билади, ўта хабардор бўлганидан, энг кичик амаллардан-да хабардор. Шунинг учун, банда ғофил бўлмаслиги лозим. Аллоҳ таоло унинг ҳар бир ишини билиб, хабардор бўлиб турганини ҳисобга олиб, амал қилсин.

Ҳазрати Луқмони Ҳаким ўғлини ширқдан қайтариб, тавҳидга йўллаб, охират ҳисоб-китобидан огоҳ қилганидан кейин, Аллоҳга иймон келтирган, охиратдан умид этган ҳар бир мўмин-мусулмон қилиши лозим бўлган қуйидаги амалларга буюради:

يَبْنَئِ أَقِمِ الصَّلَاةَ وَأْمُرْ بِالْمَعْرُوفِ وَانْهَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأَصْبِرْ عَلَىٰ مَا أَصَابَكَ إِنَّ ذَٰلِكَ
مِنَ عَزْمِ الْأُمُورِ ﴿١٧﴾

17. «Эй ўнилчам, намозни тўкис адо қил, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтар ва ўзингга етган мусийбатга сабр қил. Албатта, булар азм этилажак ишлардандир».

Аллоҳга иймон келтириб, охиратдан умидвор ҳар бир одам адо этиши лозим бўлган ишлар шулардир:

«Эй ўнилчам, намозни тўкис адо қил».

Намозсиз қаерга ҳам бориб бўларди? Намозсиз нима ҳам қилиб бўларди? Шунинг учун ҳам, зарурий амаллар орасидан биринчи бўлиб намоз тилга олинмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида:

«Намоз диннинг устунидир», дейилган.

Ҳа, устунсиз иморат бўлмайди. Намоз инсоннинг тили билан айтиб, дили билан тасдиқлаган иймонининг аломатларидан биридир. Намозни тўқис адо этган одам бошқаларни амри маъруф, наҳйи мункар қилиш ҳаққига эришади.

«...яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтар...»

Бу амал ҳам Аллоҳга иймон келтириб, охиратдан умидвор бўлган ҳар бир инсон учун намоз каби фарздир. Мўмин-мусулмон одам инсонларни яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтариш мажбуриятидадир. Албатта, бу осон иш эмас. Унинг улуғлигига яраша қийинчилиги ва машаққатлари ҳам бор. Амри маъруф ва наҳйи мункар қилган одам ҳаммага ҳам ёқавермайди. Тинимсиз қаршиликка учрайди. Одамлардан озорлар етади. Шундай ҳол рўй берса:

«...ўзинга етган мусийбатга сабр қил».

Сабр қилмасанг, иш битмайди.

Саҳобалардан Умайр ибн Ҳабиб розияллоҳу анҳу ўғилларига қилган васиятларида, жумладан, қуйидагиларни айтган эканлар:

«Қайси бирингиз амри маъруф ва наҳйи мункар қилмоқчи бўлса, аввало мусийбатларга ҳозирлансин ва Аллоҳ таолодан савоб келишига ишонсин. Чунки, кимнинг Аллоҳдан савоб келишига қатъий қаноати бўлса, ўзига етган азиятни сезмас».

«Албатта, булар азм этилажак ишлардандир.»

Юқорида зикр қилинган ишлар азму қарор билан адо этилиши лозим бўлган аҳамиятли ишлардир. Шунинг учун ҳам, уларни адо этишда сабр керак бўлади.

وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمَسَّ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ

18. «Одамлардан такаббур-ла юз ўғирма ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир мутакаббир ва мақтанчоқни севмас».

Биз «юз ўғирма» деб таржима қилган маъно оятда «тусоъир» деб келган. Бу маъно, аслида, туяда учрайдиган бир касалликка нисбатан ишлатилар экан. Ўша касалликка мубтало бўлган туя доимо бошини пастдан юқорига ҳаракатлантириб, ёнбошга силтаб турар экан. Мутакаббирлик билан бурнини жийириб, юзини одамлардан ўгирадиган кишилар ана ўша касал туяга ўхшатишмоқда.

«Одамлардан такаббур-ла юз ўғирма.»

Ҳа, мусулмон киши учун одамларни камситиш, уларни паст санаш жуда ёмон иллат. Ҳатто юриш-туришда ҳам кибру ҳаводан, такаббурликдан сақланиш керак.

«...ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма.»

Бу жуда ёмон нарса. Бошқаларга кибр оғир ботади. Энг муҳими: **«Албатта, Аллоҳ ҳеч бир мутакаббир ва мақтанчоқни севмас».** Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан нақл қилинган ривоятда: «Кимнинг қалбида заррача мутакаббирлик бўлса, Аллоҳ уни дўзахга юзтубан ташлайди», дейилган.

Шунингдек, ибн Абу Лайло ривоят қилган ҳадисда:

«Ким кийимини кўз-кўз қилиб, мақтанчоқлик ила судраб юрса, Аллоҳ таоло унга назар солмайди», дейилган.

وَأَقْصِدْ فِي مَشْيِكَ وَأَعْضُضْ مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ

19. «Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки, овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир.»

Яъни, юришинг ўртача ва мақсадли бўлсин. Бекорчи сохта ҳаракатлар билан куч-қувватни исроф қилиб, кибру ҳаво билан ҳам юрма, жуда лапашанг бўлиб, судралма ҳам.

«...ва овозингни пасайтир.»

Ҳанграб, ҳаммаёқни бошингга кўтарма. Бақир-чақир қилиш ёмон нарса. Билиб қўй:

«...овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир.»

Эшак бекордан-бекорга бор овози билан ҳанграб туради. Ҳеч бир сабабсиз баланд кўтарилган овознинг эшакниқига ўхшатилишининг ўзи етарли. Оятда бу овоз энг ёмон эканлиги ҳам таъкидланмоқда.

Юриш-туриш ва ўзини жамиятда қандай тутиш борасидаги олий мисол Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларидир. Ул зот шаҳдам қадамлар билан мўътадил юрганлар ва овозларини баланд кўтармай, дона-дона гапирганлар.

Шу ерда ҳазрати Луқмоннинг ўғлига қилган паңд-насиҳати тамом бўлади. Кейинги оятларда Аллоҳ таоло махлуқотларга, жумладан, инсонларга қандай неъматлар ато этганини зикр қилади ва уларни ўша неъматларни танишга, уларга шукр этишга чақиради:

الْمُتَرَوْنَ أَنَّ اللَّهَ سَخَّرَ لَكُمْ مَّا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَأَسْبَغَ عَلَيْكُمْ نِعْمَهُ ظَاهِرَةً وَبَاطِنَةً وَمِنَ النَّاسِ مَن يُجَادِلُ فِي اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَلَا هُدًى وَلَا كِتَابٍ مُّنِيرٍ

20. Аллоҳ сизларга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни беминнат хизматкор қилиб қўйганини ва сизга зоҳирий

ва ботиний неъматларни мукамал қилиб берганини билмадингизми?! Одамлар орасида илмсиз, ҳидоятсиз ва равшан китобсиз (бўла туриб) Аллоҳ ҳақида тортишадиганлари ҳам бор.

Аллоҳ таоло инсонларга осмондаги барча нарсаларни беминнат хизматкор қилиб қўйган. Осмонларда нимаики мавжуд бўлса: ҳавоми, қуёшми, ойми, юлдузми, ёмғирми, қорми, қушми ёки бошқа нарсаларми, ҳеч бири ҳеч нарса талаб қилмасдан, инсон учун хизмат қилади. Бу беминнат хизматларнинг кўпини инсон билмайди ҳам. Агар ўша хизматлардан бирортасига ҳақ сўралганида эди, мисол учун, қуёш таратаётган текин нур пуллик қилиб қўйилганида эди, инсон ўзи учун Аллоҳ қанчалар неъматларини беминнат ато этганини, уларнинг қиймати қанчалик баланд эканини англаб етган бўлар эди. Лекин Аллоҳ бундай қилмади, инсонга ақл берди, ақл билан бу неъматни танисин, деди. Пайғамбарлар юборди, улар одамларга Аллоҳнинг беминнат неъматларини танитиб, шуқр қилишга чақирдилар. Китоблар нозил қилди, улар ҳам одамларга мазкур хизматларни баён этди. Мана, илоҳий китобларнинг охиргиси бўлмиш Қуръони Карим ҳам инсонларни Аллоҳнинг неъматларига шуқр қилишга даъват этиб турибди.

Шунингдек, Аллоҳ таоло ердаги мавжудотларни ҳам инсон учун беминнат хизматкор қилиб қўйган. Ернинг ўзи ҳам, ундаги барча жамодот, наботот, ҳайвонот ҳам инсон учун беминнат хизматкордир, Аллоҳнинг унга кўрсатган марҳаматидир.

«...ва сизга зоҳирий ва ботиний неъматларни мукамал қилиб берганини билмадингизми?!»

Ҳа, Аллоҳ таолонинг инсонга ато этган неъматлари жуда кўп, уларнинг зоҳирийси (ошкораси) ҳам бор, ботинийси (пинҳонаси) ҳам бор. Баъзиларини инсоннинг ўзи билиб, ҳис қилади. Баъзиларини эса, билмайди, ҳис ҳам қилмайди. Инсон Аллоҳ берган неъматлар билан тирик, ўша неъматлар билан кун кўради. Шунинг учун ҳам, ўша неъматларни унга ато этган Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унга ибодат қилиб яшамоғи лозим. Бу унинг бурчи. Шундагина инсон ўзига берилган неъматларга шуқр қилган бўлади.

Лекин, афсуски, одамларнинг орасида бу неъматларни билмайдиганлари ҳам бор.

«Одамлар орасида илмсиз, ҳидоятсиз ва равшан китобсиз(бўла туриб) Аллоҳ ҳақида тортишадиганлари ҳам бор.»

Баъзи одамлар ўзларида ҳақиқатни исбот қилувчи илм бўлмаса ҳам, Аллоҳ ҳақида тортишаверадилар. Тўғри йўлга бошловчи ҳидоятчилари бўлмаса ҳам, Аллоҳ хусусида баҳслашаверадилар. Турли бўлмағур фикрларни айтадилар. Унга куфр келтирадилар. Унга ширк келтирадилар.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أُولَئِكَ كَانَ الشَّيْطَانُ يَدْعُوهُمْ إِلَىٰ عَذَابِ السَّعِيرِ

21. Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашинглар», дейилса: «Йўқ! Биз оталаримизни ниманинг устида топсак, ўшанга эргашурмиз», дерлар. Агар шайтон уларни дўзах азобига чақираётган бўлса ҳам-а?!

Аллоҳ берган неъматларга шукр қилмай, илмсиз, ҳидоятсиз ва равшан китобсиз ҳолда Аллоҳ ҳақида тортишадиган ана ўша кимсаларга: **«Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашинглар», дейилса...»**

Яъни, ҳаётингизнинг барча соҳаларида Аллоҳ нозил қилган дастур – Қуръони Каримга эргашинглар, дейилса, улар:

«Йўқ! Биз оталаримизни ниманинг устида топсак, ўшанга эргашурмиз», дерлар».

Йўқ! Биз Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашмаймиз. Биз илоҳий дастурга – Қуръонга эргашмаймиз. Оталаримиз нимага эргашган бўлса, ўша нарсага эргашамиз, дейдилар. Ушбу гаплариданоқ уларнинг ким эканини билиб олса бўлади.

Уларда на илм бор, на ҳидоят бор ва на йўл ёритувчи китоб бор. Улар ўзгаларга кўр-кўрона эргашадилар, холос. Бўлмаса, илмга асосланган, илоҳий ҳидоятли бўлган, икки дунё йўлини ёритувчи Қуръондек китоб дастур қилинган Исломга эргашмаймиз, дермидилар?! Шунинг учун ҳам, оятнинг сўнгида инкор этувчи савол берилмоқда:

«Агар шайтон уларни дўзах азобига чақираётган бўлса ҳам-а?!»

Аллоҳ нозил қилган нарсани қўйиб, унга эргашаверадиларми?! Эргашсалар, эргашаверсинлар. Ким шайтон чақирғига эргашса, уни дўзах азобига етаклаб боради.

﴿ وَمَنْ يُسَلِّمْ وَجْهَهُ إِلَى اللَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ وَإِلَى اللَّهِ عَنَقَبَةُ الْأُمُورِ ﴾

22. Ким гўзал амалларни қилгувчи бўлган ҳолида Аллоҳга юз тутса, батаҳқиқ, у ишончли арқонни маҳкам тутибди. Ишларнинг оқибати фақат Аллоҳга қайтур.

Ким Аллоҳга юз тутса, яъни ихлос билан амал қилиб, Унинг амрига бўйсуниб, шариатига эргашса:

«батаҳқиқ, у ишончли арқонни маҳкам тутибди».

Биз «ишончли арқон» деб таржима қилган маъно оятда «ал-урватул вусқо» деб келган. «Вусқо» ишончли дегани, «ал-урвату» деб эса, тоққа осилиб чиқиладиган арқонга айтилади. Демак, бу дунёда олий мақсадга эришиш баланда тоғ чўққисига чиқиш деб олинса, Ислом динини тутиш ўша чўққига чиқиш учун узилмайдиган, ишончли арқонни маҳкам тутишга ўхшар экан. Чўққига чиқмоқчи бўлган одам энди арқондан кўнгли тўқ бўлаверсин. Бу ёғи ўзига боғлиқ, ҳаракат қилса, чўққига албатта чиқади.

«Ишларнинг оқибати фақат Аллоҳга қайтур.»

Шунинг учун, аввал бошдан Унга иймон келтириб, У зот нозил қилган Қуръонга эргашавериш керак.

Эй Пайғамбарим!

وَمَنْ كَفَرَ فَلَا يَحْزُنكَ كُفْرُهُ ۗ إِلَيْنَا مَرْجِعُهُمْ فَنُنَبِّئُهُمْ بِمَا عَمِلُوا ۗ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿٢٢﴾

23. Ким куфр келтирса, унинг куфри сени хафа қилмасин. Қайтишлари фақат Бизгадир. Бас, Биз уларга нима амал қилганлари хабарини берурмиз. Албатта, Аллоҳ қалблардаги нарсаларни ўта билгувчидир.

Ушбу ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тасаллидан иборатдир. Аллоҳ таоло у зотга хитоб қилиб, эй ҳабибим, «**Ким куфр келтирса, унинг куфри сени хафа қилмасин**», демоқда.

Кофирнинг ҳолати хафа бўлишга ҳам арзимайди. Унга эътибор бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улар билан машғул бўлиб қолмаслик керак.

«Қайтишлари фақат Бизгадир.»

Биздан ўзгага қайтмаслар, қочиб ҳам қутула олмаслар.

«Бас, Биз уларга нима амал қилганлари хабарини берурмиз.»

Қандай қилиб куфр келтирдилар, қандай гуноҳлар қилдилар — ҳаммасининг хабарини берамиз. Жазосини ҳам берамиз.

«Албатта, Аллоҳ қалблардаги нарсаларни ўта билгувчидир.»

Аллоҳ таоло юзага чиққан амаллар у ёқда турсин, бировга билдирилмай қалба тutilган сирларни-да жуда яхши билгувчи зотдир. Бас, шундай экан, Ундан бирор нарсани беркитиб бўлармиди?!

نَمْنَعُهُمْ قَلِيلًا ثُمَّ نَضْطَرُّهُمْ إِلَىٰ عَذَابٍ غَلِيظٍ ﴿٢٣﴾

24. Уларни бир оз ҳузурлантирурмиз, сўнгра қаттиқ азобга мажбур қилурмиз.

Кофир ва мушрикларни бу дунёда қўйиб бериб, бир оз ҳузурлан-тирамиз. Сўнгра охиратда шиддатли, қаттиқ азобга дучор қиламиз. Нима бўлганида ҳам, уларнинг ёмон оқибатга учрашлари турган гап. Чунки, улар «ишончли арқонни» мустаҳкам тутмаган одамлардир. Улар чўққи-га чиқа олмай, йиқилишлари турган гап. Улар ўргимчакнинг уяси каби заиф, ҳеч нарсага арзимайдиган арқонни тутган одамлардир.

Улар Аллоҳ таоло тўғрисида куфр, нифоқ ва бошқа ёмон сўзлар билан тортишиб юрадилар, лекин:

وَلَيْنَ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ

25. Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган?» деб сўрасанг, албатта, «Аллоҳ», дерлар. Сен: «Аллоҳга ҳамд бўлсин», деб айт. Йўқ! Кўплари билмаслар.

Ҳар бир инсон инсоф билан ўзининг кимлигини, атрофидаги мавжудотларни мулоҳаза қилиб, фикр юритиб, ўйлаб кўрса, бор ҳақиқатни англаб етади. Шунинг учун ҳам:

«Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган?» деб сўрасанг...»

Ўйлаб, тафаккур қилиб кўриб, осмонлару ерни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким яратмаганини ва ярата олмаслигини тушуниб етадилар ҳамда Аллоҳ таолонинг холиқлигини тан олиб:

«...албатта, «Аллоҳ», дерлар».

Яъни, осмонлару ерни Аллоҳ яратган, дейдилар.

Ана шу пайтда сен улар бундай эътирофга мажбур бўлганлари учун: **«Аллоҳга ҳамд бўлсин», деб айт».**

Алҳамдулиллоҳ, эътироф қилдингиз. Аллоҳ осмонлару ерни яратганини тан олдингиз, деб айт.

«Йўқ! Кўплари билмаслар.»

Уларнинг кўплари бу ҳақиқатни билмайдилар. Шунинг учун ҳам, тортишадилар, куфр келтирадилар ва мушрик бўладилар.

Улар билмасалар, ўзларига зарар.

لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ

26. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Албатта, Аллоҳ Ўзи беҳожат ва мақталган зотдир.

Кофирлар хоҳлайдими, йўқми, эътироф қиладими, йўқми, аслида, осмонлару ердаги барча нарсалар Аллоҳнинг мулкидир.

«Албатта, Аллоҳ Ўзи беҳожат ва мақталган зотдир.»

Одамларнинг иймонига, шукрига Унинг ҳожати йўқ. Аллоҳ таоло одамларнинг ҳамду саносига, мақтовига ҳам муҳтож эмас. У аслида мақталган зотдир.

وَلَوْ أَنَّمَا فِي الْأَرْضِ مِنْ شَجَرَةٍ أَقْلَمٌ وَالْبَحْرُ يَمُدُّهُ مِنْ بَعْدِهِ سَبْعَةُ أَبْحُرٍ مَّا
نَفَدَتْ كَلِمَاتُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

27. Агар ер юзидаги дарахтнинг барчаси қаламлар бўлиб, денгиз-унинг ортида етти денгиз мадад бериб туриб-(сиёҳ) бўлса ҳам, Аллоҳнинг калималари битмас. Албатта, Аллоҳ азиз ва ҳакиймдир.

Одамлар билиб-билмай, турли-туман гапларни гапираверадилар. Лекин одамларнинг қурби, умри, имкониятлари чегаралангандир. Шунингдек, гапириш қувватлари ҳам чекланган бўлади.

Аммо, Аллоҳ таолонинг илми, қудрати, имконияти чексиз бўлганидек, сўзлари ҳам чексиздир. Агар борлиқдаги ҳамма дов-дарахт қаламга айлантирилса ва дунёдаги барча сув сиёҳ қилинса, яна унга етти баробари қўшилиб ўша қаламлар ўша сиёҳларга ботирилиб Аллоҳнинг сўзлари ёзилса, қаламлар адо бўлади, денгиз-денгиз сиёҳлар ҳам тугайди, аммо Аллоҳ таолонинг сўзлари тамом бўлмайди. Ҳа: «Албатта, Аллоҳ азиз ва ҳакиймдир».

У ҳаммадан ғолиб, устун ва ҳар бир ишни ҳикмат ила қилади. Шунинг учун, Унга:

مَا خَلَقَكُمْ وَلَا يَعْثُبُكُمْ إِلَّا كَنَفْسٍ وَاحِدَةً إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ

28. Сизларни яратиш ҳам, қайта тирилтириш ҳам фақат бир жонни (яратиш ва қайта тирилтириш) кабидир. Албатта, Аллоҳ ўта эшитгучи ва ўта кўргувчидир.

Дунёда одамларнинг кўплигидан, бунча одамни Аллоҳ таоло қандай ярата олади, деган хаёлга борилмасин. Дунёдан ўтган одамларнинг кўплигидан Аллоҳ шунча ўликни қандай қилиб қайта тирилтирар экан, деган шубҳа уйғонмасин. Дунёдаги барча одамларни яратиш, барча ўликларни қайта тирилтириш Аллоҳ таоло учун ҳеч нарса эмас. Уларнинг ҳаммасини яратиш ва қайта тирилтириш унинг учун бир жонни яратиш ёки қайта тирилтириш кабидир. Бир жонни яратиш ёки қайта тирилтириш Аллоҳ учун иш эмас, «Бўл» деса, кифоя, бўлади.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يُوَلِّجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَيُوَلِّجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ
كُلٌّ يَجْرِي إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى وَأَنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٩﴾

29. Аллоҳ кечани кундузга киритишини ва кундузни кечага киритишини, қуёш ва ойни беминнат хизматкор қилиб қўйганини, уларнинг ҳар бири белгиланган муддат томон юришини ва, албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардор эканини кўрмадингми?!

Шунча улкан ишларни ҳеч бир машаққатсиз бажарган Зот одамларни яратишга ёки уларни қайта тирилтиришга ожизлик қилармиди?!

Дунё яралганидан бери кеча билан кундуз алмашиб туради. Бу жараён миллиардлаб йиллардан буён бирон марта тўхтагани йўқ, бирор сонияга кеч қолгани ёки олдин кетгани йўқ. Хўш, бу тартибни жорий этган Зот одамларни яратишдан ёки қайта тирилтиришдан ожиз бўладими?!

Ёки бўлмаса:

«...қуёш ва ойни беминнат хизматкор қилиб қўйганини...»
кўрмадингми?!

Аллоҳ қуёшдек улкан нарсани инсонга беминнат хизматкор қилиб қўйган. Қуёш бўлмаса, кундуз бўлмайди, иссиқлик чиқмайди. Қуёш инсон учун ҳам, унга зарур бўлган жамодот, наботот ва ҳайвонот оламлари учун ҳам ғоят керакли нурни етказиб берадиган беминнат хизматкордир. Унинг хизматларини тўкис васф қилишга инсон қодир эмас, кўпини билмайди ҳам. Инсонларга ушбу қуёшни беминнат хизматкор қилиб берган ким? Хўш, инсон васф қила олмайдиган даражадаги улуғ ишни қилган Зот одамларни яратишдан ёки уларни қайта тирилтиришдан ожиз қоладими?

Ойнинг хизматлари ҳам қуёшниқидан оз эмас. Кечаси ёруғлик бериш билан бирга, бутун мавжудотга керакли таъсирлар ҳам ўтказди. Ойнинг мўъжизавий хизматларининг кўпини ҳали инсон кашф этолгани йўқ. Уларни энди ўрганиб келмоқда. Хўш, бундай улкан ишни ҳеч бир машаққатсиз бажарган Аллоҳ таоло инсонларни ярата олмасмиди ёки қайта тирилтиришга ожизмиди?

«...уларнинг ҳар бири белгиланган муддат томон юришини...»
кўрмадингми?!

Ўша қуёш ҳам, ой ҳам белгиланган чизикдан бошқа томонга қилча ҳам бурилмайди. Шунчалар улкан махлуқларни, шунчалар узоқ муддат билан шунчалар дақиқ, нозик низомга солиб қўйган Аллоҳ таоло одамларни ярата олишга ёки қайта тирилтиришга ожизми?

«...ва, албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардор эканини кўрмадингми?!»

Одам зотининг нима амал қилаётганини мукамал билиб турган Зот уларни яратишга ёки қайта тирилтиришга ожизлик қиладими?!

ذٰلِكَ بِاَنَّ اللّٰهَ هُوَ الْحَقُّ وَاَنَّ مَا يَدْعُوْنَ مِنْ دُوْنِهِ الْبَاطِلُ وَاَنَّ اللّٰهَ هُوَ الْعَلِيُّ الْكَبِيْرُ

30. Бу, албатта, Аллоҳнинг Ўзи ҳақ, албатта, Ундан ўзга илтижо қилаётганлари ботил ва, албатта, Аллоҳнинг Ўзи энг юксак ва энг буюк зот эканидандир.

Яъни, доимий равишда кечанинг кундузга, кундузнинг кечага кириб туриши, қуёш ва ойнинг беминнат хизмат қилиши, улардан ҳар бирининг белгиланган муддат томон юриши, Аллоҳ таолонинг бандалар амалларидан хабардор бўлиши:

«Бу, албатта, Аллоҳнинг Ўзи ҳақ...» эканидандир.

Ундан бошқа ҳамма нарса ўзгаради, алмашади, йўқолади, кучсизланади, фақат У зотгина алмашмайди, боқий, қовий, эскирмайди, завол ҳам бўлмайди;

«албатта, Ундан ўзга илтижо қилаётганлари ботил...» эканидандир.

Одамлар Аллоҳдан ўзга кимни, нимани худо билиб илтижо қилсалар, ҳаммаси ботилдир. Инсоннинг илтижосига, ибодатига Аллоҳ таолодан ўзга сазовор зот йўқ.

Мазкур улуғ ишларнинг осонлик билан амалга ошиб туриши ўша сохта худоларнинг ботил бўлиб, ягона Аллоҳнинг ҳақ эканидандир. Агар ўша сохта худолардан бирортаси ҳақ бўлганида, бу дунё ҳозиргидек тартибли турмас, бузилиб кетар эди. Чунки, икки-та илоҳнинг иродаси бир-бири билан тўқнашиб, дунё низоми бузилиши турган гап эди.

Бу ишларнинг ажойиб ҳолда бардавом бўлиши яна:

«албатта, Аллоҳнинг Ўзи энг юксак ва энг буюк зот эканидандир».

Йўқса, бу ишларни қила олмас эди.

اَلَمْ تَرَ اَنَّ الْفُلْكَ تَجْرٰى فِى الْبَحْرِ بِنِعْمَتِ اللّٰهِ لِيُرِيْكُمْ مِّنْ اٰيٰتِهٖۤ اِنَّ فِىْ ذٰلِكَ لٰآيٰتٍ لِّكُلِّ صَبّٰرٍ شٰكُوْرٍ

31. Кемалар Аллоҳнинг неъматини ила сизга Унинг оят-белгиларини кўрсатиш учун денгизда юрганини кўрмадингми?! Албатта, бунда ҳар бир ўта сабрли ва ўта шукрлилар учун оят-белгилар бордир.

Ўйлаб қаралса, кеманинг сув устида юриши ҳам Аллоҳнинг улуғ неъматидир. Лекин одамлар бу неъматни тушуниб етмайдилар. Улар кемани қурган муҳандисларнинг илмига қойил қоладилар, тасаннолар айтадилар. Кемани бошқариб бораётган денгизчиларга олқиш ўқийдилар. Аммо кемани сув устида юрадиган қилиб қўйган Аллоҳ таолони унутиб қўядилар.

Ўйлаб кўрайлик, сувга кемани кўтара олиш хусусиятини берган ким? Умуман, сувни яратган ким? Уни уммон, денгиз ёки дарё ҳолига келтирган ким? Шунингдек, кема ясаладиган жиҳозларга сув устида чўкмай туриш хислатини берган ким? Ҳавони шунга мослаб қўйган ким? Ниҳоят, кема қурганларга ақл, қўл-оёқ ва зарур ашёларни берган ким? Зикр этилган ва зикр этилмай қолган кўплаб нарсалардан бирортаси бўлмай қолса, кема сув устида юрармиди?

«Кемалар Аллоҳнинг неъматидир ила сизга Унинг оят-белгиларини кўрсатиш учун денгизда юрганини кўрмадингми?!»

Аллоҳнинг неъматидир бўлмаса, кемалар денгизда юра олмас эди. Уларнинг денгизда юриши одамларга Аллоҳнинг оят-белгиларини кўрсатиш учундир. Кеманинг сувда чўкмай юриши учун вужудга келтирилган шароитларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг ояти, мўъжизасидир. Ҳа:

«Албатта, бунда ҳар бир ўта сабрли ва ўта шукрлилар учун оят-белгилар бордир».

Аммо одамларнинг кўплари сабр ҳам қилмаслар, шукр ҳам қилмаслар.

وَإِذَا غَشِيَهُمْ مَوَّجٌ كَالظُّلَلِ دَعَوُا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الْوَعْدَ فَلَمَّا نَجَّاهُمْ إِلَى الْبَرِّ فَمِنْهُمْ مُقْنَصِدٌ وَمَا يَجْحَدُ بِآيَاتِنَا إِلَّا كُلُّ خَتَّارٍ كَفُورٍ

32. Қачон уларни тоғ каби тўлқин ўраб қолса, Аллоҳнинг динига ихлос этароқ, дуо қилурлар. Нажот бериб, уларни қуруқликка чиқарса, баъзилари тежамкор бўлур. Бизнинг оятларимизни фақат ўта хоин ва ўта кофирларгина инкор этурлар.

Одамларнинг кўплари сабр ва шукр қилмасликларининг сабаби ушбу оятда зоҳир бўлмоқда. Уларга мусийбат етганида, сабр этмай, шошқалоқлик қилишлари, Аллоҳ нажот берганида, шукр этмай, куфр келтиришлари кўрсатилмоқда.

«Қачон уларни тоғ каби тўлқин ўраб қолса, Аллоҳнинг динига ихлос этароқ, дуо қилурлар.»

Ўлим кўзига кўринган чоғда, минган кемаси қаттиқ довулга учраб, денгизда хасдек у ён-бу ён отилаётган бир пайтда ҳамма нарса-

ни унутиб, ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ёлвориб илтижо қилишга тушади. Аллоҳдан бошқа нарса ёдига келмайди. Аллоҳга, Унинг динига ихлос қилиб қолади. Эсон-омон қутулиб олса, доимо Аллоҳга шукр этиб, ибодат қилиб юришга ваъдалар беради. Аммо, Аллоҳ

«Нажот бериб уларни қуруқликка чиқарса, баъзилари тежамкор бўлур».

Шукр қилишда тежамкорликка ўтиб қолур. Шукрни қўлидан келганича ўрнига қўймас. Биз «тежамкор» деб таржима қилган сўз оятда «муқтасид» деб келган. Бу сўз икки хил маъно беради: бири «тўғри», иккинчиси «ўртача». Демак, баъзи кишилар хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ ўртача бўлсин, шукр қилади. Аммо кўплари шукр этишмайди. Балки хиёнат ва ўта онқўрлик қилишади. Шунинг учун ҳам, оятнинг сўнггида:

«Бизнинг оятларимизни фақат ўта хоин ва ўта кофирларгина инкор этурлар», дейилмоқда.

Улар тўлқинга учраган пайтларида, бундан буён Аллоҳга иймон-эътиқодда бўлиб, ибодат қилиб юраман, деб ваъдалар берган эдилар, ўша ваъдаларига хиёнат қиладилар. Аллоҳнинг неъматини ўлимдан топган нажотларига ношукрлик қиладилар. Кемага минган ва довулда қолган пайтда кўрган оят-белгиларини инкор этадилар.

Суранинг охирида барчага баробар хитоб қилинади.

يَأَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ وَأَخْشَوْا يَوْمًا لَا يَجْزِي وَالِدٌ عَنْ وَلَدِهِ وَلَا مَوْلُودٌ هُوَ جَازٍ عَنِ
وَالِدِهِ شَيْئًا إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ فَلَا تَغُرَّنَّكُمُ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا وَلَا يَغُرَّتْكُمْ بِاللَّهِ
الْغُرُورُ

33. Эй одамлар! Роббингизга тақво қилинг ва ота боласига фойда бера олмайдиган, бола отасига бирор нарсада фойда бергучи бўлмайдиган Кундан қўрқинг. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, ҳаёти дунё сизни ғурурга кетказмасин. Ўта ғурурга кетказгучи сизни Аллоҳ ила ғурурга кетказмасин.

Суранинг аввалидан зикр этиб келинаётган куфр, ширк ва залолат йўлларига тушиб қолмаслик учун Аллоҳ таолога тақво қилиш ва қиёмат кунидан қўрқиб юриш керак.

«Эй одамлар! Роббингизга тақво қилинг...»

Бу дунё ва у дунё учун энг зарур зоду роҳила тақводир. Тақво бўлмаса, ҳеч бир яхши натижани умид қилиб бўлмайди. Роббул олабийнга тақво қилиш ҳар бир одамнинг инсонийлик бурчидир.

Аллоҳга тақво қилмаган одам ҳеч бир ёмонликдан қайтмайди. Аксинча, Аллоҳга тақво қилган одам ҳеч бир ёмонликка қўл урмайди.

«...ва ота боласига фойда бера олмайдиган, бола отасига бирор нарсада фойда берувчи бўлмайдиган кундан қўрқинг.»

Бу кун қиёмат кунидир. У кунда инсонлар орасидаги боғланишлар, алоқалар кесилади. Ҳар ким ўзи учун жавоб беради. Бировнинг бировга фойдаси тегмайди. Ҳатто, ота болага, бола отага фойда бера олмай қолади. У кунда бирдан-бир фойда берадиган нарса иймон ва яхши амал бўлади. Ана ўшандай кундан қўрқиш барча одамларнинг одамийлик бурчидир. Қиёмат кунидан қўрққан одамгина барча ёмонликлардан қайтади. Аксинча, қиёмат кунидан қўрқмайдиган одам ҳеч қандай ёмонликдан қайтмайди.

«Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир.»

У ваъдасига хилоф ҳам қилмайди, кечга ҳам сурмайди. Демак, қиёмат қоим бўлиши ҳақ. Инсонларнинг қайта тирилиши ҳақ. Маҳшарга тўпланиши ҳақ. Заррача яхшию ёмон амаллар ҳам адолат тарозуси ила тортилиши ҳақ, Дақиқ ҳисоб-китоб бўлиши ҳақ. Жаннат ҳақ. Дўзах ҳақ. Кофир ва осийлар дўзахга киритилиши ҳақ. Мўмин ва муҳсинлар жаннатга дохил бўлиши ҳақ.

«Бас, ҳаёти дунё сизни ғурурга кетказмасин.»

Бу дунё матоҳига адданиб қолманг. Бу дунё ҳаёти охират экинзори, холос. Шуни унутманг.

«Ўта ғурурга кетказувчи сизни Аллоҳ ила ғурурга кетказмасин.»

Уламоларимиз «ўта ғурурга кетказувчи»ни шайтон деб таъвийл қилганлар. Дарҳақиқат, шайтон турли нарсалар билан ғурурга кетказади. У ҳатто Аллоҳ билан ҳам, яъни, Аллоҳнинг марҳамати кенг, бу дунёда ўйнаб қол, деб ҳам ғурурга кетказади. Буларнинг ҳаммасидан сақланиш учун тақво ва қиёмат кунидан қўрқув бўлиши керак.

إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ عِلْمُ السَّاعَةِ وَيُنزِلُ الْغَيْثَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْأَرْحَامِ وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ
مَّاذَا تَكْسِبُ غَدًا وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ بِأَيِّ أَرْضٍ تَمُوتُ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ ﴿٣٤﴾

34. Албатта, қиёмат соати илми ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Ёмбирни У ёвдирур. Бачадонлардаги нарсани ҳам У билур. Ҳеч бир жон эртага нима касб қилишини билмас. Ҳеч бир жон қайси ерда ўлишини ҳам билмас. Албатта, Аллоҳ ўта билгувчи ва ўта хабардордир.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолонинг илми шомилу комил ҳамда мутлақ экани, У зотнинг илми қаршисида бошқа илмлар ҳеч нарсага арзимаслиги баён қилинмоқда.

«Албатта, қиёмат соати илми ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир.»

У зотдан бошқа ҳеч ким қиёмат қачон қоим бўлишини билмайди. Билиши мумкин ҳам эмас. Аллоҳ таоло улкан ҳикмат юзасидан бу илми фақат Ўзига хос қилиб қўйган. Қиёмат қачон қоим бўлишини билмаган одамлар доимо ҳушёр турадилар. Ҳар лаҳзада қиёмат қоим бўлиб қолишидан қўрқиб, доимо яхши ишларни кўпайтиришга уринадилар, унга тайёргарлик кўрадилар.

«Ёмғирни У ёғдирур.»

Ёмғирга сабаб бўладиган моддаларни йўқдан бор қилган ҳам У зотнинг Ўзидир. Уларни бир-бирига қўшган ҳам У зотнинг Ўзидир. Булутни пайдо қилиб, маълум жойларга ёғдирадиган ҳам У зотнинг Ўзидир. Аллоҳ борлиқнинг ҳар бир нуқтасидаги ёмғирни пайдо қилган, ёғдирган, натижасини-да билиб турадиган зотдир. Борлиқнинг бир нуқтасида Аллоҳ яратган шароитни кўриб, ёмғир ёғишини тахмин этган инсоннинг Аллоҳнинг сифатига шерикликни даъво қилиши кулгилдир. Бундай даъво илмдан эмас, жаҳолатдандир.

«Бачадонлардаги нарсани ҳам У билур.»

Дунёда қанча бачадон бўлса, уларнинг ичида нимаики бор бўлса, моҳиятини, тақдирини ва яна уларга боғлиқ ишларнинг ҳамма-ҳаммасини Аллоҳ билади. Бир аёлнинг туғиши яқин қолганида, асбоб ёрдамида, ўғилми-қиз эканини тахминан билиб олиб, Аллоҳнинг илмига шерикликни даъво қилган жоҳил инсонга ҳайронсан!

«Ҳеч бир жон эртага нима касб қилишини билмас.»

Дунёда ҳеч бир одам эртага, балки беш дақиқа ва ундан оз вақтдан сўнг ҳам нима қилишини билмайди. У фақат ният қилади, режа тузади, холос. Лекин ҳақиқатда нима бўлишини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади.

Аллоҳ таоло бутун жонларнинг барча замонларда, маконларда нима қилишини яхши билади. Аниқ билади. Камчиликсиз билади. Баъзи бир тахмини Аллоҳнинг иродаси ила тўғри чиқиб қолган жоҳил инсоннинг Аллоҳнинг илмига шериклик даъвосида бўлиши кулгилдир.

«Ҳеч бир жон қайси ерда ўлишини ҳам билмас.»

Дунёда бирорта инсон қаерда, қачон, қандай ўлишини билмайди. Бунинг ҳаммасини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади.

«Албатта, Аллоҳ ўта билгувчи ва ўта хабардордир.»

Шунинг учун, ҳамма нарсани билади ва ҳамма нарсадан хабардор бўлади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу ояти кариманинг маъносини таъкидловчи кўплаб ҳадиси шарифлар ворид бўлган. Худди шунга ўхшаш оят «Анъом» сурасида ҳам ўтди.



САЖДА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 30 оятдан иборат.

Бу сураи кариманинг «Сажда» деб номланишига сабаб – сура оятларининг бирида мўмин бандаларнинг Аллоҳ таолога сажда қилишлари васф этилади. Ном шу ояти каримадан олинган.

«Сажда» сураси бошқа маккий суралар каби, асосан ақийда масала-сига бағишлангандир. Хусусан, ушбу сурада Аллоҳ, охират куни, илоҳий китоблар, Пайғамбарлар, қайта тирилиш ва ҳисоб-китоб мавзулари ҳақида гап боради. Уларни ўзига хос услуб билан, бошқа суралардан фарқли равишда муолажа қилинади. Шунингдек, бу сурада инсоният тарихида янги уммат – Ислом уммати тувилгани ҳам эълон этилади. Бу янги уммат аъзолари қандай сифатларга эга эканлиги айтилади.

«Сажда» сураси аввалида Қуръони Карим Аллоҳ томонидан келган ҳақ китоб экани эсга олинади. Шу билан бирга, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ Пайғамбар эканликлари таъкидланади. Бу ҳақдаги кофир ва мушрикларнинг шубҳалари мутлақо бемаънилиги очиб ташланади.

Сўнгра, Аллоҳ таолонинг ягона илоҳлиги, ҳар бир нарсага қодир зот эканлиги далил ва ҳужжатлар билан исботланади.

Сурада тилга олинган қайта тирилиш ва охиратдаги ҳисоб-китоб масаласида ҳам кофир ва мушриклар қўзғаган шак-шубҳаларга етарли ва қониқарли жавоблар берилади. Қиёмат куни манзаралари тасвирланиб, кишиларнинг қалбига таъсир ўтказилади. У кунда кофир ва осийларнинг қандай азобларга учрашарию мўмин ва муттақийларнинг қандай мукофотларга эришишлари айтилади.

Сўнгра Мусо алайҳиссалом ҳақида сўз кетиб, у зот билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликлари бир хил эканлиги баён қилинади. У кишиларнинг сабри ҳақида сўз юритилади.

Ўтган замонда ғофил бўлиб, куфр билан ўтганларнинг оқибати нима бўлгани эслатиб ўтилади.

Ниҳоят, сура кофир ва мушрикларнинг қиёмат куни қачон бўлиши ҳақидаги саволларига жавоб бериш билан тамомланади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ



1. Алиф. Лаам. Мийм.

تَنْزِيلُ الْكِتَابِ لَا رَيْبَ فِيهِ مِنْ رَبِّ الْعَالَمِينَ

2. Бу китобнинг нозил қилиниши, унда ҳеч шак-шубҳа йўқ, оламларнинг Робби томонидандир.

Қуръони Каримни бутун оламларнинг тарбиякунандаси бўлмиш Аллоҳ таоло туширганига ҳеч қандай шак ёки шубҳа қилиб бўлмайди. Бу очиқ-ойдин масала. Шубҳаланишга, иккиланишга ва чекланишга асло ўрин йўқ.

أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ بَلْ هُوَ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ لِتُنذِرَ قَوْمًا مَّا أَتَتْهُمْ مِّنْ نَّذِيرٍ مِّنْ قَبْلِكَ لَعَلَّهُمْ يَهْتَدُونَ

3. Ёки, унинг ўзи тўқиб олган, дерларми?! Йўқ! У сендан олдин ўзларига ҳеч огоҳлантиргувчи келмаган қавмни огоҳлантиришинг учун Роббингдан (келган) ҳақдир. Шоядки, улар ҳидоят топсалар.

Шубҳасиз, Қуръон илоҳий каломдир. Шунга қарамай, баъзилар уни инкор қиладиларми?

«Ёки, унинг ўзи тўқиб олган, дерларми?!»

Яъни, Қуръонни Муҳаммад тўқиб олган, дейдиларми?!

«Йўқ!»

Уларнинг бундай туҳматлари асоссиз.

«У сендан олдин ўзларига ҳеч огоҳлантиргувчи келмаган қавмни огоҳлантиришинг учун Роббингдан (келган) ҳақдир.»

Бу қавм Макка араблари бўлиб, уларга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдин Пайғамбар келган эмас. Тарихдан Исмоил

алайҳиссалом билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўртала-рида араблардан бирорта Пайғамбар ўтгани маълум эмас.

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳақ китоби — Қуръони Каримни нозил қилиб, ўша қавмни огоҳлантириш учун Пайғамбар этиб юборди. Бу китоб ҳар тарафлама ҳақдир. Ундан бошқаси ботилдир. Аллоҳ таоло уларга залолатдан қайтишлари, ширкни тарк этиб, тавҳидга, зулматни қўйиб, нурга юришлари учун бу ҳақ китобни нозил қилди.

«Шоядки, улар ҳидоят топсалар.»

Тўғри йўлга, ҳақ йўлга, Исломи йўлига юрсалар.

Эндиги оятда Аллоҳ таолонинг ўша ҳақ китобни туширишга ва Пайғамбарлар юборишга қодир эканлигига далил-ҳужжатлар келтирилади:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ
مَا لَكُمْ مِّنْ دُونِهِ ۗ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا شَفِيعٍ ۚ أَفَلَا تَتَذَكَّرُونَ ﴿٤﴾

4. Аллоҳ осмонлару ерни ва улар орасидаги нарсаларни олти кунда яратиб, сўнгра аршни эгаллаган зотдир. Сиз учун ундан ўзга дўст ҳам, шафоатчи ҳам йўқдир. Ахир, эсламайсизларми?!

Осмонлару ернинг олти кунда яратилишининг ҳикмати ва сирлари ёлғиз Аллоҳнинг Ўзигагина маълум. Уламоларимиз бу тўғрида турли фикрларни айтган бўлсалар ҳам, кўплари Аллоҳга ҳавола этишни маъқул биладилар.

«Олти кун» деганда қанақа муддатни тушуниш ҳақидаги фикрлардан бир чимдимини аввалги сура тафсирида келтирдик. Айрим тафсирчиларимиз: у «олти кун» ушбу дунёдаги олти кун билан тенг; агар Аллоҳ хоҳлаганида, кўз очиб-юмгунча яратиб қўяр эди-ю, аммо бандаларига шошилмасликни ўргатиш учун шундай қилган, дейишади. Бошқа баъзи тафсирчилар эса: бу кунларимиз вақт ўлчови сифатида осмонлару ер яратилганидан сўнг жорий бўлган, ҳозирги «кун» деб айтган вақт ўлчовимиз ернинг ўз ўқи атрофида бир марта айланиш муддатидир, ер яратилмасидан аввал бу ўлчов қандай бўлиши мумкин, дейдилар. Ва яна оятдаги «кун»нинг маъносини ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи билади, дейдилар.

«...сўнгра аршни эгаллаган зотдир.»

Тафсирчилар ва калом илми уламолари ушбу жумла устида ҳам кўп тортишганлар. Бу «Истава» номи билан машҳур бўлган масаладир. Худди шу маъно «Аъроф» сурасининг эллик тўртинчи оятида ва «Юнус» сурасида ҳам ўтди.

«Сиз учун Ундан ўзга дўст ҳам, шафоатчи ҳам йўқдир.»

Бандага Аллоҳдан ўзга ким ҳам дўст – валий бўларди?! Бандага Аллоҳдан ўзга ким ҳам шафоатчи бўларди?! Ахир, осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни яратган, аршни эгаллаган зот Аллоҳ бўлса, бандаларга валий – дўст у зот бўлмай, ким бўлсин? Бандаларга шафоатчи У зот бўлмай, ким бўлсин?

«Ахир, эсламайсизларми?!»

Ахир, шу нарсаларни ўйлаб кўрмайсизларми? Тафаккур қилиб кўрмайсизларми?

يُدَبِّرُ الْأَمْرَ مِنَ السَّمَاءِ إِلَى الْأَرْضِ ثُمَّ يَعْرُجُ إِلَيْهِ فِي يَوْمٍ كَانَ مِقْدَارُهُ أَلْفَ سَنَةٍ مِّمَّا تَعُدُّونَ ﴿٥٠﴾

5. У зот осмондан ергача барча ишнинг тадбирини қилур. Сўнгра ўша (иш) миқдори сиз санаётган ҳисобда минг йилга тенг бўлган кунда Унга чиқар.

Яъни, Аллоҳ таоло дунёдаги ҳамма ишларнинг тадбирини қилиб қўйган. Аммо бу ишлар қолиб кетавермайди. Унутулиб ҳам, натижа-сиз ҳам қолмайди. Балки, қиёмат куни яна Аллоҳнинг ҳузурига чиқа-ди. Қиёмат куни, ўзининг даҳшати ила, бу дунёда одамлар санаб юрган минг йилга тенг бўлади. Ана ўша кунни ўйлаб иш кўриш керак.

ذَٰلِكَ عِلْمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ الْعَزِيزِ الرَّحِيمِ ﴿٥١﴾

6. Ана шу Зот ғойибнию ҳозирни билгувчи, азизу роҳиймдир.

Яъни, юқорида айтилган буюк ишларни қилган Аллоҳ таолонинг илми ҳам чексиздир. У ғойибдаги ҳамма сирларни ҳам, ҳозирни – ошкора барча нарсани ҳам билгувчи зотдир. У Аллоҳ азиз – ҳаммадан ғолиб, устун, қодир ва кучли зотдир.

У Аллоҳ раҳимли, меҳрибондир.

الَّذِي أَحْسَنَ كُلَّ شَيْءٍ خَلَقَهُ وَبَدَأَ خَلْقَ الْإِنْسَانِ مِنْ طِينٍ ﴿٥٢﴾

7. У Ўзи яратган ҳар бир нарсани гўзал этган ва инсонни яра-тишни лойдан бошлаган зотдир.

Аввалги оятларда дунёдаги барча нарсаларни – осмонлару ерни ва улар орасидаги нарсаларни Аллоҳ таолонинг ягона Ўзи яратган-лиги уқтирилган эди. Бу ояти каримада эса, Аллоҳ таоло ўша нарса-ларни гўзал қилиб яратганлиги таъкидланмоқда:

«У Ўзи яратган ҳар бир нарсани гўзал этган...»

Дунёдаги нимаики бўлса, ҳаммаси ҳам гўзалдир. Аллоҳ таоло яратган нарсаларнинг гўзаллиги инсонни маҳлиё қилишини ҳамма билади. Асрлар давомида шоирлар Аллоҳ яратган гўзалликни куйлаб охирига ета олмаяптилар. Рассомлар Аллоҳ яратган гўзалликни тасвирлаб, бир оз ўхшатиб қўйиб, маҳоратларидан мақтаниб ўтмоқдалар. Аммо, Аллоҳ яратган гўзалликни мукамал чиза билмасликларини тан олмоқдалар. Ёзувчилар, сўз усталари ва воизлар ҳам бу ишнинг имконсизлигига тобора ишониб бормоқдалар. Аллоҳ таоло нарсаларни нафақат чиройли, балки пишиқ-пухта ва бенуқсон қилиб яратгандир, улар гўзаллигининг боиси ҳам шундадир. Аллоҳ яратган нарсалардан бирортасининг бир аъзоси ёки бўлагини бошқа жойга қўйиб тасаввур қилиб кўрган кишининг ўзи бу ҳақиқатни тушуниб етади. Узоққа бормай, ўзимизни, инсонни олиб кўрайлик. Мисол учун, кўзни, инсон кўзининг жойи ўзгарган ҳолатини тасаввур қилайлик. Инсоннинг икки кўзи тананинг ҳозиргидан бошқа қаерида жойлашса, бундан кўра чиройли бўларди?

Эҳтимол, шу ҳақиқатни доимо эслаб туришимиз учун Аллоҳ таоло баъзи бандаларнинг кўзларини нуқсонли қилиб қўйгандир. Эй бандам, икки чиройли ва пухта-бенуқсон кўз берганимга шуқр қил, бўлмаса, манави биродарингга ўхшатиб қўйишим мумкин эди, деяётгандир. Бу фикрни ҳар бир аъзога нисбатан татбиқ этсак ҳам тўғри бўлади.

«...ва инсонни яратишни лойдан бошлаган зотдир.»

Бу ҳақиқатни ҳамма билади. Аллоҳ инсоннинг асли — Одам Ато-ни тупроқдан лой қилиб туриб ясаган.

ثُمَّ جَعَلَ نَسْلَهُ مِنْ سُلَالَةٍ مِّن مَّاءٍ مَّهِينٍ

8. Сўнгра, унинг наслини ҳақир бир сувдан ажраб чиқадиган қилди.

Аллоҳ таоло инсонни аввал бошда лойдан яратиб, кейин унинг наслини «нутфа» деб аталмиш ҳақир бир сувдан ажраб чиқадиган қилиб қўйди. Ҳеч нарсага арзимайдиган, керак бўлса, инсоннинг ўзи жирканадиган ҳақир сувдан шунчалик мураккаб, олиймақом бир инсон яраладиган қилиб қўйди. Буни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким қила олмайди.

ثُمَّ سَوَّاهُ وَنَفَخَ فِيهِ مِن رُّوحِهِ ۗ وَجَعَلَ لَكُمُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَالْأَفْئِدَةَ ۗ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ

9. Сўнгра уни ростлади ва унинг ичига Ўз руҳидан пуфлади. У сизларга қулоқ, кўзлар ва диллар пайдо қилди. Камдан-кам шукр қилурсизлар.

Аллоҳ таоло инсонни ҳақир сувдан пайдо қилиб:

«Сўнгра уни ростлади...»

Онасининг қорнидаёқ ҳамма керакли аъзоларни бериб, мукам-мал инсон ҳолига келтириб ростлади.

«...ва унинг ичига Ўз руҳидан пуфлади.»

Яъни, жон киритди. Инсон учун бундан улуғ шараф бўлиши мумкин эмас. Яъни, Аллоҳ таоло унинг ичига Ўз руҳидан жон пуфлади. Шунга қарамай, Аллоҳга куфр, ширк келтириб, осий бўлиб, гуноҳлар қилиб юрган инсонлар бор-а?!

«У сизларга қулоқ, кўзлар ва диллар пайдо қилди.»

Бу нарсаларни инсонларга Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким бера билмайди. Дунёнинг ҳаммаси тўпланиб, қиёматгача уринса ҳам, бир одамга қулоғининг бир тарафини ясаб бера олмайди. Дунёнинг ҳаммаси тўпланиб, қиёматгача ҳаракат қилса ҳам, бир одамнинг кўзи ёки бир дона кипригини ярата олмайди.

«Камдан-кам шукр қилурсизлар.»

Аллоҳнинг неъматларига жуда оз шукр қиласизлар. Кўпроқ ношукр бўласизлар.

Ҳа, инсон ана шундай, ўта ношукр махлуқдир. Агар бирор табиб хоҳлаганича пул олиб, бир кишининг қулоғи ёки кўзидаги хасталикни даволашга сабабчи бўлса, у киши табибдан умрбод рози бўлиб ўтади. Аммо ўзини ҳам, ўша табибни ҳам яратган, унга кўз-қулоқ ва давони ҳам берган Аллоҳ таолога ношукрлик қилади. Ҳар бир инсон аввало ўзига боқса, ўзидаги аъзоларини ўйласа, Аллоҳга иймон ва ихлоси ортади.

Аммо, инсонларнинг кўплари аслларини унутадилар. Ана шу унутуш оқибатида бошқа хатоларга йўл қўядилар. Жумладан:

وَقَالُوا أَءِذَا ضَلَلْنَا فِي الْأَرْضِ أَءَأَلْفَىٰ خَلْقٍ جَدِيدٍ بَلْ هُمْ بِلِقَاءِ رَبِّهِمْ كَفِرُونَ

10. Улар: «Биз ер остида йўқ бўлиб кетгач ҳам, яна янгитдан яратиламизми?!» дерлар. Йўқ! Улар Роббиларига рўбарў бўлишни инкор қилгувчилардир.

Кофирлар, биз ўлганимиздан, қабрга кўмилганимиздан, ер остида чириб йўқ бўлиб кетганимиздан кейин ҳам яна янгитдан тириламизми, дейдилар. Ўлгандан кейин, қиёматда қайтадан тирилишни инкор қиладилар.

«Йўқ! Улар Роббиларига рўбарў бўлишни инкор қилгувчилардир.»

Шунинг учун, ҳар хил бўлмағур гапларни айтадилар.

Аллоҳ таоло Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламга кофирларнинг мазкур саволларига қуйидагича жавоб беришни топширди: Эй Пайғамбарим!

﴿ قُلْ يٰٓنُفُوكُمْ مَّلٰكِ الْمَوْتِ الَّذِي وُكِّلَ بِكُمْ ثُمَّ اِلٰى رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ ﴾

11. Сен: «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонингизни оладир. Сўнгра Роббингизга қайтарилурсиз», деб айт.

Кофирлар ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор этар эди. Оятда одам боласининг ўлими ҳам, тирилиши ҳам ўз ихтиёри билан бўлмаслиги баён қилинмоқда.

«Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонингизни оладир.»

Жонни олишга юборилган фаришта Азроил алайҳиссалом эканлиги маълум ва машҳурдир. Бу дунёда одам боласи ҳеч қачон ўлишни хоҳламайди. Доимо тирикликни истайди. Аммо ажали етса, у қанчалик яшашни хоҳласа-да, вакил қилинган ўлим фариштаси келиб жонини олади. Шунда у ўз истагига қарши ўлароқ вафот этади.

«Сўнгра Роббингизга қайтарилурсиз», деб айт.»

Шунингдек, ўлган инсон хоҳишидан қатъиназар, барибир, вақти-соати келганда, Аллоҳнинг амрига биноан қайта тирилади. Қайта тирилиб, Роббига қайтарилади. Ўшанда Робби уни бу дунёдаги амаллари юзасидан савол-жавоб қилиб, мукофот ёки жазо беради. Ана ўшанда:

﴿ وَلَوْ تَرَىٰٓ اِذِ الْمُرْسُوٰتِ نَاكِسُوْا رُءُوسِهِمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ رَبَّنَا ابْصُرْنَا وَاَسْمِعْنَا فَاَرْجِعْنَا فَعْمَلٍ صٰلِحًا اِنَّا مُوقِنُوْنَ ﴾

12. Гуноҳкорларнинг Роббилари ҳузурида бошларини эгиб туриб: «Эй Роббимиз, кўрдик, эшитдик. Бас, бизни ортга қайтар, яхши амал қиламиз. Албатта, биз ишониб етдик», дейишларини кўрсанг эди.

Кофирлар бу дунёда инкор этиб юрган нарсалар юзага чиқди. Қиёмат қойим бўлишини инкор этар эдилар, аммо қиёмат қойим бўлди. Қайта тирилишни рад қилар эдилар, аммо қайта тирилдилар.

Мана энди, маҳшарда Роббилари ҳузурида, халойиқнинг гувоҳлигида шармандаи-шармисор бўлиб, айбларини, гуноҳларини тан олиб, бошларини эгиб турибдилар. Айни пайтда, Аллоҳга ёлвормоқдалар:

«Гуноҳкорларнинг Роббилари ҳузурида бошларини эгиб туриб:»Эй Роббимиз, кўрдик, эшитдик».

Қиёмат қойим бўлишини ҳам, ўликлар қайта тирилишини ҳам кўрдик. Халойиқнинг тўпланишига гувоҳ бўлдик. Кўпгина таънадашном ва савол-жавобларни эшитдик.

«Бас, бизни ортга қайтар, яхши амал қиламиз», дейишларини кўрсанг эди.»

Бизни яна орқага, ёруғ дунёга қайтар. Иймон келтириб, яхши амалларни қиламиз. Охиратда албатта банданинг ҳолига вой бўлишига биз ишониб етдик, демоқдалар. Лекин энди кеч бўлди. Бу ишларни тирикликда қилиш керак эди. Пайғамбарнинг айтганига юриш керак эди. Қуръонга амал этиш лозим эди.

وَلَوْ شِئْنَا لَآتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هَدًىهَا وَلَٰكِن حَقَّ الْقَوْلُ مِنِّي لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ
الْحِجَّةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿٥٦﴾

13. Агар хоҳлаганимизда, ҳар бир жонга ўз ҳидоятини берар эдик. Лекин Мендан: «Албатта, жаҳаннамни жинлар ва одамларни жамлаб тўлдирурман», деган сўз ҳақ бўлди.

Аллоҳ таоло хоҳлаганини ҳеч қандай тўсиқ ва қийинчиликсиз амалга оширади.

«Агар хоҳлаганимизда, ҳар бир жонга ўз ҳидоятини берар эдик.»

Ҳар бир одамнинг ҳидоятини ўзи билан бирга қилиб қўйган бўлар эдик. Ҳа, бу иш Аллоҳ таоло учун осон эди. Одамларни ҳам, ҳайвонотга фитрий илҳом берганидек, биров ўргатмаса ҳам ўзидан-ўзи ҳидоятга юриб кетадиган ёки фаришталарга ўхшаб гуноҳ эта олмайдиган қилиб қўйиши мумкин эди. Аммо Аллоҳ инсонни айрича табиат билан яратди. Унга ақл берди. Ирода берди. Истак берди. Шаҳват берди. Пайғамбар юбориб, китоб нозил қилди. Ҳидоят ва залолат йўлини кўрсатди. Бу дунёдаги вазифасини тушунтирди.

«Лекин Мендан: «Албатта, жаҳаннамни жинлар ва одамларни жамлаб тўлдирурман», деган сўз ҳақ бўлди.»

Одамлар ва жинлар ичидан кофирликни, осийликни танлаганларини қўшиб жаҳаннамга ташлаб, улар билан уни албатта тўлдирурман, деган сўзим бор эди, шу ҳақ бўлди.

Юқоридаги оятда эслатилган кофирлар ўша ҳақ сўзга учраган кимсалардир. Ана энди уларга:

فَذُوقُوا بِمَا نَسِيتُمْ لِقَاءَ يَوْمِكُمْ هَذَا إِنَّا نَسِينَاكُمْ وَذُوقُوا عَذَابَ الْخُلْدِ بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ

14. «Бас, тотиб кўринглар, ушбу кунингизда учрашувни унутганингиз туфайли Биз ҳам сизни унутдик. Қилиб ўтган амалларингиз туфайли мангу азобни тотинг!» дейилур.

Мана, энди жаҳаннам азобини тотиб кўринглар.

«...ушбу кунингизда учрашувни унутганингиз туфайли Биз ҳам сизни унутдик.»

Аслида, Аллоҳ таоло ҳеч нарсани ва ҳеч кимни унутмайди. Балки, худди унутгандек муомала қилади. Бу эса, моддий азоб устига қўшилган маънавий азобдир. Кофирлар бу дунёда қиёмат кунига рўбарў бўлишларини унутиб куфр келтирадилар, гуноҳлар қиладилар. Шу туфайли Аллоҳ таоло уларни қиёматда жаҳаннамга ташлайди. Уларга худди унутиб қўйгандек муомала қилиб, уларни жаҳаннам азобидан қутқармайди.

«Қилиб ўтган амалларингиз туфайли мангу азобни тотинг!»

Шундай қилиб, кофирлар абадий азобда қолурлар.

Кейин Аллоҳ таоло мўмин бандалари сифатларидан баъзиларини келтиради:

إِنَّمَا يُؤْمِنُ بِآيَاتِنَا الَّذِينَ إِذَا ذُكِرُوا بِهَا خَرُّوا سُجَّدًا وَسَبَّحُوا بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَهُمْ لَا يَسْتَكْبِرُونَ

15. Албатта, Бизнинг оятларимизга улар-ла эслатма берилганда саждага йиқиладиган, Роббиларига ҳамд ила тасбиҳ айтадиган ва мутакаббирлик қилмайдиганларгина иймон келтирурлар.

Демак, Аллоҳнинг оятларига иймон келтирадиган одамларнинг ўзларига хос сифатлари бўлар экан.

«...улар-ла эслатма берилганда саждага йиқиладиган...»

Яъни, Аллоҳнинг оятлари тиловат қилинган чоғда таъсирланиб, қалблари эриб, ихлослари ортиб, Аллоҳни улуғлаб саждага йиқиладиган одамларгина оятларга иймон келтирар эканлар.

«...Роббиларига ҳамд ила тасбиҳ айтадиган...»

Аллоҳ таолога ҳамду сано — мақтовлар айтадиган ва уни турли айблардан поклаб ёд этадиган кишиларгина Аллоҳнинг оятларига иймон келтирар экан.

«...ва мутакаббирлик қилмайдиганларгина иймон келтирурлар.»

Ушбу ояти карима Қуръони Каримдаги сажда оятларидан биридир.

Аллоҳнинг оятларига иймон келтирадиган бахтли бандаларнинг васфи давом этади:

تَجَافَىٰ جُنُوبِهِمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَطَمَعًا وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ ﴿١٠٦﴾

16. Уларнинг ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур. Улар Роббиларига қўрқув ва умидворлик ила дуо қилурлар ва ўзларига ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ қилурлар.

Бунда Аллоҳнинг оятларига ҳақиқий иймон келтирган одамлар хос сифатлари билан ажралиб туришлари яна эслатилмоқда.

«Уларнинг ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур.»

Мазкур мўмин бандалар кечалари бедор бўлиб, иссиқ жойларини тарк этиб, таҳажжуд намози ўқиб, ибодат қиладилар.

Тунлари уйғониб, намоз ўқишнинг фазилатлари жуда кўп. Бу иш олий мақомга эришган ҳар бир азизнинг ишидир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари бу амални қилганлар ва умматларини ҳам таҳажжуд намози ўқишга тарғиб этганлар.

«...Роббиларига қўрқув ва умидворлик ила дуо қилурлар...»

Улар доимо масъулиятни сезиб турадиган ва Аллоҳ таолонинг раҳматидан ноумид бўлмайдиган кишилардир. Мўмин бандалар ҳар доим Аллоҳнинг азобидан қўрқиб ва Унинг раҳматидан умид этиб дуода бўладилар.

«...ва ўзларига ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ қилурлар.»

Яъни, фақат маънавий ва жисмоний эмас, балки молиявий ибодат ҳам қиладилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромларни фазилатли амалларга тарғиб қила туриб, ушбу оятни ўқиб далил келтирганларини машҳур муҳаддис уламолар кўп ривоят қилганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда улкан саҳобий Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу, жумладан, қуйидагиларни айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарга чиққан эдим. Бир куни юриб бораётим, у кишига яқинлашдим-да:

«Эй Набийulloҳ, менга мени жаннатга киритадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган амалнинг хабарини беринг», дедим. У киши:

«Батаҳқиқ, улуғ нарсани сўрадинг. Аммо у, Аллоҳ осон қилган одамга осондир», дедилар. Сўнгра давом этиб:

«Аллоҳга ибодат қиласан ва Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайсан. Намозни тўла-тўкис адо қиласан. Закот берасан. Рамазон ойи рўзасини тутасан. Байтуллоҳга ҳаж қиласан», дедилар. Сўнгра:

«Сени яхшилик эшиқларига йўллаб қўяйми?! Рўза – сақловчи тўсиқдир. Сажда хатони ўчиради ва кишининг тун оғушида ўқиган намози», дедилар-да, «...ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур» оятини ва (кейинги оятни) ўқидилар».

Кейинги оятда эса, ўша сифатли кишиларга бериладиган мукофотлар зикр қилинади:

فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُم مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٧٧﴾

17. Бас, ҳеч бир жон ўзлари учун қилиб ўтган амаллари мукофотига беркитиб қўйилган кўз қувончларини билмас.

Яъни, ҳеч бир одам яхши амаллари эвазига жаннатда беркитиб қўйилган, кўзни қувонтирадиган мукофотлар борлигини идрок қила билмайди. Улар, риё бўлмасин деб, амалларни кечасида, махфий равишда қилгани учун, Аллоҳ таоло ҳам уларга берадиган мукофотини махфий қилиб, беркитиб қўйган.

Имом Бухорий ушбу ояти карима ҳақида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтирган эканлар:

«Русулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло: «Мен солиҳ бандаларим учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ва башарнинг хотирасига ҳам келмаган нарсаларни тайёрлаб қўйдим», деган», дедилар.» «Сўнгра Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Агар хоҳласангиз, «**Бас, ҳеч бир жон ўзлари учун...**» оятини ўқинглар», деди».

Албатта, Аллоҳга иймон келтириб, яхши амалларни қилиб, юқоридаги сифатларни ўзида жамлаган кишилар мазкур мукофотларга сазовор бўладилар.

أَفَمَن كَانَ مُؤْمِنًا كَمَن كَانَ فَاسِقًا لَّا يَسْتَوُونَ ﴿١٨﴾

18. Ахир, мўмин бўлган одам фосиқ бўлган одамдек бўлурми?! Тенг бўлмаслар.

Мўминга ҳам, фосиққа ҳам ўзига яраша муомала қилинади. Албатта, уларга ҳеч қачон бир хил муомала қилинмайди.

أَمَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَلَهُمْ جَنَّاتُ الْمَأْوَىٰ نُزُلًا بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾

19. Аммо, иймон келтириб, яхши амалларни қилганларга, албатта уларга қилиб ўтган амаллари учун жаннатул маъво манзилдир.

Улар иймонлари ва қилган яхши амаллари мукофотига жаннатдан жой оладилар.

وَأَمَّا الَّذِينَ فَسَقُوا فَمَأْوَاهُمُ النَّارُ ۖ كُلَّمَا أَرَادُوا أَنْ يَخْرُجُوا مِنْهَا أُعِيدُوا فِيهَا وَقِيلَ لَهُمْ ذُوقُوا عَذَابَ النَّارِ الَّتِي كُنتُمْ بِهِءِ تَكْذِبُونَ ﴿٢٠﴾

20. Аммо фосиқлик қилганлар эса, бас, уларнинг жойлари дўзахдир. Ҳар қачон ундан чиқмоқни ирода қилсалар, унга қайтаришлар ва уларга: «Ўзингиз ёлғонга чиқарган дўзахнинг азобини тотинг», дейилур.

Кимлар фосиқлик қилса, Аллоҳнинг амридан четга чиққан бўлса, уларга дўзахдан жой берилади.

«Ҳар қачон ундан чиқмоқни ирода қилсалар, унга қайтаришлар...»

Фосиқлар дўзах азобидан қийналиб, ундан қочиб чиқишга ҳаракат қиладилар. Аммо улар дўзахдан энди чиқай деб қолганларида, яна унга қайтариладилар. Шундай қилиб, у ерда доимий ва абадий азобланадилар.

«...ва уларга: «Ўзингиз ёлғонга чиқарган дўзахнинг азобини тотинг», дейилур.»

Худди ушбу ояти каримага ўхшаш оят «Ҳаж» сурасида ҳам келган эди.

وَلَنذِيقَنَّهُمْ مِنَ الْعَذَابِ الْأَلَدِّ نَ دُونَ الْعَذَابِ الْأَكْبَرِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٢١﴾

21. Албатта, Биз уларга буюк азобдан олдин яқин азобни тотирамиз. Шоядки, қайтсалар.

Яъни, ўша фосиқларга охиратнинг буюк азобидан олдин бу дунёдаги яқин азобни тоттирамиз. Шоядки, улар бундан сабоқ олиб, куйф ва фисқу фужурдан, ёмонликлардан қайтсалар.

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ ذُكِرَ بِثَايَتِ رَبِّهِ ۖ ثُمَّ أَعْرَضَ عَنْهَا ۗ إِنَّا مِنَ الْمُجْرِمِينَ مُنْتَقِمُونَ ﴿٢٢﴾

22. Роббининг оятлари ила эслатилган, сўнгра улардан юз ўтирган одамдан ҳам золироқ одам борми?! Албатта, Биз жиноятчилардан интиқом олгувчилармиз.

Ўз Робби, Холиқи, ризқ берувчиси ва тарбиячиси бўлган Аллоҳ таолонинг илоҳий оятлари ила эслатилганида, панд-насиҳат қилинганида, ундан фойда олмаган, балки юз ўтирган одам дунёдаги энг золим одамдир. Дунёда ундан золироқ одам топилмайди.

«Албатта, Биз жиноятчилардан интиқом олгувчилармиз.»

Ким нима жиноят қилган бўлса, Аллоҳ таолонинг Ўзи ундан интиқом олади. Улардан интиқом олмай қўймайди.

Шу муносабат билан кейинги оятда ўтмиш тарихдан Мусо алайҳиссалом қиссаси мисол сифатида келтирилади:

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ فَلَا تَكُنْ فِي مِرْيَةٍ مِّنْ لِّقَائِهِ وَجَعَلْنَاهُ هُدًى لِّبَنِي إِسْرَائِيلَ

23. Батаҳқиқ, Биз Мусога китобни бердик. Бас, сен унинг рўбарў бўлишидан шубҳада бўлма. Ва биз уни Бани Исроилга ҳидоят қилиб бердик.

Яъни, Биз Мусога Таврот номли китобни бердик.

«Бас, сен унинг рўбарў бўлишидан шубҳада бўлма.»

Ушбу жумла маъноси ҳақида тафсирчи уламоларимиз турли фикрларни айтганлар;

Бирлари: бу жумлада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Исро ва Меърож кечасида Мусо алайҳиссаломга рўбарў бўлишлари айtilган, деб тушунадилар.

Иккинчилари: Мусо алайҳиссаломнинг Тавротга рўбарў бўлишларидир, деб айтадилар.

Учинчилари эса, Мусога китоб берганимиздек, сени ҳам бир илоҳий китобга рўбарў қиламиз, деган маънода тафсир этадилар.

Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа маъноларни ҳам ифода этиш учун Аллоҳ таоло айни шу ифодани келтирган бўлса, ажаб эмас.

«Ва Биз уни Бани Исроилга ҳидоят қилиб бердик.»

Яъни, биз Мусога берган китобимиз Тавротни Бани Исроилга ҳидоят маъни этиб бердик.

وَجَعَلْنَا مِنْهُمْ أُمَّةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا لِمَا صَبَرُوا وَكَانُوا بِآيَاتِنَا يُوقِنُونَ

24. Ва сабр қилган пайтларида улардан Бизнинг амримиз ила ҳидоятга бошлайдиган пешволар чиқардик. Улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонардилар.

Яъни, ўша бани исроилликлар Аллоҳнинг дини йўлидаги машаққат ва қийинчиликларга сабр қилган даврларда уларнинг ичидан Аллоҳ Ўз амри ила бошқаларни ҳидоятга бошлайдиган пешволар чиқарди. Бунда кофир ва мушриклардан озор чекиб, қийин-қистовга тушиб турган мусулмонларни ҳам сабр қилишга чақириқ бор.

«Улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонардилар.»

Ўша пешво бўлган шахслар Аллоҳнинг оятларига мустаҳкам иймони бор кишилар эдилар. Шунинг учун ҳам, сабр қилдилар ва пешво бўлдилар. Мўмин-мусулмонлар ҳам улардан ўрнак олиб, Аллоҳнинг оятларига аниқ ишонсинлар, Иймон – Ислому йўлидаги қийинчилик ва азоб-уқубатларга сабр қилсинлар.

إِنَّ رَبَّكَ هُوَ يَفْصِلُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿٢٥﴾

25. Албатта, Роббинг Ўзи қиёмат куни улар орасида ихтилоф қилган нарсалари тўғрисида ажрим қилур.

Ҳозирда ўзларича ихтилоф қилиб, талашиб-тортишиб, ҳар ким ўзиникини тўғри деб юраверади. Қиёмат куни келганда, улар орасида Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳукм чиқаради. У, ҳукми адолат мезони асосида чиқаради. Аллоҳнинг айтганида юрганлар фойдасига ажрим чиқиши турган гап.

أَوَلَمْ يَهْدِ لَهُمْ كَمَا أَهْلَكْنَا مِنْ قَبْلِهِمْ مِنَ الْقُرُونِ يَمْشُونَ فِي مَسْكِنِهِمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ أَفَلَا يَسْمَعُونَ ﴿٢٦﴾

26. Ўзларидан олдин ўтган, масканларида юриб турган қанчадан-қанча асрларни ҳалок қилганимиз уларни ҳидоятга бошламадимиз?! Албатта, бунда оят-белгилар бордир. Эшитмайдиларми?!

Ўша кофир ва мушриклар ўзларидан олдин ўтиб ҳалокатга учраган неча-неча аср авлодларининг масканларида юриб, уларнинг асарларини кўриб, қиссаларини эшитиб турибдилар. Ўшалар Аллоҳнинг айтганини қилмай ҳалокатга учраганлари буларга ибрат бўлмайди?! Улардан ҳидоятга учраганлари булар учун дарс бўлмайди?! Уларни ҳидоятга бошламайди?!

«Албатта, бунда оят-белгилар бордир.»

Ўтмишда Аллоҳга куфр келтириб, осийлик қилганларнинг барчаси ҳалокатга учраганининг ўзи одамларга катта ибратдир. Унда Аллоҳнинг биру борлиги, ҳамма нарсага қодирлиги, Ўзига куфр

келтирганларни ҳалокатга учратмай қўймаслиги борасида оят-белгилар бордир. Ахир, улар ўтган кофир ва осийларнинг қиссаларини «Эшитмайдиларми?!»

أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّا سَوَقْنَا الْمَاءَ إِلَى الْأَرْضِ الْجُرُزِ فَنَخْرِجُ بِهِ زَرْعَاتَا كُلِّ مِمَّنْ أَنْعَمْنَا عَلَيْهِمْ
وَأَنْفُسَهُمْ أَفَلَا يَبْصُرُونَ ﴿٢٧﴾

27. Бизнинг сувни қуруқ ерга ҳайдаб у билан чорвалари ва ўзлари ейдиган зироатни чиқаришимизни билмайдиларми?! Ахир, кўрмайдиларми?!

Қуруқ, қақраган ерда ҳеч нарса ўсмаслиги ҳаммага маълум. Хусусан, ушбу оятлар нозил бўлган ерларда яшовчи кишилар бу ҳақиқатни ҳаммадан яхшироқ биладилар. Ана ўша ерга Аллоҳ таоло сув юбормаса, бирор нарса ўсмайди. Фақат Аллоҳ таоло сув ҳайдаб келсагина, у ердан чорвалари ва одамларнинг ўзлари тановул қиладиган ўсимликлар униб чиқиши мумкин. Шундай экан, нима учун Аллоҳга иймон келтирмай, куфр келтирадилар? Бўлиб турган нарсаларни

«Ахир, кўрмайдиларми?!»

وَيَقُولُونَ مَتَى هَذَا الْفَتْحِ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٢٨﴾

28. Улар: «Агар ростгўй бўлсаларингиз, бу фатҳ қачон бўлур?!» дерлар.

Яъни, кофирлар мусулмонларга: агар сизлар, бир кун келиб бизнинг ғолибиятимиз муқаррар бўлади, сизнинг ноҳақлигингиз ҳам зоҳир бўлади, орани очадиган кун — фатҳ куни келади, деган гапингизда ростгўй бўлсангиз,

«бу фатҳ қачон бўлур?!» дерлар».

Эй Пайғамбарим, уларнинг бу истехзоли саволига жавобан:

قُلْ يَوْمَ الْفَتْحِ لَا يَنْفَعُ الَّذِينَ كَفَرُوا إِيْمَانُهُمْ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿٢٩﴾

29. Сен: «Фатҳ куни куфр келтирганларга иймонлари манфаат бермас ва уларга муҳлат ҳам берилмас», деб айт.

Яъни, фатҳ куни келиши аниқ. Аммо у кунда кофирлар иймонга келсалар-да, фойдаси йўқ. Тавба қилиб олайлик, десалар, муҳлат берилмайди.

Тўғридан-тўғри дўзахга ташланадилар.

فَاعْرَضْ عَنْهُمْ وَأَنْظِرْ إِنَّهُمْ مُنْتَظِرُونَ

30. Бас, улардан юз ўғир ва мунтазир бўл. Албатта, улар ҳам мунтазирдирлар.

Бу хитоблар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тегишлидир.

Кўриб ўтганимиздек, «Сажда» сурасида ҳар бир инсон доимо эсда тутиши ва ҳаётда тез-тез эслаб туриши лозим бўлган маънолар ўзига хос услуб билан келтирилгандир. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сураи каримани намозда ва ҳар куни ётишларидан олдин ўқир эдилар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жума куни бомдод намозида «Сажда» сураси билан «Ҳал ата алал-инсани» сурасини ўқир эдилар», деганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда эса: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам «Сажда» ва «Таборақ» сурасини ўқимасдан ухлалмас эдилар», дейилган.



АҲЗОБ СУРАСИ

Мағийнада нозил бўлган. 73 оятдан иборат.

«Аҳзоб» сўзи «ҳизб»нинг кўплиги бўлиб, «гуруҳлар» ёки «фирқалар» маъносини англатади. Душманлар барча гуруҳ ва фирқалари ила Исломга қарши курашганлари учун «Аҳзоб» номи билан тарихга кирган уруш ҳақида ҳикоя қилувчи оятлари борлиги сабабли ушбу сурат «Аҳзоб» деб аталиб қолган.

«Аҳзоб» сураси ҳам ўзига хос услубга эга. Унда Бадр урушидан то Ҳудайбия сулҳигача бўлган даврдаги мусулмон жамоаси ҳаётининг турли жиҳатлари, Ислом жамиятининг жоҳилий эътиқод ва тасаввурлардан покланиш жараёни ҳақида ҳикоя қилинади. Шариатнинг янги ҳукмларини жорий этиш ҳақида сўз боради. Шу билан бирга, Исломни ва мусулмонларни ер юзидан йўқ қилиб ташлашга бел боғлаган кофир гуруҳларга қарши кураш ҳам тасвирланади.

«Аҳзоб» сурасида, асосан, мусулмонлар жамиятини барпо этиш учун зарур бўлган кўрсатмаларга ва ижтимоий одоб-ахлоқ масалаларига жиддий эътибор берилган. Масалан, тўй-маросимларда лозим бўладиган одоб-ахлоқ, аёлларнинг ҳижоби, очиқ-сочиқ ҳолда юриш мумкин эмаслиги ва ўзларини қандай тутишлари лозимлиги масаласи баҳс этилган. Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қай тарзда муомала қилиш лозимлиги ҳам кўрсатилган. Бошқа яна бир қанча ижтимоий одоб-ахлоқ ҳақида сўз юритилган. «Аҳзоб» сурасида жоҳилият қонунлари ва урф-одатларидан бўлмиш зиҳор, фарзанд асраб олиш, мерос, асраб олган боласининг хотинига уйланиш каби масалаларга Ислом нуқтаи назаридан қандай ёндашиш кераклиги баён этилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўп хотинли бўлишлари ҳикматларига ҳам тўхталлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиш, шаръий ҳижоб, тўй-маросимларга чақириш каби масалаларга шариатнинг ҳукми баён қилинади.

Шунингдек, мусулмонларнинг ташқи олам билан, бошқа жамиятлар билан ўрнатадиган алоқалари ҳам тилга олинади. Бу жиҳат,

айниқса, Аҳзоб ва Бани Қурайза урушларини тасвирлаш ва муолажа этиш жараёнида кўзга ташланади.

«Аҳзоб» сураси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни Аллоҳга тақво қилишга, кофир ва мунофиқларга итоат этмасликка буюриш билан бошланади. У зоти бобаракот ўзларига келган ваҳийга эргашишлари ва Аллоҳга таваккал қилишлари лозимлиги уқтирилади.

Сўнгра жоҳилий урф-одатларнинг ботил жиҳатлари очиб ташланади. Ақлли, зийрак одамнинг иккита қалби бўлади, деган тасаввурнинг ва бошқа жоҳилий одатларнинг ботиллиги айтиб ўтилади.

Жоҳилий арабларда «зиҳор» деб номланган ҳукм бор эди. Унга кўра, ким ўз хотинига «Сен мен учун онамнинг орт қисми кабисан», деса, унга хотини худди онасидек бўлиб қолади, деб ҳисобланарди.

Сурада ўша ҳукм ботил этилади. Шунингдек, фарзанд асраб олиш бўйича улар жорий этган ҳукмлар ҳам бекор қилинади.

Сурада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ислом умматига ҳаммадан афзал валий эканликлари, у зотнинг завжаи мутоҳҳаралари мўминлар учун маънавий она саналишлари ҳақидаги оятлар ҳам бор.

Шунингдек, бу сурада мерос ҳақидаги нотўғри тушунчалар ҳам тузатилади.

Мўминларга ҳужум қилган душманларни Аллоҳ таоло Ўз неъматини ила даф этгани ҳақида сўз кетади. Аҳзоб ва Бани Қурайза урушлари жонли қилиб тасвирланади. Уруш вақтида мўминлар ўзларини қандай тутганию мунофиқлар қандай тутгани ажойиб бир услубда ҳикоя қилинади.

Кейин эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан у кишининг покиза завжалари – жуфти ҳалоллари орасида бўлиб ўтган баъзи бир ҳолатлар баён этилади.

Хусусан, майишат масаласида кенглик талаб қилган оналаримизга нисбатан бўлган муомала очиқ-равшан келади.

Сўнгра ҳазрати Зайнаб бинти Жаҳшнинг Зайд ибн Ҳориса розиялоҳу анҳуга турмушга чиқишлари ва улар орасида бўлиб ўтган ҳодисалар ҳақида сўз кетади.

Уларнинг ораларига талоқ тушиши ҳам айтилади. Кейин Аллоҳнинг амри билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари асраб олган Зайднинг талоқ қилган аёлига уйланишлари ҳақидаги оятлар келади. Бу иш Расулуллоҳ учун офир кечгани, у зот турли мулоҳазаларга борганлари ҳам зикр этилади. Шу муносабат билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умуман мўминлар ҳузуридидаги мақомлари баён қилинади.

Булардан кейин талоқ масаласи келади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кимларга уйланишлари мумкин-у, кимларга мумкин эмаслиги зикр қилинади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари, қизлари ва мўмина аёллар ўзларини қандай тутишлари лозимлиги ҳам баён этилади.

Ниҳоят, сураи карима Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло томонидан инсонга осмонлару ер ва тоғлар ҳам кўтара олмаган улкан омонат юклатилганлиги ҳақидаги оятлар билан тамомланади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ اتَّقِ اللَّهَ وَلَا تُطِعِ الْكَافِرِينَ وَالْمُنَافِقِينَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا

1.Эй Набий! Аллоҳга тақво қил ва кофиру мунофиқларга итоат этма! Албатта, Аллоҳ ўта олим ва ўта ҳикматли зотдир.

Ушбу оятда Аллоҳ таолонинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«**Эй Набий!**» деб мурожаат қилиши ҳам у кишининг шаънларини кўтариш, улуғ мартаба бўлмиш Пайғамбарлик мақомларини яна бир бор эслатишдан иборатдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган хитоб айни чоқда мўмин-мусулмонларга ҳам тегишлидир. Бу ерда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Ислом жамиятининг раҳбари, мусулмон давлатининг бошлиғи эътибори билан хитоб қилинмоқда:

«Эй Набий! Аллоҳга тақво қил!»

Яъни, Аллоҳга тақво қилишда давом эт.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оят нозил бўлишдан олдин ҳам Аллоҳга тақво қилар эдилар. Бир ишни бажариб турган одамга яна ўша ишни қилиш ҳақида амр бўлса, ўша ишингни давом эттир, деган маъно чиқади.

Тақвонинг маъноси ҳақида авваллари ҳам кўп гапирилган. Тақво, авом халқ тушуниб келганидек, қоронғу уйга кириб олиб, зикр билан машғул бўлиш эмаслиги таъкидланган.

Бу оятдаги даъватда ҳам ўша «тақво» назарда тутилмаяпти, балки Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиб, Унга тўла итоат этиб яшашга чорланаяпти, холос. Бу маънони кейинги

«**ва кофиру мунофиқларга итоат этма!**» деган жумладан ҳам тушуниб олиш мумкин. Ҳа, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, у кишининг умматлари ҳам ҳеч қачон кофир ва мунофиқларнинг гап-сўзларига итоат қилмасликлари ушбу оятда илоҳий буйруқ ўлароқ келмоқда.

Мўмин-мусулмонлар итоат этадиган зот Аллоҳдир. Улар ҳаётларининг барча соҳаларида Аллоҳ таолога итоат этадилар. Аслида, «Аллоҳга тақво қил», деган амрнинг ўзи етарли эди. Аллоҳга тақво қилишнинг ичида кофир ва мунофиқларга итоат этмаслик ҳам бор эди. Аммо бу иш, яъни, кофир ва мунофиқларга итоат этмаслик ўта муҳим ва эсга солиб қўйиш зарур бўлганлиги учун алоҳида таъкидлаб, «**ва кофиру мунофиқларга итоат этма!**» дейилди.

«Албатта, Аллоҳ ўта олим ва ўта ҳикматли зотдир.»

У Ўзининг ўта олимлиги ила ким Аллоҳга тақво қиляпти, ким қилмаяпти, яхши билади. Шунингдек, ким кофир ва мунофиқларга итоат қиляпти, ким итоат қилмаяпти, буни ҳам яхши билади. Ҳамда Ўзининг ўта ҳикматлилиги ила бунга яраша чора кўради.

وَاتَّبِعْ مَا يُوحَىٰ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ ۚ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا ﴿٦٠﴾

2. Ва ўзинга Роббингдан ваҳий қилинаётган нарсага эргаш. Албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.

Ҳа, сен эргашадиган сўз бор. У, дунёдаги бирдан-бир эргашишга лойиқ сўздир. У, турли одамлар гапираётган гап ҳам эмас, қандайдир таги номаълум, шубҳали маълумотлардан ҳам иборат эмас. У сўз бутун оламларнинг, шу жумладан, сенинг ҳам Роббинг бўлмиш Аллоҳ таолодан ваҳий қилинаётган амрлардир, илоҳий таълимотлардир. Роббоний дастурдир. Икки дунё саодатига бошловчи йўлчи юлдуздир. Сен ўша:

«...ўзинга Роббингдан ваҳий қилинаётган нарсага эргаш».

Бошқа нарсага эргашма. Агар кишилар бошқа йўлларга, турли сохта динларга, кофир ва мунажжимларнинг амрларига, бўлмағур урф-одатларга ва бошқа нарсаларга эргашсалар, фақат ўзларига зарар қиладилар.

«Албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.»

Ана ўшанга қараб, мукофот ёки жазоингизни беради.

وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ وَكِيلًا ﴿٦١﴾

3. Ва фақат Аллоҳга таваккал қил. Вакилликка Аллоҳ кофийдир.

Барча ишларда фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига суян. Ундангина мадад сўра. Аллоҳга таваккал қилиб, Унинг айтганини қилавер. Бошқалар билан ишинг бўлмасин.

«Вакилликка Аллоҳ кофийдир.»

Ундан бошқага ҳожат йўқ. Ҳар бир мусулмон учун, мусулмон жамият учун зарур, лозиму лобуд амаллар Аллоҳга тақво қилиш, Аллоҳ таоло юборган ваҳийга эргашиш, фақат Аллоҳнинг Ўзига суяниб иш кўриш ва кофиру мунофиқларга итоат этмаслик эканини ушбу оятлардан билиб олдик.

Эндиги оятларда ушбу айтилганларнинг ҳаётдаги намуналари келтирилади:

مَا جَعَلَ اللَّهُ لِرَجُلٍ مِّن قَلْبَيْنِ فِي جَوْفِهِ ۖ وَمَا جَعَلَ أَزْوَاجَكُمُ اللَّائِي تُظَاهِرُونَ مِنْهُنَّ أُمَّهَاتِكُمْ ۖ وَمَا جَعَلَ أَدْعِيَاءَكُمْ أَبْنَاءَكُمْ ۚ ذَٰلِكُمْ قَوْلُكُمْ بِأَفْوَاهِكُمْ ۖ وَاللَّهُ يَقُولُ الْحَقَّ وَهُوَ يَهْدِي السَّبِيلَ ﴿١٠٦﴾

4. Аллоҳ бирон кишининг ичида иккита қалб қилган эмасдир. Ўзларингиз зиҳор қилаётган хотинларингизни сиз учун она ҳам қилган эмас ва асранди болаларингизни сизга фарзанд қилган эмас. Буларингиз оғзингиз билан айтган гапларингиздир. Аллоҳ эса, ҳақни айтур ва У тўғри йўлга ҳидоят қилур.

Бу оятда жоҳилият тузумининг учта ҳукми ҳақида сўз кетмоқда. Булар: ақлли ва зийрак кишиларнинг қалби иккита бўлади, деган тасаввур; ким хотинидан зиҳор қилса, хотини онаси бўлиб қолади, деган ақийда; ким бирор бола асраб олса, ўз сулбидан бўлган боланинг ўрнида ўтади, деган ҳукм. Бу уч ҳукмга кофир ва мунофиқлар тўла ишонишар ва амал қилишар эди. Шу билан бирга, мўмин-мусулмонларнинг ҳам бу ҳукмларига итоат этишларини талаб қилишарди. Ким амал қилмаса, маломатга қоларди. Мана шу оят мусулмонлар олдига Аллоҳга тақво қилиш, у юбораётган ваҳийга эргашиш, фақат Яратганнинг Ўзига суяниш ва кофиру мунофиқларга эргашмаслик вазифасини амалий равишда қўйди.

«Аллоҳ бирон кишининг ичида иккита қалб қилган эмасдир.»

Араб мушриклари, баъзи одамларнинг иккита қалби бўлади, деб эътиқод қилишарди. Жумладан, Жамил ибн Маъмор ал-Фехрий исмли одамнинг иккита қалби бор, дейишарди. Унинг ўзи ҳам: «Менинг ичимда иккита қалбим бор. Уларнинг ҳар бири билан Муҳаммаддан кўра яхшироқ ақл юритаман», дер эди. Ушбу ояти

карима ўша Жамилнинг ёлғончи эканини, мушрикларнинг бу маънодаги тушунчалари ботиллигини баён қилмоқда. Шу билан бир вақтда, ҳеч бир одам ҳеч қачон иккита қалбли бўлмаслигини, уларнинг бири билан иймон, иккинчиси билан куфр келтира олмаслигини, бир одам ҳам ростгўйлик, ҳам ёлғончилик қилолмаслигини, ҳам диндор, ҳам динсиз бўла олмаслигини, динга ҳам ихлос, ҳам адоват кўрсатолмаслигини уқтирмоқда. Аллоҳ таоло ҳар бир одамга битта қалб берган. У қалбга бир нарса сиғади. Ё иймон, ё куфр, ё нифоқ. Иймонли қалб эгаси доимо ростгўй, диндор, ихлосли, тақволи, ибодатли, ҳамма ҳолатда Аллоҳнинг амрига мувофиқ иш қиладиган, шариат бўйича йўл тутадиган бўлади. Унинг айтаётган сўзидан, қилаётган ишидан иймонли қалб эгаси экани билиниб туради.

Ўз навбатида, кофир қалб эгаси ёлғончи, динсиз, ихлоссиз, фисқу фужурга берилган, ҳаромхўр, ибодатсиз, Аллоҳнинг буюрганини қўйиб, бошқанинг айтганидан юрадиган бўлади. Кофир ҳам гап-сўзидан, қилаётган ишидан таниб олинади.

Мунофиқ эса, ичи бошқа, усти бошқа одамдир. У сиртидан мусулмон бўлиб кўринади. Ичи эса, кофир бўлади. Мусулмонларни кўрса, мусулмонман, дейди, Ислом амалларини бажаради. Ўзи қолса ё кофирларга қўшилса, Ислом амалларини тарк этиб, куфр ишларини қилади. Уни ҳам гап-сўзи, юриш-туришидан билиб олса бўлади. Демак, инсон фақат бир хил бўлиши мумкин, холос. Чунки, Аллоҳ таоло унинг ичида фақат битта қалб яратган. Ўзининг шахсий ишларига алоҳида қалб, жамиятдаги ишларига яна бошқа бир қалб берган эмас. Диний ишлар учун алоҳида бир қалб, дунёвий ишларга яна бошқа бир қалб яратган эмас. Худо учун қиладиган муомаласига ҳам бошқа битта қалб берган эмас. Аллоҳ таоло ҳар бир одамга ягона қалб берган. Ҳар бир одам шахсий юмушларида ҳам, жамият ишларида ҳам, дину диёнатда ҳам, Худо ва банда билан бўладиган алоқада ҳам бир қалб билан, бир йўл билан – Аллоҳ кўрсатган йўл билан юриши керак.

«Ўзларингиз зиҳор қилаётган хотинларингизни сиз учун она ҳам қилган эмас...»

«Зиҳор» арабларга хос истилоҳ бўлиб, жоҳилият қоидаларига кўра, ким ўз хотинига: «Сен мен учун худди онамнинг орт қисми кабисан», деса, хотини онасига «айланиб» қоларди. Яъни, худди онасига ўхшаб, никоҳи ҳаром бўлар ва бошқа ҳукмлар ҳам жорий қилинар эди. Зиҳор ҳақидаги тушунча ва унга тегишли ҳукмлар «Мужодала» сураси ва унинг тафсирида батафсил келтирилган. Бу оятда эса, зиҳор нотўғри экани эълон қилинмоқда. Худди бир одамнинг ичида иккита қалби борлиги беҳуда ва мантиқсиз гап бўлганидек, эркак киши «мен сени зиҳор қилдим» дейиши билан хотини унга она ўрнига ўтиб қолиши ҳам мантиқсиз экани баён этилмоқда.

«...ва асранди болаларингизни сизга фарзанд қилган эмас.»

Арабларда бола асраш, хусусан, ўғил болаларни асраб, ўзига ўғил қилиб олиш одати бор эди. Бу ҳолат, айниқса, урушда асир тушганларни ўғил қилиб олиш борасида кўпроқ содир бўларди. Жоҳилият арабларидан ҳар бири бошқа бир одамнинг ўғлини ўзиники қилиб олиши мумкин эди. Бу ҳолат жуда кенг тарқалган эди. Бир одам бировнинг боласига: «Сен менинг ўғлимсан, мен сенга меросхўрман, сен менга меросхўрсан», деса ва бола буни қабул қилса, иш битди ҳисоб. Бола унга ўз сулбидан бўлган ўғлидек бўлар, мерос, никоҳ, талоқ ва бошқа ҳукмларда ўз ўғлига нима муомала қилинса, асранди болага ҳам шу муомала қилинар эди.

Аллоҳ таолонинг иродасидаги ҳикматга биноан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Пайғамбар бўлишларидан олдин Зайд исми болани араблар одати бўйича асранди ўғил қилиб олган эдилар.

Бу воқеанинг ўзига яраша тарихи ҳам бор. Уламоларимиз бу қиссани батафсил ёзиб қолдиришган:

«Зайд онаси билан Той қабиласидаги тоғалариникига зиёратга борганида, улар устига араб қабилаларидан бири бостириб келиб қолади. Ўшанда Зайд ҳам асирга тушганлар билан бирга Маккага келтирилади. Уни Ҳадийжа бинти Ҳувайлид хоним сотиб оладилар. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиққанларидан сўнг, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Зайднинг заковати ва етуклиги ёқиб қолганини мулоҳаза қилиб, уни ҳадя қиладилар. Зайд Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматларини қилиб юради.

Зайднинг отаси Ҳориса ибн Шарҳабийл ўғли асирга тушганидан сўнг унинг фироқида кечаю кундуз йиғларди. Унинг ҳақида шеърлар айтар эди.

Кунлардан бир куни Ҳорисага ўғли Зайд Маккада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эканлиги хабари етди. Ҳориса укаси билан тезда Маккага келиб, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни излаб топди ва:

«Эй Муҳаммад, албатта, сизлар Байтуллоҳнинг аҳлисизлар, асирга тушганларни озод қиласизлар, асирга таом берасизлар. Менинг ўғлим сизнинг ҳузурингизда экан, уни бизга беринг, унинг тўлови ҳақида бизга яхшилик қилинг. Албатта, сиз ўз қавмининг улуғи бўлган одамнинг зурриётисиз. Унинг тўловига нимани истасангиз, берамиз», деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен сизларга бундан ҳам яхшироқ нарсани бераман», дедилар.

Улар:

«У нарса нима?» деб сўрашди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳузурингизда уни ўз ихтиёрига қўяман. Агар у сизларни ихтиёр қилса, уни тўлов бермай, олиб кетаверасизлар. Агар у мени

танлайдиган бўлса, мен ўзимни ихтиёр қилган киши учун тўлов оладиган одам эмасман», дедилар. Улар:

«Жуда яхши қиласан! Аллоҳ сенга яхши мукофотлар берсин!» дейишди.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайдни чақириб: «Эй Зайд! Анавиларни танийсанми?» деб сўрадилар. У:

«Ҳа, буниси отам, ана униси амаким», деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Зайд! Бу отанг. Бу амакинг. Мен ўзинг билган одамман. Биздан кимни хоҳласанг, танла», дедилар. Шунда Зайднинг кўзларидан ёш оқа бошлади ва:

«Мен сиздан бошқа ҳеч кимни ҳеч қачон ихтиёр қилмайман. Сиз мен учун ҳам ота, ҳам амаки ўрнидасиз», деди. Отаси билан амакиси:

«Ҳой Зайд! Ҳурликни қўйиб, қулликни танлайсанми?!» дейишди. Зайд уларга:

«Албатта. Мен бу одамдан шунчалар яхшилик кўрдимки, энди ундан ажрай олмайман. Мен ҳеч қачон ундан бошқа одамни ихтиёр қила олмайман», деди.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар ҳузурига чиқдилар ва:

«Гувоҳ бўлинглар! Зайд менинг ўғлимдир. Мен унга меросхўрман, у ҳам менга меросхўрдир», дедилар.

Зайднинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида қанчалик икром-эъзозга эга эканини кўрган отаси ва амакиси кўнгиллари таскин топиб, ортга қайтдилар. Қуръон оятлари тушиб, асранди ўғил бекор қилингунча, у «Зайд ибн Муҳаммад» деб чақирилиб юрди».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Ҳорисани, аввал айтилганидек, Аллоҳ таоло ирода қилган бир ҳикмат билан асранди ўғил қилиб олганларини ёдимизда тутайлик-да, яна жоҳилият аҳлининг бошқа бировнинг боласини ўзига фарзанд қилиб олишдек номаъқул одатига қайтайлик. Аллоҳ таоло ушбу оят билан бу одатнинг ботил эканини баён қилди.

Эътибор берадиган бўлсак, Аллоҳ таоло бир оятда бир йўла жоҳилиятнинг уч одатини ботилга чиқармоқда. Бир кишининг икки қалбли бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хурофий тасаввурни; зиҳор қилинган хотин эрига она бўлиши ҳақидаги ҳукми; бировнинг боласини бошқа одам ўзига фарзанд қилиб олиши одатини бекор деб эълон қилмоқда. Сўнгра оятнинг давомида:

«Буларингиз овзингиз билан айтган гапларингиздир», дейилмоқда.

Ҳар кимнинг оғзидан чиққан гап қонун бўлавермайди. Беҳудадан-беҳудага оғзингизни тўлдириб гапириб юрган гапингиз, холос, бу ишлар. Сизнинг гапингиз ноҳақдир.

«Аллоҳ эса, ҳақни айтур ва у тўғри йўлга ҳидоят қилур.»

Аллоҳ бу уч масалада ҳақни баён қилиб қўйди. Бир кишининг икки қалби бўлмайди. Зиҳор қилинган хотин эрига она бўлмайди. Тутинган ўғил фарзанд ўрнига ўтмайди. Аллоҳгина тўғри йўлга ҳидоят қилади, шунинг учун доимо У кўрсатган йўлдан юриш керак.

Аллоҳ асранди фарзандлар ҳақида қуйидаги йўлни кўрсатади:

أَدْعُوهُمْ لِأَبَائِهِمْ هُوَ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ فَإِنْ لَمْ تَعْلَمُوا آبَاءَهُمْ فَاِخْوَانُكُمْ فِي الدِّينِ
وَمَوْلَاكُمْ وَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ فِيمَا أَخْطَأْتُمْ بِهِ وَلَكِنْ مَا تَعَمَّدَتْ قُلُوبُكُمْ وَكَانَ
اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا

5. Уларни ўз оталари номи билан чақиринглар. Ана шу, Аллоҳнинг наздида тўғридир. Агар оталарини билмасангиз, улар сизнинг дин қардошларингиз ва дўстларингиздир. Билмасдан қилган хато нарсангиз учун сизга гуноҳ йўқ. Аммо дилдан қасд қилган бўлсангиз, Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотдир.

Бу оятлар нозил бўлгунча, одамлар бировнинг боласини ўғил қилиб олиб юрганлар. Инсонлар жамиятдаги мавжуд тушунча, урф-одатлар ила иш тутишган. Энди эса, оят нозил бўлиб, бу одатни ботил қилди. Ўз-ўзидан, одамларда: нима қилиш керак, аввал асраб олинган фарзанд хусусида нима қиламиз, олдинги ишларимиз учун ҳам жавоб берамизми, каби саволлар пайдо бўлади. Ушбу ояти карима ана шу саволларга жавоб бермоқда.

«Уларни ўз оталари номи билан чақиринглар. Ана шу, Аллоҳнинг наздида тўғридир.»

Яъни, асраб олинган фарзандларни асраб олган одамнинг номи билан эмас, ўзининг ҳақиқий отаси номи билан чақиринглар.

Имом Бухорий ва имом Муслим ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳнинг мавло – дўстлари Зайд ибн Ҳорисани фақат «Зайд ибн Муҳаммад» деб чақирар эдик. Қуръони Каримнинг «Уларни ўз оталари номи билан чақиринглар. Ана шу, Аллоҳнинг наздида тўғридир» ояти нозил бўлганидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайдга: «Сен Зайд ибн Ҳориса ибн Шарҳабийлсан», дедилар».

«Агар оталарини билмасангиз, улар сизнинг дин қардошларингиз ва дўстларингиздир.»

Мабодо, асраб олинган боланинг ҳақиқий отаси ким эканлиги маълум бўлмаса, улар сизга Ислом дини бўйича қардош бўладилар. Дин қардошим, деб мурожаат қилинглр. Ёки мавло — дўстларинг бўладилар. Эй дўстим, деб мурожаат қилинглр. Аммо, зинҳор, ўғлим, фарзандим, деб мурожаат қилманглр.

Ушбу оятлар тушгунча бировнинг боласини ўз фарзандим деб, унга ўз сулбидан бўлган фарзандига қилган муомалани қилиб юрганлар бу ҳақдаги илоҳий ҳукмни билмаган эдилар.

«Билмасдан қилган хато нарсангиз учун сизга гуноҳ йўқ.»

Шунинг учун, бу оятлар тушгунча қилган ишларингизни ўйлаб, хижолат бўлманг, энди ҳукмни билдингиз, унга амал қилишга ўтинг.

«Аммо дилдан қасд қилган бўлсангиз...»

Аммо ўша ишни билмасдан эмас, билиб туриб қилган бўлсангиз, гуноҳга қоласиз. Бировнинг боласини «ўз болам» деб даъво қилиш гуноҳ эканини билиб туриб шу ишни қилсангиз, гуноҳ бўлади.

«Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотдир.»

Хатоларни кечиради ва Ўзи тўғри йўлни лутф билан кўрсатади. Дилингиздан қасд қилган бўлсангиз ҳам, тавба қилсангиз Аллоҳ мағфиратли ва раҳимлидир, кечиради, Яъни билмасдан қилинган хато учун Аллоҳ сизни гуноҳкор қилмайди. Аммо қасдан қилган гуноҳингиздан ҳам қайтишга йўл бор.

Ушбу ояти карима ҳукмига биноан, биров бегона болани ўз номига ўтказиб олиши, уни «ўз болам» дейиши ҳаромдир. Шунингдек, бировни «отам» деб танлаши ҳам катта гуноҳдир.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ўзи билиб туриб, отасидан бошқанинг боласиман деб даъво қилса, унга жаннат ҳаромдир», деганлар.

Чунки, Ислом кўзда тутган олти катта масаладан бири инсон наслини муҳозафа қилишдир. Шунинг учун ҳам, никоҳ, талоқ, идда ва шунга ўхшаш кўпгина ҳукмлар жорий қилинган. Ҳамма нарса инсон наслининг тоза, пок, очиқ-ойдин бўлишига қаратилган. Агар шундай қилинмаса, ҳаром-ҳалол аралшиб, ота боласини, бола отасини, она қизини, қиз онасини, ака сингисини, сингил акасини танимайдиган бўлиб кетади. Инсоният ҳалокатга учрайди. Насли бегона болани ўз наслидан бўлган болалари қаторига қўшиш билан кўпгина ҳаром-хариш ишлар юзага чиқади. Маҳрамлик-номаҳрамлик қоидалари бузилади. Бир куни келиб, ота ўз қизига ёки ака сингисига ўйланиб қолиши мумкин. Мерос масаласида ва бошқа кўпгина масалаларда ўнглаб бўлмас хатолар вужудга келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, Исломда бу иш ҳаром қилинган.

Аммо бу дегани, етим болани, қийинчиликда қолган оиланинг боласини боқиб олиш, тарбия қилиш мумкинмас, дегани эмас. Аксинча, бундай қилинса, жуда ҳам савоб бўлади. Бу ишларни қилиш керак. Лекин бегона болани ўзининг номига ўтказиб олиш эмас, балки у аслида кимнинг фарзанди бўлса, ўшанинг номида қолдириш керак. Ҳамда шариат ҳукмига мувофиқ боқиш, тарбиялаш керак.

Ислом оилани мустаҳкамлашга катта эътибор берган. Оила доимо пок, мустаҳкам бўлиши, шариат ҳукмига биноан яшаши учун барча чораларни кўрган. Чунки, оилалар пок бўлмагунича, жамият покланмайди. Оилалар мустаҳкам бўлмагунича, жамият мустаҳкам бўлмайди. Оилалар диндор бўлмагунича, жамият диндор бўлмайди. Ҳа, кўп нарса оиладан бошланади.

Қуръони Карим инсонларни аста-секин тарбиялаб, етук шахсларни ва мусулмон жамиятини етиштиришни буюрган. Одамларни жоҳилият ботқоғидан чиқариб, Ислом нурига рўбарў қилган. Жамиятни шакллантириб, илоҳий қонун-қоидалар асосида яшашни ўргатиб келган.

Юқоридаги оятларда инсонларнинг насабга, никоҳга тегишли ўзаро алоқаларининг илоҳий ҳукмга тўғри келадиган-келмайдиган жиҳатлари баён қилиб ўтилди. Энди навбатдаги оятларда мусулмонларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга, у кишининг завжай мутоҳҳараларига ва бир-бирларига нисбатан муносабатлари қандай бўлиши кераклиги баён этилади:

النَّبِيِّ أَوْلَىٰ بِالْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنفُسِهِمْ وَأَزْوَاجُهُ أُمَّهَاتُهُمْ وَأُولُو الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَىٰ
بِبَعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُهَاجِرِينَ إِلَّا أَنْ تَفْعَلُوا إِلَىٰ أَوْلِيَائِكُمْ
مَعْرُوفًا كَانَ ذَلِكَ فِي الْكِتَابِ مَسْطُورًا ﴿٦١﴾

6. Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир. Унинг аёллари эса, уларнинг оналаридир. Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига бошқа мўминлардан ва муҳожирлардан ҳақлидирлар. Фақат, дўстларингизга яхшилик қилмоғингиз мустаснодир. Бу, Китобда сатрлар ила битилмиш.

Маълумки, бундан олдинги оятлар ҳукми ила фарзанд асраш ҳукми бекор қилинди. Тўғрироғи, бу жоҳилий ҳукмнинг ботил экани баён қилинди. Ўша баёнга биноан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Зайд розияллоҳу анҳу ораларидаги тутинган ота-болалик алоқаси ҳам узилди. Зайд розияллоҳу анҳу эса, бу алоқа билан фахрланиб юрар эдилар. Шу боисдан, ҳатто отаси ва амакисидан ҳам воз кечган

эди. Табиийки, бу ҳолат унинг руҳий-маънавий дунёсига таъсир қилган. У киши ўзларида қандайдир ваҳшат – ёлғизлик ҳис этган бўлишлари мумкин. Шунингдек, бошқа мусулмонларда ҳам, ҳатто мусулмон эмасларда ҳам шу каби ҳолатлар кўрилгандир.

Натижада, Пайғамбар мўминларга нисбатан қандай мақомда бўлади, деган савол туғилган бўлиши керак.

Ушбу оятнинг аввалида Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳунинг кўнгиллари кўтарилмоқда ва уйғониши мумкин бўлган мазкур саволларга жавоб берилмоқда:

«Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир».

Яъни, Пайғамбарнинг мўминлар учун тутган ўрни шунчалик улуғки, у асраб олган отадан ҳам, сулбий отадан ҳам, ҳатто, ҳар бир мўминнинг ўз нафсидан ҳам юқори даражададир. Унинг бу даражаси доимий ва боқийдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир нарсада мўминлар учун ҳаммадан, ҳатто ўзларидан ҳам устун мақомдадир.

Бу ғоятда олий мақомдир. Бу дунёда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа инсонга берилмаган мақомдир. Бу мақомнинг улуғлигини янада чуқурроқ тушунишимизга ҳадиси шарифлар ёрдам беради.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Менинг нафсим Унинг қўлида бўлган Зот билан қасамки, сизлардан бирортангиз мен то унга ўзидан, молу дунёсидан, боласидан ва барча одамлардан маҳбуброқ бўлмагунимча, мўмин бўла олмайди».

Имом Бухорий ривоят қилган яна бошқа бир ҳадисда айтиладики: «Умар розияллоҳу анҳу:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Аллоҳга қасамки, сиз мен учун ўзимдан бошқа ҳаммадан кўра маҳбуброқсиз», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ, эй Умар! Токи мени ўзингдан ҳам маҳбуброқ кўрмагунингча бўлмайди», дедилар. Умар розияллоҳу анҳу:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Аллоҳга қасамки, албатта, сиз мен учун ҳамма нарсадан, ҳатто ўзимдан ҳам маҳбубсиз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ана, энди, бўлди, эй Умар», дедилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўминларга уларнинг ўзларидан ҳам ҳақлироқ эканликлари фақат у зоти бобаракотнинг шахслари билан чегараланмайди, балки у киши келтирган таълимотлар ҳам мўминлар учун ҳамма нарсадан устун туриши лозим.

У зоти бобаракот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида: «Сизлардан бирортангиз, токи унинг нафси мен келтирган нарсага эргашмагунимча, мўмин бўла олмайди», деганлар.

Демак, қандайдир фалон-пистонларни ўзига доҳий, йўлбошчи, раҳнамо билганларнинг кимлиги маълум. Ҳабиб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган Қуръон ва Суннатни қўйиб, бошқа таълимот, назария ва казо-казоларга эргашиб юрганларнинг кимлиги маълум. Мусулмон киши эргашадиган таълимот, ҳаётнинг қайси соҳасида бўлишидан қатъиназар, Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган Қуръон ва Суннатдир, бошқа гап ортиқча.

Бу ояти каримага тааллуқли ривоятлардан бирида имом Бухорий улуғ саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини ҳикоя қиладилар:

«Ҳеч бир мўмин йўқки, мен унинг учун бу дунё ва охирагда одамларнинг энг ҳақдори бўлмасам, агар истасангиз, **«Пайғамбар мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир»**, оятини ўқинглар. Бас, қайси бир мўмин ўзидан кейин мол-мулк мерос қолдирса, уни қариндошлари олсин. Агар қарз ёки зое бўлган болалар қолдирса, эгаси менга келсин, мен унинг мавлосиман».

Яъни, вафот этган ўша мўминнинг қарзини мен тўлайман, етим қолган болаларига қарайман.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўминларга нисбатан мақомларини баён қилиш муносабати билан у кишининг аёлларининг ҳам мўминлар учун қайси мақомда туришлари айтилмоқда.

«Унинг аёллари эса, уларнинг оналаридир.»

Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари мўминларнинг оналаридир. Мўминларга руҳий-маънавий она мақомидадирлар. Улар оналарини қандай ҳурмат-эҳтиром қилсалар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларини ҳам шундай эҳтиром қиладилар. Насабий оналарининг никоҳи уларга ҳаром бўлганидек, бу оналарнинг никоҳи ҳам ҳаром бўлади. Бошқа ишлар ва ҳукмлар ҳам шунга ўхшаш.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва у зотнинг аёлларининг мўминларга нисбатан мақомлари баён қилинганидан сўнг, кейинги жумлада мўмин-мусулмонларнинг бир-бирларига нисбатан муомалалари баён этилади:

«Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига бошқа мўминлардан ва муҳожирлардан ҳақлидирлар.»

Ушбу жумлада баён қилинаётган «ҳақ» мерос масаласига боғлиқдир. Ушбу оят тушгунича мусулмонлар орасида мерос олиш дўстлик, тутинган оға-инилик асосида бўлар эди. Бу жоҳилият одати эмас, ҳижратдан кейинги дастлабки пайтда Ислом жорий қилган қоидалардан эди.

Мўмин-мусулмонлар динларини сақлаб қолиш мақсадида молу дунёларини, ватанларини, қариндош-уруғларини ташлаб, Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилиб келдилар.

Шунингдек, Мадийнаи Мунавваранинг туб аҳолисидан бўлмиш мусулмон ансорийлар ҳам Ислом туфайли кофир қариндош-уруғларидан ажралдилар. Шунда инсоний алоқаларда маълум даражада ўзгаришлар бўлди. Деярли ҳамма мусулмонлар инсоний алоқалар бобида йўқотган яқинлари ўрнига янгисини излаб қолдилар.

Ана шу пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам машҳур биродарлаштириш тадбирини қўладилар. Муҳожирлар ва ансорийлар ўртасида диний ака-укалик, оға-инилик алоқалари боғланишини тарғиб қилдилар. Ўзлари уларнинг номларини айтиб, фалончи, сен фистончи билан биродар бўл, деб уларнинг ақийда асосидаги биродарларга айланганларини эълон қилдилар.

Ана ўша биродарлаштиришнинг бошқа ҳукмлари орасига мерос масаласи ҳам қўшилди. Муҳожир мусулмон биродари ансорий мусулмоннинг меросини олиш ҳуқуқига, аксинча, ансорий ҳам муҳожир биродарининг меросини олиш ҳаққига эга бўлди. Шу билан бир вақтда, қариндошлик асосида мерос олиш йўққа чиқди. Бу ҳолат маълум муддат давом этди.

Вақт ўтиши билан, Ислом аста-секин мусулмон шахс, оила ва жамиятни шакллантира борди. Ушбу оятларда оила, насл-насаб масаласи муолажа қилинар экан, аввало, насли-насаби пок бўлиши, унга бегона унсурлар кирмаслиги зарур экани, ана шунда оила мустаҳкам туриши баён этилди.

Айнан насл-насаб хусусида, оилавий алоқаларни мустаҳкамлаш ишларида мерос масаласининг муҳим ўрни бор. Мерос масаласи қариндош-уруғлар, оила аъзолари орасида ўзаро масъулиятни ҳис этиш, ҳақ-ҳуқуқларга риоя қилиш ишларида муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мерос мўмин қариндош-уруғлар орасида бўлиши лозимлиги эълон қилинди. Албатта, кофир қариндош-уруғнинг меросда ҳеч қандай ҳаққи бўлмайди. Мўмин кишидан қолган меросга мўмин қариндошлари ҳақлидирлар.

Имом Имодуддин ибн Касир ўз тафсириларида, жумладан, ушбу оятга боғлиқ қуйидаги маълумотларни келтирадилар:

«Ибн Аббос ва бошқалар: «Муҳожир ансорийга меросхўр бўлар эди. Ота томон қариндошлари ҳам, она томон қариндошлари ҳам меросхўр бўлолмас эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни биродар қилиб қўйганлари учун шундай қилинар эди», деганлар.

Ибн Абу Ҳотим ўз санади ила Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳудан ривоят қиладики, у киши бундай деган эканлар:

«Аллоҳ азза ва жалла хусусан биз қурайшликлар ва ансорийлар ҳақида, **«Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига бошқа мўминлардан ва муҳожирлардан ҳақлидирлар»** оятини нозил қилган. Чунки, биз қурайшликлар жамоаси Мадийнага келганимизда ҳеч қандай молу мулкимиз йўқ эди. Бас, ансорийлар жуда ҳам яхши биродар эканини кўрдик, улар билан биродарлардек мерос олишадиган бўлдик. Абу Бакр розияллоҳу анҳу Хорижа ибн Зайд билан биродар бўлди. Умар розияллоҳу анҳу ҳам биттаси билан оғанин тутинди. Усмон розияллоҳу анҳу Бани Зурайқ ибн Саъд аз-Зарқий қабиласидан бир киши билан биродар тутинди. Мен Каъб ибн Молик билан биродар бўлдим. (Урушда бўлганимизда) олдига бориб, сув тутдим. Қурол унга, ўзининг айтишича, оғир жароҳат берганини кўрдим. Аллоҳга қасамки, эй болам, агар у ўша кунлари ўлганида, мендан бошқа ҳеч ким меросини олмас эди. Токи Аллоҳ таоло биз қурайшликлар жамоаси ва ансорийлар ҳақида айнан ушбу оятни нозил қилганидан кейингина ўз меросларимизга қайтдик».

Демак, мўмин-мусулмон қариндошдан бошқа ҳеч ким меросга ҳақдор бўла олмайди. Қариндошлардан кимлар мерос олади, ким қанча олади, бу томони алоҳида, бошқа оятларда баён этилган.

«Фақат дўстларингизга яхшилик қилмоғингиз мустаснодир.»

Яъни, ўлаётган одам дўстига яхшилик қилмоқчи бўлса, ўлимидан олдин молидан маълум миқдорини унга бериш ҳақида васият қолдирса, бўлади.

Ёки меросхўрлар, фалончи бизга мерос қолдирган азизларимизнинг дўсти эди, унга ҳам меросдан берайлик, деб ҳаммалари рози бўлиб берсалар, ўзларининг иши.

«Бу, Китобда сатрлар ила битилмиш.»

Яъни, бу ҳукмлар Аллоҳнинг ҳузуридаги Китобда азалдан ёзиб қўйилган эди.

Шу муносабат ила, Китобда ёзиб қўйилган нарсалардан яна биттаси келаси оятларда баён қилинади:

وَإِذْ أَخَذْنَا مِنَ النَّبِيِّينَ مِيثَاقَهُمْ وَمِنْكَ وَمِنْ نُوحٍ وَإِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ
وَأَخَذْنَا مِنْهُم مِّيثَاقًا غَلِيظًا

7. Набийлардан аҳду паймонларини олганимизни эсла! Сендан, Нухдан, Иброҳимдан, Мусодан ва Ийсо ибн Марямдан ҳам. Биз улардан салмоқли аҳду паймон олдик.

Демак, Аллоҳ таоло барча Пайғамбарлардан салмоқли, пухта-пишиқ аҳду паймон олган. Уламоларимиз, бу аҳду паймон Аллоҳнинг барча

амрларига итоат этиш, бошқаларни ҳам итоатга чорлаш, Аллоҳнинг таълимотларини одамларга бекаму кўст етказиш ва бу борадаги қийинчиликларга сабр қилиш, каби маъноларни англади, деганлар.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло қийинчиликлар бошларига ёғилиб турган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Набийлардан аҳду паймонларини олганимизни эсла!» деб бу янги масъулият эмаслигини, аввалги Пайғамбарлар ҳам бу ишларни бошларидан ўтказганларини эслатиб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни собитқадам бўлишга чақирмоқда.

«Сендан, Нухдан, Иброҳимдан, Мусодан ва Ийсо ибн Марямдан ҳам.»

Бу жумлада энг катта Пайғамбарлар, энг кўп машаққат чеккан улулазм Расуллар алоҳида зикр этилмоқда. Уларнинг аввалида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зикр қилинишлари у зот учун ҳам, умматлари учун ҳам улуғ шарафдир.

«Биз улардан салмоқли аҳду паймон олдик.»

Яъни, оддий эмас, салмоқли, пухта-пишиқ аҳду паймон олдик.

لَيْسَ لَ الصّٰدِقِيْنَ عَن صِدْقِهِمْ وَاَعَدَّ لِلْكَٰفِرِيْنَ عَذَابًا اَلِيْمًا

8. (Буни Аллоҳ) содиқлардан садоқатлари ҳақида сўраш учун қилди. Ва кофирларга аламли азобни тайёрлаб қўйди.

Ушбу ояти каримадаги «содиқлар» кимлар эканлиги ҳақида тафсирчи уламоларимиз икки хил фикр айтганлар. Бир гуруҳлари: содиқлар Пайғамбарлардир, деганлар. Иккинчи бир гуруҳлари эса: содиқлар Пайғамбарларга содиқ бўлган мўминлардир, деб айтган. Аслида, бу икки маъно бир-бирини тўлдириб келади.

Аллоҳ таоло аввалдан ал-мийсоқ — салмоқли аҳду паймон олиб қўйишининг ҳикмати кейин, қиёматда аҳдига содиқ Пайғамбарлар ва уларга эргашган содиқ мўминлардан сўраш учундир. Бу сўров иззат-эҳтиром сўрови, кўпчиликнинг олдида мукофотга сазовор шахсни мақташ маъносидаги сўровдир. Шу билан бирга, кофир, мушрик, мунофиқ ва осийларнинг дардига дард, хасратига хасрат қўшиб, қани энди биз ҳам шулардан бўлсак, деб орзу уйғотадиган саволдир.

«Ва кофирларга аламли азобни тайёрлаб қўйди.»

Уларга азобдан бошқа нарсанинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ушбу оятда эндигина шаклланиб келаётган Ислом жамиятини, раҳбарлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ва ўша жамият аъзолари, ўша давлат кишилари бўлмиш мўмин-мусулмонларни аҳду паймонга эришиш йўлидаги ҳар қандай қийинчиликларга ҳам парво қилмай, олға боришга тарғиб бордир.

Мана, ўшандай қийинчиликлардан бири мусулмонлар қарши-сига чиқди. Мушрикларнинг ва Ислом душманларининг барча аҳзоби — ҳизблари, гуруҳ ва фирқалари бирлашиб, Исломни ер юзидан супуриб ташлашга қарор қилди.

Ўша пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тинчлик-омонликда Ислом даъватини инсонларга етказар эдилар. Мусулмонларга Ислом таълимотларини ўргатар, шариат аҳкомларини жамиятда татбиқ қилар, кишилар орасида бўлиши лозим муомалаларни йўлга қўяр, қисқаси, исломий шахсиятни тарбиялар ва мусулмон жамиятини қуриб келар эдилар. Бунинг хабари атрофга тарқалиб, кишиларда Исломга бўлган қизиқиш ортар ва якка-якка ҳолларида келиб, мусулмонлар сафига қўшилар эдилар.

Бу ҳолат Ислом душманларини ташвишга солди. Мусулмонлар тинч-омон қўйиб берилса, ҳамма улар томонга ўтиб кетишидан қўрқдилар. Шунинг учун, ҳаммамиз бирлашиб, мусулмонларни йўқ қилмасак, бўлмас экан, деган фикрга келдилар.

Турли аҳзобнинг Исломга қарши ҳаракатларини машҳур тарихчиларимиздан ибн Исҳоқ қўйидагича ривоят қиладилар:

«Хандақ урушида воқеа бундай бўлган эди. Бир гуруҳ яҳудийлар, жумладан, Салом ибн Абул Ҳақиқ ан-Назрий, Ҳайй ибн Ахтоб ан-Назрий, Кинона ибн Робиъа, ибн Абул Ҳақиқ, Ҳаваза ибн Каас ал-Воилий, Абу Аммор ал-Воилий, бир тўп бани назирлик ва бани воилликлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши ҳизбларини тўплашган эди. Улар тўпланиб, Маккага Қурайш кофирлари олдига бордилар ва уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши урушга даъват қилдилар. «Биз уни таг-томири билан йўқ қилиб ташлагуниimizча, сизлар билан бирга бўламиз», дедилар.

Қурайшликлар уларга:

«Эй, яҳудийлар жамоаси! Албатта, сизлар аввалги китоб аҳлидир-сизлар. Биз Муҳаммад билан келишмаётган нарсанинг илмини ҳам биласизлар. Бизнинг динимиз ҳақми, униками?» деб сўрадилар. Ўзларини аҳли китоб, Тавротга эргашувчи деб даъво қиладиган яҳудийлар:

«Сизларнинг динингиз унинг динидан яхшидир. Сизлар ҳаққа яқинсизлар», деб жавоб қилишди.

Бу гапдан қурайшликлар хурсанд бўлиб, ҳаракатга тушдилар. Уларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши уруш қилиш ҳақидаги чақириқларига биноан, жангга тайёргарлик кўрила бошланди.

Сўнгра, мазкур яҳудийлар жамоаси Ғатафон қабиласига бориб, уларни ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши уруш қилишга чақирдилар. Уларни ҳам, сизлар билан бирга бўламиз, деб

ишонтирдилар. Бу таклифни қурайшликлар ҳам қабул қилганини билдирдилар. Улар ҳам тўпландилар.

Қурайшликлар Абу Суфён ибн Ҳарб бошчилигида урушга чиқдилар. Ғатафонликлар ҳам қўзғалдилар. Улардан Бани Физорага Уйайна ибн Ҳисн, Бани Муррага ал-Ҳорис ибн Ҳарб ва Ашжаъ қабиласидагиларга Масъар ибн Раҳийла бош бўлиб чиқдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг тўпланиб келаётганларини эшитгач, саҳобаларини чақириб, маслаҳат солдилар. Уларнинг қаршиларига чиқайлик, десалар, имкон йўқ, душман ҳаддан ташқари кўп. Уларнинг Мадийнаи Мунавварага киришларига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Хоин яҳудий қабиласи Бани Қурайза ичкарида туриб, душманга ёрдам бериши мумкин. Нима қилиш керак?

Шунда саҳобалардан Салмон Форсий розияллоҳу анҳу Мадийнаи Мунаввара атрофида хандақ қазишга маслаҳат бердилар. Чунки, форслар урушларда шундай услуб қўллашар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу фикрни қабул қилдилар. Ул зот ҳаммани хандақ қазишга чорладилар. Бу ишда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари шахсан иштирок этдилар. Ул зот ҳам, мусулмонлар ҳам астойдил ишлаб, ҳолдан тойдилар. Баъзи бир мунофиқлар беркиниб қочиб қолди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан изн ҳам сўрамай, уйларига кетди. Мусулмонлар эса, бирор зарур юмушлари чиқиб қолса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан рухсат сўрашар, ишлари битиши билан дарҳол жойларига қайтиб келишар эди.

Хандақ қазиш табиий шароитга ҳеч мос келмас эди. Шундай бўлса ҳам, мусулмонлар белни маҳкам боғлаб, иштиёқ билан ишладилар. Руҳларини кўтариш учун кўпчилик бўлиб шеър ўқидилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам саҳобаларнинг кўнгилларини кўтариб ва уларни ғайратлантириб турдилар.

Ҳижратнинг бешинчи йили эди. Хандақ қазиб бўлингач, душманлар ҳам кўрина бошлади. Қурайшликлар Румаҳ номли сел тўпланадиган жойга келиб тушдилар. Уларнинг лашкари ўн минг кишидан иборат эди. Улар ўзларига яқин Бани Кинона ва Туҳома аҳллари, хизматкор қулларини ҳам бирга олиб келган эдилар. Ғатафонликлар ҳам ўзларига қарашли Нажд аҳллари билан бирга Уҳуд тарафидаги Занаби Нақмал деган жойга келиб тушдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч минг кишилик мусулмон лашкари билан чиқдилар. Салъ деган манзилдан ўтиб, ўша жойга қароргоҳ қуришди. Душман билан ўрталарида хандақ бор эди. Шунинг учун Аҳзоб уруши «Хандақ» номи билан ҳам танилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрлари билан болалар ва аёллар қўрғонга жойлаштирилди.

Мадийнага бостириб киришни кўзлаб келган душманлар хандакни кўриб, ҳайрон қолишди. Бу иш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган иш эди. Араблар тарихида бирор жойда, бирор урушда хандақ қазилгани номаълум эди. Шунда улар қандайдир бошқа чора кўриш зарурлигини ўйлаб қолишди.

Ана шу пайтда Аллоҳнинг душмани яҳудий Ҳайй ибн Ахтоб ҳаракатга тушиб қолди. Мадийнада мусулмонлар билан бирга яшаётган яҳудийларни ишга солиб, ичкаридан зарба беришни режа қилди. У Бани Қурайза қабиласи бошлиғи Каъб ибн Асад ал-Қаразийга бориб учрашди. Каъб ибн Асад қабиласи номидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тинчлик, ҳамкорлик аҳдномасини тузиб яшаётган эди. Каъб ибн Асад Ҳайй ибн Ахтобга:

«Сен шум одамсан, мен Муҳаммад билан аҳдлашганман, у билан орамиздаги аҳдномани бузмоқчи эмасман, мен унинг доимо аҳдига вафо қилганини кўрдим», деди. Ҳайй бўлса:

«Шўринг қурисин, эй Каъб! Мен сенга бир умрлик обрў, улкан денгиз келтирдим. Қурайшни бошлиқларию улуғлари билан олиб келдим. Мен уларни Румаҳдаги сел тўпланадиган жойга туширдим. Ғатафонни ҳам оқсоқоллари билан қўшиб олиб келиб, Уҳуд томонга туширдим. Улар менга Муҳаммадни таг-томири билан йўқотмагунларича қайтмасликка аҳду паймон бердилар», деди. Каъб унга:

«Аллоҳга қасамки, сен менга бир умрлик хорлик келтирдинг. Суви тушиб бўлган булут келтирдинг. Мен Муҳаммаддан фақат вафо ва садоқат кўрдим, холос», деди.

Ҳайй бўлса, Каъбнинг бошини айлантириб, турли гаплар билан қизиқтириб, охири айтганига кўндирди. Икковлари аҳду паймон қилишди. Агар Қурайш ва Ғатафон Муҳаммадни енга олмай, қайтиб кетсалар, Ҳайй ҳам Каъб билан бирга унинг қўрғонига кириб, мусийбатига шерик бўладиган бўлди. Каъб ибн Асад Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тузган аҳдномани бузди ва Бани Қурайза ҳам душман ҳизбларга қўшилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу хабар етиб борганида, одам юбориб, унинг ростлигини аниқлаб олдилар.

Шундан сўнг хавф-хатар яна ҳам кучайди. Мусулмонларнинг душманлари юқори тарафдан ҳам, қуйи тарафдан ҳам бостириб кела бошлади. Мўминлар турли гумонларга бордилар. Мунофиқларнинг нифоқлари ошкор бўлди. Ҳатто, Бани Амр ибн Авф қабиласидан Мутъаб ибн Қушайр: «Муҳаммад бизга Кисро ва Қайсарнинг хазиналарини ейишимизни ваъда қилар эди. Лекин бутун бирор кишининг таҳоратга эсон-омон бориб келишига ҳам ишонмай қолдик-ку!» деди. Бани Ҳориса ибн ал-Ҳорис қабиласидан Авс ибн Қайзий

бир тўп одам билан келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, ҳақиқатан ҳам уйларимиз очиқ-сочиқ қолган. Бизга ортга қайтишга изн бер, уй-жойимизга борайлик. Улар Мадийнанинг ташқарисида», деди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мушриклар йигирма кундан ортиқ, бир ойга яқин шу ҳолатда турдилар. Баъзи бир камон отишишларни айтмаганда, орада уруш бўлмади. Мусулмонлар қамалда қолдилар.

Вазият оғирлашганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ғатафоннинг лашкарбошилари Уйайна ибн Ҳисн ва ал-Ҳорис ибн Авфга элчи юбориб, агар одамлари билан қайтиб кетишса, Мадийнадаги хурмозорнинг учдан бирини беришларини айтдилар. Икки томон сулҳ устида шартлаша бошлади. Аҳднома ёзилди, аммо гувоҳлар олдида тасдиқланмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сулҳни тасдиқлашдан олдин Авс қабиласи бошлиғи Саъд ибн Муоз ва Ҳазраж қабиласининг бошлиғи Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳумоларга одам юбориб, бўлаётган ишдан хабар бердилар ва маслаҳат сўрадилар. Улар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бу ишни ўзингиз ёқтириб амалга оширмақчисизми ёки Аллоҳнинг сизга буюрган амри бўлиб, уни қилмоғимиз зарурми? Ёҳуд биз учун қилаётган ишингизми?» деб сўрашди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлар учун қилаётган ишимдир. Аллоҳга қасамки, бу ишни қилмас эдим. Илло, кўрдимки, араблар сизни худди бир камондан ўққа тутаётгандек тўпланиб турибдилар. Улар сизга қарши ҳар томондан ташланмоқдалар. Шунинг учун, уларнинг шавкатини бир оз бўлса ҳам синдирмоқчи эдим», дедилар. Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, биз ҳам, улар ҳам Аллоҳга ширк келтириб, бут-санамларга ибодат қилиб юрардик. Аллоҳга ибодат қилиш тугул, уни ҳатто танимас эдик. Ўшанда улар Мадийнанинг мевасини меҳмондорчилик ёки савдо туфайли ейишдан бошқа умидлари йўқ эди. Энди Аллоҳ бизни Ислом ила азиз қилган, ҳидоятга бошлаган, Сиз билан, Ислом билан эъозлаган бир пайтда, уларга молу мулкимизни берамизми?! Аллоҳга қасамки, бизга бунинг зарурияти йўқ. Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг ўзи биз билан улар орасида ҳукм чиқармагунича, уларга қиличдан бошқа нарсани бермаймиз», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Майли, сенинг айтганинг бўлсин», дедилар. Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу аҳднома ёзилган саҳифани олиб, ундаги ёзувларни ўчирди. Сўнгра:

«Бизга қарши уриниб кўрсинлар!» деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари шундай шиддатли ва хавфли вазиятда турдилар. Душман уларни ҳам юқори, ҳам қуйи томондан ўраб олган эди.

Мўминларнинг онаси Умму Салама розияллоҳу анҳо айтадиларки: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан барча урушлар ва хавфли-хатарли воқеаларга шоҳид бўлдим. Мурайсиъда, Хайбарда, Ҳудайбияда бўлганмиз, Фатҳда ва Ҳунайнда ҳам. Уларнинг ҳеч бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун Ҳандақчалик қийин ва хавфли бўлмаган. Мусулмонлар жуда ҳам офир ҳолатда эдилар. Қурайшликлар бола-чақа ва аёлларга ҳужум қилиб қолиши мумкин эди. Мадийнани то тонг отгунча қўриқлаб чиқишарди. Хавфнинг катталигидан мусулмонлар тонг отгунча такбир айтиб чиққанларини эшитар эдик».

Кейин ғатафонлик Найим ибн Масъуд ибн Омир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен мусулмон бўлдим. Аммо қавмим мусулмон бўлганимни билгани йўқ. Менга хоҳлаган ишингизни буюринг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, сен бизнинг одамсан, агар қўлингдан келса, уларнинг орасини буз. Уруш доғда қолдиришдир», дедилар. Найим ибн Масъуд шундан кейин чиқиб, Бани Қурайзага борди. Жоҳилият даврида улар билан улфатчилик қилиб юрар эди. Ибн Масъуд уларга:

«Эй, Бани Қурайза, мен сизни яхши кўришимни биласиз. Гап ора-мизда қолсин-у, қурайшликлар билан ғатафонликларнинг сиздан фарқи бор. Бу юрт, сизларнинг юртингиз. Унда молу мулкингиз, бола-чақангиз, аёлларингиз бор. Қурайшликлар ва ғатафонликлар Муҳаммад ва унинг шериклари билан урушгани келганлар. Сизлар эса, Муҳаммадга қарши уларга ёрдам бердингиз. Уларнинг молу мулки ҳам, юрти ҳам, аёллари ҳам бошқа жойда. Агар қўлларидан келса, бир иш қиладилар, бўлмаса, юртларига қайтиб кетиб, сизни анави одам билан ёлғиз ташлаб қўядилар. Агар у билан якка ўзингиз қолсангиз, кучингиз етмайди. Сиз анави қавмнинг улуғларидан баъзиларини гаровга олмагунингизча, улар билан урушга кирманг. То Муҳаммадга қарши урушнинг охиригача гаровга олинганлар қўлингизда турсин», деди. Улар:

«Тўғри айтасан», деб жавоб қайтаришди.

Бу гап, гарчи Бани Қурайза қурайшликларга ёрдам бермасин, деган мақсадда айтилган бўлса ҳам, ёлғон эмас, Бани Қурайза учун керакли танбеҳ эди.

Сўнгра, Найим ибн Масъуд қурайшликлар бошлиғи Абу Суфён ҳузурига борди ва:

«Менинг сизга бўлган муҳаббатимни ҳам, Муҳаммад билан алоқам йўқлигини ҳам яхши биласизлар. Ўзимга етган нарсадан сизларни хабардор қилиб қўйишни бурчим деб билганимдан олдингизга келдим. Аммо бировга айтмайсизлар!» деди. Улар:

«Хўп бўлади», дедилар. У:

«Яҳудийлар Муҳаммад билан ўрнатилган сулҳни бузишганига надомат қилиб, унга одам юборганини биласизми? Улар, қилган ишимизга пушаймонмиз, агар Қурайш ва Ғатафоннинг улуғларидан сенга асир олиб берсак, биздан рози бўласанми? Сен уларнинг калласини оласан, кейин биргалашиб, душманни қириб ташлаймиз, дейишган экан, Муҳаммад, хўп, дебди. Агар яҳудийлар одам юбориб, сизлардан гаровга одам беришни сўрасалар, бирор кишини бера кўрманглар», деди.

Кейин Ғатафон ҳузурига бориб, уларга ҳам Қурайшга айтганларини айтди.

Ушбу гаплардан кейин Абу Суфён Бани Қурайза ҳузурига Икрима ибн Абу Жаҳлни юбориб, уларни урушга чорлади. Икрима уларга:

«Биз ўз еримизда эмасмиз, ҳайвонларимиз ҳалок бўлмоқда. Урушни бошлайлик-да, Муҳаммадни йўқ қилиб, ишни тугатайлик», деди. Ўша куни шанба эди. Яҳудийлар узр айтдилар:

«Бу кунда ҳеч нарса қилмаймиз. Баъзи бирларимиз бу кунда бир хил ишларини қилиб, мусийбатга учради. Ундан кейин, яна, то Муҳаммадни йўқотганимизча бизга гаровга одам бериб қўймасанглар, сиз билан унга қарши уруш қилмаймиз. Сизлар урушда қийналиб, юртингизга қайтиб кетиб, бизни ташлаб қочишингиздан қўрқамиз. Муҳаммад бизнинг юртда турибди. Биз якка ўзимиз унга қарши тура олмаймиз», дедилар.

Шундай қилиб, уларнинг ораси бузилди. Лекин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши душманликларини давом эттирдилар. Бани Қурайза яҳудлари ичкарида қолган аёллар ва болаларга зарар етказишнинг пайида бўлдилар. Шундай ёмон мақсадда борган яҳудийлардан бирини София бинти Абдулмуттолиб уриб ўлдирдилар.

Қурайшликларнинг баъзилари хандақдан ўтиб, мусулмонларга яқинлашдилар. Булар ичида Икрима ибн Абу Жаҳл, баъзи бани махзумликлар ва Амр ибн Абду Вурд ал-Омирий бор эди. Амр якка-ма-якка олишувга чақирди. Ҳазрати Али икки марта у билан олишувга чиқмоқчи бўлдилар, аммо икки сафар ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қайтардилар. Сўнгра Амр мусулмонларни айблай бошлади. Ана шунда ҳазрати Али унга қарши чиқди. Иккови тўқнашганда ҳазрати Али Амрга:

«Эй Амр, қурайшлик бирор киши сени икки нарсага чақирса, яхшисини олишга Аллоҳга аҳд қилган эдинг-ку?» деди. Амр:

«Тўғри», деди. Али:

«Мен сени Аллоҳга, Унинг Расулига ва Исломга чақираман», деди. У:

«Уларнинг менга кераги йўқ», деди. Али:

«Мен сени олишувга чақираман», деди. Амр:

«Нима учун, эй жиян? Аллоҳга қасамки, мен сени ўлдиришни хоҳламайман», деди. Али:

«Мен сени ўлдиришни истайман», деди.

Шунда Амр қизишиб кетди ва эгардан тушиб, отини сўйиб юборди. Али билан жангга ҳозирланди. У Алига томон юрди. Олишув бошланди. Амр қилич солган эди, Али қалқони билан тўсди. Аммо қилич қалқонни ёриб ўтиб, Алининг бошини яралади. Али ўз навбатида кучли зарба бериб, Амрни қатл этди. Мусулмонлар такбир айтдилар. Қолган мушриклар орқаларига қараб қочдилар.

Кейинчалик ҳам мушриклар бир неча бор хандақдан ўтишга уриниб кўрдилар, аммо ҳар сафар қаттиқ қаршиликка учраб, ортга қайтдилар. Икки томондан бир-бирига камон отишлар бўлди. Мусулмонлар беш кишини шаҳид ҳам бердилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар Аллоҳдан астойдил нусрат тилаб, мустаҳкам турар эдилар. Расули Акрам соллalloҳу алайҳи васаллам тинимсиз дуо қилдилар.

Аллоҳ таоло душманларга қишнинг совуқ кечасида ўта совуқ шамол юборди. Шамол душманнинг чодирларини, қозонларини учириб кета бошлади.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга душман орасида ихтилоф пайдо бўлгани, Аллоҳ уларнинг бирлигини бузгани ҳақида хабар етганидан сўнг, кечаси Хузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳуни нима бўлаётганини билиб келиш учун уларнинг ичига юбордилар.

Бу ҳақда Хузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам менга: «Эй Хузайфа, анави қавмнинг ичига бориб, нима қилаётганларига назар сол. Бизга қайтиб келгунингча, ҳеч нарса қилма», дедилар. Топиб бордим ва қавмнинг ичига кирдим. Шамол ва Аллоҳнинг лашкарлари нима қилса, қилаётган эди. Шамол уларнинг қозонини ҳам, оловини ҳам, чодирини ҳам жойида қўймас эди. Абу Суфён ўрнидан туриб:

«Эй, Қурайш жамоаси, ҳамма ёнидаги одамга қарасин», деди. Мен ёнимдаги одамни ушлаб:

«Сен кимсан?!» дедим. У:

«Мен Фалончи ибн Пистончиман», деди. Сўнгра Абу Суфён:

«Эй, Қурайш жамоаси! Туриб бўлмайдиган ҳолатда қолдингиз. Туя ва отлар ҳалокатга учради. Бани Қурайза сизга хиёнат қилди. Улардан бизга ўзимиз ёмон кўрган нарса етди. Шамолнинг зўридан нима бўлаётганини ҳам кўриб турибсиз. Қозонимиз жойида турмайди. Олов ёнмайди. Чодирларимиз тик турмайди. Қани, жўнанглар, мен жўнадим», деди. Сўнгра бориб, туясига миниб, уни урган

эди, уч оёқлаб сакраб турди. Бир оёғи буклаб боғланган экан. Аллоҳга қасамки, у туянинг оёғини тик турғазиб ечди. Агар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг менга: «Бизга қайтиб келгунингча бир нарса қилма», деган амрлари бўлмаганида, уни ўлдирар эдим».

Шундай қилиб, Аҳзоб уруши тугади. Исломни ва мусулмонларни тағ-томири билан суғуриб ташлаш ниятида тўпланган кофир ва мушрик гуруҳлар ёвуз мақсадларига ета олмади. Аллоҳ таоло мусулмонларга нусрат берди.

Ана ўша ҳодисаларни Қуръони Карим келгуси оятларда ўзига хос услуб ила ҳикоя қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ جَاءَتْكُمْ جُنُودٌ فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِيحًا وَجُنُودًا
لَمْ تَرَوْهَا وَكَانَ اللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرًا ﴿١٠١﴾

9. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг. Ўшанда устингизга лашкарлар келган эди. Бас, Биз уларнинг устига шамолни ва сиз кўрмаган лашкарларни юбордик. Аллоҳ нима қилаётганингизни яхши кўриб тургувчи эди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу оятда мўмин-мусулмонларга улар учун энг маҳбуб бўлган нидо:

«**Эй, иймон келтирганлар!**» нидоси билан мурожаат қилмоқда. Ҳамда уларга алоҳида марғуб услубда нидо қилишни давом эттириб, «**Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг**», демоқда.

Ҳа, душман ҳужумидан асраш, тинчлик-омонлик бериш, душманлар устидан ғолиб келиш Аллоҳнинг бандаларига ато этган улуғ неъматни ҳисобланади. Бу неъматни эслаш, унга шукр қилиш мўмин-мусулмонларнинг бурчидир. Сўнгра, мазкур неъмат берилмасдан олдин уларнинг ҳолати бир эслатиб қўйилади.

«Ўшанда устингизга лашкарлар келган эди.»

Ўша пайтда устингизга аҳзоб—Қурайш ўзининг одамлари ва малайлари билан ҳамда Ғатафоннинг турли қабиалари бирлашиб, бостириб келишган эди. Улар сизларни бутунлай йўқ қилиб юбориш мақсадида эдилар.

«Бас, Биз уларнинг устига шамолни ва сиз кўрмаган лашкарларни юбордик.»

Аллоҳ таоло кофирларнинг ҳизблари устига совуқ қиш кечасида ўта совуқ шамолни юборди. У шамол уларнинг қозон ва чодирларини учириб кетди. Оловларини ўчириб ташлади. Бирор киши қоматини тик тутиб юролмай қолди.

Уламоларимиз «кўринмаган лашкарлар»дан мурод фаришталар бўлиб, улар мушрикларнинг қалбларига қўрқинч солганлар-у, уруш қилмаганлар, дейдилар.

«Аллоҳ нима қилаётганингизни яхши кўриб тургувчи эди.»

Ҳа, Аллоҳ таоло сизнинг ҳамма ҳаракатларингизни кўриб турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чақириқларига лаббай деб жавоб бериб, сафарбарликка чиқиб, маслаҳатлашиб, хандақ қазиб ва бошқа ишларда қанчалик жонбозлик кўрсатганингизни ҳам кўриб-билиб турди.

إِذْ جَاءُوكُم مِّنْ فَوْقِكُمْ وَمِنْ أَسْفَلَ مِنكُمْ وَإِذْ زَاغَتِ الْأَبْصَارُ وَبَلَغَتِ الْقُلُوبُ
الْحَنَاجِرَ وَنَظُنُّونَ بِاللَّهِ الظُّنُونًا ﴿١٠﴾

10. Ўшанда улар сизнинг уст ва қуйи томонингиздан келган эдилар. Ўшанда кўзлар тиниб, жонлар ҳалқумга келган эди ва Аллоҳ ҳақида турли гумонлар қилардингиз.

Аллоҳ сизга неъмат берган ана ўша пайтда қурайшликлар ва ғатафонликлар уст томонингиздан, бани қурайзалик яҳудийлар эса, қуйи томонингиздан келган эдилар. Сиз икки ўт орасида қолган эдингиз.

«Ўшанда кўзлар тиниб, жонлар ҳалқумга келган эди...»

Бу жумла аҳвол нақадар жиддий, нозик бўлганини, мусулмонлар қанчалик қийин ҳолатга тушиб қолганини кўрсатади.

«...ва Аллоҳ ҳақида турли гумонлар қилардингиз.»

Гумонлар айнан нимадан иборат эканлиги айтилмайди. Нима гумон қилган бўлсангиз, қилгансиз, деган маънони беради.

هَذَاكَ أُمَّتِي الْمُؤْمِنُونَ وَزُلْزِلُوا زَلْزَلًا شَدِيدًا ﴿١١﴾

11. Ана шунда мўминлар синовга дучор бўлдилар ва шиддатли ларзага тушдилар.

Дарҳақиқат, мусулмонлар қуршов ичида қолдилар. Улар шаҳар атрофида хандақ қазиб, ҳимояланишди. Душман ҳамма томондан хавф солиб турди. Кечаю кундузнинг фарқи йўқ бўлиб қолди. Мушриклар бирин-кетин келиб, мусулмонлар ғафлатда қолган вақтда хандақдан ўтишга чора ахтарар эдилар. Мусулмонлар эса, ҳушёрликни қўлдан бермай, кечаю кундуз жангга шай турардилар. Ҳатто, баъзан намоз ўқишга ҳам вақт топа олмай қолишди.

Бунинг устига, яҳудий қабиласи Бани Қурайза хиёнат қилиб, аҳдни бузди, душманга қўшилиб кетди. Мусулмонлар ичида турган бу хонинлар ҳар лаҳзада катта мусийбатлар ёғдиришлари мумкин эди.

Мусулмонлар дучор бўлган синов, уларни ларзага солган ҳолат шу эди.

وإذ يقول المنافقون والذين في قلوبهم مرض ما وعدنا الله ورسوله إلا غورا

12. Ўшанда мунофиқлар ва қалбларида касаллик борлар: «Аллоҳ ва Унинг Расули бизга ёлғондан бошқани ваъда қилмаган экан», дердилар.

Мана шунақа қийин ҳолатларда доимо мунофиқлар ва қалбида марази борлар, иймони заифлар панд берадилар. Улар бекиниб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан изн сўрамай, сафарбарлиқдан кетиб қолганлари ҳам етмаганидек, мўминлар ичига ғулғула солиб:

«Аллоҳ ва Унинг Расули бизга ёлғондан бошқани ваъда қилмаган экан», дердилар».

Уларнинг вакили Мутъаб ибн Қушайр: «Муҳаммад бизга Кисро ва Қайсарнинг хазиналарини ейишимизни ваъда қилар эди. Лекин бутун бирор кишининг эсон-омон таҳоратга бориб келишига ҳам ишонмай қолдик-ку?!» деди. Бундай кишилар доимо енгиллик ё ғалаба бўлсагина, мусулмонлар билан турадилар. Оғирлик ва мағлубият эҳтимоли юзага келса, иймонлари заифлиги ва нифоқлари дарҳол билинади.

وَإِذ قَالَت طَّائِفَةٌ مِّنْهُمْ يَا أَهْلَ يَثْرِبَ لَا مُقَامَ لَكُمْ فَارْجِعُوا وَيَسْتَعِذْنَ فَرِيقٌ مِّنْهُمُ النَّبِيَّ يَقُولُونَ إِنَّ بُيُوتَنَا عَوْرَةٌ وَمَا هِيَ بِعَوْرَةٍ إِن يُرِيدُونَ إِلَّا فِرَارًا

13. Ўшанда улардан бир тоифаси: «Эй, Ясриб аҳли, бу ерда сизга туриш имкони йўқ. Бас, қайтинглар», деди. Улардан бир гуруҳлари Набийдан изн сўраб: «Уйларимиз очиқ-сочиқ қолган», дерлар. Ҳолбуки, улар очиқ-сочиқ эмас. Улар қочишдан бошқани прода қилмаслар.

«Ясриб» Мадийнаи Мунавваранинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилиб келмасларидан аввалги номи. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ҳижрат қилганларидан сўнг бу шаҳар «Расулнинг шаҳри» маъносида «Мадинатур-Расул» деб аталди ва аста-секин «Мадийна» бўлиб кетди.

«Ўшанда улардан бир тоифаси: «Эй, Ясриб аҳли, бу ерда сизга туриш имкони йўқ. Бас, қайтинглар», деди.»

Ўша қийинчилик, синов даврида мунофиқлар ва иймони заифлардан бир тоифаси: эй, Мадийна аҳли, бу ерда душман қаршисида туришга имконингиз йўқ, барибир йўқ бўласиз, ундан кўра, вақтнинг борида жанггоҳдан уйлариңизга қайтинглар, деди.

«Улардан бир гуруҳлари Набийдан изн сўраб: «Уйларимиз очиқ-сочиқ қолган», дерлар.»

Яъни, уларнинг яна бошқа бир гуруҳлари, аниқроғи, Авс ибн Қайзий ва одамлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, ҳақиқатан ҳам уйларимиз очиқ-сочиқ қолган. Бизга ортга қайтишимизга изн бер. Уй-жойларимизга борайлик. Улар Мадийнанинг ташқарисида», дедилар.

Лекин Аллоҳ таоло ҳамма нарсани, ҳатто дилда яширинган сирларни ҳам биладиган зот, уларнинг ёлғончи эканини фош этмоқда.

«Ҳолбуки, улар очиқ-сочиқ эмас.»

Бу мунофиқ ва иймони заифлар қочиш баҳонасида шу гапни тўқишмоқда, холос.

«Улар қочишдан бошқани ирода қилмаслар.»

Кўрдиларки, иш офир, фидокорлик талаб қияпти. Шунинг учун, қочишга баҳона тўқишди.

وَلَوْ دَخَلَتْ عَلَيْهِمْ مِّنْ أَقْطَارِهِائِمَّ سِئِلُوا الْفِتْنَةَ لَأْتَوْهُمَا مَا تَلَبَّتْهُمَا إِلَّا يَسِيرًا

14. Агар уларнинг устига у(Мадийна)нинг ҳар тарафидан бостириб кирилса, сўнгра улардан фитна талаб қилинса, албатта, уни қиладилар. Ҳеч кечикмаслар. Магар озгинагина.

Яъни, ўша мунофиқ ва иймони заифларнинг устига душман Мадийнанинг ҳар томонидан бостириб кириб, фитнани – диндан қайтиш ва мусулмонларга қарши урушишни талаб этса, дарҳол ўша ишни қилар эдилар. Ҳеч иккиланмай қилардилар. Кечиксалар ҳам, озгина вақтга кечикардилар. Ёки озгиналари кечикар эди..

وَلَقَدْ كَانُوا عَاهِدُوا اللَّهَ مِنْ قَبْلُ لَا يُؤْتُونَ الْأَدْبَرَ وَكَانَ عَهْدُ اللَّهِ مَسْئُولًا

15. Ҳолбуки, улар бундан олдин ортга қараб қочмасликка Аллоҳга аҳд берган эдилар. Аллоҳга аҳд эса, масъулият бўлгандир.

Бу қавм, кетиш учун ёлғон тўқиган Авс ибн Қайзийнинг қабиласи Бани Ҳорисадир. Улар Уҳуд урушида ҳам ортга қараб қочмоқчи бўлган эдилар. Кейин эса, ортга қочмаслик ҳақида Аллоҳга аҳд берган эдилар. Ўшанда Аллоҳ уларни Ўз раҳматига олиб, кечирган эди.

«Аллоҳга аҳд эса, масъулият бўлгандир.»

Бир вақт келиб, албатта, у ҳақда сўраладилар. Унутиб юборилмайди. Мана, энди Хандақ урушида ўша масъулият юзага чиқди. Қиёмат кунида эса, албатта, Аллоҳга берилган аҳдга вафо қилинми, йўқми, сўроқ-савол бўлади.

Эй Набий!

قُلْ لَنْ يَنْفَعَكُمْ الْفِرَارُ إِنْ فَرَرْتُمْ مِنَ الْمَوْتِ أَوِ الْقَتْلِ وَإِذًا لَا تَمُنُّونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٦﴾

16. Сен: «Қочиш сизга ҳеч қандай фойда бермас. Демак, агар ўлимдан ёки қатл бўлишдан қочсангиз ҳам, жуда оз ҳузурланасиз, холос», деб айт.

Бу ояти карима аҳдни бузиб, ўлимдан қўрқиб, ўлдирилишдан хавфсираб, уруш майдонидан қочишни ўзига раво кўрадиган мунофиқ ва иймони заифларнинг нотўғри тасаввурини таҳқирлаб, бу масаладаги Исломнинг боқий қоидасини эълон қилмоқда. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб, ўша мунофиқ ва иймони заифларга:

«Қочиш сизга ҳеч қандай фойда бермас», деб айтишларини буюрмоқда. Ўлимдан қочиб қаерга ҳам борар эди? Аллоҳ таолонинг тақдир қилганидан қочиб бўлармиди? Ўлим ҳам Аллоҳнинг тақдир, Аллоҳдан ажал келмаса, пашша ҳам ўлмайди. Аллоҳдан ажал келса, подшоҳ ҳам қолмайди. Шундай бўлганидан кейин, уруш майдонини ташлаб, қаёққача бориш мумкин? Қочиш ҳеч қандай фойда бермайди. Урушда қолганининг ажали тезлашиб, урушдан қочганининг ажали ортга сурилмайди.

«Демак, агар ўлимдан ёки қатл бўлишдан қочсангиз ҳам, жуда оз ҳузурланасиз, холос», деб айт.»

Ҳар бир келувчи нарса яқиндир. Ўлим ҳам келувчидир, демак, у яқиндир. Ҳар бир матоҳ оздир. Дунёнинг ҳузури ҳам матоҳдир, демак, у оздир.

قُلْ مَنْ ذَا الَّذِي يَعْصِمُكُمْ مِنَ اللَّهِ إِنْ أَرَادَ بِكُمْ سُوءًا أَوْ أَرَادَ بِكُمْ رَحْمَةً وَلَا يَجِدُونَ لَهُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿١٧﴾

17. Сен: «Агар сизга Аллоҳ ёмонликни ирода қилса ёки сизга раҳматни ирода қилса, сизларни Ундан тўсадиган ким бор?!» деб айт. Улар ўзларига Аллоҳдан ўзга дўст ва ёрдам бергувчи топа олмаслар.

Эй, мунофиқлар, эй, иймони заифлар, агар Аллоҳ сизга ёмонликни ирода қилса, Ундан сизни тўсадиган ким бор?! Айтинг-чи, Аллоҳнинг иродасига қарши чиқа оладиган, сиздан ўша, Аллоҳ ирода қилган ёмонликни тўсиб қоладиган ким бор? Агар Аллоҳ сизга ўлимни ёки қатл этилишни ирода қилган бўлса, қочсангиз ҳам, қочмасангиз ҳам, барибир ўласиз. Бу ўлимни сиздан ҳеч ким қайтара олмайди.

Шунингдек, агар Аллоҳ сизга раҳматни — яхшилиқни ирода қилса, уни сиздан тўсадиган ким бор?! Аллоҳнинг иродасига қарши чиқиб, сизга етаётган раҳматни тўсиб қўя оладиган бирор зот борми?! Агар Аллоҳ сизга ҳаётни ирода қилган бўлса, ким ҳам сизни ўлдира оларди.

«Улар ўзларига Аллоҳдан ўзга дўст ва ёрдам бергувчи топа олмаслар.»

Лекин улар ушбу дўст ва ёрдамчи Зотга берган аҳдларига хиёнат қилиб, жанг майдонидан қочиб кетмоқдалар. Кишиларнинг жиҳодга бўлган шаштларини пасайтирмоқдалар. Уларга турли бўлмағур гапларни айтмоқдалар.

﴿ قَدْ يَعْلَمُ اللَّهُ الْمُعَوِّقِينَ مِنْكُمْ وَالْقَائِلِينَ لِإِخْوَانِهِمْ هَلُمَّ إِلَيْنَا وَلَا يَأْتُونَ الْبَأْسَ إِلَّا قَلِيلًا ﴾

18. Батаҳқиқ, Аллоҳ ичингиздаги (жиҳодга) тўсиқлик қилгувчиларни ҳам ва ўз биродарларига: «Биз томон келинг», деювчиларни ҳам билур. Улар жангга келмаслар, илло, озгина келурлар.

Яъни, Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билиб тургувчи зот. Сизнинг ичингизда одамларнинг жиҳодига тўсқинлик қилувчи, уларнинг шаштини қайтарувчи мунофиқлар ва иймони заифлар борки, уларни яхши билади.

«Батаҳқиқ, Аллоҳ ичингиздаги (жиҳодга) тўсиқлик қилгувчиларни ҳам» билади.

Уларнинг нима қилаётганларини кўриб, нима деяётганларини эшитиб турибди.

Шунингдек, Аллоҳ уларнинг орасидаги ўзларига ўхшаган кофир ва мунофиқларга:

«Биз томон келинг», деювчиларни ҳам билур».

Яъни, Муҳаммадга қўшилманглар, деяётганини эшитиб турибди.

«Улар жангга келмаслар, илло, озгина келурлар.»

У одамлар асло жангга келмаслар. Келсалар ҳам, хўжа кўрсинга бир озгинага келиб, бир четдан қайтадилар.

Агар, мабодо келсалар ҳам,

﴿ أَشْحَةً عَلَيْكُمْ فَإِذَا جَاءَ الْخَوْفُ رَأَيْتَهُمْ يَنْظُرُونَ إِلَيْكَ تَدُورُ أَعْيُنُهُمْ كَالَّذِي يُغَسِّقُ عَلَيْهِ

مِنَ الْمَوْتِ فَإِذَا ذَهَبَ الْخَوْفُ سَلَقُوكُمْ بِالسِّنَةِ حَدَادٍ أَشْحَةً عَلَى الْخَيْرِ أَوْلِيَاكُمْ لَمْ يُؤْمِنُوا
فَأَحْبَطَ اللَّهُ أَعْمَالَهُمْ وَكَانَ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا

19. Сизларга нисбатан бахиллик қилган ҳолларида (келурлар). **Бас, хавф келган чоғда уларнинг сенга ўлим талвасасидаги кишига ўхшаб, кўзлари айланиб назар солишларини кўрурсан. Бас, хавф кетганда эса, яхшиликка очкўзлик қилиб, сизларга ўткир тиллар ила озор берурлар. Ана ўшалар, иймон келтирмаганлардир. Бас, Аллоҳ амалларини беҳуда кетказди. Бу эса, Аллоҳ учун осон эди.**

Ана ўша жанг майдонида озгина вақтга ҳозир бўлганларида ҳам: **«Сизларга нисбатан бахиллик қилган ҳолларида** (келурлар)».

Улар сизга нисбатан ёмонлик соғинганлари учун, сизнинг фойдангизга вақтларини, кучларини, молу пулларини ва бошқа нарсаларини сарфлашга бахиллик қилдилар.

«Бас, хавф келган чоғда уларнинг сенга ўлим талвасасидаги кишига ўхшаб, кўзлари айланиб назар солишларини кўрурсан.»

Улар хавфни сезганларида, худди сен уларнинг ўлимига сабаб бўлаётгандек қарашларини кўрасан. Уларнинг бу қарашлари, хавфхатарга бизни сен олиб келдинг, мана, энди сенинг гапингга кириб, ўлиб кетадиган бўлдик, деганларини билдиради.

«Бас, хавф кетганда эса, яхшиликка очкўзлик қилиб, сизларга ўткир тиллар ила озор берурлар.»

Уруш тугаб, душман енгилиб, хавфу хатар кетганида, ўлжадан кўпроқ олиш пайида очкўзлик қилиб, сизларга турли бўлмағур, озор берувчи гапларни айтиб, ўткир тилларини ишга соладилар. Уларнинг нима учун бундай қилишлари кейинги жумлада баён этилади:

«Ана ўшалар, иймон келтирмаганлардир».

«Ана ўшалар» мўмин-мусулмонларга қўшилиб, сафарбарликка чиқадиган, одамларнинг жиҳодга бўлган шапшгини пасайтирадиган, ўз биродарларига, биз томонга келинлар, дейдиган, урушга озгинасигина келадиган, мусулмонларга бахиллик қиладиган, хавф келганда мусулмонлар раҳбарига, худди, ўлимимга сен сабабсан, дегандек назар соладиган, хавф кетганда, ўлжа таллашиб уришадиганлар, иймон келтирмаган одамлардир. Улар зоҳиран ўзларини мўмин-мусулмон қилиб кўрсатсалар ҳам, аслида, иймон келтирмагандирлар. Иллат мана шу ерда.

«Бас, Аллоҳ амалларини беҳуда кетказди.»

Чунки, Аллоҳ иймонсиз амални қабул қилмайди.

«Бу эса, Аллоҳ учун осон эди.»

يَحْسَبُونَ الْأَحْزَابَ لَمْ يَذْهَبُوا وَإِن يَأْتِ الْأَحْزَابُ يَوَدُّوْا لَوْ أَنَّهُمْ بَادُوا فِي الْأَعْرَابِ يَسْأَلُونَ عَنْ أَنْبِيَائِهِمْ وَلَوْ كَانُوا فِيكُمْ مَافْتَنَلُوهَا إِلَّا قَلِيلًا

20. Улар аҳзобларни кетмаган деб ҳисобларлар. Агар аҳзоблар яна келсалар, улар аъробийлар ичида, чўлда бўлиб, сизнинг хабарингизни сўраб туришни орзу қилурлар. Агар сизнинг ичингизда бўлганларида ҳам, камдан-кам жанг қилган бўлур эдилар.

Ўша мунофиқ ва иймони заифлар Ислому душманларининг турли гуруҳ ва фирқалари Мадийнага бостириб келганларида шунчалик қўрққан эдиларки, ҳатто, уруш тугаб, аҳзоблар шарманда бўлиб, ортларига қайтиб кетсалар ҳам:

«Улар аҳзобларни кетмаган деб ҳисобларлар».

Кофир гуруҳларнинг мусулмонларга ҳеч бир зарар етказа олма қайтиб кетганлари мунофиқлар ва иймони заифларнинг тасаввурига сифмайди. Улар аҳзобларни қайтиб кетмаган деб ҳисоблайдилар. Улар шунчалик тубанликка етишганки:

«Агар аҳзоблар яна келсалар, улар аъробийлар ичида, чўлда бўлиб, сизнинг хабарингизни сўраб туришни орзу қилурлар».

Ҳа, мабодо, кофирларнинг турли фирқалари жам бўлиб, яна бир бор қайтиб, бостириб келиб қолсалар, мунофиқлар ва иймони заифлар Мадийнани ташлаб, чўлга қочиб бориб, ўша ердаги аъробийларга қўшилиб олишни ва ўша ердан сизга нима бўлганини сўраб туришни орзу қиладилар.

Мабодо, саҳрога аъробийлар ичига қочиб кетмай, Мадийнада қолиб,

«Агар сизнинг ичингизда бўлганларида ҳам, камдан-кам жанг қилган бўлур эдилар».

Шунинг учун, уларнинг қилмишидан таъсирланмаслик керак. Уларнинг борида йўғи яхши. Сизлар уларга эътибор берманглар. Сизлар учун эътибор беришга лойиқ, ўрناق олишга муносиб шахс бор.

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا

21. Батаҳқиқ, сизлар учун, Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расуллоҳда гўзал ўрناق бор эди.

Ҳа, мўмин-мусулмонлар учун гўзал ўрناق манбаи уларнинг маҳбуб Пайғамбарлари Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васал-

ламдирлар. У киши ҳар бир нарсада, ҳар бир сўзда, ҳар бир ишда мўминлар учун гўзал ўрнақдирлар.

Оҳ, қани энди, ҳамма шу ўрнакнинг моҳиятини тушуниб етса! Расулуллоҳнинг гўзал ўрнак бўлган гап-сўзлари ҳаводан олинган нутқ эмас, Аллоҳдан қилинган ваҳийдир. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган ишлари Аллоҳнинг амри биландир. Ана шундай гап-сўз гўзал ўрнак бўлмай, қайси гап-сўз гўзал ўрнак бўлиши мумкин. Ана шундай ишлар гўзал ўрнак бўлмай, бошқа қайси ишлар гўзал ўрнак бўлсин.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аҳзоб урушида ҳам, одатдагидек, энг гўзал намуналарни кўрсатдилар. Хавф-хатар тас-вирлаб бўлмайдиган даражада катта эканига қарамай, заррача қўрқмасдан, Мадийнани ҳимоя қилишга чиқдилар. Душманга қарши нима чора кўриш кераклиги ҳақида саҳобалар билан маслаҳат қилдилар. Салмони Форсий розияллоҳу анҳунинг фикрларини қабул этиб, хандақ қазишни бошладилар.

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай хатарли ва нозик бир пайтда мўмин-мусулмонлар учун ишонч, орзу-умид, хотиржамлик тимсолига айландилар. Ким тушқунликка тушса, қўрқса, иккиланса, умидсизланса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриши билан бу туйғуларидан фориг бўлар эди.

Хандақ қазиш ишларида Ул зот ҳаммага ўрнак бўлиб, тер тўқдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ер қазир, тупроқ сураб ва замбил кўтарар эдилар. Оғир меҳнат енгилласин учун жўр бўлиб, шеър ўқиган саҳобаи киромларга ўзларининг муборақ овозлари билан қўшилар эдилар.

Мусулмонлардан бирининг номи Жуъбайл (қўнғиз) эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг исмини «Амр» деб ўзгартирдилар. Бундай хавфли пайтда хунук исмдан қутулиш кайфиятни кўтарар эди. Мусулмонлар бундан хурсанд бўлиб, исм ўзгарганини байтга солиб, банд овоз билан айта бошладилар. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам байтнинг охирида уларга жўр бўлиб турдилар.

Саҳобалардан Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу ёш бўлишига қарамай, тупроқ ташир эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўриб: «Қандоқ ҳам яхши бола экан-а?» деб эркалатдилар. Иш давомида чарчаб, Зайд ибн Собит хандақда ухлаб қолди. Шунда Аммора ибн Ҳазм унинг қуролини олиб қўйди. Уйғонгач, Зайд қуроли йўқлигини кўриб, қўрқиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа, уйқучи, ухлаб ётганингда қуролнинг кетиб қолибдими?» деб ҳазил қилдилар. Сўнгра:

«Бу боланинг қуролини ким билади?» деб сўрадилар. Аммора:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, у менда», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Унга қуролини қайтар», дедилар-да, кейин мусулмон кишининг ўзига билдирмай, бирор нарчасини олиб қўйиб қўрқитишдан қайтардилар.

Хандақ қазиётганида, Салмони Форсий розияллоҳу анҳунинг олдидан катта харсангтош чиқиб қолди. У харсангни синдира олмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни кўриб, чўқморни унинг қўлидан олдилар. Куч билан харсангни урган эдилар, ўт чақнаб кетди. Яна бир урган эдилар, яна ўт чақнади. Учинчи марта урган эдилар, учинчи марта ҳам ўт чақнади. Шунда Салмони Форсий розияллоҳу анҳу:

«Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй, Аллоҳнинг Расули, мен кўрган нарса нима ўзи? Зарба берганингизда ўт чиқди?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сен ўшани ростдан кўрдингми, эй Салмон?» деб сўрадилар. Салмон розияллоҳу анҳу:

«Ҳа», деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Биринчиси билан Аллоҳ таоло менга Яманни фатҳ қилди. Иккинчиси билан Аллоҳ менга Шомни фатҳ қилди. Учинчиси билан Аллоҳ менга Мағрибни фатҳ қилди», дедилар.

Бу хабар яшин тезлигида мусулмонлар ичида тарқалди. Уларнинг руҳлари юксалди, ғалабага бўлган ишончлари мислсиз даражада ортди.

Шу билан бирга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тинмай Аллоҳ таолога ёлборар, намоз ўқиб, муножот қилар, Роббул оламинининг Ўзидан нусрат сўрар эдилар. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси мусулмонлар учун гўзал ўрнақдир. Шунинг учун ҳам, ўзларидан кўра сон ва қурол жиҳатидан ғоятда устун бўлган аҳзобларни кўрган мўминлар заррача қўрқмадилар.

وَلَمَّا رَأَى الْمُؤْمِنُونَ الْأَحْزَابَ قَالُوا هَذَا مَا وَعَدَنَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَصَدَقَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَمَا زَادَهُمْ إِلَّا إِيمَانًا وَتَسْلِيمًا ﴿٦٦﴾

22. Мўминлар аҳзобларни кўрганларида: «Бу бизга Аллоҳ ва Унинг Расули ваъда қилган нарсадир. Аллоҳ ва Унинг Расули рост сўзларлар», дедилар. Бу уларга иймон ва таслимдан бошқа нарсани зиёда этмади.

Ўша урушда – Аҳзоб урушида мусулмонларнинг сони уч мингта эди. Уларга қўшимча мадад келиши мумкин ҳам эмас. Чунки, ер

юзидан улардан бошқа мусулмон йўқ эди. Мушрик ва кофирлар аҳзобининг эса, сон-сановига етиб бўлмас эди. Биргина қурайшликлар лашкари ўн минг кишидан иборат эди. Бунинг устига, турли қабилаларни жамлаган ғатафонликлар, Бани Қурайза яҳудийлари ва бошқалар. Уларга яна қўшимча мадад кучлари келиши мумкин эди. Чунки, ўша пайтда дунё кофир ва мушрикка тўлиб кетган эди. Биров аҳзобларга ёрдамга келса, йўлини тўсадиган одам ҳам йўқ эди.

Ана шундай пайтда кичик бир манзил атрофига хандақ қазиб олиб қамалда қолган кишилар ким бўлишидан қатъиназар, устларига бостириб келган сонсиз-сановсиз фирқаларни кўрганларида, даҳшатга тушишлари турган гап эди. Хусусан, камон, қилич, найза ва тош билан уруш олиб бориладиган ўша пайтда ҳар бир жангчи катта куч ҳисобланарди. Инсоний ўлчовга кўра, кимнинг сони кўп бўлса, ўша ғолиб келиши керак эди. Аммо Аллоҳ ва Унинг Расулига иймон келтирган мўмин-мусулмонлар бу ўлчовдан устун бўлдилар.

«Мўминлар аҳзобларни кўрганларида: «Бу бизга Аллоҳ ва Унинг Расули ваъда қилган нарсадир. Аллоҳ ва Унинг Расули рост сўзларлар», дедилар.»

Мўмининг иши ўз-ўзидан жўнлашиб кетавермаслигини, балки турли синов ва имтиҳонлар бўлишини, кофир ва мушриклар бизга қарши чиқишини, бизга душманлик қилишини ва улар билан курашда биз ютиб чиқишимизни бизга Аллоҳ таоло ҳам, Унинг Расули ҳам айтган эдилар. Улар рост айтадилар, мана, ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз, кофирларнинг аҳзоблари устимизга бостириб келдилар, дедилар.

«Бу уларга иймон ва таслимдан бошқа нарсани зиёда этмади.»

Яъни, кофирларнинг аҳзоб бўлиб, сонсиз-сановсиз ададда устларига бостириб келишлари мўминларга иймондан ва Аллоҳ таолога бутунлай ўзларини топширишдан бошқани зиёда қилмади. Уларнинг иймон-эътиқодлари ва мусулмончиликлари яна ҳам кучайди. Ҳа, иймон келтирган, мусулмон бўлган одамлар ана шундай одамлардир.

مِنَ الْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا مَا عَاهَدُوا اللَّهَ عَلَيْهِ فَمِنْهُمْ مَّنْ قَضَىٰ نَحْبَهُ وَمِنْهُمْ مَّنْ يَنْتَظِرُ وَمَا بَدَّلُوا تَبْدِيلًا

23. Мўминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига содиқ қолган кишилар бордир. Бас, улардан баъзилари ажалини топди. Баъзилари эса, интизор бўлиб турибдир. Улар бирор нарсани алмаштирмадилар.

Оғир пайтларда сабр қила олмаган мунофиқлар ва иймони заифлардан фарқли ўлароқ:

«Мўминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига содиқ қолган кишилар бордир».

Яъни, мўминлар ичида Аллоҳ таолонинг йўлида жонини фидо қилишга аҳду паймон берган кишилар бор. Улар мунофиқ ва иймони заифлар каби қўрқоқлик қилмайдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи қилган ривоятда бундай дейилган:

«Ушбу оятда назарда тутилган кишилардан бири Анас ибн Назр розияллоҳу анҳу Бадр урушида қатнашмай қолган эди. Бу иш унга жуда оғир ботди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иштирок этган биринчи урушда ғойиб бўлдимми?!» деб афсусланиб юрарди. Шу билан бирга: «Агар Аллоҳ таоло кейинчалик менга бир урушни кўрсатса, менинг нима қилишимни Аллоҳнинг ўзи кўради», дер эди. Уҳуд уруши куни Анас ибн Назр розияллоҳу анҳу ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан урушга чиқди. У йўлда кетаётиб Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳуни учратди ва унга: «Эй Абу Амр! Оҳ, оҳ! Жаннатнинг ҳиди қаёқдан келмоқда! Мен унинг Уҳуд томондан келаётганини сезяпман!» деди. Урушга кириб, шаҳид бўлгунича жанг қилди. Унинг жасаидан саксондан ортиқ найза, қилич ва камон ўқи изларини топдилар. Унинг синглиси Рубаййиъ бинти Назр: «Акамни фақат бармоғидан таниб олдим, холос», дегандилар.

Алҳамдулиллаҳ, мусулмонлар ичида бу кишига ўхшаб жонини фидо этганлар жуда кўп чиқди. Уларнинг фидойиликлари Исломга, мусулмонларга шону шуҳрат келтирди ва келтирмоқда.

«Бас, улардан баъзилари ажалини топди.»

Анас ибн Назр розияллоҳу анҳуга ўхшаб шаҳиди аъло бўлди. Орзуига эришди. Ўзи кўзлаган олий мақомга етишди.

«Баъзилари эса, интизор бўлиб турибдир.»

Ажаллари етмаганлари шаҳид бўлишга, Аллоҳга берган аҳдни амалга оширишга зору интизор турибди.

«Улар бирор нарсани алмаштирмадилар.»

Бу мўминлар Аллоҳга берган аҳду паймонларини ҳеч нарсага алмаштирмадилар.

Мунофиқларнинг Аллоҳга берган аҳдларига хиёнат этишларида ҳам, мўминларнинг Аллоҳга берган аҳдларига вафо қилишларида ҳам ҳикмат бордир. Яъни:

لِيَجْزِيَ اللَّهُ الصَّادِقِينَ بِصِدْقِهِمْ وَيُعَذِّبَ الْمُنَافِقِينَ إِنْ شَاءَ أَوْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٧٤﴾

24. Аллоҳ содиқларни садоқатлари сабабидан мукофотлаш учун ва мунофиқларни Аллоҳ хоҳласа, азоблаши ёки тавбасини қабул қилиши учундир. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳимлидир.

Ҳа, Аллоҳ таоло Аҳзоб урушига ўхшаш қийин ҳолатларни мусулмонларнинг бошига ҳар бир замонда солиб туриши бежиз эмас.

«Аллоҳ содиқларни садоқатлари сабабидан мукофотлаш учун ва мунофиқларни Аллоҳ хоҳласа, азоблаши ёки тавбасини қабул қилиши учундир».

Ана шундай оғир вазиятларда иймонига содиқлар садоқатларини кўрсатадилар ва Аллоҳ таоло уларни садоқатларига яраша мукофотлайди. Шунингдек, оғир ҳолларда мунофиқларнинг мунофиқлиги ҳам ошкор бўлади ва Аллоҳ таоло хоҳласа, тавбаларини қабул қилиб, гуноҳларини кечиради, хоҳласа, жазоларини беради. Зотан:

«Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳимлидир».

Кейинги оятларда Аҳзоб уруши якуни ҳақида сўз кетади:

وَرَدَّ اللَّهُ الَّذِينَ كَفَرُوا بِغَيْظِهِمْ لَمْ يَنَالُوا خَيْرًا وَكَفَى اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ الْقِتَالَ وَكَانَ اللَّهُ

قَوِيًّا عَزِيزًا ﴿٢٤﴾

25. Ва Аллоҳ куфр келтирганларни ғазаблари ила ортларига қайтарди. Улар ҳеч бир яхшиликка эриша олмадилар. Мўминлар учун урушда Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилди. Ва Аллоҳ кучли ва азиз зотдир.

Кофирлар қалблари мусулмонларга қарши қаҳр-ғазабга тўлган ҳолда, уларни қириб ташлаш мақсадида тўп-тўп бўлиб, бостириб борган эдилар. Аммо ёвуз ниятларига эриша олмадилар. Мусулмонларга улар бирор ёмонлик етказолмадилар. Қайтага, ўзлари оғир аҳволда қолиб, қалблари тўла ғазаб билан ортларига қайтиб кетишга мажбур бўлдилар.

«Аллоҳ куфр келтирганларни ғазаблари ила ортларига қайтарди.»

Совуқ қиш кунда қаттиқ шамолга дош беролмай, келган жойларига қайтишга мажбур бўлдилар. Уларнинг ғазаблари ичида қолди.

«Улар ҳеч бир яхшиликка эриша олмадилар.»

На бу дунё ҳисобида, на у дунё ҳисобида заррача яхшиликка эга бўла олмадилар.

«Мўминлар учун урушда Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилди.»

Уларни овора қилиб, урушга киритиб ўтирмади. Ўзи совуқ ва кучли шамол юбориб, фаришталарни тушириб, кофирларнинг додини берди.

«Ва Аллоҳ кучли ва азиз зотдир.»

Унинг кучи ҳар қандай кучдан устун. Унинг кучи ҳар қандай «аҳзоб»-нинг кучидан кўп. У азиз — барчанинг устидан ғолиб бўлган зотдир.

وَأَنْزَلَ الَّذِينَ ظَاهَرُوهُمْ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مِنْ صَيَاصِيهِمْ وَقَذَفَ فِي قُلُوبِهِمُ الرُّعْبَ
فَرِيقًا تَقْتُلُونَ وَتَأْسِرُونَ فَرِيقًا

26. Ва У зот уларга ёрдам берган аҳли китоблардан бўлганларни қўрғонларидан туширди ва қалбларига қўрқинч солди. Бир гуруҳини ўлдирурсизлар ва бир гуруҳини асир олурсизлар.

Кофирлар аҳзобига ёрдам берган аҳли китоблар яҳудийлардир. Яна ҳам аниқроғи, яҳудийларнинг Бани Қурайза қабиласидир.

Аҳзоб урушини қўзғаганлар Ҳайй ибн Ахтоб бошлиқ Бани Назир яҳудийлари эканлиги, улар бориб мушрикларни бошлаб келганлари олдин айтиб ўтилган эди. Шунингдек, улар Бани Қурайза қабиласининг хиёнатларига сабаб бўлганлари ҳам айтиб ўтилган эди.

Энг оғир вазиятда Бани Қурайза яҳудийлари Расули Акрам солаллоҳу алайҳи васаллам билан тузган аҳдларини бузиб, душман томонга ўтиб олишлари мушрикларнинг хужумидан ҳам хавфли эди. Шунинг учун, бу совуқ хабарни эшитишлари билан Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам қаттиқ ташвишга тушдилар. Чунки яҳудийлар шаҳар ичида мусулмонлар билан бирга яшар эди. Хабарни эшитишлари билан Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам араблардан Авс қабиласининг бошлиғи Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳуни, Хазраж қабиласи бошлиғи Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳуни, шунингдек, Абдуллоҳ ибн Равоҳа розияллоҳу анҳу ва Ҳавват ибн Зубайр розияллоҳу анҳуни юбордилар. Уларга: «Бориб қаранглар-чи, анави қавм ҳақида бизга етган нарса ростми ёки йўқми? Агар рост бўлса, менга бир ишора қилиб қўйинглар, одамларнинг ҳафсаласини пир қилманглар. Агар биз билан ўзлари орасидаги аҳдга вафо қилиб турган бўлсалар, одамларнинг ичида баралла айтинглари», дедилар.

Улар чиқиб, Бани Қурайза олдига бордилар ва ўзларига етган хабардан ҳам баттар ҳолга дуч келдилар. Яҳудийлар Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг шаънларига бўҳтон гаплар айтишарди: «Расулуллоҳ ким бўлибди? Биз билан Муҳаммад ўртасида аҳд ҳам йўқ, паймон ҳам йўқ», дер эдилар. Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу тоқат қила олмай, улар билан сўкишиб кетди. Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу: «Улар билан сўкишишни қўй. Орага сўкишишдан каттароқ нарса тушди», деди. Қайтиб бориб, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламга ишора билан иш қандай эканини етказдилар.

Ана шунда вазият яна ҳам жиддийлашди. Хавф-хатар яна ҳам кучайди. Мусулмонлар икки ўт орасида қолдилар. Бундай нозик пайтда мунофиқлар ҳам бош кўтариб қолишди.

Аммо, Аллоҳ таоло Пайғамбарини ва мўмин бандаларини қўлаб-қувватлади. Уларга зафарни ёр этди. Кофир ҳизблари ноумид бўлиб, келган томонларига қараб кетдилар. Улар бор имкониятларини ишга солиб, ҳамма арабларни тўплаб келсалар ҳам, бирор нарса қила олмадилар. Улар Расулulloҳга ва мусулмонларга зарар етказмадилар, умидлари узилиб, ортга қайтдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар эса, Мадийнага музаффар бўлиб қайтдилар. Одамлар қурола-рини қўйиб, ҳордиқ чиқара бошладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Умму Салама онамизнинг ҳужраларида ғазотдаги чанг-кирлардан покланиш учун ғул қилаётган эдилар, ҳузурларига Жаброил алайҳиссалом келиб:

«Қуролни қўйдингми, эй, Аллоҳнинг Расули?» деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа», дедилар. Жаброил алайҳиссалом:

«Лекин фаришталар қуролларини қўйганлари йўқ? Ҳозир душманни қувишдан қайтаётган пайтим», деди. Сўнгра:

«Аллоҳ таборака ва таоло Бани Қурайза томон юришингни буюради», деди. Бани Қурайза Мадийнадан бир неча масофа четроқда яшар эди. Пешин вақти эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб одамларга:

«Ҳамма асрни Бани Қурайзадан бошқа жойда ўқимасин», дедилар.

Одамлар йўлга тушдилар. Улар йўлда кетар эканлар, намоз вақти бўлди. Баъзилар, Пайғамбаримиз ҳалиги гапни тез юришни кўзлаб айтдилар, деб намозни ўқиб олдилар. Қолганлар эса, Бани Қурайзадан ўқиймиз, деб ўқимадилар. Аммо биров бировни айбламади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнага Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни ноиб қилиб қолдирдилар. Байроқни Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга бериб, йўлга тушдилар. Бани Қурайзанинг қўрғонларига етиб борганларида:

«Эй, маймунларнинг биродарлари! Аллоҳ сизларни хор қилиб, устингизга ғазабини туширдими?!» дедилар. Улар:

«Эй, Абул Қосим! Жоҳил бўлмаганмисан», дейишди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам лашкарлари билан бориб, Бани Қурайзанинг қудуқларидан бирининг атрофига жойлашдилар. Бани қурайзаликлар қўрғонлари ичига беркиниб олиб, урушга чиқмадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни қамал қилдилар. Қамал йигирма беш кун давом этди.

Бани қурайзаликлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишда жиддий турганликларини, уларни ўз ҳолларига ташлаб кетмасликларини англаб етиб, ўзаро маслаҳат қила бошлашди. Улар ичида аҳдлашган бошқа қабила вакили Каъб ибн Асад исми киши ҳам бор эди. Ўша Каъб ибн Асад уларга масалани ҳал қилишнинг уч йўлини таклиф этди:

Биринчиси, мусулмон бўлиш. Бани Қурайза бу таклифни қабул қилмади.

Иккинчиси, уруш қилиш. Бани Қурайза бу таклифни ҳам рад этди.

Учинчиси, шанба куни тўсатдан ҳужум қилиш. Эҳтимол, Муҳаммад ва унинг шериклари буни кутмаслар. Бани Қурайза бу таклифга ҳам кўнмади.

Охири, таслим бўлишга келишишди. Лекин бунинг натижаси нима бўлишини ҳеч ким билмас эди. Шунинг учун, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам йўллаб, Абу Лубоба бизнинг олдимизга келсин, дейишди. Абу Лубоба розияллоҳу анҳу уларнинг олдига борганида, эркак-аёл, болалар уни ўраб олиб, дод-вой қилиб, арз эта бошлашди. Абу Лубобанинг раҳми келди. Улар:

«Сенингча, Муҳаммаднинг ҳукмига ўзимизни топширсак, маъқулми?» дейишганида, у киши:

«Ҳа», деди-да, қўлини томоғи тагидан ўтказиб, ҳамманг сўйиласан, деган ишорани қилди. Лекин шу лаҳзада, Расулуллоҳга хиёнат қилдим, деб афсусланди. Сўнг бирдан ўзини тутиб, тўғри масжидга кирди ва ўзини масжиднинг устунларидан бирига боғлаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени кечирмагунларича шу ҳолда туравераман, деди. Бани қурайзаликлар ўзларини Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳунинг ҳукмига топширишга қарор қилдилар. Саъд ибн Муоз ва у кишининг қабиласи Авс бани қурайзаликлар билан аҳдлашишган эди. Улар Абдуллоҳ ибн Убай Бани Қайниқоъга яхшилик қилиб, уларни бўшаттириб юборганидек, Саъд ҳам бизга яхши муомалада бўлади, деб ўйладилар. Аммо улар Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳунинг Аҳзоб урушида билагидаги ўқ томирига камон ўқи тегиб, ярадор ҳолда ётганини билишмасди.

Ярадор ҳолда ётган Саъд розияллоҳу анҳу:

«Эй бор Худоё! Агар яна Қурайш билан бирор урушни қолдирган бўлсанг, мени ҳам ўша уруш учун қолдиргин. Агар биз билан уларнинг орасида урушни тўхтатган бўлсанг, ярамни ёриб юбор. Бани Қурайзадан кўзим қарор топмагунча мени ўлдирмагин», деб дуо қилган эдилар. Аллоҳ таоло унинг дуоларини қабул этди. Бани қурайзаликлар ўз ихтиёрлари билан унинг ҳукмига жонларини топширдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳуни Мадийнадан олиб келишни буюрдилар. Саъд ибн Муоз

розияллоҳу анҳуни эшакка миндириб, олиб келишди. У киши яқинлашишлари билан Авс қабиласининг одамлари ўраб олиб:

«Эй Саъд! Улар дўстларинг. Уларга яхшилик қил», дея бошлашди. Улар Саъднинг бани қурайзаликларга раҳмини келтириш учун турли гапларни айтишарди. У бўлса, индамай келар эди. Охири келиб:

«Батаҳқиқ, Саъдга Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломати қилмайдиган вақт етди», дедилар. Одамлар: ҳа, энди уларни соғ қўймас экан, деган фикрга келишди.

Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чодирларига яқинлашганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга:

«Улуғларингизни туриб кутиб олинглар», дедилар.

Мусулмонлар ўринларидан туриб, Саъд розияллоҳу анҳуни уловдан туширдилар. У киши ўтирганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бани Қурайзага ишора қилиб:

«Анавилар ўзларини сенинг ҳукмингга топширишди. Улар ҳақида хоҳлаган ҳукмингни қил», дедилар. Саъд розияллоҳу анҳу:

«Менинг ҳукмим уларга ўтадимми?» деб сўради. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа», дедилар. Саъд розияллоҳу анҳу:

«Ушбу чодирдагиларга ҳамми?» деди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа», дедилар.

Сўнгга Саъд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан юзини бошқа томонга ўгириб туриб, у зотни улуғлаб, эъзозлаб туриб, у киши томон ишора қилиб:

«Анави томондаги зотга ҳамми?» деб сўради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа», дедилар.

Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу:

«Мен ҳукм қиламанки, уларнинг уруш қиладиганлари қатл этилсин! Зурриётлари асир олинсин! Молу мулклари ўлжа қилинсин!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Батаҳқиқ, Аллоҳ таолонинг етти осмон устида туриб чиқарган ҳукмини қилдинг», дедилар.

Бу шиддатли, аммо адолатли ҳукм эди. Бани Қурайза ўзини ишониб ҳукмига топширган одамнинг ҳукми эди.

«Ва У зот уларга ёрдам берган аҳли китоблардан бўлганларни қўрғонларидан туширди ва қалбларига қўрқинч солди.»

Яъни, Аллоҳ мушриклар аҳзобига ёрдам берган аҳли Тавротдан бўлган бани қурайзаликларни қамалдан сўнг, қўрғонларидан туширди. Уларнинг қалбларига қўрқинч солди. Сизларга қарши урушга ботина олмадилар.

«Бир гуруҳини ўлдирурсизлар ва бир гуруҳини асир олурсизлар.»

Урушга яроқли эркакларини ўлдирасизлар, аёллар ва болаларини асир оласизлар.

وَأَوْثَاقَكُمْ أَرْضَهُمْ وَيُدِيرُهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ وَأَرْضَانَهُمْ تَطْعُوهَا وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرًا ﴿٢٧﴾

27. Ва сизларга уларнинг ерини, ҳовли-жойларини, молу мулкларини ва қадамингиз етмаган ерни мерос қилиб берди. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир зотдир.

Аллоҳ таоло мусулмонларга бани қурайзаликларнинг ерларини, ҳовли-жойларини, молу мулкларини ўлжа қилиб берди.

«Қадамингиз етмаган жойни» дегани, уруш қилиб бормаган жойингизни, деганидир. Бундан Бани Қурайзанинг бошқа жойда ерлари борлиги ва ўша ерлар ҳам мусулмонлар ихтиёрига ўтгани тушунилади. Баъзи уламоларимиз, бу ер «Хайбар» номли жой, деганлар. Баъзилари: келажақда мусулмонлар қўлига ўтажак ҳамма ерлар, дейишган.

«Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир зотдир.»

Шунинг учун ҳам бу ишларни ҳеч бир машаққатсиз амалга оширди. Уруш мусулмонлар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам хоҳламасалар ҳам, кофир ва мушриклар томонидан содир этилган бир ҳолат эди. Мусулмонлар тинчгина ҳаёт кечириб, ўз жамиятларини қураётган, мустақкамлаётган эдилар. Уларнинг тинч ҳаёт жараёнида эришаётган муваффақиятлари кофир ва мушрикларнинг ичини ёндириб, улар мусулмонларни таг-томирлари билан қириб ташлаш мақсадида турли аҳзобни тўплаб, бостириб келган эдилар. Аллоҳ урушда мусулмонларга нусрат берди. Уруш тугаши билан мусулмонлар яна тинч ҳаёт қуришга киришдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон шахсни, мусулмон жамиятни, мусулмон давлатни барпо этишда Аллоҳнинг таълимотларини ҳаётга тадбиқ этишни яна бошладилар. Уларни жоҳилият иллатларидан поклашда давом этдилар. Шунинг учун ҳам, Аҳзоб уруши ҳақидаги оятлардан сўнг бевосита мазкур масалаларга боғлиқ оятлар келди. Бу сафар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига тегишли оятлар келди. Аввал бу покиза, муниса аёллар мўминларнинг оналари эканлиги айтиб ўтилган эди. Энди эса, ўша олий мақом улардан нималарни талаб қилиши ҳақида сўз кетади:

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ قُلْ لِأَزْوَاجِكَ إِن كُنْتُنَّ تُرِدْنَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَزِينَتَهَا فَتَعَالَيْنَ
 أُمْتَعَنَّ وَأَسْرَحَنَّ سَرًا حَسْبًا جَمِيلًا وَإِن كُنْتُنَّ تُرِدْنَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالْآخِرَةَ
 فَإِنَّ اللَّهَ أَعَدَّ لِلْمُحْسِنَاتِ مِنكُنَّ أَجْرًا عَظِيمًا

28. Эй Набий, жуфти ҳалолларинга: «Агар бу дунё ҳаётини ва унинг зийнاتини ирода қилсангиз, келинлар, сизларни баҳраманд қилай ва чиройли бўшатиш ила бўшатиб қўяй.

29. Агар Аллоҳни ва Унинг Расулини ва охират диёрини ирода қиладиган бўлсангиз, бас, албатта, Аллоҳ сизлардан гўзал амал қилгувчиларга улуғ ажрни тайёрлаб қўйган», деб айт.

Ушбу икки ояти кариманинг нозил қилинишига Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам билан у кишининг тоҳира аёллари орасида ўтган ҳодиса сабаб бўлган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал бу ҳақда Жобир розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Абу Бакр розияллоҳу анҳу Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун келганларида, одамлар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшиклари олдида туришган эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ичкарида ўтирган эдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳуга изн берилмади. Сўнгра Умар розияллоҳу анҳу келди. Изн сўрадилар, унга ҳам изн берилмади. Кейин Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумоларга изн берилди, улар ичкарига кирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жим ўтирардилар. Умар розияллоҳу анҳу (ўзича) бир гап қилай, шояд, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хурсанд бўлсалар, деб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Зайднинг қизи (Ҳазрати Умарнинг хотини) ҳозиргина мендан нафақа сўраган эди, бўйнига болаб туширдим!» дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кулиб юбордилар, тишлари кўриниб кетди. Сўнгра:

«Манавилар ҳам атрофимни ўраб олиб, нафақа сўрашмоқда», дедилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу Оишани ургани ўринларидан турдилар. Умар розияллоҳу анҳу Ҳафсани ургани турдилар. Икковлари ҳам:

«Расулуллоҳдан у кишининг ҳузурларида йўқ нарсани талаб қиласизларми?» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни қайтардилар. Шундан сўнг «хиёр» деб номланган ушбу икки оят нозил бўлди:

«Эй Набий, жуфти ҳалолларинга: «Агар бу дунё ҳаётини ва унинг зийнатини ирода қилсангиз, келинлар, сизларни баҳраманд қилай ва чиройли бўшатиш ила бўшатиб қўяй», деб айт.

Яъни, ҳаёти дунё матоҳларидан керагини берай-да, сизларни талоқ қилай.

«Агар Аллоҳни ва Унинг Расулини ва охират диёрини прода қиладиган бўлсангиз, бас, албатта, Аллоҳ сизлардан гўзал амал қилгувчиларга улуғ ажрни тайёрлаб қўйган», деб айт.»

Ушбу икки оятдаги буйруққа биноан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир аёлларига ёки бу дунё ҳаёти ва унинг зийнати, ёки Аллоҳ, Унинг Расули ва охиратни ихтиёр қилишини сўраб чиқишлари керак эди. У зоти бобаракот бу ишни Оиша онамиздан бошладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизга:

«Мен сенга бир ишни айтаман. Шошилмасдан, ота-онанг билан маслаҳат қилиб жавоб бергин», дедилар. Оиша онамиз:

«У қандай нарса?» дедилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Набий, жуфти ҳалолларингга...» оятини ўқиб бердилар. Оиша онамиз:

«Сиз ҳақингизда ота-онам билан маслаҳат қиламанми?! Йўқ! Мен Аллоҳни ва Унинг Расулини ихтиёр қиламан. Сиздан илтимос, нимани ихтиёр қилганимни бошқа хотинларингизга айтмасангиз», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло мени қўпол қилиб эмас, муаллим ва енгиллатувчи қилиб юборган, улардан ким сенинг нимани ихтиёр қилганингни сўраса, айтиб бераман», дедилар.

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча жуфти ҳалолларига икки ихтиёрдан бирини танлашга изн бердилар, ҳаммалари Оиша онамиз танлаган нарсани танладилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари учун, оилалари учун содда ва камтарона ҳаёт тарзини ихтиёр қилган эдилар. Ул зот дабдабали ҳаёт кечириш имкони йўқлигидан эмас, ноилож қолиб ҳам эмас, агар бутун дунё бор зийнатлари билан оёқлари остида турганида ҳам фақирона кун кўришни афзал билардилар. Кўпчилик мусулмонларга ўхшаб бир оз камтарроқ кун кўрар эдилар. Дунё ва унинг зийнатларидан ўзларини юқори тутардилар. Пайғамбаримиз билан бир ёстиққа бош қўйган оналаримиз бутун оғирликларни бўйинларига олиб, ҳамма муслима аёлларга ўрнак бўлиб ҳаёт кечирдилар. Улар ер юзидаги энг улуғ инсон билан бирга оила қуриб яшар эдилар. Уларнинг уйларида инсониятга икки дунё саодатини қиёматгача кўрсатиб берувчи илоҳий дастур – Қуръони Каримнинг оятлари нозил бўлиб турар эди. Шу билан бирга, улар инсон эдилар. Бошқаларга ўхшаган оддий инсон фарзанди эдилар. Исломи дини қувватга кириб, жамият ва давлат шаклланиб, имкониятлар очилганидан кейин, энди биз ҳам бир оз бошқалар каби

манфаатлансак бўлар, деган фикрга борган бўлишлари мумкин. Шунинг учун, Ҳазрати Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан нафақаларини яхшилашни сўраган бўлсалар керак. Лекин бу ишлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хуш келмади. Ул зот маъюс бўлиб, сукут сақлаб, уйдан чиқмай ўтириб олдилар. Ҳузурларига киришга рухсат сўраганларга изн ҳам бермадилар.

Ниҳоят, бу масаланинг кескин жавоби Аллоҳ таолонинг Ўзидан келди. Оналаримиз кундалик маийший нафақалари ҳақидагина сўрашган бўлса ҳам, жавоб умумий тарзда келди. Ёки бу дунё, ёки охират. Ёки бу дунёнинг матоҳи, ёки Аллоҳнинг розилиги ва жаннати, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлиш. Албатта, оналаримиз Аллоҳни, Унинг Расулини ва охиратни ихтиёр қилдилар.

Ислом ҳалол-пок ва шукри келтириладиган дунё матоҳини ҳаром қилмаган. Мусулмонларга бу дунёдаги насибаларини унутмасликни тавсия этган. Лекин Аллоҳ таоло Пайғамбарлик уйининг, ҳаммага ўрнак бўладиган жойнинг дунё матоҳига муносабатда алоҳида ажраб туришини ҳам ирода қилди. Шу боисдан, келаси оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг покиза жуфти ҳалолларига — оналаримизга алоҳида хитоб этади:

يٰۤاَيُّهَا النِّسَاءُ التِّيَّيَ مِنْ يٰۤاَتٍ مِّنْكَنَّ بِفَحِشَةٍ مَّبِيْنَةٍ يُّضَعَفُ لَهَا الْعَذَابُ ضِعْفَيْنِ
وَكَانَ ذٰلِكَ عَلَى اللّٰهِ يَسِيْرًا

30. Эй, Набийнинг аёллари! Сиздан ким очиқ гуноҳ қилса, унга бериладиган азоб икки марта кўпайтирилур. Бу эса, Аллоҳ учун осон бўлган ишдир.

Аслида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоҳира аёлларидан очиқ бир гуноҳ содир бўлиш хавфи йўқ. Лекин бу оятда маънонинг бўрттириб келтирилиши оналаримиз бўйниларидаги масъулият қанчалик оғир эканини, уларнинг Ислом жамиятидаги тутган ўринлари нақадар юксаклигини англатиш учундир. Шунинг учун ҳам, улар, мабодо, бирор гуноҳ содир этсалар, оддий аёлларга бериладиган азобга нисбатан икки баробар азоб берилиши таъкидланмоқда. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари мусулмонлар учун гўзал ўрнак бўлганлари каби, у зотнинг оилалари, жумладан, аёллари ҳам гўзал намунадирлар. Ҳамма кўз тикиб турадиган намунали зотлар доимо ўзларига хушёр бўлишлари, ҳеч қачон шариатга хилоф иш қилмасликлари керак.

﴿ وَمَنْ يَفْعَلْ مِنْكُمْ خَيْرًا فَلْيَأْتِرْهُ حَسَنًا وَأَبْغَضَ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ وَمَنْ يَفْعَلْ مِنْكُمْ شَرًّا فَلْيَأْتِرْهُ عَذَابًا يُدْرِكُ الْغُرُوبَ ﴾

رَزَقًا كَرِيمًا ﴿٣١﴾

31. Сизлардан ким Аллоҳ ва Унинг Расулига мудом итоатда бўлса ва яхши амал қилса, унинг ажрини икки марта берамиз ва унинг учун гўзал ризқни тайёрлаганмиз.

Мабодо, оналаримизнинг бирортасидан гуноҳ содир бўлиб қолса, жазо икки марта зиёда қилиб берилиши эълон этилганидан сўнг, улардан ким Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига доимий итоатда бўлса ва яхши амал қилса, ажрининг икки баробар этиб тайинланиши айни адолатдир. Ҳа, улар доимо зиммаларидаги улуғ масъулиятни ҳис этиб яшашлари керак. Шу билан бирга, фақирона, камтарона ҳаёт кечиришлари лозимлиги ҳам аввалги оятларда таъкидланди. Буларнинг ҳаммаси эвазига ажр-савоб икки марта зиёда бўлиши айни адолатдир. Шунингдек, улар учун охиратда, жаннатда Аллоҳ таоло гўзал ризқ тайёрлаб қўйгани ҳам айни адолатдир.

﴿ يٰۤاَيُّهَا النِّسَاءُ اتَّقِيْنَ كَمَا تَقِيْنَ اَنْفُسَكُمْ اِنَّ اَنْتُمْ لَخٰصٰتٌ ۭ فَاَلَا تَحْضَعْنَ بِالْقَوْلِ ۭ فَيَطْمَعَ الَّذِيْ فِيْ قَلْبِهٖ مَّرَضٌ ۭ وَفُلَنْ قَوْلًا مَّعْرُوفًا ﴾

32. Эй, Набийнинг аёллари! Сизлар аёллардан бирортаси каби эмассиз. Агар тақво қилсангиз, майин сўз қилманг, яна, қалбида касали бор бўлган тамаъ қилиб юрмасин. Гапирганда яхши гапни гапиринглар.

Яъни, сизларнинг бошқа ҳамма аёллардан фарқларингиз бор. Сизлар Пайғамбарнинг хотинларисиз, мўминларнинг оналарисиз. Ҳамма мўминалар учун ўрнаксизлар.

Ҳа, сизлар аёллардан бирортаси каби эмассизлар. Бу мақомга эришишларингиз учун Пайғамбарга жуфти ҳалол бўлганингизнинг ўзи етмайди, тақво ҳам қилишларингиз керак.

«Агар тақво қилсангиз, майин сўз қилманг...»

Овозингизни майин, назокатли қилиб, эркак кишига таъсир этадиган ҳолатда гапирманг.

«...яна, қалбида касали бор бўлган тамаъ қилиб юрмасин.»

Мунофиқ ва иймони заифлар сизнинг майин овозингизни эшитиб, фисқу фужурни бошлаб қолмасинлар.

«Гапирганда яхши гапни гапиринглар.»

Амри маъруф бўладиган, кишиларни тақвога, яхшиликка чақирадиган гаплардан гапиринглар.

وَقَرْنَ فِي بُيُوتِكُنَّ وَلَا تَبَرَّجْنَ تَبَرُّجَ الْجَاهِلِيَّةِ الْأُولَىٰ وَأَقِمْنَ الصَّلَاةَ وَآتِينَ
الزَّكَاةَ وَأَطِعْنَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ
وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا

33. Виқор билан уйингизда ўтиринг. Илгариги жоҳилиятнинг очиқ-сочиқлиги каби очиқ-сочиқ юрманг. Намозни тўқис адо этинг, закот беринг, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинг. Албатта, Аллоҳ сиздан кирни кетказиб, бутунлай поклашни хоҳлайди, эй, аҳли байт!

Ушбу оятда яна мўминларнинг оналарига – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига бир неча амр йўлланмоқда:

«Виқор билан уйингизда ўтиринг».

Албатта, ўрнак бўладиган одам доимо виқорини сақламоғи лозим. Шунинг учун, оналаримизга ҳам виқорларини сақлаб, уйларида ўтиришга амр қилинмоқда. Бундан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари уйдан чиқишлари мумкин эмас экан, деган фикр тушунилмайди. Ушбу ояти карималар нозил бўлганидан кейин ҳам оналаримиз уйларида чиққанлар. Нафақат уйдан чиққанлар, балки узоқ-узоқ сафарларга ҳам борганлар.

Мисол учун, Умму Салама онамиз Ҳудайбияга Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам билан борганлар. Оиша онамиз ҳам ҳажга у зот билан бирга борганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин ҳам уйдан чиққанлар, сафарларга борганлар. Бу ерда, араблар одати бўйича, аёл кишининг асосий жойи уй бўлиши кераклигига ишора қилинмоқа. Айниқса, мўминларнинг оналари бўлмиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари виқор билан уйларида ўтиришлари, сабабсиз остона ҳатлаб чиқмасликлари улар учун зийнат ва фазилатдир.

«Илгариги жоҳилиятнинг очиқ-сочиқлиги каби очиқ-сочиқ юрманг.»

Жоҳилият – Исломдан олдинги тузум. У вақтда аёллар очилиб-сочилиб, ясан-тусан қилиб, эркакларнинг эътиборини ўзига тортишга интилар эдилар. Ўзларини бозорга солиб, таналари ва зебу зийнатларини кўз-кўз қилар эдилар. Бундай очилиб-сочилиб юриш «табарруж» дейилади. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг покиза аёлларини жоҳилият тузумининг хотинлари

каби очиқ-сочиқ юрмасликка амр этмоқда. Бу амр ҳар бир муслима аёлга тегишли, лекин ҳар бир муслимага ўрнак бўладиган оналари-мизга янада кўпроқ тегишли экан.

«Намозни тўкис адо этинг...»

Намозни тўкис адо этиш энг зарур амаллардан биридир. Айниқ-са, аёл кишилар учун яна ҳам аҳамиятли. Чунки, фарзандлар доимо улар билан бўлади. Аёлнинг намозни тўкис адо этиши бола тарбиясига сўзсиз таъсир қилади.

«...закот беринг...»

Аёлларнинг молиявий ибодатга алоҳида эътибор билан қарашлари лозимлигини шу оятдан билиб оламиз. Одат бўйича, молиявий ибодатлар эркакларнинг ишига ўхшаб қолган. Лекин Аллоҳ таоло аёл кишига ҳам эркак киши билан тенг мол-дунё касб қилишига изн берганидан кейин, улардан молиявий ибодатни ўз ўрнида адо этишларини ҳам талаб этади.

«...Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинг.»

Бу ҳамма амру фармонларнинг жамловчисидир. Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига итоат қилиш доирасига юқорида зикр этилган ва зикр этилмай қолган бошқа ишлар ҳам киради. Ҳар бир мўмин ва мўмина Аллоҳга ва Унинг Расулига тўла итоат қилмагунича комиллик касб этмайди. Уларга айна комилликдан дарс берувчи зотлар эса, мўминларнинг оналари, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳаралари бўлмоғи лозим. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир ёстиққа бош қўйиб яшаётган аёллар, уйларида Қуръон оятлари тушиб турган бандалар Аллоҳга ва Унинг Расулига биринчи бўлиб итоат қилмасалар, ким итоат қилар эди!

«Албатта, Аллоҳ сиздан кирни кетказиб, бутунлай поклашни хоҳлайди, эй, аҳли байт!»

Ушбу жумладаги «кир», албатта, маънавиятга тегишлидир, яъни, гуноҳлар ва бошқа маънавий доғлар тушунилади. «Аҳли байт» — хонадон аҳллари. Шиъа мазҳабидагилар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «аҳли байт»лари деб ҳазрати Али, Фотима онамиз ва уларнинг фарзандларинигина назарда тутадилар. Аммо Аҳли сунна ва жамоа уламолари ушбу ояти каримани далил қилиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг азвожи мутоҳҳаралари ҳам «аҳли байт»га киришларини айтадилар. Бу мақом улар учун катта бахтдир. «Аҳли байт» дейилишининг ўзи катта гап. Чунки, бу ибора бошқага ишлатилмайди. «Аҳли байт» деганда фақат маҳбуб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хонадон аҳллари тушунилади, холос. Ўша аҳли байтдан кирларни кетказишни Аллоҳ таоло Ўз зиммасига олмоқда. Ўша аҳли байтни бутунлай поклашни Аллоҳ

таоло ўз зиммасига олмақда. Лекин, аввало, уларни одобли, ахлоқли бўлишга, уйларида виқор билан ўтиришга, жоҳилият очиқ-сочиқ-лигидан узоқ туришга, нозу карашма билан гапирмасликка, намоз ўқиб, закот беришга ҳамда Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилишга амр этмоқда ва шундан сўнггина улардан кирни кетказиб, бутунлай поклашга ваъда бермоқда.

Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга аҳли байт бўлишнинг ўзигина Аллоҳнинг уларни бутунлай поклаши учун етарли эмас. Балки, аввало, улар иймон-эътиқодда ва ибодату амалда бўлмақлари зарур. Ана шундагина Аллоҳ таоло уларнинг кирларини кетказиб, бутунлай поклайди.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй, Фотима, Муҳаммаднинг қизи!

Эй, София, Абдулмуттолибнинг қизи!

Эй, Бани Абдулмуттолиб! Мен сизларга Аллоҳдан келадиган бирор нарсани қайтаришга молик эмасман. Мендан ўз молимдан нимани хоҳласангиз, сўранглар», деганлар.

Имом Муслим ва имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй, Қурайш жамоаси, ўзингизни дўзахдан қутқаринг!

Эй, Бани Каъб жамоаси, ўзингизни дўзахдан қутқаринг!

Эй, Бани Ҳошим жамоаси, ўзингизни дўзахдан қутқаринг!

Эй, Бани Абдулмуттолиб жамоаси, ўзингизни дўзахдан қутқаринг!

Эй, Фотима бинти Муҳаммад, ўзингни дўзахдан қутқар!

Албатта, Аллоҳга қасамки, мен сизларга Аллоҳдан келадиган бирор нарсани қайтаришга молик эмасман», деганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтларига муносабат шунчалик экан, энди, бошқалар ўзлари тушуниб олаверса бўлади.

Ҳа, Аллоҳ таоло Ислом жамиятининг жавҳари ҳисобланган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтларидан кирни кетказишни, уларни бутунлай поклашни хоҳлайди, аммо аввал аҳли байтни иймон ва амалга чақиради.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг азвожи мутоҳҳараларига қаратилган нидосини қуйидаги оят билан яқунлайди:

وَأَذْكُرَنَّ مَا يَشْتَلِي فِي بُيُوتِكُمْ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ وَالْحِكْمَةِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ

34. Ва уйларингизда тиловат қилинаётган Аллоҳнинг оятларини ва ҳикматни эсланг. Албатта, Аллоҳ ўта латийф ва ўта хабардор бўлган зотдир.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига улар яшаб турган уйлар оддий уй эмас, Аллоҳнинг оятлари нозил бўлиб, тиловат қилиниб турган манзил эканини эслатмоқда. Улар яшаб турган уйлар оддий уй эмас, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари жорий этилиб, ҳадислари сўзланиб турган уйлар эканини эслатмоқда. Айни чоқда, улар уйларида тиловат этилаётган Қуръон оятларини ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳикматли ҳадисларини унутмасликка, уларни эслаб, англаб, ўрганиб, сўнг амал қилишга буюрилмоқдалар.

«Албатта, Аллоҳ ўта латийф ва ўта хабардор бўлган зотдир.»

Биз «латиф» деганда «лутfli», «марҳаматли» маъносини тушунадиган бўлиб қолганмиз. Аслида, «латиф» дегани ҳар бир нарсанинг ўта нозик жойларигача яхши билувчи, маъносини билдиради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг азвожи мутоҳҳараларига бўлган узоқ нидодан сўнг, Аллоҳ таоло Ўзининг ҳар бир нарсани энг нозик жойигача яхши билувчи, ҳар бир нарсадан ўта хабардор зот эканини айтиш билан, ана ўша айтилган амрларга амал қиласизларми, йўқми, ҳаммасини билиб тураман, деб огоҳлантирмоқда.

Исломда оила масаласига алоҳида эътибор билан қаралиши маълум. Чунки, оила ҳар бир жамиятнинг ўзаги бўлади. Оилалари мустаҳкам бўлган жамиятнинг ўзи ҳам мустаҳкам бўлади. Ҳамма нарса оиладан бошланади.

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилаларига алоҳида эътибор беришда ҳам катта ҳикмат бор. Чунки, Ислом жамиятининг ўзаги мусулмон оилалари бўлса, мусулмон оилаларнинг ўзаги бу муборак оиладир. Исломий оила қандай бўлади? Исломий оилада ўзаро муносабатлар қандай бўлиши керак? Шу каби кўплаб саволларга айнан мана шу муборак оиладан жавоб ва ўрناق олинади.

Бу хусусда мулоҳазалар жуда ҳам кўп. Лекин нима учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг азвожи мутоҳҳараларига бунчалик жиддий эътибор берилмоқда? Ҳолбуки, душманлар: «Ислом аёллар масаласига эътибор бермайди, аёл кишига мислсиз жабрситам беради», деб айблайдилар-ку?

Аввало, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига Қуръони Каримда бунчалик кўп эътибор берилишнинг ўзи душманларнинг гаплари беҳуда эканига ёрқин далилдир. Қолаверса, бу масалада анчагина гап бор. Аллоҳ таоло ер юзига Ислом нурини юбора бошлаган вақтда бутун дунё жаҳолат ботқоғига ботган эди.

Чор атрофда жоҳиллик, адолатсизлик, зулм ва жавру ситам ҳукм сурарди. Айниқса, аёлларга тегишли масалаларда бу салбий ишлар авж олиб, энг чўққига чиққан эди. Ҳатто, аёлни одам ўрнида кўрмайдиган тоифалар бор эди. Масалан, насоролар оламида алоҳида йиғилиш ўтказилиб, ўша вақтдаги раҳнамолар томонидан «Аёл эркакни йўлдан уриш учун яратилган шайтондир, унга кўзи тушган одам ҳам гуноҳқор бўлади, аёл ҳавони булғатмаслиги учун оғзига тўсиқ тутиб юриши керак», деган қарорлар қабул қилинган эди. Аҳли китоб бўлмиш насоролардан келгани шу бўлганидан кейин, бошқа тоифаларни қўйиб турса ҳам бўлади. Жоҳилият тузумида аёлга дунёнинг матоҳи сифатида қараларди. У эркак кишига матоҳ эди, гўё. У эркак кишининг шаҳвати учун керак эди. Жинсий алоқаларда ким нимани хоҳласа, шуни қиларди. Оила масаласи жуда оғир аҳволда эди. Аёл кишини молу мулкка қўшиб, мерос қилиб олиш оддий ҳол эди. Аёлга қилинган паст муносабатлар, унга етказилган турли зулмлар мисоли бошқа сура ва оятларда ҳам келди.

Ислом дини мукамал илоҳий тузум ўлароқ, дунёдаги мавжуд барча нуқсонларни, жумладан, инсониятнинг нафис парчаси саналмиш аёлларга муносабатдаги мавжуд нуқсонларни ҳам тузатишга киришди. Аёлга тўлақонли инсон сифатида қараш масаласини ўртага қўйди. Аёлларга қилинаётган зулм, жавр ва ситамни кесишга киришди. Шу билан бирга, исломий қонун-қоидаларни, ахлоқ-одобларни, тасаввур ва маданиятни жорий қила бошлади. Ўша вақтда аёлларга етказилган зулм кўп бўлгани учун Исломда уларга эътибор ҳам кўп бўлди.

Қуръони Каримнинг узун сураларидан бири «Нисо» («Аёллар») деб аталди. Бошқа бир сура «Мужодала» («Тортишувчи аёл») номини олди. Шунингдек, «Талоқ» сурасини ҳам «Кичик Нисо», дейишади. Қуръони Каримнинг бошқа сураларида ҳам аёллар масаласига алоҳида эътибор билан қаралади. «Нур» сураси бунинг ёрқин мисолидир. Ҳозир биз ўрганаётган «Аҳзоб» сураси ҳам шулар жумласига киради. Аёлларга бўлган эътиборнинг тасдиғи ўлароқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон умматига қилган оммавий ваъз-насиҳатларидан ташқари, яна аёллар учун алоҳида мажлислар ҳам ўтказиб турардилар.

Шу билан бирга, мазкур оятларни, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини, ҳадисларини, шариат аҳкомларини муслима аёлларга ўзига хос услуб билан етказадиган, хусусан, аёлларнинг ўзларигагина хос бўлган масалаларни тушунтириб берадиган муаллималар керак эди. Бу вазифани фақат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларигагина бажаришлари мумкин. Шунинг учун ҳам, юқорида ўрганган оятларимизда у зотларга алоҳида эътибор билан қаралмоқда, алоҳида талаблар қўйил-

моқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари кўп бўлгани ҳам, асосан, шу эътибордандир. Чунки, бундай улкан масъулият – Ислом уммати аёлларига Қуръони Карим, Суннати набавия таълимотларини, шариат аҳкомларини етказиш битта ёки тўртта аёлнинг қўлидан келадиган иш эмас эди.

Аҳли байтдан доғларни кетказиб, бутунлай поклаш учун уларда зарур сифатларнинг мавжуд бўлиши шарт эканига юқоридаги оятларда ишора қилинди. Ислом жамиятидан кирни кетказиб, уни бутунлай поклаш учун ҳам, албатта, ўша жамият аъзоларида маълум бир сифатлар, қадриятлар бўлиши керак. Чунки, Аллоҳнинг розилигига эришиш, жаннатга кириш ўз-ўзидан бериладиган мукофот эмас. Қуйидаги ояти каримада худди ана шу сифатларнинг баъзилари ҳақида сўз кетади.

إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَالْقَنِينَ وَالْقَنَاتِ
وَالصَّادِقِينَ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّابِرِينَ وَالصَّابِرَاتِ وَالْخَاشِعِينَ وَالْخَاشِعَاتِ
وَالْمُتَصَدِّقِينَ وَالْمُتَصَدِّقَاتِ وَالصَّامِينَ وَالصَّامَاتِ وَالْحَافِظِينَ فُرُوجَهُمْ
وَالْحَافِظَاتِ وَالذَّاكِرِينَ اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا
عَظِيمًا

35. Албатта, муслимлар ва муслималар, мўминлар ва мўминалар, давомли итоаткор эркаклар ва давомли итоаткор аёллар, садоқатли эркаклар ва садоқатли аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, хушуъли эркаклар ва хушуъли аёллар, садақа қилгувчи эркаклар ва садақа қилгувчи аёллар, рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар, фаржларини сақловчи эркаклар ва (фаржларини) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилгувчи аёллар–ўшаларга Аллоҳ мағфиратни ва улuf ажрни тайёрлаб қўйгандир.

Ушбу ояти каримада келтирилган сифатларнинг ҳар бири ҳар бир мўмин-мусулмон эркак-аёлга жуда ҳам зарур бўлганидек, уларнинг ҳаммаси жамланиб, ҳамма мўмин-мусулмонларнинг умумий сифатларига айланиши ҳам зурурдир.

«Муслимлар ва муслималар...»

Яъни, бору будлари билан бутунлай ўзларини Аллоҳ таолога таслим қилган, Исломнинг амрларига тўла бўйинсунган эркаклар ва аёллар.

«...мўминлар ва мўминалар...»

Яъни, Аллоҳга ва иймон келтириш лозим бўлган барча нарса-ларга Аллоҳ айтганидек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатганларидек иймон келтириб, тасдиқловчи эркаклар ва аёллар.

«...давомли итоаткор эркаклар ва давомли итоаткор аёллар...»

Иймон ва Ислождан сизиб чиққан бу итоат доимий бўлиши билан бирга, инсоннинг ўз розилиги билан ичдан отилиб чиққан итоат ҳам бўлади. Ташқи мажбурият юзасидан келиб чиққан эмас. Бу итоат сокинлик билан, ишонч билан бўладиган итоатдир.

«...садоқатли эркаклар ва садоқатли аёллар...»

Сўзларида, ишларида, ниятларида ва иймонларида садоқатли эркак-аёллар. Сўзда садоқатли бўлиш рост сўзлаш, ёлғон гапирмасликдир. Ростгўйлик гўзал сифатдир. Ҳар бир эркак-аёл учун олий сифатлардан бўлиб келган. Ростгўйлик иймоннинг аломатидир. Ким ростгўй бўлса, нажотга эришади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ҳадиси шарифларидан бирида: «Ростгўйликни лозим тутинглар. Албатта, ростгўйлик яхшиликка бошлайди. Яхшилик эса, жаннатга. Ёлғондан сақланинглар. Албатта, ёлғон фужурга бошлайди. Фужур эса, дўзахга. Инсон рост гапирса, ростгўйликни ихтиёр қилаверса, Аллоҳнинг ҳузурида сиддиқлардан бўлиб ёзилади. Агар одам ёлғон гапирса, ёлғонни ихтиёр қилаверса, Аллоҳнинг ҳузурида каззоблардан бўлиб ёзилиб қолади», деганлар.

«...сабрли эркаклар ва сабрли аёллар...»

Сабр ҳам ҳар бир мўмин-мусулмон эркак-аёлга лозиму лобуд сифатдир. Бу улкан хислатсиз инсон мўмин-мусулмонлик тақлифларини, буйруқларини адо эта олмайди. Инсон бошига тушган мусийбатларга бардош бериши керак. Орзу қилгани олий мақомларга етиш йўлидаги ишларда сабрли бўлиши лозим. Турли синовлардан, машаққатлардан фақат сабр ила ўтилади.

«...хушуъли эркаклар ва хушуъли аёллар...»

Оятда «хушуъ» сўзи ишлатилган, бизнинг тилимизда унинг маъносини бир сўз билан англатиб бўлмайди. «Хушуъ» сокинлик, хотиржамлик, шошмаслик, виқор ва тавозуъ маъноларини ўз ичига олади. Бу сифат ҳам қалбга, ҳам аъзоларга тегишли сифатдир. Яъни, инсон бутун борлиғи билан Аллоҳ таолонинг улуғлигини, ҳайбатини ҳис қилиб туришидир.

«...садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар...»

Садақа қилиш молиявий ибодат ҳисобланади. Садақа заифҳол, муҳтож кишиларга ёрдам беришдир. Садақа қилиш бахиллик даражидан покланишдир. Садақа инсоннинг иймонини тасдиқловчи нарса бўлгани учун ҳам «садақа» деб номланган. Зеро, араб тилида «садақа» сўзи «тасдиқлаш» маъносини билдиради. Пайғамбаримиз сол-

лаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларидан бирида: «Садақа, худди сув оловни ўчирганидек, гуноҳларни ўчиради», деганлар.

«...рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар...»

Рўза юқорида зикр қилинган барча сифатларни пайдо қиладиган ва қувватлантирадиган амалдир. Рўза орқали мусулмон эркак ва аёлнинг иймони, итоаткорлиги, ростгўйлиги, сабри, хушуъ-хузуъи, садақа қилишга рағбати кучаяди. Рўза тўғрисида қанча кўп гапирсак, шунча оз. Фақат битта ҳадиси шарифни эслаб ўтамыз.

Имом ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Рўза баданнинг закотидир», деганлар.

Яъни, рўза танани покловчи нарсадир, деганлар. Бу ҳадиси шариф Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари десак, ҳеч муболаға қилмаган бўламыз. Мана, ушбу ҳадиси шариф айтилганидан бери ўн тўрт аср ўтиб, Исломдан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан хабари йўқ ғайридин олимлар рўза (ихтиёрий оч қолиш) кишининг баданини озиқ-овқат, ичимлик, нафас олиш ва бошқа сабаблар билан тўпланиб қолган ифлослик, чиқинди, туз каби зарарли моддалардан тозалашини исбот қилдилар. Ҳа, рўза инсоннинг руҳини, зеҳнини, ақлини, танасини, аъзоларини, қонини, барча-барча жиҳатларини поклайди. Рўзанинг бошқа фойдалари ҳам кўп. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан бирида: «Эй, ёшлар жамоаси, сизлардан ким жинсий алоқага қодир бўлса, уйлансин. Албатта, уйланиш кўзни тўсувчироқ ва фаржни сақловчироқдир. Ким уйланишга қодир бўлмаса, рўза тутсин. Албатта, рўза унинг учун шаҳвоний кучни кесувчидир», деганлари ривоят қилинган. Оятда рўзадорлик сифатидан кейин фаржни сақлашлик келаётгани ҳам бежиз эмас.

«...фаржларини сақловчи эркаклар ва (фаржларини) сақловчи аёллар...»

Яъни, жинсий аъзоларини ҳаромдан сақлайдиган эркаклар ва аёллар. Бу ҳам покликнинг энг олий босқичларидандир. Зинодан, бошқа ҳаром жинсий алоқалардан фаржини сақлаш мўмин-мусулмонликнинг белгиларидандир. Пайғамбар алайҳиссалоту вассаломнинг ҳадисларидан маълумки, ҳар бир одам боласи соф фитрат ила, яъни муслим бўлиб туғилади. Инсоннинг соф фитрати, шайтон васваси ила бузилмаган табиати эса, ҳар қандай қинғир ишлар, ҳаромхариш нарсалардан, хусусан, зинодан ҳам хазар қилади. Бинобарин, зинонинг ҳар қандай кўринишидан сақланиш мўмин-мусулмон эркагу аёлларнинг энг муҳим сифатларидандир.

«...Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилгувчи аёллар...»

Аллоҳни кўп зикр қилиш юқорида зикр этилган ва зикр этилмаган сифатларнинг юзага келишига ва бардавом бўлишига асосий омилдир. Аллоҳни кўп зикр қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун зарурий амаллардандир.

Ибн Абу Ҳотим Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки эр киши кечаси хотинини уйғотса ва икковлари икки рақъатдан намоз ўқисалар, ўша кеча Аллоҳни зикр қилган эркаклардан ва зокира аёллардан бўладилар», деганлар. Ҳа, зокирлик даражаси олий рутбадир. Зокирлик мақоми олий мақомдир. Ҳар бир мусулмон эркак зокирлик сифатини эгаллаши лозим. Ҳар бир мусулма зокира сифатига эга бўлиши керак.

«...ўшаларга Аллоҳ мағфиратни ва улуг ажрни тайёрлаб қўйгандир.»

Яъни, мазкур сифатларга эга бўлган ҳар бир эркакнинг ва ҳар бир аёлнинг гуноҳларини Аллоҳ таоло бу дунёнинг ўзидаёқ кечиришга тайёр, у дунёда эса, уларга ажр қилиб жаннатни шай этиб қўйган.

Юқорида зикр этилган олиймақом сифатлар соҳиби бўлган ҳар бир мўмин ва мўмина доимо Аллоҳ таолонинг ҳар қандай амрини сўзсиз бажаришга тайёр туради.

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا

36. Ҳеч бир мўмин эркак ва ҳеч бир мўмина аёл учун Аллоҳ ва Унинг Расули бир ишга ҳукм қилганида, ўз ишларини ўзларича ихтиёр қилмоқ йўқ. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, бас, батаҳқиқ, очиқ адашиш-ла адашибди.

Барча мўмин-мусулмонлар учун Аллоҳ таолонинг амри, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукмлари ҳамма нарсадан устун туради. Аллоҳнинг кўрсатмаси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганлари турганида, мўмин киши, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, ўзича бир иш қила олмайди. Мумкин эмас. Ким Аллоҳнинг ва Унинг Расулининг ҳукмини қўйиб, ўзича иш тутса, Аллоҳ таборака ва таолога ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлади.

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, бас, батаҳқиқ, очиқ адашиш-ла адашибди.»

Очиқ адашганларнинг ҳоли нима бўлиши ҳаммага маълум.

Ушбу ояти кариманинг ҳукми барча мўмин-мусулмонларга тегишли саналса ҳам, оятнинг нозил қилинишига баъзи бир воқеалар сабаб бўлгани ривоят этилади.

Жумладан, ал-Авфий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Ҳеч бир мўмин эркак ва ҳеч бир мўмина аёл учун...» ояти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу учун совчиликка борганларида нозил бўлган. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнаб бинти Жаҳш ал-Асадия оддиларига кириб, совчилик қилиб, розилигини сўрадилар. У (Зайнаб):

«Мен унга (Зайдга) тегмайман», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Хўп де, унинг никоҳига кўнавер», дедилар. У:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менга ўз нафсимда ҳам амр қилинади-ми?!» деди. Икковлари гаплашиб туришганида Аллоҳ таоло: **«Ҳеч бир мўмин эркак ва ҳеч бир мўмина аёл учун...»** оятини нозил қилди. Шунда Зайнаб розияллоҳу анҳо:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менга уни никоҳга олувчи деб рози бўлдингизми?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа» дедилар. Зайнаб розияллоҳу анҳо:

«Ундай бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлмайман, ўз нафсимни унинг никоҳига топширдим», деди.

Оятнинг нозил этилишига сабаб бўлган ривоятдан кўриниб турибдики, Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо бу никоҳга ўз иродасига қарши, Аллоҳнинг оятини эшитиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рағбатлари туфайлигина розилик бердилар.

Чунки, Аллоҳ ва Унинг Расули ҳукм қилган ишга ҳеч бир мўмин ва мўмина қарши чиқиши мумкин эмас. Мусулмонлар ушбу эътиқодда мустаҳкам турган пайтларида, фақат Аллоҳ таолонинг ва Расулининг ҳукми ила иш юритганларида дунёнинг пешқадам уммати бўлганлар.

Жоҳилиятнинг ботил қонун-қоида ва урф-одатлари йўқотилиб, ўрнига исломий қонун-қоида ва урф-одатлар жорий этиларди. Маълумки, жоҳилиятда турли инсоний табақалар мавжуд бўлиб, ҳар кимнинг қадр-қиймати табақасига қараб белгиланар, шунга кўра муомала қилинар эди. Хусусан, қуллар ёки қулликдан озод бўлганлар одам ўрнида кўрилмасди. Ислом ҳамманинг тенг эканини, оқ билан қора, араб билан ажам, бой билан камбағал, подшоҳ билан гадо орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини, бўлганида ҳам, фақат тақвога кўра бўлиши мумкинлигини қатъий низом асосида йўлга қўйди. Бу ҳақда оят ва ҳадислар жуда ҳам кўп.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу оламшумул таълимотларни амалда татбиқ қилишни истадилар. Бу ишни ўз яқинла-

ридан бошладилар. Ўзларининг мавлолари – озод қилган қуллари Зайд ибн Ҳориса розияллоху анху номидан аммалари Умайма бинти Абдулмуттолибнинг қизлари Зайнаб бинти Жаҳш ал-Асадияга совчи бўлиб бордилар. Бу билан Исломда асли қул ҳам, Бани Ҳошимдан бўлган оқсуяк ҳам баробарлигини кўрсатмоқчи эдилар. Шундай бўлди ҳам. Зайд ибн Ҳориса ва Зайнаб бинти Жаҳш розияллоху анхумолар оила қурдилар.

Лекин турмушлари унча келишмади. Эру хотин тотув яшай олмадилар. Зайд хотинидан норози бўлиб, унинг устидан шикоят қилиб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайта-қайта келди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам эса, унга насиҳат қилиб, сабрга чақириб, оиласига қайтарар эдилар. Кейинроқ Зайд розияллоху анху хотини Зайнаб розияллоху анҳони талоқ қилиш ниятида эканини айта бошлади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга талоқ қилмай туришни маслаҳат берардилар. Сўнгра иш умуман бошқача тус олиб кетди.

Келгуси ояти каримада ана шулар ҳақида сўз кетади:

وَإِذْ تَقُولُ لِلَّذِي أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَأَنْعَمْتَ عَلَيْهِ أَمْسِكْ عَلَيْكَ زَوْجَكَ وَاتَّقِ اللَّهَ وَتُخْفِي فِي نَفْسِكَ مَا اللَّهُ مُبْدِيهِ وَتَخْشَى النَّاسَ وَاللَّهُ أَحَقُّ أَنْ تَخْشَاهُ فَلَمَّا قَضَى زَيْدٌ مِنْهَا وَطَرًا زَوَّجْنَاكَهَا لِكَيْ لَا يَكُونَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ حَرَجٌ فِي أَزْوَاجِ أَدْعِيَائِهِمْ إِذَا قَضَوْا مِنْهُنَّ وَطَرًا وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ مَفْعُولًا

37. Эсла, сен Аллоҳ неъмат берган ва сен ҳам неъмат берган шахсга: «Жуфтингни ўзинг ила тутиб тур ва Аллоҳга тақво қил», дер эдинг. Ва ичингда Аллоҳ ошкор қилгувчи бўлган нарсани махфий тутардинг ва одамлардан қўрқардинг, ҳолбуки, Аллоҳдан қўрқмоғинг ҳақлироқ эди. Қачонки Зайд ундан ўз ҳожатини адо этгач, Биз сени унга уйлантирдик. Токи, мўминларга ўз асранди болалари хотинларида, улардан ҳожатларини адо қилишгач, танглик бўлмасин деб. Ва Аллоҳнинг амри амал қилиниши лозим бўлгандир.

Аллоҳ субҳанаху ва таоло ушбу ояти каримада Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга у зот ўзлари озод қилган қуллари Зайд ибн Ҳорисага нималар деганларини эслатиш билан сўз бошламоқда:

«Эсла, сен Аллоҳ неъмат берган ва сен ҳам неъмат берган шахсга...»

Бу жумлада Зайд ибн Ҳориса розияллоху анхунинг сифатлари келтирилмоқда.

«Аллоҳ неъмат берган...»

Аллоҳ Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳуга иймон-Ислом неъматини ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиш саодатини берган эди.

«...сен ҳам неъмат берган...»

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд розияллоҳу анҳуни қуликдан озод этган, унга кўплаб яхшиликлар қилган эдилар. Шу сабабли, у жамиятда обрў-эътиборли, ҳамма ҳурмат қиладиган шахсга айланган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд розияллоҳу анҳуни ўта яхши кўрганларидан у киши «Расулуллоҳнинг маҳбуби» лақабини олди. Кейинроқ у кишининг ўғли Усомага «Маҳбубнинг ўғли маҳбуб» номи берилди. Оиша онамиз: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари иштирок этмаган юришларга Зайдни юборадиган бўлсалар, фақат амир қилиб юборар эдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин қолганида Зайдни ўзларига халифа қилар эдилар», деганлар.

Ана ўшандай одам Зайнаб бинти Жаҳшдан шикоят қилиб келганида:

«Жуфтингни ўзинг ила тутиб тур ва Аллоҳга тақво қил», дер эдинг».

Аввал айтиб ўтилганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари совчи бўлиб, ўртада туриб, Зайд ва Зайнаб икковларини никоҳлаб қўйган эдилар. Зайнаб розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммалари Умайма бинти Абдулмуттолибнинг қизи эди. Унинг маҳрига ўн динору олтмиш дирҳам пул, бир рўмол, бир чойшаб, бир кўйлақ, саксон мудд таом ва ўн мудд хурмо берилган эди. Муқотил ибн Ҳиббоннинг айтишича, бир йил ёки ундан сал кўпроқ бирга яшаганлар. Сўнгра Зайд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хотинидан шикоят қилиб кела бошлади. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, унга: **«Жуфтингни ўзинг ила тутиб тур ва Аллоҳга тақво қил»**, дер эдилар.

«Ва ичингда Аллоҳ ошкор қилгувчи бўлган нарсани махфий тутардинг...»

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўнгилларига Зайд Зайнабни талоқ қилганидан кейин унга уйланиш ниятини солган эди. Аниқ амр бўлмаган эди-ю, аммо кўнгилларига тушган эди. Шунинг учун, Зайд розияллоҳу анҳуга «Жуфтингни ўзинг ила тутиб тур», деб айтаётганларида, хаёлларининг бир четидда бу фикр бўлиб, Аллоҳдан амр келишини кутардилар. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хаёлларида кечган шу гапни ҳам эслатмоқда. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам-

нинг «Аллоҳ ошкор қилгувчи бўлган нарсани» махфий тутганларининг сабаби кейинги жумлада келади:

«...ва одамлардан қўрқардинг, ҳолбуки, Аллоҳдан қўрқмоғинг ҳақлироқ эди».

Одамларнинг «Муҳаммад ўзининг асранди ўғли талоқ қилган хотинга уйланибди», деб айтишларидан қўрқар эдилар. Чунки, ўша вақтнинг урф-одатига биноан, асранди ўғилга худди ўз ўғлидек муомала қилинарди. Ўз ўғлининг талоқ қилган хотинига уйланиш ҳаром бўлганидек, асранди ўғилнинг талоқ қилган хотинига ҳам уйланиш ҳаром ҳисобланарди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу мулоҳазалар билан Аллоҳ кўнгилларига солган ишни – Зайд талоқ қилганидан кейин Зайнабга уйланиш ниятини махфий тутар эдилар. Таъкидлаб айтиш керакки, бу фақат кўнгилга тушган фикр эди. Агар Аллоҳнинг очиқ-ойдин амри бўлса, ҳеч қачон махфий тутмас эдилар. Балки, уни дарҳол ошкор қилардилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг амридан бирор сўзни ҳам махфий тутишга ҳақлари йўқ эди. Бундай қилмаганлари маълум ва машҳурдир.

Ибн Жарир ат-Тобарий раҳматуллоҳи алайҳи Омир розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо қуйидагиларни айтадилар:

«Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига ваҳий қилинган Аллоҳнинг китобидан бирор нарсани беркитадиган бўлсалар, «Ва ичингда Аллоҳ ошкор қилгувчи бўлган нарсани махфий тутардинг ва одамлардан қўрқардинг, ҳолбуки, Аллоҳдан қўрқмоғинг ҳақлироқ эди» оятини беркитар эдилар».

Ҳа, Расулуллоҳ Аллоҳнинг амрига итоат этиб, ҳеч нарсани беркитмадилар. Бу гапларни ҳам оят бўлиб нозил қилинганидан кейин ҳаммага ўқиб бердилар. Мана, асрлар давомида ўқилиб келмоқда.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳар бир ишни ҳикмат ила қилади. Бу ҳақиқат суранинг аввалида асранди болаларга ўз фарзандидек муомалада бўлишни ботил қилган оятлар ҳақидаги баёнда ҳам айтилган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлгунларича ҳам жоҳилиятнинг ботил урф-одатларидан четда турганлар. Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни Ўзи сақлаган. Фақат, бола асраш бобида Аллоҳ ирода қилган ҳикмат юзасидан Зайд ибн Ҳорисани ўғил қилиб олганлар. Мана, энди ҳикмати юзага чиқмоқда. Аллоҳ таоло шу одатни ва унга қўшиб, асранди ўғилнинг талоқ қилган хотинига уйланиб бўлмайди, деган жоҳилият қонунини ботил қилиш учун чиқарган ҳукми Ўз Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётида тадбиқ этишни хоҳлаган экан. Чунки, шунда ҳукм таъсирлироқ бўлади. Ҳамма ҳеч иккиланмай қабул қилади. Худди

шу ҳикматга биноан, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ам-маларининг қизи бўлиши Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳони норози бўлишларига қарамай, Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳуга никоҳлаб берган эканлар. Худди шу ҳикмат юзасидан «Ҳеч бир мўмин эркак ва ҳеч бир мўмина аёл учун Аллоҳ ва Унинг Расули бир ишга ҳукм қилганида, ўз ишларини ўзларича ихтиёр қилмоқ йўқ» ояти нозил бўлган экан.

Мазкур ишларнинг асл моҳияти, улардан кўзланган ҳикмат энди юзага чиқмоқда ва Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига:

«Қачонки Зайд ундан ўз ҳожатини адо этгач, Биз сени унга уйлантирдик», демоқда.

Яъни, Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу Зайнаб бинти Жаҳш-дан ҳожатини адо этиб, уни талоқ қилгач, Биз ўзимиз сенга уни завжа – хотин қилиб бердик, демоқда.

Шундай бўлиши керак эди. Аллоҳ таолонинг иродаси шу эди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳони Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Ўзи никоҳлаб қўйди. Бу ерда валий ҳам, маҳр ҳам, гувоҳ ҳам йўқ. Ҳаммасининг ўрнига Аллоҳнинг амри бор.

Зайнаб бинти Жаҳш онамиз бундай никоҳ билан фахрланиб юрар эдилар.

Имом Бухорий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда бу ҳақда шундай дейилади:

«Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа аёлларига фахрланиб:

«Сизларни аҳлларингиз никоҳлаб берган, мени Аллоҳ таоло етти осмоннинг устидан никоҳлаб берган», дер эди».

Кейинги жумлада бу ишнинг ҳикмати очиқ баён этилади:

«Токи, мўминларга ўз асранди болалари хотинларида, улардан ҳожатларини адо қилишгач, танглик бўлмасин деб».

Бировнинг асранди боласи хотинидан ўз ҳожатини адо этиб, уни талоқ қилса, уни асраб олган киши ҳалиги аёлга уйланиши мумкин эмас, деган ғирт мантиқсиз бўлган жоҳилият қонунини энди Аллоҳ таолонинг Ўзи тўғрилади. Бу ишда намуна тариқасида Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсан ўзларини танлади.

«Ва Аллоҳнинг амри амал қилиниши лозим бўлгандир.»

Бўлмасдан иложи йўқ. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таолонинг бу борадаги амрига ҳам амал қилинди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнабга уйландилар. Шу билан жоҳилиятнинг одамлар ҳаётига ва онгига қаттиқ сингиб кетган одатларидан бири – асранди

Ўғилнинг талоқ қилган хотинига уйланиш ҳаром, деган қонуни ботил бўлди. Мўминлардан яна бир танглик кўтарилди.

مَا كَانَ عَلَى النَّبِيِّ مِنْ حَرَجٍ فِيمَا فَرَضَ اللَّهُ لَهُ سُنَّةَ اللَّهِ فِي الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلُ وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ قَدْرًا مُقَدَّرًا

38. Набийга Аллоҳ унга фарз қилган нарсада бирон танглик бўлмас. Бу – олдин ўтганлар ҳақида ҳам Аллоҳ тутган йўлдир. Аллоҳнинг амри белгиланган қадар бўлди.

Модомики, Аллоҳ таоло бир нарсани фарз қилар экан, ундан ҳеч уялмаслик, қандайдир танглик ҳис этмаслик керак. Аллоҳ ҳар бир нарсани Ўзи билиб қилади. Пайғамбар ҳам Аллоҳнинг бандаси, унинг амрига бўйсунуши лозим.

«Набийга Аллоҳ унга фарз қилган нарсада бирон танглик бўлмас.»

Шунинг учун, Зайнабга уйланиш борасида ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳеч қандай танглик бўлмаслиги керак. Одамлар у дейди, бу дейди, деган мулоҳазалар ҳам бўлмаслиги керак. Қолаверса, бу амр фақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёлғиз ўзлари учун бўлмаяпти.

«Бу–олдин ўтганлар ҳақида ҳам Аллоҳ тутган йўлдир.»

Аввал ўтган Пайғамбарлардан ҳам кўп хотинлилари бўлган. Мисол учун, Довуд алайҳиссаломнинг юзта хотинлари бўлган. Сулаймон алайҳиссаломнинг уч юзта хотинлари бўлган. Аллоҳ шуни ирода қилган, шундай бўлган.

الَّذِينَ يُبَلِّغُونَ رِسَالَاتِ اللَّهِ وَيَخْشَوْنَهُ وَلَا يَخْشَوْنَ أَحَدًا إِلَّا اللَّهَ وَكَفَى بِاللَّهِ حَسِيبًا

39. Улар Аллоҳнинг элчилигини етказадиган, Ундангина қўрқадиган, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайдиган зотлардир. Аллоҳнинг Ўзи ҳисоб қилгувчиликка кифоядир.

Аллоҳнинг йўлига ҳеч қандай тангликсиз эргашиб юрган зотлар, Набийлар қуйидаги сифатларга эга бўлганлардир:

«Улар Аллоҳнинг элчилигини етказадиган» зотлардир.

Аллоҳ уларни ўз элчиси – Пайғамбари қилиб юборган. Улар – Пайғамбар, одамларга Аллоҳнинг пайғомини – хабарларини етказувчилар. Сен ҳам, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, ўшаларга ўхшаб, Аллоҳнинг элчилигини одамларга етказадиган зотсан.

«...Ундангина қўрқадиган, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайдиган зотлардир.»

Яъни, илгари ўтган Пайғамбарлар ҳам фақат Аллоҳ таолодангина қўрққанлар, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмаганлар. Шунинг учун, Аллоҳ уларга нимани амр этса, ўйлаб ўтирмай, дарҳол бажарганлар. Сен ҳам, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, Зайнабга уйланиш масаласида Аллоҳнинг айтганини қил, одамларнинг гапига эътибор берма.

«Аллоҳнинг Ўзи ҳисоб қилгувчиликка кифоядир.»

Охиратда ҳисоб-китобни Аллоҳ таолонинг Ўзи қилади. Оғзига кучи етмаган одамлар эмас.

Ҳар бир нарсани ҳикмат билан қилувчи Аллоҳ таолонинг бир никоҳ — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Зайнаб бинти Жаҳш онамиз розияллоҳу анҳога никоҳлари масаласига бунчалик эътибор бериб, шунча оятларни нозил этиши бежиз эмас. Аввало, бу ерда гап жоҳилият даврида кенг тарқалган, одамлар қонига ва онгига сингиб кетган катта бир нотўғри урфни, қонун-қонидани ҳаётдан сиқиб чиқариш ҳақида кетмоқда. У ҳам бўлса, асранди бола тутиш, унинг талоқ қилган хотинини ўғай ота никоҳлаб ололмаслиги масаласидир. Аслида, бизнинг тушунишимизча, бу ерда асосий фикр ўша пайтда арабларда кенг тарқалган бир одатни — фарзанд асраб олиш одатини муолажа қилишдан иборат. Фарзанд асраб олиш муаммосини бўрттириб кўрсатиш учун ҳам бу ерга никоҳ масаласи қўшилган. Маълумки, ўз пушти камаридан бўлган ўғлининг хотини, яъни келини ота учун абадий маҳрам саналади. Лекин асранди фарзанднинг хотини ота учун фақат вақтинчалик маҳрам бўлади. Агар асранди фарзанд хотинини талоқ қилса, тутинган ота унга уйланиши мумкин. Худди бегона бир аёлга уйлангандек. Зеро, асранди ўғил насл-насаб жиҳатидан ҳеч қачон ҳақиқий фарзанд каби бўлолмайди. Жоҳилият даврида эса, арабларда асранди ўғил насл-насабга ҳам алоқадор ҳисобланарди. Бу ботил ҳукм туфайли жамиятда қанчалик ноқулайликлар, ҳаром-хариш ишлар келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида аввал ҳам гапирилди. Жоҳилий жамиятда жорий этилган урф-одатларни йўқ қилишдек оғир ва машаққатли вазифани бажаришда намуна қилиб бу сафар Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларини жалб этди. Эҳтимол, бу йўл ила бу ҳукмнинг таъсири янада орттирилгандир.

Қолаверса, аввалги оятларда ҳам айтилганидек, бу ерда гап киши ўз нафсига, ўз хоҳишига қарши ўлароқ, Аллоҳ таолонинг амрини сўзсиз қабул қилиши ҳақида кетмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи

васалламнинг ўзлари бу ишда ҳам гўзал намуна бўлишлари керак эди. Шунинг учун ҳам, одамлар гап қиладиган, турли-туман миш-мишлар тарқатадиган ишга у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дучор бўлдилар.

Бу хусусда айтилган гаплар етарлидир. Аммо қадимда ҳам, ҳозирда ҳам бу масала Ислом душманлари ва баъзи тушуниб етмаган кишилар томонидан қайта-қайта қўзғатилиб, Исломга ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шахсларига таъна етказишга ҳаракат бўлгани учун, ҳатто баъзи исломий китобларга, баъзи тафсирларга ҳам нотўғри тушунчалар кириб қолгани учун, уламоларимиз бу масалага алоҳида эътибор билан қарайдилар. Бу хусусда душманлар томонидан тўқилган ботил ривоятларга раддия берадилар. Ана шундай ботил ривоятлардан бири қуйидагича: Эмишки, Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо ҳали Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу билан яшаб юрганида унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари тушиб, яхши кўриб қолибдилар ва «Субҳана муқаллибал қулуб» – «қалбларни айлантириб тургувчи зот пок бўлди», дебдилар. Зайнаб бунини эшитиб, гап нимада эканини англабди ва Зайдга айтибди. Ана шундан кейин Зайд Зайнабни талоқ қилиш ҳақида ўйлаб қолибди ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, бу ҳақда сўз очибди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, жуфтингни ўзинг ила тутиб тур, дебдилар ва ҳоказо.

Бу гаплар тухмат ва бўҳтон экани аниқдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аммаларининг қизи Зайнабни ундан олдин кўрмаган эдиларми? Зайнабга ўзлари совчи бўлиб, Зайдга олиб бермаган эдиларми? Наҳотки, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдек зот бировнинг хотинига бошқача кўнгили билан қарасалар?!

Ҳамма нарсани олдиндан билгувчи Аллоҳ, душманларнинг бу хусусда бўҳтон ва тухматлар тўқишларини ҳам олдиндан билган. Шунинг учун, унга тааллуқли гапларни олдиндан очиқ-ойдин баён қилган. Қуръон шахс, жой, вақтни аниқ айтиш услубини қўлламайди. Бу унинг умумийлигини, ҳар замон, ҳар макон ва ҳар жамиятга лойиқлигини орттиради.

Қуръони Каримда бирорта саҳобийнинг исми зикр қилинмаган. Аммо ушбу масалага алоқадор зотлардан бири бўлган Зайд розияллоҳу анҳунинг исмини очиқ-ойдин «қачонки Зайд ундан ўз ҳожатини адо қилгач» деб келтирилган. Бу ишнинг, яъни, Зайнабга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уйланишларининг ҳам сабабини очиқ-ойдин келтирган: «Токи, мўминларга ўз асранди болалари хотинларида, улардан ҳожатларини адо қилишгач, танглик бўлмасин деб».

Қуйидаги оят ҳам худди шу масалани ёритади:

مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ

شَيْءٍ عَلِيمًا ﴿٦٠﴾

40. Муҳаммад сизлардан бирон эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллоҳнинг Расули ва Пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчидир.

Эй одамлар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнабга уйлангани учун, Муҳаммад ўз ўғлининг хотинига уйланди, деб бўҳтон қилманглар. Чунки:

«Муҳаммад сизлардан бирон эркакнинг отаси бўлган эмас».

Жумладан, Зайнабни талоқ қилган Зайд ибн Ҳорисанинг ҳам отаси бўлган эмас. Зайднинг отаси Ҳориса ибн Шарҳабийлдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд талоқ қилган Зайнабга Аллоҳнинг амри ила, жоҳилият ҳукмини ботил қилиш учун уйландилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам жоҳилият ҳукми бўйича Зайдни асраб олишлари ҳам Аллоҳ ирода этган ҳикмат ила шу одатни йўқ қилиш учун эди. Ҳеч қачон у зотга Зайд ўғил бўлган эмас. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳеч ким ўғил бўлган эмас. Ул зот эса, ҳеч кимингизга ота бўлган эмас.

«Лекин Аллоҳнинг Расули ва Пайғамбарларнинг сўнггисидир.»

Лекин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамма учун Аллоҳнинг юборган Расулидир. Ул зот Пайғамбарларнинг сўнггисидир, ундан кейин ҳеч бир Пайғамбар келмас.

«Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчидир.»

Ана ўша ўта билиши асосида тасарруф қилади. Ушбу масалада ҳам ана ўша билими ила тасарруф қилди. Эҳтимол Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғил фарзандлари турмагани ҳам ҳикматлидир?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадийжа онамиздан Қосим, Тоййиб, Тоҳир исми ўғиллар кўрганлар, аммо уларнинг ҳаммаси кичиклик пайтларида вафот этган. Марям Қибтиядан Иброҳим исми фарзанд кўрганлар, у эмизикли пайтида вафот этган. Хадийжа онамиздан тўртта қизлари бўлган: Зайнаб, Руқия, Умму Кулсум ва Фотима онамиз. Улардан учтаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдин дунёдан ўтганлар. Фақат Фотима онамизгина у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан олти ой кейин вафот этганлар.

Пайғамбарларнинг сўнггиси бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга фарзанд бобида мазкур ҳолатнинг жорий қилиниши Аллоҳ таолонинг ҳикматидандир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг Расул ҳам, Набий ҳам келмаслиги аниқ. Ким бунга хилоф эътиқод қилса, кофир бўлади.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўнгги Пайғамбар эканликларининг хабарини берган ушбу ояти каримани тасдиқловчи кўплаб ҳадиси шарифлар ҳам ворид бўлган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Убай ибн Каъбдан, у киши ўз оталаридан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Менинг мисолим шуки, худди, бир одам гўзал ва мукаммал ҳовли-жой қуриб, ундан биргина гиштни қўймай, ўрнини очиқ қолдирган, одамлар бинони айланиб кўриб, ундан ажабланишиб, сўнгра: «Агар мана шу ерга ҳам гишт қўйилганида эди», дейдилар, мен Пайғамбарлар ичида ўша жойга қўйилган гиштман».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Ирбоз ибн Сория розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мен Аллоҳнинг наздида Пайғамбарларнинг сўнггисидирман», деганлар.

Одамлар ичида турли-туман бўлмағур гапларга, ифво, бўҳтон ва тухматлар тўқилишига сабаб бўлган масалага доир оятлардан кейин Аллоҳ таоло мўмин бандаларига қуйидаги хитобни қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا

41. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилинглар.

Аллоҳни зикр қилиш – қалбни Унга боғлашдир, У мени кузатиб турибди, деган доимий эътиборда туришдир. Аллоҳнинг буйруқларини бир лаҳза ҳам эсдан чиқармай, амалга оширишдир.

Ҳа, мўминлар Аллоҳни кўп зикр қилишлари матлубдир. Аллоҳ кўп зикр қилингандагина турли ёлғон, бўҳтон, ифво, ғийбат, чақимчилик каби гуноҳ гап-сўзлар узоқлашади. Аллоҳни кўп зикр қилган одамнинг қалбида беҳуда гапларга, сўкишишларга, кишига обрў келтирмайдиган ҳолатларга жой қолмайди. Аллоҳни кўп зикр қилган одамнинг қалбида дунёнинг, унинг матоҳларининг зикрига жой қолмайди. Аллоҳни кўп зикр қилган одамнинг қалбида турли кўнгилхушликларга, инсон зеҳнини чалғитувчи маийшатларга жой қолмайди. Аллоҳни кўп зикр қилган одамнинг қалбига Аллоҳнинг муҳаббатидан бошқа муҳаббат сиғмайди. Аллоҳни кўп зикр қилган одамнинг, аввало, тилида Аллоҳнинг исми жо бўлади. Сўнгра, бу муборак исм аста-секин ҳалқумига, кўксига ва қалбига етиб боради. Гарчи бундай инсон тили билан Аллоҳнинг

исмини айтмаса ҳам, қалби «Аллоҳ, Аллоҳ» деб туради. Ниҳоят, бутун вужуди шу ҳолатга етади. Ана шунда зокирлик мақомига эришади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Расулуллоҳнинг ҳузурларига икки аъробий келди. Улардан бири:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, қайси одам энг яхши одам?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимнинг умри узоқ бўлиб, амали яхши бўлса, ўша», дедилар. Иккинчиси эса:


«Эй, Аллоҳнинг Расули, Исломнинг таклифлари кўпайди. Менга бир ишни амр қилингки, уни маҳкам тутай», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Доимо тилинг Аллоҳнинг зикри ила ҳўл бўлсин», дедилар.

Ҳа, Аллоҳнинг зикрини кўп қилиш мўмин бандани олий мақомларга эриштиради.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Роббингиз: «Модомики, бандам мени зикр этиб, лаблари қимирлар экан, мен у билан биргаман», дейди», деганлар.



42. Ва эртаю кеч Уни поклаб ёд этинглар.

Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам дунёда катта ўзгаришлар рўй беради. Шунинг учун ҳам, бу икки вақтда Аллоҳни поклаб ёд этиш алоҳида таъкидланмоқда.

Агар бандалар Аллоҳ таолони кўп зикр қилиб, уни эртаю кеч поклаб ёд этсалар, мукофоти нима бўлиши келаси оятда айтилмоқда:

هُوَ الَّذِي يُصَلِّي عَلَيْكُمْ وَمَلَائِكَتُهُ لِيُخْرِجَكُم مِّنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ وَكَانَ بِالْمُؤْمِنِينَ رَحِيمًا

43. У сизларни зулматлардан нурга чиқариш учун Ўзи ҳам, фаришталари ҳам саловот айтадир. У мўминларга ўта меҳрибон бўлган зотдир.

Аллоҳ таолонинг бандага саловот айтиши У зотнинг бандага бўлган раҳматини билдиради. Фаришталарнинг саловот айтиши эса, бандага Аллоҳнинг раҳмати ёғилишини тилаб, дуо қилишларини англатади.

«У мўминларга ўта меҳрибон бўлган зотдир.»

Шунинг учун, бандаларининг зикрига муҳтож бўлмаса ҳам, бандалар ўз фойдалари учун Уни зикр қилсалар ҳам, Ўзини кўп зикр қилган, эртаю кеч поклаб ёд этган бандаларига Ўзи саловот айтиб, фаришталарига ҳам саловот айттирмақда. Бундан ортиқ яна қандай меҳрибонлик бўлиши мумкин?!

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадиси қудсийда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло: «Ким Мени ичида зикр қилса, Мен ҳам уни ичимда зикр қиламан, ким Мени жамоат ичида зикр қилса, Мен уни унинг жамоатидан яхшироқ жамоат ичида зикр қиламан», дейди», деганлар.

Яъни, фаришталар ичида зикр қиламан, деганидир.

تَحِيَّتُهُمْ يَوْمَ يَلْقَوْنَهُ سَلَامٌ وَأَعَدَّ لَهُمْ أَجْرًا كَرِيمًا

44. У зотга йўлиқадиган кундаги сўрашишлари саломдир. Ва уларга гўзал ажрни тайёрлаб қўйгандир.

Аллоҳни кўп зикр қиладиган, эртаю кеч Уни поклаб ёд этадиган ана ўша бандаларга Аллоҳ таолонинг Ўзи ва фаришталари саловот айтиши билан бирга уларнинг:

«У зотга йўлиқадиган кундаги сўрашишлари саломдир.»

Аллоҳга йўлиқадиган қиёмат кунида ўша мўминларнинг ҳолаҳвол сўрашишлари саломдан иборатдир. Аввало, салом бериб кутиб олинади, қолаверса, барча хавфу хатардан, қиёмат куни даҳшатларидан ва дўзах азобидан саломатлик ато этилади.

«Ва уларга гўзал ажрни тайёрлаб қўйгандир.»

Аллоҳ таолонинг Ўзи бундай зокир бандаларга гўзал ажрни – жаннатни тайёрлаб қўйгандир.

Энди Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кишиларга нисбатан тутган мақомлари, у зотнинг вазифалари ва мўминлар устидаги фазллари баён қилинади:

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ شَهِيدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿٤٥﴾ وَدَاعِيًا إِلَى اللَّهِ بِإِذْنِهِ
وَسِرَاجًا مُنِيرًا ﴿٤٦﴾

45. Эй Набий, албатта, Биз сени гувоҳлик бергувчи, хушхабарчи ва огоҳдантиргувчи,

46. Ва Ўз изни ила Аллоҳга даъват қилгувчи ҳамда нурли чирок қилиб юбордик.

Ушбу икки оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўртта вазифалари ва битта сифатлари зикр қилинмоқда.

«Эй Набий, албатта, Биз сени гувоҳлик бергувчи» қилиб юбордик.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам барча халойиқ устидан гувоҳлик берадилар. Гувоҳлик берганларида ҳам, Аллоҳ таоло ҳузурда гувоҳлик берадилар. Одамлар у зотнинг ҳақларида турли бўлмағур гап-сўзлар тарқатиш ўрнига, у кишидан яхши гувоҳлик олишга ҳаракат қилсинлар.

«...хушхабарчи...»

Иймон келтириб, ибодат ва амали солиҳ қилганларга ажру савоб, иззат-эҳтиром, икки дунё саодати ва жаннат ҳақида хушхабар берувчи ҳам Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

«...огоҳлантиргувчи...»

Кофир, мунофиқ, осий, фосиқ, фожир бўлганларни азоб-уқубатдан, икки дунё бадбахтлигидан ва қиёмат куни шармандалиги ҳамда дўзах азобидан огоҳлантирувчи ҳам Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

«...Ва Ўз изни ила Аллоҳга даъват қилгувчи...»

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни Аллоҳга даъват қилувчидирлар, бошқага эмас. Даъват қилганларида ҳам, Аллоҳ таолонинг изни билан даъват қиладилар, ўзларича эмас. Бу ишни Аллоҳ таолонинг Ўзи ихтиёр қилган, Ўзи изн берган, Ўзи амр этган.

«...ҳамда нурли чироқ қилиб юбордик.»

Ҳа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам жоҳилият зулматларидаги нурли чироқдирлар. Турли зулматлар ичида йўлини топа олмай, уриниб-суриниб юрган кишиларни Ислоннинг ёруғ йўлига бошловчи нурли чироқдирлар.

Имом ибн Абу Ҳотим ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Эй Пайғамбар, албатта, Биз сени гувоҳлик бергувчи, хушхабарчи ва огоҳлантиргувчи...» қилиб юбордик ояти нозил бўлганида, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ва Муоз розияллоҳу анҳуларни Яманга боришга амр этган эдилар. Бу икковларига:

«Бораверинглар, бас, хушхабар беринглар, нафратлантирадиган гапларни айтманглар, енгил олинглар, офир олманглар, менга: «Эй Набий, албатта, Биз сени гувоҳлик бергувчи, хушхабарчи ва огоҳлантиргувчи...» қилиб юбордик ояти нозил бўлди», дедилар.»

Имом Бухорий, имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва имом ибн Абу Ҳотим Аъто ибн Ясир розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу билан учрашганимда, унга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Тавротдаги сифатларини айтиб бер», дедим. У:

«Хўп! Аллоҳга қасамки, у зот Тавротда ҳам ўзларинг ўқийдиган Қуръондаги баъзи сифатлар билан сифатлангандирлар:

«Эй Набий, албатта, биз сени гувоҳлик бергувчи, хушxabарчи ва огоҳлантиргувчи, уммийларнинг суянчи қилиб юбордик. Сен бандамсан ва Расулимсан. Сени мутаваккил деб номладим. Қўрс ҳам, қўпол ҳам эмас. Бозорларда бақир-чақир қилгувчи ҳам эмас. Ёмонликни ёмонлик билан қайтармайди. Лекин афв қилади, ўтиб юборади ва кечиради. Аллоҳ таоло то эгри умматни тўғриламагунча, «Лаа илааҳа Иллаллоҳ» демагунларича, унинг жонини олмайди. Бас, у билан кўр кўзларни, кар қулоқларни, қулфлик қалбларни очади», деди.

Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоби яна давом этади:

وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ بِأَنَّ لَهُم مِّنَ اللَّهِ فَضْلًا كَبِيرًا ﴿٥٧﴾

47. Мўминларга уларга албатта Аллоҳдан улуғ фазлу марҳамат бўлиши ҳақида хушxabар бер.

Ушбу оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларга етказадиган хушxabар алоҳида тилга олинмоқда. Мўминларга, албатта Аллоҳ таолонинг улуғ фазлу марҳамати бўлиши таъкидланмоқда. Бундан каттароқ, бундан яхшироқ хушxabар бўлиши мумкинми?!

Кейинги ояти каримада ҳам Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассаломга қилаётган хитоби давом этади.

Эй Набий!

وَلَا تُطِعِ الْكَافِرِينَ وَالْمُنَافِقِينَ وَادْعُهُمْ تَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ وَكَفَى بِاللَّهِ وَكِيلًا ﴿٥٨﴾

48. Кофир ва мунофиқларга итоат этма. Уларнинг озорларига парво қилма. Аллоҳга таваккал қил. Вакил бўлишга Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.

Кофир ва мунофиқлар турли услублар билан сени ўз йўлларига солмоқчи бўладилар.

«Кофир ва мунофиқларга итоат этма.»

Сен уларга ҳеч итоат этма. Фақат Аллоҳга итоат эт.

«Уларнинг озорларига парво қилма.»

Кофир ва мунофиқларнинг озорларига парво ҳам қилма. Булар ўткинчи нарсалар.

«Аллоҳга таваккал қил.»

Барча ишларингда фақат Аллоҳ таолога суян.

«Вакил бўлишга Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.»

Ундан бошқасининг кераги йўқ.

Эндиги оятда кишилар ҳаётини, жумладан, оилавий ҳаётни Ислом таълимотлари асосида тартибга солиш борасидаги ҳукмлардан бири баён қилинади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نَكَحْتُمُ الْمُؤْمِنَاتِ ثُمَّ طَلَقْتُمُوهُنَّ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَمْسُوهُنَّ بِمَا
 لَكُمْ عَلَيْهِنَّ مِنْ عِدَّةٍ تَعْتَدُونَهَا فَمِتَعُوهُنَّ وَسَرَّحُوهُنَّ سَرَاحًا جَمِيلًا ﴿٤٩﴾

49. Эй, иймон келтирганлар! Қачонки мўминаларни никоҳлаб олсангиз, сўнгра уларни қўл теккизмай туриб, талоқ қилсангиз, улар зиммасида сиз учун идда ўтириш бўлмас. Бас, сиз уларни баҳраманд қилинг ва гўзал бўшатиш ила бўшатиб юборинг.

Бу ояти каримада ақди никоҳдан кейин эру хотинлик қилмай туриб бўладиган талоқ ҳақида сўз кетмоқда. Бу ҳолат оз бўлса-да, ҳаётда учраб туради. Куёв билан келин ўртасида никоҳ ўқилганидан сўнг, улар бир-бирлари билан эру хотин сифатида хилват жойда ёлғиз қолгунларича ҳукмлар бир хил бўлади. Хилватда қолганларидан кейинги ҳукмлар эса, бошқача бўлади. Бу оятда биринчи ҳолат муолажа қилинмоқда.

Эй, иймон келтирганлар! Қачонки мўминаларни никоҳлаб олсангиз, сўнгра уларни қўл теккизмай туриб, талоқ қилсангиз, улар зиммасида сиз учун идда ўтириш бўлмас.

Никоҳдан сўнг, қўл теккизмай туриб, яъни, эру хотин сифатида хилватда ёлғиз қолмай туриб талоқ қилса, келин идда ўтирмайди. Чунки, идда эру хотинликдаги ҳаёт ҳурмати ва бошқа нарсалар сабабидан жорий қилингандир. Ушбу ҳолатда эса, мазкур мулоҳаза йўқ. Чунки, улар эр-хотин бўлиб, бир лаҳза ҳам бирга яшаганлари йўқ.

«Бас, сиз уларни баҳраманд қилинг...»

Яъни, сиз никоҳдан кейин, эр-хотин бўлиб яшашдан олдин талоқ қилинган келинларни баҳраманд қилинг. Бирор хурсанд қилувчи совға беринг. Бундай совға шариат истилоҳида «мутъа» (баҳраманд қилувчи) дейилади. Маълумки, ҳар бир инсон, шунингдек, аёл киши ҳам кўп орзу-умидлар билан турмуш қуради. Никоҳ эса, ўша орзу-умидлар амалга ошадиган вақт келганининг сўнгги ва ишончли даракчиси-дир. Аммо, энди умидимга етдим, деганида талоқ тушиши катта фожиа ва кўнгилсизлик бўлади. Бунинг устига, шу хабарни эшитган одамлар ҳам, фалончи нима учун никоҳдан сўнг дарҳол талоқ қилинбди, бирор гап бўлса керак, деган фикрга боришади. Шунга ўхшаш ноқулайликларни кўтариш учун Ислом шариатида никоҳдан сўнг қўл теккизмай туриб талоқ қилган эр келинга мутъа – совға бериши жорий этилган. Албатта, бу мутъа келиннинг маҳри тайин қилинмаган бўлса, берилиши вожибдир. Агар маҳри тайин қилинган бўлса,

унда келин маҳрнинг ярмини олади. Маҳр тайин қилинмаган бўлса, ўша вақтнинг таомилча, келин ва куёвнинг ҳолига қараб мутъа миқдори белгиланади. Шу билан, келиннинг кўнгли ҳам кўтарилади, одамларнинг оғзи ҳам беркилади. Улар, фалончини никоҳдан кейин қўл теккизмасдан туриб талоқ қилса ҳам, куёв унга совға берибди, бошқа бир узр бор, шекилли, дейишга ўтадилар.

«...ва гўзал бўшатиш ила бўшатиб юборинг.»

Исломда ҳар бир нарсанинг гўзал бўлишига катта эътибор берилади. Талоқ марғуб эмас, жуда ноқулай нарса. Аммо шуни ҳам гўзаллик билан амалга ошириш амр қилинмоқда. Уруш-жанжал қилиб, бир-бирини сўкиб, одамлар ичида шарманда бўлиб эмас, гўзаллик билан, яхшилик билан, бир-бирининг ҳурматини жойига қўйиб ажралиш тавсия этилмоқда.

Энди эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилавий ҳаётлари ҳақида ва у зотнинг оилалари билан мўминларнинг алоқаси қандай бўлиши кераклиги ҳақида сўз кетади.

يَأَيُّهَا النَّبِيُّ إِنَّا أَحْلَلْنَا لَكَ أَزْوَاجَكَ الَّتِي ءَأَيْتَتْ أُجُورَهُنَّ وَمَا مَلَكَتْ يَمِينُكَ
مِمَّا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَيْكَ وَبَنَاتِ عِمَّتِكَ وَبَنَاتِ خَالَكَ وَبَنَاتِ خَلْنِكَ الَّتِي
هَاجَرْنَ مَعَكَ وَامْرَأَةً مُؤْمِنَةً إِنْ وَهَبَتْ نَفْسَهَا لِلنَّبِيِّ إِنْ أَرَادَ النَّبِيُّ أَنْ يَسْتَنْكِحَهَا خَالِصَةً
لَكَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ قَدْ عَلِمْنَا مَا فَرَضْنَا عَلَيْهِمْ فِي أَزْوَاجِهِمْ وَمَا مَلَكَتْ
أَيْمَانُهُمْ لِكَيْلَا يَكُونَ عَلَيْكَ حَرَجٌ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا

50. Эй Nabiy, Биз сенга маҳрларини берган жуфтларингни, Аллоҳ сенга ўлжа қилиб берган қўл остингдаги(чўри)ларни, амакиннинг қизлари, аммаларингнинг қизлари, тоғаннинг қизлари, холаларингнинг қизларидан сен билан ҳижрат қилганларини ҳалол қилдик. Ва агар бир мўмина аёл ўз нафсини Nabiyга ҳадя этса, Nabiy уни никоҳлаб олишни ирода қилса, сен учун маҳсус ҳалол қилдик. Мўминларга эмас. Уларга жуфтлари ва қўллари остидаги мулк(чўри)лари ҳақида нимани фарз қилганимизни билурмиз. Буни сенга танглик бўлмаслиги учун қилдик. Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотдир.

Ушбу ояти каримада ва бундан кейин келадиган икки оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қандай аёлларнинг никоҳи дуруст экани ҳақида, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам билан турмуш қурган ва қурадиган аёлларга тегишли масалалар устида сўз юритилади.

«Эй Набий, Биз сенга маҳрларини берган жуфтларингни» ҳалол қилдик.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу оят но-зил бўлган пайтдаги маҳрларини берган жуфтлари: Оиша онамиз — ҳазрати Абу Бакрнинг қизлари, Ҳафса онамиз — ҳазрати Умарнинг қизлари, Умму Ҳабиба онамиз — Абу Суфённинг қизлари, Умму Салама онамиз — Абу Умаййанинг қизлари, Савда онамиз — Замъа қизлари, Зайнаб онамиз — Хузайма қизлари, Зайнаб онамиз — Жаҳшнинг қизлари, Жувайрия онамиз — ал-Ҳорис қизлари ва София онамиз — Ҳайй ибн Ахтобнинг қизлари эдилар. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари орасида фақат Оиша онамизгина у зотга қиз ҳолларида турмушга чиққанлар. Қолган аёлларига эса Пайғамбар алайҳиссалату вассалом, турли сабаб ва ҳикматларга биноан, ёшлари олтишлар атрофида бўлган пайтларида уйланганлар. Бунинг устига, оналаримизнинг кўпларининг ёшлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшларидан катта бўлган.

«...Аллоҳ сенга ўлжа қилиб берган қўл остингдаги(чўри)ларни...» ҳалол қилдик.

Ўша пайтда бутун дунёнинг одати шу эди. Чўри хожасига хотин ўрнини ҳам босар эди. Урушда асир тушган аёллар чўри қилинардди. София ва Жувайрия оналаримиз урушда асир тушганлардан эдилар. Лекин Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни чўри қилмадилар, олдин озод этиб, кейин никоҳлаб олдилар.

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мория Қибтия деган чўрилари бўлгани маълум ва машҳурдир. Мория онамиз у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан Иброҳим исми ўғил кўрганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Мория онамизни Миср подшоҳи Муқовқис ҳадя қилган эди.

«...амакиннинг қизлари, аммаларингнинг қизлари, тоғаннинг қизлари, холаларингнинг қизларидан сен билан ҳижрат қилганларини ҳалол қилдик.»

Уларнинг ҳижрат қилмаган қизларига уйланишинг мумкин эмас. Бу ерда никоҳи ҳалоллар билдириб қўйиляпти, холос. Буйруқ берилмаяпти. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Пайғамбаримиз бу тоифанинг фақат биттасига — Зайнаб бинти Жаҳш онамизга уйланганлар, холос. Бу ерда, аслида, Аллоҳнинг йўлида, дину диёнат йўлида қилинган ҳаракат — ҳижратнинг ҳурмати юқори кўтарилмоқда, холос.

«Ва агар бир мўмина аёл ўз нафсини Набийга ҳадя этса, Набий уни никоҳлаб олишни ирода қилса, сен учун махсус ҳалол қилдик. Мўминларга эмас.»

Бу ерда гап валийсиз, маҳрсиз ва гувоҳсиз никоҳлаб олиш ҳақида кетмоқда. Агар бирор мўмина аёл ўз нафсини Пайғамбар соллал-

лоҳу алайҳи васалламга ҳадя этса, у зот ўша аёлни никоҳлаб олишни хоҳдасалар, валийсиз, маҳрсиз ва гувоҳсиз никоҳлаб олишлари мумкин. Лекин бундай никоҳ мўминларга мумкин эмас. Улар фақат валий, маҳр ва гувоҳ билан никоҳланишлари мумкин.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга кўпгина аёллар ўз нафсларини ҳадя этганлар. Умму Шарийк, Хавла бинти Ҳаким, Лайло бинти ал-Хотийм розияллоҳу анҳолар шулар жумласидандир. Лекин Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг биронтасига ҳам уйланмаганлар.

«Уларга жуфтлари ва қўллари остидаги мулк(чўри)лари ҳақида нимани фарз қилганимизни билурмиз.»

Яъни, мўминларга хотинлари ва чўрилари ҳақида Ўзимиз фарз қилган маҳр, гувоҳлар, ақди никоҳ, тўрттадан ортиқ бўлмаслик, шунингдек, чўриларга хос жиҳатларни Ўзимиз яхши билурмиз.

«Буни сенга танглик бўлмаслиги учун қилдик.»

Яъни, ушбу оятда зикр қилинган уйланиш бобидаги ўзинггагина хос — никоҳда тўрттадан ортиқ аёлни ушлаб туришни, мазкур тоифа аёлларга уйланишни, чўри тутишни, ўз нафсини ҳадя қилган хотинга маҳрсиз, гувоҳсиз уйланишни сенга танглик бўлмаслиги учун қилдик.

﴿ تَرْجِي مَن تَشَاءُ مِنْهُنَّ وَتُؤْوِي إِلَيْكَ مَن تَشَاءُ وَمِن أَبْنَعِتِ مِمَّنْ عَزَلْتَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكَ ذَلِكَ أَدْنَىٰ أَنْ تَقَرَّ أَعْيُنُهُنَّ وَلَا يَحْزَنَ وَيَرْضَيْنَ بِمَاءِ آيَاتِهِنَّ كُلَّهُنَّ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا فِي قُلُوبِكُمْ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَلِيمًا ﴾

51. Улардан хоҳлаганингни нари қўйиб, хоҳлаганингни ўзингга олурсан. Ўзинг четлатганлардан бирортасини истасанг, сенга гуноҳ бўлмас. Шундай бўлиши уларнинг кўзлари қувончга тўлиши, хафа бўлмасликлари ва ҳаммаларининг сен уларга берган нарсадан рози бўлишларига яқинроқдир. Аллоҳ қалбларингиздаги нарсани биладир ва Аллоҳ ўта билгувчи ва ўта ҳалийм зотдир.

Ушбу ояти каримада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юқорида зикр этилган аёллар билан қандай муомалада бўлишлари баён қилинмоқда. Юқоридаги оятда, асосан, маҳрларини бериб, никоҳлаб олган завжаи мутоҳҳаралари, амаки, амма, тоға, холаларнинг ҳижрат қилган қизлари ва ўз нафсини ҳадя этган мўминалар ва чўрилар ҳақида гап борган эди. Буларнинг бир қисми фараз қилгандаги рухсатлар бўлиб, воқелиқда ўз нафсини ҳадя қилиши мумкин мўминалар ва завжаи мутоҳҳаралари қолган эди.

«Улардан хоҳлаганингни нари қўйиб, хоҳлаганингни ўзингга олурсан.»

«Улардан» лафзидан, ўз нафсларини ҳады қилган мўминалар қасд қилинган бўлганида, ўз нафсини ҳады қилган аёллардан хоҳлаганингни қабул этиб хотин қилиб олурсан, маъноси чиқар эди. Аммо уларнинг бирортасини ҳам қабул қилмаганлари юқорида айтиб ўтилди. Демак, бу жумладаги ҳукм фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу оят нозил бўлган пайтдаги завжаи мутоҳҳараларига хос бўлиб қолади. Баъзи уламоларимиз, аёлларингдан хоҳлаганингни талоқ қилурсан, хоҳлаганингни талоқ қилмай, олиб қолурсан, деган маънони олға сурадилар. Аммо кейинги оят бу фикрни рад этади. Шунинг учун ҳам, кўпчилик уламоларимиз, бу рухсат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз завжаи мутоҳҳаралари билан бирга ётиш тақсимларида у зотга хоҳлаганча йўл тутиш ихтиёри берилганини ифода этади, дейдилар. Яъни, завжаларингдан бирортасига навбат келса ҳам, олдига кирмай, нари қўйиб, хоҳлаганинг билан, навбати келмаса ҳам, бирга ётурсан, деганидир, дейишади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллари билан навбатманавбат ётар эдилар. Мабодо, навбатни бузишга эҳтиёж чиқиб қолса, навбати келган онамиздан, фалончининг олдига тунашимга изн берсанми, деб сўрар эдилар. Бу оятда эса, сўрамасдан ҳам, ўзлари нимани истасалар, қилаверишга ҳақлари бор эканлиги баён қилинмоқда.

«Ўзинг четлатганлардан бирортасини истасанг, сенга гуноҳ бўлмас.»

Бу ҳам, фараз маъносида олсак, ўз нафсини ҳады қилган аёлни олдин рад этиб, кейин яна хоҳлаб олганинг сенга гуноҳ бўлмас, маъноси чиқади. Ёки завжаларингдан бирортасига навбатида кирмай қўйган бўлсанг, истаган пайтингда кираверсан, маъноси чиқади.

«Шундай бўлиши уларнинг кўзлари қувончга тўлиши, хафа бўлмасликлари ва ҳаммаларининг сен уларга берган нарсдан рози бўлишларига яқинроқдир.»

Чунки, бу ишларни Аллоҳнинг амри билан қилаётганингни билганларидан кейин, аёлларингнинг кўзлари қувончга тўлади, хафа бўлмайдилар ва рози бўладилар.

«Аллоҳ қалбларингиздаги нарсани билади...»

Шунинг учун ушбу ҳукмни жорий қилди.

«...ва Аллоҳ ўта билгувчи ва ўта ҳалийм зотдир.»

У зот ҳамма нарсани, ошқору махфийни, каттаю кичикни билади. Ўта ҳалиймлигидан бандаларини иқоб қилишга (жазолашга) шовилмайди.

لَا يَحِلُّ لَكَ النِّسَاءُ مِنْ بَعْدِ وَلَا أَنْ تَبَدَّلَ بِهِنَّ مِنْ أَزْوَاجٍ وَلَوْ أَعْجَبَكَ حُسْنُهُنَّ إِلَّا مَا

مَلَكْتَ يَمِينِكَ وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ رَّقِيبًا

52. Сенга бундан бошқа аёллар ҳалол бўлмас ва уларга бошқа завжаларни алмаштиришинг ҳам бўлмас. Агар ўшаларнинг ҳусни сени ажаблантирса ҳам. Магар қўлингда мулк бўлган (чўри) бўлса мумкин. Аллоҳ ҳар бир нарсани кузатиб тургувчи зотдир.

Имом Имодуддин Исмоил ибн Касир ўз тафсирларида ушбу ояти карима хусусида қуйидагиларни ёзадилар: «Кўпгина уламолар, жумладан, ибн Аббос, Мужоҳид, Заҳҳок, Қатода, ибн Зайд, ибн Жарир ва бошқалар: ушбу оят Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳараларини мукофотлаш учун, улардан рози бўлганлик аломати сифатида нозил бўлгандир, — дейдилар. — Бу нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан, аввал айтиб ўтилганидек, икки нарсадан бирини ихтиёр қилишни талаб қилганларида, гўзал йўл тутиб, Аллоҳни, Унинг Расулини ва охираат диёрини ихтиёр қилганлари учун мукофотдир. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ихтиёр қилганларида мукофоти учун Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни уларга боғлаб қўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга улардан бошқага уйланишни ёки уларнинг ўрнини бошқа аёл билан алмаштиришни, агар ўша бошқа аёлларнинг ҳусни у зотни ҳайратлантирса ҳам, ҳаром қилиб қўйди. Магар чўрилар ва асиралар бўлса, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга танглик йўқ эди.

Бошқа тафсирчиларимиз: оналаримиз бу дунё ҳаёти ва унинг зийнатларини хоҳламай, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ихтиёр қилганлари учун Аллоҳ таоло уларни уч нарса билан мукофотлади, дейишади.

Биринчиси: улар ҳамма аёллардан устун қўйилдилар. Аллоҳ таоло уларга: «Сизлар бошқа аёллардан бирортасига ўхшамайсиз», деди.

Иккинчиси: уларни «мўминларнинг оналари» деб эълон этилди.

Учинчиси: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уларни талоқ қилишни, уларни бошқаларга алмаштиришни ман этилди.

«Сенга бундан бошқа аёллар ҳалол бўлмас...»

Яъни, ҳозир ўзингга жуфтиҳалол бўлиб турган аёллардан бошқасига уйланиш сенга ҳалол эмас.

«...ва уларга бошқа завжаларни алмаштиришинг ҳам бўлмас.»

Яъни, ҳозирги аёлларингдан бирортасини талоқ қилиб, ўрнига бошқа аёлга уйланишинг ёки бирортаси вафот этса ҳам, ўрнига бошқа аёл олишинг мумкин эмас.

«Агар ўшаларнинг ҳусни сени ажаблантирса ҳам...»

Яъни, ўша, сен уйланмоқчи бўлган аёлларнинг ҳусни-жамоли сени ажаблантириб, уйланишни жуда-жуда хоҳласанг ҳам, мумкин эмас.

«Магар, қўлингда мулк бўлган (чўри) бўлса, мумкин.»

Яъни, ҳозир мавжуд аёлларингнинг устига уйлансанг, бўлмайди. Аммо чўри сақласанг, мумкин. Уламоларимиз таъкидлашларича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Мория Қибтия онамиз ушбу ояти карима нозил қилинганидан сўнг ҳадя этилганлар.

Исломда кўп хотинлиликка рухсат берилгани душманларнинг беҳисоб тухмат ва бўҳтонларига восита қилинганидек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўрттадан кўп хотинли бўлганлари ҳам талай ифво ва тухматларга сабаб бўлган.

Ислом душманларининг бу борада тўқиган бўҳтонларининг хулосаси қуйидагичадир: «Муҳаммад шаҳвоний одам бўлган, у лаззат учун, шаҳват учун ҳар нарсани қилишга тайёр эди. Шунинг учун ҳам, битта хотин билан кифояланмай, ўзига эргашганларга жорий қилган тўрт хотинга ҳам қаноат қилмай, ўнта хотин олган», деганлар.

Бу тухматларга уламоларимиз жуда қониқарли жавоблар берганлар.

Аввало, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари у зот алайҳиссалом олтмиш ёшга яқинлашиб қолганларида кўпайган. Бу ҳам маълум ҳикматлар юзасидан. Қолаверса, оналаримизнинг кўплари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан катта ёшда бўлишган. Энди ўйлаб кўрайлик, олтмишга яқинлашиб қолган одам шаҳвоний ниятда уйланадиган бўлса, ўзидан катта ёшдаги кампирга уйланадими?! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ёшлик чоғларида уйланган биринчи аёллари Ҳадийжа онамиз у кишидан ўн беш ёш катта бўлганлар. Йигитлик чоғлари худди шу онамиз билан бирга кечган. Ҳадийжа онамиз вафот этганларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам элик ёшда эдилар. Қани бу ерда шаҳват ортидан юриш? Оиша онамиздан бошқа оналаримиз бир ёки бир нечта эрга теккан аёллар эдилар. Шаҳватга берилган одам шундай қиладими?

Энди аёллари сонига келайлик. Аввал айтганимиздек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг кўп қисмини Ҳадийжа онамиз билан ўтказдилар. Йигирма беш йил бирга умр кўрдилар. Ҳадийжа онамиз вафотларидан сўнг яна уч йил Маккаи Мукаррамада яшадилар. Сўнгра ҳижрат қилдилар. Ҳижратдан кейин ҳам аёллари дарҳол кўпайгани йўқ. Турли ҳодисалар, илоҳий ҳикматлар тақозосига кўра оналаримизга уйланганлар. Мана, ушбу сурада ўрганганимиз Зайнаб бинти Жаҳш онамизга уйланишлари ҳам

ҳикматга биноан, Аллоҳнинг амри билан, тахминан, у зот алайҳис-саломнинг эллик саккиз ёшларида содир бўлди.

Пайғамбарлар учун кўп хотинли бўлиш фақат Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хос эмаслигини ҳам билдик. У кишидан аввалги Пайғамбарлар ҳам кўп хотинли бўлишган. Пайғамбарлик мақоми шуни талаб қилган бўлса, ажаб эмас. Довуд алайҳиссаломнинг юзта, Сулаймон алайҳиссаломнинг уч юзта хотинлари бўлгани айтилди.

Турли ижтимоий, сиёсий, таълимий, қонуний ва бошқа ҳикматларга кўра Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари сони тўққизтага етган бўлса, ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Аввало, дин таълимотлари ва ҳукмларини мусулмон умматининг аёлларига етказиш ва Пайғамбарлик хонадонини бошқариб туриш учун тўртта аёл эмас, кўпроқ аёллар бўлганлари маъқул. Исломдан олдин хотинлар сони чегараланмаган эди. Ким нечта хоҳласа, шунчага уйланаверарди. Бу борада эркакларнинг иштаҳаларини чегаралаб, бир эркак бир вақтнинг ўзида тўрттадан ортиқ аёлга эр бўла олмаслигини Ислом ҳукм қилди. Бу чегарани Қуръони Карим қўйди. Бу ҳақда «Нисо» сурасининг оятлари нозил бўлганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳаралари тўққизта эди. Уларнинг ҳар бири «Мўминларнинг онаси» деб Аллоҳ томонидан алақачон атаб қўйилган эди. Бунинг устига, мабодо, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг тўрттадан ортигини талоқ қилсалар, бошқа эрга тегишлари мумкин эмас эди. Аллоҳ буни ман қилган. Уларга уйланишларидан кўзланган ҳикмат ҳам ботилга айланар эди. Шунинг учун, Аллоҳ таолонинг Ўзи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламини тўрт хотинли бўлиш ҳукмидан истисно қилди. Яқиндагина ўрганиб ўтган оятимиз билан улардан бошқага уйланишларини ҳам ман этди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари кўп бўлишининг турли ҳикматлари борлиги аввал ҳам айтиб ўтилди. Бу ҳикматлар икки турга бўлинади: умумий ҳикматлар ва хусусий ҳикматлар. Умумий ҳикматлар қуйидагилардан иборат:

1. Таълим-тарбияга оид ҳикматлар.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари сони кўпайиши, асосан, Ислом уммати аёлларига дину диёнат ва шариат аҳкомларини ўргатувчи устозлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган. Маълумки, Ислом ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасини, каттаю кичигини илоҳий қонун асосида қайтадан қуриб чиқди. Жамиятнинг ярми эса, аёллардан иборат. Умумий таълимни Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам берсалар ҳам, унинг кўпгина қирраларини

аёлларга аёл киши етказиши керак эди. Шу сабабдан, Пайғамбаримизнинг рисолатини аёлларга тўқис етказишда оналаримиз хизмат қилганлар. Улар бу ишни шараф билан уддалаганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан энг кўп ҳадис ривоят қилган шахс Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бўлсалар, иккинчи ўринда Оиша онамиз турадилар. Шуни эслашнинг ўзи кифоя бўлса керак. Бунинг устига, Пайғамбаримизнинг суннатлари фақат гапларидан иборат эмас. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган амаллари ва иқрорлари ҳам суннатдир. Оналаримиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга яшашлари давомида у зотдан кўрган амал ва ҳолатларини ҳам Ислому умматига етказганлар.

2. Шариат қонунларини жорий қилиш билан боғлиқ ҳикматлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари кўп бўлишининг яна бир ҳикмати баъзи шаръий ҳукмларни жорий қилишда кўринади. Бунга ушбу сурада ўрганиб ўтган оятларимиз ёрқин мисолдир. Жоҳилиятда кенг тарқалган «асранди бола тутиш» одатини ботил қилиб, унинг ўрнига исломий ҳукмни жорий этиш учун Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ўзларининг асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу талоқ қилган Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳога уйланишни буюрди. Бу никоҳда ҳеч қандай шахвоний мақсад бўлмай, бош масала жоҳилият қонунини ботил қилиб, Ислому қонунини жорий этишдир.

3. Ижтимоий ҳикматлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари кўп бўлишининг умумий ҳикматларидан яна бири ижтимоий масалаларда кўринади. Мисол учун, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Оиша онамизга уйланишларини олайлик. Бунда ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳикмати бордир. Абу Бақр розияллоҳу анҳунинг Исломуга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган фидокорликларини тақдирлаш, ўртадаги алоқани янада мустаҳкамлаш учун у кишининг қизларига уланганлар. Худди шу гапни ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг қизлари Ҳафса онамизга уйланишлари ҳақида ҳам айтишимиз мумкин.

4. Сиёсий ҳикматлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи аёлларга уйланишларида сиёсий ҳикматлар ҳам бор. Ул зотнинг баъзи оналаримизга уйланишлари сабаб бўлиб, баъзи қабилалар, жамоа ва тоифалар Исломуга кирган, мусулмонлар янада кучайганлар.

Мисол учун, Бани Мусталақ қабиласи билан бўлган урушда Жувайрия бинти ал-Ҳорис онамиз асирга тушадилар. У киши фидя — тўлов тўлаб, асирликдан озод бўлмоқни истаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васалламдан ёрдам сўрайдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у киши учун фидя бериб, ўзлари уйланиш ниятлари борлигини айтадилар. Жувайрия онамиз рози бўладилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Жувайрия онамизга уйланганларини кўрган мусулмонлар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам куёви бўлган қавми асирликда ушлаб турамизми, деб барча бани мусталақлик асирларни озод қиладилар. Бундай олийжаноблик ва мардликни кўрган Бани Мусталақ қабиласи бирдан Исломга киради.

Мавзу муносабати ила шу ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳаралари, оналаримиз розийаллоҳу анҳолар ҳақларида қисқача тўхталайлик:

1. Ҳадийжа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳо: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи аёллари Ҳадийжа онамиз розияллоҳу анҳога уйланганларида йигирма беш ёшда, Ҳадийжа онамиз эса, қирқ ёшда эдилар. Кўриниб турибдики, бу никоҳдан кўзланган бош мақсад шаҳвоний мақсад эмас. Аллоҳ таоло Ўз ҳикмати ила Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбарликни қабул қилиб олишга шу тарийқа тайёрлаган. Дарҳақиқат, Жаброил алайҳиссалом биринчи бор ваҳий олиб келганида, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга энг биринчи иймон келтирган инсон Ҳадийжа онамиз бўлдилар.

Кейинчалик ҳам энг оғир пайтларда Ҳадийжа онамиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга энг ишончли ёрдамчилардан бўлдилар. Ўзларининг мол-мулкларини, жамиятдаги обрўларини, бор имкониятларини Ислом йўлида сарфладилар. Ўша пайтда Ҳадийжа онамиз ўринларида тажрибасиз ёш келин бўлганида, бундай оқилона ишларни қила олармиди, йўқмиди – Аллоҳ билади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг гуллаган ёшлик чоғларини Ҳадийжа онамиз билан ўтказдилар. У киши билан йигирма беш йил умр кечирдилар. Ҳадийжа онамиз вафот этган йилни «маҳзунлик йили» деб эълон қилдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳадича онамизнинг устларига хотин олмадилар. У киши алайҳиссалом Ҳадича онамизни ўта яхши кўрганлар ва қадрлаганлар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳадийжа онамиз ҳақларида: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ менга унинг ўрнига ундан яхшироғини бермади. Одамлар менга куфр келтирганида, у менга иймон келтирди. Одамлар мени ёлғончи қилганларида, у мени тасдиқлади. Одамлар мендан нарсаларини беркитганида, у молини мен учун сарфлади. Аллоҳ таоло менга бошқа аёллардан эмас, ундан фарзанд берди», деган эдилар.

2. Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳо: Савда онамиз аввал ас-Сакрон ибн Амр ал-Ансорий деган киши билан турмуш қурган эди-

лар. У онамизнинг ёшлари ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшларидан катта бўлган. Савда онамиз эрлари билан Ҳабашистонга ҳижрат қилган Ислом фидойиларидан эдилар. У ердан Маккаи Мукаррамага қайтиб келганларида эрлари вафот этади. Катта ёшли аёл, Ислом учун жонини фидо қилган инсон ёлғиз, қаровсиз қолади. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ана ўша кекса аёлнинг кўнглини кўтариш учун ҳамда онасидан етим қолган кичкина Фотимага қараб туриши учун ўзларига никоҳлаб оладилар. Агар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳват учун уйланадиган бўлсалар, дунёдаги энг гўзал қизларни ота-оналари у зот алайҳиссаломга жон деб тутадиган бир пайтда олтмишнинг атрофидаги бева аёлни никоҳларига олар эдиларми? Ривоят қилинишича, Савда онамиз семизгина аёл бўлганлар. У кишининг кичик Фотимага қарашда, уй ишларига уринишда ўнфайсизланишларини кўриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам табассум қилиб қўяр эканлар.

3. Оиша бинти Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳо: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиз ҳолатида уйланган бирдан-бир хотинлари Оиша онамиздир. Оиша розияллоҳу анҳо оналаримиз ичидаги энг заковатли, ёдлашга қобилиятли, илмиси эдилар. Улуғ саҳобалар ҳам ўзлари еча олмаган масалаларда Оиша онамизга мурожаат қилишарди. Оиша онамиз Абу Ҳурайрадан кейин энг кўп ҳадис ривоят қилган, фикҳ, тиб ва шеър илмида ҳам тенгсиз зотдирлар. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Оиша онамизга уйланишларида, юқорида айтиб ўтганимиздек, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳунинг анҳунинг Ислом учун, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам учун кўрсатган чексиз фидокорликларидан миннатдорлик кайфияти ҳам бор эди.

4. Ҳафса бинти Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳо: Ҳафса онамизнинг аввалги эрлари Хунайс ибн Хузофа розияллоҳу анҳу эди. У киши энг жасур ва шижоатли паҳлавонлардан бўлиб, Бадр урушида шаҳид кетдилар. Шундан кейин ҳазрати Умар қизини ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Усмон икковларидан бирига бермоқчи бўлдилар. Аммо Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига улуғ илтифот кўрсатиб, қизлари Ҳафсани ўз никоҳларига олдилар. Ҳафса онамиз ҳам олима бўлганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўплаб ҳадислар ривоят қилганлар.

5. Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳо: У кишининг аввалги эрлари Ислом йўлидаги дастлабки шаҳид паҳлавонлардан бири Убайда ибн ал-Ҳорис розияллоҳу анҳу эди. У киши Бадр урушидаги яккама-якка олишувда шаҳид бўлган. Бу пайтда Зайнаб онамиз ярадор мужоҳидларга ёрдам берардилар. У киши эрлари шаҳид бўлганига қарамасдан, то мусулмонлар урушда ғолиб келгунларича тиним билмадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнаб бинти Хузайма онамизнинг жиҳодлари, сабрлари ва жасоратларини, Аллоҳнинг дини йўлидаги фидокорликларини тақдирлаб ва эрлари шаҳид бўлиб, ёлғиз қолганини билганларидан кейин никоҳларига олдилар. Уша пайтда Зайнаб онамиз олтмиш ёшда эдилар. Бу никоҳни шаҳват учун деб айтиб бўладими?! Икки йилдан сўнг Зайнаб онамиз вафот этдилар, Аллоҳ у кишидан рози бўлсин.

6. Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо: У киши аввал Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳуга турмушга чиққанлари, кейин қайси ҳикматлар юзасидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга завжа бўлганлари ҳақида юқорида батафсил гапирилди. Зайнаб бинти Жаҳш онамизнинг Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳуга никоҳланишлари ҳам Аллоҳнинг амри билан бўлган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга никоҳланишлари ҳам Аллоҳ таоло нозил қилган ояти карима билан бўлди.

7. Умму Салама Ҳинд бинти Умаййа ал-Махзумия розияллоҳу анҳо: Умму Салама онамиз ўзларининг биринчи эрлари Абдуллоҳ ибн Абдул Асад розияллоҳу анҳу билан Ҳабашистонга ҳижрат қилиб, Ислом йўлидаги фидокорлар сафидан ўрин олишган эди. Эрлари Уҳуд жангида шаҳид бўлгач, тўрт боласи билан тул ва қаровсиз қолади. Ана шу ҳолатларни эътиборга олиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини никоҳларига олмоқчи бўлганларида, узр айтиб, етимларим бор, ўзим қари ва рашкчиман, дедилар. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етимларни тарбияларига олмоқчи эканликларини, ёшнинг аҳамияти йўқлигини ва рашк кўтарилиши учун дуо қилишларини айтдилар. Умму Салама онамизнинг ҳам бошқа оналаримиз каби фазилатлари, яхши хислатлари ва хизматлари жуда кўп. Айниқса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тадбирли фикр билан маслаҳат берганлари машҳурдир. Хусусан, Худайбия сулҳи чоғида.

8. Умму Ҳабиба Рамла бинти Абу Суфён розияллоҳу анҳо: Бу онамиз ҳам Ҳабашистонга ҳижрат қилган мужоҳидлардан эдилар. Эрлари Убайдуллоҳ ибн Жаҳш Ҳабашистонда вафот этади. Олис юртларда яқин кишисидан айрилиб, ёлғизлик ичида қолган мўминанинг кўнглини кўтариш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга уйланишга қарор қилдилар. Ҳабашистон подшоҳи Нажошийдан Умму Ҳабибага совчи бўлиб боришини сўрайдилар. Нажоший бу илтимосни амалга оширади ва Умму Ҳабиба онамизга Пайғамбаримизнинг номларидан тўрт минг дирҳам маҳр беради. Умму Ҳабиба онамизнинг оталари Абу Суфён уша пайтда Исломнинг ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг ашаддий душмани эди. Шунга қарамай, у бу никоҳдан хурсанд бўлди. Албатта, бу иш Абу Суфённинг душманлигини кесиш йўлида хизмат қилганига шубҳа йўқ.

9. Жувайрия бинти ал-Ҳорис розияллоҳу анҳо: Жувайрия онамиз Бани Мусталақ қабиласи бошлиғи ал-Ҳорис ибн Зирорнинг қизи эдилар. У кишининг аввалги эрлари Мусо ибн Сафвон деган одам эди. Жувайрия онамизнинг урушда асир тушганлари, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам у кишини озод қилиб, ўз никоҳларига олганлари ва шу сабабдан бани мусталақликларнинг ҳаммаси мусулмон бўлганлари ҳақида юқорида айтиб ўтилди.

10. София бинти Ҳайй ибн Ахтоб розияллоҳу анҳо: Хайбарда у кишининг эрлари мусулмонларга қарши урушда қатл этилиб, ўзлари асирга тушдилар. Мусулмонлар Бани Қурайза қабиласининг улуғи Ҳайй ибн Ахтобнинг қизи Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга муносиб, деб асира Софияни у зот соллalloҳу алайҳи васалламнинг хузурларига олиб келишди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Софияга икки нарсани таклиф қилдилар. Ё уни асирликдан озод қилиб, никоҳларига оладилар ёки шундай озод қилиб юборадилар ва у бориб, қариндошларига қўшилиб олади. София онамиз биринчи таклифни қабул қилиб, аввалдан Исломга кирмоқчи бўлиб юрганларини айтдилар.

11. Маймуна бинти ал-Ҳорис ал-Хилолия розияллоҳу анҳо: Бу онамизнинг номлари Барра бўлган, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Маймуна деб ўзгартирганлар. У кишининг аввалги эрлари Абу Раҳм ибн Абдул Уззо бўлган. Маймуна онамиз розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз никоҳларига олган охирги аёл бўлиб, ҳазрати Аббоснинг тавсияларига биноан уйланганлар. Бу никоҳ Расулulloҳга катта ёрдам кўрсатган Бани Ҳилол қабиласини тақдирлаш ва Маймуна онамизнинг ўзларига яхшилик қилиш учун бўлган эди. Маймуна онамиз оналаримиз ичида энг тақводорлари ва силаи раҳмни кўп қиладигани эдилар.

Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг аёлларига нисбатан алоқалари ва мақомлари баёнидан кейин, энди келадиган оятларда мўмин-мусулмонларнинг бу шарафли мақомга, Расули Акрам соллalloҳу алайҳи васалламга ҳамда завжаи мутоҳҳараларига қандай муомалада бўлишлари лозимлиги таълим берилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتَ النَّبِيِّ إِلَّا أَنْ يُؤْذَنَ لَكُمْ إِلَى طَعَامٍ غَيْرِ
نَظْرِينَ إِنَّهُ وَلَٰكِنِ إِذَا دُعِيتُمْ فَادْخُلُوا فَإِذَا طَعِمْتُمْ فَانْتَشِرُوا وَلَا مُسْتَعْسِينَ لِحَدِيثٍ إِنَّ
ذَٰلِكُمْ كَانَ يُؤْذَى النَّبِيَّ فَيَسْتَحْيِي مِنْكُمْ وَاللَّهُ لَا يَسْتَحْيِي مِنَ الْحَقِّ وَإِذَا
سَأَلْتُمُوهُنَّ مَتَاعًا فَسْأَلُوهُنَّ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ ذَٰلِكُمْ أَطْهَرُ لِقُلُوبِكُمْ وَقُلُوبِهِنَّ وَمَا

كَانَ لَكُمْ أَنْ تُؤْذُوا رَسُولَ اللَّهِ وَلَا أَنْ تَنْكِحُوا أَزْوَاجَهُ مِنْ بَعْدِهِ أَبَدًا إِنَّ ذَٰلِكُمْ
 كَانَ عِنْدَ اللَّهِ عَظِيمًا

53. Эй, иймон келтирганлар! Набийнинг уйларига кирманг. Магар, таомга изн берилганида, унинг пишишига мунтазир бўлмайдиган бўлиб (киринг). Лекин чақирилсангиз, кириш-да, таомни еб бўлишингиз билан тарқалиб кетинг, гапга берилиб, (қолиб) кетманг. Албатта, бундай қилишингиз Набийга озор берур. У эса, сизлардан ҳаё қиларди. Аллоҳ ҳақ (ни айтиш)дан ҳаё қилмайди. Қачонки улардан бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўранг. Шундай қилмоғингиз ўз қалбларингиз учун ҳам, уларнинг қалблари учун ҳам покроқдир. Сиз учун Расулуллоҳга озор бериш ва ундан кейин унинг жуфтларини никоҳингизга олишингиз ҳеч қачон мумкин эмас. Албатта, бундай қилмоғингиз Аллоҳнинг наздида катта (гуноҳ)дир.

Ушбу ояти кариманинг маъноларини яна ҳам чуқурроқ англаб етишимиз учун унинг нозил бўлиш сабабини ўрганиб чиқайлик.

Имом Бухорий ва имом Муслим қилган ривоятда машҳур саҳобий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнаб бинти Жаҳш онамизга уйланган кунлари нималар бўлгани ҳақида қуйидагиларни айтадилар:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уйланиб, ўз аҳллари ҳузурига кирганларида онам хийс (таомнинг тури) қилиб, тавр (идиш)га солиб:

«Эй Анас, мана буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб боргин-да, буни сизга онам бериб юборди, у киши сизга салом айтдилар ва мана шу озгина нарса биздан сизга, деб айтдилар, дегин», дедилар.

Мен уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб бориб: «Онам сизга салом айтдилар ва мана шу озгина нарса биздан сизга, деб айтдилар», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни қўй, — дедилар, сўнгра: — энди бориб фалончи, фалончиларни ва йўлда учратган одамларингни ҳам айтиб кел», деб бир қанча одамларнинг исмларини айтдилар. Мен у зот айтган одамларни ва йўлда учратганларимни чақириб келдим. (Одамлар:

«Неча киши эдилар?» деб сўраганларида, Анас розияллоҳу анҳу: «Уч юз кишича бор эди», деганлар.) Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Эй Анас, таврни олиб кел», дедилар». Суффа ва ҳужра одамларга тўлиб кетган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўнга-ўнгадан халқа бўлиб ўтиринглар, ҳар ким ўз олдидан есин», дедилар. Ҳаммалари еб тўйдилар. Бир гуруҳи чиқиб, бир гуруҳи кириб, ҳаммалари едилар. Сўнг менга:

«Эй Анас, кўтар», дедилар. Билмайман, олиб келиб қўйганимда кўпмиди ёки қайтариб олганимдами? Ўшалардан баъзи гуруҳлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида ўтириб, гаплашиб қолдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўтирдилар. Аёллари эса, юзини деворга ўгириб ўтирарди. Бу ҳолат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга оғир келганидан, ташқарига чиқиб, аёлларига салом бериб кирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайтиб келганларини кўрган чоғларида, ўтирганлар у зотнинг оғир олганларини билдилар ва ҳаммалари эшик томон юриб, чиқиб кетдилар. Расулуллоҳ пардани тушириб, ичкарига кирдилар, мен ҳужрада ўтирар эдим. Сал ўтмай, олдимга чиқдилар. Аллоҳ у кишига: «Эй иймон келтирганлар. Пайғамбарнинг уйларига кирманг», оятини нозил қилди. Расулуллоҳ ташқарига чиқиб одамларга ўқиб бердилар».

«Эй, иймон келтирганлар. Пайғамбарнинг уйларига кирманг. Магар, таомга изн берилганида, унинг пишишига мунтазир бўлмай-диган бўлиб (киринг).»

Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида сиз учун таомга изн берилганида, таом пишишини кутиб ўтирмайдиган бўлиб кириг. Бошқача айтганда, пишиб, тайёр бўлиб турган таомни тановул қилиш учун изн берилганида кириг.

«Лекин чақирилсангиз, кириг-да, таомни еб бўлишингиз билан тарқалиб кетинг, гапга берилиб, (қолиб) кетманг.»

Ўша таом учун сизга изн берилганида, киришингиз билан таомни еб, қайтиб чиқиб кетинг. Овқатни еб бўлиб ҳам улфатчилик учун гапни чўзиб ўтирманг.

«Албатта, бундай қилишингиз Набийга озор берур.»

Ул зот ўз аҳли билан қолишлари, зиммаларидаги вазифаларни адо этишлари лозим эди. Сиз буни эътиборга олмай, гаплашиб ўтирибсиз. Бу ҳол Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни безовта қилар эди.

«У эса, сизлардан ҳаё қиларди.»

Меҳмонларга, уйдан чиқиб кетинглар, деб айта олмас эди.

«Аллоҳ ҳақ(ни айтиш)дан ҳаё қилмайди.»

Шунинг учун сизга, таомни еб бўлганингиздан сўнг, гапга берилиб ўтирмай, тезда чиқиб кетинг, демоқда.

«Қачонки улардан бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўранг.»

Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларидан бирор нарсани сўрасангиз, олдиларига кириб эмас, парда ортида туриб сўранг.

Мусулмонларнинг одоби шундай бўлмоғи керак. Эркак-аёлнинг аралаш-қуралаш бўлиши оқибатида келиб чиқадиган турли мусийбатлардан, бало-офатлардан холи бўлмоғи керак. Аёллар аёллигини, эркаклар эркаклигини билиши, ҳар бири ўзининг чегарасида туриши керак.

«Шундай қилмоғингиз ўз қалбларингиз учун ҳам, уларнинг қалблари учун ҳам покроқдир.»

Эркак киши билан номаҳрам аёл орасида парда бўлмаса, қалбларнинг поклигига футур етади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло «шундай қилмоғингиз», яъни, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларидан бирор нарсани сўраганингизда, парда ортидан сўрашингиз икки томон қалблари учун ҳам покроқ эканини айтмоқда.

«Сиз учун Расулуллоҳга озор бериш ҳеч қачон мумкин эмас.»

Эй, иймон келтирганлар! Сиз учун Расулуллоҳга озор бериш ҳеч қачон мумкин эмас. Ҳатто, меҳмондорчиликдан кейин гаплашиб ўтириб қолиб озор беришингиз ҳам мумкин эмас.

«...ва ундан кейин унинг жуфтларини никоҳингизга олишингиз ҳеч қачон мумкин эмас.»

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан кейин ҳам, у зотнинг завжаи мутоҳҳараларидан бирортасига ҳеч ким уйлана олмайди.

«Албатта, бундай қилмоғингиз Аллоҳнинг наздида катта (гуноҳ)дир.»

Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга озор бермоғингиз, у зотнинг хотинларига у кишидан кейин уйланмоғингиз катта гуноҳдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо ҳурмат ва эъзозга мушарраф зотдир. Баъзи бир мунофиқлар, Муҳаммад вафот этганидан кейин, фалончи хотинига уйланаман, деган ҳам экан. Аллоҳ таоло ана ўшанга ўхшаш ўй-фикрларга ҳам барҳам бериб, бу масалада гапни узил-кесил ҳал қилиб қўйди. Пайғамбаримиздан кейин ҳеч ким, ҳеч қачон у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига уйлана олмаслигини эълон қилди. Шу билан бирга, ундан сўнг:

إِنْ تَبَدُّوا شَيْئًا أَوْ تَخَفُوهُ فَإِنَّ اللَّهَ كَاتِبٌ كُلِّ شَيْءٍ عَلَيْهِمَ

54. Гар бир нарсани ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, албатта, Аллоҳ барча нарсани ўта билгувчи зотдир.

Жумладан, ким Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин у зотнинг аёлларига уйланаман деб ўйлаб юрибди, ким бу ҳақда гапириб юрибди, ҳаммасини яхши билади.

Юқорида мўминларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари билан фақат ҳижоб – парда ортида туриб муомала қилишга рухсат берилди. Эндиги оятда оналаримизга пардасиз муомала қилишига рухсат берилган зотлар ҳақида сўз кетади:

لَا جُنَاحَ عَلَيْهِنَّ فِيءِ آبَائِهِنَّ وَلَا أَبْنَائِهِنَّ وَلَا إِخْوَانِهِنَّ وَلَا أَبْنَاءِ إِخْوَانِهِنَّ وَلَا أَبْنَاءِ أَخَوَاتِهِنَّ وَلَا نِسَائِهِنَّ وَلَا مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُنَّ وَأَتَّقِينَ اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدًا

55. Уларга ўз оталари, ўниллари, ака-укалари, ака-укаларининг ўниллари, опа-сингилларнинг ўниллари, ўз аёллари ва қўллари остида мулк бўлган(қул)лари ҳақида гуноҳ йўқдир. (Эй, Пайғамбар аёллари,) Аллоҳга тақво қилинглр. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага шохид зотдир.

Ушбу ояти каримада зикр қилинган шахслар оналаримиз билан парда – ҳижоб ортидан туриб эмас, ҳижобсиз муомала қилаверишлари мумкин. Оятда амакилар ва тоғалар зикр этилмасалар ҳам, худди шу тоифага киришларини уламоларимиз айтиб ўтганлар. «Оталари» жумласига боболари, амакилари ва тоғалари ҳам қўшилади, деганлар. Ҳа, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳараларига хос бу ҳукмга биноан, улар фақат ушбу оятда зикр қилинганларга қораларини кўрсатишлари мумкин эди. Бошқаларга мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, имом Бадриддин Айний ўзларининг «Умдатул Қорий» китобларида келтирганларидек, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу вафот қилганларида Ҳафса онамиз розияллоҳу анҳо оталарининг жанозасига чиқишга мажбур бўлганлар. Шунда у кишининг атрофларига парда тўсиб юришган, у киши розияллоҳу анҳо парданинг ичида юриб чиққанлар. Шунингдек, Ҳафса онамизнинг ўзлари вафот этганларида ҳам жуссалари устига қубба қўйилган.

Уламоларимиз ояти каримадаги «ўз аёллари» деган жумладан, мўмина-муслима аёллар англашилади, шунинг учун ҳам, оналаримизнинг кофира, мушрика аёлларга ҳам кўринишлари мумкин бўлмаган, дейдилар. Албатта, бунчалик эҳтиёт бўлиш, ўз шарафларини, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам оиласи шарафини улуғлаш

учун доимо тақвода бардавом бўлиш зарур. Шунинг учун, Аллоҳ таоло оятнинг давомида оналаримизга хитоб қилиб:

«Аллоҳга тақво қилинглр. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳид зотдир», демоқда.

Бу ишларнинг барчасида тақво энг муҳим омил ҳисобланади. Агар тақво бўлмаса, парда иш бериши қийин. Бундай ишларда Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳид эканини доимо ҳис этиб турилмаса, парда қанча қалин бўлса ҳам, иш бериши қийин.

Ҳа, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилалари шунчалик эътиборга сазовордирлар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шарафлари худди шуни тақозо қилади. Нима учун умматлардан, мўмин-мусулмонлардан у кишига нисбатан бунчалик иззат-икром бўлмасин экан?! Ҳолбуки:

إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا

56. Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Набийга саловот айтурлар. Эй, иймон келтирганлар! Сиз ҳам унга саловот айтинг ва салом юборинг.

Ушбу ояти карима Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадр-қимматлари Аллоҳ таолонинг ҳузурда қанчалар улуғ эканини яна бир бор кўрсатмоқда. Бошқа биров эмас, Аллоҳ таолонинг Ўзи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиши таъкидланмоқда. Араб тилида «саловот» сўзи «салот»нинг жами бўлиб, дуо маъносини англатади. Арабчада намоз ҳам «салот» дейилади. Чунки, намозда ҳам дуо маъноси бор. Аммо «салот» Аллоҳ таоло томонидан бўлганида «дуо» маъносини йўқотади. Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтишининг маъноси, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Ўз раҳматини юбориши, улуғлаши, мақомларини кўтариши ва фаришталар ҳузурда шаънларига мақтовлар айтишини англатади.

Фаришталарнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтишлари, у зоти бобаракот ҳақларига дуо қилишлари, истиффор айтишлари маъносида бўлади.

Мўмин-мусулмонларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтишлари эса, улар томонидан бўлган дуо ва улуғлаш маъносидадир.

Демак, Аллоҳ таоло доимо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Ўз раҳматини юбориб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан рози эканини билдириб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга мақтовлар айтиб турар экан.

Фаришталар ҳам у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳдан раҳмат, саломатлик, розилик сўраб, дуо қилиб туришар экан.

Ояти каримада таъкидли хабардан кейин мўминларга:

«Эй, иймон келтирганлар! Сиз ҳам унга саловот айтинг ва салом юборинг», деб амр қилинмоқда.

Бу амрга биноан, ҳар бир мўмин учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиш ва салом юбориш фарз бўлиб қолади. Бу хусусдаги баҳсларда уламоларимиз, умрда бир марта ёки ҳар бир мажлисда бир марта ёки у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номлари ҳар зикр қилинганида бир марта саловот айтиш керак, деганлар.

Амалда эса, охиргиси – ҳар номлари зикр қилинганида саловот айтиш урф бўлган. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтишни амр қилган экан, бу саловот қандай қилиб айтилади, деган савол пайдо бўлиши табиий. Жумладан, худди шу савол ушбу оят нозил бўлганидан кейиноқ саҳобаи киромларда пайдо бўлган.

Имом Бухорий ва имом Муслим Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтиладики:

«Бир одам: «Эй, Аллоҳнинг Расули, сизга салом беришни-ку биламиз, аммо саловот айтиш қандай бўлади?» деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳумма солли ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммадин, кама соллайта ала Иброҳийма ва ала оли Иброҳийм. Иннака ҳамийдум-мажийд. Аллоҳумма барик ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммадин, кама барокта ала Иброҳийма ва ала оли Иброҳийм. Иннака ҳамийдум-мажийд», деб айт», дедилар.

Бошқа ҳадисларда ҳам бир оз фарқли сийғалар келган. Шундан кўриниб турибдики, бир хил сўзлар билан саловот айтиш шарт эмас. Турли сўзлар, турли иборалар билан, айтса ҳам, бўлаверади. Энг муҳими, албатта айтиш керак.

Баъзи кишиларда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг Ўзи саловот айтиб турса, Унинг фаришталари саловот айтиб турса, мўминларнинг саловотига нима ҳожат бор, деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Бу саволга жавоб шулки: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўминлар саловотига эҳтиёжлари йўқ. Балки мўминлар у зотга саловот айтишга муҳтождирлар. Улар ушбу саловотлари ила

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни улуғлаб, савоб оладилар. Дуолари қабул бўлади. Мурудларига етадилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва имом ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Омир ибн Робитанинг оталари қуйидагиларни айтадилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ким менга саловот айтса, фаришталар унга ҳам менга айтган саловотининг баробарида саловот айтиб турадилар. Банда саловотни, хоҳласа, оз айтсин, хоҳласа, кўп», деганларини эшитдим».

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менга бир марта саловот айтса, Аллоҳ унга ўн марта саловот айтади», деганлар.

Қуръон тиловати ва Аллоҳнинг зикридан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиш энг савобли ишлардан ҳисобланади. Чунки, бу нарса Аллоҳ таолонинг амри. Шунинг учун ҳам, намознинг ташаҳҳудида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтилади. Имом Шофийий: «Ташаҳҳудда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтилмаса, намоз намоз бўлмайди», деганлар.

Имом Насайй ва имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Абу Талҳа розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар: «Бир куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам юзларидан қувонч балқиган ҳолда келдилар.

Биз:

«Юзингизда қувонч кўрмоқдамиз!» дедик. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Чунки, ҳузуримга фаришта келиб: «Эй Муҳаммад, албатта, Роббинг айтурки: «Ким сенга саловот айтса, албатта, Мен унга ўн марта саловот айтишим, ким сенга салом айтса, Мен унга ўн марта салом айтишим сени рози қилмайдими?» деди», деб хабар бердилар.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни менга энг яқин кишилар, албатта, менга кўп саловот айтганлардир», деганлар.

Ушбу маънодаги ҳадиси шарифлар жуда ҳам кўпдир. Асрлар давомида мусулмонлар ушбу оятга ва ҳадисларга чин ихлос билан амал қилиб келмоқдалар. Намозларида ўз Пайғамбарлари соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтмоқдалар. У зоти бобаракотнинг номи шарифлари зикр этилиши билан саловот айтишга шошиладилар. Аҳли солиҳ кишиларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтишдан иборат кундалик вазифалари ҳам бор.

Аксинча, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номлари зикр қилинса-ю, у зотга саловот айтилмаса, мусулмонларнинг надоматга йўлиқишларига сабаб бўлади.

Чунки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари Имом Термизий ва имом Насайй ривоят қилган ҳадисда:

«Кимнинг ҳузурида мен зикр қилинсам-у, у менга саловот айт-маса, ўша одам бахилдир», деганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак номлари зикр этилганида, у зот алайҳиссалату вассаломга саловот айтмаслик шунчалик ёмон бўлса, у кишига озор бериш қанчалик бўларкин?!

إِنَّ الَّذِينَ يُؤْذُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَأَعَدَّ لَهُمْ عَذَابًا مُهِينًا ﴿٥٧﴾

57. Албатта, Аллоҳга ва Унинг Расулига озор берадиганларни Аллоҳ бу дунё ва охиратда лаънатлади ҳамда уларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйди.

Аллоҳга озор бериш – Аллоҳга куфр, ширк келтириш, Унга осий бўлиш, Уни ўзига мос бўлмаган сифатлар билан сифатлаш, динга, Пайғамбарларига, китобларига тил теккизиш каби ёмон амаллардир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга озор бериш эса, ўша вақтда у зотга қарши чиқиш, жисмоний ва маънавий зарба бериш, шахсларига, оилалари ва умматларига нисбатан ёмонлик қилиш, ифво, бўҳтон қилишдан иборатдир. Ҳозирда ҳам худди шундай: ким у кишининг шахсларига, динларига, шариатларига, оилаларига, китобларига, суннатларига, умматларига тил теккизса, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга озор берган бўлади.

Аллоҳ таолога ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга озор берганларни эса:

«Аллоҳ бу дунё ва охиратда лаънатлади...»

Яъни, лаънатлаб бўлди. Келажақда лаънатлайди, эмас. Шунингдек, **«...уларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйди».**

Аллоҳга ва Унинг Расулига берган озорлари учун охиратда хорловчи азоб билан азобланадилар.

وَالَّذِينَ يُؤْذُونَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ بَغَيْرِ مَا كَتَبْنَا فَتَقَدِّحُوا أَمْثَلُوا
بُهْتَانًا وَإِنَّمَا مِينًا ﴿٥٨﴾

58. Мўмин ва мўминаларга, улар бирор нарса қилмасалар ҳам, озор берадиганлар, батаҳқиқ, ўз устларига очиқ бўҳтон ва гуноҳни олибдилар.

Ҳеч бир айбсиз мўмин эркак ва мўмина аёлга озор берганлар катта гуноҳ қилган бўладилар. Мўмин инсон Аллоҳ таолонинг ҳузурида энг қадрли инсондир. Аллоҳ таоло бошқа оятларда Ўзи мўминларнинг валийси эканини таъкидлаб айтиб қўйгандир. Кимки мўмин инсонга озор берса, очиқ бўҳтон қилган бўлади ва шунга яраша жазосини олади.

Имом ибн Абу Ҳотим ҳазрати Оишадан ривоят қилган ҳадисда айтиладики:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан:

«Аллоҳнинг наздида энг ёмон рибо нима?» деб сўрадилар. Улар:

«Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳнинг эътиборидаги энг ёмон рибо мусулмон одамнинг обрўйини тўкишни ўзига эп кўришдир», дедилар.

Мўмин-мусулмонлар Аллоҳ таолонинг валийлари бўлганидан кейин, уларга озор берганлар, албатта, Аллоҳга озор берган бўлади. Аллоҳ таоло эса, валийларига – мўмин бандаларига озор берганларни қандай жазолашни яхши билади.

Кофир ва мунофиқлар, дин душманлари кўпинча аёлларга бўҳтон қилиш билан мўминларга озор беришга интилишади. Шунинг учун, Аллоҳ таоло ушбу тарафни беркитиш учун қуйидаги хитобни қилмоқда:

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ قُلْ لَأَزْوَاجَكُمْ وَبَنَاتِكُمْ وَنِسَاءَ الْمُؤْمِنِينَ يُدْنِينَ عَلَيْهِنَّ مِنْ جَلِيبِهنَّ ذَلِكَ
أَدْنَىٰ أَنْ يَعْرِفْنَ فَلَا يُؤْذِينَ ۗ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٥٩﴾

59. Эй Набий, жуфтларингга, қизларингга ва мўминларнинг аёлларига айт: жилбобларини ўзларига яқин қилсинлар. Ана ўша уларнинг танилмоқлари ва озорга учрамасликлари учун яқинроқдир. Аллоҳ ўта мағфиратли ва раҳимли зотдир.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга аввало ўз жуфтлари ва қизларига жилбобларини ўзларига яқинлаштиришни буюришга амр этмоқда. Чунки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳаралари ва қизларининг шарафлари улуғ бўлгани учун бу ишни ҳаммадан олдин улар қилмоқлари лозимдир.

Жилбоб устан кийиладиган ёки ёпиладиган кенг куйлак ёки либосдир. Мўмина аёлни бошқа аёллардан ажратиб турадиган бу кийим турли мусулмон ўлкаларда турлича бўлган. Лекин ҳаммаси ҳам мўмина аёлни ёмон кўздан сақлаш, уни бошқа аёллардан ажратиш каби вазифаларни адо этган.

Жоҳилият даврида аёллар очик-сочик юришар эди. Турли кийимлар кийиб, кўча-куйда эркакларнинг эътиборини ўзларига тортишга ҳаракат қилишарди. Шунинг учун, фосиқ ва фожирлар дуч келган аёлларнинг ортларидан тушишган, гап отишган, турли қилиқлар қилишган. Ўша фосиқ ва фожирларга мўминлар эътироз билдириб, Исломи дини мўмина аёлларга бундай муносабатда бўлишни ман қилганини айтганларида, улар, биз буларнинг мўмина эканини билмабмиз, мўмина эмас, балки чўри бўлса керак, деб ўйлабмиз, дейишган.

Ушбу ояти карима нозил бўлганидан кейин эса, шароит тамоман ўзгарган.

Имом ибн Абу Ҳотим Умму Салама онамиздан қилган ривоятда у киши розияллоҳу анҳо:

«Жилбобларини ўзларига яқин қилсинлар» ояти нозил бўлганидан кейин, ансорийларнинг аёллари қора рангли кийим ёпиниб, худди бошларида қарға ўтиргандек сокинлик билан чиқардилар», деганлар.

Ҳа, исломий ҳижоб кийими мўмина аёлларнинг мўминалик аломатлари — белгиларидир. Бу нарса оятда ҳам таъкидланмоқда.

«Ана ўша уларнинг танилмоқлари ва озорга учрамасликлари учун яқинроқдир.»

Яъни, жилбобларига ўраниб, ёпинчиқ ёпиниб юришлари, мўмина аёлларнинг бошқалардан ажраб, мўминаликлари танилмоғи учун яқинроқдир. Уларнинг фосиқ ва фожирларнинг озорига учрамасликларига яқинроқдир.

Ушбу ояти карима тафсирида машҳур тафсирчилардан ал-Суддий қуйидагиларни айтадилар:

«Мадийна аҳлининг баъзи фосиқ одамлари кечаси бўлиши билан шаҳар кўчаларига чиқиб, аёлларнинг йўлларини тўсар эдилар. Мадийна аҳлининг масканлари тор эди. Аёллар қазои ҳожатга кечаси ташқарига чиқардилар. Фосиқлар шуни кутиб турар эдилар. Кейин жилбоб ёпинган аёлни кўрсалар, бу ҳур экан, деб ўзларини тиядиган, жилбоби йўқ аёлни кўрсалар, бу чўри экан, деб унга ташланадиган бўлдилар».

Бу гапга изоҳнинг ҳожати йўқ. Ҳар ким ўзи тушуниб олса, бўлади, деб ўйлаймиз.

«Аллоҳ ўта мағфиратли ва раҳимли зотдир.»

Ушбу оят нозил бўлгунича ўтган амалларни Ўзи кечиради. Бу борадаги ҳисоб-китоб оят нозил бўлганидан кейин бошланади.

Агар шунда ҳам кофирлар, мунофиқлар, фосиқ ва фожирлар мўмин ва мўминаларга озор беришдан тўхтамасалар, унда Аллоҳ таоло бошқача чора кўради:

لَئِنْ لَّمْ يَنْهَ الْمُتَنَفِقُونَ وَالَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ وَالْمُرْجِفُونَ فِي الْمَدِينَةِ
لَتُغْرِيَنَّكَ بِهِمْ ثُمَّ لَا يُجَاوِرُونَكَ فِيهَا إِلَّا قَلِيلًا ﴿٦٠﴾

60. Қасамки, агар мунофиқлар, қалбларида марази борлар ва Мадийнада миш-миш тарқатувчилар тўхтамасалар, сени уларга қарши қўзғотурмиз. Сўнгра улар у(Мадийна)да сенга озгинадан бошқа қўшни бўла олмаслар.

Аллоҳ таоло бу оятда қасам билан таъкидлаб айтмоқдаки, агар мунофиқлар мўмин-мусулмонларга қарши турли озорлар етказишда давом этаверсалар, шунингдек, қалбларида марази бор, иймони заифлар мўмин-мусулмонларга зарар етказишдан тўхтамасалар, мўмин-мусулмонлар ҳақида турли-туман ифво-бўхтонларни тарқатаверсалар, Аллоҳ таоло Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламга амр этиб, уларга қарши Ўз ҳукмини куч билан ўтказиш чорасини кўради.

Керак бўлса, жиҳод қилинади. Керак бўлса, улар мусулмонлар жамиятидан ҳайдаб чиқарилади.

«Сўнгра улар у(Мадийна)да сенга озгинадан бошқа қўшни бўла олмаслар.»

Ҳозир улар Мадийнада сен билан қўшни бўлиб яшаб турибдилар. Аммо Аллоҳ сени уларга қарши қўзғатганида, улар озгина муддат, амрни бажо этишинг муддатигача Мадийнада сенга қўшни бўлиб турадилар, холос. Кейин ё ўлдириладилар, ёки ҳайдаб чиқариладилар. Ҳайдаб чиқарилмоқдалар ҳам:

مَلْعُونِينَ أَيْنَمَا ثِقِفُوا أُخِذُوا وَقْتَلُوا وَقَتْلًا ﴿٦١﴾ سُنَّةَ اللَّهِ فِي الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ
قَبْلُ وَلَنْ تَجِدَ لِسُنَّةِ اللَّهِ تَبْدِيلًا ﴿٦٢﴾

61. Лаънатланган ҳолларида, қаерда топилсалар, тутилурлар ва ўлдириб ташланурлар.

62. Илгари ўтганлар ҳақида Аллоҳ тутган йўл ҳам шудир. Аллоҳнинг йўлига ҳеч бадал топа олмассан.

Қадимдан Аллоҳ таоло мўминларга озор берувчи мунофиқ, қалбида марази бор ва миш-миш тарқатувчиларга қаттиқ чора кўриб келган. Уларга ўхшаганларга нисбатан Аллоҳнинг қадимдан тутиб келган йўли шудир. Бу йўлнинг ўрнига бошқа бир йўлни топа олмассан.

Маълумки, қиёмат ҳақидаги оятлар, асосан, Маккаи Мукаррамада нозил бўлган. Кофирларнинг қиёмат ҳақидаги саволлари ҳам,

асосан, Маккада бўлган. Аммо бу дегани, Мадийнаи Мунавварада қиёмат ҳақида сўз айтилмаган, одамлар ҳам қиёмат ҳақида савол бермай қўйган, дегани эмас. Кофирлар қаерда бўлсалар ҳам, кофирлигини қилади. Айниқса, яҳудийлар турли фитна-фасод саволларни сўрашар эди. Бошқаларга ҳам савол ўргатиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига юборишарди. Келаси оятда ана шундай саволлардан бири ҳақида сўз кетади:

يَسْأَلُكَ النَّاسُ عَنِ السَّاعَةِ قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ اللَّهِ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ السَّاعَةَ تَكُونُ قَرِيبًا ﴿٦٣﴾

63. Одамлар сендан соат (қиёмат) ҳақида сўрарлар. Сен: «Унинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир», деб айт. Недан билурсан, эҳтимол, ўша соат яқиндир.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни қиёмат соати билан қўрқитар, бу дунёда қилган ишларининг жазосини қиёматда тортишларини қайта-қайта такрорлар эдилар. Қуръони Каримда ҳам қиёмат ва унинг васфи, ундаги даҳшатлар ҳақида кўплаб оятлар келгани маълум. Кофирлар доимо, қиёмат қачон бўлади, деб сўрар эдилар. Улар, қиёмат қоим бўлишига шак-шубҳа қилганлари учун ҳам, у ҳақда кўп сўрардилар. Қани, бўлса, бўлмайдими, деб шошилар эдилар. Лекин қиёматнинг илми Аллоҳ таолонинг Ўзига хосдир. Аллоҳ таоло унинг қачон бўлишини бошқага билдиришни истамади. Ҳатто Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам, фаришталарга ҳам бу илмдан хабар бергани йўқ.

Имом Муслим, имом Абу Довуд, имом Термизий ва имом Насайй Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Менга отам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтдики: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўтирар эдик. Бирдан ҳузуримизда оппоқ кийимли ва қоп-қора сочли одам пайдо бўлди. Унда сафарнинг асари кўринмас эди. Уни биздан бирор киши танимас ҳам эди. У келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тиззаларига тиззасини теккизиб ўтирди. Икки кафтини икки сонларига қўйди ва:

«Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер!» деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ислом — «Лаа илааҳа Иллаллоҳ, Муҳаммадун расулуллоҳ», деб шаҳодат келтирмоғинг, намозни тўқис адо этмоғинг, закотни бермоғинг, Рамазон рўзасини тутмоғинг, агар имконинг бўлса, Байтуллоҳга ҳаж қилмоғинг», дедилар. Ҳалиги одам:

«Тўғри айтдинг!» деди. Биз ундан ажабландик. Ўзи савол бериб, ўзи, тўғри айтдинг, дейди. Кейин у:

«Менга иймондан хабар бер», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг ва яхши-ёмон қадарга иймон келтирмоғинг», дедилар. У одам:

«Тўғри айтдинг. Эҳсон ҳақида хабар бер!» деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга худди сен Уни кўраётгандек ибодат қилишинг. Агар сен Уни кўрмаётган бўлсанг, У сени кўраётгандек ибодат қилишинг», дедилар. У:

«Менга соат (қиёмат) ҳақида хабар бер!» деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У ҳақда сўралаётган одам сўровчидан кўра билимли эмас», дедилар.

У одам чиқиб кетганидан сўнг, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромларидан бу одамнинг кимлигини сўрадилар. Саҳобалар, танимаймиз, деб жавоб бердилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаброил сизга динингизни ўргатгани келган эди», дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифдан сўралувчи шахс Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, сўровчи Жаброил алайҳиссалом ҳам қиёмат қачон бўлишини билмаганлари кўриниб турибди.

Шу билан бирга, ояти каримада қиёмат қачон қоим бўлишини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билишининг, бошқаларга билдирилмаганининг ҳикматларидан бири ҳам баён қилинади:

«Недан билурсан, эҳтимол, ўша соат яқиндир».

Қиёмат соати яқиндир, сен буни билмайсан, сендан бошқа ҳеч ким ҳам билмайди. Шунинг учун, ҳамма доимо ҳушёр бўлиб, тайёргарлигини кўриб туради. Ҳозир ёки эртага қиёмат қоим бўлиб қолса, нима қиламан, деб яхши ишларни кўпроқ қилади, ёмонликдан қочади.

Қиёмат соати қачон бўлиши ҳақида унинг бўлишига ишонмай сўраётган ўша кофирлар ва уларнинг шериклари билиб қўйсинарларки:

إِنَّ اللَّهَ لَعَنَ الْكُفْرِينَ وَأَعَدَّ لَهُمْ سَعِيرًا

64. Албатта, Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва уларга дўзахни тайёрлаб қўйди.

Аллоҳ таоло кофирларни Ўз раҳматидан қувди. Улар икки дунёда Аллоҳ таолонинг лаънатига учрадилар. Қиёмат куни эса, уларга ўта қизиган дўзахни тайёрлаб қўйди.

خَلْدِينَ فِيهَا أَبَدًا لَا يَجِدُونَ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿٦٥﴾

65. Улар унда абадий бардавом қолурлар. На бир дўст ва на бир ёрдамчи топа олмаслар.

Ўша кофирлар дўзахда вақтинча эмас, абадий бардавом қолурлар. У ерда улар ўзларига бирорта раҳим қиладиган дўст ҳам, қутқарадиган ёрдамчи ҳам топа олмаслар.

يَوْمَ تُقَلَّبُ وُجُوهُهُمْ فِي النَّارِ يَقُولُونَ يَلَيْتَنَّا أَطَعْنَا اللَّهَ وَأَطَعْنَا الرَّسُولَ ﴿٦٦﴾

66. Юзлари олов ичида айлантирилаётган кунда улар: «Эҳ, кошки, Аллоҳга итоат қилсак эди, Расулига итоат қилсак эди», дерлар.

Қиёмат кунда, кофирлар ўта қизиган дўзах оловида қаттиқ куйдирилганларида, ҳатто юзларидан бирор жойига олов камроқ тегиб қолмасин, деб юзлари айлантирилиб, оловнинг кучли жойига тутиб куйдирилаётган кунда улар «Эҳ, кошки, Аллоҳга итоат қилсак эди, Расулига итоат қилсак эди», дейдилар.

وَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطَعْنَا سَادَتَنَا وَكُبَرَاءَنَا فَأَضَلُّونَا السَّبِيلًا ﴿٦٧﴾ رَبَّنَا إِنَّا أِتَيْنَاهُمْ مِنْ مِّنْ أَلْعَابِ الْعَذَابِ ﴿٦٨﴾

67. Ва: «Эй Роббимиз, албатта, биз бошлиқларимизга ва катталаримизга итоат қилдик. Бас, улар бизни йўлдан оздирдилар.

68. Эй Роббимиз, сен уларга азобдан икки ҳисса бергин ва уларни катта лаънатлаш ила лаънатлагин!» дедилар.

Албатта, бу дунёда Аллоҳ таолога ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилмаганидан кейин, турли бошлиқларга ва «катта»ларга итоат қилган бўлади. Бу дунёда Аллоҳнинг айтган йўлидан юрмаганидан кейин, бошлиқларнинг йўлига юрган бўлади. Бу дунёда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларини қилмаганидан кейин, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрнак олмаганидан кейин, турли «катта»ларнинг кўрсатганини қилган, ўшалардан ўрнак олган бўлади. Бу дунёда бошлиқлари ва «катта»лари унга ризқи рўз, обрў-мартаба ва бошқа керакли нарсаларни бераётган бўлиб кўринади. Ана ўша дунё матоҳлари илинжида уларга эргашади. Бу дунёда ўзига ўхшаган бандага — бошлиқ ва «катта»га

банда бўлиб, расвои олам бўлиб ўтгани етмаганидек, охиратда иши яна ҳам чатоқ бўлади. Аллоҳ таолонинг лаънатига учрайди. Дўзахга тушади. Оловда юзлари айлантирилиб, куйдирилади. Аллоҳга ва Расулига итоат қилмаганига пушаймон бўлади. Яна, бошлиқларига ва «катта»ларига итоат қилганига ҳам пушаймон бўлади. Бу пушаймонлари шунчалик кучлики, уни ичларида яшира олмай, нидо қилиб, Аллоҳ таолога айтмоқдалар:

«Эй Роббимиз, албатта, биз бошлиқларимизга ва катталаримизга итоат қилдик».

Қизиқ, бўлар иш бўлганидан кейин Аллоҳ таоло Роббилари экани ёдларига тушиб қолибди! Ҳам «албатта», деб сўзларини, эътирофларини таъкидлаб айтмоқдалар, қилган гуноҳларида ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эканини бўйинларига олмоқдалар.

«...биз бошлиқларимизга ва катталаримизга итоат қилдик.»

Ўзимизча, уларга итоат этсак, мақсадга эришамиз, саодат соҳиб бўламиз, деб гумон қилган эдик.

«Бас, улар бизни йўлдан оздирдилар.»

Улар ҳам бизга ўхшаган хом сут эмган банда экан. Ўз ҳавойи нафслари, шахватлари тақозоси билан иш кўрар эканлар. Ўзлари адашгани етмаганидек, бизни ҳам йўлдан адаштирдилар. Ҳамма бало ўша бошлиқларимиз ва «катта»ларимизда. Шунинг учун:

«Эй Роббимиз, сен уларга азобдан икки ҳисса бергин...»

Ўзлари залолатда бўлганлари учун бир ҳисса, бизни ҳам залолатга кетказганлари учун бир ҳисса.

«...ва уларни катта лаънатлаш ила лаънатлагин!» дедилар.»

Эй Роббимиз, бизни ўзингга ва Расулингга итоат қилмаганимиз учун лаънатладинг, бу кичик лаънатлаш бўлсин, бизни йўлдан оздирган бошлиқларимиз ва «катта»ларимизни катта лаънатлаш ила лаънатла!

Кофирларнинг охират кунидаги ҳоллари шу. Мўминлар уларнинг бу ҳолатидан ибрат олишлари керак. Кофирларнинг бу дунёда қилган хатоларини улар қилмасликлари лозим.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ آذَوْا مُوسَىٰ فَبَرَأَهُ اللَّهُ مِمَّا قَالُوا وَكَانَ عِنْدَ اللَّهِ وَجِيهًا

69. Эй, иймон келтирганлар! Мусога озор берганлар каби бўлманглар. Бас, Аллоҳ уни улар айтган нарсадан поклади. Ва у Аллоҳнинг наздида обрўли эди.

Юқоридаги оятлардан тушунганимиздек, Мадийнадаги мунофиқлар, иймони заифлар ва миш-мишчилар Пайғамбаримиз соллал-

лоҳу алайҳи васалламга турли гап-сўзлар билан кўп озор берганлар. У кишининг аёллари тўғрисида, хусусан, Зайнаб бинти Жаҳш она-мизга уйланишлари ҳақидаги озорлар ҳаддан ошиб кетган. Ўтган оятларда уларнинг қилмишлари фош этилиб, ўшанга яраша жазо олишлари муқаррар экани айтилган эди. Ушбу оятда эса, мўминларга хитоб қилиниб, ўз Пайғамбарлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Мусо алайҳиссаломга қавмлари Бани Исроил озор берганидек озор бермасликка чақирилмоқда.

«Эй, иймон келтирганлар! Мусога озор берганлар каби бўлманглар.»

Бани исроилликлар Мусо алайҳиссаломга турли озорлар берганлар. Жумладан, жинсий масалада ҳам миш-миш тарқатиб у зотга озор берган эдилар. Баъзилари, Мусо даппа, эркаклиги йўқ, деб миш-миш тарқатганлар. Қорун эса, бир аёлга пул бериб, Мусо алайҳиссаломни зино қилишда айблашга уринишни топширган эди. Сизлар ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга турли озорлар берманглар, хусусан, оилавий тарафдан турли миш-мишлар тарқатиш билан у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни ранжитманглар. Бошларингизга Бани Исроилнинг куни тушиб қолмасин. Аллоҳ Бани Исроилни Мусо алайҳиссаломга озор берганлари учун нима қилгани маълум. Улар Мусо алайҳиссалом ҳақларида миш-мишлар тарқатган, турли ёмон гаплар айтган эдилар.

«Бас, Аллоҳ уни улар айтган нарсадан поклади.»

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни бани исроилликлар айтган айблардан поклади. Шунингдек, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам мунофиқлар, иймони заифлар ва миш-мишчилар айтаётган айблардан поклайди.

«Ва у Аллоҳнинг наздида обрўли эди.»

Яъни, Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг ҳузурини обрўга эга эди. Шунинг учун, уни поклаб, озор берганларни жазолади. Шунингдек, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Аллоҳнинг наздида катта обрўга эгадирлар. Бинобарин, Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам поклайди ва у зотга озор бераётганларни муносиб жазолайди.

Мўминлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга озор беришдан қайтарилганидан сўнг, кейинги оятда уларнинг қандай кишилар бўлишлари лозимлиги ҳақида сўз кетади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَفُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا

70. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглр ва тўғри сўз сўзланглр.

Ана шундагина мунофиқлар, иймони заифлар ва миш-мишчиларнинг ифвосига учмайсиз. Аллоҳга тақво қилсангиз, Ундан доимо қўрқиб турсангиз, нафақат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга, балки бошқа бировга ҳам озор беришга ботина олмайсиз.

«...ва тўғри сўз сўзланглар.»

Сўзингиз доимо тўғри бўлсин, рост бўлсин, кучли бўлсин, мақсадни кўзлаган бўлсин. Ана шунда Аллоҳ:

يُصَلِّحْ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٦١﴾

71. У зот сизнинг амалларингизни солиҳ қиладир ва гуноҳларингизни мағфират қиладир. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, буюк зафарга эришибдир.

Доимо Аллоҳга тақво қилиш ва тўғри сўз бўлиш кишини яхшиликларга эриштириши муқаррар эканини ушбу оятдан билиб оламиз. Аввалги оятда айтилган тақводор ва тўғри сўз бўлиш ҳақидаги амрнинг натижаси ушбу оятда баён қилинмоқда.

«У зот сизнинг амаларингизни солиҳ қиладир ва гуноҳларингизни мағфират қиладир.»

Яъни, сиз тақводор ва тўғри сўз бўлсангиз, Аллоҳ сизни яхши амалларга йўллаб қўяди ва бандалик билан қилган баъзи гуноҳларингизни ўзи кечиради.

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, буюк зафарга эришибдир.»

Бу ҳам муқаррар ҳақиқатдир. Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қила олишнинг ўзи улкан зафардир. Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилишдан келиб чиқадиган икки дунёнинг зафарлари эса, итоаткор банданинг ёнига қоладиган фойдалардир. Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилганлар бошқаларга ўхшаб йўлдан адашмайдилар, турли бошлиқ ва «катта»ларга қул бўлмайдилар, балки ўша бошлиқ ва «катта»ларнинг ҳам Робби бўлган ягона Аллоҳ таолога банд бўладилар. Уларнинг нияти ҳам, йўли ҳам, мақсади ҳам аниқ. Уларнинг икки дунёда зафар қозонишларини Аллоҳ таолонинг Ўзи ваъда қилган. Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилганлар бошқалар каби Аллоҳнинг лаънатига учрамайдилар, улар учун ўта қизиган дўзах ҳам тайёрлаб қўйилгани йўқ. Улар Аллоҳнинг раҳматига йўлиқади-лар ва улар учун жаннати маъволар тайёрлаб қўйилган.

Эътибор берадиган бўлсак, бу ваъдалар тоат-итоат қилганларга берилмоқда. Яъни, амали Аллоҳнинг амрига, Расулининг фармонига итоат қилиш бўлганларга берилмоқда.

Инсоннинг улкан зафарга эришиши ёки лаънатга учраши унга таклиф қилинган омонатга қандай муносабатда бўлишига боғлиқдир:

إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا
الْإِنْسَانُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا ﴿٧٢﴾

72. Албатта, Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф қилдик. Бас, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Уни инсон кўтарди. Дарҳақиқат, у ўта золим ва ўта жоҳилдир.

«Омонат» сўзи «амана» феълнинг масдари — иш-ҳаракат номи бўлиб, «ишониб топширилган нарса» маъносини англатади. Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолонинг омонати, бирортага ишониб топширилаётган нарсаси борлиги тушунилади. Бу омонат нима эди, деган саволга уламоларимиз ушбу оятдан ва бошқа турли манбалардан келиб чиқиб: «Шариат таклифлари ва Аллоҳнинг фарзлари», деб жавоб берадилар. Бошқача қилиб айтганда, Аллоҳ таолонинг Ўз ҳаққига, инсонларнинг ҳаққига ва бошқа махлуқотларнинг ҳаққларига боғлиқ амрларини, наҳйларини, кўрсатма-таълимотларини ва ҳукмларини ўз жойига қўйиш бўйича унинг ишонган вакили бўлиш таклифи, демакдир. Бу эса, ўз ихтиёри билан бўладиган нарсадир. Яъни, ўша таклифларни амалга оширадиганлар ўз ҳурриятига — хоҳласа, амал қилиб, хоҳлама-са, қилмаслик ихтиёрига эга бўлади. Ушбу оятдан Аллоҳ таоло мазкур омонатни Ўзининг турли махлуқларига таклиф қилгани билинади.

«Албатта, Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф қилдик.»

Аллоҳ таоло шариат таклифларини, фарзларини, Ўз амр ва наҳйларини қабул қилишни Ўзи яратган чексиз, мустаҳкам осмонларга таклиф қилган. Бепоён, турли мавжудотларни, махлуқотларни ўз ичига олган ерга таклиф қилган. Саботли ва сервиқор тоғларга таклиф қилган.

«Бас, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар.»

Бу омонатни кўтариш шунчалик оғир эдики, ҳатто шундай улкан, пишиқ, қувватли ва умри узун осмонлар, замин ва тоғлар ҳам уни кўтаришдан қўрқдилар. Бу омонатни уддалаб, ўрнига қўя олишларига кўзлари етмади. Ихтиёрий бўлиб, омонатни бўйинларига олишнинг ўрнига, ихтиёрсиз бўлиб, доимий равишда ўзлари учун Аллоҳ таоло қўйган чегарадан қилча ҳам четга чиқмай юришни афзал кўрдилар.

«Уни инсон кўтарди.»

У омонатни инсон кўтарди. Чексиз осмонлар кўтаришдан қўрққан омонатни уларнинг остида яшайдиган кичик зарра – инсон кўтарди. Улкан ва қадимий ер кўтаришдан қўрққан омонатни унинг устида яшаётган умри қисқа, кичик бир жонзот – инсон кўтарди.

Салобат ва қувват рамзи бўлган тоғлар кўтаришдан қўрққан омонатни уларнинг орасида яшайдиган кўримсиз ва заиф бир махлуқ – инсон кўтарди.

«Дарҳақиқат, у ўта золим ва ўта жоҳилдир.»

Дарҳақиқат, инсон жинси (ҳамма эмас, албатта) ўта золимдир. Ўзига юклатилган ва ўзи қабул қилган омонатга мувофиқ иш юритмасдан ўзига ўзи зулм қилади.

Инсон жинси ўта жоҳилдир, шунинг учун, ўзи рози бўлиб, қабул қилиб олган омонатнинг улканлигини билмасдан, унга хиёнат қилади. Инсон зулм қилавермасдан, ўзига юклатилган омонатни адо этсин. Инсон жоҳил бўлавермасдан, ўзига юклатилган омонатнинг қанчалик нозик эканини тушуниб етсин. Ахир, унга осмонлар, ер ва тоғлар кўтаришдан қўрққан омонат юклатилган-а! Бу эса:

لِيُعَذِّبَ اللَّهُ الْمُنَافِقِينَ وَالْمُنَافِقَاتِ وَالْمُشْرِكِينَ وَالْمُشْرِكَاتِ وَيَتُوبَ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٧٦﴾

73. Аллоҳ мунофиқлар ва мунофиқаларни, мушриклар ва мушрикаларни азоблаши учун ҳамда мўмин ва мўминаларнинг тавбаларини қабул этиши учундир. Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотдир.

Яъни, мазкур омонатнинг инсонга таклиф қилинишидан мақсад инсонлар орасидан мунофиқ ва мушрикларни ажратиб олиб азоблаш ва мўминларни ажратиб олиб, уларнинг тавбасини қабул қилиб, мукофотлашдир. Ушбу омонат бўлмаса, шариат таклифлари, Ислом ибодатлари, талаблари бўлмаса, ким мунофиқ, ким мушрик, ким мўмин экани билинмай юраверадилар.

Аллоҳ таклиф қилган омонатга – Ислом ҳукмига итоат этиб, унинг таълимотларига амал қилиб яшаганлар икки дунёнинг бахт-саодатига сазовор бўладилар. Уларнинг тавбаларини Аллоҳ қабул қилади. Тавбаси қабул бўлганлар эса, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам зафарга эришадилар.

Аллоҳ таклиф қилган омонатни – Ислом ҳукмини ва унинг таълимотларини инкор қилган мушриклар эса, икки дунёда азобу иқобга дучор бўладилар.

Шунингдек, Аллоҳ тақлиф қилган омонатга – Исломга тили билан хайрихоҳлик билдириб, амалда ундан бошқача иш юритган мунофиқлар ҳам икки дунёда бадбахт бўладилар. Аллоҳ таоло уларни ҳам икки дунёда азобу иқобга дучор қилади.

«Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотдир.»

Мушрик ва мунофиқ бандалар вақтнинг борида тавба қилиб, Исломга кирсалар, тиллари, диллари ва танлари билан Ислом таълимотларига мувофиқ яшасалар, уларни ҳам мағфират қилади ва Ўз раҳматидан баҳраманд этади.

*Аллоҳ таолонинг ёрдами ва риояти
ила тўртинчи жуз тамом бўлди.*

Бешинчи жуз

«САБАЪ» сурасидан бошланур.

МУНДАРИЖА

Ҳаж сураси.....	3
Муъминун сураси.....	57
Нур сураси.....	100
Фурқон сураси.....	208
Шуаро сураси.....	251
Намл сураси.....	314
Қосос сураси.....	360
Анкабут сураси.....	419
Рум сураси.....	464
Луқмон сураси.....	497
Сажда сураси.....	522
Аҳзоб сураси.....	538

ШАЙХ
МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ

Тарғири Ҳилол

ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН

ИККИНЧИ НАШР

4 ЖУЗ

Тошкент — 2008

Муҳаррир *Шаҳобиддин Одилов*
Мусаввир *Мунаввар Турсунбой ўғли*
Техник муҳаррир *Мансур Қаюмов*
Ношир *Исмоил Муҳаммад Содиқ*